



Amir Temur | Амир Темура
et | ва
la France | Франция

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 25 йиллиги
ҳамда Амир Темур таваллудининг
680 йиллигига бағишланади.

Dédié au
25^e anniversaire de l'indépendance
de la République d'Ouzbékistan et
680^e anniversaire d'Amir Temur.

Тошкент
«Адолат»
2016

274855

Amir Temur | Амир Темур
et | ва
la France | Франция

LIBRARY
"FARHOD" MS
KUTUBXONASI

уЎК: 94(575+44)
КБК: 63.3(5Ў)4

К 38

Керен, Люсьен. Саидов, Акмал.
Амир Темур ва Франция/Тулдирилган ва қайта ишланган
иккинчи нашр. – Тошкент: «Адолат», 2016. – 560 бет.

ISBN 978-9943-4578-5-0

Таниқли француз олими Люсьен Керен ва ўзбекистонлик ҳуқуқшунос Акмал Саидов ҳаммуаллифликда Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихининг француз шарқшунослик мактаби томонидан урганилишига бағишлаб ёзган мазкур китобнинг биринчи нашри чиққанига йигирма йил бўлди. Ўтган даврда ҳар икки муаллифнинг айна мавзудаги тадқиқотлари кулами бир-биридан қизиқарли маълумотлар ҳисобига изчил кенгайди. Китобнинг навбатдаги нашри ана шу янги илмий-ижодий изланишлар натижалари билан тулдирилган.

А. Саидов ва Л. Кереннинг «Амир Темур ва Франция» китоби Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда буюк давлат арбоби, музаффар саркарда, мохир дипломат ва бунёдкор зот, фан ва маданият ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллик тўйига тухфадир.

Форзацда: «Буюк Соҳибқирон – буюк бунёдкор». Темурийлар тарихи
Давлат музейи марказий зали. Тошкент, 1996 йил.
Муаллифлар: Т. Болтабоев, Г. Камолов, Х. Назиров.

«Le Grand Conquérant – le grand créateur». La salle centrale
du Musée d'État sur l'Histoire des Timourides. Tachkent.
1996. Auteurs: T. Boltaboev, G. Kamolov, K. Nazirov.

Наҳзацда: «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали.
Регистон майдони. Самарқанд. 2013 йил.

Festival international de musique «Sharq Taronalari»
(«Mélodies orientales»). Régistan. Samarkand. 2013.

© Л. Керен, А. Саидов, 2016 йил.
© «Адолат», 2016 йил.

Францияда бир неча асрлардан буён бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз мероси хусусида чуқур тадқиқотлар олиб борилаётганини мамнуният билан таъкидлайман. Француз шарқшунослари бу соҳада кашшофлик қилдилар ва ажойиб натижаларга эришдилар.

Буюк ипак йули Франция ва Испаниядан олис Ҳиндистон ва Хитойгача чузилган бўлиб, қадимий Ўзбекистон шу йулда мамлакатларни бир-бири билан боғловчи марказий буғин, Шарқ билан Ғарб, ислом билан насронийлик бир-бирига туташган жой эди, Шарқ ва Ғарб маданиятлари бир-бири билан боғланган жой эди.

Олис утмишдаги ўзаро муносабатларимизнинг кўпгина шонли саҳифалари тарихда сақланиб қолган. Сизлар Тамерлан деб атайдиган буюк бобомиз Амир Темур билан XIV ва XV асрлардаёқ мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ўрнатиш зарур деб ҳисоблаган Франция Қироли Карл VI нинг ёзишмаларини эслатишнинг ўзи кифоядир*.

Ислом Каримов

J'ai le plaisir de constater que de recherches approfondies s'effectuent en France depuis plusieurs siècles sur l'héritage de nos grands ancêtres, sur notre histoire, notre culture, notre langue. Les orientalistes français sont devenus pionniers en cette matière et ils y ont obtenu des résultats remarquables.

La Grande Route de la Soie s'étendait depuis la France et l'Espagne jusqu'à l'Inde et la Chine et l'ancien Ouzbékistan y était le point central reliant les pays, l'Orient avec l'Occident, l'islam avec le christianisme, l'endroit d'interaction des cultures orientales et occidentales.

L'histoire se souvient de nombreuses pages glorieuses de nos relations à la lumière de siècles. Il suffit de mentionner la correspondance entre notre grand ancêtre Amir Temur que vous appelez Tamerlan et le roi de France Charles VI avaeint été unanimes déjà aux confins des XIVe et XVe siècles de la nécessité de maintenir des liens politiques, économiques et culturels solides entre nos deux pays*.

Islam Karimov

* Каримов И.А. Франция Президенти томонидан ўтказилган расмий қабул маросимида сузланган нутқ. 1993 йил 27 октябрь // Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2 - Т.: «Ўзбекистон», - 1996. - 71-72-бетлар.

* Karimov I.A. Discours prononcé lors de la réception organisée par le Président de la République française. Le 27 octobre 1993 // Karimov I.A. Bizdan ozod va obod Vatan qolsin. T.2 - T.: «Ozbekiston», - 1996. - P.71-72.



*Адолат – давлатнинг асоси
ва ҳукмдорлар шиоридир.*

Оқсарой пештоқидаги
битик.

*La justice, c'est le principe de l'État
et la devise des souverains.*

La plaque contenant l'aphorisme
au portail d'Ak Saray.

*Оқсарой пештоқидаги битик.
Шахрисабз.*

*La plaque contenant l'aphorisme
au portail d'Ak Saray. Chakhrisabz.*

АМИР ТЕМУР ВА ТАРИХ САБОҚЛАРИ

(Муқаддима ўрнида)

«Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда, Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан»¹.

Ислом Каримов

Маълумки, ўтмишли билиш ҳозирги кунни тўғри англаш тақозосидир. Шунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар фуқароси Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ҳақидаги бор ҳақиқатни ўрганиши лозим. «Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун фарз, ҳам қарзидир»².

Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихини чуқур билиш нима учун зарур?

Биринчидан, ўз тарихини, насл-насабини, меросини билмаган миллатнинг келажаги бўлмайди. Чунки ҳар бир халқнинг ўз тарихи мавжуд. Ўз тарихини билмаган, унинг ижобий ва салбий тажрибаларини ўрганиб, тегишли хулосалар чиқармаган халқ бугунги ҳаётининг қадрини ва муаммоларини тушуниб ета олмайди, ўз келажаги ҳақида аниқ тасаввурга, пухта ишланган дастурга эга бўла олмайди. Биз келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга киришган эканмиз, Соҳибқироннинг ибратли ҳаёт йўли ва бунёдкорлик фаолияти бизга катта ишонч ва интилиш, қатъият ва кучқувват бахш этади.

Иккинчидан, Амир Темур ва темурийлар тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш фақат илмий ва маърифий аҳамият касб этиб қолмасдан, тарбиявий ва амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу даврда шаклланган ва ривожланган тарих сабоқларидан мустақилликни мустаҳкамлаш ва асраб-авайлаш йўлида фойдаланиш зарур.

*Бибихоним мақбараси.
Самарқанд. 1399–1404 йиллар.*

*Mausolée Bibi-Khanum.
Samarkand. 1399–1404.*

¹ Каримов И.А. Тошкент шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанала сўзланган нутқ, 1993 йил 31 август // Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 198-бет.

² Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан колсин. Т.2. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 92-бет.



*Амир Темур ҳайкали.
Тошкент. 1993 йил.*

*Monument d'Amir Temur.
Tachkent. 1993.*

Саккизинчиси, Амир Темур салтанатида давлат аҳамиятига молик масалалар кенгашларда бамаслаҳат ҳал этилган. Соҳибқирон ва темурийлар уз атрофига олиму фузалоларни туплаб, давлатни бошқаришда уларнинг фикрларини ҳисобга олиб иш кўрганлар.

Тўққизинчиси, Амир Темур ислом ҳуқуқи, тура (қоида) ва «Тузуклар» асосида жамият ҳуқуқий ҳаётини бошқаришни йулга қўйган.

Унинчиси, Амир Темур жамият ривожидида барча ижтимоий табақалар фаолиятини назардан қочирмаган.

Ун биринчиси, Амир Темур уз даври шарт-шароитига кўра ташқи сиёсатда қатъий, фаол ҳамда мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиб, салтанати нуфузи ва қудратини жаҳон миқёсига олиб чиққан.

Албатта, Амир Темур салтанатида ибратли ижобий жиҳатлар ва эзгу тadbирлар билан бир қаторда айрим иллатлар, қонунбузарликлар, ҳақсизликлар, ҳатто ёвузликлар ҳам булган. Бундан қуз юмиш мумкин эмас. Зотан, бу давр – халқимиз утмишида оламшумул тарихий ва сиёсий воқеаларга, турли қарама-қаршиликлар ҳамда кучли зиддиятларга бой даврдир. Энг асосийси, бу даврни ёритишда бир томонламаликка – фақат ижобий ёки салбий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилмаслик зарур. Умуман, Амир Темур ва темурийлар тарихига ҳар томонлама, илмий, умуминсоний нуқтаи назардан ҳолис ёндашиш ва ҳаққоний баҳо бериш тақозо этилади.

Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихини урганиш шуни кўрсатадики, ҳар бир мустақил давлат узининг миллий ғоясига эга бўлиши шарт. Бусиз том маънодаги миллий давлатнинг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда Амир Темур салтанатининг шонли тарихи шавкатли Соҳибқирон шахсиятининг ибратли намуна ва таҷрибалари назарий, амалий ва тарбиявий жиҳатдан ғоят улкан аҳамиятга эгадир.



«Амир Темур ва Франция» китобининг биринчи наشري. Тошкент, «Адолат», 1996 йил.

Première édition du livre «Amir Temur et la France». Tachkent, «Adolat», 1996.

Шу эзгу мақсад йулида мазкур китобнинг биринчи нашри мухтарам китобхон эътиборига ҳавола қилинганидан буён утган 20 йил ичида мамлакатимизда, қолаверса, дунё миқёсида Амир Темур номи билан боглик янада муҳим янгиликлар юз берди. Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ҳамда фаолиятига доир куплаб янги манбалар, қизиқарли тадқиқотлар нашр этилди. Кейинги даврда каминанам ҳам изланишларимни давом эттирган ҳолда, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақида бир неча китоб ва матбуотда қатор мақолалар эълон қилдим¹. Ҳаммуаллифим – атоқли француз олими профессор Люсьен Керен (Lucien Kehren) ҳам умрининг охиригача айна мавзуда янги китоблари, илмий мақолалари ва таржималарини мунтазам чоп эттириб борди².

¹ Саидов А.Х. Ўзбекистан и ЮНЕСКО // Народное слово, 8 февраля 1994 года; Саидов А. Ўзбекистан – ЮНЕСКО: сотрудничество укрепляется // Правда Востока, 1995, 25 августа; Саидов А. Ҳамжорлик мустақамламоқда // Халқ сузи, 1995, 25 август; Саидов А. Париж: подготовка к юбилею Сахибқирона // Народное слово, 1996, 20 февраля; А.Х. Саидов. Француз темуршунослик мактаби // Сохибқиронли хотирлаб (илмий-назарий анжуман материаллари). – Анҷижон, 1996. – 16-20-бетлар; А.Х. Саидов. ЮНЕСКОнинг эътирофи / Халқ сузи, 1996, 20 апрель; Саидов А. Европа ҳайрати // Сохибқирон юлдузи, 1996, 18 октябрь; A. Saidov. Etudes timurides en France // La Timuride, Paris, 1996, № 16. P. 8; A. Saidov. Амир Темур ва Оуруто шарқшунослиги // Ўзбекистонда иқтисодий франлар. 1996, № 7-10. – 165-172-бетлар; Амир Темур ва Испания (Мукаддима ўрнида) / А. Саидов // Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406). – Т.: «Зар қалам», 2006. – 3-10-бетлар; А. Саидов. Амир Темур в мировой истории: независимость и духовный ренессанс // Политика и общество, М., 2006. – № 11; Осиев ва Европани боғлашга хизмат қилган зот // Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406). Султонни архиепископи Иоанн Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралари. – Т.: Ф. Гулом номидаги нашриёт-маъбада ижодий уйи, 2007. 3-10-бетлар; А. Саидов. Сахибқирон глазами великих людей // Новости Узбекистана, 2007, 7 апреля; А. Саидов. Сохибқирон сиймоси – жаҳон нигоҳида // Халқ сузи, 2007, 7 апрель; Л. Керен. Амир Темур ва Ибн Халдул учрашуви. Француз тилидан А. Саидов таржимаси // Сохибқирон юлдузи, 2013, № 10. – 4-7-бетлар; А. Саидов. Архиепископи Иоанн – Амир Темур элчиси // Сохибқирон юлдузи, 2014, № 1. – 7-13-бетлар; А. Саидов. Кристофер Марло ижодида Сохибқирон сиймоси талқини // «Хуррият» газетаси, 2014 йил 2 ва 9 апрель сонлари; А. Саидов. Амир Темур ва дипломатия // Хуқуқ ва бурч, 2014, № 4. – 27-30-бетлар; А. Саидов. Амир Темурнинг шахмати // Ёш куч, 2014, № 5. – 10-11; 22-23-бетлар; А. Саидов. Муҳаммад Кеший – Амир Темур элчиси // Сохибқирон юлдузи, 2014, № 2. – 4-10-бетлар; А. Саидов. Фарб театршунослигида Сохибқирон тямасоли // Театр, 2014, № 2. – 14-16-бетлар; А. Саидов. Георг Генделнинг «Амир Темур» операси // Санъат, 2014, № 4. – 36-37-бетлар; Опера Георга Генделя «Амир Темур» // Санъат, 2014, № 4. – С. 36-37; Georg Handel's Opera «Amir Temur» // San'at, 2014, № 4. – P. 36-37; Насрда битилган назмий жавобир // Нистуат, 2014, – 10 сентябрь; Буриев О., Бердиев Ж. Сохибқирон Амир Темур даври кадритлари этнотарихий лавҳаларда / Масул муҳаррир А. Саидов. – Қарши, 2015. – 410 бет; А. Саидов. Жаҳон операцияшунослиги кўзгусида – Амир Темур сиймоси (Сўз боши ўрнида) // Георг Фридрих Гендел. Амир Темур: уч пардали мусиқали драма. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – 4-24-бетлар; А. Саидов. Амир Темур ўзбек адабиётида // Сохибқирон юлдузи, 2016, № 1. – 4-17-бетлар; Саидов А. Луи-Матйе Лаггле – машҳур француз темуршунос олими // Турон тарихи, 2016, № 1. – 2-4-бетлар; Саидов А.Х. Амир Темур сиймосининг Фарб адабиётида ва санъати намуналаридаги ўзига хос талқини кўзгусида // «Темурийлар даврини урганишнинг умумбашарий аҳамияти» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари, Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 2013 йил 22 октябрь. – Т.: «Наврўз», 2014. – 105-118-бетлар; Саидов А.Х. Амир Темурнинг давлатдорлик иқтидорини урганишнинг моҳияти // «Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунинидаги ўрни» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси тезислари, Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 2016 йил 9 апрель. – Т.: «Mashhur-press nashriyoti», 2016. – 27-бет; Саидов А. Фарб адабиётида Амир Темур сиймоси (Сўзбоши ўрнида) // Амир Темур Фарб адиблари нигоҳида. – Т.: «Davt press», 2016. – 4-8-бетлар; Саидов А.Х. Амир Темур ва Султон Мирхайдар ота. – Қарши: «Насаф», 2016. – 40 бет.

² Kehren L. Brique émaillée de la grande mosquée de Samarkand // Journal Asiatique, Paris, 1967; Kehren L. Tamerlan - l'empire du Seigneur de Fer, Neuchâtel, 1978; Kehren L. Barbare, Tamerlan // Historama, Paris, 1983; Kehren L. A la recherche d'un portrait de Timur, dit Tamerlan, fondateur de la dynastie Timuride // La Timuride, 2, Paris, 1989, P.5-9; Kehren L. A propos d'une des sources de l'histoire timuride: Un Européen dans l'armée de Tamerlan // La Timuride, 2, Paris, 1992, P.15-20; Kehren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan. – Paris, 1990, 354 p.; 2-ed. Paris, 2002; Kehren L. Des Européens chez Tamerlan // Historama, Paris, 1991; Kehren L. Timur ou le rêve réalisé // La Timuride, 10, Paris, 1993, P.10-12; Kehren L. Tamerlan et Byzance // La Timuride, 13, Paris, 1994, P.3-6; Lucien Kehren. Les relations diplomatiques entre Timur Beg et les Européens // Epanouissement de la Culture sous Temour et les Princes Témourides / Recueil des thèses du Colloque international scientifique à l'occasion du 600e anniversaire d'Amir Temour. Paris, le 22 avril 1996; Dirigé par Lucien Kehren. Edouard Riveladze. – Paris, 1996. – P.10-11; Kehren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e Edition. – Paris: Imprimerie Nationale, 2006. – 354 p.

Буларнинг барчаси, уз навбатида, бирга ёзилган мазкур китобнинг қайта ишланган ва тўлдирилган нашрини тайёрлашни тақозо этди. Шу маънода, мухтарам ўқувчи, қўлингиздаги китобни айна мавзуда янада кенгроқ маълумотлар билан бойитиб, эътиборингизга ҳавола этишга жазм қилдик.

Ўзбекистон мисолида қарайдиган бўлсак, мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна қайта Ваган ва миллат тимсолига айланди. Мустақиллик даврининг ҳар бир тадбирида ул буюк зот руҳи ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда. Амир Темур ва теурийлар шахсияти, уларнинг фаолиятини ўрганиш йилдан йилга кенгаймоқда. Китобда шу каби долзарб воқеа ва янгиликларни имкон қадар камраб олишга ҳаракат қилинган.

Энг муҳими, мазкур китоб йигирма йил аввал чоп этилган рисо- ланинг узвий давоми бўлиши билан бирга, янги нашрда фақат Фран- цияга доир маълумотлар билан чекланиб қолмай, балки бутун Евро- па миқёсида Амир Темур ва теурийлар тарихининг ўрганилишини имкон қадар таҳлил этишга интилдик.

Яна бир эътиборли факт: айнан Л. Керен ташаббуси ва Фредерик Бопертю-Брессан (Frédérique Beauportuis-Bressand) саъй-ҳаракатлари натижасида Парижда махсус «Темурийлар» (La Timuride) бюллетен- ни чоп этилмоқда. Мазкур бюллетень 1988 йили Францияда ташкил этилган «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз- ўзбек маданий алоқалари уюшмаси» (Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks) муассислигида нашр қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш уринлики, «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюш- маси» ҳам шахсан Л. Керен ташаббусининг меваси бўлиб, у мазкур Уюш- мани умрининг охиригача ғоятда масъулият ва самарадорлик билан бошқарди. Ушбу Уюшма ва бюллетенни ташкил этишдан асосий мақсад Марказий Осиё ва Ҳиндистондаги Темурийлар тарихи ва санъатини кенг тарғиб қилишдан иборат бўлиб, бу эзгу ташаббус муваффақият билан амалга оширилмоқда. Китобда ана шу Уюшма ва бюллетень ҳақида атрофлича маълумот берилган.

Шунингдек, «Амир Темур – ўзбек ва француз олимлари ниго- ҳида» сарлавҳаси остида китоб муаллифларининг темурхонлик муло- қоти тақдим этилмоқда. Китобдан Соҳибкирон бобомизнинг Европа қироллари билан олиб борган дипломатик ёзишмаларидан намуналар ҳам жой олган.

Л. Керен билан узаро ижодий ҳамкорликда ёзилган ушбу китоб- нинг янги, тўлдирилган нашрида Л. Керен асарларидан айрим наму- наларнинг ўзбекча таржималари ҳам ўрин олган.

Шу ўринда, Сиз азий китобхонларнинг эътиборингизни масала- нинг бир жиҳатига қаратишни истар эдик.

Француз ва Ғарб адиблари ҳамда олимлари Амир Темур номи- нинг эшитилиши ва ёзилишини ўз тилларига мослаштирган ҳолда, уни «Тамерлан» («Tamerlan») деб атаганлар ва Европанинг айрим ман- баларида Соҳибкирон ушбу ном билан юритилиб келинмоқда. Бу Ғарб

¹ En Ouzbékistan, Tamerlan est appelé Amir Temur, forme qui inclut le titre d'origine arabe amir (émir). Il est à noter que dans la plupart des œuvres occidentales le nom Tamerlan est bien répandu que celui d'Amir Temur (bien accepté en Ouzbékistan). Dans certains textes médiévaux le nom Temur fut également orthographié comme Timur, Témur, Timour ou Témour. À cet effet, on utilise dans le texte français cet équivalent ouzbek Amir Temur, sauf les titres originaux.

«Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси» ҳам шахсан Л. Керен ташаббуси- нинг меваси бўлиб, у мазкур Уюшмани умрининг охири- гача ғоятда масъулият ва самарадорлик билан бошқарди.

«Агар Амир Темурга тугилганиданоқ Темур исми қўйилганлигини билмаганимизда, бу исмни уни лақаби деб ўйлаш мумкин эди. Темур – биз французлар учун ҳам темир, маҳкам, бақувват, букилмас маъносидаги металл маъносини англатади. «Темурбек» – дейишганда эса, мустаҳкам иродали ҳокимият эгасини ҳам тушуниш мумкин. «Темур» сифати бирон инсонга нисбатан ишлатилганида унинг кучини, мустаҳкам иродасини ҳам ифодалайди.»

*Жан Пол Ру,
Франция*

ҳамжамиятида Амир Темур ҳақида дастлаб урганилган баъзи бир ноҳодис муаллифлар қаламига мансуб манбаларнинг бу табаррук зотнинг шахсини аламзадалик кайфиятида камситиб ёзилганлиги оқибати, дейиш уринли бўларди.

Манбаларда, хусусан, Амир Темур хузурига элчи сифатида ташриф буюрган Султония архиепископи Иоанн ўзининг «Хотиралар»ида Амир Темурнинг айрим ажралиб турувчи хусусиятларини тилга олиб, Соҳибқирон исмининг аниқ этимологиясини келтирган: Темурбек исми «Темир» ва «Бек» сўзларидан олинган бўлиб, «Темир ҳукмдор» деган маънони англатади: «Тамерлан» сўзи эса, форсча салбий буюкка эга бўлиб, «Темур оқсоқ» деган маънони билдиради.

Амир Темур шахсини ўрганишга ярим асрдан ортиқ умрини сарфлаган темуршунос олим Л. Керен Европада қулланилган «Тамерлан» сўзи Европадаги манбаларда учрашини, бу ном XVII асрдан бери қулланиб келганлигини, тарихий манбаларни тузатишнинг ҳожати йўқлигини, ҳозирги кунда тарихий изланишларда Темурбек ёки Амир Темур деб ёзган маъқул, шуниси ҳақиқатга яқин эканлигини таъкидлайди.


Шу сабабдан, мазкур китобнинг айрим жойларида Амир Темур номининг икки хил шаклда ишлатилишига чалғимаслик лозим.

Ушбу камтарона изланишларимиз зукко китобхоннинг қаламга олинган мавзу буйича билим ва тасаввурини янада кенгайтиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мавзуда самарали илмий изланган ва ижод қилган, бу борадаги улкан тажрибалари билан каминага доимо рухий-маънавий қувват, илмий-амалий ва ижодий нўқтаи назардан эса катта рағбат берган ҳаммуаллифим Люсьен Керен ва устоз аллома академик Бўрибой Аҳмедовнинг ёрқин хотираси олдида бош эгаман.

«Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси»нинг раиси Фредерик Бопертюи-Брессан хонимга, шунингдек, таниқли олим ва адибларимиз – академик Эдвард Ргвеладзегга, ушбу китобнинг биринчи нашри масъул муҳаррири Убайдулла Тожихоновга, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алига, профессорлар – шарқшунос олим Убайдулла Уватов ва ҳуқуқшунос олим Зиёдулла Муқимовга ҳамда ушбу китобнинг тайёрланиши ва нашр этилишига хайрихоҳ бўлган Темурийлар ижтисомандларининг барчасига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

**Акмал Саидов,
профессор.**



**INDÉPENDANCE
ET
AMIR TEMUR**

**ИСТИҚЛОЛ
ВА
АМИР ТЕМУР**



«Биз Амир Темури тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак... нотўғри ва гайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуришуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир»¹.

Ислом Каримов

Мустақиллик ва Амир Темур даҳосига авлодлар эҳтиромн

Мустақил Ўзбекистон тарихи шавкатли номларга бой. Аммо узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз буюк ватандошларимизни қадрлаш, уларнинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди. Халқимиз юрагидан миллий оғриқ, миллий гуруҳ ва ифтихор туйғусини йўқотиш, миллатимизни қарамликка қўндириш мақсадида ардоқли ва улғу аждодларимизнинг номлари тарих саҳифаларидан ўчирилган, ибратли ҳаёт тарзи унутишга ва манқуртона яшашга маҳкум этилган, бебаҳо маданий-маънавий мероси эса шафқатсиз равишда топталган даврлар кечагидек ёдимизда².

Шукрки, халқимиз ўз буюк аждодларини унутмади, уларнинг ёдини ҳаммаша юрагида, қалб тўрида сақлади. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги Ўзбекистонга истиқлол шабадалари билан кириб келди. Мустақиллик шарофати туфайли тарихий ҳақиқат қарор топди – миллат қайғуси, халқ дардида яшаб ўтган буюк бобокалонларимиз хотираси Ватанига қайтди.

Миллат фахри бўлмиш ана шу улғу зотлар қаторида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъбири билан айтганда, «... юлдузлар аро қуёшдай чараклаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутди.

*Амир Темур портрети.
Расом: Малик Набиев.
Темурийлар тарихи
давлат музейи фонди.*

*Portrait d'Amir Temur.
Par Malik Nabiyev.
Musée d'État sur l'Histoire
des Timourides.*

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: «Ўзбекистон», - 1997. – 183-бет.

² Саидов А., Тошқулов Ж. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи: укув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1995. – 135-бет.



Шаҳрисобздаги
Оқсарой мажмуаси.
Амир Темур ҳайкати,
1996 йилда очилган.

Complexe Ak Saray
à Chakhrisabz.
La statue d'Amir Temur,
inaugurée en 1996.

Ул мухтарам инсон соҳибкирон Амир Темур ҳазратларидир¹.

Қарийб етти юз йил илгари қонунлар ва миллий-ҳуқуқий анъана ва урф-одатларга асосланган давлат барпо этган Соҳибкирон салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилган «Куч – адолатда» шиори бугун ҳам устувор ахлоқий-маънавий ва ҳуқуқий мезон ҳисобланади. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишни олдимизга бош мақсад қилиб қуйганимиз ва шу йулдан собитқадамлик билан олға одимлаётганимиз бунинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги кунда – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 8 та конституциявий қонун ва 16 та кодекс, 600 дан ортиқ қонунлар ва Ўзбекистон қушилган 200 дан зиёд куп томонлама халқаро шартномалар, неча минг йиллик миллий ҳуқуқий меросимиз, урф-одатларимиз ва маънавий қадриятларимиз кишиларимизнинг қонуний манфаатларини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, бошқача айтганда, ҳуқуқ ва қонун устуворлиги учун хизмат қилмоқда.

Ҳазрати Соҳибкирон умрининг мазмунини «*Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат*»² деб билган. Миллатпарварлик руҳи билан суғурилган ушбу даъват шавкатли бобоқалонимиз маънавияти бебаҳо дурдоналаридан бир шингил, холос. Амир Темур маънавияти улкан манба, тутанмас булоқ бўлиб, ҳозирги кунда миллий истиқлол ғоясини ҳаётимизга кенг жорий қилиш йулида айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тарихдан аёнки, юртда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурса, халқ ёлпасига саломат бўлса, салтанат обод, фуқаро фаровон булади, деган ақидадан келиб чиққан Соҳибкирон ҳақимлар, табибларни, яъни халқ

¹ Каримов И.А. Янгица фикрлаш ва илгариш - дарр талаби. Т.5. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 166-167-бетлар.

² Темур туғулари / Тахир хайъати Б. Абдуҳалмиқов ва бошқ. / Форсча матидан А. Соғунит политикес ва милитарес де Тамерлан, proprement appelé Timour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb al-Husseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1787 402 pages.

саломатлиги посбонларини хурмат қилган, уларнинг меҳнатини эъзозлаган. Улуғ аждодимизнинг соғлом насл тарбияси ва сиҳат-саломатлик масалаларига нафақат давлат арбоби, балки оддий инсон сифатидаги ёндашуви ҳам ҳаётийлиги ва мантиқий асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу қарашлар ҳозирги кунга қадар ўзининг долзарблигини йўқотмай келмоқда.

Маънавий бой, ахлоқан етуқ, интеллектуал ривожланган, теран билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш истиқлол сиёсатининг узвий қисмига айланган. Мустақиллик йилларида халқимизнинг: «*Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур*» деган доно нақлига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Амир Темуру ўзининг Шаҳрисабздаги кошонаси – Оксарой пештоқига «*Кимки бизнинг шон-шухратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин!*», деган улуғвор ҳикматни нақш эттирган.

Бу – Амир Темурунинг, дунёдаги ақсарият жаҳонгирлардан фарқли уларок, умр бўйи бунёдкорлик билан машғул булганидан далолатдир.

Бу – Амир Темуру ўз юртини жаҳонда буюк нуфуз касб этишини, мислсиз гузал ва обод булишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилгани, бу йўлда салмоқли натижаларга эришгани, мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтаргани, қадимий шаҳарларимизни оламнинг етти иқлимга маълуму машҳур табаррук масканларга айлантиргани ҳамда ўз саъй-ҳаракатларининг бу каби шарофатларидан ҳақли равишда фахрлана билганининг тасдиғидир.

Бу – ҳамيشа эл ғамини, юрт ғамини уйлаб яшаган Соҳибқирон даҳосининг ўз халқига, келажак авлодларга мурожаати – олийжаноблик ва бунёдкорликка чорловидир.

Биргина Самарқанднинг XIV-XV асрларда гуллаб-яшнагани, бу ерда иқтисодий ва сиёсий, маданий ва ҳуқуқий ҳаёт бекиёс юксалгани, айнан шу даврда шаҳар Амир Темуру салтанатининг пойтахти сифатида дунёга кенг танилгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди².

Президент И.А. Каримовнинг «*Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти*» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидa таъкидланганидек, «*Кўҳна ва ҳамيشа навқирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли улкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуму машҳурдир. Мовий гўмбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда «абдий шаҳар» деган ном билан бутун дунёда шухрат қозонгани бежиз эмас, албатта*»³.

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – дaвр талаби. Т.5. – Т.: «Ўзбекистон», – 1997. – 177-бет.

² Amin Maalouf. Samarcande. – Paris, 1988. – 378 pages; Гонсалес, Руи де Клавихо. Самарқандга – Амир Темуру саройига саёхат кундалиги (1403–1405)/ Таржимон О. Тоғаев. – Т.: «Ўзбекистон», – 2010. – 264 бет; Ашрафий, Мукалдима. Темуру ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюраси. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 88 бет; Ашрафи М.М. От Бехзда до Риза-и Аббаси. Развитие миниатюры XVI-начала XVII века. – Т.: SMI-ASIA, МИЦАИ, 2011. – 176 с.; Kehren L. Un Espagnol à Samarkande// Samarkande: 1400–1500. – Paris: 1995; Kehren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan. – Paris: Imperimerie nationale, 1990. 354 p; Т. Ширинов. Самарқанд ва дунё цивилизацияси// Халқ сўзи, 2007, 23 май; А. Бердимуродов. Самарқанд тарихидан томчи-лар/Маъсул муҳаррир Т. Ширинов. – Т.: Маънавият, 2015. – 131–328-бетлар.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танилаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. – 276–277-бетлар.

Амир Темуру ҳаётини ўрганишда одил бўлиш, тадқиқотлар бошидаёқ хулоса чиқаришдан сақланиш лозим.



Амир Темур мақбараси,
Самарқанд.

Mausolée Amir Temur,
Samarkand.

Амир Темур мақбараси.
П. Надар* олган сурат, 1890 йил.

Mausolée Amir Temur.
Par Paul Nadar, 1890.



Мазкур анжуманда юртимиз мутафаккирларининг халқаро илм-фанга қўшган хиссасига бағишланган илмий маърузаси билан иштирок этган таникли америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи - профессор **Фредерик Старрнинг** (Frederick Starr) кўтаб чикишларида ҳам Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон, умуман, Марказий Осиёнинг тарихда тутган урни ҳамда бугунги даврга юқори баҳо берилган¹.

Айниқса, 2015 йил 1 ноябрь куни Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Марказий Осиёнинг беш мамлакати ва Америка

¹ S. Frederick Starr. Lost Enlightenment. Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2013. XXXVII+631 p. Яна қаранг: Фредерик Старр: «Ўзбек халқи билан интеллектуал салоҳиятга эга» // Халқ сузи, 2014, 13 май; Фредерик Старр. Олийжаноб ва муносиб Ислам (Инглиз тилидан Шухрат Сатторов таржумаси) / «New York Times», 2014, 26. 02 // <http://xs.uz/index.php/homepage/madaniyat/item/1105-frederick-starr>; Стивен Фредерик Старр. Тысяча лет озарениям Бируни // <https://www.nkj.ru/archive/articles/24080>.

* Поль Надар (Paul Nadar, 1856-1939) - асл исми Поль Турнашон (Paul Tournachon) бўлган француз фотографи, Надар тахаллуси билан машҳур Гаспард-Феликс Турнашоннинг (Gaspard-Felix Tournachon, 1820-1910) ўғли. 1890 йилда Туркистонга саёҳат қилган ва улканнинг тарихий минзараларини фотосуратларда тарихга муҳрлаш ишига ўз хиссасини қўшган. «Поль Надарнинг Туркистонга саёҳати, 1890» номли фотоальбом 2007 йилда Парижнинг «Патримюан» нашриётида чоп этилган. Қаранг: L'odysee de Paul Nadar au Turkestan, 1890: photographies de Paul Nadar, Paris. Ed. du Patrimoine, 2007.

Қушма Штатлари ташқи сиёсат вазирликлари раҳбарларининг учрашувида иштирок этган АҚШ Давлат котиби Жон Керрининг бу борадаги фикрлари гоята эътиборлидир. «*Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан 70 йил аввал Нью-Йоркда ташкил этилган, деб ҳисоблаймиз. Йўқ, аслида бу ҳодиса бундан юз йиллар аввал Самарқандда юз берган*»¹, деди ушанда АҚШ Давлат котиби.

Ҳақиқатан ҳам, Соҳибқирон ўз салтанатида маданият, фан, меъморчилик масалаларига, айниқса, риёзиёт, ҳандаса, астрономия, адабиёт, шеърят, тарих, мусиқа каби фан тармоқларининг ривожига катта эътибор қаратган. Амир Темур Самарқандни ҳар томонлама обод этиш борасида айниқса кўп ғамхўрлик қурсатган. Амир Темур Чингизхон босқини натижасида вайронага айланган Самарқанд шаҳрини обод қилиш ишларига ўттиз беш йил узлуксиз раҳнамолик қилган².

Ҳазрат Соҳибқиронни ўз кўзи билан кўрган ва юзма-юз суҳбатда бўлган, шу бевосита суҳбатлари асосида ёзган хотиралари дунёда ҳалигача катта қизиқиш билан уқиб-урганилаётган испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо (*Ruy Gonzales de Clavijo*)нинг гувоҳлик беришича, ўша даврда Самарқанд ўта бой шаҳар бўлиб, бу ерга ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Тотористон (Дашти қипчоқ) ва бошқа мамлакатлардан турли моллар келтирилган. Лекин шаҳарда савдо-сотик учун қулайлик бўлмагани сабабли Амир Темур шаҳар бўйлаб катта кўча ўтказиш ва унинг икки томонида дўконлар қуришни буюрган.

Ушбу кўча қурилиши ҳақида тўхталар экан, «*Кучанинг боши шаҳарнинг бу четида бўлиб, охири унинг нариги тарафидадур*»³, деб ёзган Клавихо. Қурилиш тугаши биланок, тайёр дўконларда тижорат аҳли ҳар хил моллар билан савдо қила бошлаган. Йигирма кун деганда, шунча катта иш амалга оширилдики, бунга ҳайрон қолсан киши, деб эътироф этган Кастилия Қиролининг элчиси⁴.

Клавихо бошқа бир уринда Самарқанднинг бойлиги ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай қайд этган: «*Подшоҳ шаҳарнинг шухратини ошириш ниятида шу қадар кўп савғй-ҳаракатлар қилдики, у қайси бир мамлакатни забт этган ва бўйсундирган бўлса, уларнинг ҳаммасидан (ҳунарманд) одамларни олиб келиб, Самарқанд ва унинг теваарак-атрофидаги ерларга жойлаштирди. Подшоҳ ҳар хил касб эгаларини тўплашга, айниқса, кўп ҳаракат қилди*»⁵.

¹ Қаранг: Керри бўявил Самарқанд мостом созданиа ООН / <http://lenta.ru/news/2015/11/04/samarkand>. Яна қаранг: Джон Керри: «ООН была создана в Самарканде» / <http://anxor.uz/columnists/dzhon-kerri-oon-bila-sozdana-v-samarkande>. Керри: BMT Samarqandda yaratilgan edi / <https://KUN.UZ/2015/11/04/kerri-bmt-samarqandda-yaratilgan-edi/> Яна қаранг: <http://DARYO.UZ/2015/11/04/eqsh-davlat-kotibi-jon-kerri-bmt-samarqandda-tashkil-etilgan>.

² Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавийтимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – Барча ишларимизнинг мезони ва мақсади. Т.15. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 307-бет.

³ Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406) / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов Таржимон У. Жўраев. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2007. – 138-бет; Lucien Kehren. Ambassades à Tamerlan et la relation de Ruy Gonzales de Clavijo // La Timuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 4e numéro, Paris, 1990. – P.6.

⁴ Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406) / Таржимон У. Жўраев. – Т.: «Зар халам» 2006. – 132-бет; Lucien Kehren. Ambassades à Tamerlan et la relation de Ruy Gonzales de Clavijo // La Timuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 4e numéro, Paris, 1990. – P.6; Clavijo Ruy Gonzalez de. Itinerario de la embajada due por mandado de Enrique III Ueво al Gran Tamerlan. Biblioteca Nacional, Madrid, Bd-72-9218.

⁵ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) / Масъул муҳаррир Муҳаммад Али, Суз боши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров, таржимон. О. Тоғаев. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 199-бет; Lucien Kehren. Ambassades à Tamerlan et la relation de Ruy Gonzales de Clavijo // La Timuride, 4e numéro, Paris, 1990. – P.6.

«*Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан 70 йил аввал Нью-Йоркда ташкил этилган, деб ҳисоблаймиз. Йўқ, аслида бу ҳодиса бундан юз йиллар аввал Самарқандда юз берган...*».

Жон Керри,
АҚШ Давлат котиби

Д. Логофетнинг ёзишича, «Амир Темур жангдан сўнг қулга олинган улжаларнинг энг қимматбахоси ва қадрлиси рассом ва олимлар деб хисоблаган»¹.

Шу тариқа, Амир Темур орзу қилганидек, Самарқанд дунёнинг энг гўзал ва обод шаҳарларидан бирига айланган. Ҳатто Соҳибқирон салтанати пойтахтининг оламшумул аҳамиятига урғу бериш учун унинг агрофидаги бир қатор қишлоқлар Бағдод, Дамашқ, Миср, Шероз деган машхур номлар билан аталадиган бўлган.

Улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, айна вақтда моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур - XX асрнинг 70-80-йилларида «босқинчи», «золим», «феодал синф вакили» деб ноҳақ қораланган темурий аждодларимиздан бири. Бобурнинг: «Рубъи масқунда Самарқандча латиф шаҳар камроқдур», «Темурбекдан бурун Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур», «Темурбекнинг ва Улуғбек Мирзонинг имороти ва боготи Самарқанд маҳаллотида кўптур»² деган сўзлари бу шаҳар Амир Темур ва темурийлар даврида нечоғлиқ равнақ топганига яна бир тарихий далилдир.

Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, ҳамisha Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга олишимиз бежиз эмас. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. «Самарқанд - халқимиз, миллатимиз доврўғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.

Самарқанд - ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир»³.

Самарқанднинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси истиқлол йилларида юртимизда муносиб баҳоланмоқда. Самарқанд шаҳри 1996 йили Амир Темур ордени билан тақдирланди. Шунингдек, 2007 йили шаҳарнинг 2750 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Бу ерда мунтазам равишда нуфузли миллий ва халқаро анжуманлар утказиш йўлга қўйилган. Регистон майдонида ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали Шарқ Фарбнинг машхур санъат намояндалари эътиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда.

Айна вақтда, Соҳибқирон ўзи туғилиб ўсган Шаҳрисабзда ҳам гўзал иншоотлар қурдирган, бу шаҳарни ислом илмининг марказига айлантирган. Т. Ҳамроев қайд этганидек, «Замондошлари Шаҳрисабз (Кеши)ни «Қуббат ул-илм-воил», яъни «Илму дониш гумбази», деб аташган»⁴.

Темурушунос олимлар асосли эътироф этганидек, Соҳибқирон тарихда нафақат буюк саркарда ва давлат арбоби бўлгани, балки бунёдкорлик ва ободончилик ишларига ҳам ҳомийлик қилгани ҳақида ўша давр тарихий манбаларида кўплаб маълумотлар бор⁵. Шарафиддин

Самарқанднинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси истиқлол йилларида юртимизда муносиб баҳоланмоқда. Самарқанд шаҳри 1996 йили Амир Темур ордени билан тақдирланди. Шунингдек, 2007 йили шаҳарнинг 2750 йиллиги кенг миқёсда нишонланди.

Шаҳрисабз (Кеши)ни «Қуббат ул-илм-воил», яъни «Илму дониш гумбази», деб аташган.

¹ Сомон йрли. - Т.: «Камалак», 1992. - 73-бет.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Т.: «Шарқ», 2002. - 58-59-бетлар; Le livre de Babur: mémoire de Zahiruddin Muhammad Babur de 1494 à 1529, traduit par Jean-Louis Bacqué-Grammont, - Paris, Publications orientalistes de France, 1980.

³ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 171-бет.

⁴ Амир Темур сабоклари (адабий-бадий нашр). - Т.: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. - 12-бет.

⁵ Каранг: Бернв О. Амир Темурнинг қорижий мамлакатлар ободончилигига қўшган ҳиссаси // Амир Темур сабоклари: адабий-бадий нашр. - Т.: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. - 14-бет.



«Улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зуравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ута мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тугри пул, тadbир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади».

Ислом Каримов

Али Яздий асарида бу сифат, яъни бунёдкорлик Ҳазрат Соҳибқиронда туғма эди, деб Хоразм воқеаларидан (1388 йил) шундай бир мисол келтирган:

«Аслини олганда, Онҳазратнинг муборақ феъли авборида адолат қилмоқ ва раиятиарварлик тугма сифати бўлиб, олий ҳиммати шаҳарларни обод қилишга иштиёқманд эди. Шу сабабдан, Хоразм хароб этилгандан кейин, орадан уч йил ўтгач, подшоҳлик марҳамати ҳижрий 793 (милодий 1391) йили Жанги қавчиннинг ўғли Мусликани Хоразмни обод қилиш учун жунатди. У Қоон маҳалласини

¹ Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси (муқаддима). // Темур тузуқлари / Тахрир ҳайъати: Б. Абдухалимов ва бошқ. / Форсча матидан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 9-бет; Louis-Mathieu Langlet. *Institut politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelle Timour, ecrits par lui-meme en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquerant, d'après les meilleurs auteurs orientaux.* Paris, 1787. 402 pages.

қўрсон қилиб олди ва обод қилди. Ҳозирги пайтда (XV аср 20-йилларида) Хоразмнинг (энг) обод жойи ўша эрур»¹.

Энг муҳими шундаки, Соҳибқироннинг буюк боболар анъаналарига амал қилиб, ободончилик бобида қилган ишлари ул зотнинг авлодлари – Темурийлар сулоласи томонидан ҳам кейинги асрларда давом эттирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ободлик, ободончилик, бунёдкорлик масалалари давлат ва жамият ҳаётида энг устувор вазифалардан бирига айлангани ажодлардан мерос эгуи ишлар элуртимизда изчил давом этаётганидан далолат беради.

Амир Темур узининг 35 йиллик султонлик, мамлакатдорлик йилларининг аксариятини ҳарбий юришларда ўтказган. Тарихчилар гувоҳлик беришича, ул зот қайси мамлакатга қадам ранжида қилмасин, ўша ерларда узидан бир «биноий хайр», яъни ёдгорлик учун бир жамоат биноси бунёд эттирган. Соҳибқироннинг хорижий давлатлардаги ободончилик фаолиятининг бир қисмини мамлакатлараро савдо-сотикни ривожлантириш, савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминлаш ташкил этган. «Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар уртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ»².

Буюк ажодимиз бундан олти аср аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг қушнилари билан ўзаро яхши алоқалари, манфаатли ҳамкорлигисиз ёрқин истиқболи булмастлигини теран англаган. Шу сабабли, Соҳибқирон Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан – Хитой, Ҳиндистон, иккинчи томондан – Франция, Испания, Англия ва бошқа давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга интилган.

Амир Темур Кастилия ва Леон Қироли Дон Энрике III (айрим манбаларда – Испания қироли Ҳенрих III), Франция хукмдори Шарль VI (айрим манбаларда – Карл VI), Англия Қироли Ҳенрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа бир қатор – жами йигирмадан ортиқ – хорижий давлатлар элчиларини ўз салтанатида қабул қилган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, 1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқинидаги Чубуқ водийсида Амир Темур билан Усмонлилар султони Бозид Йилдириим аскарлари уртасида кечган ва Соҳибқирон галабаси билан яқун топган жангга гувоҳ бўлганлар орасида Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III (*don Henrique el Tercere de Castilla*) томонидан Амир Темур ҳузурига йўлланган элчилар – Пайо де Сото Майор ва Ҳернан Санчес де Паласуэлос ҳам бор бўлган. Жангдан сўнг Туркистон амири элчиларни қабул қилган, улардан испанлар давлати ва қиролнинг ҳол-аҳволи ҳақида суриштирган, зиёфатларга таклиф этиб, кўп ҳадялар берган.

Элчиларнинг қайтиш пайти келганида Соҳибқирон икки давлат уртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида улар билан бирга қобилиятли беклардан Муҳаммад Кеший³ни ҳам мактуб ва совғалар

¹ Шарафиддин Али Яздий. «Зафарнома» (фотофаксимил нашр)// Нашрга тайёрловчи, Суз боши, изох ва курсаткичлар муаллифи А. Ҳуринбоев. – Т.: 1972. – 194-бет; Histoire de Timur-Bec, connu sous le nom du grand Tamerlan, écrite en persan par Charfeddin Ait Yezdi et traduite en français par François Pétis de La Croix, publié par Alexandre-Louis-Marie Pétis de La Croix, Paris, 1722, 4 vol., in-12.

² Амир Темур – фахримиз, гуруримиз. – Т.: «Ўзбекистон», – 1998. – 63-бет.

³ Муҳаммад Кеший – Амир Темурнинг 1402 йилда Испанияга юборган элчиси. Қаранг: Н. Муҳаммад Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Фахур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 128 бет; Kehren L. Un ambassadeur de Tamerlan à Paris (1403) // «La Timuride» № 28. novembre 2004; Равшанов П. Шахрисабз тарихи (Энг қадимги даврлардан XX асрнинг I чорағига) – Т.: «Янги аср авлоди», 2011, – 548 бет; Равшанов П. Оксарой тарихи. – Т.: «Янги аср авлоди», 2016. – 172 бет.

1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқинидаги Чубуқ водийсида Амир Темур билан Усмонлилар султони Бозид Йилдириим аскарлари уртасида кечган ва Соҳибқирон галабаси билан яқун топган жангга гувоҳ бўлганлар орасида Кастилия ва Леон Қироли Дон Энрике III томонидан Амир Темур ҳузурига йўлланган элчилар – Пайо де Сото Майор ва Ҳернан Санчес де Паласуэлос ҳам бор бўлган.

билан Кастилияга элчи қилиб жунатган. Кеший у ерга эсон-омон етиб бориб, мактуб ва совғаларни Қирол Дон Энрике III га топширган.

Шу уринда Амир Темур элчисининг шахси ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Унинг номи баъзи бир манбаларда «Мухаммад қози», «Мухаммад ал-қози», кейинги, янги тадқиқотларда эса, «Мухаммад Кеший», «Мухаммад ал-Кеший» тарзида келтирилган. Маълумки, Амир Темур Насаф ва Кеш олимлари, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахсларни ўз саройига ишга жалб этган. Улар турли лавозимлар қатори элчилик вазифасини ҳам адо этишган. Масалан, Мухаммад Кеший Соҳибқироннинг элчиси сифатида маълум муддат Испанияда яшаб келган бўлса, Мавлоно Абдуллоҳ Кеший¹ Амир Темур томонидан Миср султони Фаражга элчи қилиб юборилган.

«Кеш» сўзининг «қоз»га айланиб қолиши масаласини Европа тилларининг ўзига хос талаффуз талаби билан ҳам изоҳлаш уринлидир. Масалан, ҳатто Руи Гонсалес де Клавихонинг ўзи ҳам баъзан тарихий атоқли номларни ва жойлар номини турлича ишлатган. У Тухтамшш номини бир уринда – Тотамих, бошқа жойда – Керамих, яна бир уринда – Тетанис деса, Табриз шаҳри номини эса Торис, Турис, Таурис қабилда турлича шаклларда қуллаган.

Амир Темур одатда Европа мамлакатларига масихийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско, Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоагин ана шундай вазифаларни адо этганлар. Мисол учун, 1402 йилда Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг хатларини олиб борган. Мусулмон дипломатлардан фақат Мухаммад Кеший-


гина Европага боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Европа тилларидан бирини билганлигидан далолат беради.

Уша даврда Амир Темурнинг шухрати бутун Европага тарқалган. Шу сабабли Мухаммад Кеший Кастилия Қиролли Дон Энрике III ҳузурида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинган. У Қирол саройидаги ва йирик зодагонлар қасридаги тантанали қабул маросимларида иштирок этган. Қирол унга Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини қўшиб, ҳурмат-эҳтиром билан Самарқандга кузатиб қуйган.

1403 йили испанларнинг иккинчи элчиси Клавихо билан бирга юртга қайтган Мухаммад Кеший узок ва машаққатли йул бошиб, 1404 йилнинг август ойи охирида Самарқандга етиб келган. Соҳибқирон Кастилия элчиларини 8 сентябрь куни Самарқанд ташқарисидаги «Дилқушо» боғида қабул қилган. Шу элчилар орасида

¹ Мавлоно Абдуллоҳ Кеший – Амир Темурнинг Мисрга юборган элчиси.

Амир Темур билан душманлик қайфиятида бўлган Миср Султони Барқуқ тўсатдан вафот этгач, Миср тахтига Султон Фараж ўтиради. У Амир Темурнинг талабларини қабул қилиб, ўзини Амир Темурнинг вассали деб тан олади ва икки ертала сулҳ тузилади. Ушбу сулҳнинг имзоланишини Амир Темур томонидан Абдуллоҳ Кеший элчи сифатида назорат қилади. Қаранг: Н. Мухаммад, Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 128 бет.



Меъморий қоплама.
XIV аср. Сулҳ ёзуви.
Темурийлар тарихи
давлат музейи фонди.

Garniture architecturale.
XIVe siècle. Caractères «Suls».
Musée d'Etat sur l'Histoire
des Timourides.

Мухаммад Кеший ҳам булган, деб гувоҳлик беради тарихий манбалар. «Улар билан яна Темурбек томонидан Испанияга юборилган элчи ҳам бор бўлиб, унинг устидан у ердагилар кулишар, чунки элчи кастилана, яъни испанча кийимларни кийиб олган эди»¹, деб ёзган Клавихо.

Шундай қилиб, Амир Темур ва темурийлар ўз даврида «Буюк ипак йўли» номи билан машҳур булган, Европа мамлакатлари билан Ҳиндистон ва Хитой давлатлари ўртасидаги Марказий Осиё орқали утиб-қайтиладиган асосий халқаро савдо йўлига наинки эгаллик қилганлар, айтиш чоғда, бу йул буйлаб қатнайдиغان бехисоб ва бой қарвонларнинг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратганлар. Бунинг натижасида Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо-сотик ва дипломатия муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб борган.

Айниқса, савдо йулларининг Самарқанд орқали ўтиши салтанатнинг иқтисодий, маданий ва илмий ривожига катта таъсир кўрсатган. Миср тарихчиси Ас-Сайир Фарожнинг ёзишича, ўлкамиз бўйлаб ўтайдиган жаҳон савдо-сотик йуллари Амир Темур назоратида булган ва тижоратдан тушган даромаднинг миқдори Франция Қиролининг даромадидан ҳам ортик бўлган².

Буюк Соҳибқироннинг «Дунё савдо аҳли ила обод бўлажак!»³ деган оддий ва аниқ ҳикматидан ҳам аёнки, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро савдо-иқтисодий муносабатларни кенг йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган. Шавкатли бобокалонимиз етти аср бурун бош котирган ва сиёсат юритган халқаро миқёсда адолатли интеграция макони яратиш йўлидан эндиликда мустақил Ўзбекистон дадил одимламоқда.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда. Юртимизда ҳар йили 9 апрелда Амир Темурнинг таваллуд санаси кенг нишонланади. Соҳибқирон номи, унинг фаолияти билан боғлиқ тадбирлар алоҳида кўтаринки руҳда ўтади.

Тошкентда, Шаҳрисабзда, Самарқандда буюк бобомизнинг улуғвор ҳайкаллари қад кўтарди. Пойтахтимиз марказидаги хиёбон, шоҳкўча, метро бекати, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва маърифат масканлари Соҳибқирон номи билан аталади.

Ҳа, Амир Темур номи, унинг сиймоси халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни куришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлаб турибди. Зеро, маънавиятимизнинг энг теран ўқ томирларидан бири – улуғ зот Амир Темур сиймосидир. Соҳибқирон сиймоси инсоният тарихида бизгача бўлган, биздан кейин ҳам бўладиган катта бир оламшумул воқелиқдир.

Луи Базен,
Франция

«Амир Темур ёхуд
«Темур Хукмдор» каби
тарих вилдирагини
ўзгартирган инсонлар
жуда кам: у 1402 йили
Анқара жангоҳида
Боязид Йилдирим усти-
дан қозонган кучли ғалаба
Константинополь умрини
ярим асрга узайтирди ва
бу билан Овругани турк
истилосидан сақлаб қолди;
у Тўхтамишхон ва Олтин
Ўрдага берган қудратли
зарбалар ўрусларни мўеул
мустамлақасидан хал-
лос қилди ва Московияга
ислохотларни амалга
ошириш имкониятини
яратди; унинг Яқин Шарқ,
Эрон ва Шимоли-ғарбий
Ҳиндистонга қилган юриш-
лари ушбу минтақаларнинг
сиёсий мувозанатини туб-
дан ўзгартириб юборди».

¹ Руи Гонзалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) / маъсул муҳаррир: Мухаммад Али; сўз боши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; таржимон О. Тоғаев. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 110-бет; Lucien Kehrren. Ambassades à Tamerlan et la relation de Ruy Gonzales de Clavijo // La Timuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 4e numéro, Paris, 1990. – P.6.

² Уватов У. Миср тарихчисининг қўлланмаси // «Миллий тикланиш» газетаси, 1996, 10 октябрь.

³ Каримов И.А. Янгилик фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: «Ўзбекистон», – 1997. – 186-бет.



Амир Темур ордени,
1996 йил 26 апрелда
таъсис этилган.

Ordre Amir Temur,
institué le 26 avril 1996.

Амир Темур ордени

Хақиқатан ҳам, шавкатли саркарданинг ҳарбий-сиёсий фаолияти бошқа мамлакатлар билан узро муносабатлардаги муаммоларни сиёсий йул билан бартараф этиш стратегиясини амалда юксак даражага кўтарганининг ёркин намоёнидир.

Бошқача айтганда, янгича таомилдаги мунтазам армиянинг ташкил этилиши, сиёсий уюшув, ҳаётнинг барча жабҳалари, айниқса, иқтисодийётнинг ғалаба қозониш йулидаги стратегик вазифага бўйсундирилиши, мустаҳкам интизом, ҳар бир жангчи томонидан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш қондаларига риоя қилиниши, дипломатик воситалардан усталик билан фойдаланиш каби омиллар рақиб устидан зафару ғалабани таъминлаган¹. Амир Темур ўзининг бутун ҳукмронлиги даврида бирон марта ҳам мағлубиятга учрамаган.

Машҳур араб тарихчиси Ибн Арабшох ёзганидек, «Темур қўрқмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли (киши)ларни, добюррак ва мардларни ёқтирар эди»². Бинобарин, Соҳибқироннинг асосий мақсади алоҳида мулкларни мустаҳкам ва қудратли давлатга бирлаштиришдан иборат бўлган. Олтин Ўрда ўз давлатига хавф-хатар солаётганини кўрган Амир Темур Тўхтамишга қарши 1389, 1391 ва 1394-1395 йилларда уч марта катта ҳарбий юриш уюштиргани тарихдан яхши маълум.

Амир Темурнинг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида 27 мамлакатни бирлаштирган улкан салтанат барпо этилган. Бу салтанатнинг худуди Ҳиндистондан Сирдарё ва Зарафшонгача, Тангритоғ (Тянь-шань) дан Босфорга қадар ёйилган. Айни вақтда Марказий Осиёдаги бу воқеаларнинг акс-садоси бошқа бир қатор мамлакатлар учун ижобий оқибатларга сабаб бўлганини ҳам қайд этиш даркор.

Қисқача айтганда, Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши билан ҳарбий иш соҳасида муҳим ўзгаришлар юз берган, улар Шарку Ғарб ҳарбий-назарий тафаккури тараққиётида катта роль уйнаган³.

Ўзбекистонда ватанпарварлик тарбияси, юртдошларимиз, хусусан, миллий армиямиз сафларида ўз бурчларини ўтаётган аскар ва офицерларнинг мардлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат сингари фазилатларини муносиб тақдирлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилгани таҳсинга сазовордир. Бунда, айниқса, Амир Темур ордени (1996 йил 26 апрель), Жалололдин Мангуберди ордени (2000 йил 30 август), «Жасорат» медали (1994 йил 3 май) сингари Ватанчимизнинг юксак мукофотлари таъсис этилгани алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Амир Темур ордени - юртимизда мустақиллик даврида таъсис этилган ва ёш авлодни буюк аجدодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз ёркин истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматлари учун бериладиган юксак давлат мукофотларидандир.

¹ Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи: китоб-альбом / Ж.Х. Исмаилова, Л.Г. Левтеева; масъул муҳаррир: Ю.Р. Бурақов. - Т.: «Ўзбекистон», 2012. - 115-бет.

² Ибн Арабшох. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихидан тақдир ажойиботлари) / Суз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган / Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. II китоб. - Т.: «Мехнат», 1992. - 65-бет; Ibn Arabshah. Etrangeries du destin sur les aventures de Timour (1440). trad. Française de P. Vattier, Paris, 1658.

³ Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи: китоб-альбом / Ж.Х. Исмаилова, Л.Г. Левтеева; масъул муҳаррир: Ю.Р. Бурақов. - Т.: «Ўзбекистон», 2012. - 112-113-бетлар.

«Амир Темур деганда кўз олдимизда нафақат ҳақтиққўл жаҳонгир, балки ўзидан кейинги авлодларга ниҳоятда бой маданий мерос қолдирган санъат ва маърифат ҳомийси ҳам гавдаланади. Дарҳақиқат, Самарқандни бир бора бўлса ҳам кўриш орзусида ёнмаган ким бор? Амир Темурнинг ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган пойтахти бутун дунёдан минг-минглаб сайёҳларни ўзига жалб этади. Улар орасида менинг ҳамюртларим, айниқса, кўпчиликни ташкил этади».

Жак-Анри Эльс, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

Амир Темур ордени 1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъсис этилган бўлиб, ушбу ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. Амир Темур ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси булмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

Ушбу мукофот билан 2008 йилда – халқпарвар демократик ҳукукий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш, тарихий адолатни тиклаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун – Ислоҳ Каримов, 2004 йилда – Шахмат бўйича жаҳон чемпионатидаги ғалабаси ҳамда ўзбек халқи номини, унинг интеллектуал салоҳиятини намойиш эта олгани, ўзбек давлати нуфузини, иродасини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун – ўзбекистонлик халқаро шахмат гроссмейстери Рустам Қосимжонов тақдирланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Амир Темур ордени билан 1996 йилда – Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарлари, 2003 йилда Андижон вилояти ва 2014 йилда Термиз шаҳри тақдирланган.

Темурийлар тарихига бағишланган дунёдаги ягона музей

Азим Тошкентнинг Амир Темур хиёбонига туташ ҳудудда Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган мухташам кошона – Темурийлар тарихи давлат музейи зиёратчилар билан доимо гавжум. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси билан Истиклолнинг дастлабки йилларида қисқа вақт ичида бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейи 1996 йил 18 октябрда ўз фаолиятини бошлаган.

«...Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.

Айтиши мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шон-роҳна ташбех ёки муболага эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюқ истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади»¹.

Ўтган даврда ушбу нуфузли маънавий ва маърифий маскан наинки Ўзбекистон аҳолиси, аини чоғда дунёнинг турли давлатларидан ташриф буюрадиган кўп сонли зиёратчилар ва меҳмонлар уртасида ҳам катта обрў-эътибор қозонди. Темурийлар тарихи музейи ташкил топганидан буён ўтган даврда музейга 2 миллион нафардан ортиқ зиёратчи ташриф буюрган.

Ҳозирги кунга қадар музейда 60 га яқин кўرғазма, турли илмий анжуманлар ташкил этилгани, кўплаб монографик асарлар,

¹ Каримов И.А. Янгилаш фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 168-бет.



*Темурийлар тарихи
давлат музейи.
1996 йил 18 октябрда очилган.*

*Musée d'Etat sur
l'Histoire des Timourides,
Inauguré le 18 octobre 1996.*

*Темурийлар тарихи
музейи ташкил топганидан
буён утган даврда музейга
2 миллион нафардан ортиқ
зиёратчи ташриф буюрган.*

рисолалар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар нашр этилгани ҳам давлатимиз раҳбарининг юксак таърифига ҳар томонлама муносиб бўлиш учун кейинги йилларда бу ерда салмоқли ишлар амалга оширилганини кўрсатиб турибди¹.

Маълумки, Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданок миллий давлатчиликни тиклашда мамлакат ҳудудида ташкил топган бир қатор йирик давлатлар, айниқса, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган Соҳибқирон Амир Темури барпо этган буюк давлатнинг намуна сифатида тутган ўрни бекиёсдир. Президентимиз таъкидлаганидек, «Амир Темури давлат қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди»². Зеро, Буюк стратегик, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислохотчиси, савдо-сотик, хунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темури «Қонунлар ва урф-одатларга асосланган» давлат барпо этди³.

Бугунги кунда элликдан ортиқ давлатда темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда, Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 900 дан зиёд, Шарқ тилларида эса, мингдан ортди. Афсуски, Амир Темурга бағишланган асарлар библиографияси ҳали-хануз тўлиқ яратилганича йўқ. Тўғри, бу хусусда айрим ишлар бор. Масалан, 1974 йилда Техронда Ҳабибий тайёрлаган «Темурийлар даври санъати», 1995 йилда Р. Алимовнинг «Соҳибқирон Амир Темури» (методик тавсиянома), Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси ҳомийлигида Ш. Бобоҳонов ва Насрулло Мубошшир ат-Тарозий тайёрлаган «Амир Темури ва темурийлар ҳақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манба-

¹ Файзиев Х. Соҳибқирон даҳосига эҳтиром // Гулистон, 2015, №2. – 6-7 бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т.1 «Ўзбекистон», 1996. – 360-бет.

³ Каримов И.А. Бунёдкорнинг нуқтаси. Т.4. – Т.1: «Ўзбекистон», 1996. – 342-бет.



Кузача. XIV аср. Бронза.
Темурийлар тарихи
давлат музейи фонди.

Cruchon de bronze. XIVe siècle.
Musée d'Etat sur
l'Histoire des Timourides.

лар ва кулланмалар фикристи»¹ шулар жумласидандир. Шунингдек, биз академик Э. Ртвеладзе билан биргаликда Францияда сақланаётган манбалар руйхатини 1996 йилда Парижда чоп этдик², 1999 йилда эса, тулдирилган ва кенгайтирилган нашрни чиқардик³, 2003 йилда Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти 1755 асарни ўз ичига олган «Амир Темур библиографияси»ни тайёрлади⁴.

Бу асарлар Амир Темур шахсига жаҳоннинг турли қитъаларида қизиқиш катта эканининг яққол тасдиғи бўлиб, уларда Соҳибқирон буюк давлат арбоби, мохир саркарда, илм-фан ҳомийси сифатида таърифланади. Бинобарин, Туркистон заминидан етишиб чиққан бирорта шахс бутун дунё, хусусан, Европа давлатлари эътиборини ханузгача Амир Темурчалик узига тортмаган. Албатта, бунга бир қатор тарихий жараёнлар сабаб бўлган.

Биринчидан, XIV аср охирларида - Соҳибқирон Амир Темур ва Султон Боязид Йилдирим иккаласи икки буюк давлатда ҳукмронлик қилган даврда Англия, Испания, Франция каби давлатлар билан Амир Темур уртасидаги дипломатик алоқалар кучайган. Айниқса, Амир Темур Миср ва Турк султонлар устидан ғалаба қозонгач, европалик қироллар ўз халоскорига миннатдорчилик рамзи сифатида совға-саломлар йуллаганлар. Ҳатто Парижда Амир Темурга ҳайкалча яратилган⁵. Замондошлар ва кейинги тарихчилар, рассомлар, шоирлар, драматурглар ўз ижодида Соҳибқиронни улуглаганлар.

Иккинчидан, Амир Темурнинг бизга қолдирган тарихий мероси нафақат замондошларини, балки кейинги даврлар ва ҳозирги замон дунё аҳлини ҳам ҳайратта солиб келмоқда. Шу маънода, 1996 йили Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги нафақат Ўзбекистонда, балки ЮНЕСКО билан ҳамкорликда дунё микёсида кенг нишонлангани бежиз эмас⁶. Ушбу қутлуғ сана муносабати билан Тошкентда бир қатор йирик давлатларнинг олимлари иштирокида бўлиб ўтган (1996 йил 23-26 октябрь) халқаро анжуманда Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги урни юқори баҳоланди⁷.

¹ Амир Темур ва темурийлар ҳақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манба ва кулланмалар фикристи. - Қоҳира: Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси, 1996.

² Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой истории: Библиография / Отв. за выпуск Д.Нурматов. - Париж: Посольство Республики Узбекистан в Франции, 1996. - 28 с.

³ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой науки. - Т.: Мир экономики и права, 1999. - 113 с.

⁴ Амир Темур библиографияси. И. Ниязов, Б. Касимов, Б. Баннопов, М. Зикруллаев, Я. Мухаммедов. Международная группа «Амир Темур», рук. Б. Ахмедов. - Т.: IFEAC, 2003. - 114 с. (Documents de travail de l'IFEAC, № 3, Avril, 2003, 114 p.).

⁵ Қурбонов Д.А. Жаҳон ғалабаларидаги темурийларга оид жаҳонлар. - Т.: «Akademnashr», 2011. - 30 бет; А. Бердимурод. Соҳибқироннинг олтин ҳайкалчаси // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993. 25 июни; А. Бердимуродов. Соҳибқироннинг олтин ҳайкали // «Мерос» газетаси, 1993, № 1.

⁶ «Frédérique Beaufortin»-Brossard. Festivités autour du jubilé d'Ulug Beg en Ouzbékistan // La Timouride, Paris, 1996, № 16. P. 2.

⁷ Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги урни: Халқаро конференция материаллари. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 111 бет; Amir Temur in the world history. - Tashkent, «Ўзбекистон», 1996. - P. 111.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги доирасида Парижда ташкил этилган кургазманинг очилишида катнашган ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ўз нутқида: «Амир Темурнинг Самарқанддаги саройида бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг эсдаликларини ўқир эканман, Марказий Осиё мазкур қисмининг XIV аср маданиятини - меъморчилик бойликларини, шеърят нафосатини, техник ва илмий топқирлигини, ушбу маданиятга афсонавий жаҳонгир Амир Темурнинг таъсири ва ҳоказоларни кашф этдим»¹, деган эди.

Ҳозирги кунда Амир Темур тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш янада кучайиб бормоқда. Францияда Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси, Испанияда эса, «Клавихо - Амир Темур» Испания-Ўзбекистон дўстлик уюшмаси фаолият олиб бораётгани, Парижда махсус «Темурийлар» («La Timuride») номли бюллетень чоп этилаётгани бунга яна бир бор исботлайди.

«Амир Темурнинг Самарқанддаги саройида бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг эсдаликларини ўқир эканман, Марказий Осиё мазкур қисмининг XIV аср маданиятини - меъморчилик бойликларини, шеърят нафосатини, техник ва илмий топқирлигини, ушбу маданиятга афсонавий жаҳонгир Амир Темурнинг таъсири ва ҳоказоларни кашф этдим».

Федерико Майор,
Испания

Буларнинг барчаси Амир Темурнинг жаҳон халқлари тарихи ва цивилизациясига қўшган ҳиссаси улуг эканидан далолатдир. Жумладан, Амир Темур ўз даври учун зарур ва замонавий давлат бошқарув тизимини яратган, бу борада асрлар давомида мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини ривожлантирган, Мовароуннаҳр номини дунёга танитган, халқаро савдо йули - «Буюк ипак йўли»ни тиклаган, бутун умрини ўз юрти тинчлиги учун сарфлаган, буюк бунёдкор шахс сифатида дунёга танилган. Шундай экан, ҳеч шубҳа йўқки, Амир Темур номи неча-неча авлодлар ёдида мангу қолади.

Бутунги кунда халқимизнинг, жумладан, ёш авлоднинг узок асрлар давомида ота-боболари асос солган моддий ва маънавий маданият ёдгорликларига қизиқиши, меҳр-муҳаббати тобора ортиб бормоқда. Ёшларни улуг аждодлар номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, миллий анъаналар давомчилари этиб тарбиялаш, уларда миллий ғурур ҳиссини юксалтириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидандир.²

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилинди. Пойтахтимиз марказида Амир Темур хиёбони бунёд этилди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Соҳибқиронга атаб пурвиқор ёдгорликлар ўрнатилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрининг Амир Темур хиёбонида Темурийлар тарихи давлат музейи учун махсус бино қурилди. Қуркам бинода 1996 йилнинг 18 октябрида бўлиб ўтган музейнинг очилиш маросими умумхалқ байрамига айланиб кетди.

Музей бинноси ўзида Темурийлар даври ва замонавий меъморчилик санъати услубларини мужассамлаштирган. Мухташам бино Амир Темур давридаги саройлар қурилишида қурилган бўлиб, унинг ўзи бир музейдир. У доира шаклида бўлиб, катта куббали гумбази, кўп устунли очик айвони бор. Музей бинноси мустақиллик даврида, миллий истиқлол архитектура-си мезонлари буйича бунёд этилган энг ноёб иншоотлардан бири сифатида замонавий меъморчилик талабларига тула жавоб беради. Ҳақиқатан ҳам, Шарқ услубида ҳозирги шарт-шароитларга мослаб қурилган бу бино ўзининг нафислиги, салобати, гузаллиги билан ҳар қандай томошабинни лол қолдира оладиган ёрқин сифатларга эгадир.³

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. - Париж: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти, 1996. - 4-бет.

² Colombek L., Subtelny M. Timurid Art and Culture. - Leiden, 1992.

³ Ҳабибуллаев Н., Ўлжабоева С. Темурийлар давлат тарихи музейи ва унинг фаолияти // Темурийлар даврида илим-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбаънарий аҳамияти - Т.: Akademiashr, 2015. - 32-бет.

Музей очилганидан буён зиёратчиларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Музейга хорижий давлатлар арбоблари, расмий делегациялар кўплаб ташриф буюради. Улар Амир Темур ва темурийлар даври тарихи билан танишиб, жуда катта таассурот олмақда. Утган давр мобайнида музейга жаҳоннинг турли давлатларидан 800 дан ортиқ хорижий делегация ва расмий меҳмонлар ташриф буюриб, Темурийлар даври тарихи билан танишган¹. «Музейнинг фахрий меҳмонлар китоби»га нуфузли меҳмонлар ёзиб қолдирган самимий дил сузлари асосида музейда «Дастхатлар» кургазмаси яратилгани эътиборга сазовордир.

Музейга келадиган меҳмонларнинг таклиф ва мулоҳазалар китобида битган таассуротларини ўқиш асносида, Президентимизнинг: «*Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак*»², деган сузлари нақадар тўғри эканига қайта-қайта ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Музей илмий-тадқиқот муассасаси сифатида Фанлар академияси тизимида фаолият юритади. Музейнинг асосий мақсади - Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг онгига миллий истиқлол ғоясини синдиришдан иборат.

Айни вақтда музейда тарихий, маданий, маърифий фанларнинг етакчи йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш; мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар жамоатчилигини темурийлар даври тарихи билан таништириш; Темурийлар тарихи даврига оид манбаларни тўплаш бўйича мамлакатимизда ва чет элларда изланиш ишларини олиб бориш; Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон фани маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида халқимиз тарихини ёритувчи экспозиция ва кўчма кургазмалар ташкил этиш каби муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Музей «Давлат ноёб илмий объектлари» рўйхатига киритилган бўлиб, унинг хазиnasiда Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи 5 мингга яқин ашёлар сақланади. Булар, жумладан, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, Амир Темур мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қўламаалар, XIX-XX асрларга оид китоблар, тангалар, этнографик буюмлардир. Ҳозирги кунда музей экспозициясидан 1700 дан ортиқ экспонат жой олган.

Яна шунини эътироф этиб ўтиш лозимки, бу экспонатлар орасида 1996 йил апрель ойида Президентимиз И.А. Каримовнинг Парижга ташрифи чоғида Франциянинг ўша вақтдаги Президенти Жак Ширак Ислом Каримовга тақдим этган Амир Темурнинг 1402 йил Франция Қироли Шарль VI га йўллаган номаси энг ноёб тарихий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

¹ Н. Хабибуллаев. Оберегая великое наследие / Народное слово, 2014, 9 апрель.

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 169-бет.

«Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак».

Ислом Каримов

Музейга Франциядаги Лувр музейи томонидан Амир Темур сиймосининг нусхалари, Эрон элчихонасидан Амир Темур ва те-мурийларнинг қўшни давлат ҳукмдорлари билан ёзишмалари, Ҳиндистон элчихонасидан бир нечта қўлёзма саҳифаларидан нус-халар совға қилинган. Шунингдек, Покистон, Хитой элчихоналари, Малайзия, Қозоғистон, Россия, Грузия, Туркия ва бошқа давлатлардан тақдим этилган совғалар музей хазинасини янада бойитди. Тарихимиз-га оид куплаб ашёларни совға қилиб, музейни экспонатлар билан бойитишда уз ҳиссасини қўшаётган юртдошларимиз – музей жонқуярла-рининг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Музейда «Фондлар ва архив», «Маънавият ва маърифат», «Экскур-сиялар», «Экспозиция ва кўргазмаларни бадий безаш», «Реставрация ва кимё лабораторияси» каби бўлимлар мавжуд. Ушбу бино нафақат музей сифатида, балки Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи илмий марказ сифатида халқимизнинг давлатчилик тари-хини ёритиб берувчи, аждодларимизнинг бой моддий ва маънавий ме-росини узида мужассамловчи ва илмий тадқиқ этиб, келажак авлодга етказувчи ягона объект ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик шарофати билан музейларнинг нафақат мамлака-тимизда, айни чоғда жаҳон миқёсида ахамияти кучайиб бормоқда. Жаҳон майдонига чиқаётган музейларнинг таъсир доираси кенгайиб, улар халқаро маданий алоқалар ўрнатиш, миллий маданиятларнинг узаро бойиши ва халқлар ўртасида ҳамфикрликни ривожлан-тириш ишларига катта ҳисса қўшмоқда. Бунда кўргазмалар айир-бошлаш биринчи уринда туради. Кўргазма ва экспозицияларнинг виртуал кўринишларини яратиш орқали эса, моддий ва маданий бойликларни кенг тарғиб қилиш имконияти туғилади.

Шу нуқтаи назардан, «Виртуал кўргазмалар ва уларнинг илмий-амалий асослари (Темурийлар та-рихи давлат музейи кўргазмалари асосида)» лойиҳаси муҳим, долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Вирту-ал кўргазмалар ва уларнинг илмий-амалий асосларини яратиш натижасида экспозиция, кўргазма ва экскурси-яларнинг томошабинларга таъсир кучи ортиб боради. Ўзбекистонда темурийлар даври маданий, ижтимоий, сиёсий тарихи билан боғлиқ виртуал кўргазмалар таш-кил қилиш орқали кенг оммага муҳим ва аниқ маълу-мотлар бериб борилмоқда.

Музейда Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтлари, музейлари билан ҳамкорликда мамлакат миқёсида йирик кўргазмалар ташкил этиш ҳам анъанага айланган. Ўзбекистон тарихига оид энг ноёб ашёлардан таш-кил топган «Ўзбекистон. Мозий дурдоналари», Амир Темур давлати билан Кастилия қиролиги ўртасида ўрнатилган дипломатик алоқаларнинг 600 йиллигига бағишланган «Амир Темур - Клавиҳо - Самарқанд», ўзбек давлатчилиги тарихининг ёзув маданияти билан узвий боғлиқлигини ашёлар воситасида ифодалов-чи «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Ноёб қўлёзмалар» ва «Ноёб қўлёзмалар хазинасидан (тошбосма китоблар)» кўргазмалари бу фикр-нинг далилидир¹.



Бронза қозонча. XIV аср.
Темурийлар тарихи
давлат музейи фонди.

Chaudron de bronze. XIVe siècle.
Musée d'Etat sur
l'Histoire des Timourides.

¹ Темурийлар тарихи давлат музейи 15 ешда. - Т.: «Академнашр», 2011. - 10-бет.

Амир Темур уттиз беш йилга яқин вақт ичида Осиёни тиз чуқтирди ва тарихан қисқа муддат умр кўрган буюк салтанат барпо этди, унинг пойтахти Самарқандни тенгсиз меъморий обидалар билан безатди.

Музейда ўзбек халқи давлатчилик тарихини, темурийлар даври тарихини, анъана ва кадриятларимизни акс эттирувчи 50 дан ортиқ кўргазма ташкил этилган. «Амир Темур ўтган йўллар буйлаб», «Темурийлар даври мусиқа асбоблари», «Темурийлар тарихига оид китоблар», «Мовароуннахр хукмдорлари», «Меросимиз давомчилари», «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар», «Хориждаги меросимиз», «Амир Темур ва темурийлар даври тарихи - расомлар нигоҳида», «Самарқанд - 2750 ёшда», «Совғалар», «Тошкент - Шарқ дурдонаси», «Темурийлар давлатининг дипломатик муносабатлари», «Жаҳон хазиналаридаги темурийларга оид жавохирлар» кўргазмалари шулар жумласидандир.

Хусусан, «Темурийлар даври ренессанси» номли кўргазма ўша давр Марказий Осиё фани, меъморчилиги ва санъатининг хилма-хил турлари ривожи, маънавий маданиятнинг қўлам жиҳатидан бекиёс юксалишида Амир Темур ва ворисларининг тарихий мавқеини ҳисобга олган ҳолда яратилган. Кўргазмани ташкил этишдан мақсад Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссасини кенг жамоатчиликка кўрсатиб бериш ҳамда аждодларимиз томонидан яратилган ноёб дурдоналарнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб этишдир¹.

Кўргазма «Амир Темур ва темурийлар даврида меъморчилик», «Амир Темур ва темурийлар даври тангалари», «Амир Темур ва темурийлар даврида бадиий хунармандчилик», «Амир Темур ва темурийлар даврида китобат санъати», «Амир Темур ва темурийлар даврида мусиқа санъати», «Амир Темурнинг ҳарбий санъати», «Амир Темур ва Ибн Халдун учрашуви» номли қисмлардан иборат².

Сохибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ саналар музей мутахассисларининг доимий диққат марказида туради. Жумладан, 2011 йилнинг 9 апрелида Амир Темур таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан «Темурийлар давлатининг дипломатик муносабатлари» кўргазмаси ташкил этилган.

Амир Темур асос солган кучли салтанат фақатгина ҳарбий куч-қудратта эга бўлибгина қолмай, ўша давр халқаро майдонида ҳам узининг муносиб ўрнига эга бўлган. Темурийлар салтанати ўз даврида Европа ва Осиёдаги йирик империялар ва давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган ҳамда фаол элчилик алоқаларини йўлга қўйган.

Амир Темур ва темурийларнинг Франция, Англия, Испания қиролликлари, Византия, Хитой ҳамда Усмонлилар империялари билан олиб борган ёзишмалари бугунги кунгача сақланиб қолган бўлиб, бу тарихий ҳужжатлар шавкатли аждодларимизнинг ўша даврда ҳам қўшни давлатлар билан имкон қадар тинч-тотув яшаш тарафдори бўлганидан дарак беради. Ўрнатилган дипломатик муносабатлар сиёсий-ҳарбий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бу ўзаро савдо муносабатларининг янада ривож топишига замин яратган.

Кўргазмада ана шу дипломатик алоқаларга бевосита дахлдор бўлган тарихий мактубларнинг нусхалари, жумладан, Амир Темурнинг Боязид Йилдиримга йўллаган мактуби, Боязид Йилдиримнинг Амир Темур мактубига жавоби, Амир Темурнинг Миср хукмдорига

¹ Бўтаев Ж. Темурийлар ренессанси тарихшунослиги // Темурийлар даврида илим-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб хилишининг умумбашарий аҳамияти. - Т.: «Akademnashr», 2015. - 46-бет.

² Темурийлар тарихи даълат музейи 15 ёшда. - Т.: «Akademnashr», 2011. - 11-бет.

йуллаган мактуби, Шохрух Мирзонинг Миср ҳукмдорига йуллаган мактуби, Султон Хусайн Бойқаронинг Узун Хасанга йуллаган мактуби урин олган булиб, кургазмага ташриф буюрган юртдошларимиз ва хорижликларнинг қизиқишини оширмоқда.

Бугунги кунда турли сабабларга кўра чет элларга олиб чиқиб кетилган Темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, бадий хунармандчилик буюмлари ва санъат намуналари дунёнинг энг машхур музей ва коллекцияларида намойиш этилиб, томошабинларни хайратга солмоқда. «Жаҳон хазиналаридаги темурийларга оид жавохирлар» кургазмасидан жой олган Россия, Туркия, АҚШ, Франция, Англия каби давлатларда сақланаётган темурийлар даврига оид ашёларнинг, жумладан, Мирзо Улуғбек, Султон Хусайн Мирзо номи ёзилган пиёла-ларнинг, Мироншоҳ, Гавҳаршодбегимнинг узук-муҳрларининг ҳамда темурийлар даври бадий хунармандчилик буюмларининг нусхалари ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

Урта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тахсил олаётган ўқувчи-ёшларда мустақил ва эркин тафаккурни шакллантириш ҳамда ғоявий тарбияни амалга ошириш, уларни Ватанимизга садоқат, бой тарихимиз ва анъаналаримизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, академик лицей ва касб-хунар коллежларида олиб борилаётган ўқув-тарбиявий жараёни янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳридаги урта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитилаётган «Ўзбекистон тарихи», «Маънавият асослари», «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фанларининг Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид мавзулари музей экспозициясида очик дарс шаклида утказилмоқда.

Президент И.А. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби асосида миллий кадриятларимиз, тарихий анъаналаримиз, буюк алломаларимиз, маънавият учоқлари бўлмиш музейлар ҳақида ҳикоя қилувчи видеоларга тайёрланган. «Кўхна тарихимизнинг буюк сиймолари» тadbири доирасида миллий тарих ривожига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолар – Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзонинг ибратли ҳаёт йули кенг жамоатчиликка, айниқса ёшларга, музей экспозициясида утказилаётган экскурсиялар, дарслар орқали атрофлича тарғиб қилинмоқда.

Музейнинг асосий экспозициясида, кургазмаларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи буйича мактаб ўқувчилари, талабаларга ўтиллаётган дарслар, «Шохрух Мирзо даврида дипломатия», «Бобурийлар салтанати», «Амир Темур давлати испан элчиси нигоҳида», «Амир Темур ва темурийлар даврида молия-пул сиёсати», «Темурий шахзодаларнинг Мовароуннаҳрда тутган ўрни», «Амир Темур ва Европа» «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати», «Амир Темур даврида тиббиёт», «Темур тузуклари», «Улуғбек даврида Мовароуннаҳр», «Темурий маликалар» каби мавзулардаги экскурсиялар, давра суҳбатлари ёш авлоднинг Ватан тарихини чуқур урганишида, тарих фани буйича билимдон мутахассислар булиб етишишида катта роль уйнаши тайин.

Истиклол йилларида Темурийлар тарихи давлат музейи мамлакатимизнинг етакчи музейларидан бирига айланди. Музей уз экспонатлари билан халқаро кургазмаларда иштирок этиб, ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилиб келмоқда.

Хозирги кунда Темурийлар тарихи давлат музейининг бутун фаолиятида, шу жумладан, бу ерда ташкил қилинаётган ҳар бир кургазма,

1996 йил Ўзбекистонда
«Амир Темур йили» деб эълон
қилинди, ЮНЕСКО қарор-
гоҳида буюк Соҳибқирон
таваллудининг 660 йиллигига
бағишланган «Темурийлар
даврида илм-фан, маданият
ва маорифнинг гуллаб-
яшнаши» ҳафталиги
булиб ўтди.



Амир Темур давлати харитаси.
Темурийлар тарихи давлат музейи.
Тошкент, 1996 йил.

L'Empire d'Amir Temur.
Musée d'État sur l'Histoire
des Timourides.
Tachkent, 1996.

чоप этилаётган илмий-оммабоп нашрлар¹, утказилаётган тадбирлар, олиб борилаётган экскурсияларда Президентимизнинг: «Тарихга муурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши булмаганидек, уз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам булмайдиган»², деган сузлари дастуриламал булиб хизмат қилмоқда.

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси

Амир Темур тарихдаги буюк шахслардан бири булгани боис ҳам унинг босиб утган шавкатли ҳаёт йули туғрисида тафсилотлар, ривоят ва хикоятлар, шаклан ранг-баранг асарлар, афсона-ю уйдирмалар жуда куп ва хилма-хилки, фақат адолат кузи билан қарабгина уларни саралаб олиш ва бу зот ҳақидаги ҳақиқатни англаб етиш мумкин.

Бу уринда айтиш керакки, шурулар тузуми даврида Соҳибкирон номига ва унинг юрт озодлиги йулида олиб борган ишларига, фан ва маданият, бунёдкорлик соҳасидаги ва бошқа жабҳалардаги оламшун

¹ Темурийлар даври: Талкиқотлар ва муаммолар // «Темурийлар даврини ўрганишнинг умумбашарио аҳамияти» мавзuidaги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 2013 йил 22 октябрь. - Т.: «Наврўз», 2014. - 218 бет.
² «Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги урни» мавзuidaги Республика илмий-амалий конференцияси тезислари, Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 2016 йил 9 апрель. - Т.: «Mashhur-piye nashriyoti», 2016. - 119 бет.
³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 80-бет.

мул саъй-ҳаракатларига бир ёқлама баҳо берилганига гувоҳ бўлдик¹. Албатта, бу ҳолат ҳеч бир кишилиқ жамияти қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган иллат эди. Яқин тарихимизда одам манкуртлашишга маҳкум этилган ана шундай шароитда унга ўз юртида ҳам ёт кўз билан қараш, унинг ўтмишига, улуғ аждодларига беписанд булиш ҳоллари ҳам юзага келди ва бундай эскича қарашлар билан яшаш энди мумкин эмас эди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришиб ва 1 сентябрни Мустақиллик куни, умумхалқ байрами, деб эълон қилгач, давлатимиз раҳбари И.А. Каримовнинг қатъий ва ташаббускор саъй-ҳаракатлари билан бошқа соҳалар қатори бой меросий тарихимизга, улуғ аждодларимизга булган муносабат ҳам ўзгарди, яъни ҳар бир нарсага адолат кўзи билан қаралиб, асл тарихни тиклаш, ўтмишда жаҳон тамаддунида ўзига хос муносиб из қолдирган боболаримизнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириш ишларига етарлича эътибор қаратилди.

Жумладан, Амир Темур номи қайта тикланиб, унинг фаолиятини урганишга ва оммалаштиришга кенг йул очилди. Бу нафақат ўзбек халқининг, балки муғуллар зулмидан озод булган Осиё мамлакатлари, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхоннинг янги босқинчилик зулмидан халос булган Россия ҳамда Усмонлилар ҳукмдори Боязид Йилдирир босқинидан омон қолган Европа халқларининг ҳам хохиш-иродаси эди.

1996 йил Ўзбекистонда «Амир Темур йили» деб эълон қилинди, ЮНЕСКО қароргоҳида буюк Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталиги бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор, Франция Республикаси Президенти Жак Ширак ва Президентимиз Ислам Каримов иштирок этди. Париж шаҳрида бўлиб ўтган бу тантаналар ўзининг кенг қулами, адолатни юзага чиқариш ва буюк Амир Темурга кўрсатилган катта эҳтиром рамзи сифатида тарихнинг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолди.

Худди уша, 1996 йилнинг 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 100-сонли Қарори билан Тошкентда Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ўзини ўзи бошқарадиган, мустақил, нодавлат хайрия жамғармаси сифатида ташкил этилди. Жамғарманинг асосий мақсади таниқли давлат арбоби ва саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темурнинг жаҳон маданияти ва тарихига қўшган улкан ҳиссасини урганиш, тарғиб қилиш, унинг номи билан боғлиқ нодир меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва асрашга ёрдам бериш, Амир Темур ва темурийлар меросини урганаётган халқаро ташкилотлар, илмий марказлар ва таниқли олимлар билан ҳамкорликда тарихий, илмий, бадиий асарларни йиғиш, тиклаш, таржима қилиш ҳамда ўзаро ижодий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат².

Жамғарманинг олдига қуйидаги вазифалар кўйилди:

Биринчи вазифа – йирик давлат арбоби ва атоқли саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темурнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий фаолияти бўйича кенг қуламда илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларни чуқур ўрганишга кўмаклашиш.

Иккинчи вазифа – шахсни маънавий, маданий ва жисмоний камолотга етказишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, Амир Темур

¹ Уша жойда.

² Ҳайитов Т. Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси фаолияти // Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти / масъул муҳаррир Н. Ҳабибуллаев. - Т.: Akademnashr, 2015. - 46 бет.

1996 йил 14 мартда
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
100-сонли Қарори билан
Халқаро Амир Темур
хайрия жамғармаси
ташкил этилди.

ва унинг замони ҳақидаги бор ҳақиқатни кенг оммага етказиш йўли билан фуқароларни мустақил мамлакатимиз тақдири учун ифтихор ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Учинчи вазифа – жамоат, давлат, илмий ва ижодий ташкилотларнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, Марказий Осиё халқларининг тарихи ва ҳаётини урганиш йўлидаги ишларини мувофиқлаштириш.

Тўртинчи вазифа – қадимий касб-хунарларни тиклаш юзасидан таклифлар киритиш, Амир Темур ҳақида бадиий, ҳужжатли фильмлар ва телефильмлар яратишга ёрдам бериш.

Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш учун Жамғарма хуйидаги йўналишлар бўйича фаолият кўрсатади:

биринчи йўналиш: манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи жамоат кенгашлари, клублар ва тугараклар ташкил қилади. Радио ва телевидение орқали эшиттиришлар, курсатувлар уюштиради, кечалар, концертлар ва бошқа хайрия ишларини амалга оширади;

иккинчи йўналиш: ўз нашриёти орқали ва чет давлатлардаги босма хоналарда илмий ва илмий-оммабоп китоблар, альбомлар, буклетлар, проспектлар, плакатлар, тақвимлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини чиқаради ва уларни омма ўртасида тарқатади, энг иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туради, улар учун Амир Темур стипендияларини таъсис этади;

учинчи йўналиш: хорижий мамлакатлар кутубхоналари, музейлари ва жамғармаларидан Амир Темур ва унинг авлоди меросини излаб топиш юзасидан илмий-қидирув ишларини олиб боради, хорижий мамлакатларда Амир Темур ҳақида чоп этилган китобларни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этади, ўзбекистонлик муаллифларнинг шу мавзуда ёзган асарларини оммалаштириш билан шуғулланади;

тўртинчи йўналиш: Жамғарма Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида келишув йўли билан бир қатор хорижий мамлакатларда белгиланган тартибда жамғарманинг бўлимлари ва ваколатхоналарини очади;

бешинчи йўналиш: шарқшунос ва тарихчи олимлар ўртасида халқаро ҳамкорлик ўрнатишга ва уни ривожлантиришга кўмаклашади;

олтинчи йўналиш: Низом асосида юридик мақомга эга булган илмий муассасалар, турли корхоналар, ташкилотлар ва фирмалар, шунингдек, ихтисослашган дўконлар очади, белгиланган тартибда хорижий фирмалар билан ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширади;

еттинчи йўналиш: Ўзбекистон Республикасида ва хорижий мамлакатларда тегишли муассасалар билан белгиланган тартибда шартномалар, битимлар тузади, шу жумладан олди-сотди, сақлаш, совға қилиш, меросга қолдириш, алмаштириш ва бошқа ишларни амалга оширади. Уларнинг номенклатураси жамғарма фаолияти йўналишлари бўйича белгиланади, юридик ва жисмоний шахслар билан амалдаги қонунларга зид булмаган ҳар қандай ҳуқуқий фаолият кўрсатади.

Шундай қилиб, мустақиллик Амир Темур фаолиятини урганишда кенг имкониятлар эшикларини очди. Президентимиз Тошкентда Соҳибқирон Амир Темурнинг хайкали очилишига бағишланган таътананада таъкидлаганидек: «Инсоф-имон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб яр-

«Амир Темур ва темурийлар меросини сақлаш ва унга ҳамхўрлик кўрсатиш Марказий Осиё халқларининггина эмас, балки барчамизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим».

Клаус Пандер,
Германия

ва унинг замони ҳақидаги бор ҳақиқатни кенг оммага етказиш йўли билан фуқароларни мустақил мамлакатимиз тақдири учун ифтихор ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Учинчи вазифа – жамоат, давлат, илмий ва ижодий ташкилотларнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, Марказий Осиё халқларининг тарихи ва ҳаётини урганиш йўлидаги ишларини мувофиқлаштириш.

Тўртинчи вазифа – қадимий касб-хунарларни тиклаш юзасидан тактифлар киритиш, Амир Темур ҳақида бадиий, хужжатли фильмлар ва телефильмлар яратишга ёрдам бериш.

Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш учун Жамғарма куйидаги йўналишлар бўйича фаолият кўрсатади:

биринчи йўналиш: манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Амир Темур ва темурийлар даври тарихини урганувчи жамоат кенгашлари, клублар ва тўғарақлар ташкил қилади. Радио ва телевидение орқали эшиттиришлар, кўрсатувлар уюштиради, кечалар, концертлар ва бошқа хайрия ишларини амалга оширади;

иккинчи йўналиш: уз нашриёти орқали ва чет давлатлардаги босма хоналарда илмий ва илмий-оммабоп китоблар, альбомлар, буклетлар, проспектлар, плакатлар, тақвимлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини чиқаради ва уларни омма ўртасида тарқатади, энг иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туради, улар учун Амир Темур стипендияларини таъсис этади;

учинчи йўналиш: хорижий мамлакатлар кутубхоналари, музейлари ва жамғармаларидан Амир Темур ва унинг авлоди меросини излаб топиш юзасидан илмий-қидирув ишларини олиб боради, хорижий мамлакатларда Амир Темур ҳақида чоп этилган китобларни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этади, ўзбекистонлик муаллифларнинг шу мавзуда ёзган асарларини оммалаштириш билан шуғулланади;

тўртинчи йўналиш: Жамғарма Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида келишув йўли билан бир қатор хорижий мамлакатларда белгиланган тартибда жамғарманинг бўлимлари ва ваколатхоналарини очади;

бешинчи йўналиш: шарқшунос ва тарихчи олимлар ўртасида халқаро ҳамкорлик ўрнатишга ва уни ривожлантиришга кумаклашади;

олтинчи йўналиш: Низом асосида юридик мақомга эга бўлган илмий муассасалар, турли корхоналар, ташкилотлар ва фирмалар, шунингдек, ихтисослашган дўконлар очади, белгиланган тартибда хорижий фирмалар билан ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширади;

еттинчи йўналиш: Ўзбекистон Республикасида ва хорижий мамлакатларда тегишли муассасалар билан белгиланган тартибда шартномалар, битимлар тузади, шу жумладан олди-сотди, сақлаш, совға қилиш, меросга қолдириш, алмаштириш ва бошқа ишларни амалга оширади. Уларнинг номенклатураси жамғарма фаолияти йўналишлари бўйича белгиланади, юридик ва жисмоний шахслар билан амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳар қандай ҳуқуқий фаолият кўрсатади.

Шундай қилиб, мустақиллик Амир Темур фаолиятини урганишда кенг имкониятлар эшиklarини очди. Президентимиз Тошкентда Сохибқирон Амир Темурнинг ҳайкали очиштишга бағишланган тантанана таъкидлаганидек: «*Инсоф-имон туйғуси, дийнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб яр-*

«Амир Темур ва темурийлар меросини сақлаш ва унга ҳамхўрлик кўрсатиш Марказий Осиё халқларининггина эмас, балки барчамизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим».

*Клаус Пандер,
Германия*



«Сохибқирон юлдузи» журнали.

Revue «Sohibqiron yulduzi»
(«Étoile du Conquérant»).

мига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зуравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади»¹.

Албатта, жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган шахслардан бири бўлган Амир Темурдек инсонга баҳо беришда ва умуман, Жамғарманинг барча йуналишлардаги фаолиятида аввало Президент И.А. Каримовнинг тарихимиздан келиб чиққан фикрлар асосида билдирган сўзлари ва йўл-йуриқлари асосий қўланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса урнида шунини таъкидлаш жоизки, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ташкил топганидан буён буюк Сохибқирон ва темурий аждодларимиз бой меросини урганиш ҳамда кенг тарғиб этиш борасида том маънода хайрли ишларга камарбаста бўлиб келмоқда. Зеро Юртбошимиз қайд этганидек: «Улуу Амир Темур давлатчилиги, унинг ўзига хос сийсат ва бошқарувчилик усули, адолатли жамият барпо этиш йўлидаги сазй-ҳаракатлари бугунги давлатчилигимизни янги мазмун билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга»².

«Сохибқирон юлдузи» — темурийлар тарихига бағишланган дунёдаги ягона журнал

Истиқлол шарофати билан миллий анъаналар ва кўхна маданиятимиз қайта юз очаетганидан илҳомланган адибу олимларимиз, журналист ва ноширларимиз ҳозирги кунда буюк Сохибқироннинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш ва урганиш, таҳлил ва тарғиб этишга астойдил киришган бўлиб, бундай ёндашувнинг аҳамияти бекиёсдир. Амир Темур халқаро жамғармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлимлари ташаббуси билан 2010 йилда таниқли шоир, марҳум Исмоил Тўхтамишев бош муҳаррирлигида «Сохибқирон юлдузи» адабий-бадиий ва иқтимоий-маърифий журнали таъсис этилганини бу йўлда қўйилган яна бир диққатга молик қадам деб баҳолаш керак.

Нафақат вилоят, балки мамлакатимиз бўйлаб, қолаверса, ҳорижий элларда ҳам доврुक қозонмоққа ҳақли ушбу кутлуғ номдаги нашр халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий кудратимиз рамзи бўлган Амир Темур бобомиз ҳаёти ва жасоратини янада чуқурроқ англашда, фарзандларимизни мустақиллик ёғлари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ранг-баранг қизиқишлари, иқтидори ва ижодий салоҳиятини юзага чиқариш учун мамлакатимизда, вилоятларда давлатимиз томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар, пухта уйланган тизимли дастурлар амалга оширилмоқда.

Эндиликда воҳада чоп этилаётган қиркдан ортиқ даврий нашрлар сони «Сохибқирон юлдузи» журнали ҳисобига кўпайгани ана шу сийсатнинг кичик бир мевасидир. Кези келганда, айни номдаги журнал нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда ягона эканини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими, журнал саҳифаларида буюк Сохибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисида янги илмий-маърифий, адабий-ба

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сийсат, маъқура. Т.1. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 361-бет.

² Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 97-бет.

2010 йилда
Исмоил Тухтамишев
бош муҳаррирлигида
«Соҳибқирон юлдузи»
адабий-бадиий
ва ижтимоий-маърифий
журнали таъсис этилди.

длий мақолалар мунтазам эълон қилинмоқда. Журналнинг «Темур ва теуриилар», «Меросимизни ўрганамиз», «Маънавият», «Маърифатнома», «Адабиётшунослик», «Навр» ва «Назм гулшани» каби рукнларида юртимизнинг таниқли ёзувчи ва олимлари билан суҳбатлар, тарихчи ва адабиётшуносларнинг публицистик мақолалари, шеър ва дostonлар, шунингдек, ёш қаламкашлар ижодидан намуналар чоп этилмоқда.

Материалларнинг тили раvon, ширали. Журнал дизайни замонавий даражада, унинг саҳифаларида чоп этилган рангли суратларнинг сифати ҳам уквчиларга манзур. Журнал киска вақт ичида узининг кўп сонли мухлисларини топа олди.

Маълумки, Қашқадарё заминни - Насафийлар, Кешиилардек улуг алломаларни дунёга етказиб берган қутлуғ маскан. «Соҳибқирон юлдузи» журналнинг «Тафаккур сочқилари» рукнида берилаётган адабий-бадиий киссалар, «Рухият сурати», «Баркамоллик зиёси» рукнларида эълон қилинаётган шеър ва дostonларда айни мавзу тараннум этилмоқда. «Қашқадарё қаҳҳахаси» рукнида эса, ҳажвий шеър ва хикоялар чоп этилмоқда. Журнал саҳифаларида вилоятда яшаб-фаолият юритаётган қаламкашлар ижодидан намуналар ҳам мунтазам бериб борилади. Бундан ташқари, журналда Л. Кереннинг «Амир Темур ва Ибн Халдун учрашуви»¹ ҳамда «Амир Темур, Боязид ва насроний кироллари»² номли мақолалари эълон қилинган.

Бир сўз билан айтганда, «Соҳибқирон юлдузи» журнапи улуг аждодимизни англаш йўлида кўйилган яна бир муъжаз, айни чоғда қутлуғ қадамдир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Амир Темурни англаш - ўзлимизни англаш демакдир»³.




Шамс. Рассом: О. Ирматов. 2002 йил.

Titre. Par O. Irmatov. 2002.

¹ Керен Л. Амир Темур ва Ибн Халдун учрашуви / Француз тилидан А. Саидов таржимаси // Соҳибқирон юлдузи, 2013, № 10. - 4-7-бетлар.


² Люсьен Керен. Амир Темур, Боязид ва насроний кироллари // Соҳибқирон юлдузи, 2011, №2. - 11-16-бетлар.

³ Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади (Хикматли сўзлар ва иборалар тўплами). - Т: Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. - 86-бет.



UN REGARD
SUR LES ÉTUDES
TIMURIDES
EN OUZBÉKISTAN

ЎЗБЕК
ТЕМУРШУНОСЛИГИГА
АЙРИМ
ЧИЗГИЛАР



«Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминиди илк бор истиқлол байрогини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди»¹.

Ислом Каримов

Амир Темур давлат бошқаруви, адолат ва ҳуқуқ тўғрисида

Агар баъзан буюк тарихий шахсларнинг таржимаи ҳолини ёзиш ва улар ҳақида изланиш олиб бориш учун манбалар ва адабиётлар етишмаслиги муаммо бўлса, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида эса, манбалар ва адабиётларнинг ниҳоятда кўплиги муаммо ҳисобланади. Бу буюк инсон ва иқтидорли давлат арбоби ҳақида кўплаб асарлар ёзилганига қарамасдан, тоталитар совет тузуми даврида унинг шонли ҳаёти йўли, сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари халқимиздан сир саклаб келинди.

Амир Темур вафотидан сўнг кўп асрлар утган бўлишига қарамай, Соҳибқирон сиймоси тарихий ҳақиқатга зид равишда бир ёқлама, асосан қора бўёқларда акс эттирилди. Афсуски, собиқ тузум даврида яратилган тарихий ва бадий адабиётларда ҳамда уларнинг таъсирида чоп этилаётган бугунги айрим китобларда ҳам шундай ғарзли ёндашув аломатларини хануз учратиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон ёзганидек, Соҳибқирон Амир Темур билан Султон Боязид уртасидаги муносабатлар ҳалигача ойдинлашмагани учун ёлғону чалқашликлар қисман бўлса-да бартароф этилмаган. Туркияда ҳам илм одамларининг акса-

*Амир Темур ҳайкали.
Самарқанд.
1996 йил.*

*Monument d'Amir Temur.
Samarkand.
1996.*

¹ Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сузланган нутқ. // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 168-бет.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов профессор Люсьен Керенга «Шухрат» медалини таъширмоқда. Париж, 1996 йил, апрель.

Remise de décoration «Shuhrat» à Lucien Kehren par le Président de la République d'Ouzbékistan Isiam Karimov. Paris, avril 1996.

«Буюк Темурнинг олий жаноб
сиёсати – салтанатнинг
гуллаб-яшнаши халқ
фаровонлигини таъмин-
лашда муҳим омил
эканлигини англаб
етгани эди».

Жан Пол Ру,
Франция

рияти ўртада кечган воқеаларни фақат Амир Темурга бўлган салбий нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳоладилар¹.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин бу масалада ҳам тарихий адолат қарор топди. Юртимиз заминида яшаб ўтган кўплаб улус сиймолар қатори: Амир Темур Бобоғизнинг номи, шаъну шавкати ва мероси ҳам қайта тикланиб, бу буюк зот ҳақидаги асл ҳақиқат ҳолис ва ҳаққоний ёритилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда, китоблар ёзилмоқда.

Биз бу ҳақда француз олими профессор Люсьен Керен фикрларини мисол сифатида келтирмоқчимиз. Гап шундаки, Люсьен Керен умрининг асосий қисmini темуршуносликка бағишлаб, бу борада жуда кўп асарлар яратган инсон². Бу олим мустақил Ўзбекистон Республикасининг 660 йиллиги кенг нишонланган кунлари биздан кам қувонмаган. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан бу борадаги хизматлари учун Люсьен Керен Ўзбекистон Республикаси Президентитомонидан «Шухрат» медали билан тақдирланган³.

¹ Хуррид Даврон. Амир Темур ҳақидаги африм ёлғонлар ҳақида (ёзиштиган мақоладан парча) // 18.02.2016 / <http://kh-davron.uz>

² Kehren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan. Paris, 1990, 354 p.; 2-ed. Paris, 2002: de la Culture sous Temour et les Princes Témourides / Recueil des thèses du Colloque international tenu à l'occasion du 660^e anniversaire d'Amir Témour. Paris, le 22 avril 1996; Dirigé par Lucien Neuchâtel, 1978; Kehren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. L'empire du Seigneur de Fer. Nationale, 2006. – 354 p.

³ Жаҳон ахборот агентлиги хабари // Халқ сўзи, 1996, 25 апрель.

Плюсьен Керен ҳақли таъкидлаганидек, совет тузуми даврида Амир Темур шахсиятини ерга уришга, унга босқинчи сифатида қарашга зур берилгани ҳолда, Сохибқироннинг оламшумул давлатчилик ва бунёдкорлик ишлари, адолатпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари эса, мутлақо четлаб ўтилган. Хусусан, олим 1961 йили, яъни советлар замонида Ўзбекистонга келганида Амир Темур қандай давлат арбоби бўлгани ва Сохибқироннинг қандай фазилатларини санаб ўтиш мумкинлиги ҳақидаги ўзининг саволларига бирон-бир тайинли жавоб ололмаган.

Эҳтимол, совет ҳукумати Амир Темурни – тарихда мағлубият нималигини билмаган Сохибқиронни, жаҳонга машъал бўлган маданият ва сулола барпо эта олган улуг иксонни, ҳаётнинг маъно-мазмунини кадрлаб, иксонни улуглайдиган эзгу ишлар билан банд бўлган, дону дийнат ва адолатни жойига қўйган шавкатли аждодини ўзбек халқи билишидан, демакки, миллий улзатини танишидан қўрқжандир!?

Аслида ҳам, шурулар халқимизнинг салтанат ишларини кенгаш ва тadbир асосида амалга оширган, ҳар бир масалادا узоқни кузлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиди билан боғлиқ ибратли фазилатлар соҳиб бўлган буюк зот ҳаёт йўли билан танишувидан, шу асосда бу эъзоли тарихи билан ғурурланишидан, фахр-ифтихор этишидан, содда айтганда, кузи очилишидан ва асл ҳақиқатни англаб этишидан чучигани рост.

Сохибқирон сиймосидан биринчи бўлиб қора пардани кутариб ташлаган жасратли олим, академик Иброҳим Мўминов¹ бўлди. Олимнинг 1968-1969 йилларда «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли»² номли рисоласи нашр этилди. Рисолада Амир Темурнинг мустақил марказлашган давлат тузиш йўлидаги кураши, Мовароуннахрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган эолагонлар – оқсуяклар каби кучлар ва бирлашишга зид ҳаракатларга, ўзаро урушларга ундовчиларга қарши олиб борган курашлари ҳақида суз борган. Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, мамлакат осойишталиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий юксалиши ҳақидаги илмий хулосалари ҳам баён этилган.

Академик М. Хайруллаев қайд этганидек, Ўзбекистонда Иброҳим Мўминовнинг бу фаолияти, унинг Амир Темур ҳақидаги китобчаси жаънаотчилик томонидан ижобий кутиб олинди. Лекин айрим шахслар Иброҳим Мўминовнинг бу ишларидан унга қарши кураш йўлида фойдаланиш ҳаракатига тушдилар. Китобча И. Мўминовни Темур фаолиятини «идеаллаштириш», унга ғайриилмий ёндашиш, сиёсий-ғоявий хатога йўл қўйишда айбдор қилиб қўрсатишга бўлган уринишларнинг авж олишига сабабчи бўлди. Москвада чиқадиган қатор марказий журнал ва газеталарда Темурни тилга олган ҳолда утмишни сохталаштирмаслик ҳақида умумий насихатомуз мақолалар ҳам нашр этилди³.

¹ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли: (Елза манбалар маълумоти асосида). – Тошкент: «Фан», 1968. – 51 бет; Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни / Масъул муҳаррир М. Хайруллаев (қайта нашр). – Т.: «Фан», 1993. – 36 бет; Мўминов И. Топланган асарлар. Уч томлик. – Тошкент: «Фан», 1965. – 494 бет; Мўминов И. Темирилар даври Ўрта Осиё саясатининг пайшо бўлиши ва тараккият этиш тарихий ишлари ҳақида. – Самарқанд. – Тошкент: 1969. – 47 бет; Самарқанд тарихи, 2 томлик / Масъул муҳаррир И.М. Мўминов. – Тошкент: «Фан», 1971; И. Мўминов. Амир Темур ибн Тарағай Бахоир // Соҳиб ўрни. – Т.: «Камалак», 1992. – 76-бет

² Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: «Фан», 1968. – 52 бет; Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: «Фан», 1969. – 47 бет.

³ М. Хайруллаев. Иброҳим Мўминовнинг катта илмий жасрати / Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: «Фан», 1993. – 9-10-бетлар. Яна асарит: Э. Зиев. Сохибқирон ҳақиқати ёқуд Иброҳим Мўминовнинг тарихий ҳасратли кураши // Ўзбекистон аҳоли, 1995. 30 ноябрь

«Мен давлат ишларини
урнатилган қонун ва
урф-одатларга таяниб
амалга оширдим».

«Темур тузуқлари»

Кейинчалик, Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидаёқ ушбу рисола академик М. Хайруллаев маъсул мухаррирлигида ва сўз бошиси билан қайта чоп этилди.

Шундан сўнг олимнинг шоғирдларидан бири, Ўзбекистон тарихи билмидони академик Бўрибой Аҳмедов¹ Соҳибқирон ҳақида чуқур илмий асарлар ёзди, «Темур тузуклари»ни нашр қилдириб, Ватан тарихининг шонли саҳифаларини ёритиб берди. Шунингдек, Темирийлар даврини ёритишда шарқшунос олим Турғун Файзиев² бажарган хизматлар ва ёзган асарлар ҳам катта эътибор ва аҳамиятга эга.

Профессор Ҳ. Зиёев ҳам бу мавзудаги бир қатор тадқиқотлари билан эътибор қозongan. Олимнинг «Амир Темурни «оклаш»да Иброҳим Мўминовнинг роли»³ мақоласида собиқ совет тузуми даврида Амир Темур ва темирийлар мавзусининг ўрганилиши йўлидаги мафкуравий таъйинларга қарамай, бу борада жасорат курсатган зиёлилар, хусусан, И. Мўминовнинг хизматлари ҳолис талқин этилган.

Ҳ. Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» китобига «Амир Темурнинг Олтин Урдага берган зарбаси ва унинг оқибатлари» мавзуси алоҳида бўлим сифатида киритилган⁴. Бундан ташқари, олимнинг 2008 йилда «Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири»⁵, 2010 йилда «Амир Темур томонидан Курьонки қаримнинг асл нусхасининг келтирилиши», «Ўзбекистон мадрасалар ватани»⁶ мавзудидаги тадқиқотлари ҳам нашр этилган.

Биз араб, турк, форс ва Ғарб тилларида нашр этилган адабиётлардан ташқари, айтиб ўтилган олимлар ёзган асарлардан ҳам фойдаланиб, Амир Темурнинг ҳукукий қарашлари ва инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Зотан, Соҳибқирон ҳазратлари: «*Ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунари ва турши-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, қилиш-қилминшлари, айтган гапларини хонларимда сақладим ва хуш ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим*»⁷, дея бежиз таъкидламаган.

Темирийлар буюк давлатининг асосчиси Темурбех ибн Тарағай ёшлигиданок зўравонликка ва зўравонларга қарши кураш олиб бориб, жамиятда адолат меъёрларига мувофиқ иш юритиш туйғулари билан бирга ўсган ва бу соҳада юксак камолот даражасига кўтарилган. «*Улуе аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зурлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англади. Унинг давлатни*

«Дунёнинг армини олдим, салтанатимнинг у четидан-бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилмо кўтариб ўтайдиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом урнатдим».

Амир Темур

¹ Аҳмедов Б. Тариздан сабоқлар. - Т.: «Ўқитувчи», 1993. - 432 бет; Б. Аҳмедов. Амир Темур: Тарихий роман. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1995. 640 бет; Б. Аҳмедов. Ватан тарихидан хикоятлар. - Т.: 1994. - 635 бет; Б. Аҳмедов. Амир Темур ҳақида хикоятлар. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 96 бет.

² Файзиев Т. Темирийлар шаҳараси. - Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 352 бет; Файзиев Т. Темирийлик маданияти. А Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 1994. - 40 бет; Файзиев Т. Темирийлик маданияти. Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. - 45 бет; Файзиев Т. Темирийлар даврида сарой мусиқа маданияти // Гулiston. 2005. № 4. - Б. 8-9; Файзиев Т. Амир Темурнинг улуғ аъсулида // Мехрибон. 1995 йил 2 февраль; Файзиев Т. Инсониятнинг энг улуғ далолатидан бири: [Амир Темур «оклаш»] // Тошкент оқшоми, 1999 йил 7 апрель.

³ Зиёев Ҳ. Амир Темурнинг «оклаш»да Иброҳим Мўминовнинг роли // Ўзбекистонда юстициянинг фаълиятлари. 1998. № 12. - 36-42-бетлар.

⁴ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: «Шарк», 1998. - 47-51-бетлар.

⁵ Зиёев Ҳ. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. - Т.: «Маданият», 2008. - 136 бет.

⁶ Зиёев Ҳ. Амир Темур томонидан Курьонки қаримнинг асл нусхасининг келтирилиши // Ўзбекистон мадрасалар ватани. - Т.: Тошкент ислом университети, 2010. - 61-бет.

⁷ Амир Темур ўғиллари: (Тўққизинчи) / Тузувчилар: Б. Аҳмедов, А. Аминов. - Т.: «Наврўз», 1992. - 16-17-бетлар.

бошиқарин, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри бўл, тadbир топа олин қобилиятини, ноғб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади»¹.

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур асос солган давлатда ўрнатилган ҳукукий тизим ҳар доим устун бўлиб, унинг ҳоидаларига барча рия қилишининг мажбурийлиги таъминланган, бу тартибни бир неча бор бузган ва ўз вазифасини сурункали равишда бажармаганларга қаттиққўллик билан, лекин ўрнатилган қоидалар доирасида, муносабатда бўлинган. Айниқса, давлат ҳавфсизлигига хилоф иш тутганлар ва хойнлар қаттиқ, айни вақтда, адолатли жазоланган. Соҳибқирон таъбири билан айтганда, «Ҳар қандай одам менинг адолати девонимдан паноҳ тонган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ бўлига кирса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар»².

Амир Темур ислом ҳуқуқшунослиги илмиюни ҳар томонлама ўлаштирган, бу соҳада юксак даражага кўтарилиб, фатво бериш салоҳиятига эга бўлган. Қуръони карим оятларини тула ёд олиб, уларни бошидан охирига ва охиридан бошига қараб ёддан ўқиш малакасини эгаллаган Соҳибқирон бу оятларнинг туб мазмунини чуқур тушуниб, ўзининг иш дастурига айлантирган.

Амир Темурнинг оятлар ва ҳадисларга ишонч ва эътиқоди шу кадар қучли бўлганки, уларни ўша даврнинг буюк биноларида чиройли истилоҳи нақшлар билан ёзиб қўйишга буйруқ берган. Темурийлар давриддан қолган барча биноларда битилган илм-адолат, ҳикмат, айниқса, фикҳ илмига доир оятлар, ҳадислар ва ҳикматли сўзларни бугун ҳам қуриш, ўқиш ва мағзили чақиш мумкин.

Дунё меъморчилик санъатининг гултоҳи бўлган осори атикалар – Бибиҳанним масжиди, Занги ота, Хўжа Аҳмад Яссавий, Амир Темур макбаралари, Оксарой ва Шоҳи Зинда мажмуалари каби қўллаб зиёратгоҳлар, бир томондан, Амир Темурнинг шариат ва тарихат пешволарига нисбатан иззат-ҳурматини намоён этса, иккинчи томондан, буюк Соҳибқирон шахсиятининг нақадар улугворлигини ва даҳолик кудратини кўрсатади.

Соҳибқирон ўзи шаксан фикҳ илми бўйича зўр салоҳиятга эга бўлиб, «Темур тузуқлари»ни диққат билан ўқиган киши, фикҳ принциплари ул зот қолдирган қўра-тузуқларга қанчалик сўёб кетгани ва мусулмон ҳуқуқининг қоидалари Амир Темур қурган улкан давлатнинг ҳукукий пойдеворини ташкил этганидан ташқари, амалий ҳаётда нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканига амин бўлади.

Таникли фикҳшунос олим Абдулҳаким Шаръий Жужзоний (Афғонистон) таъкидлаганидек, Темурийлар давлатида фикҳ илмига бўлган қатъ эътиборни тушуниш учун Мирзо Улутбек Шаҳрисабда қурдирган «Қўқ гумбаз» жоме масжиди ички деворининг тўрт тарафидан «Аллоҳ ҳар қимгаким эзгулик истаса, дин бўйича уни фақиҳ олим

«Амир Темур адолатни ниҳоятда яхши қурайди, шу сабабли ҳам унинг салтанатида бирорта инсон беҳудадан ранжитилмасан, зулм қўрмаган. У илм-фани ҳам, илм аҳлини ҳам ҳурмат қилар, энг эзгу мақсади эса бутун салтанатида миданият ва санъатини гурқираб яшанишига эришиши эди. Унинг олийжаноблиги бисёр ва бисёр ҳолларда намоён бўлмишиким, алар ҳақинда сўйлаб ўтиришининг ўрни эмасдир».

Шарафиддин Али Яздий

¹ Каримов И.А. Миллий давлатчиликнинг тарихининг муҳим намунаси // Темур тузуқлари / Таърир халфати. Б. Абдулҳаннонов ва бошқ. форсча матнидан А. Соъроний ва Х. Каримов тарж. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – В-9-бетлар; Каримов И.А. Миллий давлатчиликнинг тарихининг муҳим намунаси // «Ўзбекистон овози» газети, 2011 йил 9 апрел.

² Темур тузуқлари / Таърир халфати. Б. Абдулҳаннонов ва бошқ. форсча матнидан А. Соъроний ва Х. Каримов тарж. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 95-бет; Louis-Mathieu Langlet, *Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appellee Timour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux.* Paris, 1787. 402 pages; The Mulfuzat Timury, or autobiographical Memoirs of the Moghul Emperor Timour. Translated by Major C. Stewart. – London. 1830.

қилади», деган хадиснинг арабча матни чиройли услубда бир неча марта ёзилгани инкор қилиб бўлмайдиган далил ҳисобланади¹.

Ушбу хадиснинг такрор ёзилиши фикх илмини ривожлантириш ва умумийлаштириш бўйича Темурийлар давлати сиёсатининг инъикоси бўлган.

Ҳақиқатан ҳам, Темурийлар ва Бобурийлар ўртасида фикх илмига кизиқиш шу қадаар кучли булганки, Алишер Навоий ўзининг бир рубоийсида «ким сарвар эрур факийҳ бу умматаро», деб ҳуқуқшуно олимнинг даражасини қўққа кўтарган. Захириддин Муҳаммад Бобур бир қатор фикҳий масалалар бўйича «Мубаййин» номли манзума ёзган. Бошқа темурийлар ҳам шу йўлдан бориб, илму фан ҳомийлари сифатида диний илмлар, айниқса, фикх ва калом илмига катта эътибор қаратганлар.

Амир Темурнинг ислом динига муносабати халқ манфаатларига мос келадиган, унинг тақдирини белгилайдиган улкан ҳодисадир. Маълумки, уша даврда яссавия, нақшбандия, кубровия каби суфийлик тарихатлари ривожланган. Соҳибқирон ҳуқиронлик қилган йилларда ислом дини ахлоқий категориялари янада юқори даражага кўтарилган².

Амир Темур давлатида ислом ҳуқуқининг асосий қоидаларидан бири бўлмиш ва ҳозирги кунда халқаро миқёсда қабул қилинган қонда, яъни «жиноятнинг шахсийлиги»га жиддий риоя қилинган. Янада аниқроқ айтганда, жиноятчининг гуноҳи учун унинг қавм-қариндоши, ога-инилари, жиноятда иштирок этмаган бўлса, жавобгарликка тортилмаган. Шунингдек, жиноятга қўл урган киши жазосиз қолдирилмаган ва гуноҳсиз кишини жазолашга йўл қуйилмаган.

Амир Темур ушбу тартиб-қоидаги давлат ҳуқуқий тизимининг асосий қоидаларидан бири, деб билган. «Гуноҳорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим, - деган Соҳибқирон. - Золимдан мазлумнинг ҳаққини олдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни тариқатга мувофиқ иккиси ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм етказмадим»³.

Шунга қарамай, Россия, Афғонистон ва Эроннинг айрим тарихчилари ғоявий, маъзабий ёки этник таассубларга асосланган ҳолда Амир Темурга нисбатан инсофсизлик билан қаддан ортиқ қарши фикрлар билдирган, Соҳибқироннинг давлатида адолат метёрлари амалга оширилганига шубҳа билан қараган ҳоллар ҳам учрайди. Бунда, жумладан, Амир Темурнинг энг ашаддий муҳолифларидан бири бўлмиш Ибн Арабшох каби ноҳилис тарихчиларнинг тўқиб ёзилган уйдирмаларига қўшилиб, Соҳибқиронга нисбатан шундай салбий муносабатда бўлингани таассуфлидир.


«Темур Бей» насронийларни хуш кўради ва уларга марҳамат кўрсатади; у насронийларга нисбатан ва айниқса фринклар, яъни католикларга нисбатан ҳеч қандай эърабонликка йўл қўймайди; ўз салтанатида уларнинг эркин бўлиши ва ўз қонунларидан фойдаланиши, ўз черковига эва бўлиши ва бу ерда насроний аҳоли ва айниқса савдо адмиининг ўз дин-эътиқоди бўйича тоят-ибодат қилишига имкон берган ва илкон бермоқда; ... у ажабийларни ҳурмат қилади, улардан ҳар бирини эъзаб-турган мақоми ва даражасига муносив равишда эъозлидди».

**Иоани,
Султония архиепископи**

¹ А.Ш. Жуковский, «Фатомини Онамитрил» - Бобурийлар давлатининг ҳуқуқий кодекси таъриҳи, 1949 - 65-бет.

² Karimov E. Amir Temour et les soufis // Epanouissement de la Culture sous Temour et les Princes Temourides / Recueil des theses du Colloque international scientifique à l'occasion du 660e anniversaire d'Amir Temour. Paris, le 22 avril 1996; Dirigé par Lucien Keunen, Edouard Rivetadze. - Paris 1996 - p 19-20.

³ Темур туғулари / Таъриҳ қизғини: Б. Абдулҳалимов ва бошқ., форсча матнадан А. Соғуний ва Х. Кароматов тарж. - Т.: «Убақистон», 2011. - 75-бет; Louis-Mathieu Langlet, Instituts politiques et militaires de Temourlan, proprement appelé Temour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur le version persane d'Abou-Tabek al-Herasesi, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1787. 402 pages; The Muzaffar Timury, or autobiographical Memoirs of the Moghul Emperor Timour, Translated by Major C. Stewart. - London. 1830.



«Темуր тузуклари»га ишланган минијатура.
Рисунк: Б. Бобоназаров, 2005 йил.

Miniature des «Instituts de Temure».
Illustrée par B. Bobonazarov, 2005.

Академик В. Бартолд узининг «Улуғбек ва унинг даври»¹ номли асарига, шунингдек, америкалик машхур тарихчи Х. Ламб «Амир Темур»² номли китобида Ибн Арабшоҳни ғаразли киши деб билиб, у берган маълумотлар душманлик ва адоватдан келиб чиққан, ёзганлари эса, ҳажв ва истехзо, яъни асоссиз масҳара қилишдан бошқа нарса эмас, деб қайд этган. Айни чоғда, Соҳибқироннинг шахсияти шу қадар юксак ва олиймаком эдики, Ибн Арабшоҳ ҳар қанча қораласа ҳам, Амир Темурнинг даҳоси, бекиёс лаёқати, инсоний киффаси ва адолатсеварлигини инкор қила олмаган, аксинча, бу хислатларни эътироф этган.

Бу фикрнинг тасдиғи сифатида Ибн Арабшоҳнинг китобида Амир Темурнинг сифатлари, тугғам хислатлари ва табиати ҳақида битилган айрим сатрларни келтираемиз: «У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков бўлиб, ҳар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, ҳоз берадиган барча ишни куриб-билиб тураар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳаққуёй ва ёлғончини ажратар эди»³.

Яна бошқа бир уринда: «Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳб горап қилиш ва ҳарам (ҳақи)га ҳақорат гаплар бўлмасди... У бехато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз (даражада) бахтли, улуғворлиги (ўзига) мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, (бошига) кулфат тушганда ҳам ҳаққуёй (киши) эди»⁴.

Китобнинг Амир Темур Самарқандда кўпдан-кўп боғу бўстонлар, баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этганига доир тафсилотлар битилган саҳифаларида яна шундай фикрларни ўқиш мумкин: «Агар Амир Темур бирор томонга оғлаиб, Самарқанд (унинг) қўшинлари-ю, ёрдамчиларидан холи бўлиб, ўша бўстонлар буш қолса, шаҳар аҳлидан бадавлату мискинлар у (бўстон)ларга қараб йўл олардилар. Чунки, бу боелардан кўра яхши ва ажойиб дам олдиган, булардан кўра роҳатланишга мувофиқроқ ва осойиштароқ жой йўқ эди. Боелардаги ширин, мазали мевалар эса, барчага баб-бравар (текин) эди. Чунки, мевалардан бир қинтори ҳам арзимаган баҳолга бўлса-да сотилмасди»⁵.

Ростдан ҳам, Амир Темур, Ибн Арабшоҳ эътироф этган хислат ва фазилатлар эгаси бўлишидан ташқари, адолат ҳомийси сифатида узоқ йиллар йирик салтанатни бошқарган. «Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкам салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибалаарини ўрашишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини анлаб етишида «Темур тузуқлари» бебаҳо қўланма бўлиб хизмат қиладди»⁶.

¹ Бартолд В.В. Улуғбек и его время. Сочинения, том II, кн. 2. Москва, 1964. Яна қарилг: Бартолд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения, том I, Москва, 1963.

² Harold Lamb. Tamerlane: Conqueror of the earth. - NY: Bantam, 1928. - 216 p. 2015 йилда «Улбекистон» нашрияти Х. Ламбининг «Бобур - Йулбарс: Буюк Бобуриларнинг биринчиси» китобини Ғ. Сатимов таржимасида чоп этди.

³ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур («Темур тарихида тақдир элони-ботирни») / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У. Увазов. - Т.: «Меънат», 1992. - 1- китоб, 328 бет. II китоб, 192 бет. II китоб, - 63-бет; Ibn Arabshah. Etrangetes du destin sur les aventures de Timour (1340), trad. Française de P. Vaitier, Paris, 1638.

⁴ Ўша манба, - 65-бет.
⁵ Ўша манба, - 83-бет.

⁶ Каримов И.А. Илмий давлатчилигини тарқитинг муштор намунаси (Мукаддима) / Темур тузуқлари / Тақдир ҳақида: Б. Абдуқалимов ва бошқ. форса матнда А. Соғунян ва Х. Каримов тарж. - Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 9-бет; Louis-Mathieu Langlet. Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, Acrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version peignée d'Abou-Taleb-al-Hosséni, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1767. 402 pages: The Malfuzat Timuri, or autobiographical Memoirs of the Moghul Emperor Timour. Translated by Major C. Stewart. - London, 1830.

«Кўпинча унинг
(Амир Темурнинг)

мажлисида уятсиз сўзлар,
қон тўкиш, асир олиш,
наҳб горап қилиш ва
ҳарам (ҳақи)га ҳақорат
гаплар бўлмасди...

У бехато (нишонга урувчи)
фикрли, ажойиб фаросатли,
мислсиз (даражада) бахтли,
улуғворлиги (ўзига)
мувофиқ, қатъий азм билан
сўзловчи, (бошига) кулфат
тушганда ҳам ҳаққуёй
(киши) эди».

Ибн Арабшоҳ

Куръони карим оятлари ва фикр таълимотининг рухи «Темур тузуқлари»га сингиб кетган. Илохий йўлланмаларни назарда тутган ҳолда Амир Темур адолатнинг кучига, унинг ғалабаси ва енгилмаслигига чуқур ишонган. Шу асосда Соҳибқирон ўз авлодларини ўч – интиқом олмаликка, ҳар доим тинчлик ва ярашиш йўлларини очиб қўйишга чақирган. Шунинг учун Амир Темурдан кейинги даврларда ҳам ватанпарварлик, адолатсеварлик, қонунга бўйсунуш Темурийлар давлатининг доимий анъаналарига айланиб қолган.

Амир Темур тафаккури ва дунёқараши асосини ислом дини ташкил этган. Соҳибқирон илму ирфон ҳомийси бўлган, олиму фозиллар билан суҳбатлашишни яхши кўрган. «Саййидлар, уламо, шайхлар ва фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисларини безаб турарди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, кимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалола ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим»¹, дейилади «Темур тузуқлари»да.

И. Мўминов келтирган маълумотларга кўра, Соҳибқирон фан ва дин аҳлига қарата: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса, менга нисбатан бундай қилмайсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронининг турмушини яхшилаш, юртимиз ҳуриятишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар менга ўз маслаҳатларингиз билан бу ишларни амалга оширишда кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳолатлар сизга кўпроқ аёндыр. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни барнараф этувчи ҳамда шарият ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангиз яхши бўларди»², деб айтган.

Амир Темур ҳар доим илму фанга қизиққан, турли китоблар ва илмий асарларни ўқиган, уларнинг туб моҳиятини тушунган. Масалан, буюк ориф-шоир Махмуд Шабистарийнинг «Гулшани роз» асарини Соҳибқиронни бутунлай ўзига ром этган, Худо ва инсоният ҳақида чуқур уйлашга ундаган. Ул зот Озарбайжонни тасарруф қилганидан сўнг, китоб муаллифига ҳурмати сабабли, шоирнинг ватани бўлмиш Шабистар аҳолисини ардоқлаб, уларнинг ҳар бирга беш мисқолдан (жами - 18 минг 505 мисқол) тилла бағишлаган.

Бошқача айтганда, Амир Темурнинг адабий, санъат ва маданиятга ҳомилиги, мамлакат ободончилиги учун ғамхўрлиги, инсонни табиатиётнинг гулгоши сифатида эъозлашга интилиши сингари хусусиятлари бутун ҳам катта қийматга эга. Зеро, хурфикрлик, фуқаролар оғти ва тафаккурида бунёдкорлик, ижодкорлик, истиқбол учун курашиш туғулларини шакллантириш, ижодкорларни ҳар томонлама рағбатлантириш инсонларвар жамяиятнинг олий фазилатидир. Бу борада ҳам Соҳибқироннинг амалий сўй-ҳаракатлари ва тадбирлари ва ул зотнинг даврида яратилган жами бебаҳо қадриятлар биз учун ҳаминша ўрнақдир.

¹ Темур тузуқлари / Тақрир қилган: Б. Абдулҳалимов ва Бошқ., форсча маттиҳан А. Соғунчи ва Х. Кароматов тарж. - Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 90-бет; Louis-Mathieu Langlet. Institut politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1787, 402 pages; The Muzafkat Timour, or autobiographical Memoirs of the Moghul Emperor Timour. Translated by Major C. Stewart. - London, 1830.

² И. Мўминов. Амир Темур ибн Тарабай Бақорид // Сомон оғзи. -Т.: «Камолот», 1992. -76-бет.

Соҳибқирон сиймосидан биринчи бўлиб қора пардани кутариб ташлаган жасоратли олим, академик Иброҳим Мўминов булди. Олимнинг 1968-1969 йилларда «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутилган ўрни ва роли» номли рисоласи наир этилди.

Библионом маълумоти.
Умумий кўриниши.
Самарқанд. 1399-1404 йиллар.
(56-57-бетлар)

Musée de Bibi-Khanym.
Vue générale.
Samarqand. 1399-1404.
(Pages 56 et 57)



Конунга асосланган тизимнинг аҳамиятини чуқур англаган Амир Темури хақи равишда «Куч – адолатдадир» деган олий меъёрни узига шиор қилиб олган ва хатто ушбу ҳикматни узук-муҳрига ўйиб ёздирган. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ шундай гувоҳлик беради: «Темури таъғасининг нақши «Рости растии» бўлиб, бу «ҳақғўй бўлсанг, нажот топасан» демакдир»¹. Соҳибқироннинг бу пурҳикмат сузлари бугун ҳам қудратли демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун асосий йўланма ҳисобланади.

Ибн Арабшоҳ шундай
гувоҳлик беради:
«Темури таъғасининг нақши
«Рости растии» бўлиб, бу
«ҳақғўй бўлсанг, нажот
топасан» демакдир».

Амир Темурининг ҳуқуқий қарашлари ва амалий фаолияти ҳар доим адолат ва инсоф меъёрлари билан ҳамоханг булган. Бинобарин, Ибн Арабшоҳ Амир Темурининг олис минтақалардаги кўп йиллик жангу жадаллардан қайтиб келиб, ўз салтанатидаги ишлар билан қандай машғул бўлганини қуйидагича таърифлайди: «Кейин Темури ўз ғойиблигида мамлақати ва раияси ишларида нелар юз берганини суриштириб, еру мулклари масалаларини диққат билан ургана бошлади ва ҳокимларига йўл-йўриқлар қўрсатди; атроф ва чегаралар, теварак-четлар фойдаси тадбирини қўриб, каттақ кичикнинг ғамини еб, боқо фақирнинг манфаати билан машғул бўлди. Ўз мулоҳазаси тақозосига қўра барча ашъларни ўз ўрнига қўйиб, жаму мансабу мартабалар жиловини ўшанга сазовор кишилар қўлига тутқазга бошлади»².

Амир Темури ўз давлати ҳудудларида тузуқ-тўра ва шарият қоидалари устуворлигини амалда таъминлаган. Бу ҳақда, жумладан: «Сипоҳийларини ҳамиша жанга тайёр ҳолда тутдим; ойлик ҳақларини сўрантирмай вақнида берардим. Чунонки, Рум юришида сипоҳийларимга ўнган ва ҳажажакда қилдиган хизматлари учун етти йиллик озик-овқатларини бирварақайда бердим»³, дейилади «Темури тузуқлари»да.

Амир Темури асос солган
буёқ давлат узининг
турли босқичларида –
ҳам Турон, ҳам Хуросон,
ҳам Эрон, ҳам Хиндистонда
адолат меъёрига асос-
ланган тузум сифатида
олам аҳлининг диққатини
узига тартиб, бугунга қадар
уз тарихий аҳамиятини
йўқотмаган.

Бундан ташқари, Соҳибқирон салтанатида касбу ҳунар ва маърифат аҳли минтағам иш билан таъминланган. Сармоясини қўлидан кетиб қолган савдогарларга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун ҳазинадан етарли миқдорда оптин берилган. Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғлик ва меҳнат қуроолари тайёрлаб берилган. Агар қайсидир фуқаронинг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, унга керакли ёрдам қўрсатилган, шу жумладан, улар зарур ускуна ва қурилиш ашълари билан таъминланган. Инсон ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Амир Темурининг ҳуқуқий тизимида жиноятга қўл урган барча кишилар қимлигидан қатъий назар, қонун олдида ҳеч қандай имтиёзсиз жавобгарликка тортилган. Яъни, қонун ҳамма учун бир хил амал қилган, қонун олдида барча – шоҳу гадо тенг, деб қаралган. Бу ҳақда, жумладан, Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: «агар биров бировга зулм

¹ Ибн Арабшоҳ. Ақолиб ал-мақдур фи тарихи Теймур («Темури тарихида тақдир ақолиб-бетлари»)/ Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Уватов. – Т.: «Меҳнат», 1992. – 1 китоб, 328 бет; II китоб, 192 бет. II китоб, – 65-бет; Ibn Arabshah. Etrangetes du destin sur les aventures de Timour (1440), trad. Française de P. Vantier, Paris, 1958.

² Ибн Арабшоҳ. Ақолиб ал-мақдур фи тарихи Теймур («Темури тарихида тақдир ақолиб-бетлари»)/ Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Уватов. – Т.: «Меҳнат», 1992. – I китоб, 328 бет; II китоб, 192 бет. I китоб, – 304-бет.

³ Темури тузуқлари / Таҳрири ҳафлати: Б. Абдухалимов ва бошқ., форсча матани А. Соғунли ва Ҳ. Каримовлар тарж. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 92-бет; Louis-Mathieu Langlet. Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1787. 402 pages; The Mullaizat Timuri, or autobiographical Memoirs of the Moghul Emperor Timour. Translated by Major C. Stewart. – London, 1830.



«Темури тузуқларининг
форсча нусхаси. 1061–1062 йиллар.
Темурийлар тарихи давлат музейи.

La version persane des
«Instituts de Temura».
1861–1862. Musée d'Etat
sur l'Histoire des Timourides.

Албатта, ўзбек
давлатчилиги ривож
тарихий тажрибасининг
энг муҳим қисми – Амир
Темури ва темурийлардан
мерос ҳуқуқий, сиёсий ва
тарихий манбалардан,
айтиқса, «Темури тузуқлари»,
«Бобурома», «Жаҳонгир
тузуғи», «Хумоюннома»,
«Зиғарнома» каби қўл
надири асарлардан
иборатдир.

қилса, – ҳаттоки, у Темурига ота ўқи бола ўрнида бўлса ҳам – ўқи заррача бўлса ҳам ноҳақлик кўрсатса, ўқи наҳбу-горат тўғрисида сўз очса, зинҳор унинг мол-мулкни ҳоми (беҳудага) оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарамни таҳқир қилинар эди. На надомат, на шафоат (тилаш) унга нажот келтирмас, аҳли ва хизматқорлари унга наф қилмасди ва бирон химса томонидан «у билмасдан шундай (ши) қилиб ҳўйибди», – дейилмасди. Бу, гўёки бузилмас (қатъий) бир ҳўдаю эмирилас – (муштаҳкам) бир бино эди»¹.

Бу ўринда Ибн Арабшоҳ, гарчи, Амир Темури коралаш нуқтаи назаридан, бор маҳорати-ю, нафратини мужассам этган ҳолда, ўта салбий мазмундаги сўз ва ибораларни астойдил топиб ишлатгани шундоққина кўришиб турган бўлишига қарамай, юқоридаги фикрлардан Соҳибқирон бобомиз бутунги кунда тараққий топган дунё мамлакатларида минг бир машаққат билан барпо этилаётган ҳуқуқий давлатнинг асосий принципларини, хусусан, қонуни устуворлиги, қонун олдида ҳамманнинг тенглиги, жинойят учун жазонинг муқаррарлиги каби муҳим тамойилларни ўта даврдаёқ тузуқлари тимсолла ишлаб чиққани ва қатъият билан амалда қўллаганини аглаш қийин эмас.

Мисол учун, Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафос» асарига қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Мундоқ нақл қилурларким, чун Табризда Мироншоҳ мирзо чоғирга қўп иштиқол кўргузди. Димоғи ва мизожки зътидоқ тариқидин инхироф² топиб, андин номулоийм амр қўп сураат тута бошлади. Самарқандда ул ҳазрат арзиға бу навъ еткурдиларким, уч надими борқим, муфрит³ чоғир ичмаққа боис алардулар. Ҳўқим бўлдиқим, тавочи миод била чоғуб бориб, учаласининг бошин келтурсун. Алардан бири хожа Абдулқодир эрди ва яна бири мавлоно Муҳаммад Коҳий эрди ва яна бири устод Қутб Ноғий эрди. Тавочи бориб иккисини ясоққа еткурди, аммо хожа Абдулқодир чоғиб қаландар бўлиб, узин девоналикқа соғуб, мулкдин-мулкка мутаваарий⁴ юрур эрди, то улқим, ул ҳазрат яна Ирок юришин қилди, ул мамоликда хожанинг ул ҳоли баъзиға маълум бўлиб, юқориға арз қилдилар. Ҳўқим бўлдиқим, тутуб келтурсунлар»⁵.

Навоий ҳазратларининг сўзларига қараганда, Амир Темури тахтада туриб хожа Абдулқодир қаландарни суроққа тутати, унинг Қуръон оятларини «бийик ун била», яъни баралла овозда кироат қилиши Соҳибқирон газабини бироз юмшатади. Қизик жиҳати шундаки, Алишер Навоий Амир Темури ҳазратларининг ушанда саронда тўлланган «фазл ва камол аҳли»га қараб: «Қаландар ҳўқуддан Қуръонга нағ селди», деган мазмунда шеърин мисра ўқитганини айтади. Соҳибқирон ўзининг бу қинойси билан хожа Абдулқодир гуноҳини аниглаб етгани, пушаймон экани, тавбасига таянгани ва узини ўзи тарбиялаш йўлига қирганига ишорат қилган бўлса, ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам, шундан сўнг хожага иштифот кўрсатишган – унга нисбатан ўлим ҳўқми беқор қилинган.

¹ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-вақеъур фи тарихи Темур («Темури тарихида тақдир ажойиботлари») / Сўз боши, араб тилидан таржима ва ақоқлар муаллифи У. Укром. – Т.: «Менуш», 1992. – I китоб, 328 бет; II китоб, 192 бет. – 247-бет; Ibn Arabshah. Etrangetes du destin sur les aventures de Timour (1440), trad. Française de P. Vainier, Paris, 1856.

² Инхироф – ҳасланлиш, четланмас.

³ Муфрит – жуда ортиқ, жаддан танқир.

⁴ Мутаваарий – берконтан, ширинган.

⁵ Алишер Навоий, «Мажолис ун-нафос»дан // Амир Темури ва Улуғбек замонидашари хотирасида. – Т.: «Ўқитувчи», 1996. – 5-бет.

Амир Темур асос солган буюк давлат ўзининг турли босқичларида - ҳам Турон, ҳам Хуросон, ҳам Эрон, ҳам Ҳиндистонда адолат метёёрларига асосланган тузум сифатида олам ахлининг диққатини ўзига тортди, бугунга қадар ўз тарихий ахамиятини йўқотмаган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат кураётган эканмиш, Сохибкироннинг суд ва қонунчиликка муносабати ҳам алоҳида ўрнак вазифасини ўтайди. Зеро, бундан олти аср бурун Мовароуннаҳр суд тизимида ўзига хос тартиб ва қоидалар мавжуд бўлган.

Чунончи, фуқаролик ишлари билан ижроия тизимида фаолият кўрсатган Адлия вазирилиги шуғулланган бўлса, жамият ҳаётидаги маънавий, тарбиявий ахамиятта доир муаммолар билан ислом қозиси, ҳарбийлар орасидаги ҳуқуқий масалалар билан эса, аскар қозиси, яъни бугунги тил билан айтганда ҳарбий трибунал шуғулланган. Айниқса, Сохибкирон салтанатида суд тизими ва эҳтисоб идораси муҳим урин турган. Илмий салоҳиятга эга бўлган иқтидорли қозилар (судьялар) шарият нормалари асосида иш юритиб, адолатни таъминлаб турган.

Эҳтисоб идораси мамлакат буйича тарқалган бўлиб, унинг вакиллари мухтасиб деб аталган. Улар шаҳар, қишлоқларда юриб, жиноят содир бўлишининг олдини олишни таъминлаган. Сохибкирон таъкидлаганидек: «Ҳар мамлакатта шайхулислом юбордим, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин»¹.

Амир Темур даврида мухтасиблар қатта вақолатга эга бўлиб, ҳуқуқбузарларга қарши фаолият кўрсатган, инсон ҳуқуқларини тиклаш билан шуғулланган. Масалан, ароқхўрлик, кимборбозлик, қўзбуямачиликка қарши курашиб, бозорларда сифатсиз молларни сотиш, қалбаки пул тайёрлаш ва ишлатиш, чайқовчиларнинг одамларни алдаб, молларини арзон нархга сотиб олиши, соғлиқ учун зарарли бўлган озиқ-овқатларни бозорга киритишнинг олдини олиб турган.

Мухтасиблар йўллар, ариқлар, ховузлар ва умуман шаҳарлар покизалигини, кўприклар ва деворлар хавфсизлигини назорат қилиб, эски деворларни бузиш, хайвонлар ва кемаларга ҳаддан ортиқ қол ортишгача ишларнинг олдини олишга масъул бўлган. Яъни, бугунги кунга қийслайдиган бўлсак, ошбуудсман, прокуратура, соғлиқни сақлаш вазирилиги, шаҳар ҳокимлари, милиция ва бошқа қўллаб ташкилотлар бажарайтган вазифаларни амалга оширган. Жиноят содир бўлса, мухтасиблар жиноятни қош этиб, жиноятчини судга топширган.

Айтиш керакки, Амир Темур давлатчилик фалсафаси тарихида янги дунёқарашга асос солди, уни амалда татбиқ этди. Сохибкирон илгариги даврлардан фарқли ҳолда жамият барча табақаларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини инобатга олиб, уларнинг ҳаёти учун зарур иқтимоий заминни вужудга келтирди. Ҳар бир тоифанинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ўзига хос қонун билан қафолатлаб қўйилди.

Сохибкироннинг улкан хизматларидан яна бири - давлат бошқарувини ташкил қилиш билан боғлиқ. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижроия тармоқларига бўлинишига асосланган маъкур тизимни жорий этишда Амир Темур қўр-қўрона эмас, балки ўзи яшаб турган воқеликни назарда тутган ҳолда иш юритган. Тарихчи олим Азамат Зиёнинг фикрича, бу тизимда салтанат даражасига кўтарилган давлатнинг жуғрофий ҳудудлари доирасида яшовчи халқларнинг турмуш

«Замонасининг фарзанди бўлган Амир Темур муаммолар қаршида довдираб қолмаган.

У ўзининг бир ташкилотчилик назоратини вужудга келган муаммоларни ҳал қилишга қаранган.

Оқибатда бошларига минг балоплар ёғилган Шарқ мамлакаллари тарихида

Амир Темур қўшинларининг шафқатсизликлари эмас, балки Амир Темурнинг

тартиб-интизомни ҳамда маҳобатни ёқинирадиган диди билан сугорилган

фёель-атвори чуқурроқ из қолдирган».

Жан Обен,
Франция

¹ Амир Темур ўзгачилиги: туғилган / Туғулчилар: Б. Аҳмедов, А. Аминов. - Т.: «Наврў», 1992. - 14-бет.



Оксфордда инглиз тилида
нашр этилган «Темур тузуқлари»
Лондон, 1783 йил.

«Les Instituts de Temur»
édité en anglais à Oxford.
Londres, 1783.

«Темур тузуқлари»
дунёнинг турли тилларига
таржима қилинган бўлиб,
ушбу асар давлатни идора
қилиш усуллари, қўшинни
ташкил этиш қоидалари,
урушларда амалга ошири-
лиши зарур бўлган турли
ҳарбий усуллар сингари
қатор сиёсий, ҳуқуқий,
ҳарбий ва ахлоқий воялар ва
меъёрларни ўз ичига олган.

тарзи, анъаналари, маънавий-руҳий эҳтиёжлари ҳам инobatга олинган. Давлат бошқаруви тизимида Амир Темур олиб кирган янгиликнинг моҳияти ҳам аслида шу билан белгиланади.

Амир Темур олий давлат идораси мақомида қурултойни белги-
лаган. Бугунги тушунчадаги конгресс, ассамблея, мажлис, съезд каби-
ларга тўғри келадиган ушбу сиёсий институт бошқарув маҳкамаси ва
давлат аҳамиятига молик бўлган энг асосий масалаларни қал этиб, унда
салтанатдаги барча йирик сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳа
намоёндалари иштирок этган.

Давлатни мустаҳкамлаш, жамиятни ривожлантириш борасида
ижроия тизими – вазирликларнинг ўрни муҳим бўлган. Амир Темур
даврида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий муносабат-
ларни тўғри йўлга қўйиб, улардан жамият манфаати йўлида фойдала-
ниш учун қатъий интизомга асосланган, талабчан ижроия механизми
зарур эди. Соҳибқирон ана шундай тизимни яратган.

Амир Темур салтанатнинг ижроия тизимидаги саккиз вазирлик
ва яна бир неча муассасалар молия, солиқлар, даромад ва харажатлар,
мулкчилик, етиштириладиган ҳосил, чорва, яйловлар аҳоли, ободон-
чилик, хабар ва почта, ҳарбий ва адлия соҳаларини бошқарган. Маса-
лан, ҳарбий ишлар вазирлиги ҳарбийларга маош бериш, уларга тегиш-
ли мулкларни бошқариш, қурол-аслаҳа таъминоти, ҳарбий машқларни
ташқил этиш каби вазифалар билан бир қаторда, истеъфога чиққан,
урушларда ярадор бўлиб, меҳнат қобилиятини йўқотганларга нафақа
белгилаш каби юмушларни ҳам бажарган.

«Темур тузуқлари» дунёнинг турли тилларига таржима қилинган
бўлиб, ушбу асар давлатни идора қилиш усуллари, қўшмонни ташкил
этиш қоидалари, урушларда амалга оширилиши зарур бўлган турли
ҳарбий усуллар сингари қатор сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий ва ахлоқий
вожлар ва меъёрларни ўз ичига олган. «Тузуқлар»нинг марказида ин-
сон, унинг кадр-қимматини жойига қўйиш туради. Шу маънода,
Соҳибқироннинг ҳуқуқий қарашларида, аввало, мамлакат ишлари ту-
зуки алоҳида аҳамиятга эгадир.

«Салтанат ишларини қонун ва қоидалар, тура ва тузуққа
солиб, салтанатим мартабамга эътиборини сақладим»¹, дейила-
ди «Темур тузуқлари»да ва салтанат обрў-мартabasини сақлашга доир
қуйидаги турғта асосий тузуқ санаб ўтилади.

«Биринчидан, салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва ки-
шиларнинг энг хайрлиси (қазрати Мухаммад)нинг шариатига боғлаб,
иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига
муҳаббат билдириш асосида туздим. Салтанатим мартабасини тура ва
тузуқлар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга
ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Иккинчидан, сипоҳу райятни умид ва қўрқув орасида сақладим.
Дўст-душманни муросяо мартабасида тутдим. Қилмишларини,
айтган гапларини сабр-тоқат ва чидам билан утқадим. Дўст-
душмандан қимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муо-

¹ Темур тузуқлари / Таърир хайъатис: Е. Абдуқалимов ва бошқ., форсча матанидан А. Сағуний
ва Ҳ. Кароматов тарж. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 88-бет; Louis-Mathieu Langlé. Instituts politiques et
militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français
sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs
auteurs orientaux. Paris, 1787. 402 pages. The Mu'izzat Tamur, or autobiographical Memoirs of the
Moghul Emperor Timour. Translated by Major C. Seewart. – London, 1830.

мала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса, шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг дўшманлиги дўстликка айланди...

Учинчидан, ҳеч қимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тоғиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш хуртан, синалган, шижоатли эр-йигитларни кошимда тутдим. Софдил кишилар, сайидлар, олиёлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, хўнгли бузук кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртинчидан, очик юзликлик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим¹.

Амир Темур ушбу «Тузуқлар» талаблари доирасида ўз салтанатини ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамлагани тарихдан яхши маълум. Бу ҳақда: «Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуқлар ва қонуи-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим»², дейди Соҳибқирон ҳазратлари.

Темур тузуқларида давлат бошқарувининг ҳар бир соҳаси ва ҳар қайси мансаб даражаси бўйича муайян тузуқлар битилган бўлиб, хуйида Амир Темур ўзига шior қилиб олган ва салтанатни тасарруфида сақлаш учун қатъий амал қилган 12 та тузуқ ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Биринчиси. Подшоҳ ўз сўзига эга бўлсин, ишини ўзи билиб қилсин, яъни сипоҳ ва раият подшонинг айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч қимнинг бунга дахти йўқ, деб билсин.

Иккинчиси. Султон ҳар нарсада адолатпарвар бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин.

Учинчиси. Бутун мамлакатда буйруқ ва тақиқлашлар подшоҳнинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи хукм чиқарсин, токи ҳеч қим унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

Тўртинчиси. Подшоҳ ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан, уни бекор этмасин ва то битирмагунича ундан қўл тортмасин.

Бешинчидан. Подшоҳ ҳукми жорий этилиши зарур, яъни қандай ҳукм чиқаришидан қатъи назар, амалга оширилиши керак. Бирон қимса гарчи ҳукмини зарарли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин.

Олтинчиси. Подшоҳлик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркин унга бериб қўймасинки, дунё бевафо хотин каби, унинг хуштори кўндир.

Еттинчиси. Салтанат ишларида ҳар қимнинг сўзини эшитсин, ҳар қимдан фикр олсин. (Лекин) қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

Саккизинчиси. Салтанат ишларида, сипоҳу раиятта боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб иш тутмасин. Вазирлар, амирлар бирон қимса ҳақида яхши-ёмон сўз айтар эканлар, эшитсин.

«Султон ҳар нарсада адолатпарвар бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин».

«Темур тузуқлари»

¹ Темур тузуқлари / Тазкира ханшати: Б. Абдулалӣмов ва бошқ., форсча матнидан А. Соғуний ва Х. Кароматов тара. - Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 68-89-бетлар; Louis-Mathieu Langlet. Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appele Temour, ecrits par lui-meme en mogol et traduits en françois sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Honayri, avec la Vie de ce conquereur, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1767. 402 pages; The Multuzat Timury, or autobiographical Memoirs of the Mirshah Emperor Temour. Translated by Major C. Stewart. - London, 1830.

² Ҳаммаи маъно.

Лекин амал қилишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунча шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

Тўққизинчиси. Подшоҳ ҳайбати сипоҳу раият кўнглида шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амир-фармониغا ҳеч ким қаршилиқ қилишга журъат этолмасин; итоат ва тобелик қилсин, исён кутармасин.

Унинчиси. (Подшоҳ) нима қилса, ўз эркича қилсин, нима деса ўз сузида қатъий турсин, чунки подшоҳларнинг ҳукми хурматидан бошқа баҳрамандликлари йўқдир. Ҳазина, лашкар, раият, салтанат – буларнинг бариси унинг ҳукми биландир.

Ҳи биринчиси. Салтанат ишларида, ҳукми юргизишда подшоҳ узини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин.

Ҳи иккинчиси. (Подшоҳ) мажлис ахлидан огоҳ ва ҳушёр бўлсин-ким, улар кўпинча айб ахтариб, гапни ташқарига ташийдилар, подшоҳнинг сузидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турдилар¹.

Юқорида санаб ўтилган Ҳи иккита тузук давлатни бошқаришда асосий қондалар бўлиб хизмат қилган. Бу тузуқларнинг мазмуни канча чуқур экани ва нечоғлиқ кенг соҳаларни қамраб олганига теран назар соладиган бўлсак, ушбу тузуқлар ҳозирги даврда ҳам муайян амалий аҳамиятга эгалигига амин бўлаемиз.

Бинобарин, «*Ўз тажрибамдан санаб билдимки, агар ҳай бир подшоҳ шу Ҳи икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебаҳра қолар*», деган Соҳибқирон бобомиз.

Шу билан бирга, Амир Темурининг ҳуқуқий қарашлари сингдирилган яна кўптаб тура ва тузуқлар, ўғит ва танбхалар бизга ибратли ҳуқуқий-маънавий мерос бўлиб қолган. Соҳибқирон ўғитларидан айримларини санаб ўтаемиз:

«*Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан ҳайси бирининг халққа жабр-зум етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим*»;

«*Яхшиларга – яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига тўн-ширдим*»;

«*Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган*»;

«*Давлат агар дину ойин² асосида қурилмас экан, тура-тузуққа боғланмас экан, ундай салтанатнинг нуқузи, қудрати ва тартиби йўқолади*»;

«*Мендан бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим, бирон кимса билан танишсан бўлсам, уни ҳеч вақт назоридан қолдирмадим*»;

«*Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зумму ситам йўлини тўсдим*»;

«*Адул эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади*».

Шундай қилиб, 27 мамлакатдан таркиб топган буюқ салтанат асосчиси Соҳибқирон Амир Темурибн Тарагай ийрик давлат арбоби, моҳир дипломат, улуғ саркарда, илму маданият ҳомийси, ҳақ ва адолатнинг жасоратли яловбардори сифатида миллий давлатчиликда, ҳуқуқ ва снэ-

«Амир Темури салтанат юкини хотиржам кўтариб юриш мақсадида ўзини амир лавозимига сайлаш маросимини уюштирди. У зарур пайтларда юқори мартабали аёллар кишироқиди қурултойлар утказиб турарди. Расман олганда эса бу қурултойлар ҳокими мулоқотнинг маслаҳат кенгаши сифатида қақирлар эди. Амир Темури қурултойларда билдирилган фикрларга ҳеч қачон бетисанд қармаган. Бу фикрлар унинг ҳамма вақт тўғри чиқадиган ички бир сезгисига мос келса, уларни бажониди қўллаб-қувватлаган».

Жан Пол Ру,
Франция

¹ Темури тузуқлари / Тажрибнамаи Б. Абдулқалимон ва Бошқ. форсча матннан А. Соҳибқирон ва Х. Кароматов тарж. – Ғ.: «Ўзбекистон», 2011. – 96-98-бетлар; Louis-Mathieu Langlet. Institutions politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelle Timour, écrites par lui-même en mogol et traduites en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hassani, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1787. 402 pages; The Mughal Timour, or autobiographical Memoirs of the Moghul Emperor Timour. Translated by Major C. Stewart. - London, 1830.

² Дини маъба.

³ Ойин – қонда, раси, тартиб, усул, омад, равиш.



«Темур тузуқлари»
 Тошкент, 2013.
 des instituts de Tempurs,
 Tachkent, 2013.

сат соҳасида ўзидан унутилмас ва барҳаёт таълимотлар, тўра-тузуқлар қолдирган.

Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари ва қонунчилик тизими бугун Темурийлар салтанатида ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз аксини топиб, улкан амалий аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Буюк ипак йўли ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилганки, бу билан савдо-тижорат ривожига катта ҳисса қўшган Шарқу Фарб мамлакатларини бир-бирига янада яқинлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддимасининг учинчи бандида ушбу Асосий Қонун «Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб» қабул қилинди, деб таъкидланган. Албатта, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасининг энг муҳим қисми - Амир Темур ва темурийлардан мерос ҳуқуқий, сиёсий ва тарихий манбалардан, айниқса, «Темур тузуқлари», «Бобурнома», «Жаҳонгир тузуғи», «Хумоюннома», «Зафарнома» каби қўллаб-қўлловчи асарлардан иборатдир.

Соҳибқирон қолдирган қонуний меъёрлар ва ҳуқуқий нормалардан Конституциямизнинг турли қисми ва бобларида, жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси», «Ўзбекистон Республикаси Президентлиги», «Вазирлар Маҳкамаси», «Суд ҳокимияти», «Мудофаа ва ҳавфсизлик» бобларининг муайян моддаларида, қонун талабларини назарда тутилган ҳолда, ижодий фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний ва маънавий қадриятларнинг аҳамияти, жамиятни бошқариш, мулкчилик, савдо-сотикни ривожлантириш, тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар, кишлоқ аҳолиси фаолияти учун муносиб замин яратиб бериш борасидаги ҳуқуқий ислохотлар, жумладан, Амир Темур тузуқлари ва ўғитларига таяниб олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, Соҳибқирон бобомизнинг ҳаёт тажрибасига асосланган қонунлар амалий ҳаётда нақадар аҳамиятли эканини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари доирасида адолатни тиклаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар самарали фаолият олиб бормоқда. Мақтаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртыларида инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ўқув фанлари жорий этилиб, маърузалар ўқилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари юқори ва қуйи органларида буюк Амир Темурнинг «Куч - адолатда» деган ҳикматли сўзига асосланиб иш юритилмоқда. Бошқача айтганда, ушбу пурҳикмат ибора ҳуқуқий муассасаларнинг амалий шioriга айланган.

Бунларнинг барчаси шундан далолат берадики, мустакил Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш масаласига катта эътибор берган ҳолда, бу борадаги тарихий тажриба ва бугунги замонавий амалиётга, миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниб, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан оғишмай, илчил ва дадил одимламоқда.



Ибн Арабшохнинг
«Амир Темур тарихи»
китобининг ўзбек
тильдаги нашри.
Тошкент. 1992 йил.

Ouvrage d'Ibn Arabshah
«Histoire d'Amir Temur»
édité en ouzbek.
Tachkent. 1992.

Хозирги замон ўзбек темуршунослиги

Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида Соҳибқироннинг миллий давлатчилик тарихида тутган ўрни, Мовароуннаҳрда озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш билан бирга марказлашган кучли давлат барпо этгани, салтанатни адолат ва қонулларга асосланиб идора этгани, илм-фан равнақи учун алоҳида эътибор қаратгани ҳамда бошқа улкан хизматлари ҳақида кўп мартаба таъкидлаб утилган¹.

Ҳақиқатан ҳам, «Шавкатли аجدодимизнинг улмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида янги бор истиқлол байроғини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бириштириб, марказлашган қудратли салтанат тўзди»².

Дарҳақиқат, «Олис тарихимиз бизда миллий давлатчилик анъаналари кўп асрлар олдин шаклланганидан далолат беради. Улус Амир Темур давлатчилиги, унинг ўзига хос сийёсат ва бошқарувчилик усули, адолатли жамият барпо этиши йўлидаги савий-ҳаракатли бугунги давлатчилигимизни янги мазмун билан бойитишида муҳим аҳамиятга эга»³.

Мустақиллик Амир Темурнинг ана шу ўзига хос сийёсати, давлат-хукуки тажрибаси, услуби ва амалий савий-ҳаракатларини ўқиб-ўрганиш учун қўшлаб, энг муҳими, шу пайтгача таъкидлаб келинган ноёб тарихий манбаларни топиш, ўқиб-ўрганиш, таржима қилиш ва чоп этиш имкониятини берди.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда биринчи мартаба нуфузли ва бирламчи манбалар - «Темур тузуқлари» ўзбек тилида тўла чоп этилди ва бир неча бор қайта нашр қилинди⁴. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»⁵, Шарофиддин Али Яддийнинг «Зафарнома»⁶, Ибн Арабшохнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» («Ажо-

¹ Батафсил қаринг: Каримов И.А. Амир Темур қаҳқаҳа сўзи. - Т.: «Ўзбекистон», 1996; Ўзбек асар. - 171-30-бетлар; Каримов И.А. Амир Темур давлати бунёдкорлик ва қамқорлик рўзи битага намуна бўладирин // Амир Темур - фахришох, гурӯҳнинг. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 25-30-бетлар ва бошқалар.

² Каримов И.А. Халқимиз бор жан, Амир Темур номин барқатайр. Темурчилар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ // Янгица фикрлари ва ишлари - дўр талаби. Т.5. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 168-бет.

³ Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 21 ноябр // Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 97-бет.

⁴ Темур тузуқлари. - Т.: Ф. Фулом номидати адабиёт ва санъат нашрияти / Форсчадан Алиқон Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. Сўз боши ва изоқлар, ўлмуни тахрир муаллифи академик В. Аҳмедов. - Т.: 1996. - 334 бет; Темур тузуқлари. - Т.: Шарқ. 2005. - 160 бет; Темур тузуқлари. - Т.: «Ўзбекистон», 2011; Темур тузуқлари. Форс тилидан Алиқон Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси // Шарқ юлмузи, 1989. № 8. 131-179-бетлар; Темур тузуқлари / Профессор Б. Аҳмедов тахрири остида. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. - 200 бет; Темур тузуқлари / Форсчадан Алиқон Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир Муҳаммад Али. - Т.: Шарқ, 2005. - 160 бет; Темур тузуқлари. Халқаро Амир Темур йилининг, - Т.: «Ўзбекистон», 2013. - 181 бет.

⁵ Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўттиришни Юнусқон Ҳакимов. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 527 бет.

⁶ Шарофиддин Али Яддий. Зафарнома (Мовароуннаҳр воқеалари 1360-1370) / Масъул муҳаррир, Сўз боши муаллифи ва нашрига таърифи И.А. Уринбоев. Таржимаси О. Буриқ. - Т.: «Камалак», 1994. - 288 бет; Шарофиддин Али Яддий. Зафарнома / Сўз боши, таълиф, изоқлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ашраф Аҳмад ва Халқаро Бобобек. - Т.: «Шарқ», 1997. - 304 бет; Яддий Шароф ал-Дин. Зафар-наме // Перевод староузб. предисловие, комментарии, указатели и карта А. Ахмедова. - Т.: Издательство журнала «SARAT», 2008. - С. 486.

иб ал-мақдур фи тарихи Таймур»¹, Салоҳиддин Тошқандийнинг «Темурнома»² каби асарлари чоп этилди³.

Холбуки, эски тузум даврида бундай ноёб китоблар ўзбек китобхони учун қўл етмас манбалар ҳисобланган. Мисол учун, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари 1939 йилда, биринчидан, айрим парчалар ҳолида, иккинчидан, жуда кам, яъни собиқ иттифоқ миқёсида атиги 3725 нусхада, учинчидан, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида – Москва-Ленинград нашриётларида, тўртинчидан, гуёки ўзбек халқи тарихи билан боғлиқ бўлмаган манба сифатида «Материалы по истории туркмен и Туркмении»⁴ номли тўпламда чоп этилган.

Мустақиллик шарофати билан, шунингдек, Мирзо Улугбекнинг «Тўрт улус тарихи»⁵ ва «Зижи жадиди Қўрагоний»⁶, Ҳ. Вамберчинг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи»⁷, М. Ивановнинг «Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур»⁸, Абдулғозийнинг «Шажарайи турк»⁹ тарихий асарлари ва «Амир Темур Қўрагон. Зафар йўли»¹⁰, «Амир Темур ўғитлари»¹¹, «Сомон йўли. Адабий-тарихий мажмуа»¹² китоблари нашр қилинди. Шу жумладан, Кастилия Қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга, Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406)» номли асари ўзбек тилида бир неча бор¹³ чоп этилди.

Истиқлолга эришганимизга қадар Клавихонинг Амир Темур ҳақидаги ушбу машҳур асарини ўзбек тилига ўгириб, халқимизга тақдим этиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Бунинг оқибатида халқимиз Клавихо асарининг Европа тиллари, жумладан, рус тилига қилинган таржималари тўғрисидаги маълумотларни эшитишдан нарига ўта олмай келди. Тўғри, Клавихо китобидан айрим

«Ўзининг мурқкаблиги билан энг зукко инсонларни элим ақлдан оздирадиган, узоқни кура бададигамларни кўр, доноларни нодон, давлатмандларни хор ва бадавандларни пасп қиладиган энг гаройиб ёзуғ энг оғир синовлардан бири бу Маерибу Машириқни титираган фотиҳлар сарфори... Темурнинг гаройиб саргузаштларидир».

Ибн Арабшоҳ

¹ Ибн Арабшох, Ал-омб ал-мақдур фи тарихи Таймур. («Темур тарихида тақдир аҳоят-ботлари») / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У. Уватов. 2 жилдли. – Т.: «Меънат», 1992.

² Темурнома: Амир Темур Қўрагон жангномаси: Ҳикоятлар. Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун / Сўз боши муаллифи ва нашрга таянловчи П. Раҳманов. – Т.: «Чўлпон», 1990. – 352 бет.

³ Этангров Ж. Жақсония ўзбек адабиётида Амир Темур ҳақида ёзилган асарларга бир назар // 1402 Ankara Savagi Uluslararası kongresi (Yıldırım – Timur), 9-12 Ekim 2012, Ankara: bildiri kitabı / editör Mustafa Alkan. – Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2014. – P. 83.

⁴ Материалы по истории туркмен и Туркмении: Том I. VII-XV вв.; арабские и персидские источники // Труды Института востоковедения ХХХ. Источники по истории народов СССР. – Москва-Ленинград, 1939. С. 325-524.

⁵ Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б. Ахмедов, Н. Норкулов ва М. Хасанж таржимаси. – Т.: 1994.

⁶ Ахмедов А. Икки нуғум: «Зижи жадиди Қўрагоний». – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси наشريёти, 1994. – 111 бет.

⁷ Вамберг Г. История Булары. Переводчик А.И. Павловский, СПб., 1873; Ҳерман Вамберг. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Китобдан парчалар / Тўрловчи С. Ахмад. – Т.: Фағур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, 1996. – 96 бет. Тошқандий С. Темурнома: Амир Темур Қўрагон жангномаси. – Т.: Шарқ, 1990. – 352 бет.

⁸ Иванов М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур/Тарж. А. Махкамов. – Т.: Фан, 1994. – 240 б.

⁹ Абдуғозий. Шажарайи турк / Нашрга таянловчилар К. Муниров ва Ҳ. Махмудов. – Т.: 1992.

¹⁰ Амир Темур Қўрагон. Зафар йўли (Таржиман қоли) / Нашрга таянловчи, таржимон, сўз боши, изоҳлар муаллифи А. Ахмад. – Тошкент: Нур, 1992. – 111 бет.

¹¹ Амир Темур ўғитлари / Тўплам. Тузувчилар Б. Ахмедов ва А. Аминнов. – Т.: «Наврў», 1992. – 64 бет.

¹² Сомон йўли. Адабий-тарихий мажмуа: Амир Темур ҳаётига бағишланади / Масъул муҳаррир Хуршид Даврон. – Т.: «Камал», 1992. – 192 бет.

¹³ Қарағи: Клавихонинг Самарқандга саёхати. Рус тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар Овонгуло Бўриёвники. – Т.: «Ашнат», 2014. – 44 бет. Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406) / масъул муҳаррир А.Х. Санҷов, таржимон У. Жураев. – Т.: «Зар қалми», 2006. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида / Руи Гонсалес де Клавихо, Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406) / масъул муҳаррир А.Х. Санҷов, таржимон У. Жураев. – Т.: Фағур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти, 2007. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406) / масъул муҳаррир: Мухаммад Али, Сўз боши ва изоҳлар муаллифи М. Сафарж, таржимон О. Тошев. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

иктибослар тарихчи олимларнинг китобларида учраб қолар, ammo бу иктибослар зинҳор Амир Темурни англаш, тушунишга эмас, балки уни қоралаш, бадном этишдек мақсадларга хизмат қилган.

Шундай оғир бир даврда, яъни XX асрнинг 80-йилларида бу муҳим тарихий ёзма ёдгорликни рус тилидан ўзбек тилига филология фанлари доктори, профессор Очил Тоғаев уғриди. Ушбу таржима мамлакатимизда ҳуррият шабадалари энди эса бошлаган бир даврда, «Санъат» журнаlining 1988-1990 йиллардаги 15 та сонида узилсиз эълон қилиб борилган¹. Клавихо асарининг профессор О. Тоғаев таржимасидаги тулик матни алоҳида китоб ҳолида, зарур изоҳлар билан бирга 2010 йили нашр этилди².

Бунгача, 2004 йилда таниқли олим Омонулло Бўриев Клавихо қундалиқларини русчадан ўзбек тилига таржима қилиб, кириш сўз ва изоҳлар билан бирга чоп эттирган³. Шунингдек, 2006 йили Клавихо қундалиқларининг бевосита испан тилидан илж Бор ўзбек тилига таржимаси юртдошларимиз эътиборига ҳавола қилингани ҳақида ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқдир⁴.

Таржимон - Улуғбек Жўраев 1996-2000 йилларда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг таржимонлик факультетида испан-инглиз тиллари булимини тутатган. Ёш таржимон сазй-ҳаракатлари туфайли Амир Темур билан юзма-юз суҳбатда бўлган элчи Клавихонинг она тилида битилган қундалиқларидан Соҳибқирон ва унинг ворислари она тилига бевосита, содда, раво ва мароқли устубда ўтирилган ушбу асар таржимаси жамиятимизнинг маданий-маърифий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Соҳибқирон ворислари учун Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сийбати юксак ибрат намунаси бўлиб хизмат қилаётган дорилмон кунларда, яъни 1996 йили таржиманинг Амир Темур ва унинг салтанати тўғрисидаги ийрик бир қисми академик Бурбой Аҳмедовнинг кириш сўзи билан «Амир Темур ва Мирзо Улуғбек - замондошлари хотирасида» номли тўплам⁵да беришди.

Шу ўринда ушбу тўплам⁶ ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Бу китобдан XV асрда яшаб ўтган ва ҳар иккала подшоҳни яхши билган ун олти нафар олим ва шоирларнинг асарларидан олинган гоят нодир лавҳалар жой олган. Бу лавҳаларни мутолаа қилган китобхон кўз ўнгида, биринчидан, буюк Соҳибқирон бобомиз ва ул зотнинг суюқли набираси - даҳо олимнинг азиз сиймолари ёрқин намоён бўлса, иккинчидан, Амир Темур ва теурийларнинг ҳаёт йўлини ўрганиш, талқин ва тарғиб қилиш ишлари ўша даврдаёқ, яъни уларнинг замондошлари томонидан бошланганига ўқувчи ишонч ҳосил қилади.

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига сийбат қундалиғи (1403-1406) / О. Тоғаев таржимаси // Санъат. - 1989. - №9. - Б. 26-29; №10. - Б. 22-24; №11. - Б. 22-25; №12. - Б. 19-21; 1990. - №1. - Б. 20-22; №2. - Б. 20-23; №3. - Б. 20-23; №4. - Б. 22-25; №5. - Б. 19-21; №6. - Б. 20-22; №7. - Б. 20-23; №8. - Б. 21-24; №9. - Б. 21-24; №10. - Б. 22-24; №11. - Б. 15-18

² Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандда - Амир Темур саройига сийбат қундалиғи (1403-1406 йиллар) / маъсул муаллиф Муҳаммад Али, сўз боши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров, таржимон О. Тоғаев. - Т.: «Ўзбекистон», 2010.

³ Клавихонинг Самарқандга сийбати. Рус тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар Омонулло Бўриевнинг. - Т.: «Адолат», 2004. - 44бет.

⁴ Руи Гонсалес де Клавихо. Бува Амир Темур тарихи (1403-1406) / маъсул муаллиф А.Х. Саидов, таржимон У. Жўраев. - Т.: «Зор қалми», 2008

⁵ Амир Темур ва Мирзо Улуғбек - замондошлари хотирасида / Б. Аҳмедов, У. Уватов, Ф. Каримов ва бошқалар. - Т.: «Ўқитувчи», 1996. - 57-100-бетлар.

⁶ Амир Темур ва Мирзо Улуғбек - замондошлари хотирасида / Б. Аҳмедов, У. Уватов, Ф. Каримов ва бошқалар. - Т.: «Ўқитувчи», 1996.

Хусусан, Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Фарҳод ва Ширин», Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари», Ибн Халдуннинг «Таржимаи ҳол», Клавихонинг «Самарқандга, Темур саройига саяхат кундалиги (1403-1406)» асарларидан келтирилган парчаларда, шунингдек, Гиёсидин Жамшид Кошийнинг Самарқанддан Кошонга, отасига ёзган мактубида Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг шахсий ҳаёти ҳақида, ижтимоий-сиёсий фаолиятининг муҳим ва мураккаб даврлари тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд.

Бундан ташқари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират ушшуаро», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоъ», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Муъиниддин Натанзийнинг «Мунтаҳоб ут-таворих», Нуриддин Жаҳонгирининг «Тузуки Жаҳонгирий», Сахкокнийнинг «Девон», Фасих Аҳмад Хавофийнинг «Мужмали Фасихий», Фаҳриддин Али Кошифийнинг «Латоиф ат-тавоиф», Шарафиддин Али Ладийнинг «Зафарнома», Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ут-таворих» асарларидан келтирилган парчалар Амир Темур ва темурийларга замондош бўлган аломаларнинг гувоҳлиги экани учун ҳам муҳимдир¹.

Мисол учун, XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмида яшаган ва кўп жилдлик асарлар яратган мисрлик тарихчилар орасида Амир Темур ҳақида ёзибгина қолмай, у билан бир неча марта учрашган Ибн Халдун (1332-1406) алоҳида ўрин эгаллайди. У замиранинг йирик муваффақлари бўлган Ибн Халдун Амир Темур билан 1401 йил январь-февраль ойларида Дамашқ қамал қилинган ва ишғол этилган пайтда учрашган². Маълумки, етти жилдлик «Насихатлар китоби»га («Китоб ал-Ибар») Ибн Халдун ўзининг таржимаи ҳолини «Ибн Халдун билан танишу» («Тариф би Ибн Халдун») сарлавҳаси остида илова қилган. Асарнинг шу қисми Қоҳирада профессор М.Т. ат-Танажининг батафсил шарҳи билан алоҳида нашр сифатида эълон қилинган.

Ибн Халдун асарининг Амир Темур билан бевосита учрашувига тааллуқли қисмини 1952 йили Калифорния университетининг профессори В. Фишель инглиз тилига таржима қилган ва ўзининг батафсил изоҳлари билан бир пайтда Нью-Йоркда ва Техронда нашр эттирган³. Байрутда 1988 йилда чиққан «Ибн Халдун тарихи» номи 8 жилдлик тўла асарлар нашрининг Ибн Халдун билан Амир Темур учрашуви таъвирланган қисмини ҳамда изоҳларни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ходими А. Ҳабибуллаев ўзбек тилига таржима қилган⁴.

Қоҳирадаги Миср миллий кутубхонасида «Тарих 109м» шифри остида Ибн Халдун таржимаи ҳоли қадимги қўлёзмасининг ноёб рўйхати сақланади. Ушбу қадимги қўлёзманинг микрофильмини олишга муваффақ бўлган арабишунос олим А. Ҳасановнинг фикрига қараганда, бу қўлёзма Ибн Халдун ҳаёт пайтидаёқ ёзилганлиги ва муаллифнинг асл нусхасига солиштирилганлиги билан қимматлидир⁵.

¹ Ибн Халдун. The histories of Sharaf al-din Ali Yazdi: a formal analysis // Acta Orientalia, 2012, vol. 64, №4 - P. 391-417.

² Ҳасанов А.А. Амир Темур ва Ибн Халдун // «Амир Темур ва унинг ҳақон тарихидаги тўттан ўрин» калдаро конференция тезислари. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 20-21-бетлар.

³ Fاضel W. Ibn Khaldun and Tamerlane. Translated and studied for Ta'rif, Ibn Khaldun, 1952.

⁴ Ҳасанов А.А. Амир Темур ва Ибн Халдун // «Амир Темур ва унинг ҳақон тарихидаги ўрин» мавзудаги калдаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябр, Тошкент. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б.20-21.

⁵ Ҳабибуллаев А. - Б. 21.

Ибн Халдун 35 кун давомида Амир Темур билан давоми суҳбат қилган. «Ибн Халдун тарихи» асирида мисрлик бу машҳур тарихчи олимнинг Соҳибқирон шахсияти тўғрисидаги ҳолис баҳоси ҳам битилган.



«Амир Тему Европа элчилари нисолда». Тошкент, 2007 йил. Ушбу китобдан Руи Гонсалес де Клавихоннинг сўзлаб кўндалиги ва Султанлик архиепископи Исаонининг хотиралари ўрин олган.

L'ouvrage «Amir Temur au regard des ambassadeurs européens». Tachkent, 2007. Cet ouvrage se compose des relations de Rui González de Clavijo et des mémoires de l'archevêque Jean de Solanleh.

Амир Темурудек кишини рўпарасида туриб сўхбат қуриниши ўзи бўлмаган. Айнан мана шундай улкан шараф Ибн Халдунга насиб этган. Ушбу хотиралар унинг таржимаи ҳолида муҳрланиб қолган. Унинг ёдномаси мунтақо холисонлиги билан ажрланиб туради, чунки буни ёзётган пийит Ибн Халдун Қоҳирада ҳеч қайси бир ҳукмдор таъсирида бўлмаган.

Ибн Халдуннинг ёзишича, Амир Темуру ҳақда учрашувгача маълумотга эга бўлган. Ҳар ҳолда, бунгача Амир Темуру қароргоҳида бўлган суриялик Шайх Ибн Муфлик Ибн Халдунга Соҳибқирон шаҳсан у билан қизиққанини маълум қилади. Ибн Халдунга икки нарсалар бирини танилаш қолганди: яширинча қамал қилинган Дамашқдан қочиш ёки ҳукмдор билан учрашувга бориш. Ибн Халдун иккинчи йўлни танилди. У Амир Темуру билан учрашади ва Дамашқ учун сулҳга эришади.

Ибн Халдун 35 кун давомида Амир Темуру билан давоми сўхбат қилган. Юқорида тилга олинган нодир манбада мисрлик тарихчи олимнинг Соҳибқирон шахсияти тўғрисидаги ҳолис баҳоси ҳам битилган. Ибн Халдун ва Амир Темуру учрашувининг тасвири Соҳибқирон йирик сарҳарда ва давлат арбоби бўлибгина қолмай, балки ўз даврининг маърифатли кишиларидан бири бўлган, деган фикрни ҳам тасдиқлайди¹.

Асрлар оша Амир Темуру гоҳ адолатли, гоҳ қаттиққўл, гоҳ зolim ҳукмдор сифатида талқин этиб келинган. Бу каби турли баҳоларнинг пайдо бўлишига Амир Темуру шахсига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатда ёзиб қолдирилган қўлаб манбалар сабаб бўлган. Хусусан, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий каби муаллифлар ўз асарларида Амир Темурунинг давлатни адолатли бошқаргани, халқ ва давлат манфаатлари йўлида кенг қўламли сиёсат юритгани ва бошқа хислатларини ёзиб қолдирган бўлса, Ибн Арабшоҳ «Темуру тарихида тақдир ажойиботлари» номи асарида Амир Темуру ва унинг фаолиятига салбий баҳо бериб ўтган.

Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темуру тарихи» номи билан кенг тарқалган бу йирик асари, сарой тарихчиларининг кўпгина асарларидан фарқли уларок, қудратли, мустақил, қатта салтанат яратган Амир Темурунинг ҳаёти ҳолис ва бир қадар танқидий равишда ёритилган ноёб ёдгорликдир, деб ёзади таникли олим У. Уватов. Ибн Арабшоҳ узок йиллар Самарқандга яшаган (1401–1408), шу ерда тулақоний маълумот олган ва Амир Темуру саройига яқин бўлган, ҳукмдорларнинг марҳаматли муносабатини муттасил сезиб турган². Муаллифнинг ўзи маълумот беришича, унинг шахсий мушоҳада ва хотиралари, Амир Темуру юришларида иштроқ этган арбобларнинг ҳикоялари бу асарига манба бўлиб хизмат қилган.

1436 йилда ёзилган Ибн Арабшоҳнинг бу асари Амир Темуру ва теуирийлар даврита оид муҳим манба сифатида XVII асрдан бошлаб француз, лотин, инглиз ва боғта қанқартирилган ҳолда турк тилларига таржима қилинган. Афсуски, ушбу таржималарнинг ҳаммаси тегишли илмий изоҳларсиз бажарилгани учун ҳам уларни илмий жиҳатдан муқаммал деб бўлмайди³. Ибн Арабшоҳ асарининг 1992 йилда Тошкентда 2 жилдада чоп этилган ўзбекча таржимаси У. Уватовнинг сый-ҳаракатлари тўғрисида кенг тарздаги илмий изоҳлар билан жиҳозланган⁴.

Шарафиддин Али Яздийнинг дунёга машхуру «Зафарнома» асари бир неча бор турли тилларга таржима қилинган ва чоп этилган бўлиб, айрим таржималари эса, қўлёзма ҳолида сақланиб келмоқда. Маълум-

¹ Ҳасанов А.А. Амир Темуру ва Ибн Халдун // «Амир Темуру ва унинг мажон тарихидаги ўрни» маълумотидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - Б. 21.

² Уватов У. Амир Темуру ва теуирийлар ҳақидаги араб манбалари // «Амир Темуру ва унинг мажон тарихидаги ўрни» маълумотидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - Б. 92.

³ Ушбу манба. - Б. 92–93.

⁴ Ибн Арабшоҳ Ажонб ал-мадур фарқи тарихи Темуру («Темуру тарихида тақдир ажойиботлари») / Суз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У. Уватов. 2 жилдлик. - Т.: «Мехнат», 1992.



Шарафиддин Али Яздонининг «Зафарнома» асарининг форс тилидаги ноаб кўлемаси варақи ва 1994 йили ўзбекча варақи.

Manuscrit persan du livre de Cheref ed-Din Ali Yezdi «Zafar-nâmeh» et sa traduction ōzbeke, éditée en 1994.

ки, «Зафарнома» факат Сохибқироннинг ҳарбий юришларини мақтаб, кўкларга кутаришдан иборат бўлмай, унда инсон характерлари ҳам яхши тахсифланган. Хусусан, Амир Темур шахси муаллиф томонидан зўр махорат билан кўрсатилган¹.

Собик совет тузуми даврида бу борада тадқиқот олиб борган олимларнинг фаолиятига тухталадиган бўлсак, Сохибқирон бобомизнинг ҳозирги кундаги кадрларнишига замин тайёрлаган сиймолардан бири таниқли ўзбек олими академик Иброҳим Муминов эканини таъкидлаш уринқилидир². У бу йўлда мардонавор курашда ва жонини фидо қилди. И. Муминовнинг уз даврида қатга «шов-шувларга» сабаб бўлган «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни» номли рисоласининг 1993 йилда қайта нашр этилиши муҳим воқеа бўлди. Академик И. Муминовнинг яна қўшлаб асарларини бу йўлдаги тарих ҳақиқатларини англаш учун жонбозлик сифатида кўрсатиши мумкин³.

Кейинги йилларда Амир Темур ҳақида олимларимиз ва адибларимиз бир қатор илмий, тарихий ва бадий асарлар яратдилар. Таниқли тарихшунос олим, академик Б. Аҳмедовнинг «Улугбек»⁴, «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари»⁵, «Тарихдан сабоқлар»⁶, «Амир Темур»⁷, «Ватан тарихидан ҳикоялар»⁸, «Темур ҳақида ҳикоялар»⁹, Х. Бобоевнинг «Амир Темур ва унинг қарашлари»¹⁰, «Амир Темур ва темурийлар салтанати XIV-XV асрларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихидан: монография»¹¹, О. Бўриевнинг «Амир Темур»¹² шеърый романи, Т. Файзиевнинг «Темурийлар шажараси»¹³, А. Муҳаммаджоновнинг «Темур ва темурийлар салтанати»¹⁴, «Амир Темур давлатида ободончилик ва қурилиш ишлари тарихидан»¹⁵ каби китоблари бу борада-

¹ Аҳмедов А. Бобоев Х. Шарафиддин Али Яздонининг «Зафарнома» асари // «Амир Темур да унинг жапон тарихидаги урни» мавзудаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябр, Тошкент. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - Б. 97-98.

² Муминов И. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни ва роли. (Езма манбалар маълумоти асосида). - Тошкент: «Фан», 1968. - 51 бет; Муминов И. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни/ Масъул муҳаррир М. Хайруллоев (қайта нашр). - Т.: «Фан», 1993. - 56 бет; Муминов И. Танилган асарлар. Уч томлик. - Тошкент: «Фан», 1969. - 494 бет; Муминов И. Темурийлар даври Урта Осиё саноатининг пайдо бўлиши ва таракқий этиш тарихий илмлари ҳақида. - Самарқанд. - Тошкент: 1969. - 47 бет; Самарқанд тарихи, 2 томлик / Масъул муҳаррир И. М. Муминов. - Тошкент: «Фан», 1971; И. Муминов. Амир Темур ибн Тарағай Бахонир // Соьмон афкори - Т.: «Камалак», 1992. - 76 бет.

³ Муринол И. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни ва роли. (Езма манбалар маълумоти асосида). - Тошкент: Фан, 1968. - 51 бет; Муринол И. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни/ Масъул муҳаррир М. Хайруллоев. - Т.: «Фан», 1993. - 56 бет.

⁴ Муринол И. Танилган асарлар. Уч томлик. - Тошкент: Фан, 1969. - 494 бет; Муринол И. Темурийлар даври Урта Осиё саноатининг пайдо бўлиши ва таракқий этиш тарихий илмлари ҳақида. - Самарқанд. - Тошкент: 1969. - 47 бет; Ўзбек тили ва адабиёти. - 1970. № 6. - 6-14 бетлар; Самарқанд тарихи, 2 томлик / Масъул муҳаррир И. М. Муринол. - Тошкент: «Фан», 1971.

⁵ Аҳмедов Б. Улугбек. - Т.: «Еш саврини», 1989. - 256 бет.

⁶ Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (Қадимги ва урта асрлар). - Т.: 1992.

⁷ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. - Т.: «Уқитувчи», 1993. - 432 бет.

⁸ Аҳмедов. Амир Темур: Тарихий роман. - Т.: Абдулло Копирий номидаги Халқ мероси нашриети, 1995. - 640 бет.

⁹ Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар. - Т.: 1994. - 635 бет.

¹⁰ Б. Аҳмедов. Амир Темур ҳақида ҳикоялар. - Т.: «Эзувчи», 1998. - 96 бет.

¹¹ Бобоев Х. Амир Темур ва унинг қарашлари / Муҳаррир А. Ҳақижонова. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - 80 бет.

¹² Бўриев О. Амир Темур ва темурийлар салтанати XIV-XV асрларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихидан: монография/ Масъул муҳаррир К. Норматов. - Тошкент: «Камалак», 1996. - 199 бет.

¹³ Бўриев О. Амир Темур шеърый романи/ Масъул муҳаррир Н. Кобул. - Тошкент: «Чулпон», 1996. - 41 бет.

¹⁴ Файзиев Т. Темурийлар шажараси - Т.: «Эзувчи», 1995. - 352 бет.

¹⁵ Муҳаммаджонов И. Амир Темур ва темурийлар салтанати. - Т.: Коммунар бош тахририяти, 1994. - 126 бет.

¹⁶ А. Муҳаммаджонов. Амир Темур давлатида ободончилик ва қурилиш ишлари тарихидан // Ўзбекистонда янги йиллар филолар, 1996, № 11-12. - 59-63 бетлар.

ти салмоқли кадамлардир. Жумладан, Б. Аҳмедовнинг «Соҳибкирон Темур: ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти»¹ номи рисоласи асосан XIII-XV асрларда битилган тарихий асарлар, бир қатор тарихий ҳужжатлар асосида ёзилган бўлиб, буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан, маданият хомийси, ҳазрат Соҳибкирон Амир Темурнинг яшган даври, изтироблари, хавф-хатарларга тўла ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Таниқли олимлардан Ашраф Аҳмаднинг «Улуғбек Муҳаммад Тарагай»², Ҳ. Бобоевнинг «Амир Темур ва унинг қарашлари»³, Т. Файzieвнинг «Темурий маликалар»⁴ ва «Мирзо Улуғбек Курагоннинг авлодлари»⁵, А. Муҳаммаджоновнинг «Темур ва темурийлар салтанати»⁶, Р. Шамсутдиновнинг «Соҳибкирон Амир Темур ва унинг салтанати»⁷, О. Бўриевнинг «Амир Темур пирлари»⁸, Б. Валихўжаевнинг «Хўжа Аҳрор тарихи: Самарқанд ва самарқандликлар»⁹, М. Худойкуловнинг «Ривоятлар ва ҳикоятлар»¹⁰ каби асарлари халқимиз муқдига айланди.

Шарафиддин Али Яъдиннинг дунёга машҳур «Зафарнома» асари бир неча бор турли тилларга таржима қилинган ва чоп этилган бўлиб, айрим таржималари эса қўлёзма ҳолида сақланиб келмоқда.

Хусусан, Т. Файzieвнинг 1995 йили чоп этилган «Темурийлар шажараси»¹¹ китоби Амир Темур ҳазратларининг ҳаёт йўли, сиёсий ва ҳарбий шажараси ҳақида бўлиб, буюк Соҳибкироннинг аждод-авлодларига доир янги маълумотларга бой экани билан эътиборни тортади. Китобга сўнгсиз ёзган таниқли ношир ва праматург Асрор Самаднинг таъбири билан айтганда, «Бу китоб бир-икки йиллик меҳнат маҳсули эмас, бу ўттиз йиллик тинимсиз, бунинг устига жамоатчиликдан, хусусан, шўровий ташкилотлардан пинҳона олиб борилган талқиқотмир. Турғун Файzieв меҳнатини чумоли меҳнатига қийс қилгулики: у тинимсиз, эринмай тарихий далилларни йиғди, уларни бир жойга тўпладди ва уларни яна янгиликдан ҳолис муаррих қўзи билан кўриб, муаррихнинг покзида қўли-ю, иймони билан ўзиб чиқди. Сўз боши муаллифи кўриб О. Аҳмедов айтмоқчи, натижа уларок ҳаммага зарур китоб юзага келди»¹².

¹ Аҳмедов Б. Соҳибкирон Темур: (ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашрияти, 1996. - 134 бет.

² Ашраф Аҳмад. Улуғбек Муҳаммад Тарагай (1394-1449). - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашрияти, 1994. - 40 бет.

³ Бобоев Ҳ. Амир Темур ва унинг қарашлари // Муҳаррир А. Хақимжонова. - Т.: «Ўзбекистон», 1992. - 80 бет; Бобоев Б. Соҳибкироннинг ҳақиқати қандай бўлиши керак? Амир Темур ҳақиқатининг лойиҳаси ҳақида // Халқ сўзи, 1993, 8 июль; Бобоев М. Хуш келибсиз, Темур бобо! Амир Темур ҳақиқати ҳақида // Ўзбекистон овози, 1993, 26 август.

⁴ Файzieв Т. Темурий маликалар. - Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашрияти, 1994. - 40 бет; Файzieв Т. Темурий маликалар - Т.: Зафар Уломо номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти, 2000. - 45 бет; Файzieв Т. Темурийлар даврида сарой мусиқа маданияти // Ўш уштин, 2005, № 4. - Б. 8-9; Файzieв Т. Амир Темурнинг улим хусусида // Меҳрият, 1995, 2 февраль; Файzieв Т. Инсониятнинг энг улуғ даҳларидан бири: [Амир Темур ҳақида] // Тошкент оқшоми, 1999, 7 апрель.

⁵ Файzieв Т. Мирзо Улуғбек Курагоннинг авлодлари. Мирзо Улуғбек таваллудининг 660 йиллигига бағишланган илмий-адабий ажиудан тегиси. - Т.: Давлат техника دورухонаси, 1994.

⁶ Муҳаммаджонов М. Амир Темур ва темурийлар салтанати. - Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. - 128 бет.

⁷ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Соҳибкирон Амир Темур ва унинг салтанати. - Андижон, 1995. - 192 бет.

⁸ Бўриев О. Амир Темурнинг пирлари // Фан ва турмуш, 1996, № 1. - 20-21-бетлар; Бўриев О. Амир Темур: шеърӣ роман / О. Бўриев; Масъул муҳаррир Н. Қобул. - Тошкент: Чўпон, 1996. - 41 б; Бўриев О. Соҳибкирон билан урғусиз: [Амир Темурнинг Европа давлатлари билан олиб борган аълолик мусоабатлари] // Ишонч, 2004, 7 декабрь; Бўриев О. Улуғбекнинг туғилиши ҳақида ёзма манбалар маълумоти. Шарафиддин Али Яъдиннинг «Зафарнома» ва Ибн Арабшўнинг «Ажоб ал-ахбор фи тарих Темур» («Темур тарихида тақдир ақолибётлари») // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1994, № 7. - 52-55-бетлар.

⁹ Валихўжаев Б. Хўжа Аҳрор тарихи: Самарқанд ва самарқандликлар. - Т.: «Еувики», 1994.

¹⁰ Худойкулов М. Ривоятлар ва ҳикоятлар. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 368 бет.

¹¹ Файzieв Т. Темурийлар шажараси. - Т.: «Еувики», 1995. - 352 бет.

¹² Асрор Самад. Турғун Файzieв тарихни янгиликдан барак ланмоқда // Файzieв Т. Темурийлар шажараси. - Т.: «Еувики», 1994. - 349-бет.

Таникли теурушноос олим кўп йиллар давомида қўлёзма манбаларни ўрганиш асосида, Теурурийлар сулоласининг рўйхати 193 нафар шахзода ва 300 дан зиёд маликадан иборат эканини аниқлаган. Бу сулола жами 488 йил, хусусан, Мовароуннахрда – 1501 йилгача, Хуросонда – 1507 йилгача, Ҳиндистонда эса, 1526 йилдан 1858 йилгача ҳукмронлик қилган. Т. Файзиевнинг хулосасига кўра, тарихда бу қадар узоқ яшаган сулола бўлган эмас¹.

Яқин тарихдан аёнки, 1941 йилнинг июнь ойида ҳукумат экспедицияси томонидан Самарқанддаги Амир Теуур макбарасида дафн этилган Сохибқирон Амир Теуур, Мироншоҳ, Шоҳрух, Мирзо Улуғбек, Мухаммад Султон ва Бибиҳоним макбарасидаги Бибиҳонимнинг даҳмалари очилган. Ушунда немис-фашист босқинчилари мамлакат ҳудудида бостириб кириши ва бошланиб кетган катта уруш туфайли экспедициянинг натижалари тўлалигича ёритилмай қолган, ҳатто бу ҳақда ўзбек тилида бирорта мақола ҳам эълон қилинмаган эди.

Шу маънода, таникли олим Амриддин Бердимуродовнинг «Гўри Амир макбараси»² илмий-оммабоп рисоласида уша экспедициянинг барча илмий маълумотлари ва архив ҳужжатлари ҳуқуқ таҳлил қилинган муҳим аҳамиятга эга бўлди. Рисолада теурурийларнинг дафн маросимлари, жасад қолдиқлари, қабртошлардаги ёзувлар ва макбара ҳақида қизиқарли маълумотлар баён этилган.

Мустикайлик йилларида олимларимиз томонидан Амир Теуур ва унинг фаолиятига бағишлаб бир қатор салмоқли илмий тадқиқотлар яратилди ва ушбу йўналишда катта ишлар олиб борилмоқда³. Бу ишлар орасида «Амир Теуур жаҳон тарихида»⁴ деб номланган йиррик фундаментал тадқиқотни алоҳида таъкидлаш зарур. Унда Амир Теуур даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид қимматли таҳлиллар, давлатчилик тарихи тўғрисида маълумотлар беришган. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 августдаги фармойиши билан бу улкан тадқиқот тўлдирилиб, 2001 йилда қайта нашр этилган⁵.

Шунингдек, бир гуруҳ таникли олимларнинг сайй-ҳаракатлари билан «Теурурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида»⁶ китоби 1997 йили нашрдан чиқарилди. Ушбу тўғлам Амир Теуур ва теурурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросонда олиб борилган бунёдкорлик ишлари, илм-фан ва маданият борасида эришилган ютуқлар ҳақида хикоя қилади. Тўғлам теурурийлар даври форс тилидаги қўлёзма манбалар асосида тайёрланган терма таржималар ва XIV-XV асрлар Марка-

¹ Файзиев Т. Теурурийлар шаҳарси масаласига доир // «Амир Теуур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» маълумотли хабаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 24.

² Бердимуродов А. Гўри Амир макбараси. - Т.: «Халқ мероси», 1996. - 77 бет. Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан топишлар (мақолалар, суҳбатлар, тадқиқотлар)/маъсул муҳаррир Т. Ширинсар. - Т.: Мазоҳират, 2015. - 400 бет.

³ Амир Теуур аълои тарихида. - Т.: «Шарқ», 1996; Аҳмедов Б. Амир Теуурни ёд этиб. - Т.: Ўзбекистон, 1996; Амир Теуур ва унинг дунё тарихида тугган ўрни. - Т.: «Фан», 1996; Бобоев Х. Б. Амир Теуур ва унинг қарашлари. - Т.: «Адилят», 1992; Бўриев О. Амир Теуур даврида Мовароуннахр ва Мутулумно мунособатлари // Шарқшунослик, 1996, № 7. - 37–44-бетлар; Бўриев О. Теурурийлар даври эъза манбаларида Марказий Осиё. - Т.: «Ўзбекистон», 1997; Керен Л., Саидов А. Амир Теуур ва Франция. - Т.: «Адилят», 1996.

⁴ Амир Теуур аълои тарихида. - Т.: «Шарқ», 1996. - 296 бет; Amir Temur in the world history. - Tashkent Publishing poligrafic share company «Sharq», 1996. P. 296.

⁵ Амир Теуур жаҳон тарихида / Тўлиқрилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. - Т.: «Шарқ», 2001. - 304 бет; Amir Temur in the world history - Tashkent, Publishing-poligrafic share company «Sharq», 2001. 289 p.

⁶ Теурурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида / Таҳрир ҳаёти: М.М. Хайруллоев, А. Ҳусеинов, О. Бўриев, тўғламлари: А. Ҳусеинов, О. Бўриев. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашрияти, 1997. - 186 бет.



«Амир Темур давлат
рамзларини қабул қилмоқда».
Рассам: М. Нуриддинов.
Темурийлар тарихи давлат
музеи фонди.

«Amir Temur accepte les
symboles de l'Etat».
Par M. Noureddinov.
Musée d'Etat sur
l'Histoire des Timourides.

зий Осиё маданиятига оид маълумотлардан иборат. Китоб унга яқин темурийлар даврига оид муҳим тарихий асарлардан маълумотлар киритилгани билан алоҳида қимматга эгадир.

Утган йиллар давомида Амир Темур ва унинг даврига бағишланган катор илмий тадқиқотлар олиб борувчи олимлар сафи изчил кенгайди. Жумладан, профессор Ҳалим Бобоев томонидан Амир Темур ва темурийлар давридаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи тадқиқ этилди¹. Унда давлатни идора қилиш тадбирлари, кенгашлари, вазирлар ва амирларни жой-жойига қўйиш, сипоҳ, Амир Темурнинг қарашлари хусусида тўхталиб утилган. Ҳ. Бобоев асосан мавзунинг ҳуқуқий жиҳатларини очиб беришга интилган.

Яна бир таниқли олим Ҳайдарбек Бобобеков томонидан «Темур тузуқлари»нинг бир неча нусхалари тадқиқ этилиб, ҳозирги замон алифбосига уғирилган ҳамда тегишли изоҳ ва лугатлар билан нашр эттирилган. Ушбу олим ҳам Темурийлар давлати ва «Тузуқлар»ни ўрганиш ишига катта ҳисса қўшган².

¹ Бобоев Ҳ. Б. Ўзбекистонда XIV-XVI асрларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар: Юрид. фан. докт. - дисс. автореф. - Т.: ТДҲИ, 1993. - 48 бет. Бобоев Б. Сохибқироннинг ҳаёли қандай бўлиши керак? Амир Темур ҳайкалининг топилмаси ҳақида // Ҳаля сўзи, 1993, 8 июль. Бобоев М. Хуш келибсиз, Темур бобо! Амир Темур ҳаёлини ҳақиқати // Ўзбекистон овози, 1993, 26 август.

² Амир Темур Қурағон. Зафарнома. Араб алифбосидан киритил алифбосига ўғирини. Сўз боши, лугат ва илм муаллифлари Ҳ. Бобобеков, Ҳ. Бобоев, А. Қуронбеков. - Т.: 2000. - 452 бет. Тузуқи Темурий / Набижон Машира Хотиф Хўжаличи таржимаси, Маъзуо муҳаррир Ҳайдарбек Бобобеков. - Ташкент, 1999. Қиссан Темур («Мафруоти Темурий») / Маъзуо муҳаррир Ҳайдарбек Бобобеков: илмий муҳаррир Ҳалимбек Бобоев. - Ташкент, 2000; Амир Темур Қурағон. Темур тузуқлари. - Т.: «Fan va texnologiya», 2014; Ҳ. Бобобеков. Яна «Темур тузуқлари» ҳақида: Ушбу илм ва Жозеф Уайт. Нофрин тарзи Темурнинг деб аталувчи Буюк Темур томонидан асли илмул (турки) тили билан битилган ҳарбий ва сиёсий тузуқлар, Амир Темур Қурасан. Темур тузуқлари // Турон тарихи, 2015, №2-4. - 2-23-бетлар.

Жумладан, олимнинг сай-ҳаракатлари билан «Темур тузуқлари»нинг 1776 йилда кучирилган форсча нусхасидан 1858 йилда Пахлавон Ниёз Девонбеги томонидан Хивада ўзбек тилига ўтирилган нусханинг Санкт-Петербург кутубхоналаридан топиб, чоп эттирилиши тадқиқотчилар учун катта тўхфа бўлди. Бундан ташқари, академик Ҳ. Бобобеков 2014 йилда бир неча таникли олимлар билан бирга «Темур тузуқлари»нинг киши номлари ва жуғрофий атамалар изоҳи билан тўлдирилган нашрини қайтадан чоп эттирди¹.

Хукукшунос олим А. Тўлаганов томонидан «Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавқеи («Темур тузуқлари» мисолида)² мавзусидаги диссертациявий тадқиқот амалга оширилди. У «Тузуқлар»нинг яратилиш тарихи, унинг Мовароуннаҳрдаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганишига аҳамияти, Амир Темурнинг давлатни идора этишга оид тамойиллари, талбирлари ва ташкил этилган давлат кенгашларининг давлатчилик тарихидаги ўрни масалаларига эътибор қаратган.

Профессор З. Муқимов олиб борган илмий ишда эса Ўзбекистон тарихининг VIII-XIX асрларига оид тарихий-ҳуқуқий манбалари ва уларнинг юридик қимматига ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан баҳо берилган³. Олимнинг, айниқса, «Темур тузуқлари» буйича олиб борган тадқиқотлари диққатни тортади. Жумладан, 2001 йили «Амир Темур тузуқларида давлат ва ҳуқуқ масалалари»⁴ китоби эълон қилинган. Шунингдек, 2008 йилги «Амир Темур тузуқлари» тарихий-ҳуқуқий тадқиқотида «Темур тузуқлари»нинг яратилиши ва ўрганилиши, ҳуқуқ манбаларида «Тузуқлар»нинг ўрни, «Темур тузуқлари»да давлат ва ҳуқуқ масалалари атрофлича таҳлил этилган⁵.

З. Муқимовнинг фикрича, манбанинг номи унинг ҳуқуқий характеридан далолат беради. Чунончи, «Тузуқ» атамаси соф эски ўзбекча сўз бўлиб, мазмуни «қоида тузиш», «тартибга келтириш»дир ва форсча «ойин», арабча «қонун» сўзларига мос келади. Уни ҳозирги ўзбек тилига ағдарадиган бўлсак, «Темурбек қонунлари» деган маънони билдиради. Асарни «Давлатни бошқариш юзасидан қўлланма» деб баҳолар экан, муаллифнинг ўзи ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди⁶.

Матнда учрайдиган «хулоса қилдим», «бужурдим», «хукм қилдим», «амр этдим» иборалари, гарчи тузуқларнинг Қурултойда тасдиқлангани ёки қабул қилингани тўғрисида аниқ маълумот бермасда, ҳукмдор ҳукми билан яратилган ҳужжатнинг ҳуқуқий характерини тасдиқлайди. Шу тариха Амир Темурнинг ҳукмдорлик даври дунёвий ҳуқуқий манба – «Темур тузуқлари»да ақс этган бўлиб, бу ҳуқуқий ёдгорлиқнинг дастлабки тадқиқотчилари ҳамда таржимонларининг фикрларини ўрганиш керак⁷, деган хулосага келади З. Муқимов.

¹ Амир Темур Қурағон – Т.: «Фан ва технология», 2014. – 196 бет.

² Тўлаганов А.А. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавқеи («Темур тузуқлари» мисолида): Юрид.фан. ном. – дисс. автореф. – Т.: ИИВ Академияси, 1996. – 24 бет.

³ Муқимов З. Основные исторические источники права Узбекистана (VIII-XIX вв.): Автореф. дисс. – докт. юрид. наук. – Т.: ТГУИ, 1998. – С. 50.

⁴ Муқимов З. Амир Темур тузуқларида давлат ва ҳуқуқ масалалари: Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот – Т.: «Янги аср алоқиси», 2011. – 119 бет.

⁵ Муқимов З. Амир Темур тузуқлари: (Тарихий-ҳуқуқий таълимот) / Масъул муҳаррир А.Х. Саъидов – Самарқанд: СаъДу, 2010. – 131 бет.

⁶ Муқимов З. «Темур тузуқлари» ҳуқуқининг тарихий манбаси сифатида // «Амир Темур ва унинг даври тарихидаги ўрни» мавзусидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь Тошкент. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 101-103.

⁷ Ушш манба – Б. 102.

Сайид Барака Термиз
ликмидаги Биё (айрим
манбаларда - Буё) мавзида
буёиб ўтган Улуғ учрашувда
Темурбекка Маккадан
келтирилган ҳукмдорлик
нимсалари - туге ва
ногорани тақдим этади.
1370 йил.

Тарихчи олим Азамат Зиёнинг «Ўзбек давлатчилиги тарихи» асарига ҳам Амир Темур салтанатидаги давлат бошқаруви тизими борасида фикр юритилади¹. Тадқиқотчи асосан Амир Темурнинг марказлашган давлат қуриши даврига оид тарихий жараёнларни таҳлил этган.

А. Зиё Амир Темурга бағишланган тарихий манбалар таҳлили ва талқинига ҳам жиддий эътибор қаратади. Хусусан, Муиниддин Натанзийнинг «Тарихларнинг сараси» («Мунтахаб ат-таворих») асари Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини ёритиш бобида, битилган санаси жиҳатидан Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сидан кейинги иккинчи асар эканини, шунингдек, у айрим манбаларда «Аноним Искандера» номи билан ҳам машҳур эканини қайд этади. «Натанзий бизгача етиб келмаган ё бизга хануз номаълум туркийзабон манбалардан кенг фойдаланган»², дейди олим.

Бундан ташқари, А. Зиё Амир Темурнинг туғилган жойини аниқлаш буйича баҳс-мунозараларда ҳам ўз фикрлари билан иштирок этган. Унинг 1992 йили матбуотда эълон қилинган «Соҳибқирон туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси» сарлавхали мақолага муносабат билдириб ёзган «Темур туғилган жой» номли мақоласи шу жумладандир³.

Д. Абиджонова инглиз илмий адабиётида Амир Темур даврининг тарихшунослиги масаласи билан шугулланган⁴. Бу тадқиқот ҳам мавзунинг инглиз тарихшунослиги қўламида кенгрок таҳлил этилишида алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақилик даврида яратилган тадқиқотлар орасида ҳуқуқшунос олим Х. Маматовнинг иштини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Унда «Темур тузуқлари»нинг яратилиши ва ўрганилишини тадқиқ этиш орқали Амир Темур давлатининг ташкил топиши, тараққиёти, унинг сиёсий қарашлари шаклланишига тасаввуф таълимотининг кўрсатган таъсири, давлат бошқаруви тўғрисидаги мулоҳазалари, бу даврдаги давлат бошқаруви ва хизмати, қонунчилик ҳамда ҳуқуқий тартибот масаласи, умуман, мавзунинг юридик моҳияти очиб берилган⁵.

Ҳуқуқшунос С. Хидиров эса, ўз тадқиқотида Амир Темур давлатининг ташкил топиши, ривожланиши, бу даврдаги ғоя ва мафкура, уларнинг давлат бошқарувига таъсири, амалдаги давлат бошқаруви шакли, халқаро муносабатлар ҳуқуқи борасида изланишлар олиб борган⁶.

Б. Усмоновнинг «Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши»⁷ номли илмий ишида мавзунинг рус тарихшунослиги масаласи кенг таҳлил этилган.

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг яқинги даврдан Россия босқинига қадар. - Т.: «Шарқ», 2000. - 368 бет.

² «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993, 9 апрель.

³ Азамат Зиёев. Темур туғилган жой хусусида / «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,

1993, 9 апрель.

⁴ Абиджонова Д.С. Маъраунақар эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60-90-х годов XX в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т.: Институт истории АН РЎ, 2001. - С. 26

⁵ Маматов Х.Т. «Темур тузуқлари»да давлат ва ҳуқуқ масаласи. Юрид.фан. ном. ...дисс. - Т.: ИИВ Академияси, 2002. - 156 бет.

⁶ Хидиров С. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузилиши. Юрид.фан. ном. ... дисс. - Т.: ИИВ Академияси, 2002. - 178 б.

⁷ Усмонов Б.А. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши. Тарих. фан. ном. ... дисс. - Т.: Уфа ШИ, 2004. - 285 бет.



«Темурийлар сулолати тангалари». Тошкент, 1996 йил.

«Monnaies des Timurides». Tachkent, 1996.

Шунигиндек, Д. Расулмухаммедованинг «Истиклол даври ўзбек драматургиясида Амир Темуր образини яратиш муаммолари», Ҳ. Никбоевнинг «Социально-экономические взгляды Амира Тимура», Г. Юнусованинг «Ҳозирги ўзбек романларида Амир Темуր ва темурийлар образининг бадий талқини», М. Ҳамроевнинг «Тарихий ҳақиқат ва бадий талқин (Амир Темуր образининг настрий талқинлари)», О. Раҳматуллаеванинг «Историография жизни и деятельности Амира Темура в Узбекистане (1991–2009)», У. Абдуллаевнинг «Амир Темурунинг Яқин Шарқдаги сиёсати» мавзуларидаги илмий тадқиқотлари Ўзбекистон ёш олимлари томонидан ушбу мавзуда изчил изланишлар олиб борилаётганини кўрсатади.

Кейинги йилларда тарих фанлари доктори Ш. Ўлжаева Амир Темуру ва темурийлар даврига оид кўплаб дарслик ва ўқув дастурлари, ўқув ва услубий қўлланмалар яратди. Жумладан, Ш.Ўлжаева «Амир Темуру ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши», шунингдек, 2012 йили Германияда нашр этилган яна иккита йирик монография⁹ муаллифидир. Опила томонидан «Амир Темуру давлати ва унинг дунё тарихида тутган ўрни», «Амир Темуру ва темурийлар даври ташқи сиёсати ва дипломатия»¹⁰, «Мовароуннахрининг сўнмас юлдузлари»¹¹, «Амир Темурунинг даҳоси»¹², «Амир Темуру шахсида сиёсат ва маънавият»¹³, «Амир Темуру ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши»¹⁴ каби ўқув ва услубий қўлланмалар ҳам тайёрланган ва нашр этилган. Айни мавзуда газета ва журналларда, конференция ва илмий тўпламларда юздан ортиқ мақолалари бир неча тилларда чоп этилган¹⁵. Опила 2012 йилда Туркиянинг Анкара шаҳрида ўтказилган ва 1402 йилда бўлиб ўтган Анкара жангига бағишланган халқаро анжуманда «Амир Темурунинг Анкара жангини ташкил этиши» номли мақоласи билан иштирок этди¹⁶.

⁹ Д. Расулмухаммедов. Истиклол даври ўзбек драматургиясида Амир Темуру образини яратиш муаммолари: Филол. фан. ном. ... дисс. Автореф. - Т.: 2000. - 21 бет.

¹⁰ Ҳ. Никбоев. Социально-экономические взгляды Амира Тимура. Автореф. дисс. ... канд. экон. наук. - Т.: 1997. - С. 23.

¹¹ Г. Юнусов. Хозирги ўзбек романларида Амир Темуру ва темурийлар образининг бадий талқини. Филол. фан. ном. ... дисс. Автореф. - Т.: 2005. - 162 бет.

¹² М. Ҳамроев. Тарихий ҳақиқат ва бадий талқин (Амир Темуру образининг настрий талқинлари). Филол. фан. ном. ... дисс. Термиз: 2008. - 130 бет.

¹³ О. Раҳматуллаева. Историография жизни и деятельности Амира Темура в Узбекистане (1991–2009). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Т.: 2010. - С. 31.

¹⁴ У. Абдуллаев. Амир Темурунинг Яқин Шарқдаги сиёсати. Тарих. фан. ном. ... дисс. Автореф. - Т.: 2012. - 30 бет.

¹⁵ Ўлжаева Ш. Амир Темуру ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. Монография. - Тошкент: Фан, 2005.

¹⁶ Каранг: Ўлжаева Ш. Some researches about history of Amir Temur. - Germany: Lambert Academy Publishing House, 2012; Ўлжаева Ш. The administrative-management system state of Amir Temur. - Germany: Lambert Academy Publishing House, 2012.

¹⁷ Ўлжаева Ш. Амир Темуру давлати ва унинг дунё тарихида тутган ўрни: Тарих ятуналиши баълавариат босқичи IV курс талабалари учун ўқув дастурлари. - Тошкент: ЎЗМУ, 2002.

¹⁸ Ўлжаева Ш. Амир Темуру ва темурийлар даври ташқи сиёсати ва дипломатия: Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТКТИ, 2004. - 129 бет.

¹⁹ Ўлжаева Ш. Мовароуннахрининг сўнмас юлдузлари // Ўқув қўлланма. - Т.: ТКТИ, 2007. - 64 бет.

²⁰ Ўлжаева Ш. Амир Темурунинг даҳоси. - Т.: ТКТИ, 2010.

²¹ Ўлжаева Ш. Амир Темуру шахсида сиёсат ва маънавият: Тадбирлар учун қўлланма. - Т.: ТКТИ, 2010. - 12 бет.

²² Ўлжаева Ш. Амир Темуру ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. - Т.: Фан, 2005. - 272 бет.

²³ Ўлжаева Ш. Хорижий тадқиқотлар Амир Темуру салтанати тарихи ҳусусида // Темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожини ўрганиш ва таърих асосини ўзлаштириш умулмасалари / масъул муҳаррир Н. Ҳабидуллаев. - Т.: Akademnashr, 2013. - 96 бет.

²⁴ Ўлжаева Ш. Амир Темурунинг Анкара жангини ташкил этиши // 1402 Ankara Savası Uluslararası Kongresi (Yıldırım - Timur), 9-12 Ekim 2012, Ankara 'bâdin kitabı / editor Mustafa Alkan. - Ankar. Türk Tarih Kurumu, 2014. - P. 209.

Бундан ташқари, Б. Аҳмедов, А. Уринбоев, Д. Юсулова, А. Аҳмедов, У. Уватов, О. Буриев, Б. Маннонов каби таниқли олимлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фондида, чет эл кутубхона ва архивларида сақланмаётган Амир Темур даврига оид бирламчи манбаларни ўзбек ва рус тилларига ўтириш билан биргаликда кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб бордилар ва ноёб маълумотларни илмий муомаллага киритдилар¹.

Шунингдек, Б. Маннонов, Г. Остонова, Ш. Камолитдин томонидан «Амир Темурнинг туркий ёрлиғи»², Н. Боймуродовнинг «Сохибқирон Амир Темурнинг рухий олами»³ китоблари, Ҳ. Кариматов маъсул муҳаррирлигида «Амир Темур жаҳон тарихида» альбому⁴ 2001 йилда ва шу мавзудаги монографиянинг иккинчи нашри⁵ 2002 йилда чоп этилди, 1990 йилда «Сохибқиронга армуғон» номли илмий тўплам нашр этилди.

Омонулла Буриевнинг «Сохибқирон Амир Темур»⁶ рисолида жаҳон тарихида танилган буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг ҳаёти, Мовароуннаҳри мўғуллар иттилоқидан оқиб қилиш учун олиб борган машаққатли курашлари, мамлакатда энди барқарорлик ҳамда ташқи салоҳият яратиб йўлидаги ҳаракатлари, Сохибқироннинг буюк давлат барпо этгани, ўз салтанатининг халқро микёсдаги нуфузини юксалтириш борасида олиб борган давлатчилик ишлари ҳусусида сўз боради. Муаллифнинг «Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё»⁷, «Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан»⁸, «Темурийлар даври манбаларида Чағоғийен»⁹ каби бошқа бир қатор китоблари ҳам маълум. Шунингдек, олим Клавихо кундалиқларини русчадан ўзбек тилига таржима қилиб, кириш сўз ва изоҳлар билан бирга 2004 йилда чоп эттирган¹⁰.

Бундан ташқари, 2014 йилда Темурийлар тарихи давлат музейи томонидан нашр этилган «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини урганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти»¹¹ номли монографияда олимнинг «Ғарбий Европада ёзилган манбалар тўғрисида»¹² номли мақоласи эълон қилинди.

¹ Клавихо Рун Гонсалес де. Самарқандга – Амир Темур сароинга савдат кунчилиги (1403–1406 йиллар) / О. Тозиев таржимаси // Саҳнат. – 1989. – № 9. – Б. 26–29; № 10. – Б. 22–24; № 11. – Б. 22–25; № 12. – Б. 19–21; 1990. – № 1. – Б. 20–22; № 2. – Б. 20–23; № 3; Шарафшани Али Яшди. Зафарнома. Амир Темур ҳақида / Форс-тожик тилидан О. Буриев таржимаси; Нашрга таъриҳчи А. Уринбоев // Шарқ юлдузи. – 1992. – № 4. – Б. 152–164; № 5. – Б. 174–183; № 6. – Б. 115–125; № 7. – Б. 117–116; № 10. – Б. 148–158; Керен Люсьен. Оптик ўрдага юрши. Амир Темур ҳақидаги асар / Француз тилидан В. Эрматов таржимаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994. 1 апрель. Амир Темур Қўрагон. Зафар нўна. Ўз аввали ва автори, юрш ва кўнгули, муҳаббати ва маъорифи воқеъатини туркий тугат бирлаш ёлгон китоби. (Тарихдан хопи) / Нашрга таъриҳчи, таржимачи сўз боши, изоҳлар муаллифи А. Аҳмад. – Тошкент: Нур. 1992. – 111 бет; Абдураҳмон Самарқандий. Матлаи савдаян ва маънаи баҳради. А. Уринбоев таржимаси. Маъсул муҳаррирлар С. Азизов, У.И. Каримовлар. – Т.: Фан, 1969. – 464 бет.

² Б. Маннонов, Г. Остонова, Ш. Камолитдин. Амир Темурнинг туркий ёрлиғи. – Т.: 2016. – 89 бет.

³ Н. Боймуродов. Самарқанд ва Амир Темурнинг рухий олами. – Т.: «Илмий адраси», 2006. – 62 бет.

⁴ Ҳ. Каримов. Жаҳон тарихида: альбому. – Т.: «Шарқ», 2002. – 301 бет.

⁵ Амир Темур ва ғарб тарихи: монография. – Т.: «Шарқ», 2002. – 300 с.

⁶ Сохибқиронга армуғон (илмий тўплам): научное издание. – Т.: 1996. 178 бет.

⁷ Буриев, Омонулло. Сохибқирон Амир Темур. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 112 бет.

⁸ Буриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 196 бет.

⁹ Буриев О. Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан. – Тошкент, 2009.

¹⁰ Буриев О. Темурийлар даври манбаларида Чағоғийен. – Т.: «Фан», 2001.

¹¹ Клавихонинг Самарқандга савдати. Рус тилидан таржима, киритиб сўз ва ишлар Омонулло Буриевники. – Т.: «Адабият», 2004. – 44 бет.

¹² Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини урганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти. – Т.: Академнэшр, 2015. – 128 бет.

¹³ Буриев О. Ғарбий Европада ёзилган манбалар тўғрисида // Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини урганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти. – Т.: Академнэшр, 2015. – 84 бет.

Тарих фанлари доктори, профессор Х. Соҳибқироннинг «Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати»¹ номли китоби, айтиш мумкинки, Соҳибқирон шахсининг янги бир қиррасини очди. Ушбу китобдан жой олган тарихий бадиаларда Амир Темур давлат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омиллар – разведка ва контрразведка соҳаларида олиб борган ўзига хос ва аини вақтда одилона сиёсати, жанговар фаолияти ёритиб берилган.

Албатта, миллий матбуотда ушбу китобга нисбатан кескин танқидий фикрлар билдирилганини ҳам айтиш утиш керак. Шу жумладан, Х. Соҳибқироннинг маъкур асарига, Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг қайд этишича, «бирортаям илмий изох йўқлиги китобхонни таажублантиради. Аммо унда бир қанча бадиий, хусусан, С. Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» асаридаги тўқима образлару воқеалар ҳеч қандай изохсиз акс этган»².

Хуршид Даврон ушбу муаллифнинг бундан олдинги китоби – «Амир Темур ҳаётидаги ғаройиботлар» номли асарини³ ҳам танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан ана шундай жиддий баҳолаган. Яъни, Х. Давроннинг қайд этишича, ушбу асар «тулалигича XIX асрда яшаган рус олими Владимир Череванскийнинг икки жилдлик «Икки тулки» (Череванский В. Две волны. Историческая хроника. 1147–1898. В 2-х томах. СПб. Государственная типография, 1898 г.) номли асарининг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган иккинчи китоби (асарнинг биринчи китоби Чингизхонга бағишланган)даги асосси ва сохта қарашлари асосида»⁴ ёзилган.

Бу борада бизнинг фикримиз шуки, чиндан ҳам, ўтмишимиз ёки аждодларимиз фаолияти, улар қолдирган бой тарихий меросга бағишланган асарлар бадиий жиҳатдан юксак, аини пайтда, илмий асосланган бўлиши зарур. Бундай талаб истиклол йилларида миллий адабиёт ва тарих фани олдида қўнчаланг турган ягона ва қатъий мезон экани ҳақида ортиқча тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

М. Ашрафийнинг «Темур ва Улугбек даври Самарқанд миниатюраси»⁵ асарида таъкидланганидек, Амир Темур фан ва маданиятнинг кўпгина соҳалари катори китобат ва миниатюра санъатида ҳам зўр эътибор билан қараган. Соҳибқирон даврида Самарқандда гуллаб-яшнаш бошлаган бу санъат Улугбек замонида келиб юксак чуққиларга кўтарилган. Муаллиф Ўрта асрларда яратилган Самарқанд, Хирот, Шероз миниатюраларини батафсил таҳлил этиб, уларни бир-бирига қиёслаб экан, Самарқанд миниатюра мактабининг абадийгта дахлдор улугвор жиҳатларини ажойиб тарзда ёритиб берган. Китобга энг нодир миниатюралар илова этилиб, уларга изохларнинг ўзбек ва инглиз тилида таҳдим этилгани китобнинг янада қизиқарли бўлишини таъминлаган.

И. Тўхтиевнинг «Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати»⁶ номли китобида ушбу сулола ҳокимиятни бошқарган даврда

¹ Соҳибқирон Хамдам. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати: тарихий бадиалар: 3 китобдан / Х. Соҳибқирон, маъсул муҳаррир Н. Абдуваҳидова, таям ва дастур муаллифи О. Убайдуллоев. – Т.: «ART FLEX», 2010. – 436 бет.

² Хуршид Даврон. Соҳибқироннинг боқий мероси // Маърифат, 2015, 8 апрель.

³ Соҳибқирон Хамдам. Амир Темур ҳаётидаги ғаройиботлар. – Т.: «ART FLEX», 2007.

⁴ Хуршид Даврон. Соҳибқироннинг боқий мероси // Маърифат, 2015, 8 апрель. Хуршид Даврон. Амир Темур ҳақидаги ағрим ёлғонлар ҳақида (ёнаштан мақоладан парча) // 18.02.2016 / <http://kh-davron.uz>

⁵ Ашрафий, Муқаддима. Темур ва Улугбек даври Самарқанд миниатюраси. – Т.: Фағуф Фулон номлидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 88 бет. Ашрафий М.М. От Вексада до Риза-и Абаси. Различные миниатюры XVI – начала XVII века. – Т.: SMI-ASIA, МИСЛАИ, 2011.

⁶ Тўхтеев, Илҳом. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати. – Т.: «Ўзбекистон» ДХВ. – 112 бет.



«Амир Темур жаҳон тарихида»
китоби ўзбек ва инглиз
тилларида.

Париж - Тошкент,
1996, 2001, 2006 йиллар.

Livre «Amir Temur dans
l'histoire mondiale»
édité en ouzbek et en anglais.
Paris - Tachkent, 1996, 2001, 2006.

муомалада бўлган танга пуллар, улар билан боғлиқ тарихий воқеалар, теурийдлар давлатининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида молия-пул тизимининг аҳоли кўплаб тарихий далиллар ва мисоллар асосида баён этилган. Китоб сўнггида Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган танга пуллارнинг фотосуратлари, улардаги ёзувлардан намуналар келтирилган.

Академик Эдвард Ртвеладзе томонидан ушбу мавзуда изчил тадқиқотлар амалга оширилганини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, 1976 йили «Амир Темурнинг Шимолий Кавказга юришлари хақида», 1996 йилда «Ўзоқ Шарқдаги Амир Темурга доир тадқиқотлар»² асари, «Амир Темур ватанининг тарихий ўтмиши»³, 1996 ва 2001 йилларда нашр этилган «Амир Темур жаҳон тарихида»⁴ номли китобнинг бир неча салмоқли боблари, журналларда айни мавзудаги қатор мақолалари⁵ эълои қилинган. Олимнинг бир қанча асарлари хорижий тилларда ҳам чоп этилган⁶. Э. Ртвеладзе 2007 йили таниқли итальян теурушунос олими Белтрамус де Мигнанелли қаламига мансуб «Амир Темур ҳаёти, 1416» номи асарни инглизчадан рус тилига таржима қилган.

Шунингдек, Э. Ртвеладзе А. Ахмедов билан ҳаммуаллифликда 2001 йили «Амир Темур давлати ва унинг бошқарув механизми»⁷ номи тадқиқотини нашр эттирган. Ушбу икки олимнинг илмий-ижодий ҳамкорлигида «Амир Темур жаҳон тарихида» китобининг муайян боблари ҳам тайёрланган.

Э. Ртвеладзе, шунингдек, А. Саидов билан ҳаммуаллифликда Амир Темур ва теурийдларга доир нуфузли манбаларни яратган. Айниқса, улар ҳаммуаллифликда рус ва инглиз тилларида тайёрланган «Амир Темур жаҳон илм-фави кўзгусида»⁸ китоби Сохнобирон ҳаёти ва фаолияти хақида дунёнинг турли хорижий мамлакатларида шу вақтга қадар яратилган илмий манбаларнинг дастлабки библиографияси жиёбланиди. Китобдан Шарк ноёб кулэмаларининг таржима надрларидан тортиб турли даврларда хорижий муаллифлар томонидан яратилган монографиялар, китоблар, рисола ва тўпламлар, мақолалар хақида муҳим маълумотлар ўз мужассамини топган. Бундан ташқари, Э. Ртвеладзе ва А. Саидов 1996 йили Парижда «Амир

¹ Ртвеладзе Э.В. О покое Тимура на Северном Кавказе // Археолого-этнографический сборник. Т. IV. Грозный, 1976. - С. 103-128.

² Ртвеладзе Э.В. Исследования об Амуре Тимуре на Дальнем Востоке. - Т.: 1996. - С. 70-24.

³ Ртвеладзе Э.В. Историческое прошлое родины Амира Тимура // Амир Темур ва ыттиларларда тарихисини. Илмий андумам тизимлари. - Т.: 1996. - С. 45-48.

⁴ Амир Темур ва ыттиларларда тарихисини // Раздел: Историческое прошлое родины Амира Тимура (Ртвеладзе Э.В., Ахмедов А.); Государственная символика. Детальные отношения. Выпуск отношения с Китаем: Амир Тимур (Ртвеладзе Э.В. Саидов А.Х.). - Т.: 1996. - С. 25-29, 62-66, 77-80, 102-104, 247-271. (на узб., рус., и англ. языках).

⁵ Ртвеладзе Э.В. Термисский клад монет Тимура и Халил Сутана // Общественные науки в Узбекистане. 1996. № 8-9. - С. 95-98; Ртвеладзе Э.В. Китайское покровительство во двору Амира Тимура и Тимуридов // Общественные науки в Узбекистане. 1996 № 7-10. - С. 54-61; Ртвеладзе Э.В. Ртвеладзе Л. Мусулманские сылтаны Узбекистана. - Т.: «Глобал релативизм энциклопедий», 1996. - с. 102.

⁶ Riveladze E.V. Les pièces d'Amir Temour et d'Ouloughbeg // Epanouissement de la Culture sous Temour et les Princes Temourides / Recueil des thèses du Colloque International scientifique à l'occasion du 600e anniversaire d'Amir Temour. Paris, le 22 avril 1996; Dirigé par Lucien Kehren, Edouard Riveladze. - Paris, 1996. - P. 12-14; Riveladze E.V. Monetary and Financial System of Amir Temur // Coins of the Timurids' dynasty. - Tashkent, 1996. - P. 14-43 (in Uzbek, English, German and Japanese).

⁷ Ртвеладзе Э.В., Ахмедов А. Амир Темур давлати ва унинг бошқарув механизми // Ўзбекистон давлатчилик тарихи очерктери. - Т.: 2011. - Б. 93-102.

⁸ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой науки. - Т.: Мир экономики и права. 1999. - 113 с; Riveladze E.V., Saidov A.H. Amir Temur: a global scholarly out look. - T. Mir Ekonomiki i Prava, 1999. - 110 p.

Темур жахон илм-фани кўзгусида» мавзuidaги ахборот бюллетенини¹, «Амир Темур жахон тарихида» китобининг муайян бобларини биргаликда тайёрлаган.

М. Абдураимовнинг «Темур ва Тухтамиш»² номли рисоласида улуғ аждодларимиз тарихининг ёрқин саҳифалари ёритилган бўлиб, олим нияоятда муҳим масалани – Рус князликларининг Олтин Ўрда хонлари – муғул ҳукмронлари асоратидан кутулиш тарихини, бу улуғвор ҳодисани амалга оширишда бевосита Амир Темур уйнаган буюк ролни батафсил тасвирлаган. Рисолага «Марҳум олимдан хотирот» мавзuida ёзган суз бошида академик Б. Аҳмедов қайд этганидек, М. Абдураимов «ўзбек олимлари орасида деярли биринчилардан бўлиб Темур ижодини ўрганишга қул урди. 1948 йилда у Ленинград Шарқшунослик институтида «Темур ва Тухтамиш» деган мавзуда номзодлик иши ёқлади», шу билан бирга, «Маҳкам Абдураимовнинг ҳаёти ва илмий изланишлари силлиқ кечган эмас... Бу ҳол, айниқса, буюк жаҳонгир Амир Темур фаолиятини баҳолашда (туғғироғи, Сохибкиронга бағишланган илмий асарларга муносабатда) кўринади».

Мустақиллик йилларида, шунингдек, У. Уватовнинг «Сохибкирон араб муаррихлари нигоҳида»³, Л. Керен ва А. Саидовнинг «Амир Темур ва Франция»⁴, Г. Пугаченкова ва Л. Ремпельнинг «Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана»⁵, Н. Гойиловнинг «Амир Темур даври маънавияти»⁶, А. Ҳайитметовнинг «Темурийлар даври ўзбек адабиёти»⁷, Х. Абдусаматовнинг «Темур солномаси»⁸, Исмоил Аканинг «Буюк Темур давлати»⁹, Х. Дадабоевнинг «Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати»¹⁰, А. Қаюмовнинг «Амир Темур қиссалари»¹¹, К. Султоновнинг «Сохибкирон Амир Темур ва мустақил Ўзбекистон»¹², Г. Юнусовнинг «Ҳозирги ўзбек романларида Амир Темур ва темурийлар образининг бадий талқини»¹³, Д. Расулмуҳаммедовнинг «Истиклол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образини яратиш муаммолари», С. Хидировнинг «Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тўзumi»¹⁴, С. Иноятовнинг «Сохибкирон ва темурийлар назари тушган диёр»¹⁵, Х. Маматовнинг «XX асрнинг 50–60-йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги»¹⁶, М. Абдурахимовнинг «Бирюзвий перстенъ Темура»¹⁷, Л. Шеневанинг «Денежное обращение Ферганы и Шаша

¹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой истории. Библиография // Информационный бюллетень. – Париж: 1996. – 28 с.

² Абдураимов, Маҳкам. Темур ва Тухтамиш / Масул муаррир: К. Норматов. – Т.: Фағфур Гужон номидиги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 80 бет.

³ Уватов У. Сохибкирон араб муаррихлари нигоҳида. – Т.: «Шарқ», 1997. – 160 бет.

⁴ Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Т.: «Адолат», 1996. – 88 бет.

⁵ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Ташкент: 1958. – с. 292; Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. – Т.: 1996. – 22 бет.

⁶ Гойилов Н. Амир Темур даври маънавияти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. – 48 бет.

⁷ Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Т.: «Фан», 1996. – 160 бет.

⁸ Абдусаматов Х. Темур солномаси: ўқув қўлланма. – Т.: «Сағъат», 2010.

⁹ Ака Исмоил. Буюк Темур давлати. – Т.: «Чулпон», 1996. – 158 бет.

¹⁰ Дадабоев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Т.: «Езувчи», 1996. – 96 бет.

¹¹ Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. – Т.: «Езувчи», 1996. – 32 бет.

¹² Султонов К. Сохибкирон Амир Темур ва мустақил Ўзбекистон. – Т.: «Фан», 2010.

¹³ Юнусова Г. Ҳозирги ўзбек романларида Амир Темур ва темурийлар образининг бадий талқини. – Т.: 2005. – 162 бет.

¹⁴ Хидиров С.М. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тўзumi. – Т.: 2002. – 27 бет.

¹⁵ Иноятов С. Сохибкирон ва темурийлар назари тушган диёр. – Т.: «Шарқ», 2002. – 32 бет.

¹⁶ Маматов Х.Т. Темур тузуларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. – Т.: 2002. – 23 бет.

¹⁷ Ҳайитметов Ш.М. XX асрнинг 30–60-йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги. – Т.: 1999. – 154 бет.

¹⁸ Абдурахимов М. Бирюзвий перстенъ Темура. – Т.: «Ўқитувчи», 1997. – 88 бет.

в эпоху Темуридов», А. Мухаммаджоновнинг «Амир Темур ва темурийлар салтанати»¹, П. Зоҳидовнинг «Темур даврининг меъморий каҳжашон»² ҳамда «Архитектурное созвездие эпохи Темура»³, В. Сосниннинг «Дорогами Амира Темура»⁴, «Амир Темур шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти», Б. Хусанбоев, Л. Тулаганов ва В. Разиновнинг «Дорогами Великого шелкового пути»⁵ каби китоблари нашр этилган.

Вилоятларда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этиб, жумладан, Ш. Каримов ва Р. Шамсутдиновнинг «Сохибқирон Амир Темур ва унинг салтанати»⁶, А. Чориевнинг «Сохибқирон Амир Темур ҳақида лавҳалари»⁷, «Буюклик ва маънавият олами»⁸, «Амир Темур хақида лавҳалар»⁹, Б. Номозовнинг «Амир Темур»¹⁰ ва «Амир Темур сарасининг сири»¹¹, Б. Усмоновнинг «Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши»¹² сингари китоблар чоп этилган.

Пойтахтдан узоқда яшаб, илмий-ижодий фаолият олиб бораётган муаллифлар орасида қашқадарёлик олим Поён Равшановнинг Амир Темур тарихига доир тадқиқотлари алоҳида уриш тутади. Жумладан, олим томонидан кейинги даврда «Амир Темур ва Қашқадарё»¹³ номли мақолалар тўплами, «Амир Темур ватани»¹⁴ монографияси, «Амир Темур хонадон»¹⁵, «Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой кассаси»¹⁶, «Занжирсарой»¹⁷ рисоалари, «Амир Темур аёллари - эзгулик гуллари»¹⁸ тўплами чоп этилган. П. Равшанов 1995 йил нашр этилган «Қашқадарё тарихи» китоби асосида, 2011 йил қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр сифатида «Шаҳрисабз тарихи» асарини, 2016 йилда эса «Оқсарой тарихи»²⁰ тадқиқотномасини чоп эттирди. Шунингдек, олим «Темурнома»²¹ китобини таъдил ва нашр этган, даврий матбуотда бир қатор мақолалар эълон қилган.

¹ Мухаммаджонов А. Амир Темур ва темурийлар салтанати. - Т.: Қозилар Бош таъхиринати. 1994; Мухаммаджонов А. Амир Темур ва темурийлар салтанати. - Т.: Қозилар Бош таъхиринати. 1996. - 127 бет.

² Зоҳидов П. Темур даврининг меъморий каҳжашон. - Т.: «Шарк», 1996. - 192 бет.

³ Зоҳидов П. Архитектурное созвездие эпохи Темура. - Т.: «Шарк», 1996. - С. 192.

⁴ Соснин В. Дорогами Амира Темура. - Қарши: «Насаф», 1995. - С. 53.

⁵ Хусанбоев Б.М., Тулаганов Л.А., Разинов В.Г. Дорогами Великого шелкового пути. - Т.: «Шарк», 1995; Ч.2. К юбилею Амира Темура. - Т.: 1996. - 327 с.

⁶ Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Сохибқирон Амир Темур ва унинг салтанати. - Амқирон. 1995. - 192 бет.

⁷ Чориев А. Сохибқирон Амир Темур ҳақида лавҳалар. - Қарши: «Насаф», 2004. - 99 бет.

⁸ Чориев А. Буюклик ва маънавият олами. - Қарши: «Насаф», 2006.

⁹ Чориев А. Амир Темур хақида лавҳалар. - Қарши: «Насаф», 2005.

¹⁰ Номозов Б. Амир Темур. - Қарши: «Насаф», 2000. - 56 бет.

¹¹ Номозов Б. Амир Темур сарасининг сири. - Қарши: «Насаф», 2000. - 56 бет.

¹² Усмонов Б.А. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши. - Фарғона: Фарғона Давлат Университети, 2004. - 165 бет.

¹³ Равшанов П. Амир Темур ва Қашқадарё: мақолалар тўплами. - Т.: «Фан», 1994.

¹⁴ Равшанов П. Амир Темур ватани. Монография. - Қарши: «Насаф», 2001.

¹⁵ Равшанов П. Амир Темур хонадон. Рисола. - Қарши: «Насаф», 1997.

¹⁶ Равшанов П., Қурбон Ж. Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой кассаси. - Т.: «Душанбе», 1992.

¹⁷ Равшанов П. Занжирсарой. Рисола. Поён Равшанов. Сайланма 1-киتاب.-Т.: «Янги аср алопи», 2005.

¹⁸ Равшанов П. Амир Темур аёллари - эзгулик гуллари. Тўплам. - Қарши: «Насаф», 1995.

¹⁹ Равшанов П. Шаҳрисабз тарихи (Энг қадимги даврлардан XX асрнинг 1-чагирмаси). - Т.: «Янги аср алопи», 2011. - 548 бет.

²⁰ Равшанов П. Оқсарой тарихи. - Т.: «Янги аср алопи», 2016. - 172 бет.

²¹ Темурнома: Амир Темур Қурбон Жангоналмас Ҳикматлар. Урта ёшдаги мактаб болалари учун / Суз боши муаллифи ва таърих таърифовчи П. Равшанов. - Т.: «Чулпон», 1990. - 352 бет.

Халқаро Амир Темуր хайрия жамғармаси ва унинг теварагида уюшган темурушунос олимлар 1997 йили Амир Темуր ва темурийлар даври тарихи ва маданиятини янада чуқур урганиш ҳамда тарғиб этишни кенгайтириш мақсадида ҳар йили бир марта мавзуй илмий-амалий конференция ўтказишга қарор қилган. Жамғарма ташкил этган бундай нуфузли анжуманларнинг материаллари алоҳида тўплам шаклида нашр этиб борилмоқда.

Мисол учун, 1998 йил 25 декабрда Тошкент шаҳрида «Амир Темур илм-фан ва маданият хомийси» мавзuida ўтказилган халқаро илмий конференция шундай анжуманларнинг иккинчиси бўлиб, унинг материаллари «Амир Темур сабоқлари» номи тўпламда жамланган. Бу мақолаларда Амир Темур даврида илм-фан тараққиёти, шаҳарсозлик, китобат санъати, Соҳибқирон ҳазратларининг ўзга мамлакатлар обдончилигига қўшган ҳиссаси, Амир Темур ва темурийлар даври илм-фан ва маданиятнинг хорижий мамлакатларда урганилиши каби қатор илмий масалалар ўз ечимини топган. Шу нуқтаи назардан, О. Буриев, Н. Голюв, У. Уватовнинг мақолалари айниқса эътиборлидир. Шунингдек, Б. Аҳмедовнинг сўз бошисида ва А. Рустамий, Т. Ҳамроев, Н. Норкуловнинг мақолаларида мавзу билан боғлиқ янги фикрлар илғари сурилган¹.

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан «Олти аср адолати» номи тўплам ҳам нашрга тайёрланган бўлиб, 1998 йили чоп этилган ушбу китобдан ундан зиёд мақола урин олган. Б. Аҳмедов, П. Қодиров, Х. Султон, М. Ҳазраткулов, Х. Дустимухаммад каби йирик олимлар ва адиблар қаламига мансуб мақолаларда истиқлол шарофати билан буюк аждодларимизга, хусусан, миллатимиз фахри бўлган Амир Темурга нисбатан тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, Соҳибқирон хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилган улғувор ишлар ва уларнинг жамиятимиз тараққиётидаги бекиёс ахамияти тўғрисида хикоя қилинади².

2006 йилда «Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва Насаф шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган илмий анжуман тезислари» ҳамда «Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон»³ мавзусидаги илмий конференция материаллари чоп этилган.

Шунингдек, кейинги йилларда «Амир Темур - фахримиз, гуруримиз»⁴, «Амир Темур в мировой истории»⁵, «Из истории искусства великого города»⁶, «Каталог Всесоюзной выставки искусства эпохи Тимуридов»⁷, «Темурийлар бунёдкорлиги - давр манбаларида»⁸, «Темур ва Улугбек даври тарихи»⁹, «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни»¹⁰, «Ўғизхондан қолган мулк»¹¹, «Амир Темур - давлат арбоби»¹², «Амир Темур: оценка его личности

¹ Амир Темур сабоқлари: алаб-бадания нашр. - Т.: Фағур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.

² Олти аср адолати. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 141 бет.

³ Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва Насаф шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган илмий анжуман тезислари. - Т.: 2006. - 29 бет.

⁴ Амир Темурнинг миллий адиётчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон. - Т.: «Фан», - 308 бет.

⁵ Амир Темур - фахримиз, гуруримиз. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 208 бет.

⁶ Амир Темур в мировой истории. - Т.: «Шарк», 2002. - С. 300.

⁷ Из истории искусства великого города. - Т.: Искусство, 1972. - С. 336.

⁸ Каталог Всесоюзной выставки искусства эпохи Тимуридов. - Самарканд-Ташкент, 1966. - С. 44.

⁹ Темурийлар бунёдкорлиги - давр манбаларида. - Т.: Абдулла Қодиров номидagi халқ муноси нашриёти, 1997. - 165 бет.

¹⁰ Темур ва Улугбек даври тарихи. - Т.: Коммунар Бош тахририёти, 1996. - 263 бет.

¹¹ Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни. - Т.: «Фан», 1996. - 86 бет.

¹² Ўзбекистоннинг тарихи мулк. - Т.: Фағур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. - 232 бет.

¹³ Амир Темур - давлат арбоби. - Т.: 1995. - 58 бет.

современниками, значение его деятельности для независимого Узбекистана», «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни»¹ ҳамда «Амир Темур и его место в мировой истории», «Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Сохибқирон ва Тўхтамышхон» каби бир қатор алоҳида тўғламлар нашрдан чиққан.

«Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти»² номли монография айни мавзуга бағишланган турли халқаро илмий анжуман материалларини ўз ичига олган. Бу китоб Темурийлар тарихи давлат музейи томонидан нашр этилган.

А. Мухаммадjonов ва Қ. Ражабов қаламига мәнsub «Амир Темур»³ рисоласида Сохибқироннинг туғилиши, ҳаёт йўли, шахсияти, саркардалик маҳорати, зафарли харбий юришлари, сиёсий фаолияти, дипломатияси ва давлат бошқаруви каби мавзулар ёритилган. Китобнинг «Темурийлар даври манбаларида Амир Темур тавсифи» бобида эса, Ибн Арабшюх, Ибн Халдуно, Руи Гонсалес де Клавихо, Муиниддин Натанзий, Фасих Аҳмад Ҳавофий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур асарларидан парчалар ҳавола этгани ҳам эътиборга моликдир.

Бундан ташқари, истиқлол йилларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида мунтазам равишда Амир Темур ва темурийлар билан боғлиқ кўплаб анжуманлар ўтказиш ва бу тадбирларнинг материалларини муъжаз тўғламлар ҳолида нашр этиш ҳам жойларда яхши йулга қўйилган.

Мисол учун, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб 1995 йил 9 декабрда Андижон Давлат университетида илмий-назарий анжуман ўтказилган бўлиб, унинг материаллари «Андижонда Сохибқиронни хотирлаб»⁴ номли тўғламда жамланган. А. Саидов, Л. Керен, Р. Шамсутдинов каби ўттизга яқин маърузачининг чиқошларида Амир Темур даври ва Сохибқироннинг тарихдаги улкан хизматлари, бой ва бетакдор мероси ҳақида қизиқарли фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Кейинги даврда, хусусан, 2013–2016 йиллар давомида ҳам юртимиз даврий нашрларида Амир Темур ва темурийлар мавзусига оид кўплаб материаллар эълон қилиб борилмоқда. Хусусан, Б. Эрматовнинг «XVII–XVIII асрлар инглиз драматургиясида Амир Темур сиймоси»⁵ мақоласи Никола Роунинг «Амир Темур»⁶ номли пьесаси таҳлиliga бағишланган бўлса, Ҳ. Сатторийнинг «Тарихни зар, ўзни заргар билсалар»⁷ мақоласида маъжур мавзуда чоп этилган айрим мақолалар танқидий таҳлил қилинган.

¹ Амир Темур: оценка его личности современниками, значение его деятельности для независимого Узбекистана – Т.: Конрад Аденауэр фонд, 1997. – 155 с.

² Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни // Халқаро конференция тезислари. – Т.: «Узбекистон», 1996. – 125 бет.

³ Межд. науч. конф. в «Амир Темур и его место в мировой истории». – Т.: «Узбекистон», 1996. – 123 с.

⁴ Н. Кобул. Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Сохибқирон ва Тўхтамышхон. – Т.: Қамарлак, 2014. – 576 бет.

⁵ Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти // Мавзул муҳаррири Н. Ҳабибуллоев. – Т.: Akadempress, 2015. – 128 бет.

⁶ А. Мухаммадjonов. Қ. Ражабов. Амир Темур // Муҳаррири А. Саъдулла. – Т.: «Узбекистон», 2013. – 160 бет.

⁷ Андижонда Сохибқиронни хотирлаб: илмий-назарий анжуман материаллари. – Андижон, 1996. – 132 бет.

⁸ Эрматов Б.С. XVII–XVIII асрлар инглиз драматургиясида Амир Темур сиймоси // Хорғиш филологияси, 2012, № 1. – 87–91-бетлар.

⁹ Nicholas Jones. Tamerlane: A Tragedy. – London: Printed for Jacob Tonson. 1702.

¹⁰ Сатторий Ҳаким. Тарихни зар, ўзни заргар билсалар: (Сохибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврининг ўрганишида айрим аниқлашчиликлар қусулси) // Сўғдиёнов абадийоти ва санъати, 2013, 5 апрел.

Атоқли адиб Мухаммад Алнинг «Амир Темур ва Йилдириш Боязид»¹ эссесида Амир Темур ва Боязид Йилдириш муносабатлари ҳамда Анкара жанги ҳақида суз борган. М. Аҳмедов ҳамда С. Маноевнинг «Мавзолей Амира Темура»² мақоласида Амир Темур мақбарасига оид изланиш натижалари баён этилган бўлса, М. Горнштейннинг «Исторический роман об Амуре Темуре»³ номи мақоласи Юнус Уғузнинг «Амир Темур» асари талқинига бағишланган.

Газета-журналлар саҳифаларида, шунингдек, А. Маждовнинг «Темур тузуқлари» - миллий давлатчилигимиз тарихининг намунаси сифатида⁴, Ҳ. Абриевнинг «Ибн Арабшохнинг «Амир Темур тарихи» асарида Амир Темур ва темурийлар даврида меъморчилик санъати»⁵, Т. Шириновнинг «Икки ҳукмдор муносабатлари тарихидан»⁶, Ш. Қуватовнинг «Образ Сахибқирани на сцене театров»⁷, М. Якубовнинг «Эдгар Понинг «Буюк Темур» достонида муҳаббат мавзуси»⁸, Н. Тухтабековнинг «Музейлар - маърифат маскани»⁹ каби илмий-таҳлилий мақолалари ва бадий эсселарини уқиш мумкин.

Бундан ташқари, хорижий давлатларда Амир Темур таваллуди муносабати билан ўтказилган турли тадбирлар тафсилотлари ҳам кенг ёритиб борилмоқда. Жумладан, Амир Темур таваллудининг 677 йиллигига бағишлаб Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган конференция¹⁰, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ҳузуридаги дипломатик миссияси ҳамда Европарламент депутатлари томонидан Амир Темур таваллудининг 678 йиллигига бағишлаб Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида ўтказилган «Амир Темур ва темурийлар даврида Ўзбекистон ва Европанинг маданий ҳамда ижтимоий алоқалари»¹¹ номи кулгасма, мамлакатимизнинг Испаниядаги элчихонаси ҳамда Сан-Пабло университети ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти билан ўзаро ҳамкорликда Сохибқирон таваллудининг 678 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни»¹² мавзусидаги семинар ҳақида миллий матбуотда ахборотлар берилган.

Шу билан бирга, «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Обществeнные науки в Узбекистане», «Фан ва турмуш», «Жаҳон адабиёти», «San'at», «Турон тарихи» каби журналларда Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги мақолалар мунтазам равишда эълон қилинаётганини қузатиш мумкин.

¹ Али Мухаммад. Амир Темур ва Йилдириш Боязид: эссе // Жаҳон адабиёти, 2013, № 4 - 149-156-бетлар.

² М. Аҳмедов, С. Маноев. Мавзолей Амира Темура (новые сведения) // Эко истории, 2013, № 3. - С. 37. М. Аҳмедов, С. Маноев. Амир Темур мақбараси // Моҳитдан сано, 2013, № 3. - 36-бет.

³ Горнштейн М. Исторический роман об Амуре Темуре // Доверие, 10 ноябрь, 2013.

⁴ А. Мажидов. «Темур тузуқлари» - миллий давлатчилигимиз тарихининг намунаси сифатида // Имом Бухорий саҳоблари, 2014, № 2 - 11-12-бетлар.

⁵ Ҳ. Абриев. Ибн Арабшохнинг «Амир Темур тарихи» асарида Амир Темур ва темурийлар даврида меъморчилик санъати // Имом Бухорий саҳоблари, 2014, № 2. - 13-14-бетлар.

⁶ Т. Ширинов. Икки ҳукмдор муносабатлари тарихидан // Фан ва турмуш, 2014, № 1-2 - 74-76-бетлар.

⁷ Қасимова О. Образ Сахибқирани на сцене театров // Uzbekistan Today, 10 апреля, 2014.

⁸ Якубов Музаффар. Эдгар Понинг «Буюк Темур» достонида муҳаббат мавзуси // Ўлмас мейваси, 2013, №7. - 67-73-бетлар.

⁹ Тухтабеков Н. Музейлар - маърифат маскани: Темурийлар тарихи давлат музейи ҳақида // Тошкент оқшоми, 2015, 20 апрель.

¹⁰ Парижская конференция к 677-летию рождения Амира Темура // Вечерний Ташкент, 9 апреля, 2013.

¹¹ Эмирозов Маталар. Символ мужества и самоотверженности (Мероприятия, посвященные Амиру Темуру в Ташкенте) // Учитель уzbekistan, 11 апреля, 2014.

¹² Испанияда Келиш-этан тадбир Амир Темур таваллудининг 679 йиллигига бағишланди // Тошкент оқшоми, 2015, 6 апрель.

Амир Темуր мавзуси — Алишер Навоий ижодида

Ўзбекистон Республикаси Президенти мустақилликнинг дастлабки даврида, 1993 йилда бир гуруҳ ёзувчилар билан бўлиб ўтган учрашувда: «Амир Темуր даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим» дея таъкидлаб, бу борада ижод аҳли олдига катта вазифалар қўйди.

Амир Темуր ва темурийлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда адабий-тарихий ёндашув борасидаги юртимиз ёзувчи ва олимлари, шоир ва драматургларининг жўшқин ва самарали ижодий изланишларини ана шу даъват билан изохлаш мақсадга мувофиқдир.

Замондош шоир ва адибларимизнинг бу борадаги ижодий изланишлари натижалари ҳақида фикр юритишдан олдин, Амир Темуր ҳазратларининг адабиётга, ижодга, китобга бўлган муносабати, шунингдек, Соҳибқирон замонида ва кейинги даврда ижод аҳлининг ул зот маънавий меросини тарғиб этишга қаратилган фаолияти ҳақида кискача тўхталиб мақсадга мувофиқдир.

Авалло, шунини таъкидлаш керакки, юксак билим ва ирошата эга бўлган Амир Темур ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларини тўғри аниқлаб етган ва шу асосда ўрта Осиёда илм-фан тараққиётида бурилиш ясаган¹. Соҳибқирон ёшлигиданоқ китоб мутолаа қилиб, билим олишга, одил ва фозил кишиларнинг қолдирган меросини ўрганишга интилган. Амир Темур ўқимчишли, доно кишилар даврасини, улар билан суҳбат қуришни ёқтирган, давлат ишларини йўлга қўйишда улар билан маълаҳатлашиб иш қўрган. Маъшхур тарихчи Г. Вебернинг ёзишича, Амир Темур ёнида доим шоирлар, олимлар, машшюклар ва суфийлар бўлган².

Амир Темур китоб ҳақида шундай деган: «Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идроқнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир»³. Шу маънода, унинг Қўқсарой кутубхонаси ўз вақтида бой илм ўчоқларидан бири сифатида маъшхур бўлгани бежиз эмас. Т. Ҳамроев келтирган маълумотларга қўра, ушбу кутубхонада араб, турк, форс, лотин ва бошқа тилларда 13,5 млн-дан зиёд турли фанларга оид китоблар тўпланган⁴.

Бинобарин, Соҳибқирон қайси мамлакатга юриш қилмасин, у ердаги илм аҳли билан суҳбат қилишга, мавжуд китобларни йиғишга интилган. Жумладан, ул зот Ибн Сиённинг Ҳамадондаги махбарасини зиёрат қилиш билан бирга, буюқ айлонанинг асарларини топтириб Самарқандга юборгани маълум.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур саройида ҳаёт кечирган бир қўллик хаттот Умар ўкта Қуръоннинг катта ҳажмдаги, яъни ҳар бир ҳарфи ярим газ (52 см)⁵ келадиган нусхасини Соҳибқирон учун қўчирган ва уни улкан аравага ортиб, Қўқсаройга йўл олган. Бундан хабар топган Амир Темур ўз аъёнлари билан хаттотга пешвоз чиқиб, уни эҳтиром билан қарши олган. Хаттотга тухфа учун бир умрга етарли олтин инъом этган⁶.

¹ Мухоммад Али. Амир Темур ва Алишер Навоий // Ҷўзбекистон адабиёти ва санъати, 2016 йил 25 март.

² Сомон яўли. — Т.: «Қамалак», 1992. — 17-бет.

³ «Миллий тикланиш» газетаси, 1996 йил 18 июль.

⁴ Амир Темур сабоқлари. — Т.: Фағур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. — 10-бет.

⁵ Аслида, 1 газ — 0,71 м. Ҳушанда 0,5 газ — 35,5 см бўлган.

⁶ Норқуллов Н. Амир Темур ва китобат санъати // Амир Темур сабоқлари: адиб-и бадиини ёшур. — Т.: Фағур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. — 28-бет.

«Китоб (битиг) барча
бунёдкорлик, яратувчилик
ва ақл-идроқнинг, илму
донишнинг асосидир,
ҳаётни яратувчи
мураббийдир».

Амир Темур

Алишер Навоий.
Маъмур Муаххоб чизган сурат.
Маъшқоҳ XVI аср. (86-бет)

Portrait d'Alisher Navoi
attribué à Muahhad-é Mozahheb,
Mashhad. XVI siècle. (Page 86)



Alisher Navoi

(1441-1501)

Nizam al-Din Alisher, plus connu sous son nom de plume: Mir Alisher Navoi (transcrit aussi Alicher Navai), fut le poète le plus éminent du monde turc au XVe siècle et représente le sommet de la poésie classique.

Ce poète porte à la fois la finesse recherchée de la culture persane et l'héroïsme turc, épique et sévère. Il est revendiqué comme étant le père de la littérature ouzbèke.

Assez de douleurs m'as données, remède ne m'as accordé,
Tu savais ma grande souffrance, guérison ne m'as accordée.

Assez de promesses m'as faites que me serais fidèle,
A peine promesse faite, fidélité ne m'as accordée.

Contre moi l'innocent tu as lancé la flèche de la séparation;
Injuste elle m'a frappé, mais par un juste coup tu me l'as décochée.

Par ta proximité mon cœur n'as contenté,
Par ton éloignement, passion n'as accordée.

Cœur et âme, tu as fait de moi ton captif
Pareil tourment, à tant d'autres l'as accordé.

Te vouloir proche, le vœu ne s'est pas accompli,
Lointaine de nouveau, nul accueil ne m'as accordé.

Qu'Harmonie l'accompagne, même si à personne
Comme à Navai l'harmonieux, discordance n'as accordée.

Bâbour
(1483-1530)

Descendant direct de Temur, ce dynaste éclairé, fondateur de l'empire moghol, fut aussi un grand poète, auteur de nombreux gazel et du célèbre «Babur nama», considéré comme un chef-d'œuvre de la littérature orientale.

Qu' il sera bon, un jour, de réveiller
mon bonheur dormant ;

Des nuits, étreignant sa taille comme ses longues
mèches, de m'allonger près d'elle;

Tantôt penser à son visage
de rose, à ses paroles de sucre

Tantôt comme sucre goûter
aux lèvres grenat de ce visage de rose.

Où sont Chirine et Leyla, qu'elles
apprennent de toi les caprices !

Où sont Ferhiâd et Medjnoun,
que je leur enseigne l'art d'aimer !

Que la clarté du jour ne soit
plus qu' étoiles dans la nuit obscure,

Si, dans la buée d'un soupir,
tremble la flamme de mon cœur.

Tant que la lumière baigne mes yeux,
ô Bâbour, ce sera bien peu

De comparer son sourcil au croissant
de lune, son visage au soleil!



Шу биргина мисол ҳам Соҳибқирон ўз даври китобат санъати, умуман, санъат, адабиёт, фан ва маданият равнақига доимий раҳнамолик қилганини курсатиб турибди¹. Бинобарин, швед санъатшуноси Артур Поуп: «Европа ҳали уйкуда чоғида ислом донишию хунари оламнинг ярмини илму урфон нури билан чулгатаган эди», деганида, Амир Темур даври фани ва маданиятини назарда тутган. Яна бир швед санъатшуноси Ф.Р. Мартин Амир Темур даврига оид тасвирий санъат намуналарини ўрганиш натижасида бу давр санъати бутун Осиёнинг эмас, балки бутун жаҳон санъатининг катта ютуғи, Темурийлар синга-рин санъатни қадрлаган ҳукмдорлар Марказий Осиёда бошқа бўлмаган, деган хулосага келган².

Покистонлик таниқли тарихчи, йирик жамоат ва маданият ар-боби Аҳмад Ҳасан Дониининг куйидаги баҳоси ҳам диққатга молик: «Ҳозирги замон тарихи Амир Темурнинг буюк шахсига етарли эътибор бермади. У Осиёда турк-ислом маданиятининг юксалишига асос солди. Тарих унинг илму амали билан тенглашадиган бошқа бир муқобил ҳодисани билмайди. Амир Темур дунёга келмаганида Ҳиндистонда буюк империя бўлмаган, Самарқанд ва Бухоро бунчалик гуллаб-яшнамаган бўларди»³.

Ўз даврида Амир Темур китоб, ғазалиётни севаган. А. Ҳайитметов ёзганидек, Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафонс» тазкирасида Соҳибқирон жуда кўп насрий ва шеърый асарларни ёд билган ва уларни керакли вақтда ўрнига қуйиб ўқир эди, деб алоҳида қайд этган⁴. Ҳусусан, Навоий Амир Темурни: «Подшоҳлар шажарасининг бустони ва султонлар гавҳарларининг денгизи», деб юксак таърифлаган. Бу бежиз эмас. Зотан, ўрта асрларда Шарқда иккинчи Ренессанс жараёнини бошлаб берган Темурийлар давлатидаги миллат маънавияти боғининг энг гуллаган даври айнан Султон Ҳусайн Бойқаро ва амир Алишер Навоий замонига тўғри келади.

Хуросон ўлкаси, айниқса, Ҳирот шахрининг фозил кишилар шаҳрига айланиши, Мир Алишер Навоийдек сўз мулкининг соҳибқирони «камол олами аҳлининг акмали» (Аҳлий Шерозийнинг Навоийга нисбатан қўллаган таърифи) бўлишининг ижтимоий-маънавий асослари буюк Соҳибқирон замонида қуйилган. Буни, айниқса, ҳазрат Навоий теран англаган ва асарларида ўз муносабатини баён этган.

Амир Темурнинг номи Навоийнинг бешта асариде (саккиз жойда) эхтиром билан тилга олинган. Ҳусусан, «Хайрат ул-аброр»⁵да «Турт улус хони Темур Курагон», «жаҳон хони Темур Курагон», «Фарҳод ва Ширин»⁶ дostonида «Темурхон», «Муҳокамат ул-луғатайн»⁷да «Султони соҳибқирон Темур Курагон», «Муншаот»⁸ ҳамда «Насоим ул-муҳаббат»⁹да турк авлиёлардан Хожа Боязид ва Бобо Сунгу зикридаги бобларда «Темурбек» номлари билан эсланган.

Навоий Амир Темурга
«мулк ш жараларининг
буктони ва салотин
гавҳарларининг уммони,
ҳақони ҳақонгир соҳиб-
қирон, яъни Темур Курагон»,
де я таъриф берган.

Закириддин Муҳаммад Бобур.
1605–1615 йилларда ишланган
машхатлари Британия музейи
Лондон. (87-бет)

Zakariyaddin Muhammad Bobur.
Manuscript written in 1605–1615.
Le British Museum
London (Page 87)

¹ Colabek L., Subtelny M. Timurid Art and Culture. – Leiden: 1992.

² Ушба маъна, – 29-бет.

³ Dr. Ahmad Hasan Dani. Timur Legend // Pakistan Academy of letters, Islamabad, 1996. – P. 9.

⁴ Ҳайитметов А.Х. Ўзбек адабиёти тароққотида Амир Темур ва те мурийларнинг роли // «Амир Темур ва унинг аъён тарихидаги ўрни» мунтазили халқаро конференция теънислари. 1996 йил 23–26 октябр, Тошкент. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 65.


⁵ Навоий Алишер. Муҳокамат ул-луғатайн. 20 жилдик. – Тошкент: «Фан», 2000. 7-жилд.

⁶ Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. 20 жилдик. – Тошкент: «Фан», 2000. 8-жилд.

⁷ Навоий Алишер. Муҳокамат ул-луғатайн. 20 жилдик. – Тошкент: «Фан», 2000. 16-жилд.

⁸ Навоий Алишер. Муншаот. 20 жилдик. – Тошкент: «Фан», 2000. 14-жилд.

⁹ Навоий Алишер. Насоим ул-муҳаббат. 20 жилдик. – Тошкент: «Фан», 2000. 17-жилд.



Алишер Навоийнинг «Хамса»
асаридан аҳрақ, Тошкент.
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқ қўлёзмалари маркази фонди.

Page des manuscrits du «*Khamsa*»
d'Alisher Navoi. Tachkent.
Centre des manuscrits orientaux
d'Al-Biruni.

Навоий асарларида Амир Темури номи зикр этилган ҳолатлар ўз моҳият-муддосига қура, Олимжон Давлатов томонидан қуйидагича тасниф этилган:

биринчидан, муайян ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-дидактик масалаларнинг талқини жараёнида Амир Темурини мисол келтириш;
иккинчидан, Амир Темури билан боғлиқ ривоятсимон ҳикоятлар;
учинчидан, Амир Темури ҳаётидан тарихий воқеалар;
тўртинчидан, турк машоихининг Амир Темури билан боғлиқ кечган қароматлари.

Навоий икки жойда Амир Темури номини машҳур ҳукмдорлар қаторида қайд этиб ўтган. «Ҳайрат ул-аброр»нинг 48-бобида оламнинг бақосидлиги, умрини ўтқинчилиги, олам барча учун синов майдони экани ҳақида қутилмаган ташбеҳлар, фавқулодда истиоралар билан суз юртади¹.

Шунингдек, «Мажолис ун-нафоис» таъжирасининг теуриий ҳукмдорлар ижодига бағишланган еттинчи мажониси Амир Темури ҳақидаги фикри билан бошланади². Навоий Амир Темурига «мулк шажараларининг бўстони ва салотин тавқарларининг уммони, ҳоқони жаҳонгири соҳибқирон, яъни Темури Қурагон» дея таъриф бериб, бу тавсифлари орқали унинг буюқ сулолага асос солгани, теуриий шахзодалар, айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаронинг яхши фазилатлари, жумладан, шеъриятда таъби нозиклиги «жадди бузургвор»ларидан ме-рос эканини таъкидлаган.

¹ Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. 20 жилдлик. - Тошкент: «Фан», 2000, 7-жилд, 48-боб.

² Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. 20 жилдлик. - Тошкент: «Фан», 2000, 13-жилд. Ет-тинчи мажонис.

Шеърни тушуниш завқи, таъби нозиклик, ўз вақтида жуъли суз топа олиш салоҳияти шеър ёза олишликдан-да устун фазилат жани Соҳибқирон ҳаётидан келтирилган лавҳа орқали янада таъсирчан ифода этилган. «Фарход ва Ширин» достонининг шахзода Абулфаворис насихатига бағишланган Бобида эса, шахзодали илм ўрганишига даъват этиб, донишманд подшоҳнинг тимсоли бўлмиш Мирзо Улугбекнинг илм-фанга булган кучли иштиёқига асл сабаб – Темурхон авлодидан булганини нозик ишора қилиб ўтган:

*Темурхон наслидин Султон Улубек,
Ки олам кўрмади султон анингдек...
Рисадқим боғламыш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.*

*Билиб бу навъ илми осмоний
Ки, андин ёзди «Зижи Қурагоний».
Қиёматга дегинча аҳли айём,
Ёзарлар онинг аҳқомидин аҳком¹.*

*Навоий назарида
Амр Темур – буюк
салтанат асосчиси,
нами афсоналарга
йўғирилган утмин
подшоҳлари билан
бўйлаша олинган
ҳукмдор.*

Амр Темур ҳаётига боғлиқ яна бир лавҳа «Ҳайрат ул-аброр»нинг 38-Бобида ўз ифодасини топган. Вафо ҳақидаги мақолатдан кейинги ҳикоят қуйидаги байтлар билан бошланади:

*Андоқ зийштимики, шаҳи қомрон
Тўрт улус хони Темур Қурагон².*

Ўшбу ҳикоят Амр Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши ҳақида. Ҳиндларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, фотиҳ жаҳонгирга Яратганининг ўзи мададкор бўлиб, «Чарх адув калбига солди шикаст». Жанг майдонида «икки вафоли ёр» Амр Темурнинг сипоҳига дуч келади. Аскарларнинг бири шохнинг амрини адо этиш учун улар томон от солади. Икки дўст бир-бирининг устига ўзини ташлаб, менинг бошимни кес, дўстимни омон қолдир, деб ёлворади. Қотил хар иккисининг ҳам бошини кесмоқчи бўлганида, дўстлар бошини тик остига тутиб, олдин мени ўлдир, мен дўстимнинг ўлимини кўришга тоқатим йўқ, деб илтижо қилади. Шу тариқа, бир муддат ўтиб, тусатдан «ал-омон»(омонлик, кечирил) деган буйруқ келади:

*Бир-бирига кечти алар қонидин,
Шоҳ дага кечти улус қонидин³.*

Амр Темурнинг номи Навоийнинг энг машҳур асарларидан бири – «Мухокамат ул-луғатайн»да ҳам эсланади. Унда донишманд шоир араб, форс ва туркий тилларнинг ривожланиш омилларини миллий давлатчилик масаласига боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Жумладан, туркий тилнинг шаклланиши ва адабий тил сифатида истеъмолга киришини Амр Темур шахсияти ва фаолиятига боғлаб ёзади: «То мулк араб ва сорн салоҳинидин турк хонларга имниқалтонни, Хулоғухон залмонидин султони соҳибқирон Темур Қурагон дивронига ча турк тили билан андоқ шоир найдо бўлмадиқим, таъриф қилғуча асар зоҳир бўлмиш

*Алишер Навоийнинг наставълик
хатида кўчирилган форсий
девойидан саҳифа.
Хирот, XV аср.*

*Une page du divan persan
d'Alisher Navoi, écrit en nastaliq.
Hérat, XVe siècle.*

¹ Навоий Алишер. Фарход ва Ширин. 20 ҷилдлик. – Тошкент: «Фан», 2000. 8-жилд. 40-б.б.

² Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. 20 ҷилдлик. – Тошкент: «Фан», 2000. 7-жилд. 38-б.б.

³ Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. 20 ҷилдлик. – Тошкент: «Фан», 2000. 7-жилд. 38-б.б.

булгай. Ва салотиндин ҳам андоқ ишма мақул эмаски, бир-роф қошида айтса булгай. Аммо Султони соҳибқирон Темури Курагон замонидин фарзанди халафи Шохруҳ султоннинг замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо булдилар».

Навоий бу билан мишласининг маданияти ва маънавий олами-нинг ривожини учун ўз давлатчилигига эга бўлиши, айти пайтда, ҳар бир миллат ўз давлатчилигини сақлаб қолиши учун ўз тафаккур олами-ни сақлашига, маънавий оламнинг асосларидан бўлмиш тил ва адабиётини ривожлантириш учун кайғуриши лозимлиги, бу борда Амир Темури на унинг авлоди урнак бўлишини таъкиллаган. Ушбу маънони бошқа бир жойда шундай назм қилган:

*Давр аро турк шоҳи фойқдур,
Эл аро турк лафзи лойқдур!*

Навоий она тилига гамхўрлик қилиш давлат олиб борадиган сиёсатининг асосий устувор афналишларидан бири бўлиши лозимлиги, она тилига муҳаббат умуммиллий иштиёққа айланиши барча давру замонларда ҳаётини зарурат эканини жондан ҳис этиб, бу муҳим масалага ўзбек давлатчилиги тарихида биринчилардан бўлиб Амир Темури ва унинг муқташам сулоласи эътибор қаратганини ифтихор билан эътироф этган ҳамда еш теуриёзоналарни бундай хайрли ишларнинг собитидолам давомчиен бўлишига даъват этган.

Умуман, Навоий еш теурийи шайхоналарини доимо Султони Хусайн Бейбардо ва Амир Теуридан урнак саншига чорлаган. Жумладан, валяҳд Бозинузмишга юборилган машҳур мактубида еш шайхона йул қуйган камчиликлардан бири сифатида куйидаги далилни келтиради: «Мирзога (Хусайн Бейбардо) назарда ештиёқда Теуриёзоналарни насабдур. Мирзо хатбада бекинган тилига шариф рудига масжиди жамеъди ҳар одина куйи дуо қилдурурлар».

«Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, бахтиёр бу улканинг Алишер Навоий юрти эканлиги ёдимизга тушади... Навоий яшаган даврда бу ерлар, Амир Теури салтанатининг бир қисми эди. Алишер Навоий (1441-1501) ҳаёти Теурийлар давридаги икки йирик ҳазар – илму фян, адабиёт ва санъат маркази булган Самарқанд ва Хиротда унади. Шоир ҳаёти Теурийлар сулоласи тарихи, султони Шохруҳ, унинг ели Улуебек даври тарихи, Абулқосим Бобурининг Хиротдаги ва Абу Саиднинг Самарқанддаги ҳоқимлиги тарихи, ниҳоят, Навоийнинг дусти булган Хусайн Бойқаронинг Хиротни эгаллаши ва унинг шайхона Едгор устидан егалабаси тарихи билан боғлиқдир».

*Луи Арагон,
Франция*



¹ Алишер Навоий. Машҳураат устуворлари. 23-жидатлик – Тошкент: «Фан», 2000. 7-жид.
² Луи Арагон. (Навоий) // Шарҳ қилдирил. 1987. №4. – 191-бет.



Элчилар Амир Тему қабулида.
Шарафиддин Али Яздий
«Зафарнома» сиза ишланган
миниатюра. Ҳирот. 1467 йил.

Ambassadeurs à la cour
d'Amir Temur. Miniature de
«Zafer-nâme» de Cheref-ed-Din
Ali Yazdi, Hérat. 1467.

Бу ишга Мирзога ҳам дуодин уза не келгай. Сиз
нишонингиз тугеросидин Мирзонинг мийрақ
отин чиқорурсиз. Керак Ироқдин Мақка балки
Мағрибзаминиғача олсангиз бу доқа бумас эрдий!»

Навоий ақидаси бўйича, кайсики
хукмдор Амир Темурудек зотларни дуо бил-
лан ёд этса (яъники, эхтиромини бажо кел-
тирса), узининг ҳам обрў-эътибори юксалиб
бораверади. Ақсинча, улуғ аждодларига бели-
санд муносабатда бўлган, тарихдан тугри сабоқ
чиқармаган, узини мутлақ хукмдор деб тасаввур
этган давлат раҳбарлари салтанатининг асоси
мурт бўлиб, таназзул топиши муқаррар.

Амир Темуру шахсига юксак эхтиром, унга
фавқулудда ҳиспатларни ҳисбат бериш, азиз авлиё-
лар даражасида эъзозлаш ҳалқимиз орасида асрий
анъана бўлиб, жумладан, Амир Темуру макбараси ол-
дидан отликлар буюк Сохибқиронга эхтиром юзаси-
дан отдан тушиш, яёв утишлари тарихий манбаларда
қайд этилган. Бу – шунчаки хурофот ёки қурқувдан ҳосил
бўлган сохта хурмат эмас, балки самимият ва муҳаббатга
асосланган эхтиром ифодаси, Темурийлар давлати қилтич
билан эмас, покиза зотларнинг сидқидилдан қилган дуола-
ри баракотидан, оддий халқнинг ишонч-содакати туфайли
барло бўлганининг намунаси ҳам эди. Сабаби, Амир Темуру
қаерга борса, энг аввало, илм ва маърифат аҳлининг эхтиромини
бажо келтиришга интилган, сохта олимлар ва рижор шайхларни
ўзига яқинлаштирмаган. Унинг имонли кишини мунофиқдан аж-
рата олишга қодир, фақат ҳақиқий хукмдорларга хос бўлган фаросати
ҳақида турли тарихий воқеалар, ривоят ва нақллар мавжуд. Ана шундай
хикоятлардан иккитаси «Насойим ул-муҳаббат» асарида турк шайхла-
ри зикрида баён этилган¹.

Амир Темурунинг чин суфийлар, Ҳақ йўлидаги эранларга муно-
сабати марҳамат ва ихлосга йўғрилгани ҳолда, Сохибқирон сохтакор
мулалар, «шайтон валийлари»га (Хужвирий таъбири) шафқатсиз
ва қаттиққўл бўлган. Жумладан, узини пайғамбар деб эълон қилган
Фазлуллоҳ Наимий – ҳуруфийлик таълимоти асосчисини ҳамма жой-
да таъқиб қилиб, оқибатда унинг кўрсатмаси билан ўғли – Мироншоҳ
томонидан қатл эттирилиши Амир Темурунинг дин ва маънаб софлиги-
даги қурашчанлиги, қатъиятини кўрсатади.

Навоий назарида Амир Темуру – буюк салтанат асосчиси, номи
афсоналарга йўғрилган утмиш подшоҳлари билан бўйлаша оладиган
хукмдор. Унинг давлатчилик бобида қилган ишлари, асос солган
қудратли давлати Каюмарс, Жамшид, Фаридун, Доро, Искандар, Чин-
гизхондек оламини ўз таътига олган султонлар шавқатидан заррача кам
эмас. Амир Темуру қаҳри қаттиқ шох бўлиши билан бىрга, кечирилмиш-
лик ва бағрикенглик унинг туғма фазилатларидан бўлган.

Ўзбек тилининг адабий тил мақомига кўтарилиши, араб ва форс
тиллари каби мусулмон Шарқи оламида илм ва адаб тили сифатида тан
олинган тиллар билан беллаша олиш салоҳиятига эга бўлиши Амир

¹ Насойим Алмадор, Мунтақаб, 20 ҷилдатлик. – Тошкент: «Фан», 2000, 14-ҷилд.
² Насойим Алмадор, Мунтақаб ул-луғалани, 20 ҷилдатлик. – Тошкент: «Фан», 2000, 7-ҷилд.

Темуր асос солган давлат олиб борган сиёсат туфайли амалга оширди. Алишер Навоий темурийларнинг ўзбек халқи маданияти ривожига қўшган ушбу тарихий хизматларини биринчилардан бўлиб илган ва илмий жиҳатдан асослаб берган.

Амир Темуր шеър ёзишга рағбат билдирмаган бўлса ҳамки, шеърни назик тушунган ва бадиий сўз кадрига етган. У ҳамийша, ҳамма ерда илм-фан ва адабиётнинг хомийси сифатида ижодкорларни қўллаб-қувватлаган ҳамда керакли пайтда шеърят дурдоналаридан нуктадонлик билан истифода этган. Бу эса, темурий ҳукмдорларнинг табиатидаги маърифатпарварлик, адабиётсеварлик айнан улуг аждолларидан мерос бўлиб утган фазилат эканлигига гувоҳлик беради.

Буюк Сохибқироннинг жахонтирлигига муҳим омил бўлган фазилатлардан яна бири, О. Давлатов таъкидлаганидек, Худонинг азиз бандалари кўнглини овлаш, уларнинг иззатини жойига қуйиши, шохнинг кудрати - унинг сон-саноксиз жангчиларида эмас, балки шод бўлган синик кўнгилларнинг дуоси баракотидан эканини жондан ҳис этиши ва бунга изчиллик билан амал қилишида бўлган. Ана шундай ҳаётий ҳақиқатларни ҳазрат Навоий Амир Темуր номи билан боғлаб тушунтираркан, ўз замондошлари ва келажак авлод учун ибратли ўғит, инсонларнинг бахт-саодати учун курашадиган, айниқса, миллат ва мамлакат тарақиётига мутасадди шахсларга дастуриламал бўлишини кўзлаган ва бу ниятига эришган.

Яна бир муҳим жиҳат - Амир Темуր салтанатидаги соғлом маънавий-матрифий муҳит, ўз навбатида, хотиранавислик анъаналарининг ривожланишига катта туртки берган. Бу ҳақда сўз борганда, авваламбир, бадиий адабиётнинг мазкур тури бўлган хотиранавислик (ёки мемуаристика) ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хотиранавислик, хотиранома тушунчалари, Ш. Юсуповнинг фикрича, французча «memoire» («мемуар») сўзидан олинган бўлиб, воқеаларни муаллифнинг фақат ўз имкониятига ҳос равишда хотирлаш, эсга олиш асосида ёритиладиган асарларни англатади¹. Тадқиқотчи таъкидлаганидек, ижодий йўналишда тарихий сономалар, жангномалар каби воқеликни хотирлаш орқали яратиладиган турли адабий жанрлар мавжуд.

Машхур инглиз адиби У. Теккерей мемуаристикани Ренессанснинг ўзига ҳос ва мос жанри, деб баҳолаган². Эҳтимол, XIX аср инглиз маданиятининг йирик мутафаккири, атоқли ёзувчи, драматург, адабиётшунос ва рассом бўлган бу шахс соҳанинг ғоятда тараққий этган даврини назарда тутгандир. Нима бўлганда ҳам, шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Демак, олимнинг фикрича, бу Уйғониш даврининг махсули экан, унда Уйғонишнинг нозиллик жараёни ва ўрни масаласини ҳам ўйлаб кўриш керакдек туюлади. Машхур шарқшунос олим А. Конрад (*Konrad Hermann Joseph Adenauer*) ўзининг «Ғарб ва Шарқ»³ китобида Уйғониш Шарқда пайдо бўлиб, Ғарбга қўчганлигини эътироф этган. Адабиётшунос олима Ф. Сулаймонова кейинги йирик илмий тадқиқотларини мазкур муаммога ойдинлик киритишга бағишлаган⁴.

Башариёт маданиятида содир бўлган тарихнавислик ҳаракати Шарқ халқлари, хусусан, Марказий Осиё халқлари адабиётида миллий маданиятнинг уйғунлашуви билан бирга, маънавий мазмунига

¹ Юсупов Ш. Хотиранавислик анъанаси // Жамият ва бонкарув, 1998, № 1 - 77-79-бетлар.
² Теккерей У. Воспоминания современников. - М.: «Художественная литература», 1990. - С. 8.
³ Конрад Н.И. Запад и Восток. Статьи. - М.: 1972. - 295 с.
⁴ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари) - Т.: «Ўқитувчи», 1997. - 416 бет.



«Сарой маликалари
ва бибихоними».
Рассам: Г. Болтабоев.
Темурийлар тарихи
давлат музейи фонди.

«Les reines du palais
et Bibi-Kharym»,
par T. Boltaboev.
Musée d'Etat sur
l'Histoire des Timourides.

хамоҳанг равишда майдонга келди. Олис асрлар давомида тарихнависликнинг мукамал намуналари – нома йўналишидаги бадий асарлар, манокбилар, таъкирлар, тарихий ақеаномалар, махсус мажмуалар, силсиланомалар, жангномалар каби йитирмага яқин кўринишдаги асарлар юзага келди.

Бу ижодий жараён XIV–XV асрлар маданиятида янада кенг қулоқ ёйди. Амир Темур ҳақида Соҳибкирон хали ҳаётлиги давридаёқ ўнлаб ижодкорлар томонидан хотиранавислик асарлари ёзилгани бунинг яққол тасдиқлайди. Жумладан, Хондамир ўзининг машҳур «Ҳабиб ус-сияр» асарида¹ Сайфуддин Хутталоний исми олимнинг Амир Темурга бағишлаб туркий тилда махсус бир асар ёзганини эслатган. Айниқса, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»лари буюк Соҳибкирон ҳаёт йўлига доир муҳим хотиранавислик асарларидир².

Шунингдек, «Бобурнома»да Амир Темур фаолияти бунинча кизикарли маълумотлар кайд этилган. Амир Темур Бобур тасвирида шундай намоён бўлади: «...Самарқандни Искандар бино қилгондур. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур»³. Бобур ўз эсдаликларида Амир Темур ва Мирзо Улугбек, бошқа Темурий шахзодалар даврларида барпо этилган бинолар ҳамда боғлар тавсифига кўп жол ажратган.

¹ Хондамир, Ғиёсийи ибн Ҳумоиддин. Ҳабиб ус-сиар фи ахбори афроби башир (Башир ахли сийратидан хабар берувчи дуст) / Хошамир; Бобур халқаро җамоат фонди, форс тилида таржима, муҳаллима муаллифлари: И. Беқмуров, Ж. Хазратқуллов, маъсул муҳаррир А. Амедов; Тошкент: «Узбекистон», 2013. – 127 б.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: «Узбекистон», 1996. – 6-бет.

³ Бобурнома. – Т.: «Олмушта», 1989. – 43-бет.



«Бобурнома»да ишланган
кадимки зарвар ва китобнинг
2002 йилги ўзбекча наشري.

Une page dorée «Bobur nama»
et son édition ouzbeke 2002.

Самарканд шаҳридаги бунёдкорликлар, жумладан, шундай таърифланган: «Самарканд аркида Темурбек бир улуғ кушк солибтур, турт ошиёнлик, Куксаройға мавсум ва машхур ва бисёр олий имораттур. Яна Оханин дарвозасига ёвуқ калъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, санигин, аксар Хиндустондион элтган сартарошлар анда иш қилиб турлар»¹.

Эки бўлмаса: «Темурбекнинг набираси Жаҳонгир Мирзонинг угли Муҳаммад Султон Мирзо Самарқанднинг тош қўरणоида – Чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қabri ва авлодидан ҳар кимки Самарқандга подшоҳлик қилибтур, аларнинг қabri ул мадрасададур»². «Бобурнома»да Кеш (Шахрисабз)ни тасвирлаш чоғида Амир Темурга берилган тахминли баҳо алоҳида диққатни тортади: «Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Узига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сул ёнида тавочи беклари билан девон беклари ўлтурур девон сурач учун, икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоҳчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берулар. Дерларким, Кисро тоқидин бу бийхакратур»³.

«Бобурнома» XV-XVII асрларда Марказий Осиёда бўлиб ўтган урушлар тарихи бўйича ҳам, харбий санъат тарихи бўйича ҳам ягона ва нодир манбадир. Унда Темурийларнинг харбий юришлари хақида фавқуллода муҳим маълумотлар берилган. Энг муҳими, Бобур ўзининг зийрак ақли билан Темурийлар ҳукмронлигининг таназзули яқинлашайтганини аниқ ҳис этган ва бунга бутун жон-жаҳди билан қаршилик қилишга интилган. Бу фикрни уша даврда Темурий шаҳзодалар бошқарган қўшни мамлакатлардаги сиёсий турмушнинг «Бобурнома»даги ўзига хос реал тасвифлари яққол тасдиқлайди. Бобур асаридида турт нафар Темурий ҳукмдорига ва уларнинг амирларига гула таъриф берилган⁴.

Шундай қилиб, наинки Алишер Навоий ва Бобур, айни чоғда, Лutfий, Саққокий, Атоий, Яқиний, Ҳайдар Хоразмий, Гадоий, Юсуф Амирий каби янги авлод миллий ижодкорлар гуруҳининг ижод майдонига чиқиши, миллий адабиётнинг беқиёс равақ топиши бевосита Амир Темур давлати ва темурийлар фаолияти билан мустаҳкам боғлиқдир. Шарк шерьиятининг барча турларида юзлаб-минглаб асарлар дунё юзини кўрди, ўнлаб девонларга тартиб берилди, дostonчилик, наср ривожланди.

Энг муҳими, бу даврда «Хамса», «Ҳазойин ул-маоний», «Бобурнома» каби шoҳ асарлар яратилди, ўзбек шерьиятининг доверғи узоқ-узоқларга ёйилди, она тилида адабиётшунослик, хусусан, шерьиятшуносликка оид илмий-назарий тадқиқотлар пайдо бўлди. А. Абдуғафуров таъбири билан айтганда, Темурийлар даври ўзбек адабиёти жаҳонга Lutfий, Навоий, Бобур каби буюк даҳоларни етказган адабиётимиз тарихининг чўққисидир⁵.


¹ Бобурнома. – Т.: «Юдузма», 1989. – 44-бет; Le livre de Babur: memoire de Zahiruddin Muhammad Babur de 1494 à 1529, traduit par Jean-Louis Bacquet-Gramont. – Paris, Publications orientales de France, 1980.

² Бобурнома. – Т.: «Юдузма», 1989. – 44-бет.

³ Уша манба. – 47-бет.

⁴ Ҳамса. «Бобурнома»да Темур ва темурийлар тавсифи // Андижонда Сохибқироний хотирлаб: илмий-назарий аниқлаш мағрузлари. – Андижон, 1996. – 72-76-бетлар.

⁵ Абдуғафуров А. Темурийлар ва ўзбек адабиётининг равақи // «Амир Темур ва унинг вақин тарихиди» ўрни. «Австумиди» калъаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь. Тошкент. Т. 1: «Ф-бекистан», 1996. – Б. 69-70; Яна қаранг: Ражабова Б. Алишер Навоий асарларида Амир Темур ва оид маълумотлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016, №1. – 42-50-бетлар.



Бобурнинг тож кийиб
Фаргона тахтига чиқиши.

Coronation of Babur
et accession au trône de Ferghana.

Амир Темур сиймоси — ўзбек адабиётида

Буюх Соҳибқирон сиймосининг ўзбек адабиётидаги тарққини ҳақида сўз борганда, авваламбор, улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур тўғрисида қўглаб фольклор асарлари яратилгани ва эл орасида айтилиб ҳамда қуйланиб келинганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Аммо бундай намуналарнинг қўслари, тўғловчилик ишлари асосан шўро даврида бошлангани учун ҳам, ўз вақтида ёзиб олинмаган. Оқибатда уларнинг аксарияти, халқ оғзига ижоди табииати тақозосига қўра, унутилиб кетган¹.

Шунга қарамай, оз миқдорда бўлса ҳам, бизгача етиб келган фольклор асарлари, «Жангномаи Амир Темур», «Қиссаи Амир Темур» каби киссалар, яъни халқ китобларининг мавжудлиги, Т. Мирзаев таъкидлаганидек, ўзбек фольклорида Амир Темур сиймоси меҳр билан яратилганини, Соҳибқироннинг фольклорлаштирилган образи юзга келганини асослашга имкон беради².

Мажҳуд фольклор асарларида Амир Темур улуғ бунёдкор, енгилмас саркарда, ўз юрти ва элининг жонқуяр ҳимоятчиси, садоқатли ва вафодор инсон, фарзандлари ва невараларининг донишманд отаси ва бобоси, одил ҳамда адолатли ҳукмдор сифатида намоён бўлади. Соҳибқирон фаолияти билан боғлиқ қўглаб нақлий асарлар, хусусан, Бибиҳоним мадрасаси қурилиши ҳақидаги туржум ривоятлар, «Амир Темур ва Носир Хусрав» эртаги, Рўзи бахши Қўлтўра уелидан ёзиб олинган «Соҳибқироннинг туғилиши», машҳур Умир шоирнинг ўғли Чори Умировдан ёзиб олинган «Соҳибқироннинг туғилиши ва ёшлиги», истеъдодли бахши Қаҳҳор Раҳимов қуйлаб келатган «Темур ва Боязид» дostonлари бу фикрни яққол исботлайди³.

Ўзбекистон Фанлар академиясида ўзбек халқи Амир Темур тўғрисида яратган киссалардан айримлари сақланмоқда. Шулардан бири «Қиссаи Амир Темур»⁴ деб номланади. Бу қиссада Амир Темурнинг ёшлик йиллари, Бухорода таълим олган пайти, Бухоро ҳукмдори Баёнқулхоннинг кизи Гулшоднинг ёш Темурбекка муҳаббати мароқ билан тасвирланган. Энг муҳими, Соҳибқироннинг сиёсий ва харбий фаолияти бадийи буюқларда кўрсатилган⁵.

Кейинги бадийи қисса — «Темурнома»⁶ бўлиб, асар П. Равшанов томонидан 1990 йили нашрга тайёрланган ва Тошкентда нашр этилган «Амир Темур Қўрагон жангномаси»га уйғундир⁷. «Амир Темур Қўрагон жангномаси»⁸ нинг муаллифи Саломхиддин Тошкандий ҳисобланади.

¹ Чорн Бахши Умиров. Темурбекнинг туғилиши ва болалиги (дoston). — Қарши. «Насаф» 2011. — 124 бет.

² Мирзаев Т. Амир Темур халқ оғзига ижодида // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихиндаги ўрни» мавзундаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 64-бет.

³ Мирзаев Т. Амир Темур халқ оғзига ижодида // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихиндаги ўрни» мавзундаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 64-бет; Абдулмунимова О. Амир Темур ва Боязид дostonида Темур бобонинг ўғиллари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1996, № 6. — 3–5-бетлар.

⁴ Қўғлима, ш. № 537. Муаллифи Салима Муҳаммадулжаъибн Жаъфарулла. XIX аср. Ўзбек тилида.

⁵ Қаммов А. Амир Темур ҳақидаги бадийи қиссалар // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихиндаги ўрни» мавзундаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 56-бет.

⁶ Тошқисса, ш. № 3731, тоқина тилида, 1920 йилда Тошкентда нашр этилган. 1-қисми.

⁷ Темурнома. Амир Темур Қўрагон жангномаси: Ҳикматлар. Ўрта ёшлиги мактаб болалари учун / Сўз билан муаллифи ва нашрга тайёрловчи П. Равшанов. — Т.: «Чулпон», 1990. — 352 бет.

⁸ Тошқисса, 1908 йилда Тошкентда бошланган. Ўзбек тилида.

Бизгача етиб келган фольклор асарлари, «Жангномаи Амир Темур», «Қиссаи Амир Темур» каби киссалар Амир Темур сиймоси меҳр билан яратилганини, Соҳибқироннинг фольклорлаштирилган образи юзга келганини асослашга имкон беради.

Ҳар учала қиссада ҳам Амир Темур олиб борган сиёсий курашлар, ҳарбий тadbирлар бадийи либосда мароқли равишда баён этилади. Энг асосийси, Соҳибқирон фаолиятининг тарихий аҳамияти бадийи лавҳаларда тараннум этилган. Хусусан, бир ўринда Амир Темур номидан Рум мамлакатига юборилган элчиларнинг Самарқандга қайтиб келгани тасвирланади. Соҳибқироннинг элчиларга бош бўлган ёш, аммо юксак иқтидорли набираси Мирзо Улуғбек буюк бобосига Румдан келтирган совғасини тақдим этади. Бу совға машҳур шоир ва мутафаккир Жалолоддин Румийнинг бутун Шарқ дунёсида танилган «Маснавий маънавий» асарининг қўлэмаси эди. Амир Темур бу совғадан ғоят шод бўлиб, севиқли набирасини куп дуолар қилади.

Амир Темур киссаларини бадийи адабиётнинг бебаҳо мулки сифатида синчиклаб ўрганиш, улар юзасидан манбапунослик нуқтаи назаридан чуқур тadқиқотларни амалга ошириш, А. Қаюмов қайд этганидек, олдинда турган муҳим вазифалардандир¹.

Ўзбек олимларидан яна бири – академик Б. Назаров Амир Темур сиймосини бадийи адабиётда акс эттиришнинг уч тамойили мавжуд эканини таъкидлаб, уларни қуйидагича таснифлайди²:

биринчи тамойил – Темурийлар салтанати ва Темурийзодалар ҳукм суриб турган миқтакалар адабиётда бу сиймо, кўпроқ, идеаллаштириб тасвирланган;

иккинчи тамойил – Амир Темур ва Темурийзодалардан азият курган ҳудудлар адабиётда Соҳибқирон, маълум даражада, биреклама ва ноҳолис – бузғунчи ва босқинчи сифатида акс эттирилган;

учинчи тамойил – Темурийлар оёғи етмаган мамлакатлар назарда тутилгучи жаҳон, хусусан, Ғарб адабиётда Амир Темур қиёфасидаги қудрат ва адолатни тасвирлаш хоҳиши кучли бўлган. Аммо, бунда айрим тарихий манбалардаги ноҳолис маълумотлардан фойдаланиш, асл тарихий манбалар етарли бўлмагани, борларининг ҳам таржима қилинмагани, шу боис, бадийи тўқимага керагидан ортқ ўрин бериш, ўзга миллий руҳни акс эттириш санъатидаги этишмовчилик хаби хошларни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Бундай ҳолатлар, умуман, ижобий баҳога молик бу йўналишдаги бадийи асарлар туркумида талкин этилган Соҳибқирон қиёфасини ҳам, Б. Назаровнинг фикрича, тўлақонли ва тарихий ҳақиқат жиҳатидан ёрқин дейишга шояшмаслик учун асос беради.

Олим, шунингдек, шўро даври адабиётда Амир Темур сиймосига муносабатда икки тамойил намоён бўлганига эътиборни қаратади³.

Биринчиси: Соҳибқирон тимсолида Ватан мустақиллиги, эрк, озодлик, бирлашиш ғоялари тарғиб этилди. Абдурауф Фитратнинг 1918 йилги «Темур сағанаси» номли асари шу йўналишда яратилган бўлиб, шўро ҳукумати, сиёсати, адабиётчилари томонидан кескин ва шафқатсиз зарбага учраган.

Иккинчиси: Амир Темур қиёфаси шўро сиёсатига мослаб, империя манфаатлари нуқтаи назаридан, тарих ҳақиқатига зид ра-

¹ Қалъига А. Амир Темур ҳақидаги бадийи киссалар // «Амир Темур ва унинг аълои тарихидаги ўрни» мавзусидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 57.

² Назаров Б. Ҳозирги ўзбек адабиётда Амир Темур сиймоси // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзусидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 57-бет.

³ Назаров Б. Ҳозирги ўзбек адабиётда Амир Темур сиймоси // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзусидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 58-бет.

вишда, ноҳолис тасвирланди. Ёзувчи С. Бородирнинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпопеяси, қозоқ адиби Абиш Кекилбоевнинг «Афсонанинг туғиши» (1974), Озарбайжон адиби Исо Гусейновнинг «Қиёмат» (1978) романларини ана шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Бундан ташқари, Ойбекнинг «Навоий», Мақсуд Шайхондиннинг «Мирзо Улуғбек», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» каби собиҳ тазуум замонида ёзилган яна бир туркум асарлар борки, уларнинг муаллифлари Соҳибқирон сиймосига йўл-йўлакайгина ишора қиладилар. Ишоралар замиридан, Б. Назаров таъбири билан айтганда, «Темурага гоҳ хайрихоҳлик ва муҳаббат, гоҳ мафкура тағйидан қўрқиб туфайли уни турткилаш сезилади»¹.

Умуман, шўролар сиёсати Амир Темуру сиймосининг уша давр адабиётини да ижобий, на зиддиятли ва на мураккаб инсон сифатида талкин этилишига йўл қўймаган. Амир Темуру шахсини холис ва ҳаққоний ёритишга жазм этган Иброҳим Муминовнинг рисоласидан рағбатланган Ойбек умрининг сўнгги йилларида Соҳибқирон ҳақидаги дoston устида жадал иш бошлагани маълум. Ойбекнинг ижодхонасида, А. Рустамийнинг ёзишича, «ислоҳ қилинган араб ёзувида битилган 20 саҳифалик дастхат бўлиб, Ойбек музейида, алоҳида жуздон (папка) да (акт 460) сақланмоқда. Бу дастхатнинг ўн саккиз саҳифасида Руи Гонсалес де Клавихонинг саёхатномасидан олинган маълумот битилган»². Бу Ойбек Амир Темуру тарихи учун бирламчи манба бўлган ушбу китобнинг русча нашрида берилган нодир маълумотларни қайд этганидан, демакки, Соҳибқирон ҳақидаги ижодий асар учун материаллар тўплаганидан даҳолат беради. Афсуски, олим И. Муминовга қарши ҳужумлар шоирни ҳам умидсизлантириб қўйган. Оқибатда эса, дoston поёнига етмай, чала қўлёзма ҳолида қолиб кетган.

Уша даврда, яъни XX асрнинг 60-йиллари охириларида Асқад Мухтор «Инсонга қулуқ қиладурман» номи хикоясини ёзган. Аммо, Амир Темурнинг мураккаб ички дунёсини ёритишга бағидаланган бу аjoyиб асарни фақат 90-йилларнинг бошидагина чоп этиш имкони туғилди.

Кейинги даврларда ҳам ушбу йўналишдаги эзгу анъаналар давом этиди. Хусусан, XX асрда мустабид шўролар тузумининг мафкуравий таъйикларига қарамай, ўзбек адабиётини Амир Темуру ва темурийларга доир бир қатор асарлар яратилди. Бу борада атоқли адиб, ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг Амир Темуру ва темурийлар тарихи мавзусидаги илмий-ижодий асарлари алоҳида диққатга лойиқдир. Адибнинг «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довоғи», «Она лочин видоси» романилари, «Тил ва эл», «Амир Темуру сиймоси» каби илмий бадиалари миллий адабиётнинг олтин хазинасидан жой олган.

П. Қодировнинг «Амир Темуру сиймоси»³ романи Амир Темуру сиймоси ҳақида миллий ва умуминсоний мижёсларда ҳаққоний ва янги-гича тасаввур беради. Асарда энг нуфузли тарихий манбаларга асосланган илмийлик билан тажрибали, истеъдодли адибнинг бадиий маҳорати уйғунлашиб, бир-бирининг таъсир кучини оширади. Шу туфайли роман чиндан содир бўлган оламшумул тарихий воқеаларни ва уларнинг бош қаҳрамони – Соҳибқирон шахсиятини қизиқарли сюжет,

¹ Назаров Б. Қозирги ўзбек адабиётини Амир Темуру сиймоси // «Амир Темуру ва унинг жон тарихинидаги ўрни» аламузилдаги вадларо конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь. Тошкент. – Т. 1. – 9-б.мақола. 1996. – 38-бет. Бағтиёр Назаров. Фитрат ва Бунин // Тафаккур, 2015. № 4. – 64-70-бетлар.

² Алёбек Рустамий. Амир Темуру ва Ойбек // Ўзбекистон адабиёт ва санъати, 1993, № 39-40.

³ П. Қодиров. Амир Темуру сиймоси: илмий бағма. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 248 бет. Санъод А.Х. Амир Темуру маълумот устидангина шев // Мехрда йўриқлигикикилик. Тўғилам. – Т.: 2008. – 91-95-бетлар

Темуру Тарағай – арслон
каби султон,
Оламни кезиб чиққан
шоғи жаҳон.
Асанда шарқий насоб
бу ҳужумрон,
Жаҳонни аёл ила
қилди навқирон.

Шарафиддин
Али Яздий

романбин тафаккур ёрдамида улугвор жозоба билан курсатади. Адибнинг бошқа бир асари – «Тил ва эл»¹ илмий бадисии Темурийлар давридаги мултоз адабий тилимиз муаммоларига бағишланган. Шунингдек, П. Кодировнинг «Амир Темур сиймоси. Шохрух ва Гаъхаршод»² асари нашр этилган.

Шоир адибларимиздан Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Сохибкирон»³ номили шеърый дostonи адабий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, севимли шоиримиз ижодида Амир Темур номи илк марта 1964 йилда ёзила бошланган ва 1970 йилда тугалланган «Ўзбекистон» касидасида тилга олинди:

*Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илағай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мазийни бироқ,
Ўтмишингни уйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди маарур, дабонгир,
Икки аср ярим дунёни
Зир қаҳшатиди Буюк жаҳонгир.
Айтгум, бу хун, у маним, маним.
Ўзбекистон, Ватаним маним»⁴.*

Истибод йилларида бундай мисраларнинг эълон қилиниши наинки дарғумон, балки хавфли ҳам эди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи куйидагиларни эслайди: «Ватанимга аталган ўша касидани «Совет Ўзбекистони» (hozирги «Ўзбекистон овози») газетасига олиб бордим. Шеър муҳаррирга жуда маъқул бўлди, у киши, ҳатто мени бу муваффақият билан табриклади. Аммо шарт кўйди.. Хуллас, газетادا касидамни чиқаролмадим. У, орадан анча вақт ўтгач, раҳматли Зулфия опанинг катта саяъ-ҳаракатлари билан «Съодат» журналдада чоп этилди. Шунда ҳам «жиндай» таҳрир билан – «дейман» сўзи «демам» деб узгартирилди. «Буюк жаҳонгир» сўзлари «оқсоқ жаҳонгир» сўзлари билан алмаштирилди».

Ўшбу шеърнинг яна бир ўрнида Алишер Навоийнинг жаҳоний даҳо шоир эами шундай қиёслаш орқали очиб берилади:

*Беш асрким, назмий саройини
Титратади занжирбанд бир шеър.
Темур тивн етмаган жойини
Қалам билан олди Алишер»⁵.*

Истиклол йилларида шоир Амир Темур сиймосига баралла мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Абдулла ака 1995 йилда ёзилган «Сохибкирон» дostonидан ташқари Амир Темур сиймосининг турли жиҳатларини очиб берувчи «Темур боғлари», «Темур тоши»,

¹ П. Кодиров. Тил ва эл: Темурийлар давридаги мултоз адабий тилимиз муаммолари: илмий бадиса. – Т.: Гафур Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005. – 248 бет.

² П. Кодиров. Танланган асарлар. Жилд IV: Амир Темур сиймоси. Шохрух ва Гаъхаршод. – Т.: «Шарк», 2013. – 480 бет.

³ Орипов, Абдулло. Танланган асарлар: 4 жилдик. 2-жилд: шеърлар ва дostonлар. – Т.: Гафур Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 2007. – 379–462-бетлар.

⁴ Ўша асар. – 178-бет.

⁵ Орипов, Абдулло. Танланган асарлар: 4 жилдик. 1-жилд: шеърлар ва дostonлар. – Т.: Гафур Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005. – 179-бет.





Зангиота зибратгоҳи,
Тошкент вилояти, XIV аср охири.

Ensemble de Zangi Ata,
Région de Tachkent, fin du XIVe siècle.

Занги ота мақбарасидан ташкилланган дахна - Ёшларфи
шайхлидаги қуринишга эга арабча ёзув билан қуръам сураганган

Le portail du mausolée Zangi Ata, décore de la citation arabe.

«Оқсарой» каби шеърлар ҳам ёзди. Шоирнинг «Темур» шеъри 1993 йилда ёзилган ва кейинчалик «Сохибқирон» дostonига муқаддима сифатида олинган. Шеърда улкан давлат тузган, жаҳоннинг куркига айланган Самарқанд, Шаҳрисабздек шаҳарларни раванк топтирган сиймо образи мужассамлашган.

«Сохибқирон» дostonи ўзбек адабиётида буюк жаҳонгир сиймоси талқинига бағишланган салмоқли асар бўлди. Мамлакатимиз театрларида муваффақият билан қўйилди. Бинобарин, А. Орипов тарихий воқеаларга асосланиб, «адолат ва дини ислом ҳимояси деб ер юзини фатҳ айлаган, тартиб урнатган» буюк сиймонинг образини яратишни мақсад қилган ва бунга муваффақ бўлган. Драма ўзининг замонавий руҳи билан ҳам ажралиб туради. Шоир «Сохибқирон» асарини утмишга боқиб, бугун учун ёзганим», дегани бежиз эмас, бунинг замирида катта маъно бор. Сохибқироннинг шоир тилидан айтилган куйидаги сўзлари Ватан ва Миллатни асраш учун ўз авлодларига, яъни бизларга, замондошларимизга даъвати васиятдек жаранглайди:

*Буюк давлат барно этдим,
Тангрига шукр,
Золимларнинг тааррузми қўлларини мен
Мазлумларнинг этагидан қўқиб ташладим.
Маслаҳ ила тариқатни ҳимоя айлаб,
Монъ бўлдим имонсизлик, зуравонликка.
Сиз миллатнинг дардларига дармон бўлингиз,
Йуқсулларни асло бойлар зулмига берманг.
Орингизга сира-сира тушмасин нифох,
Умр буйи ҳазар қилинг мунофиқлардан,
Болаларим, хошлардан бўлинг эҳтиёт,
Инсон зоти кўп нарсага чидайди, аммо
Гар адолат ноймол бўлса – тоқат қилолмас.
Адолат ва озодаликни муқаддас билинг.
Йўлдошингиз бўлсин доим ақлу тажриба,
Ҳар кимларнинг қутқусига дафъатан учманг...
Тоғу тахтини мендек узоқ сақлай десангиз,
Киличингиз ўйлаб чекинг, бўлинг ҳамжиҳат.
Шунқорларим, адолатни дастур қилингиз,
Энг аввало, Ватан ила Миллатни асранг!*

Асарда Амир Темур ҳаётининг сўнгги йилларида кечган воқеалар тасвири орқали «Куч – адолатдадир» деган ақидани ўзига шоир қилиб олиб, тарқок улусларни бирлаштириб буюк давлат тузган, ҳамма жойда яратувчилик, бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган, лашкарбошликни ҳарбий санъат даражасига кўтарган сиймо гадаланади.

Дostonда Сохибқироннинг саркардалик маҳорати билан биргалликда чуқур инсоний фазилатлари, атрофидагиларга, қўшинига бўлган меҳр-муҳаббати, элу юртга севгиси, деярли бутун умри от устида яъчиб чеккан зақматларининг боиси – миллатнинг, Ватаниннг дардларига малҳам бўлгани, ўз улусининг бахт-саодатини ўзининг ҳаловатидан устун қўя билгани, тарқок улусни бирлаштириб, адолат билан бошқара олгани тарихан ҳаққоний давҳаларда очиб берилган.

¹ Орипов, Абдулова. Таъриҳий асарлар: 4 ҷилдлик. 1-ҷилд: шеърлар ва дostonлар. – Т.: Бедар Гулшан нashидаги Алфбейт ва санъат нашрияти, 2000. – 379-482-бетлар.

Академик Бахтиёр Назаров таъкидлаганидек, Абдулла Орипов ўз асарига тарихий жанр талабларига изчил амал қилса-да, бадийят ва тахайюл тизгинини эркин қўяди. Амир Темур даҳоси, табиғатдаги мураккаблик ва зиддиятлар ҳамда маънавий дунёдаги кудрат асосларини бадийий кўрсатиш бу асар меҳварини ташкил этади. Абдулла Орипов Темур билан Ҳизр қиёфасидаги Яссавий баҳсида бу икки буюк зотнинг қалб ва кудратга доир низоҳатда чуқур қарашларини бадийий гадалантиради ҳамда уларга муносабатдаги ўзининг залворли фалсафий ғояларини илғари суради. Драмада юксак тарихийлик билан баробар замонавийлик руҳи ҳам терандир¹.

Амир Темур сиймоси талқини шоирнинг мақола ва суҳбатларида ҳам чуқур талқин этилган. Бу жиҳатдан «Халқ сўзи» газетасининг 1996 йил 17 октябрь сонидagi Абдулла Ориповнинг «Улуғ ғоялар улуғ инсонларни вояга етказди»² деб номланган суҳбати, айниқса, эътиборлидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, уттизга яқин шеърли, насрий, публицистик ва таржима китоблар муаллифи Муҳаммад Али шу мавзуда қалам тебратётган ижодкорлар орасида алоҳида урин ва мавқега эга. Муҳаммад Али ижодида Амир Темур тарихи салмоқли урин тутади. Адиб бу мавзуда шеърлар, публицистик мақола ва эсселар ёзди. «Гумбаздаги нур» (1967) достонини яратди, «Сарбадорлар» (1989) тарихий дилогиясида ўзбек прозасида илк марта Соҳибқирон образини чизиб берди.

Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романи Муस्ताқиллик арафасида, бошқа жуда кўплаб масалалар катори Амир Темурга нисбатан ҳам адолатли қарашлар ниш урган даврда майдонга келди. Асарда Амир Темурнинг сарбадорларга муносабати масаласида эски тузумга хос нуқтаи назарга қарама-қарши фикрнинг бадийий ифодалиб берилгани диққатга моликдир. Б. Назаров асосли талқин қилганидек, М. Али тарихий маълумотларга суяниб Соҳибқироннинг сарбадорлар ҳаракатига ижобий муносабатини, Амир Темурнинг бу ҳаракатга ва айнаи вақтда, мазкур ҳаракат ғояларининг Соҳибқирон зиддиятларига таъсирини ҳамда бу ўзаро таъсирдаги мураккабликлар, зиддиятларни биримчиладан булиб бадийий адабиётда гадалантирди³.

Адибнинг кейинги даврда ёзган тарихий романи - «Шоҳрух Мирзо»⁴ деб номланганидан билиш мумкинки, бу асар ҳам Соҳибқирон ва ул зотнинг суронли даврига бағишланган. Янги асар Муҳаммад Али томонидан қатъият ва изчиллик, илҳом ва эҳтиром билан яратиб келинган «Улуғ салтанат» тетралогияси таркибига кирувчи тўртинчи китобдир. Адибнинг ушбу китоби ҳақида фикр айтишдан олдин аввалги романдари ҳақида қисқача тўхталиб лозим.

Даставвал, Муҳаммад Али томонидан Соҳибқирон ва унинг суронли даврига бағишлаб, 1999 йилда ёзилган «Жаҳонгир Мирзо»⁵ ва 2004 йилда битилган «Умаршайх Мирзо»⁶ романдарини ўзига камровчи тарихий дилогия яратилган эди. Ўзбекистон Республикаси

¹ Назаров Б. Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» маълумотидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь. Тошкент. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 61-бет.

² «Халқ сўзи» газетаси, 1996, 17 октябрь.

³ Назаров Б. Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» маълумотидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь. Тошкент. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 59-бет.

⁴ Муҳаммад Али. Шоҳрух Мирзо. - Т.: «Шарқ», 2013. - 500 бет.

⁵ Муҳаммад Али. Жаҳонгир Мирзо. - Т.: «Шарқ», 2003. - 336 бет.

⁶ Муҳаммад Али. Умаршайх Мирзо. - Т.: «Шарқ», 2004. - 336 бет.

Президенти Фармониға мувофиқ, Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» деб номланган ана шу тарихий дилогияси 2007 йилда Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Бундай юксак эътибор ва рағбатдан руҳланган адиб кейинчалик «Улуғ салтанат» туркумига кирувчи учинчи романи – «Мироншоҳ Мирзо»¹ китобини ёзди. Милодий 1392–1399 йиллар воқеалари ҳақида сўз борган ушбу жўшқин асар ҳам муҳлисларда катта таассурот қолдирганини айтиб ўтиш лозим. Шундан сўнг адиб «Улуғ салтанат» туркумига кирувчи тўртинчи романи – «Шоҳрух Мирзо» асарини ёзди. Шу тариха буюк Соҳибқирон бобомизнинг тўрт нафар фарзанди аржуманди – Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзо ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган кенг камровли тетралогия дунёга келди.

Бу ҳақда адибнинг ўзи «Шоҳрух Мирзо» асари хотимасида шундай қайд этади: «Соҳибқирон ҳақида асар ёзишга киришганимда, сўзни нимадан бошлашни билмай, бошим қотди. Бу улкан осмонлар тоғ эди, у чамага сизмас, ақла буй бермасди. Бунда табиатнинг ўзи ёрдамга келди: унда тўрт фасла бор эди, баҳор, ёз, куз, қиш. Дунёнинг ҳам тўрт томони бор, шар, ғарб, шимол, жануб. Инсон умрининг ҳам тўрт фасли маълум – болалик, йигитлик, етуклик, кексалик. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам тўрт ўли бор эди – Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзо... Бас, Соҳибқирон ҳақидаги китоб тетралогия-эпопея бўлиши ва китобнинг ҳар бири бир ўли исми билан аталиши лозим, номи «Улуғ салтанат» деб қўйилсин. Эпопеянинг бош қаҳрамони Амир Темурдир»².

Шундай қилиб, адибга узоқ йиллар давомида илҳом бағишлаб келган, айни вақтда, оромини ўғирлаган улуғвор ижодий иш – тарихий эпопея ниҳоясига етди. Мағрибу Машрикда асрлар давомида Амир Темур ва темурийларга бағишланган минглаб китоблар битилган бўлса ҳам, лекин бундай улкан кўламли асар, яъни Соҳибқирон бобомиз ва фарзандлари ҳақида тўртта китобдан иборат тарихий эпопея ҳали яратилмаганини таъкидлаш зарур. Ва шу фактнинг ўзи ҳам бу асарларни, яқин тетралогияни адиб ижодидаги жуда катта ютуқ, миллий адабиётимизда эса гоёт муҳим янгилик, деб баҳолашга муносибдир.

Муҳаммад Али ўз тетралогиясида халқимизнинг бундан қарийб етти аср олдинги ҳаёти, ўша давр ижтимоий жараёнларини ёрқин бадий буюқлар ва аниқ тарихий фактлар асосида маҳорат билан тасвирлайди. Энг муҳими, адиб Амир Темур образида тарихий ҳодисалар оқимида тадрижий ўсиб, юксак камолот даражасига эришган шавкатли зот, адолатпарвар ва ҳалол, мард ва ватанпарвар буюк сиймо тимсолини моҳирлик билан кўрсата олган.

Бу асарларда, шунингдек, марказлашган буюк давлат барпо этиш машаққатлари, кенг кўламдаги бунёдкорлик манзаралари тараннум этилган. Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқе тутмайди. Соҳибқирон ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам мадания ва илмий марказларидан бирига айлантирди. Бу улуғ зот қурдирган меъморчилик ва халқ санъатининг жавоҳирлари янглиғ бугунгача қад кўтариб турган осори атиқалар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб келяпти»³.

¹ Муҳаммад Али. Мироншоҳ Мирзо. – Т.: «Шарк», 2010. – 411 бет.

² Муҳаммад Али. Шоҳрух Мирзо. – Т.: «Шарк», 2013. – 490 бет.

³ Муҳаммад Али. Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқе тутмайди. Соҳибқирон ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам мадания ва илмий марказларидан бирига айлантирди. Бу улуғ зот қурдирган меъморчилик ва халқ санъатининг жавоҳирлари янглиғ бугунгача қад кўтариб турган осори атиқалар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб келяпти».

Муҳаммад Али қаламига мансуб тетралогияда шу каби буюк ҳақиқатлар бадиий бўёқлар ва тарихий фактлар омухталигида ўз тасдиғини топгани эътиборга сазовордир. Жумладан, охириги асар – «Шоҳрух Мирзо» китобида миллидий 1400–1409 йилларда рўй берган воқеалар ҳақида сўз боради. Асарнинг тили равоқ, ўқилиши енгил, бадиий тасвирда Амир Темури даври руҳи яққол уфуриб туриши алоҳида эътиборга лойиқдир.

Мисол учун, романда «қелбати Амир Темурга ўхшайдиган ҳокони сайид Шоҳрух Мирзо» Хиротнинг Соҳибқирон бунёд эттирган «Боғи шаҳр» мавзеида фарзандлари Бойсунғур Мирзо билан Муҳаммад Жўки Мирзонинг ҳумоюн туйларини ўтказгани мароқ ва маҳорат билан шундай тасвирланган:

«Сунбуланинг эмин-эркин эсатган танга ёқар шабадалари муазам Боғи шаҳрни буткул ўзиники қилиб олган, борлиқни беэзаган ҳуврабо ва но-валарни ошичанча, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан завжум қатта чодирларни оралаб, нафис дарпардаларни силаб-сийлаб ўтар, уйнар, пушти саяқарлот саропардалар атрофида тарвона бўларди. Боғини чемидаги майдончада айвал кўчқор уриштириш бўлди, сунг хурозларга навбат етди... Бир ҳафта давом этган, хосу омга баробар соғва-саломаклар улашилган даб-дидбали тўй овзаси рубий маскунини пучмоқ-пучмоқларига бориб етди»¹.

Адиб навбатдаги сатрларда: «тўйдан икки кун кейин худди шу ернинг ўзида машварат чақиртирилди. Бунинг ноҳуш сабаби Турондаги нотинч ва танг вазиятга бориб тақаларди» деб қайд этар экан, тўй ва нотинчлик манзараларини бир-бирига қарши қўйиш йўли билан ўша даврнинг зиддиятли ҳаётини ҳаққоний акс эттиришга, бор бўйи билан очиб беришга муваффақ бўлган.

Муаллиф жаҳон пойтахтига айланган Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларини меҳр билан тасвирлайди. Шунинг ҳам қайд этиш жоизки, адибнинг янги романи адабиётимизда Соҳибқирон Амир Темури ва те-мурий шаҳзодалар образини яратиш йулида қўйилган яна бир кўптуф қаламдир. Асар қаҳрамонлари орасида Амир Темури, Сароймулхоний, Шоҳрух Мирзо, Муҳаммад Султон, Халил Султон, Улуғбек Мирзо, Хонзода хоним, Туман оқа, Гавхаршод бегим сингари тарихий шахслар образлари гоаят ишонарли яратилган.

Қиссача айтганда, таниқоти адиб Муҳаммад Алининг «Шоҳрух Мирзо» номли романини ва умуман, «Улуғ салтанат» тетралогиясини Президентимизнинг ёзувчиларимизга мурожаат қилиб: «жонкуяр ва фидойи адибларимиз ўзбек адабиётининг муқаддас аъёналари-га садоқатли бўлиб, уларни муносиб давом эттирган қолда ижод қиладилар ва янги-янги гўзал асарлар билан халқимизни қушвуд этадилар, деб ишонаман», деган даъватига долзарб жавоб сифатида қабул қилиш аниқ муддаодир.

Истиқлол Амир Темури ҳақида адабий жанри ва бадиий савияси турлича бўлган кўплаб илмий ва адабий-бадиий асарлар яратилишига кучли туртки берди. Бу асарлар қаторида, жумладан, Бурной Ахмедовнинг «Амир Темури» тарихий-хроникал романи, Евгений Березиковнинг «Буюк Темури» романи, Хуршид Давронининг «Бибиқоним қиссаси ёки тугамаган дoston» эссеси, Озод Мўминнинг «Буюк Амир Темурининг ёқути» номли тарихий-фантастик қиссаси, Урфон Отажоннинг «Ҳумоюн қабул» ҳикояси, Темури Убайдуллонинг дostonи, ўнлаб шеърларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Қозоқ адиби Саурбек Бакбергенов қаламига мансуб «Темурининг ўлими» қиссасида ҳам Соҳибқирон сиймосини адолатли ёритишга интилиш сезилади.

¹ Муҳаммад Али. Шоҳрух Мирзо. - Т.: Шарқ, 2013. - 500 бет.



Хилда Хукхемин «Этти
илми султони» асари инглиз
ва ўзбек тилларида.
Лондон. 1962; Тошкент. 1999.

Live d'Hilda Hookham
«Tamerlan le Conquerant»,
édité en anglais et en ouzbek.
Londres. 1962, Tachkent. 1999.

Утган давр Амир Темур сиймоси тараннум этилган драматик асарларга ҳам бой бўлди. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Тура Мирзанинг «Амир Темур», Маъруф Жалилнинг «Соҳибқирон», Асрор Самаднинг «Соҳибқирон Темур»¹ сингари асарлари шулар жумласидандир.

1992 йил 17 июнь куни хозирги Ўзбекистон Миллий академик драма театрида режиссёр Карим Йулдошев томонидан Асрор Самаднинг «Соҳибқирон Амир Темур» номли сахна асари намойиш этилди.

Гал шундаки, асар сахна юзини кўрмасиданоқ кўплаб бахслар, турли мунозараларга сабаб бўлди. Кимдир уни Кристофер Марлонинг «Буюк Амир Темур» пьесасининг таржимаси деса, кимдир инценировка², деб атади. Кимдир эса, муаллиф асар сарлавҳаси тағига «Кристофер Марло оҳангларида», – деб ёзганига сабаб, унинг К. Марлога булган юксак хурмати рамзи дея баҳолади.

Маълум бир маънода, ушбу бахс-мунозараларнинг ечимини китобхонларнинг ўзига ҳавола этган муаллиф асар билан биргаликда соҳа мутахассисларининг тақризларини бир жойга тўплаб «Соҳибқирон Амир Темур («Соҳибқирон Амир Темур» асари ҳақида мутахассислар фикрлари)»³ номли тўпламини нашр эттирди.

Юртимиз ижод аҳлининг Амир Темур ва темурийлар мавзудидаги истиқлол даври асарлари ҳақида сўз борганда, Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг «Самарқанд ҳаёли»⁴ номли тарихий ва маърифий бадиалардан иборат китобини алоҳида қайд этиш зарур. Ушбу китоб ибратли, хикматли ривоят ва афсоналарга бойлиги билан укувчига манзур бўлади. Шунингдек, адиб Амир Темур ва унинг садақатли умр йўлдоши – малика Бибиҳоним ҳақида ҳикоя қилганидан «Соҳибқирон набираси»⁵ асарини ҳам нашр эттирган. Китобдан муаллифининг «Бибиҳоним қиссаси ёхуд тугамаган дoston», «Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ривоят», «Соҳибқирон набираси ёхуд митти колдуз қиссаси» каби тарихий-маърифий бадиалари жой олган.

Ижодкорнинг бадиий даҳоси асар саҳифалари орқали Амир Темур ва Мирзо Улуғбек замониغا ҳаёлан юриш қилиш, таърифи жаҳонга машхур жаҳонгир ҳаёти ва фаолиятининг шонли лаҳзаларига гувоҳу шохид бўлиш, Соҳибқирон набирасининг болалик ва ёшлик чоғлари билан танишиш имконини беради. Китобга «Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳаётининг солномаси» илова қилинган. Хуршид Даврон айни мавзудаги публицистик мақолалари билан матбуотда ҳам катор чиқишлар қилган⁶.

Нарзулла Аҳмедовнинг «Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат»⁷ асарида Соҳибқироннинг болалиги, яқка ҳукмронлигининг урнатилиши, қудратли Темурийлар давлатининг вужудга келиши, харбий юришлари, ташқи ва ички сиёсати, маънавияти ва унинг хозирги кундаги аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

¹ Асрор Самад. Соҳибқирон Темур. Драма ва хикоялар. – Т.: «Ёзувчи», 1993. – 103 бет.

² Инценировка – бадиий адабиётда, маълум бир воқеани янгиликдан ёзиб, лекин ушбу иш билан таъсирлашга ёки ушбу воқеани бошқа йўл билан жонлантиришга айтилади.

³ Асрор Самад. Соҳибқирон Амир Темур (Иккинчи парда, ўн кўриниш) тарихий драматик шеърлик қисса // «Соҳибқирон Амир Темур» асари ҳақида мутахассисларнинг фикрлари / Масъул муҳаррир А. Муҳаммадов. – Т.: Албатилт унвустари, 2013. – 177 бет.

⁴ Хуршид Даврон. Самарқанд ҳаёли / Тарихий бадиалар. – Т.: «Камалак», 1991.

⁵ Даврон Х. Соҳибқирон набираси. – Т.: «Шарқ», 1995. – 385 б.

⁶ Даврон Х. Амир Темур ёзилари // Ўзбекистон овози. 1994, 29 март; Даврон Х. Бузгорнинг тобора ушлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994, 15 апрель.

⁷ Аҳмедов Н. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. – Т.: Кўмушор бош тақриричи. 1996. – 96 бет.

Владимир Соснин ва Муҳаммад Очилнинг «Амир Темур гори ажайиботлари»¹ китобига эса, Амир Темур фаолиятининг бошланғич даврларида халқ томонидан айтиб юрилган афсона ва тарихий лаҳзалар, шунингдек, муаллифларнинг Темур гориغا сафари билан боғлиқ кечинмалари киритилган.

Малик Муродовнинг «Соҳибкирон сабоклари»² китобида жамланган Амир Темур ҳақидаги ривоят ва афсоналар ҳам илмий-тарбиявий жиҳатдан қимматлидир.

Таниқли публицист Ҳаким Сатторий мавзуга доир биринчи мақоласини 1990 йил октябрь ойида ўзи иштирок этган экспедиция якунлари бўйича ёзган³ бўлиб, шу асосда кейинчалик Амир Темур салтанатига сафарлар рўқндаги 30 та мақоладан иборат «Хотира қарвони»⁴ китоби юзга келган. Ижодкор, шунингдек, «Амир Темур севган юрт»⁵, «Олтин силсила»⁶, «Ҳазрат Соҳибкирон»⁷, «Соҳибкирон абадияти»⁸ каби ўнлаб китоблар ва юзга яқин мақолалар муаллифидир. Ушбу асарларда Соҳибкирон образи воқеалар марказига қўйилган ҳолда бу элнинг лашкарбоши, давлат бошичи, ҳукмдорлиги, айни пайтда меҳрибон ота, бобо, қариндош, дўст сифатидаги фазилат ва хислатлари ишонarli деталларда тарихан ҳаққоний тасвирлаб берилadi.

Хусусан, Ҳ. Сатторийнинг «Ҳазрат Соҳибкирон» асарида Темур яшаб, буюк империя, марказлашган қудратли салтанат тузиб, уни мустақкамлаб кетганидан кейин ўтган 600 йил давомида дунё сиёсий харитасида юз берган ўзгаришлар, Соҳибкирон Ватанида рўй берган жаҳоншумул бунёдкорликлар, ҳосиятли анъаналар мисолида давом этаётгани ҳақида салмоқли фикрлар билдирилган. Дунёда глобаллашув тезлашаётгани ҳамда цивилизацияларнинг ўзаро яқинлашаётгани ва бирлашаётгани, марказлашган давлатлар ва иттифоқлар вужудга келаётгани Амир Темур яратган қудратли давлат тизими, бутунги ривожланган мамлакатлар учун ҳам тарихий ибрат намунаси бўлиб қолаётганини исботлайди.

Ёзувчи Нурали Қобул қаламига мансуб «Буюк Турон амири ёҳуд ақд ва қилич» романи⁹ ҳам тарих сахнасида қуёшдай порлаган икки буюк давлат – Темурийлар ва Бобурийлар салтанатининг тамал тошини қўйган бетакрор шахс, Қашқардан Босфоргача, Ҳинд океанидан Урал тоғларигача бўлган жузғофил кенликларда яшовчи элу элатларнинг миллий қаҳрамонига айланган, улар кечмиши ва шон-шарафининг мангу тирмоли, жаҳонни ларзага келтирган буюк сийло – Амир Темур ҳақидадир. Асарда улуг аждоқимизнинг ўз халқи ва Ватанига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, садокати уни халқчилик юксалтиққа кутарганлиги бадий-тарихий бўёқларда жозибали тасвирланган.

Н. Қобулнинг «Етти иклим хоқони ёҳуд ақд ва тахт» романи¹⁰ олдинги, «Буюк Турон амири ёҳуд ақд ва қилич» асарининг тадрижи¹¹

¹ Соснин, Владимир, Муҳаммад, Очил. Муҳаммад, Амир Темур гори ажайиботлари (тарихий лаҳзалар) – Т.: «Чулпон», 1992. – 32 бет.

² Соҳибкирон сабоклари / тузувчи-муаллиф М. Муродов. – Т.: «Янги аср», 1996. – 168 бет.

³ Амир Темур ўтган ашулар бўлиб ёшлар юртини уюштиришга, сафар қилиш бўлиди / «Еш ленинчи» (Хотира «Туркистон») газетаси, 1991, 3 январь.

⁴ Сатторий Ҳ. Хотира қарвони (Амир Темур салтанатига сафарлар). – Т.: «Шарқ», 1994. – 130 бет.

⁵ Сатторий Ҳ. Амир Темур севган юрт. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 126 бет.

⁶ Сатторий Ҳ. Олтин силсила. (Насабнома, сонома, шажара). – Т.: «Шарқ», 2006. – 136 бет.

⁷ Сатторий Ҳ. Ҳазрат Соҳибкирон. (Эссе-роман, сафарномалар). – Т.: Фаёур Гулом номидagi Адабиёт ва санъат назарияси, 2005. – 350 бет.

⁸ Сатторий Ҳ. Соҳибкирон абадияти. (Темурий шахслар ва мамлакатлар ҳақида). – Т.: «Тарихкор каноати», 2011. – 300 бет.

⁹ Қобул, Нурали. Буюк Турон амири ёҳуд ақд ва қилич. Роман. – Т.: «Шарқ», 2011. – 480 бет.

¹⁰ Қобул, Нурали. Етти иклим хоқони ёҳуд ақд ва тахт. Роман. – Т.: «Шарқ», 2014. – 480 бет.

давомидир. Роман моҳият эътиборига кўра Амир Темур шахсини кўп хирраларда гавдалантириши билан бирга, тарихимизнинг бугунги нури кулларини, ўзликни янада чуқурроқ англашга ундайди.

2014 йилда Н. Кобул юқоридаги икки тарихий романининг узвий давоми сифатида «Султоннинг сўнгги кўни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамышхон»¹ китобини чоп эттирди. Асар Амир Темур ва темуррийлар тарихи, Соҳибқироннинг Тўхтамышхон билан бўлган ўзаро ва дипломатик муносабатларига қаратилган. Бундан ташқари, адиб, асарда лирик чекиншлар билан Амир Темурнинг ўз она халқи ва ватани, тарихи ҳамда келажаги ҳақидаги фикр ва ўйлари, мушоҳадаларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Пирмат Шермухамедов таникли адабиётшунос олим, ўзбек болалар адабиёти бўйича йирик мутахассис экани баробарида, тарихшунос публицист ва адиб ҳам эди. Унинг буюк аждоқларимизга бағишланган «Хоразм маликаси ёхуд Амир Темур келини»², «Мирзо Улугбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси»³ номили тарихий-маърифий асарлари китобхонлар томонидан қизгин кутиб олинган. «Хотираси бўлмаган, тарихи бўлмаган, кўхна асотирлар, афсоналарда, мумтоз адабиётда акс этган маънавий биографияси бўлмаган одам руҳан қашшоқликка маҳкум ва бундай одам мураккаб замонамиз ҳаётини англашга ожиздир», деган эди атоқли адиб Чингиз Айтматов. П. Шермухамедов ҳам айни масалада буюк адиб билан ҳамфикр ҳолда шундай дейди: «*Маънавий-тарихий биографиясига таянмаган адабиёт руҳан қашшоқликка маҳкумдир.*»

Шу билан бирга, ўтган даврда Амир Темур ва темуррийлар мавзуда Мирмуҳсиннинг «Темур Малик»⁴, Е. Березиковнинг «Буюк Темур»⁵ ва В. Череванскийнинг «Амир Темур. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти»⁶ тарихий романлари, Ҳилда Хукхемнинг «Етти икким султони», Гулбаданбегим Заҳириддин Бобур қизининг «Хумоюннома»⁷ китоблари, Қ. Абдиномиевнинг «Амир Темур ва Йилдирим Боязид»⁸ номили драмалар тўплами, О. Бўриевнинг «Амир Темур»⁹ шеърий романи, В. Чженнинг «Амир Темур»¹⁰ поэмаси чоп этилган.

Жойларда яшаб-ижод этаётган қаламкашларнинг ҳам ушбу мавзуга доимий қизиқиши эътиборлидир. Хусусан, Поён Равшановнинг «Амир Темур сулоласи» романи¹² Соҳибқирон ва унинг Марказий Осиё, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонда беш асрга яқин ҳукм сурган сулоласидек беназир катта хонадоннинг тавсифига бағишланган. Асарда шажаранинг бардавомлиги бевоқифа давлат аҳамиятига молик

¹ Кобул, Нурали, Султоннинг сўнгги кўни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамышхон: Тарихий роман. - Т.: «Камалак», 2014. - 576 бет.

² Пирмат Шермухамедов. Хоразм маликаси ёхуд Амир Темур келини. - Тошкент, 2006. - 135 бет.
³ Пирмат Шермухамедов. Мирзо Улугбекнинг қизи ёхуд Робия Султонбегим қиссаси. - Тошкент, 2007. - 112 бет.

⁴ Мирмуҳсин. Темур Малик. Тарихий роман. - Т.: «Шарқ», 1996. - 448 бет.

⁵ Березиков Е. Буюк Темур. Роман. - Т.: «Шарқ», 1996. - 336 бет.

⁶ Череванский В. Амир Темур. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти: тарихий роман / Владислав Череванский, Х. Дўстмуҳаммад ва А. Қарим таржимаси. - Т.: «Ўзгучи», 1993. - 224 бет.

⁷ Хукхем Х. Етти икким султони. Хўжадатли-тарихий қисса / Ҳ. Турабеков ва Ш. Сокин таржимаси. - Т.: «Адолат», 1999. - 320 бет.

⁸ Гулбаданбегим Заҳириддин Бобур қизи. Хумоюннома. - Т.: «Маънавият», 1998. - 104 бет.
⁹ Абдиномиев Қ. Амир Темур ва Йилдирим Боязид // Драмалар тўплами. - Қарши: «Иттифоқ», 2006.

¹⁰ Бўриев О. Амир Темур: шеърий роман. - Т.: «Чулпон», 1996. - 416 бет.

¹¹ Чжен В. А. Амир Темур: Поэма. - Т.: «Ўзгучи», 1998. - 190 бет.

¹² Равшанов. Поён. Амир Темур сулоласи: роман. - Т.: «Янги аср воқилои», 2014. - 652 бет.

булган оилавий тарбияга боғлиқ булганлиги, ўзбеки, шаъни, орномусни сақлаш халқимизда узоқ асрлар давомида сайқал топган миллий менталитет, урф-одатлар, удуллар бағрида етилганлиги, равнақ топганлиги, Амир Темур тамал тошини қўйган тожу тахт ворислари ҳаёт йули мисолида кенг қўлабда бадийий-тарихий талқин этилган. П. Равшановнинг «Малика Кенагас ойим ёхуд Амир Насруллонинг ўлими қиссаси»¹ китоби ҳам шу мавзунинг муайян киррасини очиб беришга қаратилгандир.

Шунингдек, яна бир қашқадарёлик қаламкаш Шарофат Ашурованинг «Илохий туни»² қиссасида Амир Темурнинг болалиги, шайх Шамсуддин Кулол қулида таҳсил олган давлари, озодлиқ ҳақиқати илк тасаввурулари қаламга олинган бўлса, «Насаф тажассуми»³ номли китобида Сохибқирон ҳаётининг Қарши шаҳри билан боғлиқ даврига доир манбалар бадийий талқин этилган «Сароймулкхони», «Дуо», «Тегина бегим», «Турканога бегим» каби ҳикоялари тўланган. Бундан ташқари, яна бир қашқадарёлик драматург (марҳум) Соли Пулатовнинг Шаҳрисабз тумани халқ театрида 2001 йили режиссёр Элмурод Боймуродов томонидан сахналаштирилган «Оксарой» драмасини санаб ўтиш мумкин.

Кейинги йиллар давомида ўзбек темуршунослиги соҳасидаги муҳим илмий изланишлар натижалари сифатида яна қўлаб китоблар, адабий-бадий асарлар нашр этилди. Бу ҳақда сўз борганда, юртимизнинг таниқли олимлари томонидан аслиятта яқин қўлабда нусхалар асосида чоп этилган «Темур тузуқлари»нинг бир нечта нашри⁴, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алпнинг «Амир Темур солномаси»⁵, шунингдек, З. Жураевнинг урта асрларда фаолият юритган, юртимиз тиңчилиги, осойишталиги ва фаросонлиги йулида жиддий ишлар олиб борган ҳарбий саркардалар ҳаёти, фаолияти ва илмий меросига бағишланган «Жангномалар - тарихий манба сифатида»⁶ китобларини тилга олиб ўтиш ўринлидир.

Х. Сатторий қаламига мансуб «Ҳазрат Сохибқирон солномаси»⁷да Амир Темур ва темурийларнинг 526 йиллик тарихи билан боғлиқ муътабар шахслар ва асосий воқеалар қамраб олинган.

Қ. Кенжанинг «Буюк Сохибқирон ўтган йулларда»⁸ китобида эса, Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Олтин Ўрда хони Тухтамишга қарйи Сохибқирон Амир Темурнинг юриши асносида босиб ўтган қадимги Дашти Қипчоқ, яъни ҳозирги Қозоғистон ва Россия худудлари бўйлаб, шунингдек, уз даврида Амир Темур қаламравига кирган юртлар, Кавказ ўлкалари, Эрон, Қўҳна Урганч

¹ Равшан П. Малика Кенагас ойим ёхуд Амир Насруллонинг ўлими қиссаси. - Т.: «Шарк», 2000. - 222 бет.

² Ашурова Ш. Илохий туни. - Т.: Фағур Фулол номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. - 176 бет.

³ Ашурова Ш. Насаф тажассуми. - Т.: «Янги аср авлоди», 2006. - 400 бет.

⁴ Амир Темур Қўрагон. Темур қиссаси. Масъул муҳаррир Ҳ. Бобобеков. - Т.: «Фан», 2010. - 366 бет; Амир Темур Қўрагон. Темур қиссаси. Масъул муҳаррир Ҳ. Бобобеков. - Т.: Миллият номидан Урта Осиё халқлари тарихи институти, 2012. - 136 бет.

⁵ Алп Муҳаммад. Амир Темур солномаси / Халқаро Амир Темур жағзағимаси. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. - 52 бет.

⁶ Жураев З. Жангномалар - тарихий манба сифатида. Жураев З., Масалиева О., Парисов Ш. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. - 100 бет.

⁷ Ҳазрат Сохибқирон солномаси. Тузувчи-муаллиф Ҳасан Сатторий. - Т.: «Zafargon qaloni», 2014. - 56 бет.

⁸ Кенжа, Қамчибек. Буюк Сохибқирон ўтган йулларда (Сафарнома-5). «Ўрта-векивларда» хотиралар, мушоҳадалар, мулоҳазалар. - Т.: «Шарк», 2014. - 424 бет.

сафари давомиди олиб борган кузатишлари, тадқиқотлари, уларнинг хурган-кечирганлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Т. Хайитнинг «Амир Темур хазинаси»¹ китоби Амир Темур ҳамда темурийларнинг илм-фан, меъморчилик, мусика, тиббиёт, адабиёт ва бошқа кўплаб соҳаларни ривожлантириш, уларнинг самарали фаолияти ҳақидаги қизиқарли маълумотларни ўз ичига олган.

О. Бўриев ва Ж. Бердиевнинг «Соҳибқирон Амир Темур даври кадриятлари этнотарихий лавҳаларда»² асари Соҳибқирон қавми бўлмиш барлосларнинг этник тарихи, салтанат раъмзлари ва тим-соллари, Турон аҳолисининг ушбу даврдаги этник таркиби, давлат курултойлари ва кенгашлари, «Темур тузуклари» - мумтоз тарихий этнографик манба эканлиги ва Амир Темур қамолга етган Кеш (Шахрисабз), сийсат майдонида чиққан Насаф (Қарши) шаҳарларининг XIV-XV асрлардаги тарихига бағишланган.

Ғ. Журанинг «Туронлик Соҳибқирон Амир Темур»³ асарида эса, Соҳибқироннинг юртни озод этиш учун Жета (мўғул) истибдоҳига қарши кураши ва ўз атрофига эрқларвар сафдошларини йиғиб, озодлик жангига сафлагани, Мовароуннаҳрда мўғулларнинг бир юз эллиқ йиллик зулмига қарши эрк юришларидаги жанглр, Европани Рум босқинидан халос этиш юришлари тафсилоти келтирилган.

Албатта, Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан сўз, илмий изланиш ва ижод қилиш эркинликлари конституциявий қафолатлаб қўйилгани, бунинг натижаси ўларок бугунги кунда юздан зиёд нашриёт, қарийб бир ярим минг даврий матбуот воситалари⁴ фаолият юритаётган шароитда бутун мамлакат миҳёсида ҳар куни, ҳар ойда ва ҳар йили Амир Темур ва темурийлар мавзуида эълон қилинаётган китоблар, тўпламлар, рисола ва мақолаларни тўла қамраб олиш жуда мушкул. Шу сабабдн, кейинги йилларда нашр этилган Амир Темур ва темурийлар тўррисидаги барча мазмунли рисола ва мақолаларни қайд этишнинг имкони бўлмаганидан, фақат улардан айримларининг муаллифларини санаб ўтамиз.

Хусусан, Э. Воҳидов, Т. Ширинов, А. Рустамий, Қ. Маҳмудов, Р. Қадиров, Ғ. Неклесса, М. Қаршибоев, А. Милуруд, Т. Низаев, Б. Пардаев, И. Раҳим, Уммахони Бегим Соҳиба Лайло, Р. Фарҳодий, А. Уролов, И. Гафур, С. Бобоев, А. Абдуқодиров, Э. Қувватов, Р. Муқминова, А. Абдураҳмонов, Д. Юсупова, Т. Ходжайов, А. Абдунабиев, А. Раимқулов, Р. Қилйичев, А. Уролов, С. Норов, Э. Иброҳимова, Н. Юлдашев, Т. Эргашев, Ғ. Саломов, Х. Қароматов, Х. Нурмуҳаммад, М. Нуриддинов, Э. Муҳаммад, Мурад Мирзо, С. Йўлдошев, Т. Исломов, Ҳ. Боев, М. Бағирзода, О. Бўриев ва бошқалар шундай муаллифлар жумласидандир.

Шундай қилиб, ўзбек адабиётида асрлар давомиди Амир Темур ва темурийларга бағишланган кўплаб асарлар яратилган. Бу тарихий ва бадиий асарлар Ўзбекистоннинг бой ҳамда шонли тарихи ҳақида

¹ Тулкин Хайит. Амир Темур хазинаси. Тарихий-бадиий лавҳалар. - Т.: «Yangi ashtar», 2015. - 200 бет.

² О. Бўриев, Ж. Бердиев. Соҳибқирон Амир Темур даври кадриятлари этнотарихий лавҳаларда / Монография. Масъул муҳаррир А.Х. Самдоев. - Қарши: «Қарши давлат университети» таълим басмахонаси, 2015. - 410 бет.


³ Тулкин Жура. Туронлик Соҳибқирон Амир Темур / Достон. Т.: «Наврўз», 2015. - 400 бет.

⁴ Ўзбекистонда, 2016 йил 1 январь ҳолатига, 1437 та оммавий ахборот воситаси, шу жумладан, 660 та газета, 300 та журнал, 96 та ТВ ва радио, 332 та журналистика соҳасида фаолият олиб борадиган веб-сайт рўйхати олинган. Шунлардан 46,2 фоизи давлат таъсирфидоҳи, 53,8 фоизи қолғилар ОАВ қисобланади. Манба: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги / 13.01.2016.15.22.46. «UzReport».

хозирги ва келажак авлодга қимматли маълумотлар беради, ўтмиш, хозирги кун ва келажакни боғловчи кўприк вазифасини бажаради. Энг муҳими, ўзбек адиблари Амир Темур мавзуси қанчалик залворли экани, уни тадқиқ ва талқин этиш ҳар қандай ижодкор шахсдан катта масъулият, чуқур билим ва салоҳият талаб этишини терең хис этади.

Мустақиллик йилларида Амир Темур сийносини яратиш йўлидаги изчил ижодий жараён, айника, тубдан янги, юксак босқичга кўтарилди. Истиқлол йилларида ушбу мавзуда яратилган асарлар, бир томондан, Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатни юзата чиқаришда бекиёк аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, улуг Соҳибқирон ворислари - ўзбекистонлик ёшлар қалбида, онгу шуурида ўзликни англаш, шавкатли аждодлар билан фахру ифтихор этиш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, Ўзбекистон халқига ҳурмат-эҳтиром, шонли тарих, саодатли бутунги кунлар ва ёруғ истиқболга ишонч ҳамда шукроналик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Амир Темур ва теурииларга доир янгидан-янги ноёб манбаларнинг кашф этилаётгани, умуман, Ўзбекистонда ва бутун дунёда Соҳибқирон даҳосига эътибор ва қизиқишнинг тобора ортиб бораётгани ўзбек адабиёти намояндалари зидмасига янада кўп ва сара асарлар яратиш масъулиятини юклайди. Бинобарин, «жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк шахслар ҳаётини ўрганиш, улар ҳақида асарлар, фильмлар яратиш авлодлар буйида турган катта бурчдир, ҳақиқий виждон ишидир. Бу ҳар қанақасига қўллаб-қувватланишга муносиб бир шижоатдир»¹.



Шамс. Рассом: Э. Ҳошимов. 2013 йил.

Title: Par Z. Khokimov. 2013.



Нарзилик фақат ақида билан
Proximité d'âme n'est qu'avec l'éternel.


Қаюб қимматини фақат ҳақ билан
Proximité d'âme n'est qu'avec l'éternel.

Душлик ҳақнинг қасри билан
L'ennemi n'est qu'avec le pouvoir pardonner.

Душлик фақат ақида нарво билан
L'ennemi n'est qu'avec la fidélité.

Уста Олим мақбараси пештоқидаги
сақиз қиррали парчин ва ундаги ҳикматлар
самарқанд, Шаҳи Зинда мажмуаси

La plaque octaédrique contenant
les aphorismes au portail
du mausolée d'Usta Olim
Ensemble Chah-Zinda, Samarkand.

The image features a highly detailed, intricate geometric pattern, characteristic of Islamic art, forming a decorative border. This pattern consists of interlocking lines that create a complex web of stars and polygons, filling the upper portion of the page. Below this border, a large, elegant archway is formed by multiple concentric lines. The space between these lines is filled with a repeating circular motif, possibly representing a floral or geometric design. The overall composition is symmetrical and visually rich, serving as a frame for the text below.

AMIR TEMUR
DANS LE MIROIR
DE L'HISTOIRE
MONDIALE

АМИР ТЕМУР
СИЙМОСИ -
ЖАҲОН ТАРИХИ
КУЗГУСИДА



«Бу беназир зотнинг (Амир Темурнинг) қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-ўлғайгани, ҳай тариқа шундай юксак чуққиларга кўтарилгани, зафарли юричилари ҳақида, унинг нафақат давлат арбоби ва енгилмаз саркарда, айни вақтда инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида Шарқ давлатлари билан бирга олис Европада - Буюк Британия, Франция, Испания, Германия каби мамлакатларда ҳам бундан неча юз йиллар аввал кўн-кўн илмий ва бадиий асарлар яратилгани яхши маълум».

Ислом Каримов

Амир Темур мавзуси — жаҳон шарқшунослигида

Ўзбек халқи уч минг йиллик узоқ ва бой ўтмишга эга. Мозийнинг ҳар бир даври ҳақида қадимги қўлёзмаларда ёзиб қолдирилган. Афсуски, истиқлолга қадар биз ҳокимият тепасида қаринб беш юз йил ҳукмронлик қилган Амир Темур ва теурийлар сулоласи ҳақида тўлиқ ҳақиқатга эга эмасдик.

Ўзбек халқи тарихида олтин давр ҳисобланган Теурийлар Уйғониш даври ҳусусида дунё адабиётида кўплаб илмий китоблар, тарихий романлар ҳамда сахна асарлари яратилган.

Гарчи, Амир Темур ва унинг авлодларидан буюк давлат арбоблари, жумлар саркардалар, бунёдкор шохлар, буюк олим ва мутафаккирлар, эл ардоқлаган шоир ва меъморлар етишиб чиккан бўлса-да, ҳатто ўз юртимизда яқингача – истиқлолга қадар бу буюк аждодларимиз эолим подшолар сифатида талкин этиб келинди.

Шукрки, мустикаллик туфайли тарихимиздаги буюк шахслар, ҳусусан, Сохибқирон Амир Темур мероси туғрисида бор ҳақиқатни айтиш имкони туғилди.

Оксфордада инглиз тилида
нашр этилган
«Темур тузукларидаги
Амир Темур сурати.
Оксфорд, 1783.

Portraits d'Amir Temur, tiré du livre
«Les Instituts de Tamerlane»,
publié à Oxford.
Oxford, 1783.

¹ Каримов И.А. Миллий давлатчилигиниз тарихининг музот намунаси // Темур тузуклари / Тахир хайъати: Б. Абдуҳалимов ва бошқалар. Форсча матндан А. Согуний ва Х. Каримов таржимаси. - Т.: «Ўзбекистон», 2011, 2013. - 5-6-бетлар; Каримов И.А. Миллий давлатчилигиниз тарихининг музот намунаси // «Ўзбекистон оқли» газетаси, 2011, 9 апрел.

Бу улкан мерос бугун бутун жахонни лол қолдирмоқда. Таниқли академик Б. Аҳмедов таъкидлаганидек, биринчидан, Амир Темур ва те­мурийлардан қолган бу улкан меросни ўрганиш куп вақтни, билим ва малакани талаб қилади. Чунки, бу давр қарийб 500 йилни ташкил эта­ди. Иккинчидан, биз бу ишга энди киришдик. Те­мурушunosлик илими бизда энди бошланыпти¹.

Айни чоғда, тил билган, тарихий ва кул­эзма ҳамда бирламчи манба­лар устида ишлаш малакасига эга бўлган те­мурушunos олимлар бошланган эму ишларни давом эттириб, бу олтин даврда илим-фан, маданият ва маориф, шу­нингдек, бошқа муҳим соҳаларда эришилган муваффақиятларни чуқур ўрганиб, атроф­лича очиб беришлари тахозо этилади.

Бунда, айниқса, Амир Темур ва те­мурийлар тарихи ўрганилиб, улар фаолиятига баҳо берилар экан, ул зот ва те­мурийлар сулоласи вақиллари ҳақида жа­хон шарқшunosлигида айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза ва яратилган ҳар бир асар атроф­лича таҳлил қилиниши лозим.

Бундай муносабатнинг ва Амир Темур ҳамда те­мурийлар суло­ласи тарихига бўлган улкан қизиқишнинг сабаблари, фикримизча, қуйидагилардир.

Биринчидан, Амир Темур дунёда энг катта – Марказий Осиёдан то Ўрта ер денгизигача бўлган худудларни, Кичик Осиё ва Шимолий Кавказнинг катта қисмини ўз ичига олган йирик марказлашган давлат ташкил этган.

Иккинчидан, Амир Темур мағлубият нималигини билма­ган ғолиб саркарда сифатида муайян бир халққа қарши эмас, балки Мовароуннахрни сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан бирлашти­риш ва обод этиш учун юришлар қилган. Бу, ўз навбатида, Соҳибкирон салтанатида иқтисодий тараққиётга, савдо-сотикнинг ривожланишига, илим-фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнашига, меъморчилик юксалиши ва халқ фаровонлиги таъминланишига олиб келган.

Учинчидан, Амир Темур буюк давлат арбоби сифатида ўз за­монаси учун энг мукамал давлатчилик ва ҳуқуқий тизимни ярат­ган. Француз олими Алфонс де Ламартин Амир Темур салтанатидан хайратланиб: «Европа на Искандарда, на Аттилада ва на Московия зафарини қучган янги Фотиҳ (Наполеон)да адолатли қонунлар асо­сига қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас»², деб ёзган.

Тўртинчидан, Амир Темур буюк бунёдкор, фан, маданият, санъат ва таълим-тарбия ҳомийси сифатида Шарқдаги Уйғониш даврининг иккинчи босқичини бошлаб берган, бу билан жахон, хусусан, Шарқ ци­вилзациясига улкан хисса қўшган.

Бешинчидан, Амир Темур шахсий фазилатлари, яъни ўзининг ҳамтаринлик, этикодлилиқ, иймонлилиқ, одиллиқ, жасурлиқ, бағрикенглиқ, олдиндан қўра билишлиқ, тадбиркорлиқ каби хислатла­ри билан ажралиб турган.

Олтинчидан, Амир Темур дунё давлатчилиги ва маданияти та­рихида бутун бир даврга, яъни Те­мурийлар даврига асос солган.

Буюк Соҳибкирон ташкил этган салтанат 468 йил ҳукм сурган ва те­мурийлар сулоласи вақиллари Мироншоҳ Мирзо ибн Темур, Шохруҳ Мирзо ибн Темур, Улуғбек Мирзо, Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо (Бобуршоҳ) ва бошқалар Соҳибкирон анъаналарини давом эттирганлар.

«Европа на Искандарда,
на Аттилада ва на
Московия зафарини қучган
янги Фотиҳ (Наполеон)да
адолатли қонунлар асо­
сига қурилган бундай
бошқарувни бунёд
этган эмас».

Альфонс де Ламартин,
Франция

Arnaud Blin

TAMERLAN



Arnaud Blinning
«Амир Темур» китоби.
Париж, 2007 йил.

Arnaud Blin
«Tamerlan».
Париж, 2007.

¹ Амир Темур сабоқлари: адабий-бадиия нашр. – Т: Ғафур Ғуллом номидати Адабиёт ва санъат нашриоти, 1999. – 3-бет.

² Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994, 22 апрель.

L'HISTOIRE
DU GRAND
TAMERLAN

DEUXIÈME PARTIE
DE LA CONQUÊTE DE L'INDOUSTAN
PAR LE GRAND TAMEUR
EN 1381
PAR M. DE LA MOTTE-VAULABRIE
A PARIS CHEZ LA CITRINE



A PARIS
Chez LA CITRINE, au Palais National
au Salon de Peinture
N. 207. L'1792
MDCCLXXXIX. 307.

Ибн Арабшохнинг
«Буки Темур тарихи»
Пьер Ватте томонидан
француз тилига таржима
қилинган. Париж, 1658 йил.

«Histoire du Grand Tamerlan
d'Ibn Arabshoh. Traduit en français
par Pierre Vattier. Paris, 1658.

Клавихо кундаликлари
илк бор 1582 йилда
Испаниянинг Севиля
шаҳрида Argote de Molina
томонидан нашр қилинган.
Китоб 1881 йили ва кейинги
даврда Испанияда бир неча
мартта қайта нашр этилган.

Ибн Арабшохнинг «Амир Темур тарихи»;
Хофиз Абурунинг «Тарих сираси»;
Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ус-саъдайн»;
Ғийсиддин Алининг «Темурнинг Ҳиндистонга юриши кунда-
лиғи»;
Мирхонднинг «Софлик боғи» («Равзот ус-сафо»);
Муиниддин Натанзийнинг «Тарихлар сайланмаси»;
Фасих Хавофийнинг «Мужмали Фасихий» асари⁷ ва бошқалар
киради.

Аmmo, Амир Темур замондошлари қаламига мансуб барча асарлар-
ни бирдек ҳолис ёзилган, деб бўлмайти. Масалан, Форс ҳокими, Сохиб-
кироннинг набираси Мирзо Иброҳим Султон топшириғига битноан
1425 йили «Зафарнома»ни⁸ ёзган Шарафиддин Али Яздий Амир Те-
мурни куқларга кўтарган. Аксинча, болалиғида онаси билан Самар-
қандга мажбуран олиб келтирилган Ибн Арабшох эса, ўзининг 1435-
1437 йилларда ёзган «Ажонб ал-мақдур фи тарихи Таймур»⁹ асарида
Амир Темурни гаразғўйлик ва душманлик билан салбий тасвирлаган.

Кастилия Қиронининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг
«Самарқандга, Темур саройига саёхат кундалиғи (1403-1406)»¹⁰ номи
китоби Европада энг муҳим тарихий манбалардан бири ҳисобланади.
Клавихонинг «Самарқанд сафари кундаликлари» сифатида ҳам ном
таратган ушбу асарда баён этилган хотиралар, шак-шубҳасиз, алоҳида
ўрин тутайди. Афсуски, элчининг шахси ҳақида у қадар бой маълумот-
лар етиб келмаган. Тарихдан шу маълумки, Клавихо мадридлик, унинг
қўрғони эски шаҳарнинг бир чеккасида жойлашган бўлган. Унинг
фаолияти уирбод қироллик саройида кечган.

Тарихий ҳужжатлар гувоҳлик беришича, Клавихо аввалига Қирол
Дон Энрике III нинг ота-боболари - Энрике II ва Хуан I саройида муло-
қоти бўлган. Сузга чечанлиғи ва ҳассос нотиклиғи туфайли Энрике III
уни Амир Темур ҳузурига элчи этиб юборишга муносиб топган. Амир
Темур салтанатига саёхати туфайли дунё юзини қўрган кундаликлар
Клавихони оламга машҳур қилиб юборган. Зотан, неча асарлардан буён
унинг бебаҳо кундаликлари Марко Поло, Иоанн Галонифонтибус, Аф-
насий Никитини, Барбаро ва Контарини асарлари билан бир қаторда
ўрта асрлар жаҳон адабиётининг олтин фонди саналади.

⁷ Ибн Арабшох, Ажонб алмақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ағлониёт-
лари). Суз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. - Т.: Мехнат, 1992.

⁸ Хофиз Абуру. Асарлар тўплами. Прага, 1959; Hafiz-i Abru. Zubdatu'l-Tevarih. - Bodleian Library Oxford yozm. Elliot, 422 (Sachau-Ethe, catalogue, nr. 161, s. 90). (Fahih kitb. Nr. 4370/1). Avec des additions empruntées au Zubdatu'l-tawarikh baysunguri de Hafiz-i Abru. 2 vols. I (text) Prague, 1937. II (commentary) Prague, 1956.

⁹ Абдураззоқ Самарқандий. Матла ус-саъдайн / Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва
изоҳли лугатлар муаллифи А. Ғўрибоев. - Т.: 1996.

¹⁰ Ғийсиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. - М.: Издательство восточной лит-
1958 - С. 207.

¹¹ Мирхонд. Софлик боғи (Равзот ус-сафо). Бомбей, 1845, 1848, 1854, 1871.


¹² Муиниддин Натанзий. Тарихлар сайланмаси (Мунтахаб ут-тарихий). Амир Темур ва
Улуғбек замондошлари хотирасиш (Рисола) / Б. Ахмедов, У. Уватов, Ф. Каримов ва бошқалар. -
Т.: Уммуғчи, 1996. - 312 бет.

¹³ Фасих Ахмад Хавофий. Мужмали-и Фасихий. X-XIX асрлар ўрта ва Марказий Осиё тари-
хидан материаллар. - Т.: Фан, 1988.

¹⁴ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома / Нашрга тайёрловчи ва суз боши муаллифи
А. Ғўрибоев. - Т.: Фан, 1972. - 1240 бет.

¹⁵ Ибн Арабшох, Ажонб алмақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ағлониёт-
лари). Суз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. - Т.: Мехнат, 1992.

¹⁶ Гонсалес. Руи де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёхат кундалиғи
(1403-1406) Таржимани О. Ташев. - Т.: Ҳиндистон, - 2010. - 264 бет; Kehrén L. La Route de Samarkand
au temps de Tamerlan, Paris. 1990. - 354 p.



Руи Гонсалес де Клавихонинг
саёхат кундалиги қўлёмаси.
1406 йил.
Испания Миллий кутубхонаси.
Une page du manuscrit
du journal de Clavijo.
1406.
Bibliothèque nationale d'Espagne.

Шу билан бирга, Кастилиядан махсус топшириқ билан Клавиходан олдин юртимизга келган биринчи элчилик вакиллари томонидан Кирилга топширилган ҳисоботлар ҳам Испания архивларида сақланиб қолган. Маълумотларга қараганда, Кастилиянинг биринчи элчилиги вакили Хуан Эскамиллонинг йул хотиралари хозирги пайтда Мадриддаги қироллик музейида сақланмоқда.¹ Энг муҳими, унда элчи Амир Темур ҳузурда кўрганларини батафсил қозғога туширган.

Кастилиянинг иккинчи элчилиги вакили Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга

Амир Темур саройига саёхат қувдалиги (1403-1406)» китоби бу борада алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу асарнинг асл иккита қўлёмаси Мадрид Миллий кутубхонасида сақланиб қолган.

Мутахассисларнинг фикрича, XV асрнинг биринчи ярмига, яъни муаллиф хали ҳаёт бўлган даврга мансуб қўлёма ноёброҳ бўлиб, у икки бетига ҳам ёзилган 154 варақдан иборат, саҳифалардаги матн икки устунга жойлаштирилган, айрим варақлар яроқсиз ҳолга келиб қолган, бошланиш ва якуний ҳисмлари йўқ.

Иккинчи қўлёма XV аср охириларида мансуб ва нисбатан яхши сақланган². Шу бож Клавихо кундаликларини нашр этишда, даставвал, ана шу қўлёма асос бўлиб хизмат қилган.

Клавихо кундаликлари илк бор 1582 йилда Испаниянинг Севилья шаҳрида Арготе де Молина томонидан нашр қилинган. Ношир китобга титул варағи ва қисқача таъриз ҳам қиритган. Китоб 1861 йил ва кейинги даврда Испанияда бир неча марта қайта нашр этилган³. Шунингдек, Япония⁴, Россия⁵, Аргентина⁶ каби дунёнинг бир қанча мам-

¹ Муҳаммадиев Н. Испан элчисининг саёхатномаси // Халқ суғи, 2005, 7 апрель.

² Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e itinerario y enarçacion ad viaje, y relacion de la Embaxada one que Ruy Gonzalez de Clavijo le hizo por mandado del muy poderoso senon rey don Henrique el Tercero de Castilla, ed Goncalo Argote de Molina, Seville, 1582.

³ Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e itinerario y enarçacion ad viaje, y relacion de la Embaxada one que Ruy Gonzalez de Clavijo le hizo por mandado del muy poderoso senon rey don Henrique el Tercero de Castilla, ed Sancha, Madrid, 1782. Сўнгги марта Клавихо кундаликлари сенон rey don Henrique el Tercero de Castilla, ed Sancha, Madrid, 2000 йили Мадридда чоп этилди: Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e itinerario y enarçacion ad viaje, y relacion de la Embaxada one que Ruy Gonzalez de Clavijo le hizo por mandado del muy poderoso senon rey don Henrique el Tercero de Castilla, ed Sancha, Madrid, 2000. – 421 p.

⁴ Clavijo. Yamado Nobuo. Embassy to Tamerlane, 1403-1406. Tokyo, Torenka 1967/4/28. 345 P. (алон тўлиқи).

⁵ Клавихо Руи Гонсалес де. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура: 1403-1406 // латинский текст с переводом и примечаниями, составленный под ред. И.И. Сергеевского, // латинский текст с переводом и примечаниями, составленный в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406), 1861; Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406) // Перевод, предисловие и комментарии И.С.Мироновой. – Москва, «Наука», 1990. – С. 3.

⁶ Clavijo Ruy Gonzalez de. Relacion de la embajada de Henrique III al Gran Tamerlan. Ed. Lopez Francisco Estrada. Buenos Aires, 1952.



Ruy Gonzalez de Clavijoning kundaligi. Ispan va rus tillaridagi nashri. Madrid, 2000 yil.

Relation du voyage de Rui Gonzalez de Clavijo, éditée en espagnol et en russe. Madrid, 2000.

lakatlarida ingliz¹, fransuz², turk³, forс⁴ tillaridagi tarjimalari chop etilgan.

Shu ma'noda, Ruy Gonсалес de Клавихонинг «Самарқандга – Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403–1406)» китобига «Урта аср Шарқининг комусий сажиядаги асари» деган юксак баҳо берилгани бежиз эмас. Айниқса, ушбу асарнинг Европа тилларидаги таржималари ичида 1990 йилда Парижда каминанинг ҳаммуаллифи бўлиш профессор Люсьен Керен таржимасида «Самарқандга – Амир Темур саройига саёхат»⁵ сарлавҳаси билан чиқарилган французча нашри алоҳида аҳамият касб этади.

Чунки таржимон ва тадқиқотчи ҳамкасбим Клавихо кундаликларига оид маълумотларни бир жойда – ягона муқова ичида тўплагани баробарида, уша даврда Европа кироллариининг Амир Темур салтанати билан олиб борган ғезималарини ҳам ушбу ноёб нашрга илова қилган. Айни нуқтаи назардан, Президентимиз таъкидлаганидек, «... Амир Темур бобомиз ҳақида... асарлар бугунги кунда ҳам кўплаб пайдо бўлмоқда. Франциялик таниқли олим Люсьен Керен томонидан 2006 йили халқаро миқёсда кене нишонланган Соҳибқироннинг 670 йиллик таваллуд тўйи арафасида Парижда француз тилида нашр қилинган «Самарқандга, Амир Темур даврига саёхат» номи фундаментал тадқиқот бу фикрнинг яққол тасдиғидир»⁶.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Клавихо Амир Темурни қуриб, у билан бевосита суҳбатлари асосида хотиралар ёзган санокли, яъни тўрт кишидан биридир. Бу ҳолат Ибн Арабшоҳ, Ибн Халдуи, архиепископ Иоанн яратган хотиралар каби унинг кундаликларининг ҳам ҳаққонийлигини янада оширади.

Яна бир европалик муаллиф – Амир Темурнинг шахсий соқчиси бўлган немис зодағони Иоханн Шильтбергер (1380–1440) хотиралари ҳам Европа мамлакатларида кенг шуҳрат топиб, 1460 йилда Аугсбергда нашр қилинган. Бу китобга қизиқиш кучли бўлгани туфайли XV асрдаёқ тўрт марта, XVI асрда олти марта, шу жумладан, 1559 ва 1859 йилларда немис ва инглиз тилларида қайта chop etilgan. Ушбу асарнинг аҳамияти Катиев, Девизак, Сен-Мартин, Ҳаммер-Пургшталь каби бир гуруҳ европалик шарқшунос олимлар томонидан эътироф этилган.

Иохани Шильтбергер «Саёхатнома»си Ўзбекистонда 1997 йилда рус тилида нашр этилган⁷ бўлиб, муаллифнинг Амир Темур шахсига нисбатан ғаразли муносабати яққол сезилиб тургани учун асарни танқидий нуқтаи назардан ўқиб-ўрганиш ўриклидир. Асарнинг жиддий камчиликлардан холи эмаслигини муаллифнинг ўзи ҳам тан ол-

¹ Clavijo Ruy Gonzalez de. Life and acts of Great Tamerlane narrative of the Castilian embassy to the court Timur at Samarkand, 1403–1406, translated, with notes by C.R. Markham. London, 1859; Clavijo Ruy Gonzalez de. Embassy to Tamerlan, translated by Guy Le Strange with an Introduction, London, 1928.

² Kehren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan. Paris, 1990, 354 p.; 2-ed. Paris, 2002; 3-ed. Paris, 2006.

³ Clavijo R. Temur nezidine gonditen ispanyol sebin Clavijo seyahat ve seferat izlenimleri. Turbce Tar. Omer Riza Dogral Istanbul, 1993, 208 p.

⁴ Clavijo Ruy Gonzalez de. Embassy to Tamerlan (1403–1406), translated into Persian by Masoud Rajuba. BTNK, Teheran, 1958.

⁵ Kehren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan. – Paris: Imperimerie nationale, 2006. – 354 p.

⁶ Фармонов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг муимто намунаси // Темур тузуқлари / Таърир қайтаги: Б. Абдуқалимов ва бишқалар. Форсча матидан А. Соғуниев ва Х. Кароватов таржимаси. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 6–бет.

⁷ Путешествия Иохани Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.) // Перевел с нем и привнес. Ф. Браун / Нов. ред. Б. Ахмедов. – Т.: «Шарк». 1997. – 240 с.



Иоханн Шилтбергернинг
китоби. Мюнхен. 1859 йил.
Livre de Johannes Schiltberger.
Munich, 1859.

Утган олти юз йилдан
ортиқ вақт мобайнида
Амир Темурга бағишлаб
артишган жиддий асарлар
сохи Европа тилларида
900 дан зиёд бўлса,
Шарқ тилларида
мингдан ошиб кетди.

ган. У бундай деб ёзган: «*Таъриф ва тавсифларим унчалик тўла эмас. Чунки асирликда бўлганим сабабли истаганимни ололмадим*»¹.

Шу уринда юқоридаги асарлар каби кенг доираларга маълум бўлмасад-да, тарихий аҳамияти нуктаи назаридан катта қимматга эга бўлган Архиепископ Иоанн каламига мансуб айрим манбаларга ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Бу ҳақда И. Умняковнинг «Амир Темур ҳақидаги унчалик маълум бўлмаган французча манба»² мавзудидаги мақоласида атрофлича фикр юритилган.

Маълумки, Европа давлатларининг биришган кушиилари 1396 йили Никополда мақдубиятга учраганидан сўнг уларнинг қироллари ҳурқув-вахимага тушиб қолган. Зеро, Боязидга қарши жанг қилишга ожиз эканликлари аниқ бўлиб, ягона нажот чораси Амир Темур билан алоқа ўрнатишдан иборат бўлган.

Бундан, аввало, Константинополдаги христиан черкови манфаатдор эди; чунки Византия императори Иоан V (1341-1391 йиллар)³ Рум султонига қарам бўлган ва унга улпон тўлаб турган. Византиянинг кейинги императори Мануил Палеологнинг, шунингдек, Венгрия Кироси Сигизмунд III⁴ (*Sigismund*) нинг Европа давлатларидан ёрдам сўраб қилган илтижалари жавобсиз қолган.

Ана шундай вазиятда, муҳим бир тарихий воқеалик – Амир Темурнинг етти йиллик юриши натижасида Византия ҳам, умуман, Грбни Европа учун ҳам Боязид туғдирган хавф бартараф бўлди. Бу воқеалар Амир Темур билан Боязид Йилдирим ўртасида юзага келган муносабат билан боғлиқдир⁵.

Амир Темур томонидан 1402 йилги йирик жангда Боязид Йилдирим қушинлари тор-мор этилганидан кейин, айтиш мумкинки, бу урушнинг якуини таҳлика ва хавотир билан кузатиб турган нафакат Византия давлати, балки бутун Грбни Европа бир қадар енгил нафас олган. Амир Темурнинг нуфузи Грб қиролларининг қуз унгида анча юксалган. Европалик савдогарлар Усмонли салтанатининг кузсизланганидан фойдаланиб, ўзларининг Шарқда илгари қўлдан бой берган мавқеларини қайта тиклашга киришганлар⁶.

Бу ишларда, муғуллар замонида бўлгани каби, католиклар черкови узининг Шарқдаги вакили архиепископ Иоанн⁷ шахси тўқсолида қаят фаоллик кўрсатган. Шарқ ва Грб ўртасида мунтазам савдо-сотиқ алоқаларининг ўрнатилиши настронийлар Европасининг манфаатларига хизмат қилишига амин бўлган ушбу Ватикан вакили Амир Темур билан Мироншоҳнинг ишончини қозонишга ва уларнинг ишонч ёрликларини олишга сазовор бўлганки, бу ёрликларда Франция Кироси Шарль VI билан ҳар икки томон учун манфаатли савдо-тижорат битимлари тузиш таклифи илгари сурилган.

¹ Амир Темур ҳақида тарихчида. – Т.: Шарқ, 1996. – 127-бет.


² Умняков И. Малоизвестный французский источник о Тимуре // Труды УдГУ. Новел серия. Самарканд, 1960. Выпуск 101. – С. 173-199.

³ Иоан V – 1341-1376 ва 1379-1391 йиллар Византия императори, император Ассириния III Палеолог за Саволик Антониога французчи.


⁴ Мануил Палеолог – (1350-1425) – 1391-1425 йилларда Византия императори.
⁵ Сигизмунд III (1566-1632) – 1587 йилдача Поляна қироти ва булар Литва ахли, 1592-1599 йиллар Шведлар қироти.

⁶ Бурнес, Симоенли. Социализм Амир Темур. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 63-бет.
⁷ Нилгун Элам. Анкара жангнинг Усмонлилар ва Византия муносабатларига таъсири // 1402 Ankara Savaşları Uluslararası kongresi (Yıldırım - Timur), 9-12 Ekim 2012, Ankara: İbdihi Kitap, 2014. – P. 159.

⁸ Архиепископ Иоанн ва унинг фаолияти қадимги маълумот асоси учун Силвестр де Саидиотр Mustafa Alkan. – Анкар: Türk Tarih Kurumu, 2014. – P. 159.
⁹ Архиепископ Иоанн ва унинг фаолияти қадимги маълумот асоси учун Силвестр де Саидиотрнинг ҳуқуқдаги манбалари таҳлиқоти қаранг. Mémoires de l'Académie royale des Inscriptions et Belles-Lettres. Paris, 1824, t. VI. – P. 503-516.



Рубенс ван Кеннеде.
XIX столетия нидерландский портрет.
Portrait of Ray Gonzalez de Clevejo,
date du XIX siècle.



Relation
du voyage

de l'Ambassade
de Castille
à la Cour
de Timour Beg

par Ruy González
de Clavijo

1403-1406

Амир Темури салтанати талаблари билан ГАРБИЙ Европа кироларининг фукарolari уртасида эркин савдо муносабатларини ривожлантиришга катта ахамият берган холда, Иоанн 1404 йили лотин тилида савдо карвонлари учун кулланмага ўхшаган бир асар битган. «Олами англиш китоби» (лотинча – «Libellus de notitia orbis») деб номланган ушбу асар дунё тарихшунослик фанида жуда кам ўрганилган, шу боис кўпчиликка маълум эмас ва Темуришунослар учун деярли нотанишдир.

Европалик муаллифлар томонидан Амир Темури ҳақида яратилган асарлар орасида Кастилия элчиси Руй Гонсалес де Клавихонинг испан тилида битилган «Самарқандга, Темури саройига сажат кундалиги (1403-1406)» китоби ҳамда бабарилик асир-жангчи Иоҳанн Шиллбергернинг немис тилида ёзилган хоти-ралари нисбатан маълум ва машҳур тарихий манбалар ҳисобланади.

Бу асар ҳатто халигача тўлиқ холда нашр этилмаган. Профессор Л. Керен асарнинг анчайин ўзгариб кетган иккита кўлэмасига таяниб, уша матндан иқтибослар келтирган холда, асарнинг қисқача мазмунини чоп эттирган, холос¹. Мазкур асарнинг биз учун ахамиятли жиҳатларидан бири шундаки, муаллифи Шарқда азалдан яшаган ва ҳозирги кунда ҳам истиқомат қилиб келаётган кўтлаб турли халқлар ва элатларнинг номларини санаб ўтган.

Архиепископ Иоаннининг унча маълум бўлмаган яна бир асари «Амир Темури ва унинг саройи ҳақида хотиралар» («Memoire sur Tamerlan et sa cour par un Dominicain en 1403»), деб номланган. Ёднома, хотиранавислики услубида ёзилган ушбу асар 24 та ихчинг бобдан иборат бўлиб, 1894 йили Парижда Моронвилле томонидан мухтасар суз боши билан бирга чоп этилган².

Муаллиф Амир Темурининг таржимаи ҳолига – Соҳибкирон бунёдкорлик фаолиятининг бошланиш даври ва ул зотнинг шажараси, фарзандлари, қавм-қариндошлари, аҳлу аёлига доир айрим маълумотларни келтирган; Амир Темурининг зафарли юришлари, бемисл куч-қудрати ва беҳисоб давлати, қаҳри ва адолату саховати ҳақида тўхталган; Амир Темурининг Усмоли турклар устидан қозонган ғалабаси, кушин ва аскарлари, ўзи забт этган юртларда ўрнатган тартиб-қоидалари, душманлари ва раияти тўғрисида суз юритган. Асар якунида муаллиф Амир Темурининг тапқи кифасини мухтасар таърифлаган.

Муаллиф бунча кўп ва муҳим маълумотлари Амир Темури кўрган ва яқиндан билган кишилар билан мулоқотда бўлиш ҳамда халқ орасида кенг тарқалган Соҳибкирон ҳақидаги ривоятларни ўрганиш орқали жамлаган бўлиши мумкин. Бу маълумотлар, қойнаҳой, Амир Темурининг Эрон ва Кичик Осиёга юришлари даврида тўпланган³. Аммо, Амир Темурининг Ватикан вакили билан шахсан учрашиб, машҳур тарихчи Ибн Халдуи билан бўлгани каби, ўзининг ҳаёти ва фаолияти, кўл остидаги салтанати билан боғлиқ қандайдир маълумотларни сузлаб берган бўлиши эҳтимолдан анча узоқ⁴.

Хар холда, Амир Темури ҳақидаги мазкур ёднома муаллифи Марказий Осиё заминида, хусусан, «Жийон (Жайхун) дарёсидан суни юз қулик йўл нарисида жойлашган Темир Бейнинг (муаллиф Амир Темури барча ўринларда шундай атайди) ўз шаҳри»⁵ – Самарқандда бўлганини тахмин қилиш учун етарли маълумотларга эга эмасмиз, деб қайд этган И. Умняков⁶.

Кастилия киролининг Темуриен кузурдаги элчиси Руй Гонсалес де Клавихонинг сажат кундалиги. 1403-1406. «Зафарномада ишланган ноти орасида таёрланган нусха. (127-бет)

Page de titre de la Relation du voyage de l'Ambassade de Cosette de la Cour de Timour Beg par Ruy Gonzalez de Clavijo (1403-1406): decor de la premiere page du «Zafar-nâme». (Page 127)

¹ Karapınç Archivum Fratrum Praedicatorum, vol. VIII, 1938, P. 92-123.

² Muraviev H. Mémoire sur Tamerlan et sa cour par un Dominicain en 1403. – Paris: 1894.

³ «Ам-Сия Ашмулган. Амалар жангилан олдин Амир Темурининг Кичик Осиёга сафарлари // 1402 Анкара Савағи Улуларган конгресси (Yildirim – Timur), 9-12 Ekim 2012. Ankara: bildiri kitabı / editor Mustafa Alikan. – Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2014. – P. 579.

⁴ W. Fischel. Ben Khaldun and Tamerlan: Their historic Meeting in Damascus, 1401, A.D. Berkeley and Los Angeles: 1952. – P. 47, 118, n. 239.

⁵ Mémoires de l'Académie royale des Inscriptions et Belles-Lettres. Paris, 1824, t. VI. – P. 445.

⁶ И. Умняков. Незавершенный французский источник о Тимуре // Труды УдГУ. Новая серия. Самарья. 1960. Выпуск 101. – С. 175.

Бошқа бир ўринда, хусусан, асарнинг «Темир Бейнинг ёши ва ташқи қиёфаси» номли XXIII боби тафсилотларига тўхталар экан, олим шундай фикрни илгари сурган. Яъни, архиепископ Иоанн Амир Темурнинг ишончли вакили сифатида Соҳибқирон билан бир неча бор учрашиш ва суҳбатлашиш имконига эга бўлган, шу боис унинг Амир Темур сиймоси ҳақидаги мухтасар тавсифи муайян маънода қизиқиш уйғотади¹.

Демак, бундан келиб чиқадикки, Иоанн Самарқандга ва, умуман, Ўрта Осиёга келмаган бўлса ҳам, минтақадан ташқарида, яъни Амир Темурнинг узоқ юртларга харбий юришлари даврида Соҳибқирон билан қайсидир Шарқ мамлакатларида учрашган бўлса керак. Нега деганда, Амир Темур етти йиллик юриши чоғида Ғарбий Европадаги Франция, Англия, Кастилия, Венеция каби бир қанча йирик давлатлар билан элчилар орқали ёзмамалар олиб боргани маълум².

И. Умняковнинг мақоласида Иоанн хотираларига бобма-боб мухтасар таъриф берилган бўлиб, тафсилотларга чалғимаслик учун, ушбу китоб мавзуси доирасидаги айрим маълумотлар келтириб утилади.

Хусусан, асарнинг XXII бобида Иоанннинг қайд этишича, Амир Темур «насонийларни хуш қуради ва уларга марҳамат курсатади; у насонийларга нисбатан ва айниқса франклар, яъни католикларга нисбатан ҳеч қандай зуравонликка йўл қўймайди; у салтанатида уларнинг эркин бўлиши ва ўз қонунларидан фойдаланиши, ўз черковига эга бўлиши ва бу ерда насоний аҳоли ва айниқса савдо аҳлининг ўз дин-этиҳоди бўйича тоат-ибодат қилишига имкон берган ва имкон бермоқда; ... у ажабийларни ҳурмат қилади, улардан ҳар бирини эгалаб турган мақоли ва даражасига муносиб равишда эъзозлайди»³.

Европалик муаллифлар томонидан Амир Темур ҳақида яратилган асарлар орасида Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг испан тилида битилган «Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат қилдириши (1403-1406)» китоби ҳамда вавариялик асир-жаңгчи Иоханн Шильдбергернинг немис тилида ёзилган хотиралари нисбатан маълум ва машҳур тарихий манбалар ҳисобланади.

Ватиканнинг Шарқ мамлакатларидаги вақили архиепископ Иоанн томонидан битилган «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» асари эса, бу мавзуда француз тилида яратилган, лекин унчалик маълум бўлмаган тарихий адабиётлардан биридир. Айни чоғда, асар муаллифининг Амир Темур ишончини қозониб, Ғарбий Европа қироллари билан дипломатик муносабатларда Соҳибқироннинг асосий воситачиси бўлгани маъжур манбанинг қимматию тубдан оширади.

«Франклар фаолиятининг даврий қайдномаси»да⁴ архиепископ Иоанн ёдномасининг латинча матни жойлаштирилган бўлиб, асар муаллифининг ўз хотираларини қандай шарт-шаронгларда битганига доир қизиқарли маълумотлар, айниқса, эътиборни тортади. Мазкур солномада қайд этилишича, Султония архиепископи Иоанн 1403 йилнинг май ойида Амир Темурнинг элчиси сифатида Парижга таъриф буюрган ва Қирол, герцоглар ва бошқа кўглаб шахслар кузурида, тантанали шароитда ўз таърифидан кузланган мақсадларни баён этган.

¹ И. Умняков. Малосметный французский источник о Тимуре // Труды УдГУ. Новая серия. Самарқанд, 1960. Выпуск 101. - С. 197.

² Буриан, Омунулло. Соҳибқирон Амир Темур. -Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 63-бет.

³ И. Умняков. Малосметный французский источник о Тимуре // Труды УдГУ. Новая серия. Самарқанд, 1960. Выпуск 101. - С. 197.

⁴ Chronographia rerum Francorum, t. III, ad annum 1403. Memoire. - S. 434.

Хусусан, бу мақсадлар қуйидагилар:

биринчидан, Амир Темурнинг турк султони устидан зафар қозонгани, султоннинг асир олингани, Боязид томонидан тутқун этилган насронийларнинг озоқ қилингани ва тутқунликдаги насронийлар яна учраса, Амир Темур уларни ҳам озоқ этиш ниятида экани ҳақида хабардор қилиш;

иккинчидан, Франция тож-таختининг маҳобати-ю, улугворлигини куриш ҳамда Амир Темур салтанатининг шуқуҳи ва дабдабаси ҳақида сўзлаб бериш.

Шундан сўнғ элчи баёнот бердики, деб ёзган солномачи, унинг элчихонаси насронийлик дини учун ғоят манфаатли бўлган иккига жиҳатдан фойдаланишни тавсия этади: бир томондан, ҳар икки динга мансуб савдо аҳли ўртасида эркин савдо-сотик муносабатларини ташкил этиш ва иккинчи томондан, ушбу савдо эркинлигини, агар Қирол ва герцоглар рози бўлса, тегишли битим ёки шартнома имзолаш орқали мустаҳкамлаб қуйиш мумкин.

Солноманинڭ давомида айтилишича, Амир Темур ҳаётининг ғаройиб томонлари ҳақида католикларнинг руҳонийси йиғилганларга гапириб берган. Шунингдек, Амир Темур туғрисида француз тилида мухтасар асар биттани ва муаллиф сифатида уни ўз яқинлари орасида тарқатганини айтган.

Демак, шу тариқа «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» дунё юзини кўрган. Бу асар 1402 йил август ойи (Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га юборилган мактуби санаси) билан 1403 йил май ойи (архиепископнинг Парижга ташриф буюрган вақти) оралиғида битилган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, мазкур хотиралар замондош муаллифнинг асари экани, айниқса, туркларнинг устидан зафар қучган Амир Темур элчисининг қаламига мансублиги туфайли ўшанда Парижда қатта қизиқиш уйғотган.

Ҳақиқатан ҳам, Иоаннинг хотираларини мазмун-муңдарижасига кура Клавиго кундалиги билан бир қаторга қуйиш мумкин бўлмаса ҳам, бу асар Амир Темур ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган қўлаб маълумотлар бериши билан алоҳида қимматга эгадир.

Амир Темур шахсига қизиқиш унинг вафотидан кейин ҳам сўнмаган, аксинча, Шаркий (Русия) ва Ғарбий (Франция) Европада кучайган. Сохибқирон туғрисида дунёнинг қўлғина мамлакатларида ўшлаб йирик китоблар, рисоалар ва юзлаб мақолалар чоп этилган. Немис олими М. Дегенхарт 1913 йилдаёқ Европа шарқшуносларининг Амир Темур ва теурийлар даврига бағишланган асарлари рўйхати-библиографиясини чоп этган¹.

Таникли француз олимлари - Л. Керен «Амир Темур ёҳуд Сохибқирон салтанати»² ва Ж.П. Ру «Амир Темур»³ номли китобларида ҳар бири Амир Темур ҳақидаги 100 дан ортқ асар рўйхатини келтирган бўлса, «Улугбек - астрономия султони»⁴ номли тўпламда - 40 та асар, «Самарқанд 1400-1500: Амир Темур пойтахти: салтанат ва Уйғонш юраги»⁵ номли асарда - 27 та китоб ҳақида маълумот берилган.

¹ Degenhart M. Tamerlan in den Literaturen des westlichen Europas // Archiv für das Studium der Neueren Sprachen, Braunschweig, 1913, vol. 123, - p. 254-278.

² Kéren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan, Paris, 1990.

³ Jean-Paul Roux. Tamerlan, Paris, 1994.

⁴ Ulugbek le prince astronome. Paris, 1994.

⁵ Kéren L. Un Espagnol à Samarkande // Samarkande 1400-1500, Paris, 1995.

Абдулхай Ҳабибийнинг 1974 йили Техронда нашр этилган 1018 саҳифадан иборат «Темур даври санъатлари» номли асари Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихи, маданияти ва санъатига оид китоб ва рисолалар рўйхати билан ва улар дунёнинг ҳайси кутубхоналарида сақланаётгани билан таништиришга бағишланган.

«Ахмад Закий Валидий асарларининг тартиби»¹ китобида 23 та асар ва китоб курсатилган. Н. Муҳиддиновнинг «Темурийлар тарихи – халқимиз тарихи»² мақоласида темурийлар сулоласи туғрисидаги 44 та манба рўйхати берилган. Академик Б. Аҳмедовнинг «Тарихдан сабқлар» ва «Амир Темур» асарларида Соҳибқирон ва темурийлар сулоласи ҳақида кўпгина тарихий ҳамда ҳозирги замонда чоп этилган китоблар таҳлили мавжуд.

Б. Лувиш томонидан тузилган библиография илк бор шундай тўлиқ адабиётлар рўйхатини камраб олгани билан эътиборга лойиқдир. Ушбу библиографияда 1917-1968 йилларда чоп этилган асарлар келтирилган.³

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Амир Темур ҳаётлик даврида нечоғлиқ машҳур бўлган бўлса, вафотидан кейин Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам янада шуҳрат қозонган. Давлат арбоби, ташкилотчи ва бунёдкор, сиёсатчи ва дипломат сифатида Амир Темурнинг кўп қиррали таржimai ҳолини унинг ички ва ташқи сиёсати доирасига кирган халқлар тақдирини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда урганишга дунё олимларининг қизиқиши ортандан-ортиб бормоқда.⁴

Жумладан, машҳур инглиз тарихчиси Эдуард Гиббон кудратли Рим салтанатининг таназзулга учраб, барбод бўлишига бағишланган салмоқли асарида Ғарбда Европа ва Шарқнинг урта асрлар тарихини таъсирлар экан, Амир Темур шахсига эътибор қаратган. Э. Гиббон Амир Темурнинг «Оддий бекдан Осий ҳукмдоригача кўтарилиши»⁵га лол қолган.

Гейдльберг тарихчилар мактабининг ёрқин намоёниси бўлган Фридрих Шлоссер узининг «Ялпи тарих» асарида Соҳибқирон ҳақида тўхталиб, Амир Темур ҳарбий сафарлардан ўз салтанати пойтахтига қайтиб келганда «ўзининг янги давлатига тузук ва қонушлар ҳада этган»⁶ини таъкидлаган.

Машҳур «Умумий тарих» асарининг муаллифи Георг Вебер Амир Темур ҳаёт йўли ҳақида фикр юритар экан, Соҳибқирон «*кинсон сифатида ҳам, ҳукмдор сифатида ҳам Боязид (Усмонлилар салтанатининг султони)дан юқори туғар эди*»⁷, деган хулосага келган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Петербургда хизмат қилган француз шарқшуноси Ф. Бернар Шармуа⁸ Амир Темурнинг 1391 йилдаги Тўхтамишга қарши юришини батафсил ёритувчи катта асар ёзиб, нашр

«Соҳибқирон инсон сифатида ҳам, ҳукмдор сифатида ҳам Боязиддан юқори туғар эди».

Георг Вебер,
Германия

¹ Ёш денгичи, 1991, 1 июль.

² Фан ва турмуш, 1992 йил, 11-12 савлар.

³ Б. В. Лувиш. История, культура и искусство времени Тимуридов в советской литературе // Общественные науки в Узбекистане, 1969, № 8-9. - С. 103-145.


⁴ Бели Саваш Йезок. XX аср ўзбек адабиётида Амир Темур. Е. Аҳмедовнинг «Амир Темур» номли романи // 1402 Ankara Sempo Uluslararası kongresi (Yıldırım - Timur), 9-12 Ekim 2012, Ankara: bildiri kitabı / editor Mustafa Alkan. - Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2014. - P. 143.

⁵ История упадка и разрушения римской империи Эдуарда Гиббона // Перевод с английско-го В. Н. Неведомский, ч. VII, М., 1886. - С. 170-172.

⁶ Шлоссер Фридрих Кристоф. Всемирная история // Русский перевод под ред. Н. Г. Чернышевского и В. А. Зайцева. Т. III (I-XVIII), СПб., 1861-1869. - С. 503-504.

⁷ Всеобщая история Георга Вебера. Т. VIII // Перевод М. Андреев, М., 1887. - С. 541-549.

⁸ Франсуа Бернар Шармуа (фр. François Bernard Charmau, 1793-1868) - французский француз Бернар Шармуа (фр. François Bernard Charmau, 1793-1868) - французский шарқшуноси, хукукшунос ва араб тили франче мутахассиси, машҳур шарқшунос тарихшунос Шарқшуноси, хукукшунос ва араб тили франче мутахассиси, машҳур шарқшунос тарихшуноси Шарқшуноси де Сасининг шогирди, Амир Темур билан Тўхтамишдан ўртасидаги урушлар тарихини ёзган француз олим.



Герман Вамбертин «Бухоро
эҳди Мовароунноҳр тарихи»
аълочи. Штутгарт, 1872 йил
Livre «Histoire de Boukhara»
d'Arnan Vambéry. Stuttgart, 1872.

эттирган¹. Эъгиборли жиҳати шундаки, Ф. Б. Шармуа ушбу китобини тайёрлашда узи фойдаланган муҳим тарихий манбаларни, шу жумладан, Низомиддин Шомиё асарини француз тилига таржима қилган.

Европа, шу жумладан, Италия олимларининг Амир Темур шахси ва унинг фаолиятига қизиқиши бундан 500 йиллар олдин бошлангани ҳақ гал. Хусусан, 1553 йили Флоренция шаҳрида Перондино деган олим каламига мансуб «Скифиялик Амир Темурнинг улугъворлиги»² талқикотининг нашр этилиши кейинги асарларга кенг йўл очган.

Бунгача яратилган айрим асарлар, масалан, Италиянинг католик черкови руҳонийси Бертрано де Мигнанеллининг (1441-1501) «Амир Темур ҳаёти» асари яқин вақтларга қадар олимларга мутлақо номаълум эди. Асар 1416 йили лотин тилида ёзилган бўлиб, унинг Дамашқнинг 1400-1401 йилларда олинишга бағишланган парчаси 1956 йилдагина Вальтер Фишель томонидан инглиз тилида нашр эттирилган³.

Шунингдек, италян тараққийпарвар ёзувчиси Жан Франческо Браччолли (1380-1459) ва француз тараққийпарвар мутафаккири Жак Боден (1530-1590) асарларида Амир Темур ҳақида кўплаб маълумотлар берилган⁴.

Рус шарқшунослари XIX асрнинг иккинчи ярмидан Амир Темур шахсини ўрганишга астойдил киришганлар. Аввало, бир қанча хорижий давлатларда чиққан асарлар рус тилига таржима қилинган. Масалан, таниқли шарқшунос олим Н. Остроумовнинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида француз тилидан таржима қилинган «Темур тузуқлари»⁵ ва Л.М. Лангленинг «Темур ҳаёти»⁶ номли асарини кўрсатиш мумкин ва у 1890 йилда Тошкентда чоп этилган.

Бундан ташқари, Кастилия Қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Амир Темур саройига саёҳати кундаликлари»⁷ 1990 йили Москвадаги «Наука» нашриётида қайта нашр этилган⁸. Х. Вамберининг «Бухоро тарихи»⁹ китоби ҳам 1990 йилда яна қайта нашрдан чикарилган. Н. Ликошин ўзбек тилидан Амир Темурнинг «Таржимаи холи»¹⁰ни рус тилида нашр қилган.

Шунингдек, Т. Грановский, С. Соловьев, М. Иванов, А. Снегарева, И. Петрушевский, Н. Конрад, Д. Логофет, И. Умняков, Л. Зимин ва бошқа бир қатор рус шарқшунослари ва муаллифлари Амир Темур ҳақида китоблар ва мақолалар чоп эттирган¹¹.

¹ Charmoy F. Expédition de Timour tink ou Tamerlan contre Togtamisho, Khah de Youlou de Djouichy, en 793 de l'égure ou 1391 de notre ère // Mémoires de l'Académie impériale des sciences de Saint-Petersbourg, 1836. - P. 69-905.

² Perondino P. Magni Tamerlani Scytharum. Florence, 1553.

³ Mignaneli Bertrando. De Vita Tamerlani, trans. W J Fischel. A new latin source of Tamerlani/Conquest of Damascus (1400/01). Orient, IX, 1956. - P. 201-232.

⁴ Амир Темур ҳаёти тарихида. - Т.: «Шарқ», 1996. - 141-бет.

⁵ Уложение Темура. Издание Н. Остроумова, Казань, 1894.

⁶ Жамъи Теура. Сочинение Лангла. Перевод Н. Суворова, Ташкент, 1890; Louis-Mathieu Langlet. Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrits par lui-même en mongol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce souverain, d'après les meilleurs auteurs orientaux. - Paris, 1787. 402 pages.

⁷ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Темура в Самарканде в 1403-1406 гг., единственный текст с переводом и примечаниями, составленным под ред. И.И. Срезневского, СПб., 1881.

⁸ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканде ко двору Темура (1403-1406) Перевод со старо-испанского, предисловие и комментарии И.С. Мирковой, Москва, 1990.

⁹ Вамберн Г. История Буары. Переводчик А.И. Павловский, СПб., 1873.

¹⁰ Автобиография Тэмэрлани. Ташкент, 1894.

¹¹ Карамзин Иванни М.И. О житии и искусстве и заносаниях монгольятар и среднеазиатских народов при Чингизиде и Тэмэрлани. СПб., 1875; Яна карам: Амир Темур ҳаёти тарихида. - Т.: Шарқ, 1996. - 133-136-бетлар.



Жастин Мароцци
китобининг инглизча наشري.
Бостон, 2006 йил.

Livre de Justin Marozzi,
édité en anglais.
Boston, 2006.

Рус темиршунослигида, айниқса, - академик В. Бартольднинг таджикотлари, хусусан, «Туркистон мўғул истилоси даврида», «Улуғбек, унинг даври» китоблари, таникли шарқшунос А. Якубовский ҳаламига мансуб «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг Амир Темур ва теурийларга бағишланган бўлими¹, ушбу олимнинг Б. Греков билан ҳаммуаллифликда ёзган «Олтин Ўрда ва унинг кулаши»² ва бошқа бир неча мақолалари³ салмокли Урин эгалайдди.

Бу ва бошқа бир катор кузга кўринган темиршунос олимларнинг мақолалари 1992 йили нашр этилган катта ҳажмли тўпламда жамланган⁴. Шунингдек, тарих фанлари доктори Б. Заходернинг «Темур салтанати» номли мақоласи маълум⁵. Янги нашр этилган асарлардан Р. Раҳмоналиевнинг китобини айтиб ўтиш мумкин⁶. Жастин Мароццининг китоби ҳам кейинги вақтда Россияда таржима қилиниб, бир неча бор чоп этилган⁷.

Амир Темурга бағишлаб Шарқда ва Ғарбда чоп этилган адабиётларнинг тўлиқ рўйхати (библиографияси) ва уларнинг атрофида таҳлили (историографияси) ҳозирга қадар яратилмагани таассуфлидир. Фикримизча, бу ишларни амалга ошириш пайти аллақачон келган ва бу темиршунос олимлар зиммасидаги ҳам фақрли, ҳам масъулиятли вазифа ҳисобланади. Мазкур жабҳада дастлабки уринишлар бошлангани эътиборлидир⁸.

Ўзбек олими Х. Содиқов ўзининг «Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати»⁹ номли китобида: «Хитой, Эрон, Туркия, Миср ва Европа махсус хизматлари, хуфя идоралари ва махфий ташкилотлари архивларидаги ҳужжатлар ва яширин ёзишмалар тилга кирганда биз Амир Темур шахси хусусида бебаҳо маълумотларга эга бўлармидик?»¹⁰, деган масалани ўртага қуйган. Сохибкирон хақида XV асрдаяк яратилган хорижий адабиётлар ҳам, муаллиф эътироф этганидек, бу ўришда айрим тасавуурларни беради.

Амир Темур XV-XVI асрларда Европа сиёсий доираларида, катolik черкови, ҳатто муқаддас инквизиция каби қудратли мустабид кучлар доирасида ҳам маълум бўлган.

Хусусан, христиан дунёсининг раҳнамоларидан бири, 1458-1464 йилларда Рим папаси бўлган Пий I ўзи муаллифи бўлган тарихий асарнинг бутун бир бобини Амир Темурга бағишлаган.

¹ Бартольд В. В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения, том 1, Москва, 1963.

² Бартольд В. В. Улуғбек и его время. Сочинения, том II, кн. 2, Москва, 1964.

³ История народов Узбекистана. Ташкент, 1950.

⁴ Якубовский А. Ю., Греков В. Д. Золотая Орда и ее падение. Москва, 1937.

⁵ Якубовский А. Ю. Образы старого Самарканда (Восток, 1925); Якубовский А. Ю. Темур // Вопросы истории. 1964, № 8-9. - С. 42-74.

⁶ Тэмэрлан: Эпоха. Личность. Деяние // Сост. отв. ред. подг. текста Р. Раҳмоналиева. - Москва, Гурац, 1992. - С. 544.

⁷ Заходер Б. Империя Темура // Исторический журнал, Москва, 1941, №6. - С. 78-88.

⁸ Раҳмоналиев Р. Тэмэрлан: Великий триумф и личность Тэмэрлана в контексте мировой истории. Москва, 1994.

⁹ Мароцци Дж. Тэмэрлан: Завоеватель Мира - Джастин Мароцци; пер. с англ. А. Г. Болышев. - М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. - 445 с.

¹⁰ Карам: Риволуцци Э. Саидова А. Амир Темур в зеркале мировой науки. - Т.: Издательский дом «Мир экономики и права», 1998. Амир Темур ва теурийлар вақтида Миср кулбоналарида сақланган маъна ва кулбоналар фикрига - Кохира: Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчиси. 1996.

¹ Саидова Х. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати тарихини баёнлар 3 қисми / Х. Саидова, масъул муҳаррир Н. Абдуваҳидова; яна ва дастур муаллифи О. Убайдуллаева. - Т.: «ART FLEX», 2010. - 436-бет.

² Саидова Х. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати тарихини баёнлар 3 қисми / Х. Саидова, масъул муҳаррир Н. Абдуваҳидова; яна ва дастур муаллифи О. Убайдуллаева. - Т.: «ART FLEX», 2010. - 219-бет.

Шунингдек, Рим папаси Пий II 1513 йилда, папа Лев ва папа Клемент VII саройига келган Джовио, Испания Кироли Филипп II нинг мулозими, географ Ортелей, Мукаддас Рим императори Карл V нинг муаррихи Педро Мехсия Сохибқирон ҳақида китоблар битган.

Бу асарларда, Ҳ. Содиков ёзганидек, Амир Темур «воқеалар ва даврлардан талқари турувчи ҳам афсонавий, ҳам реал шахс сифатида талқин қилингани эътиборга лойиқдир»¹.

З. Сатторова XVI асрнинг илк манбалари ҳақида тўхталиб, флоренциялик муаллиф М. Пальмериус ўзининг Папа Бонифаций IX ҳаётига бағишлаб ёзган манзумасида, шунингдек, генаулик Баптисто Фрегосо, Иоани Каспийский ҳам ўз асарларида Амир Темур тўғрисида маълумотлар келтирганини айтади. Англияда Амир Темурга доир манбаларни грек, лотин, италиян, француз, испан тилларидан таржима қилишга ўша даврлардаёқ киришилган. Паоло Джаиво тадқиқоти 1546 йилда Питер Эштон томонидан инглиз тилига ўғирилгани шулар жумласидандир. Хайтон Армянскийнинг 1501 йили француз тилида чоп этилган маълумотлари ҳам инглиз тилига таржима қилинган².

Ўзбекистонда темуршунос олимлар томонидан бугунги кунда «Middle East Journal», «Iranian Studies», «Journal of Near Eastern Studies», «Modern Asian Studies», «Central Asian Survey», «Bulletin of the School of Oriental and African Studies», «Islamic Culture», «Turcica» каби сони ва ҳажми тобора ортиб бораётган инглиз тилида нашр этиладиган журналларда эълон қилинаётган монографик тадқиқотлар ва илмий мақолаларни ўрганиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилаётди. Чунки, биринчидан, Марказий Осиёда иқтисодий ва маданият гуллаб-яшнашига олиб келган марказлашган давлатта асос солган Амир Темурнинг фаолияти хорижий тарихшуносликда ўзининг муносиб баҳосини олган. Иккинчидан, кейинги даврларда хорижда нашрдан чиққан хатта кўламдаги материалларнинг аксарият қисми Сохибқироннинг тарихий ватанида ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган³.

Тошкентдаги Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти собик директори В. Фурньё фикрича, Амир Темур мавзуси ГАРБий Европада Клавиго ва Женкинсон сафарномалари эълон қилинмасдан бурун, шунингдек, Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий сингари тарихчиларнинг асарлари таржима қилинмасдан олдин тарихий ва адабий мавзу сифатида мавжуд бўлган.

Бу даврни Фурньё 1500–1580 йиллар, деб таърифлайди. Француз олимнинг ушбу таърифи замирида темуршунос тадқиқотчиларни наизки ўйлантирадиган, аини чоғда, янгидан-янги изланишларга даъват этадиган чуқур тарихий ҳақиқат мужассамдир.

Европалик тадқиқотчилар Сохибқирон ҳақидаги маълумотларни Византия тарихчиси Лаоник Калкондил ёзган «Турклар салтанатининг қарор топиш тарихи» китобидан олгани ҳақида фикрлар боради Ҳ. Содиков. Бу асар 1583 йилда ёзилган бўлиб, унинг 14 бобдан иборат биринчи жилди тўлалитишга Сохибқиронга бағишланган⁴.

¹ Содиков Ҳ. Амир Темур салтанатида ҳаёқсизлик хизмати: тарихий бадиалар: 3 қисми / Ҳ. Содиков; маъсул муҳаррир Н. Абдулҳалимов; гол ва дастур муаллифи О. Убайдуллоев. – Т.: «ART FLEX», 2010. – 219-бет.

² Сатторова З. Амир Темур ва Заъад // Экономика ва статистика, 1993, № 2-3, – С. 66-68.
³ Аббасжанова Д. Маврауноравр элани правления Амира Темура в англоязычной историографии 60-90-я годов XX в.: Дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент: Институт истории АН РУз, 2001. – 160 с.

⁴ Содиков Ҳ. Амир Темур салтанатида ҳаёқсизлик хизмати: тарихий бадиалар: 3 қисми / Ҳ. Содиков; маъсул муҳаррир Н. Абдулҳалимов; гол ва дастур муаллифи О. Убайдуллоев. – Т.: «ART FLEX», 2010. – 221-222-бетлар.

*«Амир Темур мавзуси
ГАРБий Европада Клавиго ва
Женкинсон сафарномалари
эълон қилинмасдан бурун,
шунингдек, Ибн Арабшоҳ,
Шарафиддин Али Яздий
сингари тарихчиларнинг
асарлари таржима
қилинмасдан олдин тарихий
ва адабий мавзу сифатида
мавжуд бўлган».*

**Венсан Фурньё,
Франция**

Хозирги кунда Венеция архивларида ҳам Амир Темурга оид хужжатлар сақланмоқда. Бинобарин, ушбу шахар маъмурияти XIV асрнинг охири ва XV асрнинг илк йилларида Сохибқирон туғрисида жуда кўп маълумот тўплаган.

Уша даврда энг тараққий этган марказ саналган Венеция шаҳри бошлиқлари, сенати, католик черкови хомийлари Амир Темур туғрисида қайси йўллар билан маълумотлар тўплаганини аниқлаш учун Хайрулло Исмагуллох Венециядаги «Давлат Архиви»да («Archivio di Stato») сақланаётган учта тарихий хужжатни ўрганган ва ўз тадқиқоти натижаларини миллий матбуотда эълон қилган¹.

X. Исмагуллохнинг таъкидлашича, у тилта олган учта тарихий хужжат Амир Темур ва унинг ўғли Шохрухнинг 1401-1402 йилларда Венеция маъмурияти учун иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик бўлган минтакаларда олиб борган фаолиятига тааллуқли бўлиб, улар Нотари ди Кандиа (Notari di Candia) сериясида, архивнинг уша давр нотариуси Франческо Авонал (Francesco Avonal) номи билан сақланипти.

Маълумки, Византия Қироли Мануил II ҳарбий ёрдам сураб Ғарбий Европага, асосан Франция ва Англияга кетган ва Византия унинг жиғини Иоанн VII қўл остида бўлиб турган даврда туркларни ва уларнинг султони Боязид IIидиримни яхши кўрмайдиган Венеция ахлига бир хабар етиб келади: Амир Темур ўз қўшинлари билан уларнинг минтақасига туташ ерларга яқинлашмоқда эди².

Амир Темур ва Сохибқирон салтанати ҳақида кам маълумотга эга бўлган Венеция ҳукмдорлари зудлик билан бу камчиликни бартараф этишга киришган. Яъни, Венеция шаҳри маъмурияти ўз ташаббуси ва ўз кишиларининг ёрдами билан Амир Темурнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, юришлари, қўшини, у юборган элчиларнинг алоқаларига оид хабарларни йиғган, марказлаштирган ва таҳлил этган.

Аслида юқорида тилта олинган учта хужжат айти жараёнда Кретдаги Кандиа шаҳарчасига келиб тушган уч нафар савдогардан олинган маълумотларнинг қозғал расмийлаштирилган шаклидир. Дунё кезиб қайтган савдогарларга турли вақтларда Венеция маъмурияти томонидан «У томонларда қандай янги хабарлар эшитдингиз?», дея савол берилган. Жавобларни эса, нотариус Франческо Авонал ёзиб олган ва зудлик билан Венецияга жўнатиб турган.

Уч савдогарнинг биринчиси - генуялик жаноб Жиакомо де Орало бўлиб, у 1401 йил 10 сентябрь кўни Романнадан келган. Иккинчиси - 1402 йил 3 март кўни Айнос деган ердан келган Мануил Калогенгити ва учинчиси - 1402 йил 6 апрелда Аяносдан Кандиа портига келиб тўхтаган кема эгаси Костос Карчинас бўлган. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, бу шахслардан сураб олиб, жамланган маълумотлар ичида ҳақиқат билан бирга ҳар хил тахминлар, миш-мишлар ҳам учради. Шу боис бу маълумотларга танқидий ёндашиш маъқул, деб таъкидлади Х. Исмагуллох.

Бизнинг шонли тарихимиз бўлган, Амир Темур юришларига оид маълумотлар ўрин олган бу хужжатлар, дастававл, тадқиқотчи Н. Йорга томонидан бундан бир аср аввал эълон қилинган бўлса, иккинчи марта олим Ж.Т. Деннис томонидан нашр этилган. Аллиқса,

¹ Х. Исмагуллох, Сохибқирон ва ҳозирги дунё. Венеция архивларидан Амир Темурга оид хужжатлар // «Иқтисод ва ҳосилот» журнали, 1996, 9-сон. - 72-73-бетлар.
² Мурат Кечина, Мануил Палеологнинг макубуларига Султон Бозид IIидирим ва Усманлилар // 1402 Ankara Savaş Ühanlarındaki kongresi (Yıldırım - Timur), 9-12 Ekim 2012, Ankara: baki1eri kitabi / editor Mustafa Alkan. - Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2014. - P. 503.

REPUBLICA ROMÂNIA DE LAZ
PUBLICATIILE INSTITUTULUI DE ETNOLOGIE

MAIE - MATILDE ALEXANDRESCU-DERSCA

LA CAMPAGNE DE TIMUR
EN ANATOLIE (1402)



MEMBRU OFICIAL DE IMPREMERIE STATUALA
IMPREMERIA NATIONALA BUCURESTI - 1942

Amplasamentele principale ale armatelor turcești în timpul campaniei din Anatolia (1402)
 Amplasamentele principale ale armatelor turcești în timpul campaniei din Anatolia (1402)
 Amplasamentele principale ale armatelor turcești în timpul campaniei din Anatolia (1402)
 Amplasamentele principale ale armatelor turcești în timpul campaniei din Anatolia (1402)
 Amplasamentele principale ale armatelor turcești în timpul campaniei din Anatolia (1402)

Ушбу китобдаги даставхнинг таржимаси:

«Мария-Матильда Александреску-Дерска зонидаги ушбу ва оғанда оқоми ятти бу китоби Удечистон Республикасида мустақиллиги ариша таъдид эми ашод».

(Имзо)
 Жан-Луи Биле-Гришмон.
 1996 ил. 27 август».

Мария-Матильда Александреску-Дерсканинг «Темурнинг Анатолияга юриши (1402)» асарни. Бухарест, 1942 йил.

Livre de Marie-Mathilde Alexandrescu-Dersca «La campagne de Timur en Anatolie (1402)». Bucarest, 1942.

Ж.Т. Деннис турли манбалардан олинган маълумотлар асосида воқеаларни кунма-кун, ойма-ой бир тартибга солган ҳолда тузган хронологиядаги айрим маълумотлар эътиборга лойиқдир.

Хусусан, биринчидан, хронологияда Амир Темур кўшин бошлиқларидан бўлган Сулаймон Шоҳ ва Жаҳон Шоҳнинг жандаги галабаси ҳақида маълумот келтирилган бўлиб, бу ҳақда илгари румин тадқиқотчиси Александреску-Дерска китобида маълумот берилган¹.

Иккинчидан, мажур хронологиядан Шохрух Мирзонинг юришлари ва галабаларига доир маълумотлар ҳам ўрин олган.

Шунинг учун Ж.Т. Денниснинг хронологияси ва умуман, Венеция архивларида сақланаётган куважатлар Амир Темур тарихини қиёсий ўрганишда, шубҳасиз, қўл келади.

Усмонлилар империяси бўйича кўп илмий изланишлар олиб борган, руминиялик тарихнавис Николас Йорга (1871-1940)нинг шоғирди тарихчи ва туркшунос олима Мария-Матильда Александреску-Дерска Булгару «Темурнинг Анатолияга юриши (1402)»² номи асарининг кириш қисмида ушбу мавзунинг тадқиқ этилганлик даражаси ҳақида сўз юритиб, Усмонлилар империяси тарихида кучли фожиали воқеа сифатида эътироф этиладиган Темурнинг Анатолияга юриши мавзусини биринчи бўлиб Жозеф фон Хаммер ўзининг «Усмонлилар империясининг тарихи»³ асарида ўрганганлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрига кўра, Европа ва Осиё халқлари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг тақдирини белгилаб берган ушбу юришни ўрганиш аҳамияти бекиёсдир. Шунингдек, изланишларнинг ҳаммасида ҳам ушбу воқеа батафсил, кенг ва етарли даражада ёритилмаганлиги боис XIV аср охирида Ғарб ва Шарқда юзага келган сиёсий вазиятни тадқиқ қилиш масаласи хануз долзарблигича қолмоқда.

Асарнинг биринчи боби Шарқ муаммоси олдида Европанинг позициясига бағишланади. Хусусан, Византия ва Усмонлилар империясининг кенгайиши, Европанинг умумий сиёсий аҳволи, православлар ва католиклар ўртасидаги узаро диний зиддиятлар, Венеция оппортунизми ва Генуя таназули ҳақида маълумотлар берилган. Умуман олганда, янги аср бошида Европадаги қиролликлар сиёсий жиҳатдан инкирозга дуч келаётган бир пайтда Усмонлилар сулоласи бутун Ғарб ўлкаларига

¹ Marie-Mathilde Alexandrescu-Dersca. La campagne de Timur en Anatolie (1402). Bucarest Impremaria Nationale, 1942. - 180 pages.

² Marie-Mathilde Alexandrescu-Dersca. La campagne de Timur en Anatolie (1402). Bucarest Impremaria Nationale, 1942. - 180 pages.

³ Joseph Freiherr von Hammer-Purgstall. Geschichte des Osmanischen Reiches. Tomes I-IV (Pesth, 1814-1836).

таҳдид курсатувчи ягона буюк кучга айланишга улгурган. Европадаги аҳвол оғирлиги ва фитналар кўплиги борасида Клавихо ҳам гувоҳлик берган. Клавихонинг ёзишича, пойтахтида қамалда қолган Иовани VII Боязидга Темурни енгган тақдирда Константинополини унга (Боязидга) ҳаёда этишни ваъда берган¹.

Китобнинг иккинчи бобида Амир Темурни Анатолияга юриш қилишга ундаган сабаблар очиб берилган. Бир томондан минтакаларда вужудга келган сиёсий эциддиятлар, иккинчи томондан Усмонлилар султони Боязиднинг ўзига ўта бино қўйганлиги ва бутун Яқин Шарққа ўз ҳукмронлигини ўтказишга булган интилишлари, яна бир томондан Озарбайжон масаласи ва ниҳоят буюк христиан мамлакатларининг ҳужуми каби муаммоларга ягона ечим - Амир Темурнинг Анатолияга юриши. Маълумият нималигини билмаган Темур учун ўз асл аجدдларининг урф-одатлари, анъаналари ва менталитетини унутиб юборган бу туркий халқлар вакили Боязидга сабоқ бериш вақти келган эди. Чунки бутун туркий халқларнинг ҳақиқий ҳукмдори, ўз ирки ва одатларининг содиқ қизмоячиси булган ягона номга лойиқ Темур ҳисобланган.

Муаллиф асарнинг учинчи бобида Темурнинг Анатолияга қилган биринчи юриши ва дипломатик музокаралар, Темурнинг Константинополь, Трапезунд ва Пера билан иттифок тузиши ҳамда иккинчи юришга тайёргарлик қўриши борасида алоҳида тўхталиб ўтади. Сиёсатнинг забот этилиши Амир Темур учун Анатолия сари йўлнинг очиқлигини аңглатар эди. Темурнинг шиддат билан кириб келаятганини кўрган Боязид ўз элчиларини унинг ҳузурига жунатади. Қорабоғдаги қароргоҳида уларни Темур қабул қилиб, урушнинг олдини олиш учун Қора Юсуфнинг қатл этилиши ёки унга тутиб берилишини ёхуд мамлакатидан ҳайдаб юборилишини таклиф қилади. Шу билан бирга, келган элчиларни эҳтиром ва совға-саломлар билан кузатиб қўйишади.

Тўртинчи бобда 1402 йилдаги юриш, Боязиднинг махфий режалари, Амир Темурнинг Анатолияга кириб келишининг стратегияси ва Анқарада вақтинчалик қароргоҳини урнатилиши тўғрисидаги маълумотлар жой олган.

Бешинчи боб Анқара жангига бағишланган бўлиб, Амир Темур ва Боязид армияларининг кучи ва қўшиқларининг жойлашуви, Боязиднинг қаршилик кўрсатиши, қочиши ва қўлга тушиши ҳақида лавҳалар берилган. Тутиб келинган Боязидни Темур чуқур ҳурмат билан қабул қилади².


Олтинчи бобда Амир Темурнинг Анатолиядаги сўнги ишлари, унинг Салжуқийлар амирликлари тикланишидаги ўрни, христиан мамлакатларининг унга муносабати ва Темурнинг Яқин Шарқни тарқатиши хусусида сўз юритилади.

Еттинчи боб Анатолия юришининг сиёсий ва иқтисодий оқибатлари, Усмонлилар империясининг инкирози, Салибчиларга қарши янги ғоялар, Венеция оппортунизми ва Пьер Зено шартномаига бағишланган.

Шунингдек, китобнинг илова қисмида Амир Темур ва Боязид армиясидаги харбийлар сонни, Анқара жанги саналари, Амир Темурнинг

¹ Marie-Mathilde Alraesandrescu-Dersca. La campagne de Timur en Anatolie (1402). Bucarest: Imprimeria Nationala, 1942. - P.17.

² Абдулқаннон О. Амир Темур ва Боязид достонига Темур бобога ўрнатилган / Ушбу китоб на адабиёти, 1996. № 6. - 3-5-бетлар.



Хама Аҳмад Яссавий
мадбараси учун ясалган қозон.
Туркистон. XIV аср охири.

La chaudière, faite pour
la tombe de Khoja Ahmad Yassavi.
Turkistan. La fin du XIV siècle.

Константинополь хокимига ёзган но-
маси¹, Сер Жованни Корнаро, Сер
Паскалино Веньеро, Сер Марко
Гримани ва Сер Томмасо де Мо-
лио ёзишмалари, хариталар ва
манбаларга жуда бой адабиётлар
руйхати берилган.

Ҳозирги кунда нафақат
Ўзбекистонда, балки хорижий
мамлакатларда ҳам Амир Темур
ва темурийлар даври ҳақида кўплаб
китоблар нашр этилмоқда. Жумладан,
таниқли Озарбайжон ёзувчиси, кўпгина та-
рихий асарлар муаллифи Юнус Ғузузнинг «Амир
Темур» номи икки китобдан иборат дилогияси
2011-2012 йилларда ёзилган бўлишига қарамай, уттан
қиска даврда жаҳоннинг қатор тилларига таржима
қилинган. Бу китоб 2013 йили таниқли шоир ва
таржимон Усмон Қўчқор томонидан ўзбек тили-

га ўғирилди ва нашр этилди².

Юнус Ғузуз каламига мансуб ушбу тарихий романнинг «Юкса-
лиш сари» деб номланган биринчи китобида Соҳибкирон ҳаётидаги
энг муҳим нуқталар - Ҳиндистонни забт этиши, «Дунёнинг хокими»
номи иккинчи китобида эса, Амир Темурнинг Кичик Осиёга юриш
қилиб, бир қатор мамлакатларни ўз итоатига олганига доир воқеалар
ҳақида сўз боради.

Жумладан, Соҳибкироннинг уша даврда Европага қатта ҳавф со-
либ турган турк султони Боязид Йилдирим устидан ғалаба қозониши
ва дунёнинг хокимига айланиши бадий маҳорат билан тасвирланган.
Энг муҳими, асар тарихий манбаларга асосланган бўлиб, Амир Темур-
нинг жаҳон тарихида тутган буюқ ўрни, инсоният тамаддунидаги ул-
кан хизматлари ҳаққоний ёритиб берилган.

Шундай қилиб, уттан олти юз йилдан ортиқ вақт мобайнида Амир
Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тиллари-
да 900 дан зиёд бўлса, Шарқ тилларида мингдан ошиб кетди. Бугунги
кунда дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар
фаолият кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, Амир Темурнинг башарият
олдидаги тарихий хизматларини маърифатли дунё муносиб баҳолаб
қилмоқда.

Шу билан бирга, XX асрнинг 60-80-йилларида «марксча-ленин-
ча» мафкура исканжаси остида бўлган айрим совет тарихчи олимлари
Амир Темур ҳақидаги барча тарихий далилларни ўта салбий талқин
этгани ҳам сир эмас³.

Ҳақ сўз шуки, инсоният янги аср, янги минг йилликка қадам
қўйган ҳозирги даврда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адо-
латпарвар сисъати юксак ибрат намунаси бўлиб қолаверади.

¹ Matteo Sanudo, *Vite dei duchi di Venezia*, in Muratori, *Rerum Italicarum Scriptores*, Vol. XXII (Milan, 1733)

² Ғузуз Юнус. Амир Темур: тарихий роман: К.1. Юксалиш сари; К.2. Дунёнинг хокими // Ю. Ғузуз таржимон У. Қўчқор. - Тошкент: Янги аср вақоли, 2013. - 588 бет.

³ Бағфарди қаранг: Б. Аҳмадиев. Мангу устувор ҳақиқат // «Халқ сўзи», 1993, 10 февралъ; Х. Эшиқ. Соҳибкирон маънавияти ёхуд Иброҳим Муминовнинг тарихий масорати ҳуқуқида // «Ўзбекистон овози», 1995, 30 ноябрь; Х. Бобоев. Амир Темур ва унинг харашлари. - Тошкент, 1992. - 2-3-бетлар.

Шахон музейларидаги темурийларга онд осори атиқалар

Амир Темур ва темурийлар даври Ўзбекистон тарихи саҳифаларида алоҳида, ўзига хос урин эгаллашни кўпдан-кўп тарихий мисолларда кўриш мумкин. Бинобарин, ўша йиллари илм-фан, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт, шеърят, мусика санъати фавқуллоҳда тараққий этган. Бу, ўз навбатида, мазкур даврнинг «Темурийлар Ренессанси», яъни Шарқ Уйғониш даври сифатида шуҳрат қозонишини таъминлаган.

Бугунги кунда жаҳоннинг, шу жумладан, Европанинг йирик музейлари ҳамда кутубхоналарида Амир Темур ва темурийлар даври санъати, маданиятига доир бадий хунарамдочлик буюмлари, кулчилик, мисгарлик, заргарлик, харбий санъат намуналари, миниатюралар, қўлёзма асарлар сақланмоқда.

Темурийлардан кейинги алғов-далғов замонларда турли сабаблар билан чет элларга олиб чиқиб кетилган ана шу бой хазина – миллий бойликларимиз дунёнинг энг машҳур музей ва коллекцияларида намойиш этилиб, томошабинларни ҳайратга солиб келмоқда.

Мустақиллик ҳалқимизга том маънода ўзликни аниқлаш, ўзининг бой тарихидан, миллий кадриятларидан огоҳ бўлиш, улғу ва шонли тарихини қайта тиклаш ҳуқуқини берди.

Энг муҳими, истиқлол йилларида аждоқларимиз қолдирган ана шу бебаҳо меросдан баҳра олиш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар юзага келди. Бинобарин, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, «Хар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади»¹.

Юртимиздан четта олиб чиқиб кетилган осори атиқалар, архив ҳужжатларини ўрганиш, уларни ортга қайтариш масалалари истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб Президентимизнинг доимий эътиборида турибди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2002 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида тузилган махсус комиссия фаолияти эътиборга моликдир. Утган даврда ушбу комиссия ишчи гуруҳининг саъй-ҳаракатлари билан ҳорқити музейларда сақланаётган бир қатор ашёлар юртимизга қайтарилди.

Машҳур мусаввир аждоқимиз Камолитдин Бехзод томонидан ишланган миниатюраларнинг эгизак нусхалари ва айрим тарихий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маданиятнинг асосий заимраларидан ҳисобланган музейлар фаолиятини жадал ривожлантиришга қатъа эътибор қаратилаётганини қайд этиш зарур.

Айниқса, 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Музейлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши соҳага алоҳида аҳамият берилаётганини яққол тасдиқлайди. Бугун юртимизда юзлаб музейлар мавжуд бўлиб, улар илмий-тадқиқот ва илмий-маърифий муассасалар сифатида фаолият олиб бормоқда. Шулар қаторида қисқа муддатда Ва-

¹ Каримов И.А. Юсук маънавият - сўйишмис қўч. - Т.: Маънавият, 2008. - 30-Бет.



Нефрит кўзги устун.
XIV-XV асрлар. АҚШ Нью-Йорк,
Метрополитен санъат музейи
Alliance de jade XIV-XV siècle
États-Unis Le Metropolitan Museum
of Art de New York



Нефритдан ياسалган буюмлар. XV аср.
АҚШ Нью-Йорк, Метрополитен санъат музейи.
Articles faits de jade. XVe siècle. États-Unis
Le Metropolitan Museum of Art de New York.



Ғажалиходбекни во Мироншаҳларини узук-мудрари
Санкт-Петербург. Довлат Эрмитажи музейи
Voyages saches de Gornishahshahbegit et Miranshah
Saint-Petersbourg. Musée de l'Ermitage.



Утуебек номи битилган нефрит куза. 1420-1449 йиллар.
Португалия. Лиссабон, Калауста коллекцияси.

Cuchon de jade, gravé le nom d'Ughzbek 1420-1449.
Portugal Lisbonne, Collection de la fondation Calouste.



Кўзга тикилган тақийрандан шафок
XV аср. Дания Копенгаген,
Дания коллекцияси

Cuchonite a decors de dragon
XVe siècle. Danemark Copenhague
David Collection.



Нефритдан ياسалган буюмлар. XV аср.
Лондон, Британия музейи.

Articles faits de jade. XVe siècle. Londres.
le British Museum



Иброқим Султон соғати.
1415–1435 йиллар. Ар-Риёд,
Шайх-Рифат коллекцияси
Cotte de mailles de Sultan Ibrahim.
1415–1435. Ar Riyod, Collection Shekh Rifat.



Мис қуза. 1495 йил. Буюк Британия
Лондон, Кейр коллекцияси.
Pot en cuivre. 1495. Grande Bretagne
Londres, Keir Collection.



Алдор тасвири туширилган соғат восса. 1932 йил.
АҚШ. Нью-Йорк, Метрополитен санъат музейи.
Ecuelle à décor de dragon. 1932 États-Unis
Le Metropolitan Museum of Art de New York.



Мис чойнаси.
1407 йил. Туркия. Истанбул,
Турк ва ислам осорлари музейи.
Tièrere en cuivre. 1407. Turquie. Istanbul
Le Musée des Arts turcs et islamiques.



Эллине шаклидаги нефрит восса.
XV аср. АҚШ. Сан-Франциско, Оске санъатчи музейи.
Ecuelle de jade en forme d'ellipse.
XVe siècle. États-Unis. San Francisco Asian Art Museum.

танимизнинг қутлуғ қадамжоларидан бирига айланган Темурийлар тарихи давлат музейи¹ ҳам бевосита истиклол мевасидир.

Ушбу музейда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Жаҳон хазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар» номли кўргазма халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда, фарзандларимизнинг онгу шуурида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, 2011 йилда музей илмий ходими Дилафруз Қурбонованинг «Жаҳон хазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар»² номли ва 2016 йилда Д. Қурбонова Н. Ҳабибуллаев ҳаммуаллифлигидаги «Темурийларга оид дурдоналарнинг дунё буйлаб тарқалиши»³ номли китоблар ҳам нашр этилди.

Бу каби амалий ишлар, ҳеч шубҳасиз, юртдошларимизни унутилган тарих сарчашмаларидан имкон қадар кенгрок хабардор этиш, чет элларда сақланаётган осори атиқалар билан атрофлича таништириш, дунё музейларидаги аждодларимизга оид ноёб экспонатлар ҳақида тақдим этилган қимматли маълумотлар орқали юртимизда вояга етаётган баркамол авлод қалби ва тафаккурида умумбашарий кадриятларга, миллий меросимизга ҳурмат-эҳтиром, Ватанимизнинг шонли тарихига эъоз, бугунги саодатли кунларига шукроналик ва буюк келажакга қомил ишонч туйғуларини ривожлантириш борасида ўзига хос ўрин тутди.

Миллий-маданий бойликларимизнинг чет элларга олиб чиқиб кетилиши сабаблари мутахассислар томонидан куйидагича изоҳланади:

биринчидан, археология, этнография ва бошқа соҳалар буйича илмий экспедициялар ўтказиш мақсадида турли осори атиқалар йиғиб олинган;

иккинчидан, тўпланган осори атиқалардан турли кўргазмалар уюштирилиб, юқори табақа вакиллари ёхуд меҳмонлар уларни сотиб олиши мумкин бўлган;

учинчидан, хонлиқлардаги сиёсий вазият туфайли маънавий-маданий меросга эътибор суст бўлган;

тўртинчидан, совет тузуми даврида марказдан келган меҳмонларга миллий бойликлар тақдим этилган ҳамда катта миқдордаги пулга сотиб юборилган⁴.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейидан олинган маълумотларга қараганда, миллий-маданий меросимизнинг темурийларга оид ноёб намуналари айти вақтда Буюк Британия, Германия, Дания, Туркия, Франция, АҚШ, Саудия Арабистони, Россия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Эрон каби кўплаб давлатларнинг йирик музейлари ва кутубхоналарида мавжуд.

Буни, юқорида санаб ўтилган сабаб-изоҳлар қатори, Шарқнинг қимматбахо моллари азалдан Ғарб мамлакатлари савдогарларининг диққатини жалб этиб келгани билан ҳам боғлаш ўринлидир. Маълумки, ҳатто солиб юришлари даврида ҳам Шарқ билан Ғарб ўртасида саядо-сотик жадал ривожланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги 99-сонли қарори муҳаррир Н. Ҳабибуллаев. - Т.: Академгиз, 2011. - 56 бет.

² Қурбонова Д., Ҳабибуллаев Н. Темурийларга оид дурдоналарнинг дунё бўйлаб тарқалиши (Матн) / Н.Н. Ҳабибуллаев, Д.А. Қурбонова. - Т.: Академгиз, 2016. - 160 бет.

³ Қурбонова Д.А. Жаҳон хазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар / маъсул муҳаррир Н. Ҳабибуллаев. - Т.: Академгиз, 2011. - 6-бет.

Таниқли инглиз олимаси ва ёзувчиси Хилда Хуккен таъбири билан айтганда: «Амир Темурнинг душман устидан қалъаси бир ерда вайронкорликлардан, бошқа ерларда эса, ҳалокатдан сақланишига ёрдам берди. Улар Константинополь ҳалокатини ва Византиянинг улим азобини 50 йил орқага сурди. Сўнги салиб юриши маълумиятга учраганини ҳисобга оладиган бўлсак, муддатни орқага суриш нарсийилик ва Европа тақдирини учун ҳал қилувчи аҳамият касб этди»¹.

Амир Темур билан европаликлар ўртасида ўнлаб элчиликлар алмашинган. Анкара жангидан сўнг Франция ва Англия ҳукмдорлари Амир Темур билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Француз Қиролни Шарль VI билан Амир Темур ўртасидаги эътишмаларнинг бир қисми Франция ҳужжатхонасида сақланади. Амир Темур ва Мироншоҳ Англия билан ҳам дипломатик эътишмалар олиб борган. Шунингдек, Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Темур давлатида қўрган кечирганларини ўзининг машҳур хотираларида батафсил ёзиб қолдирган².

Шу тарихий манбалардан ҳам аёнки, қудратли давлат ҳукмдори сифатида Амир Темурнинг обрўси Ғарбда жуда юксак бўлган. Европа қироллари уни чуқур эҳтиром билан «энг шавқатли ва энг гойиб подшоҳ Темурбек» деб атаганлар. Амир Темур уз салтанатини Ғарбда ўрта ер денгизигача, шимолда Русия ҳудуди, жанубда Ҳиндистонгача кенгайтириб, Европани турк султони Боязид Йилдиримининг қўрқинидан халос этган ва «Европа халоскори» деган номга сазовор бўлган. Шу воқеа шарафига Францияда Темурга атаб олтин ҳайкалча бунёд этилган³.

Шуни ҳам таъкидлаш уринлики, Амир Темур сиймоси Ғарбий Европа маданиятида ўзига хос тарзда талқин этилади. Бинобарин, темуршунослик тараққиёти кўп асрлик ижодий ва методологик манбаларга эга. Машҳур инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марло (1564–1593) қаламига мансуб «Буюк Темур» асари орқали Ғарбий Европа театри сахнасида шавқатли давлат эрбоби Амир Темурнинг ёрқин сиймоси яратилган бўлса, Европа тасвирий санъатида ҳам Соҳибқироннинг кўп қиррали образини гавдалантириш борасида муваффақиятли қадамлар қўйилгани эътиборни тортади.

Жаҳон рассомлари томонидан Амир Темур тасвири туширилган тўртта ноҳир расм Франция Миллий кутубхонасида, шу портретлардан олинган нусхалар эса, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида сақланаётгани⁴ бу фикримизнинг далилидир.

Амир Темурнинг XVII-XVIII асрларга тегишли бошга маълум яна иккита портрети мавжуд:

1. Император Темур тахта. Ушбу портрет «The emperor Timur enthroned» («Император Темур тахта») деб номланган бўлиб, Бодлиан



Император Темур тахта.
Бодлиан кутубхонаси,
Оксфорд.

Empereur Temur sur le trône.
Bibliothèque bodlienne,
Oxford.

¹ Амир Темур – жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 1996. 114-бет; яна қаранг: Хуккен Х. Етти налим султони. Хушхалати-ғароҳий юксат/Х. Тўрабеков ва Ш. Салом таржимаси. – Т.: Адилят, 1999. – 320 бет; Hooikham H. Temuraine the conqueror, London, 1962.

² Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Temurlan e itinerario y enstacion al viage, y relacion de la Embarcada que fue Ruy Gonzalez de Clavijo le hizo por mandado del suyo poderoso señor rey don Henrique el Tercero de Castilla, ed. Sanchez, Madrid, 1762.

³ Баҳон маълумотларида ҳаёкалчаннинг 1900 йили Парижда ўтказилган кўргазмаси сўнг ўғирлаб ютилгани ва ҳазирда унинг тасвири номаълум жамия айтилади Қаранг: А. Бегонштрад. Бошқа бир маълумотларга қўра, ушбу ноҳир қалъасида Германияда Луар музейида сақланади. Қаранг: Курбонова Д.А. Жаҳон ҳазиналаридаги темурийларга оид жасмонлар / маълум муҳаррир Н. Ҳабибуллоева. – Т.: Akademnashr, 2011. – 30-бет.

⁴ Курбонова Д.А. Жаҳон ҳазиналаридаги темурийларга оид жасмонлар / маълум муҳаррир Н. Ҳабибуллоева. – Т.: Akademnashr, 2011. – 19-бет.



Amir Temurning tahtda utirgan davlatdagi portreti. Hindiston, Dekkan, taxmin XVIII asr.
Portrait of Amir Temur, otis sur le trone Dekkan, Inde. Environ XVIII siecle.

кутубхонасида¹ сақланаётган XVII асрга тааллуқли альбомдан жой олган. Альбом кутубхонанинг «Masterpieces of the non-Western book» («Ногарбий китоб дурдоналари») коллекциясида киритилган бўлиб, унинг эгаси антиквар Френкис Дус (Douce, Francis, 1757-1834). Тўплам асосан Шохжаҳон ҳукмронлик даврига тааллуқли (1628-1658) 41 та расмдан (миниатюра) иборат. Альбомда Амир Темур ва бир неча те- мурий шохлар расмлари мавжуд. Мир Али ал-Котибнинг 1530 йилга тааллуқли 37 та каллиграфияк намуналари ва Жомийнинг «Тухфат ал- ахрор» асаридан парчалар жой олган 9 саҳифа матни хам уз ичига ол- ган. Расмлар асосан гулли хошиялар билан безатилган.

2. Амир Темурнинг тахтда утирган ҳолатдаги портрети (Сохиб- хирон вафотидан кейинги даврда чизилган). (Хиндистон, Деккан воҳаси, тахминан XVIII асрга тегишли (ўлчами - 24.2 x 16.8 см) Васлига (миниатюра чизиш учун махсус тайёрланган қоғоз) олтиндан нақш солин- ган, четлари мато билан уралган акварель.

Расмда олтин ишлов бериш одатдагидан яхшироқ амал- га оширилган. Унда олтиндан кўпроқ фойдаланилганлигидан расм- нинг Мўғул мактабига эмас, балки Деккан мактабига тегишлилигини аниқлаш мумкин.

Айни расмининг Мўғул мактабига тегишли вариантларида олтин- дан фойдаланилмаган.

Бунга ўхшаш портретни яна Сотбис²нинг 1990 йил 26 апрелдаги 5-лотига («Mughal mid-17th century») учратиш мумкин.

Амир Темурнинг хорийда сақланаётган яна бир ноъб мулк и - Британия қироллик хазинасидаги «Темур лаъли»³ ёки «Хирожи олам» («Олам тухфаси») - нодирлиги ва машхурлиги буйича дунёда иккин- чи ўринда турувчи «шпинель», яъни қимматбаҳо тош - ёқутнинг энг нодир тури ҳисобланади. Лаъл вази Хенигер курсаткичи буйича 352,5 карат⁴, Херманн курсаткичи буйича 361 карат⁵ни ташкил қилади.

Шарқшунос олима Зива Веселининг тадқиқотига қура, одатда ёқут Бирма ва Цейлондан келиб чиққан, лаъл эса, ҳозирги Афғонистон ва Тожикистон ўртасида жойлашган Бадахшон тоғ-қонларидан қазиб олинган. Кастилия элчиси Клавиҳонинг ёзишича, Амир Темур Бадах- шон қонларига алоҳида эътибор берган ва лаълни қазиб олиш ҳамда унга сайқал беришга кўп куч сарфлаган⁶. «Темур лаъли»нинг моддий қимматига нисбатан тарихий баҳоси янада беқийсдир.

Хусусан, унинг юзасидаги форсийда битилган тарихий далиллар Бебаҳо бўлиб, унда ушбу лаъл Амир Темурга шахсан тегишли экани, бу лаълни Дехлига юриши даврида Хиндистон хазинасида қўлга киритгани ва у «Хирожи олам» деб ном олгани курсатилган. Шунингдек, лаълнинг бошқа ворис-эгалари Акбаршоҳ, Жаҳонгир ва Шохжаҳон исм-

¹ Bodleian kutubxonasi (ing. Bodleian Library) - Оксфорд университет кутубхонаси. У Европада калонлигида Батикан Библиотекаси билан, катталиги бўйича Британия Библио- текаси билан белгиланган. Кутубхона махсус қадимий кўлампалар коллекционери Томас Болди (1545-1613) шарофига қойилган.

² «Сотбис» (ing. Sotheby's) - дунёнинг энг қадимий аукционларида бири. «Криттик» би- лан биргача маълум антиквар буюмлар - қим оқиди» савдоси ёлзарининг 90% ига эгалик қилади. Дунёдаги энг яхши аукцион габо муассасаси ҳисобланади (2011 йилдаги савдолардан тушган фойда бўйича).

³ Le Temur, le rubis des Timurides // La Timuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'histoire l'orient et les échanges culturels franco-ouzbek, 2e numero, Paris, 1989. - P.8.

⁴ E. et J. Heimgar. Le grand livre des bijoux. Lausanne, 1974.

⁵ Felix Hermann. Les gemmes et les perles dans le monde. Paris, 1949.

⁶ Ziva Vosei. Sur la terminology des gemmes Taqui et la'i chez les auteurs persans//Studia Iranica, 14, 1985.

3 Султов Хусайн Мирзо девони¹. Хирот, 1490 йил, 29 varaқ, тилла-ранг қозоға турли рангларда ва олтин билан ишлов берилган, ўлчами: 24x15,8 см.

4. Мис чойнак². Хусайниддин Шаҳобиддин Биржандий имзоси туширилган амалий санъат буюми, Хирот, 1467 йил, мисдан ясалган ва олтин, қумуш суви юритилган, ўлчами: 16,5x13,3 см.

5. Кўза³. Шерали ибн Муҳаммад Дамашкий ясаган амалий санъат буюми, Хирот, 1468 йил, мисга олтин ва қумуш суви юритилган, ўлчами: 16,5x13,3 см.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Давлат Эрмитаж музейида⁴ теурийлар даврига оид куйидаги ашёлар сақланмоқда:

1. Мойчирок⁵. Марказий Осиё, 1397 йил, мисдан ясалган, олтин ва қумуш билан зийнатланган, ўлчами: 84,5x58 см. Амир Темур буйруғи асосида Аҳмад Ясавий макбараси учун ишланган машҳур олтига мойчироклардан бири. Чирокнинг айланаси буйлаб битилган сул услубидаги ёзувларни куйидагича ўқиш мумкин: «Буюк ҳукмдор, давлатпаноҳ, адолатпеша, кутб ал-Дунё вад-дин Амир Темур Кўрагон буйруғига биноан ясалди, Аллоҳ унинг мартабасини зиёда этсин...»⁶.

2. Узук-муҳр⁷. Марказий Осиё, 1408 йилдан аввал, хризолит тошидан ясалган, ўлчами: 1,8x2,1 см. Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳга тегишли буюмлардан бор-йўғи мана шу узук-муҳргина бизгача етиб келган.

3. Узук-муҳр⁸. Хирот, 1457 йилдан аввал, нефритдан ясалган, ўлчами: 2,7x2,1 см. Бу узук-муҳр Шохрух Мирзонинг хотини Гавхаршодбегимдан бизгача сақланиб қолган ягона буюмдир.

4. Лагаи⁹. Марказий Осиё, 1473–1474 йиллар, сопол идиш, ўлчами: h-9,2, d-35 см. Идишнинг марказий қисмида ингичка чизиқлар билан ҳошияланган, ислимий нақшлар маҳсулотнинг ишланган санаси, жойи ҳақида гувоҳлик беради, унда куйидаги шеърый байт битилган: «Кўз гавҳарин ювар менинг кўз ёшларим, бу кўзларга нолойикдур орзуларим».

5. «Мажнун Қазбада» миниатюраси¹⁰. Султон Шохрух учун санъаткор Маҳмуд томонидан кучирилган ушбу миниатюра Низомийнинг «Лаили ва Мажнун» асарига бағишланган, 1431 йил, ўлчами: 23,7x13 см.

¹ Туркия, Истанбул. Турк ва ислом асарлари музейи. Инвентарь рақами №2961.

² Туркия, Истанбул. Турк ва ислом асарлари музейи. Инвентарь рақами №2961.

³ Туркия, Истанбул. Турк ва ислом асарлари музейи. Инвентарь рақами №2963.

⁴ Эрмитаж киники саройининг биринчи биноси Петр I буйруғи билан шеърор Домонти-ефре италийан шеърори Франческо Бартоломео Растрелли лойиҳаси бўйича янгича қуринишда берилган. 1762 йилдан янги сарой Россиядаги тарихот-ташкит марказига айланди. XVIII асрдан киники сарой «Эрмитаж» деб атала бошлаган (французча - «экс, ягона»). Доминг гинида музей тўғрисидаги биш ёшмоқ алоқибатин. Булар: Киники сарой, Эски Эрмитаж, Киники 353 та амалги жасмоний ва Эрмитаж театри. Алтир сон 2 млн. 700 миңдан олтиқ бўлиб, риклардан икисовлади. Музола лийига 30 миңдан зиёд эскирсия ўтказилди. Қаринг: - 15-йе Яна вақит: Самарқанд пети Тилмур ва теурийларга оид жавоҳирлар. - Т.: Академгитлар, 2011.

⁵ Эрмитаж // Ленинград Государственного Эрмитаж. Музея истории культуры и искусства. 1933.

⁶ Эрмитаж Санкт-Петербург. Давлат Эрмитаж. Инвентарь рақами 5А-12686.

⁷ Эрмитаж Санкт-Петербург. Давлат Эрмитаж.

⁸ Эрмитаж Санкт-Петербург. Давлат Эрмитаж.

⁹ Эрмитаж Санкт-Петербург. Давлат Эрмитаж.

¹⁰ Эрмитаж Санкт-Петербург. Давлат Эрмитаж.

6. «Науфал жанги» миниатюраси¹. Бу ажойиб миниатюра Шохрух ибн Темурга атаб ишланган, Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» асарига бағишланган, Хирот, 1431 йил, ўлчами: 23,7x13,7см.

Германиянинг Берлин шаҳридаги Амалий санъат музейида² теурийлар даврига оид куйидаги амалий безак намуналари сақланмоқда:

1. Доирали сурат³. Шероз, 1410–1420 йиллар, олтин суви юритиб чизилган, ўлчами: 15x13 см, Искандар Султон хомийлигида яратилган.

2. Булутлар ичидаги фаришта⁴. Хирот, 1425–1450 йиллар, қозога сиёҳ билан чизилган, ўлчами: 7,5x7,5 см.

3. «Жангари туялар»⁵. Марказий Осиё, 1400–1450 йиллар, қозога сиёҳ билан чизилган, ўлчами: 17,5x24,5 см.

4. «Гул тутган ёл тасвири»⁶. Марказий Осиё, 1425–1450 йиллар, қозога сиёҳ билан чизилган, ўлчами: 29,5x26 см.

5. «Ўтирган эркак сурати»⁷. Марказий Осиё, 1425–1450 йиллар, хира қозога сиёҳ ва олтин суви юритилган, ўлчами: 26x14 см.


6. «Аждар билан олишгаётган отлик аскар»⁸. Марказий Осиё, Мухаммад Ҳайём чизган сурат, Хирот, 1425–1450 йиллар, қозога сиёҳ билан чизилган, ўлчами: 30x42 см.

Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги Британия музейининг⁹ Шарк бўлимида теурийлар даврига оид куйидаги ашёлар сақланади:

1. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари¹⁰. Сирож Хусайни ал-Султони томонидан Иброҳим Султон ибн Шохрухга атаб кучирилган. Шероз, 1436 йил июнь, 393 варақ ва 8 та расм, хира қозога сиёҳ билан ёзилган, олтин суви юритилган, ўлчами: 35,6x24,8 см.

2. Аждар туткичли пиёла¹¹. Марказий Осиё, 1400–1450 йиллар, нефрит, ўлчами: 6,5x15, 5x12,3 см.

3. Пиёла¹². Улуғбек Қурагон илми уйиб ёзилган, Марказий Осиё, 1420–1449 йиллар, нефрит, ўлчами: 6,4x19,4 см. Пиёла туткичдаги шер калласининг тасвири XV асрга оид Хирот фаввораларида ҳам мавжуд¹³.



Қурбон учун лаш,
1450 йил. АҚШ.
Metropolitan санъат музейи.

Support pour le Coran,
1450, États-Unis.
Le Metropolitan Museum of Art.

¹ Россия. Санкт-Петербург. Далаат Эрттажи.

² XX асрнинг 80-йилларида Германиянинг турли шаҳарларида янгича музейлар юрштихатта ахалият Берлин бошланган. Бу музейлар лондонли Р. Мейер, М. Унгерс, Ж. Стерлинг, Х. Ян хаби дунёга мотхур мезюрлар томонидан килаб чиқилган. Берлин шаҳрида ҳам ана шундай янгича сулуьбаги ва кўп хиррали музейлар мавжуд бўлиб, Амалий санъат музейи шулар сирага кириши. Каранг: Курьомова Д. А. Жахон каллиналаридаги теурийларга оид жавоьлар. - Т.: Akademiashtr, 2011. - 20 бет.

³ Германия. Берлин. Амалий санъат музейи.

⁴ Германия. Берлин. Амалий санъат музейи.

⁵ Германия. Берлин. Амалий санъат музейи. Инвенгтарь рақами №1.73.5.38.

⁶ Германия. Берлин. Амалий санъат музейи. Инвенгтарь рақами №1.73.5.9.1.

⁷ Германия. Берлин. Амалий санъат музейи. Инвенгтарь рақами №1.70.5.24.

⁸ Германия. Берлин. Амалий санъат музейи. Инвенгтарь рақами №1.70.5.71.

⁹ Британия музейи Буюк Британиянинг энг йирик, дунёнинг эса энг халифий музейларидан бири хисобланади. Музейнинг умумий ер шайдони - 8,7 гектар. Экспонентлар сони - 6,5 млн. дан ортик. Музейга 1753 йил 11 декабрда парламент парламенти қирори билан асос солинган ва у Европалдаги энг музейларидан биридир. Музейнинг асосий вақофда етилгани ва шайси йилчи шайсиномали Каранг: Лисцова О. В. Музей шира. - М.: Флинта, 2004. - С. 117; Курьомова Д. А. Жахон каллиналаридаги теурийларга оид жавоьларга оид жавоьлар. - Т.: Akademiashtr, 2011. - 22 бет.

¹⁰ Англия. Лондон. Британия музейи.

¹¹ Англия. Лондон. Британия музейи. Васийлар йиғинчи. Инвенгтарь рақами №(№) 2-13-1.

¹² Англия. Лондон. Британия музейи. Васийлар йиғинчи.

¹³ Arthur M. Titmus and the princely vision. - Washington, 1989. - P. 405.



Дастақи ақдароқ бошли қилчи ва унинг қини.
XV аср. Туркия. Истанбул.
Туркопи сарофи музейи.

Épée avec la poignée en forme de la tête du dragon et son fourreau. XVI^e siècle.
Turquie Istanbul.
Musée du palais de Topkapı.

4. Кузача¹. 1426-1435 йиллар, буюк устидан лакланган сопол, баландлиги: 14 см.

5. Кузача². Мухаммад ибн Шамсуддин Хурий томонидан Султон Хусайн Мирзога атаб ясалган, 1498 йил апрель, жездан ишланган, олтин, кумуш безаклари билан зийнатланган, баландлиги: 14,2 см.

6. Кузача³. Абдул Халил Кутбидин имзоси қўйилган, 1495 йил, жездан ясалган, кумуш ва олтин безакли, ўлчами: 13x7,6 см.

7. Хумча⁴. Марказий Осиё, XV аср, нефрит, диаметри: 10x9,6 см. Хумча атрофига наставкалиқ услубида шундай жумлалар ёзилган: «Ул қимматбахо тошли коса Жаҳонгиршоҳ ибн Акбаршоҳники эзур. Илло, анинг ичра хамиша умрни зиёда этгувчи, Хиёр тушган обихайёт зоҳир булғай...».

назар

8. «Искандар ва етти доно» миниатюраси⁵. Бехзоднинг энг яхши ишларидан бири, Низомийнинг «Хамса» асарига атаб чизилган, ўлчами: 20x14 см.

9. «Хусрав Ширин саройининг олдида» миниатюраси⁶. Ушбу асар Бехзоднинг энг сара асарлари ҳаторига киради, олтин суви юритилган қоғозга сиёҳ билан чизилган, ўлчами: 15x10 см.

Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги Виктория ва Альберт музейи⁷ Осиё бўлимида сақланаётган ашёлар:

1. Кузача⁸. Ҳабибулло ибн Али Баҳоржоний ясаган, Ҳирот, хижрий 866 йил (1461-1462), жез ва кумуш, ўлчами: 13x12,8 см. Кузачага нахс хатида Ҳофиз девонидан базм-жамшид мавзуйидаги иккита ғазал байтлари қучирилган.

Даниянинг Копенгаген шаҳридаги Миллий музейнинг Осиё бўлимида сақланаётган теурийлар даврига оид осори атиқалар:

1. «Лайли ва Мажнун саҳрода» миниатюраси⁹. Ушбу асар Бехзод ва унинг дўстлари томонидан Хусрав Дехлавийнинг «Лайли ва Мажнун» асарига атаб чизилган, 1485 йил, ўлчами: 20x15 см.

2. «Мажнуннинг туғилган куни» миниатюраси¹⁰. Олтин суви юритилган қоғозга сиёҳ билан чизилган, 1485 йил, ўлчами: 20x15 см.

3. «Қари сўфий ва ёш йигит» миниатюраси¹¹. Хусрав Дехлавийнинг «Матлаъ ал-анвор» асарига аталган, қоғозга сиёҳ билан чизилган, 1485 йил, ўлчами: 20x15 см.

¹ Англия. Лондон. Британия музейи. Васийлар кенгаши.

² Англия. Лондон. Британия музейи. Васийлар кенгаши.

³ Англия. Лондон. Британия музейи. Инвентарь рақами №1945-10-17-257.

⁴ Англия. Лондон. Британия музейи. Васийлар кенгаши.

⁵ Англия. Лондон. Британия кутубхонаси.

⁶ Англия. Лондон. Британия кутубхонаси.

⁷ Ушбу музей 1852 йилда ташкил топган бўлиб, малика Виктория ва унинг турмуш ўртоғи

Альберт номлари билан аталади. Музей экспозицияси икки қисмга бўлинди: 1. Амалий безак санъати. 2. Илим-фан тўғриси машиналар, педагогик тузилмалар ва ҳоказо). Иккала қисмда ҳам ўқув қонналари ва кутубхоналар бор. Музейдаги эфебеллар, матолар, сопол буюмлар, бадний кумарлардан ташқил қилинган бутун дунёга машҳурлиқ. Шунингдек, Осиё мамлакатлари билан шайхона ва асарлар Британия музейи туламини қоплашмайди. Қаранг: Курбанова Д.А. Жаҳон диний шеърлари теурийларида оид асарлар. - Т.: Академнашр, 2013. - 26-бет.

⁸ Англия. Лондон. Виктория ва Альберт музейи.

⁹ Дания. Копенгаген. Миллий музей.

¹⁰ Дания. Копенгаген. Миллий музей.

¹¹ Дания. Копенгаген. Миллий музей.

Франциянинг Париж шаҳридаги Лувр музейида¹ теурийлар даврига оид куйидаги ашёлар сақланмоқда:

1. Коса². Марказий Осиё, 1450-1500 йиллар, нефрит, ўлчами: 6,5x14,5 см.
2. Мойчирок³. Марказий Осиё, 1397 йил, мисдан ясалган, олтин ва кумуш билан зийнатланган, ўлчами: 84,5x58 см., мой куйадиган қисми 22,5x25,5 см., Ашир Темур буйруғи асосида Аҳмад Ясавий мақбараси учун ишланган машҳур олтига мойчироклардан бири, уларни XIX аср охирида Парижнинг Лувр музейи ҳамда Эрмитаж (Санкт-Петербург) бўлиб олган.

«Теурийлар тарихи ва санъатини урганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси» ҳозирги раиси Фредерик Бопертуйс-Брессан ўн уч залдан иборат бўлган Лувр музейининг Ришелье катнотида очилган ислом санъатига доир кўргазмани томоша қилиб, ўз таассуротларини куйидагича ифодалаган:

«Испаниядан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда тарқалган ислом дини маданияти ҳар бир залда маълум бир ҳудуд тарихига оид ашёлар кўргазмаси билан ўзаро фаркланади. Ташриф буюрувчи ҳар бир шахс қадимий топилмаларни томоша қилиб, ўзини гўё уша даврга тушиб қолгандек сезади. Залларга кетма-кет қириб, исломдан олдинги Эрон, Аббосийлар сулоласи, Самарқанд Суфлар, Мисрнинг Фотимийлар сулоласи, Испаниянинг Уммавийлар сулоласи, Эроннинг Сосонийлар сулоласи даврларида сақланиб қолган турли тарихий кўхна ашёлар билан танишиш мумкин.

Теурийлар сулоласига бағишланган залда сопол идишлар, турли буюмлар, хусусан, Туркистондаги Аҳмад Ясавий мақбарасидан олинган машҳур шамдон бор. Аслида бу шамдонлар олти дона бўлган, тўрт донаси хануз мақбарادا ва бир донаси Эрмитаж музейида. Барча кўргазмалардаги ашёларни санаб ўтишнинг имкони йўқ, лекин Эроннинг шимоли-ғарбида XVI асрда тўқилган «Мантес» номли йирик тилам ҳақида тўхталмоқ лозим. Ушбу тиламда Бобур тасвирланган миниатюра лавҳаси ўз аксини топган»⁴.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен санъат музейида⁵ теурийлар даврига оид куйидаги ашёлар сақланмоқда:

1. Қуръон лавҳи⁶. Ҳасан ибн Сулаймон Исфаҳоний томонидан ясалган, Марказий Осиё, 1359 йил, ёғоч, ўлчами: 130,2x41 см.
2. Коса⁷. Марказий Осиё, XV аср, бўёқ устидан лакланган сопол, ўлчами: 7,6x14,6 см., Эверт Мейси сова қилган.

¹ Францияда давлат ҳарамосидаги 12 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар ва 1200 га яқин турли музейлар мавжуд бўлиб, энг машҳури Лувр музейидир. Музейдаги 225 та галереяда 400 мингга яқин экспонат кўргазмага қўйилган. Бир ёилда музейга кирадиган томошабинлар сонини ўрта эътиборда 3 миллиондан ортиқди. «Лувр» сузи лотинча «бўрилар ғрийни» маъносини аниқлатиб, «Lowet» - каср деб таржима қилинади. Каранг Лисикова О.В. Музеи мира/М. Фотина, 2004. - С. 110.

² Франция. Париж. Лувр музейи.

³ Франция. Париж. Лувр музейи Инвентарь рақами № 7060.

⁴ Le Grand Louvre: Redécouverte des arts de l'Islam dans l'aile Richelieu // La Timouride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timourides et les échanges culturels franco-ouzbecks, 18^e numéro, Paris, 1993. - P.13-14. Frédérique Bopertuis-Bressand, L'Or Bleu de Samarkand - The Blue Gold of Samarkand. Paris: Art international publishers, 1998. - 159 pages; Frédérique Bopertuis-Bressand, Samarkand la magnifique. Paris: Georges Naef, 2003. - 285 pages.

⁵ Нью-Йорк ақли Метрополитен музейининг «Миллий ҳазинамиз», «Миллий факрларимиз» деб эълонланади. Ушбу музей 1870 йилда ташкил топган бўлиб, унинг машҳур экспонатлари АҚШнинг бошқа музейларида яншилар доимийда кўргазмага қўйилган. Бу вара томошабинлар учун барча шартлар яратилган, хусусан, эскирликлар ерғаб тилларга аниқ борилган. Каранг Губарова М.В., Имомна Н.А. 100 аниқлик галерея и музейи / М. Вече, 2005. - С. 239.

⁶ АҚШ. Нью-Йорк. Метрополитен санъат музейи. Розерс фондида махфията берилган.

⁷ АҚШ. Нью-Йорк. Метрополитен санъат музейи. Инвентарь рақами № 1932, 3233.

3. Узук¹. Марказий Осиё, 1450–1500 йиллар, нефрит ва олтиндан ишланган, улчами: 3,5x2,5 см. Темурийлар даврига оид куплаб нефрит буюкларни ёдга солувчи аждаҳо бошли бу узукдаги нефрит тоши устига араб имлосида ёзув битилган.

4. Ханжар дастасининг туткичи². Марказий Осиё, 1450–1500 йиллар, нефрит, улчами: 3,5x2,5 см. Эбер Р. Бишоп совғаси.

5. «Лайли ва Мажнун мактабда» миниатюраси³. Низомийнинг «Хамса» асарига атаб ишланган, мадраса мовий гумбази, минорали, деворлари пушти рангда гишт билан қурилгани тасвирланган, 1432 йил, улчами: 30x20 см.

6. «Базмга тайёргарлик» миниатюраси⁴. Камолиддин Бехзод томонидан чизилган, 1490 йил, улчами: 16x10,8 см.

АҚШнинг Сан-Франциско шаҳридаги Осиё санъати музейида⁵ сақланаётган темурийлар даврига оид ашёлар:

1. Эллипс (ёй) шаклидаги коса⁶. Марказий Осиё, XV аср, нефрит, улчами: 15,9x16,5 см.

Шу билан бирга, бугунги кунда Европадаги йирик билим масканларидан ҳисобланмиш Берлин давлат кутубхонасида (Германия) Темурийлар даврига оид «Мажолис ун-ушшоқ» (Хусайн Бойқарога нисбат берилган), «Меърожнома», Алишер Навоий «Хамса»сининг нодир нусхаси, Навоийнинг шеърлар мажмуаси бор. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг қайд этишича, ушбу кутубхонада адабиётга оид мавжуд 142 та қўлёзмадан 18 таси Темурийлар даврига тегишлидир⁷.

Биз Фарбнинг еттита йирик давлатидаги 10 та машҳур музейда сақланаётган Амир Темури ва темурийларга оид қарийб 40 та осори атиқа ҳақида мухтасар маълумот бердик, ҳолос. Албатта, бу маълумотлар денгиздан бир томчидек гап. Дунё музейлари ва кутубханалари захираларида нафақат темурийлар даври ёдгорликлари, балки бой тарихимизнинг турли даврларига доир яна қанчадан-қанча миллий бойликларимиз сақланади. Наҳаки, Европа, балки жаҳон ҳазиналарида авайлаб-асраб ҳелинаётган ана шундай ноёб, бетакрор дурдоналар темурийлар даврининг нодир жавохирлари қаторидан ўрин олган.

Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчимиз. Яъни, жаҳон ҳазиналаридаги темурийларга оид жавохирлар ҳақида электрон китоб яратиш керак. Ҳайлаймизки, мутахассислар, хусусан, Темурийлар тарихи давлат музейи ходимлари бу масалани диққат эътиборида тутадилар.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темури ва темурийлар даврига оид ноёб осори атиқалар дунё буйлаб тарқалган, бугунги кунга қадар ҳам башар аҳли уларни улкан ҳизқиш ва ҳайрат билан томоша қилмоқда, астойдил урганмоқда, қадрлаб, эъзоз ва эътироф этиб келмоқда. Бошқача айтганда, аждодларимиздан мерос моддий ва маънавий маданият манбалари инсоният тафаккури дурдоналари қаторидан муносиб ўрни олган. Зеро, бу каби дурдона асарлар кишиларни ҳамиша маънавий камолот чўққилари сари қорлайверади.

¹ АҚШ, Нью-Йорк. Метрополитен санъат музейи. Ромерс фонди.

² АҚШ, Нью-Йорк. Метрополитен санъат музейи.

³ АҚШ, Нью-Йорк. Метрополитен санъат музейи.

⁴ АҚШ, Нью-Йорк. Метрополитен санъат музейи.

⁵ Осиё санъати музейи.

⁶ 1968 йилда Осиё мамлакатлари тарихи ва маданият мероси илмий комиссияси Американи Америка Президенти томонидан халқни йўли билан ташкил этилган. А 1975 йилда, яъни 9 йиллик ишдан ўзининг 7700 га яқин музей экспонатларини Осиё санъати музейи тақдир қилган. Хитроф кўнрақ музееда ҳадимиялик 6000 ёшга етган тарихий буюклар маънавий музеедаги экспонатларнинг умумий сони 18 000 талдан ортиқ.

⁷ АҚШ, Сан-Франциско. Осиё санъати музейи.

⁸ М. Али. Германияда навоийликнинг // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2016, 19 февраль

Амир Темур ва ЮНЕСКО: «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши»

Узбекистон - тарихий-маданий ёдгорликларга бой муъжизавий мамлакат. Бу ерда минг йиллик обидалар билан ёнма-ён замонавий бинолар қад ростлаб турибди. Азалдан шоқли ўтмиши билан фахрланиб келган ўзбекистонликлар Истиклол берган имкониятлар туфайли маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида яна олдинги марраларни забт этиш сари интильмоқда, бу орада ўтган қисқа муддатда эришган ютуқларига янги ютуқлар қўшиб, бугунги саодатли кунларда шодланиб яшамоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган муассасаси - ЮНЕСКО билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. БМТ тизимида ЮНЕСКО «Ғоялар лабораторияси», уларни ҳаракатта келтирувчи куч, бутун жаҳон ҳамжамияти ва ҳар бир давлат фойдалана олиши учун илғор тажрибани кенг ёядиган ташкилот сифатида ноёб нуфузга эга¹.

ЮНЕСКОнинг ёш мустақил давлатларга таълим ва фанни ривожлантириш бобида миллий сийсатни ишлаб чиқиш, бетақрор маданиятларини қайта тиклаш, оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос тизимларини барпо этиш тамойилларини белгилаб олиш соҳасида кўмаклашишга қаратилган фаолияти жаҳонда кенг эътироф этилмоқда.

Инсоният маданияти тарихида Ўзбекистон муҳим ўрин эгаллайди. Маданий ва маънавий меросга бой заминимиз азалдан фақат Марказий Осиёдагина эмас, балки бутун дунёда ижтимоий жараёнларга ҳам таъсир ўтказиб келган. Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб демократик ислохотларни амалга ошираётган экан, фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳам ўз миллий тараккиёт йўлини белгилаб олган.

Ҳали мамлакатимиз истиклолга эришгунга қадар ҳам ЮНЕСКО Ўзбекистонга катта қизиқиш билан ҳарар эди. Бу обрўли халқро ташкилот ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб, буюк қомусий алломалар Абу Райҳон Бериуний ва Абу Али ибн Сино таваллудларининг 1000 йилликларини, азим шаҳар Тошкентнинг 2000 йиллигини нишонлаган эди.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ЮНЕСКО олти жилдлик «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» номли ёирик халқаро тадқиқот олиб борди ва ўтган даврда бу китобнинг олти жидди нашр қилинди. Ушбу асарни ёишда таниқли ўзбек олимлари ҳам иштирок этганлар. Асарнинг туртинчи жилдида Амир Темур салтанати ва темурийлар даври тарихи, маданияти, санъатига катта ўрин берилган.

«Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» («History of Civilizations of Central Asia») деб номланган китоблар туркуми ушбу минтақанинг тарихи, маданияти ва илмий ютуқларининг чуқур илмий тадқиқотлари самарасидир. Маълумки, 1966 йил ноябрь ойида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 14-сессиясида ЮНЕСКО дастурига Марказий Осиё

¹ А.Х. Саидов. ЮНЕСКОнинг эътирофи // Халқ сўзи, 1996, 20 апрель.



ЮНЕСКО томонидан нашр этилган 6 ҷилдлик «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» авторлари Темурийлар тарихи бағишланган 4-жилди. Париж, 2002 йил.

Le volume de «Histoire des civilisations de l'Asie centrale», consacré à l'histoire des Timurides. Publication de l'UNESCO en 6 volumes. Paris, 2002.

тамаддунини ўрганиш буйича лойиҳа киритилган. Лойиҳанинг асосий мақсади Марказий Осиё халқлари тарихи, илм-фани ва адабиёти билан яқиндан танишишдан иборат. Мазкур лойиҳа доирасида дунёнинг таниқли тарихчи ва археолог олимларидан иборат халқаро тахрир кенгаши тузилиб, илмий изланишлар натижаларини йирик нашрларда эълон қилиш кўзда тутилган.

«Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» номли китобларнинг 1-жилди – «Цивилизация уйғониши: ибтидоий даврдан – эраמידан аввалги 700 йилгача бўлган давр»; 2-жилди – «Ўтрок ва кучманчи цивилизация ривожланиши: эраמידан аввалги 700 йилдан – милодий 250 йилгача»; 3-жилди – «Цивилизация чорраҳаси: милодий 250 йилдан 750 йилгача»; 4-жилди – «Аср якунланиши: 750 йилдан XV аср окиригача»; 5-жилди – «Кескин фарқдаги ривожланиш: XVI асрдан XIX аср уртасигача»; 6-жилди – «Замонавий цивилизация сари: XIX аср уртасидан ҳозирги кунгача», деб номланган.

Ўзбекистонлик 18 нафар таниқли олим ушбу китобларни ёзишда иштирок этган. Хусусан, академиклар А. Асқаров, П. Булгаков, А. Қаюмов, Г. Пугаченкова, Э. Ртвеладзе, А. Муҳаммеджанов, профессорлар Н. Абдурахимова, А. Абдуразаков, А. Аҳмедов, Д. Алимова, Ҳ. Бобобеков, К. Голованов, А. Ҳақимов, М. Кадиров, Е. Каримов, Р. Муқминова, М. Ниёзова, Р. Раджабованинг тадқиқотлари ушбу тўпلامдан ўрин олган.

Мазкур китоблар туркумининг 4-жилдида Амир Темур ва темурийлар салтанатига доир маълумотлар билан танишиш мумкин. А. Қаюмовнинг «Туркий халқлар адабиёти» («Literature of the Turkic peoples»), А. Ҳақимовнинг «Мовароуннаҳр ва Хуросонда санъат ва ҳунармандчилик» («Arts and crafts in Transoxania and Khurasan»), Г. Пугаченкованинг «Мовароуннаҳр ва Хуросон» («Transoxania and Khurasan»), Р. Муқминованинг «Темурийлар давлати XV ва XVI асрларда» («The Timurid states in the fifteenth and sixteenth centuries») каби илмий тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар мамлакатимиз мустақилликка эришгач янги босқичга кўтарилиши. 1993 йил 29 октябрда Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг тулақонли аъзоси бўлди. Уша пайтдаёқ ЮНЕСКО дастурига буюк мунажжим ва давлат арбоби

¹ History of Civilizations of Central Asia. Volume I. The dawn of civilization: earliest times to 700 B.C. Editor: A.H. Dani. - Paris: UNESCO, 1993. - 535 p.

² History of Civilizations of Central Asia. Volume II. The development of sedentary and nomadic civilizations 700 BC to A.D. 250. Editors: János Harmatta, B. N. Puri, G. F. Etemadi. - Paris: UNESCO, 1994. - 573 p.

³ History of Civilizations of Central Asia. Volume III. The cross-roads of civilizations: AD 250 to 750. Editors: B.A. Litvinsky, Zhang Guandao, R. Shiehani Samghabadi. - Paris: UNESCO, 1996. - 569 p.

⁴ History of Civilizations of Central Asia. Volume IV. The age of achievement AD 750 to the end of the fifteenth century (Part I & Part II). Part One. The historical, social and economic setting. Editors: M.S. Aslamov and C.E. Bosworth. - Paris: UNESCO, 1998. - 474 p.; Part Two. Achievements. Editors: M.S. Aslamov and C.E. Bosworth. - Paris: UNESCO, 2002. - 745 p.

⁵ History of Civilizations of Central Asia. Volume V. Development in contrast: from the sixteenth to the mid-nineteenth century. Editors: Chahryar Adle and Irfan Habib, Co-editor: Karl M. Bakpakov. - Paris: UNESCO, 2003. - 910 p.

⁶ History of Civilizations of Central Asia. Volume VI. Towards contemporary civilization: from the mid-nineteenth century to the present time. President: Chahryar Adle, Co-Editors: Madhavan K. Palat and Anara Tabyshalieva. - Paris: UNESCO, 2005. - 992 p.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек¹ таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш таклиф қилинди.

Бунж асосида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуд санаси ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юксак даражада нишонлангани Ўзбекистон билан ушбу ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг янги асосдаги ривожини бошлаб берди². Бу тадбирни боёқалонимиз Амир Темур ҳазратлари муборак байрамларининг дебочаси дейиш ҳар томонлама тўғридир.

Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиясининг тузилиши узаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишда муҳим қадам бўлди³.

1995 йили август ойида ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов билан музокаралари ва Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандумнинг имзоланиши, Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг очилиши ҳамкорлигимиз соҳаларини янада кенгайтирди⁴.

ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майор ўзининг Ўзбекистонга расмий ташрифидан сўнг Ўзбекистон Республикасига йўллаган миннатдорчилик мактубида И.А. Каримовни ЮНЕСКОнинг қароргоҳига таклиф этди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилиниб, Ўзбекистон Президенти 1996 йил 23 апрель кунин ЮНЕСКО Ўжроия кенгашининг 149-сессияси ялпи мажлисида иштирак этди ва нутқ сўзлади. Президент И.А. Каримов Парижга ташрифи чоғида ЮНЕСКО қароргоҳига ташриф буюрди ва мазкур халқаро ташкилотнинг Бош директори Ф. Майор билан учрашиб, суҳбатлашди⁵.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонни билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Бу, истиклол шарофати ўлароқ, Соҳибқироннинг миллий давлатчилигини барпо этишга, фан, таълим ва маданият тараққиётига қўшган улкан ҳисасининг мунносиб эътирофи бўлди. 1996 йил апрель ойида Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўғри нафақат Ўзбекистонда, балки ЮНЕСКО Бош ассамблеясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтган 28-сессияси қарорига мувофиқ, бутун дунёда кенг нишонланди⁶.

ЮНЕСКО Бош ассамблеясининг бу тарихий қарори буюк боёқалонимизнинг жаҳон фани, маданияти, меъмorchилиги ва санъати, Шарқ цивилизацияси ва тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси халқаро

¹ Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394–1449) – Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, Шоҳруҳ Мирзонинг ўғлидир. 1404 йил Қонилиқда ўтқизилган таътаналарда Амир Темур отгани набирасининг (жунақдан, Улуғбекнинг) номида гулдорини ўтқизган. Тўғли Соҳибқирон Улуғбекка Ташкент, Сайрдам, Янги (яна, Тарон), Ашлар ва Муғузистонни то Ўлка ҳудудигача сузоғори эълан берган. 1410 йил Шоҳруҳ Ибнроҳимларни эълангаче уни бошдорини Улуғбекка ишониб топширган. У ўзининг бутун қобилият ва истидорини, солиқнинг муқдоринида кўра илган фаслатга «кўроқ қаратди. Натиклада, 1428–1438 йиллар давсида ўз устозларини ва шоҳларлар билан ҳамкорлиқида олиб борган илган қулатишларининг ақуни сиратида унинг шох асари – «Элчи ҳамкорлиқида олиб борган илган қулатишларининг ақуни сиратида унинг шох асари – «Элчи ҳамкорлиқида олиб борган илган қулатишларининг ақуни сиратида унинг шох асари – «Элчи ҳамкорлиқида олиб борган илган қулатишларининг ақуни сиратида унинг шох асари» («Тўғри улус тарихи»), унинг муқосарини «Шаларам ат тур» тарихида оид илган бор илган муқосарида оид асарларини ҳам маълум.

² Ulugbek à Paris // PARIS MATCH, 1994, 22 decembre.

³ А.Х. Самиев, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО // Народное слово, 8 февраль 1994 йил.

⁴ Amir Temur in the world history. – Tashkent, Publishing-polygraphic share company «Shahz»,

2001. – P. 288.

⁵ Халқ сўзи, 1996, 25 апрель.

⁶ Бу қарор ЮНЕСКО Бош Ассамблеяси 28-сессияси қарорлари тўғрисида нашр этилган: UNESCO. Resolutions twenty-eighth session of the General Conference. Vol. I, Paris, 1996. – P. 89.



Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов,
Франция Президенти Жак Ширак,
ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор
ҳамда таъмуриётсиз аҳоли Раҳимов Фароқ.
Париж, 1996 йил апрель.

Président de la République d'Ouzbékistan Islam Karimov,
Président de la République Française Jacques Chirac,
Directeur général de l'UNESCO Federico Mayor
et devant Lucien Kervien
Paris, avril 1996.

маънада таъминининг, демакдир. Аслида ҳам, ЮНЕСКО Бош ассамблеясининг 28-сессиясида Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг биринчи бор катнашини, Амир Темур таваллуд топган куннинг 660 йиллигини, Бухоро ҳамда Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорларнинг ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари учун маънус настурининг қабул қилиниши мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига таъбирга ўсиб бораётган нуфузининг тасдиғи бўлди. Шу маънода, Ф. Майор таъкидлаганидек, «1995 йилда Ўзбекистон ЮНЕСКО учун энг яхши кашфиёт бўлди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси қўллаб-қувватланиб ўшанда Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида маданият кафедраси утказилгани бунинг яна бир яққол исботидир. Ўзбекистон Президентининг бу ташаббусини ЮНЕСКО Бош директори яқдиллик билан қўллаб-қувватлагани алоҳида эътиборга молик. Билнобарин, Ф. Майор ўз фаолиятида жаҳон маданияти, таълимнинг самаралорини, фан тараққиётини, халқлар ва инсонлар тинчлигига алоҳида эътибор берган. У: «Тинчлик - биз, инсонлар ўз инсоний вазифамиз»



Франция Президенти Жак Ширак Ислам Каримовга Бобокалонимиз Амир Темурнинг 1402 йилда Франция Қироли Шарль VI га ўюлган номосини тақдим этмоқда. Париж, 1996 йил апрель.

Président de la République Française Jacques Chirac remet à Islam Karimov la lettre d'Amir Temur au Roi de France Charles VI de 1402. Paris, avril 1996.

1996 йил апрель ойида Амир Темур шаваллудининг 660 йиллик туғи нафакати Ўзбекистонда, балки ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 1995 йил октябр-ноябрь ойларида бўлиб ўтган 28-сессияси қарорига мувофиқ, бутун дунёда кенг нишонланди.

ни адо этишимиз учун асосий шарнидир», дейди¹. Ўзбекистондаги бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, сиёсий барқарорлик, туб демократик ислохотлар, миллий маънавиятни, улuf ажлодларимизнинг номини тиклаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат ЮНЕСКО дастурлари билан ҳамохангдир.

Ф. Майор Президент И.А. Каримовга хатида шундай деб ёзди: «Самарқанд, Бухоро ва Хивага қилган сафарим ҳаётимдаги ҳаяжонли дамларим бўлди. Уерлар эртаклардаги каби афсонавий ва тарихий жойлардир. Мен Инак нули шў жойлардан ўтиб, маданиятлар ва динларининг бир-бирига кириб келишига ва Шарқ билан Ғарбнинг мулоқотининг қумаклашганини тасаввур этишига ҳаракат қилдим. Мен борган жойлар инсоният тақдирлари чорраҳалари ўтган буюк шаҳарлар эди. Ҳозир биз тарих билан ҳисоблашган ҳо.да, Инак нули тинчлик ва мулоқот йўли сифатида хизмат қилишини давом эттиришига қумаклашимиз лозим»².

Буюк бобокалонимизнинг 660 йиллик Байрам тантаналарида марказий ўринни юқорида тилга олинган маданият ҳафталиги эгаллади. Ҳафталик доирасида Амир Темур ва теурийлар сулоласининг шимми-

¹ А.Х. Санжов. ЮНЕСКОнинг эътирофи // Халқ сўзи, 1996, 20 апрел.

² Ушбу маъба.



ЮНЕСКО қоросида Париж.
Siège de l'UNESCO, Paris.

маданий мероси ҳақида тарихий қурғазма, муस्ताқил Ўзбекистоннинг ҳозирги замон тасвирий санъати намояндлари асарларининг энг яхши намуналари намойиш этилди. Бундан ташқари, кўп асрлик анъаналарга бой ўзбек миллий амалий санъати вакиллари хорижлик меҳмонларни ўз ижодлари билан бевосита таништириш имконига эга бўлдилар. Ўзбекистон санъат усталари ўзларининг сержило куй на қўшиқлари билан тadbир аҳлини мамнун этдилар.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов «Темурийлар даврида илим-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мақсулдаги қурғазманинг очилиш маросимида нутқ сузлади¹. Урта асрларда яшаб ўтган Амир Темуր ҳазратлари шарафига уюштирилган бундан тadbирнинг барҳад тарих, маърифат, маданият, мангу гузаллик нафаси уфуриб турган Париж шаҳрида ўтказилиши катта рамзий маънога эга экани татаққиланди.

Ўзбекистон Президенти Франциянинг ўша пайтдаги Президенти Жак Ширак иштирокида ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майорга ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустақкамлашдаги бекабс хизматлари, Марказий Осиё халқларининг бой маданият меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан хиссаси учун, шунингдек, «буқок индак йули – мулоқот йули» халқаро дастурини амалга ошириш борасидаги буқок хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг олий мухофотларида бири – «Дўстлик» орденини топширди².

Франциялик машҳур олим Люсьен Керен Амир Темуր ҳаёти ва фалсафига, Темурийлар даврига бағишланган кўп йиллик тadbиротлари, Ўзбекистон ва Франция халқлари маданиятларини ўзаро яқинлаштириш борасидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикасининг «Шуҳрат» медали билан тақдирланди³.

¹ «Жаҳон ахборот агентлиги» хабари // Халқ сўзи, 1996, 25 апрель.
² Ушун маъна.
³ Ушун маъна.



Дуду Дьен, Сенегал

Doudou Diène, Sénégal

Жаҳ Ширак ва, ўшанда Ислам Каримовга бобикалонини Амир Темурнинг 1402 йилда Франция Кироси Шарль VI га бўлган номасини тақдим этди¹. Бу мақсуб Соҳибкироннинг 660 йиллигига муносаб соғна бўлди. Бундан олти ажр муҳаддиси Амир Темур ҳазратига француз савдогарларини ўз юртига чорлаган бўлса, истиқлол шарофати билан мустақил Ўзбекистон Президенти француз ишбилармонларини узаро фойдали ҳамкорликка даъват этди. Бинобарин, маданий алоқалар иқтисодий ҳамкорликка муҳим пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Жаҳон тежуруно олимларининг халқаро илмий анжумани ЮНЕСКОнинг маданиятлараро дастурининг директори Дуду Дьен, 1987 йили Францияда ташкил этилган «Темурийлар тарихи ва санъатини урганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари ўзошмаси»нинг раиси профессор Л. Керен ҳамда шу уюшма котиби Ф. Болерто-Бресан ва Ўзбекистон олимлари билан бирга тайёрланди. Анжуманда дунёнинг кўплаб йирик тежуруно олимлари катнашиш истиғини билдирдилар ва бу борада шароитлар таъминлаб берилди. Анжуман иштирокчилари маърузаларининг қисқача баёнини тўтлаш шаклида Ўзбекистон Республикаси элчихонаси профессор Л. Керен ва академик Э. Ртвеладзе билан бирга тайёрлади ва Парижда нашрдан чикарди².

ЮНЕСКО Котибияти Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналарига катта аҳамият қаратди. Халқаро анжумани тайёрлашда фаол иштирок этган ЮНЕСКО «Ипак йули – мулоқотлар нули» халқаро илмий экспедициясининг координатори Дуду Дьен шу муносабат билан Амир Темур гуғрисида айтган куйидаги сузлар эътиборга лойиқдир: *«Тарихда буюк саркардалар кун бўлган. Борди-ю, француз саркардаси Наполеон билан Амир Темурни қиёслайдиган бўлсак, иккинчиси биринчисидан ўн чандон устун туради. Наполеон жаҳонгир бўлиб, борган жойларини вайрон этиб, қуришларга кам эътибор берган бўлса, Амир Темур ўз даврининг буюк саркарда-фотиҳи сифатида кун ерларни босиб олди, аммо босиб олган жойларидан энг яхши усталарни, олим уозларни ўзи билан бирга олиб бориб, бебаҳо бинолар билан кунгина гузал шаҳарларининг беэаига беэак, қурқилга қурқ қуиди».*

Президент И.А. Каримовнинг Францияга ташрифи кунлари ЮНЕСКОда Ўзбекистон ҳукумати номидан эъфат берилди. Ўзбек санъат усталари катта концерт дастури намойиш этишди. Бир суз билан айтганда, Парижда Соҳибкироннинг кутлуғ туйига бағишланган барча тадбирлар луғ давлат арбоби, моҳир саркарда, буюк бунёдкор, фан, маданият, санъат ва таълим хомиysi бўлиш Амир Темурнинг жаҳон маданияти, санъати, илим-фанига, хусусан, Шарқ цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини ва ёш мустақил Ўзбекистоннинг нақадар чуқур маънавий илдизларга эга эканини ва тобора ортиб бораётган халқаро нуфузини дунёга баралла намоён қилди.

Ҳазрат Амир Темурнинг туйи буюн миллатимизнинг туйиша, қадриятларимизни, маънавиятимизни улуғлайдиган байрамга айланди. Соҳибкироннинг таваллуд кунин ЮНЕСКО шафетида жаҳон миқёсида байрам қилинганни дунё афкор ошмасининг Амир Темур ва Соҳибкиронни вояга етказган юртга, халққа ва у яратган тарихига санъатий хурмат-эҳтиромни уларок қалбларимизни қувончага тўлдирди.

Дуду Дьен,
Сенегал

«Амир Темур шайхонда серқирра, филоланти мураккаб сиймо, улуг зот. У, бир томондан, дунёни титратган жаҳонгир, иккинчи томондан, дунё авлодларини лавнавий, моддий қардор қилган буюк инсон! Тарихда буюк саркардалар кун бўлган. Борди-ю, француз саркардаси Наполеон билан Амир Темурни қиёслайдиган бўлсак, иккинчиси биринчисидан ўн чандон устун туради».

¹ «Жаҳон» аборот агентлиги хабари // Газетлар, 1996, 25 апрел.
² Epanouissement de la Culture «et» Temour et les Princes: Temourides / Recueil des Présentés Colloque International scientifique à l'occasion du 660^e anniversaire d'Amir Temour Paris, le 22 avril 1996; Dirigé par Lucken Kelnren, Edouard Rtveldze. – Paris, 1996.



Ирина Бокова,
ЮНЕСКО Бош директори
Irina Bokova,
Directrice generale de l'UNESCO

«Минг афсуски, биз бошимиздан утказган мустибид тузум ту-
файли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдики, улуғ аждодимиз-
нинг тарихи ва фаолиятини, баъарият ривожига қўнган ҳиссасини
бузунги кунда хорижда – АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия-
да Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатлар-
да бизнинг узимиздан кура кутроқ билишадн. Бизлар – яъни Амир
Темурунинг Ватани бўлмиш шу заминда усган одамлар унинг фа-
олиятини жуда оз биламиз»¹.

ЮНЕСКО Бош асамблеясининг 28-сессиясида Ўзбекистон Респуб-
ликаси расмий делегацияси биринчи бор қатнашган, Амир Темур та-
валлуд топган куннинг 660 йиллиги мустақил Ватанимизнинг илк ну-
фузли халқаро тадбири булган бўлса, кейинги даврда бу борада дадил
ва изчил одимлар куйилмоқда.

Айниқса, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Шаҳрисабз ва
Қарши шаҳарларининг 2700 йиллиги, Термиз, Бухоро ва Хива шаҳар-
ларининг 2500 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 ва Марғилон шаҳ-
рининг 2000 йиллиги, «Алломиш» дostonининг 1000 йиллиги, Хо-
разм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш ҳақидаги
қарорларнинг амалда муваффақиятли жорий этилиши ҳамда Мар-
казий Осиё мамлакатлари учун махсус дастурнинг қабул қилиниши
мустақил Ўзбекистонимиз обриси жаҳон ҳамжамятида тобора усиб
борётганининг тасдиғидир.

Шунингдек, 1998 йилнинг ноябрида МДХ мамлакатлари орасида
биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия ке-
нгаш 155-сессиясининг якунлювчи йиғилиши булди. Унда Ўзбекистон
томонидан тақинф қилинган «Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг
аззо мамлакатлардаги фаолияти» деб номланган тарихий ҳужжат –
Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Энг муҳими, Ўзбекистоннинг умумжаҳон маданий ва табиий ме-
росини муҳофаза қилиш конвенциясига қўшилиши натижасида юрти-
мизнинг шоғли тарихи, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даври би-
лан боғлиқ бир қанча ноёб манзиллар муҳофазага олинди. Жумладан,
Самарқанднинг тарихий обидалари, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарлари,
Хивадаги Ичан қалъа каби шундай юксак мақом берилган жойлар бу-
гун жаҳон эътиборини тортиб келмоқда.

Шу билан бирга, Тошкент давлат шарқшунослик институти
хузуридаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлэмалари мар-
казида сақланаётган қўлэмалар ҳам халқаро муҳофазага олинган. Тош-
кентда сақланаётган Усмои Мушаффининг асл нусхасига эса, ЮНЕСКО
Наврўз байрами, «Қатъ ашшула» ва «Шашмақом», ҳатто Бойсун фолькло-
ри ҳамда «Аския» қаторида баъариятнинг номоддий мероси сифатида
юксак мақом берган².

Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат раҳбарияти-
нинг узбек халқи маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклашга
йўналтирилган сиёсати, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан
тарихий осори атикаларини, шу жумладан, ислом цивилизацияси ёдгор-
ликларини химоя қилиш ва кўз қорачиғидек асраш бўйича қураётган
чора-тадбирлар ҳам муносиб халқаро эътирофга сазовор булди. Яъни,
Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкило-

¹ Каримов И.А. Янгиачи фикрлари ва ишлари – давр талаби. Т.5. – Т. «Ўзбекистон», 1997. – 184-бет.

² Каримов И.А. Эътиборли замиратиқини, л-тирофда ҳақиқат муҳасам // «Хуррият» 2014-йил 5 февраль.

«Минг иллар давомида ер
юзининг турли чуқуларидан
одамлар бутун дуне таниган
Буюк астронорм Улуғбек
заковатининг махсусли булмиш
илм-фан, фалсафа, диншуно-
слик, астрономия ва адабиёт
сирларини урганли маъсадида
Самарқандга келганлар.
Бетактор Регистон майдониди
туриб, халемизга Амир Темур-
нинг сузлари келди: «Бизнинг
қуорини мизни билмоқчи
бўсанг, биз қурган
иморатларга боқ».

Ирина Бокова,
ЮНЕСКО Бош директори



Буюк ипак йули харитаси.
 Теурийдлар тарихи давлат музейи.
 Тошкент, 1996 йил.

Carte de la Route de la soie.
 Musée d'État sur l'Histoire des Timourides.
 Tachkent, 1996.

ти (АЙСЕКСО) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилди.

Шу муносабат билан ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси собиқ раҳбари Майкл Барри Лейн оммавий ахборот воситаларига берган баёнотида шундай жумлалар бор: «Бу жуда муносиб мақом. Тошкентда «Жаҳон маданияти ёдгорликлари» руйхатига киритилган Усмон Мусхафи, Бароқхон, Кукалдош мадрасалари, Қафқол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, Юнусхон, Занги ота ёдгорлик мажмуалари асраб-авайлаб сақланмоқда»¹.


Ушбу санаб ўтилган тарихий ёдгорликлар, ҳеч шубҳасиз, қайсибир жиҳатдан Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ва фаолияти билан узвий боғлиқдир. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудидаги ана шундай 4 мингдан ортиқ тарихий, маданий, маънавий ёдгорликлар умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган.

Умуман олганда, бу нуфузли халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишда юқори технологияларни жорий этиш, олий ўқув юрталарида ЮНЕСКО кафедраларини очиш, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим тизимида бўлган бошқа кўплаб соҳаларни қамрайди. Бинобарин, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонга эътиборида хайрихоҳлик, эътирофиди эса, ҳақиқат муҳасам.

Шундан келиб чиққан ҳолда, икки ўртадаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти айтганидек, «... Ўзбекистон ЮНЕСКО билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда, жаҳоннинг эзгулик сийқатини ривожлантиришда иштирок этиши мақсадида халқаро миқёсда маънавий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун олдимизда очилаётган имкониятлардан фойдаланилмоқда»².


¹ Тошкент – ислом маданияти пойтахти. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2007. – 34-бет.

² Каримов И.А. Буниёқорлик йўлида. Т.4. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 332.



«Шарқи авраф» асарига
ишланган шик.
Самарқанд XVII аср

Titre du livre «Sharh avrafi»
Samarqand, XVII siècle.



DIPLOMATIE
D'AMIR TEMUR
ET
L'EUROPE

АМИР ТЕМУР
ДИПЛОМАТИЯСИ
ВА
ЕВРОПА



Руй Гонсалес де Клавихо
«Темур ва ушун дуниси осаридони»
Росашилар: А. Аликулов ва бошқалар, 2001 йил
Ўзбекистон тарихи, Давлат музейи

Ruy Gonzalez de Clavijo
«De temur et son univers»
Peint en 2001 par A. Alikulov et d'autres
Musée d'Etat de l'histoire de l'Ouzbékistan

«...Амир Темур бобомиз ҳақида инглиз драматурги Кристофер Марло 1588 йили тарихий пьеса, машҳур немис композитори Георг Гендел 1724 йили опера, америкалик адиб Эдгар По эса, 1827 йили шеърӣй поэма яратган. Ва бундай асарлар бугунги кунда ҳам кўплаб пайдо бўлмоқда... Табиийки, бу асарларнинг барчаси улуг бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўпгина масалаларга жавоб топишда, уларни тарих ва бугунги замон нуқтаи назаридан ёритишда муҳим ўрин тутади. Уларнинг ҳар бири Соҳибқирон сиймоси ҳақида ўзига хос тасаввур ва тушунча беради»¹.

Ислом Каримов

Амир Темур ва темурийлар даврида дипломатик муносабатлар

Амир Темур ва темурийлар даври дипломатияси дунё ҳамжамияти билан уйғунликда ривожланган ва ўзида ўша замон хусусиятларини яққол акс эттирган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўша вақтда Марказий Осиёё жахон дипломатиясининг марказига айланган².

Табиийки, Шарқ дипломатияси ўзининг алоҳида жиҳатлари билан бу борадаги Ғарб анъаналаридан сезиларли даражада ажралиб турган. Осиёё дипломатиясининг ёркин саҳифаларидан бири Амир Темур фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Соҳибқироннинг Босфор кўрфазидан токи Тянь-Шань тоғларигача, Уралдан Ҳинд океанига қадар ястанган улкан салтанатини бошиқариш, бу кенг ҳудудларда жойлашган турли мамлакатларни ягона давлатга бирлаштириш ва самарали сиёсат юритиш учун наинки шавкатли давлат арбоби, жасур саркарда, айни чоғда моҳир дипломат сифатида ҳам беҳис салохиятга эга бўлиш тақозо этилган.

¹ Ислом Каримов. Миллий дипломатиянинг тарихининг муҳим муносаби // Темур туғулари / Таҳрир ҳафтали. Б. Абдулҳалимов ва бошқ., форсча матндан А. Соғунӣй ва Ҳ. Кариматов тарж. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 6-бет.

² Қарағ: Ўзбек дипломатияси тарихидан: Тарихий очерклар ва давлалар / Аҳмедлик М. Хайруллаев умумий таҳрири остида. – Тошкент, 2013. – 376 б.



Амир Темур ҳижри 793 йил
кўкламда (милодий 1391 йил-
нинг апрелида) Тухтамышлонго
қарши қарши бошлаган чагида
Улуғтамда (ҳозирги
Қозғоқстон қудудий)
қоташма эси ўзбек тилида
ёздирган битиги Санат-
Петербургдаги Эрмитажда
сақланганда. Ушбу битиқ
қулидаги II сатрдан иборат:

«Тарих ёети буз тўқсан учта,
куй йил йазмиги ара ай Тураними
сўтмони Темурбеғ уч йуз минг
ғриқ биле ислом учун Тўхтамиш
ханич 7 ханча ўйрди. Бу берга
йетил белу буюқун тег, бу
тубани дунларди. Тангри нисфат
бергай ишчиле Тангри эл
қилишга рақмат қилгай,
бизни дуо биле ёд қилгай».

Маъмури
«Тарих ёети аз тўқсан учта,
қуй йил, кўкламниги ара ай(ида)
Тураними сўтмони Темурбеғ
уч аз минг қўшин биле ислом
учун Тўхтамиш ханичнинг
қонлиқда ўрди. У ерга етиб,
белу бўлган оёв ушбу
бититашини ёздирди. Тангри
(бино) нисфат (ағни) тўқриқил,
инсоф бергай, ишчиле.
Тангри фирқароғ рақм қилгай,
(ай) бизни дуо биле ёд қилгай».

La campagne d'Amir Temur
en Horde d'or, centre
européennais, 1991.
Giouine sur pierre en latines
arabe et mongole. Enlitage.

Амир Темурнинг йулида етар-
лича куч-қудратга эга иккита асосий
рақиб - Олтин Ҳурда ва Усмонли-
лар салтанати тўғанок бўлиб тур-
гани учун уларга нисбатан ҳарбий
воситалар билан устунликка эри-
шиш ута мушқул бўлган. Шу боис
Сохибқирон ҳар икки йуналишда
ҳам изчил ва босқичма-босқич ди-
пломатия йулини танлаган!

Олтин Ҳурда йуналишида, би-
ринчидан, 1374 йили Амир Темур
қатта уёли Жаҳонгир Мирзонни
Хоразм ҳукмдори ақасининг кизи
Хонзодабегимга уйлантирган. Маъ-

лумки, ўша даврда Хоразм Олтин Ҳурданинг иқтисодий ва маданий
тажнчи ҳисобланган, қолаверса, икки Ҳурдада сулолави куда-андачилик
анъанаси амал қилган. Амир Темур уёлининг туйидан сўнг Сохиб-
қирон Олтин Ҳурда тахтини талаб қилишга ҳақли бўлган².

Иккинчидан, 1375 йили, Жаҳонгир Мирзо вафот этганидан ке-
йин, Амир Темур Хонзодабегимни учинчи уёли Мироншоҳга турмуш-
га узатган ва бу билан уёлига Олтин Ҳурда тахти учун йул очган. Айни
вақтда Олтин Ҳурдани кучсизлантириш мақсадида хон атрофидаги
ҳукморон доира вакиллари орасида ички низоларга ружу қўйган тахт
даъвогарлари билан ҳам иш олиб борилган³.

Учинчидан, 1376 йили Урусхон сиёсий рақибларидан бири - ўз
ақаси Тўй Хожа уёлонни қатл қилдиргач, унинг уёли Тўхтамиш⁴ паноҳ
излаб Амир Темур хузурига қочиб келган. Амир Темур бу уринда ҳам
вазиятни оқилона баҳолаб, қочқин тахт даъвогарини ҳарбий куч ва за-
рур воситалар билан таъминлагач, у Урусхонга қарши курашга кириш-
ган. Шу тариқа Тўхтамиш Сохибқирон ердми билан 1380 йили Ол-
тин Ҳурда тахтини эгаллаган. Аммо янги хоннинг кўрнамақлиги ва ўз
мажбуриятларини унутиб қўйгани туфайли Амир Темур Тўхтамишга
қарши 1389, 1391 ва 1395 йилларда жанг қилиб, уни тор-мор этган ва Ол-
тин Ҳурдани ҳам забт этган⁵.

Сохибқирон бу ғалабадан сўнг Олтин Ҳурдани, Сарой Берка, Аш-
тархонни, Қрим ва Қора денгиз бўйларидagi шахарларни, Азоқ ва Ши-

¹ Ғ. Каримов, А. Ҳабибуллоев. Амир Темур ва теуоринлар давлатининг дипломатик
алоқалари // Жамият ва бошқарув. 1998. № 1. - 34-37-бетлар. П. Раъшанов. Шахрисабз тарихи
(Энг қадимги даврлардан XX асрнинг I чорялгача). - Т.: «Янги аср алоди», 2011. - 347-352-бетлар.
Ана қаранг: Ўзбек дипломатияси тарихидан. - Т.: 2003.

² Якубьясий А.Ю. Из истории Золотой Орды // Вопросы истории, 1947, № 2.

³ Уша мазба.

⁴ Тўхтамиш - Жучи масдан. Оқ Ҳурда хони. 1375-1376 йилларда кукиронлиқ қилган. Амир
Темурнинг кўмаги билан Олтин Ҳурда яқлаққоқлиғига эришган Тўхтамиш Сохибқироннинг
барча яқшиқиллари ва ердминини назар-ниҳал қилмай, Туркистонни эгаллаш ҳариятига туш-
ган. Ҳ. Зайнеснинг яқшиқига, Амир Темур Эршадлиғида, янги 1377-1378 йиллари Туркистонга
Бир оғча бор қўлуғи қилган. Амир Темур ва Тўхтамиш қўшинлари уртасида ҳал қилувчи жанг
1365 йили Шимолда Қанъадаги Терек дарёси ёқасида кечган ва Тўхтамишнинг қучлари қаттиқ
дарбага учраб, янгилаган. Қаранг: Зайнес Ҳ. Туркистонда Россия тақомузи ва кукиронлиғига қарши
қуруш. - Т.: Шаар, 1998. - 47-48-бетлар.

⁵ Якубьясий А.Ю. Из истории Золотой Орды // Вопросы истории, 1947, № 2.

⁶ Қаранг: Қосимовна Садиқов. Сўтмон Темурбегнинг тошга ёздирган битиги // Ўзбекистон
адабиети ва санъати. 2016. 8 апрель. Пошпе Н.Н. Қарасакланга ялғиш Темуру / Тўраи отаёи исло-
рича қўлуғури ва искуствоти Востока. Т.П. - Ленинград: Изд-ство Академии Наук СССР, 1940. - С. 185-187.

⁷ Таржим мазинини тузишда филология фанлари доктори, профессор К. Садиқова
таълимига таянган. Қаранг: Ўзбекистон адабиети ва санъати. 2016. 8 апрель.

*XVII аср, Германия.
XVIIe siècle, Allemagne.**XVIII аср, Франция.
XVIIIe siècle, France.**XIX аср, Ҳиндистон.
XIXe siècle, Inde.*

Улуғ Амирни инглизлар «Икки Атирега уруши» даврининг лорди қибфасида курса, французлар эчкисоқол д'Арнианя, немислар серсоқол рицар, итальянлар эса флоренциялик жаноб куринишида тасаввур қилишган. Бобурийлар ҳукмронлик қилган Ҳиндистонда яратилган миннатюрларда эса Соҳибқирон юзи думалоқ, кўзлари ошиқона боқимда, лъни ҳинд рожаларига монанд акс эттирилган.

молий Кавказни эгаллаган. Шу тарика Олтига Урда Амир Темур салтанатига кушиб олтинган¹.

А. Якубовскийнинг фикрича, 1395 йилда Темурнинг Тухтамиш устидан қозонган ғалабаси фақат Урта Осиё ва ўша вақтдаги Жануби-шарқий Европа учунгина эмас, балки Русия учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган². Шунингдек, Шимолий ипак йўли барҳам топиши натижасида Осиё ва Европа ўртасидаги барча савдо қарвонлари Самарқанд, Эрон орқали Византияга қатнай бошлаган. Бу, ўз навбатида, Самарқанднинг ва Марказий Осиёдаги жами шаҳарларнинг гуллаб-ялғинашини таъмин этган³.

Орадан ўн йил ўтгач, Амир Темур Хитой юриши чоғида Уттрорда турганида, унинг хузурига Тухтамишдан элчилар келган; у гуноҳлари учун кечирим сураган. Соҳибқирон унинг узрини қабул қилган ва Хитой юришидан қайтгач, Жучи улуси тахтини унга яна оlib беришни ҳам ваъда қилган. Бирок бу ваъда Ахир Темурнинг 1405 йили Уттрорда вафот этиши туфайли амалга ошмай қолган⁴.

Амир Темурнинг Усмонлилар салтанати йўналишидаги дипломатияси ҳам диққатга моликдир⁵. Маълумки, XIV аср ўрталарида Европага Усмонлилар салтанатининг бешафқат босқини катта таҳдид сола

¹ Зиёев Х. Туркистон Россия талқуви ва ҳукмронлигига қарши кураш.—Т.: Шарқ, 1998. — 45-бет.

² Гурьев Б.Д. Якубовский А.Ю. Олтай Урла ва унинг култи. — Токмект, 1964 — 717-718-бетлар.

³ Якубовский А.Ю. Темур (Опыт краткой характеристики) // Вопросы истории, 1946, № 9-9. — С. 42-74.

⁴ Бу ривож О. Соҳибқирон Амир Темур. —Т.: «Ушбекистон», 2011. — 53-бет.

⁵ Туртай Карим. Алғари жангидан олдин ва кейин Амир Темурнинг Европа билан алоқалари // 1402 Ankara Savaş'ı Uluslararası Kongresi (Yıldırım - Timur), 9-12 Ekim 2012, Ankara: bildiri kitabı / editor Mustafa Altan. — Ankar: Türk Tarih Kurumu, 2014. — P. 194.

Византия императори 1394 ва 1399 йилларда икки марта Амир Темур хузурига Франсуа¹ исмли доминиканлик рухонийни элчи қилиб юборган. Унга Сандро² ҳамроҳлик қилган. Франсуа ўзининг биринчи сафари чоғида, агар Амир Темур Боязидга қарши уруш очғудай бўлса, Шарқий Ўрта ер денгизи ёқасида жойлашган Европа давлатлари ёрдам берадилар, деган фикри Амир Темурга етказган. Франсуа (Францис) – доминикан рухонийси, Византия императорининг Константинополдаги ноиб томонидан Амир Темур хузурига юборилган элчи, аини вақтда, Сохибқироннинг Европа давлатлари билан дипломатик ёзишмаларида ишончли вакил. Константинополь императорининг Амир Темурга ёзган мактубида ва Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га ёзган мактубида битилган айрим жумлалар Франсуа олиб борган элчилик фаолияти ҳақида гувоҳлик беради. Энг муҳими, тарихий хужжатлар монах Франсуа воситачилигида Амир Темур билан европаликлар ўртасида дўстона мулоқот бошланганидан далолатдор³.

Амир Темур хузурига Греция ва Италия ҳам элчиларини юборган.

Маиҳур муаррих Шарифиддин Али Яздийнинг ёзишича, Сохибқирон уларни яхши қўлиб олган ва зғиларига зарбиф тўндлар еган.

Сохибқироннинг жавоби маълум эмас, лекин бу жавоб, албатта, бирор-бир талабга боғлиқ бўлган, чунки Франсуа ўз ҳамроҳи Сандро билан иккинчи бор Амир Темур хузурига келганида, Франция Қиролининг мактуби билан тасдиқланган Константинополь императорининг мажбуриятларини унга изхор этган. Бунга қўра, агар Сохибқирон Боязидга қарши уруш бошласа, одатда, Боязидга мулжалланган хирож Амир Темурга берилиши айтилган⁴.

Амир Темурнинг ўзи ҳам Кичик Осиёга юриши даврида Султон Боязидга элчилар йўллаш билан кифояланиб қолмасдан, Трапезунд (Тарабзун) ва Константинополдан денгиз орқали мадад кучлари олиш учун музокаралар олиб борган. Ҳатто Фарбий Европанинг ачгина олисдаги давлатлари ҳукмдорлари – Франция Қироли Шарль VI (Charles VI le Fol, ou le Bien-Aimé, 1380-1422), Англия Қироли Хенрих IV (Henry IV of Bolingbroke, 1399-1413) ҳамда Кастилия ва Леон Қироли Дон Эрике III (Enrique III el Doliente, 1390-1406) билан ҳам дипломатик хатлар алмашган.

Жумладан, Константинополь императори Европада ёрдам сўраб жўнаб кетган даврда, яъни 1402 йил июнь (ёки июль) ойи бошларида Амир Темур Императорнинг ноиб хузурига рухоний Франсуани дипломатик хат билан юборган⁵.

Айни вақтда нусхаси Венеция архивларида сақланидиган ушбу мактубда Сохибқирон Франсуани қабул қилганини, монах унга ёққанини ва у Трапезунд императоридан ўзаро иттифок учун йигирмата яхши қуролланган галерларни, яъни ҳарбий кемаларни талаб қилганини ёзган, шунингдек, Боязид хузурига рухоний Франсуа ҳамкорлигида элчилар жўнатганини маълум қилган⁶.

¹ Amir Temur in the world history. – Tashkent, Publishing-polygraphic share company «Sharq», 2001. – P. 288.

² Сандро (ваъзи манбаларда – Сарацинус) – дипломат ва саник, Генуя Подестати билан ёқин ёрдамчи бўлган, чунки унинг қўлида Франция Қиролининг Амир Темур номига ёзилган мактуби маълум бўлиб, мажур қирол Генуя комиссия бўлган. Қаранг: Амир Темур даҳон тарихида. – Тошкент: Шарқ, 1996. – 111-бет.

³ Мустафо Давид, Франция манбаларида Боязид Йилдирим, Амир Темур ва Анкара жанги билан боғлиқ маълумотларга ёқо // 1402 Ankara Savaşı Uluslararası Kongresi (Yıldırım – Timur), 9-12 Ekim 2012, Ankara bildiri kitabı / editor Mustafa Altın. – Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2014. – P. 199.

⁴ Amir Temur in the world history. – Tashkent, Publishing-polygraphic share company «Sharq», 2001. – P. 288.

⁵ Ўзбек дипломатик тарихини. – Т.: 2003. – 248 бет.

⁶ Martin Suardo II Saviano. Le vite dei doge (1423-1474). Introduzione, edizione e note a cura di Angela Ceracchiolo Arricé, Traduzione a cura di Chiara Frison. Venezia, 1999. – 722 p.

амал қилмаган. Аммо Константинополь тез орада Сохибқироннинг ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлган.

Бу орада - 1400 йилнинг августда ўз қўшинлари билан Шимоли-шарқий Анатолияда турган Амир Темур хузурига Греция ва Италия ҳам элчиларини юборган. Машхур муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Сохибқирон уларни яхши кутиб олган ва эгниларига зарбоф тунлар ёпган¹.

Худди шу йили Генуя ва Венеция бу борада янада фаоллик намойиш этган. Хусусан, Венеция Сенати ўз элчилари сифатида Андреа Жи-Стиниани ва Матео Барбадигони Амир Темур хузурига юборган². Шунингдек, Византия регенти, Генуянинг Галатадаги (Константинополь худудида) подести Амир Темур билан музокаралар олиб боргани маълум. Музокаралар асносида Сохибқирон ҳам Генуя ва Венецияга ўз элчиларини соғга-салом ва мактублар билан жунатган. Бу элчиларга Султония ва бутун Шарқ архиепископи Иоанн де Галонифонтибус³ бошчилиқ қилган.

Айниқса, Иоанн де Галонифонтибус Амир Темур билан Англия киролиги уртасида дипломатик муносабатларнинг урнатилиши ва ривожланишида катта роль уйнаган. Хенрих IV⁴ (Henry IV of Bolingbroke) тахта кўтарилганидан сўнг у архиепископ Иоанни элчи килиб Амир Темур ва Мироншоҳ номига ёзилган иккита мактуб билан Сохибқирон саройига юборган⁵. Латин тилида битилган ушбу мактублар хозирги кунгача сақланиб қолган.

Англия Қироли Амир Темурга йулаган мактубида Сохибқироннинг умумий душман - Боязид Йилдирим устидан қозонган «муҳим ғалаба»си муносабати билан «беҳад енгил тортгани ва беҳад қувонгани»ни маълум қилган. Шунингдек, бевосита элчиси томонидан баён этиладиган «ўзининг мулоҳазалари»ни тинглашни сўраган.

«Европаликлар
Амир Темурга ҳос
буюклик тинсолида илоҳий
маҳобатни туйган, унинг
салтанат бошқариш
салоҳиятидан эса
шайтоний ваҳимага
тушган. У Европа остона-
сига етганида, маҳаллий
Қиролар «Буюк Амир
Темур ҳазрати олийлари»га
хат билан чопарлар
йўлашига ишониб қолишган.
Англия Қироли Хенрих IV,
Франция Қироли Шарль VI
нотаниш фотиҳни -
«Музаффар жаҳонгир ва
шавақтли князь Темур»ни
қутлаб номалар юборган».

Харольд Ламб, АҚШ

¹ Шарафиддин Али Язий. Зафарнома (Мавоаруннаҳр воқеалари 1360-1370) / Масъул муаррир. Сўз боши муаллифи ва ишраф тайёрлови А. Урнбоев. Таржимон С. Бурнев. - Тошкент: Қамалас, 1994; *Histoire de Timur-Bec, connu sous le nom du grand Tamerlan, écrite en persan par Sharafuddin Ali Yezdi et traduite en français par François Péris de La Croix, publié par Alexandre-Louis-Marie Péris de La Croix, Paris, 1722, 4 vol., in-12.*

² Karan: Iorga. Notes et Extraits.

³ Иоанн де Галонифонтибус (африм манбаларда - Иоанн де Гелонифонтибус, Архиепископ Иоанн Иоан III) - дипломат, сайёҳ ва адиб, (1398 йилдан) Султоннинг саккизинчи архиепископи. Миллати, туғилган жойи ва самаси ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас, кейин чиниши Юэри Нирлицининг Галонифонти (Saillefontaine) худуди билан боғлиқ. Амир Темурнинг Европа киролилари билан дипломатик муносабатларида воситаги бўлган. Шарҳдаги кўп йиллик эмал флотинги акциялари бағишлаб 1404 йелда ёзилган «Оламни англаш ғитоби» («Liber de re novanda orbis») маълум. Шунингдек, Архиепископ Иоаннинг умма маълум бўлганидан ана бир асарни «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» («Memoire sur Tamerlan et sa cour») деб номланган Елмо, хотиранавислик услубида ёзилган ушбу асар 24 та ихчам бобдан иборат бўлиб, 1894 йили Парижда Морванвилле (Morganville) томонидан муҳтасар сўз боши билан бирга chop этилган. Каран: Амир Темур Европа элчиларни нинҳода / Масъул муаррир А.Х. Саидов. - Т.: Фафур Ғулом номдаги нашриёт-маъбаа ижодий уйи, 2007; Бунитов З.М. Иоанн де Галонифонтибус. Книга познания мира // Сведения о народах Кавказа (1404 г.). - Баку: Эли, 1976. *Bibliothèque de l'École des Chartes, vol.55. - P. 433-464*

⁴ Хенрих IV Боллингброк - Ланкастерлар династиясининг асосчиси, 1366 йил 3 апрель кунин Боллингброда (Линкольншир) туғилган ва 1413 йил 20 март кунин 46 ёшда Вестминстерда вафот этган. Олани - Ланкастер герцоғи Жан Гонт, онаси - Бланка Ланкастер; хотинлари - Мэри де Боэн, Жюли Намурра. Биринчи никоҳдан ўғиллари - Эдуард, Хенрих V, Томас Кларенс, Жан Болфорс, Ламфри Глостер; кизлари - Бланка, Филиппа. Отаси Жан Гонт 1399 йилда вафот этган, Англия Қироли Ричард II унинг мушунини муСОллари юлган. Бу вақтда Европа китъаси бўлиб сайёр рилар халқ элчиларини Хенрих Ланкастер шундан сунг, Киролининг норозилигига қарамай, Англияга аманат қилган ва қалани кутарган. Асарнинг уруғдош охуСОлларнинг қўлаб-қуватлагани мати-васини Хенрих Боллингброк Ричарддин алдариб, Англия тож-тақтинини эгаллаган. Англия Қироли Хенрих IV Амир Темур салт-анъанига ўз элчиларини юборган, Сохибқирон ва Мироншоҳ билан дипломатик алоқилар олиб борган. Хенрих IV атоқли драматург В. Шекспирнинг «Ричард II ва - Хенрих IV» асарлари қаҳрамонидир. Таржимон асриси - ўғил Хенрих V.

⁵ Ўйбас донишматиси таржимон. -Т.: 2003. - 256 ва 264 бетлар.

Афсуски, ушбу элчи Амир Темурга айтиб берган мулохазалар нима ҳақда ва қандай мазмунда бўлгани ҳам, Қиролнинг яна бир ишончли вакили - доминиканлар диний ташкилотининг ружонийси Франсуа орқали Соҳибқиронга етказилган оғзаки ахборотларнинг маъно-мазмуни ҳам биз учун номаълум. Ҳар ҳолда, аниги шуки, узаро дипломатик алоқалар жуда фаол бўлган.

Англия Қироли Ҳенрих IV Мироншоҳга ёзган мактубида уни «Мирасса Амирасса» деб атаган ва католикларга нисбатан доимий дўстона ва хайрихоҳ муносабати, шунингдек, «насоний савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаб келаётгани» учун Мироншоҳга миннатдорлик изҳор этган. Шу билан бирга, Ҳенрих IV ўзининг мактубида улуг хукмдор келгусида ҳам католикларни химоя қилишга ва бундай хомийликда собит қолишга ишонч билдирган.

Анкара жанги - Амир Темур билан Боязид Йилдирым уртасида 1402 йил 20 (28) июлда Антора (ҳозирги Анкара) яқинида бўлиб ўтган катта жанг. Бу жангда Соҳибқирон қўшинлари Боязид лашкарини батамом тор-мор этгани туфайли Ўсмонлилар салтанати таназзулга учираган. Боязид эса, асир олинган ва бу ғуссага бардош бера олмади, тез орада (1403 йил 8 мартда) вафот этган. Маълумки, Амир Темур ўзининг 35 йиллик ҳукмдорлиги даврида Шимолий Ҳиндистондан Шарқий Анатолиягача бўлган ҳудудларни қамраган буюк салтанат барпо этган бўлса, Боязид Йилдирым Кичик Осиёдаги барча бейликларни бўйсундириш ва янги ерларни босиб олиш ҳисобига мусулмон манбаларида «Рум мамлақати», ҳозирги илмий адабиётда «Ўсмонли турк империяси» деб аталадиган катта давлатга асос солган. Рум подшоҳи Боязид Йилдирым Еуропа мамлакатларини забт этиш билан банд бўлиб турганида, Амир Темур ғарбга уч йиллик юриш қилиб Кичик Осиёнинг шарқий қисмларини ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлган. Айни шу вақтда Соҳибқиронга тобелик изҳор этиб, хирож тўлашни зиммасига олган Арзинжон волийси Тахуртан қошига Боязид элчи юбориб, ундан хирож тўлашни талаб қилган. Ушбу воқеадан кейин Амир Темурнинг Боязидга йўллаган насихатнома мактублари ва огоҳлантирувчи хатлари, элчилар орқали олиб борган мулоқотлари ҳам сулҳга эришилмаган натижа бермаган. Аслида Амир Темурда Кичик Осиёни забт этиш нияти бўлмаган, Анкара жанги эса, Боязиднинг калондиюмолиги, Соҳибқиронни менсимасанлиги сабабли юз берган.

Анкара жангида қатнашган ҳар икки қўшин миқдори ҳақида манбаларда турлича рақамлар келтирилади. Хусусан, Д. Николл ва А. Макбрайднинг ҳиссий таҳлилига кўра, Амир Темур қўшини 140 миң нафар, Боязид лашкари 85 миң нафарни ташкил этган. Жангдаги йўқотишлар Амир Темур қўшинида - 15000-20000 нафар, Боязид лашкарида - 15000-40000 нафар атрофида бўлган.

Анкара жангида эришилган бемисл галабада Амир Темурнинг моҳир саркарда сифатидаги буюк ролини ва Соҳибқирон қўшинларининг куч-қудрати ҳамда жанговар салоҳиятини эътироф этган ҳолда, тарихчилар бошқа баъзи бир омилларга ҳам эътиборни қаратган. Жумладан, Анкара жанги олдидан Амир Темур Боязид Йилдирым элчилари кўз олдига 140 миң кишилик қўшинини, улар орқали ўтказган ва бундай улкан қўшиннинг мақобати элчиларни, улар орқали эса, Боязид қўшинларини ваҳимага солиб қўйган. Боязид кун вақтдан буён ўз лашкарига маош тўламаганидан Амир Темур хабардор бўлган ва айқоқчилари ердарида бундай аҳволдан норози бўлиб юрганларни ва айқоқчилари ердарида бундай аҳволдан норози бўлиб юрганларни ўзига оғдириб олиш чораларини қўрган. Натижада жанг бошидаёқ

Анкара жанги - Амир Темур билан Боязид Йилдирым уртасида 1402 йил 20 (28) июлда Ангора (ҳозирги Анкара) яқинида бўлиб ўтган катта жанг. Бу жангда Соҳибқирон қўшинлари Боязид лашкарини батамом тор-мор этгани туфайли Ўсмонлилар салтанати таназзулга учираган.

Анатолия бекларининг булинмалари ва 18 минг кишилик ёллама тарлар Сохибқирон томонига утган. Энг мухими, Амир Темур қўшини таркиби турли миллат ва конфессиялар вакилларидан иборат бўлиб, XIV-XV асрлар жангоҳларида катта роль ўйнаган оғлик ва тийдалар, оғир қурол-аслаҳалар билан жиҳозланган кавалериячилар ва Амир Темурнинг тан қуриқчилари тижмолида сара булинмалардан ташкил топган ҳамда улар садоқат ва матонат билан жанг қилган.

Амир Темурнинг 1402 йилги Анкара жангида Боязид Йилдиримининг мағлуб этганидан сунг Усмонлилар давлати истиқболи буйича юрилган нозик сиёсий дипломатияси алоҳида эътиборга лойиқдир¹.

Биринчидан, Сохибқирон асир олинган Боязидга хурмат ва эҳтиром кўрсатган, унга яшаш учун мақбул барча шароитларни яратиб берган². Афсуски, Боязид 1403 йил 8 март куни Оқшаҳрда вафот этган. Унинг дафн этиш учун фарзандларига топширилган жасади Бурсадаги оилавий хилхонада мангу кўним тоилан.

Иккинчидан, Амир Темур Боязид Йилдиримининг ворисларига химмат кўзи билан қараб, бекиёс мурувватлар қилган. Боязид салтанатини бошқаришни унинг ўғилларига тақсимлаб берган. Хусусан, Сулаймон Чалабийга Болқондаги ерларни бошқариш учун ёрлик бериб, отасининг тожи ва либосларини ҳам унга қайтарган. Исо Чалабийга Шимоли-ғарбий Анатолия ва пойтахт Бурсани мерос сифатида топширган. Кенжа ўғил Мехмед Чалабий эса, Анатолиянинг қолган қисмига эгалик қилган ва кейинчалик Усмонлилар салтанатининг бешинчи султониға айланган.

Учинчидан, Усмонлилар салтанати ўрнида Боязиднинг ўғиллари ва собиқ саркардалари бошқаруви остида ташкил этилган тобе (васал) давлатларни Амир Темур ўз давлати таркибига қўшмаган, яъни мустақиллигиға қолдирган. Айни чоғда қўшни Озарбайжонда ҳукмдор бўлган ўғли Мироншоҳ орқали бу давлатлардаги вазиятни сергактик билан назорат қилиб турган.

Туртинчидан, Амир Темур кечаги ападдий душмани билан куда-анда бўлиб, қариндош тутинган. Мироншоҳни Боязиднинг катта қизига уйлантирган ва туғилган фарзандига Усмон Чалабий деб исми қўйган. Ҳойнаҳой, келгусида унинг Усмонлилар салтанати тахтиға асосий номзод бўлиши назарда тутилган. Бу эса, том маънодаги осийёча урф-одатларға, Шарқ менталитетига, ислом цивилизациясининг ўзига хос маънавий-маърифий маданиятиға асосланган дипломатиядир.

Бешинчидан, ҳарбий мағлубиятиға қарамай, туркияликлар ёдида Амир Темур ҳақида эзгу хотиралар сақланиб қолган. Бинобарин, Амир Темур Боязидни мағлуб қилган бўлса-да, унинг ўзини хурламаган, қариндош-урувларини фораг этмаган. Туркия мактабларида ўқитиладиган тарих дарсликларида Амир Темур шахсиға «туркий халқлар тарихидаги энг ёркин сиймон, дея юксак баҳо берилган.

«Амир Темур тарихининг маъхум пучмоқларидан ярақлаб чиқиб келди ва ўз Ватанининг хялоскор даҳоси сифатида намоён бўлди»³.

Луи-Матьё Лангле,
Франция

¹ Қараг: Бурнев О. Сохибқирон Амир Темур. - Т.: «Ўзбекистон», 2013. - б. 63-64-бетлар; Мюллер А. История Ислама. - Т.2, М., 2004. - С. 410; Еремеев Д.Е., Мелер М.С. История Турции - М.: Крон-пресс, 1999. - С. 88-90; David Nicolle & Angus McBride. Armies of the Ottoman Turks, 1300-1774. - Osprey Publishing, 2003. - P. 29.

² Қараг: Хуриша Даурон. Амир Темур ҳақидаги аниқ ёллар ҳақида (еини маънавий мақоладан парча) // 18.02.2016/ <http://kh-davron.uz>; Хуриша Даурон. Сохибқирон набариси. - Т.: «Шарқ», 1995. - 365 бет.

³ Louis-Mathieu Langlet. Institutions politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrites par lui-même en mogol et traduites en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hamwani, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1767. P.40-41.



Соҳибкирон уз сафари – Боязидни маҳв этгани ҳақидаги хабарнинг Европа киролларига етказилишини истаган. Шунинг учун элчиларнинг Испанияга қайтишларига ижозат берган. Уларга ўзининг Кастилия киролига битилган номасини тутган элчиси Муҳаммад Кешиини ҳамроҳ этиб тайинлаган. Шунингдек, куни кеча Боязид ҳарамидан озод қилинган уч нафар наслрий оқсуяк канизакни Кастилия киролига совға сифатида элчиларга қўшиб жўнатган.

Кизик жиҳати шундаки, мазкур китоб ҳаммуаллифи Люсьен Керен ўзининг «Амир Темур салтанати»¹ китобини бағишлаган икки шахсдан биттаси – Амир Темур авлодларидан бўлибди, Л. Керен билан қўришган вақтида Парижда яшаган, кейинроқ Швейцарияда вафот этган зот Ислоббек Худойрхон², кейингиси эса, айнан ўша уч наслрий канизакдан бири – юнонистонлик дона Анжелинининг авлоди ҳисобланувчи маркиз Контрера де Лоцоа, демаклар. Шунинг таскидлаш жоизки, Соҳибкирон билан боғлиқ олис ҳикоятлар қанчалик гайриоддий саргузашту афсонадек туюлмасин, аслида, уларнинг замирида асл тарихий ҳақиқатлар, не-не инсонларнинг, ҳатто орамида, ёнгинамизда яшаб юрган замондошларимизнинг тақдирига бевосита дахлдор муҳим воқеалар ўз мужассамини топган.

Шундай қилиб, Соҳибкирон ҳузуридан сафарга отланган йўловчилар 1403 йил феврал ойида Испаниянинг жанубидаги Кадис деб аталадиган порт-шаҳарга етиб боргани ҳақида маълумотлар мавжуд. Аҳамиятли томони шуки, Амир Темур ҳам нозик, ҳам дипломатик бу ҳаракати орқали Европа кироллари билан узаро манфаатли алоқаларини Анкара жангидан кейин ҳам давом эттиришга тэйёр эканлиги билдиришкучи бўлган.

Анкара жангидан кейинги яна бир муҳим воқеа, бу – Амир Темурнинг Усмон Мухсафини юртимизга олиб келиши билан боғлиқ. Маълумки, Соҳибкирон ўшанда Анкарадан чиқиб, дам олиш учун Кўня шаҳрига келган. Бу ерда қўлга киритилган бойликлар орасида нодир бир дурдона ҳам бор эди: бу жайрон терисига битилган машҳур Қўрғони қарим бўлиб, халифа Усмон шу муқаддас китобни кироат қилиб ўтирганида ўлдирилгани тарихдан маълум.

Шу тариқа Туркиядан Соҳибкирон келтирган Усмон Мухсафини чор мустамлакачилиги даврида, яъни 1869 йили Тошкентдан Петербургда олиб кетилди. Истиклол арафасида – 1990 йили бу муқаддас китоб Тошкентга қайтариб келинди ва ҳозирги кунда «Ҳастимом» мажмуасида эъзозлаб сақланмоқда³.

¹ Керен Л. Амир Темур салтанати / Франсуз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов. – Т.: «Маназилят», 1999. – 224 бет.

² Сайид Муҳаммад Ислоббек (1888–1983) – Сайид Муҳаммад Худойрхоннинг бешинчи ўғли, Тошкентнинг Канлар маҳалласида туғилган; рус кизи Александрга уйланиб; болшавиклар таққибидан қочиб апагаз, узбек, рус, форс, араб, турк тилларини билган, келинчалик иш жараёнида француз, немис, инглиз тилларини ҳам равои сулашшини урганган. Афғонистоннинг дипломати сифатида Луэнинг Россия, Франция, Швейцария каби турли мамлакатларида 25 йил мунозам аъзам қилган. Гурбий Европа давлатлари раҳбарлари Сайид Ислоббекни Амир Темурнинг муносиб авлоди деб изаат қўраганидан, Франция Президенти генерал Шарль де Голль (1890–1970) 1961 йилда Франциянинг олин мукофоти – «Фахрий легион» орденини Ислоббек сарнишига унга таълим топириган. Сайид Муҳаммад Ислоббек 95 ёшида Швейцариянинг Монтре шаҳри яқинидаги Вильмонт шифоконасида вафот этган. Васиятига кўра унинг хоки Паришдаги Пьер де Шез кибристининг – рафиқаси Александр Худойрхон қабри ёнида дафн этилган. Қаринг: Иброҳимов Абдуқалюм Илҳомий ва узми. Тарихий-художатли роман / Масул муҳаррир Н. Мухаммад – Т.: «Адибуни ислоҳоти», 2015. – 514–517-бетлар; А. Итамбердиев, А. Амирсайидов. Историю Ковалевского Ханства. Визинграфический указатель с иллюстрациями. XVIII век – 1876. – Т. DAVP №166, 2017. – С. 92. Парижда яшган теурий // А. Бердишурапов. Самарқанд тарихдан тинччилар. – Т.: Маназилят, 2015. – 201–202-бетлар.

³ Қаринг: Ҳамид Зайнов. Қўрғони қарим асл нусхаси саргузаштлари // Шарқ юлдузи. 1991. №1. Х. Зайнов. Амир Темур томонидан Қўрғони қаримнинг асл нусхаси келтирилиши. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010.

«Икки давлат уртасида пайдо бўлган дустликни мустаҳкамлаш мақсадида» Кирил Хенрих III Амир Темур элчиларига жавобан яна ўз элчиларини Самарқандга жунатган. Руи Гонсалес де Клавихо¹ бошчилигидаги ушбу махсус элчилар гуруҳига дўстлик иттифоқи тузиши ва савдо муносабатлари ўрнатилшига эришиш вазифаси юкланган.

Клавихо 1403 йил 22 майда Кадисдан йулга чиқиб, денгиз йули орқали Родос, Константинополь ва Трапезунддан ўтиб, 1404 йилнинг сентябрида Самарқандга етиб келган. Бу ерда ярим йилча яшаб турганидан сўнг 1405 йилнинг февралда ўз юртига йул олган ва 1406 йил март ойида Кастилияга қайтиб борган.

Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI де Валуа² билан қизгин ёзишмаларида ҳар икки ҳукмдор савдо қарвонларига кенг йўл очилш орқали савдо-сотик-сотиқ ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилган. Жумладан, Соҳибқироннинг иккита мактубини 1402 йилнинг август ойида Европага элчи мақомида юборилган католиклар архиепископи Иоанн III олиб борган бўлиб, ушбу хатларда Амир Темурнинг Франция билан доимий савдо алоқалари ўрнатилш ниятида экани баён этилган.

Амир Темур билан Франция Қироли Шарль VI де Валуа ўртасидаги ёзишмалар ҳақида ilk бор француз тарихчиси Флоссан ўзининг «Франция ташкил топган кундан токи Кирил Людовик XVI ҳукмронлигига қадар бўлган даврда француз дипломатиясининг тарихи»³ мавзuidaги тадқиқотида маълумотлар келтирган. Флоссаннинг ҳамюрти Сильвестр де Саси (*Silvestre de Sacy*) эса Франция Миллий кутубхонаси фондларидан Амир Темур билан Франция Қироли Шарль VI ёрлиқномаларининг аслини ва кўчирма нусхаларини излаб топишга муваффақ бўлган⁴.

¹ Каранг: Клавихонинг Самарқандга савҳати. Рус тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар Ошоноло бўйсиники. – Т.: «Адолат», 2004. Руи Гонсалес де Клавихо. Бузоқ Амир Темур тарихи (1403-1406) / тарж. У. Жураев. – Т.: «Эр қалами», 2006; Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига савҳат қудулиғи (1403-1406 йиллар) / маъсул муҳаррир: Муҳаммад Али Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

² Шарль VI (*Charles VI le Fol, ou le Bien-Aimé*) – «Махжун Шарль VI» ёки «Ошиқ Шарль VI» деб ном қозонган, 1380-1422 йилларда ҳукмронлик қилган Франция қироли. У Калетилар сулоласи Валуалар қонадонининг тўртинчи қироли қисобланиб, 1368 йил 3 декабрда Парис шаҳрида туғилган ва 1422 йил 21 октябрда Парижнинг Сен-Поль саройида вафот этган. Шарль V ва Жанна де Бурбоннинг ўғли, 12 ёшида отасидан айрилган ва феодак ибодатомасида 1380 йил 1 ноябрда тақт эгисига айланган ҳақида тантанали равишда қироллик тақстига ўтрган. 1385 йилда Изабелла де Бавьер билан турмуш қурган. Уларнинг никоҳидан 6 нафар қиз ва 6 нафар ўғли фармонда туғилган. Маллика Изабелланинг доарли ўзи 1403 йилдан бошлаб бутун Францияни бошқарган. Шарль VI энг Одетта (Удина, ОдINETTA) де Шампидердан никоҳио Франзиди (қиз) қиз бўлган. Шарль VI руқий хизматдан бемор бўлгани ҳақида ҳар хил тахминлар мавқуд бўлиб, улардан бери генеологияк омил қисобланади. Яъни, Кирил ота-онаси ўртасида яқин қариндошчилик ришталари бўлган. Шарль VI даврида Франция тошки сифати ривожланган бўлиб, янрик намуналар билан янликматки алоқалар ўрнатилган ва тилчилик ҳуворонлиги қилган (1392-1404). Бирок орада урушлар, жумладан, армянлик ва бургинонлар ўртасида фуқаролик уруши (1404-1415) ва махшур Юз йиллик уруш қисман қайта тилканиши (1414-1420) ёртинчидаги жанглар ҳам бўлиб турган. Шарль VI иқтисодини узулғаб бир неча асарлар ёртинган. Шонр ва романистик адиб Жерар де Нервальнинг «Шарль VI туши» достони ҳамда «Маскарабозлар қирли» романи, махшур француз адиби Александр Дюманинг «Изабелла де Бавьер» романи, Эдгар Алан Поининг «Балча» («Hop Frog») хикояси шулар муаллифиделар. Каранг: François Aulnard, Claude Cauvard, Jean-Mane Moeglin, Saint-Denis et la royauté: études offertes à Bernard Guenée, vol. 58, Publications de la Sorbonne, 1999, [lire en ligne [archive]]. – P. 13. Censadade de Charles VI de France sur le site Medieval Lands [archive]; Georges Minois, La guerre de cent ans, Perrin, 2008. – P. 250. http://fr.wikipedia.org/wiki/Charles_VI_de_France#cite_note-2.

³ Каранг: Histoire générale et raisonnée de la diplomatie française depuis la fondation de la monarchie jusqu'à la fin du règne de Louis XVI. Paris, 1811, 1.1. – P. 188-190.

⁴ Mémoires de l'Académie royale des Inscriptions et Belles-Lettres, Paris, 1824, t. VI. – P. 470-522. Саси Саси Бунон қадар ушбу ёзишмаларга янрик дастақки маълумотларни «Montieu» журидинини 1812 йил 226-сониди эълон қилган.

Бугунги кунгача Шарль VI томонидан Амир Темур номига битилган ва 1403 йил 15 июнь санаси қўйилган ягона мактуб сақланиб қолган¹. Мактубда асосан Франция ва Амир Темур давлати ўртасида савдо-сотих муносабатларини ривожлантириш ҳақида сўз боради. Шарль VI нинг хатида унинг табаалари Амир Темур салтанатига эмигрант кириш ҳуқуқига эга бўлиши ва бу ҳуқуқлардан ўз манфаатлари иулида кенг фойдаланиши туғрисида ёзилган.

Бир сўз билан айтганда, Амир Темур билан Шарль VI ўртасидаги ёзишмалар иккала ҳукмдор ҳам узаро савдо шартномаси тузиш истагида бўлганидан дарак беради.

Бизнинг давримизда, 1996 йил апрель ойида Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи нафақат Ўзбекистонда, балки ЮНЕСКО Бош ассамблеясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтган 28-сессияси қарорига мувофиқ, бутун дунёда кенг нишонланди. Шу муносабат билан 1996 йил апрель ойида Президент И.А. Каримовнинг Парижга ташрифи чоғида Франциянинг ўша лойтдаги Президенти Жак Ширак Ислум Каримовга Амир Темурнинг 1402 йилда Франция Қироли Шарль VI га йўллаган номасини тақдим этди². Ҳозирги кунда ушбу хат Темурийлар тарихи давлат музейида сақланмоқда.

Париждаги байрам тадбирлари улуг давлат арбоби, мохир саркарда ва дипломат, буюк бунёдкор, фан, маданият, санъат ва таълим ҳомийси бўлмиш Амир Темурнинг жаҳон маданияти, санъати, илм-фанига, хусусан, Шарқ цивилизациясига қуштан улкан ҳиссасини ва ёш мустақил Ўзбекистоннинг нақадар яқукур маънавий илдиизларга эга эканлиги ва тобора ортиб бораётган халқаро нуфузини дунёга баралла намоян этди.

Бугунги кунда Амир Темур Европа қиролларига йўллаган мактуб ва ёрликларнинг бир қисми бизгача етиб келган бўлиб, бу ноёб тарихий ҳужжатларнинг асл ва таржима нускалари Лондон ва Париж, Рим ва Мадрид кутубхоналарида сақланмоқда.

Клавиҳо ўзининг «Самарқандга – Амир Темур саройига саяҳат кундалиги (1403–1406)» номи хотиралар китобида Амир Темур саройидаги дипломатик тартиб-таомиллар (протокол) ва Сохибқирон томонидан элчиларининг қабул қилинишига доир тантанали маросимларни завқлашавк билан таъриф ва тавсиф этган.

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур ўз даврининг маҳоратда тенги йуқ муқамал дипломати сифатида тарихда ёркин из қолдирган буюк сиймодир. Сохибқирон ўз мақсадига эришиш иулида воятда мохирлик билан тинч дипломатик музокаралар ва ҳарбий тадбирлар омухталитини таъмин этган.

Ҳукмдорлар билан қизғин дипломатик ёзишмалар олиб борган, чет элларга элчиларини юборган, хорижий юртлардан келган элчиларни муносиб даражада қабул қилган. Ҳар қандай вазиятда ҳам, биринчи навбатда, мамлакатлар ўртасида узаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни ва халқлар орасида маданий муносабатларни ривожлантиришга интилган.

Энг муҳими, Амир Темур ўз орусига эришган, яъни муғуллар ҳукмронлиги даврида ўз аҳамиятини йўқотган Буюк ипақ йилини тиклашга муваффақ бўлган. Н. Леонев ёзганидек, Самарқанд XV аср бошларида Оснё ва Европа халқларининг Марказий Оснё орқали олиб

Амир Темур Европа қиролларига йўллаган мактуб ва ёрликларнинг бир қисми бизгача етиб келган бўлиб, бу ноёб тарихий ҳужжатларнинг асл ва таржима нускалари Лондон ва Париж, Рим ва Мадрид кутубхоналарида сақланмоқда.

¹ Mémoires de l'Académie royale des Inscriptions et Belles-Lettres. Paris. 1824. t. VI. - P. 521-522.

² Ҳам сўз, 1996. 25 апрель.

борган кенг қўламдаги савдосининг маркази бўлган. Самарқанддан Кичик Осиёга, Ўрта ер денгизига, Хитойга ва Ҳиндистонга олиб борувчи жаҳон аҳамиятига молик савдо йуллари утган¹.

Бу даврда Соҳибқирон ва унинг жойлардаги ноиблари Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган ушбу асосий халқаро савдо йулини назорат қилиб, савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминлашда, мазкур йул бўйида работлар, қальалар, қўприқлар қуриш борасида муҳим чора-тадбирларни амалга оширган.

Муъиниддин Натанзий ёзганидек, «Амир соҳибқирон гурбат ва маҳрумлик йилларида Худойи таоло олдида қандай аҳду паймон қилган бўлса, тўла-тўқис ушбу тарз ва қоидалар асосида Худонинг халқи билан муомала қилишни ўзига касб қилди. Энг аввал барча йўлларда ёмлар² барпо этишни буюрди ва халқ ўтиб кечадиган жойлардаги харобаларни тузатиб, обод қилди. Олий работлар ва хонақоҳлар қурдириб, фақир мускинлар учун хабрия тарзида уларнинг эшикларини очиб қўйди»³.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, нафақат салтанат аҳли ҳаётининг фаровонлигини таъминлаган, айни чоғда Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо алоқалари ва дипломатия муносабатлари ҳар томонлама ривожланишида муҳим омил бўлган.

Соҳибқирон дипломатиясининг мафкуравий асоси ислом дини қоидаларига таянган. Бу дипломатия ахлоқ-одобининг илдилари эса, туркий халқларнинг қадим тарихдаги дипломатияси анъаналарига бўриб тақалади. Амир Темур ўз мактубларида, ҳаттоки ультиматум тарзидаги кескин хатларида ҳам ҳеч қачон шарқона дипломатия одобида хилоф иш тутмаган.

Айрим олис юртларнинг ҳукмдорларидан келган, ўта қўрс муомала усулида ёзилган, баъзан ҳатто тийиқсиз ғазаб ва ҳақорат мазмунидagi ибораларга тўлиб-тошган хатларга Соҳибқирон ҳамиша босиқлик ва донолик билан, ўз мақсадини аниқ баён этган ҳолда вазмин руҳдаги жавоб номалари йўллаган. Амир Темур бирор мамлакатни тасарруфига олишдан олдин албатта ўша ҳудуд аҳолисига тинчлик йулини таклиф этган, бу йул инкор этилган ҳолдагина ҳарбий куч ишлатган.

Барча мутараккий халқлар томонидан умумэътироф этилган муқаддас дипломатия принципи - «элчининг жони омонликда» деган тамойилнинг бузилишига Амир Темур асло йўл қўймаган. Ўзининг дипломатик музокараларида энг садоқатли тўраю амалдорларидан, айрим ҳолларда эса, дин соҳасининг нуфузли намояндалари - саййидлар ва насроний рухонийлардан фойдаланган.

Амир Темур салтанатида асосий дипломатик ёзишмалар Соҳибқироннинг ўз номидан олиб борилган. Бир суз билан айтганда, Амир Темур дипломатиясига шундай муҳтасар таъриф бериш мумкин: «Нуфузу улуғворлик - жасорат ва заковат мевасидир».

¹ Леонтов Н.И. Научный посол Самаркандских астрономов XV в. М.: 1960. - С. 58.

² Ём - эмирлар, ҳоқларнинг лам оқинлари ва отларнинг алмаширишлари учун йул бўйида қўрилган махсус бекетлар.

³ Муъиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворих // Амир Темур ва Мирзо Улуғбек - ҳақонларимиз хотирасида / Б. Алмашов, У. Уматов, Ф. Каримов ва бошқ. - Т.: «Узлугўни», 1996. 176-бет. Муъиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворих Мунний (Муний тарихлари ташаннас). Суз бошчи ва маълум муаллифи Ф. Каримий. маълум муҳаррир А. Ўринбоев. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 204 бет.

Амир Темур ўз орзусига эришган, яъни муғуллар ҳукмронлиги даврида ўз аҳамиятини йўқотган Буюк ипак йулини тиклашга мубаффақ бўлган.

Амир Темур дипломатик хатларининг хусусиятлари

Дипломатик мактублар - давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар ҳақида аниқ маълумот берувчи муҳим расмий ҳужжат биланчи ашёвий-моддий далиллардир. Шу маънода, Амир Темурнинг дунё давлатлари билан дипломатик алоқаларининг ёрқин хўрсаткичи ҳисобланган мактубларга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Амир Темурнинг дипломатик хатлари бугунги кунгача озми-кўпми сақланиб қолган бўлиб, атрофлича урганиб келинмоқда. Бу объектив тарихий манбалар ҳақида суз борганда, аввало, Соҳибқироннинг Европа қироллари билан ўзаро дипломатик ёзишмаларига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Амир Темур Европа давлатлари раҳбарлари билан фаол сиёсий ва савдо муносабатлари олиб борган. Буларга уша даврдан ҳозиргача сақланиб қолган расмий ҳужжатлар, яъни дипломатик ёзишмалар гувоҳлик беради. Ашёвий далил тариқасида Амир Темур ва унинг учинчи ўғли - ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжон ҳокими Мироншоҳ Мирзо билан Франция, Англия, Кастилия ва бошқа мамлакатлар қироллари ўртасидаги мактубларни курсатиш мумкин.

Мактублардан айримлари Франция Миллий архивда (Ўзбек ва рус тилида чиққан деярли барча китоб ва мақолаларда бу мактублар Франция Миллий кутубхонасида сақланади, дефлишти нотугри), Британия музейида ва Испания архивларида сақланмоқда. Таникли темуршунос олим, академик Б. Аҳмедов ҳақли равишда таъкидлаганидек, бу мактубларни махсус урганмок зарур¹.

Бу ҳақда Хуршид Даврон ҳам ёзган. Хусусан, унинг сўнгги билларда Интернет тармоғининг ривожланиши туфайли сайтларда, шу жумладан, туркча сайтларда эълон қилинган Амир Темур билан Султон Боязиднинг ўзаро ёзишмаларини урганиб бораётгани эътиборлидир. Чунки, Хуршид Давроннинг ўзи қайд этганидек, «ички турк ҳукмдори ўртасидаги муносабатларни аниқ-равшан билиш учун мактубларни урганиш, таҳлил этиш жуда муҳимдир»².

Амир Темур мактублари ва унга жавоб номаларини урганган яна бир тадқиқотчи - Дилрабо Абдуллаеванинг хулоса қилишича, Соҳибқирон хорижий давлатлар билан муносабатлар ўрнатилган дипломатик тасоуилларга таяниб иш юритган. Амир Темур элчи холис востачи экани, унга ҳеч ким дахл этмаслигига амал қилган ва бошқаларга ҳам шунини уқтирган, деб ёзади Д. Абдуллаева. Соҳибқирон, одатда, забт этмоқчи булган юртларга аввало элчилари орқали мактублар юборган ва шунинг натижасига кўра ҳаракат қилган³.

Атоқли ўзбек олими, академик Иброҳим Муминон Амир Темур фаолиятини икки босқичга, яъни - биринчидан, Туронзаминида мустақил давлат тузиши ва иккинчидан, хорижий мамлакатларни фатҳ

¹ Муъиниддин Натансон. Мунтазаб ут-таворих // Амир Темур ва Мирзо Улуғбек - асосдошлари хотирасида / Б. Аҳмедов, У. Уалтов, Ғ. Каримов ва бошқ. - Т.: «Ўқитувчи», 1996. 176-бет. Муъиниддин Натансон. Мунтазаб ут-таворих Муинида (Ўлуғбек тарихлари талдиқови). Сул Бонин ва иккилар муаллифи Ғ. Каримов, махсус муҳаррир А. Урибова - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 264 бет.

² Хуршид Даврон. Амир Темур ҳақидаги айрим ёмонлар ҳақида (ёзилган маълумотларга) // 18.02.2016/<http://kh-davron.uz>

³ Дилрабо Абдуллаева. Амир Темур мактублари // 18.02.2016/<http://Ab-davron.uz>

этишга йуналтирилган даврларга бўлиб урганишни тавсия этган¹. Бинобарин, Сохибқирон давлатининг ташқи сиёсати ва дипломатик алоқалари Амир Темур юритган сиёсатнинг ажралмас ва узвий қисми ҳисобланади.

Шу ўринда мутахассисларнинг Амир Темур давлатининг ташқи сиёсати, унинг хорижий мамлакатлар билан олиб борган дипломатик муносабатлари тарих фанида ҳали жиддий қўл урилмаган соҳалардан бирини ташкил этади, деган фикри асосли эканини таъкидлаш лозим². Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур дипломатияси жуда катта ва кенг ҳамроҳли мавзудир. Хусусан, «Мақтуботи Тежурия»³ мажмуаси каби асарлардан жой олган дипломатик ҳужжатлар ҳалигача жиддий изланишлар манбаига айланганича йўқ.

Амир Темурнинг Ўрта ер денгизи шарқий соҳилларидаги мамлакатларни забт этиш учун уюштирган юришларини ўз қузи билан қўрган европалик муаллифлар ёзиб қолдирган бир мечта асарлар ҳам Сохибқироннинг Ғарбий Европа давлатларига нисбатан олиб борган ташқи сиёсатини урганишда янги маълумотлар бериши тайин. Жумладан, италиялик савдогар Белтрамус де Мигнанеллининг «Амир Темур ҳаёти ёки Дамашқ харобаси» асари шундай асарлардан бири ҳисобланади.

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида олдин - 1416 йилда ёзилган ушбу китоб муаллифи Б. де Мигнанелли Сохибқирон Дамашқни ишрол қилганида ўша ерда бўлган, 1402 йил июль ойида Амир Темур ва Боязид Йилдирим ўртасидаги Анкара жангига бевосита гувоҳ бўлган, қолаверса, улуғ жаҳонгир томонидан Смирнанинг забт этилишини ҳам қузатган ҳамда буларнинг барчасини кейинчалик қозоғга туширган. Унинг лотин тилидаги ушбу битикларини америкалик олим Ж. Фишель 1956 йили бироз қисқартirilган ҳолда ва изоҳлар билан бирга инглиз тилида нашр эттирган⁴.

Айни чоғда, Ҳиндистон, Эрон, шунингдек, Туркия каби мамлакатларда ХХ асрда ўша даврга оид ҳужжатлар ва мақтублар мажмуалари арабий, форсий ва туркий тилларда нашр этилган⁵. Шу каби бир қатор манбаларда Амир Темур даврига тегишли жуда қўлпаб ёзишмалар ва дипломатик ҳужжатлар ўз аксини топгани хорижда бу борада бир қатор ишлар амалга оширилганини кўрсатади.

Албатта, айни соҳада Ўзбекистонда ҳам муайян изланишлар олиб борилаётгани ва тадқиқот натижалари мунтазам эълон қилинаётганини қайд этиш лозим. Хусусан, Б. Аҳмедов, М. Холбеков, Р. Қилйичев, А. Хужаев, Б. Маннонов, М. Исоқов, С. Фуломов, Б. Обидов, Д. Валиева, А. Ўринбоев, Р. Фармонов, А. Ҳасанов, О. Бўриев, Х. Исматуллаев каби олим ва адибларнинг Амир Темур дипломатияси ва дипломатик ёзишмалари мавзуси тадқиқ этилган асарлари қаторида қўлинигиздаги китоб муаллифлари қаламига мансуб «Амир Темур ва Франция» рисоласи (биринчи нашри) ҳам мутахассислар томонидан ана шу муҳим муам-

¹ Мухомед Иброҳим. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва roli / Масъул муҳаррир М.М. Хайруллаев - Т. «Фан», 1993. - 57-бет.

² Ўзбек дипломатияси тарихида: тарихий очерклар ва лавҳалар. - Тошкент, 2003. - 61-бет.

³ Тошкент давлат шарқшунослик институти хузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ ернамалари маркази фойсида соқловмоқда.

⁴ Walker J. A New Latin source on Tamerlane's conquest of Damascus (1400-1401). (B. De Mignaneli's «Visa Tamerlane», 1410) - «Oriens», 9. - 1956. - P. 2.

⁵ Жаран: Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний. Бист мақолати Қазвиний. - Бонбей, 1928; Абдуқусами Навоий. Аснод ва мақолиботи тарихи-и-Эрон. - Теҳрон, 1341 х.; Исмаил Аса. Амир Темур ва дилати (турк тилида). - Анкара, 1991.

монинг баъзи жиҳатларини ёритишга қаратилган давлатчи қадамлар сифатида баҳолангани¹ зиммаишга янада қатъи маъсулият юклайди.

Амир Темур ва Европа ўртасидаги муносабатларнинг собиқ тузум даврида урганилиши ҳолати ҳақида сўз борганда, И. Умняковнинг «XV аср бошларида Ўрта Осиёнинг халқаро муносабатлари. Амир Темурнинг Византия ва Франция билан алоқалари»² мавзусидаги мақоласи ва бошқа асарлари Соҳибкироннинг Европа сиёсати бўйича совет давридаги мазмунли мақолалардан бири эканини қайд этиш ўринлидир.

Авваламбор, И. Умняков мақолаларида Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти Шарқда айни мавзуда яратилган адабиётларда атрофлича ёритилгани ҳолда, Соҳибкироннинг Ғарбий Европа кироллари билан олиб борган дипломатик ёшишмаларидан иборат бисинг давримизга ча сақланиб қолган расмий манбалар совет тарихчилари эътиборидан четда қолгани асосли танқид қилинган.

Муаллиф қайд этганидек: «хатто уч жилддан иборат «Дипломатия тарихи»да ҳам Ўрта Осиё дипломатияси мутлақо ёритилмаган»³. Бу борадаги бўдликни тўлдириш мақсадида И. Умняков Амир Темурнинг Туркия билан дипломатик музокаралари асносида Византия ва Франция билан олиб борган ёшишмалари ҳақида тўхталган.

Маълумки, XIV аср охирида Усмонлилар салтанати ҳарбий ҳудуднинг жадал ортиши Византияга таҳдид сола бошлаган ва бундай қалтис вазият император Мануил Палеологни қатъи ташвиш қўлган. Умуман ошганда, ўшанда бутун Европа давлатлари қандай бўлмасин бу хавф-хатарнинг олдини олиш чораларини излашга тушган⁴. Боязид Йилдирим эса, бор кучини ягона мақсадга - ўша пайтда қучдан қолган Византияни бутунлай тор-мюр этиш ва унинг пойтахти Константинополни босиб олишга қаратган.

Аmmo, Кичик Осиёда Боязиднинг рақиби бўлган Амир Темур бунга ҳалал берган. Боязид, ўз навбатида, Миср билан иттифок тузган, Амир Темурнинг душманларига ўз хузуридан бошпана берган. Амир Темур ўзининг ғарбга «етти йиллик» юриши (1399-1404 йиллар) даврида, Кичик Осиёни забт этишидан олдин Султон Боязид билан ўзаро элчиликлар ва дипломатик хатлар алмашгани тарихдан маълум⁵.

¹ Ўзбек дипломатияси тарихидан: тарихий очерклар ва навбатлар / Академик М.М. Хайруллоев умуний таҳрири остида. - Тошкент, 2003. - 61-62-бетлар.


² Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV века. Сношения Тимура с Византией и Францией // Труды УдГУ. Новая серия. Самарканд, 1956. Выпуск 61. - С. 179. Яна қаранг: Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV века. Сношения Тимура с Византией и Францией // Труды УдГУ. Новая серия. Самарканд, 1956. Выпуск 61. - С. 179-202; Умняков И.И. Малоизвестный французский источник о Тимуре // Труды СамГУ. Новая серия. История Самарканда, 1960. Выпуск 6. - С. 173-195; Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV века // научная серия профессорско-преподавательского состава УдГУ, апрель, 1959. Тезисы докладов Самарканд, 1959.

³ Умняков И.И. Из истории международных отношений Средней Азии в начале XV века // Международной конгресс историков. - М., 1960. - С. 220-223.

⁴ Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV века. Сношения Тимура с Византией и Францией // Труды УдГУ. Новая серия. Самарканд, 1956. Выпуск 61. - С. 179.

⁵ Бу ҳақда батафсил қаранг: J. Delaville Le Roulx, La France en Orient au XIV^e siècle. Expéditions du maréchal Boucault. Paris, 1886. I. - P. 384.

⁶ Амир Темур ва Боязид Ўрта Осиёдаги ёшишмалар мазмун-маъноси ҳақида Шаҳрофиддин Али Яқинининг «Зафарнома» асарини муаллим маълумотлар кўрсатгани. The Zafarnama by Maulana Sharafuddin Ali of Yazd. by Maulana Muhammad Habibul. Calcutta, 1907-1908.



Кастыльскія янчына Амір Тэмура Кабуліда.
Жааам: А. Сагааов, 2016 йыл

Temur accorde l'audience à l'Ambassadeur de Castille
Par A. Sagatov, 2016.



Амир Темур ва Боязид Йилдирим уртасида дастлабки хат алмашувлари 1400 йилнинг биринчи ярмида булиб утган¹. Бу хатлар, аслини олганда, узаро дипломатик музокарадан кўра кўпроқ икки кудратли рақибнинг бир-бирини яккама-якка куч сынашишга даъватидан иборат бўлган. Хусусан, Боязид уз хатида Амир Темурнинг зудлик билан хузурига етиб келишини талаб қилиб, Соҳибқирон шайнига номуносиб сузларни ёзган².

Амир Темур бундай ҳақоратомуз муносабатга қарамай, Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Боязиднинг элчиларини яхши насихатлар билан тинч-омон қўйиб юборган.

Шу тариқа, охир-окибат, Амир Темур ва Боязид Йилдирим уртасида шафқатсиз тўқнашув булиб утган. Бу тарихий жангда ҳар икки томондан катнашган қўшинлар сони тарихчи олимлар томонидан турлича кўрсатилган.

Масалан, Ф. Успенский Боязиднинг ҳарбий кучлари миқдори қарийб 120 минг кишидан иборат бўлгани ҳолда, Амир Темур қўшинлари бундан бир неча баробар кўп бўлган³, деб ёзган.

А. Якубовскийнинг фикрича, бу жангда ҳар икки томондан ҳам камидан 200 мингдан зиёд аскарлари бўлган улкан армиялар иштирок этган⁴. Ушбу тўқнашувда Туркия томонида бўлган бавариялик асир-жангчи Иохани Шилтбергер эса, бу борада мутлақо афсонавий рақавларни келтирган⁵. Нима бўлганда ҳам, ушбу жанг ўз даврининг энг йирик тўқнашуви булиб, унда турклар узил-кесил мағлубиятга учраган.

Амир Темурнинг Боязид Йилдиримга қарши уруш бошлаши учун юқорида кўрсатилган сабаблардан ташқари бошқа бир қатор омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган. Ғарбдаги христиан давлатларининг Соҳибқирондан ёрдам сўраб қилган мурожаатлари, хусусан, Византия регенти ва Генуя элчиси (подести) билан Боязидга қарши курашда ўзларига ёрдам кўрсатиш ва бу борада кўмакка тайёр эканликлари тўғрисида олиб борилган музокаралар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Боязид Йилдиримнинг юришларини тўхтатиб қолтирдан манфаатдор бўлган Франция Қироли Шарль VI томонидан Амир Темурга мактублар юборилган. Ўз навбатида, Амир Темур ҳам ўша даврнинг энг илғор денгизбуйи давлатлари хисобланган Генуя ва Венецияга совға-саломлар билан элчилар ва мактублар юборган⁶, узини денгиз орқали қўллаб-қувватлашлари ҳақида Константинополь ва Трапезундага мурожаатномалар йўллаган.

¹ Вели Атамажа. Амир Темур ва Боязид Йилдиримнинг мактубларидаги оят ва ҳадисларнинг таълиқи // 1402 Ankara Savaşları Uluslararası kongresi (Yıldırım - Timur), 9-12 Ekim 2012. Ankara bildiri kitabı / editor Mustafa Allan. - Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2014. - P. 543.

² Каранг: *Almehed Arabiadae vitae et regum genarum Timurii... historia*. Ed. Manger/Leonardise. 1772. II. - P.196. Яна қаранг: *Ўзбек дипломатияси тарихидан: тарихий очерклар ва лавҳалар / Аҳадшик М.М. Хайруллаев улуғий таҳрири остида*. - Тошкент, 2003. - 286, 272, 274, 277 ва 279-бетлар.

³ Ф.И. Успенский, *История Византийской империи*. - М.: - Л. Изд. АН СССР, 1948, т. III - С. 701.

⁴ Каранг: Якубовский А.Ю. Темур. - Вопросы истории, № 8-9, 1946. - С.66.

⁵ Путешествия Ивана Шилтбергера по Европе, Азии и Африке с 1394 по 1427 год. Перевод с немецкого и снабжен примечаниями Ф. Браун // Записки Императорского Ученого общества, год I. Омска, 1867. - С. 19.

⁶ Бу элчиларлар қилган Амир Темурнинг ўғли Мироншоқнинг фаранглар ва христиан императори, давлат бошқилари, халқлари ва ҳукмдорларига мурожаатида сўз борган. Мурожаатнинг латинча таржимаси *Сеньяестр де Саси* томонидан кўндалги манбада чоп этилган: *Mémoires de l'Académie royale des Inscriptions et Belles-Lettres*. Paris, 1824, t. VI. - P. 479-480. Яна қаранг: *Ўзбек дипломатияси тарихидан: тарихий очерклар ва лавҳалар / Аҳадшик М.М. Хайруллаев улуғий таҳрири остида*. - Тошкент, 2003. - 287-279-бетлар.

Трапезунд императори Мануил Палеолог Гарбий Еуропа давлатлари ҳукмдорларидан Боязидга қарши урушга ёрдам сўраб юртма-юрт сафарда бўлгани сабабли Амир Темур 1402 йил 15 маида, яъни Боязид Йилдиригига қарши жанг бошланишидан икки ой илгари Мануилнинг Константинополдаги ноибни Иоани Палеологга мактуб йулаган.

Ушбу мактубнинг асл нусхаси сақланиб қолмаган, лекин бизгача чала ва ғализ ўтирилган италиянча тарихимадаги хат нусхаси етиб келган. Бу хатни италиялик тарихчи Марино Санудо ўз ишолари («*Vitae ducum Venetorum*», 1421-1493, XV-XVI асрлар) билан бирга чоп эттирган. Санудонинг ишолари италиялик тарихчи Муратори (XVII-XVIII асрлар) томонидан унинг куп тоълик нащрида эълон қилинган¹.

Амир Темур Кичик Осиёни ишғол этиб турган пайтда Гарбий Европанинг олис давлатлари, хусусан, Валуа династияси мамонадиси - Франция Кироси Шарль VI (1380-1422 йиллар) ва Англия Кироси Хенрих IV (1399-1413 йиллар) билан ҳам дипломатик эшишмалар олиб борган².

Амир Темур ва Шарль VI ўртасидаги 1402-1403 йиллар эшишмаларига доир дастлабки мухтасар маълумотни XIX аср бошларида яшаб ўтган француз тарихчиси Флоссан ўзининг 1811 йили нашрлан чиккан тадқиқотида келтирган³.

Таниқли француз шарқшуноси Сильвестр де Саси ўз замондоши Флоссан баён этган маълумотлар билан танишган, макур хужжатларни урганишга қарор қилган. Натияжада олимнинг «Амир Темурнинг Шарль VI билан эшишмалари ҳақида хотира» (*Mémoire sur une correspondance inédite de Tamerlan avec Charles VI*)⁴ деб номланган тадқиқоти юзага келган.

Амир Темурнинг Шарль VI га мактуби форсий тилда, Шарқ ҳукмдорларининг услубига ўхшамайдиган, ноодатий усулда ёзилган. Хатнинг услуби жуда содда бўлиб, хатто айрим ўринларда эътиборсизлик аломатлари ҳам сезилиб туради.

Матнда имловий хатолар учрайди. Шу мазмундаги одатин мактублардан фарқли ўларок, ушбу хатда муболагали киёслар ва жинжиқдор жумлалар йўқ.

Масалан, Амир Темурнинг 1394 йили Хитой Императорига ёзилган ва элчи орқали «тухфа» сифатида 200 та тулпор билан бирга бериб юборилган мактубини олайлик. Хитой тилига Мин-ши таржимасида бизгача етиб келган бу мактуб бежамадор ва хурмат-эътиром руҳидаги шарқона ифода услубида битилган⁵.


¹ Каранг: *Reorum italicarum scriptores ab anno 500 aerae christianae ad annum 1500*. Mediolani, 1723, t. XXII, - P. 797-798.

² Ватгафсин қаранг: Kehren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition - Paris: Imprimerie Nationale, 2006. - P. 298; Франция Кироси Шарль VI нинг Амир Темурга мактуби // Керен Л., Санудо А. Амир Темур ва Франция. - Т.: «Адолат», 1996. - 77-бет; Академия Б. Ахмедов таржимасига қаранг: Ахмедов Б. Амир Темур. - Тошкент: 1995. - 584-585-бетлар; Лотича ва Фролов тадқиқоти билан М. Холбеков ва Р. Қидичев таржимасига қаранг: Франция Кироси Шарль VI нинг Амир Темурга мактуби // М. Холбеков. Амир Темурнинг Европа Киросилари билан эшишмалари. - Самарқанд: «Илорос», 1996. - 25-бет.

³ Каранг: *Histoire générale et raisonnée de la diplomatie française depuis la fondation de la monarchie jusqu'à la fin du règne de Louis XVI*. Paris, 1811, t. I - P. 188-190.

⁴ Каранг: *Histoire générale et raisonnée de la diplomatie française depuis la fondation de la monarchie jusqu'à la fin du règne de Louis XVI*. Paris, 1811, t. I - P. 188-190. Бу мактуб мухтасар тадқиқоти қаранг: Хужаев А. Буюк илмқ арунқ муносабатлар ва таълиқлар - Т.: «Ушбаълтоғи илмқоти эшишмалари» Давлат илмқи назорати, 2007. - 198-204-бетлар.

⁵ Бу мактубнинг илмқи тилидаги таржимаси қирғизча тилидаги келган: E. Breechneider, *Medieval researches from eastern Asiatic sources*. London, 1910, II - P. 256-260, яна қаранг: E. Blocher, *Introduction à l'histoire des Mongols par Faül Allah Rashid ed-din*. Leyden-London, 1910 - P. 243.



Asir olinibgan bo'layid yildirilmish Amir Temur kuylariga keltirilishi. Sharofiddin Ali Yazdiniyning «Zafarname» asariga ishlangan miniatyura. Sheraz, 1553 yil.

Bo'zdet caput devant Amir Temur. Miniature de «Zafar-nâme» de Cheref ed Din Ali Yazdi. Chiraz, 1553.

мур салтанатига юборилган католик мазхаби вакилларига берилган тансияномалар бўлгандир.

Сильвестр де Сасининг фикрига қараганда, уша вакиллар, уз даврида Яқин Шарқда юзага келган вазиятдан фойдаланган ҳолда, бундан тансияномалар орқали кейинчалик Амир Темурнинг номидан Франция Қиролига мактублар битилишига эришган бўлишлари мумкин³.

Афсуски, католик мазхабидаги вакиллар қандай шароитларда Амир Темур саройига ял топганлари, Сохибқироннинг ишончини хозирчилилари ва у зотнинг Фарбий Европа қироллари билан дипломатик алоқаларида воситачилик қилганлари ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасми.

Амир Темурнинг мактубида, шунингдек, Франция Қироли куп соғли қўшин ва Яратаннинг мархамати билан ҳар икки томоннинг душмани устига юриш бошлагани ва ғалабага эришгани ҳақида руҳоний Франциск Сохибқиронга суъаб бергани ҳам ёзилган.

Амир Темурнинг Шарль VI га мактубида Қиролининг номи тилга олинмаган, унга «Редифранса» («Redifransa») деб мурожаат қилинган. Сильвестр де Сасининг фикрича, Франция Қироли Людовик IX нинг жангу жадаллари тарихи ҳақида асарлар ёзган Шарқ муаррихлари уни «Redifrans» деб атаганлар⁴.

Атоқли тарихчи Рашиддин ҳам Франция Қиролини айни шу ном билан атаган. Демак, ҳойнаҳой, бу атама италян тилидаги «Re di fransia», яъни «Франция Қироли» деган иборадан узлаштирилган бўлса керак⁵.

Мактубда «ваъхон руҳоний Франциск» Франция Қиролидан Амир Темурга мактублар олиб келгани ҳақида суъ боради. Билишимизча, Амир Темур билан Шарль VI уртасида Сохибқирон билан Кастилия Қироли Ҳенрих III уртасида булгани каби узаро расмий элчиликлар алмашуви бўлмаган.

Айни чоғда, мактуб матнидан шундай мазмун келиб чиқадики, Амир Темур илгари ҳам Франциядан мактублар олиб турган, лекин бу хатлар бизгача етиб келмаган. Эҳтимол, уша мактублар аслида Амир Те-

³ Mémoires de l'Académie royale des Inscriptions et Belles-Lettres. Paris, 1824, t. VI. - P. 476.

⁴ Қаринг: «Мир ислама» журнали, т. 1, №2, 1912, - 218-бет.

⁵ Mémoires de l'Académie royale des Inscriptions et Belles-Lettres. Paris, 1824, t. VI. - P. 502.

Бу уринда гап Франция Кироси Шарль VI ning Усмонлилар салтанатига қарши юришлари ҳақида борётган бўлиши мумкин. Ушанда Никополда юз берган ва бутун Ғарбий Европани титратган янчила мағлубият аламини олиш учун Франция 1399 йили маршал Бусикони 17 та кема, 2000 нафар ришар ва ўқчилар билан бирга Константинополга гуёки экспедицияга, аслида эса, қисқа муддатли ёрдам учун жўнатган.

Бу қадар ихчам ҳарбий куч билан Константинополга келган маршал Бусико, табиийки, туркларга қарши ҳеч қандай қатъий ҳаракатларни амалга ошира олмаган. Шу боис, Босфор ва Геллеспонт атрофидаги қаровсиз қолган ҳудудларга кўккирдан ҳужумлар, қисқа чолқинлар уюштириш билан чекланган.

Ҳойнаҳой, руҳоний Францисконинг зиммасига Амир Темурни маршал Бусиконинг ана шу экспедицияси ҳақидаги зарур таҳрирдан утган, яъни силликланган ахборот билан таништириш ва Соҳибқирон билан иттифок тузишга эришиш вазифаси юкланган бўлса керак.

Амир Темурнинг мактубида Шарль VI ҳузурига Султония шаҳри епископи руҳоний Иоанн юборилаётгани ҳақида ҳам маълумот берилган. Гап шундаки, Султония шаҳридаги католик мазҳаб епископи Иоанн Амир Темурнинг ва Соҳибқирон ўғли Мироплохнинг мактубларини Ғарбий Европа киролларига доимий равишда етказиб турган асосий хат ташувчиси бўлган. Айрим манбаларда Иоанн – инглиз, баъзи манбаларда эса италийан ёки француз миллатига мансуб, деб кўрсатилган.

Султонияга келсак, бу шаҳарнинг қурилиши XIII асрда бошланиб, XIV асрда у Эроннинг асосий шаҳрига айланган ва ўша даврда, Клавихонинг гувоҳлик беришича, улкан савдо-тижорат аҳамиятига эга бўлган¹. Бу шаҳарда Шарқдаги католиклар мазҳабининг маркази ҳам мавjud бўлган.

Мазкур мактубнинг асл нусха эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Буни хатнинг икки жойига Амир Темурнинг мўъжаз муҳри бошилгани яққол тасдиқлайди.

Хатдаги муҳрнинг ҳақиқатан ҳам Соҳибқиронга тегишли экани аксарият тарихчилар, шу жумладан, элчи Клавихо² ва муаррих Ибн Арабшоҳ³ томонидан исботланган. Ўз навбатида, Свельвестр де Саси бу борада асосли бир масалани кўтарган. Яъни, Ибн Арабшоҳ китобини лотин тилига таржима қилган Мангер нима сабабдан Амир Темурнинг муҳридаги иборани «*veritas, salus*» («*ростуёйлик, ҳушлулик*») сўзлари билан ўтирган, деган у.

Ибн Арабшоҳ асарининг инглиз тилига янги таржумони Ж. Сандерс (J.H. Sanders) Амир Темурнинг шиирини «*rusti rusti*» деб ўқиган ва Мангер изидан бориб, бу сўзларни «*Truth is safety*» («*Ҳақиқат – нажотдир*») тарзида таржима қилган⁴.

Шарафиддин Али Яздий Ибн Арабшоҳ томонидан Соҳибқироннинг муҳрида деб кўрсатилган сўзлар Амир Темурнинг узугида битилгани ҳақида ёзган⁵. Шарафиддин Али асарининг таржимасини Пети де

¹ Puy Goncalves de Clavijero. *Diario de su viaje a la corte de Temur en Samarkanda en 1403-1406 et. Подлинный текст с переводом и примечаниями, составленным по изд. 1411. Срединского СПб. 1881 (сборн. отъ русск. яз. и словесн. И. Акбад. Наука, т. XXVIII, №1). – С. 177 и след.*

² Ушма нимаба. – С. 225-236.

³ Ahmed Arabshah's visit to and return from Timur... *historia*. Ed. Manger/ Lewardiac. 1772 II

– P. 72.

⁴ Tamerlan or Timur the Great Amir/ Translated by J.H. Sanders. From the Arabic. Life by Ahmed ibn Arabshah. London, 1936. – P. 295.

⁵ The Safarnamah by Maulana Sharafuddin Ali of Yazd, by Maulawi Muhammad Habibul. Calcutta, 1887-1888, II. – P. 170.



Ла Крва (*Pétis de La Croix*) Амир Темур узугидаги «*rasti gusti*» иборасини «*le salut consiste dans la droiture*» («*Нажот - ростигулик эвазигадир*») деган мазмунда ўгирган³. Уз навбатда, А. Мюллер Амир Темурнинг узугидаги сўзларни «хуқуқ - куч» деб таржима қилган⁴.

Амир Темур таржимаи ҳолида кўрсатилишича, Шайх Зайниддин Амир Темурга «рости-расти» деган сўзлар битилган маржон узук берган бўлиб⁵, бу сўзлар «агар адолатли бўлсанг, ҳар бир ишда омад ёр бўлади», деган маънони англатади. Бошқа бир қатор тадқиқотчилар Амир Темурнинг бу ҳикматли шиорини «Куч - адолатдадур», деган мазмунда талқин қилган⁶.

Париждаги Миллий кутубхонада Амир Темурнинг Шарль VI га юборган иккинчи мактуби сақланмоқда. Бу хатнинг лотинча таржимаси бизгача етиб келган бўлиб, илк бор Сильвестр де Эсси томонидан унинг юқорида эслатиб ўтилган тадқиқотида чоп этилган⁷. Ушбу мактубнинг таҳлили куйидаги хулосаларни чиқаришга асос беради:

биринчидан, Амир Темурнинг иккинчи мактуби фақат лотинча таҳрирда сақланиб қолган бўлиб, форсийда ёзилган биринчи асл нусхадаги мактубдан шакл ва мазмун жиҳатидан бутунлай фарқ қилади;

иккинчидан, мактубнинг лотинча таржимасида баён этилган гапларнинг аксарияти форсий тилдаги асл нусха хатда (агар шундай нусханинг ўзи бор бўлса), хойнаҳой, қайд этилмаган бўлса керак. Айтайлик, Шарль VI га султон унвони берилишига доир жумлалар: руҳоний Иоанн диний масалалардан бошқа барча ишлар бўйича ишончга сазовор шахс экани ҳақидаги писанда; мактуб жунатилган манзил ва сананинг тарихий ҳақиқатга зид равишда ноаниқ кўрсатилиши каби ҳолатлар шулар жумласидандир;

учинчидан, мактубнинг лотинча матнини ушбу хатда «бутун Шарқ архиепископи» деб таърифланган руҳоний Иоанннинг ўзи таҳрир қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Яъни, у Қиролнинг нафсониятига куш ёқадиган ва архиепископнинг нуфузини мустаҳкамлайдиган нимаики бўлса, ҳаммасини ушбу хатга киритишга ҳамда ўз зиммасига юклатилган дипломатик миссиянинг туб ахамиятини ошириб кўрсатишга ҳаракат қилган бўлиши мумкин;

тўртинчидан, форсий матннинг ўзи умуман бўлмаган, деган фикрни ҳам истисно этиб бўлмайди. Балки Амир Темур номидан тайёрланган ушбу мактуб архиепископ Иоанн томонидан туғридан-туғри лотин тилида битилган ва 1403 йили Францияга олиб борилгандир.

Ҳар ҳолда, Франция архивларида бу мактубнинг форсий асл нусхаси сақланаётгани хусусида маълумотлар мавжуд эмас. Шу боис мактубнинг устида тўғри ушбу хат форсийдан лотинчага ўтирилган таржима, деган мазмундаги ёзувни битган муаллиф қайси маълумотларга таянгани бизга номаълум.

³ Histoire de Timur-Bek, connu sous le nom du grand Tamerlan, écrite en persan par Charfeddin Ait Yezdi et traduite en français par François Pétis de La Croix, publiée par Alexandre-Louis-Marie Pétis de La Croix. Paris, 1722, 4 vol., in-72.

⁴ А. Мюллер. История ислама с основания до новейших времен». СПб, 1896. - Т. III. - С. 292.

⁵ Автобиография Тимурлана. Перевод с тюркского Н.Лыкошниця. - Ташкент, 1894. - С. 10.

⁶ Каранг М. Е. Массон. Южн утвари мастерской фальшивомонетчика XIV века под Ташкентом Мадридани Узуншариса. Вып. 4. Ташкент, 1933 - С. 10, ана каранг: ДИ Люксембург. Букарское казначество под русским протекторатом. - СПб 1911, Т.II. - С. 261.

⁷ Mémoires de l'Académie royale des Inscriptions et Belles-Lettres. Paris, 1824, t. VI. - P. 472.

⁸ Г. Раваннов. Шахрисибз тарихи (Энг мадминг даврлардан ЮХ асрнинг 1 чорағигача). - Т.: Янги аср милоди, 2011. - 317-318-бетлар.

«Оқсарой қасри бош дарвозаси пештоқида «Рости-русти» (яъни, «Куч - адолатда» - А.С.) сўзлари ёзилган эди... ёш вапанпарварларнинг шиори «Рости-русти» бўлган ва уни Амир Темурга Шайх Шамсиддин Кулол тавсия қилган»⁸.

Биз ушбу китобнинг охирида фақат Париждаги Миллий архивда сақланаётган мактубларнинг ўзбек тилидаги таржимасини ва уларнинг қисқача изохоти беришга қарор қилдик, ҳолоқ. Бу мактублар профессор Л. Кереннинг «Самарқандга, Темур даврига саёҳат» номи китобида келтирилган матнidan ўзбек тилига таржима қилинди¹.

Ҳозирги кунда Франциянинг Миллий архивида 4 та хат сақланмоқда²:

биринчиси, Амир Темурнинг Франция Кироси Шарль VI га форс тилида ёзган хатининг асл нусхаси;

иккинчиси, шу хатнинг архиепископ Иоаннинг ўзи еки унинг бирон замондоши лотин тилига таржима қилган нусхаси;

учинчиси, Франция Кироси Шарль VI нинг Амир Темурга лотин тилида ёзган хатининг нусхаси;

тўртинчиси, Мироншоҳ Мирзонинг уч насоний Киросга йўллаган хатининг лотин тилига таржима қилинган нусхаси. Унинг

асл нусхасини Иоанн ўзида сақлаган ва кейинчалик Англия Киросига кўрсатган.

Бу хатлар биринчи мартаба 1822 йилда француз шарқшунос олими Сильвестр де Саси томонидан «Амир Темурнинг Шарль VI билан ёзишмаси хақидаги хотиралар»³ ва А. Моранвилле томонидан «Амир Темур ва унинг саройи хақида 1403 йили доминиканлик бир киши томонидан

ёзилган хотиралар»⁴ мақолаларида махсус урганилган.

Амир Темурнинг Франция Кироси Шарль VI га мактуби форсийдан француз тилига профессорлар Д. Мажуб, Л. Керен ва Д. Боганович томонидан таржима қилинган.

Бу Амир Темур дипломатик ёзишмаларидан асл нусхаси сақланиб қолган хатлардан биридир. Мактуб 173x385 мм ҳажмдаги юпка ва юмшоқ пергамент қозога ёзилган. Бу хат ёзуви ичига қилиниб, учга букланган ва муҳрланган ҳолда 160x173 мм ҳажмдадир.

Мактуб XV аср форсий тилида битилган. Бу услуб – муғул девонларимда кенг тарқалган, мактуб битишда тезкорлик ва тежамкорлик услубидир. Масалан, хатнинг форс тилидаги асл нусхасида «V» шаклидаги белги бўлиб, шу мактуб эгаси «Улуғ Амир Темур Қурагоний – узирлари боқий бўлсин!» деган сўзларни қўшиб ўқишига ишорадир. Ёки: «Франция Кироси» сўзлари хосияга битилган бўлиб, мактуб кимга йўлланаётганини аниқлаган.

¹ L. Kerzen. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. – Paris, 1990. – P. 293–299; 323–324.


² Archives nationales, N AE II 203, 1937, dossier II, N°7 dia et 7 rev.

³ Silvestre de Sacy. Mémoires sur une correspondance inédite de Tamerlan avec Charles VI // Mémoires de l'Académie des Inscriptions et belles Lettres, 6, Paris, 1822. – P. 470–522.

⁴ H. Moranville. Mémoires sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403, Bibliothèque de l'École nationale des chartes, LV, Paris, 1894. – P. 1–32.

Франция Кироси Шарль VI нинг
Амир Темурга мактуби, 1403 йил.
Франция миллий архиви.

Lettre du roi de France Charles VI
à Amir Temur, 1403.
Archives nationales de France.



Мактубнинг биринчи қаторларида зар излари бор, қолгани қорамтир рангда ёзилган. Муҳр кунгураси (доираси) 22 мм қажмда бўлиб, мактуб остига босилган, аммо ҳозирги кунга келиб деярли бутунлай ўчиб кетган. 1822 йили Сильвестр де Саси бу хатни ўрганганда ўчбурчак шаклида жойлаштирилган уч доирани ва Амир Темури шиори «Рости-Русту» изларини зўра илғаган. Мактуб 14 қатор ёзудан иборат, муҳр ва ҳошияда «Қироллик архиви» сузалари ёзилган икки муҳр-сурғуч бор.

Амир Темурининг ташки сиёсати, дипломатик ёйишмалари дунё олимлари, шу жумладан, мамлакатимиз мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилган ва ўрганилмоқда. Бундан бир муддат олдин таниқли француз шарқшуноси, бобуришунос олим Жан-Луи Бакэ-Граммон билан Парижда учрашганимизда, у менга руминиялик тарихчи ва туркшунос олима Мария-Матильда Александреску-Дерска (*Marie-Mathilde Alexandrescu-Dersca*) каламига мансуб «Амир Темурининг Анатолияга юриши (1402)» номли китобнинг 1942 йилда нашр этилган нодир нусхасини тақдим этганди.

Китобни ўрганиш асносида, унинг «Анкара жаңғига оид ҳужжатлар» қисмида Амир Темурининг хали жамоатчилигимизга маълум бўлмаган ноёб дипломатик хати – 1402 йил 15 майда Константинополь ҳукмдорига йўллаган мактубига дуч келдик¹.

Мактуб матни эски италян тилида бўлгани учун уни ўқиш ва тушуниш қийин эди. Шу боис Соҳибқирон бобомиз мактубини ўзбек тилига таржима қилиш борасида хўрсатган амалий ёрдами учун Италия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасига ёйишнатдорчилик билдирамиз. Китоб охирида ушбу тарихий мактубнинг сўзма-сўз таржимаси зътиборингизга ҳавола этилмоқда.



Шамс, Россия: К. Аманов. 2012 йил.

Titre. Par K. Amonov. 2012.

«Искандар Урта ер денгизидан»
Алишер Навоийнинг «Хамса»
асарига ишланган миниатюра.
Франция Миллий кутубханаси.
(198-бет)

«Alexandre le Grand en Méditerranée».
Miniature du «Khamssa» d'Alisher Navoi.
Bibliothèque nationale de France.
(Page 198)

¹ Marie-Mathilde Alexandrescu-Dersca. La campagne de Timur en Anatolie (1402). Imprimeria Nationala Bucuresti, 1942. – P. 123–124.



AMIR TEMUR
ET
LA CULTURE
EUROPÉENNE

АМИР ТЕМУР
ВА
ЕВРОПА
МАДАНИЯТИ



«Амир Темур Марказий Осиё ўлмиши тараққиётининг барча соҳаси, иқтисодий ва маданий меросини ўзида гавдалантирди. УХ ва ХІ асрларда фалсафа, тиббиёт, астрономия, география, тарих ва адабиёт соҳаларида араб ва форс тилларида аjoyиб асарлар яратилган юрtda ўсиб, улғайди. Ана шу асарлар кейинчалик Европа уйғонини даврини рағбатлантирди ва кўп асрлар олдиндан Европа фани захирасини таъминлади!».

Ҳилда Ҳукхем,
инглиз адибаси

Амир Темур ва Европа адабиёти

Амир Темур ва теурийдлар даври яратиб кетган илмий, маданий ва маърифий мероснинг наинки қўламини ва қиққисини, айни чоғда, ижобий ва ижодий таъсир қамрови ҳам жуда каттадир. Академик Б. Ахмедов таъкидлаганидек, «Ҳазрат Соҳибқирон ва қонил авлодининг, масалан, Улугбек, Бабур, Султон Ҳусайн Бойқаро, Акбар, Жаҳонгир, Аврангзеб ва бшқаларнинг савий-харакати ва раҳнамолигида яратилган бу маънавий мерос нафақат Мовароуннаҳрда, балки ўша замонларда Теурийдлар давлати таркибига кирган мамлакатларда, хусусан, Эрон, Озарбайжон, Ҳиндистон ва Паккистонда фан, маданият ва маориф соҳасида янги кўтарилиш - Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу улкан мерос бутун дунда жаҳонни лол қолдирмоқда»¹.

Ғарбда теурийднослик тараққиёти кўп асрлик ижодий ва методологик манбаларга эга. Маълумки, Амир Темур даврига қадар ўрта асрлар Европа рицарлик романларида ва Шарқ дostonларида асосий диққат-эътибор Искандар Зулқарнайнг қаратишган эди. Кейин эса, Европа Уйғониниш даври адабиётида (XIV - XVI асрлар) асосий мавзу диққат марказида Рим императори Юлий Цезарь ва афсонавий Шарқ ҳукмдорлари, қунончи, Амир Темур даври воқеалари булди².

¹ Ҳукхем Х. Етти икким султон. Ҳужжатини-тарихий қисса / Х. Туррабеков ва Ш. Солиев таржимаси. - Т.: Адолят, 1999. - 320 б.

² Амир Темур сабоқлари: авабий-бадий нашр - Т.: Ғафур Ғулом номидики Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. - 3-бет.

³ Холбеков М.Н., Бушуй Т.А. Амир Темур Ғарбий Европа мамлакатларида // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» маърузасига қалқаро конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь, Тошкент. Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 8. 78

Амир Темур портрети.
Кристафано де Папи,
Флоренция. Уффици галереяси.

Portrait d'Amir Temur,
Par Cristofano di Papi,
la Galerie des Offices à Florence.

Шарқдан келаётган жами ахборотларга, масалан, Ибн Халдуъ, Ибн Арабшох, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий асарларига таяниб, Фарбада, хусусан, Европада XVI асрдан бошлаб Амир Темурга бағишланган йирик, салмоқли асарлар пайдо бўла бошлади. Бу асарларнинг барчаси кейинчалик, яъни XVI – XIX асрларда Европа, сунгрок эса Америка бадий маданиятига Амир Темур ҳаёти, фаолияти, фалсафий ва сиёсий йуриғининг кенг тарқалишида, Шарқнинг буюк ҳукмдори сиймосини объектив идрок этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Фарбада Амир Темур сиймосига бундай жиғдий эътибор ва ижодий қизиқиш кейинги асрларда ҳам давом этди. Хусусан, Соҳибқирон кифёси атоқли немис шоири ва мутафаккири Йоханн Волфганг Гете (Johann Wolfgang von Goethe 1749–1832) шеърларида² тараннум этилган.

Маълумки, Амир Темур ҳамиша узини Яраттанинг содиқ ва итоаткор бандаси ҳисоблаган. Ул зот уз ҳаёт йулидаги ҳар қандай ютуқ ва ютқизикларни Аллоҳнинг иродаси ва бандасининг оқилона ҳаракатию тадбиркорлиги туфайли деб билган. «Темур тузуқлари»да «Тангрининг мадади билан», «Тангрининг иноятига ишониб», «Тангри таолонинг қуллари туфайли» сингари ибораларнинг қўп учраши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Амир Темурнинг Боязид Йилдиризмга юборган мактубларидан бири шундай жумлалар билан бошланган: «Еру кўкни яратган Тангри таолога чексиз шукрлар бўлсинки, етти иқлим мамлакатларининг қўпни менинг фармонию кирғизди ва олам султонлари, ҳокимлари менга эгилиб, итоат ҳалқасини жон қулқларига тақдилар. Уз қадрини билиб, ҳаддидан ошмай жасорат оёқларини тийган бандасини Тангри ёрлақсин!»³.

Соҳибқирон кейинчалик ўзи мангу кўним топган гўша – Амир Темур макбараси гўмбазига ҳам: «Боқийлик Худога хос / Худога шукр!» деган сўзларни йирик ёзувлар билан нақш эттирган. Гете эса, Соҳибқироннинг ана шундай буюк эътиқодини «Амир Темур сўзи» номли мухтасар шеърда ёрқин бадийий ифода этган. Бу куйма сатрлар Гетенинг хассос таржимони, таникли ўзбек шоири Садриддин Салим Бухорий талқинида мана бундай жаранглайди:

Кибру ҳаво хуружми бу?
Елвонга бандсиз аҳли тавбо!
Билмайсиз, қурп булардим, ёху!
Яратса гар қурп этиб Аллоҳ⁴.

Гетенинг «Фарбу Шарқ девони»дан урин олган алоҳида бир боб «Темурнома» деб номланган ва Амир Темурга бағишланган шеърлардан ташкил топган.

Кейинроқ Гете «Девони»дан жой олган «Темурнома» бобидаги «Киш ва Темур» шеъри Наполеонга бағишлаб ёзилган. Шеър Темур

¹ Теттибога А. Европа маданиятида Амир Темур образи: Афсона ва ҳақиқат // 1802 Ankara Sayısı: Uluslararası Bulgaristan (Yıldırım - Timur), 9-12 Ekim 2012, Ankara: bildiri kitabı / editor Mustafa Akbal. - Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2014. - P. 63.

² Гете, Йохан Вольфганг. Фарбу Шарқ девони // Оймон тилидан С.С. Бухорий таржимаси / Кириш сўзи А. Самовинкин. - Т.: Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашрияти, 2010. - 104 бет. Гете, Фарбу Шарқ девони // Бухорий, Садриддин Салим. Хизматлар дунё: санъатнома. - Т.: Гафур Ғулом номидagi нашрият-матбаа илҳодий уюми, 2011: Саншов А.Х. Гете илҳодидида Соҳибқирон образи талқини // Амир Темур Фарб кифёлари илҳодиди. - Т.: «Давт пресс», 2016. - 25-31-бетлар.

³ Темур тузуқлари / Темурнинг кифёлари: Б. Абдухалимов ва бошқ., форсча матҳиди А. Соғуниев ва Х. Каримов тоғра. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 69-бет.

⁴ Гете, Йохан Вольфганг. Фарбу Шарқ девони // Оймон тилидан С.С. Бухорий таржимаси / Кириш сўзи А. Самовинкин. - Т.: Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашрияти, 2010. - 104 бет. Гете, Фарбу Шарқ девони // Бухорий, Садриддин Салим. Хизматлар дунё: санъатнома. - Т.: Гафур Ғулом номидagi нашрият-матбаа илҳодий уюми, 2011. - 236-бет.

«Амир Темур образи ҳалигача европаликлар ўртасида катта таъсирга эга. Уни тасвирлашга қўл урган мусаввир ва ижодкорларнинг сан-сановий йўқ. Бадийий адабиётда ҳам Амир Темурга бағишланган қўллаб асарлар пайдо бўла бошлади».

Жан Пол Ру,
Франция

Эдгар По узининг киска умри давомида жами тўртта шеърин туپламичи нашр эттириб улгурган. 1827 йилда чоп этилган «Буюк Темур ва бошқа шеърлар»¹ номли илк китоби, шунингдек, «Ал-Аъроф, Буюк Темур ва мўъжаз шеърлар»² (1829), «Шеърлар»³ (1831), «Қарға ва бошқа шеърлар»⁴ (1845) туپламлари шулар сирасига киради. Охириги шеърин туплам Э. Понинг ҳаётлиги даврида яна уч марта – 1845 йилнинг узида ва 1846 йилда ўша нашриётда, шунингдек, Лондонда 1846 йилда қайта нашр этилган. Бу китобларнинг нашр этилиши оралтигидаги вақтда шоирнинг шеърлари Америкадаги турли журналларда чоп этиб борилган, айрим ижод намуналари эса, улимидан сунг биринчи бор эълон қилинган.

Э. Понинг биринчи шеърин китобчаси унинг ўзига ўхшаган навқирон йигит – Томас деган 19 ёшли ношир томонидан атиги 40 нускада чоп этилган. Ўша пайтда Бостонда яшаб турган Томас кейинчалик Миссурига кучиб кетади ва 1876 йили Спрингфилдда, қандай даҳо шоирга кенг йўл очганидан мутлақо беҳабар ҳолда вафот этади.

Э. Понинг «Буюк Темур ва бошқа шеърлар» номли ўша мўъжаз туپлами эса, энциликда гоётда ноёб библиографик асардир. Э. По шеърларининг мохир таржимони, атоқли рус шоири Константин Бальмонтнинг қайд этишича, ўша китобча 1900 йил ноябрь ойида Мак-Ки (АҚШ) савдо-курғазмасида 2.050 долларга баҳоланган ва бир зумда жаноб Хальси томонидан харид қилинган⁵.

Мўъжаз туپламга кириш сузида ёш шоир ўз китобидаги шеърларнинг аксарияти 1821-22 йилларда, яъни муаллиф 12-13 ёшдалигида ёзилганини қайд этган. «Буюк Темур» дostonи китобчада марказий ўринини эгаллайди. Дostonда шоир узининг мажнунона туйғуларини ифода этган. Э. Понинг таъбири билан айтганда, «шон-шухрат ва иззат-нафс мяхробила қалбдаги энг нозик туйғуларни ҳам қурбон қилишдан қайтмайдиган даражадаги таваккалчиликнинг нечоғлиқ хавfli эканини кўрсатиб бериш»га интилан.

«Буюк Темур» дostonи, бир томондан, ўша давр адабий анъанаси таъсирида, яъни Байронга хос шеърин услубда битилган бўлса, иккинчи томондан, ўз замонасининг оловқалб навқирон шоирлари, шу жумладан, Эдгар Понинг шахсий кечинмаларига мутаносиб бўлган романтизм руҳи билан сугорилган⁶.

Дoston бош қаҳрамони – Амир Темур туғма мағрур ва музаффар эот. Айни чоғда, у шоирнинг ўзи каби кундузги туш-хаёлларнинг сирли асири. Бошқача айтганда, «Буюк Темур» дostonига навқирон шоирнинг ўз фожий қайфиятлари таъсир кўрсатмай қолмаган.

Дostonда буюк куч-қудрат, имон-эътикод меҳр-муҳаббат, айни чоғда, афсус-надоматларнинг ҳам соҳиби бўлган Амир Темур образи тараннум этилган. Амир Темур номтаълум руҳонийга узининг ҳаёт йули, илоҳий муҳаббати, музаффар юришлари, қайғу ва умидсизликлари ҳақида сузлаб беради. Дoston учун Байрон поэмаларида қўлланилган тўрт турокли ямб ваъзи танланган. Э. По шеърларининг яна бир рус таржимони – машҳур шоир Валерий Брюсов қайд этганидек, дoston техник нуқсонлардан холи эмас, услуби анчайин норавон⁷.



Эдгар По ва унинг «Буюк Темур ва бошқа шеърлар» китоби. Бостон, 1827 йил.

Edgar Poe et son livre «Tamerlan et autres poemes». Boston, 1827.

¹ E.A.Poe. Tamerlane and other poems. - By a Bostonian. Boston: Calvin F.S.Thomas, 1827.

² E.A.Poe. Al Anraf, Tamerlan and minor poems. - Baltimore: Hatch and Dunning, 1829.

³ E.A.Poe. Poems. Second edition. - New-York: Elam Wiley, 1831.

⁴ E.A.Poe. The Raven and other Poems. - New-York: Wiley and Putnam, 1845.

⁵ По Эдгар Аллан. Собрание сочинений в четырех томах. Том 1. Поэзия. Перев. С англ. / Сост., комментарии С.М. Востри, Оф. Ю. Баланова. - М.: Пресса, 1993. - С. 25.

⁶ Ўша вақтда. - С. 239.

⁷ Саидов А.К. Америкалик 18 ёшли шоирнинг Сохибқиронга бағишланган дostonи // Амир Темур Ғарб аёнлигида - Т.: «Dovr press», 2016. - 33-37-бетлар.

⁸ По Эдгар Аллан. Собрание сочинений в четырех томах. Том 1. Поэзия. Перев. С англ. / Сост., комментарии С.М. Востри, Оф. Ю. Баланова. - М.: Пресса, 1993. - С. 201.

фарқли ўлароқ, насрий асар яратган Ж. Байроннинг Соҳибқиронга бағишланган «Калил эртаги» номли ҳикояси 1816 йилда ёзилган. Ж. Байрон ижодиёни ўрганган тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, ҳикоя матнида шоирнинг ўз кули билан «1816 йил 14 март» санаси ёзиб қўйилган¹.

Ҳикояда Амир Темур ўз салтанатидан узоқда – Ҳиндистон сафарига юрган даврда Самарқандда бўлиб ўтган воқеалар бадийий тасвирланган. Эгасиз қолган Самарқандда босар-тусарини билмай, маишатбозликка берилиб кетган зодагонларнинг ноҳуя ва адолатсиз хатти-ҳаракатларидан норози бўлган халқ ғалаён кўтарди.

Сўнг Эрон қироличаси София ҳузурига Самарқандни ўз паноҳига олишини сўраш учун Калил бошчилигида элчилар жунатилади. Лекин Соҳибқиронга салоқатли бўлган ва юзага келган вазиятни туғри баҳолай олган элчи Калил йўлни Дехли томонга буриб, Амир Темур ҳузурига ошиқади.

Ж. Байронга ҳам буюк жаҳонгирнинг бадийий образини яратишда, юқорида айтиб ўтилганидек, ўша даврда ҳукм сурган айрим салбий муносабатлар ўз таъсирини муайян даражада ўтказган.

Шунинг учун, асар матнида Амир Темур шахсига нисбатан «бутун Осиёни ўзига бўйсундирган», «Европанинг баъзи улкаларини ҳам ер билан яқсон қилишдан тоймайдиган», «бешафқат ҳукмдор» каби «таъриф»ларнинг учрашини Байрон яшаган даврнинг таъмили, деб қабул қилиш мумкин.

Жумладан, Амир Темурнинг исёнчилар ҳавойи умидларига нисбатан муносабатини ҳикоя муаллифи шундай ифода этган: Амир Темурнинг «Софияни мумиёга айлангириб, исёнчилар мурдасидан бино этилган эҳром чўққисига ўрнатиб қўйиши учун ортиқча куч ва баҳонанинг ҳажати йўқ».

Ж. Байроннинг айна шу «эҳром» ҳақидаги фарази, З. Муллажонованинг фикрича, кейинчалик рус rassomi В. Верещчагинини «Уруш апофеози» суратини чизишга рағбатлантирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас².

Ж. Байрон даҳосининг буюклиги шундаки, у Соҳибқирон сиймосини таърифлаганида ҳолисликка риоя қилган. Хусусан, муаллиф Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати ва жаҳонгирлик салоҳиятини алоҳида эътироф этган. Соҳибқироннинг фазилатлари ҳақида сўз борганда, «хатто беморлигида ҳам ҳеч бир ишни кейинга сурмайдиган шахс», дейди муаллиф.

Буюк шоир ўз асари тилига шарқона ҳамду сано усулларини сингиргани, айниқса, кизикарлидир. Мисол учун, самарқандликларга Соҳибқирон томонидан йўлланган мурожаатни: «Забардаст ва енгилмас, сўзлари доно, аъмоли мурувват, Ой ва Кўёш иниси, сайёраларнинг суяқлиси, узоқ юлдузлар сарвари, бутун олам-жаҳонда тенги йўқ ҳукмдор Амир Темур номи билан...», деб ўқий бошлайди жарчи.

Ж. Байроннинг бу асари 18 та абзац ва 208 қатордан иборат, яъни ҳажман муъжаз бўлишига қарамай, мазмунан кенг қўламли ва серқиррадир. Асар Амир Темурнинг сафарда эканидан фойдаланиб, фитна-ю, суиқасллар бошлаган амалдорларнинг тубан қилмишлари эърайиб бориши ва бунинг охибатида газнага солиқ тулайдиган ол-

¹ Муллажонova З. Байроннинг Амир Темур ҳақидаги эртаги // «Соҳибқирон юлдузи» журналі, 2010 йил, №2. – 32–35-бетлар.

² Муллажонova З. Байроннинг Амир Темур ҳақидаги эртаги // «Соҳибқирон юлдузи» журналі, 2010 йил, №2. – 33-бет.



Хорхе Луис Борхес

Jorge Luis Borges

дий халқ ҳамда хунармандларнинг ахволи оёғрлашиши мавзуси билан чекланиб қолмаган.

Амир Темуру давридаги фаол халқаро муносабатлар, Соҳибқироннинг зафарли харбий юришлари, салтанат ахлининг Ватанга мухаббати ва садоқати каби мавзулар асарда чуқур очиб берилган. Шу маънода, муаллиф «эртак» деб атаган ушбу хикояни олдиндан пухта уйланган йирик тарихий романнинг эскизи, яъни дастлабки намунаси, деб қараш мумкин.

Ж. Байроннинг бошқа асарларида, хусусан, «Гайор» (Наполеонга қасида) шеърда ҳам Амир Темуру тилга олинган куйидаги мисралар бор:

*Темурунинг бу темир қафаси про
Кандай уй-азоблар чекасан танҳо?..*

Жаҳон адабиётининг яна бир йирик вакили - аргентиналик машҳур шоир, адиб ва публицист Хорхе Луис Борхес (1899-1986)¹ 1972 йилда узининг «Амир Темуру» («Tamerlán») номи дostonини ёзган. Дoston 1972 йилда нашр этилган «Йулбарслар тилласи» («El Oto de los Tigres»)² тупламаида эълон қилинган.

Ушбу дostonда, ҳеч шубҳасиз, Борхес даҳосининг кудрати, индилятти ва мураккаб табиати намоён бўлган. Шу билан бирга, буюк адиб «Амир Темуру» дostonини ўзи билган маълумотлар, бетизгин ҳаёлот ва жаҳонгирга душман бўлган араб муаррисларининг ёлгон хабарлари-ю, айрим тўғима асарлар таъсирида яратганини эътиборда тутиш жоиз³.

Ҳақиқатан ҳам, Борхес нечоғлиқ истеъдодли бўлмастин ва дostonи қанчалик мафтункор туюлмасин, у маъкур асарини Амир Темуру ҳақидаги Фарбда устувор бўлган тушунчалар доирасида ёзганидан асло куз юмиб бўлмайди. Бинобарин, Шарқ, шу жумладан, Тўркистон тарихи ҳақидаги деярли барча маълумотларда асосан евроцентризм, Фарб нуқтаи назари ҳукмрон бўлган замонда бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Шу маънода, шоир ва таржимон Фулом Мирзо томони-

¹ Хорхе Луис Борхес (исп. Jorge Luis Borges, 1899-1986) - аргентиналик машҳур шоир, адиб ва публицист. 1899 йил 24 августда Буэнос-Айресда туғилган. 1906 йил 14 июнда Швейцариянинг Женева шаҳрида вафот этган. Хорхе Луиснинг шайриятта асосийчи эрта уланиши, у турт ёшличадек ўқиш ва ёзишни ўрганиб олган. Олти ёшлигида инглиз тилини ташкилчилик кўрсатган ва етти ёшда дастлаб хикосини («La violeta fatal») ёзган. Ун ёшда Оскар Уальдинге «Бакти шаҳзода» номи машҳур эртанинг тарихий китоби. 1914 йилда оила аъзолари билан Европада яшоб қолганида, француз тилини ҳам шайрлар ёза бошлаган. Оила шаҳрига қайтган, «Прометей», кейинчалик «Грор» каби руссия журналлар нашриоти йўлга қўлган. Илк шеъри 1919 йил 31 декабрда «Грель» журналича чоп этилган. Борхес XX асрнинг 20-йилларида Лотиз Америкаси шайриятда авантагарининг асос содган ксолокорлардан хисобланади. У «Буэнос-Айрес дамфамаси» (1923), «Рунрадати Оли» (1923), «Умиднинг утмалари» (1926), «Бадкошнинг умузи тарихи» (1933), «Алиф» (1949), «Крисил атиргули» (1973), «Данте халқда ун асте» (1982), «Шекспир фили» (1983) каби бир неча улаб асарлар муаллифи. Борхеснинг асарлари бунинча уттидан ортин фили таъсири олинган, шайрларига хуялар басталган. Шунингдек, адиб ҳаёти ва филолиги ҳақида баъзин асарлар (Уиберто Эсонинг «Атиргул донги романни» ва фильмида (кинорежиссер Хуан Карлос Десагосининг «Ишк ва ютироб» фильми) яратилган. 1937 йилда «Аргентина умуми дони адабиети академияси»ни нашр этилган. 1940 йилда (дусти ва халқор адиб Адольфо Бига Касарес билан бирга) «Аргентина фанстик адабиети академияси» ва 1941 йилда «Аргентина шайриети академияси»ни тузишда қатнашган. Борхес адабиет соҳасидаги бир катор икитини ва халқаро муҳофазатлар соҳибидир. Ҳаёти давоида унда икя давлатнинг олин орден ва медаллари билан тақдирланган, дундаги еттидан университетларини фалриб доктори бўлган.

² «El Oto de los Tigres» - Хорхе Луис Борхеснинг машҳур «Йулбарслар тилласи» номи шеъри туплами. Ушбу туплам 41 та шеър ва дostonлардан иборат бўлиб, унда «Амир Темуру» шеъри туплами «Утмиш» («El pasado»), «Таучо» («El gaucho») каби шеъри дostonлари урин олган. Каранг: Jorge Luis Borges. El oto de los tigres. Buenos Aires: Emecé, 1976 - 91 pages.

³ Саидов А.Х. Борхес дostonида бир ёрқин лаҳза // Амир Темуру Фарб адиблири тилосида - Т.: «Davr press», 2016. - 63-64-бетлар.



Ivan Bunin
Ivan Bunin

дан ўзбек укучиси эътиборига дostonдан бир парча хавола этилгани¹ гриналидир.

Атоқли рус шоири ва ёзувчиси, рус адиблари орасидан адабиёт ашуналиши буйича Нобель мухофотининг илк совриндори (1933 йил) Иван Бунин узининг «Темурхон»² хикоясида Амир Темур сиймосини тараннум этган жакон адабиётининг яна бир йирик намояндаси хисобланади. Мазкур хикоя Гулом Мирзо томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва матбуотда чоп этилди³.

Шу билан бирга, Иван Буниннинг «Чуғ» ва «Чодирда» номли шеърлари аини мавзуда бўлиб, «Темурхон» хикоясидан олдинроқ ёзилган. Жумладан, «Чуғ» шеъри 1913 йилда «Современник» журналининг 4-сонида эълон қилинган. Шоир ушбу шеърида Темурбек тикмоқда ўз ўғлини оқий ва иродали, хушёр ва сергак қилиб тарбиялаб, ҳаётини мураккаб синовларига тайёрлаётган ота образини гавдалантирган⁴.

«Чодирда» номли кейинги шеър эса, 1916 йили «Летописи» журналининг октябрь сонида чоп этилган. Бу шеърда Иван Бунин Сохибкиронини дунёга келтирган ва парварিশлаган она образини маромига етказиб бадийи тасвирлашга муваффақ бўлган. Ҳар икки шеър Иван Буниннинг кейинги даврда нашр этилган тўпламларига, хусусан, 1965 йили Москвада чоп этилган 9 томлик асарлар тўпламининг 1-томига (351 ва 405-бетлар) киритилган⁵.

Шу уринда, ўз-ўзидан, Иван Бунин рус заминда туғилган, 1920 йилдан эътиборан умрининг муайян қисмини Францияда – мухожирликда ўтказган бўлса-да, доим Россия қайғуси билан яшаган адибни ватанида ҳам (юқоридаги икки шеър 1913 ва 1916 йилларга мансуб), хорижда ҳам («Темурхон» хикояси 1921 йили Парижда ёзилган) Амир Темур образига мурожаат этишга, бу улур шахс ҳақида асарлар битишга нима мажбур этди экан, деган савол туғилиши табиий.

Бу мураккаб савол билан китобхонли ҳам, ўқимчи ҳам узок кийнаб ўтирмасдан, академик Бахтиёр Назаровнинг нуқтаи назарини келтирмоқчимиз. Яъни: «...Бунин октябрь тунтарувиани, шўро ислохотларини қабул қилмадигина эмас, уларни кескин ва ошқора танқид этди. Унинг Амир Темур образига мурожаати замирида Россиянинг иқтисодий-сиёсий кудрати таянчларидан бири бўлмиш, Сохибкирондек бутун дунёни зир титратган зотни воёга етказган Туркистон айти ҳам шўровий балодан қутула олмаётганидан қайғуриш, маъносиланиш туйғулари ётади, бизнингча»⁶, дейди таниқли олим.

Бунда, шубҳасиз, Иван Бунин XX аср бошларида Шарқнинг бир нечта мамлакатларига саёҳат қилиб, бу ердаги халқларнинг турмушини ва удувлари, тарихи ва маданияти, адабиёти ва санъати билан танишгани ҳам муҳим аҳамият касб этган. Чунки, улур адиб шу аснода қалбига Шарқ руҳини чуқур сингдирган бўлса не ажаб. Академик Б. Назаров атоқли ўзбек

¹ Карамл Х.Д. Боржас: Амир Темур // Сохибкирон юлдузи, 2014. – № 2. – 83-бет; Хорие Луис Боржас: Амир Темур (Дostonдан парча) // Амир Темур Фарб адиблари нигоҳида, рус тилидан Ф. Мирзо таржимаси. – Т.: «Davr press», 2016. – 65-бет.

² Бунин И.А. Собр. соч. В 6-ти т. – М.: Худ. лит., 1987–1988.

³ Карамс: Иван Бунин: Темурхон. Рус тилидан Гулом Мирзо таржимаси // Хуррият, 2014. 30 сентябрь. Яна барики: Иван Бунин Темурхон ҳақида ёзувин. Тафаккур, 1996, № 3. – 104–107-бетлар; Иван Бунин: Темурхон, Чуғ, Чодирда (Косов ва шеърлар) // Амир Темур Фарб адиблари нигоҳида. Рус тилидан Ф. Мирзо таржимаси. – Т.: «Davr press», 2016. – 71–78-бетлар.

⁴ Самиев А.Х. Назаров яратилган наъний дурдона // Амир Темур Фарб адиблари нигоҳида. – Т.: «Davr press», 2016. – 66–70-бетлар.

⁵ Бу ҳақида батафсилроқ қарамс: Мустафа Байшанов. Солнце восходит с Востока // Звезда Востока, 2015, №4. – С. 94–102.

⁶ Бахтиёр Назаров: Фитрат ва Бунин // Тафаккур, 2015, № 4. – 67-бет.

адиби Абдурауф Фитратнинг 1917 йили Туркистонда ёзилган «Темур ондинда» асари ҳамда атоқли рус адиби Иван Бунин 1921 йили Францияда битган «Темурхон» хикоясини ўзаро қийин таҳлил этиш орқали ҳар икки асар ўртасидаги «рухий робита», «маъний ва типологик ҳақиқлик» сабабларини илмий-назарий жиҳатдан жуда асосли очиб берган¹.

Ўзбек олимийнинг фикрича, рус адабига мансуб бу асарнинг ёзилиши сира тасодифий бўлмай, у И. Буниннинг шу даврдаги ижтимоий-сиёсий қарашлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ҳикояда муаллиф бир тиланчи (дарвиш)нинг Соҳибқирон ҳақидаги қўшиғига кулоқ тутиш баробарида Шарқнинг сўлим табиатини ҳам чизиб кўрсатаётгандек туюлади. «Бунин тиланчи қўшиғи орқали Амир Темурни мадҳ этади, кўкларга кўтарди»².

Айни чоғда, Бахтиёр Назаровнинг мана бу қулосасига ҳам қўшилмасдан бўлмайди: «Турғиси, Бунин ақсар машҳур рус адаблари каби Амир Темур шахсига на шўро тўнтарувига қадар ва на ундан сунг одил ва холис муносабатда бўлган эмас»³. Аммо, аввало, ёзувчилик ва шoirлик эътиқоди, қолаверса, бадиий ниёт талабига қўра, ўзи буни хоҳлаганми-хоҳламаганми, Амир Темур ҳақидаги асарларида буюк Соҳибқирон образини бир қадар ҳаққоний тасвирлаган.

Қолаверса, рус дворянлар адабиётининг сунти йирик вакили бўлмиш чоғуақ И. Буниннинг Шарққа, унинг буюклари ҳаётига қизиқиши бежиз бўлмаган. Нега деганда, у Крым муҳорабасининг гувоҳи бўлган отаси ва яқинларидан ушбу улка хотираларини, мусулмон халқлари эришган оламшумул зафарларни эшитгани шубҳасиз.


Амир Темур ва Европа театршунослиғи

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур сиймоси салкам олти юз йилдан бери дунё олимлари, адаблари ва санъат ахли, шу жумладан, Ғарб санъати намояндalари, драматурглар ва бастакорларнинг эътиборини тортиб келмоқда.

Айниқса, Амир Темур билан Боязид Йилдирым ўртасида 1402 йилда бўлиб ўтган Анкара жанги нафақат Шарқ давлатларини, балки Ғарбни, бутун Европани бефарқ қолдирмаган. Европа маданияти ва санъатининг қўллаб-намоёндалари онгу шуурига кучли таъсир утказган бу тарихий воқеа кейинги даврларда қанчадан-қанча адабий-бадиий, сахнавий ва мусиқий асарларнинг бош мавзусига айланган.

XVI асрдан бошлаб XX асргача бўлган узок вақт оралиғида яратилган бундай асарларда Амир Темур ва Боязид мусулмон Шарқининг деярли ягона қаҳрамонлари сифатида намоён бўлган. Р. Турсуновнинг қайд этишича, Ғарб мамлакатларида бу мавзуда турли жанрларда 60 тадан зиёд асар яратилган бўлиб, уларнинг номлини деярли бир хил сюжет йўналиши ҳам ўзаро ўхшашдир⁴.

Айни чоғда, ҳар бир янги давр талабидан келиб чиққан ҳолда, ушбу асарларга муайян тузатишлар киритиб борилган ва бош қаҳрамон



«Буюк Темурхон»,
Кристофер Марло,
Лондон, 1605 йил.

«Tamerlan le Grand»,
Christopher Marlowe,
Londres, 1605.

¹ Бахтиёр Назаров, Фитрат ва Бунин // Тафсилот, 2015, № 4, - 64-70-бетлар.

² Ўша манба, - 67-бет.

³ Ўша манба, - 66-бет.

⁴ Турсунова Р. Образ Амира Темура в советских театральных Зплата // Саъ'ат, 2006.



Париждаги «Одён» театри
Théâtre de l'Opéra Paris.



«Буюк Темурнинг»
Кристофер Марло
London, Буюк Британия,
2010 йил

«Tamerlan le Grand»
Christopher Marlowe
London, Royaume Uni, 2010.

тимсолининг талкинига ҳам мутаносиб равишда ҳар гал узгача урғу берилган.

XVI-XIX асрларда бу мавзудаги бир қатор сахна асарлари Европа театрларида улкан муваффақият қозонган. Инглиз адиби ва драматурги Кристофер Марлонинг (1564-1593) 1590 йилда нашр этилган «Буюк Амир Темур» трагедияси¹, Луис Велес де Гуэрерининг (1570-1640) «Таңгри қазаби ёки буюк Амир Темур Эронда» пьесаси, Николас Пардоннинг (1632-1698) «Амир Темур ёки Боязиднинг ўлими» новелласи, инглиз драматурги Чарльз Сандерснинг 1681 йилдаги «Буюк Амир Темур» ва Францис Фене (1689 йилда вафот этган) 1686 йилда яратган «Қурбонлик» трагедиялари, мадмуазель де ла Рош Гулхемга (1640-1710) бағишлаб номаълум муаллиф томонидан 1710 йилда ёзилган «Амир Темур» пьесаси, Франц Нисселнинг (1817-1900) «Темур Исфохон» номли шайри-драматик асари, шунингдек, Маттхей Грегор Леез (1775-1818) томонидан 1858-1859 йилларда ёзилган ва Парижда нашр этилган «Темур тортор» романтик драмаси шулар жумласидандир.

Сарқитхаси нуқтаи назаридан фақат Боязид Йилдиримга бағишлангандек тақдир уюлтандиган баъзи сахна асарлари, шу жумладан, Чарльз Бриффуэн (1781-1857) каламига мансуб «Боязиднинг маҳбубаси», Жюханис Керстен Хауч (1790-1872) томонидан 1828 йилда Копенгагенда ёзилган «Боязид» пьесасида ҳам Амир Темур сиймоси а қатъи ақидаси билан берилган.

Харольд Ламбининг «Амир Темур. Ҳукмдор ва саркарда» номли китобида Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, Сохибкироннинг бунёдкорлик ишлари ва диний-смаиғис, фильм-атвори ва маънавий дунёси алоқиси қисиларда ёритилган. Жан джо Бек 1995 йили Амир Темурнинг таржиман холи ҳақини 17 фантастик версияси асосида «Буюк Амир Темур тарихи» номли китобини чоп эттирган.

¹ А. Савва, Кристофер Марло, «Буюк Темурнинг» трагедияси сиймоси талқини // «Хуррият» газети, 2014, 2-июль сонида.



Кристофер Марлоунг
«Буюк Амир Темуր»
сана осаридан лаво.
Амир Темуր ролнда
Давид Волфит.

Extrait des œuvres scéniques
de «Tamerlan le Grand»
Christopher Marlowe.
David Wolffit (Amir Temur).

Георг Фридрих Гендел
қаламига мансуб
«Амир Темуր» операси -
Европада қарийб 300 йил
олдин яратилган бўлиб,
унган даврда Ғарбнинг
унчалб пойтахтлари
театрларида мунназам
намойиш этиб келинмоқда.

Бундан ташқари, К. Эдсмид'нинг (1890–1966) 1916 йилда ёзилган «Истилочи» номи романи, Кэралайн Финкель қаламига мансуб «Усмонлилар салтанати тарихи» китоби¹, К. Окай, Ф. Келлер сингари бир қатор муаллифларнинг адабий-бадиий ва драматик асарлари ани мавзуга бағишланган².

Бу каби илк адабий ва муסיқий-сахнавий асарлар орқали Ғарб томошабинига, бир томондан, турли қизиқ воқеаларга бой антика сюжетлар намойиш этилган бўлса, иккинчи томондан, география, сийёсат ва маданият соҳаларига оид янги ахборотларни тақдим этиш ҳисобига Ғарб кишисининг Шарққа нисбатан муносабати ва дунёқараши шакллантириб борилган. Ғарб адибларининг асарларида, айнаникса, Амир Темуր қиёфаси ўзига хос тарзда талқин қилинган.

Драматурглар таянган манбаларда Соҳибқирон шахси турлича, яъни баъзан бир-бирига бутунлай қарама-қарши, баъзан эса, ўта қалқаш ифода этилган. Бу, уз навбатида, адабий-бадиий асарларда ҳам Амир Темуր тасвирининг ҳар хил тасвирланишига сабаб бўлган. Бундай ранг-баранглик Соҳибқирон сиймосини ғарблик ижод ва санъат намояндалари турлича идрок этганидан далолат беради³.

Ҳозирги кунда Британия музейларидан бирида «Тақводор Амир Темуր» номи трагедия қулезмаси сақланмоқда. Ушбу асар 1720 йилда

¹ Кайинир Эдсмиш (Эдуард Шниц) - немис адиби, экспрессионизм адабиёт ҳаракатининг асосчиларидан бири.

² Феликс К. История Османской империи: Византизм Османлы / Пер. с англ. - М.: АСТ, 2010 - 829 с.; Caroline Finkel. Osman's Dream: the history of the Ottoman Empire 1200-1900.

³ Карпент: http://www.dabok.ru/encyclopediya/islam_tdy_iznyelnyy30290

⁴ Абдураманов А.А., Фулсдон Х. Амир Темуր Шарқда Ғарб тасвирини // Тоғлиқ илмий ахбороти, 1997. № 1. - 5-9-бетлар



Антонио Вивальди
Antonio Vivaldi

адиб Виллям Пеппл (1701–1764) томонидан ёзилган. Асарда Соҳибқирон сиймосини янгича қирралари талқин этилгани эътиборни тортади!

Бу, аввало, пьесада бағрикенглик (толерантлик) ғояси биринчи даражали масала сифатида талқин этилганида қўрунади. Асарда Амир Темур шахсига алоҳида эътибор қаратилган ва юксак баҳо берилган.

XVI асрдан XVIII асргача бўлган даврда Ғарб мамлакатларида Амир Темур сиймосига оид куплаб опералар ҳам яратилган. Айниқса, И.Ф. Фортчнинг 1690 йилдаги «Боязид ва Амир Темур» ҳамда М.А. Зиванининг 1689 йилдаги «Буюк Амир Темур» опералари бу бордаги илк мусика асарлари экани билан диққатни тортади.

Шунингдек, ўтган узок давр мобайнида Ғарбнинг А. Скарлатти, Ф. Гаспарини, Л. Лео, Г. Телеман, Ф. Гендел, Н. Порпора, Ж. Порта, А. Вивальди, Ж. Жиз, Э. Дуни, Ж. Кучи, Ж. Сколари, А. Саккини, Й. Мисливечек, И. Рейхардт, П. Винтер, С. Майр, Н. Ваккаи, А. Сапиенца, П. Гуглиельми, Г. Бишоп, Ж. Холбрук, С. Ник каби неча ўнлаб атоқли композиторлари яратган мусликий асарларда Амир Темур асосий сиймо вазифасини ўтаган².

Хусусан, 1785 йили Париждаги Катта театр томонидан таниқли адиб ва композитор Йоганн Фридрих Рейхардтга³ (1752–1814) иккита опера ёзиш буйича буюртма берилган. Рейхардт 1786 йилда улардан бири – «Амир Темур» операсини тайёр ҳолда Парижга олиб келган. Аммо, буюк Фридрихнинг ўлими муносабати билан Рейхардт зудликда Берлинга қайтишга мажбур бўлган. Оқибатда «Амир Темур» операсининг Париж Катта театридаги намойиши амалга ошмай қолган⁴.

Испаниялик драматург ва романнавис, машҳур Сервантеснинг замондоши ва дўсти Луис Велес де Гевара⁵ (1579–1644) ҳам «Амир Темур» номили пьеса яратгани маълум. Умуман олганда, Велес де Гевара умри давомида 400 тадан зиёд пьеса ёзган бўлиб, уларнинг жуда катта қисми йўқолиб кетган ва ҳозирги кунгача атиги 80 тага яқини сақланиб қолган.

Адиб томонидан 1641 йилда ёзилган «Оқсоқ жин»⁶ номили махру кинояли роман ҳам Амир Темур мавзусига бағишланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Адибнинг ўғли Хуан Велес де Гевара⁷ (1611–1675) ҳам драматург бўлган. Хуан отаси изидан бориб, 1668 йилда Амир Темур ҳақида трагедия ёзган⁸.

Ўз даврида Русь шоҳи Алексей Михайлович саройи ҳузуридаги театрга раҳбарлик қилган (1675) драматург ва театр режиссёри Ге-

² Турсунова Р. Образ Амира Темура в сценических произведениях Запада // San'at, 2006. № 2.

³ Турсунова Р. Образ Амира Темура в сценических произведениях Запада // San'at, 2006. № 2.

⁴ Рейхардт (Reichardt) – композитор, дирижер, мусликчи ва адиб. 1752 йил 25 ноябрда Кенигсберг ва Лейпцигда фахрфалан тахсил олган, мусика илимига алоҳида ҳизматини билан етандиши. Буюк Фридрих саройида капелмейстер лавозимида фаолият олиб ботган. Композитор сифатида вокал мусикасига соҳибига ўт саломчилини яққол намойиш этган. Қўллаб янгича руҳдаги мусика асарлари, теннисча ва италиянча опералар муаллифи ҳисобланган.

⁵ Рейхардт – мусликий словарь – Яндек. Словари (<http://slovari.yandex.ru/>).

⁶ Луис Велес де Гевара (Velas de Guevara) – испан адиби ва драматурги. 1579 йил 1 августда Севильяда туғилган ва 1644 йил 10 октябрда Мадридда вафот этган. Карант: <http://ru.wikipedia.org>

⁷ Карант: Хуан Велес де Гевара Хромон Бес. – М., XII, 1964.

⁸ Хуан Велес де Гевара (Juan Sotomayor Velaz de Guevara) – испан шоҳри ва драматурги. 1611 йилда Мадридда туғилган ва 1675 йил 20 ноябрда вафот этган. Карант: <http://ru.wikipedia.org>

⁹ Бегунин Ю. К. Русская драматургия (конец XVII) – первая половина XVIII в. // Источники русской драматургии. Т. 1 / отв. ред. Л.М. Лотман. – Л.: Наука, 1982. – С. 32.

орг Хюфнер¹ (1630-1691) шу мавзудаги илк русча пьеса - «Амир Темур ва Боязид хақида комедия»² асарининг эхтимолӣ муаллифи ва сахналаштирувчиси ҳисобланади.

Гап шундаки, бизнинг давримизгача ушбу асарнинг нуқсонли қўлёзмаларигина етиб келган. Қолаверса, спектаклнинг Покровкадаги элчилик уйида ажнабийлар томонидан намойиш этилгани³ ҳақида айрим маълумотлар сақланиб қолган, ҳоло. Бу ҳолатлар муаллиф билан боғлиқ масалага узил-кесил аниқлик киритиш имкониятини бир қадар чеклаган.

Маълумки, рус бароккosi даврининг адабий идеаллари сифатида шиддаткор ва ғоятда фаол инсон образи назарда тутилган. Жамиятдаги кизгин ва суронли ҳаёт 1670-йиллардаги пьесаларда ўзининг бутун қувончу кайгулари билан омукталиқда тараннум этилган ва айни шундай сахна томошаси спектакль деб баҳоланган⁴.

Г. Хюфнер пьесаларида сахнада ҳаёт шиддатини тасвирлашда овоз-шовқин ва чирок-нур эффе́ктларидан, ўта мураккаб бутатофиядан (сахнадаги ясама жижжалардан) унушти фойдаланилган. Айниқса, «Амир Темур ва Боязид хақида комедия»нинг намойишда сахнада чи-накамга қуролланган отликлар сафи иштирак этгани эътиборлидир⁵.

Мазкур сахна асарида Амир Темурнинг 1402 йили Боязид Йилди-ринини мағлуб этиши ва асир олиши билан якуни топган Анкара жанги тафсилотлари бадиий-муסיқий талқин этилган.

Асарга Кристофер Марло ва Хуан де Гевара каламига мансуб айни мавзудаги трагедияларнинг сюжети, шунингдек, Жан дю Бекнинг «Буюк Амир Темур тарихи» номли китобидаги маълумотлар асос қилиб олинган⁶.

Пьеса турк ва рус давлатлари уртасида уруш хаффи кучайган давр-да сахналаштирилгани туфайли унинг сюжети ғоятда долзарб бўлган⁷.

Хусусан, Амир Темур ўз аскарларидан «Турклар давлатини бутун-дай тор-мор этишга қодирмисиз?» деб сураган ва бу саволига тасдиқ жа-вобини олган сахна намойиши катта аҳамият касб этган⁸.

Эътиборли жиҳати шундаки, Жан Расиннинг «Боязид» (1672) ва Николас Роуининг «Амир Темур» (1702) трагедиялари ҳам тахминан ўша

¹ Георг Хюфнер (George Hüfner, шунингдек Юри Гибнер, Юрия Михайлович Гюнер) - драматург, театр режиссери ва таржимон. 1630 йиллар атрофида Москвада туғилган. 1691 йилда вафот этган. Асарини манбаларда келиб чиқоётига қара Саксониядан жани, шу билан бирга, «москвалик немисларга мансублиги қурбатланган. Қараган: Белоброва О.А. Гюнер // Самария қишлоқлик ва кичиклиги Древней Руси. Вып.3 (XVII в.) Ч.1 / отв.ред. Д.С. Лисицкая. // Самария-Дмитрий Булантин, 1992. - С. 203; Спесский М.П. Гюнер // Литература и культура Древней Руси: словарь-справочник / под ред. В.В. Кукова. - М.: Высшая школа, 1994. - С. 23.

² Уш див театр соҳаси амалиётида ҳар қандай соҳа асарига нисбатан «комедия» атамини қўлланган. Мазкур асарнинг бошқа номи «Темур-Аксалов действа». Қараган: Русск. яз. в. Истории драматургии литературы. - М.: Высшая школа, 1989. - 304 с.; Парфенов А.Т. К вопросу о перво-источнике «Темур-Аксалов действа» // Вестник МГУ. Сер. 16. Филология. - 1969. - № 2. - С. 14-30.

³ Белоброва А.С., Оруев О.В., Сидорова Ю.Н., Федоров В.И. История русской литературы XVII-XVIII вв. - М.: Высшая школа, 1969. - С. 181.

⁴ Девина А.С. Русская литература второй половины XVII - начала XVIII вв.: новые художественные представления о мире, природе, человеке. - М.: Наука, 1977. - С. 60; Русские пьесы 1670-х гг. и прижизненная культура // Труды Отдела древнерусской литературы ИРЛИ АН СССР. - 1972. - Т. XXVII. - С. 273-283.

⁵ Девина А.С. Русская литература второй половины XVII - начала XVIII вв.: новые художественные представления о мире, природе, человеке. - М.: Наука, 1977. - С. 180.

⁶ Бегунов Ю.К. Ранняя русская драматургия (вторая половина XVII - первая половина XVIII вв.) // История русской драматургии. Т.1. / отв. ред. Д.М. Литман. - Л.: Наука, 1982. - С. 32.

⁷ Девина А.С. Театр в художественной жизни России XVII века // Исследования в материале по древнерусской литературе. Т.4. Новые черты в русской литературе и искусстве (XVII - начало XVIII вв.) - отв. ред. А.Н. Ребинштейн. - М.: Наука, 1976. - С. 30.

⁸ Асов Б.Н. Русский драматический театр от его истоков до конца XVIII в. - М.: Искусство, 1977. - С. 107.

даврларда ёзилган бўлиб, Европадаги сиёсий вазиятга доир адабий-тарихий ишорат ва қочиримларга ниҳоятда бой булган.

Г. Хюфнернинг «Амир Темура ва Боязид ҳақида комедия»сида таъминан бир ой давомида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тасвирланган бўлиб, сахнада бевосита тўққиз кун ичида юз берган воқеалар намоён бўлиш этилган¹. Пьесада барча насларнинг халқларнинг ҳимоячиси булган ҳиммат-саховатли шох тимсоли етакчи ўринда туради.

Амир Темура «қайсар Палеологос» тасарруфида булган греклар юртидаги ўз диндошларини муҳофазасига олган православ ҳукмдор сифатида сахнада намойён бўлади. Бу ўринда Г. Хюфнер европатикларнинг «рицарлик» анъаналарига риоя қилган. Бинобарин, рус манбаларида Амир Темура одатда шафқатсиз жаҳонгир сифатида тасвирланган².

Пьесадаги воқеалар мантиғига қура, Амир Темура турк лашкари ни маълум эътибор ва Боязидни асир олиб, катакка қамаб қўлади. Шунда «буюк ваҳший ва қонжур» – Боязид қорасизлик аламига чидай олмасдан, қафаснинг темир панжараларига бошини уриб ёради. Сунг эса, томонбинларга «ўзга юртларни забт этишдек номақбул истакда булган ҳар қандай одамни айни шундай аянғли қисмат кутиши» маълум қилинади.

Спектакль якунида унинг сиёсий моҳияти, айниқса, яққол кўринган. Яъни, асар намойишининг барча иштирокчилари «юв-вошдан-юввош» Алексей Михайлович қаршисида туриб: «Худойим, шохимизга бахт ато эттил!», деб хитоб қилган ва унга тазим бажо этган³.

Инглиз драматурги ва шоири Николас Роу⁴ (1674–1718) қаламига мансуб «Амир Темура» операси ҳақида гап борганда, авваламбор, адиб Кристофер Марлонинг «Буюк Амир Темура» трагедияси сюжетини ўзлаштирганлини қайд этиш лозим. Айни чоғда, 1702 йилда ёзилган ушбу асар билан инглизлар Уйғонмиш даврининг «жўшқин даҳоси» ижод маҳсули ўртасида ўхшаш жиҳатлар жуда кам.

Н. Роу томонидан опера бош қаҳрамони – Амир Темура аслзодалар ва сароядорлар томонидан тахтта қутарилган «мурасосоз» Англия Қироли Вильгельм III сиймосига ўхшаш этиб тасвирланган. Асар қаҳрамонларидан яна бири – Боязид тимсоли орқали эса Франция

¹ Денин А. С. Русская литература второй половины XVII – начала XVIII вв.: новое художественное представление о мире, природе, человеке. – М.: Наука, 1977. – С. 180. Денин А. С. Русская литература второй половины XVII – начала XVIII вв.: новое художественное представление о мире, природе, человеке. – М.: Наука, 1977. – С. 121.

² Бугунов Ю. К. Ранняя русская драматургия (конец XVII – первая половина XVIII вв.) // История русской драматургии. Т. 1. / отв. ред. Л. М. Лотман. – Л.: Наука, 1982. – С. 32.

³ Асеев Б. Н. Русский драматический театр от его истоков до конца XVIII в. – М.: Искусство, 1977. – С. 108.

⁴ Николас Роу (Nicholas Rowe) – шотланд драматурги ва соғиршор (1715 йилдан) шоири. 1674 йил 20 июнда Берфордшир графлигининг Литтл-Барфорд қушдида туғилган. «Амалда теъдил»да ашвоқатли» бичица тазкил олган ва барристер касбини эгаллаган. Оқсиздан олган меҳрият жамъи қилган, асосан баллига милод билан шуғулланган. Унинг қаламига маълум эит эламнинг асарлар қаторига «Иттилолбул ўғай она» (1700), «Амир Темура» (1702), «Нифосатли ғушдор қони» (1703) драматик асарларини, шунингдек, «Жейн Шор» (1714) ва «Леди Жейн Грей» (1716) трагедияларини киритиш мумкин. Роу В. Шекспирнинг илк муҳаррирларидан бири булган Уаттерланд (Шекспир пьесалари 1709 йилда сахна юзики кўрган Роу томонидан бу пьесаларга хитирги кўнсаца салтаноб келатган парда ва сахналарга бўлиш, шунингдек, актерларнинг соҳиба чиниш ва келтири тартиби жарий этилган, қар бир пьесада иштирок этилган интироқкорларнинг рўйхати олинган тузиш йўлга қўйилган, В. Шекспирга чуқур эфирининг яна бир амалии тазкиби сифатида ушбу драматургининг ушбу даврдаги дастбхи асарлар тушамини мафот этган ва ёил оғра дафти этилган. Роу 1718 йил 6 декабрда Вестминстер абадхитида вафот этган. Nicholas Rowe ундасиз. Каранг: Works by Nicholas Rowe [http://www.gutenberg.org/authors/NicholasRowe/works] at Project Gutenberg; The Poetical Works of Nicholas Rowe, Tameshire, The Four Pevsners, Luton.



Георг Фридрих Генделнинг
«Амир Темур» асари.
Тошкент, 2015 йил.

«Tamerlano», œuvre
de Georg Friedrich Haendel.
Tachkent, 2015.

Киролли Людовик XIV гадалантирилган. Химият-саҳоват соҳиб бўлган Амир Темур «халқнинг ишончу эътиқоди»га таянган ҳолда, мажмур ва даргазаб Боязидга қарши жанг олиб боради.

Н. Роунинг операсидаги бундай ҳиёслашлар бежиз эмас. Чунки, уша даврда Англия испанлар мероси учун жангу жадалларга ураллашиб қолган, Франция эса, бу урушларда унинг асосий рақиби бўлган³.

Шу ўринда Георг Фридрих Генделнинг⁴ (1685–1759) «Амир Темур»⁵ операсига алоҳида тўхталиш жоиз. Бу уч пардали опера Никола Франческо Хаймнинг⁶ италян тилида басталанган либреттоси асосида яратилган. Г. Гендел ўз асарини 1724 йилнинг июль ойида, 20 кун ичида ёзиб тугатган. Опера биринчи мартаба Лондоннинг Кироллик театрида 1724 йил 31 октябрда намойиш этилган.

Опера яратилган ва намойиш этилган саналар Г. Гендел ҳаёти ва фаолиятининг гоят муҳим даврига тўғри келишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки айни уша даврда, яъни 1720–1728 йилларда Г. Гендел Англияда Кироллик мусика академиясининг директори лавозимида фаолият олиб борган.

«Амир Темур» операсининг асл манбаси Агостине Пиовене⁷ қаламига мансуб бўлиб, мажмур либретто матни Н.Ф. Хайм томонидадан қайта ишлаб чиқилган. Опера мусикаси эса, Франческо Гаспарини⁸га тегишлидир. Маълумки, Ф. Гаспарини ижодининг етуқ палласида, 49 ёшда «Амир Темур» операсини яратган.

Г. Гендел ўз операси устида иш бошлаш олдидан Антонио Салвинини⁹ италян тилида басталанган либреттоси асосида яратилган Алессандро Скарлаттининг «Буюк Амир Темур» операси билан ҳам танишган бўлса ажаб эмас. Чунки ушбу либретто ҳам Ж. Прадон пьесасидан олинган бўлиб, Флоренцияда 1706 йили намойиш этилган. Г. Гендел эса, уша йиллари Флоренцияда бўлгани маълум.



Георг Фридрих Генделнинг
«Амир Темур» операси
компакт диски.
Лондон, 1997 йил.

Couverture CD,
Opéra «Tamerlano»
de Georg Friedrich Haendel.
Londres, 1997.

³ The Poetical Works of Nicholas Rowe, Esq. (<http://books.google.com/books?id=prvY1AAAQAAJ>) (1756). The Ambitious Step-Mother, Tamerlane, The Fair Penitent, Ulysses. Works by Nicholas Rowe (<http://www.gutenberg.org/author/Nicholas+Rowe/yanderuuk/>) at project Gutenberg.

⁴ Георг Фридрих Гендел (Georg Friedrich Haendel) – барокко даврининг машҳур итали ва инглиз бастакори. У Германияда Иоганн Бал ва Доменико Скарлатти билан бир оғилда – 1685 йил 23 февралда туғулиб, Италияда, шунингдек, Гамбург, Галле, Лондонда таҳсил олган ва фаолият курсатган, 1759 йил 14 апрелда Лондонда вафот этган. Гендел 1702 йилда Гетте-Веттенберг университетининг юридик факультетига ўқишга кириб, шунингдек ва ҳуқуқ фанларини ўргатган, университетнинг юридик факультетига ўқишга кириб, шунингдек ва ҳуқуқ фанларини ўргатган. Бу ҳуқуқшунослик бўлими профессор Христиан Томасин рабарлигида таҳсил олиб бўлса ҳам, бу фанга унчалик қизиқмаган. Гендел ҳаёти давомида «Юлий Цезарь», «Ринальдо» ва шу каби 80 тана яқин опера яратган. 1856 йилда Лейпцига Гендел яманиги тугулиб, Гендел аълитни 45 йил давомида контролдорнинг қоз жиҳдан ортинг асарларини настрадан чиқарган. 1882–1938 йилларда Лондонда ҳам яна бир Гендел яманиги фаолият курсатган бўлиб, асосан Генделнинг ушбу машҳур бўлган асарларининг иқроси билан шуғулланган. 1955 йилда таъинланган Лал яманиги Гендел яманиги Гендел яманиги эса Генделнинг нибатан тувл асарлар таълиминин чоп этилган. Каранг: Roman Rolland. Гендел ([http://www.en.wikisource.org/wiki/Handel_\(Rolland\)](http://www.en.wikisource.org/wiki/Handel_(Rolland))) – 1916.

⁵ George Frideric Handel, Tamerlano / Drama per musica in tre atti / Libretto: Nicola Francesco Haym (<http://music.genetec.com/Andrei/G.F.Handel/Tamerlano.htm>).

⁶ Никола Франческо Хайм (Nicola Francesco Haym, 1678–1728) – Италияда тутилган (асл келиб чилим Германиялик) машҳур скрипкачи, либретточи, опера бастакори театр бошқарувчиси ва музикачи (чада-таъна ва мисаллар тарзини урғулувчи). У салтан соҳида Георг Фридрих Гендел ва Жованни Багиста болонини билан яқин ҳамкорлик қилган, ушунинг охирини Англияда ўтказган.

⁷ Агостине Пиовене (Agostino Piovene, 1671–1721) – италиялик бастакор, драматург, либретточи.

⁸ Франческо Гаспарини (Francesco Gasparini, 1668–1727) – италиялик, барокко даврининг машҳур бастакори.

⁹ Антонио Салвини (Antonio Salvi, 1668–1724) – Тоскана буюк теристлигида парғоқ ярати ва либретточи.

Г. Гендел операсида тараннум этилган мураккаб сюжет чизигилаги вокеалар музаффар Соҳибкирон Амир Темура ва унга асир тушган Усмонли турклар султони Боязид Иилдиригим уртасида бўлиб утади.

Ушбу операнинг дастлабки ижрочилари Италия опера театридаги энг атоқли кушиқчилар бўлган. Яккахоҳон ижрочи айтадиган қисмларни тенор – Франческо Борозини (Боязид), алыт – Антонио Берначчо (Амир Темура), сопрано – Мария Бенти Булгарелли (Астерия), сопрано – Фаустина Бордони (Ирен) каби машҳур санъаткорлар ижро этган¹. Табиийки, уларнинг ижро маҳорати ҳам операнинг муваффақият қозонишида муҳим аҳамият касб этган.

1724 йилда Қироллик консерваториясининг олтинчи мавсуми Г. Генделнинг «Амир Темура» операси билан очилган. Театр жамоасининг ижрочилар гуруҳига опера театри юлдузлари Андреа Пакини (Амир Темура), Франциска Кушони (Астерия), Анна Виценза Дотти (Ирина), аввалги тарҳидан эса тенор – Франческо Борозини (Боязид) тақлиф этилган.

Шундай қилиб, соҳа мутахассислари Гендел ижод қилган йилларни «Генделча Уйғониш даври», деб юксак баҳолагани бежиз эмас. Гендел ҳақида алоҳида китоб ёзган таниқли адиб Ромен Ролланнинг фикрича, «агар ушбу бастакор Англияга эмас, Францияга борганича, опера соҳаси бундан ҳам илгарироқ ислохот ва юксалишларга юз тутган бўлур эди². Аҳамиятли жиҳати шундаки, XX асрнинг 20-йилларидан бу ўзига хос Уйғониш даври Фарбда яна ўзини баралла намоян эта бошлади. Яъни, Италия, Германия, Англия, АҚШ, Голландия, Франция каби мамлакатларда Гендел асарларига, шу жумладан, «Амир Темура» операсига кизиқиш қайтадан кучайди.

Кейинги йилларда юртимизда ҳам Гендел феноменига эътибор ортиб бориюкди. Шу ўринда «Амир Темура» операси матнининг ўзбекча таржимаси хусусида қисқача фикр юритиш жоиздир. Аввало, Генделнинг ушбу операси илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Таниқли шоир ва таржимон Фулом Мирзо кўп асрлик шонли тарихимиз билан боғлиқ ушбу Фарб сахнавий-музикаий асарини таржима қилишда операнинг руҳи ва оҳангини, қаҳрамонларнинг тилига хос ширали ва таъсирчан ифода услубини сақлаб қола билган.

Энг муҳими, Фулом Мирзо сахна асарининг бошидан-охиригача баянда парраларда тараннум этилган ранг-баранг туйғулар пўртанасини маҳорат билан ўзбекчалаштирган. Ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос характери ва шу феъл-атворига мутаносиб сўзлаш йўсинини маҳорат билан очиб берган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Георг Фридрих Гендел каламига мансуб «Амир Темура» операси – Европада қарийб 300 йил олдин яратилган бўлиб, утган даврда Фарбнинг унлаб пойтахтлари театрларида мунтазам намойиш этиб келинаётган бу машҳур асарнинг ўзбекча матни 2014 йили муштарийларимиз эътиборига биринчи мартаба ҳавола этилди³ ҳамда «Янги аср авлоди» нашриётида алоҳида китоб ҳолида чоп этилди⁴.

¹ Турсунов Г. Образ Амира Темура в сценических произведениях Запада // *Sar'at*, 2006. № 2.

² Roman Rolland. Handel. - 1916. - P. 204.

³ Карамат Г.Ф. Гендел. Амир Темура. Фулом Мирзо таржимаси / Соҳибкирон олдун, 2014. № 3. - 39-24-бетлар. №4. - 16-35-бетлар. Яна қаранг Г.Ф. Гендел. Амир Темура. Фулом Мирзо таржимаси / Китоб олдун, 2014, 26 март ва 23 апрель сонлари.

⁴ Георг Фридрих Гендел. Амир Темура: уч пардали музикали драма. Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи А.Х. Санжол. - Т.: Янги аср авлоди, 2015. - 4-24-бетлар.



Амир Темур бюсти.
Муаллифи номсиз.
Сегют, Туркия.

Buste d'Amir Temur.
Auteur Inconnu.
Séfüt, Turquie.

Жаҳон рассомлари томонидан Амир Темур тасвири тузирилган тўртта нодир расм Париж миллий кутубхонасида, шу портретлардан олинган нусхалар эса, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида сақланмоқда.

Барокко даврининг таниқли намояндаларидан яна бири - италян композитори Алессандро Скарлатти¹ (1660-1725) томонидан ҳам «Буюк Амир Темур» номли мусикали драма яратилган. Ушбу уч пардали сахна асарининг тақдироти 1706 йил сентябрь ойида Медичеа ди Пратолино вилласида бўлиб ўтган.

Мутахассислар фикрича, А. Скарлаттининг мусикий асарлари XVII асрда маркази Флоренция, Венеция ва Римда бўлган илк италян бароккосидаги ижро усули билан машҳур Моцарт аж нуктасини олган XVIII аср мумтоз ижро мактабиди узаро боғлаб турувчи муҳим бўгин ҳисобланади².

Франциялик адиб Жан Маньон³ томонидан Парижда 1647 йили «Буюк Амир Темур ва Боязид» номли эцентрик роман, 1648 йили эса, «Буюк Амир Темур ёки Боязиднинг ўлими» трагедияси яратилган. Ж. Маньон каламига мансуб трагедия 128 бетдан иборат бўлиб, 2002-2003 йилларда қайта нашр этилган.

Шундай қилиб, Амир Темур яшаб ўтган олис даврдан токи ҳозирги кунга қадар Европа драматурглари томонидан Соҳибкирон сиймосини ўзида гавдалантирган ҳўп-пал саҳна асарлари яратилган ва улар айни вақтда ҳам европалик театр санъати шинаваданларининг домини эътиборига сазовор бўлиб келмоқда.

Амир Темур ва Европа тасвирий санъати ҳамда ҳайкалтарошчилиги

Амир Темурнинг тарих саҳнасига келиши тасодиф эмас, чунки у ўз даврининг энг иқтидорли намояндаси бўлган. Инглиз адибаси Хилда Хўккем ёзганидек: «Амир Темур Марказий Осиё утмиши таракқиётининг барча сийси, иқтисодий ва маданият меъросини ўзида гавдалантирди. У X ва XI асрларда фалсафа, тиббиёт, астрономия, география, тарих ва адабиёт соҳаларида араб ва форс тилларида ажойиб асарлар яратилган юртда ўсиб, улғайди. Ана шу асарлар кейинчалик Европа Уйғонш даврини рағбатлантирди ва куп асарлар олдинда Европа фани захирасини таъминлади»⁴.

Амир Темур сиймосининг тасвирий санъат асарларида акс этиши ҳақида суз борганда, авваламбор, баъзи бир миниатюра асарларини ҳисобга олмаганда, ўз вақтида Соҳибкироннинг асл портрет-сурати чиқилмаганига эътибор қаратиш лозим. Бу миниатюралар эса, Амир Те-

¹ Алессандро Скарлатти (итал. Pietro Alessandro Gaspare Scarlatti) - барокко даврининг машҳур италян композитори. 1660 йил 2 мартда Палермо (Сицилия)да туғилган. Оштиндан оперка муаллифи, Неаполитан опера мактабининг асосчиси ҳисобланади. Формалари - ортик опера муаллифи, Неаполитан опера мактабининг асосчиси ҳисобланади. Формалари - Доменико Скарлатти ва Пьетро Филиппо Скарлатти ҳам композиторлар бўлган. А. Скарлатти Эмануил Асторанинг устозидир. У 1725 йил 24 октябрда Неаполда вафот этган. Қараг: Скарлатти, Алессандро // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: В 8 томах (82 т. И 4 том). - СПб., 1890-1907.

² Қараг: <http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Скарлатти, Алессандро&oldid=552053>

³ Жан Маньон (Jean Magnon) - француз адиви, 1662 йилда вафот этган.

⁴ Хўккем Х. Етти иқлим султони. Хўжжати-тарихий ақса / Х. Турғубеков ва Ш. Солиев таржимаси. - Т.: Алоқат, 1999 - 320 б.

мурнинг бетакроп шахсиятини ҳар томонлама тўлик ва ҳаққоний ақс эттира олмайди.

Амир Темурнинг кўп қиррали образини яратилганга нисбатан уринида Европа тасвирий санъатида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Франция Миллий кутубхонасида Соҳибқирон тасвири туширилган тўрт расм сақланади. Италиёлик мусаввир муйқаламига мансуб биринчи портретда Шарқ ҳукмдори флоренциялик олийжаноб зодагон киёфасида намойн булади. Бошқа бир суратда Амир Темур олмон императори сийратига гавдаланади. Учинчисида ҳукмдор олий мартабали инглиз лорди, француз мусаввири тасвирида Франция Қироли Шарль VI киёфасида қуринади¹.

Маълумки, Рембрандт² ҳам ўз ижодида Амир Темур ва темурийлар мавзусига муурожаат қилган. Машҳур рассомнинг картиналаридан бирида буюк Соҳибқирон ўз ворислари бўлимиш шахзодалар – Умаршайх, Бобур, Ҳумоюн ва Акбар мирзолар даврасида ақс эттирилган. Манбаларда қайд этилишича, рассом бу асарни қизишда Бобурийлар даврида Ҳиндистонда яратилган миниатюралардан илҳомланган.

Рембрандтнинг 1655-йиллар атрофида яратилган бошқа бир тасвирий асари «Поляк суворийси» деб ном номланади. Картинада, мутақассисларнинг фикрича, Боязидни Истанбулга қадар таъкиб этиб бораётган Амир Темур тасвирланган³.

Дунё галереяларида ва Интернетда Амир Темурнинг сиймоси сифатида намойиш этилаётган яна бир неча сурат ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Булардан бири – Амир Темур буюк⁴ бўлиб, айни вақтда Туркиянинг плимол-ғарбий қисмида жойлашган Сёгут шаҳарчасидаги музейда сақланмоқда, муаллифи номаълум.

Кейингиси – 1525–1605 йилларда яшаб ўтган италиялик рассом Кристофано дел Алтиссимо (Cristofano dei Peri ёки Cristofano dell'Altissimo) томонидан чизилган Амир Темур тасвири⁵. Ушбу асар Флоренциянинг Уффици галереясида сақланади.

Амир Темур тасвирланган яна бир асар Али Язидийнинг «Зафарнома» асари таржимони, француз шарқшуноси ва дипломати Франсуа Пети де ла Кроа томонидан (François Pétis de La Croix, 1653–1713) 1723 йилда chop этилган «Буюк Амир Темур ёки Темурбек тарихи» номи китобнинг бош варағида берилган бўлиб, ушбу сурат муаллифи ҳам номаълум⁶.

Яна бир муаллифи номаълум картина «The Mulfuzat Timurg, or Autobiographical memoirs of the Moghul Emperor Timur (1830)» номи китоб муковасига муҳрланган⁷.

Шунингдек, 1516–1590 йилларда яшаб ўтган француз тадқиқотчиси, ёзувчи-географ Андре Тевенинг 1584 йилда нашр этилган «Буюк инсоқлар ҳаёти ва тасвири» номи китобида Амир Темурга



Амир Темур тасвири. Муаллифи номаълум. Париж, 1584 йил.

Portrait of Amir Temur. Auteur inconnu. Paris, 1584.



Амир Темур французлар тасаввурда.

Amir Temur d'après les français.

¹ Холбоков М.Н., Булуғу Т.А. Амир Темур Ғарбий Европада маданиятида // «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидоғи ўрни» мавзусидаги маъкаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь. Ташкент. Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 79.

² Халрикс ван Рейн Рембрандт (1606–1669) – голландиялик машҳур рассом, бешикчи суратчи.

³ Ушбу картина АҚШдаги Нью-Йорк музейида, Фрикс туғулимида сақланмоқда. Ҳаҷми: 116,8x134,9 см. матага монбурча билан ишланган. Қараңыз: (<http://biography.sgu.ru/bio/dava/titen/pxkivsh/1390.jpg>).

⁴ http://temirukov-sp.ru/0108018/tamerlan_-_tragediya_potomkov.

⁵ http://temirukov-sp.ru/0108018/tamerlan_-_tragediya_potomkov.

⁶ Histoire de Timur-Idet, connue sous le nom de le grand Tamerlan, écrite en persan par Charles-Jacques An Yezidi et traduite en français par François Pétis de La Croix, publié par Alexandre-Louis-Marie Pétis de La Croix, Paris, 1723, 4 vol., in-12.

⁷ Тасвирнинг асл манбаи <http://www.istockphoto.com/royalty-free/tabac> манзилда берилган.



Амир Темур инглизлар
масавурида.

Amir Temur d'après les Anglais.



Амир Темур ҳиндлар
масавурида.

Amir Temur d'après les Indiens.

бағишланган боб мавжуд бўлиб, ушбу бобнинг бошланиш саҳифа-сида, яъни 630-бетда навбатдаги номаълум муаллифнинг гуёки Соҳибкирон тасвири акс эттирилган асар¹ чол этилган.

Диққат билан қараладиган бўлса, ушбу расмларнинг бирида Соҳибкирон мўғулга, яна бирида хиндга, учинчисида фарангларга, кейингисида бутунлай бошқа бир миллат вақилига ухшатиб тасвирланганини аниқлаш қийин эмас. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида Те-мурийлар наслидан бўлиши Бобурийлар сулоласининг намоёнлари Нуриддин Жаҳонгир (1605-1627) каламига мансуб «Тузуки Жаҳонгирий» асарида куйидаги парчаки келтириб муҳим:

«...Мазкур ойнинг олтисиди² Муқрибхон (даргоҳга) бир сурат юбо-рибдириким, фарангийлар фикрига кўра, бу сурат ҳазрат Соҳибкирон (Амир Темурнинг) суратидир. Воязид Йилдирим ул зотнинг музаф-фар лашқари қўлига тушганда Истанбулнинг уша замондаги ҳокими бўлган бир насроний ўз элчиларини тўхфа ва ҳаддалар билан (ҳазрат Соҳибкирон) даргоҳига юбориб, итоаткорлик ва хизматкорлик (майли-ни) ихор этган. Элчи билан ҳамроҳ қилиб юборилган бир мусавир ул ҳазратнинг суратини чизган (ва Истанбулга) олиб борган. Агар бу даъво ҳақиқат бўлса, мен учун ҳеч бир тўхфа буздан азиз бўлмас. (Бирок) сил-сила фарзандлари ва авлоди ташқи кўригиши ва суратиға нисбатан ҳазратнинг бу тасвири ухшашликка эга бўлмагани сабаб, (мазкур сурат бобидаги) сўзларнинг ростлиғи ҳусусида хотиримиз жам бўлмади»³.

Бу ўринда гап уша сурат аслида Амир Темурнинг тасвири эдимки ва ёки насроний мусавир Соҳибкирон ҳузурда чиндан ҳам бўлганим деган масалаларга ойдинлик киритиш ҳақида бормадиги. Муҳим шундаки, Нуриддин Жаҳонгир буюк аждодимиз ўз тасвирини чизди-рган бўлиши мумкинлигига дунёвий фикрлайдиган, яъни ҳазратнинг суратиға азиз тўхфа, деб қарайдиган кинсон сифатида ёндашган.

Шунинг ўзи ҳам Амир Темур ва теурийларнинг дунёвий ҳамда дунёвий илмлар, маданият, адабиёт, санъат соҳаларини тасарруф этиш ва рағбатлантириш борасида ҳамиша мумтозликка интилангани кўрсатиб турибди.

Турли тасвирларда турлича сиймолар акс этганидан аёнки, дунё ахли - на Шарқда, на Ғарбда яқин вақтларгача Амир Темурнинг кифаси қандай бўлгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Президент И.А. Каримов ташаббуси ва сўй-ҳаракатлари билан шонли тарихнинг бошқа муаммолари ҳаттори ушбу масала буйича ҳам илҳом ечишга келинди.

Аввало, тарих илмида ҳам Амир Темур ҳақида бир-бирига зид фикрлар, чалқаш талқинлар кўп учрадини кибобга олган ҳолда, му-тахассислар олдида Соҳибкирон портретини қадимий манбаларни ҳар-томонлама синчиклаб ўрганиб, тарихий-илмий ҳақиқат асосида яра-тиш талаби қўйилди. Бинобарин, Амир Темур даврига оид баъзи ёзма манбаларда, шу жумладан машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ асарида у зотнинг сурати ва сийрати ҳақида етарли маълумотлар маъжуд экан.

Бу маълумотлар Амир Темурнинг аниқ ва ҳаққоний портретини яратишда ўзбекистонлик мусавирларга бебаҳо материал бўлиб хизмат қилди.

¹ Portraits et Vies des Hommes Illustres, André Thévet. - Paris, 1584.

² 1609 йил 13 март.

³ Нуриддин Жаҳонгир. «Тузуки Жаҳонгирий»-дан: Тошкент давлат шарқшунослик инсти-тuti кутуридиги Абу Райзон Беруний номидagi Шарҳ қўғамлари маъдани Тоғонбоя 10в. №11382 // Амир Темур ва Мирзо Улуғбек - замонашарҳи хотиралари / Б. Ахмедов, У. Умаров, Ғ. Каримов ва бошқ. - Т.: «Ўқитувчи», 1996. - 180-181-бетлар.



Амир Темур ва темурилик хондалар
Рембрандт, XVII аср

Amir Temur et les princes timurides.
Rembrandt, XVIIe siècle.



Полный суворински
Рембрандт, 1655 г.г.г.
Нью Йорк музейи, АҚШ.

Cavalier polonais.
Rembrandt, 1655.
Museum of New York. Etats Unis.



Амир Темур олмиолар
маскаваруда

Амир Темур d'après les Allemands.

«Биз бу ишнинг тарих ва келажак олдидаги масъулиятини ҳар томонлама чуқур ҳис этиб, турли манбаларда қайд этилган ишончли тарихий далилларга таянган ҳолда иш тутдик»¹.

Шу талаблардан келиб чиқиб, аввало Амир Темур портретининг бир неча хомаки вариантлари тайёрланди. Улар дастлаб тарихчи олимлар, адиб ва рассомлар, жамоатчилик вакиллари муҳокамасидан ўтказилиб, умувий хулосага келинди.

Ушбу жараёнларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг раҳнамолиги алоҳида аҳамият касб этганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, И.А. Каримов Сохибқирон портретининг ана шундай ижодий муҳокамалардан ўтган варианты куриб чиқилган йиғилишда Амир Темурнинг либоси, курол-аслаҳаси, қадцу қомаги ва кийфаси юзасидан ўз фикрларини билдирди. Айниқса, умрининг кўп қисми ҳарбий юриш ва сафарларда, эл-юрт ташвишида ўтган инсоннинг кўллари, бармоқлари, гавдаси қандай бўлиши, юз-кўзлари қандай маъно аниқлаштириш зарурлиги ҳақида мулоҳаза ва тақдирларини айтди².

Шундан сўнг Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ана шу қимматли фикрлар асосида портретни қайта ишлади. Натижада бутунлай бошқа сиймо – бутунги қунда бутун халқимизга яхши маълум бўлган Сохибқироннинг муимтоз кийфаси пайдо бўлди.

Айнан шу сиймо кейинчалик юртимизда Амир Темурга атаб барпо этилган барча хайкаллар учун асос бўлиб хизмат қилди. Ҳолбуки, Парижда «Европанинг халоскорига» деб яратилган олтин хайкалчани ва советлар даврида антрополог-хайкалтарош М. Герасимов ишлаган «қўрқинчли» бюстни ҳисобга олмаганда, Ўзбекистон истиқлолга эришгунга қадар Сохибқироннинг хайкали Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам мавжуд бўлмаган.

Бутунги қунда дунёда темуршунослик соҳаси тобора ривожланаётганини эътироф этган ҳолда, Амир Темур шаънига турли бўхтону маломатлар ёдидирадиган айрим кучларнинг мафкуравий хуружлари ҳам давом этаётганини очик айтишга тўғри келади.

Жуылдан, охириги вақтларда интернет орқали Амир Темурнинг кийфаси ҳақида ғайриилтимоий фикрларни тикиштириш, Парижда Сохибқиронга бағишлаб тўғ ҳеч қачон ҳеч қандай хайкал яратилмагани ва ҳатто Амир Темур шахсининг ўзи гўёки тарихда мавжуд бўлмаганини «асослаб бериш»га қаратилган чиқишлар ҳам учраб турибди³.

Шунинг учун бу ҳақда сўз борганда, аввало, Париждаги Амир Темурнинг олтин хайкалчаси тарихи ҳақида қисқача тўхталиш тақозо этилади. Тарихий манбалардан маълумки, қудратли давлат ҳукмдори сифатида Амир Темурнинг обриси Ғарбда жуда юксак бўлган. Европа кироллари уни чуқур эҳтиром билан «энг шавкатли ва энг ғолиб подшо Темирбек» деб атаганлар.

Амир Темур ўз салтанатини Ғарбда Ўрта ер денгизигача, шимолда Русия ҳудуди, жанубда Хиндистонгача кенгайтириб, Европани турк султони Боязид Индиримининг юришидан халос этган ва «Европа халоскори» деган номга сазовор бўлган. Шу воқеа шарафига Францияда Темурга атаб олтин хайкалча (Хуршид Даврон тўғри таъкидлагандек, хайкал эмас, балки айнан олтин хайкалча) бунёд этилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбек маънавияти – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 151-бет.

² Каримов И.А. Ўзбек маънавияти – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 151-бет.

³ Каранг: Алимбек «Америкафилми...». 07.08.2012.14.23 (<http://www.islamicnews.ru/news/135683.html>).



Герасимов томонидан яратилган
Амир Темур портрети.

Reconstitution de l'apparence
d'Amir Temur par Guerassimov.

«Рус антрополог олимий
профессор М. Герасимов
ўзи яшаган давр, яъни
шуролар мафкурасига
биноан Амир Темурни
жаҳаддор, ваҳший ва
бешафқат одам сифатида
тасвирлаган. Аслида эса
тарихий манбаларга
таълиб иш қилиш керак
эди. Чунки Амир Темурни
яқиндан билганлар у ҳақда
узгача фикр билдиришган».

Людсьен Керен

Баъзи маълумотларда хайкалчанинг 1900 йили Парижда
утказилган кўрғазмадан сўнг уғирлаб кетилгани ва ҳозирда унинг
тақдири номаълум экани айtilади¹. Бошқа бир маълумотларга кўра,
ушбу ноҳир хайкалча Париждаги Лувр музейида сақланмоқда².

Нима бўлганда ҳам, Амир Темур шарафига Европада олтиндан
хайкалча яратилгани тарихий ҳақиқатдир. Профессор Л. Кереннинг
«Амир Темур» номли китобида ана шу хайкалча таъсирланган ноёб су-
рат чоп этилгани ҳам буни тасдиқлайди. Сурат тагида эса: «Темурнинг
олтиндан ясалган хайкалчаси, 1900 йили Парижда, кўрғазмада намо-
ниш қилинган»³, деган изох ёзилган.

1992 йили халқаро илмий анжуманда катнашиш учун Парижга
борган ўзбек археолог А. Бердимуродов ушбу хайкалча ва сурат тари-
хи ҳақида профессор Л. Керен билан юзма-юз сузлашган. Олимнинг са-
фар таассуротларига бағишланган мақоласида Амир Темур хайкалчаси
хусусида куйидаги фикрлар қайд этилган:

«...Суворийнинг ўнг томонида туғ ифодаланган, отининг оёқлари
тагида эса, кесилган каллалар тасвирланган. Албатта, бу манзара бу-
гун бизнинг назаримизда анчайин даҳшатли бўлиб туюлиши мум-
кин, аммо бу хайкал урта асрларда яратилганлигини ҳисобга оладиган
бўлсак, ўша давр томошабини ва хайкалтароши учун оддий ҳаётий
ҳақиқат бўлиб туюлган»⁴.

А. Бердимуродовнинг советлар даврида Герасимов томонидан яра-
тилган Амир Темур хайкалчасига муносабати ҳам эътиборни тортади.
Маълумки, 1941 йилнинг июнь ойида собиқ иттифок ҳукумати экспе-
дицияси томонидан Самарқанддаги Амир Темур мақбарасида дафт-
этилган Соҳибқирон Амир Темур, Мироншоҳ, Шохрух Мирзо, Мирзо
Улубек, Мухаммад Султон ва Бибиҳоним мақбарасидаги Бибиҳоним-
нинг даҳмалари очилган. Хусусан, антрополог М. Герасимов бир йил
давомида темурийларнинг бош чанокларини ўрганиб, шу асосда улар-
нинг суратларини ишлаган.

1941 йил 9 декабрда Тошкент шаҳрида М. Герасимов томони-
дан ишлаган Амир Темур, Шохрух ва Улубекларнинг суратларини
муҳокамадан ўтказиб, қабул қилиш мақсадида тузилган комиссиянинг
йиғилиши бўлиб ўтган. Бу комиссияга собиқ иттифокнинг танikli
олимлари – академиклар Струве, Готье, Греков, профессорлар Семенов,
Ошанин, Якубовский, Тревэр ва бошқа бир қатор адабиёт ва санъат на-
моёндалари жалб қилинган.

Уша йиғилиш баъни матни билан танишиш шуни кўрсатдики,
сўзга чиққанларнинг фикрларига кўра, М. Герасимовнинг меҳнат
қўлчилик томонидан тан олинган, ҳеч ким дегарли эътироз билдир-
маган. Албатта, марказдан юборилган олимлардан фэрқли уларок,
ўзбекистонлик академик Т.Н. Қорин-Нисеный Герасимов томонидан
амалга оширилган ишнинг «баъзи ўринларига эътибор қаратишга,
«М. Герасимов бу борада қўп ишлаши керак»лигини ўқитиришга ҳаракат
қилган.

¹ А. Бердимурод. Соҳибқироннинг олтин хайкалчаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.
1993. 25 июнь. А. Бердимурод. Самарқанд тарихининг тоғончилар / Масъул муҳаррир Т. Ширинов.
– Т.: Маънавият, 2015. – 179–181-бетлар.

² Курбонова Д.А. Жаҳон қазиналарининг темурийларга оид жамғирлар / Масъул
муҳаррир Н. Ҳабибуллоев. – Т.: Академичест, 2011. – 30-бет.

³ А. Бердимурод. Соҳибқироннинг олтин хайкалчаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.
1993. 25 июнь.

⁴ Ўша манба.

Шунингдек, ҳайкалтарош Кучис ушбу суратлар «анчайин куруқ чиккан»ини, «у (Герасимов) расомлар билан бадийий образлар яратиш ҳақида келишиши лозимлигини айтган. Мусаввир Татевосьяннинг «Темурнинг дубулғасига ҳам ўзгартириш киритиш лозим. Умуман, бу қисмга бадийий тузатишлар қилиш керак. Темурнинг қулоғини ҳам бошқача яратиш керак, ҳозирги ҳолатда унинг қулоғи бировниккига ўхшаб қолган»¹, деган фикрлари ҳам йиғилиш баёни матнида қайд этилган.

Шунга қарамай, ўшанда М. Герасимов томонидан ишланган Амир Темурнинг қиёфаси Соҳибқиронни ўз кузи билан курган ва юзма-юз гаплашган машҳур муаррихлар, олимлар ва элчиларнинг ёзиб қолдирган тасвирларига мутлақо ўхшамаслигини йиғилиш ишгироскиларидан ҳеч ким очик ва қатъий айта олмаган.

Бунинг сабаблари бор эди, албатта. Биринчидан, ўша йиғилиш Иккинчи жаҳон уруши айна қизиган, сталинизм катағони ҳали давом этаётган пайтда бўлиб ўтган. Иккинчидан, бир қатор совет тарихчилари томонидан «ёвуз», «қонхўр» деб таъриф берилган Амир Темур ҳақида ўша кезларда ижобий фикр айтиш муқаррар ҳалоқат эканини йиғилиш ахли жуда яхши билган.

*Лекин на миниатюраларда
ва на суровларда Улуғ
Амирнинг ногиронлигига
бирон-бир ишора йўқ.
Шу ҳолатнинг ўзи ҳам бу
тасвирлар ҳақийқатдан
қончилик узоқ эканини
яққал кўрсатиб турибди.*

Мазкур тарихий ҳужжатларни танкидий-тахлилий ўрганган А. Бердикуродов бу ҳақда, жумладан, шундай деб ёзди: «М. Герасимов яратган бош чаноғи асосида марҳумларнинг қиёфасини яратиш усули яроқсиз эди, демоқчи эмасман. У ҳам агарда Темурнинг қиёфасини аслига ўхшатадиган бўлса, Сталиннинг қаҳрига учраб-нетиб утирмаслик учун, ўз олдига иложи борича ҳазрат Соҳибқироннинг кўринишини қаҳри, ёвуз қилиб яратиш мақсадини қўйган бўлса керак. Қолаверса, М. Герасимовнинг бевосита таълимини олган ўзбек антропологи, тарих фанлари доктори Т. Хўжаевнинг айтишича, бугунги кунга келиб, М. Герасимов яратган усулнинг ҳам анча-мунча камчиликлари борлиги аён бўлмоқда»².

Юқоридagi фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиб айтганда, М. Герасимов томонидан 1942 йилда ишланган Амир Темурнинг қиёфасини энг мукамал иш деб қараш нотўғридир. Бу борада Истиклол йилларида ғоят муҳим қадамлар қўйилди. 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Тошкент, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларида Соҳибқиронга агаб улуғвор ҳайкаллар ўрнатиш бўйича бажарилган амалий ишлар улкан тарихий аҳамият касб этди.

«Юксак маънавий – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, дастлабки лойиҳа ва тақлифларга кўра, Самарқанддаги ҳайкал тимсолида Соҳибқироннинг авжи куч-қувватга тўлган навқирон палласи, яъни йиғитлик даврини, Шаҳрисабздаги ҳайкал орқали эса, бегубор болалик ҳолатини ифодалаш мўлжалланган эди.

Муҳокамалар пайтида Президент И.А. Каримов Соҳибқирон сиймосини хронологик тарзда эмас, балки ягона, фундаментал образ сифатида тасвирлаш мақсадга мувофиқ экани ҳақида, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирган: «Амир Темур образини турли даврларга бўлмасдан, унинг фавқуллода буюк ақл-заковати, жасорати ва аъму шайхонатини яқлит ҳолатда мужассам ифода этиш ҳар жиҳатдан тўғри бўларди. Токи Амир Темур сиймосини ким қаерда кўрмасин,

¹ Бегимқуродов А. Тўри Амир мақбараси. – Т.: «Халқ мероси». 1996. – 50-52-бетлар.
² Ўша етди. – 52-53-бетлар.

унинг мардона, улуғвор ва донишманд киефасини беҳито таний оладиган бўлсин».

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиебонида, Самарқанддаги Қўқсарой, Шаҳрисабздаги Оқсарой майдонларида юзидан нур ёғилиб турган Сохибқирон сиймоси акс этган мухташам ҳайкаллари йиғирма йилдан буён ҳар куни минг-минглаб ўзбекистонликлар, чет эллик меҳмонлар кўриб, завқланишда ва фахрланмоқда, энг муҳими, тарих ҳақиқати юзага чиққанини эътироф этмоқда.

Амир Темур ва Европа меъморчилиги

Шу уринда санъатнинг яна бир соҳаси - меъморчилик Амир Темур ва теурийлар даврида қандай ривожлангани ва бу борадаги ютуқлар Ғарб архитектураси истиқболига нечоғлик таъсир курсатгани ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Туркистон каби шаҳарларда ҳозирги кунгача сақланиб қолган мухташам санъат обидалари уша даврда Сохибқирон ҳонийлигида мамлакатда меъморчилик ва шаҳарсозлик нақадар ривожланганидан далолат беради.

Амир Темур даври меъморчилик услуби миноралар, гумбазлар ва пештоқларнинг маҳобати ва кўкка юксалган буй-басти билан алоҳида ажралиб турган. Бу давр меъморчилигидаги баланд тоқу равоқларни кузатиш асносида, Шарафиддин Али Яздийнинг: «Агар осмон гумбази бўлмаганида мажид гумбази оламда ягона бўлар эди» деган муболагаси ёдга тушади.

Бу даврда янги конструкция вояларининг пайдо бўлиши тоқу равоқли тизимларнинг илдам ривожига олиб келган. Бурчак равоқлари ташкил этган саккиз ёкли девор устига боғланадиган гумбаз қадами ўз ниҳоясига етгани учун ҳам, гумбазга ўтиш орасида бошқача поғоналар пайдо бўлган. Гумбазлар тузилишида ҳам ўзгаришлар содир бўлган. Қўшқобик гумбазлар кенг қўлланилган. Амир Темур мақбараси каби ноёб меъморий ёдгорликларда уч қобикли гумбазлар ҳам пайдо бўлган².

Сохибқироннинг қиндик қони тўқилган юрти - Кешга (ҳозирги Шаҳрисабз) 1404 йил август ойида келган Клавихо бошқилигидаги Испания элчилари бу ердаги Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти билан боғлиқ барча иморатларни диққат билан куздан кечирган.

Айниқса, Клавихонинг уша сафари чоғида Оқсарой билан илк танишуви ҳақида битган хотиралари эътиборга моликдир: «Эртаси (29 август), жума куни элчилар Кешдаги яна бир маҳобатли сарояни томоша қилишди. Подшоҳнинг аъри ила бунёд этилаётган бу қошопа қурилиши (1380 йилда бошланган - А.С.), айтишларича, йиғирма йилдан бери ҳар куни, тинимсиз давом этади. Шу қунарда ҳам (бу ерда) ҳўплаб усталар ишларди. Саройга жуда узун йўлақдан, бағоят баланд дарвоза орқали қирилади»³.

Хожа Аҳмад Ясавий мақбараси.
Туркистон. XIV аср охири.
(228-229-бетлар)

Mausolée Khoja Ahmed Yasavi.
Turkestan. Fin du XIVe siècle.
(Pages 228-229)

¹ Карцов И. А. Южная азияцист - сипривак куч. - Т.: Мамулашти, 2008 - 153-бет.

² Амир Темур жапон тарихида. - Т.: «Шарк», 1996 - 152-бет.

³ Рун Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёрат қилишги (1402-1406 йиллар) / Мусуля муҳаррир: Муҳаммад Али; Сўз боши ва шўқлар муаллифи М. Сафаров, тарж. О. Тоғасев. - Т.: «Ўзбекистон», 2010. - 147-бет.



Оқсаройнинг утмишдаги бекиёс улуғворлигига далил сифатида маҳобати дарвоза бошпештоқининг иккирукни ва иронлари хозиргача сақланиб қолган. Пештоқ равоқи 22 метр кенгликда бўлиб, икки томондан мизорасимон буржлар ва даҳанаси билан диққатни жалб этади. Пештоқнинг тепа қисми сақланмаган. Худди шу ердаги уч доира – қуёш ва арслон тасвири билан кошинқорий безаклар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

«Шак келтирсанг балийлик
кароматимизга,
Келиб-боқил тилкामизи
иморатимизга».

Амир Темур

Оқсаройдаги қурилиш жараёнларининг гувоҳи бўлган Клавиҳодан анча йиллар кейин бу ерда бўлган ва испан элчисини лол қолдирган ўша буюк пештоқнинг маҳобатига махлиё бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур: «Мунча олий тоқ оламда ҳам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқиди бу буюкроқдир», деб таъкидлаган.

Ҳақиқатан ҳам, ўша даврда наинки Марказий Осиёда, балки жаҳон меъморчилиги тажрибасида Оқсаройдек буюк ва улуғвор бино деярли бўлмаган. Оқсарой сатҳи 320x450 метрдан иборат тўғри тўртбурчак шаклидаги улкан майдонда қад ростлаган бўлиб, қар қайси томондаги деворнинг уртасида биттадан дарвоза мавжуд бўлган. Оқсаройни безаш учун Дехлидаги (Ҳиндистон) Тожмаҳалга нисбатан 170-200 баробар қўп олтин, нодир металллар ва қимматбаҳо тошлар ишлатилган.

Баъзи манбаларга қўра, Оқсарой асосий дарвозасининг баландлиги 71 метрлик пештоқи ва 26 метрлик гўмбаз билан биргаликда 97 метрни ташкил этган. Бу ўринда гўмбаз устидаги соф олтиндан ишланган, учида хилол тасвири туширилган 12 метрлик найзасимон учининг (шпили) бўйи ҳисобга олинмаган.

Соҳибқирон салтанати пойтахти томонда жойлашгани учун «Самарқанд» деб аталган ушбу дарвоза тарҳи ва гўмбаларининг нуҳасидан кейинчалик Амир Темурнинг эвараси Шохжаҳон Тожмаҳал обидасини бунёд этишда фойдаланган. Оқсаройнинг «Бухоро» деб номланган дарвозаси гўмбаз билан бирга – 75 метр. «Термиз» дарвозаси – 53 метр ва «Беҳишт» номли гўмбаэсиз дарвоза 33 метр баландликка эга бўлган².

«Бу бинолар олтин,
ложувард ва боққа ҳар хил
ранглар билан безатишган,
моҳир усталари билан
манҳур бўлган Парижда ҳам
ҳайратга лойиқдир».

Рун Гонсалес де Клавиҳо

Соҳибқирон, айниқса, Самарқанд шаҳридаги меъморчилик ривожига кучли туртки берган ва улкан шижоат бағишлаган. Самарқандга Марказий Осиё ва ўрта Шарқнинг моҳир меъморлари, яна бошқа худудлардан санъаткор усталарнинг қўчириб келтирилиши шаҳарнинг ислни қўрилмаган даражада раванқ топишига замин хозирлаган.

Маҳаллий ва четдан келган меъморлар ҳамда бинокор усталарнинг ҳамкорликдаги ижоди туфайли Мовароуннаҳр меъморчилигининг энг сара анъаналари негизда меъморчиликда бадий ижодиётнинг гузал намуналари вужудга келган. Манбаларда эътироф этилганидек, Рим папаси Александр VI Авлий Пётр ибодатхонаси қурилишини қандай назорат қилган бўлса ёки Людовик XIV Версал саройини бунёд этиш ишларига қандай бошчилик қилган бўлса³, Амир Темур салтанатидаги барча ободлик ва бунёдкорлик ишлари Соҳибқироннинг амри, қамқовлиги ва бевоқиф раҳбарлиги остида амалга оширилган. «Темур тузуқлари»даги: «Мухандислар билан иттифоқда олий иморатлар

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома, Тошкент, 1958 – 108-бет.
³ Фотима Амир Темур http://uz-akam-bek.blogspot.ch/2012/07/blog-post_20.html
⁴ Портрет Амира Темур в контексте своей эпохи // Интернет-портал. Великая цивилизация «Литрес» (Litres.ru). – С. 14

барпо этиб, боғу бўстонларнинг тарhini чиздирардим¹, деган жулма юқоридаги фикрларнинг яққол исботидир.

Темурийлар замонининг бундай улкан бунёдкорлик жараёни дунёнинг турли қудудлари, шу жумладан, Фарб мамлакатларида кенг ҳўламада меъморчилик мўъжизалари яратиш амалиётига ўзининг муайян таъсирини курсатган. Хўсусан, Европа ақли Амир Темур даврининг бир-биридан нодир ва ноёб осмонупар гўмбази обидалар мажмуидан иборат ўзига хос меъморчилик санъати билан, Сохиқирон ҳали ҳаётлиги пайтидаёқ, Руи Гонсалес де Клавихо каби элчи ва сайёҳларнинг хотираларин, шу сингари бошқа ишончли манбалар орқали хабардор бўлган².

*«Мўҳандислар билан
иттифоқда олий
иморатлар барпо этиб,
боғу бўстонларнинг
лойдҳаларини чиздирдим».*

«Темур тузуқлари»

Хўсусан, XIV аср урталарида Шоҳи Зинда ансамбли таркибидagi Хожа Аҳмад мақбарасида диаметри, яъни қўндаланг кесими 5 метр бўлган бино устига 3,5 метр баландликдаги гўмбаз ўрнатилган бўлса, XV асрнинг биринчи ярмидаёқ Мирзо Улўбек расалхонасининг мунажжими Қозизода Рўмий мақбараси устига қарийб ўша ўлчамдаги қўндаланг кесимли (6,5 м. диаметрли) бино устига 12 метр баландликка эга бўлган улкан ташки гўмбаз бунёд этилган муваффақ бўлинган. Сўдда қилиб айтганда, Самарқанд меъморчилиги амалиётида қисқа вақт ичида иморат гўмбазининг оддингиларидан 3,5 баробар баланд, уни кўтариб турадиган бино диаметрига нисбатан эса, қарийб 2 баробар катта ўлчамга эга бўлшшига эришилган.

Бу каби ҳайрат ва эътирофга лойиқ оламшўмул тажрибалар ўша даврда Европа, хўсусан, Италия меъморчилиги учун том маънода кескин тўнтарош ясаган. Чўнки, дунё меъморчилигида янги ўфқларни очган ушбу беқийс ютуқларнинг довуғи Санта Мария дель Фиоре ибодатхонаси учун юксак гўмбаз тиклаш мақсадида гўмбаз билан уни кўтаришга қодир бино диаметри ўлчамлари орасидаги мўтаносибликни аниқлаш устида 100 йилдан орттиқ вақт давомида изланиш олиб бораётган Флоренция меъморларига ҳа ятиб борган.

Италиялик 40 ёшли меъмор Филиппо Брунеллескига 1418 йилда Санта Мария дель Фиоре ибодатхонасига бемисл муҳташам гўмбаз бунёд этишдек шарафли вазифа ишониб топширилган. Италиялик меъмор 42 метрлик маъкур гиштин гўмбазни тиклашда, мутахассисларнинг эътирофига, айнан Амир Темур даври меъморчилиги услўбига таяниб иш тутган³. Бинобарин, янги маҳобатли гўмбазнинг ўша даврда Европа, хўсусан, Италия, шу жумладан Флоренция турмуш тарзида мутлақо нотаниш бўлган «тамбур» (tambour) сўзи билан аталгани бежиз эмас.

Шўни ҳам айтиш керакки, ўша даврларда ўрта ер денгизининг ён соҳилида, Франциянинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Прованс вилоятида барабан садолари остида тушиладиган «tambourin» рақси араб-испан тўқнашўваридан қолган ўрф сифатида мавжуд бўлган. Кастилия, Арагон ва Наварра қўшинлари томонидан 1212 йилда арабларнинг Европага босқини тўхтатиб қолинган бўлиб, ўша жангда қарбликлар учун ҳали нотаниш бўлган ана шу мусиқа ақбобининг товуши испан қўшини отларини қаттиқ хурқитиб юборган. Бу барабаннинг

¹ Темур тузуқлари/Тахрир хўлтати: Б. Абдулҳаликов ва бошқ., форсча матбдан А. Соғдинов ва Ҳ. Кароматов тарж. - Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 93 бет.

² Аҳмад Тонди. Архитектурный декор Средней Азии эпохи Тимуридов: Дис... канд. искусствоведения: - Москва: 2003. - 205 с.

³ Карани: Аскарлов Ш. Амир Темур и Филиппо Брунеллески // San'at, 2004, №3-4; Askarlov Sh. Amir Temur and Philippe Brunelleschi // San'at, 2004, № 3-4; Аскарлов Ш. Д. Архитектура Темуридов. - Т.: San'at, 2009. - с. 134.

*«Аёнки, Версалсиз
Людовик XIV Қирол-Қўёни
була олмасди. Темур ҳамиша
ва шаҳсан еамхўрлик ҳилиб
яратган Самарқанднинг
меъморий мўъжизасисиз
Темур була олмасди».*

*Жан Пол Ру,
Франция*



Ақбар Ҳакимовнинг «Ўзбекистон санъати» кўрағамаси катталони Париж, ЮНЕСКО, 1996 йил.

L'art de l'Ouzbékistan est fondé sur des matériaux de l'exposition à Paris (avril 1996), organisée à l'occasion du 660^e anniversaire d'un grand homme d'Etat de l'Asie Centrale Amir Temur dans le cadre des manifestations solennelles de l'UNESCO. Auteur: Akbar A. Khakimov.

Хажа Дониёр макбараси Сағана Самарқанд

Мавзоиҳи Ҳажа Дониёр (prophète Djalil) Tombeau Samarkand

араблар «даф», турклар «дэф» деб атаганидан ҳам билиш мумкинки, Урта ер денгизи хавзасидаги мусулмон халқларининг маданиятлари узаро уйғуривожланган.

Модомики, Европа маданияти барабанингузига хос оханги ва ракси билан бирга узлаштирган экан, нима сабабдан шу мусиқа асбобининг номини ҳам қабул қилмаган, нега уни бошқача номлаган, деган савол туғилиши табиий. Ҳақиқатан ҳам, Фарб лугатларида қайд этилишича, бу мусиқа асбобининг европача номи форсий тилдаги «tablāh» (барабан) сузидан олинмаган. Бу атама аслида туркий, яъни ўзбекча «дўмбира» сузи бўлиб, мусиқий ва мейморий лугатларда барабан деган маънони англатади.

«Tamburo» сузи француз ва инглиз тилларида ҳам барабан деган тушунчани ифодалаганига қарамай, мейморий атама сифатида «жавон эшиклари» ва «икки эшик оралиғидаги тамбур» мазмунидагина ишлатилади. Шу билан бирга, флоренцияликлар қўлайидиган «tamburo» сузи шарофати туфайли Европанинг бошқа бир қатор тилларида, масалан, поляк тилига унинг янгича маъноси, яъни «иморат гўмбазини кўтариб турадиган бино» барабан» тушунчаси ҳам кириб келган.

Буларнинг барчаси XIV-XV асрлар жаҳон тарихида наинки Урта Осиёнинг гуллаб-яшнаган даври сифатида, аини чоғда, Европата Амир Темуր деган

мейморчилигининг янги услублари ва янгича атамалари кириб борган ажойиб юксалиш палласи мақомида муҳрланганини тасдиқлайди.

Олимшўнос олим, шоир Садриддин Салим Бухорий Амир Темуր макбараси икки қанатли бўлиб, Шарқ даҳмасолиғи услубида бунёд этилган. Германиянинг Ваймар шаҳрида Амир Темуր макбараси андозаси асосида даҳма ишқооти қурилган бўлиб, у жойга герцог Август, улуғ немис аломалари Гёте ва Шиллер дафн этилган, деб таъкидлаган.

Шундай қилиб, Амир Темуру ва темурийлар даври маданиятининг ҳаётбахш фалсафаси, унинг юксак баъдий муваффақиятлари кейинги даярлар Шарқ ва Фарб маданияти, адабиёти ва серқирра санъатининг ривожига самарали таъсир кўрсатган.

Амир Темуру ватани бўлган Ўзбекистонда маданиятнинг юксак парвози қонунийдир. Илим-фан ва санъатнинг неча минг йиллик анъаналари Амир Темуру ва ворисларининг ярағувчилик фаолияти туфайли янгидан қуртак ёзди.

Алҳудаси, таъкиди санъатшўнос олим Ақбар Ҳакимовнинг «Ўзбекистон санъати: тарих ва ҳозирги замон» номи китобида алоҳида бир б. б. темурийлар даври маданияти ва санъати феномени талқинига бағишланган. Муаллиф темурийлар даври санъати тараққиёти ютуқларини Фарб ва Шарқ санъати қамла хунармандчилик соҳасидаги муаммолар ечими нуқтан назаридан чуқур таҳлил қилган².

² Дониёр, Садриддин Салим. Таъриҳу шайхоналар. - Т. «Бунёд», 1993. - 34-бет.
А. Ақбаров. Ўзбекистон маданияти тарихи ва ҳозирги замони. - Т. «Саҳна», 2010. - 504 с.




Хожа Дониёр зиратгоҳи Самарқанд шаҳрида, Африсийёб ёдгорлигининг шималий-шарқий қисмида жойлашган. Айрим тарихий манбаларго кўра, Амир Темур еттинчи йиллик ҳарбий юриши даврида Суза шаҳридан (ҳозирги Шуш шаҳри, Эрон) Дониёр пайеамбурининг ҳоқини Самарқандга олиб келган ва шу муносабат билан Сиёб армен бўйидаги ҳозирги тушманзара мақбараси мақбара ва масжид бунёд эттирган. Мақбара биносининг эи 5,77 метр, узунлиги эи 21,20 метр, баландлиги 4,80 метр бўлиб, у узунчақ тарафи, беш гумбазли хонадан иборат. Кабрининг ўзи 18 метр.

Шунингдек, Ахбар Ҳакимовнинг «Темурийлар даври хунарамандчилиги», «Ислом дунининг бадий мероси»² каби кўплаб илмий мақолаларида ҳам ушбу мавзу атрофлича очиб берилган. Хусусан, олим таъкидлаганидек, «XIV-XV асрларда сиёсий майдонда Амир Темурнинг пайдо бўлиши билан ўрта Осиё халқлари яна маданият ва давлатчиликни тиклаш йўлидан бордилар. Бу вақтда шаҳарлар барпо этилди, улкан меъморий ёдгорликлар қурилди, санъат, шеъринат ва хунарамандчилик ривожланди»³.

Бундан ташқари, санъатшунос олим Эълмира Гюль қаламига мансуб «Темурийлар даври меъморий безаклари: тимсоллар и белгилар»⁴ номли монографияда Амир Темур ва темурийлар даври амалий санъати, қулоччилик, уймакорлик, тош уймакорлиги, деворий расмлар каби ранг-баранг санъат йўналишларининг ривожланиши ҳамда узига хос ноёб амалий услублари батафсил ёритилган.

Мустақиллик йилларида хур ва миннатдор авлод буюк Соҳибқирон хотирасини эхтирому мамнуният билан ёдга олиб, ул зот қолдирган бой маънавий меросни изчил ривожлантирмоқда. Биз, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъбири билан айтганда, «... Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғонип жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига қумаклашганини англаб фахрланамиз»⁵.



Алишер Навоий девонидо шайхона қабили қомас.

Tale ancien du Divan d'Alisher Navoi.


¹ А. Ҳакимов. Темурийлар даври бадий хунарамандчилиги // Moziydan so'z, 2006, № 4 - 2-7-бетлар.

² А. Ҳакимов. Ислом дунининг бадий мероси // Moziydan so'z, 2006, № 2 - 2-12-бетлар.

³ А. Ҳакимов. Темурийлар даври бадий хунарамандчилиги // Moziydan so'z, 2006, № 4 - 2-7-бетлар.

⁴ Эълмира Гюль. Архитектурный декор эпохи Тимуридов: символы и значения / отв. ред. Э. Рашеядов. - Т.: Исламское искусство журнала Saq'at, 2014. - 180 с.

⁵ Каримов И.А. ЮНЕСКО хароратидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва таърифининг гуллаб-яшнаши» адргаъясининг очилган маросимидagi мухт. 1996 йил 26 апрель. Парис // Каримов И.А. Бунёдкорини йўлидан. Т.4. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 341-бет.



**ÉCOLES EUROPÉENNES
DES ÉTUDES
TIMURIDES**

**ЕВРОПА
ТЕМУРШУНОСЛИК
МАКТАБИ**

تعمیر و ترمیم و از امر آنرا از فرموده که با طراوت قلعه و در آن آمدند و طرف در و راه کا اهدا و جلا و کار کرد و امر سایر بلاد

مردم که استقامت و نماز دادند که در مقابل آن حصن حصین بنیان زد

و دیگران از امر فرموده که از دو جانب دو قلعه دیگر

بنای مسجد تا آید



«XVI, XVII, XVIII, XIX ва XX асрларда Франция, Италия, Испания, Англия ва Германияда Амир Темурига булган қизиқиш ҳайратомуз даражада ортиб кетди»¹.

Жан Пол Ру,
француз шарқшуноси

Европа шарқшунослиги ҳамда Амир Темури ва темурийлар тарихи

Тарихни орқага кайтариб булмайди. Оққан даре доимо оқаверади. Аждодларимизнинг асрлар давомидаги орауси 1991 йил 31 августда ушалди, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шу кундан бошлаб Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик, бозор иқтисодиётидаги, ижтимоий ва маданий соҳадаги ислохотлар, ташқи сиёсат алоқаларининг кенгайиши халқаро жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон энг қадимий ва бой маданиятга эга бўлган, ўз навбатида, жаҳон дивилизациясига катта хисса қушган мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистон халқи дунёга буюк аллома ва олимларни, шоир ва ёзувчиларни ҳамда давлат арбобларини етказиб берган.

Ўзбекистон жаҳон илм-фани ва маданиятини янада ривожлантириш мақсадида ЮНЕСКО сингари етук халқаро ташкилотлар билан якндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг ёрқин мисоли 6 жилдлик «Марказий Осиё дивилизациялари тарихи» номли илмий фундаментал китобнинг нашр этилишидир².

¹ Jean-Paul Roux, Tamerlan. – Paris: 1994. – P. 23.

² History of Civilizations of Central Asia. Volume I. The dawn of civilization: earliest times to 700 B.C. Editor: A.H.Dani. – Paris: UNESCO, 1993. – 535 p.; History of Civilizations of Central Asia. Volume II. The development of sedentary and nomadic civilizations: 700 BC to A.D. 250. Editors: Lucien Hansen, B. N. Puri, G. F. Elensadi. – Paris: UNESCO, 1994. – 573 p.; History of Civilizations of Central Asia. Volume III. The cross-roads of civilizations: AD 250 to 750. Editors: B. A. Litvinsky, Zhang Chunxi, Di R. Shebani Samghabadi. – Paris: UNESCO, 1996. – 569 p.; History of Civilizations of Central Asia. The age of achievement AD 750 to the end of the fifteenth century (Part I & Part II). Part One: The historical, social and economic setting. Editors: M.S. Asimov and C.E. Bosworth. – Paris: UNESCO, 2000. – 474 p., Part Two. Achievements. Editors: M.S. Asimov and C.E. Bosworth. – Paris: UNESCO, 2000. – 745 p.; History of Civilizations of Central Asia. Volume V. Development in continuity from the sixteenth to the mid-nineteenth century. Editors: Chahryar Adle and Jiro Hoshi, Co-Editors: Karl M. Baipakov. – Paris: UNESCO, 2003. – 910 p.; History of Civilizations of Central Asia. Volume VI. Towards contemporary civilization: from the mid-nineteenth century to the present time. Pre-Editors: Chahryar Adle, Co-Editors: Madhavan K. Palat and Anura Tabyshalieva. – Paris: UNESCO, 2005. – 992 p.

Шарафиддин Али Яздийнинг
«Зафарнома» асаридаги
Амир Темури тасвирланган
миниатюра.
Шераз, 1435–1436 йиллар.

Tamerlan
Miniature de «Zafar-namè»
de Cheref-ed-Din Ali Yezdi
Chiraz, 1435–1436

Бундан ташқари, Самарқандда ЮНЕСКО томонидан Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг очиштиши, Иби Сино, Ҳоразмий, Улуғбек, Мотуридий, Марғиноний ва бошқа улуг аждодларимизнинг таваллуд саналари халқаро миқёсда кенг нишонланиши сингари кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

ЮНЕСКО 1996 йилги жаҳонда энг кучли давлатчиликка асос солган Соҳибқиронга бағишлаб «Амир Темур йили» деб эълон қилди¹. Шу муносабат билан 1996 йилнинг апрелида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги Европанинг маркази ҳисобланган Парижда кенг нишонланди. Бу эса, жаҳон цивилизациясига Амир Темур ва теуриийлар қўшган ҳиссасининг яна бир бор тан олиншидан далолат беради².

1990 йилда Парижда профессор Л. Кереннинг «Самарқандга, Темур даврига саяхат»³ номи хитоби нашр этилди. Бу асарда кўпгина суратлар билан биргаликда XVII асрнинг голландчилик буюк rassomi Рембрандт (1606-1669) томонидан ишланган Амир Темурнинг портрети ҳам берилган.

Франция Миллий архивида Амир Темурнинг француз Кироли Шарль VI га юборган «салом ва тинчлик йўлайман»⁴ деб бошланган диبلوماسية хати сақланмоқда.

Бу сўзлар мисолида мустақил Ўзбекистоннинг ҳам жаҳон ҳам-жамиятига кириб келганлигини, истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб то ҳозиргача тинчлик ва барқарорлик, демократия, тенг ҳақдорлик ва умуминсоний кадриятларга содиқлигини куриш мумкин.

«Ўзбекистон XX аср охирида Миллий уйғонмоқда», «Темур авлодининг янги эраси бошланмоқда»⁵, – деб ёзди француз олим В. Фурньё.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик йиллари миллий кадриятларнинг тикланиши ва юксалиши даври бўлди. Теуриийлар даври илм-фани, маданияти ва санъати Европанинг, келаверса, бутун жаҳоннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ЮНЕСКО Ижрия кенгашининг 149-сессиясида сўзга чиқиб, «Амир Темурнинг тарихий хизмати ана шундан иборатки, унинг ҳаракатлари шуфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуеорофий-сиссий маконда эканликларини ҳис этди»⁶, – деб таъкидлаган эди.

Амир Темур мохир стратег ва сийсатчи, бунёдкор ва дипломат, эскирган ижтимоий муносабатларнинг ислохотчиси, савдо, фан ва маданият аҳлининг буюк хомийси бўлиши билан қонун ва одатларга асосланган кучли марказлашган давлат тузган.

Бутунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг узок ва яқин тарихини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Буюк тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятига алоқдор фундаментал асарларга эътибор кучаймоқда.

¹ UNESCO Resolutions twenty-eighth session of the General Conference. Vol. 1, Paris, 1996.

² Салим А.Х. Ўзбекистон – Франция: янги этап дусторонних отношений // Народно-слово, 24 августа 1996 йил.

³ Kéren L. La Route de Samarkand au temps de Tamerlan, Paris, 1990.

⁴ Lucien Kéren, Les relations diplomatiques entre Timur Beg et les Européens // Epanouissement de la Culture dans l'Asie et les Princes Temourides / Recueil des thèses du Colloque international et scientifique à l'occasion du 660^e anniversaire d'Amir Temour, Paris, le 22 avril 1996; Dirigé par Lucien Kéren, Edouard Hubykotes, - Paris, 1996; Амир Темурнинг Франция Кироли Шарль VI га юборган мактуби // Кетин В., Салим А. Амир Темур ва Франция. - Т.: «Алоқат», 1996. - 76-бет.

⁵ Фурньё В. Новое время, новое лицо Самарканд 1400-1800. La este - oasis de Tamerlan. Centre d'un Empire et d'une civilisation, Paris, 1995.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг тарихини 14 - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 342-бет; UNESCO Com. 18th session, 22 avril-3 mai 1996, Comptes rendus analytiques, Paris, 1996. - P. 90.

«Амир Темурнинг тарихий хизмати ана шундан иборатки, унинг ҳаракатлари шуфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуеорофий-сиссий маконда эканликларини ҳис этди».

И.А. Каримов



«Амир Темур ва temuрийлар хақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манба ва қўланмалар фихристи» библиография асари. Қоҳиро, 1996 йил.

Manuel de bibliographie des bibliothèques égyptiennes sur Amir Temur et les Temurides. Le Caire, 1996.

Бу, айниқса, Ўрта ер денгизидан то Марказий Осиёгача болган хулудда марказлашган давлатни тузган буюк Сохибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, давлатни бошқариш қобилияти бутун дунё олимларида катта қизиқиш уйғотиюкда.

Жаҳон тарихи солномаларида Амир Темур номи Александр Македонский, Ганнибал, Аттила, Чингизхон, Наполеон ва бошқа саркарда ва давлат арбобларига тенглаштирилади.

«Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан учирилди, унуттишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий оғи, миллий гурур туйғусини йукотиш, уни қарамтиққа, тобеликка кўндиритиш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدлариники, ўз баҳодирлариники унутмади, хамиша юрагида, қалб тўрида сақлади»¹.

Амир Темур ва унинг даври хақида қўлаб илмий тадқиқотлар олиб борилган, илмий асар ва мақолалар ёзилган. Шунингдек, Амир Темур замондошларининг кўпгина китоблари нашр этилган. Аммо, шу билан биргаликда, шу пайтгача Амир Темур ва temuрийлар фаолиятини тўла урганиш учун ватанимизда ва хоржқда улар хақидаги асарларнинг тулик библиографияси жуда кам тузилган, борлари ҳам саноклидир. Биз худди шундай бешта асарни аниқладик.

Биринчиси, немис олими М. Дегенхарт² томонидан 1913 йилда тузилган бўлиб, у Европа олимларининг тадқиқотларини узида жамлаган.

Иккинчиси, Абдулхай Хабибий томонидан 1974 йилда Техронда тузилган «Темур даври савъати» деб номланган, 1018 саҳифадан иборат асардир.

Учинчиси, Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидagi Давлат кутубхонасида сақланаётган Амир Темурга бағишланган асарлар библиографиясидир³.

Тўртинчиси, таникли олим ва дипломат Шамсуддин Бобоқоновнинг ташаббуси билан 1996 йили нашр этилган «Амир Темур ва temuрийлар хақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манба ва қўланмалар фихристи»⁴ библиография асари.

Бешинчиси, 2003 йилда академик Б. Ахмедов раҳбарлигида Амир Темур халқаро фонди илмий ходимлари томонидан Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланган, 1755 асарни ўз ичига олган «Амир Темур библиографияси»дир⁵.

Биз Амир Темур ва temuрийлар даври тарихи ва маданияти хақидаги библиографияни тузишда бу манбаларни ҳисобга олдик. У икки қисмдан иборат: биринчи қисмда Европа тилларидаги илмий адабиётлар санаб ўтилади, иккинчисиди эса ўзбек, рус ва бошқа тилларда октябрь тўнтаришигача ва собик шўролар даврида нашр этилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

Биринчи қисмдаги адабиётлар рўйхати Париж миллий архиви (Archives nationales) ва Франция Миллий кутубхонаси (Bibliothèque

¹ Каршиов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, истиқом, сивасат, мафкура. Т.1. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 360-бет.

² Degenhart M. Tamerlan in der literatur des westlichen Europas// Archiv für das Studium der Neueren sprachen. Braunschweig. 1913, vol. 123.

³ Алимов Р.А. Сохибқирон Амир Темур. Миллий тарихи. - Т., 1995.

⁴ Амир Темур ва temuрийлар хақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манба ва қўланмалар фихристи. - Қоҳиро: Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси, 1996.

⁵ Амир Темур библиографияси: И. Нишлов, Б. Қасимов, Б. Баннопов, М. Эпиркулов, Я. Мухаммадиев. Миллаториентал фонд «Амир Темур», рус. Б. Ахмедов. - Т.: IFEAC, 2003. - 114 с. (Documents de travail de l'IFEAC, No 3, Avril, 2003, 114 p.)

Nationale de France), Узок Шарк институти кутубхонаси (Institut de l'Extreme Orient), Осиё жамияти кутубхонаси (Société Asiatique), Олий мактаб (Ecole Normale Supérieure, Collège de France) кутубхоналари асосида тузилди.

Францияда эса, узок йиллардан бери бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тил, ўрта аср мутафаккирларининг илмий мероси юзасидан жиддий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Француз шарқшунослари бу соҳада биринчилардан бўлиб кўп нарсаларни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Ҳақиқатан ҳам, «темурушунослик» илми Францияда бошқа малакатларга нисбатан анча жадал ривожланган. Бу ерда хатто Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганувчи махсус уюшма ҳам тузилган.

Амир Темур тарихига оид кўплаб манбалар, илмий ва бадиий адабиётлар мавжуд. Академик В. Бартольд бу ерда манбалар кўплигидан «чўкиб» кетгнш мумкинлиги ҳақида айтганида ҳақ эди.

Амир Темур шахси мана олти асрдан бери жаҳоннинг кўпгина машҳур олимларини ўзига жалб этиб келмоқда. Шу муносабат билан 1996 йилда Парижда жаҳон олимлари учун Амир Темур ва темурийлар даври ҳақидаги адабиётлар рўйхатини нашр этдик¹. Бу асарлар, биринчидан, ўзбек китобхоналарига тил «тўсиғи» туфайли кўп ҳам таниш эмас, иккинчидан, уларнинг кўплари нодир асарлар бўлиб, кўпчилигига маълум эмас; учинчидан, улар жаҳон тарихида Амир Темурнинг ўрнини белгилашда яқиндан ёрдам беради.

Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги Европа олимларининг адабиётлар рўйхати 500 дан ортиқ номдаги адабиётни ўз ичига олган. У нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки хорижда ҳам оммалашган.

Сўнги йилларда 400 дан ортиқ тадқиқотларни топишга муваффақ бўлдик, аммо бу ҳали ҳаммаси дегани эмас, у доимий равишда тўлдириб борилиши керак. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, бу адабиётлар рўйхатида Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги асосий адабиётлар камраб олинган².

Европа темурушунослигига умумий тавсиф

Амир Темур ва темурийлар тўғрисидаги тадқиқотларнинг оддий статистикаси ҳам жаҳон шарқшунослигида мустақил «темурушунослик» илмий йўналишининг шаклланигани ҳақида гапирганимизга тўла асос бўла олади.

1553 йил Флоренция (Италия)да италиялик олим П. Перондининг «Скифлик Амир Темурнинг буюклиги»³ номли асари нашр этилган. Бу Европада Амир Темур ҳақидаги ilk илмий тадқиқот бўлган.

Амир Темур ва темурийлар тўғрисидаги тадқиқотлар Англия, Австрия, Аргентина, Бельгия, Венгрия, Германия, Испания, Италия, Франция, Чехия, Португалия, Руминия, шунингдек, АКШ, Канада, Туркия, Япония каби Европа ва Ғарб мамлакатларида чоп этилган.

¹ Руминия Э.В., Савина А.Х. Амир Темур в зеркале мировой истории: Библиография // Информационный бюллетень. - Париж, 1996. - 28 с.

² Руминия Э.В., Савина А.Х. Амир Темур в зеркале мировой истории. - Т.: Мир экономики и права, 1999.

³ Perodino P. Magdi Tamerlani Scylarum, Florence, 1553.

«Замонавий тарихчиларимиз кўпчилигига ҳос бўлган камчилик – XIV-XV асрларда яшаган ҳукмронлар ўша замонда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий муҳитнинг махсуси эконимикаларини тушунамаслиқдир. Ўша давр одамлари учун ҳаёт қонуни ҳисобланган одаётлар, анъаналар бизга гайритабиий, гайриинсоний туюлиши табиийдир ва уларга салбий муносабат билдириш гайриилмий иш бўлган бўларди».

Жан Пол Ру,
Франция

HISTOIRE DE TIMUR-BEC.

CONNUS SOUS LE NOM DU GRAND
TAMERLAN
EMPEREUR DES MOGOLS
ET TARTARES.

Lettre en Persan par Charfoldin Ali,
mis en françois par Alexandre-Louis-Marie Pétis

Traduit en François par les Messieurs Pétis
de La Croix, Pétis de La Croy, de
Gallage Bayle, les Messieurs Imbault de Bay,
pour les Messieurs Libraires.

Avec des Notes Historiques, & Cartes
Géographiques.

TOME SECOND.



A. BELF.
Chez
M. DE LA BOITTE,
MDCCLXXIII.

Шарафиддин Али Яздийнинг
француз тилида
Франсуа Пети де Ла Кроа
таржимасида нашр этилган
«Зафарнома» асари.
Париж, 1722 йил.

«Zafar-nâmâ.
De Châref-ed-Din Ali Yezdi,
traduit et édité en français par
François Pétis de la Croix.
Paris, 1722.

Биз эга бўлган Амир Темуэр ва temuрийлар тўғрисидаги илмий нашрларни хусусиятлари ва тарихий таркибига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин:

биринчидан, араб, форс, туркий, Кавказорти халқлари тиллари ва Европа (испан, немис, лотин) тилларидаги ёзма манбалар;
иккинчидан, Амир Темуэрининг Европа мамлакатлари (Испания, Англия, Франция) ҳукмдорларига йўлаган мактублари ва улардан олинган жавоблар;

учинчидан, таънашунослик маълумотларининг нашрлари;
тўртинчидан, эпиграфик манбаларнинг нашрлари;
бешинчидан, умумлаштирувчи характердаги ҳамда алоҳида муҳим муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотлар;

олтинчидан, шахсий масалаларни ақс эттирувчи илмий тадқиқотлар;
еттинчидан, илмий-оммабоп нашрлар.

Амир Темуэр тўғрисида Урта асрларда ёзилган деярли барча манбалар Европа тилларида чоп этилган. Бу Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшох, Ҳофиз Аbru, Абдураззоқ Самарқандий, Фосихий ва бошқа муаллифларнинг асарларидир.

Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари Парижда 1722 йилдаёқ таржима қилинган¹. Бу таржимада катта хатоликларга йўл қўйилган бўлиб, айрим жойлар ташлаб кетиюлганлиги ва ноаниқликларни кузатиш мумкин, аммо бошқа таржима мавжуд эмас. Бундан ҳам аввалроқ, 1658 йилда Р. Ватъе томонидан Ибн Арабшохнинг асари француз тилига таржима қилинган².

1843 йил Парижда Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саядай ва мажмаи баҳрайин»³ номли асарининг Е. Квадремье томонидан амалга оширилган таржимаси нашр этилган.

1937 ва 1956 йилларда Прагада Низомиддин Шомийнинг Феликс Тауэр томонидан таржима қилинган «Зафарнома» асари Ҳофиз Аbruнинг «Зубдат ат-Таворих»⁴ асари билан тўлдирилган ҳолда изоҳлар билан икки жилдада чоп этилган.

Англиялик олимлар ҳам бирламчи манбаларни инглиз тилида нашр этишган. 1887-1888 йилларда Калькуттада Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг икки жилшлик танқидий матни чоп қилинган⁵. Ушбу нашрдан ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда.

1936 йили Ж. Сандерс Ибн Арабшохнинг асарлар тўпламининг инглиз тилига таржима қилган ҳолда нашрдан чикарган⁶. Ибн Халдунийнинг «Чингизхон ва татарлар тарихи ҳақида манбалар»⁷ асари 1956 йилда Америкада таржима қилинган.

¹ Histoire de Timur-Bec, connu sous le nom du grand Tamerlan, écrite en persan par Charfoldin Ali Yezdi et traduite en français par François Pétis de La Croix, publié par Alexandre-Louis-Marie Pétis de La Croix, Paris, 1722, 4 vol., in-12.

² Valther P. Adjayib-ul-mekdur R. Nawayib-i-nimur, Paris, 1658, vol. 2.

³ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саядай ва мажмаи баҳрайин / А. Ҳуснибоев таржимаси / Масъула муҳаррирлар С. А. Ишмомова У. И. Каримовлар. - Т. Фан, 1969. - 464 бет.

⁴ Haliz-i Abru. Zubdetu'l-Tavarikh. - Bodleian Library Oxford yazzm. Elliot, 422 (Sachau-Eibe, catalogue, nr. 161, s. 90). (Faith ktb. Nr. 4370/1). Avec des additions empruntées au Zubdatu'l-tavarikh-i bayansurguri de Haliz-i Abru. 2 vols. I (text) Prague, 1937. II (commentary) Prague, 1956.

⁵ The Zafarnamah by Maulana Sharafuddin Ali of Yazd, edited by Maulawi Muhammad Ishaq.

- I-II. Calcutta: 1887-1888.

⁶ Ahmad ibn Arabshah. Tamerlane or Timur, the great Amir, Trans. by J. H. Sanders. - London: 1936. XVIII, - 341 p.

⁷ Ibn Khaldun's Sources for the History of Chingiz Khan and the Tatars // Journal of the American Oriental Society, 1956, vol. 76. - P. 91-99.

1954 йилда эса Ибн Таъри Бирдоният «Миср тарихи (1382-1411)» номли асари таржима қилинган бўлиб, унда Амир Темур ва Миср мамлук султонлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор берилган.

Нихоят 1988 йили В. Такстон Кембрижда (АҚШ) «Юз йилликнинг шахзодалари: теурийлар маданияти ва тарихига оид манбалар»¹ номли китобни нашрдан чикарган.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, бир қанча европалик олимлар манбанинг тулик матнини эмас, балки у ёки бу тарихий муаммога бағишланган қисмларинигина нашр эттиришган. Мисол учун, хинд олими К.М. Майтра Лаҳорда ўзининг «Хитойдаги форс элчиҳонаси. Ҳофиз Аbruниинг «Зубдат ат-таворих» асаридан парчалар»² номли ишини нашр қилдирган (1970 йилда Нью-Йоркда қайта нашр қилинган).

Европалик олимларнинг тарихий атамаларни қўллашдаги бир қанча католикларини ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу камчилик баъзи бир илмий муаммоларни юзага келтиради. Яъни, улар тулик ишонч билан Амир Темур ва теурийлар томонидан юборилган элчиларни форсийлар деб қабул қилишган, лекин бу фикр умуман нотўғри.

Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги»³ асари Европа тилларида (испан, француз, инглиз) нашр қилинган ilk ёзма манбадир. 1582 йилдан бошлаб Мадридда Гонзало Арагат де Молино бу асарнинг биринчи нашричи амалга оширган.

1900 йилда профессор Л. Керен ушбу нашрнинг тўла камровли фундаментал шарҳли таржимасини нашр қилдирган. Кундаликларнинг таржимаси 14 тилда, шу жумладан, Аргентина, Япония, Туркияда ҳам нашр қилинган. 1958 йилда эса, уни Клемансо Маркхэм форс тилига таржима қилган.

Инглиз (1879)⁴ ва немис (1859)⁵ тилларида бавариялик немис аскар Иоханн Шильбергернинг ёзишмалари нашр этилган бўлиб, унда Амир Темур ва турк султони Боязид ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Юқорида таъкидланган манбалар қўлчиликка маълум бўлса, италиялик католик диндори Бернардо де Мигнанеллининг «Амир Темир ҳаёти»⁶ деб номланган асари бизнинг олимларимизга деярли нотанишдир. Бу асар 1415 йилда лотин тилида ёзилган бўлиб, унда Соҳибкирон фаолиятига доир айрим лавҳалар, 1400 йилги Дамашк ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Асар 1956 йилга келиб Вальтер Фишель томонидан инглиз тилида нашр этилган.

¹ Ibn Taghri Berdi: History of Egypt (1382-1411). Trans. From the Arabic Annals Ibn Taghri Berdi by W. Popper. University of California. Publ// Semitic philology, vol. 13, 14, Berkeley, 1954.

² Tricakston W.M.A. Century of Princes: Sources in Timurid History and Art. - Cambridge, Mass. 1988.

³ Maitra K.M.A. Persian Embassy to China, being an Extract from Zubdatus Tawarikh of Hafiz Abu Lahore. 1945.

⁴ Clavijo Ray Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e Itinerario y enartacion ad viaje y relacion de la Embaxada que Ray Gonzalez de Clavijo le hizo por mandado del muy poderoso reinny Rey don Henrryque el Tercero de Castilla. ed Sancha. Madrid, 1782. Сўнгги марта Кловико кундаликлари Италияда Ташкент шаҳри аз-Завраги жоминида 2000 йили Мадридда chop этилди.

⁵ Schilberger H. The Roadage and Travels of Iohann Schilberger a native of Bavaria in Europe, Asia and Africa. 1396-1427. London, 1879.

⁶ Schilberger H. Reisen des Iohann Schilberger aus Munchen in Europe, Asia und Africa von 1396 bis 1427 ed R.F. Neumann, Munich, 1859.

⁷ В. де Мигнанелло Жиаъ Тавариха/ Перевод с итальянского на английский язык с «Восточной» и «Западной» Уолтера Д. Фишеля. - Университет Калифорнии, Беркли // Перевод на русский язык Э.В. Агемаше, В.Р. Цицинской.

Амир Темур ва темурийларнинг Хитой, хусусан, Минг династияси билан савдо ва дипломатик алоқалари ҳақидаги хитой манбалари олимларимиз томонидан деярли ўрганилмаган. Бу ҳақда қўллаб-қувватловчи дипломатик хатлар мавжуд. Уларнинг ичидан биринчи хитой элчиси Фа Анянинг Амир Темурга йўллаган хисобот хати алоҳида ўрин тутади. Фа Аня 1395 йилдан 1407 йилгача темурийлар давлатида яшайди. Бундан ташқари, хитой элчиси Чень Ченнинг Шохрухга йўллаган хисобот хати мавжуд.

Чень Ченнинг хисоботида Марказий Осиё ҳақида қўллаб-қувватловчи маълумотлар келтирилган. Бу хисобот узоқ йиллар давомида топилмаган бўлиб, 1930 йилта келибгина оммага маълум бўлган ва Тайпада нашр этилган. Б. Панкратов бу хисоботдан Ҳиротта бағишланган айрим парчаларни рус тилига таржима қилган. Бундан ташқари, у Марказий Осиёнинг қўлгина шаҳарларида, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Кеш, Термизда бўлиб, улар ҳақида маълумотлар қолдирган.

Хорижлик олимлар Хитой ва Амир Темур ҳамда темурийларнинг ўзаро алоқалари масаласига катта эътибор қаратишган. Бу ҳақда қўллаб-қувватловчи тадқиқот ишлари олиб боришган. Уларнинг ичидан бельгиялик олим Х. Сервуснинг «Минг династиясини бошқаришда чия-мўтул муносабатлари»¹ номи асар муҳим ўрин тутади.

Европалик ва осийлик, биринчи навбатда, япониялик олимлар томонидан Амир Темур ва темурийлар ҳақида қўллаб-қувватловчи тадқиқотлар олиб боришган. Бу асарларда Амир Темурнинг ўзига хос қирралари очиб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, жаҳон шарқшунослигида «Темурушунослик» деб номланган мустақил илмий йўналиш шаклланган.

Бу асарларнинг ичидан француз олими Р. Груссеннинг «Жаҳон Сохибқирони»² ва «Чул империяси»³, Ж.П. Рупинг «Амир Темур»⁴, инглиз олими Е. Россаннинг «1402 йилда Амир Темур ва Боязид»⁵ ва Х. Ҳукхемнинг «Амир Темур»⁶ асарлари муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, 1995 йили профессор Г. Ҳидоятёв томонидан Х. Ҳукхемнинг китоби рус тилига таржима қилинган ва Тошкентда нашр этилган⁷.

Америкалик олимлардан Л. Комарованинг «Олттин диск. Темурийлар давридаги Эрон металл буюмлари», Ф. Маншнинг «Амир Темурнинг юксалиши ва бошқаруви»⁸, канадалик тадқиқотчи Л. Голомбекнинг «Эрон ва Турон темурийлар архитектураси»⁹ (2 жилдлик), румин олими Александреску Дерсканинг «Амир Темурнинг 1400 йилда Анатолиядаги истилоси»¹⁰ асарлари ҳам алоҳида диққатга сазовор.

¹ Serruys H. Sino-Mongol relations during the Ming. II. The tribute system and diplomatic missions (1400-1600) // *Mélanges chinois et bouddhiques*, vol. XIV. Bruxelles, 4, 1967; Serruys H. Sino-Mongol relations during the Ming. III. Trade relations: the Horse fairs (1400-1600) // *Mélanges chinois et bouddhiques*, vol. XVII. Bruxelles, 4, 1975;

² Grousset R. *Le Conquerant du monde*. Paris, 1953.

³ Grousset R. *L'Empire des steppes*, 4-éd. Paris, 1960.

⁴ Roux J.P. *Tamerlan*. Paris, 1994. - P. 23.

⁵ Rose E.W. *Tamerlan et Bayezid en 1402*. London, 1910. - 323 p.

⁶ Hookham H. *Temurlaine the conqueror*. London, 1962.

⁷ Хукхем Хильда. Властитель степи завоеватель / Пер. с англ. Г.А. Хидоятёва. - Ташкент, 1995.

⁸ Manz B.F. *Tamerlane and the symbolism of sovereignty* // *Iranian studies*, vol. 21/1-2, 1988.

⁹ Colombe L. *The Tumand Architecture of Iran and Turan*. 2 vol. Princeton, 1988.

¹⁰ Alexandrescu-Dincea M.M. *La campagne de Temur en Anatolie 1402*. Bucarest, 1942. - 250 p.

«Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш оммавий тус олиб кетди. Дастлаб Францияда, кейинчалик Италияда, Испанияда, Англия ва Германияда темурушунослик илми ривожлана бошлади. Кисқаси Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини урганни Европада анъаналар айланиб кетди.»

*Жан Пол Ру,
Франция*

«Амир Темур ҳеч қачон
бекорва, ёки арзимас
мақманлик учун пайвақал
қилинини ёқтирмас, саркар-
донинг ўзини тўтиши
жангнинг тақдирига
қанчалык таъсир қилишини,
ўзининг ўлими, ёки асир
тушиб қолиши лашкарла-
рининг иммавий равишида
поряканди бўлишига сабаб
бўлишини жуда яхши ту-
шунарди. У мажбур бўлиб
қолгандагина ва шу нарсани
лозим деб топгандагина
қилличини қимидан
чиқарар эди».

Жан Пол Ру,
Франция

Европа ва Осиёда (Япония, Эрон, Туркия) нашр этилган алоҳида мақолаларда Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданияти-
нинг муҳим муаммолари таҳлил қилинган.

Шунингдек, япон олими Кадзуо Энокининг Хитойнинг Минг-
лар сулоласи ва Амир Темур ўртасидаги дипломатик алоқаларга
бағишланган асари¹, Еидзэ Манонинг «Амир Темур Курагон. Тему-
рийлар шажараси»², Тори Хониданинг «Темур ва император Юнли»³,
Хироши Ватанабининг «Минглар даврида Хитойдаги мусулмон дав-
латларининг элчихоналари»⁴ асарлари муҳим аҳамият касб этади.

Америкалик олим Морис Рассаб⁵ томонидан шу давр туғрисида
кўплаб мақолалар нашр этилган. Жумладан, тайванлик олим
Шу-у-ху ўзининг «Чен-хо ва Темур: уларнинг узаро алоқалари» асарида
XV аср бошларида Жануби-шарқий Осиё ва Ҳиндистон, хаттоки,
Хурмузд кўлтигигача 8 марта денгиз экспедициясини уюштирган буюк
адмирал Чен-хо ҳақида тўхталиб ўтган.

1958 йили тайванлик олим нашр этган мақолада таъкидланишича,
юқорида номи тилга олинган адмирал томонидан уюштирилган экспе-
дициядан мақсад Форс кўрфази, Қизил денгиз ва Ҳинд океани бўлишда
жойлашган давлатлар билан Амир Темурга қарши ҳарбий иттифок ту-
зишдан иборат бўлган.

Турк олими Закий Валидий Тўгон шу даврга оид бир неча
мақолалар муаллифидир. Жумладан, «Темурнинг ҳарбий сиёсати»⁶ ва
«Темурнинг 1395 йил Украина ва шимолий Кавказга юриши»⁷ каби
асарлари АКШдаги Украина фан ва санъат академиясида нашр этилган.



Шамс Россия: 1 Ҳокимов. 2013 йил.
The Post Z. Ҳокимов. 2013.

¹ Enoki K. Fu An's Missions to Central Asia / Memories of the Research Department of the Tokyo Bunko 35, Tokyo, 1977.


² Mano Eiji. Amir Temur Kuragan. The Timurid genealogy and Timur's position // Toyotshi Kenkyu, 1974.

³ Torii Haneda. Timuru to Enakuten (Temur and the Yunglo emperor) // Haneda hakushi shiyaku renbunshu, vol. 1, Kyoto, 1957, - P. 477-490.

⁴ Hiroshi Watanabe. An Index of Embassies and Tribute Missions from Islamic Countries to Ming China (1368-1644) as Recorded in the Ming Shih-lu Classified According to Geographic Area // Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko, Vol. 33, 1975.

⁵ Rossabi M. Ming China's relations with Hama and Central Asia, 1405-1503. - Ann Arbor; Mich. Univ. Microfilms International, 1970. Rossabi M. Eunuch Power: the Role of Eunuchs in Ming Foreign Relations. Monograph Series. Rossabi M. Cheng Ho and Timur. Any Relations? // Oriens Extremus, Vol 20, Wiesbaden, 1973.

⁶ Tugan A.Z.V. Temur'un ozetari // Ginezali, Istanbul, №2.
⁷ Tugan A.Z.V. Temur's campaign of 1395 in the Ukraine and North Caucasus // Annals of Ukrainian Academy of Art and Science in USA, VI 3-4, 1958, - P. 1358-1351.

The image features a highly detailed, black and white geometric pattern, characteristic of Islamic art, filling the upper portion of the frame. This pattern is contained within a large, pointed archway. The arch's interior is a plain white space where the title is printed. The pattern itself consists of complex interlocking lines and shapes, creating a dense, lace-like appearance. The arch is formed by two curved lines that meet at a point at the top, with a decorative border following the curve of the arch's interior.

AMIR TEMUR АМИР ТЕМУР
 ET ВА
LA FRANCE ФРАНЦИЯ



Нилмоен. «Амир Темурнинг бибихоним
масжиди лойиҳаси юзасидан суҳбатим».
Рассом: Ш. Рихсиев, 1996 йил.

Раппелти. «Amir Temur sur
le projet de la mosquée Bibi Khaluyet».
Par Ch. Rikhsiev, 1996.

«Темурийлар даврини урганни масаласида Ғарб маданияти, адабиёти, муסיқаси алоҳида ғрин эгаллайди ҳамда жаҳон миқёсида энге ажойиб жиҳатлардан бирини ташкил қилади».

**Венсан Фурньё,
Франция**

Амир Темур ва Франция қиролининг дипломатик алоқалари

XIV

асрнинг охирига келиб катта иқтисодий ва ҳарбий куч-қудратга эга бўлган Усмонли турк империяси ва унинг Султони Боязид Йилдирим қўшинлари Болкон ҳудудларидаги давлатларни бирин-кетин забт этиб, Европа томон силжимокда эди¹. Султон Боязиднинг бу ҳаракатидан таҳликага тушган Европа қироллари тезда унга қарши катта армия тўплаб, салиб юришига отланганлар. Бу салиб юришига Бургундия² герцоги маршал Бусико кумондонлик қилган. Жанговар ришарлардан иборат Бусико армияси Султон Боязид қўшини билан 1396 йил Никополь (Болгария ҳудудидаги шаҳар) яқинида тўқнашган. Бу жангда маршал Бусико армияси мағлубиятга учраган. Унинг ўзи ва лашкарбошлари Султон Боязид томонидан асирга олинган.

Икки муҳим сабаб Франция Қироли Шарль VI ни туркларга қарши курашда Амир Темур билан иттифоқ тузишга ундаган.

Биринчи сабаб, француз зодагонларидан тузилган қўшиннинг 1396 йили турк султони Боязид томонидан Никополда маъв этилиши алами.

Иккинчи сабаб, худди шу йили ўз шарқий ҳудудлари тақдирини француз ҳукмдори қўлига топширган Генуя вассаллигини қайта тиклаш умиди.

¹ Холбеков М. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёшамалари - Самарқанд - Мерос, 1996 - 5-бет.

² IX-XV асрларда ҳозирги Франция ҳудудларидаги герцоглик. 1477 йилда Франция қиролини таркибига қўшилган. Қarang: Lucien Kechren. Un contemporain de Tamerlan le sultan bul de Boucaicut // La Timuriide, 20e numero, Paris, 1999 - P. 13-16.



Кирол Шарль VI.
Рассом Бусико, 1412 йил.
Charles VI, roi de France.
Par Maître Boucicaut, 1412.

Иктидорсиз ёхуд омадсиз ҳокимлардан наф чикмагач, Кирол Шарль VI 1401 йили Генуяга обрў-эътиборли эдагонлардан бири, каттиққўл ва садокатли ижрочи француз маршали Бусикони хоким этиб тайинлаган. Бусико Никополь муҳорабасидан омон қолган санокли французлардан бўлиб, туркларнинг ашаддий душмани бўлган. У исёнкор генуяликларни тезда тиз чуқтирган.

Маршал Бусико Усмонли

туркларга қарши яна бир жанговар юришдан қайтиб келгач, 1399 йил у атиги минг кишилик лашқарга бош бўлиб Эг-Мортдан олти кемада йўлга чиққан ва Константинополь камалини ёриб ўтишга муваффақ бўлган. У Венеция ва Родосдан ёрдამга келган бир неча кема билан ўз қўшинини мустаҳкамлаб, турклар империяси кирғоқларига қатор шиддатли ҳужумлар уюштирган, кўп ерларни вайрон қилган, аҳоли орасида ваҳима уруғини сеппиб, истехкомларни забт этган ёхуд кулини хукка совурган ва бу билан Султон Боязидни Базелиус салтанати пойтахтини камал қилиб турган қўшинларидан бир қисмини узига қарши ташлашга мажбур қилган.

Маршал Бусико Генуянинг хокими бўлгач, шаҳарнинг Шарқдаги амлоқлари тақдири билан шуғулланган. У амалга оширган биринчи талбир Генуянинг Азов денгизи бўйидаги, Қримдаги, Шию, Фамагуст ва Перадаги савдо марказларига тафтишчилар юбориш бўлган. У ўз хабаргуйлари орқали Осиеда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўлган ва ўз навбатида Кирол Шарль VI га мунтазам ахборот бериб турган.

«Амир Темур кўп мамлакатларни қўлга хириртган. У буюк жаҳонгир эди, лекин ҳақларнинг томирасиде у ўзининг қўрган иморатлари ва яратувчилик ишлари билан сақланиб қолган. Францияде Регистон ва Самарқанднинг бошқа дурдоналари яхши маълум, кўп французлар бу осори атиқаларни ўз кўзлари билан куришни истайдилар».

Жан Клод Ришар,
Франциянинг
Ўзбекистондаги
собиқ элчиси

Айнан мана шу сабабдан Франция Қироли Амир Темурнинг ўз салтанати ғарбий ҳудудларида жойлашган давлатлар устига зафарли юришдан ва у билан Султон Боязид ўртасида тўқнашув содир бўлишидан хабардор бўлган. Шу тўқнашув арафасида у Византия элчиси, доминикан ордени рухонийси Франсуа орқали Сохибқирон Амир Темурга мактуб йўллаган ва агар у туркларга ҳужум қиладиган бўлса, генуяликлар ва уларнинг ҳарбий денгиз қўшинларининг ёрдамида ваъда қилган. Чиндан ҳам, кўп ўтмай Амир Темур Туркия ҳудудларига хирганида Маршал Бусиконинг амри билан Пера калъаси деворларида Мовароуннаҳр ҳукмдорининг туғи қилпираган. Бу билан Франция Қироли ва Генуя шаҳри протектори Султон Боязидга қарши курашда Амир Темур билан иттифоқ тузганлигини қатъий маълум қилган.

1403 йил июнь ойининг бошида Парижда раўй берган қизиқарли бир воқеани ҳам Франция Қироли Шарль VI ва Амир Темур ўртасидаги яқинлашув сийсати билан боғлаш мумкин. Гўё Амир Темур томонидан йўлланган доминикан ордени рухонийси Султониянинг Иоанн исмли архиепископи Кирол Шарль VI га ишонч ёрликларини топширган.

¹ Jean Claude Richard, Ambassador of France to the Republic of Uzbekistan, Opening Speech // Amir Temur: an assessment of his role in contemporary history and his significance for Uzbekistan in the search for its national identity / Materials of the International Symposium dedicated to the 600th Anniversary of the Birth of Amir Temur (Sartarland, 27-29 September, 1996). - Tashkent, 1997. - P. 14.



Marwan Buisco

Marechal de Boucaut

зарҳал ҳарфлар билан битилган ёрликнинг бирида Амир Темурининг «Гости-русти» шиори битилган кичик шахсий муҳри босилган бўлган.¹

Одатда, бошқа мамлакатларнинг ҳужжатларига битилган мактубларда қўлланиладиган мақтов-олқишлардан ҳоли ва ўта расмий оҳангдаги бу мактубда Соҳибқирон Амир Темури икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш нияти борлигини, Францияга борган ўз тижоратчиларига Қирол раҳимомлия қилса, унинг салтанатига келадиган насроний савдогарларга шахсан ўзи паноҳ бўлишини маълум қилган.

У ўз ҳузурига Қиролнинг мактубини олиб келган руҳоний Франсуадан Франция Қиролининг қудрати ҳусусида эшитганини, руҳоний ўз Қироли қудратли қўшинга бош бўлиб йўлга тушганини ва Амир Темурининг ҳам фамиляри бўлиши душманларини ер билан яқсон қилганини ҳам сўзлаб берганини ёзган. Бу, албатта, руҳоний ҳаёлотини маҳсули бўлиб, у маршал Бусико амалга оширган ҳужумларни қупиртириб, бундан ўз элчилиги обрусини кутариш учун фойдаланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Амир Темури мактубида Қиролни кизиқтирган бошқа саволларга ўз элчиси жавоб беражagini маълум қилган.

Қироллик солномачиларининг таъкидлашича, Франция Қироли Шарль VI олис Шарқдан келган бу сирли руҳонийнинг хикоясидан шу қадар таъсирланганки, ундан шу гапларни сарой аҳлига ҳам айтиб беришини илтимос қилган. Олпоқ соқолли, сўзамол руҳоний ўзининг хаяжонли хикоясини Соҳибқирон Амир Темурига турклар устидан галаба қозонганини маълум қилиш билан бошлаган, сўнг у Султон Боязидни банди қилиб, барча насроний асир ва асирларни озод этганини сўзлаб берган.

Шундан кейин руҳоний Амир Темурига савдо-сотиқни йўлга қўйиш ҳақидаги таклифи насроний қироллар учун ҳам манфаатли бўлишини исботлаб берган, зеро бу қудратли соҳиб тахт билан иззоланмажак дўстлик шартномаси унинг салтанатидаги ҳозирча агушқул аҳволда кун кўраётган насронийларнинг ҳам ҳаётини яхшилашга ёрдам беришини ўқтирган.

Орадан бир неча кун ўтгач Франция Қироли Шарль VI Султония епископининг қўлига Соҳибқирон Амир Темури учун йўлжалланган жавоб мактубини топширган. Ушбу дипломатик номада Қирол иржий ва диний фарқлар мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқни йўлга қўйишга тўсиқ бўлмаслигини билдириб, унинг ўзи Францияга келадиган тижоратчиларни ўз паноҳига олишини ҳамда Амир Темуридан Шарққа тижорат ишлари билан борадиган ўз фуқароларига нисбатан худди шундай йўл тутшини илтимос қилган.

Қўп тилларни пухта билувчи, тахминларга қараганда италян миллатига мансуб руҳоний Иоанн Венеция ва Генуя томон келиб қўйилган олдин «Амир Темури ҳақида хотира»² номли кичик бир рисола ёзишга ҳам улгурган ва уни қўп нускада этрофигаги одамлarga тарқатиб чиққан. Ҳозирги кунгача француз тилидаги асл нусхаси ва лотинча таржимаси сақланиб қолган бу бебаҳо тарихий ҳужжатнинг мақсади бўлмиша кизиқувчиларни Мовароуннаҳр ҳукмдорининг қисқача тарихи ҳамда у

¹ Khezer L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. In Akhron - Paris. Imprimerie Nationale, 2006 - 354 p.

² Sacy S. de. Mémoires sur une correspondance inédite de Tamerlan avec Charles VI // Mémoires de l'Académie des Inscriptions et Belles-Lettres, - Paris, 1822, T. VII. - P. - 470-522.

Европадан олишти ихтиёр этган махсулотлар руйхати билан таништиришдан иборат бўлган.

Амир Темур билан яқиндан мулоқотда бўлган унинг замондоши томонидан битилган ушбу матндан Соҳибкирон ҳақидаги жуда қимматли маълумотлар урин олган. Бундан ташқари, Султония архиепископи ҳам Соҳибкироннинг фуқароларидан бири бўлган, зеро Эроннинг плимолда жойлашган ушбу шаҳар Амир Темур салтанатига қараган.

Ушбу «Хотира»да руҳоний Иоанн Амир Темур шахсининг айрим ажрлиб турувчи хусусиятларини тилга олган. У дастлаб Соҳибкирон исмининг аниқ этимологиясини келтирган: Темурбек исми «темир» ва «бек» сузларидан олинган бўлиб, «темир ҳукмдор» деган маънони англатади: «Тамерлан» сузи эса форсча салбий буюкка эга бўлиб, «Темур оксок» деган маънони билдиради. Унинг ёзишича, Амир Темур «мардона юз тузилишига эга, қадди-қомати чиройли, бироқ асаб томирлари кесилган, ўнг қўли ва оёғи хаста» кишидир¹.

«Хотира»да таъкидланишича, «у ўзини на подшоҳ ва на кирол деб атайди... ва барча қилган ишларини, амру фармонларини саройда иззат-хурмати жойига қуйилган хон номидан амалга оширади»². Чиндан ҳам, Амир Темур тахтга Чингизхон авлодидан бўлмиш қуғирчоқ хонини ўтказиб қўйган бўлиб, ўзи бу унвондан воз кечган.

Рухоний Иоанн Амир Темурнинг насроний ва мусулмонларга бўлган муносабатидаги қарама-қаршилиқларни ҳам келтирган. «У мусулмон бўлиб, мусулмон бўлмаганларга қарши жанг қилади... у насронийлар ва, айниқса, фарангларга яхши муомалада бўлиб, уларни ўз салтанатига киришлари ва черковларда ибодат қилишларига қаршилиқ қилмайди»³. Муаллиф Амир Темур ўзининг иродасига қарши чикқанларни, уларнинг мусулмон ёки насронийлигидан қатъи назар, шафқатсизлик билан яқсон этади, деб қўшимча қилади. Ушбу таърифни испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо хотираларида ҳам учратиш мумкин.

«Хотира»нинг бир боби «Худо ёрлакаган Амир Темур»га бағишланган. «Хотира»да Амир Темур шахси ҳақида қизикarli маълумотлар келтирилган. «У Худо танлаган инсон... у Худо нимани буюрса, шунини қилишини айтади... у бундан ташқари одамларнинг ҳаёлидан кечаетган фикрлар ва режаларни билишини таъкидлайди, зеро бу хислатни унга фаришталар беришган... у ўзига қарши таяёрланган фитналарни бир зумда билиб олади». Амир Темурнинг мана шундай башорат қила билши хислатини Ибн Арабшоҳ⁴ ҳам тасдиқлаган. «Зафарнома»да эса бунга бир неча мисоллар келтирилган.

¹ Sary S. de Mémoires sur une correspondance inédite de Tamerlan avec Charles VI // Mémoires de l'Académie des Inscriptions et Belles-Lettres, - Paris, 1822, T.VII, - P. - 470-522.

² Ibid

³ Ibid

⁴ Ибн Арабшоҳ - Суриянинг Дамашк шаҳрида туқилган бўлиб, Амир Темур шаҳрини элиб ўтганида оёқ-олиғ билан Бирсалияда Самарқандга олиб келинган. Амир Темур ўзининг султон Мирзошуҳробнинг тарх этиб, Амдқинчиға келиб жойлашган. Арабшоҳ бу ерда Усулчилар шайхонаси Ашри. 1 га китиблик яилган. У Амир Темурнинг тархияни хонини рисола шайхонада белган машҳур филологларни кибобланади. Ибн Арабшоҳ. Ажонб ал-мақлур фи тарихи Тимур (Темур тархиядан тақдирин ақиниботларини) / Суз Боши, араб тилидан таржима ва изохларини У Уштоб таяёрлаган / Милура муларрини А. Уринбоев. II китоб. - Т.: «Мелинат», 1992. - 65-бет: Ibn Arabshah. Evénements du destin sur les aventures de Timur (1440), trad. Française de P. Vaitier, Paris, 1998.

⁵ Шафқатдин Али Яшил. «Зафарнома» (фотофаксимил нашр) // Нашрда таяёрланган. Суз Боши, икки ва уртасидакилар муаллифини А. Уринбоев. - Т.: 1972. - 194-бет: Histoire de Timur-Bec, connu sous le nom du grand Tamerlan, écrite en persan par Charfeddin Ali Yezdi et traduite en français par François Péris de La Croix, publié par Alexandre-Louis-Marie Péris de La Croix, Paris, 1922A vol. in-12.

«Унинг (Амир Темурнинг) қадди-қомати келишган, баланд бўли, кучли овозга эга, куч-қуввати жасурлигидан қолшмайдиغان, қарашлари анчайин ёқимли бўлган.

У ўлимга тик қараган, 80 йил умр кўрмиса ҳам ўз даўлатини ва довийрақилигини йўқотмаган».

Луи-Матьё Лонгле,
Франция

Султония епископи Иоанннинг шахсига келсак, унинг ҳақиқатан ҳам тарихда яшаб ўтганлигини қўлчилик муаррихлар тасдиқлаган, бироқ Амир Темурнинг муслмон салтанатида насроний епископликнинг мавжуд бўлганлиги ҳам шубҳадан холи эмас.

Бироқ, киролликнинг эски архивларида олиниган ушбу хужжатлар (жумладан, Мироншоҳнинг Амир Темур қўллаган суъ ва ибораларни ишлатиб, насроний киролларга йўллаган мактубининг таржимасини) диққат билан ўқиганда, тиниб-тинчимас руҳоний, форс тилида битилиб, ўзи томонидан лотин тилига таржима қилинган хатнинг усталик билан бузиб хўрсатилгани кузатилади. Ҳеч шубҳа йўқки, у бу ишни ўз элчилигининг ҳақиқий моҳиятини «ошириб», Франция Кирולי Шарль VI га ижобий таъсир хўрсатиш ниятида қилган, деб ҳулоса қилиш мумкин.

Маълумки, Франция тарихшунослигида Амир Темур туғрисида жуда кўп асарлар битилган. Улар орасида Луи-Матье Лангле¹нинг (Louis-Mathieu Langlès) «Темур ҳаёти»² асари алоҳида ўрин тутди. Муаллиф бу китобида Амир Темур шахси ва унинг даври туғрисида жуда қимматли маълумотлар келтирган.

Лангле Амир Темурнинг узлуksиз ҳарбий юришларига тўхталар экан, уни XI асрдаги бопқа бир ҳукмдор Маҳмуд Газнавий билан таққослаган. Агар Маҳмуд Газнавий бошқа юртларни истило қилиб, туллаган бойлиги Газнавийлар давлати ва унинг аҳолиси учун кўп наф келтирмаган бўлса, Амир Темур буюк саркарда бўлиши билан биргаликда жуда оқилона давлат раҳбари ҳам эканлигига эътиборни жалб этган. У ўз Мовароуннаҳрни жаҳоннинг энг обод ва гўзал давлатларидан бирига айлантиришга алоҳида эътибор берган.

Лангленинг ёзишича, Амир Темур ўз салтанатининг пойтахти - Самарқанд ва бошқа шаҳарларга зафарли ҳарбий юришларида қўлга киритган бойликлардан ҳам кўпроқ моҳир усталар, оловлар, расомлар, шоирларни олиб келган. Улар забт этилган юртлардан тақлиф этилган, меҳнаглари, мақоратлари ва истеъодлари юқори қадрланган. Лангле Амир Темур буни Мовароуннаҳрда ана шундай мутахассислар ва ижод аҳли кам бўлганлиги учун эмас, балки улар қанчалик кўп бўлса, салтанатда ободончилик ишлари шу қадар юқалиши, маданият ва санъат гуллаб-яшнашини фйлаб қилганини таъкидлаган.

Лангле ўзининг «Темур ҳаёти» китобида Буюк Соҳибқироннинг доно ва оқил давлат раҳбари бўлганлигига ҳам урғу берган. Муаллиф Амир Темур ҳар бир ғолибона ҳарбий юришдан кейин Самарқандда катта Кенгаш чақиришини, унга салтанатнинг ҳар бир мазмуригй бирлигидан энг нуфузли мулозимлар тақлиф этилишини баён этган. Бундай Кенгаш юртнинг ҳамма жойидаги аҳволдан тўла хабардор бўлиши ҳамда мавжуд муаммоларни қўлчилик фикрини билган ҳолда ҳал этишга хизмат қилган.

Лангле Амир Темурнинг жуда ақлилатин ҳукмдор бўлганлигига қўплаб мисоллар келтирган. Жумладан, Амир Темурнинг Европа-

¹ Луи-Матье Лангле (Louis-Mathieu Langlès) (1763-1824) - француз шарҳунониси ва кутубхоначиси. Лангле - Шарк тиллари махсус мактабининг асосчиси ва биринчи директори, форс тили ўқитувчиси, Кирол кутубхонасидаги Шарк қўлималари саклвичиси. 1795 йида Фан ва санъат миллий институтига аъло бўлган. Кабун Пария вилоятидаги Дашо-Ога қабристонига қойилган. «Амир Темурнинг сиёсий ва ҳарбий институтлари» (Instituts politiques et militaires de Tamerlan) номли асар таржимон-муаллифи.

² Langlès. Жизнь Темура Пер. с французского. - Т.: 1890, Louis-Mathieu Langlès, Vie de Temour // Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Temour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Tabebul-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1787. - P. 115.



Жаннатчи ифодаловчи уйма моҳи.
Уста Али Насофий мақбарасидаги
намон Самарқанд.
Шоҳи Зинда намунаси.

Paradis, dessin ciselé.
Décor des panneaux du
mausolée d'Usta Ali Nasafi,
Samarkand. Ensemble Chahi-zinda.

га харбий юриши давомида у Каспий денгизидан ғўиб, Россия ва Венгрия томон борар экан, сафари давомида маҳаллий аҳолининг аҳолини муттасил равишда сураб-суриштирганлигига доир мисоллар мавжуд. Муаллифнинг эътирофи этиштича, ўз хукмдорларидан жабр-зулм курган оддий фуқаролар Амир Темурга шикоят қилиб келишганида бу масалалар ҳамиша адолатли ҳал этилган. Яъни, зулмкор хукмдорлар вазифасидан қувилган, босқинчи ва уғрилар ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Лангленнинг китобида ёзилишича, Амир Темур хукмдорнинг асосий бурчи халқни ҳимоя қилишдан иборат эканлигини билганлиги учун ўз салтанатининг турли қисмларида шахсий назоратчиларини тайинлаган, улар маҳаллий хукмдорлар фаолиятини муттасил текшириб борган¹.

Лангле Амир Темур шахсига таъриф беришда Буюк Соҳибқироннинг ашаддий душмани бўлган араб олими Ибн Арабшохнинг эътирофини келтирган. Бу олим ўз битикларида Амир Темурни доимо мустабид хукмдор, зolim, ёвуз сифатида тасвирлаб келган. Тилёғламаликда асло айблаб бўлмайдиган шундай олимнинг Амир Темурга берган мана бу баҳоси, айниқса, диққатга сазовор: «Унинг қадди-қомати келишган, баланд бўйли, кучли овозга эга, куч-қуввати жасурлигидан қолишмайдиган, қарашлари ўқтам бўлган. У ўлимга тик қараган, 80 йил умр кўрса ҳам ўз даҳолиги ва довораклигини йўқотмаган. У ёлғоннинг ашаддий душмани бўлган, ҳазилини ёқтирмаган. У хузурида босқинчиликлар, ҳотилликлар ва аёлларни зўрлаш тўғрисида оғиз очишга изн бермаган, у ҳақиқат қанчалик даҳшатли бўлмасин, кулоқ тутиб тинглаган. Яхши ёки ёмон хабарлар унинг қайфиятига таъсир кўрсата олмаган. Мард аскарларнинг дустии ва дожорак бу инсон ўзини хурмат қилишга ва итoат этишга мажбур қилишни билган»².

Лангле асариди Амир Темурнинг олимларга хайрихоҳ бўлганлиги ва у билимлари халоллиги билан баб-баравар булганларга ишонганлиги таъкидланган. Лангле тарихчилар, файласуфлар ва илмий ёки маъмурият иши билимдонлари билан юзма-юз суҳбат куриш учун тахтидан тушиб, уларга пешвоз чиқишини ёзган. Муаллиф тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг қуйидаги сўзларини ҳам келтирган: «У бир вақтнинг ўзида душманлари учун душман, аскарлари учун Тамгри ва халқи учун ота бўлган»³.

¹ Louis-Mathieu Langlet, *Vie de Timour // Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrite par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux.* Paris, 1787. - P. 68-69.

² Louis-Mathieu Langlet, *Vie de Timour // Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrite par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux.* Paris, 1787. - P. 112-113.

³ Louis-Mathieu Langlet, *Vie de Timour // Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrite par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux.* Paris, 1787. - P. 115.

Амир Темури ва француз шарқшунослик мактаби

Биз ушбу китобда Амир Темури тўғрисидаги асарларни атрофлича таҳлил қилишни олдимизга мақсад қилиб қуйилган бўлса-да, жаҳон, хусусан, Европа шарқшунослигида мустақил темуришунослик ирналиши шаклланишини қамол ишонч билан таяқидлаб, бу борада француз олимлари етакчи ўринни эгаллаб келаётгани хусусида сўз юритишни мақсад қилдик¹.

Франция Президенти томонидан Ўзбекистон Президенти шарафига 1993 йили уқштирилган расмий қабул маросимида сўзлаган нутқида Президент И.А. Каримов таяқидлаганидек: «Францияда бир неча асрлардан буён бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз мероси хусусида чуқур тадқиқотлар олиб борилаётганини мамнуният билан таяқидлайман. Француз шарқшунослари бу соҳада кашшофлик қилдилар ва ажойиб натижаларга эришдилар.

Буюк илм йўли Франция ва Испаниядан олис Ҳиндистон ва Хитойгача қўзилган бўлиб, қадимий Ўзбекистон шу йўлда мамлакатларни бир-бири билан боғловчи марказий бугин, Шарқ билан Ғарб, ислом билан насронийлик бир-бирига туташган жой эди, Шарқ ва Ғарб маданиятлари бир-бири билан боғланган жой эди.

Олис ўтмишдаги ўзаро муносабатларимизнинг қўпгина шонли саҳифалари тарихда сақланиб қолган. Сизлар Тамерлан деб атайдиган буюк вобомиз Амир Темури билан XIV ва XV асрлардаёқ мамлакатларимиз ўртасида мустақкам сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни урнатиб зарур деб ҳисоблаган Франция Киёли Карл VI нинг ёзишмаларини эслатишнинг ўзи кифоятдир².

Чиндан ҳам, буюк бобокалонларимиз Ватанолит ва миллатимиз шон-шухратини бутун дунёда, жумладан, Францияда ҳам кенг ёнганлар. Буюк муаррих ва қомусий олим Абу Райхон Беруний француз халқи орасида «Алиборон» номи билан машҳурдир. Алгоритмни кашф қилган буюк риёзиётчи Ал-Хоразмий Франция мамлақати учун ҳам муътабардир. Французлар «Тамерлан» деб атайдиган ҳазрати Амир Темури «жаҳонни забт этиб, буюк давлат тузганлиги билан машҳур бўлса, унинг буюкликда муносиб набираси Мирзо Улуғбек илм-фан жаҳхаларида қозongan зафарлари билан таниқлидир³.

Бу борадаги энг янги топишган қадимий манба – француз ёзувчиси, таржумон ва юнон тили ўқитувчиси Луи Ле Руа (Louis Le Roy, 1510–1577) қаламига мансуб «Оламдаги нарсаларнинг турлилиги ва ўзгаришчанлиги тўғрисида»⁴ номли асарда Амир Темурига махсус боб бағишланган. Яъни, ун икки бўлимдан иборат бўлган ушбу тарғиби-фалсафий асарнинг ун биринчи бўлимидеги боблардан бирини «Амир Темури Нин, Сесострис, Кир, Дор, Искандар Зулкарнайн, Аршад, Ганнибал, Юлий Цезарь, Константин, Атилла, Буюк Карл билан қиёслаш» номи берилган.

¹ Санюв А.Х. Француз темуришунослик мактаби // Ашхонада Советларнинг китоби (илмий-назарий аниқлаш материаллари). - Ашхона: 1996. - 16-20-бетлар.

² Каримов И.А. Франция Президенти томонидан ўтказилган расмий қабул маросимида сўзлаган нутқи, 1993 йил 27 октябрь // Ёшдан охири ва охири Вақон кўчиси. Т.2. - Т.: «Ўзбекистон», - 1996. - 71-72-бетлар.

³ Улуғбек ли принце астроном. Пари, 1994. - П. 3.

⁴ Louis Le Roy. De la vicissitude ou variété des choses en l'univers, et consistence des ames et des lettres par les premières et plus illustres nations du monde, depuis le temps où a commencé le créait, et mémoire humaine jusques à présent. Paris: Chez Pierre l'Huillier, 1575.

«XVII асрда шарқшунослик илми ҳали пайдо бўлмагандоқ Амир Темурининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бир неча тарихий асарлар француз тилида таржима қилинди».

Жан Пол Ру,
Франция

Маъжур бобда Амир Темур тарихда ўтган йирик саркарда ва хукмдорлар каторига киритилиб, ҳар бир қаҳрамон билан унинг уқнаш жиҳатлари солиштирилган ва узига хос хусусиятлари очиб берилган. Асарнинг ажаблантирадиган томони шундаки, гарчи кўп маълумотлар берилмаган бўлса-да, бошқа хукмдорлар қиёслантирмасдан айнан Амир Темур мавзуси диққат марказида бўлган.

Жумладан, ушбу боб қуйидагича бошланган: «Амир Темур Нин каби подшоҳ ўғли бўлмаса-да, бутун Осиёдан иборат Салтанат ва ундан йирикрок армияга эга бўлган. Нин бактрияликлар хукмдори Зорастрири энган бўлса, Амир Темур турклар султони Боязидни мағлуб этган. Барча скифлар ёки мўғул-татарларни тор-мор этиб, Волга қирғоғигача забт этган»¹.

Муаллиф Луи Ле Руа Сохибқирон Амир Темурнинг маданият ихлосманди экани хусусида қуйидагича қиёслар келтирган: «Амир Темур борган мамлакатларда ибодатхоналарга зарар етказишга йўл қўймаган ва Пайғамбар тузилган юрт бўлгани учун Арабистонга юриш уюштирмаган. Буюк Шарль эса Париж шаҳрида монастырлар ва университетларга асос солган. Константин ҳам насроний ибодатхоналарга алоҳида эътибор бериб, Константинополни барпо этган. Ва ниҳоят Амир Темур Самарқандни қайта тиклаб, бунёд этган»².

Луи Ле Руанинг ушбу китоби муаллиф ҳаёт чоғидаёқ уни машхур қилган. Чунки 1575 йилда Париж шаҳрида чоп этилган китоб 1576, 1577, 1579, 1583 ва 1584 йилларда қайта-қайта нашр этилган. Ҳатто 1585 йилда Эрколе Кати (Ercole Cati) томонидан итальян тилига таржима қилиниб³, 1592 йилда қайта чоп этилган. Шунингдек, 1594 йилда Роберт Эшли (Robert Ashley) ушбу асарни инглиз тилига ўзгирган⁴.

Маъжур асар 1988 йилда замонавий француз тилига мослаштирилиб, Париждаги «Фаярд» («Fayard») нашриётида Филлип Дезан (Philippe Desan) масъул муҳаррирлигида дунё юзини курган⁵. Шунингдек, 1575 йилдаги қўлъязманинг асл нусхаси рақамлаштирилган ва уни интернет тармоғидан қўчириб олиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ушбу асар қадимийлиги бўйича француз теуришуносларининг ҳозирги кунга қадар маълум бўлган энг биринчи тарихий манбаси ҳисобланади. У ҳатто 1582 йилда юнон тилидан француз тилига таржима қилинган Мануил II Палеологнинг «Император Мануил Палеологнинг ўғли Жан Палеологга юз қироллик насиҳати, баҳор таърифи, ғалабадан

«Амир Темирунинг фамилияси, Шарқий Европанинг тақдирини буткул ўзгарттириб юборди ҳамда Хиндистон ва Яқин Шарқнинг тақдирини сезиларли из қалдириди».

Жан Пол Ру,
Франция

¹ Louis Le Roy. De la vicissitude ou variété des choses en l'univers, et concurrence des armes et des lettres par les plus anciennes et plus illustres nations du monde, depuis le temps où a commencé la civilité, et menueir humaine jusqu'à présent. Paris: Chez Pierre l'Huillier. 1575. – P. 108.

² Louis Le Roy. De la vicissitude ou variété des choses en l'univers, et concurrence des armes et des lettres par les plus anciennes et plus illustres nations du monde, depuis le temps où a commencé la civilité, et menueir humaine jusqu'à présent. Paris: Chez Pierre l'Huillier. 1575. – P. 109.

³ La Vicissitudine ó mutabile varietà delle cose nell' universo, di Luigi Regio... tradotta dal sig. cavalier Hercole Cati... [Con una epistola dedicatione da Nicotè Manassè]. In Venetia: presso Aldo, 1592 – 327 p. Internet-адрес: <http://www.corpus-philol.fr/leroy-vicissitude-choses-univers.html>

⁴ Of the interchangeable course, or variety of things in the whole world and the concurrence of armes and learning, thorough the first and famousst nations: from the beginning of civility, and memory of man, to this present Monour, whether it be true or no, that there can be nothing sayd, which hath not ben said heretofore: and that we ought by our owne inventions to augment the doctrine of the auncients: with contenting our selves with translations, expositions, corrections, and abridgments of their writings. Written in French by Luys le Roy called Regius, and translated into English by Ashley Robert, At London: Printed by Charles Yemontour Esq; at his house in Fleetstreet neere the Middle Temple gate, 1594.

⁵ Louis Le Roy. De la vicissitude ou variété des choses en l'univers. Édité par Philippe Desan (éditeur et vernificateur). Paris: Fayard. 1988. – 443 pages. Бағрафси Франция Миллий кутубхонасининг расмий саҳифаси адраси: <http://catalogue.bnf.fr/ark:/12148/cb349394111>.



Франсуа Вольтер
François Voltaire

(салтанати) тамонила Амир Темурга буйсунмаган. Сохибқироннинг фарзандлари Искандар Зулкарнайн ворислари сингари салтанатни тақсимлаш мақсадида урушлар олиб борган. Ҳиндистон жуда бахтсиз бўлган. Икклими халим табиатли бу мамлакат уларга қаттиқ қаршилиқ курсатмаган. Амир Темурнинг эвараси султон Бобур Самарқанддан Аграгача қузилган бутун мамлакатнинг мутлақ эгасига айланган¹.

Кези келганда айрим китобхонлар Вольтер қаламига мансуб «Хитойлик етим» («L'orphelin de la Chine») номли фалсафий трагедияда бош қаҳрамон сифатида Амир Темур образи талкин этилган, деб хато уйлашларини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Аслида, ушбу асарда «муғул-татарлар ҳукмдори» сифатида Темучин, яъни Чингизхон ҳақида сўз боради. Бирок Вольтернинг айна шу асаридан илҳомланиб, француз драматурги, либреттонавис ва театр арбоби Этьен Морель де Шедевиль «Амир Темур»² номли либреттосини ёзган.

Вольтер ўрганган Амир Темурга доир тарихий манбаларнинг чекланганлиги туфайли унинг асарларида Сохибқиронга нисбатан «муғул-татар» каби ноилмий ифодалар қўлланилган уринлар учрайди. Шунга карамай, унинг Амир Темур ҳақида алоҳида тўқталиб ўтганининг ўзи муҳимдир.

Салкам уч юз йил давомида жаҳон шарқшунослик фанига салмоқли ҳисса қўшган, ҳар қандай сиёсат ва мафкурадан ҳолисликлари сабабли мулоҳаза юритиш ва хулоса чиқаришда эркин бўлган француз олимулари сарҳадлари олис-олисларга ёйилган буюк Амир Темур салтанати ва теуирийлар сулоласи туғрисида чуқур тадқиқотлар олиб бориб, йирик асарлар яратганлар.

Француз шарқшунослик мактаби XVII асрдан бошлаб шакллана бошлаган. Ушша даврда Европада Шарқ мамлакатларига бўлган қизиқиш тобора ортиб борган. Шарқ давлатларига қўплаб илмий-тижорат экспедициялари уюштирилиб, олинган маълумотлар умумлаштириб турилган. Айна пайтда Шарқ, шу жумладан, Марказий Осиё тарихи, маданияти, фани ва санъатига қизиқиш кучайган. Чунки Марказий Осиё ўзининг жуғрофий ўрни, бой маданий меросига қўра Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида илмий, маданий, маърифий ва диний ғояларни ёйишда муҳим тарихий ўрин тутган.

Француз шарқшунослигида Амир Темурга бағишланган асосий Шарқ манбаларини француз тилига таржима қилиш диққат маркази бўлиб келган ва келмоқда. Бу соҳада амалга оширилган катта ишлар сирасида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг Франсуа Пети де ла Крўз³ (François Pétis de La Croix) таржимаси,

¹ Voltaire: Essai sur les mœurs et l'esprit des nations. Tome III. Chapitre 157. Du Mogol. - P. 363.

² Tamerlan Poème de Mr. Morel et Musique de Mr. Winter. Opéra en 4 actes. - Livret d'Etienne Morel de Chevigny & après «L'orphelin de la Chine» de Voltaire. - 1re représentation: Paris, Théâtre de l'Opéra, 14 septembre 1802, 41 pages.

³ Франсуа Пети де ла Крўз (François Pétis de La Croix) (1653-1713) - француз шарқшунослик дипломат ва таржимон. Али Яздийнинг «Зафарнома» асари дастлаб Франсуа Пети де ла Крўз томонидан таржимани ҳисобинан ва ўзининдан сўнг 1722 йилда чоп этилган. Франсуа кўпроқ сўзларнинг араб тили таржимаси оқимига дуруста келмаганини учун ҳам Шарқ тилларига ва маданиятига баъзи халас қўшган. Отасининг ўлимидан сўнг сарой таржимони вазифаси унга юклатилган ва Лаволенс Э.П.нинг давлат қотиби Кольбер томонидан Шарққа жўнатилган, яъни 91 йил Сулейман эрза ва Туркияга янаб илоҳ эрзаган. Бир мундат Франциянинг Мароккодаги элчихонасининг шоттоби ва халфасида ҳам ишлаган. У «Турк эрзаларни, беш йилдан иборат «Минг бир кеча» эрзалар тўғрисида, «Араблар тили» эрзати», «Эрзининг таъсифи» каби асарлар муаллифи ва таржимонли хисобланади. «Зафарнома» асрининг 1425 йилдаги турк вариантини Франсуа Пети де ла Крўз махрир билим буюк Амир Темур ваки Темурбек тарихи» (Histoire de Timur-Bec, connu sous le nom de grand Tamerlan, écrite en persan par Charfeddin Ali Yezdi et traduite en français par François Pétis de La Croix, publiée par Alexandre-Louis-Marie Pétis de La Croix, Paris, 1722, 4 vol., in-12.) номли асарини таржимани қилган.



Сильвестр де Саси
Sylvestre de Sacy

Ибн Арабшохнинг «Ажойиб ал-макдур фи тарихи Таймур» асарининг «Буюк Темур тарихи» номи билан Пьер Ватье¹ таржимаси, Абулғози Баходурхоннинг «Муғул-татарлар тарихи»² асарининг Барон Демезон таржимаси, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш ўрни» асарининг А. Галлан³ таржимаси, Ибн Халду⁴ «Таржимай хол»нинг В. Де Сман⁵ таржимаси, Ибн Баттута⁶ «Саҳатлар»нинг С. Дефремери ва В. Сангинетти таржимаси, Мирзо Улуғбек «Икки Кўрагоний»сининг Л. Седие⁷ таржимаси, Мирхонднинг «Сосониёлар тарихи» асарининг М. Дефремери⁸ таржимаси ва бошқа асарларни кўрсатиш мумкин.

1787 йили таниқли француз олими Л. Лаггле «Темур тузуқлари»ни француз тилига таржима қилган. Низомиддин Шомий «Зафарнома»сининг чех олими Ф. Тауэр⁹ томонидан қилинган французча таржимаси 1932 йилда Прагада чоп этилган бўлса, Ҳофиз Аbruнинг Низомиддин Шомий «Зафарнома»сидан парчалари машҳур француз шарқшунос олими А. Массенинг «Форс антологияси»¹⁰ тўпламида 1950 йилда Парижда нашр қилинган.

Француз шарқшунослари тарихий манбалар таржимаси билан бир каторда Амир Темур шахси, темурийлар даври маданияти ва тарихига бағишланган тадқиқотлари чоп эта бошлаганлар. 1822 йили таниқли француз олими Сильвестр де Саси Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI билан ёзишмалари тўғрисида мазмувли мақола ёзган¹¹.

Француз темуршунослари жавонидан муносиб жой ошган асарлар жумласига Сенкционнинг «Буюк Амир Темур тарихи»¹², А.К. Мураджа д'Оссоннинг «Чингизхондан Амир Темургача муғуллар тарихи»¹³, А. Моранвилленинг «Амир Темур ва унинг сарой аҳли хотиралари»¹⁴, Р. Марганинг «Амир Темур тарихи»¹⁵, Э. Бло-

¹ Пьер Ватье (Pierre Vattier) (1623-1667) - таниқли француз шарқшуноси ва табиб. Кирол коллежининг араб тили ўқитувчиси, тилшунос кампа таржимон. У Ибн Арабшохнинг «Ажойиб ал-макдур фи Назойб Таймур» (Ajdab al-Makdour fi Nawab Timour) асарини биринчи марта ба 1657 йилда француз тилига ўтказган. Шунингдек, Пьер Ватье Ўсиен тарихи тўғрисида таъбир, Амриенна (Ибн Сино) ва Миср шайхизматиси ҳақида машҳур асарлар ёзган.

² Абулғози Баходурхоннинг «Муғул-татарлар тарихи» номи асари йил Фаро шарқшуносларига катта шифатида катта хизмат қилган бўлиб, Барон Демезон (Baron Desmazières) томонидан 1871 йилда шарҳлар билан таржима қилинган.

³ Abdoulzakk Samarkandi. Lever des deux autres hemispheres et la reunion des deux mers (147), trad. Française tradite d'Antoine Galland, Paris, B.N., 1715.

⁴ Ibn Khaldoun. Prolegomenes historiques, trad. Française de W. de Sacy, Paris, 1802.

⁵ Ибн Баттута (Абдуллах ибн Мухаммад ал-Лавата ар-Ташан, 1304-1377) - машҳур араб тарихчиси.

⁶ Ibn Battuta. Voyages d'Ibn Battoutah. Texte arabe accompagné d'une traduction par C. Defremery et le Dr. Sanguinetti. - Paris: 1853-1859, Vol. 4; Leningrad Asya muz. Yozm. Nr. 506 ib; British Mus. Or. 1566.

⁷ Oulough Beg. Tables astronomiques (vers 1448), trad. Française de L. Sedillot, Paris, 1853.

⁸ Mirkhond. Histoire des Sassanides, trad. Française de M. Defremery, Paris, 1845.

⁹ Tauer F. Vorbericht über die Herausgabe der Zalmame / Archiv Orientali, Prague, 1902.

¹⁰ Masse H. Anthologie persane, Paris, 1950.

¹¹ Sacy, Sylvestre de, Memoire sur une correspondance inedite de Tamerlan avec Charles VI dans

les Mémoires de l'Académie des Inscriptions, VI (1822), pp. 470 et 522.

¹² Saintcyon, Sieur de Histoire Du Grand Tamerlan. Texte d'un Excellent Manuscrit, et de Quelques

Autres Originaux; Tres-Propre a Former un Grand Capitaine. Paris, Andre' Parland 1679 - 424 pages.

¹³ Abraham Constantin Mouraides d'Oluson. Histoire des Mongols, depuis Tchanguis-Khan

Jusqu'à Timour Bey ou Tamerlan. Arrondé avec Frédéric Muller 1853 - 774 pages.

¹⁴ Memoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1400 / publié par M. Moranville / Paris

Bibliothèque de l'école des chartes, 1894, tome 55 - P. 433-464.

¹⁵ Jean-Baptiste Margat de Tilly. Histoire de Tamerlan, empereur des Mogols et conquérant de l'Asie.

Paris, H.L. Guerin, 1739. - 396 pages.



Абрахам Константи́н
Мураджи д'Оссон

Abraham Constantine
Mouradgea d'Ohsson

шенинг «Амир Темур кабртошидаги битиклар»¹, Де Круазиенинг «Темурийлар даврида Самарқанд ёдгорликлари»², Ж.Капюнинг «Амир Темур салтанати буйлаб»³, Ужфалви-Бурдоинг «Париждан Самарқандга»⁴, Э. Галлуанинг «Амир Темур пойтахтига саёхат»⁵, И. Морелнинг «Самарқанд ёдгорликлари»⁶, Х. Мозернинг «Марказий Осиё буйлаб»⁷, Е. Бланнинг «Марказий Осиёга саёхат чизгилари»⁸, Д. Каунининг «Осиё тарихига кириш»⁹, Ж. Де Рмалнинг «Марказий Осиё ҳақида хотиралар»¹⁰ кабилар киради.

Амир Темур ва темурийлар даврини илмий тадқиқ этган француз мутахассислари ҳақида суз юритганда, жумладан, куйидаги машхур олимлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтиш лозим.

Абрахам Константи́н Мураджи д'Оссон (Abraham Constantin Mouradgea d'Ohsson, 1779-1851) – 1779 йил 26 сентябрда Константинополда (ҳозирги Истанбулда) дунёга келган, асл келиб чиқиши арман булган швейцариялик тарихшунос ва дипломат. Унинг отаси Игнатий Мураджи д'Оссон (Ignace Mouradja d'Ohsson, 1740-1807) машхур ёзувчи ва дипломатлардан бўлиб, «Муҳаммад конунчилиги ва Усмонлилар империяси тарихидан иборат икки бўлимли Усмонлилар салтанати тасвири»¹¹ номли асар ёзган.

Д'Оссонлар oilаси турк, арман ва форс тилларини мукаммал билган. Филология фанлари доктори Абрахам барон титули соҳиби ва Стокгольм Адабиёт ва фан академияси аъзоси булган. 1824-1835 йилларда «Мўғуллар тарихи, Чингизхондан Темурбей ёки Темурга»¹² мавзuida йирик илмий тадқиқот ишини амалга оширган. Мазкур изланишлар Франциянинг Париж ва Голландиянинг жанубидаги Лейден шаҳарларидаги кутубхоналарда олиб борилган. Гарчи асар Парижда ёзилган бўлса-да, француз тарихчилар мактабининг сиҳуви оқибатида Гаага ва Амстердам шаҳарларида нашр этилган. Ушбу асарнинг бир қисмигина, яъни Чингизхонга бағишланган жилди 1937 йилда россиялик тарихчи ва этнограф, жамоат арбоби, профессор Николай Николаевич Козьмин томонидан рус тилига таржима қилинган¹³.

Абрахам Константи́н Мураджи д'Оссон каламига мансуб ушбу китобнинг биринчи жилди тарихий манбаларнинг умумий тавсифи, Марказий Осиёдаги қучманчи халқлар, Мўғул империясининг пайдо бўлиши, Чингизхон фаолияти, унинг юришлари ва узига хос хусусиятларидан иборат маълумотларни ўз ичига олган.

Асарнинг иккинчи жилди ҳар бири етти бобдан иборат икки бўлимдан ташкил топган. Мўғул салтанатининг турли ҳукмдорлар

¹ Blochet E. Epitaphe du tombeau de Tamerlan / Revue Archéologique, Paris, 1897.
² Carozier De. Les monuments de Samarhand de l'époque des Timurides, Paris, 1891.
³ Capus G. A travers le Royaume de Tamerlan, Paris, 1892, – 434 p.
⁴ Litalry-Bourdon. De Paris a Samarhande, Paris, 1880.
⁵ Collom E. Excursion à la capitale de Tamerlan, Lille, 1898.
⁶ Morel E. Les monuments de Samarhand, Lyon, 1909.
⁷ Meier H. A travers l'Asie Centrale, Paris, 1885.
⁸ Marc J. Note de voyage en Asie Centrale, Paris, 1893.
⁹ Cahier L. Introduction a l'histoire de l'Asie Turcs et Mongols. – Paris, 1896 – 519 p.
¹⁰ Ittelle de G. Mémoire sur l'Asie Centrale, Paris, 1875.
¹¹ Tableaux généraux de l'empire Ottoman, divisé en deux parties, dont l'une comprend la Législation Mahométane, l'autre, l'histoire de l'Empire Ottoman. Dedié au roi de Suède, Paris, de l'imprimerie de Mousart, 1787-1790.
¹² Abraham Constantin Mouradgea d'Ohsson. Histoire des Mongols, depuis Tchinguiz-Khan jusqu'à Timur Bey ou Tamerlan. Amsterdam, Frederik Multer, 1852 – 774 pages.
¹³ Д'Оссон К. История монголов от Чингиз-хана до Тимурлана / предисл., примеч. и пер. Н. Козьмина. – Москва, ИИЛ, 1932 – 262 с.



Шарль Анри Огюст Шефер
Charles-Henri-Auguste Schefer



Шарль Шефер томонидан
тузилган «Шарк кўлемалари
туплами каталоги».
Париж, 1900.

«Catalogue de la collection
de manuscrits orientaux,
formée par Charles Schefer.
Paris, 1900.

пайтидаги ахволи, Хитойнинг Юань сулоласидан Маньчжурия босқинчиларига қадар бўлган давр хикоя қилинган. Жумладан, бешинчи боб Амир Темурга бағишланган бўлиб, унинг сиёсий саҳнага чиқиши ва Чингизий шахзодалар томонидан тан олинishi буйича кизикарли маълумотлар берилган¹. Учинчи ва тўртинчи жилдлар 12 та ва 14 та бобдан таркиб топган бўлиб, асосан мўғулларнинг Эрондаги ҳукмиронлиги ҳақида суз юритилади.

ДУссоннинг китобида ҳар бир боб алоҳида мўғул ҳукмдорига бағишланган. Асар кизикарли маълумотларга жуда бой. Унинг узида ҳосилги ҳам айнан атоқли отларнинг кўп ишлатилганлигидадир. Воқеаларга тўлиқ бадийий ифода услубида таъриф берилгани янада аҳамиятлидир.

Тўрт жилшнинг умумий ҳажми 2540 саҳифани ташкил этади. Нашрга Мўғул империяси ёйилган ҳудуд ҳаритаси, Чингизхон ва унинг Хитой, Эрон, Туркистон ва Дашти Қипчоқдаги авлодларининг шажараси илова қилинган.

Европадаги мўғулшунослик мактабининг асосчиси Абрахам Константин Мураджи д'Оссон 72 ёшида, 1851 йил 25 декабрда вафот этган.

Шарль Анри Огюст Шефер (Charles Henri Auguste Schefer, 1820-1898) 1820 йил 16 ноябрда Париж шаҳрида туғилган француз шарқшунос олими, таржимон, филолог, географ ва тарихчи ҳисобланади. Форс тили ўқитувчиси бўлган Шарль Анри 1867 йилдан умрининг охирига қадар Франциянинг Шарк тиллари ва маданияти институтига раҳбарлик қилган.

Шарль Анри Шефер ҳаёти давомида жуда муҳим тарихий ёлгорликлардан бир қанчасини француз тилига таржима қилган ва нәшр этган. Жумладан, Мир Абдул-Карим Бухорийнинг 1818 йилда ёзилган «Марказий Осиё тарихи (Афғонистон, Бухоро, Хива, Қўқон)» номли асарини 1876 йилда француз тилига таржима қилган. Шарқшунос олим Шефер 77 ёшида, 1898 йил 3 мартда вафот этган.

Поль Пеллио (Paul Pelliot, 1878-1945) 1878 йил 28 майда Париж шаҳрида туғилган француз хитойшуноси ва тибетшунос, 13 тилда эркин сузловчи тилшунос олим, кўлемалар буйича мутахассис бўлган. У машҳур ҳиндшунос олим Силвен Леви ва археолог Эдуард Шаваннинг шогирди бўлиб, мўғуллар ва Марказий Осиёда яшовчи халқлар тили ва маданиятини чуқур ўрганган. Шунингдек, Хитойдаги даосизм, буддизм ва бошқа динларнинг тарихи ҳамда аҳамияти ҳақида излашлар олиб борган.

Дастлаб Поль Пеллио дипломатик карьера қилиш мақсадида Шарк жонли тиллари мактабида (Ecole des Langues Orientales Vivantes) хитой тилини ўрганган. Шу тариқа 1900 йилда Ханойга келган ва Ихэтуань кўзловонида иштирок этган. 1918 йилда дўсти Стефан

¹ Abraham Constantin Moutouffes d'Obason. Histoire des Mongols, depuis Tchingsaï-Khan jusqu'à Timur Bey ou Tamerlan. Amsterdam: Federat Müller, 1852 - 774 pages.

² Мир Абдул-Карим Бухорий - XVIII асрнинг 2-ярмида Бухорода туғилган Бухоролик 1800 йилда Истанбулда вафот этган саъд ва тарихчи олим. Абдул-Карим Бухорий Бухоролик сандларга мансуб бўлиб, 1818 йилда Мир Сайфулло тоғрилик сулола ишларини бошқарган. 1817 йилда Бухорони тарқ этиб, Истанбулга эгилар делегацияси таркибига кўчиб келган. У 1806 йилда Бухорони тарқ этиб, Истанбулга эгилар делегацияси таркибига кўчиб келган. 1817 йилда Ахмедшоҳ Дурроний дашрқдаги воқеаларни та ширловчи тарихий-географ асарини ёзган. Ушбу асар 1873-74 йилларда Мисрда форс тилида chop этилган ва 1876 йилда француз тилига таржима қилинган (Абдул-Карим Бухорийни бошқа бир тарихчи олим - Мирза Шаҳ Бухорий билан административик олим). Карим: «Кавказнинг миллионлиқ аҳолисининг, 1-том.

³ Histoire d'Afrique Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand) Depuis les derniers années de règne de Nadir Chah (1153), jusqu'en 1233 de l'Ègre 1876.



Поль Пеллио
Paul Pelliot

Пишон кўмаги билан П. Пеллио Франциянинг Пекин шаҳридаги харбий атташеси бўлиб ишлаган.

1905 йилда Поль Пеллио Шарқий Туркистондаги француз экспедициясига раҳбарлик қилган. Темир йул орқали Тошкентга, сўнг Андижонга сафар қилган. Унинг 1922 йилда ёзилган «Мўғуллар ва Папалики»¹ асари Шарқдаги насронийлар дунёсида маълуму машҳурдир. Хусусан, ушбу асарда Амир Темуր даврида тенг имкониятларга эга бўлган насронийлар ҳаёти, уларнинг турмуш тарзи ҳақида маълумотлар берилган.

Бундан ташқари, 1949 йилда ёзилган «Олтин Ўрда тарихи ҳақидаги ёзувлар»² номли асарида, гарчи таъриф берилмаган бўлса-да, «Амир Темуր» сўзи уч жойда тилга олинган бўлиб, хусусан, Анри Моранвилленинг (Henri Moraville, 1863–1946) «1403 йилда Амир Темуր ва унинг сарой даргоҳи ҳақида бир роҳибнинг хотираси»³ номли асарига ҳаволалар келтирилган.

Поль Пеллио 1901 йилда «Фохрий легион» ордени билан тақдирланган. 1911 йилдан Коллеж де Франс профессори, 1921 йилдан Адабиёт ва фан академияси аъзоси ва 1935 йилдан Осие жамияти (Société Asiatique) раиси бўлган. Поль Пеллио 1945 йил 26 октябрда, 67 ёшида вафот этган. Олимнинг ўлиmidан сўнг унинг «Мўғулларнинг махфий тарихи»⁴ асарига Рене Груссе суз боши ёзиб, чоп эттирган.

Рене Груссе (René Grousset, 1885–1952) – 1885 йил 5 сентябрда Франциянинг жанубида жойлашган Обе шаҳарчасида дунёга келган тарихчи ва осийшунос олим. У Монпелье Университетида тарих йўналиши бўйича бакалавр дипломини олган. Биринчи жаҳон урушида катнашиб, 1915 йилда ярадор бўлганига қарамай, харбий хизмати давом эттирган. Урушдан сўнг тарих ва география фанидан Шарк тиллари мактабида дарс берган. Шунингдек, Сиёсий фанлар мактаби ва Лувр мактабида ўқитувчи, Лувр ва Гиме музейларида назоратчи, 1933 йилдан Серньюши музейи директори вазифаларида ишлаган. «Осие газетаси» котиби ва Миллий музейлар кенгаши аъзоси, 1946 йил 16 февралда эса Француз Академиясига аъзо бўлган. Осийшунос олим Рене Груссе 1952 йил 12 сентябрда вафот этган ва Монпарнас қабристонига дафн этилган.

Рене Груссе «Осие тарихи»⁵ (1921–1922), «Шарқона фалсафа тарихи. Хиндистон, Хитой, Япония»⁶ (1923), «Осие уйғониши. Британия империялими ва ҳалқлар ҳўзропони»⁷ (1924), «Якин Шарк тарихи»⁸ (1929), «Булда изларидан»⁹ (1929), «Шарк цивилизацияси»¹⁰ (1929–30), «Нодиришоҳ»¹¹ каби асарлар муаллифидир. У, шунингдек, 1938 йилда «Даъватлар



Рене Груссе
René Grousset

¹ «Les Mongols et la Papauté. Documents nouveaux édités, traduits et commentés par M. Paul Pelliot avec la collaboration de MM. Borghesio, Masse, and Tisserant, Revue de l'Orient chrétien, 3e sér. 3 (23), 1922/23, – p. 3–30.

² Paul Pelliot. Notes sur l'histoire de la Horde d'or. Paris: Librairie d'Amérique et d'Orient, 1949. – 292 pages.

³ Mémoire sur Tamurlen et sa cour par un dominicain, en 1403 / publié par H. Moraville / Paris: Bibliothèque de l'École des chartes, 1944.

⁴ Paul Pelliot. Histoire secrète des Mongols. Paris: Librairie d'Amérique et d'Orient, 1949. – 197 pages.

⁵ Grousset, René. Histoire de l'Asie, tome III (Le Monde Mongol), Paris, 1922.

⁶ Grousset, René. Histoire de la philosophie orientale. Inde, Chine, Japon, 1923.

⁷ Grousset, René. Le Reveil de l'Asie. L'imperialisme britannique et la révolte des peuples. Paris: Plon, 1924.

⁸ Grousset, René. Histoire de l'Extrême-Orient, 1929.

⁹ Grousset, René. Sur les traces du Bouddha, 1929.

¹⁰ Grousset, René. Les Civilisations de l'Orient, 1929–1930.

¹¹ Grousset, René. S. M. Nâdir shâh, 1930.



Жан-Пол Ру
Jean-Paul Roux

«Люсьен Буванинг теран тадқиқотидан сўн машҳур муарриф Рене Груссе ўзининг «Даштлар салтанати» асарида Амир Темурга хатта ўрин ажратган, бироқ унда адиб ўз қаҳрамони образи орқали Чингизхон ва унинг явлодлари доимо темурийлардан устун келган, деган егалати бир фикрни ола сурди».

Люсьен Керен

империяси, Аттила, Чингизхон, Амир Темур¹ номи асарини ёган. Мазкур асар 1965 йилга қадар тўрт мартаба қайта нашр этилган. Китобнинг «Осиёнинг юқори қисми XIII асрга қадар» деб номланган биринчи бўлими 4 бобдан иборат. Иккинчи бўлим 7 бобдан ташкил топган бўлиб, Чингизхон ва мўғуллар тарихига бағишланган. Учинчи бўлимида Мўғуллар империясининг охириги вакиллари ва Шайбонийлар ҳамда Аштархонийлар сулолаларига доир маълумотлар берилган.

Иккинчи бўлимнинг 7-бобида Амир Темур ҳаёти ва фалляти ҳамда унинг сулоласига оид маълумотлар берилган. Жумладан, Амир Темур ва Амир Хусайн уртасидаги кураш, Темурийлар салтанати, Хоразмнинг босиб олинishi, Мўғулистон ва Ҳўғуристонга юриш, Шаркий Эроннинг забт этилиши, Амир Темур ва Дашти Қипчоқ, Ҳиндистонга юриш, Мамулқлар ва Усмонли турклар салтанати, Хитойни забт этиш, Шохрух Мирзо хукмронлиги даври, Абу Саид сўнгги Темурийлар вакили каби маъзулар мазкур бобдан ўрин олган. Р. Груссе Ибн Арабшоҳнинг асаридан асосий манба сифатида фойдаланган. Ушбу асар 2006 йилда француз тилидан Ҳамид Ҳамраев томонидан рус тилига таржима қилинган².

Жан-Пол Ру (Jean-Paul Roux, 1925–2009) – 1925 йил 5 январда Париж шаҳрида дунёга келган туркшунос, мўғулшунос ва ислом маданияти буйича мутахассис, француз тарихчи-этнолог олими, темуршунос мутахассис Люсьен Кереннинг яқин дўстларидан бири бўлган.

Жан-Пол Ру Париждаги Шарк тиллари миллий мактаби ва Лувр мактабида (Ecole du Louvre) таҳсил олган. У 27 ёшида Илмий тадқиқотлар миллий марказига ишга кирган ва бу ерда тадқиқот раҳбари бўлган. Шу билан бирга, Лувр мактабида ислом маданияти ва куптура шарк тилларидан таҳсил берган.

У Париж шаҳрида мусулмон дунёсига бағишланган иккита йирик курғазма – 1971 йилда «Оранжерия» ва 1977 йилда «Буюк сарой» номи кулғазмаларни ташкил қилган. Шу тариха Жан-Пол Ру ташаббуси билан Лувр музейи қошида 2003 йилда Ислам маданияти бўлимига асос солинган.

Жан-Пол Рунинг «Бобур. Буюк Мўғуллар тарихи»³, «Амир Темур»⁴, «Марказий Осиё тарихи ва цивилизацияси»⁵ каби асарлари Амир Темур тарихини французлар нигоҳида куришга ёрдам беради. Масалан, муаллифнинг фикрига қўра, «Буюк шахс билан машҳур шахсни адаштирмаслик лозим. Бобур машҳур эмас, балки буюкдир. У Ҳиндистонда Буюк Мўғуллар империясига (1526–1858) асос солган. Бу салтанатни 1876 йилда Англия кироличаси Виктория тузувига умчалик узгартириш киритмасдан меросдек қабул қилган. Истеъдодли шoir бадий шох асари «Бобурнома» орқали даҳо даражасига кўтарилди»⁶.

Жан-Пол Рунинг «Амир Темур» асари кириш, икки бўлим, хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар каби қисмларга бўлинган. Биринчи бўлим тарихий воқеа-ҳодисалар талқинига, иккинчи бўлим Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган. Биринчи бўлимида Амир Темурнинг ҳаёти ва харбий юришлари ҳикоя қилинган. Муаллиф Амир Темурнинг ҳаёти ва харбий юришлари ҳикоя қилинган. Муаллиф Сохибкирон ҳаётини саргузаштта ўхшатган. Амир Темур салтанатини

¹ Grousset, René. L'Empire des steppes. Attila, Gengis-Khan, Tamerlan. Paris. Fayard, 1966. – 669 pages.

² Груссе Рене. Империя степей. Атиллa, Чингис-хан, Тaмeрлан. Париж. Фaйард, 1966.

³ Jean-Paul Roux. Babur. Histoire des Grands Moghols. Paris Fayard, 1986.

⁴ Jean-Paul Roux. Tamerlan. Paris Fayard, 1991. – 306 pages.

⁵ Jean-Paul Roux. L'Asie centrale. Histoire et civilisation. Paris Fayard, 1997.

⁶ Jean-Paul Roux. Babur. Histoire des Grands Moghols. Paris Fayard, 1986.



Жан Обен
Jean Aubin

шақлантиришда Самарқандни пойтахт сифатида қабул қилиши сабабларига алоҳида тўхталиб ўтган.

Иккинчи булим Амир Темурнинг шахсий фазилятлари тавсифидан бошланиб, унинг ислом дини билан бир қаторда насронийлик, буддавийлик динлари, илм-фан, меъморчилик, маданият, маърифатга бўлган муносабати очиб берилган. Ушбу бўлимда Амир Темур сийрага айрим чизгилар чизилган. Унинг ташқи кўриниши, метин ирода-си, қаттиққўллиги, бироқ инсоний ҳиссиётлар эгаси эканлиги эътироф этилган. Жан-Пол Ру Амир Темурнинг «шафқатсиз»лиги буйича ҳасадгўй тарихчилар важдарини инкор этиб, ҳатто асослаб бергани, айниқса, ахамиятлидир.

Жан-Пол Рунинг кўпгина асарлари рус тилида, айримлари ўзбек тилида ҳам чоп этилган. Хусусан, унинг «Амир Темур» хикояси Абду-мурод Кўчибоев томонидан таржима қилинган¹. Жан-Пол Ру пойтахтдан узоқ бўлмаган Сен-Жермен-ан-Ле шаҳарчасида 2009 йил 29 июнда вафот этган.

Жан Обен (Jean Aubin, 1927-1998) – мусулмон Шарқи буйича йирик француз мутахассиси. Гарчи адибнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотлар оз бўлса-да, унинг Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шумий ҳамда Ҳофиз Аbru асарларини чуқур ўрганиш асосида ёзилган «Амир Темур шаҳарларни қандай оларди»² ҳамда «Чигатоӣ хонлиги ва Хуросон: 1334-1380»³ каби асарлари ўзбек китобхонлирига яқин таниш.

Айни чоғда, Жан Обеннинг Амир Темур мавзусида бағишланган, аммо оддий ўқувчи беҳабар бўлган илмий мақолалари ва асарлари кўп. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

- «Шероздаги Темурий хомий» (Le mécénat timouride à Chiraz / Paris: Larose, 1957);

- «Амир Темур Бағдодда» (Tamerlan à Bagdad / par Jean Aubin / Leiden: Brill, 1962);

- «Салжуқийлар Эронда шаҳар аслзодалиги: Сабзавор мисолида» (L'aristocratie urbaine dans l'Iran seldjukkide: l'exemple de Sabzavar / Poitiers: [s. n.], 1966);

- «Темурийлар давридаги аялий Кўхистоний» (Un santon Quhistāni de l'époque Timouride / Paris: Libr. Orientaliste Paul Geuthner, 1968)

- «Хуросонда Сарбадорлар давлатининг якуни» (La fin de l'état Sarbadār du Khorassan / par Jean Aubin / Paris: Société asiatique, 1974);

- «Озарбайжонни туркилаштириш борасида Ибн Баззоз гувоҳликлари» (Le témoignage d'Ebn-e Bazzaz sur la turquisation de l'Azerbaydjan / Jean Aubin / Paris: [s. n.], 1989);

- «Маданиятлараро чатишувада мўғул амирлари ва форс вазирларининг иштироки» (Emirs mongols et vizirs persans dans les remous de l'acculturation / Jean Aubin / Paris: Association pour l'avancement des études iraniennes, 1995).

Ж. Обен ўзининг «Амир Темур шаҳарларни қандай оларди» номли асарида Соҳибқиронга «Ғарб санъатининг даҳоси бўлган Темур буюк қаманин буюк дарғаси мисол ўтқир сиёсатдон ҳам бўлган», дея таъриф берган. Шу билан бирга, унинг давлат бошқарувида қаттиққўл бўлганини қайд этган.

«Ўзидан олдинги таърихчиларнинг аjoyиб таҳлиллари ва баъзилардан фойдаланган Жан Обен аниқ далилларга асосланиб ёзилган икки мақоласида XIV-XV асрлар бугунги кунга қадар утган Соҳибқироннинг кучли ва мураккаб образини тасвирлади».

Люсьен Керен

¹ - Азамат адибнинг «Журнали», 2002, № 2.

² - Aubin J. Comment Tamerlan prenait les villes // Sudia Islamica XIX, Paris 1963, - P. 83-122.

³ - Aubin J. Le Kharat de Djaghatal et le Khorassan (1334-1380) / Tunicia, Paris-Strasbourg, 1976.

⁴ - Aubin J. Comment Tamerlan prenait les villes // Sudia Islamica XIX, Paris 1963, - P. 83-122.



Марсель Брион ва унинг
«Менким, Соҳибкирон –
Жаҳонгир Темур» асари.
Тошкент, 2011 йил.

Marcel Brion et son livre «Tamerlan».
Lacien, 2011.

Марсель Брион (Marcel Brion, 1895-1984) - 1895 йил 21 ноябрда Франциянинг Марсель шаҳрида дунёга келган; Италия Уйғониб даври ва Германия романтизми бўйича мутахассис, романистик, санъатшунос тарихчи олим. Адвокат ўғли булган Марсель урта мактаб таълимини дастлаб Марселдаги Тье лицейида, сўнгра Швейцариянинг Шампите коллежида давом эттирган. Олий ўқув юрти тахсилини Франциянинг Экс-ан-Провансдаги ҳуқуқшунослик факультетида бошлаб, илк меҳнат тажрибасини 1920-1924 йиллар давомида Марселдаги адвокатлик бюросида адвокат вазифасида синаб кўрган. Бироқ у тезда соҳасини ўзгартиришга қарор қилиб, бор кучини адабиётга бахшида этган. Марсель Брион 1964 йилда Француз Академиясига аъзо бўлган.

М. Брион энг сермаҳсул француз ижодкорларидан. У юзга яқин асарларнинг муаллифидир. Адабий доираларда у аввал Италия ва Германия санъатининг ёрқин намоёндалари Макиавелли, Леонардо да Винчи, Боржиа, Боттичелли, Бартоломе, да Лас Каса, Роберт Шуман, Моцарт ва Европа Уйғониб даврининг машҳур намоёндалари ҳақидаги хотира ва таржимаи ҳол тусидаги асарлари билан китобхонлар орасида танилган.

«Менким, Соҳибкирон – Жаҳонгир Темур» асари¹ Марсель Брионни машҳур қилган китобларидан биридир. У Забуллохон Мансурининг форс тилига утирган «Темур тузуқлари» асосида тулдирилган ва қайта ишланган ушбу романини 1963 йилда нашр этган. Муаллиф ўз китобида Амир Темур тузуқларидан ва Соҳибкиронга замондош булган Ибн Арабшох, Ибн Халдуи, Шарофиддин Али Яшии, Султония шаҳри епископи Иоанн де Галонифонтибус, Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо, француз маршали Бусико асарларидан кенг фойдаланган.

Марсель Брион Темурийлар даври воқеаларига катта қизиқиб билдирган. У француз, немис ва инглиз тиллари билан бир қаторда араб тилини ҳам яхши билганлигини таъкидлаш лозим. Амир Темур тўғрисида асар ёзишдан аввал у Фарбий Европа ва Америка кутубхоналарида сакланаётган қўлёзмаларни синчиқлаб урганган. Унинг буюк Соҳибкирон тўғрисида асар ёзишига 1941 йилда Самарқандда Амир Темур ва темурий шахзодалардан бир неча кишининг қабри очилиб, олинб борилган тадқиқот ишлари ҳам туртки бўлган деган тахминлар мавжуд.

«Менким, Соҳибкирон – Жаҳонгир Темур»² асарининг биринчи нашри М. Брион томонидан 1942 йилда, тулдирилган ва қайта ишланган йили 1963 йилда Париждаги Альбин Мишелнинг «Writen in French» босмахонасида «Асрлар солномаси» туркумида «XIV аср. Тарихни яратган инсонлар» номи билан чоп этилган.

Марсель Брионнинг ушбу китобидаги каттагина «Қирин» қисмини академик Жерар Вальтер ёзган. Китобдан, асосан, М. Брионнинг «Амир Темур портрети» номли очерки жой олган. Асар «Буюк инсонлар, Амир Темур тузуқлари асосида», «Амир Темурнинг Ибн Халдуи билан учрашуви. Дамашк, 1401 йил», «Амир Темур заним кўзи билан: Ибн Арабшохнинг «Темур тарихида тақдир ажонинотлари» асари», «Амир Темур тузуқлари», «Амир Темур маршал Бусико нигоҳи билан», «Амир Темур ва унинг саройи Султония архиепископи назарида», «Амир Темур ва унинг саройи испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо «Амир Темур ва унинг саройи испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо таъсирида» каби булимлардан иборат бўлиб, ўз даврининг модир та-

¹ Marcel Brion, Tamerlan. - Paris: Albin Michel, 1963. - 382 pages.
² Marcel Brion. XIV siècle. Les hommes qui ont fait le siècle, 1963. - 301 pages.

рихий манбалари ҳоссида битилган. Бир сўз билан айтганда, китобда Амир Темурунинг таваллуд топишидан бошлаб вафотига қадар бўлган давр қамраб олинган.

Айни чоғда, ушбу асарнинг (янада аниқроғи, таржима матнининг) ҳаққонийлигига нисбатан юртимиз олимлари ва адиблари томонидан шубҳа билдирилган ўринлар мавжуд эканини ҳам қайд этиш лозим. Ҳўстсан, атоқли адабимиз Пиримқул Қодиров Марсель Брион асарининг 1971 йили Техронда форс тилида нашр этилган «Манам Темури Жаҳонқушо» матнини ўқиб: «М. Брионнинг мазкур китобида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳаёлий уйдирмалар кўп учрайди», деб таъкидлаган.

Асар 1995 йилда «Менким, фотиҳ Темури» номи билан кичкартирилган ҳолда «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган¹ унга тезлик билан, яъни 1995 йил 26 майда матбуот саҳифаларида ўз фикрини билдирган адиб Муҳаммад Алининг хулосасига қўра, «ушбу асар Амир Темури томонидан эмас, балки аноним автор томонидан ёзилган деган фикрга боради киши. Бунга асарнинг келиш йули – туркийси топилмагач, инглизчадан французчага, ундан форсчага, ундан ўзбекчага таржима қилиниши – далолатдай туюлади»².

Ҳақим Сатторий ҳам бу китоб «Сохибқироннинг ҳақиқий ҳаётидан чала хабардор киши томонидан ёзилганга ўхшайди»³, деган фикрини билдирган.

Ҳақиқатан ҳам, Марсель Брионнинг ушбу китоби бадий асар булганлиги сабабли унда баъзи ноаниқликлар, муболағалар, Амир Темурига нисбат берилган айрим ихтиролар, ҳарбий санъат, шариаат масалаларида бадийий уйдирмалар, чалкаш фикр ва хулосалар ҳам учрайди.

Шундай бўлишига қарамасдан, М. Брионнинг бу асари 2011 йили «Янги аср ақиоиди» нашриётида ўзбек тилида чоп этилди⁴. Ушбу нашр ҳам юртимиз зиёлиларининг эътирозларига учраганига эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Жумладан, таниқли олимлар – Ўзбекистон Миллий университети доценти Баҳодир Эрматов ва Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти Адхамбек Алимбековнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Марсель Брион ёзмаган китоб ёқуд сохташатирилган бир асар ҳўстусида» номли мақоласи чиқди.

Ушбу муаллифлар М. Брион асарининг ўзбекча нашрига бағишлаган танқидий-таҳлилий мақоласи якунида қуйидаги хулосалар баён этилган:

1. Марсель Брион асарининг номи ўзгартирилган.
2. М. Брион ёганлари таржиманда беш баробардан кўпроқ бўлиб кетган.
3. М. Брион асосий асарлари рўйхатида мазкур китобнинг ҳўрсатилмагани ҳам унинг адиб илмий-адабий меросидаги ўрни қандайлигидан далолат беради.
4. Русча нашрда Султония архиепископининг хотираларига аслиятда йўқ воқеалар қўшилган. Демак, французча нашрдаги хотиралар русча нашрлагисига (бу дегани – ўзбекча нашрдагига ҳам – А. С.) мос эмас⁵.

¹ П. Қодиров. Амир Темури ситмоси. илмий бадим. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 11-бет.

² Шарқ юлдузи, 1995, 1-2-сонлар.

³ Бу ҳақда Али Амир Темури чамали. – Т.: «Ўзбекистон», 2006. – 128-бет.

⁴ Х. Сатторий. Олтин силсила. – Т.: «Шарқ», 2006. – 37-бет.

⁵ Марсел Брион. Менким, Сохибқирон – Жаҳонқури Темури / Таржимонлар Ф. Рузиев, П. Тополов.

– Т.: Янги аср ақиоиди. – 2011. – 592 бет; Marcel Brion, Tamerlan, Alfan Michel, 1963. – 382 pages.

⁶ Баҳодир Эрматов, Адхамбек Алимбеков. Марсель Брион ёзмаган китоб ёқуд сохташатирилган бир асар ҳўстусида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2015, 23 октябрь. – № 43. – 2-бет.

«Темуридан олдин ўтган бирорта ҳам мўсула ёки турк фотиҳи у каби доно ва маданиятли бўлмаган эмас. Атилла ва Александр Македонскида алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган хислатлар Амир Темури шаҳсида ҳақати бир уйғунлик ҳўсида қилганини қўриб ҳайратга тушади киши».

Марсел Брион,
Франция



Пьер Шувен ва унинг
Жерар Дежор билан
даммуаллофликдаги
«Самарқанд, Бухоро, Хива» китоби.
Париж: Фламарион. 2001 йил.

Pierre Chuvin et son livre
«Samarcande, Boukhara, Khiva»
avec-auteur Gérard Degeorget.
ico-auteur Gérard Degeorget.
Paris: Flammarion, 2001.

Марсель Брионнинг маъзур асари 1963 йили Парижда китоб ҳолда чоп этилгандан сунг илмий доираларда адабнинг мартабаси анча ошганини қайд этиш лозим. Унинг 1964 йилда Франция академиясининг аъзоси сифатида сайланганлиги худди пундан даъволат беради. Бу бежиз эмас. Чунки, М. Брион ўз асариди, юқориди тилга олинган мақола муаллифлари таъбири билан айтганда, Амир Темур шахсига одилона баҳо берган.

Яъни, М. Брион эътироф этганидек: «Темурдан олдин утган бирорта ҳам муғул ёки турк фотиҳи у каби доно ва маданиятли булган эмас. Аттила ва Александр Македонскийда алоҳида-алоҳида мавжуд булган хислатлар Темур шахсиди ғалати бир уяғунлик ҳосил қилганини куриб хайретта тушади киши». Шу билан бирга, адиб Соҳибқироннинг ташқи ва ички сифатини юксак баҳолайди. Амир Темурни «аюқир стратег, омадли саркарда», деб таърифлайди ва унинг эътиқоди, салтанатиди динларнинг ўрни, ҳолати хусусиди куйидагиларни ёзди: «Салтанатри дунюй ҳукук ҳукмирон булса-ди, Амир Темур шу кадар доно иш юригтар эдики, ўзини исломийот содик бандаси эманлигини курсатар ва шу билан бирга, Аллоҳдан уза тангриларга эътиқод куйган фуқароларига ҳам қаршилик биширмасти».

М. Брионнинг Темурга бағишланган асаридан ташқари, Микеланжело Буонарроти, Рихард Вагнер, Альбрехт Дюрер, Гете, Лесонардо да Винчи, Клее, Шагал, Кандинский, Савонарола, Вермеер, Шумац, Шуберт, Брейгель, Жотто, Грюневальд, Макиавелли ва бошқа тарихий шахслар ҳақида бир қатор китоблари чоп этилган.

«Фигаро» номли француз газетасининг 1994 йил 1 июлдаги сониди қайд этилганидек, «Марсель Брион адабиёт билан шуғулланмасдан олдин ҳам Европа тарихини яхши биларди. Ғарбда сузланганидан еттига асосий тилни билар ва истеъдодли шахслар билан яқин таниш эди. У ўз йулيني танлашни бидди ва адашмади». Марсель Брион 1964 йил 23 октябрда Париж шаҳридаги уйиди вафот этган ва Медондаги Лон Реаж қабристониди дафн этилган.

Соҳибқирон Амир Темур мавзуйга қизиқиш Францияда XX асрда янада кучайган. Хусусан, Амир Темурнинг инсоният тарихиди тутган ўрни ва мавқеи ҳақида ўнлаб илмий, тарихий ва бадний асарлар яратилган. Л. Буванинг «Темурийлар цивилизацияси ҳақида китоби», А. Дюрре ва Р. Фовелнинг «Самарқанд истехкоми», А. Шампдорнинг «Амир Темур», М. Першероннинг «Осиё хоқонлари», Э. Бернинг «Европатарихи: Аттиладан Амир Темурга», Р. Груссеннинг «Сахро Соҳибқирони», М. Брионнинг «Амир Темур. Асрлар хотиралари», В. Жераннинг «Асрлар хотиралари. Амир Темур», Л. Кереннинг «Самарқанд жоме масжидининг нақшкор ғишлари», Ж. Обеннинг «Амир Темур шахарларни қандай оларди»¹ ҳадида

¹ Баҳодир Эримот, Алдамбек Алтыбеков. Марсель Брион ёзган китоб бунд сойлаштирилган бир асар хусусиди // Ушбакистон адабиети ва соҳилте. 2015, 23 октябр. - № 43 - 2-бет.

² «Marcel Briou, c'était l'Europe avant la lettre. Il connaissait sept des langues principales parlées en Occident, et il les connaissait en découvreur de talents. Il a su choisir et il ne s'est pas trompé» (Le Figaro, 1er juillet 1994).

³ Lucien Bouvat. Essai sur la civilisation hmoiride. Inc Journal asiatique. 1926.

⁴ Durrieux A. et Fauvelle R. Samarcande la bien gardée. Paris, 1901.

⁵ Albert Champdor. Tamerlan. - Payot; Paris 1942. - 246 pages.

⁶ Percheron. Les conquérants d'Asie. Paris, 1951.

⁷ Beel E. Histoire de l'Europe: d'Attila à Tamerlan. Paris, 1934. - 609 pages.

⁸ Grousset, René, L'Empire des steppes. Attila, Gengis-Khan, Tamerlan. Paris, 1938. - 362 pages.

⁹ Marcel Briou. Tamerlan. Le mémoire des siècles. Paris. Albin Michel, 1963.

¹⁰ Walte G. Le Mémorial des siècles. Tamerlan. Paris, 1963.

¹¹ Ketven L. Brixie émaillée de la grande mosquée de Samarcand / Journal Asiatique, Paris, 1962.

¹² Aubin J. Comment Tamerlan prenait les villes // Sudia Islamica XIX, Paris 1963.

«Чигатой хонлиги ва Хуросон: 1334–1380»¹ каби асарлар темуршуносликка қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Француз шарқшунослари асосий асарларининг қисқача таҳлили Л. Керенинг «Самарқандга, Темур даврига саёҳат» номли китобида², Ж. Обеннинг «Амир Темур шаҳарларни қандай оларди» мақоласида ва Ж.П. Рунинг «Амир Темур» асарида³ берилган.

XX асрнинг 90-йилларида ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган Марказий Осиё республикаларининг, хусусан, Ўзбекистоннинг ўтиши ва ҳозирги кунига муносабат «қизил империя» даврида феолиятини анча сусайтирган француз шарқшунослик мактаби вакиллари яна илимий изланишларга, зияратларга, кадимий қўлёзмаларни ўрганишга ундади. Натижада кейинги йилларнинг ўзида француз шарқшунослари каламига мансуб янги-янги китоб ва рисоалар чоп этилди.

Ўз навбатида, ҳозирги замон француз темуршунослиги намуналаридан Л. Керенинг «Амир Темур ёхуд Сохибқирон салтанати»⁴, «Амир Темур даврида Самарқанд йўли»⁵, Ж.П. Рунинг «Амир Темур»⁶ ва «Бобур»⁷, В. Фурньёнинг «Марказий Осиё тарихи»⁸ ва унинг тахрири остида чиққан «Самарқанд 1400–1500: Амир Темур пойтахти: салтанат ва Уйғониш юрғи»⁹ номли китоб, «Бобурнома»нинг Ж.Л. Бакз-Граммон таржимаси¹⁰, «Улугбек астрономия султони»¹¹ номли асарларини санаб ўтиш лозим.

Хусусан, француз тадқиқотчиси, Марказий Осиё бўйича этнограф олим Венсан Фурньё томонидан тузилган «Самарқанд 1400–1500. Амир Темур шаҳар-воҳаси: Уйғониш ва Салтанат юрғи»¹² номли китобида Темурийлар Уйғониш даври башариятнинг меросий бойлиги жани тазқиқотлари. Муғушар босқини ва Чин, Форс ёки Рус давлатлари муносабатлари Габ хотирасини қиралштириб қўйгани, бироқ у бизга ҳозирда долзарб бўлган тарихий сабоқ бераётганига эътибор қаратилади.

В. Фурньёнинг «XVI–XIX асрлар француз маданиятида Темурийлар мавзусининг айрим жиҳатлари»¹³ мавзусидаги мақоласида қайд

«Тошкент – Самарқанд – Амир Темур. Францияликлар бу шаҳарларни қуришни ва улуг тарихий арбоб ҳақида кўпроқ нарсаларни билишни орзу қиладилар. Амир Темурнинг номи Францияда у ҳаётлик вақтидан бери яхши таниш. Бу шахснинг Франция маданияти билан маънавий алоқалари бўлганлиги ҳам янги, чунки Амир Темур Франция кироллари каби маданият ва санъатга ҳоҳишлик қилган».

Жан Клод Ришар,
Франциянинг
Ўзбекистондаги
собиқ элчиси

¹ Aubin J. Le Khanat de Djaghatal et le Khorassan (1334-1380) / Turcica, Paris-Strasbourg, 1976.

² Kehrén L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition - Paris: Imprimerie Nationale, 2006. - P. 354.

³ Жан Обен (Jean Aubin, 1922–1998) – 1922 йида турилган Мустулмон Шарқи бўйича янги француз мутахассиси касбланиди. Жан Обенининг таржима асли, хусусан, унинг шахсий асли ҳақида маълумот аз бўлса-да, Шарқлидин Али Ядди ва Низомидин Шониллар томонидан ёзилган «Рўшаном қизини Хиндистон» («Хиндистон сафарининг қувдаллиги»), («Зафарнома») вакил Хофиз Афрининг асарларини чуқур ўрганиши асосли ёзилган «Амир Темур шаҳарларини таҳлил оларди» (Aubin J. Comment Tamerlan prenait les villes // Studia Islamica XIX, Paris 1963, - P. 83–122) ва «Чигатой хонлиги ва Хуросон: 1334–1380» (Aubin J. Le Khanat de Djaghatal et le Khorassan (1334-1380) / Turcica, Paris-Strasbourg, 1976) каби асарлари ўзбек китобхоналарида мавжуддир.

⁴ Jean-Paul Roux. Tamerlan. Paris: Fayard, 1991. - P. 344–351.

⁵ Kehrén L. Tamerlan - l'empire du Fer, Neuchâtel, 1978.

⁶ Kehrén L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition - Paris: Imprimerie Nationale, 2006. - P. 354.

⁷ Jean-Paul Roux. Tamerlan. Paris: Fayard, 1991. - 386 pages.

⁸ Jean-Paul Roux. Bobur. Histoire des Grands Moghols. Paris: Fayard, 1986.

⁹ Fourneau V. Histoire de l'Asie Centrale. Paris, 1994. - P. 128 p.

¹⁰ Fourneau V. Samarkand: Histoire. Samarkand: Muhammad Babur de 1494 à 1529, traduit par Jean-Louis Bacqué-Gramont. - Paris, Publications orientales de France, 1980.

¹¹ Le livre de Babur, mémoire de Zahiruddin Muhammad Babur de 1494 à 1529, traduit par Jean-Louis Bacqué-Gramont. - Paris, Publications orientales de France, 1980.

¹² Ulugbek le prince astronome. Paris, 1998.

¹³ Samarkand 1400-1500. La cité-oasis de Tamerlan: cœur d'un Empire et d'une Renaissance / Dirigé par Vincent Fourneau - Paris: Edition Autrement, 1995. - 227 p.

¹⁴ Vincent Fourneau. Quelques aspects du thème timouride dans la culture française du XVIe au XIXe siècle // Etablissement de la Culture sous Temour et les Princes Timourides / Recueil des travaux du Colloque international scientifique à l'occasion du 600e anniversaire d'Amir Temour. Paris, le 22 avril 1996. Dirigé par Lucien Kehrén, Édouard Rivet et al. - Paris, 1996. - P. 23–24.



Samarcande 1400-1500

La cité-oasis de Tamerlan : cœur d'un Empire et d'une Renaissance



Vincent Fourniau va uning taхрири ostida noisr etilgan «Samarqand 1400-1500. Улганмиш давр ва салтанат краги: Амир Темурнинг шаҳар вадийси» китоби. Париж, 1995 йил.

Vincent Fourniau.

«Samarcande 1400-1500.

La cité-oasis de Tamerlan: cœur d'un Empire et d'une Renaissance.

Dirigé par Vincent Fourniau. Paris, 1995.

этилганидек, XVIII аср француз муаллифлари баъзан Амир Темурни «муғул-татар кахрамони» деб атаган ҳолда, Марказий Осиё тарихининг ўзига хос сиймосини гавдалантирганлар. Бу антикаликларнинг энг аҳамиятлиларидан бири шунидаки, асрлар давомида ҳатто Марказий Осиёдан четда бўлган хорижий маданиятларда – Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Урта Шарқ, хусусан, Усмонли турк салтанатида ҳам, Ғарб маданиятида, адабиёт ва мусикаси ривожига ҳам Амир Темур номи ва Теурийлар мавзуси халқаро миқёсда машҳур бўлиб келмоқда.

Айниқса, француз маданияти шарқшунослар ишлари ва таржималаридан ҳам олдин наср, назм, театр, опера, фалсафадаги афсона шаклида бу мавзуга катта аҳамият қаратган. Мишель Монтеннинг «Тажрибаларни яратилган даврдан хозирги кунгача Теурийлар мавзусидан француз адабиётида турли асарларда қиёслаш ва таққослашга хизмат қилувчи маънавий портрет шаклида фойдаланиб келинмоқда. Бундай ғайритабиий эътибор, ўз навбатида, бир неча тарихий совоқларни туддиради. Қандай қилиб тарихий далил ва маданий афсона уртасида узвий боғлиқлик бўлиши мумкин? Нима учун 1550-1580 йиллар мобайнида ва Амир Темурнинг ўлиmidан сунг ҳам Франция ва Европада бу шахсга катта қизиқиш сўзмаган? Олдинлари дунёни забт этган дашт империяларининг бир неча буюқ зотлари орасида Марказий Осиё тарихида Амир Темурнинг ўзига хослиги нимада?

Амир Темур Тъян-Шандан Урта ер денгизигача қузилган халқаро салтанатта асос солган мусулмон турк-эрон чоррахасининг ягона шахзодасидир. Амир Темур сиймосининг маданий афсонага айланishi сабаблари унинг галабалари ва бир шахснинг ўзига қарама-қарши қишқилар ишидиятидаги адабиётда мужассамлашган теурийлар мавзусининг мураккаблигидадир, дейди В. Фурнье.

В. Фурньеннинг тўплам шаклидаги ушбу китобидан таникли теурушунос олимлар қаламига мансуб бўлган «Бир испан Самарқандда» (Люсьен Керен), «Ғайритабиий жаҳонгир» (Амин Маалуф), «Ғарб қуркуви нигоҳида» (Кристиан Аэрк), «Шаҳар - Қирдан Амир Темурга қадар» (Франц Грене), «Сув осмондан тушмаганда» (Жюрген Польш), «Қарвонларнинг сунгги чироғи» (Одрей Бюртон) каби мақолалар ўрин олган. Шунингдек, китобнинг «Теурийлар боғининг гуллари» номли бобида «Теурийлар санъати, тупроқ ва қозғоқ биҳишти» (Ив Порте), «Шаҳзода, олим ва юлдузларни бирлаштириш» (Фредерик Бопертюи-Брессан), «Суфийлар биродарлиги, мистика ва иқтисод» (Жюрген Польш), «Чигатой, янги сиймо» (Жан-Луи Баке Граммон), «Шерали тақдири» (Катрин Пужол), «Қоришма гузаллик» (Ули Шаммилоглу) каби қизиқарли мақолаларга ўрин берилган. Китобнинг иловалари жуда бой. Тўпламга уша давр хариталари, Амир Темурнинг қисқа таржимаи ҳоли, Сохибқирон ҳаёти ва фаолиятининг хронологияси, библиография, шунингдек, муаллифлар таржимаи ҳоли илова қилинган.

Жумладан, Л. Кереннинг «Бир испан Самарқандда»¹ мақоласида эишича, Ғарб ва Шарқ уртасида дипломатик алоқалар расман урнатилгунга қадар 1390 йилдан бошлаб Генуя, Венеция, Константинополь ва Трапезунд ҳукмдорлари вакиллари Амир Темурнинг чопарлари билан махфий учрашувлар ўтказиб турган. 1401 йилда Анкара жангидан ҳам олдин Кичик Осиёга Кастилия Қирини Тенри III биринчи

¹ Lucien Kervren. Un Espagnol à Samarcande // La cité-oasis de Tamerlan : cœur d'un Empire et d'une Renaissance / Dirigé par Vincent Fourniau. - Paris: Edilnon Autrement, 1995. - P. 20-47.

элчисини жўнатади. Бу элчи фақатгина Амир Темурга жўнатилмаган. Чунки, 1396 йилдаги французларнинг Никополдаги мағлубияти Европани янада ҳушёр бўлишга ундаган. Мазкур элчининг иши икки томонлама махфий жосуслик вазифасини бажаришдан, яъни Боязид ва Амир Темурнинг асл воқеликадаги ҳақиқий муносабатларини аниқлаш ва жангда қай бири қўлиб бўлиши, шундан келиб чиққан ҳолда айнан ана шу томон билан алоқаларни мустаҳкамлашни белгилашдан иборат бўлган. Қирол бу хизматга Пайо де Сото Майор ва Ҳернан Санчес де Паласуэлосни тайинлаган. Улар Константинополга 1401 йил эмида етиб келган ва кўп саргузаштларни бошдан кечирган.

Ҳернан Санчес де Паласуэлоснинг Сеговия вилоятидаги Арсело кўреончаси яқинидаги Рапариегос черкови ҳовлисида қўйилган қабр тошига қўйидаги сузлар битилган:
•Бу ерда Қирол Ҳасрих III саройининг аъдби ва унинг Амир Темур ҳузурдаги элчиси, марҳамангли рицар Ҳернан Санчес де Паласуэлос Тамерлан дифн этилган».

1402 йил 28 июль кечаси Боязид ва Амир Темур ўртасида қонли тўқнашув бўлиб ўтаётган бир пайтда Пайо ва Ҳернан бу жангги узокдан кузатиб турган. Турклар мағлуб бўлаётганини куриб, тезда Амир Темурни ўз Қироли номидан ғалаба билан табрикларни ва миннатдорчилик билдиришга ошиққанлар. Улар бир неча кун олий мартабали шахслар сифатида Амир Темурнинг меҳмони бўлган. Амир Темур европаликлар ўз сўзида турганини инобатга олиб, ваъда берганидек, Боязид томонидан ушлаб турилган маҳбусларни озод этган. Шунингдек, Амир Темур Пайо ва Ҳернан билан бирга узининг элчиси Мухаммад Кешийини махсус нома билан Кастилия Қиролига жўнатади. Ушбу номада усмонли турклар устидан ғалаба қозонгани ва Кастилия ҳукмдори билан дўстона муносабат олиб бориш истаги ифодаланган бўлган. Тухфа сифатида Боязид харамидан озод этилган уч нафар ёш ва тўғал аёллар (Анжелина, Каталина ва Мария) ҳам элчилар билан бирга 1403 йилнинг февраль ойида Севильяга етиб борган ва уларнинг шарафига Қирол хазинаси хисобидан катта зиёфат ташкил қилинган. Кейинчалик Қирол руҳсати билан шаҳар ҳокими Дьего де Контрерас ва Анжелина де Грец хоним турмуш қуришган.

Пайо ва Ҳернан берган маълумотлардан қониқмаган Қирол иккинчи элчи сифатида Клавихони Амир Темур ҳузурига жўнатади. Сайёх ва элчи Фра Альфонсо Поэс де Санта Мария, Қиролнинг шахсий соқчиси Ҳомес де Салазар ва Руи Гонсалес де Клавихо ҳамроҳлигида Қиролнинг ўн бир нафар хизматкори 1403 йил 23 майда йўлга чиққан. Клавихо бошчилигидаги делегация 1404 йил 29 майда Арарат тоғини кесиб ўтгач, Арманистон ва Эрон чегарасида Амир Темур ҳузурига кетаётган Миср элчисини учратган. Клавихони Миср элчисининг Амир Темурга олиб кетаётган совғаси ажаблантирган. Бу жиrafa эди. Узоқ ва толиқарли сафардан сўнг Амударёни кесиб ўтгач, икки тоғ орасидаги «Темур дарвоза»дан ўтадилар. Бу ерда божхона жойлашган бўлиб, шимолний Ҳиндистондан келадиган моллар шу ердан ўтishi мажбурий бўлган. Амир Темур салтанати ана шу ерда тушадиган божхона тўловларидан катта миқдорда фойда оларди.

Элчилар 1404 йил 28 августда Амир Темурнинг жонажон шаҳри Кешга кириб келган ва бу ерда икки кун қолганлар. 30 августда Кешга чиқар келиб уларни поятхатга бориш учун таклиф қилган. Ва ниҳоят Самарқандга етиб келадилар ва чарчоклари чиққач, кейинги кун «Боги Дилқуши»га таклиф этиладилар. Бу ерда Европа элчилари илк мартаба бўлиб, Амир Темурни кўриш бахтига мужассар бўлганлар. Хат билан танишгач (элчилар орасида роҳиб Поэс лотин тилида ёзилган номани форс ёки турк тилига таржима қилиб берган), меҳмонлар шарафига катта баъму жамшид уюштирилган. Зиёфат ақунда элчилар совғаси келтирилган ва улар ичидан Кастилиянинг долчин ранг ва ёрқин матолари Амир Темурнинг охишига саъюр бўлиб, уларни хотинларига тарқатиб берган.

Испаниялик меҳмонлар Самарқандда уч ой қолган, 10 дан зиёд байрамларда иштирок этган ва 5 мартаба Амир Темур билан учрашганлар. 1404 йил 22 сентябрда кастилияликлар мухташам бир зиёфатда қатнашган. Бу маросим «Боғи Нав»да бўлиб ўтган. Шу муносабат билан, Амир Темур бутун байрам давомида май ичишга руҳсат берган. Истиқом қонунига зид бу ажойиб ҳуқуқбузарлик байрам тугаши билан барҳам топган. Клавихога ҳам май таклиф қилинган. Бироқ Клавихо ҳеч қачон ичмаганини айтиб, узр сураган. Амир Темур мажбурламаган. Клавихо Амир Темурнинг хотинларини ҳам яқиндан куриш имконига эга бўлади. Амир Темурнинг биринчи хотинини «хонум» деб қақриришган. Шу тариқа Клавихо Амир Темур билан хайрашиб, 1404 йил 21 ноябрда Миср ва Туркия элчилари билан биргаликда Бухоро орқали чиқиб кетган. Икки ой ўтгандан сунг, Табризга етиб келгач, Амир Темурнинг Хитойга юриши чоғида оламдан ўтганини эшитган. Клавихонинг сафари 3 йил давом этган ва элчилар 10 000 ки мисофани ерда ва денгизда босиб ўтган, деб ёзади пировардида Л. Керен.

«Амир Темур сиймосининг машҳурлиги кучли давлати кура олгани, қурганда ҳам бошқа даштлик ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ, ҳунарманд ва олимларни эъозлаб, марказлаштирилган мамлакатт барпо этганидадир».

**Амин Маалуф,
Франция**

«Самарқанд 1400-1500» номи тупламга киритилган яна бир мақола 1949 йилда тутилган франко-ливанлик ёзувчи, Француз академиясининг аъзоси Амин Маалуф каламига мансубдир. У ўзининг «Ғайритабиий жаҳонгир»¹ номи мақоласида ёзишгича, Амир Темур сиймосининг машҳурлиги кучли давлат кура олгани, қурганда ҳам бошқа даштлик ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ, ҳунарманд ва олимларни эъозлаб, марказлаштирилган мамлакат барпо этганидадир. Мақола муаллифи ёнинг таъкидлашгича, Амир Темур ўз даврининг харбий ва сиёсий ўйинларли ўн олти ёшдан англай бошлаган. Амин Маалуф дамашклик Ибн Арабшо ёдиноқларига муурожаат этади: Амир Темур ҳаётининг охириг етти йил давомида шундай кўп касал бўладики, бу дардли ҳужулар оқибатида тананинг ҳаракат қилиши сусайиб боради. Дардди енгиллатиш ёки унуттиш учун юришлар давомида ўтовга Куръон китобини кират килувчи қорини тез-тез қақиртириб, суралар ва оятларди ўқиб туршини сураган. Шунинг баробарида, лашкарбошиларини ҳам қақириб, уларга йул-йўриқлар кўрсатиб турган. Жанг давомида Амир Темур билан икки аскар қотиб унга қаршиб турган ва ўтовга кириш чоғида Сохибқуръоннинг тик туриб жангди кузатишга ердан беришган.

Шу билан бирга, сунгги йилларда Парижда теурийлар маъзуига оид иккита ийрик бадий асар чоп этилди. Биринчиси, машҳур ёзувчи Амин Маалуфнинг «Самарқанд»² романи бўлса, иккинчиси Милена Ноковичнинг «Самарқанд узра олтин ёмғир» тарихий романшир.

Милена Ноковичнинг «Самарқанд узра олтин ёмғир» номи китоби ҳақида Люсьен Керен куйидаги маълумотларни келтирган: Милена Ноковичнинг ушбу китобидаги воқеа Амир Темур ҳаётининг охириги кунларида бўлиб ўтади. Хусусан, тарихий шахслардан бўлган гўзал ва зolim Шодимулк Самарқанднинг парчаланиб кетишида айбланади. Мирзо Халил Султон турмуш ўртоғининг чиройида девона бўлиб қолган эди. У бобоси Амир Теурдан мерос салтанатни оқилона бошқариш ўрнига кучли эхтиросга берилган. Шунингдек, китобда ўша замондаги ривожланган шаҳри азим Самарқанднинг зийнатлари, унинг боғу бустонлари, бозору қарвонсаройлари мадҳ

¹ Amin Maalouf. Le conquérant paradoxal // Le cité-oasis de Tamerlan : cœur d'un Empire et d'une Renaissance / Dirigé par Vincent Fournou. - Paris: Edition Autrement, 1995. - P. 48-54.

² Amin Maalouf. Samarcande, Jean-Claude Lattes, 1988 378 pages; Амин Маалуф Самарқанд // Француз тилидан Абдумурод Кучибоев таржимаси // Жалол ашбонети. 6-7-сонлар 2004, - 3-56-бетлар, Жаҳон адабиети, 7-8-сонлар 2005, 61-105-бетлар.



AMIN
MAALOUF
SAMARCANDE



Амин Маалуф ва унинг
«Самарқанд» китоби.
Париж, 1988 йил.

Amin Maalouf et son livre
«Samarqande».
Paris, 1988.

этилган. Муаллиф Шодимулк атрофидаги одамларни тарихий манбаларга асосланган ҳолда ҳаққонийлик билан тасвирлаган. Шодимулк ва Халил Султоннинг эҳтиросли муҳаббати юқори савиядаги романтик буюклар билан чизилган. Милена Ноквичнинг истеълоди туфайли Халил Султоннинг қабри устида ўз жонига қасд қилган Шодимулк манзарасини ўқиб, Жульеттанинг шарқона намунасини кўришга муваффақ бўламиз¹.

Ўзбекистонлик олимлар билан Франциянинг Бордо-3 университети олимлари профессор Макс Швоерер, доктор Клер Пачеко ҳамда доктор Сежен Оланье ўртасидаги Темурийлар даври ёдгорликларини консервация қилиш ва музейлаштириш ишлари буйича илмий ҳамкорлик 1998 йилда бошланган. Ўтган даврда, жумладан, 15 йиллик ҳамкорлик режа доирасида Бордо-3 университети лабораториясида Самарқанд ва Шаҳрисабздаги Темурийлар даврига оид майоликалар ҳамда мозайикалар физик ва химик анализдан ўтказилган.

Бу лаборатория анализи натижалари, хусусан, Шаҳрисабздаги Темурийлар даврига оид материаллар асосида француз тадқиқотчиси С. Оланье устози Макс Швоерер илмий раҳбарлигида археологик материаллар физикаси буйича «Қайрувондан (Тунис) Шаҳрисабзгача (Ўзбекистон) инсониятнинг ёзма манбаларини сақлаш аниқ қўшилган ҳисса» мавзuida докторлик диссертациясини 2010 йилда Бордо-3 университетиде муваффақиятли ҳимоя қилган².

Француз олимнинг маъзур илмий ишига ўзбек олими Наби Хушвақтов ҳам расмий оponent бўлган. Тарих фанлари номзоди Н. Хушвақтов француз тадқиқотчиларининг Оксаройда узок йиллардан буён олиб бораётган илмий тадқиқот ишларида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. У Қашқадарё вилоятидаги Шаҳрисабз шаҳар Амр Темур номи моддий маданият тарихи музейининг директоридир³.

Ўз навбатида, яна бир француз олими – доктор К. Пачеко эса профессор Гемн Шапули илмий раҳбарлигида археологик материаллар физикаси буйича «Шишали материал юзасидаги олтин пардаларнинг ўрганилиши: Ўрта аср ислом даври сирланган (ялтйроқ) керамикаси: Марказий Осиё, XIV–XV асрлар ва Эрон, XII–XIII асрлар» мавзuida докторлик диссертациясини 2007 йили Бордо-3 университетиде ёқлаган⁴. Ушбу олим ҳозирги кунда Лувр музейида ислом маданияти лабораториясида бўлим раҳбари бўлиб ишлаётти.

Оқсаройнинг горизонтал тарзда joyлашган майоликаларини консервация қилиш ишлари Франциянинг Дордонь департаменти (Департамент президенти – сенатор Бернгард Казо) қошидаги «Нодавлат марказлашмаган халқаро алоқалар бўлими орқали молиялаштирилган. Музейлаштириш харажатлари эса Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари

¹ Milena Nokolitch. *Pluie d'or sur Samarkand*, Paris, éditions Delville, 1993; Milena Nokolitch. *Pluie d'or sur Samarkand // La Timuride*, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbèka, 12e numéro, Paris, 1993. – P. 6.

² Céline Ollagnier. *De Kairouan (Tunisie) à Shahrisabz (Ouzbékistan)*, contribution à la sauvegarde des sources documentaires de l'humanité. Thèse de doctorat en Physique des archéomatériaux. Sous la direction de Max Schworer. Soutenue en 2010 à Bordeaux 3.

³ Шаҳрисабз шаҳар Амр Темур номи моддий маданият тарихи музейи – 1996 йили 4-майда ташкил этилган. Музей маъмурияти, фонд қозғалари ва экспозицияси XVI асрда қурилган Чўбон мадрасасида joyлашган. Музей фондида жами 34 мингтадан зиёд экспонат мавжуд. Халқаро тартибда бўғилган, аниқли саноат асарлари, муминматна ва археологик ашёларни суратлар ва тартиб ҳужжатлар шўрлар си расмга айланд.

⁴ Claire Pacheco. *Eau de silex d'or sur matière vitreuse : application à la ceramique glaçurée médievale. Asie centrale XIVe-XVe s. – Iran XIIe-XIIIe* à Thèse de doctorat en Physique des archéomatériaux. Sous la direction de Rémy Chapoulet. Soutenue en 2007 à Bordeaux 3.



Milena Nohovitch во ўзинг
«Самарқанд узра олтин
Ғамар китоби»
Париж, 1993 йил.

Milena Nohovitch et son livre
«Pluie d'or sur Samarkand»
Paris, 1993.

«Мен бу роман муаллифи
М. Ноховични яхши
танийман. Бу асарни
«Ромео ва Жульетта»нинг
ўзбекча қиссаси
дейиш мумкин».

Люсьен Керен

вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бош бошқармаси томонидан молиялаштирилган.

Шу асосда Оксаройдаги Темирийлар даври фонтанларининг 3 та бассейнини халқаро талаблар бўйича тулик консервациялашга эришилди. Француз олими С.Оланьенинг мажур жарайлар атрофлича ёритилган мақоласи Францияда чиқадиغان «Темирийлар» бюллетенининг 2015 йил 36-сонида chop этилган¹.

Бу ҳақда, шунингдек, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Жак-Анри Эльс Амир Темур таваллудининг 680 йиллик юбилейи муносабати билан 2016 йил 9 апрель кунки Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиебонида таъкил этилган маросимда шундай деди: «Темирийлар меъморчилигига бўлган бундай иштиёқ туфайли Франциянинг Дордонь департаменти Бош кенгаши Франция Таъқиқ ишлар вазирлиги кумаги билан ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда Шаҳрисабз шаҳридаги Оксарой майдонидagi қошиқ тушамаларни таъмирлаш ишларини амалга оширди. 2014 йил майдонда менга ушбу лойиҳа натижаларининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш шарафи насиб этди».

Шарқ, хусусан, Темирийлар даври адабиётининг чет элларда урганилиши соҳасидаги ишлар ҳақида суз борганда, XX асрда айрим хориқлик шарқшунослар муайян давр мафқурасига бўйсунган ҳолда китоблар ёзганини ҳам қайд этиш лозим. Оқибатда бу борала, шу жумладан улуғ шоир ва мутафакқир Алишер Навоий ижодига баҳо беришда ҳам сиёсий-иқтимоий мафқура талабларидан келиб чиқиб иш тутилганидан қўз қониб бўлмади².

Шу маънода, сунги чорак асрда дунёда, айниқса, Францияда Навоий ижоди ва бой маънавий меросини урганиш эҳтиёжи ортиб бораётгани роятда аҳамиятлидир. Парижда нашр этиладиган «Урта Осиё» дафтари³ илмий журналларнинг 2015 йил январь сонида эълон қилинган мақолаларнинг аксарияти бунки яққол тасдиқлайди. Бу журнал Марказий Осиё ҳаёти билан боғлиқ мавзуларни ёритадиган фарб оламидаги етакчи журналлардан бири ҳисобланади⁴.

Еш француз олимлари Марк Тутан ва Александр Папас Шарқ ва Фарб тилларини яхши билладиган, қўлэзма манбаларни уқий оладиган, адабий мати мохиятини чуқур тушуна олиш қобилиятига эга бўлган навоийшунослар сифатида алоҳида ажралиб туради.

Марк Тутан (фр. Marc Toutant, 1978 й.т.) – ҳозирги кунда АКШнинг Лос Анжелес шаҳридаги Калифорния унверситети тадқиқотчиси. Париждаги Сиевсташунослик институтида фалсафа ва сиёсий тафаккур урганилиши бўйича тахсил олган. Туркия ва форс тилларида битилган ёзма ёдгорликлар ва маданий манбалар бўйича тадқиқот олиб борган.

М. Тутан Ўзбекистонда 6 йил яшаб, илмий изланишлар билан шуғулланган. У 650 саҳифадан иборат «Сузалар салтанати» номли асар муаллифидир⁵. Энг муҳими, М.Тутан 2014 йилда «Сунги Темирийлар даври маданияти: назира амалиётини Алишер Навоийнинг «Хам-

¹ Ollagnier Céline. Conservation du pavement n°3 de l'Ak Saray à Shahrisabz (2012-2013) par une équipe franco-ouzbeke // La Timouride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timourides et les échanges culturels franco-ouzbeke, 3^ere numero, Paris, 2015. – P. 21-34.

² Митраева. Жаши навоийшунослари сени ва бурун // Жаши-қоғазини, 2016. № 2. – 166-бт.

³ Literature and Society in Central Asia: New Sources for the Study of Culture and Power from the Fifteenth Century to the Present, № 24, 2015, France (Paris).

⁴ Marc Toutant. Un empire de mots. Poésie, culture et soufisme à l'époque des derniers Timourides au miroir de la Khamsa de Mir 'Alī Shīr Nawā'ī (Louvain: Peeters, Turcsie, à paraître fin 2015, correction des épreuves, 650 p.

са» асари мисолида урганиш¹ мавзуида салмоқли, яъни 700 бетлик тадқиқот яратган ҳамда докторлик диссертациясини химоя қилган.

Александр Папас (фр. Alexandre Papas, 1973 й.) – Париж Сорбонна университетининг фалсафа йуналишини битирган. Марказий Осиё ва Ислон маданияти, форс, турк ва муғул тиллари бўйича мутахассис. А. Папас М. Тутанинг тенгқури бўлиб, Париж шаҳрида жойлашган «Турк, Усмоли, Болқон ва Марказий Осиёни урганиш» илмий текшириш институти тадқиқотчиси ҳисобланади. У «Хитов, Тибет ва Туркистон урғасидаги сиёсат ва тасаввуф»², «Ислонда дарвешлар ва суфийлик»³, «Салар мамлакатига сайёҳат»⁴ каби асарлар муаллифидир. А. Папас Алишер Навоийнинг илмий мероси, хусусан, «Муҳокамат ул-лугатайн» асарини тадқиқ этмоқда.

Шундай қилиб, Франция темиршunosлик мактабининг куйидаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, француз олимлари ўз тадқиқотларини бой тарихий Шарқ қўлёзмаларига, архив хужжатлари, ашёвий-людий далиллар ҳамда Европа ва Шарқда ёзилган асарлар ва манбаларга асосланган ҳолда олиб борадилар.

Иккинчидан, ушбу мавзунинг ёритишдаги мафқуравий ақидалардан хопи илмий ва ҳолисона ёндашуви, ҳар бир тарихий воқеага ҳамда Амир Темур ва темиршунлар фаолиятига баҳо беришда турли манбаларни қиёслаб, муайян хулосалар чиқариш француз темиршunosлик мактабининг фарқли жиҳатларидандир.

Учинчидан, француз шарқшunosлари Сохибкирон ва у асос солган буюк сулола тарихини ёритишда фақат ҳарбий юришлар ва амалта оширилган ишлар солномасини тузиш билан чекланмасдан, ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафқуравий муҳитини ҳамда Амир Темурга ва унинг авлодларига ҳос соф инсоний фазилатларни, уларнинг давлат, жамият, дин ва илм-фанга бўлган муносабатларини ҳам атрофлича тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берадилар.

Тўртинчидан, француз шарқшunosларининг Амир Темур ва темиршунлар даври тарихини урганиш миқёси кенг бўлиб, улар ўша давр бошқаруви ва ҳарбий тизимини, маданияти, дини, фалсафаси ва илмий тафаккурини атрофлича ёритадилар. Санъат ва меъморчилик француз олимлари учун алоҳида ва доимий қизиқиш асосидир. Темиршунлар Уйғонш даврига бағишлаб улар ёзган асарлар, ўтказган илмий анжуманлар ва кўргазмалар шундан далолат беради.

Мухтасар айтганда, француз темиршunosлик мактаби Сохибкирон Амир Темур ва темиршунлар сулоласи даври тарихи, фани, маданияти ва санъатини урганиш борасида жаҳон шарқшunosлигида, шубҳасиз, етакчи ўринни эгаллайди, дейишга етарлича асос бор ва биз, ўзбеклар учун бу изланиш ва манбалар ниҳоятда қадридир. Чунки, замонлар силсиласида қолиб қат-қат бўлиб турган тарихимизнинг француз олимлари томонидан бир неча асарлар давомида чуқур урганилгани халқимизга, юртимизга ихлосандлик, чуқур ҳурмат ва муҳаббат белгисидир.

«Оқсарой ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатиغا киритилган. Мен Амир Темур ва темиршунларнинг буюк меъморий обидаларини қайта тиклашга ҳисса қўишганидан фазлланаман. Бу лойиҳа Франция ҳамда Ўзбекистон уртасидаги муваффақиятлик ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир. «Соғна» ушбу дастур доирасида Темиршунлар даврига оид қарийб 200 квадрат метр ҳажмдаги сирланган қошимларни тикмирлаш ишларини бажарди. Мен ва франциялик касбдошларим ҳамда олимлар учун Ўзбекистонда ўтказган кунларимиз жуда фойдали бўлди.»

Патрик Палем,
«Соғна» таъмир
компанияси президенти,
Франция

¹ The culture of the Last Timurids: Study of Imitation Practices through the case of AN SHIY Nawwā' (1441-1501) - «Ахсар»

² Alexandre Papas, Soufisme et politique entre Chine, Tibet et Turkestan : étude sur les Khwojās Naqshbandiys du Turkestan oriental, Paris, Jean Maisonneuve, 2005, iu-291 p.

³ Alexandre Papas, Mystiques et vagabonds en Islam : portraits de trois soufis galandars, Paris, Ad du Cerf, 2010, 33v p.

⁴ Alexandre Papas, Voyage au pays des Salars (Tibet oriental, début du XXe siècle), Paris, Cerintouch, 2011, 157 p.

Илм-фан ва маданиятлараро мулоқот

2006 йил май ойида мамлакатимизнинг Париждаги хорижий ваколатхонасида Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги тантаналари доирасида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси» ва Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ҳамкорлигида утказилган конференциянинг асосий мақсади Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи, маданияти ва санъатини чуқурроқ ўрганиш ҳамда кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш эди¹.

Конференция ишвида Франциянинг турли жамоат ва ташкилот аъзолари, тарихчи олимлар, Париж музейларининг илмий ходимлари, Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданияти соҳасида иш олиб борадиган мутахассислар катнашди.

«Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси» Бош котиби Фредерик Бодертт-Брессан анжумани кириш сўзи билан очиб, Амир Темур юбилейи муносабати билан Уюшма томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталди.

Ўзбекистоннинг Франциядаги элчиси Равшан Алимов тадбир катнашчиларига Амир Темурнинг дунё тарихида тугган ўрни, унинг давлатларимиз ўртасида иқтисодий ва дўстона алоқалар ўрнатилишига қўшган хиссаси ҳамда мустақиллик шарофати билан буюк аждодларимиз номи, улар қолдирган бой маданий меросга булган муносабатнинг тубдан ўзгариши ва халқимиз томонидан бунга муносиб баҳо берилётгани ҳақида сўзлаб берди.

Тарихчи олим «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси»нинг раиси Люсьен Франс ўз изланишлари ва жаҳон тарихий манбаларидан тўплаган маълумотлар асосида Амир Темурнинг ҳаёти билан боғлиқ булган воқеалар, давлатни бошқариш ва унинг қудратини ошириш, хорижий давлатлар билан ўрнатган дипломатик алоқалари ҳамда унинг инсоний фазилатлари ҳақида маъруза қилди.

Шундан сўнг Гиме музейининг Ҳиндистон бўйича илмий ходими Амина Окада фотослайдлар намойиши орқали «Темурийлар маданиятининг Мубул императорларига таъсири» мавзусида маъруза қилди. Унинг Темурийлар сулоласига бағишланган фотосуратлар тўплами ҳамда уларга берилган шарҳи йиғилганларда катта кизиқиш уйғотди ва у конференция иштирокчиларининг кўнгилба саволларига жавоб қайтарди.

Тадбир дастурига киририлган Сохибқирон Амир Темур ҳаёти ҳақидаги хужжатли фильмининг намойиши конференциядаги маърузаларнинг узвий давоми бўлди.

Анжуман иштирокчиларидан бири - AGF компанияси Бош директори Хуже де Рожетт-Буиссон шундай дейди: «2004 йили Уюшманинг юбилей тадбирлари муносабати билан бир гуруҳ француз делегацияси таржибида Ўзбекистонга борган эдик. У ерда биз испан элчиси Кламихонинг Амир Темур давлатига ташрифининг 600 йиллигини кенг нишонладик. Бугунги тадбир бизга жаҳон цивилизацияси чорраҳасида

*Бугун ер юзида
Самарқанднинг мовий
гумбазлари, Бухоро ва
Хиванинг маҳобатли
миноралари, Амир Темур,
Мирзо Улуғбек, Алишер
Навоий, ал-Хоразмий,
Беруний, Ибн Сино,
ал-Фароқий каби қуплаб
буюк аждодларимиз
номларини эшитмаган
одам йўқ.*

¹ L. Kleebe, Jubilee de Timur en avril 2006 // La Timuride, 30e numéro, Paris, 2006. - P. 9-12.

жойлашган Ўзбекистоннинг бой маданий тарихи ва санъати билан яна бир бор танишиш имконини берди».

2006 йил сентябрь ойининг охирида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуманининг ўтказилиши ҳам халқликизнинг жаҳон цивилизацияси хазинасига қушган улкан ҳиссасининг яна бир эътирофи бўлган.

Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси кумагида ташкил этилди. Президент И.А. Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мустақиллик йилларида тарихий ҳақиқатни қайта тиклаш, ўзбек халқига буюк аждодларимиз томонидан яратилган маънавий бойликларни қайтариш жараёни бошланди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди азалдан Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк илм йўлидаги муҳим чорраха ҳисобланади. Бу эса ушбу минтақада нафақат савдон, балки илм-фан, санъат ва хунармандчиликни ҳам ривожлантириш имконини берди. Бунга қадимдан ўзбек халқига хос бўлган диний ва маданий бағрикенглик мустахкам замин яратди. Уша даврларда қудратли шахарлар, йирик илмий марказлар пайдо бўлди ва ривож топди.

Бугун ер юзиде Самарқанднинг мовий гумбазлари, Бухоро ва Хиванинг маҳобатли миноралари, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, ал-Фарғоний каби кўплаб буюк аждодларимиз номиларини эшитмаган одам бўлмаса керак. Жаҳон ҳамжамиятининг ўзбек халқининг утмиши ва Ўзбекистоннинг бутунлиги ҳаётига бўлган қизиқли тобора ортиб бормоқда.

Бунга, жумладан, ЮНЕСКО билан ҳамкорликнинг кенгайиши ва биргаликда кўплаб лойиҳаларнинг амалга оширилиб кетгани ҳам ердан бермоқда. Ўзбекистоннинг қатор шахарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ушбу нуфузли халқаро таниқлот иштирокида Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз каби қадимий шахарларимизнинг юбилейлари нишонланди. Қаршининг 2700 йиллик ва Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллик саналари кенг миқёсда байрам қилинди.

Қарши Ўзбекистоннинг қадимги шахарларидан бири саналади. Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётган ушбу замонавий шаҳар мисолида истиқлол йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй берганини яққол кўриш мумкин. ЮНЕСКО қароргоҳида бўлиб ўтган халқаро анжуманда шулар ҳақида гапирилди.

Анжуманда турли мамлакатлардан келган етакчи олимлар, тадқиқотчилар ва экспертлар қатнашди. У ҳамжиҳатлик, очик фикр аламлиги руҳида ўтди. Узининг илмий фаолиятини заминимиз тарихи, Шарқ ва Ғарб маданиятларининг узаро таъсирини ўрганишга бағишлаган кўплаб хорижлик ҳамкасблар анжуманда таҳдид этилган кенг қулаши маълумотларга нисбатан самимий қизиқиш билдиридилар.

Уларнинг фикрича, анжуман доирасида ўтказилган тарихий-маданий курғазма ҳам ниҳоятда фойдали бўлди. ЮНЕСКО Ижроия кенгаши раиси Чжан Син Шенг курғазмани очар экан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тинчликни сақлашга қаратилган саяб-ҳаракатларини алоҳида таъкидлади. ЮНЕСКО Бош директори уринбосари Аҳмад Сайяд ўзбек халқининг аждодлари ўрта аср илм-фани ва маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини айтди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди азалдан Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк илм йўлидаги муҳим чорраха ҳисобланади. Бу эса ушбу минтақада нафақат савдон, балки илм-фан, санъат ва хунармандчиликни ҳам ривожлантириш имконини берди.

Асосий анжуманда сузга чиққанлар ҳам минг йиллар давомида ўзбек заминига шуҳрат келтирган бағрикенглик ва маданиятлараро мулоқот бугунги ҳукмда бутун дунё учун ибрат бўлаётганини хайд этдилар. Шуниси муҳимки, тинч ҳаёт барпо этишнинг меҳмондўстлик, ҳамкорлик, фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик каби анъаналарини мустаҳкам ўзбекистонда юритилаётган давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланди.

Шу сабабли турли давлатларнинг илмий жамоатчилиги 2006 йилда 1000 йиллиги кенг нишонланган ва Ер юзюда дастлабки олимлар ҳамжамияти бўлган Хоразм Маъмун академиясини ўрганишга катта эътибор қаратаётгани ҳам табиийдир. Академия ўз даврида Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино каби катор машҳур алломаларни ўз атрофида бирлаштирган.

Шуниси қувонартки, ушбу аждоқларимиздан қупчилигининг юбилейлари бутун дунёда ЮНЕСКО шафелигида кенг нишонланди. Буюк ота-боболаримиз замонвий дунё илм-фанини ривожлантириш асосларини яратди, ўрта асрлардаёқ уларнинг асарлари Европа мамлакатлари тилларига ўтирилди ва дарсликлар сифатида қўлланиб келинмоқда.

Мамлакатимизнинг бой илмий ва маданий меросини қайта тиклаш мақсадида Президентимиз 1997 йилда Хивада Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида фармон қабул қилди. Ҳозир бу ерда 100 нафардан ортиқ олим табиий ва икклимоний фанларнинг турли йўналишлари буйича самарали изланишлар олиб бормоқда. Ушбу ушга хос тадқиқот марказида энг илгор технологиялар асосида қўтлаб илмтақвияй муаммоларни ҳар томонлама ўрганиш учун барча шароит яратилган.

ЮНЕСКОнинг собиқ Бош директори Коичиро Мацуура ўзбекистонга ташрифи давомида Маъмун академиясида бўлиб, бу ердаги музейнинг очилишида иштирок этди. Шу билан бирга, қадимги академиянинг юбилейи Парижда ўтказилган анжуман мавзуларидан бири бўлгани ҳам халқаро жамоатчилиқнинг маънавий меросимизга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Анжуманда «Авиденна-Франция» уюшмаси раиси Марк Боннель Франциянинг «Темурийлар тарихи ва санъати»ни ўрганиш ҳақида француз-ўзбек маданий алоқалари сиёсат ва маданиятлараро мулоқот бўлиши мудири Катрин Стену ва бошқа қатнашчилар шу ҳақда гапирди. Улар ўзбек халқининг маданияти узоқ ўтмишга бориб тақалишини қайд этди.

Европа этнослари энди шаклланаётган бир пайтда, бизнинг заминимизда юқори даражада ривожланган цивилизация мавжуд эди. Чунончи, Хоразм Маъмун академияси илмий билимларни яратиш ва тарқатиш, маънавият ва маърифатга асосланган жамиятни шакллантиришда катта ўрин тутган.

Масалан, алгебра ва ўнлик ҳисоблаш тизими асосчиси ал-Хоразмий, рецептларидан замонвий тиббиётда ҳам фойдаланилаётган ноёб «Тиб қонунлари» китоби муаллифи Абу Али ибн Сино, буюк комусий аллома Беруний ва уша пайтларда Академияда фаолият курсатган бошқа кўп олимлар ўз асарлари билан дунё илм-фанининг шаклланишига қучли туртки берди. Уларнинг фаолияти маданиятлараро мулоқотнинг ҳақиқий намунаси ҳисобланади.

Тадбирда сузга чиққан Илмий тадқиқотлар илмий маркази (Франция) вакили Мунира Аззутнинг маърузаси ҳам иштирокчиларга

**ЮНЕСКОнинг собиқ
Бош директори Коичиро
Мацуура ўзбекистонга
ташрифи давомида
Маъмун академиясида
бўлиб, бу ердаги музейнинг
очилишида иштирок этди.
Шу билан бирга, қадимги
академиянинг юбилейи
Парижда ўтказилган
анжуман мавзуларидан
бири бўлгани ҳам халқаро
жамоатчилиқнинг маънавий
меросимизга қизиқиши
ортиб бораётганидан
далолат беради.**

катта қизиқиш уйғотди. Бу маъруза ўрта асрлар ислом фалсафасининг маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга қўшган ҳиссасига бағишланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу учрашувлар жуда самарали бўлди. Ўзбекистон ва Франция олимларининг турли соҳаларда янада чуқур ҳамкорлик қилиши учун замин яратилди. Мисол учун, мамлакатимиз делегациясининг ЮНЕСКОнинг ер ва экология тўғрисидаги фанлар департаментидagi учрашуви чоғида Ўзбекистон илм-фани вакилларининг ташкилот томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, жумладан, «сахролашишга қарши курашиш» лойиҳасидаги иштирокини кенгайтириш тўғрисида келишиб олинди.

Франциянинг Илмий тадқиқотлар миллий маркази раиси Катрин Брешиняк билан утказилган учрашув ҳам фойдали бўлди. Олимларимиз парижлик касбдошларини Ўзбекистонда илм-фаннинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари билан таништирди, самарали ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган устувор соҳалар аниқлаб олинди. Биотехнологиялар, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, археология ва қадимги қўлэмаларни ўрганиш шулар жумласидандир. Франция маркази ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг ушбу соҳаларда ҳамкорлиги тўғрисида шартнома имзолашга қарор қилинди.

Шунингдек, делегация Франция Миллий кутубхонасига ташриф буюрди. Унинг қўлэмалар бўлимида Хоразм Маъмун академияси олимлари айрим асарларининг асл нусхалари сақланмоқда. Бу ерда мутахасссларнинг малака ошириши тўғрисида келишиб олинди. Бундан ташқари, Париждаги Сорбонна университетиди, унинг вице-президенти Ивона Флур билан учрашилди.

Натижада Сорбонна университети, Ўзбекистон Фанлар академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Урганч давлат университетининг археология, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, филология соҳаларида тўрт томонлама ҳамкорлик қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Франция Фанлар академиясида утказилган учрашув давомида унинг президенти Эдуард Брезин икки мамлакат илмий марказлари ўртасида, жумладан, қайта тикланган Хоразм Маъмун академияси билан алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Ўзбекистон делегациясининг ЮНЕСКО қароргоҳида Қарши шаҳри ва Маъмун академиясининг юбилейларига бағишланган халқаро анжумандаги иштироки самарали бўлди.

Шундай қилиб, юртимиз зиёлиларидан бир гуруҳи Францияга сафарни давомида хорижий ҳамкасбларини ўзбекистонлик олимларнинг илм-фаннинг турли жабҳалардаги энг сунъти ютуқлари билан таништириш, ўз натижатида, ўзбек олимлари французларнинг «Шарқ-Ғарб» маданиятлараро мулоқотни ўрганиш борасидаги тадқиқотлари натижаларидан бохабар бўлди, илмий ҳамкорлик борасида қатор шартномалар тузилди. Бу каби ўзаро фойдали алоқаларнинг ривожлантирилиши замонавий илм-фаннинг саноатида ажойибларимиз орзу қилган тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни сақлаш ишига салмоқли улуш бўлиб қўшилиши тайин.



«Амир Темур» операсидан лавқа.
Либрослар бўйича расом
Жан-Симон Бертелеми.
1802 йил.
Франция миллий кутубхонаси.

«Tamerlan»: une pl. de costumes.
Par Jean-Simon Berthélemy.
1802.
Bibliothèque nationale de France.

Францияда Амир Темурга бағишланган саҳна асарлари

Шавкатли Соҳибкирон бобомиз Амир Темур сиймоси салкам етти юз йилдан бери дунё олимлари, адиблари ва санъат ahli, шу жумладан, француз санъати намояндалари, драматурглар ва бастакорларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Мана шундай асарлардан бири француз драматурги, либреттонавис ва театр арбоби Этьен Морель де Шедевиль (фр. Etienne Morel de Chedeville ёки Chédeville; 1751–1814) қаламига мансуб «Амир Темур» либреттосидир.

Э.М. де Шедевиль бу либреттонни француз файласуфи Франсуа-Мари Вольтернинг «Хитойлик етим» («L'orphelin de la Chine») файласуфий драмаси асосида яратган ва Петер фон Винтер унга куй басталаган. Асар ilk мартаба 1802 йил 14 сентябрда машҳур Париж Опера театрида намойиш этилган. Мазкур 4 пардали опера 1806 йил 25 июндан 1815 йил 1 февралга қадар кул мартаба намойиш этилган ва уз даврида катта шухрат қозонган.

Асарда асосий воқеалар Туркиянинг Андраннополь (ҳозирги Эдирне) шаҳридаги масжидлардан бирида бўлиб утади. Ундаги асосий қаҳрамонлар Амир Темур, Бош вазир Мухтор, Бош вазирнинг дўсти, турк Аҳмет, мўғул-татарлар сардори Оркан, Мухторнинг хотини Сейда, турк тенгдош болалар Муфти, Сулаймон ва Али ҳисобланади.

* Tamerlan. Poème de Mr. Morel et Musique de Mr. Winter. Opéra en 4 actes. - Livret d'Etienne Morel de Chédeville d'après «L'orphelin de la Chine» de Voltaire. - 1re représentation: Paris, Théâtre de l'Opéra, 14 septembre 1802. - 41 pages.

Сохибқирон Амир Темурга бағишланган яна бир сахна асари Кристофер Марло асари асосида яратилган «Буюк Амир Темур» (фр. «Tamerlan le Grand») пьесасидир. Асар 1965 йилда Мишель Паран (фр. Michel Parant) томонидан француз тилига таржима қилинган ва уни Марсель Марешал (фр. Marcel Maréchal) сахналаштирган. Пьеса 1966 йил 8 июлда Лион шаҳридаги Котюрн театрида (фр. Théâtre de Colturne) герцог Жан де Берри вафотининг 550 йиллигига бағишланган кечада намойиш этилган¹.

1991 йили Жан-Луи Урден (фр. Jean-Louis Hourdin) ҳам Кристофер Марло асари асосида «Амир Темур» (фр. «Tamerlan») номли пьеса яратган. Асардаги асосий роллардан бирини машҳур француз актери ва режиссёри Жан Пьер Боден² (фр. Jean-Pierre Bodin) ижро этган. Пьеса 1991 йилнинг 1 июлидан 28 июлига қадар Париждаги «Жан-Луи Урден Компанияси» номли кичик театрда бир неча бор намойиш этилган³.

Кристофер Марло асари асосида 2001 йилда «Буюк Амир Темур» (фр. «Tamerlan le Grand») номли яна бир сахна асари яратилган. Бу пьеса Люк де Густин (фр. Luc de Goussine) томонидан француз тилига таржима қилинган бўлиб, Жан-Батист Састр (фр. Jean-Baptiste Sastre) ва Кристиан Болтански (фр. Christian Boltanski) томонидан сахналаштирилган. Саҳнада Амир Темур ролини аргентина ҳамда француз театр ва кино актери Марсиал Ди Фонзо Бо (фр. Marcial Di Fonzo Bo) ижро этган. Пьеса 2001 йил 15 ноябрда Париж шаҳрининг Шайо миллий театрида намойиш этилган⁴.

Бундан ташқари, Мишель Дойч (фр. Michel Deutsch) ҳам «Амир Темурдан олдинроқ» (фр. «Juste avant Tamerlan») номли пьеса яратган бўлиб, у 1987 йилда Франсуа Шато (фр. François Chato) томонидан сахналаштирилган. Асар уша йилнинг 15 июлида Вилнев-лез-Авиньон шаҳрида бўлиб ўтган фестивал доирасида томошабинларга намойиш этилган. Кейинчалик, 1988 йил 12-13 январь кунлари ушбу пьеса Франциянинг Монлюсон шаҳарчасида қайта қўйилган⁵.

Бу борала ўзбек театри намояндалари ҳам бир мунча ишларни амалга оширган. Хусусан, 1996 йил 22 апрелда Париж шаҳридаги Европа Одэонтеатрида Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ва Темурийлар уюшмаси кумагида Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган талбирлар ўтказилган. Ушбу талбир доирасида таникли режиссёр Баходир Йўлдошев томонидан «Темурий паҳзодалар саройида: Ўзбекистонда шеърят ва мусиқа» (фр. «A la Cour des Princes Timuriides : poesies et musiques d'Ouzbekistan») номли сахна асари намойиш этилган⁶.

¹ Манба: Франция Миллий кутубхонасининг расмий сайти (www.bnf.fr).

² Жан-Пьер Боден (Jean-Pierre Bodin, 1957 й.т.) – француз актери ва режиссёри. Унинг асарлари Жан Боден билан аддитриралига керак.

Жан Боден (фр. Jean Bodin, 1529–1596) – француз сибастияноси, философи, иқтисодшуноси, ҳуқуқшуноси бунча профессор, Париж парляменти аъзоси. Машҳур «Республиканинг олти килёми» («Les Six livres de la République») номли асар муаллифи. Давлат суверенитети ва тўлиқ ҳиммат назарини каби воқалар бунча тарихда ном қолдирган. Жан Боден Амир Темур туркича асар # ымаган, аничи чнда унинг 1566 йишда латин тилида биткилан ва М.С. Бобкова томонидан ДИО йилда рус тилига таржима қилинган «Тарихни осон фақидаш услуби» («Methodus ut facilet hystoriam scribere») номли китобида Сохибқирон номи уч ўринда тилга олинган. Каранг: Боден Жан. Метод легьлати позитивни историн. – М.: «Наука», 2000. – 412 с.

³ Манба: Франция Миллий кутубхонасининг расмий сайти (www.bnf.fr).

⁴ Манба: Франция Миллий кутубхонасининг расмий сайти (www.bnf.fr).

⁵ Манба: Франция Театр миллий марказининг расмий сайти (www.cnl.asso.fr) ва «Темурийлар» журналининг 1996 йилги 16-сонидаги Клод Лишаннинг «Одэон» спектакли хусусида номли мақоласи.

⁶ Манба: Европа Одэон театрининг расмий сайти (www.theatre-odeon.eu) ва «Темурийлар» журналининг 1996 йилги 16-сонидаги Клод Лишаннинг «Одэон» спектакли хусусида номли мақоласи.



Францияда Темурийлар уюшмаси

Шуролар даврида сиёсат ва иқтисодиёт соҳалари билан бир қаторда илим-фан ва маданият жабҳалари ривожини ҳам «темир парда» ортида булган, Амир Темур туғрисида илик суз айтиш айб, ҳатто жиноят ҳисобланган бир пайтда, яъни 1987 йил 22 мартда Парижда «Темурийлар тарихи ва санъатини урганиш ҳамда француз-узбек маданий алоқалари уюшмаси» («Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks») тузилди.

Уюшманинг асосчилари ва раҳбарлари профессор Л. Керен ва доимо узбекона либослар кийиб юрадиган Фредерик Бопертю-Брессан хонимдир. Бу хусусда Ф. Бопертю-Брессан хоним шундай деб ёзади: «Хам бахтли тасодиф, ҳам тақдирнинг иродасини қарангки, буюк Темурнинг буюк набираси астрономия султони Мирзо Улуғбек ҳам 1394 йилнинг айнан 22 мартада дунёга келган»¹.

Франциялик олим М. Пессиани ва самарқандлик таниқли олимлар Т. Ширинов ҳамда А. Бердимуролов Уюшма раисининг уринбосарларидир. Уюшма Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданиятини тарғиб қилиш борасида дунёда биринчи тузилган ташкилотдир. Унинг асосий мақсади Амир Темур ва темурийлар маданияти ва санъати, буюк ипак йўлининг муҳим қисми, Шарқ ва Ғарб маданиятларининг чорраҳаси бўлмиш Марказий Осиё тарихи ва унинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси билан кенг француз оммасини таништиришдан иборат.


Шу борада музаффар сарҳарда ва буюк давлат арбоби Амир Темурдан бошлаб унинг сулоласи вакиллари: фалакшиятчи Мирзо Улуғбек, шоир Ҳусайн Бойқа-

рдан то Бобурийларгача барча-барчаларини истеъдодли санъаткор, адиб, зиёлилар ҳомийси, бунёдкор ва меъмор булганликларини Уюшма аъзолари кенг тарғиб қиладилар. Бунинг яққол далили сифатида улар Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухорою Хирот, Балху Шимоний Ҳиндистондаги тенгсиз Шарқ меъморчилик дурдоналарини мисол қилиб курсатадилар.

Шу мақсадда Уюшма темурхонлик кечалари, илмий анжуманлар, курғазмалар утказиб туради. Темурийларнинг ҳақиқий ихлосмандларини булмиш Уюшма аъзолари французларни машҳур тарихий «Самарқанд йўли»дан боришга, ҳазрати Амир Темур салтанати пойтахти мовий гўлбазларига маҳлиё бўлишга, Шарқ Уйғониш даври маданияти ва санъатидан завқланишига чорлайдилар.

Бу боралаги амалий ҳаракат сифатида 1989 йилдан бери Уюшма узининг «Темурийлар» («La Temouride») номли даврий нашрининг 30 дан ортиқ сонини чоп этди. Бу бюллетенларда Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, маданияти ва санъати туғрисида қимматли мақола ва маълумотлар босилган.

¹ Улуғбек — prince astronome Paris, 1994. — P. 3.



Фредерик Бопертю-Брессаннинг «Самарқанднинг мовий тилласи» китоби Париж, 1998 йил

Frederique Beaupertuis-Bressand, «L'Or Bleu de Samarkand», Paris, 1998

Лосеях Керен ёраанчаси Фредери Бопертю-Брессан билан Лосея Керен et son assistante Frederique Beaupertuis-Bressand





Фредерик Бопертю-Брессаннинг
«Улуғбек Самарқанд» китоби.
Париж, 2003 йил.

Federic Bopearthou-Bressan.
«Samarqand la magnifique».
Paris, 2003.

«Мени қўлича Амир Темур
ва теурийлар байридоғи
юксак маданият, м.м-фаннинг
илдишлари ҳардо деган сабал
уй-янтигарди. Бу юксак
маданиятнинг илдишлари,
бошланғини фақат
Ўзбекистондан қидириш
лотим дўб уй-йайман. Амир
Темур уз аждоғлари яратиб
кетган цивилизацияни тиритиб
тиришса, унса янғича жила,
нафас беришга эришди».

Фредерик
Бопертю-Брессан

Уюғима Самарқанд Археология институти олимлари билан бир-галликда «Темурийлар» бюллетенининг махсус сонини илми нужуми (астрономия) ва илми башорат (астрология) соҳибни Мирзо Улуғбек тавалуудининг 600 йиллигига бағишлаб «Улуғбек – астрономия султони»¹ номи билан чоп этди.

Бу сондан урин олган «Улуғбек ва юлдуз буржлари» (Ф. Бопертю-Брессан), «Улуғбек мактаби ва унинг Усмонли турклар астрономиясига хиссаси» (Л. Керей), «Темурийлар даврида Шарқ ва Ғарб мамлакатларида астрономия ва астрология фанларининг тараққийси» (Ж.П. Буде), «Улуғбек ибн Шохрух ибн Темур санъат хомийси» (Э. Сийс), «Тасаввуфнинг Темурийларга ва Улуғбекка таъсири» (Т. Заркон), «Астрономия, санъат ва сиёсат» (И. Портер) номли мақолалар сарияҳаларининг узийк Мирзо Улуғбек илмий меросига булган кизиқишининг нақадар кучли эканини яна бир ҳарра тасдиқлайди.

Муаллифлар XVI асрда Шарқ илми нужум ва илми башорат тараққийтида Ғарбга нисбатан анча илгарилаб кетганлигини тан ошдилар. XII аср урталаридан бошлаб шу давргача Шарқда кенг ривожланган астрология фани Ғарбга булган таъсирини сезиларли даражада кучайтирди.

«Шунги эътироф этишимиз керакки, – деб ёзди Иоанн Патрик Буде, – XV асрнинг урталарига қадар Ғарбликлар ҳисоб-китобларга асосланган астрономия, шарқликлар эса кузатишларга асосланган астрономия фанини тараққий эттирдилар. Марв ёки Самарқанд обсерваторияларига қиссланиши мумкин булган иншоотлар ва секстант ҳамда астролбия каби асбоблар эса Ғарб мамлакатларида ҳали мавжуд эмас эди. Улуғбекнинг юлдузлар жадвали ва унга берилган шарҳлар тахлилий теурийлар даври олимлари европалик ҳамкасбларидан сезиларли даражада илгарилаб кетганлиги хақидаги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди»².

Т. Зарьонининг «Тасаввуфнинг теурийларга ва Улуғбекка таъсири» номли мақоласи ушбу мавзунинг илмий долзарблиги ва чуқур ўрганилиши лозимлиги билан диққат-эътиборни тортади. Тасаввуф илми намояндагарининг (нақибандия, неъматуллофия, хуруфия, са-

¹ Улуғбек le prince astronome Paris, 1994.

² Ibid.

фавия каби сулук вакилларининг Темурийларга ва ўша давр ланий ва маънавий ҳаётига таъсири нияҳоятда кизиқарли мавзудир.

Бир сўз билан айтганда, француз олимлари Мирзо Улугбек ва унинг шогирдлари башариятта қолдирган бебаҳо илмий меросга ва жаҳон фани тараққиётига қушган хиссага юқори баҳо берганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1996 йилнинг Амир Темир йили деб эълон қилиниши, ЮНЕСКО қарори билан Сохибқироннинг 660 йиллиги бутун дунёда кенг байрам қилиниши Ўюшма фаолияти учун катта имкониятлар очди ва Ўюшма аъзолари «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзусидаги халқаро илмий анжуманни тайёрлашда фаол қатнашдилар.

Бундан ташқари, айтиб ўтилганидек, Ўюшма Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси билан ҳамкорликда таниқли ўзбек режиссёри Б. Йулдошев раҳбарлигидаги иккунчи гуруҳ шитирокида Париждаги энг нуфузли театрлардан бири – «Одеон» – Европа театрида темурийлар даври шеърини ва муסיкий кечасини тайёрлади ва ўтказди.

Л. Керен вафотидан сўнг Фредерик Бопертюи-Брессан «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари ўюшмаси» раиси сифатида фаолият олиб бормокда.

Маълумки, Ф. Бопертюи-Брессан юртимиз билан буюк иккунта китобнинг муаллифи бўлиб, улардан бири «Самарқанднинг мовий тилласи»¹, деб номланади. Олиманинг шахсий маблагга ҳисобита 1998 йили француз ва инглиз тилларида нашр этилган мажмуу безакли альбом хозирги кунда жуда ноёб библиографик манба ҳисобланади. Ушбу китоб XIV аср Сохибқирони ва буюк салтанат бунёдкори Амир Темурнинг санъат асарлари жойлашган хуёшли ўлка, хусну малохатта бой, тарчи афсонавий туюлса-да, бироқ ҳақиқий жозибата эга қадимий ва навқирон Ўзбекистон диёридаги Самарқанднинг мейморий ёдгорликларига бағишланган. Китоб саҳифаларидан жой олган мовий гул-базлар, тиллакор ганжлар ва заррин ранглар жиҳосига бой фотосуратлар алоҳида диққатни тортади.

Ф. Бопертюи-Брессанининг «Фусункор Самарқанд»² номи иккунчи китоби 2003 йили француз тилида чоп этилган. Ушбу китобда Фредерик Бопертюи-Брессанининг нигоҳи ва тафаккурда гадаланадиган, санъат ва мейморчиликнинг ёрғониботи мужассам бўлган фусункор Самарқанд шаҳрининг қадимий обидалари ҳақида сўз юритилади. Хусусан, Афросиёбдан Амир Темир мақбарасигача, Регистондаги мадрасалардан Бибиҳоним масжидигача мухташам мейморий ёдгорликлар, бозорлар, хунармандчилик духонлари ва боғу хиёбонлар тасвири алоҳида ўрин олган.

Фредерик Бопертюи-Брессан хоним қаламига мансуб «Темурийлар боғларини»³ мақоласида ҳикоя қилинганидек, қадим замонлардан бери боғ дашта яшовчи одамларнинг энг қўхна орзуларидан бири ҳисобланади. Чунки, табиат бошиқа жойларга қараганда, айниқса, Шарқда ва Осиёда ҳаёт рамзи ҳисобланади. Дунё борки, ҳаёт сўв билан

¹ Frédérique Beaupertuis-Bressand. L'Or bleu de Samarkand - The Blue Cold of Samarkand. Paris: Art International publishers, 1998. - 159 pages.

² Frédérique Beaupertuis-Bressand. Samarkand la magnifique. Paris: Georges Neuf, 2003. - 256 pages.

³ Frédérique Bressand-Beaupertuis. Les jardins Timourides // Epaves de la Culture sous Temour et les Princes Temourides / Recueil des actes du Colloque international scientifique à l'occasion du 666^e anniversaire d'Amir Temour. Paris, le 22 avril 1996, Dirigé par Lucien Kehren, Édouard Rteladze. - Paris, 1996. - P. 14-15.



Амал Саидов ва
Фредерик Бопертуйс Брессан
Amal Saidov et
Frédérique Beaupertuis Bressand

Франция элчихонасининг
ташаббуси билан
1994 йили француз
театр актриси Франсуа
Шато Узбекистонга кел-
ган. Ушанда Узбекистонда
хизмат курсатган санъат
арбоби, Узбекистон халқ
артисти Баходир Йулдошев
саҳналаштирган «Искандар»
спектаклида Ф. Шато
француз тилида Алишер
Навоий сиймосини, ўзбек
актрёлари эса она
тилимизда Искандар
ва бошқа ролларни
ужро этган

мавжуд. Қадимги замондан сув дунёни тақсимловчи ва Ердаги жаннат-ни ифодалайдиган боғни суғорувчи тўрт дарё тасвирида намояндир.

Амир Темураҳамонийлар ва Сосонийлардан мерос булиб қолган жаннат боғининг форс анъаналарини ҳайта жорий этган ва унинг даврида буюрчилик санъати чуққисига кўтарилган. У узининг пойтахти Самарқанд атрофида шаҳарнинг ўзидан ҳам кўпроқ жойни эгаллайдиган боғ қурдирган. 1403 йилда ҳукмдор шаҳрига ташриф буюрган Кастилия Қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бундан таъсирланиб, куйидагича таърифлаган:

«Шаҳарнинг теварак-атрофи боғу бустон ва тоқзорлар билан ўрилганки, у ерга келган сайёҳ бир олам хукаламзор ўртасида шаҳарни кўради».

«Амир Темурашбу купгина (ийгирмага яқин) жаннат бустон-дарвини Сосонийлар боғлари номларидан олинган шеърий исмлар билан атаган».

Маъмур боғлар Амир Темура даврининг энг машҳур боғлар рассоми Шихаб ал-Дин Аҳмад Зардакши томонидан уйлаб топилган ва аниқ режа асосида қизилган.

Темурий боғлар қизмаси «чаҳор боғ», яъни «тўрт қисми боғ» шаклида бўлган. Тўртбурчак шаклдаги қалин ва баланд деворлар билан ўрилганлиги ва асосан мовий керамика билан безатилганлиги боғларга ҳос Темурийлар меъморчилигининг ўзига ҳос хусусиятидир. Бурчаклариди минорачалари эса безак вазифасини бажарган.

Боғнинг маркази кенг хийбон ва шийпонча ёки саройга бошловчи ариқчалар ва тўрт томони очик ховуздан иборат бўлган. Бу шийпон жойлар эҳсанга ажратилган. Марказий шийпондан ташқари боғда бир канча дўконлар ва хужралар бўлган.

Тўрт қисмининг ҳар бири «чор-чаман», яъни тўрт геометрик булакларга бўлинган.

Даракторлар белгиланган тартибга қатъий риоя этган ҳолда барпо қилинган ҳаммаша кум-қук бўлган қарағайлар ва сарвайлар қил-



Баходир Йўлдашев
ва Франсуа Шато

Bahodir Youldashev
et François Chato

Соҳа мутахассислари эътироф этганидек, «Франсуа Шатонг Алишер Навоий сиймоси таассуротини уйғотиши учун пардоз нечоғлиқ салобат бағишлаган бўлса, Хазрат каломи унинг нафасиди фаринг тилида шу қадар жозиба ва табиийлик билан жарангладикки, бу мунаносибликдан фақат ва фақат ҳайрат туйиши мумкин эди. Франсуа узи табиатдан фалсафий фикрлашга мойин, унинг туйунча ва қарашларида ҳам Шарқ донишмандлигига яқинлик бор эди».

парис), чинорлар, мажнунтоллар ва тераклар, мевали дараклар ва тоқлар, хамиша чамандек очилиб турадиган гулзорлар яратилган. Бугунги кунга қадар ушбу гузал боғу чаманзорлардан деярли ҳеч вако қолмаган бўлса-да, хануз бахтимизга бундан дарак берувчи Темурийлар миниатюралари ва солиномалар сақланиб қолган, деб ҳулоса қилади Фредерик Бопертью-Брессан хоним.

Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО хузуридаги доимий ваколатхонаси, мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ҳамда «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси» ҳамкорлигида 2008 йил октябрь ойида Францияда Уюшманинг 20 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу сана доирасида Парижда бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

«Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси»нинг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида, шунингдек, Париждаги «Александр Каден» бадийи галереясида «Самарқанд гуллари» мавзусидаги кургазма очилиб, унда ўзбекистонлик ва европалик санъат намояндаларининг асарлари намойиш этилди. Хусусан, кургазмада ўзбек rassomi Бобур Исмоиловнинг асарлари, ғиждуволик қулол Абдулла Назаровнинг оилавий музейида сақланган ноёб сопол буюм ҳамда сузаналар, Ф. Бопертью-Брессан хоним ишлаган расмлар, шунингдек, яна бир европалик санъат намояндаси – Лондонда истиқомат қиладиган машҳур уста Каролинда Толстая ясаган қулолчилик буюкларига кенг ўрин берилди.

Бундан ташқари, «Александр Каден» бадийи галереясида «Буюк илак йўлининг турфа ранглари жиљваси» мавзусида модалар намойиши уюштирилди. Унда самарқандлик миллий либослар устаси Наргиза Бекмухамедованинг замонавий ижод маҳсуллари намойиш қилинди¹.

«Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси»нинг 20 йиллигига бағишланган тадбирларнинг очилиш хисмида сузга чиққан Темурийлар уюшмаси раҳбари Ф. Бопертью-Брессан хоним таъкидлаганидек, «Бундан кўп асрлар илгари, Амир Темур ва унинг ворислари саройида адабиёт, шеъринят ва санъат ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватланган ҳамда рағбатлантирилган. Ўзбек замини дунёга не-ме буюк зотларни - улғур шоир ва мутафаккирларни ҳаля этган»².

Ўз навбатида, Дижон шаҳри Миллий театри директори Франсуа Шато ўзбек мусикаси ва шеъриняти байрамига таклиф этилганидан мамнунлигини изҳор қилар экан, ўзбек шеъриняти жаҳон шеъринятида узининг муносиб ўрнига эга эканини таъкидлади³.

¹ Frédérique Bressand-Boaupertuis. Les modes Temouides // *Travailleurs de la Culture sous Temour et les Princes Temouides / le 60e anniversaire du Centre international universitaire à l'occasion du 60e anniversaire d'Amir Temour*. Paris, le 22 avril 1996. Tirage par Lucien Kehren, Edouard Rivkedzge. - Paris, 1996. Яна қарагил: <http://www.infoshos.ru/ru/Sadardob>

² Посвященные жизни Темуридов. ИА - Жамна - Шарк // *Пресса Востока. 31 апрель 2008* / <http://www.infoshos.ru/ru/?id=3106>

³ Ушба маъна

⁴ Ризаев, Шукрат. Баходир Йўлдашев театри маънавияти бадилар, қайилар. - Тошкент: Фағур Булоқ нотидаги нашриёт-маъбаа ижодий уюми, 2013. - 13-б. 10

«Темурийлар» бюллетенининг 1990 йилги 4-сонида эълон қилинган «Амир Темур даргоҳидаги элчиҳоналар ва Клавиҳо муносабати» номли мақола ҳам Л. Керен каламига мансуб. Мақолада 1402 йил 30-31 июль кунлари, Боязид устидан қозонилган ғалабадан сўнг, Кастилия Киросининг элчилари Пайо де Сото Майор ва Хернан Санчес де Паласуэлос Амир Темур қабулига келиб, ғалаба билан табриклагани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Мақолада таъкидланганидек, Амир Темур элчиларни юксак эҳтиром билан кутиб олган ва улар шарафига қатта зиёфат берган. Хаттоки, Хернанга ўз исм-шарифига «Темурбек» номини қушиб, яъни Хернан Темурбек Паласуэлос, деб ишлатишига ижозат берган. Элчиларнинг сафари якунида уларга Византияда ёғоч ўймакорлиги услубида яратилган ноёб ва гўзал тарихий ашё – Муқаддас Мишель хайкалчасини ҳадя этган.

Шунингдек, Амир Темур Франция Қироли Шарль VI га аталган мактубини элчилар орқали бериб юборган. Бу мактубнинг ҳажми 173x385 мм катталиқда бўлиб, қатта босилган муҳр вақт ўтиши билан асл қўриқишини йўқотган. Шунга қарамай, таниқли француз шарқшуноси Сильвестр де Саси бундан 160 йил олдин муҳрни ўқишга муваффақ бўлган.

Олимнинг фикрига кўра, мактубдаги муҳрда Амир Темурнинг белгиси бўлган учта кичик халқа тасвири ва «Расти-Рости» (Rasti-Rosti) шиори сақланиб қолган. Шиор француз тилига «Озодликка ҳақиқат орқали» (Liberté par la vérité) деб таржима қилинган¹.

Журналининг ушбу сонида, шунингдек, XVI асрда яшagan адиб Argot de Molina (*Argote de Molina*) Амир Темурнинг Клавиҳо билан муносабати ҳақида 1582 йилда асар ёзгани кайд этилган. Бирок ҳозирги кунга қадар бу асарнинг асл қулъэмаси топилмаган².

«Темурийлар» бюллетенининг 1993 йилги 12-сонида Л. Кереннинг «Бир европалик Амир Темур қўлинида» номли мақоласи чоп этилган. Мақолада Анкара жангидан сўнг Амир Темур харбийлари сафига қўшилган Иоханн Шильбергер номли Бавариялик аскарнинг саргузашти ҳақида баён этилган³.

Бюллетенининг 1994 йилги 13-сонида Мария Цюппинг (*Marie Szyppe*) «Хиротлик тарихнавислар оиласи: Мирхонд, Хондамир ва Амир Маҳмуд» ва Фредерик Бопертюи-Брессаннинг «Темурийлар элчиҳоналари Чин даргоҳида» номли мақолалари чоп этилган. Хусусан, М. Цюппинг мақоласида буюк тарихнавислардан бири Ҳофиз Абу Амир Темурнинг энг яқин дўстларидан бўлиб, шахмат ўйинида Сохибқироннинг асосий рақиб-ўйинчиси ҳисоблангани ҳақида фикр юритилган⁴.

«Темурийлар» бюллетенининг 1995 йилги 14-сонида Л. Кереннинг «Амир Темур ривояти ва тарихи ҳақида испан манбалари»

¹ Lucien Kehren. Ambassades à Tamerlan et la relation de Ruy Gonzalez de Clavijo // *La Timouride*, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timourides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 4e numéro, Paris, 1990. - P. 4.

² Lucien Kehren. Ambassades à Tamerlan et la relation de Ruy Gonzalez de Clavijo // *La Timouride*, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timourides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 4e numéro, Paris, 1990. - P. 6.

³ Lucien Kehren. Un Européen dans l'armée de Tamerlan // *La Timouride*, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timourides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 10e numéro, Paris, 1993. - P. 15.

⁴ Maria Szyppe. Une famille d'historiographes de Hérit: Mirkhwand, Khwandamir et Amir Mahmud // *La Timouride*, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timourides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 13e numéro, Paris, 1994. - P. 9.

«Амир Темурнинг иқтисошиётда тенги
 йўқ ислологчи булганлиги, унинг давлатида
 XIV асрдаёқ давлат бюжетини мавжуд булганлиги,
 аини вақтда Европада биринчи бундай бюджет
 XVII асрдагина Англия ва Францияда пайдо
 булганлиги эътиборга молик тарихий далил-
 дир».

Ислом Каримов



Амир Темур ва Султон Махмуд тангалари.
 Тобриз, 1394 йил.



Амир Темур ва Султон Махмуд тангалари.
 Тобриз, 1394 йил.



Амир Темур ва Султон Махмуд тангалари.
 Шероҳ, 1397 йил.

«Il est à noter en tant que le fait historique
 qu'Amir Temur fut un réformateur sans pareil en
 économie, qu'au XIVe siècle déjà il existait dans son
 empire le budget d'État, tandis qu'en Europe un tel
 budget n'apparut qu'au XVIIe siècle en Angleterre
 et en France».

Islam Karimov



Monnaies d'Amir Temur et de Sultân Mahmoud.
 Tobriz, 1394.



Monnaies d'Amir Temur et de Sultân Mahmoud.
 Tobriz, 1394.



Monnaies d'Amir Temur et de Sultân Mahmoud.
 Chiraz, 1397.

«Пул-молия сиёсати оркали Амир Темуր ўз империясини мустақкамлаш учун хар томонлама ташқи савдоли ривожлантиришда ва Византия, Генуя, Испания, Франция, Англия каби Европа ҳамда Хитой, Япония, Хиндистон каби Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни кучайтиришда ашқаламбор «Буюк шпак йули»дан фойдаланган».

«Afin de renforcer son empire par la politique monétaire et financière en élargissant un commerce extérieur multiforme et renforçant les relations économiques avec les pays européens tels que la Byzance, la République de Gènes, l'Espagne, la France, l'Angleterre et les états asiatiques tels que la Chine, le Japon, l'Inde et les autres pays, Amir Temur s'est servi tout d'abord de la Grande route de la Soie».

Ислам Каримов

Islam Karimov



Юбилей тангаси. Олтин суви айтилган
1994 йил Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 3 йиллигига чидрилган.



Monnaies a l'occasion du jubile
de 3e anniversaire de l'Independence
de la Republique d'Ouzbékistan. 1994.



Юбилей тангаси. 1996 йил Амир Темурининг
650 йиллик юбилейига чиқарилган.



Monnaies a l'occasion du jubile de 650e anniversaire
d'Amir Temur. 1996.



Юбилей тангаси. 1994 йил Мирзо Улуғбекнинг
600 йиллик юбилейига чиқарилган.



Monnaies a l'occasion du jubile de 600e anniversaire
d'Ulughbek. 1994.

номли мақоласи чоп этилган. Мақолада қайд этилган маълумотларга кўра, Амир Темурнинг бармоғида ғайритабиий, яъни мўъжизавий узуги бўлган. Соҳибқирон хузурида кимки ёлгон сузласа, узук кўзидаги тошининг ранги ўзгарган. Бу мўъжизадан хабардор этилган Клавихо Испания ҳақида фақат рост сузлашга интилган.

Шунга ўхшаш яна бир қизиқарли маълумотни тарихнавис Овьедо¹ ҳам келтирган. Яъни, Амир Темур Клавихога дунёдаги энг ажойиб нарсалардан бирини кўрсатишларини буюрган ва испан элчисининг олдига оғтин гулдонда розмарин ўсимлигини келтиришган. Бу ўсимликдан кушбўй ва ноёб мой олингани учун Амир Темур салтанатида у гоётда кадрланган.

Бирок, Клавихо ушбу ўсимликни Испанияда печкаларда ўтин сифатида ёқишларини айтганида Амир Темур элчининг юртида розмариннинг бу қадар кадрсизлигидан таажжубланган ва Клавихога шундай деган: «Бу ўсимликнинг қадрига етмаётганингиз, унинг ажойиб хислатларидан беҳабарлигингиздан дарак беради».

Маълумки, уша даврда розмарин афсунгарлик ва тиббиётда кенг қўлланилган. Тарихий манбаларда ёзилишича, розмарин суви диштрлик (меланхолия) ҳасталигини даволашда жуда қўл келган².

«Теурийлар» бюллетенининг 1996 йилги 16-сонида Акмал Саидовнинг «Францияда темуршунослик»³ ва Клод Лициянинг (Claude Liscia) «Одзон» спектакли хусусида» номли мақолалари чоп этилган.

Хусусан, К. Лиция француз режиссёри Франсуа Шато (François Chato) Кристофер Марлонинг «Буюк Амир Темур» асарини сахналаштиришни ороу қилгани ҳақида ёзган. Мақолада 1987 йили Вилневлез-Авиньон шаҳрида Мишель Дойчнинг (Michel Deutsch) «Амир Темурдан олдинроқ» номли пьесаси намойиш этилгани ҳақида ҳам маълумотлар берилган⁴.

Бюллетеннинг 1999 йилги 20-сонида Л. Кереннинг «Амир Темур замондоши: маршал Бусико» номли мақоласи чоп этилган бўлиб, унда Бусико ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Жумладан, 1414 йилда Қирол Шарль VI маршал Бусикога Францияга бутунлай қайтиб келишини буюрган ва уни Гуйен ҳамда Лангедок худудларига ҳоким этиб тайинлаган. Аммо 1415 йилда Англия босқини бошланган ва Бусико Нормандиядаги жангга қатнашиш учун жумб кетган.

Маршал Бусико Азинкур жангида ярадор бўлган ва асир тушган. Шу тариха Англияга олиб кетилиб, тутқинда сақланган маршал Бусико 55 ёшида вафот этган⁵.

¹ Gonzalo Fernández de Oviedo y Valdés (Gonzalo Fernández de Oviedo y Valdés, 1478-1557) - Испаниялик тарихнавис олим, Фуччи этнограф ва араволок.

² Lucien Kehren. Les sources espagnoles de l'histoire et de la légende de Tamerlan // La Temuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 14e numéro, Paris, 1995. - P. 10-11.

³ Akmal Saidov. Etudes Timurides en France // La Temuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 10e numéro, Paris, 1996 - P. 8.

⁴ Claude Liscia. A propos du spectacle de l'Odéon: rencontre de deux hommes de théâtre // La Temuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 10e numéro, Paris, 1996 - P. 4.

⁵ Lucien Kehren. Un contemporain de Boucaïcut // La Temuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et les échanges culturels franco-ouzbeks, 20e numéro, Paris, 1999. - P. 16.

Амир Темурнинг бармоғида ғайритабиий, яъни мўъжизавий узуги бўлган. Соҳибқирон хузурида кимки ёлгон сузласа, узук кўзидаги тошининг ранги ўзгарган. Бу мўъжизадан хабардор этилган Клавихо Испания ҳақида фақат рост сузлашга интилган.

Темурийлар Ренессанси дурдоналари — Лувр музейида



Париж шаҳри маркази, Сена дарёсининг унч қирғоғи, Риволи кўчасида жойлашган Лувр музейи Темурийлар Ренессанси дурдоналари сақланаётган музейлар орасида ноёблиги билан ажралиб туради. Лувр - 1793 йил 10 августда кенг омма намойиши учун очилган ilk музейдир.

Лувр музейи нафақат Франциядаги, аини чоғда бутун дунёдаги энг машҳур музейлар каторига киради. Музей банд этган майдони бўйича жаҳондаги музейлар ичида учинчи уринини эгаллайди. Унинг ҳудуди 160 минг 106 квадрат метрдан иборат. Музей қадимий саройда жойлашган бўлиб, ушбу бино 1190 йили Кирил Филипп Август қалъаси сифатида барпо этилган. Мажмуа ҳудуди Людовик XIV отлик ҳайкали турган жойдан бошланади.

Лувр музейини томоша қилувчилар сони 2012 йилда рекорд миқдорни - 10 миллион кишичи ташкил қилган. Шу тариха Лувр музейи меҳмонлар миқдори бўйича дунёда биринчи уринини эгаллаган.

Лувр музейининг 58 минг 470 квадрат метрлик улкан галерейларида Миср, Юнон, Этруск, Рим ва Шарқ цивилизациялари каби турли тмаддулар адабиёти, маданияти ҳамда санъати оид 300 мингга яқин нақдир осори атика жамланган. Бироқ бу тарихий ашёлардан атиги 35 мингтаси намоиш этилади, ҳолос.

2015 йил сентябрь ойида музейида «Ислоҳ санъати ва маданияти» номили янги булим очилди. Шу мавзуга оид тарихий дурдоналар Луврнинг уч минг квадрат метрлик Висконти залига жойлаштирилган. Музейга дастлаб аини мавзудаги экспонатлар 1922 йилда олиб келинган. Янги лойиҳага VII-XIX асрларга оид барча турдаги ноёб буюмлар, жумладан қадимий тўқимачилик маҳсулотлари намуналари киритилган.

Ҳозирги кунга қадар Шарқ маданияти ва санъатиға тааллуқли 16 мингтадан ортиқ тарихий ашёдан фақат 2 минг 300 таси кургазмага ҳуяилган эди. Эндиликда бу боғ меросни тулалигича оммага қизиқарли ва тушунарли тарзда намоиш этиш мақсадида янги майдон туртга хронологик қисмга бўлинган. Хар бир экспонат остиға қисқача изоҳ берилган.

Музейнинг «Темурийлар» («Les Timourides») бўлимида Амир Темури ва Соҳибқироннинг авлодлари даврига оид 30 дан зиёд тарихий ашё сақланмоқда¹.

Рембрандтнинг «Хукмдор Темури тахтада» ва француз харбий тарихи бўйича рассом Адольф Ивоннинг «Амир Темури тасвири» номили тасвирий асарлари шулар жумлиқидандир



Адольф Ивон. Амир Темури тасвири.
Лувр музейи.

Adolphe Yvon. Portrait de Timur-lang.
Musée du Louvre.

¹ Лувр музейининг рассий сайтига қаранг: <http://csmell.louvre.fr/csmell/vie/2017/02/11/france/les-salles-voies-langue-fr>

² Адольф Ивон (Adolphe Yvon, 1817-1893) - ағилвар мавзугаи суратлари билан машҳур француз рассоми.



Қаламдон Лувр музейи.
Еcriture Musée du Louvre

Сохибкирон курсатмаси асосида Аҳмад Ясавий макбараси учун ишланган, бугунги кунда Лувр (Париж) ва Давлат Эрмитажи (Санкт-Петербург) музейларида ноёб экспонат сифатида намойишга қўйилган машҳур мойчирокларни алоҳида таъкидлаш лозим. Уларни XIX аср охирида Лувр музейи ҳамда Эрмитаж булиб олган¹.

Бу олтига мойчирок 1397 йилда ишланган, мисдан ясалган. олтин ва қумуш билан зийнатланган, улчами 84,5x58 см. Чироқ айланаси бўйлаб битилган сулс услубидаги ёзувларни қуйидагича ўқиш мумкин: «Буюк ҳукмдор, давлатпаноҳ, адолатпеша, кутб ал-Дунё валидин Амир Темур Қўрагон буруғига биноан ясалди, Аллоҳ унинг мартабасини зиёда этсин...»².

Шунингдек, Луврда сақланаётган «Қаламдон», «Шароб косаси», «Қабртош булагчи», «Мақбарадаги ёдгорлик тоши» каби осори атиқалар ҳақида ўзбек олимларининг тадқиқотларида ҳам маълумотлар маъжуд³.

Бу дан ташқари, Франция Миллий кутубхонасида Амир Темур ва темурийлар даврига оид бадиий безакли ноҳир қўлёзма китоблар бор. Жумладан, Алишер Навоий қаламига мансуб «Лисон ут-тайр» асарининг 1553 йилда Бухорода қўчирилган (Suppl. turc 996 инвентарь рақами остида) ва XVI асрда Қазвинда қўчирилган (Suppl. turc 978 инвентарь рақами остида) миниатюраларга бой қўлёзмалари сақланмоқда⁴. Расмларда, жумладан, Шайх Сангоннинг ишк қўлида фонийи муғлак булиб, маълуқасига фидойилик қўрсатишлари таъвирланган.

Темурийлар даврига оид осори атиқалар нафақат Луврда балки Франциянинг бошқа шаҳарларидаги музейларда ҳам сақланмоқда. Афсуски, бу ноҳир ашёлар тадқиқотчиларнинг диққат эътиборидан четда қолиб келмоқда.

Париж шаҳридаги Гиме-Шарк санъати миллий музейи (Le musée national des Arts asiatiques-Guimet) ана шундай му-



Мойчирок 1397 йил Лувр музейи.
Paris, Франция


Éléments de l'ouvrage 1397
sujet de l'ouvrage: un éléphant
Musée du Louvre, Paris, France

¹ Қаран: Рустам, Санкт-Петербург. Давлат Эрмитажи. Инвентарь рақами SA-12686. Франция Париж. Лувр музейи. Инвентарь рақами №780.

² Алишер Навоий. Қўрагон Буруғига. - Алматы: «Евро Print», 2012. - 148-бет. Ҳаққон. www.kelme.com.uz.

³ Қаран: Курбанов Д.А. Жақсе қўлёзмаларининг темурийларга оид жавоҳирлар / Илмий тадқиқотлар 11.4.Абдуллоева. - Т. «Академия». 2011. - 56 бет. Курбанова Д. Хабидуллоева Н. Темурийларнинг ишк қўлидаги маълумотларнинг қўйиб тарқалиши. - Т. «Академия». 2016. - 160 бет.

⁴ Қаран: Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар: XV-XIX асрлар. - Т. «Фан», 1983. - 14-15-бетлар.



Христиан гузали Шайхга май тутмакда. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асоридан. Франция миллий кутубхонаси.

La belle chrétienne donne du vin à Cheikh. «Lison ut-tair» («Langue des oiseaux») d'Alisher Navoi. Bibliothèque nationale de France.

Христиан гузали Шайхдан оғу сурамоқда. «Лисон ут-тайр» асоридан. Франция миллий кутубхонаси.

La belle chrétienne demande pardon à Cheikh. «Lison ut-tair» («Langue des oiseaux») d'Alisher Navoi. Bibliothèque nationale de France.



зейлардан биридир. Ушбу музей асосчиси лионлик саноатчи Эмюль Гиме Осие на Африка мамлакатлари ҳамда қадимий динлар тарихига бағишлаб Лионда қурғазма очган. Қурғазма коллекциялари янада бойиганидан сунг у Осие санъати намуналари намойишига ихтисослашган музейга айлантирилган.

Гиме-Шарқ санъати миллий музейининг асосий коллекциялари Афғонистон ва Покистон санъати, Ҳимолай санъати, Жанубий-Шарқий Осие санъати, Марказий Осие санъати, Хитой санъати, Корея санъати, Ҳиндистон санъати, Япония санъати каби жамланмалардан иборат.

Хусусан, Гиме-Шарқ санъати миллий музейида «Акбарнома» асарининг 1-жилдига ҳикд рассомлари Мискин ва Шивдас 1590 йилларда ишлаган «Темур таваллуди» номи миниатюра сақланмоқда¹.

Франциянинг Осон шахарчасидаги Бонапарт музейида сақланаётган, номаълум рассом томонидан чизилган «Буюк Амир Темур» номи асар ҳам қадимий санъат асарларидандир.

Бонапарт музейи (Le musée Bonaparte) - Франциянинг шарқий қисмида жойлашган Дижон туманидаги Осон шахарчаси музейи ҳисобланади. Музейга 1863 йилда Жан-Батист Паже-Понтко томонидан асос солинган. У 1949 йилдан бошлаб «Бонапарт музейи» номини олган.

¹ Гиме-Шарқ санъати миллий музейининг Хиндистон бўлими шунга ҳадисан Анни Ованданинг Францияда чикашган «Осие санъати» («Arts asiatiques») институти-сидети адрини 1991 йил 46-сонда эълон қилинган «Темур таваллуди» «Акбарнома» асарини энги навб сурати-егажа мактабига бобуриёлар сулоласи вақтин Акбарнома тилиширига кура унинг қадри воқтин сафийани Абулфазл Аллоний томонидан 1589-1601 йилларда ёзилган 3 ҷилдиш «Акбарнома» асарини энги қадиф этилган ушбу миниатюра қадиф сур борди. Карши: Okada Akina. La Naissance de Turim une illustration inédite de l'«Akbar-nama» // Arts asiatiques - Paris, 1991, tome 46. - P. 34-38



Шароб қосақи. Мефрит.

Лувр музейі.

Coupe à vin Jade, décor gravé.
Musée du Louvre.



Мақбараси эдзорлик
тағли. Лувр музейі.

Fragment de stèle
funéraire à niche
Musée du Louvre



Қабр тағи бұлағи. Лувр музейі.

Fragment de marqueur de
tombe. Musée du Louvre.

«Буюк Амир Темури»
Осан шаҳарчасидаги
Ванонапарт музейи

Tamerlanus magnus.
Musée Bonaparte
d'Auxonne.



«Буюк Темури»
Рассом: Клод Виньон.
Нанси Тасвирий
санъат музейи

«Le Grand Tamerlan»
Par Claude Vignon.
Musée des beaux-arts
de Nancy.

Франциянинг Нанси шаҳридаги Тасвирий санъат музейида ҳам Амир Темури номи билан боғлиқ санъат асари бор. Француз рассоми Клод Виньон¹ XVII асрнинг иккинчи чорагида чизган «Буюк Темури» номи ушбу асар барроко услубининг ёркин намунасидир.

Нанси Тасвирий санъат музейи (Le musée des beaux-arts de Nancy) - Франциянинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Нанси шаҳрининг энг йирик ва марказий музейи. У 1793 йил 16 майда очилган бўлиб, 9 минг квадрат метр майдонга эга турли галереялардан иборат.

Франциянинг Дижон шаҳридаги Тасвирий санъат музейида сақланаётган, француз рассоми Клод Домек² томонидан XX асрнинг учинчи чорагида чизилган «Амир Темури Самарқандда» номи асар сюрреализмнинг ёркин намунаси экани билан алоҳида диққатни тортади.

«Амир Темури Самарқандда»
Рассом: Клод Домек.
Дижон Тасвирий санъат музейи.

«Tamerlan à Samarkande»
Par Claude Domec.
Musée des beaux-arts de Dijon.

¹ Клод Виньон (Claude Vignon, 1593–1670) - француз рассоми, барокко услуби устаси

² Клод Домек (Claude Domec, 1902–1983) - француз рассоми, сюрреализм пайланиши намунасидир





«Амир Тему
р»
Жан-Леон Жером.
1898 йил.

«Tamerlan»
Jean-Léon Gérôme.
1898.

Яна Амир Темурунинг олтин ҳайкалчаси ҳақида

Кейинги йиллардаги изланишлар натижасида Амир Темурунинг олтин ҳайкалчаси билан боғлиқ бир қатор янги маълумотлар тупладик. Ҳозирги кунга қадар ушбу санъат асарининг муаллифи, яратилган вақти, жойи ва айни пайтда қаерда сақланаётгани жумбоқ бўлиб келгани сир эмас. Ана шу саволларга муайян аниқликлар киритишга интилдик.

Биринчидан, ҳайкалча муаллифи – машҳур француз rassomi ва ҳайкалтароши, Франция Тасвирий санъат академияси аъзоси Жан-Леон Жером (Jean-Léon Gérôme, 1824–1904) эканини аниқладик. Чунки, урганган манбаларга қараганда, Франциянинг Юқори Сона вилоятидаги Везуль шаҳарчасида заргар Пьер Жером хонадониди дунёга келган Жан-Леон даставвал тасвирий санъат билан шуғулланган. Илк ижодий иши – 1846 йилда чизилган «Ювон ёшлари хурос уриштирмоқда» номли суратининг узейк ёш мусавирни машҳур қилиб юборган. Ушбу бебаҳо санъат асари ҳозирги кунда Париждаги Орсе музейида сақланмоқда.

Кейинчалик Жан-Леон Жером узун чизган суратлар асосида муъжаз ҳайкаллар ясашга утган. Башарият тарихида беш забардаст шахста бағишланган «Цезарь Рубиконни кесиб ўтмоқда» («Cesar franchissant le Rubicon», 1895), «Қоҳирага кираётган Бонапарт» («Bonaparte entrant au Caire», 1897), «Амир Темуру» («Tamerlan», 1898), «Буюк Фредерик» («Frederic le Grand», 1899), «Жорж Вашингтон» («George Washington», 1901) номли санъат асарлари шулар жумласидандир.

Иккинчидан, Амир Темуру ҳайкалчаси урта асрларда эмас¹, балки Люсьен Керен туғри таъкидлаганидек, XIX асрда яратилган, деган фикрдамиз. Чунки Жан-Леон Жером 1853 йилда Истанбулга сәҳат қилган ва шу тарихда Осман халқлари ҳаётига қизиқиши ниҳоятда ортган. Шу маънода, 1898 йилда яратилган Амир Темуру ҳайкалчаси, бир томондан, француз санъаткорининг ана шу қизиқиши меваси бўлса, иккинчи томондан, башарият тарихида чуқур из қолдирган, қолаверса, Европанинг халоскори бўлган Соҳибқиронга эҳтиромининг амалий ифодасидир.

Учинчидан, ҳайкалча яратилган жойни ҳам аниқладик, назаримизда. Бу, ҳойнаҳой, Париж шаҳридир. Нега деганда, авваламбор Жан-Леон Жером 1904 йилда Парижда вафот этган ва Монмартрдаги кабрстонда дафн этилган. Демак, у ҳаётининг охири илгари шу шаҳарда яшаган. Наполеон қушини хотирасига бағишланган «Ярадор бургут» («L'Aigle blessé») асарини Жером умрининг сунги йили, яъни

¹ Қарап: А. Бершиурел, Соҳибқироннинг олтин ҳайкалчаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 25 июнь.



«Темуру таваллуди»
Музеи ва Шивдос
Гиме-Шарк санъати
миллий музейи,
XVI аср охири.

«La naissance de Timur»
Musée et Shiv Das,
Musée national des arts
asiatiques – Guimet,
Fin du XVIe siècle.

1904 йилда яратган. Бу, ўз навбатида, Жан-Леон Жеромнинг кейинги ўн янглик умрида яратилган энг машхур хайкаллари силсиласига айнан Парижда асос солинганини яна бир бор тасдиқлайди.

Бугунги кунда Жан-Леон Жеромнинг она шаҳри Булмиш Везулдаги қоллежлардан бири унинг номи билан аталган. Ўтган даврда Бу ерда ва дунёнинг бошқа бир қанча шаҳарларида улуғ санъаткор ҳаёти ва ижодига бағишлаб кўرғазмалар ташкил қилинган. Улимидан сунг унинг асарлари тез унутилган бўлса-да, XX асрнинг 70-йилларига келиб Жан-Леон Жером XIX аср тасвирий санъати ва хайкалтарошлигининг мумтоз намояндаси сифатида эътироф этилган.

Тўртинчидан, хайкалчанинг олтиндан ясалгани ҳақидаги мулоҳазаларга оид айрим янги маълумотларга ҳам дуч келдик. Одатда, Жан-Леон Жером хайкалчалар ясашда олтин, қумуш, бошқа шу каби қимматбаҳо металл ва тошлардан фойдаланган.

Жан-Леон Жером устахонасидан олинган 1898 йилги фотосуратда хайкалтарош дастлаб Амир Темур тулпор тўққлари остида тасвирлангани турли ёш ҳамда ирқка мансуб 34 нафар одамнинг қиёфасида даҳшатли кўрув акс этган бош чанокларини гипсдан ясаб, алоҳида тахтага қатор териб қуйганини кузатиш мумкин¹.



«Леонард Рубинманг кесиб ўтмакда»,
Жан-Леон Жером,
1895 йил.

«C'est franchissant le Rubicon»,
Jean-Léon Gérôme,
1895.

Маълумотларга кўра, ушбу хайкалтарошнинг кўпгина асарлари Эдмон-Гюстав Сино (Edmond-Gustave Siot, 1841-1908) ва унинг хотини Элиза Дековиль (Elise Decauville)га тегишли «Сино-Дековиль» безакли-куюв устахонасида қилинган ва кўпайтирилган.

Бу устахонанинг ана шундай репродуктив махсулотлари, ўз навбатида, Париждаги италияликлар хиёбонида жойлашган, кейинчалик Капучинлар хиёбонидаги 24-уйга кўчирилган дўконда савдога кўйилган.

Шу нуқтаи назардан, заргарлар сулоласига мансуб бўлган Жан-Леон Жером Амир Темур хайкалчасининг асл нусхасини соф олтиндан ясагани ҳолда, бошқа нусхаси ёки нусхаларини асосан устига юпка қаватли мис ва бошқа қимматбаҳо металллар қопланган ганчдан ястирган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хусусан, хайкалчадаги тулпор этари соф олтиндан, бошқа айрим қисмлар эса кўк рангли мисдан ясалгани ҳақидаги баъзи бир маълумотлар учрагани айни шундай фарқ қилишга асос беради².

Носир Муҳаммаднинг «Туркистон ва Туркия: маънавий кўприклар» китобидаги қуйидаги сатрлар ҳам бу фикримизни тасдиқлайди: «Сохибқирон Амир Темурнинг ҳодир хайкалчаларидан бири 1997 йилнинг 29 ноябрида Истанбулдаги «Конрад интернейшнл» меҳмонхонасида ташкил қилинган кимошди савдосига қўйилган эди. Эртаси куни ьфўпича газеталарда кимошди савдосининг натижалари

¹ Kapsen: Bibliothèque nationale de France, Estampes et Photographie, Dc2934* grand folio, tome 13. *Don de Mme Gerôme en 1905.* Département Милиция кутубхонасининг расмини сайти: <http://www.musee-louvre.fr/objets/grand/091.htm>.

² <http://www.comovym.com/Tamerlan.htm>.

хақида хабар босилди. Мужбирлар диққатини жалб қилган буюм эса Соҳибкироннинг француз ҳайкалтароши Жан Леон Жером (1824–1904) томонидан ишланган ҳайкалчаси эди. Амир Темурни от устида, қулида туғ ушлаган ҳолда акс эттирган бу бронза ҳайкалча (104x94 см катталиқда) йўқолган деб ҳисобланарди, аммо у Авни Месерретч ўғли коллекциясида сақлаб келинган экан. У кимошди савдосида юксак нарҳда – 65 миллиард лирага (216 минг долларга) сотилди. Аммо ҳайкалчани сотиб олган шахснинг номи эълон қилинмади¹.

Бу фикрлар, авваламбор, бу нодир ҳайкалчанинг бир нечта нусخаси ясалгани ҳақидаги тахминиймизни тасдиқлайди. Ушанда ана шу нускалардан бири – «бронза ҳайкалча» Туркиядаги кимошди савдосига қўйилган бўлса керак. Ҳайкалчани харид қилган киши ўз шахси маълум қилмагани эса асл, яъни соф олгиндан ясалган ҳайкалча ҳам қайсидир номаълум шахснинг коллекциясида сақланаётган бўлиши мумкин, деб фараз қилиш учун яна бир асосдир.

Бешинчидан, шу вақтга қадар баъзи маълумотларда Амир Темур ҳайкалчаси 1900 йили Парижда утқазилган курғазмадан сунг ўзгариб кетилгани ва ҳозирда унинг тақдирини номаълум эканлиги айтилса, бошқа бир маълумотларда ушбу нодир ҳайкалча Париждаги Луар музейида сақланаётгани таъкидланганига гувоҳ бўлганмиз².

Энг янги манбалар эса Амир Темур ҳайкалчаси йўқолганидан, хусусан, 2010 йил 19 октябрдан – 2011 йил 23 январигача Парижнинг Орсе музейида бўлиб ўтган Жан-Леон Жером асарлари курғазмасида мазкур ҳайкалча намойишта қўйилгани ҳақида хабар беради. Фантастик адабиёт рўқнидаги «Psychovision.net» интернет-форумида бу ҳақда замонавий анимацион расмлар буйича мутахассис Мишель Бордери (Michel Borderie) 2011 йил 14 январда Орсе музейидаги «Амир Темур» ҳайкалчасини кўрганидан сунг Интернетда ёзиб қолдирган қуйидаги маълумотни ўқидик:

«Энди санъат тарихи ҳақида икки оғиз сўз! 2011 йил 23 январга қадар Жан-Леон Жером (1824-1904) ижодига бағишлаб Орсе музейида очилган курғазмани томоша қилишнинг мумкин. Мана бу: Жеромнинг Орседа сақланаётган «Амир Темур» номили ҳайкалчаси»³ (сайтдан сўзма-сўз таржима).

Париждаги Орсе музейидаги курғазмани 2010 йил 28 октябрда томоша қилган «Шандуазо» («Chandoiseau») интернет-блогтери фойдаланувчиси ҳам намойишта қўйилган асарлар ичида «Гладнагорлар» ва «Амир Темур» ҳайкалчалари маъқул келганини таъкидлаб ёзган⁴.

¹ Носир Муҳаммад, Туркстон ва Туркия маънавий кулриклар. – Тошкент, 2011. – 51-бет. Қаранг: www.ksd.uz/ksd/psd/psd.uz. Насриддин Муҳаммадиев, Соҳибкироннинг нодир ҳайкалчаси // Халқ сўзи, 2005, 7 апрел.

² Қаранг: Курбонова Д.А. Жалон ҳазиналаридаги томирчибара оид жавоирлар / маълумот муҳаррири Н. Халибуллоев. – Т.: A halikomash, 2011. – 30-бет.

³ <http://bd-livres.psychovision.net/pseudo/viewtopic.php?pid=31674>

⁴ <http://nouvelleteuille.canalblog.com/archives/2010/10/28/19439739.html>



«Қоңирага кирраётган Бонапарти». Жан-Леон Жером. 1897 йил.

«Bonaparte entrant au Caire». Jean-Léon Gérôme. 1897.

Еки бұлмаса, 2010 йил 27 ноябрда Пазузу (Pazuzu) ва Клара Л. (Clara L.) номли интернет-блоггер фойдаланувчилари кўрғазмада на- мойиш этилган Жеромнинг «Амир Темур» ва «Цезарь Рубиниони кесиб ўтмоқда» номли хайкалчалари айникса кучли таасурот колдирганини эътироф этган¹.

Ушбу кўрғазма, шунингдек, Лос-Анжелесдаги «The Getty Museum» музейида 2010 йил 15 июндан - 12 сентябргача ва Ма- рридадаги «Museo Thyssen-Bornemisza» музейида 2011 йил 1 мартдан - 22 майгача бўлиб ўтган². Демак, «Амир Темур» хайкалчасини ўша куллари дунё микёсида яна канчадан-канча одам томоша қилган ва ҳайратга тушган. Шу далилларнинг ўзи ҳам, фикримизда, хайкалчанинг йўқолгани ҳақидаги гапларни инкор этмоқда.

Кловерса, Жан-Леон Жеромнинг фақат «Клеопатра ва Цезарь» («Cléopâtre et César, 1866) асари йўқолгани ҳақидагина маълумот мавжуд. Ле- кин, «Амир Темур» хайкалчаси йўқолганига доир аниқ ахборотга дуч келмадик.

Жеромнинг айрим асарлари у хали ҳаётли- гидек АҚШ коллекциячилари томонидан со- тиб олинган. Ҳозирги кунда кўпгина асарлари Везулдаги Жорж-Гарре музейида, шунингдек, АҚШ, Канада, Дания каби давлатларнинг йи- рик музейларида сақланмоқда.


Хулоса ўрнида Амир Темур номи билан боғлиқ яна бир машҳур тасвирий санъат асари -

1878 йилда чизилган «Боязиднинг асирга олиниши» картинаси муаллифи Станислав Хлебовский Парижда Жан-Леон Жеромга шоғирд тушиб, унинг устахонасида амалиёт ўтаганини таъкидлаш ўринли, деб ўйлаймиз³. Нега деганда, С.Хлебовский ҳам бунга қадар Туркия- га саёхат қилган. У 1876 йилда яна Парижга қайтиб келиб, Жан-Леон Жером сабоқларидан таъсирланган ҳолда, «Боязиднинг асирга олини- ши» асарини чизган бўлса ажаб эмас.




«Буюк Фредерик», Жан-Леон Жером, 1899 йил.

«Frédéric le Grand», Jean-Leon Gerôme, 1899.



Қошқот Россия, О. Ирмагов, 2002 йил, «Univers Par O Irmaov», 2002.

¹ <https://boulevarddu9e.wordpress.com/2010/11/27/gerome-et-la-sculpture>.
² Батафакс Орос музенининг расми сайтига қаранг: http://www.musee-orsay.fr/fr/evenements/expositions/au-musee-donay/presentation-generale/article/jean-leon-gerome-25691.html?w_ttw=ws%5Bbar&Pd%5D=619&cl=ash&619ced729d.
³ Lytne Thornton, Les orientalistes: premiers voyageurs act-edition.com, 1993, - P. 68



**ŒUVRES ФРАНЦУЗ
FRANÇAISES ОЛИМЛАРИНИНГ
SUR АМИР ТЕМУР ВА
AMIR TEMUR ТЕМУРИЙЛАРГА
ET ОИД АСАРЛАРИ
LES TIMURIDES ҲАҚИДА**



«Харб санъатининг даҳаси бўлган Темур буюк кеманинг буюк дарғаси мисол утқир спёсатдан ҳам бўлган!».

Жан Обен,
француз олими

Амир Темур француз шарқшунослари наздида

«**М**евасига ҳарб дарахтни кадрлайдилар», деган қадъмиги руьоликлар. Инсон умрининг мезони эса, у амалга оширган ишлардир. Буюк бобоқолонимиз Амир Темурнинг фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш миллий ўз-ўзини англашдек адолатли истак билан чамбарчас боғлиқдир.

Соҳибқиронга замондош бўлган тарихнавислардан тортиб замонамизнинг шарқшуносларигача Амир Темурнинг ҳаётига баҳо беришга икки хил ёншашадилар: уларнинг баъзилари Соҳибқироннинг шаънига ҳамд-само ёғдирсалар, бошқа бировлари уни қоралашдан нари ўтмайдилар. Бунинг сабабларини, асосан, муаллифлар яшаб ўтган замоннинг мафқураси билан изоҳлаш тўғри бўлади.

Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ қилиш жараёнида аймиқса, коммунистик мафқуранинг иштироки салбий бўлган. Тарихий жараёнларда шахснинг иштирокини инкор этувчи моддашончилик фалсафаси қурол қилиниб олиниб, «чекка республикалар» деб аталувчи ҳудудларда «шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият» шиори остида миллий қажрамонларига, миллий маданиятлар ва кадриятларга, миллий меросга қарши қажшатқич ҳурраш олиб борилган. Мазкур жараёнга қарши биргина ҳаракат, озгина овоз кўтариш ўта оғир жиноят саналиб, халқимизнинг асл фарзандларни қувғин ва қирғин қилинган.

Амир Темур портрети.
XV аср миниатюраси

Portrait d'Amir Temur.
Miniature du XV^e siècle.

¹ Aubin J. Comment Tamerlan prenait les villes // *Sudia Islamica* 11/4, Paris 1963. - P. 83-122.

Фахр ҳамда ғурур билан тан олишимиз керакки, мустақил Ўзбекистонда халқимиз киска муддат ичида «қорнинигина эмас, балки кадрни ҳам» ўйлаш имкониятига эга бўлди, тарихимизга турри баҳо бериш, кадриятларимиз ва маънавиятликимизни тиклаш, иммон-этикодимизни мустаҳкамлашга киришдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1996 йилда нишонланган Соҳибқирон Амир Темуր ҳазратлари таваллудининг 660 йиллиги буюк бобокалонимизнинг руҳини шод қилиш билан бирга халқимизнинг миллий ўз-ўзини англаш жараёнига, иймон-этикодимизни мустаҳкамлаш ишига катта хисса қўшди.

Амир Темуր ҳамда temuрийлар сулоласининг тарихи урганилар. Темуր ва temuрийларнинг фаолиятига баҳо берилар экан, мажмур эҳтимол ҳамда унинг авлодлари шаънига айтилган ҳар бир фикр, ҳоғозга туширилган ҳар бир рисола ни диққат билан урганиш мақсадга мувофиқ бўларди. Шу ўринда француз шарқшуносларининг Темур ва temuрийларнинг ҳаётларини урганиш соҳасидаги ишлари алоҳида аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Ушбу этнирофимизнинг қатор сабаблари бор.

Биринчиси, ҳар қандай мафқурадан холис бўлиш, яъни тарихга холис ёндашишдир.

Иккинчиси, Амир Темур ва temuрийларнинг ҳаёт йулларини тадқиқ этар экан, француз олимлари Соҳибқирон ҳамда унинг авлодларига хос бўлган ҳеч бир икки-чаккирни, ҳеч бир сифатни назардан қочирмайдилар: шахснинг камол топиши, билимдонлик, жисмоний табиғатлиги, диний эътиқодга бўлган муносабати, дунингдек соф инсоний фазилатлар: мардлик, камтарлик, олийжаноблик, қаттиққўллик, саҳийлик, талабчанлик, ҳарб санъати, ташкилотчилик ва бошқа жиҳатлар шулар жумласидандир.

Учинчиси, француз шарқшуносларининг қаламига мансуб бўлган илмий мақолалар ва рисоалар, аксарият ҳолларда, турли бебаҳо манбалар, бундан ташқари ҳали бизга маълум бўлмаган илмий-тарихий манбаларни чуқур тадқиқ қилишга асосланган. Уларнинг орасида мамлюклар салтанати даврида битилган қўлёзмалар, Париж, Туркия, Эрон, Бағдод ҳамда Дехли шаҳарларининг кутубхоналарида сақланаётган манбалар бор.

Францияда сўнгги ярим асрда қалам тебратган ва тебратётган temuришунослар француз шарқшуносларининг тунгич авлодидан фарқли уларок, ўз вазифаларини Амир Темур ва унинг авлодлари амалда оширган ишларнинг йилномасини тузишдан иборат деб билимади. Уларни, авваламбор, Амир Темур ҳамда temuрийларнинг шахсияти, уларнинг шахс сифатида, саркарда ҳамда давлат бошлиғи сифатида шаклланишлари, temuрийлар давлатининг равнақи ҳамда инкироз сабаблари қизиқтиради.

Танқили француз шарқшуноси Жан Пол Ру ўзининг «Амир Темур» китобига ёзган сўз бошида: «Ҳеч шубҳа йўқки, Амир Темур туфайлигина Мовароуннаҳр ва Эронда осойишталик қарор топди, мамлакатнинг равнақи учун зарур шарт-шароит яратилди, тижорат низга тушиб, тожирлар бойиди, оқилона ташкил этилган давлат бошқаруви йўлга қўйилди... Ҳукмдорнинг азалий рақиби Олтин Ўрда хони Тўхтаминнинг енгилиши нафакат славяялар ёки турклар, балки бутун Евро-Осиё учун муҳим воқеа бўлди, зеро ушбу

«Асрлар давомида Амир Темур тарихини урганишга қўл урган тарихчилар кўпинча масолага узлари яшаган давр ва унинг мафқураси таъсирида баҳо бериб келдилар. Дарҳақиқат, Амир Темур замонида содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни, уруш ва қирғинларни ҳозирги замон одамларининг кўзи билан кўриб бۆқолайдиган бўлсак, биз уларни қийишқ ойнада кўргандек бўлалмиз ва улар бизга даҳшатли ва ғайриинсоний туюлиши табиийдир».

*Жан Пол Ру,
Франция*

жангда кучманчиларнинг умуман енгиб бўлмаслиги ҳақидаги афсона барбод бўлди»¹, - деб ёзади.

«Амир Темур» асарини ўқир эканмиз, муаллиф Жан Пол Руни воқеаларнинг йилномаси эмас балки Амир Темурнинг шахсияти ҳамда у яшаган замоннинг муҳити кўпроқ кизиқтирганлигининг шохиди бўлаемиз. Буюк юртдошимиз кучманчиларни ҳамда ўтрок ҳаёт, мажусийлик ва ислом тўқнаш келган макон ҳамда замоннинг ўта мураккаб муҳитида бекликдан Сохибқирон, ҳажонгир даражаси қадр кутарилди.

«Унинг фаолияти, - деб ёзади Ж.П. Ру, - Шаркий Европанинг тақдирини буткул ўзгартириб юборди ҳамда Ҳиндистон ва Яқин Шарқнинг тақдирини сезиларли из қолдирди». Олим Амир Темурни Искандар Зулкарнайн, Дорю, Юлий Цезарь билан тенглаштиради. «Амир Темур башарият тарихининг буюк сиймоларидандир»², - деб хулоса қилади олим.

Мусулмон Шарқи буйича йирик мутахассис Жан Обен Шарфиддин Али Яший ва Низомиддин Шомий томонидан битилган «Зафарнома», Ғиёсиддин Алининг «Ғузнома газавоти Ҳиндистон» («Ҳиндистон сафарининг ҳундалиги») ҳамда Ҳофиз Абрунинг асарларини чуқур ўрганш асосида «Темурнинг саркардалик санъати»³ мақоласини ёзган.

Шуниси эътиборга моликки, мазкур сарлавха мақоланинг асл моҳиятини тўлалигича акс эттирмайди. Зеро, унда Амир Темурнинг дин ҳамда дин пешволарига бўлган муносабати, унинг тижорат ишларини ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг ободончилиги, тинчлиги ва маъмуриги йўлидаги фаолиятига ҳам кенг ўрин берилган.

Маълумки, Амир Темур ислом динининг пешволарини ниҳоятда ҳурмат қилган. Шаиҳлар, саййидлар, қозилар ва бошқа уламоларнинг жонлари ҳамда моллари ҳар қандай шароитда ҳам дахлсиз бўлган. Айни пайтда Амир Темур ислом динининг ақидаларини ҳеч ҳаҷон доғма деб билмаган, яъни уларга кўр-кўрона амал қилавермаган.

Масалан, Жан Обен ўзининг мақоласида шундай деб ёзади: «...у мунажжимлардан роижа сўраб турган, лекин уларнинг башоратлари ўзи тузиб қўйган режага зид келган маҳал, ўз билганича иш қўрган». Масалан, 1402 йилнинг муқаддимасида нуёнлар Амири Оспийни Султон Боязидга қарши юришдан воз кечишга ундадилар ва мунажжимларнинг Румга қарши юриш муқаррар мағлубиятга учради, деб башорат қилаётганликларини айтадилар.

Бирок, европалик ҳукмдорларнинг Боязидга қарши курашда иштирок этишлари ҳақидаги ваъдани олган Амир Темур туркларнинг франкларга қарши курашаётганликларини баҳона қилиб, қарорини оғишмай амалга оширади ва Боязид Йилдиримни енгади.

Жан Обен мутахассислар томонидан турпича изоҳлаб келинган, теурийлар давлатининг тахтига Чингизхон авлодидан бўлган хонлардан биқининг кўфирчоқ ҳукмдор тариқасида ўтказилганлиги сўбсми ёки ҳуқуқий сабаблар билан эмас, эътиқод билан изоҳланиши лозим, деган фикрни илгари суради.

«Ҳеч шубҳа йўқки, Амир Темур туфайлигина Мовароуннаҳр ва Эронда осийиштлиқ қарор топди, мамлакатнинг равнақи учун зарур шарт-шароит яратилди, тижорат изга тушиб, тожирлар бойиди, оқилона ташкил этилган давлат бошқаруви йўлга қўйилди... Хўжидорнинг азалий рақиби Оатин ўрда хони Тухтаишнинг енгилши нафақан славянлар ёки турклар, блки бутун Евро-Осийё учун муҳим воқеа бўлди, зеро ушбу жангда кучманчиларнинг умуман енгиб бўлмаслиги ҳақидаги афсона барбод бўлди».

**Жан Пол Ру,
Франция**

¹ Jean-Paul Roux, Tamerlan. - Paris: Fayard, 1991. 366 pages.

² Jean-Paul Roux, Tamerlan. - Paris: Fayard, 1991. 366 pages.

³ Aubin J. Comment Tamerlan prenait les villes // Souda baloise XIX, Paris 1963, - P. 43-122.

Ўзидан аввал яшаган буюк лашкарбошпилар ҳамда давлат арбоблари, Искандар, Доро, Чингизхонлар каби, Амир Темур «...узини илоҳий ихтиёри бажарувчи» деб билган. Амири Бузрукдаги ушбу ишқончга ҳеч нарса раҳна сололмаган. Мазкур эътиқоднинг сиёсий арбоблик ва лашкарбошлик салоҳияти билан уйғунлашиб кетуви ҳукмдорга фавқулодда қудрат ато этган.

Жан Обен «фуқаролар тинчлигини таъминлаш ҳамда савдо-сотиқни ривожлантиришга интилиш» Амир Темурнинг «хукмдорлик фазилатларидан» булганлигини таъкидлайди. У Соҳибқиронни билар-билмай танқид қилавериш ушбу мураккаб шахсият соҳиб булган зотнинг кўп фазилатларининг унутилиб кетишига сабаб булганлигини афсус билан қанд эътади ҳамда Шарафиддин Али Яздийнинг Темурни «адолат ҳомийлиги, давлатнинг равнақи ҳамда халқнинг саодати тарафдори булганлиги» ҳақидаги фикрига қушилади.

Жан Обен Амир Темурнинг саркардалик маҳоратига алоҳида тўхталган. Маълумки, Амир Темур шаҳарларни вайрон қилмасдан, иложи борича кам талафот билан олишни афзал курган. Ҳарб санъатининг даҳоси булган Амир Темур ҳарбий хийланнинг турли – қуюк ваъдадан тортиб, самимий насихатгача булган шаклларидан фойдаланган.

Масалан, 1401 йилнинг июнида узоқ давом этган Бағдод камали палласида Амир Темур камалдагиларга, агар бефойда қаршилик курсатишни уҳарлик билан давом эттираверсангиз, навкарларининг қаҳр-ғазабларини жилолаб тура олишга қафолат бермайман, деб таҳдид қилган. 1381 йилнинг апрелида эса Ҳиротга ҳужум қилиш олдидан у икки минг бандини озод қилган ва кимки уйдан ташқарига чиқмаса, унинг ўзи ҳам, бола-чакаси ҳам омон қолади деб, шаҳарда гап тарқаттирган.

Ҳаши уйланган ушбу хийла кутилган натижани берган. Бозор ва маҳаллаларда сарфарбарликка қанчалик ундамасинлар, аҳоли қўлига қурол олишдан ва қалъа деворлари устига чиқиб, шаҳарни ҳимоя қилишдан бош тортган.

Шаҳарларни тинч йўл билан олишнинг асосий воситаси музокаралар булган. Қамал қилинган шаҳарларнинг аҳолиси амалдорлар ва уламоларни Темурнинг қароргоҳига вакил қилиб жўнатганлар. Музокаралар чоғида мағлублар томонидан тўланадиган «моли-омон», яъни тоvon пулининг миқдори келишилган. Мақолада Амир Темур томонидан тайинланган амирлар ва мухтасиблар томонидан мазкур тоvon пулини йиғиб олишнинг барча тафсилотлари акс эттирилган.

Таслим булиш шартларини бажармаган ёки исён кўтарган шаҳарларнинг аҳолиси жазога тортилган. «Лекин, – деб ёзади Жан Обен, – ҳукмдорнинг феъл-атворига ҳос булган вазирилик ҳар қандай шароитда ҳам унинг қаҳр-ғазабига аланга олиб кетишига йўл қўймаган».

Жан Обен, айни пайтда, жангу жадал ҳамда қирғинбаротларнинг даҳшатли ҳақиқати мавзусини четлаб ўтмайди. Айтмоқчи, Амир Темурнинг ўзи ҳам йилномачилар томонидан мазкур ҳақиқатнинг акс эттирилишига асло ишонлик курсатмаган.

Лекин, фаранг олими ўқувчини «Воқеалар содир булган жойларни ва саналарни чалқантириб юбрадиган арман йилномачилари, шунингдек Темурнинг шаънига иғво қилшни ҳамда бўхтон ёғдиришни ёқтираган Ибн Арабшоҳнинг битикларига танқидий куз билан ёчишмоқ зарур», деб огоҳлантиради.

«Амир Темур ўзига нисбатан ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам жуда талабчан эди, билардики, бажарилаши ҳийин ишни бажаришга ундаган, бунинг учун тўғри йўл қўрсатган йўлбошчигина севишли йўлбошчи була олади.

Ҳамма нарсада бошқалардан устун булиш, ўз-ўзидан устун булиш – унинг ўзига ва ўз яқинларига қўйган энг биринчи талаби шу эди. Шу билан бирга унинг сафдошларга би ҳатто душманларининг танқидлашича, у ниҳонда ақлу заковатли инсон эди ва ҳеч қачон фуқароларидан, сарбозларидан амалга ошириш мумкин булмаган ишларни бажаришни талаб қилмасди».

**Жан Пол Ру,
Франция**



«Бобурнома»нинг французча таржимаси. Сўз боши муаллифи Бакз Граммон. Париж, 1985 йил.

Traduction française
du *«Livre de Babur»*
Préface de Jean-Louis
Bacqué-Grammont.
Paris, 1985.

Сон-саноксиз кўшининг ва унга эргашиб юрувчи қабилалар, оила аъзолари ҳамда чорва поддаларининг мунтазам ҳаракатда бўлиши, исён кўтарган шаҳарлардаги аҳолини сургун қилиш, қунармандларнинг мажбуран кўчириб кетилиши ҳамда кулларнинг иш қучига бўлган эҳтиёжнинг зўрайиши шаҳар ва қишлоқлардаги иқтисодий ҳаётнинг вақтинча издан чиқишига сабаб бўлган.

«Замонасининг фарзанди бўлган Амир Темури ушбу муаммолар қаршисида довдираб қолмаган, – деб ёзади Жан Обен. – У ўзининг бир ташкилотчилик маҳоратини вужудга келган муаммоларни ҳал қилишга қаратган. Натижада бошларига минг балолар ёғилган Шарқ мамлакатлари тарихида Амир Темури кўшинларининг шафқатсизликлари эмас, балки Амир Темурининг тартиб-интизомини ҳамда маҳобатни ёқтирадиган диди билан суғорилган феъл-атвори чуқурроқ из қолдирган».

Шуни таъкидламоқ жоизки, француз шарҳшунослари нафақат Амир Темурига, балки теуририйларга ҳам катта қизиқиш билан қараганлар. Хусусан, XVI асрда Осиё китъъасидаги муҳитнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлган, ҳаёти фавқулодда саргузаштдан иборат бўлган, Амир Темури ҳамда теуририйларнинг инкирозга юз тутта бошлаган шон-шавкати бегона юртларда тиклаган Бобурнинг ҳаётига ҳамда унинг хотиралари жамланган «Бобурнома»га бўлган қизиқиш алоҳида аҳамият касб этади¹.

Маъзур фикрнинг далили сифатида «Бобурнома»нинг уч қайта амалга оширилган французча таржималарини тилга олишнинг ўзи қифоя қилади, деган фикрдамыс². Шу жумладан, назаримизда, ўздан аввалги таржималарнинг барча ютуқ ва камчиликларини ҳисобга олиб профессор Бакз Граммон томонидан амалга оширилган ҳамда ЮНЕСКО наشريёти томонидан чоп этилган сунгги таржима энг мукамал французча таржимадир³.

Профессор Бакз Граммон «Бобурнома»нинг французча таржимасига махсус сўз боши ёзган. «Сўз боши»нинг биринчи қисмида Марказий Осиёда, хусусан, Мовароуннаҳрда XIII-XIV асрларда содир бўлган воқеалар ҳақида қисқача маълумот берилган. Бакз Граммон, аини пайтда, Амир Темури ҳамда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихига батафсил тўхталган. Замонанинг заили билан ўз юртидан бегона бўлган теурирода «Хирот ва Самарқанднинг шон-шухратини бегона юртларда тиклашга муваффақ бўлди. «1526 йилнинг 12 апрелида Панилат яқинида бўлиб ўтган жанг, – деб ёзади у. – Ҳиндистон тахтини икки асрдан кўпроқ муддатга Буюк Муғуллар сулоласига, яъни теуририйларнинг кенжа вакилларига олиб берди».

«Сўз боши»нинг иккинчи қисми тўрт ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида китобхонлар ҳамда мутахассисларнинг фикри зикрнинг банд қилиб келаётган «Бобурнома»га бағишланган. Маъзур асарнинг XIV-XV асрлардаги Марказий Осиё ҳамда Ҳиндистон ҳақидаги тарихий маълумотларга бой эканлиги аллақачон эътироф этилган. Лекин, Бакз Граммон асарнинг бадийий хусусиятларига ҳамда Бобурнинг шахсияти, унинг ички кечинмаларига кўпроқ ва батафсилроқ тўхталади.

¹ Сандо А. Француз бобуршунослари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1986, 27 сентябр.

² Карам: *Mémoires de Babur (Zahir-ud-Din-Mohammed)*, fondateur de la dynastie moghole dans l'Indoustan / traduit du Tchaghataï par Abel Favet de Courville. Paris: Maisonneuve, 1871. – 467 pages. Le livre de Babur: *mémoires de Zahir-ud-Din-Mohammed Babur de 1494 à 1520 / traduit par Jean-Louis Bacqué-Grammont*. – Paris: Publications orientales de France, 1983.

³ *Zakhriddin Babur. Le Livre de Babur / présenté et traduit du turc tchaghataï par J.L. Bacqué-Grammont*. – Paris: Imprimerie nationale, 1985.



Жан Луи Бакэ Граммон
Jean-Louis Bacqué-Grammont

Маълумки, «Бобурнома»ни ёзишда Бобур темурийлар даврида ҳар томонлама ҳаётдан ҳамда ўзи яхши билган форс тилидан эмас, балки Ватани бўлмиш Фарғонанинг туркийсидан фойдаланган ва ўзбек тилининг адабий тил бўражасига кўтарилишига муҳим ҳисса қўнган. Фаранг таржимони, деярли бир аср муқаддам «Бобурнома»ни фаранг тилига таржима қилган Павэ де Куртейл асарнинг эски ўзбек тилидан усилган форсча матнидан фойдаланиши натижасида, таржима мубоффақиятсиз чиққан деган хулосани айтиб ўтади.

«Бобурнома» ўрта асрлардаги Шарқ адабиётида деярли учирмайдиган шаклда – таржимаи ҳол ҳурунинида яратилган бўлиб, Шоҳ Бобур китобхоннинг кузи унгида ҳам муаллиф, ҳам воқеаларнинг белгисиз иштирокчиси сифатида гавдаланади. У ортиқча дабдаба ҳамда сохта безакларсиз укучини ўз хотираларининг сукмоқларидан олиб юради. Содида, аниқ, чиройли жумлалар орадан қарийб беш юз йил ўтган бўлишига қарамай, кишида ҳаяжон ҳамда завқ уйғотади. Табиат манзаралари, гарчи бегона юртда бўлса ҳам, Бобурга кўпинча илҳом бағишлаган, уни афсонавий жаннат дарахти ҳақидаги сатрларни ёзишга илҳомлантирган.

«Боғнинг ҳублук маҳаллари эди, саҳнлари тамом себаргазор, анор дарахтлари сап-сариг ҳушранг ҳазон бўлуптур. Анорлар дарахтларда қил-қизил, норунж дарахтлари сабз ва хуррам, норунж дарахтларда бениҳоят вале норунжлар хотирхоҳ сарғаймайдур эди. Анорлари яхши, анорлари гарчи вилоятларнинг яхши анорларича эмас эди. Боғи Вафодан бир яхши маҳзуким бўлдук, бу навбат эди. Биз уч-тўрт кунким бу боғда эдук, бори ўрда эли ифрот била анор едилар!»¹

Француз шарқшуноси ва таржимони Бакэ Граммон Ҳиндистонда кудратли салтанат барпо этиб, уни идора қилган Бобурнинг бир умрга Ватанини қўмсаб ўтганлигини ҳаяжон билан таъкидлайди ҳамда «Бобурнома»дан қуйидаги сатрларни келтиради: «Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай. Алаҳхусус мундох жойиб ва торик бўлгонда қовун ва узумдек машруъ ҳазни киши не тавр хотиридин чиқарғай. Бу фурсатта бир қовун келтурур эдилар, фариб таъсир қилди. Тамом йиғлаб эдим»².

Маълумки, «Бобурнома»ни ёзишда Бобур темурийлар даврида ҳар томонлама қадрланган ҳамда ўзи яхши билган форс тилидан эмас, балки Ватани бўлмиш Фарғонанинг туркийсидан фойдаланган ва ўзбек тилининг адабий тил даражасига кўтарилишига муҳим ҳисса қўнган. Фаранг таржимони, деярли бир аср муқаддам «Бобурнома»ни фаранг тилига таржима қилган Павэ де Куртейл асарнинг эски ўзбек тилидан усилган форсча матнидан фойдаланиши натижасида, таржима мубоффақиятсиз чиққан деган хулосани айтиб ўтади.

Олим ва мутаржим Бакэ Граммонга Бобурни хотиралар китобини яратишга нималар мажбур қилганлиги ҳақидаги савол тинчлик бермайди. Ва ниҳоят, чуқур мушоҳада ва изланишлар натижасида у қуйидаги хулосага келган: «...у бошига тушаётган савдоларни тақдирини азалининг ҳукми деб билди ҳамда уларни фидокорлик билан акс эттирилиши муҳим деб ҳисоблади».

Жан Луи Бакэ Граммон баъзи тарихнависларнинг «Бобур маънавий қаншоқ бўлган, ими-жимида мусулмончилиққа амал қилиб, ичкиликдан бош кўтармай, ёши бир жонга бориб ҳолгацагина, кўп қатори, билиб-билмай тақводорликнинг йўлини тутган» деган маъмулдаги дэъвларини рад этади ҳамда темирзодаларнинг успирилик чоғидеяк Холжа Убайдуллоҳ Аҳрор ва у кишининг ўғилларидан сабоқ олганлигини, «Бобурнома»да ушбу табаррук зотлар ҳақидаги маълумотлар бежиз келтирилмаганини таъкидлайди.

«Эҳтиомол, – деб ёзади Бакэ Граммон, – ҳеч ким овоза қилгини деб мажбур қилмаган ўта шахсий ички кечинмаларнинг қорозга туширилишига ваҳми ҳам Ҳақнинг йўлига қилган зот (Бобур) ва «Ғайб-ул

¹ Энциклопедия Мухаммад Бобур, Бобурнома. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – 422-бет.
² Ғайб-ул-Ҳайр. – 123-бет.



Тьерри Заркон
Thierry Zarcose

«Амир Темур баъарият тарихининг буюқ сиймаларидандир».

*Жан Пол Ру,
Франция*

«Хақ» (Аллох) орасидаги муносабатдан изламоқ керахдир? Бобурнинг саргузоштлари тасвирланган мазкур асарда асл таъводорликнинг белгиси яққол сезилиб туради: муаллиф шахсий кечинмаларни орқали ҳақиқатни, «Ғайб-ул Хақ» (Аллох)нинг кўз илғаши мумкин бўлмаган аксидан иборат бўлган ҳақиқатни акс эттирган ҳамда ушбу хатти-ҳаракати билан Оллохнинг мавжудлигига, Куръони Мажиҳнинг ҳақиқат эканлигига, Исломининг йўли тўғри йўл эканлигига иймон келтирган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, «Бобурнома»нинг Жан Луи Бакэ Грамон томонидан амалга оширилган таржимаси мутахассислар томонидан энг мукамил ва баркамол деб баҳаланган.

Яна бир иқтидорли француз олими Тьерри Заркон¹нинг «Теурийлар ва тасавуф» деб аталган мақоласи ўта муҳим ва нозик мавзуга бағишланган². Темур ва теурийларнинг дин ҳамда дин пешволарига бўлган муносабатлари мавзусига фаранг шарқшунослари алоҳида эътибор билан қарайдилар.

Тьерри Заркон Амир Темур ҳамда Амир Кулол орасидаги муносабатлар хусусида теран фикр юртади. «Амир Темур ҳақида битилган хотираларда, – деб ёзади муаллиф, ҳукмдорнинг Амир Кулол билан учрашиб турганлиги қайд этилган. Маълумки, Амир Кулол Накшбандия сулуқининг асосчиси Баҳоуддин Накшбанднинг пирларидан бўлган. Баъзи муаллифлар, Амир Темур Амир Кулолнинг муриди бўлган, деб даъво қилишгача бориб етадилар, лекин тарихий манбалар мазкур даъвонинг тўғри эканлигини узиб-кесиб эътироф этишга имкон бермайди; билсак ул суфийнинг Соҳибқирон ҳузурда диний масалалар бўйича маслаҳатчи даражасига қутарилганлиги ҳамда дин пешволари орасида давлат таянчи бўлиб ҳисобланганлиги аниқ. Амир Кулол ҳақидаги мақомотлар ва хотиралар ушбу фикримизни тасдиқлайди».

Амир Кулол ҳақидаги маноклиблардан биламизки, Соҳибқирон ул зотни Бухорода учратган ва ундан ўз тақдир, хусусан вақти келиб, бутун мусулмон оламига бирлаштиражаги ҳақиқати ғароиб башоратни эшитган. Жан Обеннинг «Амир Темурнинг саркардалиқ санъати» мақоласида эътироф этилганидек, Соҳибқирон ўзини «Оллохнинг иродасини бажарувчи» деб билган ва худди ана шу ишонч унинг саркардалиқ салоҳияти билан уйғунлашиб кетиб, беҳиёс қудрат ҳамда шижоаткорликка айланган.

Амир Темур шахсини урганган француз тадқиқотчилари унинг чин таъводор мусулмон бўлганлигини бир овоздан тан оладилар. Бинобарин, ҳукмдор пирлар, авлиёлар, шайхлар ҳамда бошқа уламоларни ҳурмат қилган ва шу ўринда Амир Кулолнинг башоратларини ҳам Аллохнинг иродаси деб билган ҳамда ҳеч иккиланмай уларни амалга оширишга киришган³.

¹ Тьерри Заркон (Thierry Zarcose, 1938 йилда туғилган) – француз тарихчи олим. Тўғри Заркон дастлаб Экс-Марсели университетини битараф, сўнг 1989 йилда Страсбург университетини ташқил қилиб иш қилган. Турк ва форс маънавий-диний тарихи бўйича илмий маълумотлар олиб чиқиб, хусусан, суфийнинг вақт ўزгариши билан таълик этилаётган 2000 йилда таълик этилган «Тасавуф тарихи» журналининг бошқарувчиларидан бири ҳисобланади. 2001 йилдан қолғиси «Ушбу тарих» журналининг тарихий ва ҳақоратчи таълиқоти ҳузурдаги Нисон нусхалари ва демократик институтлар билан биргаликда илмий ва маънавий ишлар қилмоқда.

² Thierry Zarcose. La Soufisme chez les Timourides (1370-1500) et Ulugh Bey // Ulugh Bey // Les échanges culturels franco-ouzbeks, 1994, – P. 49-60.

³ Necdet Tosun. Timur ve Timurcular'ın Tasavvuf Ehlî ile münasabetsleri // Çağruların 600. yildön Emir Timur ve miras Sempozyumu / İstanbul, 2005. Bildiriler. – İstanbul, 2007. – S. 407-418.

«Шундай бўлса-да, – деб ёзади Тьерри Заркон, – Амир Кулолнинг Амир Темурга бўлган муносабатини бургтириб юбормаслик керак». Накшбандия тарихати шайхлари Амир Темурнинг фарзандларига, айниқса, Шохрух Мирзога кулрок таъсир ўтказганлар.

Шохрух Мирзо замонида Хирот Хуросоннинг янги пойтахтига, теурийлар салтанатининг маъғи ва тасаввуфнинг марказига айланган. Шохрух ўзини қўллаб-қувватлаб турган Накшбандия тарикатининг шайхлари билан, айниқса, яқин муносабатда бўлган. Тьерри Заркон Шохрухнинг Баҳоуддин Накшбанднинг шоғирди ва куёви Алоуддин Атторнинг ўғли Хожа Ҳасан Аттор, Садриддин Қошғарининг авлоди Шамсуддин Муҳаммад Рухийга курсатган марҳаматлари хақида ҳам ёзади.

Шохрух вафот этгач, салтанатни Улуғбек бошқара бошлаган. Улуғбек Накшбандия сулукига аъзо бўлган эътиборли кишиларнинг баъзиларига нисбатан кескин хатти-харакатларга йўл қуйган ва пироваридида, уларнинг қўллаб-қувватлашларида махрум бўлган. «Улуғбекнинг суфийлар билан бўлган ихтилофи, – деб ёзади Тьерри Заркон, унинг фожиасига сабаб бўлди». Накшбандийлар шахзола Абдулатифни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлар. Улуғбек фарзанди томонидан уюштирилган фитнанинг қурбонига айланган.

Бинобарин, шу нарса ойдин бўладики, Накшбандия сулукининг аъзолари хонақоҳларда узлатга чекиниб, тарки дунёчилик ё бўлмаса, ибодат қилиш ва илм ўрганиш билангина машғул бўлмаганлар. Шайхлар Накшбандиянинг машхур ҳадисларидан ҳисобланган «Хилват дар анжуман», яъни «ташқи томондан ҳалқ билан, ички томондан Ҳақ билан» ширрига амал қилганлар ҳамда ўзлари муносиб деб билган кишиларнигина қўллаб-қувватлаганлар.

Т. Заркон XV асрда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга бевосита таъсир ўтказган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор шахсияти мавзусига алоҳида тўхталади. Маълумки, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Марказий Осиё суфийлари орасида энг эътиборли саналган. Асли тошкентлик бўлган Хожа Аҳрор Хожа Баҳоуддиннинг энг яқин шоғирдларидан илм ўрганган. Убайдуллоҳ Аҳрорнинг номи Баҳоуддин Накшбанднинг номидан кейин иккинчи ўринда турган¹.

«У накшбандия тарикатининг ривож учун пойдевор яратди, – деб ёзади Тьерри Заркон, – ле уни Мовароуннаҳрдан ташқарида ҳам тарғиб қилди». Хожа Аҳрорнинг даъвати билан унинг шоғирдлари Накшбандия тарикатини муулмон оламининг асосий ўлкалари: Хитой, Ҳиндистон, Озарбайжон ҳамда Туркияда тарғиб қилдилар. Фиранг олими Шох Бобурнинг Хожа Аҳрорга чуқур ҳурмат билан қараганини ҳамда отаси Умар Шайхнинг илтимосига кўра валий томонидан форс тилда битилган каттагина дostonни (эски ўзбек тилига) таржима қилдирилганини эста олади.

Мирзо Улуғбекнинг Хожа Аҳрор ҳамда бошқа шайхлар билан бўлган ихтилофи фожа билан тугаган бўлса, пири мурид томонидан қўллаб-қувватланган Абу Саид 1451 йилда Самарқанд тахтига ўтирган, пироваридида, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳокимият пиллапоясининг деярли энг юқорисига кўтарилган ҳамда Шаркий Мовароуннаҳрнинг

«Амир Темур асаблири толиққанди, чарчаганида, кайфияти ёмон пайтларда шахмат ўйнашига тўтинларди. Ёшлигидан бери шўеусланиб келастган ва узига муносиб раҳиб қолдан-қам топиладиган бу уйинга у жудаям боғланиб қолган эди. Шахмат унинг ҳарфини чиққарар, ам-ташвишларни унуттишга ердан берар, кайфиятини жойига келтирарди. У Ҳиндистонда қаттиқ асабланишганида ва яна дин асринг энг яатта жангларидан бирида Боязидни асир қилиб келтиришиганида ҳам шахмат ўйнаб, ўз руҳий ҳолатини ўнглаб олган эди».

Жан Пол Ру,
Франция

¹ Карам: А. Саидин. Халқат Замат ош. – Т: Шаръ, 2015, – 504 бет; С. Жамалдин. Хазрати хожа Аҳрор Ўлган тарихи // Сул боши муаллифи А. Х. Саидин. – Т: Назаръ, 2015 – 40 бет.



Арно Блин
Arnaud Blin

*«Шахмат ўйинининг
беназир устаси бўлган
Амир Темур ҳарбий
юрчилари чоғида вазиятни
тулақонли ва аниқ идрок
эта олиши, мураккаб
вазиятларда эса тўғри
қарорлар қабул қилиши
қобилиятига эга бўлган».*

**Арно Блин,
Франция**

ҳукмдорларидан бирига айланган. Т. Заркон теуририлар давлатининг инквизиции Хожа Ахрорнинг вафоти билан боғлайди.

Т. Заркон тасавуфнинг бошқа оқимлари, масалан шиа маъбадаги оқимлар, неъматулловиа, хуруфия, сафавия каби сулук вакиллари ҳамда теуририлар орасидаги муносабатлар хақида ҳам кизик фикрлар билдиради. Ҳеч шубҳа йўқки, фаранг шарқшуноси Тьерри Заркон томонидан кутарилган мавзу чуқур ва жиддий эътиборга лойиқ.

Мана шундай тарихий манбаларга асосланган тадқиқотлардан яна бири Францияда нашр этиладиган «Le Figaro» газетасининг 2014 иил август сонидида чоп этилди. Тарихшунос олим Арно Блиннинг «Жаҳон тарихидаги буюк саркардалар. Амир Темур¹ номли маъруза мақоласида Амир Темурнинг давлатчилик қурилиши, илм-фан, маърифат ва маданият тараққиётига қўшган улкан хиссаси хақида хикоя қилинади. Муаллиф Сохибқиронни «Осиё ва Европа ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори, мохир дипломат» деб эътироф этади.

Арно Блин буюк саркарда ва ҳукмдорнинг ҳарбий юришлари хусусида сўз юритар экан, Амир Темур жаҳон тарихидаги жанг санъатини пухта эгаллаган саркарда эканини, у тузган кўпин эса неча замонлар оша энг яхши кўшиклардан бири сифатида ном қозонганини кайд этади.

«Буюк Сохибқирон Самарқанд шаҳрида ўз даврининг машҳур усталари - россомлар, меъморлар, олимлар, муҳандислар, шоирлар ва бошқа соҳалар арбобларини ҳамда хунармандларни жамлади ва уларга хомийлик қилди, - деб ёзади муаллиф. - Ёшлигиданок Амир Темур тенгдошлари орасида узининг теран фикрлашчи, етакчилик сифатлари, узюкка назар таштай оладиган сезгирлиги ва ҳарбий соҳани яхши тушуниши билан ажралиб турган. У ҳамма учун севиюли ва ҳурматли лашкарбоши бўлган. Яқинлари ва атрофидаги сафдошлари унга сўзсиз содиқ бўлган, қўшин шавкатли саркарданинг кўрсатмаларига иттиат қилган. Шахмат ўйинининг беназир устаси бўлган Амир Темур ҳарбий юришлари чоғида вазиятни тулақонли ва аниқ идрок эта олиш, мураккаб вазиятларда эса тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятига эга бўлган».

А. Блин буюк ҳукмдор Амир Темур ва Франция кирили Шарль VI ўртасидаги дипломатик ёзишмалар хақида тўхталар экан, ушбу тарихий далилларга асосланган ҳолда «Амир Темур Европа билан эркин савдо-сотиқнинг тарафдори бўлган»ини таъкидлайди.

Мақола интихосида муаллиф Амир Темур ва теуририлар сулоласи, хусусан, ўрта асрларда яшаб ижод қилган буюк астроном Мирзо Улугбек қолдирган бой мероснинг аҳамиятини юқори баҳолай. «Le Figaro» журналида бу даври «Мовароуннаҳр тарихининг олтин даври», дея таъриф беради.

Албатта, француз шарқшунослари асарларида келтирилган маълумотлар, билдирилган фикрлар, чиқарилган хулосаларнинг баъзилари мутахассисларнинг эътирозларини уйғотиши, баҳс-мунозарига сабаб бўлиши мумкин.

¹Карами: <http://ru.usa/indes.php?url=page/1/shortzhda/item/2072-le-figaro-saxmatchi-amiir-temur>

Луи-Матъё Лангле — машхур Француз темурушнос олим

Маълумки, Шарк Уйғониш даври, Шарк тамаддуни, Шарк муъжизалари каби мавзулар Ғарбий Европа мамлакатларида филооринализм оқимиға асос булган. Бинобарин, қадимги Шарк халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий қадриятлари ва ахъаналари билан бирға, уларнинг тарихий қахрамонлари ҳам ғарбликларда доимо катта қизиқиш уяғотиб келган.

Француз шарқшунослиғида Амир Темурға бағишлаб ёзилган асарлар бехисобдир. Француз зиёлилари эшитилиши ва ёзиллиши уз тилларига мослаштирган ҳолда «Тамерлан» деб атаган буюк зот — Амир Темур хақида энг нодир манбаларни нафақат туплаганлар, балки уларни уз тилларига таржима қилиб, сақлаб ва изчил урганиб келмоқдалар. Улар орасида Луи-Матъё Лангле (*Louis-Mathieu Langlès*) номи алоҳида урин эғаллайди.

Француз шарқшунос олими ва таржимон Луи-Матъё Лангле 1763 йил 23 августда Франциянинг шимолий қисмида жойлашган Уз (Oise) департаментининг Перен (Pérennes) коммунасида дунёға келган.

Даставвал, у дузллар буйича Франция маршаллари судида фəхрий офицер вазифасини ўтаган. Сўнг Шарк тиллари махсус мактабига (*École spéciale des langues orientales*) асос солган ва унинг биринчи раҳбари булган. Шу билан бир қаторда, у мазкур мактабда форс тилидан дарс берган.

Ана шу мактабда, жумладан, француз тарихчиси ва эроншунос олим Амабль Журден (*Amable Jourdain*) ҳам таҳсил олиб, Лангленинг яқин шогирдиға айланган. У тарихчи Мирхондға бағишланган «Поклик боғи» (*«Jardin de la pureté»*) номи асар муаллифи ҳисобланади.

Луи-Матъё Лангле Қиролтик кутубхонасидаги (*Bibliothèque impériale*) Шарк қўлёзмаларининг сақловчиси бўлиб ишлаган даврида янада кўпроқ изланишлар олиб борган. У 1795 йилда Фан ва санъат миллий институтига (*Institut national des sciences et des arts*) аъзо булган.

Франциянинг «Фахрий Легион» давлат ордени соҳиби, шарқшунос олим Луи-Матъё Лангле 1824 йил 28 январда Париж шаҳрида вафот этган ва машхур Лашез-ота қабристонига дафн этилган.

Олимининг асосий ижодий ва таржима асарлари қуйидагилардан иборат:

- «Амир Темурнинг сиёсий ва ҳарбий институтлари» (*«Instituts politiques et militaires de Tamerlan»*, 1787);

- «Маничжур алифбоси, ушбу тилнинг укумий луқати ва бугунлари асосида» (*«Alphabet manchou, rédigé d'après le syllabaire et le dictionnaire universel de cette langue»*, 1787);

- «Арабистон, Қизил денгиз соҳиллари ва Миср буйлаб саҳҳат», инглиз тилидан таржима (*«Voyage sur les côtes de l'Arabie Heureuse, sur la Mer Rouge et en Egypte»*, traduit de l'anglais, 1788);

- «Ҳинд масал ва эртақлари» (*«Fables et contes indiens»*, 1790);

- «П.С. Палласнинг Рус империяси ва Шимолий Осиёнинг бир неча вилоятларига саҳҳати» (*«Voyages de P. S. Pallas dans plusieurs provinces de l'Empire de Russie et dans l'Asie septentrionale»*, 1793);

- «П.Л. Норден. Миср ва Нубия саҳҳати» (*«P. L. Norden. Voyage d'Égypte et de Nubie»*, 1795);



Луи-Матъё Лангле
Louis-Mathieu Langlès

тилларида) китоб шаклида Тошкентда чоп этилишида камтарона халқа кўшганидан бахтиёрман.

Ушбу таржима асарга қизиқиш ҳали-ҳануз давом этмоқда. Китоб Швейцариянинг Лозанна Университети кутубхонасидаги аслиятдан 2008 йил 6 февралда рақамлаштирилгани¹, яъни электрон матнга айлантирилгани ҳам юқоридаги фикримизни яққол исботлайди.

Асарнинг тузилишига келсак, у кириш хисми, Сохибкирон ҳаёти, «Темур тузуқлари» ва иловалардан ташкил топган.

Китобнинг кириш хисми Луи-Матьё Лангленнинг Қўлэмалар ва бадий адабиёт бўйича Кириллик академиясига йўллаган мактуби билан бошланади. Мактубда, жумладан, «Шарқ тилларидан қилинган таржима асар фақатгина айнан ушбу тилларни кенгрок урганиш ишларини камраб олувчи ҳамда адабиётнинг барча жанрларида танқид машъаласини баян қутаришдан толмайдиган машхурлар ва билимдонлар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилиши мумкин»², дейилган.

Мактубдан сўнг кириш қисмида Лангле «Темур тузуқлари»нинг ёзилиши тарихи, форс ва инглиз тилларидаги таржималари, шунингдек, асарнинг тузилиши хусусида тўхталган. Масалан, Лангленнинг «агар Александр Македонский ўзининг жасоратли юришларини таърифлаш учун Гомердек тарихчиси йўқлигидан нолиган бўлса, Амир Темур ихтиёрида эса на Арриан³, на Квинт-Курций⁴ тарихчи-котиблик хизматида бўлмаган», деган фикри Амир Темур шахсига берилган юксак баҳо демакдир⁵.

Лангле «Темур тузуқлари»га бебаҳо тарихий ёдгорлик сифатида қараган ва қуйидагича изох берган: «Амир Темур ворисига оғзаки дарс бериш билан кифояланмасдан, унга ўз салтанати билан бирга янада қимматлироқ соғва – уни асраб-авайлаш санъатини мерос қолдирган»⁶.

Бундан ташқари, муқаддимада «Темур тузуқлари»ни инглиз тилига таржима қилган Уильям Девининг асар аслияти ва ҳаққончилиги туғрисида 1776 йил 24 октябрда ёзган хатининг французча таржимаси ҳам берилган.

Китобнинг асосий хисми «Сохибкирон ҳаёти» номи бўлишдан бошланади. Унда «Темур» исмига таъриф берилган бўлиб, Шарқнинг йирик тарихнавислари, айниқса, Шарифдин Али Яздий, Мирхонд ва Ибн Арабшоҳнинг асарларига асосий манба сифатида таянилган.

«Амир Темур ҳаётини ёритган тарихчилар қалами тарзини гоҳ тор манфаатлар ёйида мақтуб ёзган, гоҳ шахсий ҳуқуқат – нафрат тўғрайли бўлиб ёзган. Айрим бахил муаллифлар ўзларининг разилана соломаларида Сохибкиронни қанчалик ноҳалис таққин қилмасин, бирибир, унинг номи не-не халқлар тарихи соҳифаларида уғмас хўрлар билан битилган ва мангу қолажандир».

Луи-Матьё Лангле,
Франция

¹ https://books.google.co.uz/books?id=5V0PAAAAQAAJ&redir_esc=y

² Louis-Mathieu Langlet, *Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, décrit par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux*. Paris, 1787. (Sur la couverture)

³ Арриан Флавий (лат. Lucius Flavius Arrianus, тахм. 95–175 йиллар ўртаси) – Рим тарихчиси ва ёзувчиси. Кичик Осиёдаги Никомедия шаҳрида туғилган. Юнон фалсафаси Эпикут кулисидан Римда ишлаб, харобий таллим олган. Унинг бизгача етиб келган энг қимматли асари Александр (Искандар Мақдуний)га бағишланган етти китобдан иборат «Искандар тарихи»дир. Унинг «Парфия тарихи», «Аллар тарихи», «Вифиния тарихи» ва «Александрдан кейинги ишлар» номли асарлардан парчалар етиб келган. У ўрта Осиё туғрисида ҳам қимматли маълумотлар етиб қолдирган. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент, 2002. – Б. 423.

⁴ Квинт Курций Руф (лат. Quintus Curtius Rufus, м.т. I-II а.) – қадимги Рим тарихчиси ва ноҳалис салтанатини ўргатувчи муаллими. Қиттининг қачон тузилган ва афрот этган санаси маълум эмас. Асарларини яъни а қараб тарихчилар Клавдий Клавдий ёки Август ҳуқуқдорлиги таърифлашган энг таққин кытаплар. Қитит македонлик Александр ва унинг харобий юришлари а бизгача келган, қарбий текшира тарихи нустан назардан тарихий аъамиятта энг 10 та шайтан иборат «Юж Александрнинг тарихи» номи оирин асар муаллифидир Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Тошкент, 2003. – Б. 149.

⁵ Louis-Mathieu Langlet, *Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, décrit par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux*. Paris, 1787. – P. 2.

⁶ Ў.б.1. – P. 3.

Луи-Матть Лангленниг
«Амир Темурнинг сиёсий
ва ҳарбий институтлари»
номли асари. Париж, 1787 йил.

Instituts politiques et
militaires de Tamerlan,
de Louis-Matheu Langlès,
Paris, 1787.



Луи-Матть Лангленниг «Амир Темурнинг сиёсий ва ҳарбий институтлари» китоби муқаддимаси

Кўлэмалар ва бадий адабиёт бўйича Қироллик академия-
си жанобларига¹

Жаноблар,

Шарқ тилларидан қилинган таржима асар фақатгина айнан ушбу тилларни кенгрок урганиш ишларини камраб олувчи ҳамда адабиётнинг барча жанрларида танқид оловини баланд кўтаришдан толманлиган машхурлар ва билимдонлар уюшмаси хомийлигида чоп этилиши мумкин.

Жаноблар, шу боис, ораларингиздан кўпчилик қўллаб-қувватлаган ёш адибнинг буюк шахслар тавсиф этилган ушбу камтарона талқикотини эзгу интилиш ва хайрихоҳлик ақс этган ижобий нигоҳингизга ҳавола этиш учун изн бергайсиз.

Чуқур эҳтиромим ила,

Жаноблар,

Сизнинг камини камтарин қулингиз Л. Лангле

СЎЗ БОШИ²

Амир Темур номи ораидада етарли даражада машхурки, ушбу Сохибқирин томонидан асар ёзиллиши эътиборимизни тортиши ва кизиқишимизни унроттиши табиийдир. Ҳақиқатан ҳам, шу вақтга қадар биз истилоларига худди қандайдир бир ҳарокчининг талончилклари

¹ Louis-Matheu Langlès. Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelle Timour, écrite par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1787.

² Louis-Matheu Langlès. Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelle Timour, écrite par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1787. - P. 1-13.

• Амир Темур боришига
оёзаки дарс бериши билан
кифияланмасдан, унга ўз
сиёлатини билан бирга
янада қимматлироқ
совет - уни асраб-
обайлаш саноатини
мерос қолдирган.

Луи-Матть Лангле,
Франция

сифатида қараб келган «Муғул-Татар»лар Амири (Prince Tartare) воясида урунган «Тузуқлар», яъни завоқату донишмандликка тўла Сиёсий ва Тактик қўлланма айнан ўша зотнинг ўзи томонидан тузилганини, ҳатто, тасаввур қилишдан ҳам йироқ эмас.

Дарли ҳал этилмайдиган икки тўсиқ – бишъат ва тарихни билмаслигимиз ҳозирга қадар Амир Темурни танишимиз, тан олишимиз ва кадрлаштиришга йўл қўймай келган.

Фалсафа нечоғлик тараққий топаётганига қарамай, тан олишга журъғатимиз етишмаса-да, бироқ бишъат устимиздан ҳали-ҳануз ҳукмрон бўлиб қолаётганини очик айтишга тўғри келади. Айниқса, вақсини халқлар (варварлар)³ орасида шундай бир дохий зот мавжуд эканини ўзингизга тасаввур қилиб қўринг-а! Шуни тан олишимиз керакки, «Муғул-Татар» (Tartare) сўзи ушбу Қаҳрамон шон-шухратига соя солиб келган ва анча зарар етказган.

Аслида, ёлгон гувоҳликларга таяниб, бичиб-туқилган уйдирмалар асосида бу зотни муҳокама қилиш матлуб иш эмас эди. Зотан, агар Александр Македонский ўзининг жасоратли юришларини таърифлаш учун Гомердек тарихчиси йўқлигидан нолиган бўлса, Амир Темур иштиёрида эса на Арриан, на Квинт-Курций тарихчи-котиблик хизматида бўлмаган.

Дарҳақиқат, ҳар дам шуни яққол қўришимиз мумкинки, Амир Темур ҳаётини ёритган тарихчилар қалами тарихни гоҳ тор манфаатлар йўлида мактаб, гоҳ шахсий хусумат – нафрат туфайли бузиб ёзган. Айрим бахил муаллифлар ўзларининг разилона солномаларида Соҳибқиронни қанчалик ноҳолис талқин қилмасин, барибир, унинг номи не-не халқлар тарихи саҳифаларида ўчмас ҳарфлар билан битилган ва мангу қолажақдир.

Айни чоғда авлодлари эғалик қилиб келаётган Амир Темурнинг буюк салтанати ҳали унинг даҳолигини исботлашга етарли эмас эди, шунинг учун Соҳибқирон мана шу («Темур тузуқлари» - А.С.) асарини тузган ва унда ўзининг ким эканини баралла намоён этган.

Бу Амир Темур ҳаётининг у ўз қўли билан чизган ҳаққоний тасвиридир. Яъни, унинг таъбири билан айтганда, фарзандларига давлат бошқарувида сиёсий қўмақ бўлиши учун қолдирган Васиятномаси, демакдир.

Ушбу ҳукмдор қаригани сари Ҳокимият дабдабаси ва аъёсаси ҳамда Сарой маишатлари домига ўралашиб қолмаган, шу боис ўз тахти ворисига оғзаки сабоқ бериш билан кифояланмасдан, унга бутун бошлиқ Салтанатини топшириш билан берга, бундан-да қимматли совға – шу Салтанатни асраб-авайлаш санъатини ҳам туҳфа этган. Шиддат-шижоатга тўла Амир Темур ҳаётининг сўнгги йилларида бутун умри давомида юз берган турли воқеа ва жараёнлар борасида чуқур мулоҳаза юритиш мақсадида утмишга назар солган. Бунда, ҳеч шубҳасиз, зурриётларини тарбиялаш учун давлат бошқаруви қоидалари ва ўзига умр бўйи нафи теккан сиёсий қарашлари ҳақида ёзиш истаги уни янада илҳомлантирган.

*«Шиддат-шижоатга тўла
Амир Темур ҳаётининг
сўнгги йилларида бутун
умри давомида юз берган
турли воқеа ва жараёнлар
борасида чуқур мулоҳаза
юритиш мақсадида
утмишга назар солган.
Бунда, ҳеч шубҳасиз,
зурриётларини тарбиялаш
учун давлат бошқаруви
қоидалари ва ўзига умр
бўйи нафи теккан
сиёсий қарашлари ҳақида
ёзиш истаги уни янада
илҳомлантирган».*

*Луи-Матье Лангле,
Франция*

³ Tartare - relatif aux populations d'Asie centrale (Turcs et Mongols). Тарихнамаси: Марказий Осиё халқлари (турклар ва монғуллар)га нисбатан ишлатилган сўз. Батафтин сарони: Le Petit Robert de la langue française. Paris: L.R. 2006. - 2949-рақ.б.

⁴ Вақсини халқлар (варварлар) - қадимки кинонир ва реалликлар томонидан чет элликларга нисбатан қўлланилган ёлғизимиз ықимчиллик тушунча, маънавийлик, воқоил, ноҳон деган маъноларга қўшилган.

Шу аснода, йилномаларни ҳисобга олмаган ҳолда, асосий юришлари ва уларнинг ечимини кўрсатишни унутмасдан, ўз тарихини яратган. Жумладан, у башоратчилар тўғрисида ҳам маълумотлар берганки, асарнинг форсий таржимасида қолдириб кетилган ушбу тафсилотлар инглиз тилидаги таржимада мавжуд. Айни чоғда, асримиз донишмандлари мазкур ирим-сиримлар Шарқ халқларининг урф-одатлари билан боғлиқ эканига қарамай, Қаҳрамонимиз ютуқларига маълум маънода таъсир этишини таъкидлашган.

«Темур тузуқлари»ни нашрга тайёрлашда бизга ёрдам берган олимларга билдиражак эхтиромим ва миннатдорчилигим ушбу қискартиришларга йўл қўйганлари учун уларни айблашимга умуман тўсқинлик қилмайди. Бинобарин, биз бу каби хатолар узидан кейин априм хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин бўлган жаҳолат замонида эмас, балки мутлақо бошқа даврда яшаётимиз.

Эндаликда бу каби ирим-сиримлар уларни қабул қилган халқ ғояларини таништиришда барчамизга бирдек хизмат қилади. Мазкур ирим-сиримлар файласуф учун инсонлар тафаккури ва урф-одатлари ҳақидаги ишончли маълумот ҳисобланади. Шунинг учун мен жаноб Деви¹ ва Уайт² номлари фанда бўлмаса ҳам, жилла курса, фалсафада тикланиши тарафдориман.

«Тузуқлар» хусусида қисқа маълумот берилгач, Англияда чоп этилган нашр тўғрисида гапиришимиз ва таржимамиз ҳақида сўзлаб бериш қолади. Мазкур сўз бошига жаноб майор Девининг ушбу «Тузуқлар» ҳақиқийлигига оид мактуби яқун ясайди.

Даставвал «Тузуқлар» эски ўзбек тилида Амир Темурнинг ўзи томонидан битилган бўлиб, Шарқнинг ҳеч бир аламини ушбу далами инок этмайди. Бу асарни Абу Толиб исми бир муаллиф³ форс тилига таржима қилган ва ушбу форсий таржима асосида биз француз тилига ўтирдик.

Қўлзма машхур Доктор Хантер⁴ кутубхонасида олинган бўлиб, Оксфорд шаҳрида 1785 йилда араб ёзувининг жозибали Кларендон⁵ услубида нашр этилган. Оксфорд университетининг араб тили ўқитувачиси бўлган ва ушбу кафедрада фахр билан фаолият кўрсатаётган Жаноб Уайт китобнинг географик маълумотлар ва ихзолар билан бойитилган форсча нашрига масъул муҳаррирлик қилган. Ушбу нашрга жаноб Майор Деви ўзининг инглиз тилидаги аниқ таржимасини қўшган, лекин бу аниқлик асиятдаги тилни эшитмаганлар учун баъзи бир тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

«Даставвал «Темур тузуқлари» эски ўзбек тилида Амир Темурнинг ўзи томонидан битилган бўлиб, Шарқнинг ҳеч бир аламини ушбу далами инок этмайди. Бу асарни Абу Толиб исми бир муаллиф форс тилига таржима қилган ва ушбу форсий таржима асосида биз француз тилига ўтирдик».

Луи-Матье Лангле,
Франция

¹ Майор Уильям Деви (Major William Davy) – форс тилини чуқур билган машхур инглиз олим. Билгани арчиқ генерал-губернатори Барон Гастенсони (1773–1785) форс тили бўлиб китоби бўлиб чиқарган. Расмий ҳужжатлар билан бирга, ёзувчилар дилатиниқ, нив-фани ва маданияти дор кутаиб мазкур асарларни таржима қилган. У 1784 йили Булок Британияга келган ва ушбу йилда мазкур асарни таржима қилган.

Уильям Деви номини Уильям Девинис билан чалқатиришмаслик лозим. Гап шунданки, Уильям Деви «Темур тузуқлари» асрининг ўзи амалда ошқира таржимасини ўша пайтда «Ост Индия» («Шарқий Хиндистон») компанияси директори булган Уильям Девинис Батлидаги Миллеринг уети Уильям Девинис (William Dewula, 1730–1809) – лондонлик байвор ва савдогар. «Ост Индия» компаниясига беш марта рабарлик қилган. Британияда ишлар парламентининг аъноси бўлган.

² Жозеф Уайт (ing Joseph White, 1745–1814) – инглиз шарҳуноси ва диншуноси, Оксфорд университети профессори, араб ва яқудий тиллари бўйича мутахассис. Жозеф Уайт «Темур тузуқлари»нинг инглиз тилидаги нашрига масъул муҳаррирлик қилган.

³ Бу ерда Мир Абу Толиб Хусайнинг Турбатий – таржимон олим. Арабистондан келтирилган Абулқасим Билурий Шоҳ Аббаснинг нимаътига кирган ва унинг иштироки билан «Темур тузуқлари» ие ўзбек (миллати-турки) тилидан форс тилига таржима қилган.

⁴ Уильям Хантер (ing. William Hunter, 1718–1783) – шотландлик машхур анатом ва шифокор. Лондон кинролия жамияти аъзиси, замонавий анатомиянинг асосчиларидан бири. Машхур «мурғу Ами Хантернинг аъноси» эмалда, замонавий анатомиянинг асосчиларидан бири. 1785 йили Хантернинг аъноси ва илмий раҳбари. Хантернинг хондонини минта вакили ханнинг кунлиқ вақтинча иборат ўз даврининг биринчи кутубхонасига эга бўлиб, хозирги кунга қадар бу ерда етти йилдан зиёд номдаги алоқибетлар жамиланган.

⁵ Кларендон (Clarendon) – Миср башмақомаларига нив тарқалган чорозира шайхлиги ёзувчиси.

Таржимадаги айрим хатоларни топдик, деб ҳисоблаймиз, шунингдек, форсча матида маъноларни тиклашга ва кўпгина ноаниқ парчаларга аниқлик киритишга ҳаракат қилдик. Ва ниҳоят, асаримиз сўнгидан изоҳларни илова қилдикки, бу кўчирмачилик бўхтонида сақланишимиз учун кифоя, деб уйлаймиз.

Бундан ташқари, инглиз тилидаги таржима асосида «Темур тузуқлари»нинг таржимасини беришнинг имкони йўқлигини очиқ айтишдан астойиб чўчимаймиз. Аслида, асарда сақланиб қолган қадимий шарқона идиомалар¹ у ёқда турсин, оқдий матннинг ўзини ҳам ўқиб бўлмаса, қандай қилиб унинг Рим алифбосида битилган форсча қисмига ўтиб бўлади? Бу тўсиқлар бўлмаганида, хойнаҳой, асарни ўз тилимига ўгириш учун кўпгина француз адиблари инглиз тилидаги билимларидан фойдаланган бўлардилар.

Ақл-заковатнинг энг юқори поғонасига кўтарилган меҳнати учун жуда чукун ҳурматимиз ва эҳтиромимизни изҳор этмоқчи бўлган Девининг на хизмати ва на истеъдодига тош отиш ниятидан мутлақо узокмиз. Барча кузатишларимизда қантарлик ва ҳалоллик чегарасидан чиқмаслиқни олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Бъъзан, умуман ўқиб бўлмайдиган қўлэмани биринчилардан бўлиб оча олган, уни таржима қилган ва нашрга тайёрлаган маърифатли ҳамда серғайрат кишиларнинг қай даражада масъулиятга эга жангликларини биламиз, қолаверса, бизнинг ўзимиз ҳам адашиб қолган пайтларимиз бўлган. Уларнинг шон-шухратиёни қамситиш учун илдатлар излаш ёки ишларини танқид қилиш ноқўрлик ҳисобланади. Аксинча, бу имкониятни ушбу бебаҳо асар учун аниқлиқ олишлар оғдида таъзим қилиш ва эҳтиром билдириш учун қулай фурсат, деб биламиз.

Ва ниҳоят, агар уларнинг шухрати эвазига бугун манфаат кўрадиган бўлсак, оладиган фойдаларимизни баҳшида қилишга ҳеч иккиланмаймиз. Қўрилган эҳтиёт чораларимиз самимийлигимиз қафолатидир. Чунки, асарда келтирилган изоҳлар учун ҳам улар олдидан қарздорлик бошқа тарихий ва географик изоҳ-маълумотномалар ўзиданга тегишлидир.

Жаноб Уайт Лондон шаҳрининг меридианидан келиб чиққан ҳолда, ҳокимиятларига ҳаволалар келтирмасдан жойларнинг узоқлиги, сатҳи ва жойлашувини кўрсатиш билан кифояланган. Бу, ўз навбатида, хатога ўхшаб туюлган ушбу бўлимни бекор қилиб, уни ўзинга қанга тўлдиришимизни такозо этди. Асар асосан билимли кишилар омаи-сига мўлжаллангани боис, «Тузуклар»да исмлари зикр этилган турли шахзодалар, ҳатто, Амир Темур тарихи ҳақида ҳам сўз юритилмаган.

Ушбу бўшлиқларни тўлдириш мақсадида Соҳибқирон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилишда Шарафиддин Али Ядий, Ибн Арабшох, Мир-хонд ва бошқа шу қаби тарихий изоҳ-маълумотномалар тузишда фойдаланилган Шарқ муаллифларининг асарларига таяндик. Матнни англаш учун зарур бўлган машҳур қаҳрамонларнинг барчаси ҳақида изоҳ-маълумотнома берилган.

Қаҳрамонларни ҳолислик билан баҳолаш мақсадида улар ҳаётининг энг ўзига хос жиҳатларини танладик. Хусусан, соғномалар эътиборимизни алоҳида жалб этди. Деврли барча жойларда мусулмонча (ҳижрий) тақвимни учратиш мумкин бўлиб, бунда йиллар, ойлар ва кунлар насроний (милодий) тақвим билан солиштирилган.

¹ Иднома - маълумот ўз таркибидagi сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яъни қилин- бир маъно берувчи тўқман иборо.

*«Амир Темур наздида
бир сўзлик ҳукмдорга
қеракли энг зарур фазилят
булиб, субутсиэликни энг
ёмон фазилят ҳисобларди».*

*Жан Пол Ру,
Франция*

Географик изох-маълумотномани тузишда биз нафақат Шарқ географлари Абулседа (Aboulseida), Улуғбек, Шарафиддин ва бошқа маълуму номаълум алломалар, балки Шарден¹, Тевено², Олеарий³, Оттер⁴ каби машхур сайёҳлар битикларидан ҳам фойдаландик. Ушбу манбалар ёрдамида китобхон билиши шарт бўлган диққатга сазовор жойларнинг аниқ изохларини туздик.

Мазкур қўшимчалар бизга асар таржимаси билан бир хил қийматга тушди. Бу иловалар нафақат бирор маълумот олишда бошқа китобларга чалғимасликка хизмат қилади, айни чоғда шарқона мўъжаз кутубхонанинг ўрини уташига ҳам ишонамиз. Китобхон асосий сулолалар ва Осиё ҳукмдорлари аксариятининг тарихидан ташқари ислом дини ҳақида қисқача баён ва дунёнинг энг фусункор қисми аҳолиси урфодатлари тўғрисидаги тафсилотлар билан ҳам танишиши мумкин.

«Бу борадаги энг аниқ исбот – Шарқ олимларининг яқдиллик билан келтирган далилларидир. Уларнинг барчаси ушбу асар Амир Темурнинг ўзи томонидан ёзилган, деб қарашади. Ҳақиқатан ҳам, унда ҳукмрон бўлган оддий оҳане билан бирга, амр қилиш услуби ва дохиёна нафас ифодаси масалани асар асли ятимиғе фойдасига ҳал этади. Бу бетакрор, ўхшаши йўқ муҳр бўлиб, бундай ноёб белги-ифодани фақат ўша буюк шахсгина яратишига ҳодирдир. Хулоса ўрнида, нотих Руссо таъбири билан айтганда, Амир Темурни «Қаҳрамон дейишдан хўра, Янгиллик яратувчи деб аташ ажиброҳ ва янада муносиброҳ бўлур эди».

Луи-Матье Лангле,
Франция

Китобхонни зериктирмаслик учун иловадаги изохларда Шарқ муаллифларига мансуб турли иктибосларнинг аслиятдаги шаклини бермасликка қарор қилдик. Бундай ҳолат ушбу жанрдаги икки машхур ва бебаҳо асар ютуғига таъсир этмаганини назарда тутиб, биз ҳам шу йўлни танлашга жазм этдик. Суз адабий бойлиқнинг туганмас қони бўлиши Эрбело⁵нинг «Шарқ кутубхонаси» ҳақида бормоқда. Шу ўринда Гине⁶ каламига мансуб «Хунларнинг гаройиб тарихи»га ҳам ҳамду санолар айтиш жоиз, чунки барча европалик олимлар ушбу машхур олим асарига Чин ва Мочин донишмандлигининг шох асари сифатида ҳаволалар келтирганлар.

Китобхон «Темур тузуқлари» қандай қилиб бизнинг қўлимизга тушиб қолгани ва форсчадан француз тилига таржима қилиш борасида қай йўсида иш олиб борилгани ҳақида муайян маълумотга эга бўлди, энди эса муҳлиси ушбу китобнинг асл – ҳақиқийлигини исботлаб беришга ҳаракат қиламиз.

Бу борадаги энг аниқ исбот – Шарқ олимларининг яқдиллик билан келтирган далилларидир. Уларнинг барчаси ушбу асар Амир Темурнинг ўзи томонидан ёзилган, деб қарашади. Ҳақиқатан ҳам, унда ҳукмрон бўлган оддий оҳанг билан бирга, амр қилиш услуби ва дохиёна нафас ифодаси масалани асар аслиятининг фойдасига ҳал этади. Бу бетакрор, ўхшаши йўқ муҳр бўлиб, бундай ноёб белги-ифодани фақат ўша буюк шахсгина яратишига ҳодирдир. Хулоса ўрнида, нотих Руссо таъбири билан айтганда, Амир Темурни «Қаҳрамон дейишдан хўра, Янгиллик яратувчи деб аташ ажиброҳ ва янада муносиброҳ бўлур эди».

¹ Жан Шарден (фр. Jean Chardin, 1643-1713) – француз сайёҳи, эроншунос олим ва кийим-бозо тошлар бўйича мутахассис.

² Жан де Тевено (фр. Jean de Thévenot, 1633-1667) – Шарқ ёдномалари билан машхур француз сайёҳи.

³ Адам Олеарий (нем. Adam Olearius, 1599-1671) – машхур немис сайёҳи, тарихчи, географ шарҳловчи, математик ва физик олим. 1654-1664 йилларда Готторп глобусини яратишда иштирок этган.

⁴ Жан Оттер (фр. Johan Otter, 1707-1749) – Францияда ишлаган шведиялик шарҳловчи олим ва макир дипломат.

⁵ Бартелемей д'Эрбело де Маленвил (фр. Barthelemy d'Herbelot de Molainville, 1625-1695) – машхур француз шарҳловчиси. Шарқ навларини ош энг хўш маълумотларини тўплаган қомусий олим.

⁶ Луи Жозеф де Гине (фр. Louis Joseph de Guignes, 1721-1800) – шарҳловчи олим, китоб тик бериш мутахассиси. 1753 йили Кўшнемилер Академиясига аъзо бўлган. 1756-1758 йилларда Ешман «Ибулар, турклар, муғуллар ва бошқа муғул-татарлар тарихи» («Histoire des Huns, des Turcs, des Mogols et autres Tartares») асар билан ном қозongan.

⁷ Луи-Матье Лангле. Institutions politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrite par lui-même en mogol et traduite en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hindouli, avec le Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris, 1787. - P. 12.

ши ва марказлашган давлат тузиши, кўшни юрт ва мамлакатларни, масалан, Эрон ҳамда Афғонистонни ўз тасарруфига олиши, Олтин Ўрда хукмдори Тўхтамишхон (1376-1395), бутун Европага қўрқув ва дахшат солган Туркия султони Боязид Йилдиримга (1389-1402) қарши кураши ва ниҳоят, Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонга қилган харбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисм - Сохибқироннинг номидан айтилган ва унинг тожу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насихатларидан иборат. Унда давлатни идора қилишда қилмаларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва кўшин бошлиқларини сайлаш, сипохийларнинг маошли, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва кўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдига қўрастган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва салтанатнинг бошқа муҳим тартиб-таомиллари хусусида сўз боради.

Асарнинг биринчи қисми «Эсдалиқлар» («Малфузот»), иккинчи қисми эса «Тузуқлар» («Тузуқот») номи билан машҳур бўлган. Асар туркий тилдан форсчага таржима қилинганда икки арабий сўз, яъни «малфузот» ва «тузуқот» ўрнига мазмунан тузуқлар тушунчасига муқобил бўлган «дастур ул-амал» ибораси қўлланган.

Шарқ мамлакатларида бу машҳур асар чиндан ҳам Амир Темур томоқидан ёзилгани ва унинг таржимаи ҳоли экани эътироф этилади. Чунончи, Шамсиддин Сомийнинг «Қомус ул-аълум» асарида Амир Темур «Тузуқот» унвонли қонунлар мажмуасини қаламга олиб, унда ўзининг таржимаи ҳолини баён этган, дейилган. Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги урушлар тарихини ёзган француз шарқшуноси Франсуа Бернар Шармуа (Франц Францевич Шармуа, 1793-1868) ва рус ҳарбий тарихчиси М.И. Иванин (1801-1874) «Тузуқлар»ни Амир Темур ўзи ёзган ва у муҳим автобиографик асар, деб айтганлар.

Шарқ мамлакатларида бу машҳур асар чиндан ҳам Амир Темур томоқидан ёзилгани ва унинг таржимаи ҳоли экани эътироф этилади. Чунончи, Шамсиддин Сомийнинг «Қомус ул-аълум» асарида Амир Темур «Тузуқот» унвонли қонунлар мажмуасини қаламга олиб, унда ўзининг таржимаи ҳолини баён этган¹, дейилган. Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги урушлар тарихини ёзган француз шарқшуноси Франсуа Бернар Шармуа (Франц Францевич Шармуа, 1793-1868) ва рус ҳарбий тарихчиси М.И. Иванин (1801-1874) «Тузуқлар»ни Амир Темур ўзи ёзган ва у муҳим автобиографик асар, деб айтганлар².

Инглиз мутахассиси майор У. Деви ҳам бу асар Амир Темурнинг ўзига мансублигини астойдил қўллаб-қувватлаган. Майор Девининг бу хусусдаги қўллаб далиллари ва асосли қулосалари унинг 1779 йил 24 октябрда Ж. Уайтга ёллаган мактубида баён этилган. Француз олимни Л. Лангле ушбу мактубни французчага таржима қилиб, 1787 йили Парижда нашр этилган «Тузуқлар»нинг муқаддимасида ушбу муфассал мактубдан иқтибослар келтириб ўтган³.

Бироқ европалик бошқа бир гуруҳ олимлар, хусусан, инглиз шарқшунослари Э.Г. Браун (Edward Granville Browne, 1862-1926) ва Ч.А. Стори, рус шарқшуноси В.В. Бартольд (1869-1930) «Темур тузуқлари»ни сохта асар сифатида баҳолаб, уни Амир Темур ёзмаган, деган. А.Ю. Якубовскийнинг (1886-1953) фикрича, асар XVIII асрда Ҳиндистонда ёзилган. Ч.А. Стори юқорида номи зикр этилган Мир Абу Хусайний Турбатийни асар муаллифи деб тахмин қилган.

«Темур тузуқлари»нинг ўзбекча таржимаси дастлаб «Тулистон»⁴ журнали саҳифаларида 1967 йили чоп этилган. Лекин бу воқеадан қариниб 47 йил муқаддам ушба таржима шарқ тилларининг битими

¹ Шамсиддин Сомий, Қомус ул-аълум / Истанбул, 1891. - 1727-бет.

² Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур / А. Махкамов таржимаси. - Тошкент: «Илм», 1994. - 240-бет.

³ Амир Темур салтанати: шайбоний бағиши нашр. - Т.: Фахур Ғулум номидати Адабиёт ва санъат нашриоти, 1999. - 95-98-бетлар.

⁴ Темур тузуқлари / Шарқ тилдан Аллмонтура Соғуния таржимаси // Тулистон. - 1967. № 2. - Б. 14-17; № 3. - Б. 12-13; № 4. - Б. 28-30; № 5. - Б. 24-25. - Б. 30-31; № 6. - Б. 24-25; № 7. - Б. 31-33.

дони Алихонтўра Соғуний (1885-1976) тарафидан бажаришган эди. Мазкур таржима, таржимоннинг ўз сўзига қараганда, Марказий Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бош идарасининг кутубхонасида сақланаётган нусха асосида амалга оширилган. Ушбу нашрнинг бир қатор жузвий камчиликлари бўлган.

Биринчидан, ушанда А. Соғунийнинг таржимаси маълум сабабларга кўра тўла тарада чоп этилмаган.

Иккинчидан, таржима эски ўзбек тилида бўлиб, уни бу тилдан хабарсиз киши махсус лугатларсиз ўқиб тушуниши қийин бўлган.

Учинчидан, А. Соғуний таржимасининг тушириб қолдирилган жойлари аниқланди ва ниҳоят, унинг кўп жойлари эркин таржима қилинган, матндан чиқиб кетиш қоллари ҳам учрайди.

Тўртинчидан, кўп ўринларда айрим номлар ва атамалар нотўғри ёзилган. Домланинг таржимасини қайтадан нашр этиш масаласи ўртага қўйилганда унинг мана шу камчиликларини бартараф қилиш зарур, деб топилди.

Шу мақсадда «Темур тузуқлари»нинг юқорида қайд этилган таржимаси асл нусха¹ ҳамда унинг хижрий 1285 (милодий 1868) ва 1307 (милодий 1889-1890) йилларда чоп этилган тошбома нусхалари билан солиштирилди ҳамда Алихонтўра Соғунийнинг таржимаси жиддий равишда тузатилди.

Бу ишни истеъдодли ёш шарқшунос олим Ҳабибулло Кароматов бажарди. Тарихий ва жуғрофий изоҳлар академик Б. Аҳмедов, Амир Темур шажараси эса Ҳ. Кароматов томонидан тузилди. Бу таржима 1989 йилда «Шарқ юлдузи» журнали² орқали ўқувчиларга тақдир этилди.

Шу тариқа «Темур тузуқлари» асарининг ўзбекистонда машхур бўлган Алихонтўра Соғуний таржимаси дастлаб журналда парча ҳолида эълон қилиниб, кейин Ҳ. Кароматов томонидан кенгайтирилиб, китоб ҳолига келтирилган 2004 йилда Туркияда ҳам нашр этилди³.

Истанбул нашрининг Сўз боши қисмида қанд этилишича, илтифо-ча, французча, ўзбекча ва урдучага ўтирилган бу асар туркчага тўлиқ таржима қилинмаган бўлиб, олдинги нашрларида⁴ Амир Темурнинг ўз салтанатини тушунтирган «Малфузот» қисми йўқ. Асарнинг «Тузуқлар» қисмида ҳам жиддий католар бор.

Шу боис 2004 йилги туркча нашрда Алихонтўра Соғунийнинг ўзбекча таржимаси асос қилиб олинган. Китобни таъёрлашда форсий матн билан бирга чоп этилган Ж. Уайтнинг инглизча нашри, шунингдек, 1989, 1992 ва 1996 йиллардаги ўзбекча нашрлар, русча ва туркча нашрлардан фойдаланилган. Изоҳлар янада кенгайтирилган, эски ўзбекча сўзлар аслият тилига мувофиқ тарзда сақлаб қолинган.

Академик Б. Аҳмедов «Темур тузуқлари»нинг ўзбек, итлош ва француз тилларида чоп этилган 1996 йилги нашрига Сўз боши ёзиб, жумладан, тарихий манбаларга таянган ҳолда, бу асар дастлаб «эски ўзбек (илгирги-туркий) тилида ёзилган»⁵, деган фикрни баён этган.

¹ Тошкент давлат шарқшунослик институти кутубхонаси Абу Райҳон Беруний номидagi Шарқ кўчмалари маркази, инв. № 8201.

² «Шарқ юлдузи», 1989, 6-сон.

³ «Tuzuklar-i Timur» Timur'un gunbuğu ve basari prensipleri // Nazirliyan Kutubhanesi, Adnan Adnan - Istanbul, 2004.

⁴ Mustafao Rahimiy. Timur ve Tuzukları, Istanbul, 1399, Salmazor Elmiz Menning davlatini. Tuzuklari Temuriy va Chingiziyosi. Istanbul, 1974.

⁵ «Темур тузуқлари» / Фирсидадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж. Б. Аҳмедов шарҳи остида. / Сўз боши ва изоҳлар Б. Аҳмедовнинг / - Т. Ф. Ғулом номидagi Адабят ва санъат нашри, 1996 - 3-бет.

«Ҳа, Амир Темур тенги йўқ жанчи эканлигини ҳамма тил оларди. Матонатли бу одам ҳеч қачон ирода-сизлик ва ожизлик қилмас ва бошқаларга ҳам бунга рухсат бермасди. Унинг бу талабини кўпчилик вайричирсоний талаблар деб қорлашса-да, у кимдан нима ни талаб қилишини, ким нимага қодир эканлигини билиб талаб қилар ва бунда одамларнинг ички дунёсини тенги йўқ билеони эканлигини намоён қила оларди».

Жан Пол Ру,
Франция

Ҳиндистонлик машхур муаррих Абдулхамид Лохурийнинг «Подшонома» асарида қайд этилишича, «Ҳижрий 1047 (милодий 1637-38) йилда Мир Абу Толиб Ҳусайний Турбатий Шох Жаҳонга «Тузуки Темурий»нинг форсча таржимасини тақдим этган. Подшо китоб таржимаси билан танишиб чиқиб, унда айрим ноаниқликлар ва камчиликлар топган ва Декан вилоятининг қозикалони, йирим олим ва ёзувчи Муҳаммад Ашраф Бухорийни (1652 йилда вафот этган) ҳузурига чақириб, мазкур таржимани муътабар асарлар, хусусан, Шарафиддин Али Ладийнинг машхур «Зафарнома» асарига солиштириб чиқиш ва камчиликларни бартараф қилишни топширган».

Темур тузуқлари» жаҳон тилларидан бир нечтасига, шу жумладан, француз (1787), инглиз (1830), урду (1845), рус (1894, 1934) ва эски ўзбек (1835 ва 1857 йилларда, лекин тўлиқ эмас) тилларига таржима қилиниб, нашр этилган.

Муҳаммад Ашраф Бухорий асар таржимасини хато ва камчиликлардан халос этиб, кунг билан таҳрирдан чиқарган. Олим, ҳатто, айрим ҳатто ва муаррихлар томонидан матнга қўшилган ортиқча жойларни ҳам чиқариб ташлаган. Шу тарика «Темур тузуқлари»нинг янги, тузатилган матни пайдо бўлган.

Биринчидан, асарнинг бугунги кунгача етиб келган кулёма ва тошбосма нусхалари ўша Мир Абу Толиб Ҳусайний Турбатий таржимаси асосида яратилган. Б. Аҳмедов таъкидлаганидек, «Мир Абу Толиб Ҳусайний Турбатий ва Муҳаммад Ашраф Бухорийнинг меҳнати орқасида «Тузуки Темурий» форс тилида бизнинг замонамизгача етиб келди»¹.

Иккинчидан, мазкур асар таҳминан XVIII асрдан бери дунё олимларининг диққат-эътиборини қозониб келган. Масалан, асарнинг матни тадқиқот ва зарур илмий изоҳлар билан 1783 йилда Англияда, 1785² ва 1891 йилда Ҳиндистонда³, 1963 йили Эронда чоп этилган⁴.

«Темур тузуқлари» жаҳон тилларидан бир нечтасига, шу жумладан, француз (1787)⁵, инглиз (1830)⁶, урду (1845), рус (1894, 1934)⁷ ва эски ўзбек (1835 ва 1857 йилларда, лекин тўлиқ эмас)⁸ тилларига таржима қилиниб, нашр этилган.

«Темур тузуқлари»нинг Мир Абу Толиб Ҳусайний Турбатий таржимасидати нусхасидан «Тузуқлар» қисми француз шарқшуноси Луи-Матье Лангле (Louis-Mathieu Langlès) томонидан француз тилига таржима қилинган⁹. Лангле мазкур қисмин «Амир Темурнинг швейцария ва ҳарбий институтлари; Темур деган зотнинг ўзи томонидан туркий тилда ёзилган ва Мир Абу Толиб Ҳусайний Турбатийнинг форс тилига таржимаси асосида Соҳибқирон ҳаёти ҳақида битилган маълум

¹ Абдулхамид Лохурий. Подшонома / Маънавий Кабирдин Аҳмад ва Абдурахиманият оширган нашр. - Қалқутта, 1866-1872, 1 ҷилд. - 288-бет.

² Темур тузуқлари / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Қароматов тарж.; Б. Аҳмедов таҳрири остида; /Сўй боши ва изоҳлар Б. Аҳмедовники/- Т.: Фабура Уломи номидати Адабият ва санъат нашрияти, 1996. - 4-бет; Institutes of Temur.

³ Institutes, Political and Military of The Emperor Timour In Persian and English, Calcutta 1785.

⁴ Matla-ul-Timuri, or Tuzak-i Timuri, by Amir Timur-i-lang // The History of India as Told by its own Historians. The Posthumous Papers of the Late Sir H.M. Elliot. John Dowson, ed. Lat. ed. 1867/2nd ed. Calcutta: Sisir Gupta, 1956, vol. 2. - P. 8-98.

⁵ Тузух-и Темурий, Тетров, 1342/1963.

⁶ Louis-Mathieu Langlès, Vie de Timour // Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelle Timour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Talib-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux. Paris. 1787 403 pages.

⁷ The Mughal Timour, or autobiographical Memoirs of the Moghul Emperor Temour. Translated by Major C. Selwatt, London, 1830.

⁸ Улоҳамма Темур (Темурнама). Под редакцией Н. Остроумова. Казань, 1894. Автобиографическое письмо. Багательские сказания о Чингиз-хане и Аясак Темуре. Перев. С. Торского и Джавидова.

⁹ Темурин тузуқлари (эски ўзбек тилида) В.А. Панова, Москва, 1934.

¹⁰ Mustafao Rahmim ushu tarajimoni usmoni turkchasiga yuzgan (Timur va Tuzukil Yalabu), 1379.

мотлар, изоҳлар, тарихий ва географик мундарижалар» деган узундан-узук сарлавҳа остида 1787 йили Парижда нашрдан чикарган¹.

Лангле ушбу нашрга ёлган муҳаддимасида асарини Ж. Уайт томонидан 1783 йили Оксфорда нашр қилинган форсча матнга таянган ҳолда таржима қилганини таъкидлаган.

«Темур тузуқлари»нинг наинки Шарқда, айни чоғда Ғарб мамлакатларида, хусусан, Францияда катта қизиқиш билан ўрганилаётгани бежиз эмас. Нега деганда, Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатчилиги, унинг ўзига хос сийёсат ва бошқарувчилик усули, адолатли жамият барпо этиш йўлидаги савъ-харакатлари, ута мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати бугунги кунда ҳам ҳар қандай одамни хайратта солади.

Шу маънода, «Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, ў барпо этган қудратли салтанатини сийсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борсидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини аниқлаб етишда «Темур тузуқлари» бебаҳо қўллама бўлиб хизмат қилади»².

Люсьен Керен — атоқли темуршунос олим

Француз темуршунослари яратган асарлар каторида профессор Л. Кереннинг китоб ва мақолалари алоҳида урин тўтади. Унинг бевоСИта илмий ижодига тўхталишдан аввал қисқача таржимаи ҳолига бир назар солсак.

Люсьен Керен 1920 йилда Франциянинг Страсбург шаҳрида таваллуд топган. Унинг асли мутахассислиги еришунос-филологик. 1943-1946 йилларда Сайгондаги «Пастер» институтида ичимлик суви муаммолари бўйича ассистент, 1946-1948 йилларда Парижнинг усимлик ёғлари бўйича иланишлар институти ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1948-1951 йилларда Африканинг Бенин давлатида усимлик моилари бўйича иланишлар илмий лабораторияси бошлиғи бўлган. 1951 йилда Парижнинг Сарбонна Университетида кимё соҳасида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 1951-1957 йилларда илмий дараласи

¹ Louis-Mathieu Langlet, *Écrits politiques et militaires de Tamerlan, prapremment appelés Timour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-Hosseini, avec la Vie de ce conquérant, d'après les meilleurs auteurs orientaux*. Paris, 1787. - P. 611.

² Темур тузуқлари / Тақрир халқатк. В. Абдулҳалимов ва бошл. - Форсча матнида А. Садуллаев ва Х. Кароматова тарж. - Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 9 бет.



Lucien Kehren

TAMERLAN

L'EMPIRE
du SEIGNEUR DE FER




Д. Кереннинг асары Темури ҳуд
Совиётлар соҳнасини китоби
Невыомель, 1978.

Livre de Lucien Kehren
Tamerlan - l'empire du Seigneur de Fer.
Neuchâtel, 1978.

Д. Кереннинг келгуси ишларининг ривожланишига катта имкон яратган. Шу тўғрисида унга Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳридаги илмий лабораторияда биокимия бўйича дарс беришни таклиф қилинган ва у Сан-Пауло ва Рио де Жанейро шаҳарлари университетларида дарс берган. У ерда Россиядаги инқилобдан сўнг Бразилияга келиб қолган бир рус киши билан танишиб қолган.

Биринчи марта Самарқанд ва ушбу мафтункор шаҳарни барло этган Амир Темури ҳақида ушбу одамдан эшитган. Унинг ҳаяжонланиб айтиб берган гапларини эвоқланиб тинглаган Люсьенда буюк Темури шаҳарига нисбатан қизиқиш уялган ва у буш вақтини шу инсон ҳақидаги маълумотларни излаш билан ўтказиб боплаган.

У Рио де Жанейро шаҳри кутубхоналарида бўлиб, ниҳоят, Португалия Киросининг Бразилия ҳукуматига совға қилган китоблари орасида «Зафарнома»ни топиб олган ва китобдан Амир Темури ҳақида



Л. Керенинг «Самарқандда,
Темур даврига соҳбат»
номли китоби.
Париж, 1990 йил.

Le livre de Lucien Kehrén
«La Route de Samarkande au temps
de Tamerlan», Paris, 1990.

куллаб тарихий маълумотларни урганган. Кироснинг шахсий муҳри босилган ва 4 та катта жилддан иборат ушбу китоб форж тилидан Франция Қироли Луи XIV учун махсус таржима қилинган.

Бразилия сафаридан сунг 1958-1962 йилларда Марокашнинг ер-нинг шурианиши ва тоза номлик сувлари бунгча изланишлар олиб борувчи француз-марокаш табиғатпарвари бошлиғи бўлиб хизмат қилган ва у ердан ЮНЕСКО дастури доирасида бир гуруҳ марокашлик мутахассислар таркибида ирригация курашмалари билан танишни мақсадида 1961 йилда ilk бор Ўзбекистонга келган. Қуп марта эшитган мафтункор Самарқанд шаҳрида бўлиб, Амир Темур мақбарасини таъриф қилган.

«Уш даврларда узбекларнинг ушша меҳмон булганомда Амир Темур ҳақида қуп гапириб бўлмас эди. Аммо уларнинг дилида мен учун тушуниб бўлмайдиган қандашир дарили бўлишган темур даври» -

деб эслайти Л. Керен мен билан суҳбатларнинг бирида. - Нихоят, Самарқандга келиб орзуим ушалди. Буюк ёдгорликларни кўриб хайратда қолдим. Қўрганларим эшитганларимдан минг бор зиёда бўлиб чиқди. У ердаги тарихий иншоотларни кўриб, бундай сарой ва макбараларни фақат одил ҳукмдор бошчилигидаги қудратли давлатгагина барпо этиш мумкинлигига амин бўлдим».

Мирзақўлни ўзлаштириш пайтидаги ана шу илк сафари профессор Л. Керен ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлган. Шу пайтдан бошлаб ўз ҳаётини Амир Темур шахси ва темурийлар сулоласи тарихини ўрганишга бағишлаган.

1943-1946 йилларда Франциянинг машҳур Пастер университетига стажёр ва ассистент бўлиб ишлаган олим 1951 йилдан Париж университетининг доктори бўлган Л. Керен узок йиллар давомида француз техникавий ёрдами ва бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури доирасида эксперт ва маслаҳатчи сифатида дунёнинг купгина мамлакатларида фаолият кўрсатган. Жумладан, Вьетнам, Бенин, Марокаш, Бразилия, Ливанда иш олиб борган. Португалияда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилган.

У қаерда ва қайси мамлакатда ишламасин, асосий иш фаолиятдан ташқари буш вақтини ўша давлатнинг машҳур кутубхоналаридан Амир Темур ҳақидаги янги маълумотларни топиш, уларни тарихий далиллар асосида бойитиб, қўллаб илҳий ва бадий асарларни чоп этишга қаратган.

1962-1965 йилларда Ливанга лаборатория бошлиғи этиб тайинланганида Люсьеннинг хурсандчилиги чексиз бўлган. Чунки, Дамашқда Амир Темур қадами етган ерларни зиёрат қилиш имкони туғилган. У чиндан ҳам араб тарихчи олими Ибн Халдун ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, буюк саркарда Сурияга юриши чоғида бир кун тўхтаган ва отларини суғорган жойларни бориб кўришга муваффақ бўлган.

Л. Керен 1966-1970 йилларда Францияда хусусий инженерлик изланишлари олиб бориш хизматининг маслаҳатчиси, 1970-1973 йилларда Корсикада атроф-муҳитни химоя қилиш ишлари бўйича кишлоқ хўжалик вазирлигининг эксперти, 1973-1978 йилларда БМТ эксперти бўлган, шунингдек Марокаш ички ишлар вазирлигига қарашли ичимлик сувларининг ифлосланишдан химоя қилиш ишлари бўйича техник маслаҳатчи бўлиб ишлаган. 1978-1982 йилларда БМТнинг Португалиядаги эксперти, Лиссабон университетига атроф-муҳитни химоя қилиш бўйича дарс берган. 1982 йилдан умрининг охиригача илмий ишлар билан машғул бўлган.

Ўзини ярим аср умрини Темурийлар даврини ўрганишга бағишлаган бу инсон ўзининг илмий изланишлари натижасида Бо-бокалонимиз Амир Темур ҳақида қўллаб янги маълумотларни топиш ва уларни европаликларга танитишга катта хисса қўшди. Л. Керен Амир Темур ҳақида икки йирик хитоб ва ўнлаб мақолалар муаллифи, 1988 йилда ташкил топган «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмасининг асосчиси ва Раиси ҳамда Уюшма нашр этадиган «Темурийлар» бюллетенининг муҳаррири эди.

Профессор Л. Керен асарларини ёзишдан аввал узидан олдин Амир Темур тўғрисида ёзилган Шарқ ҳамда Ғарб манбаларини танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиққан. Шарофиддин Али Яздий ва Ибн Арабшоннинг солномалари, Гуи Гонсалес де Клавихонинг кундаликлари, мавжуд тарихий-архив ҳужжатлари ва ёзма манбалар ҳамда

таниқли француз шарқшуносларининг асарлари шулар жумласидандир. У Соҳибқирон ҳақида улкан архив, тарихий, ашъвий ва ҳаётий маълумотлар туплаган. Л. Керен ана шу манба ва асарларини мукофоса қилиб ва таҳқослаб, улардан ҳар бирининг тарихий далиллар нутқини мазаридан ишончлилигига ва ҳолислигига ғуз баҳосини берган. Натъижада у Амир Темурнинг мукаммал таржimai ҳоли ва образини яратишга муваффақ бўлган, Соҳибқироннинг фаолиятини теван ҳамла ҳолис баҳолаган¹.

Л. Керен Амир Темур шахсига ҳолис ва мафкуравий ақидаларсиз ёндашади. У илмий ва тарихий далиллар асосида мулоҳазалар юритади ва ҳулосалар чиқаради. Л. Керен Соҳибқирон шахсини таҳлил этар экан, фақат унинг ҳарбий истъедодигагина эмас, балки мақсадни аниқлаб, унга эришиш борасидаги сиёсий заковатига, дипломатик маҳоратига ва бунёдкорлигига ҳам ган беради.

Албатта, шу билан бирга, Амир Темур ва унинг юришлари билан боғлиқ таъкивларида Европа муаррисларига ҳос айрим жиҳатлар ҳам кузга ташланиб туради. Аммо буларнинг бари собик совет тузуми даврида шүро тарихчилари ва ёзувчилари Амир Темур ҳақида ёзган асоссиз уйдирмалар олдида ҳеч гап эмас.

Ўз асарларини ёзиш жараёнида Л. Керен бир неча бор Ўзбекистонга ташриф буюриб, Соҳибқирон салтанати пойтахти - Самарқандда бўлган, ўзбек олимлари билан илмий мулоқотлар қилган. Муаллифнинг кўп ийлик тинийкиз илганишлари натижаси уларок илмий аниглик, манба ва маълумотларга бой асарлари вужудга келган.

Л. Керен китобларида Амир Темурнинг жаҳон халқлари тасаввуридаги яодир расмлари, Соҳибқироннинг 1900 иили Париждаги Умумжаҳон кўргазмасида намоиш этилган олтин ханкалчаси фотосурати, тарихий хариталар ва чизмалар берилган.

Профессор Л. Керен Амир Темур ва унинг Европа билан алоқаларига бағишланган бир қатор асар ва мақолалар муаллифидир. Унинг энг асосий китобларидан бири «Амир Темур салтанати»² илк бор 1978 йилда босилиб чиққан. Шундан сўнг у Франция ва Швейцарияда бир неча бор нашр этилди.

Бу китобда Амир Темурнинг таржimai ҳоли ва салтанати тарихи солномалари тўлиқ қаираб олинган. Бундан ташқари, муаллиф Амир Темур давлатининг тақдирини, зуссан, теуриятлар сулоласи, яъни Шохруз Мирзо, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти ҳақида бой тарихий маълумотлар ҳамда теурийлар шажарасини берган.

Профессор Л. Кереннинг янрих асарларидан яна бири «Самарқандга, Темур даврига саёҳат»³ деб аталади. Шунин алоҳида таъкидлаш уридлики, Л. Кереннинг «Амир Темур салтанати» ва «Самарқандга, Темур даврига саёҳат» китоблари мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Биринчи китоб илк бор 1978 йилда Швейцарияда чоп этилган бўлиб, у янгирмадан ортик харита ва суратлар билан безатилган. У 1980 йилда Париждаги «Пайот» босмаҳонасида қайта нашр қилинди. Шунин

¹ Саидов А. Х. Европа халоскорининг сиёсийси - француз ашъвои илмийлос // Амир Темур Фарб ашъвлари илмийлоса. - Т. «Давр ривчи», 2016. - 79-86-бетлар.

² Kerzen L. Tamerlan - Tamerlan des Seigneurs de Fer. Neuchâtel, 1978. Л. Керен Амир Темур салтанати // француз тилидан таржимон ва илмий муаллифни Б. Эрматов институт муамурч Х. Султонов. Суз боши Луиз Базил. - Т. Мехликат, 1999. - 224 бет.

³ Kerzen L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. Le Edition - Paris Imprimerie Nationale, 2006. - 354 p.

Л. Керен Амир Темур шахсига ҳолис ва мафкуравий ақидаларсиз ёндашади. У илмий ва тарихий далиллар асосида мулоҳазалар юритади ва ҳулосалар чиқаради. Л. Керен Соҳибқирон шахсини таҳлил этар экан, фақат унинг ҳарбий истъедодигагина эмас, балки мақсадни аниқлаб, унга эришиш борасидаги сиёсий заковатига, дипломатик маҳоратига ва бунёдкорлигига ҳам ган беради.



Люсьен Кереннинг
«Амир Темур салтанати»
китоби ўзбек тилида,
Тошкент, 1999 йил.

«Amerlan: L'Empire
du Seigneur de fer»
de Lucien Kheren,
édité en ouzbek,
Tachkent, 1999.

• Люсьен Кереннинг ушбу китоби буюк бир оилага бағишланган бўлиб, унда омиқ тарихий фактлар ёрдамида, бир томондан, оғеи назирон, амма шунга қарамай, иккинчи томондан қудратли фотиҳ бўлган Амир Темурнинг ёрқин характери ёритилади».

Луи Базен,
Франция

дан сўнг яна бир неча бор қайта-қайта чоп этилган ушбу китоб Амир Темурнинг дунёга келишидан умрининг охиригача босиб ўтган ҳаёт йўлини ёритишга бағишланган. Унда Соҳибқирон барпо этган салтанатнинг кейинги тақдири ҳамда Бобурнинг ҳаётига алоҳида боблар ажратилган. Буюк бобокалонимизнинг Европа қироллари билан уриятган муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар илова қилинган.

Л. Кереннинг буюк бир оилага бағишланган ва Амир Темурнинг ёрқин характери ҳолисона, айна чоғда ҳассослик билан очиб беришган «Амир Темур салтанати» китоби 1999 йилда Тошкентда ўзбек тилида чоп этилди¹.

Китобда қайд этилганидек, 1370 йилдан 1405 йилгача бўлган даврда Соҳибқирон Эрон, Ироқ ва Туркистонни забт этган, Сурия, Ҳиндистон ва Россияни бўйсундирган, Туркияни мағлубиятга учратган, Дамашқ, Бағдод ва Дехлида зафар кучган, замонасининг энг моҳир жангчилари бўлмиш мўғуллар, мамлуклар ва яничарларни маҳв қилган.

«...Амир Темур ўттиз беш йилга яқин вақт ичида Осиёни тиз чўктирган ва тарихан қисқа муддат умр кўрган буюк салтанат барпо этган, унинг пойтахти Самарқандни тенгсиз меъморий обидалар билан безатган», - деб ёзади Л. Керен.

Амир Темур минглаб ваҳший феодаллару азму шижоатсиз ҳонлар ўртасида пароканда қилинган Еврооסיё тахтига даъвогар сифатида майдонга чиққанида эндигина ўттиз тўрт баҳорни қаршилаган, ўн йиллик курашлардан сўнг кичик бир Мовароуннаҳр хонлигини қўлга қиритган эди, ҳолоқ. У на шаҳзода ва на қудратли ҳоконнинг меросхўри бўлган, Балки оддий бир уруғ бошлиғи бўлганлиги сабабиди, ғанимларини енгиб, сўнгра бу ўлка тахтига ўтирган.

Унинг илк рақиблари Самарқанд вилоятининг шимоли ва шарқида қўчманчилик қилиб юрвчи урушқок турк-мўғул уруғлари бўлган Улар буздан бир ярим аср илгари Чингизхон туғи остида бутун Осиё ва Европани тахликага солган енгилмас суворийлар авлодидан бўлиб, шафқатсизлиги билан ажралиб турган. Бу «ўрдалар» Россия хуудулариди Туркистон тоғу даштларида ҳўжайинлик қилган. Қуришиб турибдики, улар Мовароуннаҳр (ҳозирги Ўзбекистон)га қўшни бўлган.

Ғарбда жойлашган Эрон ва Ироқ бой, сернуфус ва тараққий этган давлатлар бўлса-да, инқирозга юз тутган, уларнинг тахти турли суулалар ўртасида талаш бўлиб ётган. Улардан нарида эса Сурия ва Мисрнинг ҳўжайинлари, мамлуклар ҳамда яничарлари Европа иттифоқни қўшинларини маҳв этган усмонли турклар қудратли кучга эга бўлган.

Жанубда, Хуросон ортида жойлашган Ҳиндистонни туркий ҳавдан бўлмиш мусулмон бир султон бошқарар, ҳукумат исёнқор хинд қабилаларига қарши курашлардан толиққан бўлиб, Марказий осийлик шиддатли суворийларга бас келолмасди.

Ва ниҳоят, Шарқдаги Буюк илак йўлининг мўғул хонлиги хиймоват остидаги карвонсаройларидан кейин беҳисоб бойлиқларга эга мажусу қўшинларини ғарбдан келувчи ҳар қандай куч ҳам енга олмасди.

Амир Темур ана шу ўлкаларнинг барчасини забт этган, факатгина Хитойга қули етмишган: бунга ўлим халақат берган. Л. Керен шундай таъкидлайди: «Шундай беқисс галабаларига қарамай Амир Темур осийлик буюк фотиҳлар ичида энг кам танилганидир; у Аттила ва Чингиз»

¹ Керен Л. Амир Темур салтанати / Б. Тошкент таржимаси. Максус муҳаррир Х. Султон. - Т.: Мазолиеват нашриёти, 1999. - 224 бет.

хонга нисбатан бизга яқин замонда яшаб ўтганига қарамай, унинг номи ва кучган зафарлари европаликларга яхши таниш эмас.

Агар Амир Темури фақатгина жангу жадал ёхуд ашаддий истилолар ишида ёнган буюк фотиҳ бўлганида эди, у тарихни кўп ҳам қизиқтирмасди. Тўғри, Амир Темури йирик ҳарбий кўмондон, моқир саркарда ҳамда битмас-туганмас ғайратта эга раҳбар ва шу сабабли қатъиятли, қаттиққул жангчи бўлгани рост, бироқ бу – биз у ҳақда билганларимизнинг ҳаммаси эмас.

Амир Темури ноиб ва қарама-қарши ҳамда ранг-баранг феъл-атаврга эга шахсдир. Кенгликлар ва озодлик нашидасидан маст кучманчи аждодалари шахарларни қурқоқларнинг маскани деб ҳисобловчи бу инсон тиниб-тинчимас бунёдкор бўлган. Муғуллар жондонига кўёвлик раштаси билан боғланган бўлса ҳам, у Олтин Урда қудратини чилларчини қилган.

Эрон маданиятидан озуқа олган эса-да, Эрон маданиятининг йирик марказларини эгаллаган. У илм ва санъат аҳлини эъзолаган, бироқ аскарларнинг ёввойи истакларига ҳам баъзан эрк берган.

Икёنجор шахарлар аҳолисини жазога тортишда Амир Темури шундай қиёдага амал қилган: бир томондан, ҳарбийлар ўлимига маҳкум этилса, иккинчи томондан, диндорлар, алломалар ва савоҳжон кишилар афе этилган. Фотиҳ киши-ванг ёркойиб ҳислати эмасми бу!

Ягона қарама-қаршилик яна шунда эдики, у ўз аскарлари билан ёнма-ён яшаган, уларнинг ташвишларини баҳам қўрган, уларга бош бўлиб жангга кирган ва бепоён салтанатининг сарҳадларини тинимсиз кезиб юрган; шундай экан, у харб юришлари чарқоқлари-ю жангоҳларининг оғир ҳаётидан роҳат топувчи жисмонан мукамал жангчи бўлган.

Л. Керен ёзади: «Ҳақиқий исми Темурибек, туркчадан айнан таржима қилганда «Темир хокон» бўлиши Амир Темури яхши билмаслигининг сабаби у ҳақидаги тарихий маълумотлар йўқлигида эмас. Масалан, унинг набираси Иброҳим Султон бошчилигида 1424 йилда ёзилган «Зафарнома» фикримизнинг далилидир».

Ориф ва санъаткор бу шахсда Эрону Ироқдан замонасининг энг кучли муаррих ва котибларини, бобосини қўрган, унга хизмат қилган кекса аскарлар ва мулозимларни ўзи яшаб турган Ҳирот шахрига чақиртириб, бутун Осидан Амир Темурига алоқадор турк, форс ва араб тилларида битилган барча ҳужжатларни йиғдирган.

Иброҳим Султон алломаларни турли гуруҳларга бўлиб, уларга қўлёзмаларни ўрганишни, матиларни таҳлил қилишни, тирик гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, ҳар бир воқеанинг ҳақиқатга энг яқин талқинини яратишни топширган. Шахсда бу йирик тадқиқотни мезийшунос адиб Шарафиддин Али Яздийга топширган, адиб эса форс тилида нафис бир услубда (ҳаддан ташқари нафис десак ҳам бўлади) Амир Темури салтанатининг солномасини яратган ва унга «Зафарнома» деб ном берган.

Мазкур асарининг энг катта камчиликларидан бири унда қаҳрамонни намунавий мусулмон ҳукмдори сифатида тасвирлаш мақсадида ҳаддан зиёд идеаллаштирилиши ва унинг ўтган йўлларда баъзан вайрона манзиллар ҳам қолгани сукут остига олиниб, қўлган ҳар қадамига маҳдиялар ўқилишдир.

Фикримизча, адолатни ҳамма нарсадан устун қўйгувчи Амир Темури ҳам меъридан ошириб юборилган ушбу маҳдияни ёқтирмаган бўларди. «Зафарнома» битилганидан сўнгра кўп ўтмай унинг раҳиданси вужудга келган: бу болалигидайёқ банди қилиниб Самарқандга келти-

рилган суриялик муаррих Ибн Арабшоҳнинг каламига мансуб Амир Темурнинг аламзада, бироқ тадқиқотчилар учун қимматли маълумотларга тула солномаси бўлиб, оку қорани таниган муаллиф куллик йиллари учун уч олаётганга ўхшайди.

Маърифатлик буюк файласуф Ибн Халдуун Амир Темур билан фожиаги бир даъда - Дамашқ таслим бўлган кунларда учрашган. Халдуун ҳикоясидан кўз ўнгитишда Амир Темур тимсолида тарих илмларининг зукко билимдонлиги, илм-фан аҳлининг раҳнамоси сиймоси намоён бўлади¹.

Европалик бир киши Самарқандда Амир Темур билан учрашган, у билан суҳбатда бўлган. Бу Кастилия ўлкасининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо эди. У ўз саёҳати ҳақида бебаҳо кундалик ёзиб қолдирган, бироқ унда муаллиф Самарқанддаги турмуш тарзи ҳақида, унинг тарихий ёдгорликлари ҳақида батафсил баён қилса-да, ўзи кўп зиёфатларнинг, умutilмас учрашувларининг шохиди бўлган Амир Темур ҳақида узук-юлук маълумот берган.

Кунлардан бир кун Франция Қироли Шарль VI нинг саройига Шарқдан бир руҳоний келиб, унга Амир Темурнинг мактубини топширган. Соҳибқирон Қиролга дўстона муносабатлар изҳор қилиб, икки мамлакат ўртасида тижорат ишларини йўлга қўйишни таклиф қилган.

Бу фалати диндор («дўстона муносабатлар элчиси») сарой аҳлига Амир Темур билан ҳамкорлик қилиш учун зарур маълумотлар жамланган йўлнома тарқатиб, Соҳибқирон ҳақида энг илик гаплар айтган. Ушбу йўлнома ҳамда Амир Темурнинг зарҳал харфлар билан битилиб, «Куч - адолатда» деган шиорли муҳри босилган мактуби Франция Миллий архивида сақланмоқда.

Француз олими Л. Керен Амир Темурга оид ҳам тарихий, ҳам замонавий манба ва асарларни ҳамда Соҳибқироннинг дипломатик ёзишмаларини холис ва чуқур илмий тадқиқ қилади.

Л. Кереннинг таъкидлашича, Амир Темурнинг ўз рақиблири ва дўстлари билан олиб борган ёзишмаларидан бир қисми ҳам топилган. Мактубларнинг оҳанглари турлича: Миср ва Суриянинг мамлук султонига дағдағали, Франция, Кастилия ва Англия қиролларига мулозим (расмий), Туркия султони Боязидга баландларвоз, Константинополь императорига, венециялик элчилар ва маршал Бусико раҳнамолиги остидаги генуялик савдогарларга қардошларча номалар битилган.

Амир Темур оламдан ўтгач, унинг ўғиллари ва набиралари муаррих ва шижираларга бююртмалар бериб, «Темурнома»лар ёздирришган. Бу китоблар асосан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида зикр этилган воқеаларга янгича жило беришдан иборат бўлган. Шахзодалар дунё тарихи ҳақидаги (Нух пайғамбардан Искандар Зулқарнайнгача, Чингизхондан Амир Темур ва унинг авлодларигача бўлган даврларни ўз ичига олган) китоблар битилишига ҳам раҳнамолик қилганлар.

Зоҳиран тарихий, бироқ моҳиятан афсонавий бу асарларнинг айрим бобларида Амир Темур ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Бу жиҳатдан, Ҳофиз Аbru, Хондамир ва Абдураззoк Самарқандийнинг асарлари диққатга сазовордир.

Ҳатто, Яман ҳукмдорларидан бирининг кутубхонасидан ўз мукамаллиги билан катта шов-шувларга сабаб бўлган йирик бир қўلام топилган. Бу «Темур тузуқлари» бўлиб, унда Соҳибқирон тахтта ўтириш ва жапгоҳларда зафар қушишининг сирларини баён қилган.

¹ M. S. Kemal Yücel, Temur, Tarih ve İbn-i Haldun // Oğuzistanın 600 yılında Emir Temur ve Miras Sempoziumu / İstanbul 2005 Bildiriler. - İstanbul, 2007. - S. 89-106.

XVIII асрда Амир Темур Францияда, айниқса, машҳур бўлган; католик диндорлар унинг соғномаларини биттишган, шарқшунослар Шарафиддин Али Яздий ва Ибн Арабшохнинг асарларини таржима қилишган, Вольтер эса ўзининг «Тарих ҳақида эсселар»дан биричи унга бағишлаган.

Мутаржимларнинг меҳнатлари зое кетмаган, бироқ соғномачиларнинг асарлари, асосан, тахт ворислари бўлмиш шаҳзодаларга қаратилган бўлиб, мутлақ ҳокимликни кўкларга кўтарар, зеро бу китобларни ёзишга хироллар буюртма беришган. Амир Темурнинг турли андозаларга солинган тарихи улар учун ўрнак бўлиб хизмат қилган.

Саҳнада ҳам Амир Темур образи яратилган. У илк бора Кристофер Марло яратган икки трагедиянинг (1587) қаҳрамони бўлган. Бу асарнинг номи бутун бир дастурдан иборат: «Ўзининг кўз кўрмаган ва қулқоқ эшитмаган зафарлари билан буюк ва қудратли ҳукмдор даражасига етган ҳамда жангларда раҳибларига солган даҳшати ва шафқатсизлиги билан Худонинг ғазаби дея ном олган Буюк Амир Темур тарихи».

Тарихий нуқтаи назардан бу пьесалар чалқашликлар ва тўқималарга тўла, уларнинг қаҳрамони тилидан эса ўз кишанларидан холос бўлиб, куч-қувватини намоён эттишга шай турган Уйғониш даври кишиси сўзлайди:

*Тақдирим бутунлай менинг изимда,
Тарих еилдирагин бурар қўлларим.*

(«Соҳибқирон Темур» пьесаси, 1-қисм, 1-парда, 2-кўриниши)

Саҳнада ҳам Амир Темур образи яратилган. У илк бора Кристофер Марло яратган трагедиянинг (1587) қаҳрамони бўлган. Бу асарнинг номи бутун бир дастурдан иборат: «Ўзининг кўз кўрмаган ва қулқоқ эшитмаган зафарлари билан буюк ва қудратли ҳукмдор даражасига етган ҳамда жангларда раҳибларига солган даҳшати ва шафқатсизлиги билан Худонинг ғазаби дея ном олган Буюк Амир Темур тарихи».

Орадан бир аср ўтиб Марлодан ўрнак олган италиян, испан ва инглиз драматурглари янги пьесалар яратганлар. Табиийки уларнинг сифати анча паст бўлган. XIX аср охирига келиб Амир Темур яна тилга олини бошланган. Россия темир йўлининг Марказий Осиёга кириб келиши тўғрисида Европа адиб ва журналистлари Амир Темурни ва Самарқанд меъморий ёдгорликларини кашф қилганлар. Улар ўз савҳатлари натижасида мақола ва китоблар ёзиб, ўзбек халқи орасида Амир Темур ҳақида кенг тарқалган афсоналарни келтирганлар. Бу афсоналар муаррихлар учун бирор қимматга эга бўлмас-да, Шарқ афсоналарининг шайдолари учун бебаҳо дурдоналар ҳисобланган¹.

Тарихий мавзудати замонавий асарларга назар солиб, Амир Темур адибларнинг кичик бир гуруҳини кизиктирганлигига амин бўлиши мумкин. Унга бағишланган асарлар ичида тадқиқотчиларнинг изланишларидан кўра, Амир Темурнинг романтик сарғузаштлари акс эттирилган китоблар кўпчилигини ташкил этади.

Машҳур муаррих Рене Груссе ўзининг «Даштлар салтанати» асарида Амир Темурга катта ўрин ажратган, бироқ унда адиб ўз қаҳрамони образи орқали Чингизхон ва унинг авлодлари донмо теурииллардан устун келган, деган нотўғри бир фикрни олға сурган. Правдин, Ламб, Шампдор, Периперон каби адиблар қаламига мансуб соғномаларнинг қиймати асар муаллифларининг бадиий маҳорати билан ўлчанади. Бу асарларда Амир Темур «Малфузот» ва «Тузуқот»га кенг мурожаат қилинса-да, уларнинг чин ёки соҳталиги ҳисобга олинмаган.

¹ Саидов А.Х. Инглиз драматургининг Амир Темур ҳақида тарқатган пьесаси // Амир Темур Фарб адиблари нигоҳида – Т.: «Davr press», 2016. – 9-14-бетлар

Жерар Вальтер ва Марсель Брион Амир Темурни уларнинг «Асрлар ёдгорлиги» мажмуаларидан бири учун қахрамон қилиб танлашган («XV аср тақдирини ҳал қилган инсон»). Ушбу китобда келтирилган асарлар руйхати эътиборга лойиқдир.

Эммануэль Берль ўз асарига Амир Темурнинг Осий тарихидаги инқилобий таъсири хусусида фикр юритган, аниқ тарихий маълумотларга асосланган бу фикрлар, афсуски, атиги уч-тўрт кичик саҳифани эгаллайди, ҳолос. Муаллиф ўзидан олдинги тадқиқотчиларнинг нотўғри ва баҳсли тахлилларига эътибор бермаган ва қатор илк манбалардан фойдаланган. Жан Обен аниқ тарихий далилларга асослаиб ёзилган икки мақоласида XIV-XV асрлар бусағасида яшаб ўтган Соҳибкироннинг кучли ва мураккаб образини яратган.

Шунга қарамай, Амир Темур ҳақида битилган асарларни таҳлил қилиш асосида унинг шахси ва фаолиятининг сиру асрори очиб берилмаганига амин бўлиш мумкин.

Л. Керен XV асрдан бери Амир Темур шахси ҳақида битилган асарларнинг қупчилиги бирекламалиги ва қарама-қаршилиги билан ажралиб туришини аниқлаган. Мазкур соҳномаларнинг асосий мақсади Амир Темур шахсига ҳар томонлама ёндашиш ҳамда унинг ҳаётини қуршаб олган шахслар ва воқеа-ҳодисаларнинг объектив тасвирини яратишдан иборат бўлган.

Икки машҳур темурий ҳукмдор – илми нужум алломаси Мирзо Улуғбек ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг тарихига мувожаат қилмай туриб, буюк салтанатнинг инкирозга юз тутиши ҳақида ҳам, бу инкирозга сабабчи шахслар ва воқеалар ҳақида ҳам гапириб бўлмайди.

Л. Керен Амир Темурнинг ташқи кўринишига оид барча манбаларни ўрганган. Қўп замонлардан буён муаррихлар Амир Темурнинг асл шахсияти ва сиймосини тиклашга ҳаракат қилиб келади. Улар, албатта, Соҳибкироннинг ташқи кўринишидан шу ғайриоддий сиймонинг одамларни лол қолдириб, тарихни ҳам ўз измига бўйсундира олган хислатларини топишга ҳаракат қилган. Аммо, «бу мавзудаги қадимий ва замонавий асарларни ўқиган китобхон қўп саволларга жавоб тополмайди, зеро Амир Темур қиёфасига чизилган чизтилар қўпинча шубҳа уйғотади», – деб ёзади Л. Керен.

Табиийки, энг дастлабки манбалар Соҳибкирон тасвирланган Шарқ миниатюраларидир, бироқ улардан ҳам қўп нарса олиб бўлмайди. Бизга маълум барча миниатюралар Амир Темур вафотидан сўнг яратилган. Уларда турфа ранг қодирлар марказидан жой олган шохона либосдаги ёҳуд чиройли тулпор устида ўтирган Амир Темур тасвирланган. Унинг асосан муомтоъ услубда чизилган чехрасида кўзлари баъзан кирғивуз этиб ифодаланган.

Бобурийлар ҳукмиронлик қилган Ҳиндистонда яратилган миниатюраларда эса юзи думалок, кўзлари ошиқона боқишда акс эттирилган. Амир Темур тасвирланган энг қадимий (XVI аср) Европа гравюралари ҳам уйдирма портретлардан ўзга нарса эмас. Инглизлар уни Икки Атиргул уруши даврининг лорди қиёфасида кўришса, французлар экинсонил Дартаняк, немислар серсокол рицар, италяньлар эса флоренциялик жангчи кўринишида тасаввур қилишган. Ва лекин, на миниатюраларда ва на гравюраларда Амир Темурнинг аниқ қиёфаси чизилмаган¹.

«Амир Темур ўз ҳузурида уруш даҳшанлари ва хунрезликлар ҳақида суз очинларини ёқтирмас экан. У табиатан қон тўқилишини ёқтирмайдиган, бироқ давр тақозоси билан қонли ва есаибона жанглар улаштиришни яхши биладиган, айни пайтда беурин жабр-қулмини севайдиган одамлар хлидан эди».

Жан Пол Ру,
Франция

¹ Маъруфий А. Темурийлар ва Бобурийлар даври маданияти, китоб ва рангтаъбир санъати тарихига чизтилар - Т.: «Сатпа» журнали наشريети, 2015. - 495 бет.

Ибн Арабшохнинг Амир Темур солномаси битилган, адоватдан холи бўлмаган «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» номли араб тилидаги асаридagina Сохибқироннинг хақиқатга яқин ягона бадийи киффасини учратиш мумкин. Самарқандда яшган бу адиб кексайиб қолган жаҳонгирни кўп мартаба кўрган. Шу сабабли ҳам уни замон ва воқеаларнинг тирих шоҳиди, деб хисоблаш мумкин.

Турли тарихий манбалар ва Ибн Арабшохнинг Амир Темур солномасидаги материалларга асослаиб Сохибқироннинг етук ёшдаги киффасини яратиш мумкин. Л. Кереннинг «Амир Темур салтанати» китобида бу ҳақда бир қанча батафсил маълумотлар бор.

Л. Кереннинг ёзишича, Амир Темур буйи бир метру етмиш сантиметр (ўз замонаси учун жуда баланд), елкалари кенг, буйни йўзон ва боши катта, алпқомат ва бакуваат инсон булган. Унинг чеҳрасида кучли характер эгасига хос белгиларни кўриш мумкин: кенг юзининг ёноқлари киринизи, кирра бурун, лаблари қалин, кўзлари йирик, килриклари узун. Амир Темурнинг териси оппоқ, пешонаси кенг, узун мўйлови ва таропланган соқолининг ранги қора ва кулранг-кизгиш булган.

Сохибқирон билан мулоқотда булган ҳар бир кимса унинг на катталиги ва на кексалиги сундира олган жушқин ҳаётий завк-шавқидан, ўзини туттишидан, одамлар ва рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан яқини хабардорлигидан ҳамда дунёда ҳеч нарса раҳна сололмайдиган кучли иродасидан хайратга тушган.

Биз бугун Амир Темурнинг жисмоний киффаси хусусида деярли тўлиқ тушунчага эга бўлсак-да, унинг рухий дунёси борасида, ахтinchа, кўп нарсалардан беҳабармиз. Унинг характери ва шахси турли қарам-қаршиликларга тула, ихтидорининг баъзи қирралари эса изоҳга муҳтож.

Сохибқирон яшган замонга жангу муҳорабалар даври булганлигини тан олмоқ лозим. Шохлар, султонлару қабила бошлиқлари ҳам бир-бирларига қарши жанг қилиб турган. Амир Темур ҳам улардан истисно булмаган, фақат у олиб борган жангларнинг миқдоси ва моқияти ўзгача булган. Амир Темурнинг илим-фан асарларини ва уларнинг муаллифларини ҳурмат қилишти ҳамда уларни аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳларидан афзал кўришти диккатга сазовордир.

Ҳарбий саркарданнинг бу олибжаноб хислати катор солномачилар, жузладан, Ибн Арабшох томонидан ҳам қайд этилган. «Амир Темур оптимларни яқини кўрар, санийиду шарифларни ҳурмат қиларди, уламолар ва фозилларга юсак иззат курсатиб, уларни бошқалардан юқори кўрарди; уларнинг ҳар бирининг ҳурматини жойига қўйиб, муруватини аямасди. У уста хунармандлар ва касб эгаларидан ўз меҳрини дариг тутмасди».

Амир Темур ўзининг диний, фалсафий, тарихий ва асосан, ўзи раҳбарлик қилган умум салтанат юмушларини ташкил этиш ва уни бошқариш мавзусидаги баҳсларда кўп мартаба намоиш этган билимлари ва бебаҳо қобилиятларига қараганда Сохибқирон ўқиниш ва ёзишни билган ҳамда унга китоб ўқиб ўз билимларини орттиришга ҳеч нарса халакит бермаган.

Амир Темурнинг меъморчилик ва тасвирий санъатга катта ихлос қўяганини ҳамма тан олади. У ҳукмронлик қилган даврда Самарқанд ва Кешда бунёд эттирилган иморатлар: қасрлар, саройлар, мадрасалар ва масжидлар фарс ёхуд чин ёшдорлиқларнинг кўр-кўрона нуқсаси эмас. Улар турли-тузун ва бетакрор; улар Амир Темур Самарқанднинг

«Л. Керен мендан кўра анча йиллар олдин Амир Темур шахсига қизиқиб қолган ва бу мавзуда кўплаб китоблар ёзган. У нафақати Францияда, айни чоғда дунё миқёсида ҳам жуда таниқли тарихчи алим ҳисобланади. Кимё соҳаси буйича мутахассис бўлишига қарамай, тарих, хусусан, теуричинослик соҳасида катта натижаларга эришган».

**Фредерик
Бопертион-Брессан,
Франция**

чиroyига-чиroy кўшишни ишониб топширган турли маданият ва уелубга эга меъморлар маҳоратининг махсулидир.

Ҳозирги кунда ҳам Самарқандда ана шу меъморий мажмуалардан учтаси мавжуд: булар «Бибиҳоним» деб номланган жоме масжиди, хилхонага айланган Амир Темуr мақбараси ва ажойиб безаклар берилган хилхона мажмуаси - «Шоҳи Зинда». Бу мажмуалар қурилишида Амир Темуr фаол иштирок этган. Солномаларда гувоҳлик берилишича, у рисоладагидек қурилмаётган биноларни бир неча мартаба буздирган ва ўз қўрсатмаларига мувофиқ қайта қурдирган.

Амир Темуrнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқиши фақатгина эстетик табиатга эга бўлмай, балки сиёсий мақсадларни ҳам кузда тутган. Биз ҳозирги кунда кино ва телевидениедан тарғибот мақсадида қандай фойдалансак, Соҳибқирон ҳам тасвирий санъатдан айнан шундай мақсадларда фойдаланган.

Амир Темуr ҳузурда тасвирий санъатдан кейин кенг қўланиладиган санъат тури мусика бўлган. У шахмат санъатида ҳам нияҳятда кучли бўлиб, бу соҳанинг усталари билан бемалол куч синашган.

*Мунтаҳассислар Шоҳи
Зиндани «Шарқнинг
ислом архитектураси
энциклопедияси»,
деб атайшган.*

Амир Темуrнинг мағрурлиги ва улғуворлиги ҳақида Ибн Арабшоҳ унинг табиати қоплонниқидан, кайфияти шерниқидан қолтишмасди, деб ёзган. Унинг бу хислатидан атрофдагилар кўп азият чекишган, зеро у лаганбардорлик ва тилғуламачиликни ёмон қўрган, аччиқ бўлса-да, доимо ҳақиқатни айтишларини талаб қилган.

У ўз тақдирига беҳад ишонган. Ҳўзининг ҳар бир қўйган қадами ва қабул қилган қарорини Худонинг хоҳиш-иродаси билан боғлаган, кетма-кет кучайтган зафарларини эса илоҳий кучларнинг ўзига қўрсатётган марҳамати, деб ҳисоблаган.

Шубҳасиз, Амир Темуrнинг айрим башорат қила билиш хислатлари ҳам бўлиб, бу унга ўша муҳитда буюк мунажжимларга ҳос сирли куч-қудрат бахш этган. Ҳар бир йирик воқеа-ҳодиса ёхуд муҳораба олдида Амир Темуrга илоҳий хабар келар, у бўлажак ишларнинг нима билан тугашини олдиндан айта олар, фанимларининг мақрларини сезар ва ўз амиру ақобирлари орасидан хиёнат фикрида қўртанларни топа билар эди.

Ундаги бу хислат муқим бўлмаган. Аммо Амир Темуr ундан унумли фойдаланар ҳамда бошқаларнинг тасавурини лол қолдирадиган тафсилотлар билан ўраб, уни янада бойитган, таъсир кучини усталик билан кучайтирган. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, масалан, Амир Темуr ўзи билмаган бирор шахарга ташриф буюришидан олдин шу шахарнинг майдон-кўчалари ва кўзга кўринган аёнларининг ҳаёти, юриш-туришлари тўғрисида илidan-игнасиғача хуфёна билиб олган.

Шахарга киргач эса у кўчаларда бемалол сайр қилган ва маҳаллани аёнлардан бирини чақириб, барчанинг кўз унгида ундан фақат шу химсагагина маълум бўлган воқеа ва муносабатлар тўғрисида худди эски танишлардек суриштирган. «Ана шунда суҳбатдоши ҳайратдан ёқа ушлар, Амир Темуr рўй берган воқеаларнинг шоҳиди бўлган экан-да, деган ҳаёлга борарди».

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темуrнинг хотираси нияҳятда ўткир бўлган, энг кичик тафсилотларни ҳам ёдда сақлаб қола олган. Унинг аниққчилари ҳар бир улка ҳақида, унинг бойликлари, харитаси, табиий ва сунъий истеҳкомлари, иқлими ва аҳолиси тўғрисида мукаммал хисоботлар тайёрлаб келтиришган. У бу маълумотларнинг барчасини

эслаб қолган ва улардан ўрни келганда салтанатининг манфаатлари ёхуд стратегиясини ўзгартириш учун фойдаланган.

Амир Темур салтанат юмушларига ва савдо-сотикни ривожлантиришга катта эътибор берган. У ўз кўшинида катъий тартиб-интизом ўрнатган. Иби Арабшоҳнинг ёзишича, у ҳеч қачон бировнинг ўлжасига кўз олайтирмаган. Бирор нарсага биринчи бўлиб қўл теккизган одам унинг эгаси ҳисобланган. Ҳаммининг ҳуқуқи теги бўлган, энг обрўли ақобир энг оддий аскар билан баробар турган.

Аmmo, у қорат қилишга расмий руҳат беришидан олдин кимда-ким бировни бесабаб хафа қилса, заррача ҳақорат ёхуд арзимас зуравонлик қилса, жони ва мол-мулки билан жавоб бериши хусусида катъий огоҳлантирган. Гуноҳидан ўтиш, бир қошиқ қонидан кечичи тўғрисида гап бўлиши мумкин бўлмаган айбдорнинг ёнига тушишга ҳеч ким журъат қилолмаган. Бу қоида ҳеч қачон бузилмаган, унинг олдида ҳамма баробар бўлган.

«Амир Темур Европа билан эркин савдо-сотикни тарафдори бўлган».

**Арно Блин,
Франция**

Амир Темур мана шу эгилмас адолатпешалиги, мардлиги ва ўз қонунларининг энг мохир саркардаси бўлишдек хислатлари билан бир қаторда аскарлари кўз унгида юксак обрўси ҳам қудратининг асосини ташкил этган. Бирок буларнинг ҳаммаси, деб ёшди Л. Керен, Амир Темурнинг «ўз фуқароларига кўрсатган ақл бовар қилмайдиган таъсирини изоҳлаш учун қамқил қилади. Сода қилиб айтганда, у ўз фуқароларининг ҳўжаси эди, зеро у раҳбар бўлишдек туғма, аммо ақлга сиғмайдиган табиий ва синоатли хислат соҳиби эди»¹.

Профессор Люсьен Керен қаламига мансуб иккинчи йирик асар – «Самарқандга, Темур даврига саёҳат» китоби илк бор 1990 йилда Парижда 3 минг нусхада чоп этилган. ЮНЕСКОнинг «Илқ йули – мулоқот йули» дастурига мувофиқ ёзилган ва нашрга тайёрланган бу асар 2002 йилда иккинчи марта қайта нашр этилди. 2006 йилда Парижда ушбу китоб-альбомнинг учинчи нашри босмадан чиқди². Ушбу асар 1999 йилда япон тилида ҳам чоп этилди³.

«Самарқандга, Темур даврига саёҳат» китобининг учинчи нашри Франциянинг машҳур «Imprimerie Nationale» нашриёти томонидан «Acte sud» нашриёти билан ҳамкорликда амалга оширилган. Давлат миллий босмахонасининг тарихий ва бадий асарларни чоп этиш миллий бўлишидан 2005 йилда хусусий нашриёт бўлиб ажралиб чиққан ва «Acte sud» деб ном олган нашриёт замон талабларига мос ускуналар билан жиҳозланган.

Бу нуфузли нашриётда ранг-баранг журналлар, турли мавзудаги китоблар, маъмурий ҳужжатлар, мультимедиа махсулотларидан компакт-дисклар ишлаб чиқарилади. Нашриётнинг бош маъмурияти Арле шаҳрида, филиали эса, Парижда жойлашган. Китобни чоп этиш билан боғлиқ барча харажатлар ана шу нашриёт томонидан қоплангани эътиборлидир.

Бу китобни ёзишда Л. Керен Кастилия Киролининг аълиси Руи Гонсалес де Клавихонинг француз тилига таржима қилган Амир Темур

¹ Л. Керен. Амир Темур салтанати // француз тилидан таржимон ва остилар муаллифи Б. Эрматов; маъсу муҳаррир К. Султон; Суз Боши Луиз Базен. -Т.: Мазолининг, 1999. - 224 бет

² Lucien Kéren. Ambassades à Tamerlan et la relation de l'uy Cavallan de Cluvio // La Timouride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Timourides et les échanges culturels franco-ouzbeka, 4e numéro, Paris, 1990, Kéren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition - Paris: Imprimerie Nationale, 2002. - P. 354. Kéren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition - Paris: Imprimerie Nationale, 2006. - P. 354.

³ Tamerlan au Japon // La Timouride, 20e numéro, Paris, 1999. - P. 3.

давлати пойтахти Самарқандга саёҳатида бағишланган кундалиги асос қилиб олган.

Испан дипломатининг тарихий далилларга асосланган жўтираларида Амир Темур ўз даврининг қаҳрамони, миллатнинг ҳақиқий етакчиси, фавқулодда буюк шахс сифатида тасвирланган. Китобда тарихий ҳужжатлар тахлили асосида, тарихий хронологияга риоя этган ҳолда Амир Темурнинг ўз давлатини шакллантириш, ривожлантириш ва мустақамлашдаги мислсиз хизматлари курсатиб берилган. Европа мамлакатлари билан дипломатик ва савдо муносабатларини урнатгани ҳақида ҳикоя қилинган. Унда Амир Темурнинг ўша давр Европа кироллари, шу жумладан, Кастилия Кироли Энрике III билан ёншишларига кенг урин берилган.

«Л. Керен Амир Темур тарихига доир мавжуд деярли барча маълумларни ўрганиб чиққан ва бу буюк зот шахси билан боғлиқ ҳақиқий тарихни очиб ҳамда халис ёршитиб берган. Шу нуқтаи назардан, жаҳонда ҳозирги кунгача бу мавзуда яратилган кўплаб асарлар орасида Л. Керен ёзган китоблар алоҳида ажралиб туради, деб ўйлайман.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Л. Кереннинг бу борадаги самарали фаолиятини юксак баҳолаб, француз олимини «Шухрат» медали билан тақдирлагани бежиз эмас».

**Фредерик
Бопертию-Брессан,
Франция**

Соҳибқироннинг Франция Кироли Шарль VI га йўлаган хатларининг фотонусхалари келтирилган. Улар Амир Темурнинг буюк давлат арбоби, шавкатли саркарда, моҳир дипломат, нозиктаб санъат ва фан раҳнамоси сифатидаги қобилиятлари ҳақида хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, китобда Самарқанднинг ривожланиш тарихи, Амир Темур ва Темурийларнинг бу жараёндаги ўрни ҳақида ҳикоя қилинган. Китоб-альбомда Темур томонидан яратилган давлат ва унинг тарихи, жумладан, Темурийлар сулоласининг буюк вақиллари ҳаёти ва фаолиятига махсус бўлимлар бағишланган. Бобур ва унинг Ҳиндистондаги ҳукмронлик даврига алоҳида боб ажратилган.

Л. Кереннинг бу китобида Соҳибқирон Амир Темур тарихий меросининг буюклиги ёрқин ифодасини топган. Муаллиф тарихий манбалар асосида гуллаб-яшнаган давлатда утқазилган байрамлар руҳини тиклаган, у даврга яратилган ва ҳозиргача бетакрор маҳорат намуналари ҳисобланган меъморий ёдгорликлардан ҳайратини яширмаган.

Олимлар – Амир Темурнинг замондошлари, масалан, Соҳибқирон билан унинг Сурияга юриши даврида учрашган араб тарихчиси Ибн Халдуунинг фикрича, Темур бекиёс тафаккур соҳиб бўлган, доимо янгиликка интилган, билим ва тажрибасини амалда қўллашга ҳаракат қилган. Забт этилган барча давлатларда маданият, санъат ва фан ривожига катта эътибор қаратган¹.

Профессор Л. Керен: «Сурия кутубхоналарида ишлаётганимда китоблардан бирида Темур Исонинг минораси ва Хумаинлар масжидини буздириб ташлаган эмиш, деган гапларни ўқиб қолдим. Аммо бу ишшоотлар ҳозиргача бус-бутун турибди. Душманлар атайлаб бундай ёлгонларни тарқатиб, Темур ҳақида салбий фикр туғдиришга ҳаракат қилган», – деб ёзган таассуф билан.

«Самарқандга, Темур даврига саёҳат» китоби мутахассислар ва танқидчилар томонидан юқори баҳоланган ва Темурийлар даврига бағишланган Европа нашрлари орасида энг яхшиси деб тан олинган. Мутахассисларнинг фикрича, маъзур китобнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, де Клавихоннинг кундалигини испан тилидан французчага таржима қилиш жараёнида ҳамда қўллаб архив материалларидан фойдаланган ҳолда Л. Керен ишончли манбалар асосида Амир Темур билан боғлиқ тарихий ҳақиқатни курсатиб бера олган.

2006 йилда чоп этилган «Самарқандга, Темур даврига саёҳат» китобининг учинчи нашри унинг китобхоналар орасида кенг оммалашганини

¹ Учинчи: Lucien Kahren. La rencontre de Tamertan et d'Ibn Khaldoun // La Timouride, - Paris: 1996, No 36, - P. 9-14; Л. Керен. Амир Темур ва Ибн Халдуун учрашуви. Француз тилидан А. Саидов таржимаси // «Соҳибқирон юдузи», 2013, No 10, - 4-7-бетлар.

дан далолат беради ва у Европа китобхонларида улуғ бобокалонимиз буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темуր шахсига катта қизиқиш уйлотгани шубҳасиз. Бу китоб япон тилига ҳам таржима қилингани ва Японияда нашр этилгани бу фикрнинг яна бир тасдиғидир¹.

Бундан ташқари, Керен билан ҳаммуаллифликда 1996 йилда «Амир Темуր ва Франция» номли рисолини тайёрладик ва ўзбек тилида Тошкентда чоп эттирдик.

Люсьен Кереннинг Францияда нашр этиладиган «Темурийлар» бюллетенида 1994 йили чоп этилган «Амир Темуր ва Византия» номли мақоласи ҳам эътиборлидир. Мазкур мақола Амир Темуру ва кўҳна Византиянинг янги ҳукмдорлари ўртасидаги муносабатларга бағишланган. XIV асрнинг охирида Амир Темуру Марказий Осиёда ўз салтанатини мустақамлаш ва ривожлантириш билан шуғулланаётган бир пайтда, Ғарбда Усмонли турклар ҳам мамлакат кудратига бор кучини сафарбар этган. Уларнинг султони Боязид Йилдирим Косовода сербларни мағлуп этган отаси Султон Мураддан қолган ишларни давом эттириб, насонийларга қарши уруш олиб борган. Ҳақиқатан ҳам, ушанда Султон Боязид армияси бутун Европага таҳдиқ солган. Жуғландан, бу таҳдиқ Руминия ва Грециянинг босиб олинмишидан, Венгрияга ҳам хавф катта эканидан дарак берган. Европаликлар анча ожиз бўлиб қолгани боис, ушбу муаммонинг ягона ечими Амир Темуру деб хисоблашган.

1391 йили отаси вафотидан сўнг тахтга чиққан ва Шарқий Европа империяси ҳукмдорига айланган Кирил Мануил Султон Боязиднинг қаҳрига дучор бўлган. Натижада Султон Боязид сузда ҳам, куруқликда ҳам Константинополь атрофини қуршаб олган. Амир Темуру XIV асрнинг охирида Марказий Осиёдан жанубга, Кавказ, Қора денгиз, Олтин Ўрда хонлиги ҳудудларига юриш қилган даврда Мануил II Палеолог Европа қироллари билан бирлашиш мақсадида дипломатик алоқаларни мустақамлаш учун Париж ва Лондонга сафарга чиққан. У 1400 йилнинг 3 июнида Парижга кириб борган ва французларда яхши таассурот қолдирган. Кирил Шарль VI томонидан Лувр саройида меҳмон қилиниб, декабрь ойида Парижни тарк этган ва Лондонга келган. Бу ерда янги қирол Генри IV Ланкастр билан учрашган. Бироқ сафар давомида Константинополни кутқариш учун фақат қуруқ ваъдаларни тинглашига тўғри келган, ҳолос Ғарбий Европадан дардига даво топмаган Мануилнинг муаммосига Амир Темуру ечим топган. Қисқа муддатда, яъни 1402 йилнинг 28 июнида Амир Темуру Анкара жангида усмонли турклар қўшинини тор-аор этиб, Султон Боязидни асир олган, унинг қул остидаги насоний ва туркман асирларини эса зудлик билан озод этган. Шу тариқа, Амир Темуру Европага хавф солиб турган улкан ва хатарли таҳдидни бартараф қилган.


Люсьен Кереннинг «Бир европалик Амир Темуру армиясида» номли мақоласида эса Анкара жангидан сўнг Амир Темуру ҳарбийларни сафига қўшилган бавариялик Иоханн Шильбергер номли аскарнинг саргузашти ҳақида маълумотлар келтирилган².

¹ Tamerlan au Japon // La Timuride, 21e numero, Paris, 1990 - P. 3.

² Л. Керен, А. Саидов. Амир Темуру ва Франция - Т.: Асарлар, 1996 - 88 бет.

³ Lucien Kehren, Tamerlan et Byzance // La Timuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Turandes et les échanges culturels franco-ouzbeks, 11e numero, Paris, 1984 - P. 3-5.

⁴ Lucien Kehren, Un Européen dans l'armée de Tamerlan // La Timuride, bulletin d'information de l'Association pour l'Art et l'Histoire Turandes et les échanges culturels franco-ouzbeks, 12e numero, Paris, 1993 - P. 15.



Невман Йоханснинг таъкидлашича, Шильбергер Мюнхенда туғилган бавариялик харбий булган. У 1396 йилда Никололаги муҳрабада турклар томонидан асирга олинган. Анкара жангида турклар томонида туриб Амир Темурга қарши урушган, бироқ мағлуб булган ва яна асирга тушган. Ушбу тарихий воқеаларнинг гувоҳи ва иштирокичисига айланган Шильбергер узининг ушбу ғайритабиий саргузашти ҳақида фақатгина икки оғиз гап айтган: «Шу тариха мен Амир Темур асирга айландим ва унинг мамлакатида бўлдим. Сунг у билан ота миндим».

Амир Темур улимидан сунг Шильбергер Сохибқироннинг уели ва набирасига 1427 йилга қадар хизмат қилган. Шильбергер Амир Темур ва Боязид ўртасидаги тўқнашув тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтирган:

Амир Темур Боязиддан Сивас шахрини бушатиб беришни суранди. Бироқ Боязид рад этади. Амир Темур бир миллион лашкар илғиб Сивасни босиб олади. Босиб олишдан олдин яхшилик билан шахарни тарх этишни сураган Амир Темур Боязидга гарнизондаги одамлар қонини тўкмасликка ваъда беради. Уз ваъдасида туриш учун Амир Темур қон тўқтирмайди. Амир Темур уз юртига қайтгач, кетидан Боязид яна уч юз минг қушин тўплаб Амир Темурга тегишли булган Кичик Арманистон ва Эрзинжон шахрига юриш қилади. Амир Темур Анкара жангида мағлуб булган Боязиднинг олтин захирасини мингта туяга юклаб олиб кетади. Асирга тушган Боязид сафарда олиб кетилаётганда, яъни 1403 йил 8 мартда вафот этади².

Люсьен Кереннинг фикрига кўра, Шильбергер тарихий далилларни келтиришига қарамасдан, айрим жойларда адашган булиши ҳам мумкин. Хусусан, Амир Темур бир пайтнинг ўзида икки йўналишда юриш олиб борганлигидан беҳабар Шильбергер кўп воқеаларни аралаштириб юборган булиши табиий. Масалан, Сурия ва Сивасдаги жанглар турли юришлардир.

Шильбергер Амир Темурнинг Дамашкни босиб олиши ҳақида ҳам гувоҳлик берган. Бироқ, у келтирган фактлар бурттириб ёзилганлиги ва ҳақиқатта тўғри келмаслиги аниқ. Люсьен Кереннинг ёзишича, ўшанда шахар қисман бузилган, холос. Шу боис, Шильбергернинг ёномалари тарихий ҳужжат сифатида ишонарли кучга эга эмас.

Л. Керен 1996 йилда ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш доирасида ташкил этилган турли мамлакатлар темуршунослари иштирокидаги халқаро конференция ҳамда «Темурийлар даврида или-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталигини тайёрлаш ва утказишда фаол иштирок этган таникли жамоат арбобидир. Ушш йили Л. Керен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг фармони билан «Шухрат» медали билан тақдирланган.

Л. Кереннинг Амир Темур ҳақидаги китоблари уни донгиз кетган темуршунос олимлар қаторига қўшгани бежиз эмас. Аинқиса, уни Сохибқироннинг Европадаги ўрни ва хизматиға оид фикрлари диққатни жалб этади. Л. Керен Амир Темур Европа андозасидаги буюк давлат бошлиғи ва музаффар саркарда, мохир дипломат ва илим-фан хомийси эканлигини алоҳида эътироф этади.

«... Ислам Каримов мени «Шухрат» медалини таширди ва бу мен учун яна бир купул маған воқеа булди. Бундай юксак эътибордан бошим осмонга етди. Ўзбекистон Президентининг мени мукофотлаш ҳақидаги Фармони француз тилида ёзиб келингани эса мени янада хайратга солди ва беҳад қувонтирди».

Люсьен Керен

¹ Путешествия Иоганна Шильбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.) // Перевел с нем. и примеч. Ф. Браун / под ред. В. Афанасов. - Т.: «Шарк», 1997. - 240 с.

² Путешествия Иоганна Шильбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.) // Перевел с нем. и примеч. Ф. Браун / под ред. В. Афанасов. - Т.: «Шарк», 1997. - 240 с.

Л. Керен «Амир Темур» номли икки қисмдан иборат, олти парча-ли пьеса ҳам яратган. Л. Кереннинг Амир Темур тўғрисидаги Европа манбаларига доир бир қатор мақолалари ҳам диққатга сазовордир.

Ўзбек китобхони Л. Кереннинг «Амир Темур салтанати» китобидан айрим боблар¹ билан ҳамда «Элчининг гувоҳликлари» мақоласи² билан танишишга муваффақ бўлганлар. Улар нафақат олимлар ва мутахассисларда, шу билан бирга, кўп сонли ўзбек муштарийларида катта қизиқиш уйғотди. Шундан сўнг Л. Кереннинг китоби тўла ҳолда ўзбек тилига таржима қилинди.

Профессор Л. Керен Амир Темур тўғрисида олиб борган тадқиқотларининг хулосаси сифатида шундай деб ёзади: «Бир томонда қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм ахлини қутлаб, ҳимоясига оладиган Темур туради; бир томонда бутун-бутун шаҳарларни забт қилувчи Темур бўлса, иккинчи томонда обидалар, мадрасалар, анхорлар қурдирувчи ва боғлар бардо эттирувчи Темур туради. Бу мураккаб шахс муаррихлар учун ҳам жумбок бўлиб қолмокда»³.

Кези келганда, Амир Темурнинг 670 йиллиги кенг нишонланган йилда маълакатимизда Л. Керен илмий фаолиятига бағишланган «Қалб амри билан» номли ҳужжатли фильм яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда Амир Темур шахси ва теуурийлар даврини урганишга ўз умрининг катта қисмини бағишлаган ўшбу француз олимининг фидойи изланишлари атрофлича таҳлил ва талқин этилган.

Фильмда Л. Керен ўз хотира ва тасууротларини сўзлаб, ҳозирги кунда Амир Темур ҳаёти ҳақида ҳақиқатни ёшиш ва мумтазам изланишлар олиб бориш зарурлигини таъкидлаган⁴.

Люсьен Кереннинг «Амир Темур салтанати» китобига Луи Базен ёзган сўз боши

Амир Темур ёхуд «Темур Ҳукмдор» каби тарих фиддирагини ўзгартирган имконлар жуда кам: у 1402 йили Анкара жангтоҳида Боязид Йилдирим устидан қозongan йирик ғалаба Константинополь умрини ярим асрга узайтирди ва бу билан Европани турк истилосидан сақлаб қолди; у Тўхтамышхон ва Олтин Ўрдага берган қудратли зарбалар русларни муғул мустамлақасидан халос қилиди ва Москвитяга ислохотларни амалга ошириш имкониятини яратди; унинг Яқин Шарқ, Эрон ва Шимоли-ғарбий Хиндистонга қилган юришлари ўшбу минтақаларнинг сиёсий мувозанатини тубдан ўзгартириб юборди.

Шунга қарамай, Амир Темурни Ғарбда яхши билишмайди. Бу айниқса, Пети де ла Круа француз тилига таржима қилган «Зафарнома» туфайли уни зиёлилар орасида кенг танитган XVIII асрда эмас, балки бизнинг давримизда яққол кўзга ташланади.



Луи Базен
Louis Bazin

¹ Л. Керен. Амир Темур салтанати // «Ўзбекистон алобиёти ва салмати» ҳафталикнинг 1994 йил апрель сонлари.

² Л. Керен. Элчининг гувоҳликлари // «Анхисловнома» газетаси. 1995. 17 ноябр.

³ «Ўзбекистон алобиёти ва салмати» газетаси. 1994. 15 апрель.

⁴ «Ўзбекистон алобиёти ва салмати», 1994 йил апрель сонлари; «Анхисловнома», 1995. 17 ноябр; «Ўзбекистон алобиёти ва салмати», 1994 йил 15 апрель сонлари.

«Ушбу Соҳибқироннинг тарихда қолдирган изи ҳали кўп асрлар давомида урганилиб, келажак авлодлар учун намуна бўлиб хизмати қилади».

Люсьен Керен

У Шарқ мамлакатлари ҳаётида катта из қолдирган, бу ўлкаларда унинг номи яхши маълум, бироқ шахси ва тарихий роли тўғрисидаги фикрлар бир-бирига қарама қаршидир; рўй берган воқеалардан сўнг олти юз йилдан зиёд вақт ўтган бўлса ҳам Амир Темур мавзуси бетўхтов бахсларга сабаб бўлмоқда, у ҳақида турли ривоятлар тўкилмоқда.

Мажру китобда жаноб Люсьен Керен бу ғаройиб сиймо тўғрисидаги замонавий, баъзан бир-бирига зид тарихий билимларни ойдинлаштиришга, тор мутахассислар гуруҳигагина маълум бўлган айрим маълумотларни кенг китобхонлар ўртасида оммалаштиришга ҳаракат қилади.


Жаноб Керен Амир Темурнинг уч авлоди вакиллари: Шохрух Мирзо, Улуғбек ва Бобурга бўлган чуқур ҳурмати биз билан ўртоқлашади.

Амир Темурнинг ўғли ва меросхури бўлмиш Шохрух Мирзо қирқ йил мобайнида отаси бунёд этган салтанатнинг катта бир қисмига ҳукмдорлик қилди ва унинг парчаланиб кетипининг олдини олди. Адабиёт ва санъатнинг ҳомийси ҳисобланмиш бу подшоҳ Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун катта хизмат қўрсатди, мард ва одил ҳукмдор сифатида танилди.

Унинг ўғли Улуғбек шох эмас, балки олим сифатида донг таради: дунёдаги тенги йўқ расадхона яратган бу аллома ўз даврининг энг буюк фалакийтчиси эди, ўзи олиб борган тадқиқотлар ҳамда араб ва хитой олимларининг асарларини ўрганиш натижасида у само жисмларининг энг биринчи ва энг мукаммал жадвалини яратди.

Амир Темурнинг авлодларидан бири бўлмиш Бобур эса Ҳиндистонда инглиз мустамлакачилари келгунича ҳукмронлик қилган Буюк Муғул империясига асос солган.

Қуриниб турганидек, Люсьен Кереннинг ушбу китоби буюк бир оилга бағишланган бўлиб, унда аниқ тарихий фактлар ёрдамида қудратли фотиҳ бўлган Амир Темурнинг ёрқин характери ёритилди.



A decorative border at the top of the page, featuring intricate Islamic geometric patterns. The pattern consists of interlocking lines forming stars and polygons, with smaller geometric shapes nested within. The border is symmetrical and arches over the central text area.

CONVERSATIONS ТЕМУРХОНЛИК
AUTOUR DE TEMUR МУЛОҚОТЛАРИ

Қуйида ҳавола этилаётган суҳбат 1996 йили «Темурхонлик мулоқотлари: Амир Темур француз олими наздида» сарлавҳаси остида ушбу китобнинг биринчи натижа, шунингдек, «Халқ сузи» газетасида эълон қилинган¹.

Амир Темур — ўзбек ва француз олимлари нигоҳида

Бу ҳақда гап борганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавкулдада ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган давримда мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида, шунингдек, юртимизда ўтказилган бир қатор илмий-академик анжуманларда, турли мулоқот ва учрашувларда Л. Кереннинг фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу фикримнинг тасдиғи сифатида биттагина мисол келтириш билан kifояланаман.

Гап шундаки, 1995 йили 30 июлда Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасида профессор Р. Шамсутдинов билан профессор Л. Керен илмий-ижодий учрашувини уюштиргандик. Орадан кўп ўтмай, яъни 1995 йил 9 декабрда «Андижонда Сохибқиронни хотирлаб» мавзусида ўтказилган илмий-назарий анжуманга Л. Керен ҳам «Темурийлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори Темурбек элчи Клавихо нигоҳида» мавзусида маъруза қилиб бериш учун таклиф этилди.

Ушанда Л. Керен бу тadbирда қатнашишни жуда хоҳлаган. Аммо оилавий шароити боис боролмагандан афсусланиб, анжуман қатнашчиларига хат йўллаган. Иккимизнинг ҳам маъруза матнларимизни Андижонга юборишимизга тўғри келган эди. Орадан сал фурсат ўтиб, Л. Кереннинг ушбу хати ва маърузаси Амир Темур ҳаётига бағишланган уша анжуманда ўқиб эшиттирилгани ва анжуман материаллари тупламида эълон қилингани ҳақидаги хабарни айтганимда, у ниҳоятда мамнун бўлган².

«Амир Темурнинг баёғидла юриши»,
Шарафиддин Али Яздийнинг
«Зафарнома» китобидан.
Metropolitan музейи, АҚШ.

«Catalogue d'Amir Temur à Bogdod»,
titul de «Zafar-nâme»
de Cheref-ed-Din Ali Yezdi.
Metropolitan Museum of Art, États-Unis.

¹ Коранг: Халқ сузи, 1996, 13, 35 ва 26 март; Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция - Т.: «Адолат», 1996; Қурбанов К., Холмировлов Э. Тарих ёдратилган келажак умидагана. / Р. Шамсутдинов. - Т.: «Шарқ», 2014. - 135-137-бетлар.

² Андижонда Сохибқиронни хотирлаб: илмий-назарий анжуман материаллари - Андижон, 1996. - 21-бет.



Lucien Kehuen va Akmal Saidov.
Paris, 1996 йил.


Lucien Kehuen et Akmal Saidov.
Paris, 1996.

Шунга ҳам йигирма йилдан зиёд вақт бўлибди. Л. Керен 2013 йил июнь ойида, 92 ёшида оламдан ўтди, лекин унинг Амир Темурга оид тадқиқотлари Ўзбекистонда ва дунё миқёсида қизқиб ўрганилмоқда.

Оралан йигирма йил ўтганига карамай, ўша мулоқотда муҳокама этилган масалаларнинг бугунги кунда ҳам долзарб ва аҳамиятли эканлигини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистонга ва Амир Темур шахсига ўз умрининг катта қисmini бағишлаган фидойи темиршунос, салоҳиятли ҳаммуаллим, кадрдон дуст Л. Кереннинг порлоқ хотираси олдида ҳурмат бажо этган ҳолда, суҳбат матни ўзгартиш ва қисқартришларсиз тақдим этилмоқда.

А. САИДОВ: Тарихий воқеалар ва тарихий шахслар ҳақида ёзиш, ҳоҳ улар узоқ ўтмишга, ҳоҳ яқин даврга тааллуқли бўлсинлар, ниҳоятда мураккабдир. Жаҳон тарихидати буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, снэсий ва маънавий тараққиётига ушкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва музаффар саркарда, Шарқ меъморчилиги, илм-фан ва маданият ҳомийси бўлган ҳазрати Амир Темур тўғрисида ҳолисона ёзиш эса минг чандон оғирроқдир. Лекин шунга қарамасдан, Сиз ҳурматли профессор, темиршунослик мавзусига қўл ургансиз. Бунинг сабаби нимада ва Сизни бобоқалонимиз ҳақида кўп йиллар мобайнида тадқиқотлар олиб боришга нималар ундади?

Л. КЕРЕН: Жула тўғри. Ўғлишда яшаб ўтган тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини асосли талқин қилиш ниҳоятда қийин. Зеро, бу ишни ўша замон руҳида, улар яшаган давр шрф-одатлари, этикодиди ва ҳис-туйғуларини эътиборга олиб адо этишга ҳаракат қилиш дар-



«Темурийлар ренессанси»
- Париж: ЮНЕСКО, 1996 йил.
La Renaissance Témouride.
- Paris: UNESCO, 1996.

кор. Яна бир томони, очиғи, Темурбекка келганда, фақатгина хали юк бўлиб кетмаган, дўстлари ёки мухолифлари томонидан ёзилган, қарама-қарши далилларга асосланган ҳужжатларгина мавжуд қолос.

Амир Темур ва темурийлар сулоласи ҳаётини урганишга киришишдан аввал мен шахсларнинг мозий йуриғини узгартиришга қодир эканини исботлаган буюк музаффарларнинг таржимаи ҳолларини ўқишни ёқтирам эдим. Бу борада, айниқса, буюк Искандар, Ганиибал, Цезарь, Аттила, Чингизхон, Наполеон ҳаёти ҳақидаги китобларни ўқиб чиққан эдим.

Амир Темур туғрисидаги онда-сонда учраган маълумотлар менга камсонли ва қўлами тор қўринар эди. Ниҳоят, мен аслида камтарин, қариб бутун Осиёни эгаллаган, ҳеч қачон мағлубиятга учрамаган, ажойиб ыёморий ёдгорликлар қурдирган ва Европани босиб олиш хавфини солиб турган Боязидни мағлуб этган инсонни яхшироқ аглаш истагида ёзилган барча манбаларни қидириб топишга жазм этдим.

Мен Темурбек авлодидан бўлимиш Парижда яшаётган Исломбек Худоёрхон ўғли билан танишиб қолдим. Бу ажойиб зиёли билан дўстлашиб кетдим. У менга темурийлар маданиятининг инкирозига гувоҳ даврлар ҳақида сўзлаб берди ва тадқиқотларимни давом эттиришга ундади.

Лекин, мени Темурбек таржимаи ҳолини ёзишга даъват этган яна бир нарса - 1961 йилда Самарқандга сафар қилиб, темурийлар ёдгорликларига махлиб бўлиб боққан онларим бўлди. Менга, айниқса, ёққани ва хануз калбимни ром этиб тургани Амир Темур макбарасидир. Самарқандда ўтган бир ой ичида тез-тез уни томоша қилишга бориб турдим. Менга шу нарса аён бўлдики, санъатнинг шундай шоҳ асарини қурдирган инсон, баъзи таржимаи ҳолларда тасвирланганидек, «ёвойил ва вайронкор истилочи» бўлиши мумкин эмас эди.

Мен ўз олдимга Темурбекнинг ҳаққоний таржимаи холи ҳақида асар ёзиш ва чоп эттириш вазифасини қўйдим. Бу режам Амир Темур макбарасини диққат билан томоша қилиб, урганиб чиққанидан кейин туғилди. Европага қайтгач, ишга киришдим ва кейинги йиллар ичида бу мавзу бўйича ўқиганларим менга режамни амалга оширишга имкон берди.

Темур маҳобатли саркарда, шу билан бирга буюк ташкилотчи, санъаткор ва олимлар раҳнамоси, мозий йуриғини узгартира олган шахсларга йулдош сўзга эга бўлган эрдир.

Мен бир неча ўн йил давомида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўргандим ва 1978 йилда унинг таржимаи ҳолини, сўнгра 1990 йилда Руи Гонсалес де Клавихонинг Амир Темур саройига таширифи ҳақидаги изоҳли асарини, Темурийлар мавзусига бағишланган бир неча мақолаларимни чоп эттирдим ва ҳозир ҳам Амир Темур туғрисидаги тадқиқотларимни давом эттирмоқдаман. Темурийлар даври тарихчилар, файласуфлар, иқтисодчилар, илоҳиётчилар ва харбийлар учун хали-бери туганмас ва серзавк бир мавзудир, зеро Темурбек фаолияти мазкур соҳаларнинг барчасини кенг қамраб олган.

А. САИДОВ: Чимдан ҳам Сохибқирон бутун бир янги тарихий даври, яъни Шарқ Уйғонишининг иккинчи босқичини яратган оламшумул шахс (Шарқ Ренессансининг биринчи босқичи IX асрнинг иккинчи ярмидан то XIII аср муғуллар истилосигача бўлган даври ўз ичига олади).

Шунинг учун «Темурийлар Ренессанси», яъни Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида Марказий Осиё, умуман, жаҳон цивилиза-



«Темурийлик ашуқотлари»,
«Халқ сузи», 1996 йил 13, 15 ва
26 март санлари.

«Conversations autour de Temur»,
Journal «Kalq so'z»,
ies 13, 15 et 26 mars 1996.

циясига қўшилган улкан ҳисса ҳақида бемалол гапириши мумкин.

Л. КЕРЕН: Темурийлар ёдгорликлари Шарқда меъморчилик ва наққошлик санъатининг юксак чўққисидир. Темурубек бутун Осиёнинг энг яхши наққошларини Самарқандга йиғиб, уларни ўз салтанатидаги уста ва наққошлар билан биргаликда ишлашиб, шу ёдгорликларни яратган. Амир Темур даврининг санъат намуналарини унинг ворислари, айниқса Мирзо Улугбек, хелинчалик эса, бошқа авлодлари давом эттирганлар.

А. САИДОВ: Амир Темур тарих бунёдкори бўлган. У буюк меъморчилик ёдгорликларини барпо этган, улкан боғу роғлар яратган, сув иншоотлари курдирган, шаҳар ва қишлоқларни тиклаган. Соҳибқирон ўз она юрти Шаҳрисабзга машҳур Оқсаройнинг қошимкор ва ганчкор юксак пештоқининг гулдор нақшлари орасига «Бизнинг куч-қудратимизга ва қароматимизга шубҳаланганлар иморатларимизга назар этсинлар», деб ёздирган экан.

Таниқли академик В. Бартольд таъкидлаганидек, «мусулмон меъморчилигидаги энг яхши давр Темур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ». Руи Гонсалес де Клавихо Оқсаройнинг гўзаллигидан ҳайратланиб, «хатто моҳир усталари билан жаҳонга машҳур Парижда ҳам бу иш жуда гўзал ҳисобланган бўлур эди», - деб ёзган.

Л. КЕРЕН: Темурийлар санъати бошқа санъат шакллари билан уйғунлашиб кетган. Чунки, Амир Темур Самарқандга Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мусулмон юрларининг рассом, ёзувчи ва кулолларини ўз салоҳиятларини ишга солишга ва шогирдлар етиштиришга қорлаган.

Уларнинг асарларидан кўплари йўқолган, лекин бизгача етиб келганлари (ва бахтга қарши, жаҳон буйлаб тарқаб кетганлари) жуда юксак даражадаги асарлар сифатида тан олинган.

А. САИДОВ: Гапнингизнинг яққол тасдиғи сифатида таниқли ёзувчи, Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича мутахассис М. Беррининг суратқашлар Р. Мишо ва С. Мишо билан ҳамкорликда Франциянинг энг йирик ва машҳур Миллий нашриётда чикарган «Мовий нақшлар» номи китобини курсатиш мумкин.

Бу китобни ота-боболаримиз кўп асрлар давомида ривожлантириб келган ганчкорлик санъатининг қомуси деса бўлади. Бу санъат XV асрда Амир Темур ва темурийлар даврида ўзининг юксак чўққисига кўтарилган.

Сизга маълумки, бу китобда мусулмон меъморчилигининг Самарқанд, Шаҳрисабз, Хирот, Шероз, Табриз ва Исфаҳондаги беаҳо ёдгорликлари ва «Шарқ Рафазли» номи билан жаҳонга машҳур рассом – ватандошимиз Камолитдин Бехзод асарлари аниқ рағдаларда тасвирланган¹.

Амир Темур даврида Шарқда азалдан кенг тарқалган қандкорлик, ганчкорлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, металлга ишлов бе-

¹ Frances d'azur - Paris, 1995 - P. 315.

риш, кулолчилик, хаттотлик, монументал рангтаъбир ва халқ амалли санъатининг бошқа турлари кенг ривожланган.

Умуман, Темурийлар Уйғониш даври бутун инсониятта Мирзо Улуғбек, Мир Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Камолитдин Беход, Хондамир, Абдураъзоқ Самарқандий, Ғиёсиддин Жамшид Қашғарий, Қозизода Руийй, Али Қушчи, Мирхонд, Атойи, Саккокий, Лутғиё каби номдор алломаларни берган. Улар ўз фаолияти, ёзган асарлари билан башарият маънавияти хазинасига салмоқли ва муносиб ҳисса қўшганлар. Уларнинг нафис ва нозик санъати инсонлар қалбини ҳамон тулқинлантириб келмоқда.

Л. КЕРЕН: Ҳа, Амир Темур авлодларининг деярли барчаси энгли ва мусаввир кишилар бўлиб, мавжуд миниатюра санъатини янгилаб ва бойитиб, ўзлари яшаб-хукмронлик қилган даврнинг «Темурийлар Уйғониш даври» деб аталиши ва юксакликка кўтарилишига ўз хиссаларини қўшганлар. Темурийлар жаҳон санъати ривожига салмоқли улуш қўшган сулолалардан ҳисобланади.

Амир Темур авлодларининг деярли барчаси энгли ва мусаввир кишилар бўлиб, мавжуд миниатюра санъатини янгилаб ва бойитиб, ўзлари яшаб-хукмронлик қилган даврнинг «Темурийлар Уйғониш даври» деб аталиши ва юксакликка кўтарилишига ўз хиссаларини қўшганлар. Темурийлар жаҳон санъати ривожига салмоқли улуш қўшган сулолалардан ҳисобланади.

А. САИДОВ: Темуршунослиқдаги энг катта муаммолардан бири - бу манбалар муаммосидир. Сохибқирон тўғрисида ҳам Шарҳда, ҳам Ғарбда жуда кўп асарлар битилган. Бу улуғ зот шахси ҳозирги кунда ҳам тадқиқотчилар диққат-эътиборини торттиб келмоқда. Аммо, бу борада яратилган ҳамма тарихий солномаларни, илмий асарларни, баъдий китобларни бир хилда баҳолаб бўлмайди. Шундай эмасми?

Л. КЕРЕН: Темурбек шахси ва «Тузуқлар»ига келганда энг мушқули (аслида барча тарихий таржимаи ҳолларда ҳам) уларни ўша давр руҳида ўрганишдир. Амир Темур таржимаи ҳоли яна шу билан мураккабки, у ҳарбий, бошқарув, санъат ва сиёсат каби турли жабҳаларда фаолият кўрсатган ноёб, ўта қобилиятли шахс.

Агар унинг наслий қалғанинигиғони ва ўша, Мовароуннаҳрдаги тахт учун шиддатли курашлар даврида хукмдорликни қўлга киритишда қанчалик куч сарфлаганини олиб қарайдиган бўлсак, ўзининг барча режаларини амалга оширишдаги зафарлари нақ муъжизаниннг ўзи бўлиб кўринади. Бунда ўтмишдаги воқеа ва шахслар ҳаётидан намуналар келтириш ва қисқашга асосланувчи тарихчилар эътиборини тортаядиган алоҳида бир ҳолат бор.

А. САИДОВ: Менимча, ҳар бир изланувчи учун энг мушқули - Бу ўша даврнинг ўта зиддиятли булғанидир. Темурийлар даври бу кўчманчилик ва ўтроқ ҳаёт, мажусийлик ҳамда ислом дини тўқнаш келган мураккаб даврдир. Замонасининг фарзанди булган Амир Темур мавжуд муаммолар қаршисида довлараб қолмаган. Шундай бир ички ва ташқи қарама-қаршилиқларга тула макон ва замонда Амир Темур беқликдан музаффар жаҳонгир даражасига кўтарилган. Шунинг учун у тартиб-интизомни ҳамда маҳобатни ёқтирадиган диди билан сугорилган феъл-атвори туфайли тарихда чуқур из қолдирган.

Л. КЕРЕН: Темурбек - бекиёс, унинг ухшаши йўқ. Биз Сохибқироннинг тарихига доир ашёвий томонларни турли мамлакат соҳнонамачилари тузган ҳужжатлар туфайли билсак-да, унинг хукмдорлиги, башорат қилиш қобилияти, зукколиги ва кучли иродаси билан дўст ва муқолиф кишиларни ҳамда воқеаларни идора қилиш қобилияти барибир сирлиғича қолди.

Аяни унинг идора қилиш қобилияти XV асрдан бери тарихчиларни қалғитиб, унинг хукмдорлиги ва музаффарлиғидаги

жумбоқларга ечим тополмаган таржимаи ҳақ муаллифларини қийнаб келмоқда. Ҳатто яирик француз тарихчиси Рене Груссеннинг «Сахро Сохибқирони» номли ириқ асариде Амир Темури ҳақида маъниқисэ жумлалар учрайдики, улар Темури шахсини асослашда тарихчилар олдида турган фовларни эслатади.

А. САИДОВ: Тарихийлик тамойили, табиийки, авваламбор, Амир Темури ва теуриийлар даврида ёзилган маибаларга таяниб тадқиқот олиб боришни тақозо этади. Аммо бу борада бир катор қийинчиликлар учраиди. Масалан, тарихий солномаларни излаб топиш ва таржима қилиш, уларни ўша замон руҳида атрофлича таҳлил қилиш, турли муаллифларнинг бир хил тарихий воқеаларга доир далилларини қиёслаш, тил муаммоси ана шундай мушкулотлардандир.

Л. КЕРЕН: Ҳа, ХIV, XV ва XVI асрларга таалуқли маълумот ва ҳикоялар мавжудки, манба сифатида фойдаланишда уларни танқидий қўз билан ўқиш керак бўлади. Ҳақиқатан ҳам, бу матнлар ҳатто ўша давир гувоҳларига тегишли бўлса-да, беҳисоб қарама-қарши фикрларга тўладир.

А. САИДОВ: Булардан асосийлари – «Зафарнома» номи билан машхур тарихий солномалардир.

Л. КЕРЕН: Тўғри. Бу муҳим манбалар ўша даврдаги кишилар, мамлакатлар, воқеалар, жанглар, урф-одатлар ва ҳоказолар ҳақидаги қимматбахо маълумотларга жуда бой. Лекин улар Амир Темури авлодларига ҳушомад маъносидеги қасидалардир. Биринчиси – Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асари Амир Темури замонсиде биттилган, лекин Амир Темурининг ўзи томонидан рад этилган.

Иккинчиси, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си набираси Иброҳим ҳуқиронлиги даврида ёзилган бўлиб, биринчидан муҳамавларок. Лекин, буниси тугалланмаган бўлса-да, XV асрдан кейинги тарихчилар томонидан кенг фойдаланиб келинади. Аслица, шу асар Амир Темурининг барча таржимани холлари учун асосий манба бўлиб хизмат қилган. Бироқ, ундан тарихчиларнинг фойдаланишлари масаласиде давир руҳини ва қаламхашларнинг теуриинларга ҳушомадгўйликларини назарда тутмақ керак.

Масалан, «Зафарнома» Амир Темури наслици батафсил зикр қилиб, уни то Чингизхоннинг ўзига олиб бориб тақайди. Ваҳоланки, Амир Темурининг ўзи ҳеч қачон бунга иштилган эмас. У Чингизхон авлодидан бўлиши бир маликанинг ҳужаси сифатида «Қўрагоний» номи билан қаноатланган.

А. САИДОВ: Қутпина хорижий олимлар Амир Темури мўғул деб атаган бўлса, эндиликда уни «Мовароуннаҳрдаги Кешдан чиққан барлос туркларидан» деб қўрсатмоқда. Сохибқирон амирлар сулоласининг давомчисидир. Шу боисдан ҳам у Мовароуннаҳр тахтига ўтирганда хон унвонини олмасдан, ўз сулолавий «амир» унвонига содиқ қолган. Чингизийларда амирлик мансаби (унвон) буллаган. Уларда давлатни хонлар бошқарган.

Л. КЕРЕН: Бундан ташқари, таассуротни қучайтириш мақсадида «Зафарнома»да жангчилар ва қурбонлар сони бўрттириб қўрсатилган. Мисол тариқасиде Деҳли учун бўлган жанг тафсилотининг келтириш мумкин. Лекин, қизиги шундаки, ўша даврининг бошқа солномачиси – Ибн Арабишох ўз китобида бу ҳақда оғир очмайдди.

«Зафарнома» Темурибек давлатининг қудратни, равнаки ва инқирозга аз тугтидини хотиржазлилик билан бериллиш ҳақда маънаде айланган собиқ раққоса Шадимулқининг ёвуз ниятлари билан болайдди.

Темурибек шахси ва «Тузуқлар»ига келганда энг мушқули (аслида барча тарихий таржимани холларда ҳам) уларни ўша давир руҳида уреанишдир. Амир Темури таржимани ҳолици шу билан мураккабли, у ҳарбий, бошқарув, санъат ва сиест каби турли жабҳаларда фаолият қўрсатган ноиб, ута қобилиятли шахс.

*«Амир Темури ва Боланди.
Рассам: Андреа Челестини. XVII аср.
Потсдам, Германия.
8х1,5 метр қаммадаги сурат.
(360-361-бетлар)*

*«Amir Temur et Bajazet».
Par Andrea Ceselli.
XVIIe siècle. Potsdam, Allemagne.
Toile de 8x1,5 m.
(Pages 360-361)*

Шодимулк эри Халил Султонни Амир Темур Самарқанд саройида туллаган хазинани талон-торож қилишга ундаган. Бу эса, давлатнинг емирилишига олиб келади. Бу жуда содда ва ишончсиз талқин бўлиб, менимча, инквизициянинг куп сабабларидан асосийси – салтанат талқини бўлган Темурбекнинг ўлиmidир.

А. САИДОВ: Француз адабаси Милена Ноковичнинг теуурилизода Халил Султон билан «салтанат шодлиги» сохибжамол Шодимулк мухаббатига бағишланган «Самарқанд узра олтин емгирлар» тарихий романи ЮНЕСКОнинг «Илак йули – мулоқотлар йули» дастури доирасида чоп этилган. Муаллиф Самарқандни «Марказий Осиё Румоси» деб ёзган¹.

Л. КЕРЕН: Мен бу роман муаллифи М. Ноковични яхши таниман. Бу асарни «Ромео ва Жульетта»нинг ўзбекона қиссаси дейиш мумкин.

А. САИДОВ: Сиз эслаган, Сохибқирон даврида ёзилган ва ҳозирги кунга қадар асосий саналиб келаётган тарихий манбалардан яна бири – бу Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») асаридир. Мазкур китоб «Амир Темур тарихи» номи билан 1658 йилдаёқ П. Ватъе томонидан француз тилига таржима қилинган.

Л. КЕРЕН: Тўғри, Ибн Арабшоҳнинг таржимаи ҳол шаклидаги шундай асари мавжуд. Аммо, у Амир Темурга салбий таъсир берувчи, унга қонқур, вайронкор, ҳасадгўй деб қаровчи ва ҳатто масхараомуз иллатларни унга тирковчи асардир. Сурилик ёзувчи Ибн Арабшоҳ Амир Темур вафот этган пайтда эндигина 12 ёшда бўлиб, Самарқандда банди эди.

У эъасарини анча кейин, Усмонлилар шоҳларидан бирининг саройида булган даврида ёзган ва шубҳасиз, ўз ҳужасига ёқиш учун Бокид устидан ғолибнинг хотирасини камситишга мажбур бўлган. Лекин, Арабшоҳ китоб охирига қўшимча қилинган бир бобда Амир Темур шахсини таъсирлаб, унга давлат ташкилотчиси, олими ва рассомлар раҳнамоси сифатида тўғри баҳо берган.

Темурбекнинг яна бир замондоши, иқтидорли солномачи, адиб Ҳофиз Абру асарининг асосий матни – Темурийлар ҳақидаги асарлар рўйхатида йуқ.

А. САИДОВ: Кастилия Кирулининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга – Темур саройига саёҳат кундалиги» Фарбад энг машҳур тарихий манба ҳисобланади.

Л. КЕРЕН: Ҳақиқатан ҳам, элчи Клавихонинг асари ҳаёт қимматбаҳо манба, зеро у – Амир Темур замонасининг бевосита европалик ғувохи. У жуда аниқлик билан ёзган, лекин Амир Темур ҳаётининг фақат сўнгги давларинигина қамраб олган.

А. САИДОВ: «Темур тузуқлари»ни манба сифатида баҳолашда турли фикрлар бор. Ж.П. Ру «Амир Темурнинг ўзи икки асар яратган: хотиралари – «Малфузот» ва қонунлар мажмуаси – «Тузуқлар». Аммо бу матнлар қадимги ҳеч қайси муаллиф томонидан тилга олинмаган ва туқима бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас», деб ёзган².

Рус олими Д. Логофет эса қуйидагича фикр билдиради: «Европада конституция ҳақида тушунчага ҳам эга бўлишмаган бир даврда ана

*Темурбек – беқибс,
унинг ухшаниш йуқ.
Биз Сохибқироннинг
тарихига доир ашёвий
томонларни турли
мамлакат солномачилари
тузган ҳужжатлар
туғрайли билсак-да,
унинг ҳукмдорлиги,
башорат қилиш қобилияти,
зуққолиги ва қучли иродаси
билан дуст ва муқолиф
кишиларни ҳамда
вақеаларни идора қилиш
қобилияти барибир
сирлигича қолади.*

¹ Nikovitch M. Pleur d'or our Samarkand. – Roman, Paris, 1993. – 352 p.
² J.P. Roux. Tamerlan. – Paris, 1994. – P. 344.

шу «ваҳший»нинг давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси - «Тузуқлар» мавжуд ва амалда бўлган»¹.

Л. КЕРЕН: «Темур тузуқлари»га келсак, гуё олдимида узлар қули билан ёзилган ҳужжат тургандек туюлади.

Умуман, Темурбек ва унинг салтанати ҳақидаги манбалардан танқидий руҳда, қиссий фойдаланиш даркор. Шунинг унутмаслик керакки, Амир Темур давридаёқ бу манбалар бир-бирига зид бўлган. Амир Темур ва унинг салтанати ҳақидаги турли босма манбаларда сочилиб ётган маълумотлар нисбатан қисқа ва алоҳида воқеаларга бағишланган. Улардан баъзиларининг руҳати менинг икки китобимда ва Жан Обеннинг 1963 йили «Студия Исламика» журналида эълон қилинган «Амир Темур шаҳарларни қандай опарди?» номли аjoyиб мақоласида берилган.

А. САИДОВ: Тугри, Йирик шарқшунос олим Ж. Обен ўз мақоласини Шарафиддин Али Ядид, Низомиддин Шомий, Хофиз Абуру асарлари ва бошқа қўлёзма манбаларни чуқур ўрганиш асосида ёзган. Амио, шунинг таъкидлаш лозимки, мақола сарлавҳаси унинг асл моҳиятини тўлалигича акс эттирмайди.

Зеро, муаллиф унда Амир Темурнинг саркардалиқ санъати билан чекланмасдан, Соҳибкироннинг динга ҳамда дин пешволарига бўлган муносабатига, савдо-сотик ва тижорат ишларини ривожлантириш ҳамда салтанатнинг тинчлиги, ободончилиги ва давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш йўлидаги фаолиятига ҳам қатъа эътибор берган.

Л. КЕРЕН: Қуриниб турибдики, хали бу соҳада анча иш қилиш мумкин. Айниқса, тадқиқот олиб бориш ҳамда Темурбекка бағишланган, хали йўқ бўлиб кетмаган Шарқ қўлёзма матнарининг нусхаларини ўрганиб чиқиш керак.

А. САИДОВ: Соҳибкирон Амир Темур инсоният тарихидаги энг буюк ҳарбий саркардалардан биридир. У улус эгити ҳам очик жангларда, ҳам тинчона йўллар билан енгмоқчи бўлганлар. Аммо Амир Темур ушлаб жангларда ғолиб бўлиб, бирор марта мағлубиятга учрамаган. Соҳибкирон музаффар саркарда бўлганлигининг сирлари нимада деб ўйлайсиз?

Л. КЕРЕН: Мен Амир Темур енгилмас бўлганининг асосий сабаби унинг ўз навқарлари содиқлигига эришганида деб ўйлайман. Унинг навқарлари асли Марказий Осиё халқлари орасида қўлчиликни ташкил қилган кишилар каби Амир Темурга қўшилгунга қадар рушнолик кўрмаган қўшманчи, чўпон, овчи, дехқон, баҳқол, қосиб, сарбон, аскар, адиб ва ҳоказо кишилар бўлиб, сунг баҳодир, пахлавон ва ўз амиррига содиқ жангчига айланган. Улар туфайли Амир Темур эзланиб барча режаларини ва ҳарбий юришларини амалга оширишга муваффақ бўлган.

Навқарлар Амир Темурни узларининг доимий музаффар ҳақрамони ва энг доно давлат раҳбари деб билганлар. Уларнинг амиррига ишончи шунчалик қўчли бўлганки, ҳатто унинг ногирон эканлиги, қўлтигига кириб, суяб юраётганликларини ва отиғача қўлларидан кўтариб олиб бориб миңдириб қўяётганликларини ҳаёлларига ҳам келтиришмаган.

Темурбек ўз даврининг энг қўлга қўринган омичкор саркардаки бўлган.

«Мен Амир Темур енгилмас бўлганининг асосий сабаби унинг ўз навқарлари содиқлигига эришганида деб ўйлайман. Унинг навқарлари асли Марказий Осиё халқлари орасида қўлчиликни ташкил қилган кишилар каби Амир Темурга қўшилгунга қадар рушнолик кўрмаган қўшманчи, чўпон, овчи, дехқон, баҳқол, қосиб, сарбон, аскар, адиб ва ҳоказо кишилар бўлиб, сунг баҳодир, пахлавон ва ўз амиррига содиқ жангчига айланган. Улар туфайли Амир Темур эзланиб барча режаларини ва ҳарбий юришларини амалга оширишга муваффақ бўлган».

Люсьен Керен

¹ Собор ўқум. Адабий-тарихий маълумот. - Тошкент, 1992. - 72-бет.

У душманлариникига қараганда анча кам сонли қўштини билан ўз юртидан анча узокларда жанг қилганида ҳам донғи чиққан армияларни енган, кучли мудофаага эга бўлган истеҳкомларни забт этган. Ўз одамлари устидан маънавий ҳукмрон Амир Темур бекиёс ҳарбий саркарда бўлганки, у Искандар Зулқарнайн ва Наполеон билан бемалол тенгшлаша олади. У ўз рақибининг нияти ва икжониятларини башорат қила олиш қобилиятига эга бўлган. Яна шуни қўшимча қилиш жоизки, Амир Темур ҳозирги кунда қўлланилаётган руҳий қуролини, яъни рақибига даҳшат сола билишдек ҳарбий омилларни қўллаган.

Амир Темур ўта омиқкор бўлиб, барча ҳарбий усулларни ўз ўрни ва вақтида эпчиллик билан ишга сола билган. У серқирра истеъдод эгаси эди. Ўз аскарлари орасида бўлиб, мушкулларида хабар оларкан, уларга доим далда бериб турган, шахсий намуна курсатиб, лашкарни жангга, ғалабага чорлаган.

Амир Темур ўта омиқкор бўлиб, барча ҳарбий усулларни ўз ўрни ва вақтида эпчиллик билан ишга сола билган. У серқирра истеъдод эгаси эди. Ўз аскарлари орасида бўлиб, мушкулларида хабар оларкан, уларга доим далда бериб турган, шахсий намуна курсатиб, лашкарни жангга, ғалабага чорлаган.

А. САИДОВ: Музаффар саркарда Амир Темур ҳарб санъатининг даҳоси бўлган. Маълумки, у шаҳарларни вайрон қилмасдан, иложи борича кам талафот бериб олишни афзал қўрган. Бу борада, сиз таъкидлаганингиздек, Амир Темур ҳарбий ҳийла турларидан – буюк ваъдадан тортиб, самимий насихатгача бўлган шакллардан мохирона фойдаланган. Бунга бир неча мисол келтирмоқчиман.

1401 йилнинг июнида узок давом этган Бағдод камали палласида Амир Темур қамалдагиларга «агар бейойда қаршилик курсатишни ўжарлик билан давом эттиравсангиз, навкарларим қаҳр-ғазабини жиловлаб тура олишга кафолат бермайман», деб таҳдид солган.

1381 йилнинг апрелида эса, Хиротта хужум қилиш олдида у икки минг бандини озоқ қилган ва шаҳарда кимки уйдан ташқаранга чиқмаса, унинг ўзи ҳам, бола-чақаси ҳам омон қолади, деб овоза қилдирган. Пухта ўйланган бу ҳийла қуттилган натижани берган. Бозор ва маҳаллаларда сафарбарликка қанчалик ундамасинлар, аҳоли қўлига қурол олишдан ва қалъа деворлари устига чиқиб, шаҳарни химоя қилишдан бош тортган.

Сохибқирон шаҳарларни тинч йўл билан олишнинг асосий воситаси сифатида музокаралардан кенг фойдаланган. Қамал қилинган шаҳарлар аҳолиси амалдорлар ва уламоларни Амир Темурнинг қароргоҳига вакил қилиб жўнатганлар. Музокаралар чоғида навлублар томонидан туланадиган «моли омон», яъни товон пулининг миқдори келиштиб олинган. Агар таслим бўлиш шартларини бажармасалар ёки исён кўтарсалар, шаҳарлар аҳолиси қаттиқ жазога тортилган. Шу билан бирга, Ж. Обен тўғри қайд этганидек, Амир Темурнинг «фелъ-атворига хос бўлган вазминлик ҳар қандай шароитда ҳам унинг қаҳр-ғазоби алаңга олиб кетишига йўл қўймаган».

Л. КЕРЕН: Аммо, Темурбек вафотидан кейин давлат тўзилиши ва тузган ажойиб армия ўзга юртлардаги армияларга ухшаб пароканда бир аҳволга тушиб қолди. Меросхўрлар ўз шавкатли Боболари ишларини тиклай олмадилар, унинг ҳарбий зукколиги ва донолиги уларга мерос бўлиб ўтмаган экан-да.

А. САИДОВ: Амир Темур ўз давлатини ҳар қандай қутқилмаган воқеалардан сақлашни, химоя қилишни билган. Давлатини кучли ва мустаҳкам, халқини бахтли ва фаровон қилишни уddалай олган. У ўз олдига қўйган мақсадларига қатъият билан эришган. Шунинг учун ҳам у ўша даврда дунёдаги энг кучли салтанатга эга эди. Табиий бир саноат турилади: Сохибқироннинг давлат фаолиятидаги ютуқларининг сиру моҳияти нимада экан?

Л. КЕРЕН: Энг аввало, Темурбекда инсон омили домго олдинги ўринда булганини назарда тутиш керак. Бу омил унинг ҳарбий ташкилотчилигида ва давлатга бошчилиқ қилишида ҳамisha йўлдош булган. Амир Темур ўз атрофига одам талашда уларнинг қобилиятларини ҳисобга олган, лекин насли, табақаси, ирқи, дини ва мансабига қарамаган. Ҳозирги давр тили билан айтганда, ўз атрофига муносиб кишиларни тўплай олган.

Темурбек ўзи забт этган юртлардаги мансабдорларга тегмаган, одамларнинг ҳаёт тарзига аралашмаган. Жойлардаги амалдорларга ўзининг қатъий фармойишларини берган ва ижро учун боши билан жавоб беришларини уқтирган, на ўзи, на яқинлари уларни бевосита идора қилмаган.

Темурбек бутун умри бўйи одил булган, гуноҳ қилган кишини сарой мулозимларига алоқадорлиги, мансаби ва бойлигига қарамай, қаттиққўлиқ билан жазолаган.

А. САИДОВ: Амир Темур мансабини суиистеъмол қилган, давлат ва халқ ҳақиқага хиёнат қилган вазирларга шафқатсиз булган. 1404 йили Самарқандда булган Руи Гонсалес де Клавихо ўз мансабини суиистеъмол қилган вазир Муҳаммад Довудни Амир Темур халқ кўзи олдида жазолагани ҳақида гувоҳлик беради. Соҳибқирон яхши вазирларни «қилчи ва қалам соҳиб» деб аташни тақдиф этган.

Амир Темур аркони давлатда халол, сиздиқидан хизмат қилганларни тақдирлаб, мартабаларини юксалтирган, иввогар, зулмкорларнинг қаттиқ жазосини берган. Унинг феъл-атворида иккиликни, обғачилик, бутун бир сўзни айтиб, эртаси куни унга қарама-қарши бошқа сўз айтиш бўлмаган. У қатъиятли, бир сўзми, чўртқасар булган.

«Зафарнома»да келтирилишича, Соҳибқирон шундай деган: «Менинг мақсадим давлат ишларида адолат ва тартибни, қонунчилиқни тиклашдир. Фуқаролар тўғ-тоту ядасизлар, дейман. Мен тартиқ ва қонунчилиқни ўрнатай. Эндиликда менинг мақсадим мамлакатларни забт этиш эмас, қўлга киритилган давлатларни идора қилишдан иборатдир».

Л. КЕРЕН: Темурбек ўзининг бепоён салтанатини бошқаришда қаерда нима кечаётганидан хабардор бўлиб турган ва ўз буйруқларини зудлик билан етказа олган. Бунинг учун у жуда самарали алоқа тизимини барпо қилган, йўл ёқаларига масофани билдирувчи белгилар қўйдирган, отлар билан таъминланган дам олиш манзилларини курдирган ва фақат ўзига буйсунадиган назоратчилар тайинлаган.

Амир Темур ички ва ташқи савдо йўлларини ташкил қилган ва уларнинг ҳимюясини таъминлаган. Қароқчи ва талончилардан ҳимюяси қафолатланган савдо қарвонлари тинчлик ва осойишталик ҳуқи сурган салтанатга тинчликсиз келиб турган. Ҳамманинг кўз ўнгига, Самарқанднинг Қўжасаройида сақланадиган қатта ҳазинаси булган. Савдо қарвонлари давлатга маълум бож тўлаб, савдо раванқига ва юрт фаровонлигига улкан хисса қўшган.

А. САИДОВ: Ҳазрати Соҳибқирон «Мен истардимки, бир гўзал париваш бошида тилга солинган патнис билан йўлда кеч қандай зийн-захмат кўрмай Қобулдан Дамашккача етиб келсин», деган. У савдо-сотиқнинг ривож қилинишига фаровонлиги ва мамлакатнинг ободонлигига хизмат қилади, деб таъкидлаган.

Л. КЕРЕН: Темурбек ўз измилагчи янри шакарлардан тушган солиқларнинг бир қисмини қурилишга, ёғорликлар, боғлар, суғориш

Ҳақиқатан ҳам, элчи Клавихонинг асари гоёқ қимматбаҳо манба, зеро у – Амир Темур замонасининг бевосита наслоний европалик гувоҳи. У жуда аниқлик билан ёзган, лекин Амир Темур ҳаётининг фақат сўнгги давларининггина қамраб олган.

иншоотлари барпо этишга, шахар ва қишлоқларни обод қилишга сарфлаган. Бу улкан режалар одамларни иш билан таъминлаш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга олиб келган.

Қисқа қилиб айтганда, Амир Темур ва темурийлар давлатни холисона ва омилкорлик билан бошқаришда тўрт асосий қоидага амал қилганлар:

биринчидан, одил маъмурий ва юридик хизматларни ўрнига қўйиш;

иккинчидан, тезкор алоқа тизимини ўрнатил ва ушлаб туриш; учинчидан, хунармандчилик ва қишлоқ ҳужалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимини барпо қилиш ва ривожлантириш, маҳаллани ва ташқаридан келтирилган қўл кучидан фойдаланиб, улкан қурилишларни давом эттириш;

тўртинчидан, ички ва ташқи савдо (илак ва ноз-неъматлар савдоси) йўлларини кенгайтириш ва қўриқлаш.

А. САИДОВ: Америкалик олим Корнел Х. Флейшар туркий давлатлар бошқарувида учта ўзаро боғлиқ тамойил – шарият, қонун ва амир муҳим бўлиб, улар, ўз навбатида, дин, давлат ҳамда бошқарувнинг туркий йўли билан боғлиқдир, деб ёзган.

Л. КЕРЕН: Темурбек ўз салтанатидаги барча дин пешволари ва олимларнинг хурматини жойига қўйган.

А. САИДОВ: Соҳибқирон ўзини «Аллоҳнинг иродасини бажарувчи» деб билган ва худди шу ишонч ҳамда исломга эътиқод унинг давлат, бунёдкорлик ва саркардалик салоҳияти билан уйғунлашиб, бекиёб кудрат ва шижоаткорликка айланган. Шу омил туфайли бўлса керак, француз шарқшунослари Амир Темур ва темурийларнинг ислом дини ва дин пешволарига муносабати мавзусига алоҳида эътибор берадилар. Бу борада ихтидорли ёш олим Т. Зарконнинг қатор маҳолалари диққатга сазовордир.

Ҳазрати Амир Темур чин такводор мусулмон бўлган, авлиё ва пирларини, шайху уламоларни ниҳоятда хурмат қилган. Шунинг учун Соҳибқирон Амир Кулолнинг башоратларини Аллоҳнинг иродаси деб билган, ҳеч иккиланмай уларни амалга оширишга интилган.

Тасавуф илмининг турли олимлари, айниқса, нақшбандия тарикати шайхлари Темурийлар сулоласи вакилларига, масалан, Шохрух Мирзога ва умуман, XV асрда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ва мафзуравий муҳитга катта таъсир утказганлар.

Минг афсуслар бўлсинки, «қизил империя» даврида Амир Темур туғрисида бирор-бир ижобий сўз айтмоқ жиноят ҳисобланган. Унинг фаолияти ва шахси факат «қора кўзойнак» орқали ўрганилиш, талқин қилинган. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу борада қатор хайрли ишлар бошланди. Бобокалонимиз номлари ҳақли равишда хурмат ва эътиром билан тилга олинмоқда.

Л. КЕРЕН: Совет тузуми даврида Темурбек шахсини ерга уришга, унга факат босқинчи сифатида қарашга уринилиб, бошқа фазилатлари четлаб ўтилган. 1961 йили Ўзбекистонда булганимда менинг Амир Темур ҳақидаги, унинг давлат арбоби булганига ва фазилатларига доир саволларимга жавоб беришдан бош тоританлари хануз эсимда. Аммо, Темурийларнинг ёдгорликларини инкор этиб бўлмаслиги, Улутбекка ва умуман, Темурийлар маданиятига хурмат сезилиб турарди.

Эҳтимол, совет ҳукумати Амир Темурни, тарихда устунлик қилган, жаҳонга машғал булган маданият ва сулолани барпо эта олган инсонни ўзбек халқи танишидан қўрққандир! Аспида, шўролар

Амир Темур ва темурийлар давлатни холисона ва омилкорлик билан бошқаришда тўрт асосий қоидага амал қилганлар: биринчидан, одил маъмурий ва юридик хизматларни ўрнига қўйиш; иккинчидан, тезкор алоқа тизимини ўрнатилиш ва ушлаб туриш; учинчидан, хунармандчилик ва қишлоқ ҳужалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимини барпо қилиш ва ривожлантириш, маҳаллани ва ташқаридан келтирилган қўл кучидан фойдаланиб, улкан қурилишларни давом эттириш; тўртинчидан, ички ва ташқи савдо (илак ва ноз-неъматлар савдоси) йўлларини кенгайтириш ва қўриқлаш.

Ўзбекларнинг бу тарихий эъозли ўтмиши билан гурурланиши совет-часига шахста сиёсийидан устун бўлиб кетишидан чўчигандир.

А. САИДОВ: Аммо, хорижда битилган баъзи асарларда ҳам Амир Темур тарихини ўта бир ёқлама ёритиш холири учрайди.

Л. КЕРЕН: Ҳа, Европадаги баъзи матбуот нашрларида Амир Темурга нисбатан босқинчи, қирғинбаротчи тамгалари босилганидан ташқари, Марказий Осиё тарихини тан олмайдиган сурия, турк ва форс манбалари ҳам Амир Темур ҳақида салбий тасвир, ўзларига ғаним ва босқинчи тасвирини яратган. Яна шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Амир Темурдан ўч олиш маъносиде ёзилган китоблар ҳамда шундай асарларнинг таржималари, Амир Темурни фақатгина йузу ва қонхўр сифатида талқин қилувчи, ота-боболаримизни дахшатга солган европаликлар ва муғуллардан мерос қолган адабиётларгина бизга етиб келган. Ҳаддан ташқари бу маънари хосирга келиб ўзгармоқда.

А. САИДОВ: Жуда тўғри. Шу муносабат билан Ж. Обен «воқеалар содир бўлган жойларни ва саналарни чалқаштириб юборадиган» айрим йилномачиларга, шукиндек, Амир Темурнинг шаънига «яқво қилишни ҳамда бухтон ёдиришни ёқтирадиган битиокларга» танқидий кўз билан ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. У Сохибқиронни билиб-билмай ҳоралайверини, оқибатда мураккаб шахсият соҳибни бўлган ул зот фаолиятининг кўп қирралари ҳамда шахсий фаълиятлари унутулиб кетишига сабаби бўлганини афсус билан қайд этади.

Менинг фикримча, Амир Темур ва теурийдлар даври умумбашарият тарихи нуқтаи назаридан тадқиқ қилинмоғи лозим. Фақат шундагина бу улў зотнинг инсоният тарихида тутган муносиб ўрнини курсатиб бериш мумкин бўлади.

Л. КЕРЕН: Ўзбекистонда Амир Темур ва унинг фаолиятига берилётган эътиборни кутлаш керак. У ҳақда ёзганда, Сиз айтганнгиздек, тарихий усулни тарқ этиб бўлмайд. Собик совет ҳукумати ва Амир Темур ҳақида яқши тасавурига эга бўлган европалик муаллифлар Амир Темурни зўр саркарда этиб тасвирлаган бўлсаларда, кўпрок вайронкор босқинчи сифатида талқин қилган.

Ҳасадгуйлар унинг тинчлик тарафдори, санъат ҳомийси ва энгу ишлар бошчиси бўлганини кўролмайдилар. Унуттиш керак эмаски, Амир Темур шафқатли фотиҳ бўлган, ўз юришларини маънавий кондаларини бузмаган ҳолда амалга оширган.

Амир Темурнинг ўз рақибига дахшат солувчи ва уни енгиш учун барча имкониятлардан фойдаланувчи ижодкор, одил, шафқатсиз, алёр давлат арбоби ва саркарда сифатидаги жиҳатларини билмоқ керак.

Темурбек жаҳон тарихида энг олдинги ўрнлардан бирини эгаллайди. У ўз давридаги жамиятни янгилаган ва унга янги йўналиш бағишлаган. Ўрта асрни яқунлаб, Уйғониш даврини бошлаб берган хали заиф Европани турк истилосидан халос қилган.

Олтин Ўрда кудратини парчалаб, Русь соодлигини таъминлаган фаровонлик келтирган саядо йўлларига раванк берган, Марказий Осиё ва Ўрта Шарх халқлари маданиятини угжасалиши учун барча зарур шароитларни яратган, ўз уғиллари ва набираларига илгор маълумот берганки, буларнинг ҳаммаси санъат ва фан равангини таъминлаган. У ўз салтанати пойтахтида тинчлик ва хавфсизликни барқарор қилган. У ўз салтанати пойтахтида тинчлик ва хавфсизликни барқарор қилган, олим ва санъаткорларни олдинги сафта олиб чиққан. Ҳар томонлама

«Эҳтимом, совет ҳукумати Амир Темурни, тарихда устунлик қилган, жаҳонга мишқал бўлган маданияти ва сулолани барно эта олган инсонни ўзбек халқи таъинидан қўрққандир! Аслида, шурулар ўзбекларнинг бу тарихий эъозли ўтмиши билан гурурланиши совет-часига шахста сиёсийидан устун бўлиб кетишидан чўчигандир».

Люсьен Керен

гўзалликка ва Худога ишончини ифодалаб, кўкка интилган ёдгорликлар бунёд қилдирган.

Темурубек инсоният тарихидаги буюк шахслардан биридир, лекин халқлар тасавурида дахшатли из ҳам қолдирган: гуллаб-яшнаган ва тинчлиги таъминланган салтанат барпо қилиш учун ўжар жалк ва шахарларни забт қилган. Темурийлар маданияти асосчисининг шу жихатини бургтириб кўрсатиш авж олиб кетган. Амир Темурийнинг шу иккинчи томонини антиқ таққослашнинг уддасидан чиқилишига умид қилиш ва шунга интилиш керак.

А. САИДОВ: Бир қагор ўзбек тарихчилари (И. Муминов, А. Мухаммаджонов, Ш. Каримов, Р. Шамсутдинов) Амир Темурийнинг давлат фаолияти ва юришларини икки даврга бўладилар. Бу муаллифларнинг фикрича, биринчи давр 1370–1386 йилларни ўз ичига олади. Ҳа даврада Амир Темур асосан марказлашган йирик давлат тузиш учун курашган. Иккинчи давр эса 1386–1405 йиллар бўлиб, бу даврда Соҳибкирон салтанати ҳудудларини кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Л. КЕРЕН: Менимча, Амир Темур юришларини аниқ икки даврга ажратиб бўлмайди. Авваламбор, Амир Темур асосан музаффар, у доимо олға босган, забт этган, ҳукмронлик қилган ёки вазиятга қараб вайрон ҳам қилган. Бу вазиятлар ўзгарган ва унинг донишмандлиги яратувчиликка олиб келган. Унинг ғалаба саналари олдиқдан белгилаб олинган режага тушмайди, балки ҳужумдан кейин тайин бўлади. Баъзи юришлари тасодифий ғалаённи бостириш учун зудлик билан бошланган (Масалан, Гуржистонни забт этиш аслида унинг режасида бўлмаган).

Менимча, Амир Темурийнинг нияти Самарқанд теварагида раванк топган ва яхши идора қилинадиган, ташқи ҳужумдан ҳимояланган бир подшолик барпо қилишдан иборат бўлган. У шундай қилган ҳам, бу мамлакат таҳминан қадимдаги Мовароуннаҳр деб аталмиш Суғдиёна минтақасига тўғри келган.

Амир Темур бепосита шу салтанат пойтахтини идора қилган. У маънафати уйғун (маданияти, дини умумий) кўшни давлатларни қўшиб олган. Эрон, Хуросон, Бадахшон ва Фарғона гуллар жуьлэтига кирган ва уларни идора қилишни ўз қариндошларига ёки солиқ қилинларига ишониб топширган. Яна бошқа ерларни куч билан ёки дипломатия йўли билан қарам қилиб олган ва улар Амир Темурга бож тўлаб турган, бу ерлар салтанат пойтахти ва хорижий подшоликлар ўртасида оралик мамлакатларни ташкил қилган. Итоаткорлик тўланган солиқ ва бож эвазига Амир Темур уларга ёрдам ва ҳарбий муҳофаза ваъда қилиб, ўз ҳолларига қўйиб берган. Усмонли турклар қўшнисини Тахартан, Туркман амирлиги, Гуржистон, Қашғар, Ҳинд шимолидаги Сеистон, Константинополь ва Боязидга қарши уруш давридаги Тарабзун бунга яққол мисол бўла олади.

Бу қарам ёки иттифоқдош мамлакатлар атрофида Русь ерларини, Олтин Ўрда, Туркия, Сурия, Бағдод султонилиги, Дехли султонилиги ва Хитой каби қудратли ташқи подшоликлар турган. Шу подшоликлар унга ғанимлик қилганларида ва хавф солганларида Амир Темур улар устига аёвсиз ҳарбий юришлар қилган, шаҳар ва қўрғонларини босиб олган, ҳазиналаридан қўлаб бойлик олиб қайтган.

Шундай қилиб, Амир Темур ўз юрти атрофида бепосан муҳофаза қўрғинини сақлаб турган. Марказий Осиёни муғуллардан озод қилиш

«Темурубекнинг тугероси (герби) учта далқадан иборатдир. Бу унинг уқ қишнинг подшоиси дегани ва ушбу гербини унинг фармойиши билан тайёрланган барча нарсаларга, тизга тулларга туширилганини буюрган».

Русь Гонсалес де Клавихо

учун қилган юришлари 1386 йилдан кейинги турли даврларга тўғри келади.

Амир Темур 1389 йили шимол-шарқдан Самарқандга ва Илак йулига ҳавф солиб турган мўғул кучманчи қабилаларини тарқатиб юборган.

1391 йили Тухтамышни таъқиб қилиш ва енгилш учун то Уралгача борган. 1395 йили у Русни енгган ва Олтин Ҳўда армиясини тор-мор келтирган.

Мен бу ерда унинг барча юришлари ҳақида гапириб ўтирмайман, лекин шуни таъкидламоқчиманки, Амир Темурнинг ҳарбий ҳаракатларини аниқ икки даврга бўлишнинг чораси йўқ ва унинг Марказий Осиё мўғуллари билан тўқнашувлари 1386 йилдан кейин ҳам давом этган.

А. САИДОВ: Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов Францияда бир неча асрлардан буён бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз мероси аусусида чуқур тадқиқотлар олиб борилаётганини зўр маънуният билан таъкидлайди. Бу борда, айниқса, Амир Темур ҳақидаги изланишларни алоҳида қўрсатиш мумкин. Темуршунослик француз шарқшунослик мактабининг мустақил бир йўналиши деса бўлади. Шу боис Амир Темур шахсияти бўлган бундай қизиқишнинг нима билан изоҳлаш мумкин?

Л. КЕРЕН: Ҳа, XIX асрда Францияда Марказий Осиёни, жумладан, Ўзбекистонни ўрганишга қизиқиш кучайган, 1822 йили Сильвестр де Саси Амир Темур ва Франция Қироли ўртасидаги ёзишмаларни ўрганиб, мақола чоп эттирган ва 1894 йили А. Моранвилле уни Амир Темурнинг Париждаги Давлат архивида сақланаётган хатини олиб келган архиепископ Иоанн хотиралари билан тўлдирган.

Темурийлар тарихини ўрганиш ана шундан бошланди ва сўнгра Темурийлар даврининг миниатюра санъатига бағишланган мақола, шу кунгача бўлган даврнинг турли босқичларида чоп этилган «Амир Темур мамлакатига саяхат» ҳикоялар туркуми пайдо бўлди.

А. САИДОВ: Мен Францияда Амир Темурга бўлган ҳикоят XVII асрдан, яъни Соҳибқирон тўғрисидаги Шарқ тарихий манбаларини таржима қилишдан бошланган, деб уйлайман. Сиз пилга олган муаллифлар Францияда сақланиб қолган муҳим тарихий ҳужжатлар ҳақида ёзганлар. Албатта, бу жуда муҳим.

Сизга маълумки, Францияда Амир Темур номи билан боғлиқ яна бир қатор ашёлар мавжуд. Масалан, Парижнинг дунёдаги энг катта Лувр музейида Соҳибқирон Аҳмад Яссавий мақбараси учун ясалган олтинта шамдондан бири, Темурийлар ва Бобурийлар даврининг сопол идиш-товоклари, мармар қабртошлардаги битиклар, тиламлар, аскарларнинг совутлари ва қурол-аслаҳалари сақланмоқда. Айтишларинча, Парижда Амир Темур ҳайкали бўлиб, унинг поштига «Европадан - Халосқорига» деган сўзлар ёзилган экан.

Л. КЕРЕН: Бу катта ҳайкал эмас, олтиндан ясалган мўъжаз ҳайкалча бўлгани ҳақида маълумот бор. Мен унинг расмини тегдим, лекин асл нусхасини қидиришим зое кетди. XIX асрга лаҳидор бу ашё, Амир Темурга қизиқишнинг далили ҳисобланмиши бу асар ўз даврининг катта муқофотини олган бўлса, ажаб эмас.

Францияда Амир Темур ва унинг сулоласи тарихига қизиқиш кундан-кун кучайиб бормоқда. Шу муносабат билан европалик шарқшунослар ва тарихчилар ўрта аср охирида амалга оширган ишлар салмоғи ҳам ортиб борапти. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Темурбек Боязидни енгилб, Европани халос қилган.

XIX асрда Францияда Марказий Осиёни, жумладан, Ўзбекистонни ўрганишга қизиқиш кучайган, 1822 йили Сильвестр де Саси Амир Темур ва Франция Қироли ўртасидаги ёзишмаларни ўрганиб, мақола чоп эттирган ва 1894 йили А. Моранвилле уни Амир Темурнинг Париждаги Давлат архивида сақланаётган хатини олиб келган архиепископ Иоанн хотиралари билан тўлдирган.

Темурийлар тарихини ўрганиш ана шундан бошланди ва сўнгра Темурийлар даврининг миниатюра санъатига бағишланган мақола, шу кунгача бўлган даврнинг турли босқичларида чоп этилган «Амир Темур мамлакатига саяхат» ҳикоялар туркуми пайдо бўлди.

Францияда Амир Темур ва унинг сулоласи тарихига қизиқини кундан-кун ҳучайиб бормоқда. Шу муносабат билан европалик шарқшунослар ва тарихчилар ўрта аср охириларида амалга оширган ишлар салмоғи ҳам ортиб бораётган. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Темурбек Бокзидни енгиб, Европани ҳалос қилган.

Амир Темур ва европаликлар уртасидаги алоқаларнинг излари сақланиб қолган. Темурийлар миниатюраларини завқ-шавқ билан тўмошпа қилиш бахтига сазовормиз. Ўзбекистонда Темурийлардан қолган ёдгорликларни бориб қуриш, расмга тушириш мумкин. Темурбек шахсининг аслида ҳам буюқлиги, Шарқ ва Европа тарихчилари ҳақи уни бузиб таҳлил қилганликлари борган сари кўпроқ равшан бўлаётти.

Амир Темурнинг фалакиётчилиқда буюқ элчи сифатида танитилган набираси Мирзо Улугбекнинг илмий даҳоси оламни лол қолдиришмоқда. Буларнинг ҳаммаси французлар эътиборини тортади ва уларни янада кўпроқ тадқиқотларга ундайди. Шунинг таъкидлаш жомғи, қандаш сўраманг, Самарқанд ва Амир Темур деган иккита ном бир-бирига сиғиштишиб кетганини эътироф этишига гувоҳ бўласиз. Темурбек аини шунинг орзу қилган эди.

А. САИДОВ: Ҳақиқатан ҳам, Соҳибқироннинг Самарқанд тарихи ва тақдирининг ўрни бекиёсдир. Амир Темур Самарқандни уз салтанатининг пойтахтига ва Ер юзининг энг гуллаган ва гузал шаҳарларидан бирига айлантириш йўлида жуда кўп ишлар қилган. Улуғ бобомо бу муборак қадамго доврўғини бутун оламга ёйган, уни рўйи замин сайқалига айлантирган.

Ҳозирги кунда хазрати Амир Темур номи билан боғлиқ маҳабатли обидаларни тиклаш, асраб-авайлашга катта эътибор беришмоқда. Самарқандда 28 та шундай ишшоотда тазмирлаш, қайта тиклаш ва жиҳозлаш ишлари олиб боришмоқда¹.

Бу ишлардан мақсад Соҳибқироннинг номи, обрў-эътибори ўз юртида нақадар эъзоз топганини ҳажон аҳлига яна бир бор намоён этишдир. Амир Темурнинг Европа мамлакатлари билан алоқаларига қайтадиган бўлсак, унинг Франция Қироли Шарль VI билан дипломатик ёзишмаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Л. КЕРЕН: Темурбек билан европаликлар уртасидаги ёзишмалар ўша даврда энча илгарилаб кетган. Товар айирбошлаш ва, айниқса, савдогарлар борди-келдиси, ирк, дин ва масофадан қатъи назар, яхши дўстона алоқалар ўрнатилш имкониятлари қуриб чиқилган. Ўзаро яхшироқ танишиш истақлари билдирилган.

Биринчи бўлиб Темурбек ташаббус курсатиб, Генуя де Перага, Тарабузун ва Константинополь императорликларига элчилар юборган. Уларни Боязиднинг иттифоқида булиш туғрисидаги таклифни қабул қилмасликка қаҳирган ва бунинг эвазига турклар қўлидаги барча наслароний тутқунларни озод қилиш ва жиҳозлашга ваъда берган.

Амир Темур ўз сўзининг устидан чиққан. Анкара ғалабасидан кейин дарҳол ўз Кастилия Қироли олдига элчи Мухаммад Кешийини жўнатган ва унга совғалар юборган.

А. САИДОВ: Бу элчининг исми шарифи турли асарларда ҳар хил ёзилди: айрим манбаларда «Мухаммад ал-Қози», бошқаларида «Мухаммад ал-Ҳожи». Г. Ле Странж «Ҳожи Мухаммад» деб ёзган. Клавихо «Қўндаликлар»нинг ҳар икки русча таржумасида элчининг оти ҳеч бир асосси «Магомед Алкаги» деб берилган. Шу қаби хатолар бошқа манбаларда ҳам учрайди.

Л. КЕРЕН: Менинг фикримча, «Мухаммад ал-Кеший», яъни кешлик Мухаммад дейиш туғридир. Чунки, бу Шарқда қабул қилинган исми қўйиш қўндаларига мос келади.

¹ Қилинган ишлардан бу борадаги тазмирлаш ва бунёдкорлик ишлари янада қилинган ва қўрилган ишлар ва қилишларини ҳам ҳаётда олгани таҳсинга лойиқдир (А.С.).

А. САЙДОВ: Сохибқирон элчиси бир неча тилни билган, дунё кўрган, ҳатто Маккани тавоф этиб, ҳожи бўлган. Клавико Амир Темур Кастилия Кириолига элчи Мухаммад Кеший оркали махсус хат ва совғалар юборгани ҳамда Сохибқирон элчисининг Европада яхши кутиб олингани ҳақида хабар берса-да, бироқ бу хат мазмунини баён қилмайди.

Арготе де Молина Амир Темурнинг Ҳенрих III га элчи Мухаммад Кеший оркали юборган хатининг тўла испанча матнини эълон қилган. Бу хат Клавико хотираларининг 1782 йили Мадридда Антонио де Санча томонидан чиқарилган нашрига илова қилинган Арготе де Молинанинг «Қисқача кириш сўзи»да келтирилган. Хатнинг асл нусхаси Испания архивларида сақланмоқда¹.

Л. КЕРЕН: Ҳақда Амир Темур Франция, Англия, Генуя ва Венеция подшоҳлари олдига фавқулодда элчи кириб, шунингдек, насроний тақводори, Султония архиепископини юборган. Амир Темур юксак ҳурмат-эҳтиром билан Константинополь ва Кастилия элчиларини қабул қилган.

Афсуски, бу алоқалар Амир Темур вафотидан кейин барҳам топган. Менимча, Амир Темурнинг мақсади Буюк ипак йўли деб аталмиш савдо йўлини бутун Европага қўздандан иборат бўлган. Ҳақда зафарлари билан Амир Темур шу шарафли йўлнинг ташкилотчиси ва соҳиби бўлган.

А. САЙДОВ: Мустақил Ўзбекистонда Сохибқирон орзу-умидлари ушломқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси асосида, тарих билан ҳисоблапган ҳолда, Буюк ипак йўли тинчлик ва мулоқот йўли сифатида ўз анъаналарини давом эттириши учун амалий кадамлар қўйилмоқда.

«Тарихнинг ўзи Ўзбекистонга Евроосиёнинг Ғарби Шарқ билан, Жануби Шимол билан боғлайдиган асосий йўллари чорраҳасидан жой тайин қилган. Республикамиз товэрлар, капитал ва хизмат курсатишнинг халқаро йўлида ўзига хос марказ бўлиши учун барча имкониётлар мавжуд»².

ЮНЕСКО ва Халқаро сайёҳлик ташкилоти билан яқин ҳамкорликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури яратилмоқда.

Яна бевосита мулоқотимиз мавзусига қайтсак. Баъзи рус ва Ғарб тарихчилари Сохибқиронни «Тамерлан» деб аташади. Сиз ҳам ўз китобларингиз сарлавҳасида шу номни қўлагансиз. Умуман, бу номнинг келиб чиқиши хусусида нима дейсиз?

Л. КЕРЕН: Европада қўлланилган «Тамерлан» сўзи Европадаги баъзи манбаларда учрайди. Шунинг учун уни тузатишнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Менимча, бу ном XVII асрдан бери қўлланиб келган.

Ҳозирги кунда тарихий изланишларда Темурбек ёки Амир Темур деб ёзган маъқул, шуниси ҳақиқатга яқин.

А. САЙДОВ: Фикрингизга қўшиламан. Одамларнинг жисмоний ҳамчилигини юзига солиш ёки исмига қўшиб айтиш барча халқларда ҳам одобсизлик саналади.

*Анжеланинани қабри
устидаги қабр тоши ҳали
ҳам сақланган бўлиб,
унда «марҳума Анжелана
Боязиднинг ҳарамидан
Амир Темур томонидан
қўтқарилган» деган
ёзув битилган.*

¹ X. Исмаилов. Амир Темур ва ғарбий дунё // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995. 22 сентябрь.

² Каримов И.А. Ўзбекистон ва оқибат. Ўзбекистоннинг 1990 - 2040 йиллари.

Д. КЕРЕН: Темурбек ва унинг салтанатини ўрганиш ва бу борадаги изланишлар яқин ўтмишдагига қараганда анча кучайган бўлса ҳам ҳали жуда кам. Бу илми амалга ошириш учун ҳозирда рағбат (маблағ, диссертациялар) йўқ, лекин интилиш сезилиб турибди. Юртингизда Амир Темур билан боғлиқ ўтмишги 50 йил давомида хотирадан ўчиришга ҳаракат қилинган. Ўзбекистонда бу эзгу ишга кечикиб қиришганида совет мустамалакчилиги катта айбдордир.

А. САЙДОВ: Тўғри. Аммо бу эзгу ишнинг кечикишида ҳоррада ноилмий нуқтаи назарларни олга сурган тадқиқотчилар ҳам маълум роль ўйнаганлар, деса бўлади. Масалан, таниқли ғарблик олим А. Тойнби Марказий Осиёнинг жаҳон цивилизацияси ривожидagi роли ҳақида шундай ёзган: «Мовароуннаҳр турли цивилизацияларнинг таъсирини бир-бирига узатиб турган бўлса-да, аммо бу минтақанинг узи цивилизация маркази бўлмаган». У Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни ва ролини ҳам камситиб кўрсатади.

Л. КЕРЕН: Бу соҳада мен Тойнби фикрига қўшилмайман, албатта. Марказий Осиё ва жумладан, Темурбек тарихи жаҳон тарихи кўзгусида, ўрта аср ва Уйғониш даври бошлари доирасида қаралиши керак. Амир Темур унда катта урин тутади ва унинг ишлари тарих филдирағи айланишини кўрсатади.

А. САЙДОВ: Сизнинг китобларингиз кенг тарихий ва замонавий манбаларга асослангани билан ажратиб туради. Аслида бу манбаларнинг кўпчилиги бошқа муаллифлар томонидан ҳам қўлланилган. Лекин, сиз уларни эзига хос ўқиш ва ўқишга, улар асосида ҳолис илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлгансиз.

Ҳар қандай тарихчи учун ашёвий далилларни йиғиш, архивларда ишлаш, воқеа гувоҳлари ёки уларнинг авлодлари билан учрашиш ва ҳоказолар муҳим аҳамиятга эга. Бу борада темуршунослик илмида қилинадиган ишлар ҳали кўп. Европада ҳам Амир Темурга бағишланган ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча манбалар мавжуд.

Л. КЕРЕН: Менинг мамлакатимда сақланаётган Темурбек ва Франция Қиролининг хатларидек ҳужжатларнинг асл нусхалари, Амир Темурнинг элчиси архиепископ Иоанн қолдирган ёзувлар ва элчи Клавихонинг Испанияда сақланаётган ёзишмалари, Амир Темурнинг элчиси Мухаммад Кеший ва у тортик сифатида олиб келган қанзаклар¹ Севильяга боргани ҳақидаги далил, Амир Темур ва унинг маликасининг ливанликларниқига ташрифи ҳақида Ливандаги Патриарх архивида сақланаётган хабар, Италиянинг Генуя шаҳридаги Коммуна де Пера архивида сақланаётган Амир Темур ҳаётини ақс эттирувчи ҳақиқий ва замондошлари ёзиб қолдирган бир неча ҳужжат бизга маълум.

Улар жуда қисқа. Яна Темур ва унинг салтанати, шуниқандек Испания ва Франция ҳақидаги XVI ва XVII асрга молик бошқа хабар ва хикоятлар бор. Мен қўриб чиққан Европа манбалари мана шулар.

А. САЙДОВ: Сиз тўғри таъкидлаганингиздек, ҳали Амир Темур шахси ҳақида очилмаган ва айтилмаган, ўрганилмаган ва кенг китобхоналарга етиб бормаган маълумотлар кўп. Шундай мунозарали маса-

Темурбек билан европаликлар уртасидаги ёзишмалар уша даврда анча илгариллаб кетган. Тovar айирбошлаш ва, айниқса, савдогарлар борди-келди-си, ирқ, дин ва масофадан қатъи назар, яхши дустона алоқалар ўрнатилиш имкониятлари қўриб чиқилган. Ўзaro яхшироқ танишиш истаклари билдирилган. Биринчи бўлиб Темурбек ташаббус қўрсатиб, Генуя де Перага, Тарабзун ва Константинополь императорликларига элчилар юборган. Уларни Боязиднинг иттифоқида булиш тўғрисидаги таклифни қабул қилмасликка чиқарган ва бунинг эвазига турклар қўлидаги барча наврокий тутиқунларни озод қилиш ва зимоялашга вoдга берган.

¹ Бу ўринда, қанзаклар деганда, 1396 йилда Никопол жалғица Бокнад томонидан қўлдан олиб айтилган ақсон-китоб насабига тегишли уч нафар малика наврда тутилган Бу маликаларни Амир Темур озод қилиб, христиан дунёсига қайтарниш мақсадига элчиларга қўриб чиқарган (А.С.).

лалардан бири, фикримизча, Сохибқироннинг яраланиши тарихидир. Унинг қандай яралангани ҳақида турли фикрлар бор.

Л. КЕРЕН: Амир Темурнинг Сеистонда бир пистирмага тушиб, ўнг оёғи ва қўлидан яралангани эҳтимолдан узоқ эмас. Шунда у ўша ерлик бир йигитни ёллаб олган ва то Мовароуннаҳрга қайтуғича унинг ёрдамида юрган.

Ибн Арабшоҳ у қўй ўтирлаётганида жароҳатланган деса, Клавихо кичик бир чочоқлар гуруҳига бошчилик қилган пайтда жароҳатланган, дейди. Клавихо бу хабарни гўёки Самарқанднинг узида эшитган экан.

А. САИДОВ: XIV-XV асрлар иктымий-сийсий ва маданий ҳаётини ўрганиш учун муҳим тарихий манбалардан бири бўлиши Фосих Алмад ибн Жамолиддин Мухаммад Хавофийнинг (тахаллуси Фосих ал-Хавофий) «Мужамал Фосихий» номли асарида Амир Темур Сеистон уруши даврида ўнг қўлидан ярадор бўлгани ҳақида ёзган бўлса-да, оёғи ҳам яралангани тўғрисида ҳеч нима демаган. Ваҳоланки, бошқа манбаларда Амир Темурнинг ўнг қўли ва ўнг оёғи ҳам шу жанд яралангани ҳақида ёзилган.

Л. КЕРЕН: Бу, бир томондан, Амир Темурнинг - ҳамма нарсага қодир саркарданинг бундай миш-мишлар тарқатилишига бепарволик билан йул қўйиб берганини кўрсатади, иккинчи томондан, эҳтимол, у оддий кишидан пошпо тахтга кўтарилганини билдириб қуйиш учун бундай хабарни атайлаб тарқаттиргандир?

Қайси бири ҳақиқат? Амир Темурга дахлдор бу мавзудаги замонавий манбалар воқеанинг асл мазмунига тўғри келмапти. Биз далил деб атаган ҳужжат йураккаб бир жамиятда, кўплаб мусофирлар бор оломон орасида, гайритабиий бир ҳаётда қўриқилишида тарқалгани, охирида тарқатувчининг ўзи ҳам унга ишонмай қолгани мумкин бўлган. Натижада ким тўғрисида айтётганлигини билиб бўлмай қолган.

Бир куни Амир Темур Дехлида харбий филлар устидан қалаба қозонганини, бошқа куни у Сибирда Тухтамышни енгганини, Бағдодни олганини, Дамашқни қамал қилганини эшиттирган. Уни ўлди деганларидан кейин эса, одамлар унинг Боязидни енггани ва Туркияни босиб олгани ҳақида хабар тарқатишган.

Турли мамлакатлар сайёҳлари Самарқанддан кўплаб хабарларни, ҳатто, эртаси куни ёлгон чиқиб қоладиган ахборотларни ҳам олиб келиш ва тарқатишдан тухтамаганлар.

Темурбек тарих яратган, лекин уни айтиб беришга вақти бўлмаган. Менимча, пойтахтдаги ёзувчилар, уларнинг Амир Темур ишдан жанг майдонларида энгкиб юрганлари воқеанинг ҳаққонли эканини суриштириб ҳам ўтирмаганлар. Ўта алғов-далғов замонда тувоқлар хар хил галирган бўлишлари ёки миш-мишчилар турли-туман хабарларни тарқатган бўлишлари ажабланарли эмас. Тарихчининг мушқул иши барча маълумотларни қисқаб чиқиш, ўзи ҳақиқат деб билганини танилашдир.

А. САИДОВ: Амир Темур «Сохибқирон» номи билан машҳур. Икки сайёра - Зухал юлдузи билан Муштарийнинг ақинлашуви даврида дунёга келган ўғилгина шундай номни олишга мушарраф бўлган. Бу юлдузлар ҳаракатидаги ҳолат ҳар саккиз юз йилда такрорланади. Бундай кунда туғилган бахтли зотлар дунёда учта ўтган. Булар: Искандар Зулқарнайн, Мухаммад алайҳиссалом ва ул муътабар зотдан саккиз юз йил кейин туғилган Амир Темурдир.

Ўша даврда Амир Темур Франция, Англия, Генуя ва Венеция подшолари олдига фавқулудда элчи қилиб, шунингдек, насроний тақводори, Султония архиепископини юборган. Амир Темур юксам ҳурмат-эҳтиром билан Константиноноль ва Кастилия элчиларини қабул қилган. Афсуски, бу алоқалар Амир Темур вафотидан кейин барҳам топган. Амир Темурнинг мақсади Буюк инак йўли деб аталмиш савдо йўлини бутун Европача чушидан иборат бўлган. Ўз зафарлари билан Амир Темур шу шарафли йўлини ташкилотчиси ва соҳиби бўлган.

Темурбек тарих яратган, лекин уни айтиб беришга вақти бўлмаган.

Л. КЕРЕН: Сохибқирон - самовий сирларни эгаллаган подшо-ларга бериладиган бургтирма унвон. Баъзи Шарқ хориский саройла-рининг дипломатик ёзишмаларида Амир Темурга нисбатан шу унвон қўлланилган. Унинг ўзи ҳеч қачон бу иборани қўлламаган ва атроф-дагиларга ҳам қўлашга йўл бермаган. Шуниси аниқки, Амир Темур шоҳона мақтовни, унвонларни ёқтирмаган. Хужжатларда узини Те-мурбек ёки Амир ул-Аъзам деб аташларини ва Қурагоний (яъни, Чин-гизхон авлодига уйланган кув) тахаллусини қўшишларининггина иста-ган. Франция Қиролига ёзилган хатида худди шундай.

А. САИДОВ: Сиз туғри таъкидлаганингиздек, Амир Темурга нас-лий камтаринлик хос бўлган. У ҳеч қачон хон, подшоҳ ёки шаҳаншоҳ ҳам бўлмаган. 1370 йили Мовароуннаҳрда ҳокимият тепасига келар экан, узини «хон» ёки «шоҳ» эмас, балки «амир» деб эълон қилган ва шу унвон билан кифояланган. Амирлик рутбаси дастлаб Амир Темур харбий-сиёсий фаолиятининг илк даврида у билан елкадош бўлган 313 нафар кишига берилган. У ана шу амирлар билан бир даражада қолган.

Амир Темурга тегишли турли ашёвий далиллар дунёнинг кўп бурчақларига сочилиб кетган. Шулардан бири Сохибқироннинг узуги-дир. Айтишларича, Амир Темур бармоқларининг изи қолган муборак ва муътабар олтин узук-муҳр Нью-Йоркнинг машҳур Метрополитен музейи экспонатлари орасида Марказий Осиё санъатининг ноёб на-муналари қаторидан ўрин олган. Санъатшунос З. Грюбеннинг «Исло-м санъати» номи китобида узук-муҳрнинг рангли тасвири берилган.

Тилла узук ўймакор ислимий нахшлар билан безатилган. Халқа кўзига нафрети тош ўрнатилган. Халқа хошиясида хатти насх ёзуви бор, тош жойлашган кўзи тагида қандайдир кувфий хати битилган. Ҳозирча ёзувларни ўқиш имкони бўлмаган, чунки хошиянинг катта қисми қуринмайди. Муҳр шакли ҳам номаълум.

Сизга маълумки, Сильвестр де Саси Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га ёзган хатида Сохибқироннинг муҳри бор, деб қўрсатган.

Л. КЕРЕН: Амир Темурнинг узуги хусусида бир нима дейиш қийин. Чунки Шарқ мамлакатларида узук тақийш аёлларга хос бўлган.

Темурбекнинг муҳрига келсак, ҳақиқатан ҳам, Шарафиддин Али Яздид, Ибн Арабшоҳ ва Клавихонинг айтишларича, унинг муҳрида уч кичик халқа форсча шиор билан боғланган: «Рости-Рустн» («Агар қалбинг пок бўлса, эркинсан»). Амир Темурнинг Шарль VI га ёзган ха-тига ҳам шу муҳр босилган, лекин унинг сиёҳи ўчиб кетиб, текшириш-нинг иложи бўлмай қолган.

Уч халқага келсак, бу кўп мамлакатларда илоҳий ва сирли санал-ган 3 рақамга илова. Муғуллар бу рақамни зафар ва бахт рамзи сифа-тида ишлатган. Узини ўзига қўлайтириб, самовий «9» рақамини олиш мумкин деб ҳисобланган. Бу муҳр Темурбек зарб эттирган тангалар-да ҳам учрайди, лекин барча тангаларда эмас. Амир Темурнинг туғро (герб)ларида бу муҳрдан бошқа сузларни топмадим.

Сохибқирон Хитойга охириги юришига жўнаётиб, зарҳал аждаҳо тасвири бўлган қора байроқни ёлдириб олган. Менимча, бу туғро эмас, хитойликларга кўз-кўз қилиш учун қилинган унинг қудрати тасволи бўлган.

Сохибқирон - самовий сирларни эгаллаган подшоҳларга бериладиган бургтирма унвон. Баъзи Шарқ хориский саройлари-нинг дипломатик ёзишма-ларида Амир Темурга нисба-тан шу унвон қўлланилган.

Унинг ўзи ҳеч қачон бу иборани қўлламаган ва атрофдагиларга ҳам қўлашга йўл бермаган. Шуниси аниқки, Амир Темур шоҳона мақтовни, унвонларни ёқтирмаган.

Хужжатларда узини Темур-бек ёки Амир ул-Аъзам деб аташларини ва Қурагоний (яъни, Чингизхон авлодига уйланган кув) тахаллусини қўшишларининггина истаган.

Франция Қиролига ёзилган хатида худди шундай.

А. САИДОВ: Амир Темур давлат рамзларига, яъни байроқ, ноғора-туяларга катта эътибор берган. Уларни амирларга тақдим этиш қоидаларини катъий белгилаб қўяган.

Амир Темурнинг расмлари бизгача етиб келмаган. Форс ва хинд миниатюраларидаги тасвирлар эса портретлар ҳисобланмайдди. Соҳибкиронни турлича акс эттиришади. Ибн Арабшоҳ Амир Темур киефасига, сурат ва сийратига оид киска, аниқ тасвирларни қолдирган.

У 60 ёшдан ошган Соҳибкиронни қуйидагича тасвирлайди: «Темур балинд қадли, узун буйли, тик қоматли, гуё қадимий пахлавонлар авлодидан бўлиб, кенг лешонали, катта бошли, ғоят кучли ва салобатли, ажойиб бўлган, ранги оқу қизил қозли, лекин доғсиз, бугдой ранг эмас, кўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари тўғри, пойчалари семиз, қадди-қомаги қамолга етган, серсоқол, йўғон овозли эди».

Л. КЕРЕН: Ибн Арабшоҳдан бошқа ҳеч ким Темурбекнинг тасвири юзи бермаган.

Амир Темур успирия пайтида жароҳат олган. Тарих шундай сўзлайди. М. Герасимов ҳам Амир Темур суякларини текшириб қуриб, буни исботлаган.

Амир Темур балинд буйли (1 метр 70 см), бақувват, нигоҳи суҳбатдошини эсанқиратиб, унда тасаввур қолдирадиган даражада бўлган. Соқолининг қизғиш муйи топишган, бош чанофининг шакли унинг ифтулу ва бошқа ирқ билан қўшилмаслигини эслатади.

А. САИДОВ: Америкалик антропологлар Г. Глезер ва М. Троттер томонидан 1958 йилда тақлиф этилган усул асосида ўзбек олими Т. Хужаев¹ Амир Темурнинг оёқ-қўл суяк-ларини урганлиб, унинг бўйи рогпа-роса 170,7 см бўлган деган хулосага келди. Бу эса Соҳибкирон уша даврдаги Мовароуннаҳр аҳолисининг ўртача бўйидан 6-7 см балинд бўлганини кўрсатади.

Амир Темурнинг китриклари олтин қутқичада «Эрмитаж»-да сақланмоқда, деган фикр бор.

Л. КЕРЕН: Ғал шундаки, унинг салобатли хоқон ва оқил саркарда бўлишига, ўз навқарларига далда бера олгани ва рақибини эсанқиратиб қўйишига монелик қилмаган. Армияси билан доимо бирга бўлиши, қатто, етмишга кирганида ҳам йўл, жанг ва оғир юклов машаюқатларига чидай олиши унинг ниҳоятда бақувват бўлганини билдиради.

А. САИДОВ: Амир Темур ўз салтанатида плундай тартиб-ҳўша уринатгани, истисод. савдо-сотих, маданият тараққиёти учун ҳақма шароитлар бўлган. Соҳибкирон умри бўйи дин ва шарият, давлат ва уни бошқариш, кенгаш ўтказиш, подшо ва вазиранинг моҳияти, уларнинг аҳамияти ҳақида йўл-йўриқлар яратган.

Яшагидан асосий мақсадларининг ифодаси бўлиб адолат ва адолатсизлик, суз билан иш бирлиги, дўстлик ва душманлик, ботирлик ва кўрқоклик ширинсуханлик ҳақиқати панд-насихатлари унинг ҳаётлиги давридаёқ муҳим тарбиявий восита бўлиб хизмат қилган.

Л. КЕРЕН: Мен юқорида айтганимдек, Темурбек тарихда янриқ саркардалигига қарамай, ўта прагматик инсон бўлган. Ўзга янриқ давлатларини енгилш учун унинг ўз қўл остида барқарор ва раванг топган давлат бўлиши керак эди. Бу шарт салтанат пойтахти аҳолисининг тинчлиги, деҳқончилик, қосибчилик ва савдо ишлари яхши йўлга қўйилгандагина бажарилиши мумкин бўлган.

Темурбекнинг муҳрига келсак, ҳақиқатан ҳам, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ ва Клавихонинг айтишларича, унинг муҳрида уч хичик ҳалқа форсча шпор билан боеланган: «Рости-Руссти» («Агар қалбине пок бўлса, эркинсан»). Амир Темурнинг

Шарф VI га ёзган хатига ҳам шу муҳр босилган, лекин унинг сийҳи ўчиб кетиб, текширишининг иложи бўлмади қолган.

Уч ҳалқага келсак, бу кўп мамлякатларда илоҳий ва сирли саналган 3 рақамга илоба. Мўғуллар бу рақамни зафар ва бахт рамзи сифатида ишлатган. Ўзини ўзига қўнайтириб, самовий «9» рақамини олиш мумкин деб ҳисоблаган. Бу муҳр Темурбек зарб эттирган тангаларда ҳам учрайди, лекин барча тангаларда эмас.

Амир Темурнинг тўғро (серб)ларида бу муҳрдан бошқа сўзларни топмадим.

¹ Хўжаев Тельман Қоимович - тарих фанлари доктори, танқидий ўқув астрологиди, М. Герасимовнинг шогирди.

Амир Темур ўз қўли остидаги одамларни ва ерларни, армияси ва мудофаа заковати туфайли рақибини улоқтириб ташлаб, одамларга тинчлик таъминлаб беришга қодир бўлган. Мамлакат ичида тайинланган амалдорлар барчага нисбатан одиллик, йулларнинг назорати, нарх-наво устидан назорат ва ҳоказолар туфайли осойишталикни ва халқ фаровонлигини таъминлаб турган.

Амир Темурнинг ўзи шахсан ҳарбий юришлар туфайли ойлаб-йиллаб пойтахтдан йироқда юра олган.

А. САИДОВ: Амир Темур салтанатини идора этиш қоидалари «Темур тузуқлари»да белгилаб берилган. Шу муносабат билан яна бир бор «Тузуқлар» масаласига тухталиб ўтсак. Маълумки, бу хусусда тарихчилар ўртасида ягона фикр йук. Баъзилар «Тузуқлар»ни Соҳибқирон ёган деса, бошқа бировлар унинг котиблари битган, дейди.

«Тузуқлар» XII асрда форсий тилда бошқа солномачилар томонидан ёзилган деган тахминни илгари сурадиганлар ҳам бор. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида «Манзумаи турк» асари турк тилида Амир Темур бош девониди ёзилган ва Амир Темур томонидан тахрир этилган, дейилади.

Л. КЕРЕН: «Темур тузуқлари», менимча, «Зафарнома»га асосланиб, қасида сифатида ёзилган. Шу билан бирга, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, Темурий шахзодалар тарбиясига мўлжалланган, ҳақиқатдан узоқ бўлган асардир. Унда Амир Темур ўз салтанати жамиятини, армиясини фуқаробоп қилиб ташкил қилиш, жангларда зафар қозониш учун ишлатган қоида ва режалари берилган.

Амир Темурда режалар ҳам, олдиндан уюштирилган жанг услублари ҳам бўлмаган. У услубларни жанг майдонининг ўзида, тузнашув дақиқаларида уюштирган ва вазиятга, ўз хабарчиларининг маълумотларига, об-ҳавога қараб, ақлу заковати билан китобларда ёзилган йул-йуриқларни ишлатиб, уларни ўзгартириб турган.

«Тузуқлар» ва «Хотиралар» бизга ўша зафар қозониш йул-йуриқларини, шахсан Амир Темур қўли билан ёзилган барча нарсаларни ўқиб чиқиш кераклигини кўрсатади. Шунингдек, ўша давр мамлакатлари ҳукмдорларининг – улар Амир Темурнинг замондошлари, хоҳ у дўсти бўлсин, хоҳ рақиб – тарихини чуқур ўрганиб чиқиш керак. Ўша давр олимлари, меъморларининг, мусаввир, адиб, дин арбоблари ва суфийларининг асарларини қолдирмай ўқиш лозим.

Амир Темур ҳаёти бир катта жангномаки, у қўллаб мамлакатларни, турли ирқ, маданият ва дин вакилларини ўз ичига олади. Лекин, қолган энг қийин масалаларни аниқлашга тўғри келади: Амир Темур шахсининг устунлигини ва идора қилиш қудратининг сирларини, ундаги зиддиятларни, яъни бир инсонда ҳам музаффар ва шафқатсиз саркарда, ҳам тинчлик посбони, олимлар ва меъморлар раҳнамоси ва фуқаролар фаровонлиги ташвишида яшовчи одам мўжассамланганининг ечимини топиш керак.

Амир Темур ҳаётини ўрганишда одил бўлиш, тадқиқотлар бошидаёқ хулоса чиқаришдан сақланиш лозим.

Амир Темур лаганбардорларни ёмон кўрган ва даставад ҳақиқатни устун қўйган. Бу Амир Темур замонаси солномаларида ёён қилинган. Клавихо билан бўлган мулоқот, айниқса, Амир Темур ҳаёти ва унинг кирралари, адувлари, Амир Темур салтанати тарбий қисмининг жуғрофиси ҳақидаги аниқ ва батафсил хужжатлар шу хусусиятларни очиб беришга хизмат қилади.

Амир Темур ўз қўли остидаги одамларни ва ерларни, армияси ва мудофаа заковати туфайли рақибини улоқтириб ташлаб, одамларга тинчлик таъминлаб беришга қодир бўлган.

Мамлакат ичида тайинланган амалдорлар барчага нисбатан одиллик, йулларнинг назорати, нарх-наво устидан назорат ва ҳоказолар туфайли осойишталикни ва халқ фаровонлигини таъминлаб турган.

Бу хужжатлар Самарқанд бойликлари ва гузалигидан, Амир Темур ва унинг сарони шуқухидан гувоҳлик беради. Аммо 1783 йили ҳинд тилидан таржима қилиш учун олиб келинган даврга молик бу хужжатларнинг асл нусхасидаги маълумотлар асосан инглисчадир. Таниқли шарқшунос Ж. Обеннинг ёзишича, хужжатлар келиб чиқиши жиҳатидан ҳинд-муғулча асосга эга бўлиб, XVII асрда битилган.

Амир Темур «Хотиралари» ва «Тузуклар»нинг ҳаққоний эмаслиги ҳақидаги фикр охир-оқибат бир таҳминга асосланади: ҳеч ким, ҳеч қачон унинг китоб битаётганини кўрмаган. Ҳаққонийлик ҳақидаги адиб Амир Темурнинг хотира ёзаётгани ёки бирон адибга айтиб туриб ёздирётгани ҳақида хабар бермайди.

Амир Темур саройида ва салтанатида ёзувчилар кўп бўлган. Арабшох ҳикояси, «Зафарнома», форс солномачилари шу жумладандир. Улар ёзилаётган нарсаларни назардан кочирмаганлар ва асарларида суларга ишора қилиб ўтганлар. Ҳеч қайсиси «Хотиралар» ва «Тузуклар» ҳақида сўз очмаган. Булар мазкур хужжатларнинг асосли ёки асосли эмаслиги ҳусусида мени ҳам уйлантириб қўяди.

А. САИДОВ: Умуман, «Тузуклар» ёзиш ҳитой ва турк-муғул хонларидан қолган анъанадир. Мисол тариқасида турк хонқонларидан қолган «Қонунома»ни, Чингизхон «Ясо»ни, Хондамирнинг «Қонуни Хумоюн» асарини ва бошқаларни курсатиш мумкин.

«Темур тузуқлари»га келсак, асосий муаммо унинг муаллифи ким деган саволга бориб тақалади. Шамсиддин Сомирийнинг «Қомус ул-аълом» асарида Амир Темур «Тузукот» номли қонунлар мажмуасини қаламга олиб, унда ўзининг таржимаи ҳолини баён этган, дейилади. Француз шарқшуноси М. Шармуа ва рус ҳарбий тарихчиси М.И. Иванов «Тузуклар»ни Амир Темур ўзи ёзган ва у муҳим автобиографик асар, деган фикрни билдиради.

Аммо бошқа бир гуруҳ олимлар, масалан, В.В. Бартольд, Э.Г. Браун, Ч.А. Стори «Тузуклар»ни сохта асар, уни Амир Темур ўзи ёзмаган, дейишган. Инглиз олими Ч.А. Стори Мир Абу Толиб Хусайний Турбатийни «Тузуклар» муаллифи, деб қўрсатган. Рус шарқшуноси А.Ю. Якубовский «Тузуклар» XVIII асрда Ҳиндистонда ёзилган дейди¹, француз олими Ж.П. Ру уни XVI асрга тааллуқли, деб таъкидлайди.

Бу борада, менимча, ўзбек академиги, теуришунос олим Б. Ахмедовнинг фикрига қўшилиш мумкин: «...Қандай бўлмасин, асарни Темур ёки бошқа одам ёзганлигидан қатъи назар, у сохта эмас, балки чин асардир»².

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, «Тузуклар» Амир Темур шахси ва фаолиятига ўрганишда муҳим тарихий манба вазифасини ўтайди.

Амир Темурнинг шундай бир сеҳри борки, у изланувчиларни ўзига ром этади. Бу Соҳибқироннинг илм-фан, таълим, санъат ва маданият ҳомийси, олимлар, адиблар, зиёлилар раҳнамоси бўлганлигидир.

Л. КЕРЕН: Темурбек олим, мусаввир, адиб, муҳандис ва дин пешволарини ҳурмат қилган, ўз муҳофазасига олган. Амир Темурнинг бу фазилатини у жанг ва қамал пайтларида уларни тинч юқод билан шуғулланиш учун Самарқандга жўнатиб авайлагани ҳам тасдиқланади. Дамашкилик Ибн Халдун ҳаётини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

¹ Якубовский А. Ю. Темур, его держава и военные походы // Очерки истории СССР. Персидская цивилизация. IX-XV вв. Ч.2.

² Ахмедов Б. «Темур тузуқлари» ҳақида янги оғиз сўз // Темур тузуқлари - Таълимот, 1991. 7-бет.

Амир Темур ҳаёти бир катта жангномаки, у қўлаб мамлакатларни, турли ирқ, маданият ва дин вакилларини ўз ичига олади.

Лекин, қолган энг қийин масалаларни аниқлашга тугери келади: Амир Темур шахсининг устунлигини ва идора қилиш қудратининг сирларини, ундаги зиддиятларни, яъни бир инсонда ҳам музаффар ва шафқатсиз саркарда, ҳам тинчлик посбони, олимлар ва меъморлар раҳнамоси ва фуқаролар фаровонлиги ташвишида яшовчи одам мужассамланганининг ечимини топши керак.



Isloimbek Khudoyarxon

Солномачилар, ҳатто, Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг санъат ва фанга бўлган муносабатини, жамиятда ва ҳарбийлар орасида ҳам санъат ва фанга ҳурмат бўлишнинг талаб қилганини тасдиқлайди. Фан арбобларини жангу жадалларда, қонли савашларда ваҳшиyllашган аскарлардан авайбгани Амир Темурнинг уларга бўлган ҳурматидан нишондир.

Амир Темур қандай қилиб санъат ва фан ҳақрига етдиган инсон бўлиб камол тоганини тушуниш қийин, чунки бунинг учун одам ёшлликда шу соҳаларда устозлардан машқ олган бўлиши керак. Ёшлик даври кешлик ярим кучманчи барлослар орасида, сафар ва жангларда ўтган Амир Темур бундай билимни қаердан олди экан?

У Темурийларга мансуб янги ажойиб меъморчилик намуналарини танлаш ва улар ҳурилишини бошқариш салоҳиятини ўзида қандай шакллантира олган бўлса?

Биз Амир Темурнинг ёшлик ва шогирдлик чоғидаги сиру синоатли ҳаётидан яхши хабардор эмасмиз. У фақат кичиклигида отаси Тарагай билан Кешлаги масжидга ва сўфийлар кенгашларига катнаганигина маълум. Биламизки, Амир Темур у ерда ажойиб диний тарбия олган.

А. САИДОВ: Амир Темур қўшинида ягона европалик - бавариялик И. Шильтбергер бўлгани маълум. У ўзининг «Эсдалиқлар»ини ёзиб қолдирган.

Л. КЕРЕН: Тўғри. Дастлаб Амир Темур, кейин унинг ўғли армиясида узоқ хизмат қилган бавариялик аскар Шильтбергернинг «Эсдалиқлар»ини етарли танқидий ўрганмасдан, шунчаки санаб ўтган тарихчиларга эътирозим бор. Бу «Эсдалиқлар» матни 1859 йили Мюнхенда матбаачи Нейман чоп эттиргандан кейингина маълум бўлди.

Китобга босқиччилар ва, айниқса, Амир Темурга қарши эътиросли «Суз боши» ёзилган. Шильтбергер замонида битилган бу «Эсдалиқлар»да Осий ва Ўрта Шарқ кишилари, воқеа ва жўғрофияси ҳақида янглиш фикрлар шунчалик кўпки, мен ҳатто унинг муаллифи борлигига ҳам шубҳа қилиб қоламан. Ундаги баъзи тўғри далиллар ҳам «Зафарнома»дан ёки Арабшоҳнинг XVII ва XVIII асрларда Европада машҳур бўлган таржимаи ҳолидан олинган ва унинг муаллифи ҳақиқатан ҳам Шарқдан қайтиб келган Шильтбергер бўлиши ва у ўзининг камтарона ёзилган саргузаштларини бир-икки матбаачига ишониб бергану кейинчалик уларга Арабшоҳдан ёки «Зафарнома»дан олинган олди-қочдиларни қўшиб-чатган бўлишлари мумкин-ку, деган фикрларга ҳам олиб келади.

А. САИДОВ: Бунга қарама-қарши ўлароқ, Европада кенг тан олинган манба, бир неча бор таъкидлаганингиздек, Руи Гонсалес де Клавихонинг «Амир Темур саройига саёҳат» номи қўшдаликларидир. «Кундалиқлар» Амир Темур даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти тарихига доир муҳим манбадир.

Бу асар биринчи марта 1582 йили Испаниянинг Севилья шаҳрида «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» номи билан чоп этилган. 1782 йили у Мадридда шу номда иккинчи марта нашр этилган. Бу китоб испан тилида учинчи марта 1949 йили Мадридда Лопес Эстрада томонидан чоп қилинган.

Клавихонинг «Кундалиқлар»и бир неча тилларга таржима қилинган. Жумладан, рус тилига биринчи марта 1881 йили И. Срезневский томонидан таржима қилиниб, Петербургда чикарилган.



Дона Ангелино де Греция бюсти.
Buste de doña Angelina de Grecia.

*Темурбек олим, мусаввир,
адиб, муҳандис ва дин
нешиволарини хурмат
қилган, ўз муҳофазасига
олган. Амир Темурнинг
бу фазилатини у жанг
ва қамал пайтларида
уларни тинч ижод билан
шугуллангани учун
Самарқанда жуннатиб яшай-
лагани ҳам тасдиқлайди.
Дамашқлик Ибн Халду
ҳаётини бунга мисол қилиб
келишири мумкин.*

1990 йили эса бу асарнинг И. Миракова тайёрлаган иккинчи русча нашри чоп этилган.

Клавихонинг «Амир Темур саройига саҳнат» китоби И. Срезневский тайёрлаган русча матндан йирик адабиётшунос олим профессор Очил Тоғаев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Сиз ҳам бу асарни француз тилига изоҳли таржима қилгансиз.

Л. КЕРЕН: Аслида, мен Клавихо «Кундаликлар»ини танқидий кўз билан ўрганиб чиқиб, лугатдан фойдаланиб, тарихий далиллар ва бошқа солиномалардан олинган жуғрофий маълумотлар ёрдамида таржима қилганман.

Илгари қайд этганимдек, Клавихо асари Марказий Осиёга қилинган сафарларни, Амир Темурни ва унинг атрофидаги ҳаياتини ва ниҳоят Самарқандни ўрганиш учун биринчи туртки бўлган. «Кундаликлар»нинг Клавихо шахсан курган ёки эшитган воқеаларни ўз ичига олган қисми, яъни ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ҳақдоний туюлади.

Лекин, бу «Кундаликлар»да бошқа киши томонидан ҳикоя қилинган ва Клавихо томонидан йиғилган афсона ёки ўша давр кишилари тасаввурига мансуб воқеалар ҳам борки, уларни Клавихо ўрта аср диний эътиқодларига қўшиб ҳикоя қилади. Мен, албатта, ўз китобимда зарур изоҳлар берганман.

А. САИДОВ: Бирор-бир тарихий шахс тўғрисида тадқиқот олиб боришда шу шахс авлодларининг хотиралари, курсатмалари ёки қўлёзмалари катта аҳамият касб этади. Сиз «Амир Темур салтанати» номли китобингизни «Темурбек наслидан Исломбек Худоерхонга ва грециялик Де Дона Анжеловна авлодларидан Маркиз Контрерас де Лозайага» бағишлагансиз.

Л. КЕРЕН: Мен Амир Темур авлодидан Исломбек Худоерхон ўғли билан танишганман. У билан бир неча йиллар давомида қадрдон дустлик ришталарини боғлаб, кўп суҳбатда бўлганман. У Самарқанда туғилган ва большевиклар таъқибидан қочиб кетишга мажбур бўлган. Афғонистон подшоҳи қабул қилиб, уни Франция ва Швейцарияга ишончли вакил этиб тайинлаган. У Парижда Афғонистон Элчихонасини очиб, то нафақага чиққунига қадар шу ерда халқаро алоқалар билан шугулланган.

Нафақага чиққандан кейин Швейцарияга, Монтре шаҳри яқинидаги шифохонага кучиб утган ва 1981 йили вафот этган. То вафотида қадар мен унинг хузурига бир неча марта борганман. Уни мусулмон жамоаси ва Афғонистон элчиси доктор Акрам талаби билан хусусий қабристонга дафн этганлар. Лекин, унинг қабри қаерда эканини аниқ билмайман, мента хабар беришмаган.

Исломбек маълумотли ва одобли инсон эди. У мен учун тегишсиз дўст эди.

А. САИДОВ: Амир Темур тўғрисида Испанияда Клавихо «Кундаликлар»идан ташқари ҳам бир қатор манбалар mavjud. Масалан, Сохибкироннинг Кастилия Қироли Хенрих III билан эшишмалари ва, ҳатто, ашёвий далиллар бор. Масалан, Клавихога қўйилган қабр тошида шундай ёзувлар бор: «Бу ерда хурматга сазовор бўлган Руи Гонсалес де Клавихо ётибди. Тангри уни раҳмат айлаган бўлсин. Марҳум яхши ном қолдирган Қирол Дон Генри ва унинг ўғли Дон Жон (хукмронлиги)да девон бошқарувчиси бўлган. Қирол Дон Генри Темур (саройи)га элчи этиб юборганди»¹.

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1995, 22 сентябрь

Л. КЕРЕН: XVI аср испан солномаларида элчи Клавиходан олдин Темурбек билан учрашган кастилиялик биринчи элчи тўғрисида жозибали ҳикоятлар бор. Шу биринчи элчи Анкара жанглари пайтида Туркияда бўлган. Элчи у ерда Амир Темурни ўз подшоши номидан зафар билан муборакбод қилган. Шу давр хабарларида айтилишича, Амир Темур уларни меҳрибонлик ва сахийлик билан қабул қилган. Уларни кузатиб қуйиш учун ўз элчиси Муҳаммад Кеншияни ва Боязид карамлигидан озод этган уч европалик канизакни қўшиб юборган. Бу аёллар Амир Темурнинг Кастилия Қиролига тортиги бўлган.

Маъқур воқеа Шарк солномаларининг ҳеч бирида, ҳатто, «Зафарнома»да ҳам акс эттирилмаган. Шунинг учун бу бир эртақмикан, деб қоласан киши. Бундан бир неча йил бурун бир испан тарихчиси Севилья шаҳридаги қадимги архивлардан кастилиялик юкки элчи, Муҳаммад исми чағатоёблик элчи ва Амир Темур томонидан турклардан озод этилган уч нафар киз ҳамкорлигида шаҳар ҳокимлигида қабул қилинган ҳақидаги 1403 йил февралига молик хабарни топиб олган. Хужжатда экспедиция аъзоларига кетган озиқ-овқат ва ётоқ қаражатларининг рўйхати бор. Бу харажатларни, эҳтимол, Қирол қайтариб бергандир.

Экспедиция Сеговига, Қирол Хенрих III турган жойга борган. Сегови ҳокими, Иоанн де Контрерас собиқ асирларнинг энг каттаси Анжелиани қўриб, унга ошиқ бўлиб қолган. Бу ишқ воқеаси - ҳақиқат. Бу жуфтдан авлодлар то шу кулларгача етиб келган.

Мен Анжеллина авлоди Маркиз де Лозойа билан танишганиман. У мени Сеговидаги Анжеллина яшаган уйга тақлиф қилган. Менга оила тархивини, бобокалонни суратини ва Анжеллина билан тўйлари ҳақидаги гувоҳномани кўрсатган. Ҳатто, мени Сеговидаги бир черковга бошлаб бориб, момоси Анжеллинанинг қабрини ва унинг устига қўйилган чиройли қабр тошини кўрсатган.

Амир Темур элчиси Муҳаммад Кешийга келсак, элчи Клавихо «Кундалиқлар»ида унинг номи зикр қилинган. Чунки, бир йил ўтгач Муҳаммад Кеший элчи Клавихога Самарқанд сафарига ҳамкорлик қилган. Бу «Кундалиқлар»ида Амир Темур билан бевоёсита мулоқот қилган кишилар бўлганлигини исботловчи ва ўша даврга молик воқеаларни акс эттирувчи аниқ далиллар бор.

А. САИДОВ: XIV аср охири ва XV аср бошларида Амир Темур салтанатининг довури Европа мамлакатларига қадар етиб борган. Франция, Англия, Испания, Генуя ва Византия каби давлатларнинг қиролилари Соҳибқирон билан сиёсий, иқтисодий ва савдо алоқалари ўрнатилга интилганлар. Шу боис буюк ва музаффар жаҳонгир ҳузурига ўз элчиларини мунтазам юбориб турганлар. Амир Темур ташқи сиёсатида Европа йўналиши муҳим ўрин тутган. Соҳибқирон дипломатияси кўп киррали бўлган.

Л. КЕРЕН: Амир Темурнинг Ғарб мамлакатлари билан ўрнатган дипломатиясини ҳозирги кунда биз «қўл қўзиш сиёсати» деб атаймиз. Бу дипломатия Европа ҳукмдорларига Амир Темур томонидан ҳеч қандай шахсий ғараз, тижорий, рақиблик, худудий ва дин муаммолари йўқлигини кўрсатиш ҳаракати бўлган. Бу дипломатия икки босқичда ва икки турли йўналишда кечган.

Анкара учун бўлган ҳал қилувчи жангга Темурбек европаликлар ва византияликларни бу низога аралашмасликка катта чакирган. Бунинг эвазига уларни муҳофаза этишни ваъда қилган. Ғалаба қозonganдан кейин Амир Темур ўз ваъдасида туриб, Боязид тутиб турган насроний тутқунларни озод этган, Европадаги

Агар Амир Темур
фоқатгина жангу жадал
ёхуд ашаддий истилолар
ишида ёнган буюк фотиҳ
бўлганида эди, у тарихни
кўп ҳам қизиқтирмасди.
Тури, Амир Темур йирик
ҳарбий ҳўмондон, моҳир
саркарда ҳамда битмас-
туғанмас ғайратга эга
раҳбар ва шу сабабли
ҳатийатли, қаттиққўл
жангчи бўлгани рост, бироқ
бу - биз у ҳақда билганлар
римизнинг ҳаммаси эмас.
Бу инсон тиниб-тинчимас
бунёдкор эди...

йирик мамлакатлар ва Византия дахлсизлигини тан олган. У Франция, Англия, Генуя ва Венецияга эркин алоқаларни, савдогарлар ва мол ала-машишни тақлиф қилган.

Шундай қилиб, у ўз юртининг Европа билан яқин қўшничилиқ қилиш ва ҳозирда «Буюк йпак йули» деб аталадиган савдо йўлларини раънақ топтириш нияти борлигини кўрсатган. Франция Қиролининг жавобидан, масалан, унинг хати яқши кутиб олингани хўрониб туради. Амир Темур вафоти ўша давр учун жуда илғор ғояли бу ришталарни узиб қўйган.


А. САИДОВ: Амир Темур - бутун бир тарихий даврга асос солган оламшумул шахс. Унинг ишларини Темурийлар сулоласининг вакиллари давом эттирганлар. Шунинг учун Сохибқирон тўғрисида ёганда Темурийларни четлаб ўтиб бўлмайди. Бу соҳада хали қилинадиган ишлар кўп.

Л. КЕРЕН: Мен Темурийлар тарихини ва уларнинг ўша давр мамлакатлари ва тузумлари билан ўрнатган сийсий ва маданий алоқалар тарихини бир қадар камроқ биламан. Ҳозиргача Темурийларнинг умумий тарихи йўқ. Умид қилиш керакки, бир ёки бир неча тарихчи алоҳида-алоҳида ўрганишган манбаларни йиғиб, умумий бир асар яратад.

Темурийларнинг Ҳирот ва Шерозда ҳуқоронлиқ қилганлари ҳақида маълум бўлган ҳужжатлар бу мавзунинг тарих ва тараққиёт учун жуда бой манба ҳамда тухфа эканидан илҳомладир. Темурийлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида мавжуд ҳужжатларнинг аксарияти «сарой хабарлари» бўлиб, ўрганишда воқеалар ҳақида нотўғри тасаввур беради.

Улар болалигида, устиринлик даврида нима билан шуғулланганлари, ўзларини қандай тутанларини, Темурбекка муносабатлари ва Амир Темур уларнинг тарбиясига ва кейинги тақдирига қандай таъсир кўрсатганини билишни истар эдик. Бу ҳақда - қатта ва ажойиб китоб ёзиш учун маълумотлар бор.

А. САИДОВ: Жуда тўғри. Ҳазрати Амир Темур шахсияти ва фаолияти шунчалик кўп қирралики, турли манбаларда ва асарларда ҳар хил фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Шу боис мулоқоти-милини ўзбек матбуотида айтилган бир таклифни қўлаб-қувватлаш билан яқунласак. Ҳақиқатан ҳам, Сохибқирон ҳаётини тула камраб олган, энг сўнги маълумотларга таяниб битилган «Амир Темур қомуси»ни тузиб, нашр этиш вақти келди.




Алишер Навоийнинг «Сабъул сабер» асарига ишланган қадимий шомс.

*Titre de l'œuvre d'Alisher Navoi
«Sab' al sayyir» («Sept planètes»).*

Клавихо асари Марказий Осиёга қилинган сафарларни, Амир Темурни ва унинг атрофидаги жамиятни ва ниҳоят Самарқандни ўраганиш учун биринчи туртки бўлган. «Кундаликлар»нинг Клавихо шахсан кўрган ёки эшитган воқеаларни ўз ичига олган ҳисли, яъни ўзи сувоҳ бўлган воқеалар ҳаққоний туюлади.



THE UNIVERSITY OF CHICAGO PRESS
530 N. Dearborn Street, Chicago, IL 60610
1-800-842-6796
www.press.uchicago.edu
Copyright © 2004 by The University of Chicago Press
All rights reserved. Printed in the United States of America
10 9 8 7 6 5 4 3 2 1

The image features a decorative border at the top and sides, consisting of a repeating geometric pattern of interlocking hexagons and octagons, characteristic of Islamic art. A large, stylized archway is superimposed over the center of the page, with intricate Arabic calligraphy inscribed along its inner curve. The text is centered within the archway.

EXEMPLES ЛЮСЬЕН КЕРЕН
D'ŒUVRES ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ
LITTÉRAIRES ФАОЛИЯТИДАН
DE LUCIEN KEHREN НАМУНАЛАР



Амир Тезгир давлатининг тууриси.
Атмосфераси д'Эбат д'Амир Тезгир.



Профессор Люсьен Керен
Professeur Lucien Keren

Француз олими ва адиби Л. Кереннинг асарларида Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ катор бошқа манбаalarda тасдиқланган аниқ тарихий маълумотлардан ҳам, шунингдек, Соҳибқирон шахси ва ҳатто унинг феъл-атвори, диди ва таъби ҳамда қизиқишлари ҳақида қимматли, баъзан ҳеч бир манбада тилга олинмаган тафсилотлардан, талайгина маълуму номаълум афсона ва ривоятлардан ҳам кенг фойдаланилгани диққатга лойиқдир.

Шу маънода, ушбу асарларнинг юртимизда чоп этилиши, бир томондан, Ўзбекистон билан Франция ва, умуман, Европа давлатлари уртасида тобора кенгайиб бораётган маданий ва илмий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, буюк аждодимиз Амир Темур руҳи олдндаги ворислик бурчимизни адо этиш йулидаги камтарин бир хизмат сифатида қабул қилинади, деган умиддамиз.

Амир Темурунинг Париждаги элчиси

Маълумки, Амир Темуру Европа мамлакатларига масихийликни дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франдиско, Франциско Садру, Султония архиепископи Иоани ана шундай вазифаларни адо этганлар. Мисол учун, 1402 йилда рухоний Иоани Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг хатларини олиб борган. Шу маънода, архиепископ Иоанининг «Амир Темуру ва унинг саройи ҳақида хотиралар» асари ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб Европа тилларида яратилган 500 дан зиёд, Шарқ тилларидаги мингта яқин жиддий асарлар орасида алоҳида урин тутати. Элчи Иоани хотираларининг иккита франдузча қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар Франция Миллий кутубхонасидаги франдуз фондида сақланмоқда. Асар 23 бобдан иборат, унда Соҳибқирон Мовароуннаҳр тахтига ўтирган кундан бошлаб 1402 йилнинг августигача бўлиб ўтган асосий воқеалар қаламга олиingan. Соҳибқироннинг Европага элчиси ҳисобланмиш Архиепископ Иоани қаламига мансуб ушбу асарни Л. Керен ўзининг изоҳлари билан бирга франдуз тилида нашр эттирган. Ушбу асарда Л. Кереннинг илмий-тарихий изоҳлари муҳим аҳамиятта эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Мукаддима

Бу ҳужжат 40 бетдан иборат бўлиб, Париж миллий кутубхонасида сақланади. У бошдан франдуз тилида битилиб, кейинчалик латин тилига ўғирланлиги ҳодисалар изчиллиги ўзгарганлигидан dalolat беради. Бу франдузча матн А. Моранвиленинг «1403 йилда Доминиканлик томонидан тузилган Амир Темуру ва унинг саройи ҳақидаги эсдаликлар» китобида тўлалигича қайтадан ўз аксини топган.

Амир Темуру билан бир неча европалик учрашишга муяссар бўлган, аммо шулардан иккитаси у билан учрашгани ҳақида ёзма маълумот қолдирган. Улардан бири Кастилиянинг элчиси Руй Гонсалес де Клавихо (1404 й.) ва иккинчиси – Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI қироллиги давридаги элчиси бўлиш Султония архиепископи Иоани III ҳисобланади.

Асли доминиканлик роҳиб, папа томонидан епископ унвонига сазовор бўлган (мусулмон подшоҳининг ишончли қопари) Иоани III, ҳозирда Париж кутубхонасининг миллий архивида сақланаётган Амир Темуру ва унинг ўғли Мироншоҳнинг ноёб хатларини қиролга олиб келган. Архивда сақланаётган бу ҳужжат Амир Темуру ва ўғли Мироншоҳнинг форсийда ёзилган хатларидан ташқари, асл нусхаси роҳиб Иоани III томонидан олиб кетишган Шарль VI нинг Амир Темуруга латин тилида битилган жавоб хатидан иборат.

Бу хат туфайли у Қирол қабулида бўлишга сазовор бўлган ва бу хат, хатни келтирувчисига бўлиб ўтган ҳодисаларни гапириб бериш масъулияти юклатилган ишонч хати бўлган. Иоани III 1402 йил 28 июлда Амир Темурнинг турклар устидан батамом ғалаба қозonganлигини ва уларда сақланаётган христиан маҳбуслари (Амир Темуру томонидан) озод этилганини етказди.

Амир Темуру Франция Қироли билан савдо ва дўстона алоқаларни ўрнатиш истагини ифодалагани ва роҳибни ўзининг ижрокчиси этиб тайинлагани учун роҳибдан Қироллик кенгаши бутун Османи Босиб олиш арафасида турган, бир пайтнинг ўзида таҳликали ва илоҳий кучга эга бўлган бу тисол ҳақида кичкина хотира тузишни иттимос қилишди.

Франдуз тарихчилари ва уша даврдаги епископлик архивининг ҳужжатлари ҳамда келиб чиқиши италиялик бўлган Иоани III нинг франдуз тилида икки ҳафта ичида яратган асари бу воқеаларнинг бўлиб ўтганлигидан dalolat беради. У ўзининг қўлёзмасини Қироллик

кенгашига 1403 йил июнь ойининг охирида ўзининг Италия ва Англияга саёхатидан олдин топширади.

Бу хужжат 40 бетдан иборат бўлиб, Франция Миллий кутубхонасида сақланади. У бoshдан француз тилида битилиб, кейинчалик латин тилига ўтирилганлиги ходисалар изчиллиги ўзгарганлигидан далolat беради. Бу французча матн А. Моравилленинг «1403 йилда Доминиканлик томонидан тузилган Амир Темур ва унинг саройи хақидаги эс-даликлар» китобида тулалигича қайтадан ўз аксини толган.

Бу хотира 23 та бўлимдан иборат бўлиб, мен уларнинг серма-мун қисмларини замонавий француз тилига баён этишга ва таржима қилишга ҳаракат қилдим. Мен ҳар битта бўлимни ёзма равишда иф-даладиим. Бу мемуарда Клавихо ва Арабшох қолдирган манбаларга мос келадиган ишонarli маълумотлар бор. Шу билан бир қаторда, Амир Темурнинг қонхур босқинчи ёки адолатпарвар, ҳақуёй подшоҳ бўлганлиги тўғрисидаги афсоналарни учратиш мумкин.

Иоанн Ш хотирасида ёзилишича, Амир Темурни биринчи марта 1395 йилда Оттин ўрдага қарши юриши пайтида Наҳичивонда учрат-ганлигини ёзган. У шу пайтгача Самарқандда бўлмаганлиги хақидаги маълумотлар, уша даврдаги одамларнинг Амир Темур хақидаги бил-ганлари ва гапириб берганларининг бу маълумотларга мос келиши тарих учун ноёб далилдир. Ачинарли тарафи шуки, у бизга Амир Темур билан қандай учрашганлиги ва Амир Темурнинг унга нисба-тан ишончи қандай пайдо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотни ёзиб қолдирмаган.

Эслатила: Ҳозирги замон француз тилига таржима қилинган бу эс-далиқнинг байқалар матни – оддий босма ҳарфларда, манбадан кучирилган матн-лар – туқ ёзма ҳарфларда, менинг изоҳларим эса ёзма ҳарфларда битилган.

Архиепископ Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи хақида хотиралар

1. Темур Бейнинг тахтага ўтириши

Бу ҳукмдорнинг қўли дастлаб умчалик узун бўлмаган ва уни қўлчилик танимаган, унинг қўл остида ўзига ўхшаш оилалардан чиққан атиги ун қўғлик маслакдоши бўлган. Бироқ, у ёшилганиданок ўз ақл-заковати ва уддабуронлиги ила етти қалқори билан шафқатсиз ҳошда, яъни моллар ва бошқа нарсаларни ўғирлаб, қароқчилик ибули билан бойлик орттира борди, шу алфозда ҳамроҳларининг сони ортиб, қирқтага етди ва шундан сўнг у отлар, бошқа қониворлар, истехком ва амлоқларни эгаллаб, маслакдошлари сонини нилхоятда қўпайтирди, куч билан Рефюж¹ қалъасини қўлга киритиб, ўғирпаган мулкларни ва улжаларини ўша ерга жойлади; шу нусинда унинг истехкомлари, шахар ва амлоқлари кундан-кунга қўпайиб, ўзи кучайиб борди².

¹Нахшав, ҳозирги Қарали шаҳри. Ибн Арабшохда ҳам кўпди шу шаҳар эътибордан Қаранг Амир Темур тарқи. Т., 1992. 2-жилдик. 1-йилд. 78-бет (Рефюж французчагити «башшав», «мак-лан» деген маънони беради, қис қичдаги ижоллар Б. Эрматовнинг).

²Рун Гонсалес де Клавихо ва шунга ўхшаш таърих бор. Қаранг: Рун Гонсалес де Клавихо Дюссельн сўтенишини в Самарқанд ва шару Темур (1403-1406). – М.: Наука, 1990. – С. 104 (42 а-б).



Султония архитективни Ишонинг «Амир Темур ва унинг сароиси ҳақида» картиналари асари. Париж, 2012 йил.

«La vie et la cour de Tamerlan». Par Jean de Soltaniéh. Paris, 2012.

Ўзининг қилмишларидан буюк Мўғулистон императорининг газаби қайнаб турганини сезган Темур Бей тўпла-тўғри Хитой императорининг хузурига борди, бу киши камарли насронийлар мазабидан бўлиб¹, мўғул императорининг рақиби ва душмани эди. Темур Бей шу насроний император хузурида кўп ҳаракат қилиб, ундан қудратли бир қушинни ёрдамга олди; шу қушин билан у зикр этилган Мўғулистон императорининг катта ерларини қўлга киритди; хусусан, у Семеркант² шаҳрини эгаллади, шаҳар Шарқда жойлашган бўлиб, Мўғулистон императорига қарарди. Шундан сўнг у (Амир Темур) насроний императорининг лашкарларига рухсат берди.

Темур Бей томонидан шу сифат ҳўрланган ва ҳақоратланган мўғуллар императори ўз рақибига қарши қурашиш учун жуда катта қушин тўплади ва унинг хузурига элчилар йўллади; элчилар унга (Амир Темурга) ёҳуд жанг майдонига чиқишни ёҳуд Мўғулистон императорига сўзсиз итоат этишни айтишлари лозим эди; агар у (Амир Темур) унга (Мўғулистон императорига) итоат этса, катта ҳоким этиб тайинланиши ваъда қилинган эди.

Хузурига келган элчиларни қўрган Темур Бей катта макр ишла-тиб, қўрпа-тўшак қилиб олди ва ўзини бетоб қилиб кўрсатди, зеро у зикр этилган императорнинг куч-қудратини яхши биларди: у қандай қилиб рақиби ва унинг элчиларини ғафлатда қолдиришни ўйлай бошлади. Яхшилаб фикр қилиб бўлғач, янги сўйилган мол қонини келтиришларини буюрди ва уни ютиб олди ҳамда элчиларнинг не мақсадда келганини билиш учун уларни тезгина ўз хузурига қорлади. Элчилар унинг хузурига кирган чоғ унга (Амир Темурга) шошильиқ равишда тоғора келтирдилар ва у элчилар ҳозирлигида ютган қонини қайд қила бошлади; улар (элчилар) бу қонни унинг (Амир Темурнинг) қони деб ўйладилар. Бу билан у элчиларга ўз тақдирдан қочиб қутула олмастлигини ва дардига ҳеч қандай даво йўқлигини, яъни тез орада ўлажақлигини билдирди. Ушбу хабардан сўнг элчилар бемалол қайтиб кетишлари мумкин эди, чунки улар Темур Бейнинг ўлаётганини ўз кўзлари билан кўришган эди³.

Бундан хабар топган император кўп шодликларга тўлди ва ўз лашкарларига, уларнинг хотинлари ва фарзандларига ижозат бериб, кичик бир аскарлар гуруҳи ва ўз хотинлари ҳамда фарзандлари билан хурсанчилиқка берилди. Элчилар қайтиб кетганига ишонч ҳосил қилган Темур Бей сакраб тушагидан турди ва бутун қушини билан зикр этилган императорнинг кетига тушди; Темур Бей уни хотин-лари ва фарзандлари ҳамда кичик бир аёнлар гуруҳи билан айланишрат қилиб турган чоғида учратди. Темур Бей қилччини қутарди ва императорни маҳв этди ва унга қариндош бўлган хотинини унга хотин қилиб олди, ўғилларига императорнинг қизларини олиб берди ва эркак зотидан бўлганларнинг ҳаммасини ўширди, фақат биттасидан ташқари, уни ўз ёнида олиб қолди, исми Солтамақуш⁴ эди; Темур Бей унинг исми билан ҳўқмонлик қилди. Ва шу йул билан у бутун

¹ Камарли насронийлар ёҳуд маронитлар унга даврда Пекижда яшagan насронийлар катта камар тақиб қиринган.

² Самарқанд.

³ Бу халқода чинан ҳам жон бор: аммакин Хожи Ёрғоқ Бовмед Жалолтур билан бирга

уни ва қариндош фотиа таёрифтаётганидан хабар топган Амир Темур учалқон уиришган бир қалъа да бундан кучи қон одататини бақога қилиб, таъбирга чинаб ятган ва фалокатдан оғиб воқоати (Шарҳиқдон Али Яқин, Зофарнома, 24-25 (146-бетлар).

⁴ Суқратмуш.

Тартария империясини¹ қўлга киритди. Бу воқеалар рўй берганида у ХЛ (40) ёшда ёхуд каттароқ эди; шундан сўнг у Шарқдаги куп илоятларни қўлга киритдиким, жумладан уларнинг бири Сиенана² деб аталади, бу хусусида қуйида сўз юритилади.

II. Кереннинг изохи: Амир Темурнинг оддий оиладан чиққанлиги, уз фаолиятини дўстлари билан мол устиралишдан бошлаганлиги ҳамда унинг атрофида Чингизхон сулоласига мансуб мулозимлар булганлиги бошқа классик манбаларда ҳам қайд этилган, бироқ унинг Хитойнинг насоро императори билан шиттифох музоамалиги ва ҳатто Тартирия императорининг ўни дўрди умуман маъжудлиги ва зикр этилган жойларга келганлиги афсонадан ўзга ирсиз эмис. Бироқ Амир Темурнинг амир Хусайини ўлдириб, унинг бева-си, муеул авлодидан булган хонзода Сароймулхонинга уйлганлиги рост³.

II. Темур Бей исмининг талқини хусусида

Шундай қилиб, бу татар императорининг исми Темур Бей эди; бу исми куйидагича талқин қилинади ва изоҳланади: Темур Бей атоқли отиди ва «темир» сўзидан келиб чиқкан бўлиб «teг» (темир, фр. тарж.) маъносини билдиради ва «бей» сўзи «хукмдор» маъносига тенг бўлиб, «темир хукмдор» деганини англатади. Бошқалар уни «Тамурлан» деб аташади, бу сўз ҳам «темир» дан келиб чиққан бўлиб, французчасига «Темур оксок» деган маънони билдиради; «оксок» унинг лақаби эди.

Бу татарча ва форсча талқинлардир. Эронда уни «миритабам», яъни «хукмдор» деб ҳам, «калан», яъни «буюк хукмдор» деб ҳам аташади.

II. Кереннинг изохи: Чиндан ҳам унинг исми Темурбек, Темур хукмдор булган, уни «Тамур» ва «Тамурлан» (форсчадаги «лан» – «оксоқ» лақабининг Темурга қўшилгани) деб ҳам аташган. Унинг исмига Соҳибқирон ва Қўрғон унвоқларини қўшганлар. Соҳибқирон «сайралар соҳиб» маъносини билдиради, Қўрагон эса, чингизий хонзодаларга уйдилганларга бериладиган мўгул унвоқидир⁴.

III. Темур Бейнинг унвоқи хусусида

«Темур Геракан сосмус» ибораси Темур «императорнинг ўғли» ёки «куёви» деган маънони билдиради ва «сосмус» – «бизнинг катъий сўзимиз» деганидир⁵; у ўзини на Қирол, на император ва на бошқа ном билан атайди. Ва у қачон сузласа ва амр этса, император номидан сузлайди ва амр этади ва унга хурмат кўрсатиб, йилга бир марта уни бориб кўради; ва бу хурматдан сўнг у ўша император ҳақида гапириб, унга ўз сароитида иззат кўрсатаётганини айтади. Бироқ Темур Бей барча ишни Императорнинг тамғасисиз амалга оширади.

II. Кереннинг изохи: «Сосмус» дегани «бизнинг сўзимиз» деганидир. Бу ерда тп Амир Темурнинг фармонлари ҳақида келтирили, фармонлар «Темур Қўрғон сўзимиз!» шаклида бошланган⁶.

¹ Европага ўрта асрларда Мўғулистон ва Хитойнинг ўрта қисми Булж Татрарча деб аталган.

² Сиенан – Мозандарон яқинидаги шаҳар.

³ La Timuride, Paris, 2004, No 28, P. 18

⁴ La Timuride, Paris, 2004, No 28, P. 18.

⁵ Бу ерда тп Амир Темурнинг Фармон Қирони Шарҳ VI га ёзилган – Темур Қўрғон сўзимиз ибораси билан бошланувчи мактуби хусусида келтирилган. Фақат ишонқол Ўзини таълоқидан «Темур» сўзининг ўрнига «Қўрагон» сўзи қўйилган, «бизнинг кўши» маъносига тўғри келди.

⁶ La Timuride, Paris, 2004, No 28, P. 18.

«Амир Темур ўзини на Қирол ва на император деб ҳисоблайди, бироқ ҳозир у жуда катта ва қудратли хукмдор, зеро шу пайтгача Шарқда ҳеч ким унга тенг келадиган бирорта инсонни кўрган ҳам, учратган ҳам эмас.

Иоани,

Сулофия архиепископи

IV. Унинг ирқи хусусида

У келиб чиқиши бўйича шарқлик татарлардан бўлиб, уларнинг миллати Йокате¹ деб аталади, баъзиларнинг фикрича шу томонларда бизнинг Исус Христоста тенг келадиган уч Қирол утган экан. Бу ўлкага Хиджистон томонидаги Персиядан кейин келадиган Корасин² вилояти, Медие³ вилояти ва бошқа вилоятлар қиради. Бу улка таркибига хирувчи яна бир шаҳар бу Темур Бейнинг шаҳри Семерканддан жуда йироқда, юз кунлик масофада, Жийон дарёсидан нарида - Персияда жойлашган Сузис⁴ шаҳридир.

Л. Керенининг изоҳи: *Чигатой?! Ундан кейинги намланинг ҳам учча қизиги йўқ⁵.*

V. Ўғилларининг насл-насаби ва исмлари хусусида

Темур Бейнинг кўп ўғиллари бўлган ва ҳозир улардан атиги иккитаси ҳаёт, уларнинг каттасини Миранза деб аташади ва унинг ёши XL (қирк) ёки ундан бир оз катта; энг кичиги Сонхарни деб аталади ва унинг ёши XXII (ийгирма икки) атрофида⁶. Биринчисининг исми куйидагича талқин қилинади: мир - жаноб ва за - Қирол, яъни «жаноб-би Қирол». Иккинчисининг исми француз тилида «Қиролнинг юзи» маъносини беради. Тўнғич ўғил барваста, хушмуомала, хурфирх ва барча насроний каби, отасининг саройида ҳамма уни хурмат қилади. У насронийлар ва франкларни, яъни барча лотинларни (европаликларни) жуда яхши кўради; у бамисоли иккинчи Александр (Александр Македонский); унинг IV (4) хотини ва IV (4) ўғли бор: хотинларининг энг суюқлиси император авлодидан ва Конзада (Хонзода) деб аталади - у ўлган акасининг хотини бўлган. Ўғилларининг лашкарлари катта, яъни XX-XXX (20-30) минг кишидан иборат ва саройлари ҳам катта, айниқса, Абасимеза⁷ исми тўнғич ўғлининг лашкари жуда катта; бу исм «Худонинг марҳамати ила туғилган» дея талқин қилинади, бу ўғил қурол ишлатишга жуда мохир. IV ўғиллардан яна бирининг исми Омариза⁸ бўлиб, у Темур Бейнинг лейтенанти: унинг саройида мулозимлар кўп, кўл остида катта ўлка бўлишига қарамай, шароити оғир ва бесаришта; унинг икки ўғли бор.

Л. Керенининг изоҳи: *Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ Мирзо чиндан ҳам Умар Мирзо чингизий Хонзодага уйланган эди. Иоанн Сонхарни деб атаган иккинчи ўғли Шохруҳ Мирзодир.*

VI. Жиялари ва набираларининг сони хусусида

Темур Бейнинг LX-LXX (олтмиш-етмиш) чоғлик ёхуд ундан зиёд жияи ва набиралари бор; уларнинг энг биринчиси катта акасининг ўғли бўлиб, она томонидан император авлодидан ва катта амлокка яъ: иккинчисининг кўп ўлкалар ва томонларда ўзига маслакдош ва содиқ вассаллари бор; унинг исми Мамузатаин⁹.

¹ Йокате - Чигатойнинг французча номидан; Diagatai, Jagatai, Iocatai.

² Корасин - Хуросон.

³ Медие - Самарканд.

⁴ Сузис - ҳозирги Эроннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Суза шаҳри, шайонийлар давлати пошти, тарабга айланган.

⁵ La Timuride, Paris, 2004, No 28, P. 18

⁶ Бу ёшига Мироншоҳ ва Шохруҳ элида кетаяпти.

⁷ А. Мироншоҳнинг фикрича бу Абубакр Мирзо, Мироншоҳнинг туғилган ўғли бўлса керак.

⁸ Умаршоҳ Мирзо.

⁹ Элимий Мирзо Сулеймон Хусейн.

Л. Кереннинг изоҳи: *Мирзо Султон Хусайн сурналиклар тарафига ўтишга ҳаракат қилган.*

VI. Темур Бейнинг хотинлари хусусида

Темур Бейнинг тўрт қонуний хотини ва қўллаб қанизаклари бор. Катта хотини император оиласидан бўлиб, Карон¹ деб аталади ва доимо аёллар доирасида фарғат топади ва эркакларни асло ёқтирмайди; у соғлиғи ёмонлиғи туфайли ҳар куни (табобиятга) минг дукат (тулла) сарфлайди, тез-тез хотинлар қуршовида юради.

Л. Кереннинг изоҳи: *Бу ерди ган Сароймулкхоним ҳақида кетаяпти.*

VIII. Темур Бей ҳукмронлигининг бошланishi

«Ёшлигида у ўз тенгқурларига ўхшаш йигит эди, аммо ақл-заковати, зукколиғи билан ажралиб турарди ва доимо мард йигитлар қуршовида юрарди; у доимо Худони олқишлаб юради ва нима қилса барисини Худо учун ва унинг хоҳиши билан қилади; ўзининг айтишича, у бир бечора аёлнинг ўғли, кучсиз ва камбағал йигит бўлган, у нимага эришган бўлса, Худонинг марҳамати ила эришган, вақти келиб буларнинг ҳаммасини Худого қайтаради. Яна унинг айтишича, барча бўладиган нарсани Худо унга олдидан башорат қилади».

**Иоанн,
Султония архиепископи**

Ёшлигида у ўз тенгқурларига ўхшаш йигит эди, аммо ақл-заковати, зукколиғи билан ажралиб турарди ва доимо мард йигитлар қуршовида юрарди; у доимо Худони олқишлаб юради ва нима қилса барисини Худо учун ва унинг хоҳиши билан қилади; ўзининг айтишича, у бир бечора аёлнинг ўғли, кучсиз ва камбағал йигит бўлган, у нимага эришган бўлса, Худонинг марҳамати ила эришган, вақти келиб буларнинг ҳаммасини Худого қайтаради. Яна унинг айтишича, барча бўладиган нарсани Худо унга олдидан башорат қилади.

У ўзини на Қирол ва на император деб ҳисоблайди, бироқ ҳозир у жуда катта ва қудратли ҳукмдор, зеро шу пайтгача Шарқда ҳеч ким унга тенг келадиган бирорта инсонни қўрган ҳам, учратган ҳам эмас, айниқса, у Семеркант шаҳрини ва Тартариya империясини қўлга киритганидан кейин шундай қудратга эга бўлди: зотан, у (империя - тарж.) Шарқда томон шунча катта макон ва йўл эгаллаганики, унинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига етиш учун тилмай ярим йил йўл босиб керак. У қўллаб вилоятлар, шаҳарлар қўрғонлар, амлоқларни қўлга киритди ва тобе этди. Жумладан, у Ҳиндистондаги Дилли² деган шаҳарни забт этди ва Қиролини тобе этиб, шундан сўнг Фарбога томон юрди ҳамда Константинопольгача бўлган барча улкаларни эгаллади.

Л. Кереннинг изоҳи: *Бу каби мулоҳазалар уша даврдаги бошиқа биткиларда ҳам учрайди ва ҳақиқатга яқин туради. Одамлар орасида Амир Темур ўртадан бир оиладан чиққан ва бутун Шарқни эгаллаган ҳукмдор, бирор марта ҳам мағлубият аламини татимаган ва барча ўлкаларни маҳд этган сирларда деган афсона тарқалган эди. Бу унинг Худо ёрлагани инсон эканлиги ва барча ҳодисалар унга фарқишталар томонидан башорат қилинишидан дарак беради. Бироқ, шу билан бирга, у ҳақиқатан ҳам барча муҳорабаларда зафар қозонгани ва алимларнинг қандой жанг усулини ташкилини олдидан била олиш қобилияти маъжудлигини нам олиши керак. Архиепископ Иоанн фарқишталар ҳақидаги гапларга унчалар эътибор бермаган бўлиши ҳам мумкин.*

IX. Темур Бей ҳукмронлик қиладиган вилоятлар ва ўлкалар хусусида

Темур Бей ҳукмронлик қиладиган Ҳиндистондан Туркиягача бўлган масофани бир одам пиёда нақ бир йилда, IX (тухки) ойда босиб ўтади; у жуда катта вилоятлар ва катта қиролликларни

¹ Сароймулкхоним (Клавдиова - Кано).

² Дилли - Делли.

узига тобе қилди; унинг салтанати таркибига, жумладан, куйидаги улкалар киради:

Дилли (Дехли), йирик шаҳар.

Сименан¹ вилояти.

Маластан² вилояти, қиёматбаҳо тошлар улкаси.

Феринус³ вилояти, ҳинд зирворлари шу ердан келади ва Сийон⁴ дарёси орқали бошқа улкаларга олиб ўтилади.

Органун, бу вилоят Персияда Корасмо⁵ деб аталади.

Чин-Мочин⁶, шифобахш ўсимликлар ўсадиган вилоятлар, у ерларда ясалган чиройли буюмларни Генуяга олиб кетишадди, тупроғи яхши сақланади, айтишларича, бир буюмни қирқ йилда ясашар экан.

Бокара⁷, аъло сифатли олтини билан машхур вилоят.

Коросан⁸, XXX (ўттиз) шаҳарли вилоят.

Медиа⁹, жуда катта вилоят.

Спахан¹⁰ вилояти.

Сирас¹¹ вилояти.

Шилан¹² шаҳар ва вилояти, Каспий ёхуд Бачин денгизи яқинида.

Арран¹³, жуда катта вилоят.

Порт Ферре¹⁴, жуда катта вилоят ва Александр денгизи Кавкази деб аталган тоққача қазиб олиб борган шаҳар. Бу тоғда турфа тилии халқлар яшайди, Темур Бей улардан бирортасини ҳам эгаллаган эмас, яна айтишларича, бу тоғда бошқаларга қўшилмайдиган халқлар ҳам яшар эмиш, уларнинг номлари Гог ва Магог¹⁵.

Жоржия¹⁶, Қироллик ва жуда катта вилоят.

Буоқ Армения¹⁷, у ерда Нух пайғамбарнинг ёйи жойлашган тоғ бор.

Курдистон, жуда катта вилоят.

Калдея¹⁸ вилояти.

Астрия¹⁹ вилояти.

Рум²⁰ вилояти.

Туркия вилояти.

«Амир Темур салтанати Шарққа томон шунча қанча макон ва йул эгаллаганки, унинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига етиш учун тинмай ярм йил илм босиш керак».

Иоанн,

Султония архиепископи

¹ Симмон - Мошдарошдаги улка.

² Маластан - А. Моравилленнинг фикрича - Бадахшон. Марко Поло ушун Баласан деб атаган.

³ Феринус - А. Моравилленнинг фикрича - Кеферан ёки Кимекредаги Новонор вилояти Африка дарёси бўлида жойлашган шаҳар. Ҳинд зирворларининг Сайхун ёхуд Сирдарё орқали кириб келишига катта ўсратилган (А. Моравилле).

⁴ Сийон - Сайхун - Сирдарё.

⁵ Урганч, Хорезм - Марко Полонинг таърифида Органа (Voyages anciens et modernes. L2. p. 221, page 3.)

⁶ Чин-Мочин - Хитой.

⁷ Букара.

⁸ Хорасон.

⁹ Самарканд, Эроннинг шимоли-ғарби

¹⁰ Исфаҳон.

¹¹ Шерош.

¹² Тилиш - Каспий денгизининг жануби-ғарбида.

¹³ Арран - Голландиянинг шимоли, Гуржистон (Грузия) жанубида.

¹⁴ Порт Ферре - Каспий денгизининг ғарби кириғи, hozirgi Болу шаҳрининг шимолида жойлашган деҳор. Ривоятларга қараганда бу деҳорни Александр Македонский Эронинг шаҳарлари қанча қанча учун қурдирган экан. Ҳозир деҳор қаробанари Қизил Алан деб аталади. Араблар бу деҳорни Баб-ал-Абузб, турлар Демир Капу деб аташган.

¹⁵ Гог ва Магогнинг бунга алоқиси вуқ Муаллиф Каспий денгизининг шимоли-ғарбида яшайдиган халқларни шундай атаган.

¹⁶ Грузия.

¹⁷ Арманистон.

¹⁸ Ирош Аҷиб.

¹⁹ Астрия.

²⁰ Туркиянинг Осиёдаги Босфор бўғошига булган қисми.

Ва бундан ташқари, кўплаб вилоятлар ва шаҳарлар унинг салтанати таркибига кирди, уларнинг сони юз мингта, кискароқ бўлиш мақсадида номларини келтирмаймиз.

Л. Кереннинг изоҳи: *Амир Темур қўл остига ўтган вилоятлар ва шаҳарларнинг тўлиқ бўлмаган ва тугери номлангани.*

Х. Темур Бейнинг маҳорати ва қудрати хусусида

Қиска килиб айтганда, Темур Бей жантохларда барчани, жумладан, Тартариянинг буюк императорини, кўплаб кироллар ва шахзодаларни енгди, на бирор шаҳар ва на бирор истеҳком унга дош бера олган; у сонсиз ва саноксиз шаҳарлар ва қўрғонларни забт этди ва ҳисобсиз халқларни тобе қилди, шаҳарлар, қўрғонлар ва истеҳкомларни ер билан яқсон этди; саноксиз маҳорабаларда зафар қозонди ва мана ҳозир ҳам у Буюк Туркни (Боязид Йилдириمني) маҳв этди ва Туркия уники бўлди; кўплаб кироллар, шахзодалар ва катта ҳокимлар унинг тарафида.

Л. Кереннинг изоҳи: *Соҳибқирон қўлга киритган ўлкалар номини қайтарилиши, «у буеун Буюк Туркни маҳв этди ва Туркия уники бўлди» сатрлари билан тугайди.*

XI. Темур Бейнинг буюклиги ва лашкарларининг сони хусусида

Бу хусусида ҳар хил гаплар юради, бироқ унинг лашкарларининг сони қанчалигини ҳеч ким аниқ билмайди: айриқларнинг айтишича, унинг қўшини X (ўн) юз минг (миллион - тарж.) аскардан ва ҳамиди VII (саккиз) юз минг отлардан ибрат; туялар ва бошқа жониворларнинг эса, асло ҳисоби йўқ. Унинг яна XI (кирк)та жанговар фили бўлиб, аскарлар уларнинг устида ўтириб жанг қиладилар; қуролланган суворий шахзодалар ва мард инсонлар у билан бирга юрадилар, улар енгил қуролланганлар ва ортиқча аслаҳалари йўқ, улар шамширлари ва қамонларига ишонишади ва хусусан, унга XXXVI (ултти олти) йилдан бери ҳамроҳлик қилиб юрган одамлари шаҳарларга кирмайдилар, аксирач, доимо очик далада тунайдилар.

Л. Кереннинг изоҳи: *Айрим муаррихлар унинг бир миллион аскарлари ва савқиз юз минг отлари бўлган, деб хабар берадилар. Айтишимларича, унинг олтинини жанговар фили ҳам бўлган экан. Бу рақамлар ҳақиқатга тугери келмайди.*

XII. Темур Бейнинг бойликлари хусусида

Унинг турпи шаҳарлардан ва амлоқлардан тортиб олиб, Семерканд шаҳрига жунатган бойликларининг сон-санови, оғирлиги ва миқдорини ҳеч ким билмайди. Худди шундай йўл билан у қўл остидаги барча вилоятлардан йиққан хирожларини ҳам у ерга (Самарқандга) юборди; кимматбаҳо нарсаларга келганда эса, айтишадикки ва мен бунга ишонман, бирорта ҳам ҳукмдор, у қанчалар буюк ва золим бўлмасин, у қадар кўп пул тўплай олмаган. Ва яна у ўз қўл остидаги барча вилоятлардаги ер ости бойликларини ҳам қидириб топтириб, уларга эга бўлди; ва, айтишларича, утган йили (яъни, 1401 йил) у оғирлиги юз ва XVII эс келадиган бир жавохир топганким, VI эс бир унцияга тенгдир.

Сунгра, Бағдод шаҳри олинганидан кейин у Евфрат (Фрот) дарёсининг тубига фарқ бўлган бир кемани топди, унда Персия киролларининг барча бойликлари жойлаштирилган эди; хазинадаги соф ва нафис олтин дарахт топилиши, унда турфа рангли ва турфа ном-

«Дунёнинг бошқа бирор-бир мамлақатида Темурбек қушинида жорий этилган партиб ва интизомни учратмайси».

**Иоанн,
Султония архиепископи**

ли қийматбахо тошлар ва сон-саноксиз марваридлар бўлиб, уларчакик катта ахамиятта ва қийматта эга бўлган ёхуд улардан яхшироқ марваридларни ҳеч қим қурган эмасди. Ва у бу нарсаларнинг ҳаммасини Семеркандта жўнатди, бу ерда унинг XVIII та улкан саройи бўлиб, уларнинг барчаси бойликларга шу қадар тўла эдики, ҳеч бир инсон уларнинг таърифини қилиб адо эга олмасди¹.

Л. Керенининг изоҳи: *Амир Темуր хазинаси асосан унинг қўл остида бўлган улкалардан мол-мулк олиб утувчи қарвонлардан тушган боғлар ҳисобига бойир, бироқ унга Соҳибқирон қўлга киритган давлатлардан келтирилган бойликлар ҳам қўшилган эди; бойликлар Самарқанд шаҳридаги Кўксарой ва шаҳар ташқарисидоги унга яқин (Клавихонинг гувоҳлик беришича) саройларда ҳамда Сароймулкхонимнинг ҳодирисида сақланар эди (Фрот дарёсидан топилган олтин дарахт ва бошқа даройиб зеб-зийнатларни Клавихо шу ерда қўрган).*

XIII. Темуր Бейнинг очиқ кўнглиги ва шафқатсизлиги хусусида

У шароб ичганида меҳрибон ва очиқ кўнгли бўлиб қолади; бироқ бундай ҳолат жуда кам бўлади, яъни у жуда кам шароб ичади; алқисса, у ғазаб отига минмаган пайтларида адолат юритади: адолатнинг широри учун ўз тамғасига форс тилида «Адолат» сўзини икки марта ёздирилган². У ўз дўстларига ва элчиларга, айниқса, узоқ улкалардан келган элчиларга етарлича очикқўнглилик қилади; бошқаларга нисбатан, яъни ўзига қарши бирор иш қилган ёки амрига (хоҳишига) қарши борганларга нисбатан у ўта шафқатсиз – уларни турли азобларга солади ёки ўлимга ҳукм қилади; уни айбдорларнинг на туриш-турмуши, на насл-насаби ва на дини-иймони қизиқтиради ва айниқса, маврларга нисбатан у шундай муносабатда бўлади, ўзининг айтишича у маврларнинг тўртдан уч қисмини кириб ташлаган ва улар турли ҳолатларда ўлимни қабул қилганлар.

Л. Керенининг изоҳи: *Амир Темуր қўлаб юртярнинг элчилари, эдагонлари ва олиму уламоларини қабул қилар, улар билан қизиқarli сўхбатлар қўрар ва насороларга сўхбат чоғида шароб тақлиф этарди. У ўз душманларига ва мамлакатда ўрнатган тартиб-қоидаларига амал қилмаган фуқароларига, ҳанно энг бадавлат қишларга ҳам, уларнинг динидан қатъи назир, шафқатсиз бўлган. Бунинге натижасида ўзи мусулмон бўлган ҳукмдор асосан мусулмонларни (Йовани ҳайд этган маврлар) ва мусулмон давлатлари – Ироқ, Эрон, Олтин Урда, Шимолий Ҳиндистон, Туркия ва ҳоказоларни жазолади. Амир Темурунинг тамғаси «Куч – адолатда», форсча «Рости»*

¹ Амир Темурунинг Бағдодга биринчи юриши чоғида на Фрот ва на Давла дарёсининг султони Амад Жалолининг хазинасини толгани ҳақида Шарх муавриҳлари ҳеч нарсо айтмадилар. Бироқ, Бағдод иккинчи марта қамал қилинган пайтда, яъни 1401 йил эрда, ўзи хазина топилган бўлса алаб эмас, зеро чинили кам айман ўшанда шаҳар ҳокими Феруҳ хоний кетганда Фрот дарёсига гаярқ бўлган. Мазкур ҳодисани Шарафиддин Али Яқини қуйидагича тасвирлайди: «Алқисса, Фараи Белвалатким, Бағдод шаҳрида эрди, телбарнарсқ е фишоилларқ белса индон ағачиқ урушур эрди... Мансур черик турғиғни қириб, қикор эни дар сарини қоний белса эрдиқир, аншо ўқ ва қилчи эрди. Фараиқ Белвалат қиҳ билан қемага қириб, сулуғиқ қикори сори қилчи қатар эрди. ўқ қилқичи қизарини суғга сониб, бални талъиса бўлдиқир. Ва маллоқлар суғга билла суғга қириб, Фараилнинг қасдини чикардилар. (Зафарнома, 248-86).

² Мазкурча, Амир Темурунинг широри «Рости-русти», яъни «Куч – адолатда» деган хизмат бўлиб, бу широр унинг давлат тамғасига ҳам битилган эди. Бироқ, арменистоний Иовани Соҳибқироннинг отам асига форс тилида «Адолат» сўзи икки марта ёзилган, деб гувоҳлик беради. Иованинича, бу ерда арменистон «рости» ва «русти» сузуларини бир-бириндан ажратолмай қолган. Наҳақки Иовани, балки Қишиқо ҳам бу икки сўзнинг фарқига борматган, зеро Қишиқо эдиқам Амир Темурунинг тамғасида атизи бир сўз битилган эди, деб ёзиб қолдирган: «Слова тақ сепилат тры или четверо (қикорлар), в серелине ставит царскую печать, на котройи буквални написано «Правда»... (Рус Тархалис де Клавико. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темуру (1403-1404)». – М. Науза, – 1991) – С. – 142.

русти» сузлари битилган уч кичик ҳалҳадан иборат бўлиб, Франция Қироллига битилган мактубдан афсуски бу сузлар учиб кетган. Айрим ланбаларда келтирилишича, унинг тамғасига форсча «Рости» сузи икки марта ёзилган.

XIV. Темури Бейнинг ҳаёти ва унинг халқи хусусида

Темури Бейнинг турмуш тарзи ва халқи ҳақида шундай дейиш мумкинки, у хар доим очик далада харир шохи чедир остида умир ўтказади; зеро унинг халқи шунчалик кўпки, улар шохарда яшай олмайдилар. Бирок уларга зарур барча нарсалар худди шаҳарлардагидек бу ерга олиб келинади. Сотилади ва харид қилинади; бу ерга узоқ фўлқалардан озиқ-овқат махсулотларини олиб келувчи савдогарлар жуда кўф, бу ерда паррандалар, бошқа турфа хил махсулотлар ва ҳатто куллар ҳам сотилади; унинг одамлари жуда қимматбаҳо, нафис шохи матолар ва харир жун матолардан кийимлар кийишади; уларнинг улуглари Константинополь императори каби бош кийимлар кийишади, мартабалари қанчалар улуг бўлса-да, улар бош кийимларига қимматбаҳо тошлар тақилмайди ва айримлари туркларга ўхшаб думалоқ кокилез¹ кийиб юришади.

Унинг фуқаролари саранжом-сарништа одамлар, улар ерда стол ва курсисиз овқатланишади. Бу ерларда гўшт ва гуруч сероб, улар мутлақо мон ейишмайди, улар монни ёктиришмайди, бирок ажнабийлар тўйгунларича мон ейишлари мумкин, зеро хар қадамда мон тўлиб ётибли.

Унинг саройида вино ичиш тақиқланган, насронийлар эса, вино ичишлари мумкин, у ҳам бўлса фақат кечки овқат олдидан, овқатдан сўнг эса, сув ва қимиз ичилади, бир қимизки, винодан кам кайф бермайди. Уларнинг донли экинлардан тайёрланадиган яна бошқа бир ичимлиги бўлиб, унинг ранги сутдек оптоқ ва винодек кайф беради.

Унинг саройида номусиз аёлларнинг яшаш тақиқланган, хар қимнинг ўз хотини ва мол-мулки бор. Аёллар эркаклар каби мохир чавандозлар, улар яхши кийимли оладилар, отда юрганларида фақат бурунлари ва кўзлари очик бўлади; аёлларнинг юзлари кенг ва осийликларга хос, ҳамма қатори япашади ва саррационлар мазаҳибандчилар².

Темури Бей зиёфатларда тилла ва кумуш идишларда овқат ейти ва ўз олдишаги гўшдан вассалларига, шаҳзодалар, зодагонлар ва элчиларга улашади; ҳамма ерда ўтириб овқатланади, агар у ўзи чакирмаса унинг ёнига боришга ҳеч ким журъат эта олмайди. Унинг ўлишлари ва беклари ҳам ружасиз унинг ёнига бориб ўтирмайдилар.

Л. Керенининг изохи: Ушбу киттагина бобда Амир Темури давлатидаги фуқароларнинг турмуш тарзи ҳақидаги битимлар юқориди ёзилганларидан даярли фарқ қилмайди. Фақат икки таъкидлаш лозимки, Амир Темури қўшимлари сафида насоралар ҳам бўлган ва улар очикчасида вино (шароб) ичишган. Соҳибқирон ўз қўшимлари сафида ахлоқ-одоб сақланлишига жиддий эътибор берган.

XV. Темури Бейнинг ўз аспрларига муносабати хусусида

Агар у бирор улкани забт этишни ихтиёр этса, қора рангли туғини кўтради ва унинг аскарлари уша улкани забт этишга отланадилар, забт этилган улканинг барча бой эркак ва аёллари қиймоққа солиниб,

Амир Темури кўлаб юртларнинг элчилари, зодагонлари ва олиму уламоларини қабул қилар, улар билан қизиқарли суҳбатлар қулар ва насораларга суҳбат чоғида шароб тақлиф этарди. У ўз душманларига ва маллақанда урнатган тартиб-қоидаларига амал қилмаган фуқароларига, ҳатто энг бадавлат кишиларга ҳам, уларнинг динидан қатъи назар, шафқатсиз бўлган.

¹ Забт рақамли французча кўнмада «тоғ».

² Саррационлар – Истамбулда яшган араблар. Бу ерда исрушдан сўнишлар дегилди.

улардан турли хирож ва бойликлар йиғилади. Аскарлар аёллар ва ёш болаларни ҳам аямайдилар; уларнинг айримлари кул қилиб сотилади, айримларини банди қилиб ватанларига жунатадилар. Қолганларини улар ўзлари билан оч-наҳор, ярим яланғоч ва гурбатда олиб юришадими, куллари очлик ва совукдан ҳаётдан куз юмадилар. Шунини унутмаслик керакки, улар насронийларга ҳам, мусулмонларга ҳам бирдай муносабатда бўлишади.

Л. Кереннинг изохи: *Амир Темурга буйсунишни истамеган ёки зобт этилганидан сўнг исён кўтарган шаҳар ва ҳўронларга нисбатан қўлланган жазо чоралари ҳақидаги афсона ва ривоятлар бир-бирларига ўхшаш ва унинг шафқатсизлигидан далолат беради. Бироқ Соҳибқирон бу жазоларни бошқаларга ибрат бўлиши учун қўллаган. Иовани сўз юритган қора туя солномаларда келтирилмаган.*

XVI. Темур Бейнинг муҳораба ҳақидаги фармонлари хусусида

У фармон бериши у ёқда турсин, имо қилиши биланок хар ким нима қилиш заруригини яхши билади. У ўз қўшинини мингликларга, юзликларга ва ўнликларга бўлган бўлиб, унинг амрига итоат этимакларини боши кетади. Унинг атрофида хўплаб доворак ва мард, курол ишлатишда мохир инсонлар бўлиб, улар ёшлиқдан у билан бирга ўсишган, доимо отда юришга ва дала-даштда ухлашга одатланишган: улар на совук ва на иссиқнинг фаркига боришади.

Шундай қилиб, у жангда ҳам қатъий тартиб урнатган: кимда-ким жангда олд томонидан жароҳатланса, унга катта эҳтиром кўрсатилади, жангда орқасидан жароҳатланган кимса эса, таҳқирланади. У жасур ва мардларни куп иззатлайди ва уларга катта туҳфалар қилади.

У ўзидан кучли ғанимларга қарши жанг қилиш олдидан лашкарларини водийларга шу қадар пухта жойлаштирадики, бирор нарса ҳам унинг назаридан четда қолмайди; сўнг у ғаними ўз хўшёрлигини йўқотишини пойлайди ва шу захотиёк унинг устига қутилмаган зарба бериб, истехкомларини вайрон қилади. У қисқа муддатда узок йўл босиб ўта олади. Пухта изланишлар ва доно фармонлар ила ўз лашкарларини катта талафотлардан сақлаб қолади. Мухтасар қилиб айтганда, у шу пайтгача барча муҳорабаларда зафар кучган, ҳеч ким унга қаршилик кўрсата олмаган.

Темур Бей Туркия ва Арманистон ўртасида жойлашган Туркха қарашли (Боязид Йилдирим назарда тутилмоқда) катта шаҳар Сабастра (Сивое)га борганида ҳам худди шундай бўлган; у мазкур шаҳар қаршида XI кун турди, шундан V куни ичида қалъа деворлари ёнида шундай бир минора қурдирдики, ундан бутун шаҳар яхши кўриниб турар эди.

Ўзга чора йўқлигига амин бўлган шаҳарликлар у қон туқмасликка сўз берганидан кейин таслим бўлдилар; бироқ у шаҳарга кириб барча бойликларни кулга олиши биланок барча эркаклар, аёллар ва болаларни, юнонлардан ташқари, тутдириб келтириб, ҳаммасини тириклайиш, қандай қийинган ва қуролланган бўлса, шундайлигича, ерга қумдирди; уларнинг сони XXXVI минг ёки шунга яқинроқ эди¹.

Бу ердан кейин Темур Бей жуда катта дарё бўлган Евфрат (Фрот) дарёси бўйига борди ва у ерда V кун ичида зарур кема ва

¹ Бу ерда арманистон муболағига йўл қўйган, зеро, муножили Иохани Шильбегернинг айтишича, бу ердаги 5 минг, Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, 3 минг, Шаррафидин Ади Яқини ва Ибншоҳнинг Шамнинг 6 миң шарича, 4 минг бўлган. Клавейко ҳам уларнинг фикрларини қўлимади.

кайиқлар ясаптириб, икки ярим кун ичида бир ярим миллион кишидан ортиқроқ лашкарини дарёнинг нариги қирғоғига ўтказди. Дарёдан ўтиб, у баланд тоғ устида жойлашган Халёб шаҳри деворлари ёнига етиб борди ва шаҳар ичкарасида султоннинг кудратли қушини жойлашганидан хабар топди ҳамда қалъани қаттиқ қурашсиз қўлга кирита олмастлигига қизи етди. Шу алфозда Темур Бей Ш кун шаҳар қаршисида туриб қолди ва тўртинчи кун лашкарининг қатта бир қисмини олиб Халёбдан икки лье узокликдаги баланд тоғ ортига ўтди ва ўғлини ХХХ минг аскар билан шаҳар қаршисида қолдириб, агар султон қучлари унга ҳужум қилишса, бир оз жанг қилишни ва сўнг чекинишни буюрди. Ўғли ҳам Ш кун давомида отаси айтганини қилди. Султон қушинлари унга ҳужум қилса, у бир оз қурашган бўлар ва сунгра чекинарди; тўртинчи кун иртада жуда қатта жанг бўлди ва ўғли одатдагидан кўпроқ чекинди, султон қушинлари уни шўнчалик узокка қуулаб бордиларки, тоғнинг ортисида бекиниб турган Темур Бей фурсатдан фойдаланиб ганим қушинининг орти билан шаҳар деворлари иртасини эгаллади ва султоннинг XIV минг аскарини ўлдирди, сўнг шаҳарни эгаллаб хоҳлаганича талади ва шаҳарликларнинг қаттагина қисмини қиличдан ўтказди.

Темур Бей бу ердан Дамашққа йўл солди ва шаҳарни қамалга олди: у ерда XI кун турди ва шаҳар деворларининг кўп ерларига мина қўйдирди, буни куриб узок қаршилик қўрсата олмастликларига қўзғали етган шаҳарликлар таслим бўлишти; шундан сўнг Темур Бей шаҳарнинг барча уламолари ва қозилари қалъанинг энг қатта масжидига йиғилсинлар, деб жар солдирди; масжидга йиғилишни хоҳловчилар жуда кўп бўлди, зеро улар шундай қилсак, омон қоламиз, деб ўйлашарди. Темур Бей шаҳарга кириб, ушбу масжидга ўт қўйдирди¹, барча қозилар ва уламолар ўтга қушиб, кул бўлди: масжидда VIII-IX минг одам бор эди – бу ерга омон қолиш умидида бошқа кўпгина одамлар ҳам кирган эдилар, улар ҳам ҳамма қатори ёниб, кул бўлди. Темур Бей билан бирга бўлган савдогарларнинг айтишича, у ўз юртига тилла ва кумуш, қимматбаҳо тошлар ва бошқа нафис узуклар орттирган VIII юзта туя жўнатди.

Бу ердан у Эрондаги буюк халифа²нинг бодаш³ деган улжасига йўл олди ва Бодаш шаҳри қаршисида тўхтаб, у ерда LX (олтмиш) кун қолиб кетди: зеро, шаҳар деворларини айланиб чиқиб узунгина икки кеча-ю икки кундуз керак бўлур эди; шаҳарликлар қайсарлик қилдилар; уларнинг қайсарликларини сиқчиришти; Темур Бей бунда шундай қаяр қўрсатдики, у шаҳарни куч ишлатиб қўлга киритди ва унинг бирор одамони ҳам қолдирмай барчасини жойи ростона жўнатди; шундан сўнг у барча мурдаларнинг қаллаларини шаҳар марказидаги қатта майдонга келтиришларини буюрди ва шу бошлардан асосининг айланаси V туаз⁴ ва жуда баланд мезана қўрдирди; қаллаларнинг юзлари мезананинг ташқарисига қаратиб тахланди: бу куз қўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийлик эди. У бу ерда сон-саноксиз бойликларни қўлга киритиб, ватанига жўнатди.

Шу қатори Темур Бей Туркни маҳз этиб, Бурсага келганида яҳудий дини уламоларидан бир нечтаси унинг қаршисига чиқишди ва унга энди улар ўзларининг буюк худосига эмас, мусулмон динига зътиқод

«У фармон бериши у ёқда турсин, имо қилиши биланоҳ ҳар ким нима қилиш заруригини яхши билади. У ўз қушинини мингликларга, юзликларга ва ўнликларга бўлган бўлиб, унинг амрига итоат этмаганларнинг боши кетади. Унинг атрофида кўнлаб доворох ва мард, қурул ишлатишда моҳир инсонлар бўлиб, улар ёшлиқдан у билан бирга усинган, доимо онда юришга ва дала-дашда ухлагашга одатланганига: улар на совуқ ва на иссиқнинг фарқига боришади».

**Иоанн,
Султония архиепископи**

¹ Дамашқ шаҳридаги Бени Умайя жамият назарда тутилмоқда.

² Аҳмад Жалобир назарда тутилмоқда.

³ Бодаш деганимиз.

⁴ Туаз – Французша тахминан 2 метрга тенг қадимий узунлик улчоғи.

қилажақларини маълум қилишди. Темур Бей уларга уларнинг эътиқодлари ҳам яхшилтигини билдирди ва уларга зийн-захмат етмаслиги учун хотин, бола-чақаларини олиб уларнинг энг катта синагогасига йиғилишларини буюрди; бу сўзлардан яхудийларнинг бошларини осмонга етди ва омон қолишга умид қилган бошқа кўпчиликни ҳам ортларидан эргаштириб, шаҳар ичкарасига кириб кетишли; шундан сўнг Темур Бей яхудийлар ибодатхонасининг дарвозаларини беркитишти буюрди ва уларнинг ҳаммасини утда қуйдиртирди. У яна бошқа кўп бемаъниликлар қилдиким, уларни айтиб адо қилиб бўлмайди; ўзининг айтишича, у бу ишларни тангрининг амри билан амалга оширар эмиш.

Жангда Амир Темур Боязид бошқарган турк қўшинларини маҳв этган. Бу маҳораба турклар учун ҳаёлотли тугади. Амир Темур лашкарлари бутун Туркияни таладилар. Бурса шаҳрини ва султон хазинасини қўлга киритдилар. Боязиднинг икки ўғли эса, қочиб қутулди. Афтидан Амир Темурнинг Франция Киролига битилган мактуби бу жангдан аниқ бир неча кун кейин Иоаннининг қўлига тўтқазилган, зеро архиепископ жангдан кейинги вайдалардан ого; эмаслигини билдиради. Бир даврнинг унда Иоанн учун шон-ҳўрлиги бўлиб хизмат қилувчи Амир Темурнинг мактуби эса, 1402 йил 1 августда битилган.

Л. Кереннинг изохи: Бу ерда гап Амир Темурнинг ербий ўлкаларга қилган беш йиллик юриши ҳақида кетмоқда. Сивосда зафар қўчган Соҳибқирон 1400 йилнинг октябрида Сурияга кирди ва Амир шаҳрини эгаллади. У ҳақ бўлган ганимлари бошларидан мезаналар тиклаттирди. Соқномада айтилишича Амир Темур бу ишни маҳорабадан бир неча кун олдин Алет шаҳри ҳокими томонидан ўлдирилган ўз элчиси учун ҳасос олиш мақсадида амалга оширган. 1400 йил декабрида Соҳибқирон Дамашқ шаҳрини қўрибга олди ва қўлга киритди. Бироқ шаҳар қўргони 43 кунлик қаршиликдан сўнг таслим бўлди. Бу Амир Темурнинг газабини қўзғайди, зеро унинг Туркияга ҳужум қилиши режаси оғина сурилмоқда эди. Шу сабабли у қайсарларни жазолаш мақсадида ўз аскарларига шаҳарни уч кун давомида талашга рухсат берди. Мана шу тартибсизликлар пайтида шаҳарнинг у ер-бу ерига ўт кетиб, у қаннота масжидгача етиб борди. Ибодатхона қисман вайрон этилди, бироқ бу иш атайлаб қилингани йўқ. Мазкур масжидга ислом дини уламолирининг адаб олиб келиниши ва тириклайим утда қуйдирилиши ҳақидаги гаплар гийбатдан ўзга нарса эмас.

Амир Темурнинг Ироққа қилган биринчи ҳарбий юриши давомида забт этилган Бағдод (Бодаш) шаҳри ўзaro келишувга мувофиқ иккинчи марта дарвозаларни очиши лозим эди. Бироқ шаҳар бунга розия қилмади ва Соҳибқирон уни қуч билан қўлга киритди, бу ерда буюк саркарда катта хатоликка йўл қўйди: натижада шаҳар марказидаги майдонда қаллалардан мезана (лар) ясалди.

XVII. Эдигни исми императорнинг Темур Бейга қилган хийнати хусусида

Темур Бей чамаси бундан икки йил бурун Тартаристоннинг Эдигни¹ исми императорига ўз элчиларини йўллаган эди. Оқ тартарларнинг мазкур ҳукмдорининг бош шаҳри Соркате² Кафа³дан XVIII қақирим нарида жойлашган бўлиб, унинг лашкари кўз эллик минг суворийдан иборат. Элчилар уша ҳукмдорнинг қизини Темур Бейнинг ўғли учун сўрашди ва ҳукмдор рози бўлди; бироқ у уэр сўраб, қизини Темур Бейдек қудратли ҳукмдорнинг ўғлига узатиш учун зарур тақинчоқлар ва сармояси камлотини бахона қилди ҳамда элчилардан ўз ҳукмдорларидан келинини ясатиш учун керакли зеб-зийнат юборишини ва унинг (келиннинг) истикболига саройндаги энг нуфузли кишиларни жунатишини илтимоси қилишларини сўради; элчилар унинг илтимосини Темур Бейга етказдилар. Элчиларнинг ҳисоботини эшитиб, Темур Бей бағоят шод бўлди ва шу

¹ Каттаки исми Ишму барис мазари тугилимоқда.

² Соркате (Сорвалт, Сопалт, Умалт) - Эски Крым. Қрида жойлашган Сувак шаҳри.

³ Крым ярим ораинини жанубидидаги шаҳар, ҳозирги Одесса урнинда.

заҳотийёқ тилла, кумуш, жавоҳир ва қимматбаҳо шоҳи матолар ор-
тилган XXV туя ва саройидаги энг юқори лавозимларни эгаллаган
VIII баронни Кипчокка жўнатди.

Карвон Эдигнининг хузурига етиб боргач, у тилла, кумуш,
жавоҳирлар ва бошқа молларни қабул қилди ва баронларни банд
қилиб, уларнинг ҳам пулларини тортиб олди, аммо Темур Бей-
га қизини жўнатмади. Темур Бей эса, дунёда ҳеч ким мени бу қадар
алдамаган, деб ишунчалар изтироб чекдики, ҳеч ким бу ҳолга тушган
эмас; у ҳеч қачон бунчалик ғазабланмаган эди, у ўз тилида «урғочи
тулки эркак тулкини алдади» деди ва умрида бунчалик куйнамагани
ни айтиб, бунинг учун ўч олмагунча тинчимастигини билдирди.

Темур Бей хозиргача амалга оширган ишларидан кўпроқ иш
қилиши мумкин эди, бироқ у ўзидан ҳам катта ҳукмдор бошқараётган
Форс (Эрон)дан ироқлаб кетилга журъат қила олмайпти, бу
ҳукмдорнинг қудрати унинг қудратидан бир ярим-икки баробар кўп
бўлиб, унинг исми Тамиррасак, Баласан ҳукмдоридир²; бу ерда аҳвол шу
даражага бориб етганки, Темур Бей расман у ўлканинг ҳам ҳукмдори
хисобланса-да, унинг асл хужайини Тамиррасакдир. Баъзиларнинг айт-
ишига қараганда агар ул иккиси бир бўлишса, бутун ер юзини забт
этишга кучлари етар эмиш³.

Л. Керевнинг изоҳи: Эдигни (?) исми императорнинг исми ва иш-
лаган макри баҳсшайиб ҳодисадир. Тартирларнинг императори дея ата-
лиши Тамиррасак (эҳтимол Олтин Ўрда хони Тухтамыш)нинг кучи-қудрати
бурштириб кўрсатишгандир, зеро у Амир Темур томонидан 1395 ишга
бунулай тор-мор этилган.

XVIII. Темур Бей Буюк Туркни қандай маҳб энгани ва банд қилгани ҳусусида

Лашкарларининг соми ва мардлиги жиҳатидан қудратлиги
бўлган Темур Бей батальонларини (фавжларини)⁴ тепаликлар ва дара-
ларга яқин жойда тартибга солди ва уларнинг ортига ўзининг энг кат-
та батальонини ва ўз яқинларини қўйди. Рақибга етарилча қаршилик
кўрсатишига ишонган Турк лашкарларини IV батальонга бўлди;
ганимга яқинлашиб, унинг лашкарларидан қўриқиб кетган турклар-
нинг биринчи батальони сардори ўз қўл остидаги барча аскарларини
олиб қочишга тушди; Турк буни кўриб уларни ортига қайтармоқчи
бўлди, бироқ батальон сардори унинг амрига кулоқ солмади ва қўздан
гойиб бўлди.

Шундан сўнг Турк иккинчи батальонини жангга ташлади, бу
қисм жон-жаҳди билан курашди, бироқ Темур Бейнинг лашкарлари
қўрсатган жасорат туфайли туркларнинг жуда кўп аскарлари, ҳисоб-
китобларга қараганда XV миңдан зиёд кишиси ҳалок бўлди. Навбат
Туркнинг учинчи батальонига келди, бу қисмда унинг ўғиллари ҳам

«Барча аҳоли масканларида
Темурбекнинг зобитлари
(ҳозилари) бор ва у адолатга
ҳатий роя қилади ҳамда
жиноят қилган ҳар қандай
кимсга қимлигидан қатъи
назар – шифқат қилмайди:
кичик бир жиноятни учун
капталга кичик амалдорларга
иш заҳотийёқ жазо тайин-
лайди; жазо ососан жарима
шаклида бўлади: айбдорлар
каптал миқдорда жарима
тўлайдилар; унинг амал-
дорлари жуда бой ва тўқ
яшиллади ва шунинг учун
улардан каптал пул унди-
рилади ва бу пуллар наҳ С
(юз) ҳаширга юк бўлади ва
улар ҳар йили каптал бай-
рам учун сарфланади. Барча
шаҳарлар ва ўлкалар ҳар
йили ўзларининг дпромадла-
рининг X (ун) дан бири ёки
чорвини салтанат ҳазини-
сига туширадилар ва бу иш
билан унинг газначилари ва
нозирлари шугулланадилар».

Иованн,

Султония архиепископи

¹ 5624-рақамли французча қўлханда - XX.

² Бу ерда арагонский вакили назорда тутилганини била оламиз. Латинча қарфларида би-
тилган Тапугас Тамиррасак ёки Темуррасак бўлиши мумкин. Бироқ бундай исми кўпмол бўлган
маълум эмас. Тапугас ёки Тамиррасак Темурнинг жуда яқин. Аммо Темурнинг аскарлари
Амир Темурнингдан нисан баробар кўп эмас, балки анча кам бўлган. Баласан исми ўзига келса,
бу фавж Марво Ҳоло ёган Баласан, ёки Баласан бўлиши мумкин (Книга Марво Ҳоло. - М:
- 1955. - С. - 74).

³ Назаринга, бу ҳам арагонский тухиб чиларган марса бўлса керак. Зеро, бу Темур Бей
ўз қўлини билан бирлиши, фавжларга (эришмақлиги) қандай тавқид солиши мумкинлиги-
га қилган ашқлар, зотан, «агар ул иккиси бир бўлишса, бутун ер юзини забт этишга кучлари
етар эмиш».

жанг қилди, қисмдагиларнинг аксарияти ҳалок бўлди ва қолганлари қочмоққа тушди. Буни кузатиб турган Турк тўртинчи батальонини жанга ташлади ва унга шахсан ўзи қўмондонлик қилди; у ҳалокатга учраганини сезгач, қочмоқчи бўлди, бироқ қоча олмади, зеро уни ганим аскарлари тўла қуршовга олган эди. Шу алфозда у июлнинг XXVIII (ийигирма саккизи) жума куни соат XXIV (ийигирма тўрт)да қўлга олинди; аниқ ҳисоб-китобларга қўра бу маҳорабада иккала томондан XL (қирк) минг киши ҳалок бўлди; ганимларига нисбатан турклар купрок қурбон беришди.

«Назиримда, Амир Темур боғжона ниъимининг – йўллардан олиб утиладиган молларнинг сифати ва миқдоридан олинмадиган тўловлар, мол-мулк солиғи, маҳаллий солиқлар ва ҳокимларнинг асосчиси бўлган».

Иоани,
Султония архиепископи

Жуда кўп турклар қочиб қутулишди, хусусан, Туркнинг икки ўғли ярим тузда қурол-яроғсиз ва кийим-бошсиз, қиш яланғоч қочишди. Темур Бей лашкарларининг қатта бир қисмини Туркнинг бош шаҳри Бурсага жўнатди; қалъа олингач, у бетоб бўлиб қолган Туркнинг хазинасини қўлга киритди: бу хазинани ҳамда кўп сонли хизматкорлар ва қўлларни Семеркандга жўнатди. Шундан сўнг у бутун Туркияни ишғол этишга киришди, Темур Бейга иттифоқдош бўлган айрим ҳокимларга қараши ўлкалар бундан истисно эди. Туркнинг тунғич ўғли Юнонистонга ўтиб кетди, у хозир ҳам ўша ерда иззат-хурматда; унинг кенжа ўғли хозир Туркияда ва Темур Бей унинг изидан қувиб юрибди. Бу нима билан тугашини Худо билади. Тангрининг иродаси Темур Бейдан бошқа бирор тирик жонга аён эмас.

II. Кереннинг изоҳи: Бу ерда гап чиндан ҳам 1402 йил 28 июлдаги Анқара жанги ҳақида борапти. Бу жангда Амир Темур Боязид бошқарган турк қўшинларини мағъб этган. Бу маҳораба турклар учун ҳалокатли тугади. Амир Темур лашкарлари бутун Туркияни таладилар. Бурса шаҳрини ва султон хазинасини қўлга киритдилар. Боязиднинг икки ўғли эса, қочиб қўтилди. Афтидан Амир Темурнинг Франция Қиролига биттилган мактуби бу жангдан аниги бир неча кун кейин Иоанининг қўлига тутқазилган, эро архиепископ жангдан кейинги воқеалардан огоҳ эмаслигини билдиради. Бир даврнинг ўзиде Иоани учун ишонч ёрлиғи бўлиб хизмат қилувчи Амир Темурнинг мактуби эса, 1402 йил 1 августда битилган. Мактубда Анқара жанги қандай тугаганилиги ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Эҳтимол, Иоанининг Францияга сафари олдидан тайёрланган бўлиб, унга мактуб Туркиядан ташқарида топширилган. Бу ҳақда мактубдаги қўйидаги сўзлардан билиш мумкин: «мажкур мактубни Сизга элтувчи бўлган воқеаларни сўзлаб берди». Иоани Францияга жўниб кетиши олдидан жанг нафсилотлари ҳақида хабар топган ва уларни ўз хотириларида баён қилган.

XIX. Темур Бейнинг салтанати ва шаҳарларидаги тартиб-қоидалар хусусида

У ўз фуқароларига қатор солиқ ва тўловлар урнатган бўлса-да, ажнабий тужжорларга қатта эътибор қўрсатади ва уларни, айниқса, фаранглар ва насороларни рағбатлантиради, салтанати ҳудудда уларнинг хавфсизликларини таъминлайди. У жон ва туз солиқлари олинмадиган кўп масканларни йўқ қилдириди ва бу солиқлар фақат йерлик шаҳарларда олинсин, деб фармон берди. У салтанатининг барча ҳудудларида тужжорлар ҳаётига хавф соладиганларга шифқатсиз жазо тайинилади: тужжорларни талаган ўлка аҳли унга (тужжорга) талаган мол қийматини икки баробар қилиб қайтаради ёхуд салтанат хазинасига тужжор йўқотган мол-мулк қийматининг V (беш) баробари миқдорда жарима тўлайди.

Барча аҳоли масканларида унинг зобитлари (қозилари) бор ва у адолатта қатъий риоя қилади ҳамда жиноят қилган ҳар қандай кимсга қимлигидан қатъи назар - шафқат қилмайди: кичик бир жиношти учун қаттаю кичик амалдорларга шу заҳотиёқ жазо тайинлади; жазо асосан жарима шаклида бўлади: айбдорлар қатта миқдорда жарима тўлайдилар; унинг амалдорлари жуда бой ва тўқ яшаши ва шунинг учун улардан қатта пул ундирилади ва бу пуллар нақ С (юз) хачирга юк бўлади ва улар ҳар йили қатта байрам учун сарфланади. Барча шаҳарлар ва ўлкалар ҳар йили ўзларининг даромадларининг Х (ун) дан бири ёки чорагини салтанат хазинасига туширадилар ва бу иш билан унинг ёзначилари ва назирлари шуғулланадилар.

Унинг ўзи шахсан ҳеч қимга озор бермайди ва у шунааи қилган одамларни қаттиқ жазолайди, зеро у сафардалик пайтда кўплаб шундай ишлар бўлиб туради. Шаҳарлар ва ўлкаларни унинг ўғиллари, жиқилари ва ноёнлари бошқаради; унинг нақд пулда маош бериш одати йўқ, бироқ у ўз аъёнларига ер-мулк беради ва бошқа тўхфалар қилади. У ўз фармонларига барча ерда сўзсиз итоат этилишини истайди ва ажнабийлардан ҳўра кўпроқ ўз фўқароларидан ҳадиксирайди.

Л. Кереннинг изоҳи: Амир Темурга қарашли ҳўдудларда юк ташиш ва мол айирбошлашини ҳамда қарвонларнинг бошқа давлатларга чиқши жойлари (божхоналар) яхши йўлга қўйилганлиги ҳақида уша замондаги бошқа ҳўжжатларда ҳам гапирилади. Бундан шундай ҳўлўсага келиш мўмкинки, божхоналардан тушиган тўловлар асосан Соҳибқирон қўшинига янги асқарларни жалў қилиш ва уларни қийим-кечак, қўроқ-аслаха билан таъминлашга, янги иморатлар барпо этишга сарфланган. Йўлларда ҳавфсизликни таъминлаш, салтанатига тўташ халқаро минтақаларда зўравонлик қилишчиларнинг адабини бериш Соҳибқироннинг асосий таъбишларидан бири бўлган. Назарилда, Амир Темур божхона тизимининг - йўллардан олиб утиладиган молларнинг сифати ва миқдоридан олинадиган тўловлар, мол-мўк солиғи, маҳаллий солиқлар ва ҳўжазоларнинг асосчиси бўлган.

XX. Темур Бейнинг душманлари бўлмиш айрим қўдратли императорлар ҳўсуеида

Темур Бейнинг асосий рақиблири Шарқдаурлар; бу энг аввало Катай¹ нинг буюк императоридир, у камарли нарсонийлар маҳаббидан бўлиб, куч-қўдратда Темур Бейга тенг ёхуд ундан зиёдрўқдир. Унинг иккинчи рақиби Форс императори² бўлиб, у бундан XV (ўн беш) йил илгари Темур Бейдан зўрага қочиб қўтилган, ҳозир Бадаш ва Калдея³ нинг қолган қисмларига ҳўкмронлик қилади. Унинг яна бошқа рақиблиридан бири Миср Султони бўлиб, буюк Тартариёлик Эдиг-ни эса, унинг асосий душманидир. Зикр этилганлардан сўнги утгаси сарракинлар маҳаббидан. Темур Бейнинг у ер бу ерда яна бошқа қатор душманлари бўлиб, улар ундан ҳўркишади ва ўлимини қўтишади. Улар ўзларича башорат қилишиб, Темур Бей Қохирада мағлубиятта учрайди ва халок бўлади, деб ўйлашмоқда. Темур Бей, аксинча, бузга ишонмайди ва ҳали яна зўюк умр қўраман, дейди.

Л. Кереннинг изоҳи: Иоаннинг Амир Темурнинг душманлари ҳақида ёзмалари ҳақиқатдан анча йироқ; Хитой императори нарсоний (кларлик) эмасди, Амир Темур ўша пайтда унга таҳдид салмастган эди. Форс ҳўлими

¹ Хитой.

² Султон Аҳмад Жаломир (назарда тутилмоқда) Амир Темур 1383 йил Бағдодни эгаллаганида Аҳмад Жаломир Мисрга мамўюк султон Боркув ҳўрунга қолган.

³ Ироқи Араб.

«Темур Бей ҳўкмронлик қиладиган Хиндистондан Туркиягача бўлган масофани бир одам пиеда нақ бир йилда, онда эса, IX (туққуз) ойда босиб ўтади; у жуда қатта вилонлар ва қатта Қиролликларни ўзига тобе қилди».

*Иоанн,
Султония архиепископи*

Амир Темурнинг ўзи бўлиб, Бағдод султони Аҳмад Жалойир эса, маҳд этилганди. Қоҳиранинг мамлук султони Сурияда мағлуб этилган бўлиб, Сийбқирон ҳукмронлигини тан олган эди. Тартар хони Эдигни (Идику) эса, йироқда юрарди. Чиндан ҳам, гороскоп маъжуд бўлиб, унда Амир Темурнинг Қоҳирада оламдан ўтиши башорат қилинган эди. Бироқ бизга яхши маълумки, агар гороскоплар ўзининг режаларига мос тушмаса, Амир Темур уларга қарамасди.

XXI. Темур Бейнинг ҳузуридаги шох ва шаҳзодалар хусусида

«Темур Бей ўз эътиқоди бўйича саррақин бўлиб, ўз динига амал қилмайдиганларни жазолайди, ҳам қийнайди; у айниқса бачабозликка берилган саррақинларни қаттиқ жазолайди зеро у бачабозликни энг оғир гуноҳлардан бири, деб ҳисоблайди».

Иоани,
Султония архиепископи

Энг аввало, Тартария императори у билан бирга, у кунгли нимани хоҳласа шуни қилади; Маластан Қироли, Коросан Қироли, кўп мамлакатлар ва улкаларнинг ҳукмдорлари ва шаҳзодалари ҳамда катор кичик ҳукмдорлар унинг ҳузуридалар. Шох Алдин ҳам унинг ёнида. Бироқ, ундан қочиб юради. Форс императорининг II (ишқи) ўғли ҳам унинг ёнида¹. Гургания императорининг ўхаси (акаси) шох Боқаран ҳам унинг ҳузурида, Темур Бей уни бичтириб қуйган². У ўзи забт этган барча вилоятлар ва улкалар ҳокимларининг тўғич ўғиллари ва ўлка ноиблари ҳам у билан бирга, илм-фан, хусусан, астрология, медицина ва нигромания (қора магия)нинг энг кучли олимлари ҳам унинг ҳузурида; у бу илми ва яхши оиладан чиққан инсонларни кўп эъзозлайди. Темур Бей улар билан савол-жавоб қилишни яхши кўради. Эиқр этилган инсонларнинг барчаси билан у яхши муносабатда бўлади ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатади; узоқ ўлкалардан келган элчиларга ҳам у худди шундай муносабатда бўлади; шунга қарамай улар ўзларининг эмин-эркин ҳис эа олишмайди: зеро унинг ёнида бой-бадавлат қоришдан кўра, ундан узоқ туриб, кашшокликда яшашни ихтиёр этувчи шоклар ва шаҳзодалар ҳам учраб туради. Буюк Турк³ ҳам унинг ёнида, унга катта иззат кўрсатишмоқда. У қочиб кетишга уриниб қўрганидан сўнг Темур Бей унга тила занжирдан кишан урдирди; Темур Бей уни енгиб катта шухрат қозонди, энди эса вақтинги у билан хурсандчиликда утказмоқда.

XXII. Темур Бейнинг имон-эътиқоди ва у қўрган башоратлар хусусида

Темур Бей ўз эътиқоди бўйича саррақин бўлиб, ўз динига амал қилмайдиганларни жазолайди, ҳам қийнайди; у айниқса, бачабозликка берилган саррақинларни қаттиқ жазолайди, зеро у бачабозликни энг оғир гуноҳлардан бири, деб ҳисоблайди. У илгари насронийларни яхши тушунмас ва ҳуш кўрмасди, мана энди, Султония архиепископи биродар Иоанини ва доминикан маъбаҳилик биродар Франсуани қўрганидан ва бизнинг эътиқодимизга ишонч ҳосил қилганидан кейин у ўзининг ҳатосини англади ва қаттиқ таъсирланди. У насронийларга хайрихоҳлик қилади ва эҳтиром кўрсатади, насронийларга ва хусусан лотинларга, яъни французларга бирор ёмонлик қилмайди; уларга ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган ва айниқса савдогарларга, ўз эътиқодларига риоя қилишлари, черковларга бориб

¹ Форс ишқи Шужаининг Шибли ва Зайн ал-Обидин исмли ўғиллари бўлиши мушоҳида.
² Бу ерда гал архиепископи Франсуага кетгани оидидан Амир Темур ҳузурида бўлган инсонлар қилиша кетганлиги тасдиқлана. Бироқ уларнинг ҳаммасининг шаҳсарлиги аниқлашгани имкон бўлмайди.
³ Билкик Ишиқирим назарда тутишмоқда. Маълумки, архиепископи Амир Темурнинг Анвардаги эфронидан сўнг 1402 йили августда Еврота томони ярда тушган. Бу пайтда Вокид Ишиқирим хали тилан ва Салманрон билан бирга бўлган.

хамма насронийлар бажарадиган амалларни бажаришлари учун барча шароитларни яратган.

У ўз дини талабларидан келиб чиқиб, кунига V (беш) марта Худога муножаат қилади ва қаерда бўлишидан қатъи назар саррақчилар қўллайдиган барча амалларни бажаради. У яхудийларни етти ёшдан етмиш ёшигача барчасини ёмон кўради. У тез-тез фаришталарни қуришини ва уларнинг ўзига қилган бажоратларини айтиб юради ва бу дунёда нима иш қилса барисини Худонинг иродаси билан қилишини айтади. У кунлардан бир куни тушида фариштами кўргангини сўзлаб берди: эмишки унинг қаршисидан ердан осмонгача етган нарвон турганмиш, тепада фаришта пайдо бўлиб, уни ўзи томон чорлармиш: «Ўрнингдан туриб, нарвонга чиқ» - дебди унга фаришта. Темур Бей фаришта айтганини қилиб, LX (қирқинчи) қаватта кутарилибди. Шунда фаришта унга: «Энди пастга туш» - дебди. Темур Бей пастга тушибди. Шундан сўнг у бу тушнинг таъбирини сўрабди. Тушнинг таъбири қуйидагича экан: у бутун ер юзини эгаллаб, LX (қирқ) йил давомида соғ-омон ҳукмронлик қилар эмиш.

Ўзининг айтишича, у одамларнинг фикрлари ва режаларини олдиндан билиб олар эмиш, буларни унга фаришталари маълум қилар эмиш; қимки унга қарши бирор ёмон фикрга борса у буни тезда билиб олади ва уни қатл эттиради, унинг атрофидагилардан кўпчилиги шундай қисматга учради ва учрамоқда. У кекса эркаклар ва кекса аёлларга чуқур иззат-эҳтиром кўрсатади, уларга қатта ҳаёлар қилади, унинг саройида ҳеч қим аёлларга, хусусан энагаларга қарши бирор сўз айта олмади. У жуда ахши тарбия кўрган, зеро ажнобиёларнинг ҳар бирига уларнинг маъқеи ва мансабига мос равишда иззат-эҳтиром кўрсатади.

«Темурбек насронийларга хайрихоҳлик қилади ва эҳтиром кўрсатади, насронийларга ва хусусан лотинларга, яъни французларга бирор ёмонлик қилмайди; уларга ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган ва айниқса савдогарларга, ўз ээтиқодларига риоя қилишлари, черковларга бориб ҳамма насронийлар бажарадиган амалларни бажаришлари учун барча шароитларни яратган».

**Иоанн,
Султония архиепископи**

П. Керениннинг изоҳи: *Амир Темур мусулмон эди ва шариаат аҳдидаликларига сўзсиз итоат қилинишини назорат қилар, уламолар уртасида ҳам хатипа обрў-этиборга эга эди. Бу унинг ҳукмдор сифатидаги маъқеини янада оширгани эди. У дастлаб европаликларга, жумладан, насроний франкларга душман эди, бироқ маъжур хотираларнинг муаллифи Султония архиепископи Иоанндан ва руҳоний Франсуадан (Амир Темур билан европаликлар уртасида махфий алоқачи бўлган Франсуанинг номи Сохибқирон Француз Киранига битган мактубда ҳам, унга даврдаги Византия ва Генуя ҳужжатларида ҳам учрайди) европаликлар тўғрисида аниқ маълумотлар олганидан сўнг Амир Темурнинг уларга муносабатини ўзгарди. Чиндан ҳам туркларга қарши курашда европаликларга таяниш ҳамда улар билан икки томонлама фойдалан савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйиш мумкинлигини аниқлаган Амир Темур) уларга иттифоқдошлардек муомала қилди. Амир Темур 1370 йил тاختга ўтирган эди, Иоанн ўз хотираларини 1403 йилда битган. Сохибқирон бутун дунёни яна 7 йил ичида қўлга киритиши лозим эди. Бироқ, у 1405 йилда оламдан ўтди, демак унинг умри ҳақидаги бажорат 5 йилга хато қилди.*

Чиндан ҳам, Амир Темурнинг замондошлари унинг исёнлар ва воқеа ҳодисаларини олдиндан кўра билиш қобилиятига тан берадилар, нўнчаллик буни маънаво айтди. Бироқ у билан учрашиб, сўзлаб кўрган Ибн Халдуун Сохибқироннинг ўнла билимдон ва ҳар нарсага қизиқувчанлигини таъкидлайди.

Амир Темурнинг Иоанн таъкидлаган яна бир хислатига эътибор бермоқ лозим: Сохибқирон кекса чоллар ва калтирларни ардоқларди ва уларга тез-тез ҳаёлар қилиб турар, аёллар ҳақида ёмон таъбиришни таъқиқлаб, ажнобиёларга уларнинг қимлигига қараб муножаат қиларди.

XXIII. Темуր Бейнинг ёши ва соғлиги хусусида

Чиндан ҳам,
Амир Темурунинг
замондошлари унинг
исёнлар ва бошқа
ҳодисаларни олдиндан
кура билти қобилиятига
типа беудилар, кутчилик
бўни мағияга айўнди.
Бироқ у билан учрашиб,
сўхбат қўрган Ибн Хал-
дун Соҳибқироннинг ўша
билимдон ва ҳар нарсага
қизиқувчанлигини
таъкидлайди.

Амир Темурунинг Иоанн
таъкидлаган яна бир хисла-
тига эътибор бермоқ лозим:
Соҳибқирон кекса чоллар ва
камтирларни ардиқларди
ва уларга пез-тез ҳадялар
қилиб шулар, аёллар ҳақида
ёмон гапирганини таъқиқлаб,
ажнабийларга уларнинг
қимлигига қараб
муружаат қиларди.

Унинг ёши LX-LXV (олтмиш-олтмиш беш) атрофида ва у
XXX (уттиз) йилдан бери ҳукмдорлик қилиб келмоқда. Уттан дашр мо-
байнида у шунчалик ғаройиб ишлар қилганки, уларни ёзиб адо қилиб
булмайдди. У ўрта бўйли, чехраси муғулونا, испанча соқолига оқ ора-
лаган ва комати тетик инсон. Бироқ унинг ўнг қўли ва ўнг оёғи мажруҳ
бўлиб, уларни даволаш мумкин эмас, зотан томирлари кесилган. У
ёшлигида лашкарларини ўзи жангга бошлаб қирарди: мохир қавақдоз
эди, аммо энди баъзан икки отта ўрнатилган уриндикда сафар қилади
ва шундай қўриқланадики, ўзи чақиртирган одамдан булак ҳеч ким
унга яқинлашишга журғат эта олмайди. Темуру Бейнинг амри шу эрур.

Л. Кереннинг изоҳи: Иоанн ўз хотираларини битган пайтда Амир
Темуру 67 ёшда эди ва у 33 йилдан бери салтанатга ҳукмронлик қиларди.
Унинг бўйи ўша пайтда ўртадан юқори эди (1 метр 70 см.). Соҳибқирон ун-
га қўли ва ўнг оёғидан жароҳатланган бўлиб, сўнгги пайтларда ўзи мустақим
юра олмас, бироқ лашкарлари билан жангу жаддаларда кезарди.

XXIV. Темуру Бей ёқтирадиган нарсалар хусусида

Энг аввало унга куйидаги нарсалар ёқади: бугдойранг, қирмизи
ва алвон, оппок ва оч яшил, худди Реймсда¹ тайёрланадигандек нафик
тўқима матолар, маржон шодалари, биллур тошлар, тилла ва қумуш
идишлар, худди Франциядаги каби ишлов берилиб, зумрад тошлар би-
лан безатилган идишлар, тоза Кипр² камлоти³, ғаройиб баликларнинг
тишлари, Франциядаги каби курсилар, Франциядагидек қимматбаҳо
гиламлилар, хушбўй ва мазали зирavorлар, дунёнинг турли бурчагидан
келтирилган зотли бакувват отлар, катта итлар ва Испаниядаги каби
катта чақирлар; бироқ, зикр этилган нарсалар унда беҳисоб.

Л. Кереннинг изоҳи: Амир Темуру ёқтирган нарсалар ҳақида ёша ту-
риб, Иоанн француз Қироли саройи аёлларига хуш ёқинга ҳаракат қилади.
Менинг «Амир Темуру даврида Самарқанд сафари» номили китобимда Иоанн
битган хотираларнинг фото нусхаси келтирилган. (La Route de Samarkand au
temps de Tamerlan. - Paris: Imprimerie Nationale, 2002. - P. 50).

¹ Реймс - Франциянинг Шампань вилоятидаги шаҳар.

² Қўрағор денгизидagi Кипр ороли.

³ Камлот - тошдан ягул ташичи, баъзан ни ёки инак қўшиб туркишли.

Темур ҳокон салтанати¹

Люсьен Кереннинг «Темур ҳокон салтанати» китоби илк бора 1978 йили босилиб чиққан. Кейинчалик у Франция ва Швейцарияда бир неча марта нашр этилган. Ушбу асарда Амир Темурнинг дунёга келишидан ўлимигача бўлган тарихи батафсил камраб олинган. Шунингдек, унда Амир Темур салтанатининг кейинги тақдирини, Шохрух, Мирзо Улуғбек, Бобур ҳаёти ва фаолияти ҳақида бой маълумотлар, темурийлар шаҳараси берилган. Китобнинг куйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган дастлабки фасли Б. Эрматов томонидан таржима қилиниб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1994 йил апрель сонларида илк бор эълон қилинган. Бу фаслда Л. Керен Амир Темурнинг саркардалиқ маҳоратига алоҳида эътибор берган.

Олтин Ҳудуда юриш

*Амир Темурнинг ўз
душманлари қудратини
етарлича баҳолай олмагани
ёки қулай фурсатдан
фойдаланиб қолмаслик
одати йўқ эди, кези
келганда эса, ўз хатти-
ҳаракатларини узгартириб
душман хатосидан ҳам
усталик билан
фойдалана оларди.*

Уша йили киш ҳаттиқ келди, бироқ бу Тўхтаминиш янги юришдан тўхтагани қола олмади. У Олтин Ҳуда вассаллари мажбуран ёхуд ўз ихтиёрлари билан юборган харбий қисмларни ҳам ҳисоблаганда қудратли бир қўшинга эга эди.

Ҳрислар, Волга булғорлари ва шимолий кавказликлар унинг мутуллари билан ёнма-ён жанг қилардилар. Амир Темурнинг Шарқдаги эски рақиби хон Қанақиддин ҳам ёрдам учун Тўхтамишга Муғулистондан кучли бир лашкар юборган эди. Ана шу бирлашган қўшин Ферғанадан ҳужум бошлади.

Улар Мовароуннаҳр заминида пайдо бўлганларида совуқ киш ва қор бостан йўллар туфайли Улуғ Амир қўшинлари мажбурий дам олаётган ва тарқок холда эди.

Салтамаг қоят қатта ҳавф остида қолганди. Бироқ шароит қанчалар оғир бўлса, юртбоши ва моҳир саркарда Амир Темур шунчалар ҳаммани дол қолдирарди. Босқинчиларга қарши қурашмиш учун қўшинни бир жойга тўллаш керак деб ҳисоблаган маслаҳатчиларининг фикрига қарши ўлароқ, Амир Темур қўл остидаги аскарлар билан жангга отланди. Йўл-йўлакай қўшинининг сафи янада кенгайиб берди. Суворийлар хордиқ нималигини билмай, туну кун йўл босишар, қор қалинлиги эса, отларнинг яғринларигача етарди.

Чопарлар душман лашкарининг илғор қисми Самарқанддан икки юз чақиримлар шарқда жойлашган Хўжанд шаҳрига яқинлашиб келгани ҳақида хабар келтирдилар.

Йўл-йўлакай Амир Темур шимолдаги қисмлар билан унга ёрдамга келишга шай турган Умаршайхга чопар жўнатди. Амир Темур углига асло бундай қилмаслиқни, аксинча, душман қўшини ортга юришни ва жанг бошлангач ҳужумга ўтишни буюрди.

Бешинчи кунитонгда Улуғ Амир Темур Тўхтамиш қўшинларининг илғор қисмига қакшаткич зарба бериб, душман лашкарининг асосий қисмига шиддатли юриш қилди.

Мувоил қўшини сон жиҳатида анча устунилка эгаллигига қарамай, Темурнинг шаҳсан ўзи жангда қатнашаётганидан, унинг моҳирона ҳаракатларидан талвасага тушганга ўхшарди. Умаршайх баличиёнидаги суворийлар қутилимаганда душманнинг орқасидан зарба берган-

¹ Kéroul L. Tamerlan - l'Empire du Seigneur de Fer, Neu-Sabé, 1976; Л. Керен. Темур ҳокон салтанати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994 йил апрель-сентябрь / Француз тилидан баҳарлар Эрматов таржимаси

ларида, айниқса, кўп қон тўкилди ва саросимага тушган душман бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Тўхтамиш ва Камариддин қўшинлари шойишлич равишда Сирдарёнинг шимолий қирғоғига чекиниб, чулу даштлар ичра ғойиб бўлдилар.

Салтанат қутқарилган бўлса-да, бу ҳужум қаттиқ оғоҳлангириш эди. Амир Темурнинг ўз душманлари қудратини етарлича баҳолай олмагани ёки қулай фурсатдан фойдаланиб қолмаслик одати йўқ эди, кези келганда эса, ўз қатти-қаракатларини ўзгартириб душман қатосидан ҳам усталик билан фойдалана оларди.

У Тўхтамишни тор-мор этиш ва хали кеч бўлмасидан Олтин Ўрдани яқсон қилиш керак, деган қарорга келди. Бевафо дўстининг қилиқлариغا бефарқ қараб туриш вақти ўтган эди.

У шимолий кучманчиларга қарши курашда химоя қўл келмаслигини, душманни енгилш учун уни ўз уйида – кимсасиз ва сувсиз, кум буронлари-ю, дашту биебонлар ўлкасида Ўрданинг ўзида янчиб ташлаш кераклигини яхши биларди.

1389 йилнинг баҳорида Амир Темур Кеш яқинида қудратли бир лашкар тўплаб, уни шимолга бошлади. Қайсарликда ўз рақибидан қолишмайдиган Тўхтамиш ҳам тарқоқ қўшинларини йиғиб, Сирдарёни ёқалаб кезиб юрарди, ҳужум қилиш учун қулай фурсат кутарди. Улуғ Амирнинг ботир суворийлари яқинлашиб келаётганидан хабар тоглан Тўхтамиш яна қайтадан чул ичра қочиб ғойиб бўлди.

Темур унинг ортидан қувиб бора олмасди. Зеро, мўғулистонлик тўдалар Амир қўшинларининг орқа қисмига ҳужум қилишлари, уни енгган чоғларида эса Темурнинг Самарқанд билан алоқасини узиб қўйишлари мумкин эди. Амир Темур қурган салтанат Чингизхон шўхратининг ворислари ҳисобланмиш кучманчи мўғул хонликлари билан тинч-тотувликда яшай олмаслигини тажриба кўрсатганди. Ҳаёт-мамат жанги яқинлашар, бу жангда ўз ерларида туриб курашадиган ўрдаликлар устуликка эга бўладигандек, туюларди.

Дастлаб Камариддин билан ҳисоблаштишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Улуғ Амир Мўғулистоннинг қаттагина қисмини эгаллаб олди. У ўз лашкарини Тангритоғ тарафларга, Балхаш ва Олақул жанубига бошлади. Кучманчилар қўшинларига қақшатқич зарба берилди. Темур уларни мўғул Олтой тоғларининг жанубигача, лойқа Иртиш дарёси қирғоқларигача қувиб борди, душман Сибирни кенгликларига ёйилиб кетди. Сўнг Темур лашкарларини янада жанубга бошлаб, Шарқий Туркистонга кирди.

Чингизхон авлодидан, бироқ мусулмон бўлмиш хон Хизрхўжа ўз ватандошидан, Камариддин таъкибидан қочиб шу ерларга келиб қолган, уйғур қабилаларини мажбуран ислом динига киритиб ўз қўшинларини кучайтирмоқда эди.

Хизрхўжа Амир Темурга иттифоқчи бўлиши мумкин эди, бироқ Темур Олтин Ўрда билан жангга кирилиш арафасида ўз ортида ишсиз-сиз мўғул қўшинларини қолдиришни истамасди. Темур уни машҳур Илак йўли бўйлаб роса савалади ва қочоқларни кўҳна Чингизхон салтанатининг қоқ марказида жойлашган Турфонгача таъкиб этиб борди. Хизрхўжа Гобби саҳросига кириб йўқолди. Улуғ Амир эса, узининг қормас-толмас аскарларини ватанларидан минг чакирим ийроқлардаги Кора шаҳрига йиғиб, беҳисоб ўлжалар улашди. Шундан сўнг аскарлар дам олиш учун Самарқандга қайтдилар, бироқ шаҳарга етар-етмас яна отларини эгарлашга мажбур бўлдилар. Туткич бермас Камариддин

Амир Темур «улкин ов элкаси»ни уйлаб топмаганида унинг беҳисоб қўшини очликдан ўлиб кетарди, балки. Темурнинг буйруғига бимоли аскарлар узоқ-узоқларга тарқалиб кетишар, сунгра бирор ширик жон чиқиб кета олмайдиган ҳалқа ҳосил қилиниб, марказ томон оҳиста қиришарди.

омон қолган са сонли кўшини билан Балхаш кўли жанубларида Или дарёси водийсида пайдо бўлган эди.

Темур унинг ортидан ўзининг энг учқур суворийларини юбоқди. Суворийлар душманга шунчалар қаттиқ эрби беғдиларки, Камаридан ёввойи Олтой ўрмонларига қочиб кириб, бир умрга қайтиб кўринмади.

Кейинчалик Хиэрхўжа Амир Темур ёрдами билан Муғулистон тахтига ўтирди ва кизини унга хотинликка берди.

1390 йил кузида Темур Кеш яқинида қатта қурултой ўтказди. Умаршахнинг никоҳи таътаналари қурултойга уланиб кетди. Амир Темур Салтанатининг барча кўшинини бир жойга йиғди, унлаб лашкар туманларини тузди. Уларнинг қўмондонларини белгилади. Ўзи йуқлигида шаҳар ва вилоятларни бошқарадиган хокимлар ва бошқа юқори мансабдорларни тайинлади ва ниҳоят асосий кўшинга яул тайёрлаш ҳамда душман лашкарлари ҳолатидан ўзини оғоҳ қилишлари учун тешор гуруҳларни ялмоғла йўллади.

Шундан сўнг у Тошкентга жўнади. Қўшинлар шу шаҳарда йиғилиб, баҳор келишини кутишлари лозим эди. Шаҳарда Темур қаттиқ оғриб қолди. Ешлигида оёғига етказилган жароҳатининг оқибати бўлғиш суяк-томир жароҳатининг дастлабки кучли хуружи туфайли у қирқ кеча-ю кундуз ўрнидан тура олмади. Унинг ўрнида бошқа ҳар қандай одам ҳам аввал баҳорга йўлжалланган хатарли сафарда шаҳан иштирок этишдан воз кечган бўларди. Аксинча, эндигина оёққа турган Темур фақатгина суворийлардан ташкил топиб, алмаштирилдиган отлар олинган қудратли бир кўшин билан 1391 йил 19 январда Тошкентни тарк этиб, Дашти Кипчок томон юрди, бу сафар ҳам у таваккал қилди.

Тўхтамининг турар жойи хақидаги сўнгги маълумотларга қараганда, у Оқ Ўрданинг Орол денгизи шималида жойлашган қароргоҳини узига маскан тутган эди. Аник бўлмаган шу маълумотларга асосланиб қўшин Сирдарёни ёқалаб юрди, сўнг шимолга қараб кутарилди. Сариксув дарёси ортда қолғач, бепоеъ даштнинг кесиб ўтншга тўғри келдики, кўп кўнлар давомида отлар ва суворийлар суьазилликдан азоб чекар эдилар.

Тошкентни тарк этганидан уч ой кейин кўшин Субар-Тенгиз тоғлари этакларига етиб бориб, қодир тикди. Амир Темур қўққилардан бирига кутарилиб, солномада таъкидланганидек, «денгиз иқоли бепоеъ ва ям-яшил» даштларга узок термулиб қолди. Бирок унинг юбоғи етган жойларда Тўхтамиш у ёқда турсин, ҳатто, оқдий бир шўпон ҳам кўринмасди. Пастга қайтиб тушишдан олдин Улуғ Амир шу қўққида таш минора қураирди ва кўшин бу ерда тўхтаб ўтган сана (1391 йил апрель) унга ўйиб ёзиб қўйилди.

Кўшин энди шошилмай юра бошлади, зеро, йул-йўлақай қўллаб овчи гуруҳлар тўрт тарафдан емак ахтарар, бироқ захиралар тугаган бўлиб, улкан кўшинни (балки юз минглик) боқиш учун, табиийки, бу камлик қиларди. Ана шунда Амир Темур ум, кайнатилиб эзилган қўшг ва қиймаланган ёввойи гиёҳлардан тайёрланган таом - буламидан бошқа нарсани истеъмол этганларга улим жазоси берилиши тўғрисида фармон эълон қилди. Топилган бор масаллик ва овланган барча парранда-ю жонивор шу таомни тайёрлаш учун ошхонага топширилиши лозим эди. Оқдий асқару амир, қимлигидан қатъи назар, кун бўйи бир улуш таом оларди. Гиёҳларнинг буланчидати микдори кундан-кунга орта борди, ҳатто, шундай кун ҳам келдики, унда фақат ёввойи гиёҳлар қолди.

«Амир Темур мисли қўрилмаган дитражда доворак эди. Унинг бу довораклигини уз тақдирига ишонини билан, ёки боқийликка ишончи билан бовлаи соддалик буларди. У табиатан шундай яратилган эди ва шу туфайли ўз хислатлари билан бошқаларга намуна бўла оладиган, ўз мақсади учун, уни амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ва айни пайтда ўзининг қўлидан келмайдиган ишни бошқалардан талаб қилмайдиган моҳир саркарва эди.»

*Жан Пол Ру,
Франция*

Амир Темуր «улкан оё ҳалқаси»ни ўйлаб топмаганида унинг беҳисоб қўшини очликдан ўлиб кетарди, балки Темурунинг буйруғига биноан аскарлар узоқ-узоқларга тарқалиб кетишар, сунгра бирор тиррик жон чиқиб кета олмайдиган халқа ҳосил қилишиб, марказ томон оғишта юришарди. Мана, шу куз кўриб, қулоқ эшитмаган оё натижасида беҳисоб ўлжа қўлга олиниди, уларнинг орасида буғу каби Мовароуннаҳрда учрамайдиган бир қанча жониворлар ҳам бор эди. Қўшдин ҳолдан тойгунча тўйиб оёқатланди, ортиб қолган гўштни тилимлаб, қуриптиб олдилар.

Темур лашкарларининг қоринлари тўйган бўлса-да, шу поён-сиз дашту далада руҳиятлари толика бошлагани тобора равшанроқ сезилмоқда эди. Одамлар Тўхтамиш ўзларини алдаб шу ерларга олтиб келиб, очлик ва сувсизликдан ҳолдан тойганларида осонлик билан янчиб ташлайди, деб гумон қила бошладилар.

Қўшиннинг руҳини кўтариш учун Улуғ Амир одатда Самарқандда, тантанали маросимлар пайтидаги каби, ҳарбий кўрик утказишга қарор қилди. «У бошига жавоҳир тошлар билан безатилган тилла тожини кийиб, учига ҳўкиз боши тасвирланган салтанатнинг олтин хассасини қўлида тутганча шоҳона либосда от минган эди», деб гувоҳлик беради тарих. Амир дўмбираларнинг тантанавор садолари остида туеларини кўтариб, виқор ила саф тортиб турган бўлинмалар қаршисидан охишта юриб чиқди.

Темур орасида ўғли Мироншоҳ ва икки набираси бўлмиш лашкар-бошлар саломини қабул этпач, аскарларни қуриқдан утказди. Амир улар билан савоёл-жавоб қилар экан, қурол-аслаҳалари – найза, камон ва садоқ, тўқмоқ, ҳанжар, шамширу чарм қалқонлари тўла-тўқислигини текшириб қўрар эди.

Бутун қўшинни текшириб чиқиш учун икки қондан ортиқ вақт кетди, бироқ Темур сафар машаққатларига қарамай қўшини аёло даражада эканлигига қаноат ҳосил қилди; у одамлар ўзларининг бош қўмондонига ишонч ва садоқатини йўқотмаганидан қувонди.

Қудратли қўшин яна йўлга тушди. Тўхтамишнинг бирор-бир изини топши дучин турт тарафга айғоқчи чопарлар жўнатилди. Солнома гувоҳлик беришича, «бепоён чўлда дайдиб юрган айғоқчилар бирор одамизод изини учрата олмадилар».

Шу алфозда Сибириядаги Тобол дарёси бўйига чиқилди. Дарё киреғида гулхан изларини учратдилар. Ёлғиз оёқ йўл бўйлаб кетаётган Темур қўшини айғоқчилари тасодифан душман айғоқчиларининг кичик бир гуруҳига дуч келдилар. Қўлга олинган душман ўқчилари қийноқлардан сўнг Тўхтамиш лашкарининг асосий қисми бу ердан бир неча кунлик масофада ўрол тоғининг нариги томонида тўрпалаётганини тан олдилар.

Темур бир зумда қўшинини оёққа турғазди ва уни ўрол тоғларининг чап енбағирларига бошлаб бориб, Фарбга йўл солди – Олтин ўрда худудига қадам қўйилди.

Бу ётига қўшиннинг айғоқчи бўлинмаларига хужум қилинмаган ёки уларнинг йўлида говлар, пистирмалар қўйилмаган бирор кун йўқ эди.

Сувориелар тунаш учун чодир тикар эканлар, тун чуқмай туриб тонг отишидан ҳайратда эдилар. Зеро, улар шимолий хўбга жўнлашиб қолгандилар. Адашиб кетган муллалар эса, шом намозини ўқиниши тўхтатиб қўйдилар.

Амир Темур ўз лашкарларини шу қадар жадал сўрўятда бошлаб бйрликка, қўшлардан бир қўшни унинг илғор бўлинмаси душман

Қўшиннинг руҳини кўтариш учун Улуғ Амир одатда Самарқандда, тантанали маросимлар пайтидаги каби, ҳарбий кўрик утказишга қарор қилди. «У бошига жавоҳир тошлар билан безатилган тилла тожини кийиб, учига ҳўкиз боши тасвирланган салтанатнинг олтин хассасини қўлида тутганча шоҳона либосда от минган эди», деб гувоҳлик беради тарих. Амир дўмбираларини тантанавор садолари остида туеларини кўтариб, виқор ила саф тортиб турган бўлинмалар қаршисидан охишта юриб чиқди.

кушинининг орка бўлимаси билан тўкнашиб кетиб, яқсон бўлишига бир сония қолганида мўғуллар ҳаракат тезлигини сақлаш мақсадида орани узиб, суръатни жадаллаштирдилар, бироқ узок қочиб кета олмадилар. Чунки Улуғ Амир уларнинг ортидан Умаршайх билан Йигирма минглик суворийларни юбориб, уларни тўхташиб ва қандай бўлмасин тутиб туриш вазифасини топширди. Умаршайх ҳам бир неча соатдан сўнг лашкарларни кенг майдонга бошлаб кирди.

Тўхтамишнинг жанг қилишидан ўзга чораси қолмаган эди. Жанг 1391 йил 19 июнда бошланиб, уч кеча-ю кундуз давом этди. Муаррихларнинг фикрича, у Урол ва ҳозирги Самара шаҳри ўртаксида, бугунги Оренбург шаҳри яқинида рўй берди.

Рақибга нисбатан бирмунча кўпроқ суворийларга эга бўлган Тўхтамиш ўз лашкарларини алъанавий мўғул уруш санъатига биноан жангга солди, лашкарнинг маркази қучли бўлиб, унинг икки ёйиқ қаноти ҳал қилувчи зарба берилгандан сўнг душмани икки ёқдан қуришаб олиши зарур эди. Бироқ Амир Темур қўшинини бутунлай янгича жойлаштириб, лашкарбошиларни хайратда қолдириш ва қўшинини еттига мустақил қисмга – туманларга бўлди, улардан бирига ўзи қўмондонлик қилди ва бу туман жангга иштирок этмай, балки уни қузатиб турарди – қаердаки, аҳвол оғирлашса, туман шу захотиёк ўша ёққа етиб бориши лозим эди.

Мўғул қўшини қанотлари рақибнинг етти қучли туманини асло қуришаб олишга мўваффақ бўла олмади, аксича, душман ҳар тарафдан шиддатли зарбалар бериб, уларнинг тартибини бузиб ташлади.

Тўхтамиш қўшини маркази эса, ўзининг қучли зарбасини беришга улгурмади ҳам. Зеро, яқин тезлигида душман устига ёпириляб Мовароуннаҳр қисмлари уларни қўл жангга мажбур қилдилар, нагижада суворийлар, ҳатто, жангга қира олмай ҳам қолдилар. Яқин масофада жанг қилишга Темур аскарлари уста эдилар, Тўхтамиш фалокатини сезди. У ўзининг бир қанотидан айричгина лашкарини йиғиб, сўнги хужумга шайланди. Яқин тезлигида, зарб билан рақиб қўшини ёриб ўтти. Амир Темур шу захотиёк ўзи бошқарган еттичи қисм билан душмanning устига ташланди ва уни сафдан чикарди.

Марказда жанг қилаётган Тўхтамиш аскарлари ҳадеганда ўзларининг қўмондони қайтиб келавермаганидан у халок бўлди, деган фикрга келишди. Қўмондон байроқдори мотам белгиси сифатида тўққиз буханинг думини боғлаган мўғул тумани чанг тўпроққа улқотирганда эса, мўғуллар тум-тарақай қоча бошлади.

Даҳшатда қолган Тўхтамиш лашкари тор-чор келтирилган қитни унсиз қузатар, қулдан ҳеч нарса келмасди. Амир Темур қўлга тушмаслик учун у даштга қочиб кетди.

Жанг майдонидан Итил (Волга) дарёси қирғоқларигача мўнглаб мўғул аскарлари шафқатсиз қиличдан ўтказилди.

Ғалабадан сўнг Темур лашкарлари Итил дарёсига туташиб кетган яшил ўт-ўнлар устига қодир тикдилар. Жангга Бехисоб ўлжа қўлга киритилганди.

Улуғ Амир эълон қилган шодиёна йигирма олти кун давом этди. Жангчиларнинг «битлари тўхилди». Солнома гувоҳлик беришича, улар дунёнинг энг гўзал қизлари тутган тилла идиш ва доғлардан таом еб, шароб ичдилар. Ҳақиқатан ҳам Тўхтамиш ўзи билан олиб юрадиган Шимолий Кавказ гўзалларидан талайгинаси уларнинг қўлларига тушган эди.

«Амир Темур номи қалбларда қандай ҳиссиёт уйғотинишдан, унинг номига қандай маломатлар ёғилишидан қайси назар унинг ёйриштирилиши ва маҳлиб этувчи инсон бўлганлигини, унинг саркардалик маҳоратини ва давлат арбоби сифатидаги ажойиб фаолиятини тан олмаслик мумкин эмас. У яшаган дунёда унинг салоҳиятига тибек келадиган, ёки орттиқроқ салоҳиятга эга бўлган кишилар йўқ эди. Уни буюк саркардалар Александр Македонский, Юлий Цезар, Чингизхон ва Наполеон Бонапарт қаторига қўйиб урганиш мумкин. Чунки Амир Темур ўз асрининг энг буюк кишиларидан бири эди».

Жан Пол Ру,
Франция

Тантана учун келтирилган созанда ва хонандларнинг нолишларию, бахши-шоирларнинг ашулалари остида жангчилар улар билан айш-шйрат қилдилар.

Байрам сўнггида ўлжалар орасидан Чингизхон ворисларининг тилла қопланиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган шохона тахтини майдонга олиб чиқишди. Амир Темур бутун қушин қаршисида унга қутарилди.

Улуғ Амир Тухтамишнинг эски рақиблари ҳисобланмиш Чингизхон авлодидан бўлмиш уч шахзодани енгилган ўрданинг ҳокими этиб тайинлаб, қушинга ватанга қайтиш ҳақида буйруқ берди.

Самарқанд аҳли ўн бир ойлик айрилиқдан сўнг ватанига қайтган ўз ҳукмдори ва унинг шавкатли лашкарини шодиёналар билан қутиб олди. Амир Темур фармони билан қурилган Арк саройи остидаги беҳисоб хазинага янги бойликлар қўшилди.

Шарафли зафар билан яқунланган шу машаққатли юришдан сўнг Улуғ Амир она юртида галаба нашидасини суриб, даволанмоғи лозим эди. Бироқ у Тангри ўзига ато қилган умридан яна қанча қолгани тўғрисида ўйлаб, хавотирланган бўлса, ажаб эмас. Зеро, бу пайтда улуғ Амир эллик олтига кирган эди.

Шимолий қўчманчиларнинг хонликларга қилинган зафарли юриши жануби-ғарбнинг бой ва ривожланган ўлкаларини забт этиш режасини бирмунча ортга суриб юборди. Зеро, энг аввало, бутун Осиёга ягона ҳукмдор бўлишни истаётган Тухтамиш Мовароуннаҳрга солаётган дахшатли хавфни бартараф қилиш зарур эди.

Улуғ Амир Темур лашкарини яна қайтадан оёққа турғизиб, ўзи яўқлигидан фойдаланиб, Эронда исён қутарган бир қанча вилоятларга юриш бошлашини билдирди.

Салтанат пойтахтини тарк этар экан, Амир Темур ўзининг одатдаги шохона туғини кумуш рангли, аждарҳо тасвири туширилган қора рангли янги байроқ билан алмаштирди. Бу билан Темур қачонлардир шу тимсол остида Тунадан Тинч океангача ҳукмдор бўлган хоқонларнинг ўрнини эгаллаганлигини маълум қилишни ихтиёр этганга ўхшарди.

Лашкар Бухорода тўхташи лозим эди, бироқ у шаҳардан анча нарида, улуғ Амир чолири атрофида жойлашди. Шаҳар аҳолисидан бирор кимса бу ерга қўйилмади, Темур эса, унинг шарафига таёрланган тантаналарга бошчилиқ қила олмади.

У хасталаниб, яна ётиб қолди, оёғидаги жароҳати оғриб, хуруж қилди. Бу сафар оғрик шу қадар кучли эдики, беихтиёр қўзига улим қуриниб кетди; унинг тилаги билан қорилар Қуръон тиловатига ўтирдилар, бева-бечораларга хайр-эхсон улашилди; Улуғ Амир барча хотинлари ва тахт вориси Муҳаммад Султонни ўз хузурига қорлади. Бироқ унинг ҳаётга бўлган муҳаббати ва метин иродаси туфайли касаллик яна бир бор ортга чекинди. Чодир ичида роса бир ой ётганидан сўнг у ташқарига чиқиб, аскарлар қаршисида бир неча қалам босди. Оралдан беш кун утгач эса, Бухоро аҳли уни от устида қуришга мужассар бўлди. Яна чикки ҳафтадан кейин у ўз лашкарларини шарқий Эрон томон бошлади.

Дастлаб у Мозандарон томон юрди, бу ўлкани ўзига бутунлай бўйсундириш пайти етган эди. Самарқандликлар Каспий денгизига туташ қалин ўрмон ичида дарахт кесиб, йўл очиб, ажойиб бир касрни забт этдилар. Амир Темур Мозандаронга яшириниб олган асосчилар тариқати аъзоларини қувғин қилиб, қиличдан утқади, исёнкор шаҳарларни эгаллади.

Салтанат пойтахтини тарк этар экан, Амир Темур ўзининг одатдаги шохона туғини кумуш рангли, аждарҳо тасвири туширилган қора рангли янги байроқ билан алмаштирди. Бу билан Темур қачонлардир шу тимсол остида Тунадан Тинч океангача ҳукмдор бўлган хоқонларнинг ўрнини эгаллаганлигини маълум қилишни ихтиёр этганга ўхшарди.

Баҳор келгач, қўшин маҳаллий аҳоли қаршичилигини енгиб, истехкомларни қўлга киритиб, Курдистон ва Луристонга ғариб борди. У ерда барча қисмлар қайтадан сафланиб, Шероз томон йўл тортидилар. Йўл-йўлакай бутун Эронда енгилмас ҳисобланган Қалъаи Сафид истехкомини ҳам эгалладилар.

Шероздан олдин Амир Темурни янги бир қудратли рақиб қутар эди. Бу Самарқанд лашкарларининг Шимолга кетганлигидан фойдаланиб Исфохон ва Шерозни эгаллаб олган, ҳақиқий тахт ворислари бўлган амакиваччаларининг кўзларини кўр қилиб, захарлаган Форс ҳокимининг қизиққан жияни Шох Мансур эди. Амир Темур қайтиб келиш эҳтимолини назарда тутган Шох Мансур мамлакатни урушга таёрлаб, бутун Эрондан йигилган энг жасур ва тажрибали жангарилардан ташкил топган кичик бир қўшин ҳам тўплаган эди.

Амир Темур бошчилигидаги қўшин 1393 йилнинг майида Шероз яқинида пайдо бўлиши билан Шох Мансур ва унинг жангарилари эрта қаттиқ зарба бердилар. Тўсатдан қилинган хужум туфайли мард эронийлар рақиб лашкарлари марказини парчалаб, унинг сафларини тўзғитиб юбордилар. Тўс-тўполон орасида асосий қўшиндан ажралиб қолган Темур ва унинг хос мулозимларини кўрган Шох Мансур ўзига содиқ аскарлари билан улар устига отилди.

Шох Мансур кўз очиб-юмгунча Амир Темур қаршисида пайдо бўлди. Уни кўрган Темур қўриқчисидан найзасини олмакчи бўлиб ўғирилди, бироқ ёнида ҳеч қим йўқ эди. Фурсатдан фойдаланиб Шох Мансур шамшири билан унинг бошига икки зарба туширди.

Дубулғанинг мустаҳкамлиги ва айниқса, иккала сафар ҳам дубулғасининг силлиқ томони ницти тутиб берган Темурнинг совуққонлиги туфайли шамшир сирғалиб кетди.

Бироқ Шох Мансурнинг ажали етган эди, Улуғ Амир лашкарлари кўп ўтмай ўз сафларини тиклаб, форс аскарларини қийма-қийма қилиб ташладилар. Эндигина ўн етти баҳорни қаршилаган шахзода Шохрух Шох Мансурнинг бошини танасидан жудо этиб, отасининг оёқлари остига ташлади.

Жанг тугагач, амирлар Темур қопиға юкуниб, кўрсатган жасорати ва омади келгани билан муборакбод этишди; уларнинг қўпчилиги руҳ берган ҳодисада илохий кучлар таъсирини кўришди.

Таслим бўлган Шероз дарвозаларини очиб, қатта хуз тўлади. Минтақанинг энг гузал қизлари тилла қадахларга ўлканинг роҳатбахш мусалласларидан қуйиб турган бир зинфат чоғида Амир Темур Умаршайхни Форс ҳокимининг ноибни этиб тайинлади.

Эски хон оиласининг тирик қолган аъзоларини - шахзодаларни тутиб келтирдилар. Амир Темур уларни қатл этишни келинға қолдириб, Шерознинг уламо-ю, хунармандларини Самарқандга етказишни буюрди.

Улуғ Амир 1393 йил июнь ойида Шероздан чиқиб, Исфохон ва Ҳамадон томон юрди, йўл-йўлакай қўлаб қалъаларни эгаллади, ов билан машғул бўлди. Ҳамадонда у Угли Мироншоҳни Ғарбий Эрон ҳокимининг ноибни этиб тайинлади, сўнг тоғларга яширилган туркманларга қарши отланди.

Водийга қайтиб тушган Амир Темур султон Аҳмад Жалоир томонидан элчи этиб тайинланган Бағдоднинг қатта муфтисини қабул қилди. Элчи Темурга ўз султони юборган қўлаб соғва-салом ва мактубни топширди. Ҳатта султон бажонидел Улуғ Амир қўл остига ўртаганини, бироқ унга шахсан кўринишдан қўрқатганини ёлган эди.

Султоннинг узини бундай тутиши Мовароуннахр жангчиларининг газабини келтириши тайин эди. Амир Темур Бағдодни камал қилишга ва султонни макр билан қўлга олишга қарор берди. Темур шиддатли суворийларини олиб Бағдодга отланди, у хатто тунда ҳам машғалаларини ёқиб, йўл юриб, бош сахролардан ошиб ўтди. Темур жангчилари хушёрликлари билан ажралиб турардилар, лекин шунга қарамай, улар султон Ахмад Жалойир мамлакатининг турли бурчакларига ўрнатган кузатув жойларининг биридан учирилган хабарчи қабулларни пайкамай қолдилар.

Ўз вақтида оғохлантирилган қўрқок султон узининг энг модир боликларини олиб, жуфтакни ростлаб қолди. Дажла дарёсининг нариги бетиغا ўтиб олган султон ташвиш ила уфққа боқар, сахрода яқинлашиб келаётган суворийлар ортидан кукка кўтарилаётган чангу тўзонга безовта термуларди.

Оғир хасталиқдан эндигина оёққа турган Амир Темур бир от қўйишда салкам эллик чақирим масофани босиб ўтди, бироқ султон Ахмад ундан ҳам учкур чиқди. Унинг ортидан юборилган суворийлар Қарбало атрофида уни қўздан қочирдилар, аммо султон уларга ўз хазинаси, ҳарами ва ўғлини қолдириб кетди. Ўзи эса, Фарбога, Мисрга йўл олди ва мамлук султони Барқук ҳузуридан бошпана топди.

Улуғ Амир Бағдодда икки ой қолиб кетди: дарё соҳилидаги деворларига тилла суви юритилган саройларда унинг шарафига зиёфатлар берилди, аскарлари эса, яқин-атрофдаги кишлоқ ва шаҳарларни таладилар.

Бағдод яхшигина хун тўлади. Усталар, олимлару шоирлар Самарқандга жўнатилди. Минг бир кеча шаҳридаги қўнғилхушлиқдан сўнг Амир Темур мустаҳкам Тикрит қалъасини камал қилди. Шу пайтгача ҳеч бир кимса буза олмаган қалъа деворларининг баландлиги ва қалинлигидан қўнғиллари тўқ Бағдод шимолидаги аҳолини талаб келган қалъанинг босқинчи хўжалари таслим бўлишдан бош тортдилар.

Улуғ Амирнинг буйруғи билан аскарлар лаҳм қазидилар ва қалъани бузишга киришдилар.

Камон ўқлари химояси остида ҳисобчилар қалъа деворларининг сатҳини аниқлаб, ҳисоб-китоб қилишди ва иш режасини тузишди. Сўнгра деворлар остига қайтиб, ҳар бир бўлинма ҳужум қиладиган миятқани қизил бўёқ билан белгилаб чиқишди. Бўлинма сардорларига ҳужум режаси нусхалари тарқатилди, аскарлар эса, одатдаги қурол-аслаҳаларини чўкич, болта, арқон ва белкуракларга алмаштирдилар.

Ишора этилиши биланок улар зўр шижоат билан деворларни тешиб, қавлаб, майдалаб, ишга тушиб кетишди. Коваклар ва ер ости йўллари мўлжалланган даражада қазиб булингач, уларни мустаҳкамлаш учун қора мой суртилган устунлар ўрнатилди.

Ҳисоб-китоб чоғида айрим англашилмовчиликларга ҳам йўл қўйилган экан, зеро, аскарлардан бир гуруҳи қалъа тагидан ер ости йўлини қаза туриб қарама-қарши томонда ишлаётган ватандошларининг рўпарасидан чиқиб қолдилар.

Солнома гувоҳлик беришича, қалъани бузишда етмиш икки минг киши қатнашган. Бу тахминан Амир Темур лашқарининг уша пайтадги сонига тўғри келади.

Белгиланган жойлар қавлаб бўлингач, устунларга ўт қўйилди: қалъа деворлари қулаб тушди. Ўз қурол-аслаҳаларини қайтиб қўлларига олган Темур аскарлари шиддатли ҳужум сунғида қалъа химоячиларини тор-мор этдилар. Уларнинг ҳесилган бошлари қалъа уртасидаги май-

донга уюлди ва уюмнинг тепасига куйилаги киска жуьла битиган тахтача ўрнатилди: «Нодонларнинг кисмати шундай бўлмай».

Улуғ Амир истеҳкомларни эгаллаш ва таслим бўлган улкаларга лашкар қолдиришни буюриб, Ироқнинг барча вилоятларида ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Темуր Мироншоҳни жанубга, Хилла ва Носирия орқали Басрага жўнатиб, ўзи шимолга йўл олди: Мосулни эгаллаб, Туркия ва Сурия остонасида жойлашган Диярбакирда қодир тикди. Шундан сўнг у Ҳалабдан шимолроқдаги қадимий Эдесса шаҳрини ишғол этиб, Сурия ва Миср билан жанг қилажagini билдирди.

У пайтда ҳар икки мамлакатни ҳам Қоҳира мамлуқлари бошқарди, улар Темурга қарши қурашаётган туркман ҳукмдорларини қўллаб-қувватлашар, султон Аҳмад Жалойирга бошлана бериб, мағлубитдан сўнг ўзини ўнглаб олган Тухтамиш билан иттифок тузгандилар.

Бироқ Гуржистон ва Озарбайжондаги исёнлар ва Олтин Ўрда муғулларининг тез-тез хуружлари Амир Темурни бу режани орқага суришга мажбур этди. Бунинг устига ўғли Умаршайхнинг кура найзасидан ҳалок бўлиши уни каттик қайғуга солди.

Худди шундай оғир қайғуиятда у ўз ваъдасининг устидан чиқмаган Мардин шаҳри камалига отланди. Нураган улкан оҳақтош қовлари устига қурилган ва даҳшат оғлоқ қўрғон ўраб турган бу мустаҳкам шаҳар шиддатли жангдан сўнг забт қилинди. Омон қолганларга фақат мўъжиза ёрдам берди.

1394 йил 22 март тонғида етиб келган чопар Амир Темурга яна бир шаҳзода - Шоҳрухнинг ўғли Улуғбек дунёга келгани ҳақидаги хушхабарни етказди. Боши осмонга етган Улуғ Амир исёнкорларни афв этди, улардан тортиб олинган мол-мулк ҳам эгаларига қайтарилиди.

Қўшин Мардиндан қайта туриб Курдистонга бош кўтарган айрым шаҳарларни тинчитди. Амир Темур йўлдаги дам олиш лўзаларидан фойдаланиб, Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларига янги сафарбарлик эълон қилиш тўғрисида фармон жўнатди, зеро, салтанат сарҳадларининг кенгайиши ҳамда Фарбда янги ганюмларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли чиндан ҳам қўшин сафларини бирмунча кучайтиришни тақозо этарди.

Шу зарур эҳтиёт чораси қўрилганидан сўнг Амир Темур олдин таслим бўлиб, кейин бош кўтарган Ван шаҳар қўрғонини қайта ишғол қилди. Шаҳар камали осон кечмади, бироқ Амир Темур ақин-атрофдаги дарахтларни кестириб, қўрғон атрофига унинг деворларидан баландроқ ёғоч миноралар қурширди. Аскарлар эса, шу миноралар тепасидан шаҳарга шафқатсиз ўт очиб, уни таслим бўлишга мажбур этдилар.

Шундан сўнг қўшин исён кўтарган Гуржистон томон юрди. Йўлда қувончи бир воежа муносабати билан бир оз тик олинди: Шоҳрух хондонидан яна бир ўғил - Иброҳим Султон дунёга келган эди.

Улуғ Амир ўзининг янги невараси шарафига энефат уюштирди. Солнома гувоҳлик беришича, Темурнинг минг хилда товланувчи қимматбаҳо тошлар билан безатилган тахти кирк устун кўтариб турган дабдабали гумбаз остига ўрнатилди. Бошларига бебўхо тошлар қадалган дўппилар кийган «Осмоннинг энг гузал анзалари» уни қуршаб туришарди. Тахт қаршичилидаги майдоннинг ўнг тарафидан хонандалар, сўл тарафидан эса, созандалар жон олишди. Қўшларида тумшуғи ингичка биллур куза ва тилла жом тутган соқийлар дивра-

дан чиқишмасди. Улар меҳмонларга Мозандароннинг оқ, Шерознинг қизил, Қайрувоннинг қорамтир мусалласларидан, булоқ сувидек тиниқ бузадан куйиб туришарди.

Кокиллари товоиларига тегувчи гўзаллар даврага ўзгача фант қўшишди.

Янги сафар олдида Амир Темур ўгли Шохрухни Самарқанд хукмдори этиб тайинлади ва уни зудлик билан ватанига жўнатди. Шохрухнинг лавозимга тайинланиши шундай ҳам қўзилиб кетган бу юриш яқин орада тугамаслигидан далолат берар эди.

Гуржистон ўт ва ўқ балосига учради. Биринчи зарбадан сунг Дарбанддан келган чопар янги қўшин тўплаган Тўхтамиш Бокуга бостириб кириш учун тайёргарлик қўраётганини хабар қилди. Улуғ Амир лашкарларининг бир қисмини ўша томонга бурди, бироқ у шаҳарга етиб келмасиданок, Тўхтамиш яна Шимолга жуфтакни ростлаб қолди.

Бу сафар бамайлихотир иш қўриш мақсадида Амир Темур қишини Гуржистонда ўтказишга қарор қилди, бироқ Олтин Ҳрдани бутунлай тор-мор этишни кўнглига тутиб қўйди. У энди Ҳрда устига Кавказ орқали юриш қилиш ва унга кучсиз, сернуфуз фарбий чеккасида туриб зарба беришни кўзларди.

Нима бўлганда ҳам, бу мушкул иш эди; бундай ҳолларда ўз оидига содиқ қолган Амир Темур беҳуда қон тўкилишининг олдини олиш учун масалани тинч йўл билан ҳал этишга уриниб қурди. У Тўхтамишга панд-насихат тула мактуб йўллади. Мактубда, жумладан, шундай дейилганди: «Шахзода, кибру хавони йиғиштириб қўяйликда, қани, айтчи, сарҳадларингдан четга чиқадан мақсадинг недур, фикр-ёдингни банд қилган қора ниятлар қаёқдан келди? Тинчлик истайсанми ёки урушни, қарорингдан бизни оғох эт!»

Солномада ёзилишича, Тўхтамиш баландларвоз ва орсиларча жавоб қайтарган.

Баҳор келиши билан Амир Темур ўз лашкарларини Дарбанд довонидан олиб ўтди, унинг амри билан қўшин Каспий денгизи соҳили бўйлаб юрди, жанговар ҳолат бир сонияга ҳам бушаптирилмади.

Эҳтиёткорлик тўғри чиқди, зеро, тез орада қўшин денгиз киргоғи билан Терек дарёси оралигида пистирмада турган яхши қуролланган ва қўл соғли Тўхтамиш лашкарлари билан тўқнашиб кетишга оз қолди.

Темур суворийлари тузларини ёйиб, бургулар садоси остида ёғийга ташланди. Бироқ, душман қўшини шиддат билан жанговар ҳолатни эгаллади. Дам у томоннинг, дам бу томоннинг устунигида ўтган жанг тун чўккунича давом этди. Соқчиларнинг қўш сафи билан ўраб олинган самарқандлик суворийлар ва аскарлар қурол-яроғларини қўлларидан қўймай туни билан ўт ёқмасдан жангта шай ҳолатда тоғ оттирдилар.

1395 йили 15 апрелда Амир Темур Тўхтамиш устига тўсатдан ҳужум қилди, Тўхтамиш ҳам бу жанг ҳаёт-мамот жанги бўлишини яхши биларди.

Икки ўртада учаетган қамон ўқларидан еру қўқ қоронғулашиб кетди, дейилади солномада. Еяндозлар ўз вазифаларини бажариб бўлган, фанимлар бир-бирларига кучли зарбалар бердилар, сунгра тус-тупоюн ичида аралашиб кетдилар, мўғул қўшинининг сараланган бир гуруҳи Шох Мансурнинг ҳўлидан келмаган ишни амалга оширишга уринди, шунини Мовароуннаҳр лашкарларини талвасага солиш учун Амир Темурни қўлирмақчи бўлдилар. Шу мақсадда улар Темурни қўриқчиларидан ағча йирокда чапғитиб, тезда маҳв этилган бир неча аскари билан

қуршаб олдилар. Камоннинг ўқлари тугагач, нисзаси ситган Амир Темур шамширини тинмай ишлатиб, оқдий навқар каби мардона жанг қилди.

Уни отларининг эгарларидан тушиб ёнигача деярли эмаллаб етиб келган элликка яқин сипохийлари кутқардилар. Улар Буюк Саркарда атрофида жонли халка ясаб, усталлик билан камон отиб, ўзларига яқинлашишга уринган жамики муғул аскарларини ер тишлатдилар.

Сипохийларнинг бу жасоратидан русланган Улуғ Амрнинг байроқдори салтанат туғили боши узра баланц кўтарди, бу эса Саркарда хавф остида эканлигидан дарак беради. Қўриқчилар Амир Темур ёнига ериб кириб, ўз кўкракларини қалқон қилиб, унинг ҳаётини сақлаб қолдилар.

Буни курган Тўхтамиш ўзининг бор кучини тўлаб, сунтги хужумга шайланди, бироқ энди жанг майдонининг барча бурчақларидан Темур аскарлари саркардалари ёрдамга кела бошлагандилар.

Ўз навқарларининг Темур лашкарлари билан яқма-яқма олишувда маълубиятта учраётганини кузатиб турган, чарчаб холдан тойган ва қонга беланган Тўхтамиш бу сафар ҳам омад ва Аллоҳ талоо ўз ғаними тарафида эканлигини англади. Руҳи тушган Тўхтамиш бир неча лашкарбошиси билан шимолга қараб қочди, ўз қоллига ташлаб кетилган кўшпн осонгина янчиб ташланди. Терек сувлари муғуллар қонидан киш-кизариб кетди.

Жангдан сўнг Амир Темур лашкарлар қаршисида ерга тиз чўкди ва шу оғир дамда ўз паноҳида асрагани учун Худованди қаринга шукрона айтди. Ҳаёт-мамот жангидан омон чикқан ҳар бир навқар Худонинг бу қароматининг шохиди эди; худди мана шу ишонч уларнинг ўз саркардасига бўлган улкан эътиқодини янада кучайтирди.

Амир Темур энг учқур суворийларига бош бўлиб Олтин Ўрда хонининг ортидан қуади ва Итил дарёси соҳилида унга етиб олай ҳам леиди. Бироқ Амир шу ерда тўхтаб, Тўхтамишнинг тахдан ағдарилганини ҳамда унинг ўрнига ўз қули остида хизмат қилаётган Ўрқ хоннинг ўғли тайинланганини билдирди.

Шундан сўнг Улуғ Амир қочқон қидиришда давом этди, бироқ Тўхтамиш ўзига оғирлик қилган юкларини улоқтириб, қўл етмас томонларга – Қозон яқинидаги одам беғи тегмаган урмонларга кириб, гоийб бўлганди.

Амир Темур йулида учраган барча қабилаларни бўйсундириб, лашкарларини бундан тўрт йил бурун ўзи Ўрда қўшинларини шай этган жойларга бошлади, сўнг янада қарброкка от сурди. У муғуллар Русиядан тортиб олган бебаҳо бойликлар тўпланган Итилбўйи худудларини қолибона кезиб чикди. Самарқанд лашкарлари йикқан беҳисоб бойликлар ичида олтин, қумуш, мўйна, ёқут, жавоҳир ҳамда гўзалликда тенги йўқ йигит ва киз куллар бор эди.

Ўрда бойликларини бир неча шахсрода ва кучли қарбчи бўлинима хузатувида салтанати пойтахтига жунатган Амир Темур энди Тўхтамишга тобе ҳисобланмиш асл рус улқаларини ҳаёт этишга киришди. У Итил ёқалаб Қозон шахрининг жанубида жойлашган Булғорчага кўтарилиб, сўнтра лашкарларини Қарбга бошлаб, Москва тагида жойланган Екзакча бўлган худудни эгаллади. У йулида учраган муғулу русларини термор келтириб, Киев остоналарига етиб барди.

Бир неча минг қақиримлик шу юришдан сўнг Улуғ Амир Дн дарёси бўйлаб жанубга қайтиб Тана (Азов)ни қўлга киритди, шу пайтгача Ўрда ҳимоида бўлган генуэллик ва венециелик савдогарларнинг

омборларини вайрон қилди. Сунгра у жасур ва маккор черкасларнинг қаршичилигига қарамай, Кубани ҳам таслим этди; черкаслар эса, янголларга ўт қўйиб, мовароуннаҳрликлар отларининг қатта бир қисmini нобуд қилдилар.

Ҳормас-толмас, енгилмас Темур бутун Кавказни кезиб чиқди, унинг жасур навқарлари эса, ақл бовар этмас жасорат намуналарини кўрсатишар, йўл азобларига мардона бардош берардилар.

У Гуржистонни ортда қолдириб, Олтин Ўрданинг қудратли савдо маркази бўлмиш Аштархон устига юрди: у томонларда Темурнинг ноибларига қарши исён тайёрланмоқда эди. Ўзларига қибр қўйган ганимларнинг таъзирини беришга отланган қўшгин яна бир қарра Кавказ совуқларини бошидан кечирди. Бу бой шаҳарнинг қўлга киритилиши Темур лашкарларининг энг ёрқин ғалабаларидан бири бўлди.

Итил бўйида жойлашган бу шаҳар қуруқлик тарафидан банд ва қалин девор билан ўралган бўлиб, шаҳар аҳолиси ҳар кун бу деворларга сув қуяр, аёзли хавода сув бир зумда музга айланиб, деворни янада бандроқ ва қалинроқ қиларди, Улуғ Амирнинг дахшатли совуққа мардона бардош берган аскарлари шу ойнадек тиниқ ғаройиб деворга тирмашиб, қўкичлар ёрдамида зинапоялар жасдилар. Охир-оқибатда Аштархон таслим бўлди, қучли талафот бериб, бойликларидан ажралди.

Аштархондан кейин навбат анча шимолда жойлашган Сарой шаҳрига етди.

Бу сафар Олтин Ўрда тиз чуқди. Шундан сўнг у ҳеч унганмади. Амир Темур дахшатли Иванга йўл очиб берди.

Ўрданинг заифлашганидан фойдаланган мўғулларнинг эски тобелари – рус князликлари қўп ўтмай озодликка эришдилар ва бўлажак рус империясининг пойдеворини қўйдилар. Агар Улуғ Амир Олтин Ўрдани тугатмаганида, турган гапки, руслар ўз мустақилликларини яна юз йиллаб кутган бўлардилар.

Шу ўринда эътиборингизни қуйидаги қизиқ бир далилга қаратмоқчиман. Юқорида сўзланган воқеалардан тўрт аср ўтгач, француз сайёҳи Р.Е. Уюк Мўғулистонни кезиб юрган чоғида мўғул қўшиқчиларининг Темур ҳақидаги ушбу қўшиғини эшитган экан.

*Темур қучган зафарлар
Ҳақида хотиралар
Бизни асло қўймас тинч,
Бизни асло қўймас тинч.*

*Эй, илоҳий Темур!
Рудине қачон қайта тирилур?
Кела қолгин, кел тезроқ,
Йўлларингга биз муштоқ,
Эй, Темур!*

1396 йилнинг июль ойида Амир Темур Самарқандга қайтиш ҳақида буйруқ берди. У энди қувонса бўларди: салтанати Туркия, Сурия ва Арабистон сарҳадларидан Хитой чегарасигача, Форс қўрғазидан Рус даштларигача кенгайган эди. Бироқ у сўнгги юриш учун тўрт йил сарфлаганини-ю, инсон ҳаётининг ўртача узунлиги ўттиздан ошмай-диган бир даврда ёши олтинмишга бориб қолганини ўйлаганида вақт кўтиб турмаслигини янада аниқроқ сеза бошларди. Зеро, дунёни бо-
сиб омишдек буюк сарғузашт ўзининг эскирган классик доирасидан

чиқаётганди. Темурнинг янги қўшинлари турк султони, Қоҳира мам-
луқлари подшоҳи, Ҳиндистон ҳукмдори ва Само Уғлони ўзлари бундан
беҳабар Худо хузурига киришга, унинг ҳукмини эшитишга яқинлашиб
қолган эдилар.

Доимо ҳаво алмаштириб туришга мажбур бўлган Темур лашкар-
лари ҳилдан тойган эдилар. Унинг ўзи ҳам Осиё бойликлари билан
безатилиб, соҳибжамол аёлдек кундан-кунга янада севилиб боретган
Самарқандни қаттиҳ соғинган эди. У қандай маҳорат билан жанг қилса,
шундай усталик билан тинчлик ўрната оларди, шунинг учунми, балки
ўз бошкентида узокрок тин олгиси келгандир.

Қўшин ўтган йулларда аҳоли «фалакиёт султони»ни ва унинг шав-
хатли жангчиларини олқишлар эди. Ўз гўшаларига яқинлашганлари
сари чарчқларини унутайтган аскарлар кетидан устига ортидан бой-
лик ва улжаларнинг оғирлигидан гичирлаган аравалар қаровни келарди.

Темур Кешда тўхтаб, падари бузруқвори ва фарзандининг
қабрлари тепасида дуо ўқиди, Оксаройни бориб кўрди. Бинонинг бир-
инчи фишти 15 йил олдин қўйилганига қарамай, усталар ҳали ҳам
унга пардоз бериш билан овоза эдилар.

Амир Темурдан бир неча йил кейин у ерга борган Кастилия (Ис-
пания) қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо хайратланиб таъ-
рифлаган бу маҳобатли ва гўзал бино Темурга ёқди. У кетишидан ол-
дин усталарга бинонинг пештоқига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйишни
буюрди: «Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган бинолар-
га боқинг».

Самарқанд Амир Темурни дабдаба билан кутиб олди. Бинолар-
нинг пештоқлари ва кўчаларга нодир гиламлар ташлаб қўйилган,
майдонларда гуллардан зафар дарвозалари тикланиб, очик саҳналарга
кўтарилган хонақалар унинг шаънига мадҳиялар айттишарди.

У «Қўксарой» деб ҳам аталувчи шаҳардаги энг баланд бино - Арк-
да яшай бошлади. Қўшин келтирган бойликлар салтанат нозирлари
хисобдан ўтказишлари учун мустаҳкам хоналарга жойлаштирилди.
Солиномада гувоҳлик берилишича, шу ҳисоб-китоб ишларига жалб
этилган нозирлар соми куп бўлишига қарамай, бойликларни ҳисобдан
ўтказишга бир неча кеча-ю кундуз вақт керак бўлган.

Зафар шарофига зиёфатлар берилди. Зиёфатлардан бирида Амир
Темур Самарқандда қолганларга ҳам мансабига ва галабага қўшган
ҳиссасига қараб улжалардан улашиб чиқди, биринчи бўлиб салтанат-
нинг юксак мартабали амалдорлари эмас, балки пайгамбар авлодлари -
сайидлар ва уламо тақдирланди.

Эртаси кундан бошлаб Амир Темур салтанат юмушларига шунинг
кетди; унинг қаҳри қаттиқлигини билган амалдорлар ва сипоҳилар
қалтираб туришарди. Ўзи узок вақт афқитида бўлиб ўтган воқеалар
баёнини диққат билан тинчлагач, нарх-навоининг ҳилдан ташқари
ошиб кетишига йул қўйган савдогарлар ва албдорларни дорга остир-
ди. Бева-бечораларга кийим-кечак ва озиқ-овқат улашди, салтанат
фуқаролари эса, уч йил давомида берча солиқлардан озод қилиндилар.

Ватанига қайтиб, ўз фуқароларининг фаровонлиги учун
қайғурадиган халқ Отасига айланган сарварга одамлар учун етар-
ли ғамхурлик қилганига ишонч ҳосил этган, бутун эътиборини
Самарқандни гуллаб-яшнатишга қаратди ва бу соҳада ҳам ўзининг
ажойиб қобилиятини намоиш қилди. У мейморлар тақдир этган
лойихалар орасидан энг яхшисини танлаб олар, улар билан иш режалар-
рини ишлаб чиқар ва ўзи ҳам янги ечимлар тақлиф қиларди. У қурчилиш

*Темур Кешда тўхтаб,
падари бузруқвори ва
фарзандининг қабрлари
тепасида дуо ўқиди,
Оқсаройни бориб кўрди.
Бинонинг биринчи фишти
15 йил олдин қўйилганига
қарамай, усталар ҳали ҳам
унга пардоз бериш билан
овоза эдилар.
Амир Темурдан бир неча
йил кейин у ерга борган
Кастилия (Испания)
қиролининг элчиси Руи
Гонсалес де Клавихо
хайратланиб таърифлаган
бу маҳобатли ва гўзал бино
Темурга ёқди.*

ишларини ўзи бошқарар, келиб чиқишидан қатъи назар, энг иқтишарли хунармандрларга ишониб иш топширарди. Бир томонда қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм ақлини қутлаб, ҳимоясига олашган Темур турар: бир томонда бутун-бутун шаҳарларни забт қилувчи Темур бўлса, иккинчи томонда обидалар, мадрасалар, анҳорлар қурдирувчи ва боғлар барпо эттирувчи Темур турарди. Бу мураккаб шахс муарри-лар учун ҳали ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқда.

1397 йил Бахорида у Самарқанднинг машҳур боғларидан бири «Боғи Шамол»да ажойиб бир сарой қурдирди. Қурилишни тезроқ ниҳоятга етказиш учун эроний ва бағдодий меъморларга аскарлар ёрдам беришди. Ўзи эса иш боришини назорат қилиб туриш учун қурилиш майдонига чодир тиктирди. Солномада ёзилишича, ушбу саройни бунёд этиш учун юксак маҳорат ва мислсиз ғайрат-шижоат билан иш олиб борилди.

Ўша йили кузда у кенг Кониғил даштида илгари машҳур бўлган барча боғлардан гузал бир боғ яратди. Унинг анжирлару бошқа турли мевали дарактлар соя ташлаб турган узун йўлқаларидан ўтиб, атрофи баланд оқ мәрмар устунлар билан ўралган бир қасрга бориларди. Амир Темур боғ ўзи ўйлаганидек чиққанини қўрғач, унга «Боғи Дилқушо», яъни «Дилга қувонч бахш этгучи боғ», дея ном берди.

Амир Темур ҳар сафар бирор сарой тиклар ёки боғ яратар экан, ҳадимий удумга қўра уни бирор аёлга бағишлар эди. Шу одатга қўра, «Боғи Шамол» набираси, малика Бойқизга, «Боғи Дилқушо» эса, кенжа қаллиғи – суяраҳси, Мўғулистоннинг янги ҳокими Хизрхўжанинг кизига бағишланди.

У Кей йўли устидаги ҳайбатли қоя устига ҳам ажойиб бир сарой қурдирди. Деворлари қора мәрмар ва оқ қошин билан қопланган бу саройни зилол бўлоқлардан сув ичган ям-яшил боғ ўраб турар эди. Темур бу боққа «Тахти қорача»деб ном қўйди.

Самарқанднинг ўзида ҳам Улуғ Амир омборлар, шифохоналар, мактаблар қурдирди. Бирок у бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлган пайтида ҳам «жаннат қитғич соясида» эканлигини унутмади. Шу сабабли у шаҳар деворларини мустаҳкамлади – Самарқанд деворларининг узунлиги етмиш олти минг метрга етказилди, темир қалқон ва дубулғалар қўйдирди, янги суворийларни қуроллантириш учун қилич ва найзалар тайёрлатди. Зеро, ўша пайтлаёқ у Хитойга юриш ҳақида ўйларди.

Амир Темур ҳузурига доимий равишда Кастилия қироллигидан элчилар келиб турди, уз навбатиди,

Темур ҳам ўз элчиларини Испания ва Франция қироллари ҳузурига юборди.

1394–1403 йиллар орасидаги Европа қироллари ва Темур ўртасидаги дўстлик алоқаларини ёритиб беришчи 20 га яқин турли хил манбаълар топилган. Марказий Осиёда уз давридаги энг кучли мусулмон сарқардаси ва Европа насронийлари ўртасидаги ушбу ҳайратли яқинлашув Ўсмонли туркларнинг бу икки томонга адоватли ҳаракатига жавоб эди.

Амир Темур, Боязид ва насроний қироллар¹

(1394-1403)

XIV аср охирида, Усмонли турклар Никополда насроний коалиция кучларини енгиб, Константинополга ҳаф сола бошлади. Европа Марказий Осиёнинг янги ҳукмдорига - Темурбекка, бизнинг «Тамерлан»га юз тутди. Бу саркарданинг қоришлари ҳозирги Грузия, Арманистон худудларигача етиб келган эди. Боязид эса, буни менсимасдан унга вассал сифатида қарарди.

Византия Қироли ҳамда геноислар ва венецияликлар, Франция маршали Бусико ўзларининг Яқин Шарқдаги позицияларини ҳимоя қилиб, Амир Темурга иттифоқ тузиш ҳақидаги таклифлар билан чиқишди. Амир Темур эса Турк мусулмонларидек мусулмон бўлса-да, уларнинг бу таклифларига ижобий жавоб берди. Бу икки томоннинг дипломатик алоқалари Амир Темурнинг 1402 йилдаги Анкара жангидан кейин ҳам, Боязид кушинларини бутунлай тор-мор этганидан кейин ҳам давом этди.

Ўрта асрларда Осиё қироллари европатиклар учун бузғунчи босқинчилар ҳисобланарди. Осиёлик ҳукмдорлар эса, Европани ўзларининг вассалликлари сифатида қўрардилар. XIV аср охирида Амир Темур буздан мустасно бўлган.

«Ҳамма ҳаф-хатар ва имкониятларни олдиндан кура биладиган ва улардан совуққонлик билан зарур ҳулосалар чиқара оладиган Амир Темур ўз режаларини амалга оширишида тасо-дифларга мулаққо ўрин қолдирмасди. Қачонки унинг олдида иложи йўқ муаммо пайдо бўлса, у бу муаммони ечинга бел боғлар ва унинг ечимини топшга имони қомил эди».

*Жан Пол Ру,
Франция*

Амир Темур хузурига доимий равишда Кастилия қироллигидан элчилар келиб турди, ўз навбатида, Темур ҳам ўз элчиларини Испания ва Франция қироллари хузурига юборди. 1394-1403 йиллар орасидаги Европа қироллари ва Темур ўртасидаги дўстлик алоқаларини ёритиб берувчи 20 га яқин турли хил манбалар топилган. Марказий Осиёда ўз давридаги энг кучли мусулмон саркардаси ва Европа насронийлари ўртасидаги ушбу ҳайратли яқинлашув Усмонли туркларнинг бу икки томонга адоватли ҳаракатига жавоб эди.

Боязид (Боязид Йилдирим) бошчилигидаги Усмонли турклар 1396 йилда Бургон герцоги ўғли томонидан бошқарилаётган насронийлар коалициясидан ташкил топган кушинларини Никополда яқсон қилиб, Шарқий Европани ишғол этишга киришди ва Константинополда ўз қароргоҳини ўрнатдига таянчларини қўрарди.

Ҳаф остида қолган император Мануил ва Венгрия Қироли насроний қироллардан ёрдам сўрашгани; лекин улар фақат ваъдалар олишарди ҳолос, чунки Европада парокандалик ҳукми суради; Франция-Англия уруши, Папаликдаги бўҳрон, вабо касаллигининг мусибати оқибатлари ва ҳоказо. Ёрдам эса Шарқдан, Темур томонидан келди.

Тамерлан (Темур Ланг - «оҳсоқ Темур») асли исми Темур Бех ёки Амир Темур, турк-муғулларидан бўлиб, Самарқанд яқинида яшай утрок қабиласида туғилган. 1370 йилдан Трансоксиана амирри бўлиб, Самарқанд эса, унинг пойтахтига айланди. Каттиқдўл саркарда ва ажойиб стратег Темур душманларини қўрқитишда кирити-баротини ўзига усул қилиб олди, лекин у ажойиб бошқарувчи бўлиб, қисқа вақт оралиғида Эрон, Месопотамия, Шимолий Ҳиндистон, Сибирдан Кав-

¹ Луссен Керен: Амир Темур, Боязид ва насроний қироллар. Француз тилидан А.Х. Ситова таржимаси // Соҳибқирон юлдузи, 2011. № 2. - 11-16-бетлар.

казгача булган Руссияда хукм суриб келаётган Олтин Үрдани тор-мор этди.

Грузия ва Арманистонга яқинлашиб, Боязидга қарашли ҳудудларга кира бошлади. Темур Кичик Осиёдаги салжукийларнинг султони амирлигини ўз тасарруфига олди, бу эса, Темурнинг Боязидга қарши уруш чорлови эди. Ўз навбатида, Боязид Амир Темур билан жангга Қора Куёнли турклар шоҳи Қора Юсуфдан ва Аҳмад Жалойирдан, Бағдод султонидан ва Мамлук Фараждан, Миср ва Сурия султонларидан иборат иттифоқ тузиш таклифини олди.

Уруш бўлиши муқаррарлигига ишонган Темур эса насроний Кичик Осиё ва Шарқий Европанинг иттифоқчилиқ таклифларига рози бўлди. Бундай таклифни қабул қилиш буюк Темурнинг прагматик саркарда эканлигини курсатибгина қолмай, балки жуда катта фойда олаётган Осиё билан Европа уртасидаги алоқаларни боғлаб турган буюк ипак йўлининг хавфсизлигини таъминлашдек вазифа турардики, бунга эса, Боязид муқаррар хавф солаётган эди. Бу таклифга жавобан, Темур насронийлардан Боязид билан бўладиган жангга бўғозларга галералар (кўп эшакли кемалардан фойдаланиб, барча кемаларнинг утиш йўлини тўсиб қўйишни ва Боязидга тўланаётган йиллик солиқни Темурга тўлаш шартини қўйганди.

Осиёнинг бу икки буюк саркардалари уртасидаги жанг 1402 йил 28 июлда Анкарада бўлиб ўтди. Бу жангга Темур ғолиб чиқди. Анкара жанги урта асрлар охирида бўлиб ўтган энг катта жанг эди. Бу жангга 200 мингдан ортиқ жангчи иштирок этди (баъзи манбаларга асосан бир неча миллион жангчи иштирок этган).

Амир Темур ва Европа қироллари орасидаги иттифоқчилиқни икки катта даврга бўлиш мумкин.

1. Анкара жангидан олдин

Аввалига Темур билан бўлган алоқалар махфий равишда амалга оширилди, чунки Европа қироллари Боязиднинг қаҳрига учраб қолмаган бўлишди. Бундай қўрқувларни улар ёзган расмий хатларнинг мазмунидан ва қайд дафтарларида қолган излардангина билиш мумкин.

Шундай қилиб, 1394 ва 1402 йиллар орасида Византия Константинополи қироллари икки марта Темур ҳузурига Франсуа исмли шимониаклик роҳиб ва Сандро (арман) исмли элчиларини юборишди. Темур византиялик қиролларга юборган хатларида уларнинг исмлари тилга олинди:

«Подшоҳ, Император Мануил олий жанобларига.

Биродар Франсуа ва Сандролар орқали юборган мактубингиз бизга етиб келди ва танишиб чиқдик. Дунёнинг тинчлиги учун урнатилаётган Бизнинг умумий дўстлигимизни намоён этишди. Хиттингиз бизнинг ёқимизда. Буни мен ҳам Биродар Франсуанинг биринчи таърифи давомида тасдиқлагандим. Бизнинг келишимизга Император Трапезунд кўлаб тўсқинликлар қилди, лекин биз буни чиққанимизда, у бизни 20 та йили қўролланган эшакли кемалар билан ташвишланди. Агар бизнинг гапларимизга ишонсангиз, учрашимиз керак бўлган жойга ўз элчингизни юборинг, чунки биз Гердон бўлган пайда борамиз. Эҳти қилиш билан ўша ерда керакли ишлар бўлган гапланиб оламиз. Биз Биродар Франсуани ҳали кузатмадик, чунки Боязиднинг элчисини кутамиз. Бизга маълум бўлдики, Боязид элчиси

Амир Темур европалар билан бошланган дўстлик алоқаларини давом эттириш иштиқини намоён этди. У Трапезунд ва Константинополга қарашли ерларни босиб олмади, ўсишли турклар ҳулида асир тушган насроний маҳбусларини озод этди: Европа ва Темур дўлаати уртасида муҳим дипломатик алоқалар бўлиб ўтди, буларга тарихий манбалар тўғрисида ғувоҳ бўламиз.

стиб келган, биродар Франсуа у билан учрашган ҳамда Пера ва Константинополь тўғрисида солиқни эндиликда Темур жаноби олийлари га тўлашни лозимлигини унга айтказган.

Бизнинг мактубимиз

1402 йил 15 майда бизнинг муҳр билан тасдиқланди.

Франсуа деган ушбу роҳибнинг мавсуфидиги Темурнинг Шарль VI га ёлган мактубида ҳам ўз аксини топади (цеининги хатни қаранг). Ўз ишининг устаси бўлган ушбу махфий агент ва унинг йўлдоши бўлган Сандронинг шахслари ҳеч қайси ҳужжатларда еритиб берилмаган.

1400 йил давомида Венеция Сенати, ўз навбатида, Темур хузурига иккита вакил юборган; улар Андреа Гюстиниани ва Матео Барбадиго эди. 1401 йилда амир Синоп билан бирга Трапезунд императорининг ашқакли кemasида Константинопольга келган Амир Темур элчиси ҳақидаги хабарлар Темур ва Трапезунд ўртасида алоқалар бўлганлигидан далолат беради. Улар яхши кутиб олинганлар ва совғалар билан тақдирланганлар.

1402 йил апрель ойида Константинополь ҳуққидори томонидан юборилган роҳиб Франсуани Темур ўз хузурига қабул қилади (бу пайтда ҳуққидорнинг ўзи Европада эди). Амир Темур ҳуққидорга хат орқали жавоб беради ва мазкур хат 1402 йилда роҳиб Франсуага ишониб топширилади. Генуянинг Перадаги қайд дафтари Темур элчисининг 1402 йил 18 май ва 21 июнь оралиғидаги ташрифини қайд этади.

Европа ва Темур давлати ўртасида Усмонли туркларга қарши сулқ тузилади, лекин бу сулқдаги шартларнинг бажарилишига имкон ҳам бўлмади, чунки Амир Темур шундай жанг олиб бордики, натижада, Европа ҳуққидорлари ердами ҳам керак бўлмади. Туркия эса, Амир Темур томонидан босиб олинди.

2. Анкара жангидан кейинги муносабатлар

Амир Темур европаликлар билан бошланган дустлик алоқаларини давом эттириш иштиғини намоён этди. У Трапезунд ва Константинопольга қарашли ерларни босиб олмади, Усмонли турклар қўлида асир тушган нарсоний махбۇсларини озод этди. Европа ва Темур давлати ўртасида муҳим дипломатик алоқалар бўлиб ўтди, буларга таярқий манбалар туфайли гувоҳ бўламиз.

Биринчи элчилик алоқалари Кастилия қироли томонидан жунатилган ва Темур бунга жавобан юборган элчилар орасида содир бўлди. Ҳенрих III 1401 йилда, Боязид ва Темур давлатларидан хабарлар ёзиб келиш учун жуда катта хўрматга эга бўлган икки маслаҳатчию Гомез де Сото Майор ва Ҳернан де Палазуелос исмли шахсларни Кичик Осиёга юборган эди.

Улар биринчи марта Боязид хузурига 1402 йилнинг баҳор фаслида келганлар ва яхши кутиб олинган; улкан жангга тайёргарлик кураётган Боязид уларни Анкара қўрғонига жойлаштиради, бу ерда унинг бойлиги ва ҳарамии бор эди. Амир Темур Анкара қўрғонига қилинган хужум пайтида ушбу элчилар Темурга ўзларини таништирадидлар, ўз Қиролни номидан Темурни ушбу зафар билан биринчилардан бўлиб қутлаш бахтига муяссар эканликларини бийишрадидлар.

Темур бунга ижобий қабул қилади ва Муҳаммад Кеший исми ўз аскарини ушбу элчиларга қўшиб, Боязид харамидаги 3 нафар насро-

Биринчи элчилик алоқалари Кастилия қироли томонидан жунатилган ва Темур бунга жавобан юборган элчилар орасида содир бўлди.

Ҳенрих III 1401 йилда, Боязид ва Темур давлатларидан хабарлар ёзиб келиш учун жуда катта хўрматга эга бўлган икки маслаҳатчию Гомез де Сото Майор ва Ҳернан де

Палазуелос исмли шахсларни Кичик Осиёга юборган эди.

ний канизакни совға сифатида ва бир мактуб билан Кастилия қиролига юборди. Ушбу хат қуйидагича ёзилган эди:

«Шарафли Темуршоҳдан Испания, Леон ва Кастилия жой ва шаҳарлари ҳукмдорига!

Сизнинг номингиз, бойликларингиз ва сулолангиз абадий бўлсин. Мен сизга шунки маълум қиламанки, Пайо ва Фернанд Санчез томонидан олиб келинган мактубларингизни олдик.

Дўстлик ва ривожланиш ниятлари битилган мактубингизни улар etkazиб келдилар. Худога илтижо қилиб айтаманки, адолат йўлидаги ҳукмдорлигингизни Худо ўз паноҳида асрасин. Сизга марҳамат қилувчи Пайгамбар номидан шунки маълум қиламанки, ўз ҳуқуқлари чеғарасидан чиқиб кетган халқлар бошига ҳуқуқатлар ёғдириб, айтрлик уруғларини сепган Усмон ўғли ва менинг ўртамда жанг бўлиб ўтди ва Худо бизни голиб этди. Биз Боязид Йилдирим ва унинг ўғли Мустафони қўлга олиб, уни ўз қуроли билан маҳв этдик. Хабарчиларингиз таъжиблаганидек, насронийлар қиролларига тегишли бўлган қаср ва шаҳрларни ўз эгаларига қайтардик.

•Буюк Амир турк султони Боязидга унинг умрининг охиригача асир сифатида эмас, балки юксак мартабали ҳукмдор сифатида иززат-ихром кўрсатганидир. Бирок, маълумлик аламини чақидий олмаган мағмур Боязид тез орада оламдан ўтди. Шунда Амир Темур қалбида инсонийлик туйғуларини жуш уриб келиб, унинг ўғли шаҳзада Мусога отаси жасадини Бурса шаҳригача иززат-ихром билан қузатиб беришга рухсат берганидир.

Жан Пол Ру,
Франция

Карвон Испанияга ҳеч қандай тусиқларсиз етиб келди. 1403 йил февраль ойида кастилияликларнинг маблағи ҳисобидан юнистонлик Анжелина ва унинг икки хамроҳи ҳамда Темурнинг элчиси Муҳаммад Кеший – «Татарлар қироли Темурнинг хабарчиси»га яшаш ва озиқ-овқат харажатлари таъминланганлиги Севилья шаҳрининг кайд-дафтарида зикр этилган.

1403 йилнинг март ойида карвон Ҳенри III жойлашган Севоя шаҳрига етиб келди ва ал-Кеший унга Темур юборган мактуб ва европалик уч хонимини топширди. Шаҳарнинг Қиролга буйсиқувчи ҳокими Диего де Контрерас юнистонлик Анжелинага уйланди. Уларнинг сулоласи бизнинг кунимизгача етиб келган.

Ҳозирги кунгача сақланиб келаётган Анжелинанинг Севоядаги қабрини камина кўриб келган ва ушбу воқеалар хусусида батафсил маълумотлар берувчи сулола архиви билан танишишга муяссар бўлди.

1402 йил 2 сентябрда Константинополь ҳукмдорининг икки вакили ва Пера шаҳар ҳокими Бартоломео Росо ўз ёрданчиси билан Темур ҳузурига кўрсатилган миқдордаги солиқни тўлаш учун таширф буюрди. 1402 йил сентябрь ойида Европанинг бошқа элчилари ҳам Темур ҳузурига ўз салокатини намоён этиш учун бордилар: булардан Франсуа Гаттилузио (Лесбос ҳукмдори), генуялик Де Чиос ва Йени Фоса шаҳри элчилари шулар жумласидандир.

Ўз навбатида, Амир Темурнинг икки элчиси Пера шаҳригача етиб бордилар. У ерда улар қатта ҳурмат-эҳтиром ва совға-саломлар билан кутиб олинди. Шу йилнинг декабрь ойида Темур ҳузурига Константинополь ҳукмдори элчиси Коляяни Кайрано таширф буюрди.

Худди шу даврда Амир Темур ҳам ўз набираси Пир Муҳаммадини Смирне шаҳрини идора этаётган Сен Жан Шевалье калъаси ҳукмдорига улпон талаб этиш учун йўллади. Унинг рад жавобидан жажли чиққан Темур 1402 йил 2 декабрда омон қолган отликлар (ришарлар)ни қатл этди ва шафқатсиз уруш саркардаси сифатида узини намоён этди.

Ушбу воқеалар насроний қироллари ва Темур ўртасидаги муносабатларга узининг салбий таъсирини кўрсатмади. Буни 1403 йил январь

ойида Генуя шахри ҳокими Темур ҳузурига ўзининг яхши ниятда эканлигига ишонтириш мақсадида келганигидан билишимиз мумкин.

Боянд қўлагандан сўнг Амир Темур Европа давлатлари билан сиёсий иттифоқ ва тижорат алоқаларини ривожлантиришга каттик бел боғлаган эди. Галабанинг эртаси кунгек Франция Қироли Шарль VI ҳузурига ўз элчисини юборган эди. 1403 йил доминиканлик роҳиб Иоани III номи билан Султония руҳонийси Амир Темур мактуби билан Париждаги Қирол саройига ташириф буюрди. Ушбу хатнинг форс тилидаги асл нусхаси Париж миллий архивида сақланиб келинмоқда.

1822 йилда форс тили профессорси Сильвестр де Саси (1806-1838) томонидан ўрганилган ушбу хатда Амир Темур муҳрлари ҳамон сақланиб қолган эди. Вақт ўтиши билан ушбу муҳрлар исми йўқолган, лекин ундаги ёзувларни ҳалигача кўриш мумкин. Бу хат бир ва рақдан иборат бўлиб, баъзи бир имловий хатолардан фориғ эмас ва бу шундан далolat берадиси, уни ёзган котиб форсийзабон бўлмаган.

Мактубни олиб борган Иоани ўзининг хақиқатан Иоани жанлигига ишонтира олди. Ушбу мактуб бир неча таржималар учун асос бўлди. Ушбу таржима Матдуб ва Богдановичларга тегишли бўлиб, Миллий нашриёт унинг факсимил нусхаларини чоп этди.

«Улуғ Амир Темур Қўрагон - умрлари шуда бўлса!»

Фаранг қироли ўз дусини томонидан йўланган юз минг салом ва эҳтиромларимизни бир жаҳон тилаклар билан қабул қилмайсиз! (яъни, тилаклар бу дунёнинг энг яхши эзуликларига ҳос). Қачонки, буюк ҳукмдор амри билан бу эҳтиромлар бидирилган пайтда розиб Франсуа (яъни, монахлар ордени роҳибини) қирол мактубларини олиб, бу улкаларга етиб келди ва буюк қиролининг қудрати ва элчоти ҳамда шон-шухратини баён қилдики, биз бундан бениҳоя хурсанд бўлдик.

У бизга яна, Яратганнинг мадади шя қирол катта қўшин билан йўлга чиққанини, Сизнинг ва, айни пайтда, бизнинг ҳам душманлигимни забун этажганини сўзлади.

Шундан сўнг биз Сизнинг ҳузурингизга розиб, Султония архиепископи Иоанини йўладик; у сизга нима воқеа содир бўлганини баён қилгай. Энди эса, биз буюк қиролдан умид қиламизки, шодона мактубларини мунтазам жўнатиб туриш ила бизга саяматликларини малум қилиб турсалар, токи кўнглимиз хотиржам тортсун.

Жонқим, сизнинг тожирларингиз бизнинг мулкимизга юборилсалар, зеро биз уларга ҳурмат ва izzatда бўлиш гагини кўрурмиз ва худди шу тахлит бизнинг тужжорларимиз ҳам сизнинг мамлакатингизга ташириф этсалар ва уларга ҳам эътибор ва икром ойинида бўликса. Ҳеч хилса уларга дахл этмася ёки солиқ солмася (яъни, улар тўлашни лозим бўлган солиқ миқдори оширилмася), чунки савдогарлар туғайини дунг ободдир.

Давлатингиз узоқ йиллар катомликда бўлсин.

Ҳижрия 805 йил, Муҳаррам ойининг бошида ёшди (милодий 1402 йил, 1 август).

Миллий архияда, ўз навбатида, Амир Темурнинг ўгли Мироншоҳнинг лотин тилидаги мактублари нусхаси, Шарль VI нинг 1403 йилта мансуб лотин тилидаги жавоб хатининг нусхаси сақланади. Унинг асосий мазмуни ҳар икки томон савдогарларининг бориб-келишларини яхшилаш ва дустлик алоқаларини сақлаб туриш истиълоидан иборат. Темур ёзган хатнинг охириг сатрларида катта миқдорда

Боянд қўлагандан сўнг Амир Темур Европа давлатлари билан сиёсий иттифоқ ва тижорат алоқаларини ривожлантиришга қаттиқ бел боғлаган эди. Галабанинг эртаси кунгек Франция Қироли Шарль VI ҳузурига ўз элчисини юборган эди. 1403 йил доминиканлик роҳиб Иоани III номи билан Султония руҳонийси Амир Темур мактуби билан Париждаги Қирол саройига ташириф буюрди. Ушбу хатнинг форс тилидаги асл нусхаси Париж миллий архивида сақланиб келинмоқда.

Миллий архивда, ўз навбатида, Амир Темурининг феали Миронихознинг латин тилидаги мактублари нусхаси, Шарль VI нинг 1403 йилга мансуб латин тилидаги жавоб хатининг нусхаси сақланади. Унинг асосий мазмуни ҳар икки томон савдогарларининг бориб-қилишларини яхшилаш ва дўстлик алоқаларини сақлаб туриш истакларидан иборат. Темури ёзган хатнинг охири сатрларида хатта миқдорда фонда қураётган шарқ-ғарб-шарқ иқтисодий савдо йўлларининг яхшилаinishини таъминлаш манфаати ўз ифодасини топган эди.

фойда қураётган шарқ-ғарб-шарқ иқтисодий савдо йўлларининг яхшилаinishини таъминлаш манфаати ўз ифодасини топган эди.

Қирол ва унинг яқинлари илтимосига биноан бу роҳиб Темури ва унинг атрофидагилар хақида француз тилида 15 бетлик рисола ёзди (у Франция Миллий кутубхонасида сақланмоқда); кейин у Лондонга жўнаб кетди ва Англия Қиролига узини таништирган бўлиши керак.

Ушбу даврга оид тарихий ва жуғрофий маълумотларни батафсил ёзиб қолдирган Кастилия қироли Ҳенрих III нинг иккинчи элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бемисл шухрат қозонди. У 1403 йил 21 майда Темури элчиси ал-Кеший билан бирга Кадис шаҳридан йўлга чиқди. Қўп қийинчиликлар билан ўтган денгиз сафаридан сўнг 1404 йил апрель ойида улар Трeбизонга етиб келди.

Клавихо Темури Туркияда қуриш иштиёқида эди, лекин Темури бу вақтда Самарқанд томон кетиб бўлган эди. Элчилар 1404 йил 8 сентябрда Самарқандга қийинчиликларсиз, отларда кириб келдилар. Улар Темури томонидан иззат-ихром билан кутиб олинди ва тантанали байрамларга таклиф этилди. Улар Самарқанднинг разнаки ва гуллаб-яшнаши учун бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилаётган турли динларга мансуб ва турли вилоятлардан келган кишиларни кўрдилар.

Уч ойдан сўнг Темури элчиларни совға-саломлар билан кузатиб қўйди. Кастилияликлар ҳам Темури қайта қурмадилар ва 1404 йил 21 ноябрда ўз қироллари ҳузурига ундан мактуб олмаган ҳолда йўл олган бўлсалар керак.

Улар Табриздан ўтгач, шуни билишдики, Амир Темури Хитойга юриш чоғида, 1405 йил 19 январда Утрор шаҳрида касаллик туфайли оламдан ўтди. 1406 йил март ойида улар Испанияга етиб келишгач, Клавихо ўз қиролига ҳисобот берди. Қирол топшириғига қўра, Клавихо элчилик муносабатларига оид ўз хотираларини ёзиб қолдирди. Мазкур хотиралар архивлардан топилгач, 176 йилдан кейингина, 1582 йилда саховатли ношир Аргот де Молина томонидан чоп этилгач, кенг оммага маълум ва машҳур бўлди.

Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги эркин савдо тамойилларига асосланган улкан лойиҳа ва бу ҳақдаги Амир Темурининг ғояси унинг ўлими билан барҳам топди.

«Амир Темур ва Ибн Халдуни».
Рассом: В. Бурмакин. 1996 йил.
Темурийлар тарихи давлат
музеи фонди.

«Amir Temur et Ibn Khaldoun».
Par V. Burmakin, 1996.
Musée d'Etat sur l'histoire
des Temourides.



Амир Темур ва Ибн Халдуни¹

Люсьен Кереннинг ушбу асари ўз даврининг буюк даҳлари Амир Темур ва Ибн Халдуни уртасида 1401 йили Дамашқ шаҳрида бўлиб ўтган тарихий учрашувга бағишланган бўлиб, «Темурийлар» бюллетенининг 1996 йил 16-сонида chop этилган. Ўзбек тилига биз томонидан таржима қилиниб ва 2013 йили «Сохибқирон юлдузи» журналида эълон қилинган.

Баъзан тарих бизни қутилмаган ҳақлар билан хайратга солади. 1401 йилда Дамашқ шаҳрида ҳаракат ва тафаккурни узларида мўжасам этган, ўз даврининг буюк даҳлари Амир Темур ва Ибн Халдуни учрашувни фикрий азисботидир.

Ҳар икки инсон ҳам деярли бир хил ёшда: Амир Темур 1336 йил апрель ойида Кешда туғилган бўлса, Ибн Халдуни 1332 йил май ойида Тунисда дунёга келган. Иккаласи ҳам турфа қуниларни, азоб-уқубат, ҳийла ва найранглар, ғалаба ва зафарларни бошдан келтирганлар. Ҳар бири ўз соҳасининг устаси бўлган. Амир Темур – давлат арбоби ва саркарда, Ибн Халдуни – тарихшунос ва фойласуф.

Ҳар иккаласи кишилик жамиятининг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўзлаштирганлар. Агар Амир Темур «жаҳонгашта» бўлса, Ибн Халдуни ҳам ўзига яраша, қансидир маънода, уйлаги фойласуф бўлмаган, яъни у мамлакатдан бу мамлакатга кўчавериб, дўстлик, хоинлик, оруз, истак каби тушунчалар билан тўқнашиб, юқори даражали шахсларнинг эъзозига сазовор ҳам бўлган.

Амир Темурдек кишининг рупарасида туриб суҳбат қуришининг ўзи бўлмаган. Айнан мана шундай улкан шараф Ибн Халдунига nasib этган. Ушбу хотиралар унинг таржиман ҳолида муҳрианиб жолган. Унинг ёдномаси мутлақо холислиги билан ақралиб турди, чуқури бунинг эъзатдан пайт Ибн Халдуни Қоҳирада леҳ азиси бир ҳужжат тарзирида бўлмаган. Гарчи, бундай ҳолат Ибн Арабшоҳда қузатилмасида, қуйида ҳар иккала манбага таянган ҳолда шуларнинг келтирилмаси.

«Амир Темурнинг маданият ва адабиётга иштиёқи баланд эди. Айнан шу сабабли у ўз саройига дунёнинг турли бурчақларидан таниқли олим, шоир ва уламоларни келтиртиргани эди. Унинг ҳузурда меҳмон бўлган мағриблик тарихчи олим Ибн Халдуни унинг одабийлик хислатлари ҳақида ҳурмат ва эҳтиром билан ёзиб қолдиргани бежиз эмас».

Жан Пол Ру,
Франция

¹ Lucien Kéren. La rencontre de Tamerlan et d'Ibn Khaldoun // La Tribune. - Paris. 1998. № 16. - P. 9-14. П. Керен. Амир Темур ва Ибн Халдуни учрашувини Франциядаги олим А. Саван таржимаси // «Сохибқирон юлдузи», 2013. № 10. - 4-7-бетлар.

Таҳдид остидаги Дамашк: 1400-1401 йиллар

Амир Темур ва унинг армияси Дамашкни ишғол этган, чунки Усмонли турклар султони Боязидни енгизиш учун дастлаб Сурия ва Миср хукмдори булган Мамлукийларнинг султон Фаражнинг тор-мор этиши зарур булган. Алепа, Хомс ва Хама Амир Темурнинг қўлида эди. Ушбу шаҳарлар аҳолиси каттиқ қаршилик кўрсатганлари учун ваҳшиёна муносабатда забт этилганлар. Шу боис Дамашк ҳам осонгина таслим булган. Миср ва Сурия султони Фараж ҳамда унинг харбий аъёнлари кечаси ўз маслаҳатчилари ва котибларини ташлаб Мисрга қочиб кетганлар.

«Амир Темур халқлар ва шохлар таржимани ҳолини билиш буйича худди бир миллатдек ҳамда Мағрибу Машриқ тарихининг ҳам ота, ҳам онасидек эди».

Эндиликда Дамашк шаҳрининг зодагонлари Темурдан қурқиб қандай қилиб афв эттиришини уйлаб турганлар. Султон узидан сўнг қолдирган, Қоҳирадан келган тарихчи ва файласуф олим Булоқ Қозин Ибн Халдуунинг шаҳарда энг номдор шахслардан бири булганлиги учун зодагонлар ўзларига вакиллар раҳбари сифатида танлаганлар.

Ибн Халдун

Дамашк хузурида Амир Темур билан биринчи учрашув

1401 йил 10 январь куни Ибн Халдун бошчилигидаги вакиллар Амир Темур хузурида катта қўрқув ва салобатли ваҳима билан қабул қилинганлар. Ибн Арабшоҳнинг қайд этишича, бундай хаяжонли дақиқаларни Амир Темур кузатар экан, ним табассум билан уларни ўтиришга таклиф этиб, ҳар бирининг олдида секин-асталик билан ўтган ҳамда уларнинг ўзларини тутқишлари ҳамда хатти-харакатларини синчковлик билан кузатган.

Ибн Халдуунинг ёнидан утар экан, бошқа зодагонларга умуман ўхшамаслигини сезиб қолган ва уни шахсий зиёфатга таклиф этган. Амир Темур иктидорли таржимони Абд ал-Жаббор оркали Ибн Халдун билан зиёфа бой узок суҳбат қурган. Унинг Мағрибдаги ҳаёти, Сеута ва Сижильмаса (Sijilmassa) борасидаги фикрларини билишни истаб, сўроққа тутади. Жумладан, Ибн Халдундан Мағрибдаги вазият ҳақида ёзма маълумот беришни талаб қилган.

Ибн Халдун унга тузғина сифатида бериш учун, туркийлар ва мўғуллар одабидан келиб чиққан ҳолада, чиройли Куръони Карим, Ал-Бусирининг Пайғамбарни мадҳ этувчи достонидан нуста, жоннамоз ва Қоҳиранинг аъжойиб ишориатларида турт қутми сотиб олган. Амир Темур уни Қаср ал-Аблақ залида қабул қилган.

Шуниингдек, Амир Темур Ибн Халдундан Фарб хукмдорлари, уларнинг ҳаёти, сулолалари ва ҳаракатлари хусусида ҳам гапириб беришни сўраган. Арабшоҳ, қандай бўлмасин, Амир Темур шахсиятини ерга уришга уринмасин, Амир Темур бир лаятининг ўзида тарих устаси эканлигини шахсан эътироф этган: «Амир Темур халқлар ва шохлар таржимани ҳолини билиш буйича худди бир миллатдек ҳамда Мағрибу Машриқ тарихининг ҳам ота, ҳам онасидек эди...»

Зиёфат давомида Ибн Халдун араблар ва турклар тарихини хикоя қилиб, Хороес, Цезар, Искандар ва Набушодоносоргача номма-ном айтган. Жумладан, Набушодоносор Бобил ва Наботиён шохлиги таништирилса-да, Амир Темурнинг фикрига қўра, Набушодоносор ўзига (Амир Темурга) ўхшаб, шох авлодидан эмас, балки илҳуқи форсларнинг дастлабки генералларидан бири булган. Амир Темур ўтирилган ва айтган: «Шоҳга келсак, ана у». Бирок у шохни қурмайди, Те-чунки у чиқиб кетиб булган эди. (Бу Чингизийлар шахзодаси эди, Те-мур уни тахтга ўтказиб турса ҳам, унда ҳеч қандай ҳокимият бўлмаган).

Набушодоносорнинг келиб чиқиши ҳақида хануз баҳс-мунозаралар давом этар эди. Ибн Халдун уни Бобилнинг сўнгги хукмдори деса, Амир Темур «Манучеҳр авлодига мансуб булган биринчи форслардан булган» деб жавоб берган, ҳайратга солувчи қўшимча ҳам қилган: «Она томондан оиламиз ҳам Манучеҳрга қардошлик ришталари билан болинган».

Шу тариха уларнинг дўстона муносабатлари мустақамланиб бориб, кези келганда, Ибн Халдуудан маслаҳат ҳам сўраб турган. Бир неча кун деганда Мағриб ҳақида сўралган ʼима маълумот тайёр бўлган.

Дамашқдаги бахтсизлик

Бу орада Амир Темур аскарлари Дамашқдаги яна бир қалъани олишга ҳаракат қилиб, уни тезда ваёронага айлантирган. Одатда Амир Темурга қаттиқ ҳаршилик кўрсатган ва таслим бўлишни рад этганлар оғир жазога мубтало этилган. Қулбаларга ўт қўйилар, аҳолидан қимматбаҳо буюмлар тортиб олинар, нарсаларини яширишда интипанлар азоб-уқубатга гирифтор бўлганлар. Ёнгинлар қатталиқдан Оммеяд масжиди ҳам талафот курган. Шаҳардаги ҳаёт ўз кўнга тушгач, Темур шаҳар аҳолисини афе этган ва тартиб-интизомни тиклаган.

Ибн Халдун ва унинг дўстларига Амир Темурнинг илтифоти

Ушбу фожиавий воқеалар давомида, Амир Темур Ибн Халдуунни қўлгина мажлисларга тактиф этган ва кенгашларда унинг фикри билан қизиққан.

Бир неча кундан сўнг, 26 февраль куни Темурнинг ҳузурига боришдан олдин, Ибн Халдун унга тухфа сифатида бериш учун, туркийлар ва мўғуллар опатидан келиб чиққан холда, чиройли Қуръони Карим, Ал-Бусирининг Пайғамбарни мадҳ этувчи достонидан нуска, жойнамоз ва Қоҳиранинг аjoyиб ширинликларидан тўрт кути сотиб олган. Амир Темур уни Қаср ал-Аблақ залида қабул қилган.

Ҳадялар инъом этилгач, «Амир Темур дастлаб Қуръонни қўлга олган ва пешонасига қўйган». Ал-Бусирининг достони ҳусусида унинг муаллифи ва асар ҳақида янада кўпроқ маълумот беришни сўраган. Сўнг Қоҳира ширинликларидан аввал ўзи татиб курган ва қолганларга ҳам тарқатиб чиққан. Шу тариха, Амир Темур совғаларни мамууният билан қабул қилган ва миннатдорчилик билдирган.

Шаҳардан чиқолмасдан қолган ҳоҳиралик ҳаммасларнинг хавфсизлигидан ташвишланаётган Ибн Халдун Амир Темурдан уларни муҳофаза қилишни сўраган. Амир Темур унга: «Тила тилагингни, истагингни бажо келтираман» деган ва Шох Малик исми аскарига меҳмонлар ишлари билан шуғулланишини буюрган. Ибн Халдун Амир Темурни дуо қилиб, ўз ҳужрасига қайтган.

Ибн Халдун Амир Темур ва Дамашқни тарқ этади

Амир Темур Дамашқни тарқ этишини билиб, Ибн Халдун унинг ҳузурига ошиққан. Амир Темур ундан ҳаҷирани сотишини сўраган. Ибн Халдун: «Сиздек бир зотга мендек бир киши ҳаҷирани сотиши мумкин эмас, уни шунчаки совға этишли керак, холос», деб қамтарлик билан жавоб берган. Амир Темур эса, бу тухфа унинг сажийилиқдан далолат бериши ҳақида таъкидлаган.

Ўз навбатида, Ибн Халдун ҳам унинг тану домига дуо ўқиб: «Сиз курсатган илтифотдан ортиқроғи ҳам бўладими? Сиз менга маслаҳатчиларингиз орасидан жой аҳрадингиз, менга юксак эҳтиром ҳамда яхшилик кўрсатдингиз. Оллоҳ сизга ҳам шу баробарда қайтиради деган умиддаман» дейди.

Амир Темур Ибн Халдуудан сўраган: «Қоҳирага қайтыоқини-сиз?» Халдун эса, у ерга фақат хизмат юзасидангина бора олингани таъкидлаган. Шунда Амир Темур: «Йўқ, сиз ўз оилангиз ва ўз калдингизга қайтасиз». (Амир Темур дўсти Қоҳирага қайтса, келмасингани ҳам

«Сиз курсанган илтифотдан ортиқроғи ҳам бўладими?»

Сиз менга маслаҳатчиларингиз орасидан жой аҳрадингиз, менга юксак эҳтиром ҳамда яхшилик ва сажийлик кўрсатдингиз.

Оллоҳ сизга ҳам шу баробарда қайтиради деган умиддаман».

Ибн Халдун

билган, бироқ шундай бўлса-да, унга кетишига ёрдам берган). Шу аснода, Ибн Халдуinning Сафал бандаргоҳи (порт) орқали қайтиши таъминланган.

Ибн Халдун Қоҳирага 1401 йил 17 мартда етиб борган ва Буюк Қози этиб тайинланган. У ерда 5 йил қолган ва 1406 йил 17 март, 74 ёшда (Амир Темурнинг улимидан бир йил ўтгач) каза қилган.

1402 йил 28 июлда Амир Темур Анкарани бутунлай босиб олиб, Бонзидни қўлга тушириш учун Сурияни тарк этган. 1404 йилда Самарқандга қайтиб, Хитойга юришга тайёргарлик бошлаган. Амир Темур юриш бошлангичида, 1405 йилнинг январь ойида, 69 ёшу 11 ойлигида вафот этган.

Мулохазалар

Амир Темур ва Ибн Халдун учрашуви Темур ҳаёти тарихида узоқ аҳамиятга эга. Ўз даврининг буюк иккала шахсияти тўқнашуви Клавихо берган тарихий гувоҳлиги каби муҳимдир. Клавихо ҳам, Ибн Халдун ҳам Амир Темурнинг олийжаноблиги ва одоблигига урғу берганлар. Ибн Халдун ҳикояси Амир Темурнинг ўтмиш, тарих ва география ҳақида завқ билан тинглаш фазилатига эга бўлганлигини тасдиқлаган. Ал-Бусирининг дostonларига қизиқиши эса, унинг шеърини таъноҳлигини билдирган.

Амир Темур ва Ибн Халдун учрашуви Темур ҳаёти тарихида ўзгача аҳамиятга эга. Ўз даврининг буюк иккала шахсияти тўқнашуви Клавихо берган тарихий гувоҳлиги каби муҳимдир. Клавихо ҳам, Ибн Халдун ҳам Амир Темурнинг олийжаноблиги ва одоблигига урғу берганлар. Ибн Халдун ҳикояси Амир Темурнинг ўтмиш, тарих ва география ҳақида завқ билан тинглаш фазилатига эга бўлганлигини тасдиқлаган. Ал-Бусирининг дostonларига қизиқиши эса, унинг шеърини таъноҳлигини билдирган.

Бироқ айрим (Ибн Арабшоҳ ва баъзи суриялик ёзувчилар каби) биографлар Амир Темурнинг араб тилини билмаганлигини рўқач қилиб, у на ўқиб ва на ёзиши билган, деб даъво қилишлари ноўрин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ибн Халдун ҳикоясида Амир Темур шох наслдан эмаслигини ва (фақатгина Чингизий хонликлар Амири эканлигини ўзи (Темур) баён қилади. Агар Амир Темур Чингизхон насабидан эканлигига ўзи даъво қилганида, у буни айтмаган бўларди.

У камтарлик билан Қурагон ёхуд Чингизийлар оиласининг «куёви» эканлигини айтиш билан кифояланган. Амир Темур Чингизхон ва Чингатайнинг Кешдаги ҳамкорлари бўлган Барлос қабиласига мансубдир. Темур бундан кўпига даъво қилмаган.

Бошқа бир муҳим масала: 65 ёшида Темурнинг оёғи шикастланган бўлса-да, отда бемалол юра олган ва улвога минишида вафодор аскарни доим унга қўмаклашган.

Ибн Халдун ҳикояси унинг таржимаи ҳолида муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу кисса комусий олим томонидан ёзилганлиги бонис воқеаларга жуда бондир.

Арабшоҳ ҳақида бир-икки оғиз сўз: у суриялик бўлиб, Дамашқда тутилган. Амир Темур шаҳарни забт этганида ота-онаси билан биргаликда Самарқандга олиб кетилган. Амир Темурнинг ўлимидан сўнг у Мовароуннаҳрни тарк этиб, Андринопольга келиб жойлашган. Арабшоҳ бу ерда Ўсмонлилар шахзодаси Аҳмед I га қотибдик қилган. У Амир Темурнинг таржимаи ҳолини рисола шаклида битган.

Нима бўлганда ҳам, Арабшоҳ Темурга бағишланган асарининг айрим бобларида ўз қаҳрамонининг ғайритабиий қуникмалари ва хусусиятларига ҳамду санолар келтирган.

Темурийлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори Темурбек элчи Клавиго нигоҳида¹

Тарихчилар беш асрдан буён шафқатсиз истилоҳи ва эҳкили ўрнига янгилик яратувчи Темурнинг шахси, қилган ишлари ҳақида яқдил фикрга кела олмаётдилар. Темур томонидан забт этилган давлатлар ҳукмдорлари хизматида бўлган турк ва араб муаллифларининг асарларида, бир ёки бир неча асрдан сўнг яратилган йилномаларда ҳам Темур ҳақида бирор аниқ тўхтамга келинмаган. Табиийки, Темур ҳамма жаҳонгирлар синғари ўз ихтиёрига бўйсунмаган дўшманларига нисбатан қўпол куч ишлатган ва уларни тобеликда тутиш учун зўрликдан фойдаланган. Лекин, у шунингдек, инкор қилиб бўлмайдиган даражада ташкилотчи, бунёдкор, ҳомий ва истисоҳчи ҳам бўлган. Улуғ ва дахшатли саркарда бўлш билан биргаликда, айнан Темур инсоният ривожига ажойиб миниаторалар, тенги йўқ сирланган сопол идишлар, шеърят ва илҳомга тула фалсафий асарлар яратилишига юмқон яратган ва маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган ҳукмдордир. У «Темурийлар уйғониб даври» деб аталовш сермахсул маданият ҳаракатга асос солган. Унинг ўзи ва авлодлари ҳукмдорлиги даврида, уларнинг раҳнаомлигида ажойиб меъморлик обидилари қурилди, набираси Улуғбек эса, бунга ўз даврининг энг ишор билинларини қўшди. Темурнинг рақиблари қурол кучи ёки музокара пули билан бўйсундирилган. Темур томонидан ўрнатилган ва амалга оширилган давлат мажмуини тўрт булакка бўлиш мумкин: Бошқарувнинг ва шафқатсиз, лекин одил суднинг жорий этилиши; янгилик, буғруқ ва йўлланмаларни салтанат тарқибига кирган ҳамма вилоятларга тезкорлик билан етказиб берувчи улкан алоқа тармоқларининг ташкил қилиниши; саноат ва маҳаллий кишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ўзга юрتلardan ихтиёрий ёки зўрлик билан қўллар уста, санъаткор, меъмор ва муҳандисларни келтириш; ниҳоят, карвонлар учун пули барқарор ва хавфсизликка қўполат берувчи ички ёки халқаро иқтисодий йўлларни (илак ва қандолат йўллари) муҳофаза қилиш ва кенгайтириш.

Темурбекнинг хоҳиш-иродасига биноан амалга оширилган бу «ноҳарбий» фаолият ҳақидаги гувоҳлик 1403-1404 йиллари Самарқандга ташриф булорган ва сўҳати давомида қўрган кечтирганларнинг ёзиб борган Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавиго томонидан биттиб қолдирилган. Бу - Темур вафотидан сўнг унинг тириклик даврида ўша жойларда ёзиб олмаган хотираларидан фойдаланиб тузилган европалик кузатувчи, насроний, ўрта Осиёга тўғридан-тўғри Испаниядан келган ва қаразли нияти бўлмаган кишининг ҳақиқий, ҳопис гувоҳлиғидир. Бу ўринда мен «Амир Темур даврида Самарқанд пули» (Миллий босмаҳона, Париж, 1990 йил) асаримда баён қилинган ва мен учун муҳим ҳисобланган таржимадан олинган ҳикоятдан лавҳалар келтираман.

¹ Ушбу мақола П. Керениннинг Амир Темурга бағишланган Андишон ашқушнинг қатлашчиларига 1995 йил 30 ноябрда Париждан йўлланган элчи билан биргача келган «Қароғ» Л. Керен. Темурийлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори Темурбек элчи Клавиго нигоҳи // Андишонда Санвиронини хотирлаб, илмий-назарий аниқламалар йиғини. - Андишон, 1990. -21-22-бетлар.



Руи Гонсалес де Клавигонинг
қўлданлиги мулаваси
Узбек (Тошкент, 2006)
ва Испан (Испания, 1406)
тилларида.

Relation du voyage
de Ruy González de Clavijo,
ambassadeur en ouzbek (Tachkent, 2006)
en espagnol (Espagne, 1406).

Идора усули ва суд ҳақида

Қатъий тартибда тугилладиган Самарқанд шахрида Темурбекнинг буйруғисиз ҳеч ким ўз яқинига нисбатан ғаламислик ёки зўравонлик қилишга журъат эта олмайди. Темур ўзи яшайдиган жойларда ва саройларда қонунчиларни доим ўзи билан бирга олиб юради. У қайси юртга келиб тушса, қонунчилар маълум бўлган ишни эшитишда ва кўриб чиқишда. Бу судьяларнинг ишлари шундай қурилганки, бирлари оғир жиноий ишлар билан шуғулланадилар, бошқалари халқ орасида бўладиган жанжал ва зўравонлик билан; Темурбекка тааллуқли бўлган солиқлар билан; яна бирлари эса, ҳисобот толширадилар ва Темур тафтиш утказётган вилоят, шаҳар ҳокимларига номлар юборадилар. Уларнинг баъзи бирлари элчилар билан шуғулланадилар («Судья» сузи ҳуқуқшунос тушунчаси билан биргаликда маъмурни ҳам билдиради).

Темур (яъни Темур, унинг аъёнлари ва маслаҳатчилари) бирон жойга жойлашганидан сўнг, унинг ҳар бир ходими қанча вақт давомида қандай суд ишлари билан машғул бўлишини билладилар. Улар учта чодир тикиб, қақирилган одамларни қабул қилишда ва эшитишда. Сўнг Темурбек билан мулоқотта борадилар ва қайтиб келиб, ҳукм эълон қиладилар.

Алоқа тизими ҳақида

«Самарқанд шахрида қонунчиликка шу қадар аҳмия қилинар эдики, бирор-бир инсон иккинчисининг шахсиятига тегмас эди».

Руй Гонсалес де Клавиho

Минглаб километрларга чўзилган, турли юрт ва тиллардан, урф-одат ва маданиятлардан таркиб топган, доимо қузғолон чиқиши ёки ёв бостириб кириши хавфи туғилиб турадиган улкан салтанатни бошқариш ва назорат қилиш, жойларда қолдирилган ҳужмдорлар билан алоқада бўлиш (ҳар қандай қутилмаган шароитларда зудлик билан бирон чора кўришга тайёр туриш), Темурбекнинг идоравий ва ҳарбий йўл-йўриқларини амалга ошириш учун жойларга иложи борица тезкор усулда маълумот етказиш ҳамда зудлик билан ахборот олиб туриш керак эди. Салтанат вилоятларини Самарқанд билан боғлаб турувчи алоқа тизими Кастилия элчисини хайратга содди. «Темурбек бу юрт (бу ерда Хуросон ҳақида гап кетаяпти) ва Самарқанд орасида бир кунлик йўл ҳисобида баъзи бирлари юз от билан таъминланган от алмаштириш масканлари ташкил қилди, ҳоҳ у чопар бўлсин, ҳоҳ Темурбек хузурига келаятган одам бўлсин, бу отлардан фойдаланар, бу ҳол ҳоҳ кундузи, ҳоҳ кечаси бўлсин, ҳоҳ чўлда, ҳоҳ одамлар яшайдиган жойларда бўлсин, узлуксиз давом этар, улов доим шай турар эди», одамлар яшамайдиган жойларда Темурбек қатта уйлар қурдирган бўлиб, унда куплаб ашмаштириладиган отларни топиш мумкин эди. Уларнинг харажатлари энг яқин шаҳарлар зиммасида бўлган. Отларни алмаштириш масканлари фақатгина бу йўлда эмас, салтанатнинг ҳамма виллоятларида мавжуд бўлиб, бу ҳол Темурбекка ўз салтанати худудида энг қисқа вақт ичида маълумот олиш ва жўнатиш имконини берар эди.

«Самарқанд подшолиги»

Клавиho ва унинг ҳамроҳлари Балхдан ўтиб, Хуросонга киргандан сўнг, Темур хузурига келадилар. Худди шу ерда Клавиho таъкидлаган «Самарқанд подшолиги» бошланади. Самарқанд ва унга бевоқифа бўйсунадиган виллоятлар салтанатнинг биринчи тоифадаги ерларининг марказидир. Ушбу жойга етиб бориш учун Амударёдан ўтиш керак эди. Темур ўз давлати пойтахтини ва унинг атрофларини ри-

Клавихо меҳмон сифатида Марказий Осиёдан шелтан бошқа меҳмонлар каторида Темури ўтказган куллуб тўй-томошаларда катнашган. Маросим ва қабуллар дабдабали, катта хурмат-эҳтироғга тўла тарзда ташкил этилиб, Темури ва унинг аъёнлари одоб, маданият ва унинг атрофлари гавжум, гуллаб-яшнаётган ва беҳавотир жойлар эди. Клавихонинг таърифича, Самарқанд эди. Клавихонинг таърифларидан олинган айрим парчалар бизга бу ҳақда шундай маълумот беради.

... «Эртаси куни, 23 сентябрда, Темурибек ўз боғи ҳамда саройи янгида жойлашган бошқа мулкига борди. У бу ерда катта сайл берди, унга лашкаридан ҳам кўп киши келди...

Биз ҳам шу сайлга бордик. Темурибекнинг чодирлари ўрнатилгандан кейин, лашкари ахли чодирларини уларига маълум бўлган тартибда ўрнатди. Қазо-қазолардан бошлаб энг бечораларигагина интизом ва шовқин-суронсиз, ҳаерга ва қандай қилиб ўз чодирларини тикишни билар эди. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас Темури чодирлари атрофида 20 000 дан ортиқ чодир тикдилар. Ҳали ҳам ҳар тарафдан одамлар келар эди...

Пайшамба, 9 октябр. Темурибек набираларидан бирининг уйланиши муносабати билан тўй қилишни буюрди. У бизнинг ҳам унда катнашишимизни сўради. Тўй гузал бир тарзда ўраб-ихоталанган майдоннинг ичида бўлди. У ерда куллуб чодирлар бор эди. Унинг биригина хотини Хонзодабегим ҳамда бошқа улуғ хонимлар, зодагонлар ва куллуб кишилар тўйга ташриф буюришди... Хурсандчилик тўла-тўқис бўлиши учун Темурибек буюрдики, бу юртининг ҳамма савдо ахли, шунингдек, марварид сотувчилар, гахламачилар, пул алмаштираувчилар, қассоблар, новвойлар, тилкувчилар, этикдузалар ва шаҳарнинг бошқа ҳамма усталари бу ерга келиб чодир тиксини ва ўз моллари, махсулотларини сотсин... Турли усталарнинг чодирлари жойлашган ерга Темурибек қўллаб дор тиктирди ва хурсандчилик вақтида баъзи бировларни кечириш, баъзиларга мурувват қилиш, шу билан бирга, айрим кишиларни осий нияти борлигини билдирди. Биринчилардан бўлиб суд қилинганлардан бири Самарқанднинг улуғ ҳокимларидан эди. Шу давр ичида у ўз вазифасини ёмон бажарган... Темури уни шу ондаёқ осиб, мол-мулкани мусодара қилишни буюрди...

Ушбу ҳолатда ва бошқа ҳолларда Темурибек айбдорларга қилмишига яраша жазо берди. Шунингдек, у Самарқандда бўлмаган вақтида гуштини ортиқча баҳода сотган қассобларни суд қилди. Баъзи усталар ҳам шунга ўхшаш гуноҳлари учун суд қилинди. Темури уларни жарима тўлашга ҳукми қилди.

Клавихонинг таърифи асл ҳужжат бўлиб, Темури ҳукмронлигининг сулути давридаги жонли гувоҳ томонидан тўзилган. У Самарқандни юксакликка кўтарган, гуллаб-яшнаётган Темурининг фойлини ҳақидаги ҳақиқатта гувоҳликдир. Шунингдек, Клавихо туфайли био биламизки, Темурининг бутун салтанати бўйлаб ўрнатилган эҳтисодий ринсозлиқни режаси туфайли Ғарб томон элтидиган, қайта бойинган ва гавжум шаҳарлари бўлган савдо йўлидан сайёҳлар ва ҳамма мамлакатлар савдогарлари фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

«Тарихи шахрида
Амири Темури гайридин
муқовидлар асарларинини
китта тўламини илғиша
мувофиқ бўлганди. Унинг
учун қимматбаҳо бойлик
ҳисобланган бу расмларни
ишеш келишни буюрди-
кин, ё сотиб олдимикин?
Кастилия элчиси Клавихо
унинг утубида эмалъ югур-
тиригиб қимматбаҳо
тошилар билан безанил-
ган битта олтин жавонни
кўрганди. Унда гавҳар
додалар билан нақшланган
6 дона элчи ва 6 та
пайёла сақланарди. Соф
олтиндан ишланган бир
стол устида эса, қантакон
зучрад тоши турарди».

Жан Пол Ру,
Франция



Улугбек ва Самарқанд астрономия мактаби¹ (XV аср)

Люсен Керен каламига мансуб бу мақола тарихи Ўзбекистон 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг тулақонли аъзоси бўлган даврдаёқ ЮНЕСКО дастурига буюк мунажжми ва давлат арбоби Мухаммад Тарағай Улугбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш таклифи киритилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Буюк аллома Мирзо Улугбекнинг 600 йиллик таваллуд санаси 1994 йилда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юксак даражада нишонлангани Ўзбекистон билан ушбу таъкилот уртасидаги ҳамкорликнинг янги асосдаги ривожини бошлаб берди².

Ушанда ушбу қутлуғ сана доирасида бевосита Л. Керен ташаббуси асосида ва Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ҳамкорлигида «Темурийлар тарихи ва санъатини урганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси» томонидан «Улугбек - астрономия шахзодаси» номли йирик тўплам нашр қилинган эди. Л. Кереннинг «Улугбек ва Самарқанд астрономия мактаби (XV аср)» мақоласи ана шу тўпламдан жой олган. Мазкур материалларни топшида ва таржима

¹ Люсен Керен. Улугбек ва Самарқанд астрономия мактаби (XV аср) / Француз тилидан Ж. Санакуллов таржимаси // «Yen Yul» журнали. 2014, март-апрел, 3(7)-сон. 37–44-бетлар.

Таржимон эскида: Жақонтир Санакуллов 1984 йилда Самарқанд вилояти Кулардот тумани Маликпеша қишлоғида туғилган. 2013 йили Самарқанд Давлат Чет тиллар институтини магистратура бўлигини тавомиллаш. Хозирда «Караван Травелс» саноатини қириқаслаш лойиҳасида бўлиб ишлабди. Таржимоннинг соҳасида Атом, Мухаммад Юсуф шайрархон, ўзбек шайхларининг француз тилига, француз шайрархонининг назмуналарини ўзбек тилига, француз тилида ривожланиш айтиш Лиссэн Кереннинг бир қанча мақолаларини ўзбек тилига, француз хитомларини ўзбек тилига унтарган. Бизни таржималари Францияда нашр этиладиган «Темурийлар» бахшигагина чоп этилган.

² Ulugbek à Paris // PARIS MATCH. 1994. 22 décembre.

қилишда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги факуллодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган Баҳром Аълоевга алоҳида миннатдорчилик билдирилади.

Кириш

Мирзо Улуғбек XV аср Самарқанд астрономия мактаби асосчиси сифатида танилди, мадраса ҳамда расадхонаси ёрдамида узининг сулоласи номи билан аталган «Астрономия жадвали» («Зижи Курагоний») ни кашф қилди. Таникли астроном ва математик олим бўлса-да, захматли меҳнати меваси бўлган асариди турли элатга мансуб Қозилош Румий, ал-Қоший ва Али Қушчи синғари буюк астроном ва математиклар ҳиссаси ҳам бордир. Дастлаб VIII асрда Бағдодда бошланган, кейинчалик Сурия, Миср ва Эрон ислом мактаблари таълим тизимига асосланиб узининг таникли мадрасасида фалсафа, астрономия ва риёзиёт синғари фанлардан дарс берди. 1420 йилда Самарқандда меридиан бўйича жойлаштирилган 21,6 м.ли улкан секстанти бўлган расадхона бино қилдирди ва шу ерда астроном сафдошлари билан осмонни синчиқлаб ўрганиб, 1018 юлдузлар жадвалини тузиб чиқди.

У Европада номи машҳур бўлган буюк Соҳибқирон Темурбекнинг набирасидир. 1405 йилда Амир Темур вафотидан кейин салтанат таназулга юз тутди. 1409 йилда Мирзо Улуғбек Самарқанд вилояти ҳукмдори бўлди. Муваффақиятсизликка учраган кучманчи қабилаларнинг ҳужумларига қарши бир неча марта қарбий юришлар ташкил қилишга мажбур бўлди. У илмий ва адабий фаолиятини давом эттириш учун Самарқанд шаҳридан ташқарига ҳам чиққан вақтлари бўлди. Диндор ҳаитовокларига таянган тўнғич ўғлининг кўтарган исёнларига қарши қўшин тортишига тўғри келди. Жангда Мирзо Улуғбек муваффақиятсизликка учраб, ўғли юборган Ўлланма аскар томонидан 1449 йил 27 октябрда даҳшатли тарзда қатл этилди. Суюкли шоғирди Али Қушчи Мирзо Улуғбек жадвалини (Зижи Курагоний) олиб, Константинополга қочиб келишга муваффақ бўлди. Юлдузлар жадвали Европада бир ханча тилларга ўтирилди ва юксак баҳоланди.

Ўрта аср ислом риёзиёти ва астрономия мактаблари шухратининг ошишида ўз ҳиссасини қўшган Мирзо Улуғбек Самарқандда расадхона ва астрономия мактабини ташкил қилиб, «Зижи Курагоний» номида астрономик жадвалини тузди. Бироқ, унинг ўзи буюк олим ва аллома бўлса-да, умрининг бир қисминигина илм-фанга бахшида қилди. Олим ва саркарда, ота ва ҳукмдор бу жафокаш инсоннинг бахтсиз ҳаёти, умрининг фоживий сунғти дақиқалари астрология юлдузларига боғлиққа ўхшарди.

Улуғбек («улуг ҳукмдор» маъносини англатади) асл исми Муҳаммад Тарагай бўлиб, 1394 йил 22 март куни Султония шаҳрида дунёга келди. Онаси, чигатой маликаси Гавҳаршод Бегимнинг Темурбек Эрон ва Ироқдаги қарбий юриши олдидан қодирда қолдириб кетган оғли аъзолари орасида кузи ёриди. Чақалокнинг отаси, Темурнинг кенжа ўғли Шохрух атиги 17 ёшда бўлиб, у ҳам қўшпон билан жангга кетган эди. Бу виси Сароймулкхоним янгиликдан бохабар қилиш мақсадида Соҳибқиронга чопар жўнатди.

Темурбек таслим бўлиш таклифини қайсарлик билан рад этган Маржини қалъа-шаҳрини ишғол қилиш арафасида эди. Ғазаб отида минган Темурбек бутун бошли аҳолини шафқатсизларча жазолаш ва

«Улуғбек шоҳ эмас, балки олим сифатида донг тирапти: дунёда тенги йўқ расадхона яратган бу аллома ўз даврининг энг буюк фалакитчиси эди, ўзи олиб борган тадқиқотлар ҳамда араб ва итрий олимларининг асарларини урганлиш натижасида у само жисмларининг энг биринчи ва энг мукаммал жадвалини яратди.

Луи Базен, Франция

душман кушинини батамом кириб ташлашга буйрук берган бир пайтда бир чопар келиб, унга набирали бўлганилигини маълум қилди. Темурбек бу воқеани ишонлаш учун Мардин аҳолисини жазодан озод қилди ва улардан олинган барча мол-мулкларни қайтариб беришни буюрди. Бу қувончли янгилик Самарқанди азияга етиб келганда, мунажжимлар болакайнинг тақдир башоратини ўрганиб, «туғилган чақалоқнинг илм-маърифат соҳасида ва ҳокимиятда юксак чуққиларни ээбт этиши»ни маълум қилдилар.

Шогирдлик йиллари

Болалик чоғида Улуғбек кўплаб таниқли олимлар, ёзувчилар ва уламолар билан танилишга муяссар бўлди, ўз замондошларини ҳайратда қолдириб, улардан турли маданиятга хос илк илмларни ўргана бошлади. Бу Темурбек юргизган юксак маърифий сийёсатнинг меваси эди. Кастилия элчиси Клавихоннинг таъбири билан айтганда, Темурбек салтанати пойтахти Самарқанд ўша даврда ашхрати ва раънақининг энг юқори чуққисига эришган эди. Клавихо 1404 йилги саёхати давомида шаҳар ва шаҳар атрофидаги турли дин, маданият ва миллатга мансуб бўлган олимлар, саводхонлар, хунармандлар ва тижоратчиларнинг яқдил озод халқ бўлиб яшаётганилигини таъкидлайди. Темурбек Самарқандга келтирилган иктидорли олимлар ва ижодкорларга юксак меҳрини намоён қилиб, «Темурийлар Уйғониш даври» деб аталмиш маданият оқимининг пойдеворини яратиб, пойтахтда илм ўчоғининг ривожланишига имкон яратди. Бу ёш шахзодалар тарбияси учун қулай муҳит яратилганидан дарак берарди.

Темурбек ўз набиралари ва жиянларига ўзгача меҳр билан қаради, Сароймулкхоним ҳам баҳоли қудрат унга сўянчиқ бўлди. У набираларининг нафақат моҳир жангчилар, балки маърифатли кишилар ҳам бўлиб еттилишини хоҳларди. Темурбек Улуғбекнинг барвақт ўтганган эҳтижини сезиб, унга алоқида эътибор қаратди. У набираси тарбияси учун ўзининг илк устозларини танлаб қўйган эди.

Маърифатпарвар ҳукмдор

69 ёшли Темурбек 1404 йил декабрь ойида қаҳратон киш бўлишга қарамасдан ўзининг улкан қўшнини билан Хитой томон юриш бошлашга, мусибатли даълар бошланди. Улуғбек ўттордаги 1405 йил 19 январь қаҳратон киш қўрбони бутан бобоқалони ўлими вақтида унинг ёнида бўлди. Кейин эса, салтанатда тартибсизликлар бошланди.

Моваруннахрга қайтгач, қўшин бир неча гуруҳларга бўлинди кетди ва турли тахт ворислари тарафида туриб, ўзаро самарасиз жангларга киришди. Самарқанднинг моқонуний ҳукмдори, Шохрухнинг жияни, Ҳалил Султон салтанат боилитини совурган бир пайтда Улуғбек отасининг мулки ҳисобланган Хуросонга етиб олтунига қадар устози Шох Малик ёрдами билан Бухорога вақтинча яширинган эди.

Тўрт йилдан кейин, 1409 йилда Шохрух ўзаро биродарқушлик низолари ва тартибсизликларига чек қўйишга қарор қилди. Ёш Улуғбек билан бирга ўз қўшинига бош бўлиб, барча исёнчиларни ҳайдаб, Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги ерларни қўлга киритди. Шохрух ўз пойтахти Ҳиротга кетиш олдидан Улуғбекни барча юлтиёларга эга бўлган давлат ҳукмдори қилиб тайинлади. Тақдир тухфасини қаранг: 15 ёшли Улуғбек мафтункор Самарқанднинг ҳукмдорига айланди-қолди!

Ўрта аср ислом ривзиёти ва астрономия мактаблари шухратининг ошишида ўз ҳиссасини қўйган Мирзо Улуғбек Самарқандда расадхона ва астрономия мактабини ташкил қилиб, «Зижи Кўрагоний» номили астрономик жадвалини тузди. Бирок, унинг ўзи буюк олим ва аллома бўлса-да, умрининг бир қисмининггина илм-фанга бахшида қилди. Олим ва саркарда, ота ва ҳукмдор бу жафоқаш инсоннинг бахтсиз ҳаёти, умрининг фожиавий сўнги дақиқалари астрология қолдузларига боелиққа ўхшарди.

Улуғбек – лашкарбоши: омадсизликлар

Халқ Самарқанднинг янги ҳукмдоридан Темурбек даврида ҳукм сурган тигълик ва осойишталикни кутар эди. Темурбек душман қўшинларининг босқинига қарши курашиб, доимо ғалаба қозонган ва фойда манбаи бўлган «Буюк ипак йўли» қарвонларининг ҳавфсизлигини таъминлай олган. Шохрух ўғли Улуғбекка Амир Темурнинг улимидан сўнг Маворауннаҳрга таҳдид солаётган кўчманчи қабилаларга қарши курашиш тартиблари, жанг қилиш усулларини ўргатган эди. Улуғбек ўз маслаҳатчиларининг ҳистови билан илмий ва ҳукумат ишларини ноилж ташлаб, бир неча маротаба Сирдарё буйида Муғулистоннинг исёнчи қабилаларига қарши курашишга мажбур бўлди. Афсуски, у 1416–1418 йиллар оралигида айтарли муваффақиятларга эриша олмади.

Темурбек душман қўшинларининг босқинига қарши курашиб, доимо ғалаба қозонган ва фойда манбаи бўлган «Буюк ипак йўли» қарвонларининг ҳавфсизлигини таъминлай олган.

Мирзо Улуғбек доворак эди, бироқ унда бобокалонидагидек юксак ҳарбий истеъод ва қатъий лашкарбошилиқ сифатлари етишмас эди. У 1419 йили Тошкентга таҳдид солиб, шимол даштларидан келган босқинчиларни улоқтириб ташлади. У 1425 йилда давлат ҳудудидан муғул қабилаларини сиқиб чиқаришга эришди ва Жиззах йулида ғалаба нашидасини ифодаловчи ёзувларни ёзиб қолдирди. Мирзо Улуғбек 1427 йили яна босқинчиларга қарши жангга отланди, ammo улар устидан ғалаба қозона олмади.

У бу пайтда 33 ёшда эди ва ҳеч қачон вужудига Амир Темур қони оқаётган лашкарбоши қилмайдиган ишга қул урди: у қўшинни тарқатиб, ниҳоят ўзи қизиққан соҳаси – шаҳарда маданиятни ривожлантириш ва илм-фанга рағбатни кучайтириш мақсадида Самарқандга қайтиб келди. Асосий йўллари муҳофаза қилиш учун лашкарлар таинлаш билан қаноатланиб қўя қолди.

Шохрух Мирзо ўғлининг бу хатти-ҳаракатидан хайратта тушиди ва уни Маворауннаҳ ҳокимлигидан озод қилиш ҳаёлига ҳам борди, бироқ ўз ўғлининг ниятларини амалга оширишга имкон яратиб, уни кечириб қўя қолди.

Мирзо Улуғбекнинг Ғиёсиддин ал-Коший ва Қозизода Румий билан учрашуви

Ҳарбий мажбуриятлар тугайли қилинган бориш-қелишларга қарамадан Мирзо Улуғбек риёзиёт ва фалакиёт олимлари билан алоқаларини давом эттирди ва билимларини ошириб борди. Яқиндагина ҳукмдорга айланган Мирзо Улуғбек 1410 йилда Самарқандда, кейинчалик дўсти бўлиб қолган Қозизода Румийдан таҳсил ола бошлади.

1337 йилда Туркиянинг Бурса шаҳрида таваллуд топган Қозизода Румий таниқли қомусий олим ва файласуф Шамсиддин ал-Динмухаммад ал-Фанорийдан дастлабки сабоқларни ўрганди. Оқир-окибат бу устоз араб ва форс мударрислари дарс берувчи Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг энг машҳур мадрасаларида астрономия ва риёзиётни ўрганиш мақсадида Қозизодага Туркияни хуфёна тарқатишда унга ёрдам берган эди. Ҳазрати Румий Самарқанд мадрасасида фалакиёт ва риёзиёт фанларининг нуфузли уламоларидан бирига айланди ва Улуғбекка ҳам устозлик қилди. Қозизода ўзи билан бирга ал-Фанорий томонидан тузилган фанлар энциклопедиясини ҳам олиб келган эди ва бу асардан Улуғбек ҳам муҳаммад таҳсил олди. Ушбу китоб унинг астрономияни ўрганишга бўлган қизиқишини янада ошир-

ди ва бу фанларнинг асл моҳиятини англаб етишга катта хизмат қилди. Мирзо Улуғбек асардан кўп ишларни ўрганди ва уни очикчасига «устозим» деб атади.

Мирзо Улуғбек ўша даврнинг энг машҳур риёзиётчиси ва астрономи, Ғиёсиддин ал-Кошийни ҳам ўз маслаҳатчиси, устози деб ҳисоблаган. Хиротда Ғиёсиддин ал-Коший астрономияга қизиққан Мирзо Улуғбекнинг ўқиси Искандар Султонга тахсил берарди. Мирзо Улуғбек уни 1417 йилда Самарқандга, ёнига чакиртириб олишга муваффақ бўлди. Ал-Коший расадхона пойтахси ташаббускори бўлди ва «Юлдузлар жадвали»ни тузишда фаол иштирок этди.

Улуғбекнинг машҳур мадрасаси


Маърифатли инсонлар маслаҳати билан Мирзо Улуғбек Самарқандда илму фанни ривожлантириш, жумладан, фалсафа, риёзиёт ва фалакиёт илмларини ўрганиш учун хизмат қиладиган катта мадраса қуришга қарор қилди. Ҳали бисёр бўлган Темурбек салтанати хазинаси қолдиқларидан бугунги кунгача Регистон майдонида қад кўтариб турган ва ўз номи билан аталувчи улкан мадрасани барпо қилди.

Мадраса: таълим тизими

Бу мадраса VIII асрда Бағдодда ал-Мансур халифалиги даврида бошланган ислом расадхоналари ва мактаблари томонидан юз йиллар давомида тўпланган тажрибаларнинг меросхури сифатида танилди. Дастлабки ҳаракатлар юнон математиклари ва фалсафуфларининг асарларини араб тилига ўтириш билан бошланган бўлса-да, форс ва ҳинд олимлари ўртасидаги муносабатлар билан янада бойиб борди. Юнон астрономи Клод Птолемейнинг икки асари, эракизнинг 130-йилларида яратилган, «Алмажест» ва «Сайёралар гипотезаси» асарлари

*Маърифатли инсонлар
маслаҳати билан
Мирзо Улуғбек Самарқандда
илму фанни ривожланти-
риш, жумладан, фалса-
фа, риёзиёт ва фалакиёт
илмларини ўрганиш учун
хизмат қиладиган катта
мадраса қуришга қарор
қилди. Ҳали бисёр бўлган
Темурбек салтанати
хазинаси қолдиқларидан
бугунги кунгача Регистон
майдонида қад кўтариб
турган ва ўз номи билан
аталувчи улкан мадрасани
барпо қилди.*

*Улуғбек мадрасаси.
Самарқанд. 1417-1422 йиллар.
Médéso d'Ulughbek.
Sotmarkand. 1417-1422.*





Мунажимлар шайхи Урағий, Мирза Улуғбек ва жаҳондаги
 машҳур астрономлар. Ян Гевелиуснинг «Юздузлар жаҳволи»
 китобидан лавра. Гданьск (Польша), 1687 йил.
 Ulughbek et les plus célèbres astronomes du monde avec leur musée céleste.
 De «Prodrôme Astronomiae» de Johannes Hevelius. Gdansk (Pologne), 1687.



Мирза Улуғбек европалик астрономлар билан бирга мунажимлар
 шайхи Урағий доирасида. Ян Гевелиуснинг «Юздузлар жаҳволи»
 китобидан лавра. Гданьск (Польша), 1687 йил.
 Mirza Ulughbek et les grands astronomes européens autour d'Uragie.
 De «Prodrôme Astronomiae» de Johannes Hevelius. Gdansk (Pologne), 1687.

Аристотель фалсафаси билан яқиндан таниш бўлган мусулмон мутафаккирлари эътиборини тортди.

Улар худди христиан ва яҳудийлар сингари диний булинишни эмас, балки Птолемей томонидан ишлаб чиқилган геоцентрик тизимни қўллаб-қувватладилар: Ер Худо томонидан Одам ато учун яратилган бўлиб, ўз ўқи атрофида айланувчи қузғалмас борлиқдир. Қуён ва Ой бошқа сайёралар сингари мукаммал доира шаклида Ер атрофида айланади. Бу тизимни ҳаракатга келтирувчи қонун-қоидаларни ўрганиш учун мусулмон астрономлари юнон астрономлари ҳулоаси ва ўзларининг шахсий кузатишлари орасидаги қўллаб қарама-каршиликларни бартараф қилиш борасида ҳисоб-китоб ва кузатишларни қўпайтирдилар.

Дарҳақиқат, ҳозирги давргача ҳинд олимлари билан ҳамкорликда асл математик моделлар яратилган ва ўз меҳнатлари натижаларини баён қиладиган ҳамда юнон астрономлари нуқсонларини тузғиландиган VII-XIV асрлар мусулмон империяси даврида жуда қўллаб-қўлланган математик ва астрономлар бўлган. Улар диний кўплатга боғлиқ жамият саволларига ҳам жавоб беришлари лозим эди: муқаддас шаҳар жойлашуви, ибодат вақтлари, ҳижрий йил ҳисобидаги ойнинг қуриниш санасини аниқлаш ва ҳоказолар. Шундай қилиб, улар расадхоналар қуришга киришдилар, қўллаб математик ҳисоб-китобларни туздилар, нуқтанинг текисликдаги ва фазодаги ҳолатини ҳисоблаб, самовий jismlar ҳаракатларини ўлчаш ва аниқлаш учун қўллаб турлаги асбобларни ихтиро қилдилар. Бу ишларнинг нусхалари асосан араб ва форс тилида тузилган бўлиб, шаҳардан шаҳарга, расадхонадан расадхонага алмашиниб турарди.

Мадраса қурилиши

Регистон майдонидаги мадрасанинг қурилиш ишлари 1417 йилдан 1420 йилгача давом этди, бироқ Теурийларга хос услубдаги ажойиб ёдгорликлардан бири бўлган бу мадраса меъморининг исминини ҳеч ким билимайди: деворлар, миноралар ва гуллар, араб услубидаги, геометрик шакллардан ташкил топган, кук ранг асосий роль ўйнавчи турли рангдаги сирли, такрорланувчи безаклар билан қопланган қошиқли гумбаазлардан иборат. Кириш эшиги тепа қисмида, жумладан, 16,5 м.ни ташкил қиладиган арк 5 ёки 6 қиррали кук юлдузлар билан безатилган. 81x56 м.ли бино катта майдонга эга бўлиб, икки қаватли ва тўрт бурчакли дарсхоналар, гумбазли кенг мажлисхоналардан иборат. Бинонинг ҳар бурчакларида миноралари бўлган, юзлаб талабалар хужралари ҳовли атрофига қурилган.

1420 йилда қурилиш ишлари тугатилиб, Қозизода очилиш даъсини Мирзо Улуғбек иштирокида бошлаб берди. Янги мадраса ўз даврининг энг машхурига айланди ва ал-Коший ҳам у ерда математика асослари туғрисидаги билимлари билан таълим бера бошлади. У бу ҳақда 1427 йилда ёзиб тугатган «Арифметика қалити» асарида қайд этган бўлиб, асар Мирзо Улуғбекка бағишланган ва қуйидаги кириш сузлар билан бошланган: «Мен бу асарни энг буюк, энг одил, энг оқил ва энг машхур олим Султон Улуғбек Қурагоний кутубхонаси учун яратдим».

Ўқув дастури кутубхонадаги энг машхур мусулмон математик ва астрономларининг асарларига асосланарди. Бу асарлар Мирзо Улуғбекнинг муруввати туфайли қўлга киритилган эди. У ўзининг

Янги мадраса ўз даврининг энг машхурига айланди ва ал-Коший ҳам у ерда математика асослари туғрисидаги билимлари билан таълим бера бошлади. У бу ҳақда 1427 йилда ёзиб тугатган «Арифметика қалити» асарида қайд этган бўлиб, асар Мирзо Улуғбекка бағишланган ва қуйидаги кириш сузлар билан бошланган: «Мен бу асарни энг буюк, энг одил, энг оқил ва энг машхур олим Султон Улуғбек Қурагоний кутубхонаси учун яратдим».

ёш ҳамкасби Али Қушчини астрономияга оид хитой қўлланмалари ва тақвимларини топиб келиш учун, хаттоки Хитойга ҳам жўнатган эди.

Расадхона

«Олимнинг (Мирзо Улуғбекнинг) бой мероси унинг Буюк мутафаккир бўлгани ҳамда астрономия ва математикани чуқур ўрганганидан далолат беради. Дунёнинг турли ҳудудларидан олимлар илмий тадқиқотлар олиб бориш учун Самарқандга йўлланган ҳамда янги билимлар айнан шу ердан Буюк Ипак йўли орқали бутун жаҳонга ёйилган. Машҳур илмий мактаблар яратган Мирзо Улуғбек маданиятлараро алмашувларни илгари суриш баробарида, жамиятда билимлар ривожини ҳам рағбатлантирди. Шу боис ордан кўп асрлар ўтганига қарамай, бугун унинг номи Шарқ ва Ғарб халқларининг эзгу мақсадлар йўлида бирлашувчи рами бўлиб қолмоқда».

**Франсуа Леги-Тюли,
Ницца расадхонасининг
фалхрий астрономи,
Франция**

Ал-Қошйи, Қозғозода ва бошқа ҳамкасблари маслаҳатига таяниб, Мирзо Улуғбек улар ният қилган ансамбль, улкан астрономик расадхонанинг қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқишга буйруқ берди. Астрономия гуруҳи талабалари мадраса тахсилини тамомлаб, ўзларининг келажакдаги вазифаларини белгилаб олган бир пайтда, шаҳарнинг шимоли-шарқидан бир неча чакирим нарида жойлашган Қўшқ тепалиғида 1420 йилда расадхона қурилиши бошланди. Лашкарбошилик ва ҳукумат ишларидан бўш вақтларида, Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам ўлчов ва ҳисоб-китобларда иштирок этди.

Ҳақиқатан ҳам, у тез-тез кучли вакилларнинг кутарган исёнларига қарши ҳарбий курашлар олиб борар, салтанат юмушларидан ҳоли бўлганича, бобоси сингари мафтункор ёшорликлар қурилишига бутунлай берилиб кетарди.

Мезмор

Мирзо Улуғбек Самарқандда дарвешлар учун улкан гўмбазли хонақоҳ қурдирди, хонақоҳ ҳаммоми рангли тошлар билан безатилган бўлиб, аҳоли уни шаҳарнинг энг мухташам иморати деб ҳисобларди. Жумладан, у катта қарвонсаройларга ўхшаш дид билан қилинган, ёғоч ўймақорли масжид ҳам қурдирди. У катта боғ ўртасида 40 устули сарой бунёд эттирди, сарой ёнида унинг миниатюра тўламақорларини сақлаш учун Хитойдан келтирилган чинни қошинлар билан безатилган ажойиб хона ҳам бор эди. Темурбек хоки жойлашган Темурийлар макбараси қурилишини давом эттирди, Аъмир Темур макбарасига 1425 йилда Муғулистондан олиб келинган улкан қор нефрит тошини ўрнатди ҳамда Тож Махал сингари мухташам хонани чиройли мрамор панжаралар билан безатди. Шоҳи Зинда макбарасининг кириш эшигини бунёд эттирди. Бухорода ҳам янги мадрасалар бино қилдирди.

Унинг қобилияти жуда ҳайратланарли эди, чунки Мирзо Улуғбек китобсевар, шеърлар муаллифи ва тарихчи бўлиб, расадхона ва мадрасадаги амалий илланмиларда ва дарс жараёнида ўзи қатнашиб, ўз соҳасининг устасига айланган эди. У янги мунажжим ва ўқитувчиларни ишта қабул қилиб, баъзан талабалар билан камтарона мулоқотда бўлишдан завқланарди. Шунинг натижаси ўлароқ, Мирзо Улуғбек математика соҳасида жуда қобилиятли ва зеҳинли бўлган ёш Али Қушчин, «Лочин овчиси» билан танишиб, дўст тутинди. Ёш талаба унинг ҳўмаги сабабли кейинчалик тақдирли устоз ва Улуғбек ишларининг давомчиси бўлди.

Расадхона ва усқуналар

Ўз соҳасининг билимдони бўлган Ғиёсийдин ал-Қошйи қурилиш ишларини бошқариш ва расадхона хизматини йўлга ҳўйиш жавобгарлигини ўз зиммасига олди. 1429 йилда қурилиши тугалланган бу расадхона бутун Осиёни ҳайратта солганди. Афсуски, диний эътиқодларга нисбатан бўлган эркинлик сабабли Мирзо Улуғбек туғрисида душманлик руҳидаги диний гуруҳлар томонидан беъмаъни фикрлар билдирилиш бошланиб, у баъзи диндор

* Французча Аъмир Тезмур ва Темурийлар меросининг таърифи // Халқ сўзи, 2016, 10 июль.

химсалар нигоҳида бадариятнинг такаббур кишисига айлан-ди. Уни Шохрух Мирзо даврида Хиротдан хайдалган бидъатчи файласуф Қосим Анвар билан яхши муносабатда бўлганлиқда ҳам айбладилар. Бу каби воқеалар орадан 30 йил ўтгач, расадхона мавқеини бутунлай пасайтиришга олиб келди ва барча мунажжимлар бу ерни тарк эта бошлашга сабаб бўлди. Мирзо Улуғбекнинг фожиавий ўлиmidан 50 йил ўтиб, 1499 йилдан расадхона батамом бузиб ташланди.

Йўловчилар молхоналар қуриш учун аста-секин расадхона ғиштларини ташиб кета бошладилар.

Расадхона қолдиқлари ва қайта тиклаш тахминлари

Бутунги кунда расадхонанинг ички ва ташқи кўриниши хусусида жуда оз маълумотларга эгамиз. Уша давр замондош ёзувчиси Абдураззоқ Самарқандий расадхонани кўрган бўлиб, қуйидагича тасвирлайди:

«Бино деворлари ўзгармас юлдузлар, 1/60 сонияси, сониялар, дақиқалар ва осмон гўмбази даражалари билан безатилган. Яна денгизлар, саҳролар, тоғлар, Ер иқлими минтакалари ифодаланган дунё географик хариталари ҳам бор эди. Буларнинг ҳаммаси мутаносиб геометрик шакллар ва ажойиб суратлар билан ифодаланган».

Бобур ўз хотираларида шундай ёзади:

«Яна бир улкан иморат астрономик жадваллар тузишга мўлжалланиб Қўҳак тепалиғида уч қават қилиб қурилган расадхонадир».

1908 йилда рус археолоғи В. Вяткин Қўҳак тепалиғида расадхона қолдиқларини топишга муяссар бўлди: диаметри 46-50 м.ли ҳамда доира шаклидаги иморатга тааллуқли безаклар, ғиштлар, тош парчалари, шунингдек шимол-жануб меридиани бўйлаб йўналтирилган, чуқурлиғи 11 м. бўлган ер ости қисмига олиб кириш жойини топди. Тадқиқот давомида археолоғлар деворлар асоси ва яна бир қанча қолдиқларни аниқладилар, бу эса уларга расадхонанинг жойлашиш ҳолатини ўрганишга анча ёрдам берди.

Самарқандий ва Бобур қолдирган қиска кўрсатмалар ва хароба қолдиқлари туфайли ўзбек, рус ва бошқа давлат археолоғлари уша давр архитектура қурилишини ҳисобга олиб, Марв, Дамашқ ва Бағдод каби дунёнинг машҳур расадхоналари қурилиш архитектурасига таянган ҳолда Улуғбек расадхонаси режасини туздилар.

Бино доира шаклида бўлиб, баландлиғи 30,42 м. ни ташкил қилади, тахминан 15 м. ли тепаликни қўшиб ҳисобласак, расадхона ер юзасидан қарийб 45 м. баландлиқда бўлган.

Улуғбек расадхонаси,
Самарқанд.

Observatoire astronomique
d'Ulughbek Samarkand.



Ясси мрамрли асосга қурилган уч қаватли бинoning ҳар бир қавати ташқарига қараган 32 та арқдан иборат эди. Деворларнинг ташқи томони археологлар топилмаларига асосан сирли қошқили турли хил ранглар, айниқса, кўк ранг кўпроқ бўлган араб ҳарфлари ва гул шакллари билан безатилган эди. Бино тўғриси меришван бўйлаб жойлаштирилган 21,6 м. радиусли секстант арки билан тенг икки қисмга ажратилган эди.

Бугунги кунимизгача сақланиб қолган ёйсимон қурилма 11 м. чуқурликдан бошланиб, аслида ёйсимон қисмининг узунлиги 63 м. бўлиб, 40 м. баландликни ташкил қилган, балким ёйсимон шакlining тепа қисми бундан узунроқ бўлиб, расадхона томи устида жойлашган кўёш соати вазифасини ўтаган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозирда сақланиб қолган секстантнинг ерости қисми арқ орқали ажратилган иккита пардевор оралиғининг кенглиги тахминан 3,8 м. бўлиб, зинапояли йулак ва ҳисоб-китоб учун мулкжалланган қисми оралиғи қарийб 1 м. бўлганлигини тасдиқлайди. Секстантнинг урта ва ён томонлари кенглиги 29 см., баландлиги 59 см. бўлган мрамр билан қопланган зинаполардан ташкил топган. Ёнгинасидан даражаларни инфодолловчи сонлар ёзилган бир қанча сопол парчалари топилди.

Топилган девор қолдиқлари бинoning пастки қисмида расадхонанинг турли хизматлари учун мулкжалланган хоналар бўлганлигини тасдиқлайди. Хоналар шимол-жануб меришванини симметрик равишда ажратиб турувчи секстантнинг ғарб ва шарқий томонида жойлашган. У ерда турли жиҳозлар ва асбоб-ускуналар сақланадиган хоналар, шунингдек, мис ҳамда тош плиталари топилмаларига асосан ускуналарни ўзгартирадиган ва тўзатадиган устахоналар, асбоб-ускуна қўлланилиши ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари сақланадиган хоналар ва кутубхона, мажлис хонаси, битта хариталар жойлаштирилган хона ва яна битта ёзувлар ҳамда дарс жараёнидаги суратлар учун мулкжалланган хоналар мавжуд бўлган. Самарқандий аниқ кўрсатиб бера олмаган, лекин унга маъқул бўлган деворий суратлар билан безатилган хоналарнинг бўлганлиги эҳтимолдан анча йироқ.

Шундай бўлса ҳам, археологик тадқиқотлар вақтида ва ҳисоб-китоб ва қузутувлар учун ишлатилган ускуналар, на юлдузлар жадалида келтирилган натижаларни исботлайдиган бирор ҳужжат топилди.

Ер ости қисмида сақланган улкан секстант кўёш туриши вақти ва вазиёти, ўша пайтда эклиптика қиялиги, шунингдек кенглик ва экватор ҳолатини аниқлашгагина хизмат қилган. Шунга ўхшаш секстантлар олдиндан мавжуд бўлиб, бироқ улар анча кичик, бири Эроннинг Раи шаҳрида 994 йилда ал-Хужандий томонидан эклиптиканинг қиялигини ўрганиш мақсадида ишлатилган, иккинчиси Марв шаҳрида жойлашган бўлиб, 1259 йилда ал-Тусий томонидан қурилган секстант кичик даражали шкалага тўташган ҳамда кўёш нурлари ўтиб турувчи кичик тешикли гўмбаз остида ёнлари девор билан ўралган секстант ёки квадрат тилида барпо қилинган. Мирзо Улугбек ёшлиғида отаси билан Эрон қудудидан ўтганида бу расадхонани кўрган бўлиши мумкин.

Улугбек расадхонасида тузги осмонни ўрганиш мақсадида бир неча қузутувчилар учун мулкжалланган майдонча, шунингдек гномонли қатта кўёш соати ҳам мавжуд бўлган секстантнинг тепа қисми кўёш йўналишида меришван билан кесишадиган пантда нурлар ўтказувчи туруридан шидан овалсимои ойнали том билан ётилган эди. Кўёш тузги қоронғиликда жойлашган секстантнинг ер ости ёйсимон қисмида доғ ҳосил қилар, қузутувчилардан бири секстантнинг ёйсимон шакли устига ёзилган даражаларни қузиёти борарди. Шу улкан асбоб билан Мирзо Улугбек бир

«Машҳур Улуғбек тахтага ўтиргандан сунг Трансоксанияда биринчи бўлиб Самарқанда академия асосини яратди».

*Франсуа Вольтер,
Франция*

йилли 365 кун, 6 соат, 10 дақиқа, 8 сонияга тенглигичи аниқлади, hozirgi замон астрономлари эса, 365 кун, 6 соат, 9 дақиқа, 9,6 сония экваторийли тасдиқлашди. 0°32" даражали арзимас хато билан Улугбек эклиптика оғмалигини hozirgi замон астрономлари ҳисоб-китоби буйича 23°30'45" даража эмас, балки 23°30'17" даража деб берган эди.

Секстантдан ташқари, фақат куз орқали ўрганилган сайёралар ва юлдузлар кузатуви турли хил таниш асбоблар, яъни устурлоблар, армиялар шари, балистислар, трисветрлар, шаниллар, устурлоб бирлашмаси ҳамда соат ва ҳоказолар билан амалга оширилган.

Улугбекнинг астрономик жадвали («Зиж Кўрагоний»)

«Зиж» («Юлдузлар жадвали») қачон ёзила бошлангани маълум эмас, эҳтимол 1420 йилларда бўлиши мумкин. Тошкентда топилган форсий кўлемга асосан 1444 йилларда яқунланганлиги эътироф этилади, лекин Мирзо Улугбек улюғича, яъни 1449 йилгача, шубҳасиз, узгартиришлар киритган бўлса ажаб эмас. Бу «Юлдузлар жадвали» Мирзо Улугбек йўқкан мунажжюмлар гуруҳининг захматли меҳнати маҳсулидир. Унинг узи ҳам асарни бир шаклга жамлашда иштирок этди. Одатга кўра, расадхона мунажжюмлари томонидан тузилган зиж ўз сулоласи ёки хўмдор номи билан аталиб, «Зиж Кўрагоний» деб номланган.

Франция нашриётида босилиб чиққан «Юлдузлар жадвали» нусхаси форс тилидан (Седие) таржима қилинган бўлиб, Мирзо Улугбекнинг узи ёзган 6 саҳифали кириш сузи билан 200 саҳифани ташкил қилади. Хулоса қилиб айтганда, «Юлдузлар жадвали» тўрт бобдан ташкил топган:

I. Изоҳли ва қиссий «Юлдузлар жадвали»даги уйғур, хитой, эрон, сурия, юнон ва араб тахвимларидаги замон тушунчаларининг нисбий муаммолари.

II. Астрономик кузатишлардаги изчил ҳисоб-китоблар учун амалиётда қўлланиладиган усулларнинг ўзаро боғлиқлиги: юлдузлар масофаси, тангенс ва синуслар тўғрисидаги хулосалар, кутлаб шаҳарларнинг узунлиги ва кенлиги, меридиан йўналиши чизиғи.

III. Сайёралар ва Кўёш тадрижий ривожланишининг умумий режаси хусусида. Кўёш ва Ой тутилиши, уларнинг пайдо бўлишини олдиндан кўришда қўлланиладиган ҳисоб-китоблар баёни. «Юлдузлар каталоги» (1018 та) ва қисман ноаниқ ҳисобланган Абдурахмон Сўфийнинг «Юлдузлар каталоги» хусусида мулоҳазалар.

IV. Астрологиянинг самовий жисмлар ҳолатини аниқлаш, инсонлар тақдири ўнлашиғидаги ўзаро таъсирлари.

«Юлдузлар жадвали»ни тузиш жараёнида биринчилардан бўлиб 1430 йилдаги ал-Коший ҳамда кейинчалик 1436 йилдаги Қозилда Румийнинг ўлими катта йўқотиш бўлди. Улугбек «Зиж»нинг кириш қисмида уларга ҳурмат изҳор қилиб, асарнинг яқунланишида ёш Али Қўшчининг хизматлари юксак бўлганини таъкидлайди.

Улугбекнинг ўлими

Мирзо Улугбекнинг иккита ўғли бўлиб, уларга болалиғиданоқ турлича муносабатда бўлди. Кичик ўғли, Абдулазизни эркалаб, унга «Уда» яқин тулди, аммо тўнғич ўғли Абдулатифни Хўросондаги Буви-си Гамаршоннинг ёнига жўнатди. Шу йўсинда, Абдулазизга кўпроқ ёш босиб, унинг ортқича обрў-эътибор билан Самарқандга чакрлтириб, қалъ олдига вағнаҳд шаҳзода сифатида зълон қилди.

Франция нашриётида босилиб чиққан «Юлдузлар жадвали» нусхаси форс тилидан (Седие) таржима қилинган бўлиб, Мирзо Улугбекнинг узи ёзган 6 саҳифали кириш сузи билан 200 саҳифани ташкил қилади.

1447 йил 2 март кuni киска бeтoблнкдан сўнг Шoхрux Мирзo вa-
фoт этди. Мирзo Улугбек бундан хaттик хaйғугa тушиб, хoқимиятнин
куч билан эгаллашгa уринаёттан жиянларидан биригa қарши Хурос-
сонгa қуддин тoртишгa мажбур бўлди. Абдулатифнинг ерлaми ту-
фaлий 1448 йилдa жиянини Тарбoбдaги жaнгдa мағлубиятгa учрaтди.
Конуним хoқимиятнин қулгa кириттан Мирзo Улугбек Самаркандгa,
кенжa ўғли ёнигa қaйтиб кeлди.

Отaси туфaйли узoқ йиллар пoйтахтдан йирoқдa, чегарa қудинларин
билан биргa бўлган Абдулатиф бу кaмсигилишлардан кўп азoб чeкди вa
ундa отaсигa нисбатан чуқур хусумат пaйдo бўлди. У бeбурдликкa бe-
рилиб кeтган вa шaхардa ўз билганичa яшовчи хaмдa буюк хўкмдоргa
бўйсунмай қуйган аскарлар oрасидан ўз тарафдорларини топишгa
муваффақ бўлди. Бaъзи диндор хaмтовoқларигa таянган Абдулатиф
ўз отaсигa отaсини тахтдан ағдарилшгa шайланган хaмдa хўкмдоргa
қарши бўлган жaнгчилардан етарличa йиғиб олишгa муваффақ бўлди.

Иккaлa қушлoч уртaсидaги жaнг Самарканд яқинидaги Дaмaшк
кишлoқидa бўлиб ўтди. Мирзo Улугбек жaнгдa мағлубиятгa учрaди, Аб-
дулатиф отaсини асир oлдирди. Агaр Мирзo Улугбек ўглининг Мaккaгa,
хaж зияратигa бeриш тaқдирини қaбул қилсa, ёлгондан уни кeчирилшoни
айтиб, oртидан Аббoс исми кишилни хoборди вa унгa Мирзo Улугбекни,
ўз отaсини улдириш тўғрисида фармон бeрди. Бошлaшa Аббoс Мирзo
Улугбек билан мулoқoттa бўлиб, сўнг уни улдириб, бошлoни тaнaсидан
жудо қилди. Бу фoжиа 1449 йил 27 oктябрдa, хўкмдорнинг 55 ёшлoқ
вақтидa содир бўлди. Мирзo Улугбек Амир Темур мақбарaсигa, бoбoси-
нинг ёнигa дафн қиллoқди. Қaбр тоши устидaги ёзув Мирзo Улугбекнинг
шaҳид бўлганлиги вa Абдулатиф пaдарқуш экaнлигини тасдиқлашш.

Бугунги кунгaчa хaмдa бу фoжиавий воқeанинг мoҳияти нпмaлaпни-
ги тўғрисида бoш кoтирaди. Мирзo Улугбек ўзининг тунгич ўғли билан
умуман кeлишa oлмаганлигa бoиси нимдa эди? Биринчи тaслих Тем-
мурбек хўкмoрининининг сўнгидa пaйдo бўлиб, Али Ядoй «Зaфарнoмa»
(1425) китoбидa бу воқeанинг aстрoлoгия билан бoғлиқлигини тасдиқлашш.

Рaсий aстрoлoглар тoмонидан ўрганилган вa унинг ўзи хaм тeк-
шириб чиккан, Мирзo Улугбекнинг бaшoрaт жaдвaлидa (горoскoп)
кўрсaтилишлчa, унинг тузилган кuni Аждар дум қисмидa жойлашган
Шeр буржидa бўлиб, бу хaлoқaтдан нпшoнa эди. Абдураззoк Самаркандин
ўзининг 1471 йилдa ётган йиғнoмaсидa бу воқeани қунидaгичa тулдирaди:
унинг фoқиричa, Мирзo Улугбек вa ўғли ўртaсидaги аловат улaрнинг
тaқдиридан (горoскoп) кeлиб чикарди. У Мирзo Улугбекнинг тaқдир
юлшудин Аждар дум қисмидa бўлиб, бaхтсeлчи вa мусибaтнин ифoлaлa-
сa, Абдулатифники эсa, Аждар бoш қисмидa бўлиб, куч вa гaлaбaдан
дaрaк бeришлвин тaъкидлагaнли. Мирзo Улугбек учун «Юлшудлар
жaдвaли»нинг тўртинчи бoбинини тaшкил қилган aстрoлoгия алоқидa бир
фан хисoблaнaрди. У ўзи қaйтa хисoблаб чикoкан бу бaшoрaт жaдвaлигa
aввaлдан ишoнaрди. Уғлининг ўзигa қарши хoқимиятнин қулгa киритиш
истaги уни ўзидан узoқдa сaқлaшгa вa вaлихaдлик хўкүмшан махрүм
бўлишгa олиб кeлди. Хулoсa қилиб айтaдиган бўлсaк, Мирзo Улугбек
ўглининг нaфрaтинини хўзғaб, ўз тaқдирининг шўнeий жoш топишлгa
эктимoл ўзи сaбaбчин бўлгaндир.

Мирзо Улугбек мероси


Сoдиқ дуст Али Қушчи Мирзo Улугбекнинг урнигa вaқтинчa
хўкмoрлик қилиб турган Абдулатифдан Мaккaгa зияратгa бeришгa
рухсaт oлди, аммо у Тaбриздa Oққушлар хўкмдoрин Узуи Хaсaн сарoпин-

дан бошлана топганди. Сарой ахлида ажойиб таассурот қолдирган Али Қушчи 1465 йилда Истанбулга турк султони Маҳмуд II қабулига элчи сифатида жунатилди. Унинг келишига, маданиятли ва оқил бўлган Султон астроном-элчига хурмат қўрсатиб, унга кунига 200 аспр маош билан Авлиё София мадрасасига ўқитувчи лавозимини тақлиф қилди. Али Қушчи Табризга қайтиб келиб, Узун Ҳасандан истеъфога чиқиб ўчун руҳсат олди. У Маҳмуд II бутун хурмат-эҳтиром билан қабул қилган ва ўқитувчилик лавозимини тақлиф қилган Туркияга қайтиб келган. Али Қушчига бу икки ҳукмдор томонидан қўрсатилган барча обрў-эътибор аслида шуҳрати бутун Шарққа ёйилган Самарқанд мактаби ва Мирзо Улугбекка нисбатан иззат-икром ифодаси эди.


Али Қушчи туфайли Самарқанддан олиб келинган ва сақланиб қолган Мирзо Улугбекнинг «Юлдузлар жадвали» қўлёзмаси бугунги кунгача етиб келди, таржима қилинди ва Европада юксак баҳоланди. Жон Гравес 1648 йил Оксфордда, 1690 йил Польшада Гевелиуслар бу китобнинг биринчи ноширлари бўлдилар. Седий уни 1853 йили Францияда нашр қилдирди.

Маҳмуд II наздида Али Қушчи Мирзо Улугбек фалсафасининг тарғиботчиси эди. У расадхонанинг кейинги ун уч йил давомидаги фаолиятида Мирзо Улугбек билан эгаллаган бекиёс тажрибаси ва йигирма йиллар давомида тинимсиз ишлаган «Юлдузлар жадвали»нинг чуқур билимдони эди. Шундай қилиб, Али Қушчи Самарқанд мактаби илмининг ёлғиз намояндаси эди. Истанбулда тарқатган илми қўллаб авлодларнинг астрономияга қизиқишини уйғотди ҳамда буюк турк астрономлари ва математикларининг етишиб чиқишига сабаб бўлди. Туркиядаги ун йиллар давомида заҳматли изланишлари ва таълимидан кейин у 1474 йилда Истанбулда вафот этди. Али Қушчи туфайли Самарқанддан олиб келинган ва сақланиб қолган Мирзо Улугбекнинг «Юлдузлар жадвали» қўлёзмаси бугунги кунгача етиб келди, таржима қилинди ва Европада юксак баҳоланди: Жон Гравес 1648 йил Оксфордда, 1690 йил Польшада Гевелиуслар бу китобнинг биринчи ноширлари бўлдилар. Седий уни 1853 йили Францияда нашр қилдирди.

Ҳиндистонда Мирзо Улугбек қисмати ва «Юлдузлар жадвали»нинг ўрганилиши XVIII асрда буюк астроном Жай Сингнинг Ражастондаги Жайпур расадхонасининг қурилишида хизмат қилди.



Вардиддин Атторнинг «Манتيқ ут-тайр» асарига ишланган шайб.
Titre de «La Conférence des oiseaux» («Maniq at-Tayr») de Farid Al-Din Attar.



PIÈCE DE THÉÂTRE
DE LUCIEN KEHREN
CONSACRÉE
À AMIR TEMUR

ЛЮСЬЕН КЕРЕННИНГ
АМИР ТЕМУРГА
БАҒИШЛАНГАН
САҲНА АСАРИ



Мазини «Мазини Ҷамаиат Ҷамаиат»
К. Мазини, 1994 Ҷан.

Панневу «Чотеган (Полон)
Фар К. Мазини, 1994.

Люсьен Кереннинг Амир Темурга багишланган сахна асари

«Мен Амир Темур хақидаги тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадида пьеса ёзганман. Унда инсоний ҳис-туйғулар, севги ва оддий ҳаёт акс эттирилган. Пьесани сахналаштириш учун собиқ советлар даврида Ўзбекистондан тегишли сахна декорацияси ва либеллар сураб мурожаат этгандим. Бироқ ушунда пьесани уқиб, «Амир Темур ва севги бир-бири билан ҳеч боғланмайди», деган жавоб қаيتпришган. Шу сабабли пьесам сахналаштирилмай қолган».

Люсьен Керен

«Боязиднинг асирга олиниши».
Рассом. С. Хлебовский.
1878 йил.

«Le sultan Bojazet fait
prisonnier par Temur».
Par Stanislaw Chlebowski, 1878.

Люсьен Керен 2006 йил июль ойида узининг «Буюк Темур» пьесасини ёзиб тугатган. Бу пьесада Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг муҳим палласи – Сохибқирон тахта ўтирганидан токи вафотига қадар булган 35 йиллик (1370–1405) даврдаги тарихий воқеалар бадий тукималар билан уйғуниқда, наср ва назминг адабий услублари негизда атрофлича еритилган. Биринчи бўлимда – 1370 йил, иккинчи бўлимда – 1380 йил, учинчи бўлимда – 1381–1387 йиллар, тўртинчи бўлимда – 1389 йил, бешинчи бўлимда – 1400–1402 йиллар ва олтинчи бўлимда 1404–1405 йилгача булган даврлар воқеалари таққин этилган.

Шу билан бирга, муаллиф асарни Франция, Бельгия ва ўзбекистон театрларида сахналаштириш билан боғлиқ шарт-шароитларга мос келадиган тасвирий кўриниш ва бадий образлар билан бойитган. Л. Кереннинг ушбу пьесани ёзишдан кўзлаган асосий мақсади Амир Темурни улуг жаҳонгир, ажойиб стратег лашкарбоши ва мохир саркарда, буюк бунёдкор шахс, энг муҳими, Европа халоскори, европаликларнинг яқин дўсти ва ҳамкори, солиҳ ва имонли мусулмон, лекин мутаассиб булмаган илғор шахс сифатида тараним этиш эди.

Л. Керен узининг ушбу сахна асари Париждаги «Одеон» театрида намойиш қилинганини кайд этар экан, қачонлардир бу пьеса ўзбек санъаткорлари томонидан Париж сахналарида ижро этилиши орзусида эканини айтади. Орзуми шуки, деган эди Л. Керен, ушбу пьеса қачондир Париж театрларидан бирида ўзбек артистлари томонидан ўзбек тилида намойиш этилади ва бунда, худди Париждаги Шекспир театрида амалда булгани каби, асарнинг французча таржимаси сахна экранида изчил кўрсатиб борилади. Бу, ўз навбатида, Европа ва Франциядаги оммавий ахборот воситаларининг ўрта асрларда Марказий Осиёда юз берган талотумлар даврида тарқок халқларни бириктириб, ягона марказлашган давлат барпо этган бетакрор шахс – Амир Темур хақида кенг ахборот тарқатиши учун қўлай имконият туғдиради.



Буюк Темур¹

(пьеса)

Асосий қахрамонлар:

Амир Темур – туркий жаҳонгир, қарилқк ва ёшлик даври, 38-69 ёшларда;

Доруға – худди шу ёшда, ақли, муносиб инсон;

Хусайн – 40 ёшда, қарам ва бузуқ қимса;

Нуриддин – 30-60 ёшда, Амир Темур хизматидаги муғул муёни ва харбий табиатли инсон;

Боязид – 40 ёшда, ҳурматталаб ҳукмдор шахс;

Сароймулкони – 20-50 ёшларда, аслзода аёл, маътика;

Дилеунча – 18 ёшли гузал ва нозанин аёл.

Иккинчи даражали роълар:

Илёсхон – Амир Темурнинг хотиби – Обиддин – Асад – руҳоний Иломи – Шаттогоран

Эпизодлар: муғул жангчиси – Керб – туркий жангчи – Хусайн хотиби – Буладжи – шахсий соғчи – Муҳаммад – Хожа – Мансур – муסיқачилар, раққосалар – Сендерали – Саид Иброҳим – Саид Ҳасан – Сулаймон – Аладдин.

1 БОБ

1-саҳна: Илёсхон – Керб – муғул кўрикчиси

Самарқанд: Қасрнинг хатта қонаюнаси.

Хона ўртасида жуда баланд тахт, атрофи қизил шойи мато билан ўрналиб, бир киши утишига жой қолдирилган. Тахт от ёли найза ушлаган муғул жангчиси томонидан қўриқланади. Тахтда муғул хони Илёсхон утирибди. Хоннинг оёғи остида маслаҳатчиси Керб унга қараб гапираяпти. Таъқаридан ноғоранинг баланд овози келади. Илёсхон Кербга ноғоранинг овозини учир дегандай ишора қилади. Уна заҳоти овоз тўхтайдди.

Қадр орнида биланд овоз.

Тўхтанглар. Эшитинглар. Самарқанд ақли. Самарқандни одилона қўлга киритган шох, сарқолар шаханшохи, муғул шох Илёсхон ноли билан сизларнинг хар бирингизга, ҳузурингизга уч тилла танга ва бир урам шойи мато келтиришингизни буюраман. Бу инъом фақат сизларнинг ҳушингиз ҳаққидир. Бузи хон узининг химмати сифатчда қабул қилади. Уйларингизга эса фақат ноғоранинг овози эшитилганчагина қайтасизлар. Кимки бу қарордан бош тортса улимга маҳкум қилинади. Сўзим шу! Бу хоннинг сўзлари.

Оломнинг қий-чуви, от қамчиларининг шовқини.

Тўхтанглар! Яна бир нарсани айтай, кимда-ким ҳокимиятта қарши чиққан Темур ва Хусайн аскарларининг қаерда яшириниб ётганлирини хонга айтса юз танга мукофот олади. Кимда-ким уларни яшириб, қаердалигини айтмаса қатл қилинади.

От қамчиларининг қучли шов-шуву – Илёс бестоҳатланиб, Кербга ишора қилади.

¹ Тўрақомиллар: Шоатни Митшаров, Дилшадхон Бобожонов ва Давронбек Мақсулов.

Илѐс Керѐб, кара нима булайпти.

Керѐб чиѐиб кетади.

Кадр ортида овоз: Жим булинглар! Хонга итоат қилинглар, йуқса олампахо мўғулча оловли қамчиси билан умуртқангизни «силаб» қуяди!

Қуролманган оломон бақир-чақири яқинлашмаяпти. Ярадор Керѐб гонди-раклаганча кириб келади, шу пайт Илѐс ўрнидан туради. Кадр ортида оломон овози яқиндан эшитилади.

Яшасин, Темур! Яшасин, Хусайн! Йўқолсин, хон! Мўғулларга улим! Олга!

Оломон яқинлашмаяпти – Илѐс бушашиганича зудлик билан тахтни ташлаб чиѐиб кетади – Керѐб, унинг ортидан соқчилар чиѐишади. Хонда ҳеч ким йуқ. Қўлида қилич билан Темур киради. Унинг ортидан эса Хусайн кириб туғри тахтга қараб юраётганда, Темур очиқ шойи девор олдида туриб унинг утишига тўсқинлик қилади.

Темур: Тўхта Хусайн, япти хонни тайинлаш Қурултойнинг вазифаси.

2-сахна: Доруға – Темур зобити, Хусайн зобити – мўғул соқчиси

Самарқанд – сарой кошонаси – уша безаклар. Тахтга олиб борадиган очик девор олдида соқчи турибди. Эшик олдида икки зобит тўсиқлардан ўтишга эриниб, тахтга қараб бораётган Доруғага йўл берди.

Доруға: Қачонлардир бу тахтни Искандар эгаллаган эди. Ундан сўнг Чингизхон тахтни ўгли Чигатойга қолдиргунча бу ерда қонлар кўл бўлиб оқди. Илѐсхон бу ердан қувилишидан олдин, хиѐнат йўли билан тахтни эгаллаганди. Ҳозир эса у номзод бўлиб, Қурултойнинг кимни хон қилиб тайинлаш тўғрисидаги қарорини кутиб утирибди. Самарқанддек жуда яхши қўрикланадиган, мовий осмон кўзуси булган, жаҳонгирлар орзуси саналган шаҳар Темур ва Хусайн қўшиқлари томонидан мўғуллар истилосидан озод қилинди. Икки-сидан бири хон деб топилади. Мен, Мурад, шу шаҳарнинг бошчилиги аждодларимиз ҳукмронлигидан мерос қолган рамз бўлмиш Чингизхон байрогини келтиришингизни буюраман.

Соқчи чиѐиб, уч от ёли ва бури қаласи иланган мовий байроқни эъланлаб кутарганича кириб келади. Доруға байроқни қўлига олган заҳоти танишонали мусиқа садоси янграйди.

Доруға: Байроқни менга бер!

Доруға байроқни олиб, девор ўртасига ўтади ва тахтнинг суягини орқасига қалаб қуяди. Доруға байроқ тўсиқларсиз туриши учун ортга чекиниб, байроққа қараб қўлини кутаради.

Доруға: У ерда: «Бир Худо самога ва бир шох заминга ҳукмронлик қилади», – деб ёзилган. Мен Қурултой қарорини кутаётган ҳар бир

номзоднинг бир зобити байроқ ошдида бўлишини таъминлашим лозим.

Икки зобит яқинлашиб, юзма-юз туришади. Доруға кетишидан олдин уларга муружжат қилади.

Доруға: Сизларга тайинланган хон шухратини оламога ёйган байроқни эъозланг, лекин бир қондага рисоя қилинг: ҳеч ким Қурултой сайловининг қарори чиққунга қадар жанг қилмасин. Бу менинг, яъни Доруға Муроднинг айтар сўзим.

Доруға соқчи билан чиқиб кетади.

Темур зобити: Аввал бизнинг бошлиғимиз, Самарқандни мўғуллардан озод қилган Темурни эъозлабимиз. У хон бўлиши лозим.

Хусайн зобити: Э йуқ, Илбес ва Чигатой қўшнларини қувишда сазовор бўлган – бу бизнинг амиримиз Хусайндир. У озод қилган, у хон бўлади!

Темур зобити: Амирингиз мақтанчоқ ва кўрқок, бошқа ҳеч ким эмас. Жанг пайтида қўлга тушган мўғулларни кўрсатиб, бозорларда «Самарқанд айти, мен сизнинг халоскорингиз Амир Хусайн бўлман», – деб жар солиб юрибди. У яна бир нарсани, яъни Сароймулкхонимов унинг хотини эканини эсидан чиқариб қўйди.

Хусайн зобити: Темурингиз қаерда эди? Жангчилар кўрмаслиги учун яшириниб олиш қандай яхши-я?

Темур зобити: Уни барибир кўра олмадинглар, чунки у мўғул қўшини орасида жанг қилаётган эди.

Хусайн зобити: Бу ўзиникилар орасига яширинишнинг яхши йўли. Унинг аждодлари Чигатойлардан эканлигини ҳам, Темур уларнинг ҳамтовони бўлишини ҳам ва унинг қиличи ёғочдан эканини ҳам биламиз.

Темур зобити: Қазоб! Темур қиличи мўғул хонининг қонидан қип-қизил эди. Темур хон бўлсин, ушанда айнан сизнинг ва амприятингиз қонидан Самарқанд мусалласини тайёрлаймиз.

Хусайн зобити: Амирини камситишга қандай журъат қилдинг, ит!

У қиличини чиқариб уқталади – Темур зобити ҳам шундай қилади. Шу пайт Доруға кириб келади.

Доруға: Тухтанглар! Қиличингизни жойига солинг! Байроқ ошдида қиличини яланғочлаш уни тахқирлаш ҳисобланади. Тез чиқиб кетинглар, жанжаллашмишдан олдин Қурултой қарорини қутқошлар.

Зобитлар чиқиб кетади.

Хусайн зобити: Хусайн хон бўлади!

Темур зобити: Йуқ, Темур хон бўлади!

Доруға чиқиб кетади. Қочона бум-буш, ижтима қандилдин тўлган нур пахта олдидеги байроқни ёритиб турибди.

3-сахна: Хусайн – Сароймулкхоним

Самарқанд: Сарой кошоnasi, ҳоли (давоми)

Хусайн рафиқаси Сароймулкхоним қўлидан тутиб киради.

Хусайн: Юр, юрақол жуфти ҳалолим. Кел, аждодларинг тахтидан завқлан. Яқинда суюқли эринг бу тахтта утиради.

Сароймулкхоним: Бунинг менга қизиги йук. Мен ҳарамдаги аёллар билан учрашишни хоҳлайман.

Хусайн: Уятсиз, сен тез орада менинг шарофатим билан малика бўласан.

Сароймулкхоним: Сенинг фитначиларинг орасида малика булиш менга ёқмайди.

Хусайн: Манман хотин, мен сенга шунинг учун уйланганимдими? Мен сенга эриштиш учун энг яхши шахрим бўлган Балхнинг бир йиллик даромадини бобонг Тармаширичхон¹га беришга мажбур бўлганман. Бу гадои барлос Темур эса мўгул маликасига атиги бир нечта от таклиф қилишга қандай журъат қилди.

Сароймулкхоним: Қурагон, Чингизхон оиласига куёв деган ном учун мени сотиб олганингни жуда кеч тушуниб етдим. Лекин бу оқсуяклик сенга насиб қилмайди. Ҳақиқий малика мен бўламан. Сен эса маҳмадона ва мақтанчоқлигингча қолаверасан.

Хусайн: Маҳмадона эринг тез орада Самарқанд шоҳи этиб тайинланади. Ва сен унинг олдидан тиз чўкишга мажбур бўласан..., малика.

Сароймулкхоним: Халқ Темурни бир овоздан халоскор деб улуғлаганини кўрдим ва эшитдим. Маскида Темур тахтни эгаллаши ҳақида шов-шув юрибди. Буни менга бир сўфий айтди.

Хусайн: Бўлди, етар! Темур ёлғончидан бошқа ҳеч ким эмас. Барчасини мен қилдим.

Сароймулкхоним: Бобом мени Темурнинг севгисидан айириб, сенга берган кунни лаънатлайман. Чодиримга кетдим.

Сароймулкхоним эшик томон юради.

Хусайн: Сени огоҳлантираман, агар Темур билан орангизда зор-рача муносабатни сезсам, сени эрига хиёнат қилган аёл сифатида жазолайман.

Сароймулкхоним чиқиб кетяди.

4-сахна: Хусайн – Доруға – Амир Темур – Нуриддин

Самарқанд: Тахт жойланган кошона (давоми)

¹ Бу ва кейинги ўринларда Л. Керен Сароймулкхонимни чигатой улусининг мўгул хони 1326-1334 йилларда қўли сўртган, исломини қабул қилган, туркия тилида эркин сўзланган Алюш деген Тармаширичнинг набираси сифатида тақдим этган. Тарихий манбаларга қўра, Сароймулкхоним (Шибхоним, 1341-1401), Амир Темурнинг хотини, сарой манжаларининг улуғи) Чигатой улуси хони – Қазонхонининг (1338-1346) қизичи. У дастлаб Амир Қазонхонинг набираси – Амир Хусайнга (1355), кейин (Хусайн вафат этилган) Амир Темурга никоҳланган (1370). – А.С.

Хусайн хонгаз ёлғиз кириб, секин-аста тахтага яқинлашади ва тахтининг тирсақ қўядиган ёндорига сўнади. Сўнг бошини кўтариб, байроқ томон юзланади.

Хусайн: Ягона ҳукмдор деб нега мени курсатмадилар?

Доруға, Темур, Нуриддин киради. Хусайн уларга қўшилади.

Доруға: Мен сизларни бу ерга Амир Нуриддиннинг мўғуллар истеъфоси ҳақидаги хабарини эшиттириш учун йиғдим. Сўнг Қурултой қарорини етказаман.

Нуриддин: Улар бу ердан ўн чақирим нарида ўз юртларини қайта олиш учун тўхташди. Улар одамларимдан бирини талаб қилиб, хоннинг олдига яширинча боришган. Уларда бешта қабиланинг сардорлари ва ҳарбий кенгаш ҳам бор.

Темур: Нима ҳақда кенгашанларини эшитдингми?

Нуриддин: Ҳа, қисман, Амир. Улар Самарқандни қажлаштиб қайтариб олишни режалаштиряпти.

Темур: Сенингча, улар неча кунда бу ерда бўлади?

Нуриддин: Уч-тўрт кун ичида.

Хусайн: Илёсхон ҳеч қим уйламайдиган жойда яширинган бўлиши керак. Мен афғон суворийларимни оёкка турғизаман ва тасло бўлишига йўл хозирлайман. Ҳаётим хавф остида қолиши мумкин. Чунки мен балхликман.

Доруға: Самарқанддан шу йўл билан воз кечмоқчимисан?

Хусайн: Э қанийди, бу ишлар бир-бирига асти боғлиқ эмас ...

Доруға: Амир Хусайн, Самарқанд тақдири икки қилгичдан бирига боғлиқ, сенинг ёки Темурнинг. Қурултой мўғулларнинг қайтishiни муҳокама қилганда, Самарқандга ўз халоскори, яъни қимда-қим хонни ўлдирса ўша подшоҳ бўлишоти айтган. Мўғуллар икки тарафдан Катта дарвоза ва Кичик турк дарвозасидан ҳужум қилиши мумкин. Темур ... Хусайн.

Темур: Режалаб қураман.

Хусайн: Мен ҳам қабул қилдим. Лекин сен на шахарга ва на саройнинг аҳли аёлига эга бўлмайсан. Доруға, мен Илёсни хутаётган суворийларга тайинлашнинг сўрайман. Уларнинг жасадларини Катта дарвоза ёқидан топадилар. Бу адолат талабидир. Менинг афғонларим кўп сонли. Демак, Илёсхоннинг бошини мен қўлга киритаман ва бунга халқ тепаликларда туриб гувоҳ бўлади. Темурга Кичик дарвоза мудофаасини топшираман.

Нуриддин: Уйин бузилди. Бизнинг асосий кучларимиз сенинг ҳукминг остида бўлади. Бу эса, Илёсхонни ўзига тортади, Темур бунга нима дер экан?

Темур: Мен сенинг иккиозламачи эканингни яхши биламан, Хусайн. Бироқ, сенинг безбетларча берган маслаҳатингни қабул қиламан. Кичик турк дарвозасини эгаллаб, Илёсни қўтиб тураман. Сен уни шунчаллик қўрқитасанки, жасур баходир, у мен билан жанг қилишга мажбур бўлади.

Хусайн: Темур ҳазиллашayтганини ўзи билмаяпти. Мен қилишимни чархлаб, афғон дўстларимни огоҳлантирганни кетяпман.

Хусайн хиргойи қилиб чиқиб кетади.

Доруға: Юринглар, қушинимизни текшириб курайлик. Амир Хусайнинг таклифини осонлик билан қабул қилиб, мени хайратга солдирмиш. Агар сўраганингизда сизларнинг урнини алмаштирган булардим. Сиз энг зур хукмдорсиз, ахир.

Темур: Ички туйғу мени сукут саклашга ундади, ушлага узим Хусайн яхши иш қилди, дедим.

Улар чиқиб кетишади.

5-сахна: Илёсхон – Буладжи

Самарқанд: ялангликда Илёсхон утови.

Узоқда – Самарқанднинг Катта дарвозаси, ёпиқ.

Илёсхон узоқ юриб, бирор-бир фойда бўлишини сабрсизлик билан кутмоқда.

Олисдан отларнинг дутури эшитилади. Утов ортидаги манжарада алов шуъла акс этиб турибди. Ногоралар янграйди. Карнайнинг узун товучи қулоққа чалинади. Хон Нўён Буладжини чорляпти.

Илёс: Буладжи!

Буладжи бир оздан сўнг бир қўлида қилич, иккинчисида машъала билан кириб келади ва машъалани оёқлари остида учиради.

Илёс: Чорловимизни эшитдингми?

Буладжи: Бир қошиқ қонимдан кечинг, эй Хон. Замбарак уқларига ёнилни тулдираётган эдим.

Илёс: Мен қушини оёққа турғизмоқчиман. Қўй, уша ёнилгингни, етар. Катта дарвозани қалъабузар ускуна ёрдамида қулатамиз. Монка қани? У менга керак. Топиб келинглар.

Буладжи: У Кичик турк дарвозаси томон боришга хозирлик қўялти. Боя менга янги хитой ускунаси ёрдамида йўл очиб, жангчиларни хайратлангирмоқчи эканини айтди. Уйлайманки, шу йўл билан шаҳар марказига биздан олдин боради. Қурултой аъзоларига итбаткордай қўришиб, бирор-бир ютукка эришмоқчи, чоғимда. Қул учун бу анча яхши мулжал, сен боргунингча у хоннинг яқин одами бўлиб олиши мумкин.

Илёс: Самарқандни қайтариб оламан, на Хусайн, на Темур унга эриша олмайди. Чигатойхоннинг вориси менман ва Самарқанд меники бўлади. Хонлик шукратига мен биринчи сазовор бўлишом керак. Монка эса, менинг қулим бўлади. У мени ортда қолдириб кетишига йўл қўя олмайман. Мен айнан Кичик турк дарвозаси томон бораман, у эса, Катта дарвоза мудрофасита сафарбар этилади.

Илёс Буладжининг ёқасидан олади.

Монкани доғда қолдириш учун менинг шамолдан ҳам тез чопадиган эгг учқур тулпоримни тайёрласинлар. Айтиб қўй, бу менинг фармоним, Катта дарвоза олдида бизнинг қушинимизга келиб қушилсин. Улар дарвозани ишғол қилиб, ичкарида жойлашади. У ердан қўшилларга зарба бериб, Регистонга қадар боради. Мен эса, зудлик билан Кичик турк дарвозасидан ўтиб, вазиятни ўз қулимга оламан. Самарқанд ҳаётини қайтадан изга қўяман. Темурнинг бошини эса.

халойик кўз олдига танасидан жудо этаман. Шомон-фолбининг унинг тақдири менинг қўлида эканини башорат қилипти. Қотганларнинг боши унинг ортидан эргашади. Токи, самарқандликлар Чингизхон қариқдошига нисбатан арзишмас бир хурматсизлик ҳам бу жазога мустаҳик ҳақорат эканини англаб етсин.

Илсхон қўшинини жангга ҳозирлашга киришади.

Нурен Буладжи, Катта дарвоза олдига бориб, Монка қўшинига қўшил. Баланд овозда жар солгинки, токи мен ва сен ўша ерда бордек туюлайлик. Ҳеч ким менинг Кичик турк давозасидан кириб боришимни сезмастлиги керак.

Буладжи йул-йулакай қиличини қўлига олганча чодирдак чиқади.

Боғишамолга борганида, отбоқарлар бошлиғига мени қўриқлаб борувчилар учун юзта от беришини айтасан.

Буладжи кетади. Илсхон муғулча дубулгасини кийиб, ортида турган уч от ёлни найзасини қўлига олади.

Тақдиринда кимки менига бўйсунмаса улимга маҳкум дейилганми-кан узи?.. Шомон-фолбининини узгартиришга тўғри келади, чоғинда.

II БОБ

1-сахна: Доруға - Зобит - Қўриқчи - Хусайн

Самарқанд: Тахт жойлашган кошона. Доруға ва унинг ортидан соқчи киради.

Доруға: Соқчи, муқаддас матони олиб ташла. Энди у шарт эмас, чунки энди шох бор.

Соқчи тахтни ураб турган шойи матони олиб ташлади. Мадҳия мусиқаси тахқаридаги овозларга қўшилди кетади. Темур хиргойи қилиб кириб келади. Доруға унга тахтга чиқишида ёрдам бериш учун қутиб тугурибди. Зобит донага бир урам мато олиб киради. Матода ёзувлар бор.

Доруға: Темурбек, пойингизга ҳоқимлик нишонинини қўяман. Бизга карашли денгизорти шахарлар ва қўллар ҳоқимлари Қурултойда жам бўлиб, Сизни шох деб эълон қилишди. Улар сизнинг хузурингизга муҳтарам бўлган бир зобитни Қурултой хулосасини ўқиб бериш учун юборишибди.

Унинг ишораси билан зобит қўлидаги урамни очади.

Зобит: Биз ким шахарлар, бозорлар, карвонлар, уламо ва сўфийлар, амирлар ва қўшинлар ҳоқимлари, доруға ва ҳақимлар бизнинг қўшинимиз бошлиғи, мамлакат шохни деб барлос уруғилан бўлган Амир Темурни тайинладик. Бугундан эътиборан у шохдир.

Тахқарида алаба қўшини янграйди. Амир Темур тахт олдига турибди.

Зобит: Амир Темур, сиз Кичик турк дарвозаси ёнида жанг қилиб, Илёсхонни маҳв этдингиз. Бу хабар тарқалганда барча мўғул қўшини дашта қочиб кетди. Сизнинг жасоратингиз билан Самарқанд озод бўлди. Биз сиздан мизнатдормиз. Бир томчи конимиз қолгунга қадар Сиз билан бирга туриб жанг қиламиз. Ҳокимиятни қай ном билан бошқармоқчисиз?

Темур: Ҳозиргина мени шох деб эълон қилдиларингиз, лекин мен ҳеч нарсага қодир бўлмаган заиф шохлар насли қўллаётган номларни тан олмайман. Тарихда мени шох, султон, хон ёки малик номи билан эслашларини истамайман. Чигатойликлар ва форслар Бек ёки Амир деб аташларидан қатъи назар, мен сизларнинг бошлигингиз Темурман. Мен шохона тож ва унвонлардан ҳолиман. Мен Кичик турк дарвозасини ишғол қилиб, Илёсхонга дуч келганимда отамнинг орзуси ушалаётгани қанчалик ҳақиқат эканини хис қилдим. Мўғул найзаси оёқларини остида ётганида, ўзининг хонни улдирмоқчи бўлиб келган кишиларнинг Амирига айланганимни тушундим. Мени жанговар ҳаяжон қуршаб олди. Ғанимлар ҳар томонга тумтарақай қоча бошладилар.

Амир Темур ўрнидан туради.

Самарқанд шаҳри ҳаётим изга тушиши учун асос солишим керак бўлган салтанатнинг маркази бўлишига қарор қилдим. Асрлар оша кучманчилар ҳужумидан харобага айланган, Чингизхон вайрон қилган бу қадимий шаҳарни Осиёнинг қудратли ва улкан пойтахтларидан бирига айлантираман. Мен сизларга молу дунёнигиз, насл-насабингиз, динингиз, қобилият ва жасоратингизни эътиборга олмай, қилган ҳаракатингизга яраша қарор қабул қилишга ва адолат билан иш юри-тишга ваъда бераман. Сиз Аллоҳ ва унинг пайғамбари буюрганидек ибодат қилинг. Мен бошқа дин ибодатларини ҳам ўз ҳимоямга оламан. Чўгдек ёниб турган юрагим Самарқанд маркази бўлмиш ягона давлатим сарҳадида яшовчи барча халқларни бирлаштиришга ундамоқда. Менинг шамолдек учқур отларимни минган аскарларим кириб келганда, сизлар деворлар ортига бекинганча тош ва қўрғошин уқлар ота бошлаган эдингиз. Кучманчилар ва ўтrock халқларнинг менинг қўл остида ягона халқ сифатида бирлашишига фурсат етди. Самарқанд дарвозалари дунёга очиқ бўлғай ва биз уни яхши қуриқланадиган бе-хавф ва беҳавотир бир масканга айлантиргаймиз.

Доруға: Ҳа, албатта, шохим.

Темур: Амир Темур.

Доруға: Ҳа, Амир Темур... Сизнинг номингиз остида чиқадиган фармонлар қандай муҳр билан тасдиқланишини истайсиз. Шу номларни наққошларимизга буюринг.

Темур: Менинг фармонларимни «Куч - адолатдадир» деган широри ва аждодларимга зафар олиб келган учта доира туширилган муҳр билан муҳрланг. Мен адолат ўрнатаман ва айбдорни мартабасидан қатъи назар адолат билан жазолайман. Менга буйсунсангиз, сизни ҳеч ким ҳўрламайди. Мен доим сиз билан ҳамнафас бўламан. Жанговар ҳокисорлик билан аскарларим орасида бирга юраман ва бирга овқатланаман. Менга ишонсангиз, ҳеч қачон жангда мағлۇб бўлмайсиз. Бирдамлик сизни тарқ этмайди. Худо менга ёр, чунки отам Амир Тарағай мени еркин, осмонгача бўлган йигирма беш эналди жойдан чиқиб кетмаётганимни ва ҳар бир зина устига оловдан «ғалаба» деб

ёзилганини тушида кўрган. Мен бу зиналарнинг биринчисига энди-гина оёқ кўйдим.

Доруға: Амир Темур, биз сизга ишонамиз. Илёсхон ўлими олтидан Самарқанд аҳолисига етказган зулмидан каттик надомат чекаётганини айтдимиз?

Темур: Мўгул йўлбошчиси ҳеч қачон бундай демаяди. Аммо, у менга бошқа бир қанча гапларни айтди. Доруға, сени тиббиёт илмидан хабардор деишшади. Аввал менинг оёғимни давола. Оёғимга кирган ўқ захарланган бўлса керак.

Доруға тахт поёлига чиқиб, тиззалаб утиради ва Соҳибқирон чолборининг почасини ёиртади. Доим ёнида олиб юрадиган кичик ҳамёнидан илмиш идиш чиқариб, Темурнинг ярасини куздан кечира бошлайди. Шу пайт Амир Темур энгашиб, унинг қўлигига шибирлайди.

Доруға: Йўқ, Катта дарвозани куриқлайдиган дарвозабоннинг гапига караганда, мўгул хони Кичик турк дарвозаси томон жангга кетганида, афгонлар ва Амир Хусайнга қаршилик қилиш учун унинг ўрнига Нўён Бока тайинланган эмас.

Темур: Қўрдонгани, Доруға, замон чарқалаги чалқашиб кетмаслиги учун Худойиди тақдир китобини битишани бир кўзли фариштага буюрган. Менинг тақдир ёзимин билан Амир Хусайн тақдирини алмаштириб қўйиши, Илёсхон вафот этгач, ўрнига менинг шох бўлишим ёзилгани бунга катта далил.

Забит: Бу билан айти шу воқеа сабабли тақдир китобидаги биткилар алмашиб кетган демоқчимисиз, олампахош?

Темур: Буларнинг бари ҳаёт-мамот манзараларидан бошқа нарса эмас. Доруға, бош устимада осийлик турган мана бу матоҳни олиб ташла, ўрнига менинг байроғимни илиб кўй. Мен Чингизхон наслидан эмасман. Мўгул ҳам эмасман. Мен ўз кўксим билан бутун Осиёни маъв этанам ва келажақда менинг авлодим ана шу улкан салтанатни бошқаради.

Доруға Чингизхон байроғини туширади ва ташқарига улоқтиради. Унинг ўрнига учта қизил доира расми туширилган оқ байроқни илиб, қолганлар олдига бериб туради.

Энди Хусайнни олиб келсинлар.

Зобит чиқиб, тахт олдида кўрқа-писа яқинлашаётган Хусайнни итариб олиб келади.

Амир Хусайн, мен ҳаммасини биламан. Ҳамтовонинг Илёс ўлиmidан олдин агар мен маълуб бўлсам, Самарқандни унга сотиб юборишга ваъда берганини айтди. Сувориларим дарвоза ёнида ҳибсга олган Нўён Монка менга қарши маҳфий иш кўраётганини хақида айтиб берди. Бунга нима дейсан?

Хусайн: Мен Самарқандга шох бўлмоқчи эдим, лекин сен йўлимга тов бўлдинг.

Темур: Сен Самарқанд хони Афрасиёб, Искандар, Чингизхон ва Чингатайнинг вориси бўлмоқчимидинг? Давъонинг зур-ку?

Амир Темур мейморчиликни ва декоратив санъатни яхши ҳис этар ва тушунар эди. Унинг ҳукмронлиги даврида Самарқанд ва Кенда бунёд этилган масжид, сарой, мадраса, хонақоҳлар фарс ёки хитой монументларининг ҳушомадгубайлик билан қилинган нухласи эмас. Улар ўзига хос ва хилма-хил хусусият касб этади. Бу – буюк Амир ўз пойтахтини безатишни ишониб тошириши асносида бирлаштирган, маданияни ва техникаси турлича бўлган усталарнинг ижод маҳсулидир.

Амир Темур бошқаларни ҳам қулдирадиган даражада хахолаб қулади.

Сен менга ўз ҳамкорларини сотган, қолаверса, шахрингни муғуллар исканжасига ташламоқчи бўлган хонсан. Сен адолатли ҳукмга лойиқсан.

Хусайн: Раҳм қил, сен тахт эгасисан, аммо ишк бор шаҳарни эгаллашингда сенга ёрдам берганимни унутма.

Темур: Бу гапларинг қазилдан бошқа нарса эмас. Энди барчаси учун жавоб берасан.

Хусайн: Мен фақат бир лахзага менга қулоқ солишингни сўрайман. Сенга катта сирни очаман.

Темур: Гапир.

Хусайн: Бу иккимизнинг ораимиздаги гап, бошқалар эшитмаслиги керак.

Хамма чиқиб кетади. Хусайн эгилиб, Амир Темурга яқинлашади.

Хусайн: Темур, шохим, агар кетишимга ижозат берсанг, сенга бебаҳо совға бераман. Соли Сарой қасридаги боғни эслайсанми?

Темур: Майли, бу гапинг билан нима демоқчисан?

Хусайн: Гира-ширада у ерда бир соҳибжамол сайр қиларди. Унинг оху кўзларига бефарқ бўлмагансан, деб уйлайман.

Темур: Тармаширинхон саройининг бахти, кенжа қизи, исми жисмига монанд Сароймулкхоним. Бу қизга эришиш йўлида хоннинг тилагини бажариб, Балх халқи куз ёши ва қонини тукканинг ҳақида гапирган эдинг. Энди қандай қилиб уни менга раво кўраяпсан. У сенга муғул қасрини олиб берган хотининг-ку? Сен Қурагонийлар авлодидан эмассан. Қасринг бахти бўлган аёлни менинг ҳузурида тилга олишингни хохламайман.

Хусайн: Раҳм қил, у Темур саройининг бахтига айланади.

Темур: Аҳмоқона иш билан жазодан қутулиб қоламан, деб уйлама.

Хусайн: Сароймулк ишқида кечаю кундуз девона бўлган сенсан. Мени қўриб юборсанг, у сеники бўлади. Қози ва икки гувоҳни чақир. Улар ва Қуръон олдида уни уч талок қиламан.

Темур: Шу ишни қиласанми, Хусайн? Биламан, шариятимиз бунга рухсат беради. Лекин озод бўлгани билан Сароймулкхоним талок қилинган шарманда аёл бўлиб қолади.

Хусайн: Асосийси, озод бўлади, Темур. Бир йил ўтар-ўтмас, у сенга турмушга чиқиши мумкин. Бунинг бадалини тулашга мажбурлигини биламан. Мен унга жуда қимматбаҳо бўлган махфий жойда жойлашган Балх хазинасини бераман. Мени озод қилиб, хотинга ҳам, олтига ҳам эга бўласан. Кел энди, бошдан кечирганларингда сенга ҳаммиса ҳамроҳ бўлган дустинг Хусайнга шафқат қил. Болалигимиздаги дустлигимиз ҳақки, кетишимга ижозат бер.

Темур: Йўқ. Мен тирик одамнинг хотинига уйланмайман. Аввалги хотиралар ҳурмати, сени оситларини бутормайман. Ўз жонингни сақлаб қолиш йўлида никоҳингдаги хотинингни менга тортиқ қилганинг учун гуноқларингни ювишинг керак. Ҳозирок Маккага, ҳажга йўл олсан. Эгинингга эҳром, оёқларингга шилпак кий. Мешда сув олиб, йўлга туш. Фикримдан қайтиб қолмасимдан кўзимдан йўқол. Маслаҳатчилар!

Хусайн эшикка қараб югуради, лекин зобит ва Дорувани қўриб тўхтайди.

Киринглар. Бир фикрга келишим. Амир Хусайнга фавкат хал анжомлари билан Маккага боришига рухсат берамиз. У Самарқандга бой булиб, гурур билан келган эди. Аммо, барча бойлиги-ю, гурурини Самарқандга ташлаб, бу ердан факирлик ва ҳақирлик билан кетади.

Хусайн: Олампаҳо, сенинг шарофатинг билан ҳаётим омон қолди. Мен Маккага йўл оламан ва сенинг ҳақинга дуолар қиламан.

Темур: Ҳар доим ҳам бундай шафоатли бўла олмайдим, чунки сендек имонсизлардан ҳазар қиламан. Қўзимдан йўқол.

Хусайн шошиб чиқиб кетади. Абдиллар унга йўл беради. Амир Темур эшик талонга қарайди ва қўллари билан қўларини ёлиб, «Сароймулк» деб шибирлайди.

Темур туради ва оқсоқланганча эшикка яқинлашади.

Доруға: Қулоқларим тўғри эшитган бўлса, Амир Темур тирик одамнинг хотинига уйланимайман, деди. Тирик деб нимани назрда тутганини тушундингизми?

Зобит: Амир Темур унга кетишинг мумкин, деди. Лекин у Макка йўлларида ҳожилар дуч келадиган даҳшатли хавфлар ҳақида оғиз очмади. Темур жангда икки марта ҳаётимни сақлаб қолган. Шунинг учун мен унга ёрдам бераман ва унинг бахтли бўлишини хоҳлайман. У бутун умр қаср қувончига кўнгли ҳўйиб яшайди, деб уйлайман.

Доруға: Худо уни ўз паноҳида асрастин, хали ҳам Хусайннинг беъаси Сароймулкка уйланиб, қалбига меҳр ва осудалик бағишлаши мумкин. Тўғрими?

Соқчи: Хусайнхон ўлимга маҳкум. Мен ҳам шу фикрдаман.

Зобит: Хусайн йўл тадоригини кўриш учун хали ҳам обхонада бўлса керак.

Зобит қиличини кутариб чиқиб кетади. Узоқ сўқунатдан сўнг уч киши эшикка яқинлашади ва кутиб туради.

III БОБ

1-сахна: Сароймулкхоним – Амир Темур

Самарқанд: Форс боғи

Сароймулкхоним – эшикчида, ҳаёл суриб сайр қилиб юрибди. Амир Темур жанговар кийимда киради. Унга қўзи тушиши билан Сараймулкхоним кучовига ўзини олади.

Сароймулкхоним: Ох Амирим, Амирим.

Темур: Талоқ хатини опганингга уч ой бўлди. Сенинг гузал жанопиңга егишиш вақти келди.

Темур тушиб кетаётган эшикчини алади ва Сароймулкхонимни бағрига босади.

Сароймулкхоним: Мени хали ҳам севастизм?

Темур: Қалбим қувончи. Рақибимнинг рафикаси бўлганингга жасасам, ҳалиям ғазабим қайнайди. Аммо, барибир, қачон қўзларимни юмсам, доимо диққатимни тортиниш учун сарой боғининг девори орти-

дан ҳар кеча битта атиргул ташлайдиган. Ёш, гузал ва бохира қизнинг жамоли қайта-қайта кўз олдиданг келаверади.

Сароймулкхоним: Ёдимда, мен билан учрашиш учун боғ деворидан ошиб ўтар эдингиз. Гира-ширача қуш сайрашига ўхшаш оҳанг билан мени чорлардингиз.

Темур: Ҳа, сени бағримда қучиб, илк марта буса олгандим ўшанда.

Сароймулкхоним: Агар хотирам панд бермаса, бу ҳол бир неча марта такрорланган.

Амир Темур бир неча қадам олға юради.

Темур: Гармаширин Ҳусайнга сени турмушга бериш қарори ҳақида менга маълум қилган ва қасрга киришимни тақиқлаган ўша машғум кунни лаънатлайман. Шундан сўнг кетишга мажбур бўлдим. Шухратлараст шахзодалар қўшинида жанг қилаётганимда ҳам бой берган муҳаббатимни унута олмадим. Душманамга тегилли эканинг жанг қилишга бўлган иштиёқимни янада оширар эди.

Амир Темур оқсоқланганича бир неча қадам ташлайди ва қайтиб келиб Сароймулкхонимга яқинлашади.

Самарқандга қайтгач, қора ният мени Ҳусайнга қўшилишга ундади. Муғуллардан шаҳарни озод қилиш фикрим эса, сenga яқинлашимизга туртки бўлганини энди тушуниб етдиман. Лекин мен энди илк бор учратган ошигинг эмасман. Аввалги, ҳатто отининг оддий ўйинларидан ҳам завқланадиган, ёш ва содда одамдан энди асар ҳам қолмаган, назаримда. Мен Самарқандни озод қилиш ва тахтга эриштиш мақсадида ҳамма нарсага тайёр, уруғимиздан чиққан бир неча жангарилардан иборат гуруҳнинг бошлиғи ва ҳар қандай одамни жангга чорлайдиган даъваткор инсонга айландим. Отам Тараған баҳодир менга софлик, заковат ва дўстларнинг қайғусини ҳис қилишни ўргатган бўлса, ҳўрланган севгим ва муғуллар босқини менга жанг қилишни ва ишончсизликни ўргатди. Илбсхон кўз унгимда жон берганида Худонинг иродаси билан мени ёркин келажак кутаётганини тушуниб етдим. У менга йўқотган севгимга олиб борадиган йўлни очди.

Сароймулкхоним: Биладан, Амирим, бобомга кулоқ солдим ва Ҳусайнга турмушга чиқиб севгингизни оёкости қилдим. Айбдорман. Аммо, Худони ўртага қўйиб касам ичаманки, қалбимдаги ягона муҳаббатим Сиз бўлиб қолгансиз.

Сароймулкхоним Амир Темурнинг елкасига бошини қўйиб йиғлайди.

Темур: Йиғлама, севгилим. Энди ҳаммаша бирга буламиз.

Сароймулкхоним йиғидан тўхтади.

Сароймулкхоним: Бугунги кун, азизим, бахтиёр кунимиздир. Эртага, индинга ҳар доним биргамиз. Тўйимиз келаси ойда булади. Катта зиёфат берамиз.

Темур: Қайтганимдан кейин, албатта. Эртага сафарга чикаман.

Сароймулкхоним: Оёғингиз ҳали тузалмаган, кўп юрмайсиз, шундайми? Шикоргами ёки улоқ, кўпқари уйинигами борсангиз керак-да.

Амир Темур бир оз ортга тисарилади.

Темур: Форс кўрфазини босиб олиш учун кетаялман.

Спроймулкхоним жим бўлиб қолади, сўнг Саҳибқирон алдида тиз чўқади.

2-сахна: Обиддин – Соқчи – Муҳаммад

Шероз. Қироллик сароид

Хароб билан довлатимизе шикастланган тахти манзараси кузга ташланади. Найзбанддор қоробула мудраб утирибди. Қари шоҳ Обиддин хиради ва тахтга чиқмоқчи бўлади. Лекин чўккалаб қолади. Искандар ва Доро¹ каби шохлар тасвири солинган девор алдига бориб наолишга тушади.

Обиддин: Самарқанднинг янги шоҳи таврифи арафасида мен уни қабул қилиш учун ҳатто тахтимга ҳам чиқиб ўтира олмаيمان. Аждодларимдан мерос бу тахтни таъмирлашга бир эмас, икки марта фармон бердим, ammo халигача ҳеч иш қилтинмаган-а.

Обиддин чанг босган девордаги гулқоволи мунтлайди.

Обиддин: Бу эски деворсуратли газламанни алмаштириш кераклигини қачонлар айтган эдим-ку. Асабийлашаялман. Соқчи!

Соқчи уйвониб келиб, шоҳ томон юради.

Соқчи: Шаҳаншоҳ, мени чақирдингизми?

Обиддин: Хузуримга зудлик билан сарой дурадгорини топиб кел. Уғилларимни Қабул маросимида ёндода туришлари тўғрисида огоҳлантир.

Соқчи чиқиб кетади. Бир ордан сўнг иш қуроллари солинган ҳатто кўтарган Муҳаммад исми дурадгор билан кириб келади.

Муҳаммад: Амрингизга мунтазирман, олампамоҳ.

Обиддин: Муҳаммад, иш ёҳмас! Ялков! Нета тахтни фармон берган захотим таъмирламадинг?

Муҳаммад: Таъмирламоқчи бўлганимда шахзода Хожа янги хотинлари ётоғининг уймакор наҳшларини ҳайта буяшни буюрдилар. Мен рад эта олмадим, шахзоданинг қаҳри қаттиқ.

Обиддин: Хотинининг ётоғи! Хароб ётоқ шохнинг тахтидан устунми? Муҳаммад, тезда тахтни таъмирла, ахс ҳолда, Бовлонг кетади. Муҳаммад: Бош устига.

Муҳаммад иш қуролларини олиб тахтни таъмирлашга киришади. Обиддин унинг ишлашини кузатиб турар экан, милаятидир сўтиради. Муҳаммад бошини қимирлатиб, майинлик билан ўз фикрини айтади.

Обиддин: Ҳеч нарса форс подшолигидан афзал эмас. Мен қариб қолдим, уғилларим мени ёмон кўради, чунки мен узок яшадим. Уларнинг бир-бирларини ҳам хўргани кузи йуқ. Ҳаммаси мерос улмоқидла. Мулозимларим мендан ўтирпаган нарсаларини бозорда сотиш бил-

¹ Доро - Алқонийлар сулоласи вақитга келибдан аввалчи 523-486 йилларда форсир шохиди.

дан оввора. Амирларим ва саркардаларим аскарларга харбий машқ ургатиш ўрнига ўз уйи-ўлаи тўшагида ялло қилиб ётибди. Улар қуча-қўйга фақат суюқоқларни излабгина чиқади.

Соқчи югурганча қайтиб киради.

Соқчи: У шу ерда! У шу ерда!

Обиддин: Ким шу ерда?

Соқчи: Самарқанд шоҳи. Муғулларни ер тишлатган саркарда. У мени бир туртиб четга суриб юборди ва хозир туғри шу ерга келмоқда. **Обиддин:** Худойим хар нарсага қодир. Бир узими ё қушпини биланми? Мега ичдамайсан?

Соқчи: Самарқанд шоҳи, ёлғиз, оксокланиб келаяпти.

3-саҳна: Темуր - Обиддин - Зоир - Мансур - Бока - Соқчи

Шероқ: ўша синиқ тахтли сарой

Қадам тобуши тобора яқинлашади. Амир Темуր дубулгада, қуроллангандек ҳам. Бу вақтда Муҳаммад қўздан ғойиб бўлади. Обиддин та-раддуланиб қолади.

Темуր: Сен Форс шоҳи Обиддинмисан?

Обиддин: Ҳа, Сен эса, Самарқанд подшоҳи Соҳибқирон, иймон чироғи, Алҳнинг қилчи Темуրбексан.

Темуր: Мени мактамай қўяқол. Сени зиёрат қилишга ваъда берганим учун келдим. Аммо менинг чопаримга қилган муомалангдан хурсанд эмасман.

Обиддин: Биздан хатолик ўтди, эй буюк Амир. Соқчилар уни туркларнинг ўғриси деб ўйлабди. Мен уларни қаттиқ жазога мустаҳик эттум.

Темуր: Бу аниқ. Сен шахрингга ҳужум қилаётган қўчманчи қабилалардан ҳимоя қилишимни истаяпсан. Сиз, форслар, менинг ҳимоям остида бўлишни хоҳлайсиз, лекин яна мендан хавфсирайсиз ҳам. Менинг қайтиб кетишимни хоҳлайсанми?

Обиддин: Йўқ. Мени тушунгин, биз қўшгина халқларни ўз қаронларимизга бўясунишга мажбур қилганмиз. Фақат Румни босиб олиб буюк Исқандар олдидагина тўхтаганмиз, чунки ушанда қўшинларимиз заифлашиб қолган. Биз муғуллардан қўркамиз, аммо сендан ҳам хавфсираймиз. Сен бизнинг жангдаги раҳнамомизсан.

Темуր: Мен сизларнинг тарихингизни яхши биламан. Сиз яна ўша халқларни енгиб, шаҳарларини вайрон ҳам қилгансиз. Қўчманчиларга таъна қилишга ҳақкингиз йўқ. Асрлар ўтди. Сизларнинг қўлга киритган қудратингиз харбий юришларингизда эмас, балки шоирларингиз ғазалларида, файласуфларингиз маърифати, расомларингиз расмлари ва ёдгорликларингиздадир. Мен фақат ана шу зиё аҳлинингизнинг одаминлиги учунгина бу ердан.

Обиддин: Подшоҳлик мулкиму давлатим жасур ҳимоячиға муҳтож. Ҳазинамда сенинг хизматларингиз эвазига тўлашга етадиган олтинларим бор. Шуларни қабул қиласанми?

Темури: Мени ҳамма жойда Самарқанднинг янги подшоҳи деб аташяпти. Сизлар мен ҳақимда нималарни биласиз? Қўллар мени қароқчи, баъзилар эса қаронларни туновчи, дейишади. Яна бироялар эса, узини хон этиб сайлашлари учун одамларга қўзбўямачилик

Сизларнинг қўлга киритган қудратингиз харбий юришларингизда эмас, балки шоирларингиз ғазалларида, файласуфларингиз маърифати, расомларингиз расмлари ва ёдгорликларингиздадир. Мен фақат ана шу зиё аҳлинингизнинг одаминлиги учунгина бу ердан.

килади, дейди. Бошқа қимлардир эса мени Амир Хусайнни унинг хотинига эришиш учун ўлдирган, дейди.

Обиддин: Мен бу гапларга шохлигим номи билан раддия бичдираман.

Темур: Балки сен адашаётгандирсан? Форсларга ҳеч қачон мағлуб бўлмастми учун қасос олиш ниётида келган Турон ва Афросиёб шохни бўлишим ҳам мумкин-ку. Йўқ, бу менман, яқинда мени яқшилаб билиб olasиз. Саволинга жавоб бераман. Ҳокимларинга айт, зудлик билан шаҳар дарвозаларини очиб, одамларимнинг кириб-чиқишлари ва жойлашишлари учун имкон яратиб берсин. Форслар химоятчиси Обиддин бу шохликдаги барча жойларда ҳозир у нозир бўлиши шарт.

Обиддин: Сен бошқа подшоҳларга ўхшамайсан. Мулозимларим икки дарё оралиғидаги юртдан келган шох ҳеч қачон мағлуб бўлмастми ҳақида мени огоҳлантиришган. Шундай экан, Сени ҳалоскоримиз деб эълон қиламан ва муборак бошинга Доро шохини бабахо тожини қийдираман.

Амир Темур бошидаги дубулвани есади ва Обиддин унинг бошига олтин тож қийдиради. Амир Темур тахт томонга юради ва орқа томондан ўтаётиб секин уни уриб қуяди. Тахт бу зарб таъсирида жойидан силжиydi. У чиқмоқчи бўлиб юрётганида, соқчининг сузидан кейин тўхтаydi.

Соқчи: Улуғ шахзодалар Хожа ва Мансур.

Хожа ва Мансур кириди. Амир Темур магарур боқиб туради.

Обиддин: Келинлар, ўғилларим. Мана бу зот Самарқанд шохни бизнинг ҳалоскоримиз улуғ Амир Темур.

Хожа ва Мансур: Ҳалоскоримиз?!

Обиддин: Ҳа, мен унга ҳаётимиз ва шаҳарларимиз мудофаатини ишониб топширдим.

Мансур: Ота! Оббо! Сиз бизни никоҳсиз туғилган бир чизатон-вачча оёқлари остига ташламоқчимисиз?..

Мансур юзуриб чиқиб кетади. Хожа отасининг ёнига бориб, қўлини унинг елкасига қуяди.

Хожа: Ота, тўғри иш қилдингиз. Сизнинг муғуллар билан ҳамкорлик қилишингиз Мансур ва унинг тудасига ёқмади. Акам сизга содиқлигим учун мени кўпдан бери хушламаydi. Ҳаммаси ортда қолди, энди мен улғайдим. Мансур тахт амалдорлари ва барча аъёнлар сизнинг ҳокимиятингизга қарши бўлишини истаydi. Уни зиндондан қилмасангиз, мени албатта ўлдирарди.

Обиддин: Ўғилларим, мени кечиринлар. Мен бетобман.

Обиддин қўли билан тирагини ушлаб, бир бурчакка йиқилади. Хожа бориб уни кўтиради.

Хожа: Отам жон берди. Акамга минг лаънат. Амир Темур сен Мансур ва унинг шотирларини ўлдирish учун қўшин юбор, мен сента муғлар яширган Артаксеркс¹ бойлиқларини қада қиламан.

¹ Артаксеркс I (тақ. ав. 465-424) - Форслар шох. Ашмоқчилар султони билан бу унинг ўғли.

Темур: Сендан бирор нарса керак эмас менга. Обиддин бу дунёда йўқ энди. Мен эса, сенга ишонмайман. Уз қўшининг олдига жўна. Мен узим отангни дафн қиламан. Бу ердан тезроқ жўнаб қол, бинобарин, лашкариям Самарқанд подшолигига Форс шоҳлигини қўшиб олишга шай ҳолда турибди.

Хожа: Менинг ҳам халқ орасида ўз тарафдорларим бор, кўрасан хали.

Хожа югуриб чиқиб кетади. Соқчи Амир Темурга қариб юрганида Темур қиличини яланғочлайди. Бунни кўрган соқчи қочиб қолади. Ташқарида боғлар овозда қўшиннинг даъватлари ва ногора садоси эшитилади. Амир Темур бошчилигида Обиддинни тобутда кўтариб чиқишади. Нўён Бока жангобар ҳолатда кириб, Темур билан саломлашади.

Бока: Ассалому алайкум, Амир ҳазратлари. Биз йўлда кўп қийинчиликлар кўрдик. Шунга карамай, шаҳарга ниҳоят кириб олдик. Бозорда жуда катта ташвиҳот ишлари кетаяпти.

Бока тахтни кўриб ажабланади ва тобутда усти очиқ ҳолатда ётган Обиддинга қарайди.

Темур: Ва алайкум ассалом. Бу ерда нималар бўлаяпти деб ўйлаётгандирсан. Сен кўриб турган тобутда марҳум Форс шоҳининг жасади ётибди. Бу эса, энди бошқарувсиз қолган сулоланинг тахти. Қўшининг маълум қил, Самарқанд шоҳи эндиликда Форснинг ҳам подшоҳлигини ўз тасарруфига олди.

Шоҳқин ва қичқирчиқлар зўрайди.

Қара-чи, нима бўлаяпти у ерда. Мен сени кутиб тураман.

Бока чиқиб кетади.

Яратган эгам, ўзинг қодирсан. Устозим Саййид Барака ҳазратлари ўлим фариштасининг курили қўлимда эканини ва жанг-жаладасиз, қурбонларсиз менга бахт кулиб боқшини айтган эдилар-а.

Бока киради.

Темур: Нима гап экан, Бока?

Бока: Жанг бўлаяпти. Қон тўкилган. Дўқондор ва тожирлар ўғирлиги талончиликлардан жунбушга келмоқда. Шаҳзода Мансур ўз укасининг жонига қасд қилибди.

Темур: Қўшини ишга сол, жанжалкашларнинг попутчини пасайтириб қўйиш керак, дарҳол. Уруш бизнинг ишимиз, форсларга бунни уқтириб қўй. Мансурнинг қочишига йўл берманг, у хали менинг хизматимни қилади. Форсда ҳам тинчлик ўрнатамиз. Ва мен бу ердан ўтказилган Ипак йўли тармоғини очаман ҳадемай.

4-сана: Бока - Темур - Доруға - Нуриддин

Исфохон: Амир Темурнинг Исфохон яқинида тикланган қантла чодирни чодир ётди.

*Нүён Бока келиб, ёниқ чодир олдиди тиз чўқади ва баланд обода сузлаиди.
Ичкаридан хуфия суҳбат эшитилиб турибди.*

Бока: Амирим, мента кулок солишингизни ўтиниб сўрайман.

Доруға чодирни пишрлаганча очади.

Доруға: Секин, мен Амирнинг оёғини даволяпман.

Амир Темур чодир учини бирданга катта қилиб очади.

Темур: Бока, нима бўлди? Ким йиғлапти? Анави одамлар ким?

Бока: Улар - Исфохон забт этилганидан сунг ойма-ой туланадиган соликларни йиғишиш учун юборган зобитларингиз.

Темур: Қолганлари қани? Мен фақат йиғирматачасили кўриб турибман, холос.

Бока: Булар – тирик қолганлари, Амирим.

Темур: Бока, нямалар деятсан? Мен аҳолининг кўнглига йўл топадиган, форс тилида яхши сузлашадиган икки юз нафар сара зобитни танлаб юборган эдим-ку. Қолганлари қани?

Доруға: Беҳад хавотирдаман, Амирим, ўғлим ҳам улар билан бирга эди.

Доруға тиз чўқиб қолади.

Бока: Саҳарда улар Исфохонга кираптиди. Қалъапатилар уларни шаҳарга киртигганда улар тетик эдилар. Тушдан сунг шаҳардан олтин тангалар ва пуллардан иборат солвқ тушумини ташлиб чиқаряётган пайтда...

Бока ута даяжонанетидан бўелиб, гани узлиб қолади.

Доруға: Қачон? Кейин-чи? Тезроқ гапирасан, дўстим.

Бока: ...Ушанда оломон ичтида чигатой зобитлари мўмина аёлларни шохликда хизмат қилишлари учун зўрлаб олиб кетаяпти, деган гап тарқалди. Боз устига, шаҳзода Мансурнинг жосуслари подшоҳ Обиддинни Самарқанд шохи ўлдириши, Форснинг ҳақиқий шоҳи шаҳзода Мансур бўлиши керак, деб бақириб-чақиритишди. Шу тўс-тўполонда барча юборган одамларимиз ўлдирилди. Фақат ташқариди кутиб турган мана шу солиқчиларимизгина омон қолди. Кўриб турганингиздек, уларни хузурингизга бошлаб келдим.

Доруға: Омон қолганларнинг орасида менинг ўғлим кўринмайпти. Демак, улар ўғлимни ҳам ўлдиришган. Қасос оламан, ўғлимнинг хуинини талаб қиламан! Амирим, агар Сиз энди форсларнинг ҳам шоҳи экансиз, айбдорларни қилмишига яраша жазолашингизни ўтиниб сўрайман.

Темур: Тўхта! Бока, давом эт. Қалъа қай ҳолатда эди? Сулқ тузган хоким-чи? У ўзини қандай тутди?

Бока: Қалъа жангчилари эшикларни ёпиб, тепаликдан туриб қўшинимизга ҳужум қилди. Бошликларидан бири шаҳарни мўғуллар билан бўлишмаймиз, деб бақирди. Бу Алибек деган одам эди. Қўшинини Исфохон ёнига тўладим, ҳужум бургусини чалнига кўрсатмангизни кутягимиз.

Темур: Исфахон, кечагина мен сенга шафқат қилмоқчи эдим, бугун эса сенга нафратим чексиз, тўқилган қонларнинг хунини туламан энди. Қул остимдаги ушбу шаҳарга хужум қилишни буюрман. Шаҳарда уч кун ичида тартиб урнатилсин ва қўлида қурол бўлган бош кутарганларнинг барчаси дорга осилсин. Шаҳар ҳокими эса, халойиқнинг кўз олдида, катта майдонда дорга осилажак.

Доруға: Амирим, Сиздан ўғлим учун касос олгани қўшин сафига қўшилишига ижозат беришингизни сураймаман.

Амир Темур ҳа деган ишора қилади. Доруға қўлида қилч билан чиқиб кетади.

Бока: Ичингизда бор ғазабингизни тукиб солмайсизми, Амирим? Ёки булмаса, нафратингиз тиғи билан қуролланган аскарингиз булай, буюринг.

Темур: Маҳв этгайман. Қатлларимнинг қўлигидан асрлар оша дунёда номинга қора қаллашлари аниқ бўлса-да! Бугунги муджиш, аммо адолатли ишгани ҳамма унутса ҳам, Исфахон аҳли ҳеч қачон унутмайди. Бу менинг қасосим булади. Жазо шундай қаттиқ бўлсинки, бошқа шаҳарлар ахллари хайрату қўрқинчда қолсин. Токи янги шоҳга ўз шаҳарларини жангсиз топширсин.

Исфахон сўзимни икки қилимайдиган, юборган одамларимнинг талабларига буйин товлamayдиган, яъники итоатда намуна бўлсин. Агар менинг бугунги буйруғим ерда қолса, эртага бутун Осиё салтанатимга қарши бош кутаради. Бока, айт, хун ҳақини олиб, адолат урнатишни кимнинг зиммасига юклай? Барча Форс ерлари менга тегишли бўлишини истайман. Аммо, ўликлар билан тўла шаҳарларни бошқаришни ҳам хохламайман. Ягона, раванқ тошган яхлит салтанат барпо этишим учун барча шаҳарлар менга буйсуниши шарт. Бу йўлда Исфахонни қурбон қиламан.

Бока: Мен тайёрман.

Темур: Қўшинга фармон бер! Амир Нуриддинга айт, у бир томонда кутиб турсин!

Бока ташқарига чиқади ва Нуриддин билан қайтади. Кейин қуроланиши ҳақидаги гапларни эшитилади.

Темур: Нуриддин, сенга масъулиятли вазифани топшираётман. Сен жасур, довиорак, аммо таъсирчан одамсан. Бока ва бошқа шерюррак амирлар сенга мадад булади. Ўзинг билан йигирматача ишончли кишиларингдан олсан ва шаҳарга хужум қиладиган гуруҳни шакллантирасан. Сенга бериладиган рўйхатда номлари зикр этилган одамлар ҳафсилигини таъминлайсан. Кейин ана шу одамларни Самарқандга йўл оладиган қарвон бошлиғига топширасан. Уларга ўз уйларидагидек ғамхўрлик кўрсатилишини тайинлайсан.

Нуриддин: Буюх Амир, тушунмадим. Бу ерга қираётганимда, қерак бўлса, уларнинг ҳаммасини қатл этишни хохлаётганингизни Бока менга айтган эди.

Темур: Рўйхатдаги эзлик нафарга яқин киши иктидор ва ақлу доини соҳибларга, ноҳир касб-хунар эгалари - асосан санъаткорлар, қурувчилар, шоирлар ва файласуфлардан иборат. Улар ердаги Самарқандда илм-фан ва маданиятни ривожлантирамыз. Уларга маънавияти ва маърифати эвазига ҳаёт ва меҳмондўстлигимизни таъмин

Барча буюк саркардалар сингари Амир Темур ҳам ўз аскарларининг машаққат ва зафарларини баҳам кўрарди.

Улардан қанғий интизамни талаб қилар, лекин мажруҳлигига қарамай, уларга бош бўлиб жанг қилар эди. Ҳеч вақт ўз жангчиларини ёлғиз қолдирмасди. Улавозими, бойлиги, ирқи, динидан қанъи назар, барча учун адолат бир бўлишини ниҳоятда синчковлик билан кузатиб борар эди... Бундай ҳукм чиқариш одати, ўз даври энг яхши саркардасининг жасорати ва шўхрати сингори, унинг жангчилар уртасидаги эътибори ва таъсирининг тарқибий қисмларидан бири ҳисобланади.

этаман. Бу кишилар мусулмонни, яҳудийни, насронийни ёки буддавийни, бунинг фарқи ях.

Амир Темур Нуриддиннинг қулига рўйхат битилган барақни тўтқадади.

Нуриддин: Пекин, Амирим, ўз ҳукминининг қатъийлигини айтган эдингиз.

Темур: Бу дунёда ҳамма нарса қатъий. Аммо, Худо ўзи яратган шайтонни ўлдиришни хохламади-ку. Бу гап орамада копсин: мен насронийлар пайгамбари Исонинг «Кимки қилич ишлатса, қилич билан улади», деган гапини эшитганман. Нуриддин, сен кутқаришнинг керак бўлган одамлар қўлларида қилич эмас, балки қалам ва сиеҳдон тўтган кишилардир.

*Амир Темур кийнади ва қиличини белига тақади.
Хамма Нуриддин олиб келётган Форс дубулгасига қарайди.
Темур: Мен қушинини айланиб чиқишим керак.*

Амир Темур Нуриддиннинг қулидаги нарсасга қўз ташлайди.

Темур: Шоир Ҳофизни топиб, унга қўз-қулоқ бўлиб турасан. Сен уни мижозлари сийрак қовоқхоналардан излаб қур.

Амир Темур ва Нуриддин чиқиб кетади. Отлар дунури, узоро суҳбат овози ва қўшин ҳайқириси эшитилди.

IV БОБ

1-сахна: Бока - Нуриддин - Зобит - Доруға - Темур

Самарқанд: қурилиш кетаётган бог. Деворнинг бошланчи томонида гумбаз булиб, унинг юқори қисми ярмигача буялган. Бир неча сабат, челяк, белхурак ва киркалар ёйилиб ётибди. Ихки-уч хизматчи иш қуролларини бир-бирларига узатмоқда. Бока ва Доруға қўлларида белхурак тутиб, деворга қараб туршибди; Нуриддин чўтка билан деворга чизиқ чизаяпти.

Бока: Ҳа, ҳа (қулади).

Нуриддин: Бока, нега қуласан? Қимнинг устидан қуялсан?

Бока: Сен билан узимнинг-да. Олтин ўрда голиблари ва фий ургатувчилар султонини кўрганлар устидан эмас, ҳар ҳолда. Яна қимнинг устидан қулай, бўлмаса?

Доруға Нуриддинга яқинлашади.

Доруға: Дўстим, қулнинг сабабини билдим, сен чўткани қилич ушлагандек тутаркансан.

Нуриддин: Амир Темур чоп деб буюрса, чопман. Чиз деса, чизаман-да. Шу ҳам қулнинг эканми.

Доруға: Бока, етар энди. Бизнинг ишимиз устидан ҳам қулишни бас қил. Амиримиз шаҳримизни дунёнинг энг гузал пойтахтига айлантirmoқчи эканини яхши биласан. Турли юртлардан қурувчи ва меъморлар йиғиб келинаётганидан мақсад ҳам шу -

Самарканд шухратини оламга ёймок. Биз бу борада Амиримиз хизматига камарбастамиз.

Зобит киради.

Зобит: Ҳозиргина хайратли бир нарсани кўрдим. Бундан беш кун олдин Амир Темур менга дарё буйидаги «Боғи жаҳон» деб номлаган янги сарой қурилишида ишлаётган хитойлик расомга бир халта тилла суми олиб боришимни буюрганди. Ҳозир уша ёқдан келаётирман ва...

Бока унинг сўзини бўлади.

Бока: Уша жойда бир ажойиб қасрга кузим тушди, демокчисан-да. **Зобит:** Қаср дарвозаси пештоқига «Дилқушо», яъни «Қалб тасаллиси», деб ёзиб қўйилган экан.

Нуриддин: Ҳа, Амир Темур бу саройни кўнглига таскин берувчи Дилгунча хонимнинг шарафига қурдираяпти.

Доруға: Мен уша хонимни кўрдим. Ёшгина, жуда гузал ва мафтункор экан. Амир Темур Ҳиндистонга сафаридан олиб келган кишиларнинг маликаси эмиш.

Бока: Сароймулкхоним бу тасаллини чин қалбдан қабул қилганига шубҳам бор.

У гапирётган пайтда Амир Темур билдирмасдан кириб келади ва пана жойда уларнинг гапларини тинглаб туради.

Биз ўзи бугун киммиз, жангчими ё қурувчи? Сипохийларимга шуни ҳеч тушунтира олмаёпман. Ҳали жума масжиди қурилиши учун мармар булақларини ташиб келишимиз керак, кейин шаҳар марказида кенг чорраҳалар бунёд этиш учун хароба кулбаларни бузишимиз даркор. Қолаверса, бозор қуриш ва сув чиқариш ишлари ҳам бизга буюрилган.

Амир Темур ўша ердаги шох-шабба устига оҳиста ўтирмакчи бўлиб, камзулини ечади. Уни кўриб қолган барча аскарлар тиз чуқадилар. Амир Темур уларга назир ташлаб, бир гуруҳига ўтириш учун ижозат беради. Сўнг ўнг қўлини суя қўли устига қўяди ва сўз бошлайдди.

Темур: Хўш, жасур жангчиларим, биз жанг майдонида ҳам, тинч қурилиш жаҳасида ҳам бирдек ҳаммаслак биродарлармиз, шундай эмасми? Мен хоҳлардимки, улкан зафарларимиздан сўнг яхшилаб хордик чиқаришни ҳам йўлга қўйсак. Бока, ҳарбий юришларимиз ва галабаларимиз ўз йўлига. Лекин биз кураётган қадамжо ва зиёраттоҳлар, сарой ва қасрлар, масжид ва мадрасалар туфайли келгуси авлодлар бизни кузларида миннатдорчилик ёшлари билан эслайдилар. «Бизга шундай иморатларни қуриб қолдирган жасур инсонлар бизнинг ота-боболаримиз бўлади», деб фахр-ифтихор этадилар. Шундай экан, урушда ва йрон қилишни, тинчликда бунёд этишни қойилмақом жоёбига қўяди ан одамлар бир мириқиб дам олишса, нима қилти. Нуриддин, кўнглихушилик ва бозмни ташкил қилишни сенга ишондим. Энг мақбул раингчиларни тани, хицлардан бўлса аяям яхши.

Биз кураётган қадамжо ва зиёраттоҳлар, сарой ва қасрлар, масжид ва мадрасалар туфайли келгуси авлодлар бизни кузларида миннатдорчилик ёшлари билан эслайдилар. «Бизга шундай иморатларни қуриб қолдирган жасур инсонлар бизнинг ота-боболаримиз бўлади», деб фахр-ифтихор этадилар.

Қабул маросими жуда чиройли ўтишини ва Ерм Дилгунча хурсанд бўлишини истайман.

Амир Темурнинг туршига ерданлашадилар. Нуриддин чиқим жойига ча кузатиб боради.

2-саҳна: Темур – Дилгунча – Доруға – Бока

Самарқанд: Боеи жаҳон, Саройнинг асосий кириш дарвозаси олдида «Дилкушо» деган ёзувни ўқиш мумкин. Дилгунча Амир Темур билан ёнма-ён ўриндиқда ўтирибди. Гулдор қимматбаҳо чодир ва атрофга ўралган ипак матоли чойшаб уларни бошқалардан ажратиб турибди.

Темур: Дилгунча, боғидаги хиёдона атиргулим, барча гулларининг энг гўзали сенсан.

Дилгунча бошини унинг елкасига қўйди.

Жоним, нимани хохлайсан, бажо келтираман.

Дилгунча: Менга атаб курдирган саройда, хотинларингиз орасида факат мен саройни бошқариш ҳуқуқига эга бўлай. Сизнинг калбнигиз факат мен учун очик бўлсин, дейман.

Темур: Розияман.

Дилгунча: Нимани кутаятмиз. Жоним, муסיқачилар ва ўзинчиларни чорланг, ишқ-мухаббат ҳақида куйласинлар. Боғда кутиб турган ишончингиздаги ахли аёл ҳам кирсинлар.

Амир Темур қарсақ чалади. Муסיқачилар ва ўзинчилар киради, муסיқа янграй бошлайди. Сўнг уч-тўрт ҳил раққосаси, уларнинг ортидан Нуриддин кириб келади. Зобит билан Бока эса, бошқа-бошқа жойда ўтириб, Дилгунчадан инорат бўлишини кутмоқда. Ўз навбатида, Доруға киради ва Амир Темур томон боради.

Доруға: Буюк Амир, мен ташашишти хабар билан келдим.

Темур: Факат бу ерда эмас, Доруға.

Дилгунча дод солганча Доругани итариб юборади ва Амир Темурга меҳрибонлик кўрсатади.

Дилгунча: Уруш ҳақида энди асло ўйламанг, севгилим, уттан ишларни унутинг, мен сизни ҳеч қачон ёлғиз қўймайман.

Дилгунча шароб қуйиб кўтиради ва тақлиф қилинган ирга мурожаат этади.

Дилгунча: Хурматли меҳмонлар, келинлар, улуғ Амриримизнинг бизга ушбу ноёб тухфасини бирга нишонландик. Бу кун ҳаммамизнинг байрамимиз. Қадахларни кутаринг, муסיқа тинглаб, ракс томоша қилинг, худди менинг мамлакатим Кашмирда ўтиргандек белалол ёйичиб, кордиқ чикаринг.

Раққосалар ва ҳамроҳлар тиз чуқиб турибди. Амир Темур уларга ўйангалар дея ишора қилади.

Темур: Бухоро ва Форснинг севги кўшиқларига, Бекамизни хурматлаб келган хинд ўйинчиларининг чиройи ва гузал рақсларига баҳо беринглар.

Куй-қушиқ ва рақс авжига чиққан вақтда Доруға секин Бока билан ташлашиб олади. Улар Амир Темур томонга яқинлашади. Бока Амир Темурнинг қулоғига пичирлайди. Дилгунча эшитишга улгурмай қолиб, Бокага юзланади.

Дилгунча: Тўхтанг, мен эшитмайтман.

Мусиқачилар ва раққосалар яна тиз чуқадилар.

Хурсанд эмасмисизлар, дейман? Бока, хоҳлайсанми раққосалардан биринчи то байрам якунигача сенга хамроҳлик қилишини тайинлайман?

Бока: Жасур малика, сенинг зодагонлигинг Сароймулкхонимдан кейин биринчи ўринда туради. Лекин мен кетишим лозим.

Бока таъзим қилади ва секин чиқиб кетади. Унинг ортидан Доруға ҳам таъзимга эгилади, ammo ҳеч нарса демайди.

Дилгунча: Амирим, Бока отли мўғул нўёни менга сира ёкмайди. У яна беписанд гап отишга журъат қилди. Мен, ахир, малтикаман.

Темур: Эшитдим, ўзингни бос, энди ҳарамга қайтиб бормайсан. Шунинг сенга айтишим лозим, яъни мана бу мухташам сарой ҳам, бугунги тукин баъзи жамшид ҳам – буларнинг барчаси сенинг эътиборинг ва севгингни қозонишим учун хизмат қилса, дейман. Афсуски, хозиргина ташвишли хабар олдим. Дилгунча, жоним, сен учун барпо эътибор буюк салтанатим хавф остиди. Йўлимда жуда катта ғов турибди. Бу ғовни фақат мен кўтариб ташлай оламан. Худойим бу умматни бало-қазолардан омон сақлаш азму шижоатини менинг қалбимга солган, ахир. Отам тушида қўрган самовий кенгликнинг аллақачон ярмини эгаллаб улгурдим. Қолган қисмига эга чиқишимда ҳам Яратганининг ўзи мадақдор бўлмай. Жоним, Дилгунчам, қайтишимни кут. Сен менинг ҳаётим ва қувончимсан. Қай ерларда юрмайин, доимо ўй-хаёлимда бўласан.

Дилгунча: Сиз яна урушга кетяписизми? Амирим, Сизни йўқотиб қўйишдан кўркаман. Мен Сизга ҳеч қачон хиёнат қилмайман. Кришнага сизиниб, дуо қиламан, Сизни ҳамиша соғ-омон асрасин.

Темур: Ўғлим Мироншоҳнинг келишини кут. Шаҳар бошқарувини эса, Амир Нуриддинга топшираман. Сенга қўз-қулоқ бўлиб туришини ва албатта ғамхўрлик қилишни ҳам унга тайинлайман. Худойим сени ўз паноҳида асрасин. Энди мен кетишим керак. Кўшиним кутмоқда.

Амир Темур Дилгунчани қучиб ўпади ва Нуриддин ҳамроҳлигида чиқиб кетади. Нуриддин уша заҳоти қўлида катта олтин муҳр билан қайтиб келади, Дилгунча олдида тиз чуқади ва у билан бирга яна чиқади.

3-сўз: Дилгунча – Сароймулкхоним – Асад – Нуриддин

Самарқанд. Уша боғ манзараси: ҳамма жой алғов-далғов. Дилгунча қўлининг имо-шоира қилиб нималарнидир гапирмоқда.

Дилгунча: Севгилим кетганидан буюн бу боқдан махсунлик аримай қолди. Қуллари белимда, лаблари лабимда буюн тоғли қуллар сира эсимдан чиқмайди. Нечун бунча фироқ азобига қолдиридингиз мени, севгилим, Темурубек.

Дилгунча кимнингдир келадиганини эшитиб, жим бўлади. Сароймулкхоним боққа қиради ва унинг олдига келади.

Сароймулкхоним: Хоннинг кейинги хотини бўлдим деб, жуда узингдан кетиб қолмадингми? «Темурубек Қурагоннинг ёримиан» деб жар солиш, менга – Сохибқироннинг тунгич рафикаси Сароймулкхонимга ярашади. Амиримиз сафарда пайтида бу ер менинг кукним остида бўлади. Ҳозирок ушбу боғ ва қушқни тарк этиб, саройга бор!

Дилгунча: Йўқ, Амир Темури бу боғни мен учун қурдирганлар ва менга ҳадя этганлар.

Сароймулкхоним: Қул ҳам ҳаддингдан ошма. Бу саройнинг ягона маликаси мен буламан. Амирим бу ерда булганларида ҳам, булмаганида ҳам менинг айтганим айтган, деганим деган.

Дилгунча: Хоним, тан олинг, сизнинг бу аччиқ-тизич гапларингиз рашқ туфайлидир. Бу табиий ҳол, чунки мен хали жуда ёшман, чиройлиман ва эр қушқлини овлашнинг ҳиндча-кашмирча усулларини биламан. Шунинг учун Амирим мени севадилар.

Сароймулкхоним: Аммо сен Амирни севайсан. Сен Темурубекнинг салтанати ва бойликларини севасан, ҳоло. Эҳтиёт бўл, гўзал капалак, тағин бу бехуда хаваснинг оташда куйиб, қул бўлмагим. Билиб қўй, Темурубекка садоқатли ҳоқивоят аъёнлари бошқа бир қаро қушни қўллаб-қувватлашлари мумкин.

Дилгунча: Мен фақат сизнинг маслаҳатингизга қулоқ тутаман, хоним. Амиримнинг ҳар бир бусаси эса мен учун бу сарой ва салтанатдаги яқна-ягона қувончидир. Сизнинг тунгич рафика сифатидаги мартабангизни ҳурмат қиламан.

Дилгунча югурганича чиқиб кетади. Унинг ортидан йўл олган Нуриддин саҳнани кесиб ўтади. Ишончли қотиблардан бири – Асад эшик эчилари ортидан қўринади.

Асад: Ҳаммасини эшитдим, маликам. Қўйинг, ийгламанг, садқан кўз ёшларингиз, уннинг ўзи ута қўпол аёл-да.

Сароймулкхоним: Лекин у ёш-да, Асад, у чиройли, у мени Амиримнинг юрагидан бутунлай ўчириб ташламоқчи.

Асад: Маликам, дунёдаги энг чиройли аёл – бу Сиз. Сизга ёшеликни раво қурган одам ўзидан гина юлқис. Тармашириқхон ҳовлисида хаттотлик илминини ўрганаётган давримда Сизни илк бор қўришга мушарраф булганман. Уша пайдан бери Сизнинг тарафдорингизман. Ҳар доим хизматингизданман. Мен энди бу ҳинди кашмирини тек қўймайман.

Сароймулкхоним қўзғирди ёши билан мағрур ҳади чиқиб кетади. Асад тасбеҳ ўғириб, «Дилқушо» деган биниқли дарёзи ёнида узоқ қиради.

Асад: Бу дилқушо, дилга таскин-тасалли берадиган боғ эмас, аксинча, дилозор ва дилафгор жой! Маликам учун албатта ҳасос олам.

Асад эшик томон юриди ва оёқ товушини эшитиб тўхтади. Нуриддин кирди ва саҳнани кесиб ўтар экан, Сароймулкхонимнинг боя қолиб кетган ёпинчигини олиш учун тўхтади. Катта бир салтанатнинг муҳри, шу салтанат соҳибининг шамишири ва бекаси Сароймулкхонимнинг ёпинчигини кутариб юганидан, яъни шунча масъулият зиммасида эканидан ҳали гуруралиб, ҳам хижолат торганча бир муддат туриб қолади. Асад унинг ёнига боради.

Нуриддин: Нима шовқин, Асад, нима қилиб юрибсан?

Асад: Ассалому алайкум, Амир. Мен ҳам эшитдим, лекин бу шамол шовқини экан. Бир нечта қандил тушиб кетибди. Хитойлик мейморга энди нима деймиз экан? Қийналиб кетибсиз-ку. Келинг, хужам, сизга ёрдам берай.

Асад камзулни ва салтанат муҳрини қўлига олади.

Асад: Мана шу оғирроқларини мен олиб боришаман. Бунча қул нарсалар билан маликани ҳимоя қилишда қийналиб қолманг, дейман-да.

Нуриддин: Бу ёққа қара, Соҳибқирон хазратларининг «Амир Темир сузим» деган даъвати битилган мана бу олтин муҳр энг ишончли қўлларда туриши керак. Ҳали бу ёқда малика Дилгунчани топишим лозим. Амиримиз жангга кетганларига ҳам бугун ронга-роса ўттиз кун бўлди. Мен Амир Темир қўшини сафида туриб мардонавор жанг қилиш ўрнига ҳиц кизидан доимо хабардор бўлиб юришга мажбурлигимдан хунобман-да. Шаҳзода Мироншоҳ тезроқ келиб, ўз жойини эгаллаганида эди. Мен яна ўз биродарларим сафига бориб қўшилдим.

Асад: Амир Нуриддин, мен сизга хизмат қилишдан мамнуъман ва бу ишим билан гурурланаман. Ҳозир эса, яна бир марта маликани кидириб келая.

Нуриддин: Сароймулкхоним сенинг котиблигингга эҳтиёж сезиб турмаганмикан?

Асад: Хоним котиблик ишига бошқа бир хаттотни тайинлаган. У менинг ҳам шогирдим, ҳам қариндошим бўлади. Шундай қилиб, ёшларни аввалбошдан жиддий ишларга ургатиш, истеъдодини ўстириш, Худо берган иқтидоридан унумли фойдаланиш керак-да.

Улар чиқиб кетадилар.

4-саҳна: Танг – Асад

Самарқанд: Чўпонота теналиги. Ҳарбий чодирлар қурилиб турибди. Хитойдан келган хардон бошлиги Танг машъалани учуриб, камарбағини ерга қуяди. Асад хиради.

Асад: Ассалому алайкум, Танг. Икки юзта жуда бақувват от ва туяларни сафарга ҳозирлаганингни кўрдим. Офарин.

Танг: Салом, Асадбек. Ҳа сен ҳақсан, сафарга тайёрланаяпмиз. Такламақонни айланиб ўтиб, Хиянга борамиз. Кетишимдан олдин сени кўриб, ташаккур билдиришни ният қилиб тургандим.

Асад: Албатта, мен ҳам дўстинг Асадга ҳаир демасдан кетиб қолмасан, деб ўйловдим.

Танг: Йўқ, асло бундай бўлмайди. Аниқ билмаманки, қотиблик ва наққошлик санъатинг туфайли қўлимда жами керакли ҳужжатлар бор. Бу ҳужжатлар барча солиқларни тўлаганимки тасдиқлайди.

Асад: Мен салтанат мухрини Амир Нуриддиннинг ижозатисиз ҳам ишлата оламан.

Танг: Миннатдорчилигим белгиси сифатида юзта соф марварид доналари солинган мана бу халтачани сенга бераман.

Танг халтачани Асадга узатади.

Асад: Йўқ, керак эмас, Танг.

Танг: Тушундим, бу дуру маржонларга қўшиб ичтирифта энг сара олмос ҳам совға қиламан.

Танг олмайман деб қўлларини орқасига яшираётган Асадга иккинчи халтачани ҳам узатади.

Асад: Менга бу ялтир-юлтир матоҳларнинг керак эмас, Танг. Истанг, миннатдорчилиқнинг бошқа йўли ҳам бор. Айтайлик, мен қарвонингда олиб кетишинг учун сенга махсус бир кути бераман.

Танг: Нега махсус экан?

Асад: Ҳа, Танг. Сен махфий равишда бир хотин кишини ўз юртингача доимо ухлаган ҳолида олиб кетишинг керак.

Танг: Мени хавотирга солаясан, дўстим. Галгиндан фитна ҳиди келмоқда. Авваламбор, ким ўша хотин ва мен уни олиб кетиб нима қиламан? Темурбек тасарруфида бўлган Буюк ипак йўлида мени улуг Амирнинг соқчилари тутиб олмаслигини қандай қафолатлайсан? Мабодо буни Амир Нуриддин билиб қолса-чи? Ахир, ҳозир бу ерларда у ҳужидор-ку. Агар мени тутиб олса ва қийноққа солса, ҳамма гапни лоп этиб оғзимдан гуллаб қўйишим мумкин.

Асад: Агар тез ва соз ҳаракат қилсанг, ҳеч қандай ташвиш-хавотирга ўрин қолмайди. Қарвонингни қўзғат ва дарров йўлга туш. Мени Кусам ибн Аббос маҳбараси яқинида қутасан. Ўша ерда сенга гилтамага ўралган хотинни ва унинг чегарагача ухлаб кетишига етадиган бир кути дорини бераман.

Танг: Хўп, розиман. Барчасини сен айтгандек қилиб бажараман. Хитойгача бу хотинга мен жавобгарман, лекин унинг узига нима дейман? Бу иш менга сира ёқмаяпти. Майли, уни чегарада қолдириб, қўлига унга маржон ва беш дона олмос тутқазиб кетаман.

Асад: Йўқ, асло. Сен биронта эпчил хитой жангчисини топиб, бу хотинни унинг ҳарамига сотасан. Гузал ва офатлихонни муамалашна нархга пуллашинг мумкин. Нима бўлганда ҳам, у ҳеч қачон қайтиб келмаслиги керак. Мен сенга унинг қимлигини олдиндан айтиб қўйиб у Амир Темур саройида яшайдан зериккан бир аёл. У шу йул билан саройни тарқ этмоқчи. Мана бу - салтанат мухри босилган ҳужжат. Соқчиларга ушбу ҳужжатни курсатсанг, ҳар қандай тусиқдан бемаҳлол ўтиб кетаверасан. Ҳаммаси бу ерда аниқ-тилоқ ёзилган, фақат ана шу тартибга қарши иш қилмасанг бўлди. Амир Нуриддинга келсак, шу Мироншоҳни сабрсизлик билан қутаяпти. Мен унинг қароргоҳига Дилғунчани сайрга олиб бораман, деб ваъда бердим. Аммо у мен қўлиб узатган анор «шарбати» таъсирида аллақачон ухлаб қолган бўлиши керак. Ҳаммасини уқдингми? Энди ўзинг ташла: бу хотинни ўзинг билан олиб кет ё ташлаб кет. Қарвонингда қанча тилла ва қимматбаҳо

бухмлар борлигини унутмасанг булди. Қолаверса, қалтис-қинғир ишларингни епишда салтанат муҳридан ҳам хуфиёна фойдалангансан, буни исботлаш қийин эмас. Хохласанг, ортингдан Хитойгача бориб, уз элинг орасидан сенга қарши маълумотлар берадиган энг бақувват гувоҳларни топаман. Тушундингми?

Танг: Тушундим. Айтган одамингни карвонимга оламан.

Асад: Хитойгача олиб борасан. Уни қайтиб ҳеч ким хурмаслиги керак. Мана бу унинг салтанат сарҳадидан чиқишига ижозат берувчи хужжат. Унга босилган муҳр Амир Темур номидан эканини тасдиқлайди.

Танг: Мен карвонимни йулга шайлаб, Шоҳи Зинда ёнида сени кутаман. Хайр.

Танг кетади. Асад ҳам хайрлашади ва югуриб чиқиб кетади.

У БОБ

1-саҳна: Роҳиб Иоанн – Темур – Доруға – Сендералибей – Саид Иброҳим – Саид Ҳасан – Нуриддин – Бока

Грузия: Нахчивон ибодатхонаси ичкарисси. Доминиканлик роҳиб Иоанн ибодат қиляпти. Эшик очиқ, унга катта сим еалвир тутилган. Амир Темур киради. От ёли найза ушлаган ва уч рангли байроқ кутарган соҳқчилар кириш зигини ураб олган.

Иоанн: Татарлар шоҳи!

Темур: Мен Самарқанд хукмдори Амир Темурман. Гапингни тушунмадим.

Амир Темур ва Доруға қўлларида қилч билан хонани кўздан кечиришади.

Шоҳингиз Бугрот сунбуладан бошлаб менга тобедир. Мен унга ўзининг Тифлис тахтини қолдирган эдим. У яшаш учун қароргоҳимдан сенинг черковинга кўчибди-да. Бу жойнинг номи нима ва сен кимсан, насронийлар роҳибимисан?

Доруға Амир Темур турган жойга баланд бир курси олиб боряди.

Иоанн: Амир Темур, бу ер насронийларнинг Нахчивон ибодатхонаси, мен эса, доминиканлик роҳиб Иоанн учинчи буламан. Биз Исо Масих давомчиларимиз. Жуда кўп хонликларни жанг ва қилич билан забт этганидан ҳам, душманларингга нисбатан қаҳринг каттиқлигидан ҳам хабардормиз. Руслар ерини Олтин Ўрда хонидан оҳод қилганинг ва мўғулларни доғда қолдирганинг ҳақида яхши биламан. Мусулмонларни қўлловчи ва насронийларга ёрдам берувчи химматли зот эканингга ҳам ишонаман. Лекин биз шу пайтгача умид қилганларимиздан фақат ёмонлик кўриб келяпмиз. Шу боис ҳар қандай салтанатдан ўзимизнинг мана шу черковимизни ва Худомиз Исо Масихни афзал деб биламиз.

Темур: Менинг мусулмон эканимни биласанми?

Иоанн: Ҳа, Амир, биламан. Лекин мен ўз фикрим, эътиқодимда собит қоламан. Ҳаётим ва қалбимни сақлайдиган зот Исо Масихдир.

Темур: Ёмон мусулмон яхши наслонийдан аъло, деб сенига зурвонлик қилаётганим йўқ. Сен мен уйлаган оламга ўхшайсан. Доруға!

Доруға: Ҳа, Амирим, худди ўша киши.

Доруға бармоғи билан девордаги чормиҳга қоқилган Исо тасвири акс этган бутни кўрсатади.

Темур: Туғри, Исо Масиҳ бизнинг ҳам динимизда бор. Сен Худо деб билган бу тасвириги ўз уйингга олиб кўй. Бизнинг динимизда ушбу зот Исо пайғамбардир. Шунинг учун биз сизлар қилаётган амалларини куфр деб биламиз.

Роҳиб Иоанн Исо тасвири олдига тиз чўкиб, ҳаводе ҳули билан точ белгисини чизади. Сўнг иконани олиб кетади.

Доруға: Амирим, эслатишга ижозат этишг. Сизнинг қабулингизни элчилар ва хабарчилар интиқлик билан кутмоқда.

Темур: Айт, навбати билан биттадан киришсин.

Доруға Амир Темур курсиси устида соқчи тутиб пурган байроқнинг чигалини ёзади ва йўл-йўлакай чиқиб кетади. Сўнг саллали бир кишини бошлаб киради.

Доруға: Сендералибей, Турк султонининг элчиси.

Элчи Амир Темур ёнига чуқур таъзим қилиб борганча, бир оз вақтдан сўнг бошини кўтаради.

Сендералибей: Турк султони Боязид Йилдирим виждонсиз ҳукмдор. У Сиздан ўзининг наслонийларга қарши юришларига ҳалақит бермаслигинизни талаб қилмоқда. Константинополь шаҳри ва унинг бозорларини қўлга киритишга йўл беришингизни истайдим. У сизнинг ёнингизга келишини айтди. Уэр, агар талабларини рад этсангиз... Кечирасиз, мен фақат хабар етказувчи бир элчман, холос.

Темур: Сизлар салтанатим элчисига қандай муомала қилган бўлсангиз, мен ҳам сизларга нисбатан шундай йўл тутаман. Доруға, кейингисини чакир.

Доруға Турк элчисини олиб чиқиб, бир оқдн сўнг кокилан қалноқ кийган одамни бошлаб келади.

Доруға: Саид Иброҳим, Сурия, Миср ва Мамаклар султони Фаражнинг элчиси.

Саид Иброҳим: Миср ва Сурия султони, Аллоҳнинг қули Фараж Сиздан Мардишон ва Мосулни кутқаришингизни талаб қилади. У Сиёни Месопатамия ва Туркияга қарши барча иттиҳоддан сақлангилдан оғохлангирмоқда. Акс холда...

Темур: Кейингиси.

Доруға телик билан Саид Иброҳимни куштиб чиқади ва қўлуни қалноқ кийган кишини бошлаб киради.

Доруға: Саид Ҳасан, Месопатамия ва Бағдод султони Аҳмад Жа-
 пойирнинг элчиси.

Саид Ҳасан: Бағдод халифасининг меросхури, менинг Амирдим
 сиздан Ҳамадон ва Қазвин вилоятларини қайтаришингизни сўрайди.
 У сиздан Сурия ва Туркияга қарши юришларида бундан кейин ҳалат
 бермасликни талаб қилади.

Темури: Агар йўқ десам-чи?

Саид Ҳасан: Султонибиз сизни омон қўймайди.

Темури: Мени омон қўймайди, мени махв этиш, мени йўқ қилиш.
 Ҳайламай гапирадиган одамлару золим ҳукмдорларнинг бетайини гап-
 бу. Вахоланки, бу оқсоқ Амир уларни жазолаш учун Аллоҳ томонидан
 юборилганини ҳали билмайдилар.

Темури (Доруғага қараб): Кенгаш ўтказишимиз лозим. Бор, бизни
 қутиб олган насронийлар роҳибини топиб кел.

Доруға чиқиб, роҳиб Иоанн билан қириб келади.

Темури: Қулоғим сенда. Буғротхон сени Византия ва унинг ён-атро-
 фини яхши билади, деб айтганди. Аввало, Турклар ҳақида гапириб бер.

Иоанн: Боязид – жасур ҳарбий саркарда. Душманлари унинг
 жуда тезкор ва ҳаракатчанлиги учун «Йилдирим», яъни «Чақмоқ»
 деб лақаб беришган. Европа қироллари унга қарши катта қўшин
 жўнатган ва улар жангда мағлуб бўлган. У Сербия, Греция, Венгрия
 қиролликларини забт этган бўлиб, эндиликда Константинополга
 ҳужум қилишга ҳозирлик қўймоқда. Боязидни кўп сонли қўшин ва
 жуда яхши қуролланган гуруҳлар қўриқлайди. Унинг чор-атрофи шпе-
 да сарбозлар ва зирхли отликлар билан ҳимояланган.

Темури: Менга айтган гапларинг Палмирдан Дамашқкача, Бурса-
 дан Бағдодгача бўлган йўллардан сўфий дўстларим юборган маълу-
 мотларни яна бир бор тасдиқлапти. Мени тушунгандирсан, рухоний.
 Мен адолатни қарор топтирмакчиман. Энди Сурия ҳақида сузла.

Иоанн: Султон Фараж жаноблари бой ва йирик шаҳарларнинг
 эгасидир. У Мисрнинг ҳам султони. Унинг кўплаб қароргоҳлари ва
 мамулқлардан иборат кўп сонли отлик қўшини бор. Унинг ўзи ҳам
 мамулқдир. Айтишларича, Дамашқ – эгаллаб бўлмайдиган пойтахт.
 Ҳалаб шаҳри ҳам барча ҳужумларга бардош берадиган қалъа эмиш.

Темури: Худога ишонасанми, роҳиб?

Иоанн: Бутун вужудим билан! Худо битта ва у уч қуринишда: Ота
 Худо, Ҳил Худо ва Муқаддас Рух.

Темури: Бу насронийларнинг ақидаси. Лекин биз, мусулмонлар
 учун Худо – ягона, Аллоҳнинг Ҳизиди. Баъзида сендан фикрингни
 билгим келади. Нима учун бир фақир ва чўлоқ одам шундай улкан
 қўшинни бошқариши, барча шоху қиролларнинг салтанатини тор-
 мор қилиши, умри давомида учрашган не-не билимли-илмли зотлар-
 ни ўзига жалб эта олиши мумкин... Балки у, насиб этса, бани башар
 қалбини эгаллаб, бутун дунёни ҳам забт этар, нима дейсан?

Иоанн: Ҳа, агар буни унга раво кўрса. Сизнинг тилда айтганда,
 насиб этса.

Темури: Бу одам Худо томонидан юборилган. Раҳмат сенга, роҳиб.

*Амир Темури кулади ва ташқаридаги овозни эшитиб кулгидан тўхтади.
 Эшик очилди, Нуриддин кириб келади. Амир Темурига яқинлашиб, тиз чўқади
 би унинг қўлини ўлади.*

Нуриддин: Амирим, кабулингизга етиш учун тун-кун йул юрдим. Самарқандда тинчлик-осойишталик, карвонлар катнови даном этаяпти, углингиз, оила ахлингиз ва Сароймулкхоним соғ-саломатлар. Шахзода Мироншоҳ шаҳар бошқарувини ўз қўлига олган. Уларнинг барчалари Сизнинг соғ-омонлигингизни тилаб, дуодацирлар. Халқ эса, сизнинг йўқлигингиздан хавотирда.

Темур: Одатда, яхши хабар олиб келган энчи доим яхши кутиб олинган, Амир. Мен сени яна кўриб турганимдан жуда хурсандим. Сенинг мардлўгинг биз кутаётган улкан жанглар олдидан катта соғва бўлади. Бор, қўшининг бир қанотини бошқараётган Нуён Бокага ёрдам бер.

Нуриддин эшик томонга қараб кетаятганида, Амир Темур уни қақиради.

Темур: Нуриддин, бирор нарсени унутмадингми? Малика Дилгунча хақида гапирмадинг-ку. Мен унга кўз-қулоқ бўлиб туришингни буюргандим. Сукутинг мени хавотирга солипти. Кел, қурмасдан гапир. Йўлга чиқаётганимда унинг кайфияти яхшими-ди? Хафа эмасми-ди? Мен хақимда унга гапириб бердингми? У менга ишқий мактуб бериб юбордим, кўрсатмайсанми?

Нуриддин: Амирим, Дилгунчадан ҳеч қандай хабар йўқ. Самарқандни тарк этишдан анча олдин унга салтанатингиз хақида сузлаб бергандим. Кейинги пайтда малика кўринмай қолди. Менинг каттоғим Асад уни охириги марга учратган экан. Менинг хуқиронлўк вақтим тугаб, тахтни шахзода Мироншоҳга топширганимдан сўнг ҳам уни кўп кидирдим. Аммо, бари беҳуда, ҳеч қим уни кўрмаган. Шундан сўнг шахзода уни излаб толар деган умидда Сизнинг хузуригизга кайтдим. Бу ҳақда билишни хоҳласангиз, яқин орада хабарчи янгилик олиб келади, Амирим.

Темур: Нуриддин, сен доимий ҳаракатдаги қўшин жангчиси эмасан, шундай экан, бу ёққа йўлга чиқишга шошилмасдан, унинг келишини кутишинг керак эди. Дилгунчадан узоқда айрилиқ азоби ва рашқ ўтида қанчалик ёниб яшайтганимни ўйлаб ҳам кўрмагансан.

Нуриддин: Амирим, мен биринчи галдаги мақсадимгиз қўшинимиз ғалабаси бўлса керак, деб ўйлабман ва шу ғалабага шахсан ҳисса қўшишга шошилиб адашибман. Сизни яна кўраманми деб ҳовлиқиш ва хавотирда ҳам эдим. Мироншоҳ келгач, маликани албатта излаб топишига ишондим, шу бож бир оз орқайин бўлганим рост.

Амир Темур бир четда кутиб турган роҳибга ақилланиди.

Темур: Кўряпсанми, насроний роҳиб, не-не бақувват қўшинларнинг қулини қўққа совурган, Худо томонидан юборилган, енгилмас номини олган қудратли бир зот баъзан охида аёл сабабли қанчалик ғамга ботиши мумкин. Доруға, Самарқандга борадиган барча хабарчилар малика Дилгунчани кидирсинлар ва бу фармоним хақида Мироншоҳни огоҳлантирсинлар. Самарқандга борганимда, малика мени кутиб олыса, кидириб топа олмаган барча мастуллерни қатл қилишга буюраман. Ҳў, Нуриддин, мени қанчалар ранжитдинг-а.

Нуриддин: Амирим, ор-номусдан эзilib кетилман. Олдингида турган биринчи хужумдаёқ Сиз учун ўзини қурбон қилман. Мана, менга топширган салтанатингиз муҳри. Ундан фойдаланмадинг.

Нуриддин Амир Темурнинг пойига йиқилиб, салтанатнинг олтин мухрини топширади ва эшик томон юради. Лекин Амир Темур уни чақириб олади.

Темур: Тухта, Амир Нуриддин. Мен сени харбий кенгашда иштирак эътибор учун бир оз ушлаб қоламан. Доруға, Боқани чақир.

Доруға чиқиб чақиради.

Доруға: Боқа, Боқа, Нуён Боқа.

Боқа хиради ва эшикни очиб қолдиради.

Боқа: Амирим, Византия элчиси интиқлик билан қабулингизни пойлаб турибди.

Темур: Кутялман. Айт, кирсин.

Боқа ишора қилади. Хонага қалпоқли киши кириб, Амир Темур олдида бош кийимини ечади. Амир Темурга таъзим қилади. Доруға унинг ортидан кириб, эшикни ёпиб қўяди.

Шатоморан: Жаноб Темурбек Курагон, Константинополдан Сизнинг зодагонлигингиз ва кадр-қимматингизга тасанно айтгани келдим. Мен Франция қиролининг содиқ кишиси, рицар Шатоморан¹ бўламан. Мен император Мануил Бизанс, император Требизанс, Дожд, Вениз ва соҳибим маршал Франс Биску номларидан Боязид ва унинг тарафдорларига қарши курашда бизга ёрдам беришингизни илтимос қилиб келдим.

Темур: Аввало, бир-биримизни яхшилаб билиб олайлик, олийқиммат жангчи. Мен мусулмонман, сизлар эса, насроний. Мен сизларга қарши урушмай, мусулмон подшоҳига қарши курашмоқдаман. Шундан экан, нега биз ишончли ҳамкор бўла олмаيمиз? Саволим Европа қиролига тегишли, лекин сен бу ҳақда нима деб ўйлайсан, жаноб?

Шатоморан: Менинг ўйлашимча, катта оға, ғарбга қилган биринчи муваффақиятли юришингиз биланоқ Усмонлилар салтанатини енгасиз. Боязид жасур ва мағрур инсон. У сизни ҳаёт-мамонт жангига чорлаяпти. У узини Ислоҳ дини қолиби деб атайди.

Темур: Бу тўғри. Суфий биродарларимиз ҳам Боязид барча масхидларда узини туркларнинг қонуний ҳукмдори деб хутба ўқитишга мажбур қилаётгани ҳақида огоҳлантиришди. У мен эгаллаган ерларни қайтариб олмоқни мақсад қилибди. У Самарқандни ўзининг оромгоҳига айлантириши тўғрисида сафсата сотишгача бориб етибди. Биламан, у Бағдод ва Дамашк султонлари билан бирга менга қарши уруш очишга анчадан буён кизиқиб қолган.

Боқа: Мақтанчоқ Боязид. Туркларнинг биринчи ҳукмдори - бу Амир Темур Курагондир.

Темур: Боязид менга қарши жанг қилишга отланганининг бир қанча сабаблари бор. Мен бу сабабларни сenga тушунтириб бераман, фаранг элчиси. Хитой, Хинд ва Форсдан келатган барча моллар аввал Самарқанддан утади. Сунгра Европа бозорларига Византия ва Суриядан ўтиб боради. Мамлакатингизга борадиган туқ-қизил матолар, лежурга осинадиган гишамлар, қимматбаҳо идишлар уша йул орқали

¹ Шатоморан (1352-1429) - француз давлат арбоби.

олиб борилади. Жангчиларимга пул тулаб, уларни саройлар, биёрлар, йуллар қуришга жалб этялман. Буларнинг барчаси солиқлар эвазига амалга ошади. Шу боис мен узим ҳукмиронлик қилаётган барча ерларда қарвонлардаги моллардан ҳам солиқ оламан. Насронийлар меннинг душманларим эмас, аксинча, улар харидорларим, тожирларимдир. Боязид эзига фойда келтирадиган шаҳарлар ва хулуларда ўз ҳукмиронлигини мустаҳкамлашни режалаштирмоқда. У мен очган Буюк ипак йулидан қарвонларнинг Европа давлатларига фақат ўз манфаатлари асосида ўтиб-қайтишига эришиш ёки бу йулни бутунлай ёпиб қўйиш чораларини кидирмоқда. Мен Европага йул очиш учун Боязидга қарши жанг қиламан. Бу ҳақда насронийлар қиролларига хабар бер. Уларни хижомага олишим учун ўз тасарруфларидagi денгиз бўғозларини кемалари билан тўсиб қўйишлари, Боязид ва унинг тарафдорларига сув йулларидан фойдаланишга имкон бермасликлари шарт. Сени йўлаган қиролга бориб айт, насронийлар билан элчилар алмашинувини йўлга қўямиз. Қиролинг билан Усмонли туркларига қарши курашиш чора-тадбирлари ҳақида маълумот алмашамиз. Энди кетишинг мумкин.

Шатоморан: Бутун умидимиз Сиздан, Амир Темур жаноби олиёлари. Узаро ҳамкорликдаги савб-ҳаракатларимизни кечиктирмай бошлашимиз лозим. Чунки Боязид барча кучларини бизга қарши қўйган. Хайр, жаноби олиёлари.

Темур: Хайр, олиёларимиз жангчи, сен билан яқин орада қўришишимизга умид қиламан.

Шатоморан тазйим қилиб, чиқиб кетади.

Доруға: Насронийлар билан ҳамкорлик! Мен бунга тушунмайман ҳам, ишонмайман ҳам, Амирим.

Темур: Ҳа, насронийлар билан ҳамкорликда иш тутамиз. Иншооллоҳ, бу ҳамкорлигимиз фақат тижорат мақсадда бўлмай, билмак дин йулида эмас. Боязид қароргоҳида ҳам насронийлар бор. Бу мунофиқ «Ислоҳ динининг фозилсиман» деб ҳар жойда оғиз кўптиртиради-ю, ўзи насронийлар маликасига уйланиб олган. Келинлар, у ҳақдаги фикрингизни билмоқчиман.

Доруға, Бока ва Нуриддин Амир Темур ёнига шегладилар.

Доруға: Боязид - забардаст лашкарбоши. У Никополда насронийлар билан жанг қилганида ўзининг янги пилда аскарлари билан муваффақиятга эришган. У шиддатли ва қилғичи жуда моҳирлик билан уйнатадиган саркарда. Унинг Месопотамия ва Сурияда ҳамкорлари ҳўп.

Бока: Амирим, бизнинг қушинимиз Сурия, Месопотамия ва Усмонли турклар лашкарлари билан бир вақтнинг ўзида жанг қила олмайдди. Агар улар Боязид ёрдамида жанг қиладиган бўлса, биз ҳам сафимизни кенгайтиришимиз талаб этилади.

Нуриддин: Сурия мамлуклари тасарруфида жуда яхши танергарликдан ўтган отликлар бор. Улар Халаб шаҳрининг мустаҳкам қалъасига қочиб кириб олган ва ҳозир бизга қарши ҳужумга шан ҳолида турибди.

Темур: Мамлукларнинг шухрати ҳали ўзларига жуда қимматта тушади. Баядод султони Аҳмад билиш кетидан қувиб, хасису зинда

бўлиб қолган. Унга умуман ишониш керак эмас. Яхшиси, уни Бағдоддан ҳайдаб чиқарамиз. Биз бу учала юзсиз султонни ҳам ер тишлатамиз. Уларнинг мақталган қушинларини ҳасдек титиб ташлаймиз. Шундан сўнг биз ғарбга томон Ипак йўлини узайтирамиз. Буларнинг барчаси Самарқанд ахли ва бутун салтанатим фуқароларининг яхши яшашлари учун қилинажак ишлардир.

Қани, Туркиянинг Сиваз шаҳрини олиш учун қушинни жангга ҳозирланг. Мен жосусларимга Арманистон мамлакатини Усмонли турклардан муҳофаза қилишим ҳақидаги хабарни етказишларини айтмай. Биронта насроний Боязид томонига ўтиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак. Акс ҳолда, кечирмайман.

2-сана: Кавказ

Даланинг бир томонида Амир Темурга, иккинчи томонда эса Боязид Йилдиримга тегишли чодирлар.

Амир Темур чодирдан чиқади. Дарё ёнига келиб ўтиради ва чақиради.

Темур: Ҳов, у ердагилар. Ҳов, турклар.

Боязид чодирдан чиқиб, дарёнинг нариги томонида турибди.

Боязид: Татар, менда нима гапинг бор? Мен сени эгасиз бир жойда гувоҳларсиз учрашишга чақираман. Рози бўлсанг – шу.

Темур: Одатинга кўра, душманнинг доим жангдан олдин узига келиб олиши учун илтифот курсатаман. Жангга ҳамтовокларинг билан бирга жон беришни истамасанг, қочиб кетишингга имкон бераман. Кетасанми?

Боязид: Эсингни еб қўйибсан. Сен манфур қария, сассик отбоқар, жирканч мўғулнинг никоҳсиз зормандаси. Мен эса Боязид Усмонли, Никополь насронийларини тор-мор этган музаффар саркардаман, эртага Трабзон ва Константинополнинг ҳам қироли буламан. Мен туркларнинг энг улуғ хони, хоқониман. Месопотамия ва Сурия араблари ҳам мен билан бирга. Менинг лиёда жангчиларим дунёдаги энг кучли қушин. Улар яничарлардир. Сен бор-йўғи бир ховуч отликлар тўдасининг бошлигисан, холос. Умрингда арзимас бир нечта юришда қатнашиб, жангни уз фойданга ҳал қилганингдан кеккайиб юрибсанда.

Темур: Эй Усмонли манман. Сен арзимас юриш деб атаганинг – Месопотамия ва Форс шохлари қушинини тор-мор қилиш, шимолда Ҳинд, Кавказ ва Олтин Ҳудудни яқсон этиш – сенингча булар шунчаки кичкина натижами? Сен ўзинг бир қашшоқ денгизчининг боласисан. Вазиятга қараб доим букаламундек ўзгариб турасан, яна мусулмонман, деб оғзингдан тулук сочасан. Қурдингми, бундай ҳақоратомуз оҳангда гаплашиш ҳеч кимга ёқмайди. Аввало, Ипак йўлининг эгаси менман ва сен мени ғарбга юришимдан қайтара олмайсан. Охирги марта яшчилик билан оғохлантираман, чунки мусулмон эканингни хурмат қиламан, мен билан ёвлашиш йўлидан қайтсанг – омон қоласан.

Боязид: Агар Арзирумни олмоқчи бўлсанг, сен билан сунгги нафасимгача жанг қиламан. Сен сенга ҳатто кемалари билан ёрдам бераётган насроний ҳамкорларнинг тоифасидан эмасман. Мен сендан ҳам, жангчиларингдан ҳам, ўзинг билан олиб келган ҳинд филларидан ҳам

қурқмайман. Сени бутун дунёга ҳоким бўлади деб ишонадиган, сенинг марҳаматинг соясида юрган суфий биродарларини та тулурдим. Трабзон ва Византияни қўлга киритсам, ушанда кўрасан: тоширларнинг синади, қарвонларнинг хароб бўлади, ҳамкорларнинг беғоналанышиди. Сенга лаянат бўлсин, ярамас татар.

Темури: Сенга саломатлик бўлсин. Сенга саккиз кун муҳлат берман!

3-сахна: Боязид – Ҳасан оға

Арманистон: Боязид Йилдиримнинг чодирин.

Боязид ҳарита тасвири тужирилган муъжиз ғилм ёнига бориб ўтиради. Унинг ёнида яничарлар бошлиғи Ҳасан оға турибди.

Боязид: Жаңта тайёргарлик кўришни ўғилларимга айтдингми?

Ҳасан оға: Бу янчиликни эшитиб, шахзодалар беҳад хурсанд бўлишди. Аллақачон қилич-қалқонлар шай ҳолатга келтирилган.

Боязид: Бу хурсандлик ёшларнинг беғамлигидан, ўз вақтида биз ҳам шундай эдик. Тўғрими, Ҳасан оға? Яничарлар ва сипоҳларнинг Сербия ерларини истило этишда сизовдан ўтган. Ҳамма ўз вақтида белгиланган жойда бўлиши шарт. Анқара мудофасини мустаҳкамлаш ишларини тезроқ тутатиш лозим.

Ҳасан оға: Фармойишларингиз бажо келтирилади, Султоним. Барча кучлар Анқара мудофасини мустаҳкамлашга, унинг теваратрофини ҳимоя қилишга сафарбар этилади.

Боязид: Темури тарафига ўтаётган бу насроний итлари нима дейишмоқда? Менга Темури билан жангда бетараф бўлиб қолишга ваъда берган Византия, Генуя ва Венециядагилар ўзларини қандай тутмоқда?

Ҳасан оға: Худо урсин уларни, византияликлар Сизнинг ва аждодларингизнинг шаънига иснод келтирди. Генуяликлар Темурининг байроғини кўтарди. Шаҳарликлар эса, жангда Темурибекнинг ғалаба ҳозонилиғини Муҳаддас Софиядан илтижо қилиб сўрашаётти.

Боязид: Бир кун келиб, никоҳсиз муғулга муҳаббат ва садокат кўрсатганлари учун бу насронийларни қаттиқ жазолайман.

Ҳасан оға: Душманларингиз сизга «Йилдирим» деб беҳиз ном бермаган. Сиз чақмоқ деган номга жуда лойиқсиз. Албатта, Темури енгасиз ва у қўшинлари билан бирга очлигу хор-зорликда ўлиб кетади.

Боязид: Мен энг қудратли қўшинга эгаман ва мен ўз еримламан. У эса, Самарқанддан жуда олисда, ҳадемай отлари сувга ва хашақка зор бўлади. Яничарларим менга содиқ ва мен уларни, ҳар доим бўлгандек, бу гал ҳам тўғри йўлга, ғалабага бошлайман. Ҳасан, бу Алпир бичри орзуларимни чиқармакка бўлди, ишқилиб. Чунки мен унинг Гуржистонни забт этганини эшитдим. Бундай ғалабага эришилсе – осон иш эмас, ҳар ҳолда.

Ҳасан оға: Уни қўяверинг, Султоним. Мана, жасур деб сизни айтса бўлади. Сиз ҳамisha ғолиб келгансиз ва бу гал ҳам зафар Сиз томонда.

Боязид: Албатта, лекин эҳтиёткорликни қўлдан бермайлик. Оға, Миср ва Сурия султонларига хабар юбор. Темури Сивас шаҳрида кўриниши ва Анқара томонга юриши билан унга ҳужум қилишни бошласинлар. Уни қўлга олиб, қозинка ўтказсинлар.

Ҳасан оға: Қўшинини Анқара жанубига жойлаштиришиниз шартми?

Боязид: Фойдаси йуқ. Сивасдан Анқарагача фақат битта йул оркали борилади. Жануб томон тоғликлардан иборат. Қушин у ерда қийналади. Қара, тоғларнинг мана бу жойларида хатто чўпонлар ҳам юра олмайди. Қурдинги, Темур Сивасдан Анқарага қайси йул билан боришини кузатиш лозим.

Боязид Ҳасанга харитани кўрсатаяпти.

4-сахна: Темур - Доруға - Нуриддин - Бока

Грузия: Темур жангчиларининг чодир.
Доруға, Нуриддин, Бока ва Темур кенгашаяпти.

Доруға: Одамларимиз шовқин қиляптилар. Улар душманларимиз ҳаракатини урганишибди. Форслар билан булган жангдаги ҳолат яна тақрорланяпти.

Бу жанги мен шатранж ўйинига ухшатаман. Мен ўйини Боязид пиёдаларини олишдан бошлайман. Ҳалаб, Дамашк ва Бедодни бўйсундираман. Кейин бир сакраш қилиб, тоғдан ўтиб оламан. Қарабсанки, икки шох юзма-юз турибди. Шунда қолибни Аллоҳ танилайди.

Темур: Мен қаерга борсам, улар мени кузатиб юришибди. Мана, ғалаба режаси. Мен Туркияга юриш қиламан. Боязид мени Анқарада кутади. Мен эса, Сивасни оламан-да, жануб томон ҳаракатланиб, Сурия томон юраман, Дамашқни ва йул-йулакай Ҳалабни ўзимга бўйсундираман. Месопотамияни кесиб ўтиб, Бағдодни ишғол қиламан. Энг муҳими, бу ҳудудларни жангсиз қўлга киритаман. Боязидни қўрқитиш учун Сивасда тураман. Боязид ўз салтанатининг шарқий қисмини кутқариш учун ортга қайтади ва мен унга қарши жангга қираман. Олдин пистирмада беркиниб туриб, сўнг тоғларни айланиб ўтаман-да, Анқарани босиб оламан. Буларнинг барчаси Боязид мени хали излаб, тополмай юрган бир пайтда содир бўлади. У ўз йулини ўзгартиради ва ҳеч қутилмаган жойда, қўшинлари энди қайтиб кета олмайдиган манзилда бизга дуч келади. Бу пайтда унинг қўшини қарчаб, холдан тойган бўлади.

Доруға: Лекин, тоғлардан ошиб ўтиш осон эмас.

Темур: Бу бизга ҳеч бир қийинчилик туғдирмайди. Шундайми, Бока?

Бока: Албатта, Амирим, Олтойда туғилган, тоғли жойларда осон юрадиган гуруҳни фармонингизга кўра ўша ерга юбораман. Улар тоғ орасини очиб, йул хозирлайдилар. Сиз бошчи бўлиб турсангиз, шубҳасиз, у ердан осон ўтиб кетамиз.

Темур: Бу жанги мен шатранж ўйинига ухшатаман. Мен ўйини Боязид пиёдаларини олишдан бошлайман. Ҳалаб, Дамашк ва Бағдодни бўйсундираман. Кейин бир сакраш қилиб, тоғдан ўтиб оламан. Қарабсанки, икки шох юзма-юз турибди. Шунда қолибни Аллоҳ танилайди.

5-сахна: Боязид - элчи Сулаймон - элчи Аловуддин

Анқара: сарой олди, Боязиднинг ҳарбий чодир.
Боязид содуб кийган, белига қилич таққан ҳолда турибди. Биринчи элчи ўзини таништиради.

Боязид: Мен сени танийманми, сипоҳий?
Сулаймон: Сулаймон, сипоҳий Сулаймонман, буюк Султоним. Суричдан келдим.

Боязид: Мен Темурнинг жангчилари султон Фараж мамлуқларини қандай қилиб яқсон қилганини тушунмаяпман? У Дамашққа қарши қўшин юборишга журъат қилибди-да.

Сулаймон: Мисрда Султон Фаражнинг мамлуқлари тиркириб қочиб кетишди. Улар мағлуб бўлагач, Темур Халаб, Дамашқ ва Баалбаб шаҳарларини ўз қул остига олди. Бу Аллохнинг бизга бемисл азоби ва жазосидир.

Боязид: Темурнинг қонга ташна шер қаби биз томонга келишичи зийрак овчидек пойлаб турдик. У Сувайш каналидан ўтганда Месопотамиядан келган аскарлар йўлни тўсишди. Мен барча аскарларини билан унга қарши жангга кетяпман. Сипохий Сулаймон, мен сенга Бағдод жангчиларини хабардор этиш вазифасини топшираман. Улар Малатия олдидаги чегарадан оғох бўлиб турсинлар.

Иккинчи элчи чане-тўзондан униққан либос ва синиқ собут кийган ҳолда чодирга киради.

Аловуддин: Султон, Аллохнинг қаҳрига қолдик. Тўғрисики тан олиб айтишми керак, Темур ярим тунда Бағдодни эгаллади. У пайтда жангчиларимиз уйқуда бўлган, лекин Темурнинг қўшини уларга ҳужум қилмабди. Шунчаки харбийларимизнинг барини қуролсизлантириб, кечки овқатга хабарчи қабутарларимизни пишириб беришибди. Бу қабутарлар Султонимизнинг илак матоли нафис қозғоларга биттиладиган хатларини етказгувчи эди. Айниқса, Амир Темур Султон Аҳмадга қарашли олтин дарахтни топиб олиб, Самарқандга олиб кетмоқчи экани хақидаги хабар Султонни оғир қайғуга солди. Қўшинимиз Амир Темурга таслим бўлди ва қуролсизлантирилди. Унга қарши чиққан кўзғолончилар эса, қақшатқич жазога дучор этилди. Султонимиз хозир бадавийлар саҳросида яшириниб юрибди.

Боязид: Шундай қургуликлар ҳам тақдиримда ёзилмак экан-да. Бўлмаса, палаги тоза турк Боязид Йилдирымга қарши мўғул-туркий аралаш қонли Темурнинг юзма-юз жангга кириши адолатданолғи ўзи. Ахир, иккимизнинг томирларимизда оқаётган туркий қондаги қурб-қувватлар турлича-ку!

6-саҳна: Амир Темур – Нуриддин – Боязид – Бока – руҳоний Ноанн – Шатоморан – Асад – таъиб

Анқар: Анқара қасрининг қапта очиқ майдони олдиди: Амир Темурнинг жангданги ғалабаси нишонланмоқда.

Амир Темур аскар қони билан ичкарига киради. Қопчадан шатракч тахтасини олиб, хонтахта устига қўяди. Узоқдан аскарларнинг шайқолини эшитилди.

Темур: Мен ўзимга қарши бир неча йил олдин ўйналган ўйнинг тугатиб қўймоқчиман.

Доруға кириб, болишга ёнбошлайди.

Доруға: Қойил! Турклар тум-тарақай бўлиб кетишди. Сиз ўзингиз уларнинг марказига ҳужум қилгач, душман бирдан заифлашиб, саросиммага тушди. Уларнинг ўнг қаюғидаги қўшинининг хозирча қаршилик

курсатиб турибди. Амир, уларни захирада қолган Георг харбийларин билан бирга тор-мор қилиш учун Бокани юбормайсизми?

Темура: Йўқ, биродарларимиз қони тукиладиган жангдан тийилмамыз. Уларнинг унғ қаноти Боязидга қарам бўлган серблардан иборат. Мен уларнинг мардлигидан ҳайратдаман. Улар аввалига таслим бўлишди ва европалик қироллар олдида менинг қушиним қучилишгани курсатиб қўйиш учун яна қайтишди.

Доруға чиқиб кетмоқчи бўлади.

Боязид-чи? Уни бирор киши қидирмоқдами? Балки, у асирлар орасида ёки уликлар ичидадир?

Доруға: Мен унинг атрофидаги охириги чавандозлар қандай халок бўлганини кўрдим, лекин филлар қайтган пайтда довдираб, қалғиб қолибман.

Шу аснода Нуриддин кириб келади.

Нуриддин: Амирим, Амирим! Қора отда қочиб бораётган турклар Султонини таниб қолдим.

Доруға: Мен Бока билан унинг кетидан кузатаман. У учқур отда эди.

Нуриддин Амир Темурга вазмин назар солади.

Темура: Нуриддин бу ишга амалга оширмоққа лойик; у Боязид Йилдиримни тутиб қелишни боғлайди. Менга ҳамла қилмоқчи бўлган сипоҳиларнинг бир қанчасини битта ҳамлада қулатганини кўрганман. Отлач, Амир Нуриддин, менга турклар Султонини тутиб келтир.

Нуриддин: Ташаккур, Амирим!

Нуриддин ташқарига отилади. Ташқаридан от туёқларининг товушлари эшитилади.

Доруға: Боязид - ёвуз саркарда, мен ёш Нуриддиндан кўрқялман. Кечирасиз, Амирим, бу ишга Бокани юбора қолинг.

Темура: Йўқ, Нуриддин бу ишни аъло даражада бажаради. Билман, Боязид жуда мохирона жанг қилади, лекин ҳозир у мағлубиятдан юрагини олдириб қўйган. У ёмон туш кўрган одам сингари саросимага тушиб, орқа-олдига қарамай қочмоқда. Айниқса, Анкарани тарк этишга қарор қилганидаёқ ҳамма нарсани йўқотганини тушуниб етган бўлса, бошига гурзи тушгандек қарахт бўлса керак, ҳойнақой. Шундан экан, бир йилгиимизнинг ўзи унга бемалол бас келади.

Дустим Доруға, бир қўл шатранж ўйнаймиз, балки омадинг чолиб, сен бугун ютарсан. Кетдик.

Доруға: Менинг устимдан қуляпсиз, Амирим, сиз энг салоҳиятли шатранж усталарини доим мот қилгансиз, ҳатто Дамашқдаги шундай билимдон арабни ҳам ютгансиз.

Темура: Эҳ, уша Ибн Халдуни айтасанми, у чиндан ҳам шатранж ўйинига уста экан. Унинг ўз мамлакатига эсон-омон етиб олганини биллиб хурсанд бўлдим.

Амир Темур шатранж тахтага устида уйланиб туради-да, донга суради.

«Ўзбекистоннинг қадимий маданияти ва тарихига қул бор мурожаат қилганман.

Айниқса, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини урганлиш менинг умрим мазмунига айланган. Ана шу узоқ ўрганлишларимдан шунга амин бўлганманки, Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида санъатни юксак қадрлаган, унга ҳойилик қилган. Бу анъаналар мустақил Ўзбекистон томонидан қайта тикланди ва изчил давом эттирилмақда».

Люсьен Керен

Ташқарида танбур навбоси таралмоқда. Нуриддин қўллари боғлиқ Боязидни олиб киради.

Боязид: Лаънат сенга, маккор! Мен кечагина Ҳусоини турклар Султони, имон-этиқод ҳимоячиси, Худонинг ердаги севяси, насронийилар устидан қули Баланд келган шиддат-важохатли саркарва эдим. Мана, бу кеч эса, кучманчиларнинг оддий етакчиси олдиди кулшек мулзам бўлиб турибман.

Амир Темур донларни суришида давом этади.

Бу дайдиларнинг Амири нима қиляпти? У мен унинг қабулида эканини писанд қилмай, узини шатранж ўйинига берилиб кетгандек курсатмоқчи, чоғишда.

Амир Темур Боязид Йилдирым томон қарайди.

Темур: Секин-роқ, Йилдирым, сен бу ўйинни ютказдинг. Хозиргина уйин тутаган шатранж тахтаси бутун сен ютказган ва мот бўлган жанг майдонининг тийсоли эди. Сен менга, яъниким Амир Темур Қурагон, Самарқанд шоҳи, бутун Осийни забт эттувчи музаффар саркарда ва Чигатойхон меросқурига қарши ўйнаб ютказдинг. «Дайдиларнинг Амири» деганинг учун ҳам сен каби бир дайдининг бутунги мағлубияти хурматга лойиқ, деб ўйлайман.

Боязид: Сен менинг бахтсиз тақдирим устидан куляпсан, лекин Худо ҳаёт ва давлатни тақсимловчи Олий эотдир. Мендан олган барча нарсаларни эртага сендан ҳам олиб қўйиши мумкинлигини унутма.

Темур: Биламан. Бу гапларинг Умар Ҳайёмнинг мана бу рубоий-сида ҳам бор:

Кекса, ёш - ҳаётга ҳар кимки етар -
Ҳаммаси изма-из, бирма-бир ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Келдилар, кетамиз, келишар, кетар.

Султон Боязид, сен ўз мағрурлигининг қурбони бўлдинг. Бир пайтлар менга ҳақоратлар билан жавоб қайтарган бўлсанг-да, сенга яна ўша тақлиф - тинчликни тавсия этаман. Мен сендан фахатгина қарвон ўтадиган катта йул - Ипак йули бўйидан кетишингни, Европани тинч қўйишингни ва менга қарашли Тоҳаристон худудларини озод қилишингни сурайман.

Боязид: Бу тақлифинг қўл остингдаги одамларингта балким тарихий адолатдек бўлиб туюлар, аслини олганда, бу мен учун сен кўп йиллардан бери бизга қарши қўйиб келаятган бешафқат тузоқдан бошқа нарса эмас. Сен ўта кетган ҳокимиятпарастсан, бутун дунени забт этмош илинжидасан, шу йўлда ҳамма ерга кулфат ва ўлим олиб келаяткан.

Темур: Ўзингни босиб ол! Қаршингда, сен айтгандек, кучманчиларнинг бошлиғи эмас, балки янги шоҳ Искандар турибди. Ҳа, мен урушда мени улдирмастикларни учунгина улдирдим. Сен, дастқаш Султон, инсон зоти заиф мавжудот эканини тан ол. Худонинг уларнинг устидан ғолиб бўлиш ва уларга раҳнамоллик қилиш учун менга куч-қудрат берди.

«Буғун Соҳибқирон Амир Темур авлодларини, ўзбек санъатини куриб, Ўзбекистоннинг келажаги чиндан ҳам буюк эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ҳаммани бирдай мафтун этган бу сеҳрли диёр санъатига, санъаткорларининг ижро маҳоратига фақат тасаннолар айтаман».

Люсьен Керен

Боязид Йилдиримининг бу сузлардан ори келиб, хижолат тортиб қолади. Бирдан ханжарини олиб, ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлади. Доруға билан Нуриддин уни ушлаб қолади. Улар Боязидни ҳурроқсизлантириб, ерга йиқитишади.

Боязид ўзини ўзи уриб, бошига муштлаб, бор овозда қичқиришга тушади.

Боязид: Мен қаердаман? Сизлар кимсиз? Ёрдамга! Чавандозларимни чақиринглар! Мен Усмонлилар Султониман. Ҳеч нарса кўрмайтман, улишни хоқлайман, Ҳасан оға қани, Ҳасан оға!

Боязид ҳушидан кетади.

Темур: Мен унинг бу ерда жон таслим қилишини хоқламайман. Нуриддин, Табриздан келган уша табибни ҳозирок топ, у зур табиб.

Нуриддин чиқиб кетади.

Доруға: Уни ҳозирча боғлаб қуйиш керак, бўтмаса яна ўз жонига касд қилишдан тоймайди.

Темур: Ҳаммаси яхши бўлади. Мен ҳасрда бургутлар яшайдиган каттагина қафасни кўргандим. Қушларни қўйиб юбориб, қафасни шу ерга олиб келинглар. Боязид Йилдириминни ўзидан химоя қилиш учун табиб келгунича шу қафасга солиб турамиз.

Доруға: Мен қафасни келтириш учун Бокадан ёрдам сўрагани келтирман.

У чиқиб кетади, Темур қўзилиб ётган Боязиднинг олдига келиб, нисзалайди ва унинг пемонасими артади.

Темур: Бечора Боязид, агар бу кунларга дош берсанг, балки салтанатининг бирор қисмини қайтариб берарман. Балким, утмиш ҳаётда аждоқларимиз қайсидир даражада бир-бирига қариндош бўлгандир. Ким билади, дейсан.

Бока ва Доруға панжарали, эшикли катта қафасни олиб келади. Уни ерга қўйиб, эшигини очадилар ва болишу пушакларни киритадилар, сўнгра Боязидни кутариб қафасга қўядилар ҳалда эшикни беркитадилар. Улар чиқиб кетишади. Доруға кечроқ қайтиб келади.

Доруға: Амирим, чет эллик биродарлар ҳузурингизга кириб, Сизга таъмин изҳор этиш учун ташқарида кутиб туришибди. Улар орасида Иоани исми насроний роқиб ҳам бор.

Бока бирор сўз демасдан чиройли тахт ва зарҳал ғиламни кутариб кириб, уртага жойлаштиради (қафас тахтининг бир чеккасида турибди). Амир Темур Боқанинг елкасига дўстона қоқиб, қўлбола тахтга чиқади.

Темур: Яхши иш қилдинг-да, Бока.

Амир Темур тахтини яхшироқ кўриб олиш учун унинг сўянчиёвизга эмилади.

Темур: Бу қандай ёқимсиз ҳид. Мабодо бу чиройли тахт Боязидга тегишли эмасмиди?

Бока: Аёллар хиди бу, Амирим. Мен бу тахтни Боязиднинг ҳарамидан олиб келтирдим, Византияда ясаган экан ўзим. Султон ўз асирларини кўргани борганида шу тахтда ўтирар экан. Айтишлари-ча, у парилардек ошпоқ либосли, тилла сочили, оқбадан европалик хонимларга жуда ишқибоз эмиш.

Темур: Бизнинг Бокамиз шонир бўлиб кетди-ёв. Қани, аввал роҳиб қирсин.

Роҳиб Иоанн кириб келади ва қафас томон бир неча қадам қўяди.

Ҳа, бу Боязид, мен уни қафаста соғиб қўйдим. У - хаста.

Иоанн: Менинг Боязидга раҳим қилшти, лекин унвиг кўз ўнгига, Никополь жангида Франциянинг навхирон ва кўркам не-не олийнасаб ўғлонлари шафқатсизларча тизга тортилган. Мен уруш-ни яхши кўрмайман, Амр Темур жаноби олийлари, лекин бу ҳақда ўз нуқтаи назаримни айтаман. Яъни, Сиз бизнинг эътиқодимиз душманларини мағлуб этдингиз. Мен Усмонлилар аскарларини битта қолдирмай туттиш ва уларга тегишли барча шаҳарларни эгаллаш учун Сизнинг жангчиларингиз бутун Туркия бўйлаб қанчалик ғайрат-шижоат курсатганини яхши биламан. Барча насроний асирларни озод қилганингиз ва черковларни сажда учун очганингиз учун бизлар Сизни олқишлаймиз. Худонинг ҳам ғазабига учраган бу нусханинг ҳаётини сақлаб қолишни ўйламанг, унинг бошқа ҳеч вақоси йўқ, энди унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Темур: Мен унинг соғлиги ва ҳаёти ҳақида қайғуриб, табиб чақиртирдим. Боязиднинг тақдирини хал этиш - бу сенинг ишинг эмас, ватандошларингга бўлган муносабатим эса, самимий ва узармас, бундан асло таъвишланма. Сенга тақрор айтаман, мен мусулмонман. Мен жанг қилганимда менинг тарафимда насронийлар ҳам бор эди. Шу боис уларга ҳурматим баланд. Лекин қачонки садоқатли насроний менинг ихтиёримга қарши турмоқчи бўлса, мен уни ўша заҳотиёқ маҳв этаман.

Насронийлар бизнинг махсулотларимизни сотиб олишни хоҳлайди. Аксига олиб, дуненинг бу қисмидаги мусулмонлар бизнинг душманларимизга айланган ва узаро савдо-сотик муносабатларимизга путур етказди. Мен Худонинг ризолиги билан Шарқ ва Ғарб орасидаги Илақ йулини қайтадан очдим ва савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминладим. Бу эзгу ишлар мен учун араб ва туркларни забт этишдан кўра ошроқ мақсад эди.

Мен сени, рудоний Иоанн, Франция қиролига ўзининг элчим сифатида юбораман. Бугундан эътиборан сен менинг хизматсан, сен менинг элчимсан. Ҳозир сенга қотибим Франция қиролига чуқур меҳр-оқибатим билдирилган, салтанатим ва унинг қироллиги ўртасида дўстона муносабатлар ҳамда савдо алоқаларини ўрнатишга бўлган қизиқишим битилган мактубни беради.

Иоанн: Ишонч билдирганингиздан хурсандман, мен сизнинг буюк гаалабанингиз ҳақидаги қувончли хабарни етказгани Шарль IV нинг олдида - Парижга, Англия қиролни олдида - Лондонга, улуғ Папанинг олдида - Римга бораман. Жайуб Темур, ишонччи қовилки, сизнинг бе-мисл куч-қудратингиз шарофати туфайли Шарқдаги Илақ нули Ғарб учун қатта очиқ эканидан хабар топган, европаликлар беҳад таъжубга

тушадилар. Котибингиздан сўрашга рухсат этсангиз, мактубда меннинг исминини «Архиепископ Иоанин» деб ёзиб қўйса, чунки Папа менга бу янги лавозимни яқинда берди.

Темур: Хоҳлаганингдай бўлсин. Анчадан буён Сенинг шайхонликнинг кизиқиб келаман, сен яхши насронийсан. Биз томонларга яна кел, кўришгунча.

Иоани таъзим қилиб чиқиб кетади.

Бока, олийҳиммат жангчини бошлаб кел.

Бока чиқиб, Асада боғланган занжирнинг бир учидан тутган рицар Шатоморан билан кириб келади. Бока ҳайрон, Асад эса, қафасни қуриб, тиш чуқади.

Шатоморан: Жаноби Олийлари, мен сизни яна кўриш учун қайтиб келдим. Мен Трабзон ва Византия, Женева ва Венеция ҳукмдорлари ҳамда Франция маршалидан хабар келтирдим. Улар менга буюк галабангиз учун Сизга чуқур миннатдорчилик билдиришдек шарафли вазифани топширишди. Сизга чексиз самимият изҳор қилиш учун европаликлар ўзларининг элчиларини юбормоқчилар. Сиз ўз ваъдангизда собит турдингиз – Константинополь ва бутун Европани саклаб қолдингиз. Сиз – Европанинг халоскорисиз!

Бока Асаднинг атрофида айланади. Уларнинг олдига турган Шатоморан эса, қафасда кимдир борлигини сезиб қолади.

Бока: Танидим, бу – котиб Асад-ку!

Шатоморан: Жаноби Олийлари, қафасдаги ким?

Темур: Бу – Йишдириш Султон, мен уни бургутлар қафасига қанаб қўйдим. Лекин, олийҳиммат жангчи, сен олдимизда занжирда ушлаб турган Асад исмли киши Самарқандда бўлиши керак эди-ку. Бу қандай ҳол, менга тушунтириб бер.

Шатоморан: Бу кимса турклар билан бирга экан, улар енгилгач, кўрфаз орқали қочмоқчи бўлган. Асирларимиздан бири унинг Самарқанддан келган жосус эканини айтди. У сизларга қарши туркларга хизмат қилар экан. Мен уни асир қилиб олиб келдим.

Нуриддин табиб билан келиб, уни қафас томон олиб боради. Табиб эшикни очиб, Боязиднинг олдига энгашади, сўнгра уни қўлларади.

Табиб: Бу киши бошидаги жароҳат сабабли катта ғам билан жон таслим қилибди. Субҳаналлоҳ, мен Султон Боязидни танигандекман.

Нуриддин тусатдан Асадни таниб қолади.

Нуриддин: Асад! Бу ўша, Амирим, малика Дилгунча ишониб топширилган сарой котиби-ку.

Сен маликанинг хавфсизлиги учун масъул ва уни охириги кўрганлардан бирисан. Бу ерда нима қилаяпсан?

Асад унгағайсизланади.

Шатморан: Мен сизларга туркларга қарши жанг пайтида қўлга олган асиримни берипман. Бу маҳбуснинг маликангизга қандай алоқаси бор, мен ҳеч нарсани тушунмайтман?

Темур: Мен бу кимсани танидим, у менинг туриғуш ўртоғим Са-роймулкхонимнинг хизматкори, агар турклар орасида юрган бўлса, демак у сотқин. Чиқиб кетинглар, Бока, Асадни ушла!

Улар чиқиб кетадилар. Бока рицарнинг қўлидан занжирни олиб тортди ва Асадни Амр Темурнинг оёқлари остига судраб боради.

Асад: Раҳм қилинг, Амирим, раҳм қилинг.

Темур: Бока, уни жаллоднинг қўлига топшир, токи барча кирди-корларини тан олсин.

Бока ишраётган Асадни олиб чиқиб кетади.

Темур: Агар Асад турклар ичида юрган бўлса, демак Самарқанддан қочиб кетган, лекин бунга қандай қинғир ишлари сабаб бўлди экан? У Дилгунчани кўрган охириги одамлардан бири, буни Нуриддин ҳам тасдиқлади. Худойим, ўзинг қодирсан, юрагим сезмоқда, у ғайиб жангчилар орасига бежиз яширинмаган ва менинг хузурида етим боладек қалтираётгани ҳам бекорга эмас. Асад Дилгунчаменг тақдирдан хабардор, бу кундек равшан.

Доруға киради.

Доруға: Амирим, Сиз Боязид бандилигидан озод қилган икки нафар фаранг зобити мактубингизни Кастилияга, фаранглар қиролига олиб бориш учун шай туришлибди. Боязиднинг харамиди асгара жориялар сифатида сақланган уч нафар европалик ёш хоним туғрисида амрингизни кутяптими?

Темур: Улар зодагон қизлар, мен уларни ўзларининг тенги бўлган жуфт топиб бериши учун ўша европалик қирол хузурига юбораман. Уларга хизматчи Муҳаммад Кедлийни ҳамроҳ қилиб бераман, у Кастилияга менинг элчим макомида боради ва мактубимни қиролга шахсан топширади. Уларнинг бирга йўлга чиқишини таъминланг.

Доруға: Бош устига. Мен шу заҳоти бу иш билан шугулланаман.

Доруға чиқиб кетади. Бока қонга ботиб ётган Асадни Амр Темурнинг олдига судраб киради.

Бока: У буйнига олди.

Темур: Нимани буйнига олди?

Бока: Амирим, афв этинг, гап малика Дилгунчага бориб тақалмоқда. Асад кирдиқорларининг ўзинг айтиб бер.

Темур: Бу бадбахтдан қандай кирдиқорларчи ҳақилдаги гапларини сўғуриб олай?

Бока: У сизнинг номингиздан сохта фармоиши таяёрлабди. Нуриддиннинг ихтиёрига вақтинча бериб қўйилган салтанатининг элчинини муҳрини ўғирлаб, ўша ҳужжатни гўёки Сизнинг номингиздан тасдиқлатган. Ана шундай оғир жиноятга қўл уриб, шўрлик малика Дилгунчани чегара орқали Хитойга ўтказиб юборган. Бу хизматкор



Темур ва унинг дуниси
 Россиялар А. Алкулов
 ва бошқалар 2001 йил.
 Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Temur et son univers
 Paris en 2001 par A. Alcuov
 et d'autres, Musée d'Etat
 de l'histoire de l'Ouzbékistan.

Барча ишни Хитой харвони бошқиси билан ҳамтововқликда бажарган. У, уз наваъатида, маликани бамайлихотир бир номатълум хитойликка қўлдек сотиб юборган. Шундан сунг маликани ҳеч ким ҳеч қаерда қурмаган.

Амир Темур қузидо ёши билан Асадга ташланиб, уни силқилмай бошлайди.

Темур: Пастқан, буни нима учун қиздинг, Дигфунча раҳмдил, дундаги энг меҳрибон ва гузал аёл эди. Хуш, нимага, нимага?

Амир Темур ҳатто ҳам Асадни силқилар эди.

Асад: У Сароймулкхонимга, менинг суюкли Бекамга, гузаларнинг гузати, умирининг нурига емонлик хилган, Маликамнинг чарос қўзларчин аламли ёшлар оқинига сабабчи булган, у сарой Саодатига рашик қилган, Хонимнинг урнини эгалламоқчи булган. Ҳа, мен унинг барча хийла-найранг парига чек қуйдим. Хитойда сен уни энди топиб булсан.

Амир Темур қисми яшириб ортга тисарилади, Асад эса, Амир Темурнинг бедидани қисмини олмақчи бўлади.

Бока: Эҳгисет бўлинг, Амир!

Бока қилгич билан Асадга зарб бериб уни улдиради.



Темур: У менга Дилғунчамдан жудо қилишдан ортиқ яна қандай ёмонлик қила оларди. Уни улдириб яхши қилдинг, Нуён Бока, умидсиз мухаббатининг қийноғидан халос қилдинг уни, сен хақсан. Меннинг юрагимда эса, Дилғунчанинг мухаббати урнини азобли бир қайғу эгаллаб олди... Майли, ортимдан эргашаётганлар мени қутмоқда.

Бока чиқиб кетди ва Шатоморан киради.

Олийҳиммат жангчи, сен қироллар, дарғаалар ва насронинг савдогарларининг хабарчисисан. Ҳаммага шуни етказгинки, мен Туркияни тарқ этаман. Туркия мағлуб булди, энди унинг Султони ҳам, жанговар қуддини ҳам йўқ. Лекин, огоҳ булинг, туркларнинг сезгир ва жанговар қалблари бор. Йилдиримининг уғиллари аллақачон машҳур насрониларнинг ҳузурида паноҳ топган. Улар бирларини бошқасига қарши қўйиб ўйин қилишлари ва бой берилган ҳокимиятни имкон қадар қайта тижлашга интилишлари мумкин.

Боязиднинг ушми менда йўқ нарсага булган мойиғчилик ҳиссини уйғотди. Чунки, фақат унинг узлига менга лойиқ рақиб эди. Бир саркарданинг буюклиги душманининг жасуричилигига ботиқодир. Меннинг тулганини энди қандай рақиб кесиб чиқешики, мен уларнинг ҳаммасини мағлуб этган бўлсам? Балки, Хитой ҳукмдори Минг менга мунтазаб рақиб деб уйларсиз? Алқисса, қарвон йўшари яна очик ва беҳатар. Мен эса, Самарқандга қайтаман.

1-саҳна: Амир Темур – Доруға – Нуён Бока

Самарқанд: тахт ўрнатилган муҳташам кўшк

Тилла тахт устида Амир Темур ўтирибди, уртада учта қизил доирали байроқ. Зина настида Доруға болишга суянган, чор атроф қимматбаҳо гиламлар ва шпак тушаклар билан ясатилган. Бурчакда ўрнатилган идишда одам танасига икки баробар хеладиган капта олтин дарахт турибди. Унинг шоҳларига йирик-йирик ёхут, зумрад, олмос ва марваридлар осилган, улардан бири – ҳуш, яна бири – мева, бошқаси эса бирг шаклида товланади. Амир Темур суратли китоб варақламоқда.

Темур: Биласанми, Доруға, энди кўнглим жойига тушгандек.

Доруға: Шақ-шубҳасиз, Амирим, янги қиролликлар Сизнинг буюклигингиз олдида таъзим қилмоқда.

Темур: Йўқ, Доруға, мен ер юзи ва юлдузларнинг устози бўлиш буюк Қозизоданинг ўзшогирди, яъни менинг суюқли набирам Тарағай-Мирзо Улугбекка берган юсак баҳосини тафаккур қилмоқдаман. Устоз менга кичкинтойимнинг муваффақиятларидан таажжубда эканини айтди ва шогирд аллақачон устоздан ўзиб кетганига ишонч ҳосил қилганини кўшимча қилди. Бошқа болалар ҳам тил, адабиёт ва санъат бобида ўз маҳоратларини муносиб намоён этишмоқда, албатта. Лекин Улугбек бир кун келиб бу қаби барча билимларнинг шоҳи бўлишига ишонаман.

Шу билан бирга, бу ҳол мени ҳавотирга ҳам солмоқда. Қара, Доруға, у жанговар таълимни ва жангчилар сафида бўлишни унчалик хуш қурмайди. Катта онаси Сароймулкхоним ундан жуда рози, бироқ у ҳам шу масалада ҳавотирини яшириб ўтирмади. Сен ёш Тарағай билан ҳарбий санъат масаласида эътиборли бўлиши кераклигини гаплашишингни хоҳлардим.

Бока кириб салом беради.

Темур: Нуён Бока, аскарларимиз янги фатҳлар ҳақида маълумотлар беришни сўраб сени ҳоли-жонингга кўймаётганларинги, бу тинимсиз саволлардан бир оз тараддуд ва ҳаяжонда эканингни биламан. Менинг узимни ҳам шу масала қийнамоқда. Бу ерга қайтганимдан бери қанча-қанча байрамларни нишонладим, тукин базму зиёфатлар бердим, қироллар, шоҳлар ва шахзодаларни қабул қилдим, турли мамлакатларнинг элчиларини тингладим, суд ва қатл жараёнларини бошқардим, салтанатим йўлларини ислоҳ этувчи ҳоким ва сарбонларни эшитдим, бундан ташқари, не-не мухташам иморатлар бунёд этишда меъмор урувчилар билан бирга ишладим.

Доруға: Самарқанд – барча шаҳарлар ичида энг жозибадори бўлиб турибди. Бу сизнинг улўв хизматларингиз шарофати ила, Амирим.

Темур: Лекин, Доруға, менинг ҳозирги ҳолатим қандай? Халқим мени буюк ишларни давом эттиришга қариб қолган, демакглими. Қараворондаги шахзодалар қачонлардир мен энг шавкатли ва қудратли шоҳ бўлганимни, лекин эндиликда толиққанимни узаро шивир-шивир қилмаётганиман. Мени отимнинг олдиғача олиб бориб кўйиш жангчиларингга малолтик етказмаётгани ва улар саркардамиз

кучдан қолган, деган ҳаёлга бормаяптими. Шу боис улар шонли сафарлар, зафарли юришларнинг вақти аллақачон ўтди, деган фикрда эмасмикан.

Бока: Ҳамма сизни ҳурмат қилади, Амирим, сиз бизларга беҳиёс куч-қудрат ва беҳисоб бойликлар бердингиз.

Темур: Энди тинчлик-хотиржамликда яшаб, бу бойликларнинг хузур-халоватини кўриш вақти келди! Уйласам, даҳшатта тушаман, бир неча ойдан бери бошим қотган. Мана, барча меҳмонлар ва элчиларни кузатиб кўйдим. Ҳозир элчи Клавихони Кастилия кироли хузурга кузатиш маросимида иштирок этиш учун «Феруза» қўшиқга кетяман. Мен қайтиб келгунимга қадар бу ерни тартибга келтиринг. Бу тахтни ташқарига чиқаринг. Мана бу ипак матолар ва фойдасиз нарсаларни ҳам олиб чиқиб кетинг. Бағдод Султониининг олтин дарахтини Сароймулкхоним хонасига олиб боришлар, мен уни Сароймулкка совға қиламан. Аждодларимиздан мерос олдин ва қадрдон барча нарсаларни жой-жойига қайтаринглар. Уларини енгилмас ҳисоблайдиган шохларнинг от миниши, жанг қилиши, қалъаларни эгаллаши, юртларни истило этиши, қўш қўллаб қўлтич ўйнатиши, йўللарни созлаши, шаҳарларни қайта қуриши, Самарқанд ва бутун ўлкани обод этиши, ободлик ҳамда бунёдкорлик завқини суриши – буларнинг барчасига биз эришдик. Аммо, ютуқлардан мамнун ва орқайиб бўлиб, бир жойда тўхтаб қолишга ҳаққимиз йўқ, содиқ сафдошларим. Мен сизларга эртага бир янги тadbирнинг хабарини бераман. Қани, менга ёрдам бериб юборинглар.

Доруға ва Бока Амир Темурнинг ўрнидан туриши ва ташқарига чиқинига ёрдам бердилар.

2-сахна: Амир Темур - Доруға - Сароймулкхоним

Самарқанд: тахтсиз турган кўшк, хона ичида кичкина тунакчи сури ва бир неча болинлар, ихкитагина сизил бор. Парда кўнтриб қўйилган, ташқаридан кираётган шабада уч доирали байроқни ҳалқирамоқда. Атроф қатъийлик ва ниҳоятда камсуқумлик билан тартибга келтирилган. Амир Темур жойнамазда ўтириб, дуо қилмоқда.

Темур: Эй қудратли Парвардиторию, Сендан раҳм-шафқат сўрайман. Сен мендек кучманчи бечора бир йилгитли шохлар шочи, Шарқнинг енгилмас ҳукмдори даражажисгача юксалтирдинг. Мен жуда кўп ғалабаларни қўлга киритдим. Негаки, Сенинг фариштанг ҳар гал тушларимга кириб, эртанги жанг ҳаракатларини олдишдан менга аён қилар эди. Энди бўлса, мана шу хурб-қувватсиз қол, илп-лаб ғалабаларга тўймаган жаҳонгир Амир Темур охири мартаба жангда қўлловчи фариштангни менга яна қўмакка юбор деб, Сенга сажда қилимоқдаман. Мен бу гал қўшиним билан Хитой ҳукмдорига қарши юриш қилсам, дейман. У эзини Осмон ўғлиман, деб белудга гердаймоқда. Боз устига, уз сароёи дунёнинг қоқ марказида жонлашгани тўғрисида нотўғри даъвоини ишғари сурмоқда. Мен уни тахтдан ағдариб, ақлини киритмоқчиман, хитойликларга эса, Осиёнинг юраги Хитой эмас, балки Самарқанд эканини кўрсатиб қўяман.

Амир Темур ўз жойига ўтиради ва Доруғани чақиради.

Доруға!

Қариган ва сал энгашиб қолган Доруға киради

Доруға, сен элчиларга берган охирги зиёфатимда катнашдинг ва хитойликларнинг мактубини эшитдинг. Узини самовий деб номлаган император «жаноблари», асл хитойлик машхур Минг Хитойга император булгани важи билан Самарқанд подшохи Кубалайхон даврида Хитойга тулаб турилган соликларни яна тулашни талаб қилибди. Бу мен - Курагон учун ҳақорат ва менинг содиқ жангчиларимга қарата уруш даъватидир. Бунга чидаб бўлмайди.

Доруға, мен Хитойга қарши уруш эълон қиламан. Бока, сен харбийларнинг жанговар ҳолатда булишини ўз зимманга оласан. Лекин сен олдин менга шуни айт: сен менинг дўстимсан, жангу жадалга мен билан бирга борасанми, чунки сен ҳам мендек қариб қолган кўриналсан?

Доруға: Темурбек, сизга бир утовда туғилиб-ўсган акадек гапиришга рухсат беринг. Бу йилги қиш жуда узоқ давом этади, тоғ йулларида юриш қийин бўлади, баҳорни кутайлик. Бундай об-ҳавода катта кўшин билан қандай қилиб олис сафарга чиқиб бўлади, ахир.

Темур: Баҳоргача узоқ, кутолмайман. Совуқдан сақланиш учун керак бўладиган барча буюмларни олиб келасан. Қўшиним мен билан бирга боради, чунки мен хоҳлаганимни қилишимга имкон берувчи бу жасур кишиларни мен жуда ардоқлайман ва уларга муносиб ҳаёт шароитларини яратиб берганим учун улар ҳам мени яхши кўрадилар. Мен энди қажинлаган чопқир тулпорга сакраб миниб, уларга қахрамонликда намуна бўладиган навқирон йиғит эмасман, балки жангчилари замбилда олиб юрадиган бир оқсоқман. Жангчиларимдан: мен билан қаҳратон қишда Хитой императорига қарши урушга борасизми деб сўрасам, ишончим қомилки, улар менга: ҳа, сиз учун бўлса, Сохибқирон, биз сизни елкамизда уша Хоннинг олди-гача олиб борамиз, биз довулда, муз ва қор оралаб дадил йул босиб бориб, хитойликлар билан урушамиз ҳамда уларни ентамиз, деб жавоб берадилар.

Доруға: Амирим, ешлигингиздан шундай буюк салтанат бунёд этишни орзу қилардингиз ва муродингизга етдингиз. Кўнглингиз яна нимадан тўлмаяпти?


Темур: Император Минг менинг шатранж тахтада қолган охирги дона - охирги қаним. У менга солиқ тулатмоқчи ва қалбимга ханжар урмоқчи бўлди. Бунинг жазосини олади: у тахти ва наслини йўқотади. Худодан менга яна қувват беришини ва тушимда мен билан суҳбатлашиш учун фаришта юборишини илтижо қиламан. Агар менга шу ешишда галаба берса, салтанатим теғрасида ниҳоят тинчлик ҳукм суради, мен бутун Осиё халқларини поштахти Самарқанд билан ягона салтанатга бирилаштирган бўлар эдим.

Доруға: Ҳали ҳам жуда кеч эмас, Амирим.

Доруға тақдирга тан берган, ҳўллари осилган ҳолда түрибди. Ташқариди жангчиларнинг қичқирдиқлари эшитилади.

Ҳарбий овоз: Соқчилар! Малика Сароймулкхоним!

Император Минг менинг шатранж тахтада қолган охирги дона - охирги қаним. У менга солиқ тулатмоқчи ва қалбимга ханжар урмоқчи бўлди. Бунинг жазосини олади: у тахти ва наслини йўқотади. Худодан менга яна қувват беришини ва тушимда мен билан суҳбатлашиш учун фаришта юборишини илтижо қиламан. Агар менга шу ешишда галаба берса, салтанатим теғрасида ниҳоят тинчлик ҳукм суради, мен бутун Осиё халқларини поштахти Самарқанд билан ягона салтанатга бирилаштирган бўлар эдим.



Digitized by
Sri Lanka
National Library
Colombo
1988

Амир Темур кичкина сури устига чиқиб ўтиради ва Доруғага чиқиб хетилишни ишора қилади. У чиқаётганда Спроймулхоним кириб келади. Доруға Хонимга чуқур таъзим қилади.

Сароймулхоним: Ох, Амирим. Мен бугун эрталаб соқчиларнинг мени титроқка солган «Хитойга юриш!» деган чорловини эшитдим. Мен Нуён Боканинг аскарларига қишқи кийим-бош тарқатаётганим ҳам курдим. Сиз шундай изғирин қишда у ёқларга сафарга чикмасангиз керак?

Амир Темур бошига ишора қилади.

Темур: Менинг Сароймулким, сен беназирсен. Узоқларда жангу жадал қилаётганимда пойтахтда обрўйимни доимо мустаҳкамлаб турдинг, фарзандларимнинг таълим олишида ҳам беҳиёс меҳр ва ғамхўрлик кўрсатдинг. Мен яна қўшеним билан сафарга соқланаётман. Хитойга ҳужум қилиш учун қатта куч зарур, менда ҳозир ана шу куч бор.

Сароймулхоним: Амирим, Сиз Шарқдан Ғарбгача не-не мамлакатларни маҳв этиб, доимо ғолиб бўлдингиз. Эндиликда қанчадан-қанча ғўзал ва мухташам қасрлар, беҳисоб бойликлар, хушманзара жаннатий боғлар, гуллаб-яшнаётган бепоён дийёрнинг эгасисиз. Мен маза қилиб ҳордиқ чиқариш, хузур-халоватда яшаш вақти келмадимикан, деб ўйлаётман. Сизга Хитойнинг нима кераги бор ўзи, энди сафару юришларга не ҳожат?

Темур: Сени тушунолмаяпман, дам олиш вақти келди деб, жаҳонгирнинг рафиқаси чекинмоқдами? Модомики, ҳаёт шомида ҳам ёшлик тонгидаги ғўзал орзулар тарқ эмас экан, хотиржам ва орқайин яшаб булар эканми? Аксинча, ўша орзуга қучоқ очиб, уни мамнуният билан рўёбга чиқариш учун олис ва машаққатли йўлда равона бўлганимиз маъқул эмасми?

Мен сени қанчалик қадрлашимни биласан, азиз умир йўлдошим, шахзода фарзандларимнинг қатта онаси. Сен яна шунга ҳам яхши биласанки, ёш ҳинд маликаларини яхши кўраман, кейин ...

Сароймулхоним: Ҳа, Дилғунча, деган бечора қизчини ҳам.

Темур: Хитойликлар аллақачон унинг бошига етганлар, уларни лаънатлайман, лекин мен қасос олиш учун юриш қилмаяпман. Мен умрим бўйи жангчи, истилочи, жаҳонгир бўлганим, мен муқаддас уруш даврида бир чеккада жимгина жон таслим қилишим мумкин эмас. Хитойликлар бутга, санамларга сиғинадиган эътиқодсиз кишилар эканини биласан. Бундан ташқари, уларнинг императори мени қаттиқ ҳақорат қилган.

Яна бошқа бир сабаб ҳам бор: ёшлик пайтимда ровийлардан Хитойни қучманчи жангчилар забт этгани тўғрисидаги ривоятларни жуда таъсирланиб тилглардим. Бу таъсирланиш даражаси шунчаликка етдики, кейинчалик олис тарих давомида утган не-не буюк хонларнинг овозлари доим қулоғим тагиде жаранглаб турадиган бўлди. Ҳатто, бир кунги улар менинг қачондир албатта «Осмон Фарзанди» тахти остоналарига етиб боришим ҳақидаги башоратни қулоғимга шивирладилар. Мана шу сабаблар туфайли мен Хитой юришига жўнамоқданан, суюқли рафиқам.

Сароймулкхоним: Мен сизни ҳеч ким бу йрдан қайтара олма-
лигини тушуниб етдим. У ҳолда, Амирим, Сизга Яратган Эгамдан улуғ
марҳаматларни ва узимга Сиз азиз жуфти халоломдан биргина итти-
фот хўрсатишларини ўтиниб сўрайман.

Темур: Олдиндан қабул қиламан.

Сароймулкхоним: Мени ўзингиз билан бирга олиб кетинг!

3-сахна: Амир Темур – Сароймулкхоним – Доруға – Бока

Туркистон: ўниб бўлмас довои, муз, қор, довул.

*Амир Темур Сароймулкхоним ёрдамида қийинчилик билан юриб
бормоқда. Бока ва Доруға Сароймулкхонимнинг ортидан келмоқда. Улар
тўхташади.*

Сароймулкхоним: Мен бир нарсани аниқлаштириб олишим ке-
рак, Амирим, шу ерда озғина тўхтайтилик. Бу қор ва куюн орасида юриб,
ўлар даражада чарчадим, сиз эса, безакнинг зуридан титрайсиз.
Тўхташа буйруқ беришг, чодирларни тикайтилик, сиз ҳам дам олишг.

Бока: Биз бу музликда беш кундан бери турибмиз, Амирим, агар
шу ерда қолиб кетсак, отларимизнинг ҳаммасини йўқотамиз. Уловсиз
Хитойга қандай кириб борамиз?

Доруға: Амирим, аскарларингизга раҳм қилинг, муз қоплаган
йўлниг узоклиги икки мияг чакиришча келади. Чекиниш ва баҳорни
кутиш керакка ўшади.

Темур: Тўхташ! Чекиниш! Кутиш! Йўқ, асло! Мениг ишон-
тиёрим бу хаста танални катта овга шай лочин каби кўтариб парвоз
қилишда. Буюк музаффариятни бошлаймиз. Ортимда содик халқим
ва мафтункор Самарқанд – азиям пойтахтим, не-не ёркин ғалабаларим
ва аҷиб хатоларимни қолдирдим. Олдинда эса, қалбимнинг халоско-
ри бўлиш орзу-мақсадларим ўз ижобатини кутиб турибди. Бу жангда
орқата қайтиш йўқ, чекиниш йўқ, тўхташ йўқ. Бока! Нуридинни че-
гара шахримиз ўтборга, бизнинг келишимизга тараддуд қўриш учун
юбордим. Сен бир неча аскарни олиб, қўшиннинг беш кунлик тўхташ
манзилини тайёрлаш ишларида унга ёрдам бер.

Бока: Ижозат этсангиз, мен пакана мўғул отларидан бу ишларда
фойдаланаман.

Бока чиқиб кетди ва Доруға Амир Темурнинг олдигаги жойига ўтиради.

Темур: Йўлга отланг!

Улар чиқиб кетдилар.

4-сахна: Нуридин – Бока

*Ўнрор вайроналари: зини ва девизлари бузилган ҳароба уйлар олдига
деги майдон. Уйлардан бири чала вайрон бўлган, енгин асорати билиниб ту-
рибди. Нуридин ва Бока уйлارга бирма-бир кириб, эҳтиёткорлик билан тек-
шириб чиқди.*

Бока: Ол-а, бирор тирик жон учрамайдиган!

Нуридин: Ҳеч кимдан дарак йўқ. Енгин учибди. Бу ерда нима
бўлган экан ўзи?

Бока: Шу ердан жилмай тур, мен хокимнинг саройига бораман.

Бока чиқиб кетади.

Нуриддин: Бирор кулфат ё киргинбарот булганга ухшайди, лекин мурдалар йуқ-ку.

Нуриддин бир эшикдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетади.

Бир ит ва мушукдан бошқа ҳеч жонзот учрамади.

Бока қулида бир урам қоғоз билан қайтиб келади.

Сен хокимни учратдингми?

Бока: Бу лаънати шаҳарда на улик ва на тирик зот бор. Қасрнинг томи деярли ёниб, адо булган. Майдон олдидаги ёғоч устунда манави қоғоз бор экан. Лекин мен бу ёзувни тушунмайман.

Бока қоғозни Нуриддинга беради. У очиб қарайди.

Нуриддин: Бу уйгурча. Мен уни уқий оламан.

Ўтрор хокими Берди Бекдан Буюк Амир Темурга йулланган нома экан. Мана у нима демоқда: «Ҳижрий сана билан 807 йилнинг жумаси, киш куми, гул-булбулларга тўла боғнинг ўртасида музаффар байроқларимиз қилпираб турган эди. Мен аскарларингиз учун шаҳарни тайёрлаш тўғрисидаги буйруқни олдим. Сизнинг фармойишингизни бажара олмаганимдан афсусдаман. Чунки мен буғдой ва гуруч захирасини текшириш учун чиқиб кетганимда бир тўда оломон аскарларимни ҳайдаб чиқариб, қасрни эгаллади. Улар катта қўшин яқинлашётганини эшитгач, қўркув ичида шаҳарни тэрк этар экан, ҳамма махсулотларни ўғирлаб кетишди. Бу оломонга нишопурлик мунажжим Абдурахмон ва Қорахитой жодугар бошчилик қилар эди. Улардан бири осмонда учта улкан сайёранинг бир-бирига тўғри келиб қолгани ва энг катта сайёра Ўтрор устига тушишини овоза қилди. Иккинчиси эса, бир подшоҳнинг дафни ва болаларни қурбонлик қилиш маросимларини нишонлаш учун фалақдан шайтоннинг ўзи шаҳримизга тушиб келаётгани ҳақида фол очди. Мен минора ичига яшириниб олдим, кутурган оломон шаҳардан чиқиб кетишга имкон беришни талаб қилишди. Мен уларга қарши турдим, қузғолончилар саройга ўт қўйдилар...».

Бока: Кейин-чи?

Нуриддин: Хат шу ерда тутаган, қоғоз йиртилган, қон юки ҳам бор. Менимча, Ўтрор аҳолиси қисматнинг ҳақшартқич зарбасига учрашлари эҳтимолдан ваҳимага тушган ва узоқроқ ерларга қочиб қолган. Амир Темур қўшин билан бу ерга анча яқинлашиб қолди. Амиримиз бу аҳволни қўрса, кейин нима булар экан?

Бока: Ҳақиқатан ҳам, мен бир нохушликни сезяпман. Нуриддин, сен Амир Темур ва Сароймулкхонимни кутиб олиш учун захиродаги чодир ва ўчоқлар, гўшт ва чойдан етарлича олиш тўғрисида қўшиндаги масъулларни олдидан огоҳлантир. Чодирлар шу ернинг ўзиде тикилади. Ҳокимнинг қалъаси ёниб, кулга айланганини Доруғага етказ. Бу жуда ёмон аҳвол. Тезроқ бориб, уларга ҳаммасини маълум қил. Мен имкон қадар ош уюштириб, шу йул билан қўшинни боқишга ҳаракат қиламан.

Улар чиқиб кетадилар.

5-саҳна: Амир Темур - Сароймулкхоним - Доруға - Бока - Нуриддин

Ўтпир: *Ўна майдон. Буюк уруш учун тикилган чодир очик ҳолда, сўриқини уртасидаги боличилар орасида Амир Темур жон талбасида ётибди. Сандиқда Амир Темурнинг шахсий буюмлари ҳаторида шохона олтин узук ҳам кўринади.*

Сароймулкхоним Доруға билан кўрсига ўтирибди. Бока ичкарига қиради ва ўзи толқин келган Сароймулкхонимга нигоҳ ташлайди.

Бока: Хоним, уч кеча-ю уч кундуздан бери бу лаънати шаҳарда туртиб қолган қўшан янгилик кутмоқда. Сиз Амириёғониниڭ турмуш ўртоғисиз, бизга бор ҳақиқатни айтинг.

Сароймулкхоним: Сен одамларга Амир Темур оғир касал бўлиб қолган, дейишни мумкин. Ҳеч қим, на табиблар дори-дармон билан, на сеҳргарлар ўз жоду амаллари билан, на муллалар дуо билан улуг Амирниң кучайиб бораётган зотилжам хасталиғига эм була олмаяпти. Сохибқирон эса, ҳали ҳам тана ҳарорати кучлилигидан тинчисиз алаҳсирамоқда. Қачонқир ўз салтанати сархашларини Хитойгача етказиши ҳақида ишонч билан гапирмоқда. Ғалаба тўғрисида хабар бераётган илоҳий товушларни эшитётганини бот-бот тақдорлапти.

Нуриддин ўз навбати келганда чодирга кириб, Амир Темур ётган болишга пешонасини боқайди.

Темур: Бу сенмисан, мениң содиқ Нуриддиним, сениң исмиңг нурлидир.

Нуриддин: Амирим, юрагим Сиз билан муштарақ. Биз Гоби саҳросини кесиб ўтмаймиз ва баҳорда алван гуллар чаман бўлиб очилганда у ерларда бўлмаймиз, Искандар Яжуж ва Мажужни тўхтатиш учун курдирган улкан девор – садди Искандарийни забт этмаймиз. Нақалар катта қайғу.

Амир Темур қўлини Нуриддиннинг бошига қўяди ва ўзини яқинлаштиради.

Темур: Айт менга, Нуриддин, у (Дилғунчам) қаерда? Сен уни топибсан-ку, нимага ёнига олиб келмадинг?

Нуриддин: Амирим, афс эдинг, у жуда олисларда.

Амир Темур ўзини ортга ташлайди.

Сароймулкхоним ўрнидан туриб, идишидаги шарбатдан Амир Темурга озгина ичиради.

Сароймулкхоним: Амир Темур алаҳсирамоқда. Бу шифобахш малҳам Амиримига хотирасини қайтаради. Бу ташландиқ шаҳарда ҳеч қандай аёл зоти йўқ.

Амир Темур яна мурожаат қилади.

Темур: Олдимдан кетинглар, мени йуқлаб келаётган Азроилнинг сассиз товушини илғамоқчиман.

Доруга кириб, бошқалар қаторига қушилади. Уларнинг чексиз қайтадан экяни юз-кўзларидан билиниб турибди.

Қадрдонларим, мен учун кўз ёшли тўқманглар. Инсоннинг бу фаний дунёдан кетиши ҳақидаги ғамгин хаёлларга берилманг, чунки аслида ҳам бу дунё ўткинчи дунёдир. Мен отам каби суфийликни яхши кўрганман, шу боис тартибсиз ҳаёт кечирмадим. Доимо олимлар, Худонини таниган кишиларни ҳурмат қилдим, аёлларни ҳимоя қилиб, халқни билан адолатли муомалада бўлдим. Ҳар бир ютуғимда мен нимани бой беришим ёки ютук менга нима бериши ҳақида уйладим. Парвардигорим эса, барча саъй-ҳаракатларимга ҳомий бўлиб, жангларда ҳаминша ғалаба ато этди. Осиёнинг не-не мухташам шаҳарларидаги беҳисоб бойликларни тасарруфимга олдим, лекин бу ғазналарни Самарқандни обод этиш учун сарфладим.

Ҳа, ғалаба қозонай деб уруш қилганман. Ихтиёримга қарши чиққан айбдорларнинг ўлимига сабабчи бўлганман. Менга қарши урушмоқчи бўлган душманларни уруш даҳшати билан ҳаминша кўрқитдим. Чунки уларни фаҳат шу йул билан ушлаб туриш мумкин эди. Худойишнинг ўзи менинг мангу калбимга ҳукм чиқаради. Меняг шунчалар озоримга дош берган бу бечора танам мана шу ўликлар орасида чириб кетади, шекилли.

Қандайдир ноаниқ шовқин ва «та-тай» деган овоз кўп бора эшитилди.

Бока! Бориб нима бўлаётганини кўриб кел.

Бока чиқиб, тезда қайтиб киради.

Бока: Жангчиларингиз шикоят қилишгаётган экан. Қўшнни орасига бир неча жосуслар яширинча қириб олиб, бузғунчи гаплар тарқатишяпти. Шулардан бир мунажжим ва бир коҳин шаҳарда Самарқанд шохининг ўлими ҳақида шум хабарларни айтиб юрган экан.

Темур: Қиличимни олиб келиб, олдимга санчиб қуйинглар.

Бока қиличини Амир Темурнинг ёнига санчиб қўяди.

Вазиятни эшитинглар.

Бу қилич менинг Форс подшоҳи, Олтин Ўрда хони, Бағдод султони билан мағлуб этганим, Ҳиндистон султони билан тиз чўқтирганим, Дамашқ шохини қочишга мажбур қилганим, Усмонли туркларнинг Йилдирими устидан ғалаба қозонганимга бевосита гувоҳдир.

Мен Кичик Ҳиндистондаги кенжа ўғлим, шахзода Пирмухаммаднинг Самарқандга қайтиб келишини ва шохлик тожини қийинчилик билан хоҳлайман. Бошқа шахзодалар унга итоатда ва содиқ бўлишлари керак. Салтанатнинг яшаб қолиши мана шу итоат ва садоқатга боғлиқ.

Қўшн олдинга қараб юришда давом этсин. Байроғимни олган олиб боришлар, хитойликлар мени сиз билан бирга деб ишондишини ва сизлар ғалаба қозонинглар. Подшоҳ Минг билан мағлуб этгач, қиличимни мерхасурим Пирмухаммадга хизмат қилиши учун Самарқандга қайтаринг.

Бока, мен сени кушин саркардаси этиб тайинлайман. Нуриддин, сен Тошкентта кумакчи куч билан этиб келган кенжа узлим, шахзода Халилнинг олдига бориб, ундан Боканинг лашкарлари сафи-га кушилишини сурайсан.

Нуриддин чиқиб кетади.

Доруға, сен турмуш уртоғим, малика Сароймулкка гамхўрлик қиласан. У менинг жасадимни Самарқандга олиб боради. Мени катта ўғлимга атаб қурилган мовий гумбазли мақбарага, сўфия устозим Саййид Барака қабрининг оёқ учига қўйинглар. Сароймулк ва Доруға, хозирок чиқиб кетингиз.

Сароймулкхоним ва Доруға чиқиб кетади.

Устозим Саййид Барака рахбар вафот этаётганда узига тегишли барча нарсаларини атрофидаги бечора кишиларга тарқатиб бериш керак, деб ургатган эдилар. Мен сўз берганман ва бу ахди бажаришим керак.

Бока, атрофимдаги энг бечора кишилар қимлар? Уларни чорла. Ички пардани тортиб қуй, мени қўришларини хохламайман.

Бока бурчакда ташқисидан ажралиб турган ички пардани бир томонга тортади.

Мендаги барча нарсаларни, мана бу олтин ёмбилар, кумуш тангалар, ёқут қўли узук, зумрад филофти ханжарголни, феруза тошли занжирни, хиёд оғъосини, хитой ипак буюнбоғини ол. Тезроқ, Бока, мен ўзимни ёмон хис этапман.

Бока бу нарсаларни олиб, барчасини парда ортида қўлларини чузиб турган камбагал кишиларга тарқатади.

Темур: Бўлдиими? Ҳеч нарса қолиб кетмасин, мен ваъда берганман...

Бока ташқари томонга энгашади.

Бока: Ҳозиргина яна бир киши келиб турган экан. Тақирбош, наслоний роҳибларнинг юпунгина кийимлари, ялантоёқ. У менга дунёдаги барча нарсалардан воз кечгани учун камбағаллар ичиде энг камбағали эканини айтди.

Темур: Менда бошқа ҳеч нарса қолмади. Узингга тегишли бирор қимматлироқ нарсани бериб юбор.

Бока чиқиб кетади, у ерда қаншоқ одам билан қилиқиб суҳбат қилгани кейин Амир Темурнинг олдиго қайтиб киради.

Бока: Роҳиб тиланчи эмаслигини ва Сиз ўзингиз берадиган ҳадянигина олишини айтмоқда. Ушангда Буддани авлодларинг ҳақиқа дуои хайр сўрар экан.

Амир Темур ҳарсиллаганича тушаги орасидан ниманидир излайди, ҳаммо ҳеч нарса тополмайди, тусатдан шоҳона олтин узугини кўриб қолади ва уни қўлига олади.

Темур: Менда қолган биттаю-битта нарса – шу, буни эритиб ёқиб сотиб анчагина тиллага эга бўлиш мумкин.

Бока: Лекин Амирим, бу Темурийлар салтанатининг ноҳиди рамзи-ку.

Темур: Мен қалбим-имонимга ваъда берганман. Сенга бу узукни ўша роҳибга топширишингни буюраман. Хавотирланма, узукнинг қудрати ва ҳукмронлик кучи ўз эгасининг мардлигига боғлиқ.

Бока узукни олиб ташқарига чиқади ва Амир Темурнинг олдига қули бўш ҳолда қайтиб киради.

Ўша кишининг исми нима, қаердан келган экан?

Бока яна чиқиб, қайтиб киради.

Бока: Роҳиб аллақачон кетиб қопти.

Темур: Жоним узилади шекилли, Бока, Хонимни топ, тезда... Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг пайғамбари...

Амир Темур қаттиқ бир оҳ чекиб, сўнг вафот этади. Сароймулкхоним ва Доруға мгуриб келади, ҳамма кўз ёш қилиб, тиз чўкишади. Ташқарида қайгули куй ва танбур нолави эшитилади.

6-сахна: Нуриддин – Бока

Утзорр: Ўша ҳодир, лекин бутунлай бўш, санчилик турган қилич жонда йўқ. Нуриддин Бока билан кириб келади. Ташқарида ҳужон авжида.

Нуриддин: Мен видолашув дакикаларига улгуриб келолмадим. Шаҳзода Халилнинг утзоррлик икки жангчиси билан бирга эдим. Кириб келганимда, Самарқандга кетишга шай турган дафн қарвонини ва унинг олдига Хоним билан Доруғани кўрдим.

Бока ниманидир қидиради.

Бока: Қилич қани, Амир Темурнинг қиличи қаерда?

Нуриддин: Мен уни шаҳзода Халилнинг қўлида кўрдим.

Бока: Хафрийат, энди жангчиларимни оёққа тургазмокчи эдим. Биз шаҳзода Халил билан Хитойга кетаётганимизда қилич хамиша бошимиз узра бўлиши керак.

Нуриддин: Бунинг имкони йўқ, деб қўрқаман. Чунки шаҳзода Халил отда Самарқанд томонга йўл олди. Қилични ҳам узи билан олиб кетди.

Бока чиқади ва тезда қайтиб киради.

«Армон Зағирбийим
Муҳаммад Бобур»
Россам Аҳмад Нур
1956 йил.

«Вағит Зағирбийим
Muhammad Babur»
For Akmal Nour
1956



Орзуим шукки, деганди, –
Л. Керем, ушбу пьеса
қачондир Париж театр-
ларидан бирида ўзбек
артистлари томонидан
ўзбек тилида намоиши
этилади ва бунда, худди
Париждаги Шекспир
театрида амалда бўлгани
каби, асарнинг французча
таржимаси сахна экранда
изчила кўрсатиб борилади.
Бу, ўз навбатида, Европа ва
Франциядаги оммавий ахборот
воситаларининг ўрта
асрларда Марказий Осиё-
да юз берган талочтумлар
даврида тарқоқ халқларни
бирлаштириб, ягона
марказлашган давлат барпо
этган бетакрор шахс –
Амир Темур ҳақида кенга
ахборот тарқатиши учун
қулай имконият тўғдиради.

Бока: Қўшин тарқалиб кетибди. Воҳ, Амир Темур, менинг сардорим, менинг дустим, Сиз шох эдингиз, Сиз утдингиз ва ҳамма нарса бирданга тутади. Хитой энди забт этилмай қоладиган бўлди.

Нуриддин: Мен бу ерга келаётиб, тақир бош, чакноққуз дарवेशнамо бир кишини кўрдим. У ҳўлида Амир Темурнинг шохлик узугини олиб кетаётган эди. Уни сўроққа тутдим. У Темурнинг топшириғига кўра узукни сен берганингни айтди.

Бока: Бу рост.


Нуриддин: Мен ундан: «Сен сўфиймисан ёки насроний роҳибимисан, каердан келяпсан», – деб сўрадим. У менга: «Йўқ, мен Будданинг бир издошиман. Ҳиндистонга, Агра ибодатхонасига кетаялман, хотиржам бўл, қўлимдаги бу қимматбаҳо узукни тегишли кишига ўз вақти келганда топшираман», – деди. Бу буддавийнинг охириги сўзлари эди, чунки бурун бизни ажратиб юборди. Бурун орасида йўлбарс шарпаси кўзимга кўрингандек бўлди, балки бу хомхаёл, шунчаки қиш саробидир.

Бурун шовқини, чақмоқ чақини ва момақалдироқ гўлдирати тобора кучаяди. Нуриддин ва Бока қаттиқ таъсирланган ҳолда туришибди.

Бока: Сен кўрган ўша йўлбарс бурунда кучиб юрган қорларнинг соясидир, балким. Кетдик, Нуриддин, биз ҳам Самарқандга йўл олган қарвонга қўшилиб олишимиз керак.

Улар чиқиб кетишади. Кучли шамолат чодирни бузиб ташлайди. Бурун шовқини бир лаҳзада ҳамма ёқни қалрайди. Тўс-тўнолом овози секин-аста пасайиб, атрофда «Чўли ироқ»¹ оҳанглари тобора баланд ва дардли янграйди.


Т а м о м



Нозомий Ганжавийнинг «Хомса»
асарида ишланган шилс. 1479.


Теге де «Тамом»
де Назом Ганжавий 1479

¹ Аслиятда буддавий роҳиблар чаладиган ҳазин ҳўй, дейилган. – А. С.



**CORRESPONDANCES
RELATIVES
À LA DIPLOMATIE
D'AMIR TEMUR ET
DES TIMURIDES**

**АМИР ТЕМУР
ВА ТЕМУРИЙЛАР
ДАВРИ
ДИПЛОМАТИЯСИГА
ДОИР МАКТУБЛАР**




Биз Сизнинг давлатингиз доимо гуллаб-яшнашини дўстона тилаб қоламиз.

... Сизнинг савдогарлар биз томонга келсинлар ва биз уларни иззат-икром билан кутиб олайлик ва бизларнинг савдогарларимиз Сизлар томонга бориб, уз иззат-икромларини топсинлар.

... Ахир дунёни савдогарлар фаровон қиладилар.

Амир Темурнинг
Франция Қироли
Шарль VI га
мактубларидан¹.

¹ Kéitren L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan
Édition - Paris. Imprimerie Nationale. 2006. - P. 245.



Олампаюх, музаффар ҳукмдор Темурбекка саломлар ва тинчлик тилаймиз.

„Сиз зоти олийларига куп христианларга курсатган марҳамат ва дўстлигингиз учун миннатдорчилик билдирамыз. Кези келганда биз ҳам уз навбатимизда Сизнинг одамларингизга бундан ортиқроқ марҳамат курсатишга тайёрмыз.

Франция Кироли
Шарль VI шун
Амир Темурга
мақтубидади

Амир Темурнинг Франция Кироли
Шарль VI га мактуби¹

«Буюк Амир Темур Курагоний – Умрлари боқий бўлсин»
Франция Кироли дустининг юз минг таъзими ва дуолари
ни қабул қилганлар.

Қул миннатдорчиликлардан сўнг улуғ Кироли
шунини маълум қилмазмики, Фра Фрискик, устоз бизга
стиб хелдилар ва улуғ Киrol шон-шўхрати, буюкли-
ги ва олий зот қалби муҳрланган хатни келтиришди.
Бундан бошимиз осмонга етди. У бизга яна Сиз олий
шурларининг, Яратгувчи паноҳида, қапта қўшин б
ади йўлга чиққанисизни ва зумий занимларимиз
тидди волиб келганисизни етказдилар.

Шундан сўнг биз Фра Иоанн Марчессия де Су
толияни Сизга, бўлган воқеаларни сузлаб берин
га юбордик. Мана энди биз улуғ Киrolдан тез
мактуб йўллаб туришларини ва хатларда сизга
сломатликлари ҳақида хабарлар юбориб, бизларни
хатиржам қилишларини кутмоқдамиз.

Яна Сиз савдогарларингизни биз томонларга
юборсангиз, токи биз уларни қизгин, барча иззат
рини урнига қўйиб қўтиб олаймик. Бизнинг савдог
ларимиз Сиз томонларга борслар ва уларга ҳам
дан иззат-иқромлар кўрсатсангиз. Маилли, улар де
хатини хавф-хатарсиз, тусиқсиз йўл юрсинлар.

Дўнени савдогарлар фаровон қилдилар, аёв
мақли инкор этиш бефойда.

(...) узоқ умр ва саломлар йўлаймиз. Ушбу
805 йилнинг Мухаррам ойининг ябдалида битилди»²

¹ Kélon L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan 3e édition - Paris: Imprimerie Nationale, 2006. - P. 294.

² Амир Темурнинг Франция Кироли Шарль VI га мактуби // Керен Л. Саидов А. Амир Темур ва Франция. - Т.: «Адаolat», 1996. - 74-бет. Академик Б. Аҳмедов таржимасига ҳаранг. Академик Б. Амир Темур. - Тошкент, 1995. - 583-584-бетлар. Яна қаранг: Амир Темурнинг Франция Кироли Карл VI га йўллаган биринчи мактуби // Ўзбек дипломатияси тарихи: Тарихий очерклар ва алоқалар / Академик М.М. Хайруллоев ушунини таҳрири остида. - Т.: 2003. - 252-бет. Амир Темурнинг Франция Кироли Карл VI га йўллаган мактуби // Аминов М., Эмиев М., Каримов А. Буюклик йўли: Амир Темур тарихида оқиш таъкиқоллар. - Т.: «Нашрун», 2016. - 242-243-бетлар.

Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га мактуби¹

«Улу Темур Курагоний – Умирлари боқий бўлсин. Фран-
ция Қироли дустингизнинг юз минг таъзимимизни ва дуо-
ларимизни, бир олам бу дунё тилакларимизни (яъни, бу
дунё бахт-саодатини кузлаб қилган тилакларимни қабул
қилмайдлар).

Дуоини саломлардан сўнг маълул бўлсинким, ҳазрати
авлий Франсуа бу томонларга етиб келди ва макту-
бингизни ҳамда шон-шухратингизни, буюклигингиз ва
савдатингиз ҳақидаги хабарларни бизга етказди. Бо-
шимиз хўкка етди. У киши бизга Қирол хаттира қўйиш
сўлади. Оллоҳ таолонинг навоҳида йўлга чиққанларини
ва умумий душманларимизни енгганингизни сўзлаб
сўздилар.

Шундан сўнг оғамиз Иоани, Султония роҳибни Сил-
томонга, содир бўлган воқеаларни сўзлаб бериш учун
«Эфратили» Энди, биз Қирол жаноби олийларидан
тез-тез мактублар олиб, саломанглигингиздан бохабар
бўлиб, хотиржамликка эришиш умидидамиз. Яна шу
парас муҳимки, Сизнинг савдогарлар биз томонга кел-
тирилган ва биз уларни иззат-иқром билан қўтиб олайлик
ва Сизларнинг савдогарларимиз Сизлар томонга борчи-
лган иззат-иқромларини топсинлар.

Токи, ҳеч ким уларга зўрлик қилмасин ва ортинча
сўзлаб соғмасин.

Ахир дунёни савдогарлар фаровон қиладилар. Буни
сизнингизга узоқ йиллар саодат ёр бўлсин.


Ҳижрий 805 йил Муҳаррам ойининг бешинчиси

¹ Аризонский И. Иоанн Век унинг номмаълуми замонашони лотин тилига таржима қилган ва
Караме Fethen L. Le livre de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition - Paris. Imprimerie
Nouvelles. 2006. - P. 294.

Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га мактуби // Керен Л., Саилов А. Амир
Темур ва Франция. - Т. «Адилят». 1996. - 75-бет.

Амири мактуби М. Холбеътин ва Б. Валихўжаев таржимасига қаранг: Амир Темурнинг
Франция Қироли Карл VI га мактуби / М. Холбеков. Амир Темурнинг Европа Қиролилари билан
муносабатлари. - Самарқанд. «Мирас», 1996. - 20-бет.

Яна қаранг: Амир Темурнинг Франция Қироли Карл VI га йўллаган биринчи мактуби //
Ўзбек дипломатияси тарихи. Тарихий очерклар ва ланҳалар / Ахалевич М.М. Хайруллоев уш
мин таърифи естила. - Т. 2003. - 252-бет.



Франция Кироси Шарль VI нинг
Амир Темурга мактуби¹

«Шарль, Худонинг ияюпти билан Франция Кироси, Олманнинг
хукмдор Темурбекка саломлар ва тинчлик тиллашмиш.
Олий музаффар хукмдор эътиқоди ва тиллари узиги,
ишчи шах ва хукмдорлар уртасида гаразис ва узаро тилчи
лар уриятилиги, бизнингча, фойдидан ҳоли бўлмай, на
қили, на виждон ва на ҳақиқатга хилофдурким, илто бу ишлар
ичилик ва хотиржамликка олиб келгай. Улуғ ва олий музаффар
қилмуф. Сиз улуғ зотидан, биродаримиз бутун Осий тақдод
қилгани орқали олган хатлар тўғрйли ана шуларга имоним
қилма блди. Бу хатлар воситасида Сиз бизларга салом
қилди, бизниме давлат ва салтанатимиз имкониятлар
қилди. Булибсиз ва Боязид устидан ҳозонган зафар
қилди. Худоничга бизни шерик қилибсиз. Маълуминиғизким,
қиллар бизда қонқиши ҳосил қилади, чунки айтганиғиче
қилди. Бизнинг савдогарлар ва бошқа христианлариниғ,
қилдан олдинги хукмдорлар дўғридагидек Сизнинг одамлариниғ
қилган савдо қила олишлари, узаро тазйиқлардан холи
қилма машувлари, Сизнинг кул остиғиздаги ерларга
қилган бориллари Сиз улуғ зотларга манзурдир. Бунга жавоб
қилди. Сизнинг тақлифлариниғизга бажонидил қушилмиш. Дев
қилди. Сизнинг фуқаролариниғиз бизларга қаршили юртларга
қилдилари ва савдо-соғиқ қилинлари мумкин. Шунингдек,
қилдилари тақводор уз эшитган ва хурганлирини имк
қилди. Сизнинг даражасида баралла Сизларга етказили мумкин. Сиз
қилди. Сизнинг олийларига содиқлиги ва бизнинг илтимосимизни
қилди. Сизнинг унга тулиқ имониниғиз мумкин. У сизлар
қилди. Сизнинг унга борили имкониятига эга булган онда Сиз
қилди. Сизнинг сизлардан миннатдор эканлиғимизни етказажак.

Июдоит. Сиз зотин олийларига куп христианларни
қилди. Сизнинг марҳамат ва дўстлиғиниғиз учун миннатдорчи
қилди. Билдиришимиз. Кет келганда биз ҳам уз навбатимизда Сиз
қилди. Сизнинг одамлариниғизга бундан ортиқроқ марҳамат кўрсатиғизга
қилди.

Хотирати Иисус Христос таволадудидан кейинги 1403 йилини
қилди. Сизнинг битилди».

¹ Kaden I. Le royaume de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e edition - Paris. Imprimerie
Nouvelles, 1906. - P. 206.

Фотоскоп Кироси Шарль VI нинг Амир Темурга мактуби // Керен П., Саилов А. Амир
Темурга Бухарада - Т. Душанбе, 1986. - 77 бет. Академик Б. Алмедов таржимасига қаран. Алмедов
Б. Амир Темур - Тошкент 1995. - 284-363-бетлари. Лотича ва французча матбуатдан М. Холиқов
ва Р. Қалитов таржимасига қаран. Француз Кироси Шарль VI нинг Амир Темурга мактуби //
М. Халиков. Амир Темурнинг Европа Кирослари билан етишилари. - Самарқанд. «Иқтисод»,
1986. - 2-бет. Яна қаран. Фарангисча Кироси Шарль VI нинг Амир Темурга жавоб мактуби //
Тошкент миннатдорчи қилди таржимасига қаран ва наҳаллар / Академик М.М. Хайруллоев учун
тошкент остида - 1. 2003. - 201-бет. Француз Кироси Шарль VI нинг Амир Темурга жавоб мактуби
// А. Шайх М. Усманов М. Карим А. Қурбонов Шунинг Амир Темур тарихида оқи талдиқотлар. - Т.
Найрв. 2011. - 204-205-бетлар.

Амир Темурининг Кастилия Кироли Хенрих III га мактуби

Шо Темури, Темурибекдан Кастилия ва Испаниянинг шахси
қилишлари Киролига: шон-шўҳран, мартаба ва савҳамлик
бий умрингиз боқий бўлсин. Маълумингиз бўлсинки, Пайго
Хернан Санчес орқали юборган дустлик ва эзгу ният хисларини
шунда мактубингизни бус-вутун олдик. Мактубингиздаги ма
визини йиллар ичида салтанатингиз фаробоплиги, осонийта
лиги ва одиллигингиз ҳақидаги ҳақиқат бизга заррача шубҳа
тудирмаиди.

Мен Оллоҳ таолодан салтанатингизни бўлган
оқдирмасликни ва узоқ йиллар дўстру даврон суринишингизни
сўраганим Пайғамбар номидан у кишига шон-шарфлар
бўлсин!


Сизга шунчи хабар қилганимки, Осмон угли ўзидан
қилиб, айёрлик билан фармонлар бериб, тодиликларга ора
қисига низолаб солиб, бизнинг оғоҳлангичликларимизга пар
қилмади ва заррача чучи мади. Шунда биз Оллоҳнинг
қила куп сонли тигилигини у томон бурдик. Биз чини
қаримиямиз билан унинг жазосини бериш учун насоро подшо
қиллари минтақалари томон юриш қилдик. Жансу лид
билан куп насоро шаҳар ва қалъаларини озод этдик

У билан бизнинг уртамизда жанг авжга чиқди ва
биз уни Оллоҳнинг қудрати ва шафқати билан етдик
қилди. Оллоҳдан бошқа меҳрибон шук, барча нарсаларини
қалоскири Оллоҳ таолодир

Биз Осмон угли Билзид Йилдирим ва унинг
Мустафини банди қилдик. Улар қўлимизга тушдилар. Бу
қарининг аскарларини найза ва қилчидин ўтказдик ва ҳин
қилди. Бизнинг одамларимиз уларнинг жа
қилди. Ширткинларга эмши қилди.лар, тирик қолганлари
саросимада, яланғоч, оёқ яланг қочиб қолдилар. Биз илти
фот ва Оллоҳ таолонинг раҳм-шафқати ила барча насоралар
қилди ва қалъалариди ҳокимиятларини топширдик, бу
қилди.дан мактубу элтувчилар

¹ Kehrén L. La route de Samarkand au temps de Tamerlan. 3e édition - Paris. Imprimerie Nationale, 2006 - P. 299.

² Амир Темурининг Кастилия Кироли Хенрих III га мактуби // Керен П.1, Соколов А. Амир Темури ва Франция - Т.: Адаolat, 1996 - 78-бет. Лотича ва французча матнлардан М. Ложилов ва Р. Қилчиёв таржимасига қаранг: Амир Темурининг Кастилия Кироли Хенрих III га мактуби // М. Холбеков. Амир Темурининг Европа Киролилари билан ёниналари - Самарқанд. «Ироқ», 1996 - 25-бет, Яна қаранг: Амир Темурининг Кастилия Кироли Хенрих III га йўлланган мактуби // Ушбек дигитоматикис қаранг: Тарихий шеърлар ва дашлар / Авазиевич М.М. «Ироқ» 1996 йилдан сўнгги оқиди. - Т.: 2003 - 256-бет. Амир Темурининг Кастилия Кироли Хенрих III га йўлланган мактуби // Ажоев М., Зокидов М., Карим А. Бўжолни нулис. Амир Темури тарихида оқиш ташкилотлар. - Т.: «Навр», 2016. - 240-241-бетлар.



PHÉNOMÈNE АМИР ТЕМУР
AMIR TEMUR: ФЕНОМЕНИ:
LE CONQUÉRANT СОҲИБҚИРОН
DANS LES CITATIONS ФРАНЦУЗ
DES SAVANTS ОЛИМЛАРИ
FRANÇAIS ТАЪРИФИДА



«... бугунги кунда хорижда – АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кура кўпроқ билишади. Бизлар – яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз»¹.

Ислом Каримов

Амир Темур шахси билан канча гурурлансак, фахру ифтихор этсак, шунча муносибдир. Бинобарин, айнан буюк Соҳибкирон уз фаолияти билан Темурийлар Уйғониш даврини бошлб берган, бугунги саодатли кулларимизнинг пойдеворини қуйиб кетган. Темурийлар сулоласининг рўйхати 193 нафар шахсрода ва 300 дан зиёд маликадан иборат эканининг узи қайратомуз факт! Бу сулола жами 488 йил (!) хукмронлик қилгани ҳақида гапириш учун эса, тил ожиз. Бинобарин, тарихда бу қадар узоқ яшаган сулола бўлган эмас².

Амир Темур феномени ҳақида ҳақиқат қаймоғига сингдирилган яна кўплаб эътирофларни келтириш мумкин. Лекин, яхшиси, бу ҳақда дунё аҳли намоёндалари, хусусан, француз оливилари ҳолисона сузлаганлари маъкул³.

¹ Каримов И. А. Янгила фикрларш ва ишлар - дар талаби. Т.5. - Т.: «Ўзбекистон», 1997 - 184-бет.

² Фатхиев Т. Темурийлар шажараси. - Т.: «Етувчи», 1995. - 352 бет. Фатхиев Т. Темурий мамлакатлар Айгулли Қадирий Ҳалиф шарафли намунаси. 1994. - 40 бет. Фатхиев Т. Темурийлар шажараси масаласига доир // «Амир Темур ва унинг айлони тарихининг урво» мажлиси ва унинг конференция тезислари, 1996 йил 23-26 октябрь. Тошкент. - Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 26-бет.

³ Амир Темур Фарб олим адиблари таърифи // Амир Темур Фарб адиблари интиҳами. - Т.: «Davt press», 2016. - 196-221-бетлар.

Амир Темур мақбараси.
Икки қурилиш. Самарқанд.
XIV аср охири.

«Gour Emir, mausolée Amir Temur.
Vue d'intérieur. Samarkand.
Fin du XIVe siècle.

Тангри таолонинг инояти билан шавкатли ва музаффар Темурбекка тинчлик ва саломлар бўлгай!..

– Биз Сиз жаноби олийларига қулгина насороларга курсатган хайрихоҳлигингиз ва илтифотингиз учун миннатдор эканимизни маълум қиламиз. Биз мамлакатимизга келган одамларингизнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ва уларга бизнинг табааларимиз бирлан тенг ва имконига қараб ортиқроқ марҳамат курсатишга тайёрмиз.

Шарль VI,
Франция Қироли

(1403 йил 15 июнда Амир Темурга битилган мактубдан)

Темурга тенг келадиганлар кам топиллади, Темурдан утадиганлар эса, топилмаса керак. Унинг номи Искандар, Доро, Цезарь, Чингизхон, Бонопартлар билан ёнма-ён туради. Темур инсоният тарихининг буюк сиймоларидандир.

Жан Пол Ру

Амир Темур туфайлигина Мовароуннаҳр ва Эронда осойишталик қарор топди, мамлакатнинг раванки учун зарур шарт-шароит яратилди, тижорат изга тушиб, тожирлар бойидилар, оқилона ташкил этилган давлат бошқаруви йўлга қўйилди...

Жан Пол Ру

Унинг фаолияти Шарқий Европанинг тақдирини буткул ўзгартириб юборди ҳамда Ҳиндистон ва Яқин Шарқнинг тақдирини сезиларли из қолдирди... Амир Темур – башарият тарихининг буюк сиймоларидандир.

Жан Пол Ру

Йўлларда хавфсизликни таъминлаш, салтанатга туташ халқаро минтақаларда зўравонлик қилувчиларнинг адабини бериш Соҳибқироннинг асосий ташвишларидан бири бўлган. Назаримда, Амир Темур божхона тизимининг – йўллардан олиб утиладиган молларнинг сифати ва миқдоридан олинадиган туловлар, мол-мулк солиғи, маҳаллий солиқлар ва ҳоказоларнинг асосчиси бўлган.

Люсьен Керен

Амир Темур ўз салтанатида бошқарув ва савдо-сотиққа катта эътибор берди. У ўзи танлаб олган амалдорларга нисбатан жуда қаттиққўл эди. У барча вилоятларда, айниқса, унинг йўқлигида тартиб ҳамда адолат бўлишини хоҳларди. Узоқ юртиларга қилган юришларидан қайтар жам, у ҳисоботлар тузар ва йўл қўйилган хатоларни тўғрилар эди. Ҳеч нарса унинг назаридан четда қолмаган қуринарди.

Люсьен Керен

Амир Темурнинг Иоани таъкидлаган яна бир хислатига эътибор бермоқ лозим: Соҳибқирон кекса чоллар ва кампирларни ардоқлаган ва уларга тез-тез ҳадялар қилиб турган, аёллар ҳақида ёмон гапиришни тақиқлаб, ажнабийларга уларнинг кимлигига қараб муомала қилган.

Люсьен Керен

Бир томонда қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм аҳлини қутлаб, ҳимоясига оладиган Темур туради; бир томонда бутун-бутун шаҳарларни забт қилувчи Темур бўлса, иккинчи томонда обидалар, мадрасалар, анҳорлар қурдирувчи ва боғлар барпо эттирувчи Темур туради. Бу мураккаб шахс муаррихлар учун ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Люсьен Керен

...Амир Темур Самарқандни қўрамлаштиришга эҳтирос билан ўзини бахшида этди. Бу борада у мейморлар тақдими элган лойиҳалар орасидан энг яхлисини танлаб олиш, улар билан режани муҳокама этиш, ўзига ҳос тўхтамга келиш, қурилишни ташкил этиш, баъзан эса, бевосита қурилишга бошчилик қилиш, қайси юртдан келганлигидан қатъи назар энг моҳир усталарга ишонч билдиришдек ажойиб истеъдодлиги намойиш этди.

Люсьен Керен

Темурбек – бекиёс, унинг қиёси йўқ. Биз Соҳибқироннинг тарихига доир ашёвий томонларни турли мамлакатлар содмомачилари тузган ҳужжатлар туфайли билсак-да, унинг ҳукмдорлиги, башорат қилиш қобилияти, зукколиги ва кучли иродаси билан дўст ва муҳолиф кишилар ҳамда воқеаларни ишора қилиш қобилияти сирлигича қолади.

Люсьен Керен

Европа на Исқандарда, на Аттилада ва на Московия зафарини қўчган янги Фотиҳ (Наполеон)да адолатли қонунлар асосига қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас.

Алфонс де Ламартин

Амир Темур дин, тартиб, тарих, ҳуқуқ ва астрономия илмининг билимдони, қўл ўқиган. Оилада энг қўлланиладиган уч тил – туркча, форсча ва арабчани муқаммал билган, зарофат қудрат ила ёшун маҳоратини пухта эгаллаган ҳуққдор эди.

Альфонс де Ламартин

Амир Темурнинг Боязид устидан галабаси христиан оламини ас-
раб қолди.

Рене Груссе

Боязиднинг Никополь салибчилари устидан галабасидан кейин
Византия Усмонли турклар сиқувида ҳалокатга учради ва унинг тана-
зулга юз тутиши бир ойлик масала эди. Усмонли туркларнинг Анкарада
мағлуб бўлиши Византиянинг ярим аср эркин нафас олишига им-
кон берди. Византия Амир Темурнинг Ғарбий Осиёдаги галабасидан
Москва унинг Олтин Урда устидан қозонган галабаларига тенг келади-
ган ютукка эга бўлди.

Рене Груссе

Унинг ҳарбий истеъдодига гап йўқ. Унинг жасорати душман сари
интиқирганига қарамай, у донишманд сиёсатчи бўлиб, қачон тўхтаб
ўз муддатини кутиш кераклигини яхши биларди.

Рене Груссе

(Амир Темур) XV аср тақдирини ҳал қилган инсон.

Жерар Вальтер

Темурбекнинг жаҳондаги энг қудратли ҳукмдорлардан экани
унинг биринчилардан бўлиб порохдан фойдаланганича кўринади.
У порох тайёрлаш сир-асрорларидан воқиф бўлган, шунинг учун
ҳарбий юришлари чоғида ҳамisha порох тайёрлаш учун зарур хом ашё-
ни ўзи билан бирга олиб юрган.

Марсель Брион

(Амир Темурнинг) феъл-атворига хос бўлган вазминлик ҳар қандай
шароитда ҳам унинг қаҳр-ғазаби аланга олиб кетишига йўл қуймаган.

Жан Обен

Амир Темур буюк бунёдкор, санъат, илм-фан ва маданият ҳомийи
бўлиб танилди. Францияда Соҳибқироннинг инсонпарварлик руҳи бил-
лан суғорилган меросини ўрганишга қизиқиш катта.


Фредерик Брессан

Деярли бартараф этиб бўлмайдиган икки гов, бизнинг таассуб ва тарихнинг янгишлиги – бизнинг Амир Темурни билишимизга ва баҳолашимизга монелик қилди. Бироқ ҳўсина муаллифларнинг ўз солномаларида уни сохта баён этганликлари муҳим эмас, ахир унинг номи миллатлар воқеномаларида ўчмас ёзувларда қайд этилмаганми?! Ахир, авлодлари фойдаланиб келган зафарлари унинг буюк заковатини исботлаш учун етарли эмасми?


Луи-Матье Лангле

Унинг (Амир Темурнинг) душман устидан ғалабаси бир ерда вайронкорликлардан, бошқа ерларда эса, ҳалокатдан сақланишга ёрдам берди. Улар Константинополь ҳалокатини ва Византиянинг улим азобини 50 йил орқага сурди. Сўнгги салиб юриши мағлубиятга учраганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундаги муддатни орқага сурдиш насронийлик ва Европа тақдирини учун ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Амир Темур ғалабасининг рус князликлари учун ҳам аҳамияти озми-ча бўлмади. Унинг Олтин Ўрда устидан ғалабаси ягона Русия давлатини барю этиш йўлидаги асосий ровни бартараф этди. Шимолий даштлардаги мўтул ҳукиронлиги тугатилди ва жанубга кўчган қуруқликдаги қарвон савдоси рус давлатларига (князликларига) узоқ мамлакатлар билан савдо олиб бориш имкониятини берди.

Луи-Матье Лангле



Ўрта асрларга мансуб
кўлемга ишланган шавс.
Titre du manuscrit médieval.



Темурийлар тарихи давлат
музейининг муҳташам қандили.

Splendeur lustre de plafond.
Musée d'Etat sur l'histoire
des Temourides.

Амир Темур ва Темурийларга Францияда, умуман, Европада қизиқишнинг боиси нимада?

(Хотима ўрнида)

Сохибқирон Амир Темур – оламшумул тарихий шахс. Мана, олти асрдан бери ул зотнинг номи халқларнинг тилларидан, темуршумос олимлари адиблар китобларининг саҳифаларидан тушмай келапти. Айниқса, Ғарбнинг фидойи темуршуносларидан бири Жан Пол Ру таъжиблаганидек, «XVI, XVII, XVIII, XIX ва XX асрларда Франция, Италия, Испания, Англия ва Германияда Амир Темурга бўлган қизиқиш ҳайратомуз даражада ортиб кетди»¹.

Табиийки, жаҳон шарқшунослари, хусусан, Ғарб темуршунослари Амир Темурнинг шахсий фазилатлари, билимдон давлат бошлиғи, музаффар саркарда ва моҳир дипломат сифатида шаклланиши, Темурийлар салтанати юксала борганлигининг сирлари ҳамда инкирозининг сабаблари билан қизиққанлар. Шу муносабат билан қуйидаги сингари қўлиаб саволларга жавоб толишга интиланлар:

Не бахтки, аслзодаларнинг урта табақасига мансуб бўлган бу шахс давлат бошлиғи – ҳукмдор даражасига қутарила олди? Қандай қилиб у хаттоки Москвони ҳам итоатида ушлаб турган Олтин Урда ҳукмдори Тухтамишни, Европада Йилдирим деб ном чиқарган Султон Боязиддек лашкарбошини тил чуққирди? Бу не синоатки, у ҳам фуқаролар қалбига даҳшат соғди, ҳам улар муҳаббатини қозонди? Уни тоғлар ошиб, дарёлар кечиб, деҳиизлар ёқалаб, салтанати сарҳадини Европа чегараларига қалар қенгайтиришга нима ундаган? Нима учун у кексайиб, кучдан қолаъзганида ва айни киш палласида Хитой сари юришга чоғланди?

«Ҳақиқатан ҳам, Темур тахмин қилиши мумкин бўлган даражада ҳам кўп инсоний даҳога эга эди... Самарқандга жуда кўплаб истеъдодли кишиларни келтиргани ҳам рост, шу сабабли шаҳарда фақат янгиликлар содир бўлди. Бундан ташқари, яратилган катта иқтисодий имкониятлар санъат ва маданияни, шеърият, илм-фаннинг ривожланишига асос бўлди.

Буларнинг натижаси Темурийлар Ренессансининг тугилишига олиб келди... Қисқа қилиб айтганда, Темурийлар Ренессанс мусулмон цивилизациясининг тожидаги аjoyиб жавоҳирлардан бири бўлиб қолди».

Жан Пол Ру

Қатор филомачилар томонидан «конқур, босқинчи, золим» деб аталган ҳукмдорнинг шарқлик ва европалик мўйқалам усталари томонидан яратилган қатор сурат ва тасвирлари ҳамон дунёдаги энг машҳур музей ва кутубхоналарни безаб турганининг сир-синоати нимада? Марлони ул зотга атаб трагедик асар ёзишга, Вольтерни эссе битишга, Гётега ўз шеърий девонидан урин беришга, Гендельни унга бағишлаб опера яратишга нима мажбур қилди экан? Франция, Италия, Испания, Англия ва Германияда шарқлик дипломатлар томонидан Темур ҳақида ёзилган асарларнинг тилдан-тилга таржима қилиниши ва ўрганилишининг сабаблари нимада?²

Ушбу саволларга жавоб излаб, Амир Темурнинг жўшқин ҳаёти ва серкирра фаолияти ҳақида француз, инглиз, немис, испан, итальян, турк, румин, хитой ва бошқа тилларда кўпдан-кўп илмий, тарихий, оммабоп бадиий асарлар ёзилган, Париж ва Лондон сахналарида пьеса ва опералар қўйилган.

Бундай асарларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас, балки объектив қонуниятдир. Эеро, Амир Темур шахсининг ўзи фавқулодда ва ғайриодатий ҳодиса бўлиб, ўз замондошларини доим ҳайратта соғиб келгани каби ҳозирги авлодни ҳам бефарқ қолдирмади. Дунёда, хусусан, Европада Амир Темур шахсига бўлган бундай улкан ва доимий қизиқишнинг сабаблари нимада, деган саволга, фикрийизна, қуйидагиларни курсатиб ўтиш мумкин.

Биричидан, Амир Темур дунёда энг катта – Марказий Осиёдан то Урта ер денгизигача, Кичик Осиё ва Шимолий Кавказнинг катта қисмини ўз ичига олган йирик марказлашган кучли давлат барпо этган. Француз олими Алфонс де Ламартин (Alphonse Marie Louis de Prat de Lamartine) Сохибқирон салтанатидан ҳайратланиб ёзганидек, «Европа на Искандарда, на Аттилада ва на Москвония зафарини кучган янги

¹ Jean-Paul Roux, Tamerlan – Paris, 1994. – P. 23.

фотих (Наполеон)да адолатли қонуनлар асосига қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас»¹.

Иккинчидан, Амир Темури буюк давлат арбоби улароқ ўз замонаси учун энг муҳамал давлатчилик ва ҳуқуқий тизимни яратган. Рус олими Д. Логофет кайд этганидек, Европада Конституция ҳақида тушунчага ҳам эга бўлишмаган бир даврда Амир Темури давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси – «Тузуқлар» мавжуд ва амалда бўлган².

Учинчидан, Амир Темури ўз давлатини ҳар қандай қутилмаган воқеалардан сақлашни, ҳимоя қилишни билган. Давлатини қучли ва мустаҳкам, халқини бахтли ва фаровон қилишни уддалай олган. Мамлакатида тинчлик ва ҳавфсизликни барқарор қилган. Шунинг учун ҳам ўша даврда дунёдаги энг қучли бўлган давлат асосчиси ва салтанат бунёдкори сифатида европаликларнинг эътирофи, эҳтироми ва хайрату ҳизқишларига сазовор бўлиб келмоқда.

Тўртинчидан, Амир Темури мағлубият нималигини билмаган голиб саркарда сифатида бирор-бир халққа қарши эмас, балки Мовароуннахрни сиёсий ва иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан бирлаштириш ва обод қилиш учун юришлар олиб борган.

Бешинчидан, Амир Темури Буюк ипак йўлини қайта тиклаган ва бутун Европада чиқишга интилган. Бу, ўз навбатида, Соҳибқирон салтанатида иқтисодий тараққиётта, савдо-сотикнинг ривожланишига, фан ва маданиятнинг гуллаб-яппашига, меъморчилик тараққиёти ва халқ фаровонлигига олиб келган.

Олтинчидан, Амир Темурининг Франция, Англия, Кастилия, Византия, Венеция ва бошқа давлатлар қироллари, Осие, Урта ва Яқин Шарқ мамлакатлари шохлари билан олиб борган дипломатик музокаралари ва ёзишмалари, элчилар алмасувлари ўзаро манфаатлилик асосига таянган.

Еттинчидан, Амир Темурининг Европа мамлакатлари билан олиб борган ташқи сиёсий алоқалари ва дипломатияси замирида европалик ҳукмдорларга Соҳибқирон томонидан ҳеч қандай шахсий ғараз, тижорий, рақиблик, ҳудудий ва дин муаммолари йўқлигини курсатиш ҳаракати мужассам бўлган.

Саккизинчидан, Амир Темури буюк бунёдкор, илму фан, маданият, санъат ва таълим-тарбия ҳомийси, зиёлилар раҳнамоси сифатида Шарқдаги Уйғониш даврининг иккинчи, яъни Темурийлар уйғониши босқичини бошлаб берган. Бу билан жаҳон, хусусан, Шарқ цивилизациясига улкан ҳисса қўшган.

Тўққизинчидан, Амир Темури олим, мусаввир, адиб, муҳандис ва санъаткорларни, дин пешволарини ҳурмат қилган, уларни олдинги сафта олиб чиққан. Ҳар томонлама гузалликка, Худога ишонччи ифодаб, кўкка интилган ёдгорликларни бунёд эттирган. Ўз уғиллари ва набираларига илғор таълим-тарбия берганки, буларнинг ҳаммаси санъат ва фан равақини таъминлаган.

Ўнинчидан, Амир Темури ўзининг шахсий фазилатлари, яъни камтарлиқ, эътиқодлилик, иймонлилик, одиллик, жасурлик, бағрикенглик, саховатпешалик, олдиндан қўра билиштик, тadbбиркорлик каби хислатлари билан ажралиб турган. Шу маънода, Соҳибқирон шахсининг устуқлигини ва идора қилиш қудратининг сирларини, ундаги эъдиқларни, яъни бир инсонда ҳам музаффар ва шафқатли

«Мамлакатларимизнинг кун асралик алоқаларини фақат Ўзбекистон ва Франция, Марказий Осие ва Европа ўрнатидаги ҳамкорлик деб эмас, балки бутун дунё мамлакатларининг ўзаро қардошлиги тимсоли деб баҳолаш тўғри бўлади».

*Жан Клод Ришар,
Франциянинг
Ўзбекистондаги
соҳиб элчиси*

¹ Ўзбекистон адибати ва санъати, 1994, 22 апрель

² Сомни ирри. Адаби-тарихий маъмуа. - Тошкент, 1992. - 72-бет.

саркарда, ҳам тинчлик посбони, олимлар ва меъморлар раҳнамоси ва фуқаролар фаровонлиги ташвишида яшовчи сўям муассасалигининг ечимини топишга интилиш ҳали-ханузгача давом этмоқда.

Ун биринчидан, Амир Темур келиб чиқиши нуқтаи назардан оддий халққа яқин экани, айни чоғда, ўз куч-шикоати, ақлу салоҳияти, жасорати ва адолатпарварлигига таянган ҳолда, 27 та мамлакат подшоҳлигини бирлаштирган буюк салтанатни барпо этишдек буюк орзу-мақсадларига эришгани тимсолида Фарбдаги давлат раҳбарлари ва сиёсатчилар, олимлар ва адиблар уйғони келатган Европа халқлари учун намуна этиб кўрсатишга ҳар томонлама ғоятда муносиб сиймони кўрган.

Ун иккинчидан, Амир Темур учун инсон омили доимо оддинги ўринда турган. Бу омил унинг ҳарбий ташкилотчилигида ва давлатта бошчилиқ қилишида ҳамisha йўлдош бўлган. Амир Темур ўз атрофига одам танлашда уларнинг қобилиятларини ҳисобга олган, лекин насли, табақаси, ирки, дини ва мансабига қарамаган. Ҳозирги давр тили билан айтганда, ўз атрофига муносиб кишиларни тўғай олган.

Ун учинчидан, Амир Темур дунё давлатчилиги ва маданияти тарихида бутун бир янги давр – Темурийлар сулоласи даврига асос солган. Соҳибкирон ташкил этган салтанат 468 йил ҳукм сўрган. Мироншоҳ Мирзо, Шохрух Мирзо, Улуғбек Мирзо, Бобуршоҳ каби Темурийлар сулоласининг муносиб намояндалари Амир Темур анъаналарини изчил давом эттирган.

Ун тўртинчидан, Амир Темур нафақат ўз душманларини даҳшатга солган шиддаткор, қакрли ва қатъиятли саркарда, балки буюк ташкилотчи, санъаткор ва олимлар раҳнамоси, мозий йўриғини ўзгартира олган шахсларга йўлдош сепрга эга инсон бўлган. Жумладан, Амир Темур жамиятда ва ҳарбийлар орасида ҳам санъат ва фанга ҳурмат бўлишини талаб қилган, фан арбобларини жанг жадалларда, қонли савашларда ваҳшюлашган аскарлардан авайлаган.

Ун бешинчидан, Амир Темур шафқатли фотих бўлган, ўз юришларини маънавий қондаларини бузмаган ҳолда амалга оширган. Соҳибкирон ҳузурига келган ўзга давлат элчиларини ҳеч қачон ўлимга ёки жазолашга буюрмаган.

Ун олтинчидан, Амир Темур Боязид Йилдирмағни енгиб, Европанинг халоскорига айланган. Олтин Ўрда кудратини парчалаб, Рус озодлигини таъминлаган.

Ун еттинчидан, Амир Темур ўз давридаги жамиятни янгилаган ва унга янги йўналиш бағишлаган. Ўрта асрни яқинлаб, уйғониб даврини бошлаб берган.

Ун саккизинчидан, Амир Темур ва темурийлар даври тарихчилар, файласуфлар, иқтисодчилар, илоҳийчилар ва ҳарбийлар учун ҳали-бери туганмас ва серзавқ бир мавзудир, зеро Темурбек фаолияти маъжур соҳаларнинг барчасини кенг қамраб олган.

Мухтасар айтганда, Амир Темур ҳақида нимадир дейишларидан қатъи назар, Соҳибкироннинг фақуллода истеъодли шахс, буюк саркарда, моҳир дипломат ва давлат раҳбари бўлганини барча шарқшунос ва темуришунослар эътироф этадн. «Темурга тенг келадиганлар кам топилди, Темурдан ўтадиганлар эса, топилмас керак. Унинг номи Искандар, Дорю, Цезарь, Чингизхон, Бонапартлар билан ёнма-ён туради. Темур инсоният тарихининг буюк сиймоларидандир»¹.

¹ Jean-Paul Roux, Tamurlan – Paris, 1994. – P. 24.



«Харнинг забт этилиши»
Рисом: А. Аликулов,
Тошкент, 1998 йил.

«Prise de forteresse»
Par A. Alikulov,
Tachkent, 1998.

L. KEREN, A. SAIDOV. AMIR TEMUR VA FRANSIYA /
TO'LDIRILGAN VA QAYTA ISHLANGAN IKKINCHI NASHR.
- T.: «ADOLAT», 2016. - 560 BET.

REZYUME

«Amir Temur va Fransiya» kitobi o'zbekistonlik huquqshunos olim, professor Akmal Saidov hamda taniqli fransuz sharqshunosi, marhum Lyusen Keren tomonidan yozilgan va 1996-yilda chop etilgan asarning to'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashridir.

Kitob muqaddima, 13 ta bob, xotima va ilovalardan iborat. Asar so'z boshida kitobning yozilish sabablari keltirib o'tilgan. Bundan tashqari, butun dunyoda, ayniqsa, Yevropada Amir Temur va temuriylar tarixiga nisbatan yuksak qiziqish, xususan, ushbu mavzuning olti asrdan buyon Fransiya olimlari va adiblari tilidan tushmay kelayotgani sabablari ochib berilgan.

Bugungi kunda dunyoning ellikdan ortiq mamlakatida temurshunos olimlar faoliyat ko'rsatmoqda. Amir Temurga bag'ishlab yaratilgan jiddiy asarlar soni Yevropa tillarida 900 dan ziyod bo'lsa, Sharq tillarida mingdan oshdi.

Ushbu kitobning «Istiqlol va Amir Temur» nomli bobida O'zbekiston mustaqillikka erishgach, Amir Temur shaxsi yana Vatan va millat timsoliga aylangani haqida so'z borgan. O'tgan davrda mamlakatda Amir Temur ordeni tasis etildi; Toshkent, Samarqand va Shahrisabz shaharlarida Amir Temurning ulug'vor haykallari qad rostladi. Poytaxtda Temuriylar tarixi davlat muzeyi va Amir Temur xalqaro jamg'armasi ochildi. Temuriylar tarixi davlat muzeyi tashkil topganidan buyon o'tgan davrda mazkur muzeyga 2 milliondan ortiq ziyoratchi hamda jahonning turli davlatlaridan 800 dan ortiq xorijiy delegatsiya va rasmiy mehmonlar tashrif buyurdi. Ushbu bobda, shuningdek, dunyoda ayni nomda yagona bo'lgan - «Sohibqiron yulduzi» jurnalining mazmun-mundarijasi tahlil etilgan.

Navbatdagi, «O'zbek temurshunosligiga ayrim chizgilar» bobida Amir Temurning davlat boshqaruvi, adolat va huquq to'g'risidagi qarashlari, o'zbek temurshunosligining shakllanishi, bugungi holati va istiqbollari, Amir Temur timsolining Alisher Navoiy ijodidagi talqini, o'zbek adabiyotida Amir Temur siymosini yaratish borasidagi ijodiy jarayonlar talqin etilgan.

Bu bobda O'zbekistonda chop etilgan ko'plab ilmiy asarlar va monografiyalar, risolalar va avtoreferatlar, adabiy-badiiy kitoblarning mazmun-mundarijasi ochib berilgan. Bir qator jurnal va gazetalarda Amir Temur va temuriylar mavzusining yoritilishi masalasiga ilmiy-bibliografik aniqlik bilan yondashilgan.

«Amir Temur siymosi - jahon tarixi ko'zgasida» nomli keyingi bobda Amir Temur mavzusining dunyo miqyosida, xususan, Yevropada tadqiq va tahlil etilishiga umumiy tavsif berilgan. G'arbning yettita yirik davlatidagi 10 ta mashhur muzeyda, xususan, Buyuk Britaniyadagi «Viktoriya va Albert» hamda Britaniya muzeylari (London), Daniyadagi Milliy muzey (Kopengagen), Fransiyadagi Luvr muzeyi (Parij), AQShdagi Metropolliten san'at muzeyi (Nyu-York) va Osiyo san'ati muzeyi (San-Fransisko), Turkiyadagi To'p-jopi saroyi hamda Turk va islom asarlari muzeylari (Istanbul), Rossiyadagi Davlat Ermitaji muzeyi (Sankt-Peterburg), Germaniyadagi Amaliy san'at muzeyida (Berlin) saqlanayotgan Amir Temur va temuriylarga oid bir necha o'nlab noyob osori atiqha haqida qimmatli ma'lumotlar taqdim etilgan.

Ma'lumki, 1996-yil aprel oyida Amir Temur tavalludining 660 yilligi nafaqat O'zbekistonda, balki YUNESKO shafeligida butun dunyoda keng nishonlandi. Kitobda 1996-yilda Amir Temur tavalludining 660 yilligi va 1994-yili Mirzo Ulug'bek tavalludining 600 yilligi YUNESKOning Parijdagi qarorgohida yuksak darajada nishonlangani O'zbekiston bilan ushbu nufuzli xalqaro tashkilot o'rtasidagi hamkorlikning yangi asosdagi rivojini boshlab bergani haqida atroflicha fikr yuritilgan.

«Amir Temur diplomatiyasi va Yevropa» nomli bobda Amir Temur va temuriylar davridagi diplomatik munosabatlar, shuningdek, Sohibqiron diplomatik xatlarining xususiyatlari haqida so'z boradi.

O'z navbatida, «Amir Temur va Yevropa madaniyati» nomli bob - adabiyotshunoslik, teatrshunoslik, tasviriy san'at, haykaltaroshlik va me'morchilik sohalarida Sohibqiron siymosining yevropalik mualliflar tomonidan o'ziga xos tasvirlanishiga bag'ishlangan. Binobarin, taniqli Sharq mualliflari asarlarining tarjimalariga tayanib, G'arbda, xususan, Yevropada XVI asrdan boshlab Amir Temurga doir salmoqli asarlar paydo bo'ldi. Bu asarlarning barchasi XVI-XIX asrlarda Yevropa, so'ng Amerika badiiy madaniyatiga Amir Temur hayoti, faoliyati, falsafiy va siyosiy yo'rig'ining keng tarqalishida, Sohibqiron Amir Temur siymosini ijodiy idrok etishda muhim mamba bo'lib xizmat qildi.

Fransuz temurshunoslik maktabi Sohibqiron sulolasi davri tarixi, ilm-fani, madaniyati, adabiyoti va san'atini o'rganish borasida jahon sharqshunosligida yetakchi o'rin egallaydi. 1987-yil 22-martda Parijda «Temuriylar davri tarixi va san'atini o'rganish hamda fransuz-ozbek madaniy hamkorligi uyushmasi» tuzilgan va 1989-yilda «Temuriylar» («La Timuride») byulleteni ta'asis etilgan.

«Yevropa temurshunoslik maktabi» bobida, birinchidan, Amir Temur va temuriylar davridagi diplomatik munosabatlar xususida fikr yuritilgan, ikkinchidan, Amir Temur diplomatik xatlari xususiyatlariga to'xtab o'tilgan.

«Amir Temur va Fransiya» nomli bobda Amir Temur va Fransiya Qirolining diplomatik aloqalariga alohida urg'u berilgan. O'tgan davr mobaynida Pave de Kurteyl, Volter, Monteske, Deni Didro, Viktor Cyugo, Fransua Peti de la Krua, Silvester de Sasi, Lui-Matyo Langle, Marsel Biron, Lyusen Keren, Vensan Furniyo, Jan-Lui Bake-Grammon, Amin Maahuf, Milena Nokovich kabi fransuz olimlari va adiblarining Amir Temur va temuriylarga doir asarlari haqida so'z yuritilgan.

Jan Oben, Jan Pol Ru, Lyusen Keren, Fredirik Bopertyui-Bressan, Jan-Lui Bake-Grammon, Terri Zarkon kabi hozirgi zamon fransuz sharqshunoslarining Amir Temur va temuriylar haqidagi asarlaridan namunalar havola etilgan.

Ushbu bobning «Temuriylar Renessansi durdonalari - Luvr muzeyida» nomli faslida Fransiyaning Luvr muzeyida saqlanayotgan Amir Temur va Sohibqiron avlodlari davriga oid ko'plab tarixiy ashyolar haqida qiziqarli ma'lumotlar berilgan. Ana shu nodir osori atiqalarning suratlari taqdim etilgan.

Bundan tashqari, «Yana Amir Temurning oltin haykalchasi haqida» nomli faslda keyingi yillardagi izlanishlar natijasida Amir Temurning oltin haykalchasi bilan bog'liq bir qator yangi ma'lumotlar aniqlangani haqida so'z boradi. Hozirgi kunga qadar ushbu san'at asarining muallifi, yaratilgan vaqti, joyi noma'lum edi va ayni paytda qayerda saqlanayotgani jumboq bo'lib kelmoqda. Bu faslda ana shu savollarga muayyan aniqliklar kiritilgan.

Kitobning alohida, «Fransuz olimlarining Amir Temur va temuriylarga oid asarlari haqida» nomli bobidan fransuz sharqshunoslari, jumla-

dan, mashhur fransuz temurshunos olimi Lui-Matyo Langle haqida muxtasar ma'lumot hamda uning «Temur tuzuklari» tarjima asariga yozilgan Muqaddimasi, Lyusen Kerenning ushbu sohadagi tadqiqotlari shuningdek, «Amir Temur saltanati» kitobiga Lui Bazen yozgan so'z boshi o'rin olgan.

Ushbu kitobning «Temurxonlik muloqotlari» bobi mualliflarning Amir Temur hayot yo'li haqidagi suhbatidan iborat.

«Lyusen Keren ilmiy-ijodiy faoliyatidan namunalari» bobida fransiyalik taniqli temurshunos olim, professor L. Kerenning ilmiy ijodiga alohida ahamiyat qaratilgan. L. Keren 1996-yilda YUNESKOning Bosh qarorgohida Amir Temur tavalludining 660 yilligini nishonlash doirasida tashkil etilgan turli mamlakatlar temurshunoslari ishtirokidagi xalqaro konferensiya hamda «Temuriylar davrida fan, madaniyat va ta'lim taraqqiyoti» haftaligini tayyorlash va o'tkazishda faol ishtirok etgan taniqli jamoat arbodidir. O'sha yili L. Keren O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A. Karimovning Farmoniga muvofiq «Shuhrat» medali bilan taqdirlangan.

Kitobning «Lyusen Kerenning Amir Temurga bag'ishlangan sahna asari» bobida «Buyuk Temur» pyesasi ilk bor e'lon qilinmoqda.

Kitob hammualliflaridan biri Akmal Saidov 1994-1996-yillarda O'zbekistonning Fransiyadagi Favqulodda va muxtor elchisi hamda YUNESKOdagi doimiy vakili sifatida faoliyat olib borgan bo's har ikki tarixiy tadbirni xalqaro miqyosda yuksak darajada o'tkazish ishlarida bevosita ishtirok etgan. O'sha yillarda atoqli fransuz temurshunos olimi professor Lyusen Keren bilan tanishgan. U bilan Amir Temur va temuriylar sulolasi tarixi bo'yicha hamkorlikda kitob va maqolalar chop etgan.

«Amir Temur va Fransiya» kitobiga Amir Temur va temuriylar davriga oid diplomatik yozishmalarga mansub 9 ta tarixiy xat mami tarjimasi kiritilgan. Shuningdek, fransuz olimlari va yozuvchilarining Amir Temur shaxsi va faoliyatiga doir fikrlari havola etilgan.

Kitobning xotima qismida mualliflar Amir Temur va temuriylarga Fransiyada, umuman Yevropada qiziqishning tub sabablari haqida to'xtalgan. Shu asnoda fransuzlarning Sohibqiron shaxsi va uning bunyodkorlik faoliyatiga urg'u berilgan.

Kitob so'ngida uning muxtasar mazmuni lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosida, shuningdek, fransuz, ingliz va rus tillarida berilgan.

RÉSUMÉ

«Amir Temur et la France» est un ouvrage du professeur Akmal Saïdov et du savant français (défunt) Lucien Kehren qui l'ont dédié au 25^{ème} anniversaire de l'Indépendance de la République d'Ouzbékistan et au 680^{ème} anniversaire d'Amir Temur¹ - le plus grand Conquérant de son temps, la fierté et le héros national de l'Ouzbékistan. Comme cet ouvrage a été publié pour la première fois en 1996, c'est donc une deuxième édition complétée qui a été considérablement enrichie par rapport à la précédente.

La nouvelle édition comprend une introduction, treize chapitres et une conclusion. L'introduction met en lumière les raisons d'écrire ce livre. Quelles sont les raisons de l'intérêt pour l'étude d'Amir Temur et des Timurides à travers le monde, notamment en France? Afin de répondre à cette question, les auteurs expliquent les raisons principales pourquoi les Européens parlent depuis six siècles du nom de Tamerlan le Grand, trouvent encore des œuvres de savants et de critiques littéraires sur Amir Temur.

Un des objectifs de l'ouvrage que vous proposent les auteurs est de fournir non seulement une information de qualité sur Amir Temur mais aussi une approche scientifique et historique de son rôle dans l'orientalisme français en général. A cet égard, l'étude d'Amir Temur reste active dans plus de cinquante pays du monde. Le nombre d'œuvres sur Amir Temur dans les langues européennes dépasse 900 et dans les langues orientales - 1000.

Le premier chapitre «Indépendance et Amir Temur» parle de la personnalité d'Amir Temur qui est devenu le symbole de la Patrie et de la Nation après l'obtention de l'indépendance de l'Ouzbékistan. L'Ordre Amir Temur a été institué. Dans les villes de Tachkent, Samarkand, Chakhrisabz ont été érigés des monuments majestueux d'Amir Temur. Le Musée d'État sur l'Histoire des Timourides et la Fondation internationale Amir Temur ont été établis. Depuis sa création le Musée d'État sur l'Histoire des Timourides a accueilli plus de 2 millions de visiteurs et plus de 800 délégations étrangères et invités officiels. En outre, les auteurs y ont analysé l'unique revue au monde «Sohibqiron Yulduzi» («Étoile du Conquérant»).

Dans le deuxième chapitre intitulé «Un regard sur les études timurides en Ouzbékistan» les auteurs évoquent les points de vues d'Amir Temur sur l'administration publique, la justice et le droit; les études timurides en Ouzbékistan contemporain, leur état actuel et leurs perspectives; le personnage d'Amir Temur dans les œuvres de Mir Alisher Navoi et dans la littérature ouzbeke. Ce chapitre examine également de nombreux articles scientifiques et des monographies, des brochures, des résumés d'œuvres littéraires et artistiques. Une attention particulière est accordée aussi au sujet d'Amir Temur et des Timurides publié dans les gazettes, journaux et bibliographies scientifiques.

Le chapitre intitulé «Amir Temur dans le miroir de l'histoire mondiale» donne les caractéristiques générales sur la recherche et l'analyse des questions sur Amir Temur et les Timurides dans l'orientalisme mondial.

¹ En Ouzbékistan, Tamerlan est appelé Amir Temur, forme qui inclut le titre d'origine arabe amir (timir). Il est à noter que dans la plupart des œuvres occidentales le nom Tamerlan est bien répandu que celui d'Amir Temur (bien accepté en Ouzbékistan). Dans certains textes médiévaux le nom Temur fut également orthographié comme Timur, Temur, Timour ou Temour. A cet effet, on utilise dans le texte français cet équivalent ouzbek Amir Temur, sauf les titres originaux.

Le livre détaille les informations utiles concernant les raretés timurides dans dix célèbres musées de sept pays occidentaux, en particulier, Musée «Victoria and Albert» et British Museum (Londres, Royaume-Uni), Musée national (Copenhague, Danemark), Musée du Louvre (Paris, France), Metropolitan Museum of Art (New York, États-Unis) et Musée d'Art asiatique (San Francisco, États-Unis), Palais de Topkapı, Musée des œuvres turques et islamiques (Istanbul, Turquie), Musée de l'Ermitage (Saint-Petersbourg, Russie) et Musée des arts appliqués (Berlin, Allemagne).

On sait qu'en avril 1996, le 660^e anniversaire d'Amir Temur a été solennellement célébré sous les auspices de l'UNESCO non seulement en Ouzbékistan, mais aussi dans le monde entier. Le livre note que les célébrations dédiées aux 660^e anniversaire d'Amir Temur (1996) et 600^e anniversaire de Mirzo Ulughbek (Co-organisées avec l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides en 1994) au siège de l'UNESCO à Paris ont donné une nouvelle impulsion à la coopération de l'Ouzbékistan avec cette organisation internationale.

Dans le chapitre «Diplomatie d'Amir Temur et l'Europe» il s'agit des relations diplomatiques au temps d'Amir Temur et de sa dynastie, ainsi que des particularités des correspondances diplomatiques d'Amir Temur.

Le cinquième chapitre «Amir Temur et la culture européenne» est consacré aux particularités de l'interprétation d'Amir Temur dans la littérature, le théâtre, l'art, la sculpture et l'architecture. Depuis le XVI^e siècle, à l'Occident, en particulier en Europe, il est apparu un certain nombre de travaux importants sur Amir Temur basés sur la traduction des auteurs Orientaux. Toutes ces œuvres ont servi comme d'importantes sources d'information sur la vie et les activités d'Amir Temur, ses opinions philosophiques et politiques. Ces œuvres étaient distribuées aux XVI-XIX siècles d'abord en Europe, puis en Amérique.

Le sixième chapitre parle des «Écoles européennes des études timurides». Il y a environ un millier de recherches et d'études scientifiques effectuées autour d'Amir Temur et des Timurides en Angleterre, Autriche, Belgique, Hongrie, Allemagne, Espagne, Italie, Canada, Portugal, Roumanie, États-Unis, Turquie, France, République tchèque, Japon et dans d'autres pays. Ce fait ne prouve que la formation de la discipline scientifique «Les études timurides» dans l'orientalisme mondial.

Le chapitre «Amir Temur et la France» met un accent particulier sur les relations diplomatiques d'Amir Temur et le roi de France. Les auteurs accordent également une attention aux travaux dédiés à Amir Temur et sa dynastie, effectués par les savants et écrivains français tels que Pavé de Courteille, Voltaire, Montesquieu, Diderot, Victor Hugo, François Pétis de la Croix, Sylvestre de Sacy, Louis Mathieu Langlès, Marcel Brion, Lucien Kehren, Vincent Fourniau, Jean-Louis Bacqué-Grammont, Amin Maalouf, Milena Nikovich.

L'école française des études timurides occupe une place importante dans l'étude de l'orientalisme mondial en matière de la recherche, l'histoire, la science, la culture, la littérature et l'art de l'époque timuride. Le 22 mars 1988 à Paris a été créée l'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides et deux ans plus tard, en 1989 la gazette «La Timuride».

Le paragraphe «Chefs-d'œuvre de la Renaissance Timuride au Musée du Louvre» de ce chapitre fournit des informations intéressantes sur de nombreuses raretés historiques relatives à la période d'Amir Temur et la dynastie du Conquérant. Les photos de ces pièces de musée y sont présentées.

En outre, le paragraphe «Une fois de plus sur la statuette en or d'Amir Temur» décrit les enquêtes de ces dernières années qui ont donné des faits nouveaux liés à la statuette en or d'Amir Temur. Ce n'est pas un secret qu'on ne savait pas jusqu'à présent l'auteur de cette œuvre, la date et le lieu de sa création ainsi que sa place actuelle de stockage. Le paragraphe apporte des éclaircissements à ces sujets.

D'après les sources, plus de 60 œuvres littéraires et artistiques sur Amir Temur ont été créées dans les pays européens. Le chapitre «Œuvres françaises sur Amir Temur et les Timurides» présente certains d'entre eux (traduit en ouzbek), en particulier les travaux écrits par les célèbres orientalistes Louis-Mathieu Langlès, Louis Bazin et Lucien Kehren. Ainsi que ce chapitre présente les recherches sur Amir Temur et sa dynastie effectuées par les orientalistes français contemporains comme Jean Aubin, Jean-Paul Roux, Frédérique Beaupertuis-Bressand, Jean-Louis Bacqué-Grammont, Thierry Zarcone. L'attention des lecteurs sera certainement attirée aussi par les informations sur la publication des «Instituts de Tamerlan» et sa traduction française.

Dans les trois derniers chapitres, une attention particulière est accordée aux travaux scientifiques du professeur Lucien Kehren, savant en étude timuride. Il a été une des célèbres personnalités publiques qui avait pris une part active à l'organisation de la conférence internationale de 1996 dédiée au 660^e anniversaire d'Amir Temur ainsi que la semaine du développement de la science, de la culture et de l'éducation au temps des Timurides au siège de l'UNESCO. La même année Lucien Kehren a reçu la médaille «Shuhrat» («Gloire») par le décret du Président de l'Ouzbékistan Islam Karimov.

Akmal Saidov en qualité d'Ambassadeur extraordinaire et plénipotentiaire d'Ouzbékistan en France et Représentant permanent auprès de l'UNESCO (1994-1996) a été directement impliqué dans l'organisation de ces deux événements historiques et internationaux. A cette époque, il a fait la connaissance avec l'Association Timuride et le professeur Lucien Kehren - un des savants qui a consacré sa vie à l'étude d'Amir Temur. En collaboration avec le professeur Kehren, ils ont publié ensemble les livres et les articles sur Amir Temur ainsi que sur l'histoire des timurides. La conversation de deux savants autour d'Amir Temur est également publiée dans cet ouvrage. En outre, une pièce de théâtre de Lucien Kehren sur Amir Temur y est publiée pour la première fois en ouzbek.

Avant la fin du livre on donne neuf exemples des correspondances relatives à la diplomatie d'Amir Temur et des Timurides, ainsi que des citations tirées des œuvres des savants français sur le phénomène d'Amir Temur.

Les auteurs présentent finalement les conclusions dans le chapitre intitulé «Quelles sont les motivations pour l'étude d'Amir Temur et des Timurides en France, et même en Europe?» où on peut trouver les réponses à cette question.

Cette nouvelle édition, que plus de vingt ans sépare de la première édition, est à l'usage des chercheurs, enseignants, politiciens, historiens, ainsi qu'au large public de lecteurs s'intéressants au héros national du peuple ouzbek.

RESUME

«Amir Temur¹ and France» is a revised and updated edition of the book written by Uzbek professor A.Kh Saidov and outstanding scientist-orientalist, the late Lucien Keren, which was published in 1996.

The book comprises of prologue, 13 chapters, epilogue and appendices. In the prologue, the authors explain the reasons to write present book. What are the reasons of interest in Amir Temur and the Temurids around the world, especially in France? To respond this question the authors explain main reasons of why during six centuries the name of Amir Temur is still heard among the European nations, appears in books of the scholars of Temur and the literature critics.

Scholars of Temur are active in more than fifty countries. Number of works on Temur in the European languages exceeds 900, and in the Oriental languages - 1000.

Chapter «Sovereignty and Amir Temur» talks about a fact that in Uzbekistan after gaining the independence the personality of Amir Temur again became a symbol of the Motherland and nation. There was established the Order of Amir Temur. In the cities of Tashkent, Shahrisabz and Samarkand were erected majestic monuments of Amir Temur. The State Museum of Temurids History and the International Amir Temur Fund have been established. Since its opening the State Museum of Temurids History welcomed over 2 million visitors and more than 800 foreign delegations and official guests.

The analysis given on the world's unique magazine «Sohibkiron Yulduzi» («Star of Temur»).

Chapter «Uzbek school on studies of Amir Temur» considers the views of Amir Temur on public administration, justice and law, the formation of the Uzbek studies on Temur, its current status and prospects, the image of Amir Temur in the works of Alisher Navoi, the creative processes to form image of Amir Temur in the Uzbek literature.

The book gives historiographical review of the image of Amir Temur in Alisher Navoi works, other Uzbek writers and poets, and compiles numerous scientific papers and monographs, brochures and abstracts, literary and artistic works about outstanding ruler and commander.

Chapter «Amir Temur in the world history» presents general characteristic of research on the issues of Amir Temur and the Temurids in the world. The book provides information regarding to more than 40 unique rarities related to Amir Temur and the Temurids stored in the 10 famous museums in the seven states of the West.

It is a fact that in April 1996 the 660th anniversary of Amir Temur was widely celebrated not only in Uzbekistan, but also worldwide under the auspices of UNESCO. The book notes that the anniversary celebrations dedicated to the 660th anniversary of Amir Temur in 1996 and the 600th anniversary of Mirzo Ulugbek in 1994 at the UNESCO headquarters in Paris became the impetus for cooperation on a new basis between Uzbekistan and this international organization.

¹ It is necessary to note about the differences in reference to Amir Temur in Europe and Uzbekistan. In England, he is more known as Tamburlaine since appearance of Christopher Marlowe's famous *Tamburlaine the Great* in 1587, while in Uzbekistan more common reference is Amir Temur. Thus, further in the book we use the Uzbek equivalent except the cases when original names are given.

Chapter «Amir Temur's diplomacy and Europe» talks about the diplomatic relations of Amir Temur and temurids, and the peculiarities of diplomatic correspondences of Temur.

The next chapter of the book is devoted to the image of Amir Temur in European culture, particularly in literature, theater, arts, sculpture and architecture. Since the XVI century, in Europe, appeared a number of significant works devoted to Amir Temur based on translations of the Eastern authors. All the works were served as important sources of information about the life and activities of Temur, his philosophical and political views. The works were distributed in the XVI-XIX centuries first in Europe, then in America.

Several chapters of the book cover the French studies on Amir Temur. The French School of the studies on Amir Temur occupies a leading place in the world Oriental studies in the field of researching history, science, culture, literature and arts of the epoch of Temurids. On March 22, 1987 in Paris was established «Temurids Association of Arts and History and the French-Uzbek cultural cooperation» and in 1989 was established the magazine «Temurids» («La Timuride»). Interesting informations are given about the translation and publication of the «Institutes of Timur» in French.

The paragraph «Masterpieces of Temurids Renaissance at the Museum of the Louvre» of the chapter «Amir Temur and France» provides interesting information about many historic rarities relating to the period of Amir Temur and dynasty of Sahibkiran. Drawings of these unique curiosities are presented.

In addition, the paragraph «Once again on the gold statuette of Amir Temur» tells about the investigations of recent years which gave new facts related to gold statuette of Amir Temur. It is no secret that to date the author of this artwork, date and place of its creation and where it is stored now were unknown. The paragraph made some clarification on these questions.

Particular emphasis is placed on diplomatic relations of Amir Temur and the King of France. Also, it talks about the works of French scientists and writers like Pave de Courteille, Voltaire, Montesquieu, Diderot, Victor Hugo, François Petit de la Croix, Silvestre de Sacy, Louis-Mathieu Langlès, Marcel Brion, Lucien Kehren, Vincent Fourniau, Jean-Louis Bacau-Grammont, Amin Malouf, Milena Nikovich devoted to Amir Temur.

A separate chapter describes work of contemporary French Orientalists, in particular, Louis-Mathieu Langlès – the famous French scholar on Temur and his preface to the book «Political and military institutions of Amir Temur».

Particular attention is paid to the scientific work of the French scholar on Temur, co-author of this book, Professor Lucien Kehren. L. Kehren is a prominent public figure, who took active part in preparation and conduct of the international conference in 1996 with participation of scholars on Amir Temur from different countries and the week titled «The development of science, culture and education in the era of Temurids» held within the 660th anniversary of Amir Temur. In 1996, L. Kehren was awarded the medal «Shuhrat» («Glory») by the Decree of the President of Uzbekistan Islam Karimov.

In this book piece «Tamburlaine the Great» is being published for the first time in the chapter «Lucien Kehren's piece devoted to Amir Temur».

In addition translations of 9 diplomatic letters relating to the epoch of Amir Temur and Temurids, as well as statements of French scientists, and writers about Amir Temur are attached to the book.

The Epilogue of the book emphasizes the great interest of the French, as well as the entire international community to the individual and the vast creative activity of the great Amir Temur.

There are also resumes in Uzbek (in Latin script), French, English and Russian languages.

Л. КЕРЕН, А. САИДОВ. АМИР ТЕМУР И ФРАНЦИЯ /
ДОПОЛНЕННОЕ И ПЕРЕРАБОТАННОЕ ВТОРОЕ ИЗДАНИЕ.
- Т.: «АДОЛАТ», 2016. - 400 С.

Р Е З Ю М Е

Книга «Амир Темур и Франция» написана узбекским профессором А.Х. Саидовым и выдающимся ученым-востоковедом, ныне покойным Люсьеном Кереном.

Книга состоит из предисловия, 13 глав, заключения и приложений. В Предисловии авторы объясняют поводы создания данного произведения. Так, в чем же заключается причина интереса к Амиру Темуру¹ и Темуридам в мире, в частности, во Франции? В ответе на данный вопрос даны разъяснения о том, почему на протяжении шести веков имя и деятельность Амира Темура всё ещё на устах народов Европы, на страницах книг ученых-темуроведов и литераторов.

В настоящее время ученые-темуроведы осуществляют свою деятельность в более чем пятидесяти странах мира. Количество произведений, посвященных Амиру Темуру, на языках народов Европы превышает 900, а на языках народов Востока – 1000.

В главе «Независимость и Амир Темур» речь идет о том, что после обретения Узбекистаном государственной независимости личность Амира Темура вновь стала символом его Родины. Был учрежден орден Амира Темура. В Ташкенте, Шахрисабзе, Самарканде воздвигнуты величественные памятники Амира Темура, создан Государственный музей истории Темуридов, учрежден Международный благотворительный фонд Амира Темура. Со времени открытия Государственного музея истории Темуридов здесь побывали более 2 миллионов посетителей и свыше 800 иностранных делегаций и официальных гостей.

Проанализирован единственный в мире журнал «СохибкIRON юлдузи» («Звезда СахибкИрана»).

В главе «Узбекское темуроведение» рассмотрены взгляды Амира Темура на государственное управление, справедливость и право, развитие современного узбекского темуроведения, его сегодняшнее состояние и перспективы, образ Амира Темура в творчестве Алишера Навои и в современной узбекской литературе.

Дан историографический обзор образу Амира Темура в произведениях Алишера Навои, других узбекских писателей и поэтов, а также обобщенные многочисленные научные труды и монографии, брошюры и авторефераты, литературно-художественные произведения о выдающихся правителе и полководце. Обращено внимание на освещение в ряде журналов и газет темы Амира Темура и Темуридов, внесена ясность в данную научную историографию.

В следующей главе – «Амир Темур в зеркале мировой истории» дан общий обзор исследованиям и анализам темы Амира Темура в мировом масштабе, в частности, в Европе. Предоставлены ценные сведения о многочисленных уникальных раритетах об Амире Темуре и Темуридах, хранящихся в 10 знаменитых музеях семи государств Запада, в частности в музеях Великобритании «Виктория и Альберт», а так-

¹ Необходимо отметить, что в Европе и Узбекистане существуют различия при упоминании имени Амира Темура. Так, в Англии он более известен как Тамбуран, что является допущением в 1587 году известным произведением Кристофера Марло «Великий Тамбуран». В то же время, в Узбекистане более широкое распространение получило использование Амир Темур. Поэтому, далее в книге используется узбекский эквивалент, за исключением обстоятельств, на которые

же «Британия» (Лондон), Национальном музее в Дании (Копенгаген), музее «Лувр» во Франции (Париж), музее «Культуры метрополитена» США (Нью-Йорк) и музее «Культуры Востока» (Сан-Франциско), в музее Турции «Дворец Топкопи», а также «Турецкие и исламские произведения» (Стамбул), музее Государственного Эрмитажа в России (Санкт-Петербург), музее «Прикладного искусства» в Германии (Берлин).

Как известно, в апреле 1996 года 660-летие Амира Темура широко отмечалось не только в Узбекистане, но и под эгидой ЮНЕСКО во всем мире. В книге отмечается, что юбилейные торжества, посвященные 660-летию Амира Темура в 1996 году и 600-летию Мирзо Улугбека в 1994 году в штаб-квартире ЮНЕСКО в Париже, стали импульсом развития на новой основе сотрудничества между Узбекистаном и этого авторитетного специализированного учреждения ООН.

В главе «Дипломатия Амир Темура и Европа» речь идет о дипломатических отношениях во времена Амира Темура и Темуридов, а также об особенностях дипломатических писем Амира Темура отправленных европейским королям.

Следующая глава книги посвящена образу Амира Темура в европейской культуре, в частности в литературе, театре, изобразительном искусстве, скульптуре и зодчестве. Начиная с XVI века в Европе, на основе переводов рукописей восточных авторов появились первые произведения, посвященные Амиру Темуру. Все эти работы послужили важными источниками для распространения в XVI-XIX веках в Европе, в том числе во Франции сведений о жизни и деятельности Амира Темура, его философских и политических, дипломатических и правовых взглядах.

Несколько глав книги охватывает французское темуроведение. Французская школа темуроведения занимает ведущее место в мировом востоковедении в области изучения истории, науки, культуры, литературы и искусства эпохи Амира Темура и Темуридов. 22 марта 1987 года в Париже была создана «Ассоциация изучения истории и культуры эпохи Темуридов и французо-узбекского культурного сотрудничества», а в 1989 году был учрежден журнал «Темуриды» («La Timuride»). Приведены интересные сведения о переводе и издании «Уложения Темура» на французском языке.

В разделе «Шедевры Ренессанса Темуридов - в Музее Лувра» этой главы изложены интересные сведения о многих исторических памятниках, относящихся к периоду Амира Темура и династии Сахибкрана. Представлены рисунки этих уникальных экспонатов.

Кроме того в разделе «Еще раз о золотой статуэтке Амира Темура» идет речь о том, что в результате изысканий последних лет найдены ряд новых сведений, связанных с золотой статуэткой Амира Темура. Не секрет, что до сегодняшнего дня не был известен автор данной статуэтки, дата и место её создания и где она хранится в настоящее время. В этом разделе внесена некоторая ясность на эти вопросы.

В разделе «Амир Темура и Франция» особый акцент сделан на дипломатических связях Амира Темура и Короля Франции. Также, речь идет о произведениях французских ученых и писателей таких, как Пьер де Куртеиль, Вольтер, Монтескье, Дени Дидро, Виктор Гюго, Франсуа Пети де ла Круа, Сильвестр де Саси, Луи-Матьё Лангле, Марсель Брюно, Люсьен Керен, Венсан Фурнье, Жан-Луи Бакз-Граммон, Амин Маалуф, Милена Никович, посвященных Амиру Темуру и Темуридам.

В отдельной главе даны работы современных французских востоковедов, в частности знаменитого французского ученого-темуроведа

Луи-Матье Лангле, его предисловие к книге «Политические и военные уложения Амира Темура».

В главе «Из научно-творческой деятельности Люсьена Керена» большое место отведено научно-творческой деятельности выдающегося французского темуроведа Люсьена Керена, соавтора данного издания. Л. Керен является известным общественным деятелем, принимавшим активное участие в подготовке и проведении международной конференции в 1996 году с участием ученых-темуроведов из различных стран, а также недели «Развитие науки, культуры и образования в эпоху темуридов», прошедших в рамках празднования 660-летия Амира Темура в Париже под эгидой ЮНЕСКО. Л. Керен является автором пьесы «Великий Амир Темура». В 1996 году в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова Л. Керен был удостоен медали «Шухрат» («Слава»).

В данной книге, в главе «Сценическое произведение Люсьена Керена посвященное Амиру Темуру» впервые публикуется пьеса «Великий Амир Темура».

В книге «Амир Темура и Франция» даются переводы текстов 9 исторических писем, относящихся к дипломатическим перепискам эпохи Амира Темура и темуридов. Также в данной книге представлены мнения французских ученых и писателей о личности Амира Темура и его деятельности.

В «Послесловии» книги подчеркивается огромный интерес французского, также как и всего мирового сообщества к личности, огромной созидательной деятельности великого Амира Темура.

Даны резюме на узбекском (на латинской графике), французском, английском и русском языках.

АМИР ТЕМУР ВА ТАРИХ САБОҚЛАРИ (Мукаддима ўрнида)	9
ИСТИҚЛОЛ ВА АМИР ТЕМУР	
• Мустақиллик ва Амир Темур даҳосига авлодлар эҳтироми	19
• Амир Темур ордени	29
• Темурийлар тарихига бағишланган дунёдаги ягона музей	30
• Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси	38
• «Сохибқирон юлдузи» - дунёдаги темурийлар тарихига бағишланган ягона журнал	41
ЎЗБЕК ТЕМУРШУНОСЛИГИГА АЙРИМ ЧИЗГИЛАР	
• Амир Темур давлат бошқаруви, адолат ва ҳуқуқ тўғрисида	47
• Ҳозирги замон ўзбек темуршунослиги	65
• Амир Темур мавзуси - Алишер Навоий ижодидида	85
• Амир Темур сиймоси - ўзбек адабиетида	98
АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ - ЖАҲОН ТАРИХИ КЎЗГУСИДА	
• Амир Темур мавзуси жаҳон шарқшунослигида	119
• Жаҳон музейларидаги темурийларга оид осори атиқалар	139
• Амир Темур ва ЮНЕСКО: «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши»	151
АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ ВА ЕВРОПА	
• Амир Темур ва темурийлар даврида дипломатик муносабатлар	165
• Амир Темур дипломатик хатларининг хусусиятлари	183
АМИР ТЕМУР ВА ЕВРОПА МАДАНИЯТИ	
• Амир Темур ва Европа адабиёти	203
• Амир Темур ва Европа театршунослиги	211
• Амир Темур ва Европа тасвирий санъати ҳамда ҳайкалтарошчилиги	219
• Амир Темур ва Европа меъморчилиги	227
ЕВРОПА ТЕМУРШУНОСЛИК МАКТАБИ	
• Европа шарқшунослиги ҳамда Амир Темур ва темурийлар тарихи	239
• Европа темуршунослигига умумий тавсиф	242
АМИР ТЕМУР ВА ФРАНЦИЯ	
• Амир Темур ва Франция Қиролининг дипломатик алоқалари	251
• Амир Темур ва француз шарқшунослик мактаби	257
• Илм-фан ва маданиятлараро мулоқот	277
• Францияда Амир Темурга бағишланган сахна асарлари	281
• Францияда Темурийлар уюшмаси	284
• «Темурийлар» («La Timuride») бюллетени	290
• Темурийлар Ренессанс дурдоналари - Лувр музейида	295
• Яна Амир Темурнинг олтин ҳайкалчаси ҳақида	301
ФРАНЦУЗ ОЛИМЛАРИНИНГ АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАРГА ОИД АСАРЛАРИ ҲАҚИДА	
• Амир Темур француз шарқшунослари наздида	309
• Луи Матте Лангле - машҳур француз темуршунос олими	318
• П.М. Лангленнинг «Амир Темурнинг сиёсий ва ҳарбий институтлари» номли айтиби мукаддимаси	322
• «Темур тўзуклари» француз тилида	327
• Люсьен Карен - атоқли темуршунос олим	331

- Люсьен Кереннинг «Амир Темур салтанати» китобида
Луи Базен ёзган сўз боши..... 347

ТЕМУРХОНЛИК МУЛОҚОТЛАРИ

- Амир Темур - ўзбек ва француз олимлари нигоҳида..... 353

ЛЮСЬЕН КЕРЕН ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИДАН НАМУНАЛАР

- Амир Темурнинг Париждаги элчиси..... 388
- Архиепископ Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотирилар..... 389
- Темур Ҳокон салтанати..... 407
- Амир Темур, Боязид ва насроний қиролар..... 421
- Амир Темур ва Ибн Халдун..... 427
- Темурийлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори Темурбек
элчи Клавихо нигоҳида..... 431
- Улугбек ва Самарқанд астрономия мактаби (XV аср)..... 435

ЛЮСЬЕН КЕРЕННИНГ АМИР ТЕМУРГА БАҒИШЛАНГАН САҲНА АСАРИ

- Люсьен Кереннинг Амир Темурга бағишланган сахна асари..... 453
- «Буюк Темур» пьесаси..... 455

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ДИПЛОМАТИЯСИГА ДОИР МАҚТУБЛАР

- Амир Темурнинг Константинополь ҳукмдориға мактуби..... 516
- Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га мактуби..... 517
- Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га мактуби..... 518
- Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га иккинчи мактуби..... 519
- Франция Қироли Шарль VI нинг Амир Темурга мактуби..... 520
- Амир Темурнинг Кастилия Қироли Ҳенрих III га мактуби..... 521
- Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ Мирзонинг христиан шоҳ
ва шаҳзодаларга мактуби..... 522
- Амир Темурнинг Византия императори Мануил II Палеологнинг
носиби Иоанн Палеологга мактуби..... 523
- Англия Қироли Ҳенрих IV нинг Соҳибқирон Амир Темурга мактуби..... 524

АМИР ТЕМУР ФЕНОМЕНИ: СОҲИБҚИРОН ФРАНЦУЗ ОЛИМЛАРИ ТАЪРИФИДА..... 529

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАРГА ФРАНЦИЯДА, УМУМАН, ЕВРОПАДА ҚИЗҚИШНИНГ БОИСИ НИМАДА? (Хотима ўрнида)..... 534

- Резюме. Ўзбек тилида (Лотин алифбосида)..... 539
- Резюме. Француз тилида..... 542
- Резюме. Инглиз тилида..... 545
- Резюме. Рус тилида..... 547

MUNDARIJA

AMIR TEMUR VA TARIX SABOQLARI (Muqaddima o'rnida)..... 9

ISTIQLOL VA AMIR TEMUR

- Mustaqillik va Amir Temur dahosiga avlodlar ehtiromi 19
- Amir Temur ordeni 29
- Temuriylar tarixiga bag'ishlangan dunyodagi yagona muzey 30
- Xalqaro Amir Temur xayriya jamg'armasi 38
- «Sohibqiron yulduzi» – dunyodagi temuriylar tarixiga bag'ishlangan yagona jurnal..... 41

O'ZBEK TEMURSHUNOSLIGIGA AYRIM CHIZGILAR

- Amir Temur davlat boshqaruvi, adolat va huquq to'g'risida 47
- Hozirgi zamon o'zbek temurshunosligi 65
- Amir Temur mavzusi – Alisher Navoiy ijodida 85
- Amir Temur siymosi – o'zbek adabiyotida 98

AMIR TEMUR SIYMOSI – JAHON TARIXI KO'ZGUSIDA

- Amir Temur mavzusi jahon sharqshunosligida..... 119
- Jahon muzeylaridagi temuriylarga oid osori atiqalar 139
- Amir Temur va YUNESKO: «Temuriylar davrida ilm-fan, madaniyat va maorifning gullab-yashnashi»..... 151

AMIR TEMUR DIPLOMATIYASI VA YEVROPA

- Amir Temur va temuriylar davrida diplomatik munosabatlar 165
- Amir Temur diplomatik xatlarining xususiyatlari 183

AMIR TEMUR VA YEVROPA MADANIYATI

- Amir Temur va Yevropa adabiyoti..... 203
- Amir Temur va Yevropa teatrhunosligi..... 211
- Amir Temur va Yevropa tasviriy san'ati hamda haykaltaroshligi 219
- Amir Temur va Yevropa me'morchiligi 227

YEVROPA TEMURSHUNOSLIK MAKTABI

- Yevropa sharqshunosligi hamda Amir Temur va temuriylar tarixi 239
- Yevropa temurshunosligiga umumiy tavsif 242

AMIR TEMUR VA FRANSIYA

- Amir Temur va Fransiya Qirolining diplomatik aloqalari..... 251
- Amir Temur va fransuz sharqshunoslik maktabi..... 257
- Ilm-fan va madaniyatlararo muloqot 277
- Fransiya Amir Temurga bag'ishlangan sahna asarlari 281
- Fransiya Amir Temuriylar uyushmasi 284
- «Temuriylar» («La Timuride») byulleteni 290
- Temuriylar Renessansi durdonalari – Luvr muzeyida 295
- Yana Amir Temurning oltin haykakchasi haqida..... 301

TRANSUZ OLIMLARINING AMIR TEMUR VA TEMURIYLARGA OID ASARLARI HAQIDA

- Amir Temur fransuz sharqshunoslari nazdida 309
- Lui-Matyó Langle – mashhur fransuz temurshunos olimi 318

• L.M.Langlening «Amir Temurning siyosiy va harbiy institutlari» nomli kitobi muqaddimasi.....	322
• «Temur tuzuklari» fransuz tilida.....	327
• Lyusen Keren – atoqli temurshunos olim.....	331
• Lyusen Kerening «Amir Temur saltanati» kitobiga Lui Bazen yozgan soʻz boshi.....	347

TEMURXONLIK MULOQOTLARI

• Amir Temur – oʻzbek va fransuz olimi nigohida.....	353
------------------------------------------------------	-----

LYUSEN KEREN ILMJIY-IJODIY FAOLIYATIDAN NAMUNALAR

• Amir Temurning Parijdagi elchisi.....	388
• Arxiepiskop Ioann. Amir Temur va uning saroyi haqida xotiralar.....	389
• Temur Hoqon saltanati.....	407
• Amir Temur, Boyazid va nasroniy qirollar.....	421
• Amir Temur va Ibn Xaldun.....	427
• Temuriylar davlatining asoschisi va hukmdori Temurbek elchi Klavixo nigohida.....	431
• Ulugʻbek va Samarqand astronomiya maktabi (XV asr).....	435

LYUSEN KERENNING AMIR TEMURGA BAGʻISHLANGAN SAHNA ASARI

• Lyusen Kerening Amir Temurga bagʻishlangan sahna asari.....	453
• «Buyuk Temur» pyesasi.....	455

AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI DIPLOMATIYASIGA DOIR MAKTUBLAR

• Amir Temurning Konstantinopol hukmdoriga maktubi.....	516
• Amir Temurning Fransiya Qirolli Sharl VI ga maktubi.....	517
• Amir Temurning Fransiya Qirolli Sharl VI ga maktubi.....	518
• Amir Temurning Fransiya Qirolli Sharl VI ga ikkinchi maktubi.....	519
• Fransiya Qirolli Sharl VI ning Amir Temurga maktubi.....	520
• Amir Temurning Kastiliya Qirolli Henrix III ga maktubi.....	521
• Amir Temurning oʻgʻli Mironshoh Mirzoning xristian shoh va shahzodalarga maktubi.....	522
• Amir Temurning Vizantiya imperatori Manuil II Paleologning noibi Ioann Paleologga maktubi.....	523
• Angliya Qirolli Genrix IV ning Sohibqiron Amir Temurga maktubi.....	524

AMIR TEMUR FENOMENI: SOHIBQIRON FRANSUZ OLIMLARI TAʼRIFIDA.....

529

AMIR TEMUR VA TEMURIYLARGA FRANSIYADA, UMUMAN, YEVROPADA QIZIQISHNING BOISI NIMADA? (Xotima oʻrnida).....

534

• Rezyume. Oʻzbek tilida.....	539
• Rezyume. Fransuz tilida.....	542
• Rezyume. Ingliz tilida.....	545
• Rezyume. Rus tilida.....	547

AMIR TEMUR ET DES LEÇONS DE L'HISTOIRE (Introduction)	9
INDÉPENDANCE ET AMIR TEMUR	
• L'Indépendance et le respect des générations à Amir Temur	19
• L'Ordre Amir Temur	29
• Le Musée d'État sur l'Histoire des Timourides	30
• La Fondation internationale Amir Temur	38
• «Etoile du Conquérant» («Sohibqiron Yulduzi») - l'unique revue au monde	41
UN REGARD SUR LES ÉTUDES TIMURIDES EN OUZBÉKISTAN	
• Amir Temur sur l'administration publique, la justice et le droit	47
• Les études timurides en Ouzbékistan contemporain	65
• Amir Temur dans les œuvres de Mir Alisher Navoi	85
• Amir Temur dans la littérature ouzbèke	98
AMIR TEMUR DANS LE MIROIR DE L'HISTOIRE MONDIALE	
• Amir Temur dans l'orientalisme mondial	119
• Les raretés timurides dans les musées du monde	139
• Amir Temur et l'UNESCO: «L'Epanouissement de la Culture sous Temur et les princes Timurides»	151
DIPLOMATIE D'AMIR TEMUR ET L'EUROPE	
• Les relations diplomatiques au temps d'Amir Temur et des Timurides	165
• Les particularités des correspondances diplomatiques d'Amir Temur	183
AMIR TEMUR ET LA CULTURE EUROPÉENNE	
• Amir Temur et la littérature européenne	203
• Amir Temur et le théâtre européen	211
• Amir Temur et la peinture et la sculpture européenne	219
• Amir Temur et l'architecture européenne	227
ÉCOLES EUROPÉENNES DES ÉTUDES TIMURIDES	
• L'orientalisme européen et l'histoire d'Amir Temur et des Timurides	239
• La description générale des études timurides	242
AMIR TEMUR ET LA FRANCE	
• Les relations diplomatiques entre Amir Temur et le Roi de France	251
• Amir Temur et l'orientalisme français	257
• La coopération scientifique et culturelle	277
• Les spectacles français consacrés à Amir Temur	281
• L'Association pour l'Art et l'Histoire Timurides en France	284
• La Gazette «La Timuride»	290
• Chefs-d'œuvre de la Renaissance Timuride au Musée du Louvre	295
• Une fois de plus sur la statuette en or d'Amir Temur	301

ŒUVRES FRANÇAISES SUR AMIR TEMUR ET LES TIMURIDES

• Amir Temur au regard des orientalistes français	309
• Louis-Mathieu Langlès - savant en études timurides	318
• Louis-Mathieu Langlès. La Préface du livre «Instituts politiques et militaires de Tamerlan»	322
• «Les Instituts de Tamerlan» en français	327
• Lucien Kehren - savant en études timurides	331
• La préface de Louis Bazin, écrite pour le livre de Lucien Kehren «Tamerlan: l'empire du seigneur de fer»	347

CONVERSATIONS AUTOUR DE TEMUR

• Amir Temur au regard des savants ouzbek et français	353
-------------------------------------------------------------	-----

EXEMPLES D'ŒUVRES LITTÉRAIRES DE LUCIEN KEHREN

• Un ambassadeur de Tamerlan à Paris	388
• Archevêque Jean. Mémoires sur Tamerlan et sa cour	389
• Tamerlan, le Seigneur de fer	407
• Tamerlan, Bajazet et rois chrétiens	421
• La rencontre de Tamerlan et d'Ibn Khaldoun	427
• Tamerlan, fondateur de l'empire au regard de l'ambassadeur Clavijo	431
• Ulughbek et l'école d'astronomie de Samarkand (XVe siècle)	435

**PIÈCE DE THÉÂTRE DE LUCIEN KEHREN CONSACRÉE
À AMIR TEMUR**

• La Pièce de théâtre de Lucien Kehren consacrée à Amir Temur	453
• La Pièce «Tamerlan le Grand»	455

**CORRESPONDANCES RELATIVES À LA DIPLOMATIE
D'AMIR TEMUR ET DES TIMURIDES**

• La lettre d'Amir Temur au régent de Constantinople	516
• La lettre d'Amir Temur au Roi de France Charles VI	517
• La lettre d'Amir Temur au Roi de France Charles VI	518
• La deuxième lettre d'Amir Temur au Roi de France Charles VI	519
• La lettre du Roi de France Charles VI à Amir Temur	520
• La lettre d'Amir Temur au Roi de Castille Henri III	521
• La lettre de fils d'Amir Temur Mirzo Miranchoh au Roi et aux princes chrétiens	522
• La lettre d'Amir Temur au représentant Jean Paléologue de l'empereur de Byzance Manuel II Paléologue	523
• La lettre du Roi d'Angleterre Henri IV à Amir Temur	524

**PHÉNOMÈNE AMIR TEMUR: LE CONQUÉRANT DANS LES
CITATIONS DES SAVANTS FRANÇAIS**

529

**QUELLES SONT LES MOTIVATIONS POUR L'ÉTUDE
D'AMIR TEMUR ET DES TIMOURIDES EN FRANCE,
ET MÊME EN EUROPE? (Conclusion)**

534

• Le résumé en ouzbek	539
• Le résumé en français	542
• Le résumé en anglais	545
• Le résumé en russe	547

CONTENT

AMIR TEMUR AND LESSONS OF HISTORY

(instead of prologue)	9
-----------------------------	---

SOVEREIGNTY AND AMIR TEMUR

• Independence and respect of generations to Amir Temur's genius	19
• Order of Amir Temur	29
• The only museum in the world dedicated to the Temurids' history	30
• International Amir Temur Fund	38
• «Sohibkiron Yukduzi» - the only magazine dedicated to the Temurids' history	41

UZBEK SCHOOL ON STUDIES OF AMIR TEMUR

• Amir Temur on public administration, justice and law	47
• The contemporary studies on Temur	65
• Amir Temur in works of Alisher Navoi	85
• Amir Temur in the Uzbek literature	98

AMIR TEMUR IN THE WORLD HISTORY

• Amir Temur in the world oriental studies	119
• Ancient monuments related to the epoch of Temurids in the world museums	139
• Amir Temur and UNESCO: «Prosperity of science, culture and education during the epoch of Temurids»	151

AMIR TEMUR'S DIPLOMACY AND EUROPE

• Diplomatic relations of Amir Temur and Temurids with Europe	165
• Characteristics of the diplomatic correspondence of Amir Temur	183

AMIR TEMUR AND EUROPEAN CULTURE

• Amir Temur and the European literature	203
• Amir Temur and the European theatre	211
• Amir Temur and the European art of painting and sculpture	219
• Amir Temur and the European architecture	227

EUROPEAN SCHOOL ON STUDIES OF TEMUR

• European oriental studies and history of Amir Temur and Temurids	239
• General characteristics of European studies on Amir Temur	242

AMIR TEMUR AND FRANCE

• Diplomatic relations of Amir Temur and the King of France	251
• Amir Temur and the French school of oriental studies	257
• Scientific and cross-cultural dialogue	277
• Pieces devoted to Amir Temur in France	281
• Temurids Association in France	284
• «La Timuride» bulletin	290
• Masterpieces of Temurids Renaissance at the Museum of the Louvre	295
• Once again on the gold statuette of Amir Temur	301

WORKS OF FRENCH SCHOLARS ON AMIR TEMUR AND TEMURIDS

• Amir Temur in the sight of the French Orientalists	309
• Louis Mathieu Langles - the famous French scholar on Amir Temur	318
• Preface to L.M.Langles' book «Political and Military Institutions of Tamerlane»	322
• The «Institutes of Temur» in French	327
• Lucien Kehren - an outstanding scholar on Amir Temur	331
• The preface by Louis Bazin, written for Lucien Kehren's book «Empire of Amir Temur»	347

CONVERSATIONS ABOUT AMIR TEMUR

• Amir Temur at the standpoint of an Uzbek and French scholars	353
----------------------------------------------------------------------	-----

EXAMPLES OF SCIENTIFIC-LITERARY WORKS OF LUCIEN KEHREN

• Amir Temur's ambassador in Paris	388
• Memoirs about Temur and his court	389
• Kingdom of Temur Khakan	407
• Amir Temur, Bajazet and Christian kings	421
• Amir Temur and Ibn Khaldoun	427
• Temurbek, the founder and ruler of Temurids empire in the sight of the ambassador Clavijo	431
• Ulugbek and Samarkand astronomy school (XV century)	435

LUCIEN KEHREN'S PIECE DEVOTED TO AMIR TEMUR

• Lucien Kehren's piece devoted to Amir Temur	453
• Piece «Tamburlaine the Great»	455

DIPLOMATIC LETTERS OF AMIR TIMUR AND THE TIMURIDS EPOCH

• Letter of Amir Temur to the governor of Constantinople	516
• Amir Temur's letter to the King of France Charles VI	517
• Amir Temur's letter to the King of France Charles VI	518
• Amir Temur's second letter to the King of France Charles VI	519
• Letter of the King of France Charles VI to Amir Temur	520
• Amir Temur's letter to the King of Castile Enrique III	521
• Letter of Amir Temur's son Mirzo Miranshah to the Christian kings and the princes	522
• Amir Temur's letter to John Paleolog, assistant of the Byzantine Emperor Maniuel II Paleolog	523
• Letter of the King of England Henry IV to the Amir Temur the Great	524

PHENOMENON OF AMIR TEMUR: CONQUEROR IN ASSESSMENT OF THE FRENCH SCHOLARS 529 |

WHAT ARE THE REASONS OF STUDY AMIR TEMUR AND TIMURIDS IN FRANCE, AND EVEN IN EUROPE? (instead of epilogue) 534 |

• Resume in Uzbek	539
• Resume in French	542
• Resume in English	545
• Resume in Russian	547

СОДЕРЖАНИЕ

АМИР ТЕМУР И УРОКИ ИСТОРИИ (Вместо предисловия)	9
НЕЗАВИСИМОСТЬ И АМИР ТЕМУР	
• Независимость и уважение поколений к Амиру Темуру.....	19
• Орден Амира Темура.....	29
• Единственный в мире музей об истории Тимуридов.....	30
• Международный благотворительный фонд Амира Темура.....	38
• «Звезда Сахибжирана» («Сохибкирон юлдузи») – единственный журнал в мире, посвященный истории Тимуридов.....	41
УЗБЕКСКОЕ ТЕМУРОВЕДЕНИЕ	
• Амир Темур о государственном управлении, справедливости и законе.....	47
• Современное темуроведение в Узбекистане.....	65
• Амир Темур в творчестве Алишера Навои.....	85
• Образ Амира Темура в современной узбекской литературе.....	98
АМИР ТЕМУР В ЗЕРКАЛЕ МИРОВОЙ ИСТОРИИ	
• Амир Темур в мировом востоковедении.....	119
• Раритеты Тимуридов в музеях мира.....	139
• Амир Темур и ЮНЕСКО: «Расцвет науки, культуры и образования в эпоху Темуридов».....	151
ДИПЛОМАТИЯ АМИРА ТЕМУРА И ЕВРОПА	
• Дипломатические отношения во времена Амира Темура и Темуридов.....	165
• Особенности дипломатических писем Амира Темура.....	183
АМИР ТЕМУР И ЕВРОПЕЙСКАЯ КУЛЬТУРА	
• Амир Темур и европейская литература.....	203
• Амир Темур и европейский театр.....	211
• Амир Темур и европейская живопись и скульптура.....	219
• Амир Темур и европейская архитектура.....	227
ЕВРОПЕЙСКАЯ ШКОЛА ТЕМУРОВЕДЕНИЯ	
• Европейское востоковедение и история Амира Темура и Темуридов.....	239
• Общая характеристика европейского темуроведения.....	242
АМИР ТЕМУР И ФРАНЦИЯ	
• Дипломатические отношения между Амиром Темуром и Королем Франции.....	251
• Амир Темур и французская школа востоковедения.....	257
• Научный и межкультурный диалог.....	277
• Сценические произведения, посвященные Амиру Темуру во Франции.....	281
• Ассоциация Темуридов во Франции.....	284
• Бюллетень «Темуриды» («La Timuride»).....	290
• Шедевры Ренессанса Темуридов – в Музее Лувра.....	295
• Еще раз о золотой статуэтке Амира Темура.....	301
ФРАНЦУЗСКИЕ УЧЕНЫЕ ОБ АМИРЕ ТЕМУРЕ И ТЕМУРИДОВ	
• Амир Темур – глазами французских востоковедов.....	309

• Луи-Матье Пангле - знаменитый французский ученый-темуровед.....	318
• ЛМ. Пангле. Предисловие к книге «Политические и военные уложения Амира Темура».....	322
• «Уложения Темура» на французском языке.....	327
• Люсьен Керен - выдающийся ученый-темуровед.....	331
• Предисловие Луи Базена к книге Люсьена Керена «Государство Амира Темура».....	347

ДИАЛОГИ ОБ АМИРЕ ТЕМУРЕ

• Амир Темур - глазами узбекского и французского ученых.....	353
--------------------------------------------------------------	-----

ИЗ НАУЧНО-ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛЮСЬЕНА КЕРЕНА

• Посол Амира Темура в Париже.....	388
• Архиепископ Иоанн. Воспоминания об Амире Темуре и его дворе.....	389
• Государство Амира Темура.....	407
• Амир Темур, Баязид и христианские короли.....	421
• Встреча Амира Темура и Ибн Халдуна.....	427
• Основатель и правитель государства Темуридов Амир Темур - глазами посла Клавиho.....	431
• Улутбек и Самаркандская школа астрономии (XV век).....	435

СЦЕНИЧЕСКОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ ЛЮСЬЕНА КЕРЕНА, ПОСВЯЩЕННОЕ АМИРУ ТЕМУРУ

• Сценическое произведение Люсьена Керена, посвященное Амиру Темуру.....	453
• Пьеса «Великий Амир Темур».....	455

ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ ПИСЬМА АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ

• Письмо Амира Темура правителю Константинополя.....	516
• Письмо Амира Темура Королю Франции Шарлю VI.....	517
• Письмо Амира Темура Королю Франции Шарлю VI.....	518
• Второе письмо Амира Темура Королю Франции Шарлю VI.....	519
• Письмо Короля Франции Шарля VI Амиру Темуру.....	520
• Письмо Амира Темура Королю Кастилии Генриху III.....	521
• Письмо сына Амира Темура Мирзо Мираншаха к христианским царям и царевичам.....	522
• Письмо Амира Темура заместителю императора Византии Палеолога Мануила II, Иоану Палеологу.....	523
• Письмо Короля Англии Генриха IV Амиру Темуру.....	524

ФЕНОМЕН АМИРА ТЕМУРА: ФРАНЦУЗСКИЕ УЧЕНЫЕ О САХИБКИРАНЕ.....

• В чем причина интереса к Амиру Темуру и Темуридам во Франции и в целом в Европе (Вместо послесловия).....	534
• Резюме на узбекском языке.....	539
• Резюме на французском языке.....	542
• Резюме на английском языке.....	545
• Резюме на русском языке.....	547

ЛЮСЬЕН КЕРЕН, АКМАЛ САИДОВ
АМИР ТЕМУР ВА ФРАНЦИЯ

Мухаррирлар: А. Омонов,
Г. Ортиқсужаева,
А. Аҳмедов
*Саҳифаловчи
ва дизайнер:* Ш. Расулов

*Китобда Темурийлар тарихи давлат музейи,
Ўзбекистон Давлат тарихи музейи,
Ўзбекистон Бадиий Академияси,
Камолiddин Беҳзод мемориал боғ-музейи,
фотограф Виктория Боц
фотосуратларидан фойдаланилди.*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лш. А1 № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Телефон: 0(371) 268-28-56, 268-28-57,
Факс: 0(371) 268-28-43, 268-28-41.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 28.06.2016 й.
Қоғоз бичими 60x90 1/8, «Antiqua» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 70,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи 50,0. Адади 2000 нусха.
344-буюртма. Нархи шартнома асосида.



«Аргументы и факты Ўзбекистан» МЧЖ ҚҚда чоп этилди.
100005, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.